

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
А К А Д Е М И Я

Ш. Р. ҚОБИЛОВ

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий таълим
муассасалари учун дарслик сифатида тавсия этилган*

Тошкент – 2013

Тақризчилар:

иқтисод фанлари докторлари, профессорлар
Ҳ. Абулқосимов, Т. Т. Жўраев, С. М. Зайнутдинов

Қ-55 Қобилов Ш. Р.

Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: Ўзбекистон
Республикаси ИИВ Академияси, 2013. – 775 б.

Ушбу дарсликда иқтисодиёт назариясидаги янги қарашлар, қонун-қоидалар, ХХІ асрда янгиланаётган иқтисодиёт ва ундаги ҳодисалар мустақиллик йилларида ушбу фанни ўқитиш борасида тўпланган тажрибага таяниб, янги талқин этилган.

Мавзуларда назария амалиёт билан уйғунликда, макроиқтисодий кўрсаткичлар таҳлиллари асосида баён этилиб, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодиётида муносиб ўрин эгаллаётгани, иқтисодий тараққиётнинг умумий асослари, бозор иқтисодиёти қонун-қоидалари, микро ва макроиқтисодиёт, глобаллашув ва жаҳон иқтисодиётига оид билимлар, мустақиллигимизнинг иқтисодий асосларини изчил мустаҳкамлаётган «Ўзбек модели»нинг моҳияти ёритилган. Дарслик тингловчи ва курсантларда Ўзбекистоннинг иқтисодий тараққиёт йўлига ишончини мустаҳкамлаб, жамиятнинг иқтисодий негизларини кўз қорачиғидай асраш туйғусини шакллантиришга кўмаклашади.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ тизимидаги олий таълим муассасаларининг тингловчи ва курсантларига мўлжалланган.

ББК 65я73

СЎЗБОШИ

Мамлакатимиз бундан йигирма бир йил олдин ўз мустақиллигини эълон қилиб, тарихий тараққиётининг янги босқичига қадам қўйди. Бу йиллар давомида босиб ўтган мураккаб, шу билан бирга, шарафли йўлимизга назар ташлар эканмиз, Ўзбекистоннинг ўтган давр мобайнида иқтисодий ва ижтимоий ривожланиш борасида эришган марра ва натижаларини холисона баҳолаш зарурати мавжуд эканини ҳар бир соғлом фикрлайдиган инсон чуқур англайди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримов кўрсатиб берган жамиятда аниқ сиёсий ва ҳўжалик стратегияси, ислоҳотларнинг ишлай оладиган яхлит дастури зарур эканлигидан келиб чиқиб, айнан шундай давлат дастури ишлаб чиқилди. Бу дастур тараққиётнинг «Ўзбек модели» бўлиб, ушбу моделнинг асосини машҳур бешта асосий принцип ташкил этди: *иқтисоднинг сиёсатдан устунлиги; давлат бош ислоҳотчи эканлиги; қонун устуворлиги; кучли ижтимоий сиёсат; ислоҳотларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши*. Ушбу асос бўлувчи принциплар, Президентнинг ғоялари ва қоидалари Ўзбекистон тараққиёти ва миллий мафкурасининг тамал тоши эканлигини айнаи замонда ижтимоий ҳаётнинг ўзи исботлади.

Дарҳақиқат, самарали иқтисодиёт бизнинг нафақат бугунги, балки эртанги ҳаётимиз, ҳозирги ва келажакдаги фаровонлигимиздир.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг *беш қоидаси* марказдан туриб режалаштиришга асосланган, маъмурий-буйруқбозлик усулидаги тақсимлаш тизимидан, тоталитаризмдан, яъни бизга мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган пахта яккаҳоқимлиги ва бой минерал хом ашё ресурсларидан назоратсиз фойдаланиш асосига қурилган сийқа иқтисодиётдан мустақилликка, ҳаракатчан бозор иқтисодиётига ўтишга, янги миллий цивилизацияни шакллантиришга йўл очди. Президент Ислом Каримов раҳбарлигида мамлакатимиз ўзининг эски муносабатларидан босқичма-босқич қутула бошлади.

Ижтимоий тараққиёт шакли сифатида либераллаштириш ўзининг бир қатор муҳим таркибий қисмлари бўлишини талаб этади. Либераллаштириш мамлакат тараққиётининг сифат жиҳатдан янги

босқичидир. Мамлакатимизнинг муайян шароитларидан келиб чиқиб, бундай таркибий қисмлар сирасига сиёсий, иқтисодий ҳамда давлат ва жамият қурилиши соҳаларини эркинлаштириш киритилган. Бунда жамиятни эркинлаштиришнинг фақат стратегик устувор йўналишлари назарий жиҳатдан белгиланиб қолмасдан, балки унинг хусусий мулкни ривожлантириш ва шу асосда мулкдорлар синфини, реал рақобатчилик муҳитини шакллантириш каби асосий таркибий қисмлари ҳам белгилаб берилган. Айни пайтда бозор инфратузилмасини ривожлантириш, молия ва банк тизимининг фаолият кўрсатишини такомиллаштириш, бутун ташқи иқтисодий фаолиятни ташкил қилиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш, валюта бозорини эркинлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш бўйича рағбатлантиришларни мустаҳкамлаш, кафолатлар ва имтиёзлар доирасини кенгайтириш, фаол инвестиция фаолияти учун қулай муҳитни шакллантириш, ҳар хил текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг корхоналарнинг хўжалик фаолиятларига асоссиз аралашувларини чеклаш, банкротлик институтининг родини ошириш, хўжалик судлари фаолиятини фаоллаштириш ҳам назарда тутилган эди. Иқтисодий ислохотларнинг воқеликлари ва либераллаштиришнинг янги вазифаларидан келиб чиқиб, экспорт салоҳиятини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалик тизимига фаол киришини таъминлаш билан боғлиқ вазифалар айнан Президент Ислом Каримов томонидан илгари сурилган бўлиб, бугунги мураккаб даврда, гарчанд ҳозир ҳам жаҳон молиявий иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамай, Ўзбекистонда унинг енгил кечиши учун асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Мустақилликка қадар, яъни 1989–1991 йиллардаёқ давлатимиз раҳбари кўп нарса кичик бизнесни ривожлантириш устуворлиги билан боғлиқ эканлигига эътибор қаратгани, бу фақат ялпи ички маҳсулотни шакллантиришнинг асосий бўғини бўлибгина қолмай, балки бандлик ва аҳоли даромадлари манбаи, халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим омили ҳам бўлиши кераклиги ва ушбу устувор йўналишлар ичида ўзак вазифа этиб белгиланганлигини эслаш ўринлидир.

Президент Ислом Каримовнинг назарий қарашлари тизимида ўзига хос макроиқтисодий ва жипслаштирувчи хусусиятга эга функцияларни берган ҳолда, давлатни аста-секин бозор муносабатларининг либерал субъектига айлантириш билан боғлиқ

муаммо муҳим ўрин тутди. Бунда *жипслаштиришнинг асосий йўналиши умуммиллий манфаатлар ва нодавлат сектордаги тадбиркорлик манфаатларининг органик интеграцияси жараёндир*. Жипслаштиришнинг бу функцияси, айниқса, жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви шароитида жуда муҳимлигини давлатимиз раҳбари ўзининг тарихий аҳамиятга эга «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли асарида баён этиб берган.

Ривожланган бозор иқтисодиётига эга демократик дунёвий давлат қуриш, кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш бўйича Ўзбекистон Республикаси олдида турган мақсадлардан келиб чиқиб, Президент Ислом Каримов мамлакатнинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви қонуниятини аввалданок яққол тасаввур қилган давлат раҳбаридир. Бу эса ўзбек моделининг глобаллашув жараёнларига самарали мослашиши ва ўз тараққиётида янги туртки олишга имкон яратди. Чунки иқтисодиётдаги туб ислохотлар Ўзбекистонда жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсирини бартараф этиш асосини ташкил этади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг мустақилликнинг 20 йиллиги арафасида чоп этилган «*Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида*» китобида юқорида қайд этилган масалалар батафсил ёритилиб, унда: «Марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган бутун совет тизимига хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикамиз иқтисодиётининг бир ёқлама ривожланиб, фақат хом ашё етказиб беришга йўналтирилгани, иқтисодиёт, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. СССР парчаланиб кетганидан кейин вужудга келган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши, инфляциянинг ўта кескин ўсишини жиловлаш, илгари қарор топган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқиб кетиши оқибатларига барҳам бериш, ишсизликнинг янада авж олишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этганлиги» ҳақида маълумотлар олиш мумкин.

Ўзбекистон халқи ўз раҳбари Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний кадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишга азму қарор қилдик. Юқоридаги омиллар мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий, молиявий хавфсизликни таъминлаш пойдевори вазифасини бажармоқда.

Ушбу дарсликда иқтисодиётга оид назарий хулосаларни ижтимоий ҳаёт билан боғлашга ҳаракат қилинди. Президент Ислом Каримов асарларида баён этилган илмий қоидаларни мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар амалиёти билан боғлашга катта аҳамият берилди. Унда ХХІ аср иқтисодиётидаги жиддий ўзгаришлар инobatга олинди. Олий таълим муассасаларида таълим олаётган ёшларимиз жадал янгиланаётган иқтисодиёт шароитида яшаши ва ишлаши учун, Президент таъбири айтганда, *«бугунги тез ўзгараётган ҳаёт воқелигига онгли қараб, мустақил фикрлаши ва диёримиздаги барча ўзгаришларга дахлдорлик туйғуси билан яшаш зарурлиги»*, уларга мослаша боришлари керак бўлади. Бунинг учун *«Иқтисодиёт назарияси»* берадиган фундаментал билимларни эгаллаб олишга тўғри келадики, бу ҳақда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақилликнинг илк йилларида *«Президентдан то оддий фуқарогача, ёши ва вазифасидан қатъи назар – ҳаммани бугунги замон талабларига, бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига ўргатиши»* муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлаган. Шу боис *«Иқтисодиёт назарияси»* фани тингловчиларнинг иқтисодиётнинг ривожланиши ва мазмуни, жамиятда рўй бераётган иқтисодий жараёнлар моҳиятини тушуниб етиши, иқтисодиётнинг сир-асрорларини идрок этиши, Ўзбекистон ва жаҳон мамлакатлари иқтисодий тараққиётининг ўзига хос жиҳатлари, моҳияти, ривожланиш босқичлари ҳақидаги билимларини шакллантиришда яқиндан ёрдам беради.

Мазкур дарсликка асос қилиб олинган яна бир принцип – назарий билимларни тушунарли услубда етказиш, яъни мавзуга оид айрим хулосалар, иқтисодиёт назарияси фанининг асосий тушунчалари, тафсилотини ёритишдан иборат бўлади. Шу боис унда илмий қоида ва хулосаларнинг баёнига асосий эътибор қаратилди,

келтирилган рақамларда Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўлига бўлган ишончи, фуқароларимиз қатъияти, ташаббускорлиги, бунёдкорлик, яратувчанлик ғояси билан яшаётганлиги ва албатта, ўз келажагини янада фаровон этишга интилиши ифодаланган. Бу рақамлар, энг аввало, одамларимиз онгидаги ўзгаришлар маҳсули сифатида мамлакатимизда рўй бераётган изчил иқтисодий ўсишни акс эттириб, фуқароларимизнинг меҳнатга, жамиятнинг иқтисодий негизи бўлган мулкка бўлган муносабатининг маҳсули эканлигини, жойларда, ниҳоят, тараққиётни белгиловчи куч – тадбиркор ва фермерларга мустақилликнинг дастлабки йилларидагидек «ўғай кўз» билан эмас, балки хусусий мулкка иқтисодиётнинг ҳал этувчи таянчи сифатида муносабатда бўлинаётгани маҳсули эканлиги далолатидир.

Ҳозирги вақтда жамиятимизда иқтисодиёт оламини билишга интилиш кучайди, аммо уни фақат иқтисодий қийинчилик билан изоҳлаш нотўғри бўлади. Гап шундаки, бугунги кунга келиб, мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари ҳамда унга эътибор янада ортиб бормоқда. Тадбиркор бўлиб яхши даромад топиш учун ишнинг кўзини, иқтисодий фаолиятнинг барча сир-асрорларини ва нозик томонларини чуқур билишга интилиш кучайди. Шунингдек, иқтисодиёт назариясини билиш нафақат амалий фаолият учун, балки иқтисодий иш билан шуғулланмайдиган кишилар учун ҳам кераклигини ҳозирги кунда дунёда давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози кун тартибига олиб чиқди, чунки улар ҳеч бўлмаганда истеъмолчи (харидор) бўлиб майдонга чиқадилар, пул топадилар, уни сарфлайдилар, оила бюджетини юритадилар. Умуман олганда, иқтисодий муносабатларга киришмай яшайдиган инсон бўлмайди.

Мазкур дарслик иқтисодиёт назариясини мустақил ўрганиш талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўқувчиларда янгича иқтисодий фикрлаш кўникмасини шакллантириш заруратини ҳам ҳисобга олади. Унда тингловчиларнинг мустақил билим олишлари, ёзма ишлар тайёрлашлари инобатга олиниб, бир қатор маълумотлар кенгроқ ёритилди.

Маълумки, Давлат таълим стандартлари доирасида бир қанча дарслик, ўқув қўлланмалари ва маърузалар курслари амал қилиши мумкин. Шу боис, биз ушбу дарсликни муқобил дарслик сифатида тайёрлашни лозим топдик. Мазкур дарсликни тайёрлашда етакчи

олимлар томонидан мустақиллик йилларида яратилган дарсликлар, айниқса, 2006 йилда ҳаммуаллифликда чоп этилган «Иқтисодиёт назарияси» дарслигидан фойдаланилди. Муаллиф уни тайёрлашда кўрсатган беғараз ёрдамлари учун профессорлар А. Ўлмасов ва А. В. Ваҳобовга самимий миннатдорчилигини билдиради.

Дарсликнинг «Иқтисодиётни тартибга солишда давлатнинг роли» номли 18-мавзуси иқтисод фанлари номзоди С. Е. Ерназаров билан ҳаммуаллифликда ёзилди.

Дарслик ўқув дастури (2011 й.) асосида тайёрланган. Муаллиф дарслик тўғрисида билдирилган барча фикр-мулоҳазаларни мамнуният билан қабул қилади ва кейинги ишларида уларни инобатга олади.

1-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

1-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва методи

Иқтисодиёт назарияси – умумиқтисодий фан, унинг предмети кишилар иқтисодий ҳатти-ҳаракатининг шарт-шароити ва қонун-қоидаларидир. Мазкур фаннинг методологик тамойиллари иқтисодиётни тизим сифатида ўрганиш, унга ноиқтисодий омиллар ва табиий шарт-шароит, технологик ўзгаришлар таъсирини назарда тутиш, иқтисодиётни статистикада эмас, балки динамикада ўрганишдир.

Ушбу фанда иқтисодий ҳодисаларни кузатиш, абстракциялаш орқали назарий хулоса чиқариш, назарий моделлар яратиш, позитив ва норматив усулларни қўллаш, миқдорий ва сифатли таҳлилни бирлаштириш, оддий ҳодисалардан мураккаб ҳодисаларни ўрганишга ўтиш, иқтисодиётни унинг турли даражаларида ўрганиш каби усуллар қўлланилади. Бу фан ўз предметини ўрганишда шундай қонун ва категорияларни қўллайдики, улар умумиқтисодий ва айрим тизимларга хос бўлади. Фаннинг функциялари иқтисодий ҳодисаларни идрок этиш, кишиларга иқтисодий билим бериш, бошқа иқтисодий фанларга назарий асос бўлиш, шунингдек, иқтисодий сиёсатга оид амалий тавсиялар беришдан иборат.

Иқтисодиёт назарияси фани предметига оид қарашлар (таърифлар) қуйидагича:

- иқтисодиёт назарияси – бойлик тўғрисидаги фан;
- иқтисодиёт назарияси – жамиятда юз берадиган иқтисодий ҳодисалар, жараёнлар ва уларнинг қонун-қоидаларини ўргатувчи фан;
- иқтисодиёт назарияси – кишилар томонидан ҳар-хил товарларни (буғдой, мол гўшти, пальто ва ҳ.к.) ишлаб чиқариш мақсадида ноёб ва чекланган унумли ресурслардан (ер, ишлаб

чиқаришга мўлжалланган товарлар, меҳнат, машиналар) фойдаланиш тўғрисидаги фан;

иқтисодиёт назарияси – айирбошлаш, пулли битимлар билан боғлиқ иқтисодий фаолият турлари ҳақидаги фан;

иқтисодиёт назарияси – ишлаб чиқариш инсоннинг истеъмол борасида ўз вазифаларини қандай бажараётганлиги тўғрисидаги фан;

иқтисодиёт назарияси – кишиларнинг кундалик ишбилармонлик фаолияти, тирикчилик манбаи, ўз маблағидан фойдаланиши тўғрисидаги фан ва ҳ.к.

Иқтисодиёт назарияси фанининг вазифалари қуйидагича:

иқтисоднинг сир-асрорларини ўрганиш, уларни оммага етказиб, иқтисодий билим савиясини ошириш;

бошқа иқтисодий фанларга илмий-услубий асос бўлиб хизмат қилиш. Бошқа фанлар иқтисодий назария асослаб берган категория ва қонунларга таянган ҳолда ўз предметини ўрганади. Айни вақтда назария бошқа фанлар хулосаларига асосланиб иқтисодий ходисаларни умумлаштиради;

амалий тавсиялар бериш. Бу тавсиялар умумиқтисодий сиёсатга тегишли бўлади. Улар иқтисодий ўсишни ва унинг самарадорлигини ошириш, аҳолини тўла иш билан таъминлаш ва унинг фаровонлигини ошириш, иқтисодиётни барқарорлаштириш ва инфляцияни бартараф этиш, иқтисодий интеграциялаш ва ташқи алоқаларни кенгайтириш каби умумий аҳамиятга эга тавсиялардир.

Иқтисодиёт назарияси фанининг услублари:

умумийлик ва хусусийликнинг бирлиги;

илмий абстракция;

тарихийлик ва мантиқийликнинг бирлиги;

назарияни ижтимоий амалиёт билан боғлаш;

индукция ва дедукция;

анализ ва синтез;

миқдор ва сифат таҳлилининг яхлитлиги.

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи – жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиёт – турли-туман иқтисодий фаолиятларни, ишлаб чиқаришнинг муайян усулини ҳамда инфратузилмавий муассасаларини яхлит қилиб бирлаштирувчи иқтисодий тизим.

Иқтисодий фаолият – инсонларнинг моддий ва маънавий неъматлар ишлаб чиқариш, истеъмолчига етказиб бериш ҳамда

хизматлар кўрсатишга қаратилган, бир-бирига боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятлари.

Иқтисодиётнинг асосий муаммоси – бу иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг чексиз эҳтиёжларини қандай қилиб тўлароқ қондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масаладир.

Иқтисодиётнинг асосий муаммосини ҳал қилиш йўллари:

- иқтисодий ресурслар миқдорини кўпайтириш;
- ресурслар унумдорлигини ошириш;
- ресурслардан фойдаланишнинг турли **муқобил**

вариантларидан энг самаралисини танлаш;

- ресурсларни самарали уйғунлаштириш;
- жамият эҳтиёжларини чеклаш.

2. Иқтисодиёт назарияси фанининг методологияси

Методологиянинг фалсафий луғатлардаги биринчи талқинига кўра, у бирон-бир фанда кўлланиладиган тадқиқот метод (усул)ларининг мажмуи, иккинчи маъноси эса, илмий билиш ва дунёни ўзгартириш методи ҳақидаги таълимотдир.

Бундай фикр бошқа кўплаб адабиётларда ҳам учрайди, аммо методологияни методларнинг оддий йиғиндиси, деб талқин этиш унинг туб моҳиятини англаш имконини бермайди. Шунингдек, фан методологиясини умумфалсафий (универсал), умумий ва хусусий илмий методларнинг йиғиндиси, деб ҳисоблаш ҳам масалага юзаки ёндашувни англатади. Айни вақтда, фан методологияси билан фаннинг методологик функцияси ўртасида фарқ борлигини ҳам ёдда тутиш лозим. Баъзи олимлар «методология» тушунчасида воқеликни ўрганишнинг хусусий йўллари ва методларини бирлаштиришга уринадилар. Яна бошқа гуруҳ олимлар методология деганда, воқеа ва ҳодисаларни билишнинг фалсафий жиҳатларини англайдилар. Учинчи гуруҳ муаллифлар методологияни диалектика билан айнан бир, дейдилар. Тўртинчи тоифа тадқиқотчилар методологияни фалсафага дахли бўлмаган алоҳида фан йўналиши, бешинчи гуруҳ мутахассислар эса, методология метод эмас, балки у ҳақидаги таълимот, назария, фан, деб таъкидлайдилар. Методологиянинг алоҳида фан деб тан олинишига баъзи олимлар қарши чиқадилар¹.

¹ Қаранг: Керимов Д. А. Философские основания политико-правовых исследований. – М., 1986. – С. 29.

Фикримизча, методология фан эмас, фаннинг назарий асоси, илмий билишнинг пойдеворидир.

«Фалсафий энциклопедик луғат»да таъкидланишича, методология – назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш, қуриш принциплари, усуллари тизими, шунингдек, бу тизим ҳақидаги таълимотдир. Профессор Н. Шермуҳаммедова ҳам шу ёндашувга асосланиб, «методология – билиш фаолияти йўллари ҳақидаги таълимот», – деб ёзади.

Методология – бу фан предметини ўрганишга қандай илмий тамойиллар асосида ёндашишни билдиради. Иқтисодиёт назариясида кишиларнинг хўжалик фаолияти тизимий ёндашув асосида ўрганилади. Бунда яхлит иқтисодиёт турли блокларга – қисмларга ажратилиб, ҳар бири алоҳида ўрганилади, улардан ҳар бирига хос бўлган хусусиятлар аниқланади. Масалан, яхлит бозор ресурслар бозори, истеъмол товарлари бозори ва молия бозорларига ажратилиб ўрганилади. Ажратилган блоклар таҳлил этилгач, улар фаолиятининг шарт-шароити ва белгилари, улар қандай функцияни бажариши аниқланади. Иқтисодиётнинг турли жиҳатлари таҳлилдан сўнг улар биргаликда қаралади, турли блоклар мажмуидан иборат иқтисодиёт яхлитликда нима эканлиги, у қандай ривожланиши кўрсатилади. Яна бозор мисолига қайтсак, унинг ҳар бир блокининг функциялари ўрганилгач, улар биргаликда ягона бозор сифатида қаралади ва бозорнинг умумий функциялари таърифланади.

Иқтисодиёт назариясида қўлланадиган яна бир методологик ёндашув бу иқтисодиётни соф эмас, бошқа, яъни ғайрииктисодий омиллар таъсирини ҳисобга олган ҳолда ўрганишдир. Иқтисодиёт бирламчи бўлгани ҳолда сиёсий, ижтимоий, миллий демографик ва ҳатто рухий-ахлоқий омиллар таъсирига берилади. Бошқа соҳалардаги ўзгаришлар иқтисодиётда ҳам ўз аксини топади. Жамиятда тартибсизлик, сиёсий беқарорлик юзага келса, бу иқтисодиётнинг ривожига путур етказди, чунки кишилар ваҳимага тушиб ишдан совий бошлайдилар. Миллий низолар ҳам шундай салбий оқибатга олиб келади. Кишиларда рухий кўтаринкилик бўлса, улар иқтисодий фаол бўладилар. Аксинча, рухий тушкунлик уларда бефарқликни ҳосил этиб, фаолликни сўндиради.

Иқтисодиёт назариясининг яна бир методологик тамойили – бу иқтисодиёт ва табиат ўртасидаги ўзаро боғланишни ҳисобга олишдир. Иқтисодиёт табиатдан ташқарида бўлиши мутлақо

мумкин эмас, чунки бу унинг моддий таянчидир. Табиатдан олинган ресурслардан фойдаланмай туриб, ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас. Табиий шароит ишлаб чиқаришнинг қандай бўлишини белгилаб беради. Қазилма бойлик қаерда кўп бўлса, шу ерда ундирма саноат, ер яхши жойда деҳқончилик, яйловлар кўп жойда чорвачилик, ўрмонзор кўп ерда ёғочни ишлаш саноати, сувга яқин жойда кемасозликнинг ривожланиши бунга мисол.

Иқтисодиёт назариясида иқтисодиётнинг табиатга қайта таъсири ҳам ҳисобга олинади. Тартибсиз иқтисодий фаолият табиатга путур етказди, ундаги экологик мувозанатни бузади, экологик хатарни юзага келтириши мумкин, бу билан иқтисодиётнинг табиий таянчи дарз кетади. Мана шу муаммо ҳам назарияда унинг предмети нуқтаи назаридан таҳлил этилади.

Иқтисодиёт назариясининг яна бир методологик тамал тоши – бу иқтисодиётни статикада (туриб қолган ҳолатда) эмас, балки динамикага (ривожланишга) асосланиб ўрганишдир. Бу билан иқтисодий ҳодисаларнинг келиб чиқиш сабаблари, ундаги ўзгаришлар қандай бориши билиб олинади. Иқтисодиётнинг ривожланишига хос бўлган тенденциялар (мойиллик) аниқланади. Булар нимага олиб келиши ва шунга кўра хўжалик фаолиятини келажакда қандай ташкил этиш кераклиги аниқланади.

Мазкур фан иқтисодиётга хос қонун-қоидаларнинг объектив бўлишидан, кишилар уларни ўз билганича бекор қила олмаслигидан, лекин уларни англаб етган ҳолда улар талабига мослашиб фаолият кўрсата олишларидан келиб чиқади.

Назариядаги бошқа бир методологик тамойил бу иқтисодиётни технологик ўзгаришларни ҳисобга олиб ўрганишдир. Технологиянинг ўзи иқтисодиёт назариясининг предмети эмас, шу боис уни техникавий фанлар ўрганади. Аммо технология иқтисодиётнинг моддий асоси бўлганидан, ундаги жиддий ўзгаришлар иқтисодий фаолиятни тубдан янгилаб юборади. Мана шу нарсани назария эътибордан қочирмайди. Масалан, назарияда «Катта цикллар – катта тўлқинлар» деган тушунчалар борки, булар технологиядаги катта бурилишнинг иқтисодиётга таъсирини назарда тутди. Мутлақо янги технология пайдо бўлиши билан иқтисодиёт ривожда янги давр – катта цикл бошланади, бу одатда 50–60 йил давом этади. Мана шуларни назария таҳлил этади.

Таҳлил услублари. Иқтисодиёт назарияси предметини ўрганишда идрок этишнинг икки босқичи қўлланилади.

Биринчи босқич кузатиш босқич ҳисобланади. Бу босқичда иқтисодиётга оид маълумотлар тўпланади, улар бошқа ноиқтисодий маълумотлардан ажратиб олинади. Уларга дастлабки тарзда умумий баҳо берилади ва ҳали синаб кўрилмаган хулоса – гипотеза олға сурилади.

Иккинчи босқичда гипотезалар бошқа маълумотларни ўрганган ҳолда синаб кўрилади, улар тасдиқланса, қабул қилинади, улар асосида назарий қонун-қоидалар таърифланади,

Назарий хулоса амалиёт билан солиштириб кўрилади. Агар реал иқтисодий ҳаёт назарий қоидани доимо тасдиқлаб турса, демак, у тўғри бўлиб чиқади. Агар айтилган ҳодиса қисман тасдиқланса ёки тасдиқланмаса, таърифланган қоидани қайтадан кўриш, зарур бўлса, тўлдириш ёхуд ундан тамомила воз кечиш керак бўлади.

Иқтисодиёт назарияси табиий фанлардан фарқлироқ ўз хулосаларини лабораториядаги тажриба ёки табиатдаги синовлар ёрдамида текшириб кўра олмайди. Агар назарияда иқтисодий беқарорлик бўлади, унинг белгилари ишлаб чиқаришнинг пасайиши, ишсизлик ва инфляция деб қаралса, уни тасдиқлаш учун тажриба ёки синов ўтказиб бўлмайди. Буларни фақат кузатиш, улар ҳақида маълумот тўплаш ва бу маълумотни назарий умумлаштириш мумкин, холос.

Назарияда, тасодифий ёки жузъий эмас, балки доимо такрорланиб турадиган иқтисодий ҳодисаларни англаш учун абстракциялаш усули қўлланилади. Бу усул назария учун асосий ҳисобланади. Бу усул ёрдамида иқтисодий ҳодисалар уларга таъсир этувчи ўткинчи ва иккинчи даражали омиллардан холи этиб олинади, уларга назарий баҳо берилади. Абстракциялашда тахмин усули қўлланади, яъни маълум шарт-шароит бўлганда нима юз бериши тахмин этилади. Масалан, нархнинг талабга таъсирини билиш учун талабга таъсир этувчи бошқа омиллар ўзгармай турибди деб тахмин қилинади. Шундай шароитда нарх ва талабнинг ўзгариши қандай бўлиши аниқланади. Бошқа бир мисол: технологиянинг меҳнат унумдорлигига таъсири аниқланганда нархнаво ишчиларнинг малакаси, ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, товарларнинг сотилиб туриши ўзгармайди деб тахмин қилинади. Аммо бундай тахмин қилиш амалда бор нарсаларни вақтинча назардан кечириб туришни билдиради. Ҳаётда учрамайдиган фантастик ҳодисаларни, масалан, бошқа планеталардан одамсимон жонзотлар келди ёки келмади, деб ҳеч қачон тахмин қилинмайди.

Абстракциялаш асосида мантикий усул ётади, бунда мантик ёрдамида иқтисодий ҳодисаларнинг ўзаро боғланиши, уларнинг умумийлиги ва фарқлари, келиб чиқиш сабаблари ва оқибатлари аниқланиб олинади.

Абстракциялаш – бу иқтисодиётнинг назарий моделини яратишдир. Лекин модел реал иқтисодий воқеликни акс эттирган-дагина илмий бўлади. *Модел аслида иқтисодий воқеликнинг назарий ифодасидир.*

Мураккаб иқтисодий ҳодисаларни дастлаб таҳлил этиш ва сўнгра тушунтириб бериш учун содда ёки мураккаб иқтисодий моделлар қўлланилади. Содда моделга мисол тариқасида иқтисодий циркуляция (оборот) моделини олиш мумкин. Бу моделда иқтисодиёт иштирокчилари фақат фирмалар ва хонадонлардан иборат, улар бошқалар билан алоқа қилмайди, улар бор товарини ва пулини бозорга ташлайди, деб тахмин қилинади. Шу моделга биноан иқтисодиётнинг асосий иштирокчилари ўртасидаги алоқалар таҳлил қилинади, бу алоқалар бир-бирига товар ва хизматлар етказиб беришдан иборат ва шунга мос равишда улар ўртасида пулнинг олди-бердиси юз бериши ҳақида хулоса чиқарилади. Мураккаб моделлар тузилганда кўпчилик субъектлар ўртасидаги ва кўп турдаги иқтисодий алоқалар олиниб, улар математик ҳисоб-китоблар асо-сида кўриб чиқилади, бунда алоқаларнинг миқдорий таҳлили ўтказилади.

Иқтисодиёт назарияси ўз предметини таҳлил этганда позитив ва норматив усулларни қўллайди. **Позитив усул** – бу иқтисодий воқеликни назарий жиҳатдан қандайлигини тушунтириб бериш, яъни уни илмий талқин этиш. **Норматив усул** – бу иқтисодий воқеликнинг амалда қандай бўлиши кераклигини ва бунинг учун нима қилиш зарурлиги хусусида тавсия беришдир. Масалан, позитив усулда стипендия моҳиятан нималиги тушунтирилади, яъни уни ёшларга улар ўқиган пайтида бериладиган ёрдам деб талқин этилса, норматив усулда уни қачон ва қанчага ошириш зарурлиги асосланади. Позитив усул назарий талқинни билдирса, норматив усул амалиётда нима бўлишини билдиради.

Назарияда таҳлилнинг индуктив ва дедуктив усуллари ҳам ишлатилади. Индуктив усул қўлланилганда ҳодисаларни кузатишдан уларни умумлаштиришга ўтилиб, умумий хулосалар чиқарилади. Дедуктив усул қўлланилганда эса шаклланган назарий хулосалар

асосида иқтисодиётдаги айрим ҳодисалар таҳлил этилади. Бу билан айтилган қоидалар нақадар ҳаққоний эканлиги синаб кўрилади.

Назарияда оддий ҳодисалар таҳлилидан мураккаб ҳодисалар таҳлилига ўтиш ҳам қўлланилади. Масалан, дастлаб индивидуал талаб, сўнгра айри бозор талаби ва ниҳоят жамиятдаги ялпи талаб таҳлили ўтказилади. Яна бир усул – бу ҳодисаларни турли даражада олиб ўрганишдир.

Назарияда иқтисодиётнинг қонун-қоидалари уч хил даражада ўрганилади:

микродаражада – бунда хонадонлар ва фирмаларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати, айрим бозордаги ўзгаришлар ўрганилади;

макродаражада – бунда бутун иқтисодиётдаги, аниқроғи миллий иқтисодиёт даражасидаги, миллий бозордаги ҳодисалар ва жараёнлар ўрганилади;

метадааражада – халқаро глобал миқёсдаги, жаҳон хўжалигидаги юз берадиган жараёнлар, уларга хос бўлган қоидалар ўрганилади.

Ҳар учала даража ўзаро боғлиқликда кўриб чиқилади, чунки микродаражадаги иқтисодий фаолият яхлитликда макродаражани, турли мамлакатлардаги макродаражадаги иқтисодиёт метадааражани, жаҳон иқтисодиётини юзага келтиради. Турли даражадаги иқтисодиёт ўрганилганда, уларнинг ҳар бирига хос қонун-қоидалар алоҳида кўриб чиқилади.

Назарияда миқдорий таҳлил ҳам қўлланилади, аммо бу йўл билан олинган маълумотлар назарий хулоса чиқаришга хизмат қилади. Масалан, миқдорий таҳлил ишсизлар сонининг камайишини кўрсатса, иқтисодиётда бандлик ошяпти деган, борди-ю бу таҳлил инфляция пасайишини кўрсатса, пул муомаласи барқарорлашиб бораяпти деган хулосаларга келамиз. Миқдорий таҳлил ўтказилганда турли формулалар қўлланилади, улар воситасида иқтисодиётга оид ҳисоб-китоб ишлари олиб борилади. Булар ёрдамида иқтисодий қонун-қоидаларнинг нақадар амал қилиши, иқтисодиётда хос бўлган тенденциялар билиб олинади. Миқдорий таҳлил натижалари турли иллюстрациялар – чизмалар, расмлар, эгри чизиқлар ёрдамида тасвирланади. Иқтисодиётдаги ўзгаришларни ифодаловчи миқдорий кўрсаткичлар ўзгарувчан қийматлардан иборат бўлиб, бунда бир қиймат иккинчисига, иккинчиси учинчисига ва ҳоказо боғлиқ бўлади. Масалан, ресурслар нархининг ўзгариши харажатлар ўзгаришини, ўз навбатида бу нархнинг, бинобарин чиқарилган товарга талабнинг ўзгаришини юзага келтиради. Бундай ўзаро

боғлиқлик чизмаларда акс эттирилади. Булар ёрдамида назарий ғоя атрофлича, яъни тасвир воситасида ҳам ифода этилади ва шунингдек, ўзгарувчан қийматлар ўртасидаги боғлиқликни аниқлашга хизмат қилади. Чизмалар доирасимон бўлганда, у бўлақларга ажратилади, яъни ҳисса – улуш тасвирланади. Масалан, давлатнинг даромадлардаги улуши 25 фоиз бўлса, бу доиранинг 1/4 қисми шаклида бўлади.

Чизмалар миқдорий ўзгаришларни, масалан, нархни ёки маҳсулот миқдоридаги ўзгаришларни билдиради. Икки ўзгарувчан қийматнинг ўзаро таъсирини англаш учун координатларга асосланган чизма ҳосил этилади. Бунда абсцисса ўқиға бир кўрсаткич қўйилса, ордината ўқиға бошқаси қўйилади. Бир қиймат миқдорининг ўзгариши бошқасининг қанчага ўзгартиришиға қараб вертикал ва горизонтал чизиқлар ҳосил этилади, улар кесишган нуқталар эгри чизиқ билан бирлаштирилганда иқтисодий ўзгаришлар қандайлиги аниқланади.

Назарияда сифатли таҳлил усули бирламчи, у мантиққа асосланган абстракциялаш усулидан иборат бўлиб, назарий хулосалар чиқаришға ва қонун-қоидаларни илмий таърифлашға хизмат қилади. Аммо бу миқдорий таҳлилға таянади, чунки мазкур усул кузатиш маълумотларини жамлаш, уларни умумлаштиришға им-кон беради. Бундан ташқари миқдорий таҳлил ёрдамида назарий қонун-қоидалар иқтисодиётда нақадар амал қилаётганлиги билиб олинади. Масалан, инфляция даражасини миқдордан аниқлаш орқали пул муомаласи қонунининг амал қилиши кўрсатилади. Назарий таҳлилда қўлланадиган турли-туман усуллар бир-биридан ажратиб олиб алоҳида ишлатилмайди, улар биргаликда, лекин турли комбинацияда (нисбатда) ишлатилади. Бу таҳлил даражаси ва миқёсига боғлиқ бўлади.

Функциялар. Иқтисодиёт назарияси фан сифатида турли функцияларни бажаради. **Булардан биринчиси** – билиш функция-сидир. Бунда назарияни ўрганиш орқали иқтисодий ҳодисалар нима эканлиги, уларни нима юзаға чиқариши, улар нимаға олиб келиши англаб олинади. Назария иқтисодиётнинг сир-асрорларини ўргатиб, кишиларни улардан хабардор қилади, уларнинг билим даражасини оширади. Бошқа иқтисодий фанлар қатори у ҳам кишиларға иқтисодий билимларни етказиб беради, уларни иқтисодиётда маълум қонун-қоидалар борлигидан огоҳ этади, уларға риоя этиш зарурлигини тушунтириб беради.

Мазкур фаннинг иккинчи функцияси – бу бошқа иқтисодий фанлар учун назарий асос бўлиб хизмат қилишидир. Бу фан умумназарий, яъни иқтисодиётга хос бўлган умумий қонун-қоидаларни ўрганади. Шу жиҳатдан у бошқа хусусий функционал назариялардан, масалан, молия назарияси, пул назарияси, статистик назария, бухгалтерия назарияси каби фанлардан фарқланади. Иқтисодиёт назарияси умумий фан бўлганидан, у асосланган назарий қонун-қоидаларга бошқа иқтисодий фанлар таянади.

Масалан, назарияда асослаб берилган талаб категориясининг талқинига микроиқтисод, макроиқтисод, маркетинг, фирма иқтисоди, менежмент каби фанлар таянади. Аммо бошқа фалар назариядан фақат озика олиш билан чекланади деб бўлмайди. Бу фан бошқа иқтисодий фанлар учун назарий таянч бўлса-да, уларнинг ютуқларини умумлаштириш ҳисобидан улардан ҳам озика олади. Бошқа фанлар эришган натижалар ва хулосаларга таяниб иқтисодиёт назарияси ўз категориялари ва қонунларига янгилик киритади, янги илмий хулосалар чиқаради. Хуллас, бошқа иқтисодий фанлар ютуғи назариянинг ҳам фан сифатида ривожланишига хизмат қилади.

Мазкур фаннинг учинчи функцияси – бу унинг амалиёт учун илмий база бўлиб хизмат қилиши, унга умумий тарздаги тавсиялар беришидир. Бу фан муайян фирма иши ёки хонадон хўжалигини қандай ташкил этиш тўғрисида тавсиялар бермайди. Унинг тавсиялари умумиқтисодий тавсифга эга қонун-қоидаларга қандай амал қилишга тааллуқли бўлади. Бу тавсиялар иқтисодий сиёсатни такомиллаштиришга қаратилади. Булар давлатнинг, фирмаларнинг, хонадонларнинг, халқаро иқтисодий уюшмалар ва ташкилотларнинг сиёсатига тегишли бўлади. Демак, назария амалиёт билан иқтисодий сиёсат орқали боғланади. Иқтисодий сиёсатда у ёки бу назарий ғояга таянилади, у тақозо этадиган йўл-йўриқлар асос қилиб олинади. Буни тарихий далиллар тасдиқлайди. 1929–1933 йиллари АҚШ даҳшатли иқтисодий инқирозга йўлиқиб, иқтисодиёт фалаж бўлиб қолган, ундан чиқиш учун ўша пайтдаги президент Ф. Рузвельтнинг «Янги курс» деб номланган сиёсати амалга оширилган. Бу сиёсат тангликдан чиқиш учун давлат иқтисодиётга фаол аралашуви зарур деган ғояга таянган. Унинг натижасида АҚШ иқтисодиёти ўнгланиб кетган. XX аср 70-йилларининг иккинчи ярмидаги тангликдан чиқиш учун АҚШ ҳукумати президент (Р. Рейган) номи билан айтилган «Рейгономика» сиёсатига амал қилди. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиб боришини бозор кучлари, бозор механизмининг ўзи

таъминлай олади, шу боис давлат иқтисодиётни эркин қўйиб, ўз иқтисодий фаолиятини чеклаши керак, деган назарий хулосага таянган «Рейгономика» сиёсати туфайли АҚШ иқтисодиёти тангликдан чиқиб, иқтисодий ўсишни таъминлаган.

Иқтисодиёт назарияси тавсиялари микродаражадаги сиёсатга ҳам қўл келади, бу фирмаларга тўғри стратегик (келажакни кўзлаган) йўлни танлаш имконини беради. Масалан, назариядаги диверсификация ғояси капитални бир вақтнинг ўзида турли соҳаларга жойлаштириш зарурлигини билдиради. Капитали катта фирмалар шунга амал қилганларида бир соҳадан кўрилган зарар, бошқа соҳага қўйилган капитал келтирган фойда ҳисобидан қопланиб туради.

Назариянинг яна бир амалий аҳамияти шундаки, бу фан иқтисодиётнинг сир-асрорларини очиб берар экан, ундан хабардор ҳар бир киши иқтисодиёт қоидаларига амал қилса, бундан фақат фойда кўради.

3. Иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар

Иқтисодиёт назарияси қуруқ ерда пайдо бўлмаган. Шу боис иқтисодий билимларнинг пайдо бўлишига оид маълумотларни келтиришни жоиз деб топдик, сабаби турли тарихий даврлардаги илмий қарашлар муайян маънода тараққиётга ҳисса қўшган.

Қадимги Миср, Ҳиндистон, Хитой, Юнонистон, Рим ва Шарқ мутафаккирлари (Хаммурапи, Ману, Конфуций, Ксенофонт, Платон, Аристотель, Варран, М.Катон, Коллумела ва бошқалар)нинг иқтисодий қарашларига эътибор берсак, улар меҳнат тақсимоти, яратилган маҳсулот тақсимланиши, бойликнинг вужудга келиши, хўжалик юритиш қоидалари, меҳнатни ташкил қилиш, ерга мулкчилик масалаларига оид ўз ёндашувларини баён қиладилар.

Милоддан кейинги дастлабки минг йилликдаги иқтисодий қарашларда иқтисодий билимларнинг ривожланишида муқаддас манбалар («Қуръон», «Ҳадис») ҳамда Ўрта Осиё ва Шарқнинг буюк алломалари қарашлари алоҳида ўрин тутганлигини кўрамиз.

Ислом динининг муқаддас китоби – Қуръони каримда (арабча – қироат, яъни ўқиш) иқтисодий фикр ва кўрсатмалар муайян даражада ўз аксини топган. Ислом динида Қуръони карим Аллоҳ томонидан пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.)га 23 йил давомида ваҳий қилинган дейилади. Пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом 570 йили

Маккада курайш қабиласига мансуб бўлган Хошимийлар хонадонидида туғилиб, 632 йилнинг июнь ойида Мадинада вафот этган. Қуръони каримдаги асосий ғоялардан бири мусулмонларнинг қардошлиги бўлиб, араб қабилалари шу байроқ атрофида бирлашдилар. Унда деҳқон ва хунармандлар меҳнати, умуман ҳалол меҳнат улуғланади, барча бойлик шу асосда пайдо бўлиши уқтирилади. Иқтисодий тараққиётнинг турли босқичлари ва усуллари таҳлил қилиш шуни кўрсатадики, моддий неъматларни ишлаб чиқариш ва уларнинг истеъмолларида диний тушунчалар, одамларнинг иймон-эътиқоди катта таъсир кучига эга. Исломининг асосий манбаи Қуръони каримнинг оятлари бандларнинг ҳар жиҳатдан покликка, иймон ва саломатликка чорлайди. Бу муқаддас китобнинг 293 та ояти бевосита иқтисодий тафаккурга бағишланган. Бошқа кўплаб оятларда ҳам қисман иқтисодиётга тегишли фикрлар учрайди. Бу муқаддас китобда савдога катта аҳамият берилади, судхўрлик (судхўрлик фоизи) қораланади, мулкнинг муқаддаслиги, бировнинг мулкига хиёнат ва ҳатто ҳасад қилиш катта гуноҳ, деб кўрсатилади. Исломда жамиятнинг тенгсизлиги тақдири азалдан деб тан олинади, аммо ҳалоллик ва тўғрилиқка буюрилади, ёлғон ишлатиш, ўғрилиқ ва меҳнатсиз даромад топиш ман қилинади. Қуръони каримда қарз олиш ва бериш, меросни тақсимлаш, етим-есирларга мурувват, хайр-эҳсон қилиш, ўзаро ёрдам бериш ҳақидаги ғоялар, солиқ турлари ва миқдори тўғрисидаги тушунчалар катта аҳамият касб этади. Ояти карима ва ҳадиси шарифларда турли касбларни эгаллаш, айниқса, деҳқончилик, қўйчилик билан шуғулланиш, меҳнат қилиш зарурлиги марҳамат қилинган. Ислом ақидасида исрофгарчиликка қарши кураш Қуръони каримдаги «Енглар, ичинглар, ҳадя қилинглар, аммо исроф қилманглар», деган оят асосида олиб борилади (бу ҳозирги даврда энг асосий муаммолардан бири ҳисобланади). «Дарё бўйида таҳорат қилсангиз ҳам, сувни исроф қилманглар» каби қоида айнан ҳозирги замон иқтисодиёти ва экологияси учун ниҳоятда аҳамиятлидир.

Шунингдек, «Авесто» шаклланиши даврида кишилиқ жамияти илгарилаб, ривожлана борди. Кўчманчиликка асосланган Марказий Осиёда эски турмуш тарзи ўрнини ўтроқ яшаш эгаллай бошлади, суғориладиган деҳқончилик, чорвачилиқ, хунармандчилик борган сари тараққий этди. Янги-янги шаҳарлар, обод қишлоқларнинг пайдо бўлиши ўтроқ яшаш турмуш тарзининг афзаллиқларини кўрсата борди. Ана шу ўтроқлик турмуш тарзининг одамларга бениҳоя

кулфатлар келтираётган кўчманчиликка асосланган турмуш тарзига нисбатан афзалликларини кўрсатиб беришда «Авесто»нинг аҳамияти каттадир.

«Авесто»да «ерга яхши, соғлом уруғлар сепишдан ортиқ савоб иш йўқ» деб, халқ хўжалиги соҳасида деҳқончиликнинг муҳим аҳамият касб этиши таъкидланган. «Олам гўзаллиги деҳқондан, деҳқончиликдан, кимки ерга уруғ қадабди, у одамийликка иймон келтиради, ягона шу йўлгина ҳақиқат бўлиб, қолгани саробдир», дейилади унда. Қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш, уни жамоа ўртасида адолатли тақсимлаш энг савобли ишлардан ҳисобланган. Асарда озиқ-овқат тайёрлаш, уй ҳайвонларини ва чорва молларини кўпайтиришга ҳам алоҳида эътибор берилган.

«Авесто»да ер, сув, ҳавони булғаш, ифлослаш оғир гуноҳ эканлиги таъкидланади. Бундай ибратли тасдиқлаш бугунги авлодларни ҳам табиатга, атроф-муҳитга ваҳшиёна муносабатда бўлмасликка ундайди. Китобда ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал этиш тўғрисида шундай дейилади: «Ёмон овқатланган халқ на яхши, кучли ишловчиларга ва на соғлом, бақувват болаларга эга бўлади. ... ёмон овқатланишдан одоб-ахлоқ ҳам айниб кетади. Агар нон мўл-кўл бўлса, муқаддас сўзлар ҳам яхши қабул қилинади».

Бу ерда биз соғлом авлод тарбияси, иқтисодий ва маданий, маънавий юксалиш ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлиги тўғрисида фикр юритилганлигини кўраимиз. Ўша даврда айтилган бундай фикрлар аجدодларимиз қадимги дунё маданиятида юқори ютуқларга эришганидан далолат беради.

Ушбу ноёб китобда патриархал уруғ жамоаси, унинг тугатилиши даврида иқтисодий тенгсизлик, синфий табақаланиш ҳақида қимматли маълумотлар берилади.

Буюк мутафаккирларимиз ҳазрати инсон эҳтиёжлари (Фаробий), даромадлар ва харажатлар мувозанати (Ибн Сино), пулнинг келиб чиқиш сабаблари (Абу Райҳон Беруний), жамиятда меҳнатнинг роли, моддий неъматларнинг хусусиятлари, пул ва унинг вазифалари (Юсуф Хос Ҳожиб) жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, давлат молияси, солиқларни белгилаш тартиби (А.Навоий), инсонларнинг ишлаб чиқариш фаолияти, товар қиймати ва истеъмол қиймати, айирбошлаш жараёни, тарихий-ижтимоий тараққиёт принциплари (Ибн Холдун) каби масалаларга ўз муносабатларини билдирганларини кўраимиз.

Иқтисодиёт назарияси кўпгина мамлакатларда миллий бозорларнинг қарор топиши ва жаҳон бозорининг вужудга келиши шароитида (XVI–XVII асрлар) иқтисодий билим ва қарашларнинг яхлит тизими сифатида «сиёсий иқтисод» номи билан мустақил фан сифатида шакллана бошлади.

«Сиёсий иқтисод» юнонча сўздан олинган бўлиб, «политикос» – ижтимоий, «ойкос» – уй, уй хўжалиги, «номос» – қонун деган маъноларни англатади. Француз иқтисодчиси Антуан Монкретьен (1575–1621 й.) биринчи марта «Сиёсий иқтисод тракти» (1615 й.) асаарида бу фанни илмий жиҳатдан асослади ва у 300 йилдан ортиқ вақт давомида шу ном билан ривожланди.

«Иқтисодиёт назарияси» фан сифатида шаклланиш жараёнида вужудга келган асосий ғоявий оқимлар қуйидагилардан иборат:

➤ *меркантилизм* – жамиятнинг бойлиги пулдан, олтиндан иборат бўлиб, у савдода, «асосан ташқи савдода пайдо бўлади ва кўпаяди», деб тушунтиради. Меркантилизм – италянча «mercante» сўзидан олинган бўлиб, «савдогар» маъносини англатади.

XVI асрнинг бошларига қадар натурал хўжалик ва истеъмол устун бўлган даврда бирорта назария яратилмаган бўлса-да, маҳсулот ишлаб чиқариш, товар-пул муносабатлари ривожланиши билан, Европада Уйғониш даври, буюк географик кашфиётлар, мустамлакачилик билан ҳамоҳанг равишда дастлабки меркантилизм таълимоти яратилди.

Маълумки, ҳар қандай иқтисодий дунёқарашда бойлик манбаи масаласи муҳим саналади. Чунончи, иқтисодиётда икки соҳа мавжуд: ишлаб чиқариш (хунармандчилик, саноат, қишлоқ хўжалиги) ҳамда муомала (пул, савдо-сотик, ҳозирги даврда хизматлар).

Бу оқимнинг намояндалари Виль Стаффорд, Томас Мен, Антуан Монкретьен, Жон Лоу, Гаспар Скарүффи ва бошқалар.

Физиократлар – жамиятнинг бойлиги қишлоқ хўжалигида вужудга келади, деган ғояни илгари сурадилар. Бу таълимотнинг асосчиси Франсуа Кенэ (1694–1774 й.) ҳисобланади.

Классик сиёсий иқтисод – бойлик фақат қишлоқ хўжалигида эмас, балки саноат, транспорт, қурилиш ва бошқа соҳаларда ҳам яратилишини исботлаб берди. Бозор муносабатлари афзаллиги исботлаб берилди, айниқса, тўла иқтисодий эркинлик сиёсати илгари сурилди, хусусий мулк қўллаб-қувватланиб шу ғояларга асосланган ҳолда хўжалик юритиш энг мукамал эканлиги исботланди.

У. Петти (1623–1686 й.) бойликнинг манбаи ер ва меҳнат эканлигини эътироф этган. «Меҳнат бойликнинг отаси, ер унинг онаси», деган ибора унга тегишлидир. Уильям Петти исботлаб бердики, агар меркантилистлар ҳисоби бўйича иш юритилса, XVII асрда Англия бойлигининг бор-йўғи 3 фоизини жавоҳирлар ва пуллар ташкил этган бўларди. Ваҳоланки, ўша даврда 5,5 миллион аҳолининг 4,1 миллиони қишлоқларда яшаган ва деҳқончилик қилиб, бойлик яратган. Савдо-сотиқда 246 минг, саноатда эса 240 минг киши банд бўлган. Бу даврда меркантилизм ғоялари чекланган эди.

А. Смит «Одамлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» (1776 й.) асарида талаб ва таклиф асосида шаклланадиган эркин нархлар асосида бозор ўз-ўзини тартибга солиши («кўринмас қўл») ғоясини илгари суради. Инсонни фаоллаштирадиган асосий рағбат шахсий манфаатдир, деб кўрсатади.

Д. Рикардо меҳнат қийматнинг, турли синфлар даромадлари ва фойданинг ягона манбаи эканлигини таъкидлаган.

Сисмонди (Жон Шарль Леонард Симон де Сисмонди) капиталистик иқтисодий механизмни танқид қилиб, сиёсий иқтисод инсон бахти йўлида ижтимоий механизмни такомиллаштиришга қаратилган фан бўлмоғи лозим, деб уқтиради.

Социал-утопистлар (А.Сен-Симон, Шарль Фурье, Роберт Оуэн) капитализмни танқид қилиб, хусусий мулкчиликни йўқ қилиш, ишлаб чиқариш, тақсимот ва истеъмолни қайта ташкил этиш ва адолатли тузум (индустриал жамият, гармоник жамият, коммунизм) ўрнатиш талаби билан чиқадилар.

Марксизм жамият тараққиётига табиий тарихий жараён деб қараб, ижтимоий-иқтисодий формациялар, уларнинг вужудга келиши, ривожланиши ва бошқаси билан алмашилиши сабаблари тўғрисидаги таълимотни ҳамда қўшимча қиймат назариясини илгари суради.

Энди иқтисодиёт назариясидаги янги оқимлар (XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошлари)га тўхталсак:

➤ *маржинализм* вакиллари (marginal – кейинги, қўшилган) – кейинги товар нафлилиги, қўшилган меҳнат ёки ресурс унумдорлигининг пасайиб бориши назарияларини ишлаб чиққанлар. Кейинги товар нафлилигининг камайиб бориш қонуни бу оқимнинг асосий принципи ҳисобланади. Шунга кўра, нарх харажатга боғлиқ

бўлмай, кейинги нафлилик асосида белгиланади. Маржинализм вакиллари иқтисодиётда ишлаб чиқариш эмас, истеъмол ҳал қилувчи, деган ғояни илгари сурганлар. Меҳнат натижаси муҳим саналган. Фойда, нафлик ижобий фаолият сифатида қаралган. Маржинализм асосчилари Карл Менгер, Фридрих фон Визер, Эйген фон Бем-Баверк, Уильям Стэнли Жевонс ҳисобланади;

➤ *неоклассик мактаб* (асосчиси Альфред Маршалл) бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг аралашувини чеклаш ғоясини илгари сурган. Бозор механизмнинг бузилиши монополиялар вужудга келганда ҳам юз беришини таъкидлаган. У функционал боғланиш ғоясини асослайди, бозор баҳосини белгиловчи омиллар талаб ва таклифдан иборат деб ҳисоблайди. Бу таълимот тадбиркорлар иқтисодиётни, сармояни, иш кучини ва ерни давлатга нисбатан самаралироқ ишга солиши ва бошқаришини кўрсатиб берган. Марксча давлат мулкининг афзаллиги тўғрисидаги ғоя инкор этилган.

Бу мактаб вакилларида Л. Валрас умумий иқтисодий мувозанатлик моделини ишлаб чиқишга, И. Шумпеттер эса иқтисодий тизимлар ўзгаришининг ички кучларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилган ҳамда иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи асосий куч тадбиркорлик, деган хулосага келган;

➤ *кейнсчилик* – ривожланган бозор иқтисодиётини давлат томонидан тартибга солиб туриш зарурлигини асослашга қаратган. Жон Мейнард Кейнс «Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси» (1936 й.) номли китобида бундай тартибга солиш ялпи талабга ҳамда шу орқали инфляция ва бандликка таъсир кўрсатишини асослайди.

Неоклассик йўналишда янгидан вужудга келган оқимлар (XX асрнинг 50–60-йилларидан бошлаб):

➤ *неолиберализм* (Ф. Хайек, И. Шумпеттер, Л.Эркард) – асосий эътиборни давлатнинг иқтисодиётга аралашувини энг кам даражага келтиришга, хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратиш лозимлигини уқтиради;

➤ *монетаризм* (М. Фридман) – иқтисодиётни бошқаришни пул муомаласини тартибга солиш орқали амалга ошириш мумкинлигини асослаб беради;

➤ *институционализм* тарафдорлари (Т. Веблен, Ж. Гелбрейт) фикрига кўра, хўжалик юритувчилар ўртасидаги муносабатлар нафақат иқтисодий, балки ноиқтисодий омиллар таъсирида вужудга

келади. Шу сабабли иқтисодиётга муассасавий ўзгаришлар орқали ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Институционализм тарафдорлари тараққиётнинг иқтисодий омиллари билан бирга одамларнинг ақлий, рухий, маънавий, айниқса, ҳуқуқий ва бошқа омилларига алоҳида урғу беришади. «Инсоний омил», миллат руҳи асосий деб қаралади. Институтлар бу – давлат, оила, касаба уюшмалари, дин, ҳуқуқ идоралари ва бошқалар бўлиб, давлат юқори ўринга қўйилади. Бу йўналишлар (неоклассика, институционализм ва кейнсчилик)нинг асосий тамойиллари бир хил – бозор муносабатлари ҳал қилувчи ҳисобланади. Аммо энг муҳим фарқи давлатнинг иқтисодиётга аралашуви масаласидир.

Дунёвий тараққиёт йўлида бир-бирига зид иқтисодий назариялар:

Капиталистик назария – классик сиёсий иқтисодни, хусусий мулкчиликни ўта мутлақлаштириш, иложи борича кўпроқ фойда олиш мақсадида иқтисодиётнинг ўзини ўзи тартибга солиши ғояларига асосланган назария.

Социалистик назария – марксизм ғояларини тарғиб қилиб, мулкни ёппасига давлат ихтиёрига олиш, ресурсларни марказлаштирилган тарзда маъмурий-буйруқбозлик, режалаштириш асосида бошқариш ва тақсимлаш йўли билан ижтимоий адолатни қарор топтириш ва халқ фаровонлигини ошириш муаммоларини ҳал қилишга уриниб келган назария.

Атоқли ватандошимиз, маърифатпарвар Абдулла Авлонийнинг ёзишича: «Иқтисод деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда, сўмни аямас»¹.

Иқтисодиёт назарияси предметини ўрганишдаги энг муҳим босқич – назарияни иқтисодий сиёсат билан боғлашдир.

Назария иқтисодиётга қандай тенденциялар хос бўлишини, унинг қандай омиллар таъсирида ривожланишини, унда қандай ўзгаришлар бўлишини башорат эта олади. Шу сабабли назарияни иқтисодий сиёсатнинг илмий асоси, деб айтиш мумкин.

Сиёсат деганда нафақат давлатнинг умуммиллий, умумжамият миқёсидаги сиёсатини, балки айрим корхона, фирманинг амалиёти дастурини, унинг қандай хатти-ҳаракатга қўл уришини ҳам тушунмоқ зарур. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг: «Сиёсат

¹ *Авлоний А.* Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Т., 1992. – Б. 33.

– иқтисодиётнинг мужассам ифодаси эканлиги ҳақидаги қоида ҳозир ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб қолди», – деган фикри бу борадаги масалани янада ойдинлаштиради.

Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг бир қисми бўлиб, унинг бевосита таъсири остида бўлади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш даври қийинчиликларини бартараф этиш концепциясининг пойдеворини «*Иқтисодиёт сиёсатдан устун бўлиши керак*» деган машҳур қоида ташкил этади.

Назария иқтисодни соф ҳолда эмас, балки сиёсий, психологик, ахлоқий, миллий-демографик омилларнинг таъсирини инобатга олган ҳолда ўрганади.

Иқтисод ҳар доим сиёсатга нисбатан бирламчи бўлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг ташаббуси билан тўғри танланган сиёсат иқтисодга ижобий таъсир ўтказди. Ваҳоланки, нотўғри юритилган сиёсат эса унга салбий таъсир ўтказиши мумкин (Бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозида намоён бўлди).

Иқтисодий назария иқтисодиётнинг ривожланиш қонун-қоидаларини ўргатар экан, уларга таяниб тараққиётнинг асосий йўналишларини ёритиб беради, шу маънода у сиёсатнинг илмий асоси бўлади.

Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш йўллари:

□ жамиятнинг барча бўғинларида (оддий ишчи, меҳнатқашдан вазиргача, ишбилармондан тортиб олимгача) янги типдаги иқтисодий тафаккурни шакллантириш;

□ ишлаб чиқаришнинг бозор механизмини яратиш, бошқаришнинг эски тизимини тугатиб, замонавий бошқариш тизимини ташкил этиш;

□ мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этиш;

□ очик рақобатга чидамли, жаҳон иқтисодиётига кира оладиган иқтисодиётни яратиш;

□ янги замонавий иқтисодчилар, ишбилармонлар, тадбиркорлар гуруҳини вужудга келтириш, уларга барча имкониятлар яратиб бериш;

□ иқтисодий фанларни мафкуравий қоидалар, ақидалар, субъективизм ва волютаризмдан халос этиш.

Ривожланаётган давлатлар «муқобил ривожланиш» назарияларининг турли концепциялари:

□ **«Асосий эҳтиёжлар» концепцияси** – аҳолининг энг кам тирикчилик эҳтиёжини кафолатли таъминлаш ва иш билан банд қилиш муаммоларини ҳал қилишга қаратилган;

□ **«Мақбул ёки тегишли технология» концепцияси** – аҳоли бандлигини таъминлайдиган ва маҳаллий хом ашёни, аввало қишлоқ хўжалик хом ашёсини қайта ишлашга қаратилган сермеҳнат технологияни ривожлантириш зарурлигига қаратилган;

□ **«Ўз кучига жамоа бўлиб таяниш» концепцияси** – мавжуд захиралардан тўлиқроқ фойдаланишга ва уларнинг ривожланишига ҳамда ривожланаётган мамлакатнинг тараққий этган мамлакатларга қарамлигини камайтириш мақсадида улар ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган;

□ **«Янги халқаро иқтисодий тартиб» концепцияси** – халқаро муносабатларда тенглик ва адолат қоидаларига асосланган ҳамда барча мамлакатларнинг манфаатларини назарда тутувчи алоқалар янги иқтисодий тартибнинг мазмунини ташкил этади.

4. Иқтисодий категориялар ва қонунлар

Иқтисодий категориялар иқтисодни ўрганишда қўлланадиган назарий тушунчалар бўлиб, реал иқтисодий воқеликнинг илмий инъикоси, ифода этилишидир.

Иқтисодий категориялар қуйидаги турларга бўлинади:

□ **умумиқтисодий категориялар** – иқтисодий тараққиётнинг ҳамма босқичларига хос бўлган, лекин ижтимоий-иқтисодий тизимга алоқаси бўлмаган умуминсоний категорияларни ифодаловчи категориялардир: ишлаб чиқариш омили, мулк, меҳнат жараёни, маҳсулот, иш вақти, меҳнат тақсимооти, эҳтиёж, ишлаб чиқариш, айирбошлаш, истеъмол, иқтисодий манфаат, меҳнат унумдорлиги, самарадорлик категориялари;

□ **формацион махсус категориялар** – иқтисодий тараққиётнинг тарихий муайян босқичига хос бўлган, ижтимоий-иқтисодий тизимнинг табиатига алоқадор ўткинчи муносабатларни ифодаловчи махсус категориялардир. Булар: эксплуатация, рента, экспансия, ортиқча аҳоли, қашшоқланиш, монополия, моносония, олигополия категориялари;

□ **даврий оралик категориялар** – умуминсоний характердаги бир неча иқтисодий тизимлар шароитида амал қилувчи, узок

тарихий даврда сақланувчи, аммо ўткинчи мазмундаги иқтисодий муносабатларни ифодаловчи категориялардир. Масалан, товар, пул, талаб, таклиф, нарх-наво, инфляция, маркетинг, менежерлик ва бошқа категориялар.

Иқтисодий қонунлар иқтисодий жараёнларнинг турли муҳим томонлари ўртасида юзага келиб ва муқим такрорланиб турадиган, узвий иқтисодий заруратни тақозо этувчи алоқалардир.

Иқтисодий қонунлар қуйидаги турларга бўлинади:

□ **умумиқтисодий қонунлар** – жамият тараққиётининг ҳамма босқичларида, иқтисодиётнинг аниқ ижтимоий шаклидан қатъи назар, амал қилувчи қонунлардир. Масалан, меҳнат тақсимоти, жамғариш, меҳнат унумдорлигининг ўсиб бориши, эҳтиёжларнинг юксалиши, меҳнат турларининг алмашуви, фаровонлик қонунлари;

□ **формацион – махсус қонунлар.** Булар фақат ижтимоий-иқтисодий тизим доирасида амал қилувчи, шу тизимнинг махсус хусусиятларини ифода этувчи қонунлардир: феодализм, капитализм, империализм, социализм қонунлари;

□ **даврий оралик қонунлар** – маълум даврда турли ижтимоий-иқтисодий тизимда амал қилувчи қонунларнинг махсус тузумга алоқаси бўлмаган ҳолда уларни бирлаштириб турувчи муносабатлар – бозор иқтисодиёти қонунлари.

5. Иқтисодиёт назарияси ва давлатнинг иқтисодий сиёсати

Иқтисодиётнинг қонун-қоидаларига амал қилиш иқтисодий сиёсат орқали юз беради, чунки буларни англаган ҳолда иқтисодиёт ривожига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва булар иқтисодиётга таъсир этмай қолмайди. Иқтисодий сиёсат ўзи нима?

Иқтисодий сиёсат – бу иқтисодиёт субъектларининг ўз фаолиятига оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг мажмуидир.

Ҳар бир иқтисодиёт иштирокчисининг, бу хонадонми, фирма ёки давлатми, бунинг фарқи йўқ, ўз манфаатлари бор. Бу манфаатлар амалиётда аниқ мақсад шаклига киради, иқтисодий сиёсат эса уни амалга оширишга қаратилади. Хонадоннинг мақсади ўз истеъмолини максимумлаштириш ва келажакни таъминлаш учун жамғарма ҳосил этишдир. Фирманинг мақсади эса фойдани максимумлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашдир. Давлатнинг мақсади эса, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва шу

асосда халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат. Мақсадлар каби уларни амалга ошириш воситалари ҳам фарқланади ва бу иқтисодий сиёсатда ҳисобга олинади. Ҳатто бир тоифадаги субъектларнинг ҳам мақсади бир хил эмас, чунки уларнинг иқтисодий мақоми фарқланади. Масалан, бой, ўртаҳол ва камбағал хонадонлар, кичик, ўрта ва йирик фирмаларнинг муайян даврдаги аниқ мақсадлари бир хил эмас, булар индивидуаллашган, чунки уларнинг ўзи мустақил ва ғоят кўпчилик.

Иқтисодий сиёсат уч даражада бўлади, булар микро, макро ва мета (халқаро) сиёсатдир. **Микросиёсат** хонадон ва фирмалар сиёсати ҳисобланади. Бу ғоят индивидуаллашган бўлади, бунга яхлитлик хос эмас. Хонадон сиёсати истеъмолга ва жамғаришга оид бўлади. Бу сиёсат танлов тамойилига асосланади. Хонадон ўзининг индивидуал йўлини тутади, лекин унинг сиёсати объектив шароитга мослашиши зарур, чунки айрим хонадон объектив иқтисодий муҳитни ўзгартиришга қодир эмас, уни ҳисобга олишдан бошқа иложи йўқ. Айни пайтда унинг сиёсатида субъектив жиҳат ҳам бор, чунки ҳар бир хонадон ўзи билган йўлдан қолмайди. Хонадон сиёсатининг мақсади яхши яшаш бўлганидан у бунга эришишнинг энг маъқул йўлини белгилаб олади. Бу йўлдаги биринчи иш – бу кўп пул топиш бўлса, иккинчиси пулни оқилона сарфлаш бўлади. Оддий меҳнаткаш хонадонининг асосий ресурси иш кучи бўлганидан уни яхшироқ пулга сотиш, яъни яхши иш ҳақи берадиган жойга ўрнашиб олиш унинг сиёсатининг асосий йўналиши ҳисобланади, чунки пул топишнинг бирламчи шарти бандликдир. Хонадон сиёсатининг бошқа бир йўналиши ўз даромадини тўғри сарфлаш сиёсати, яъни харажатлар сиёсатидир. Бу сиёсат энг аввал даромаднинг қандай қисми жорий истеъмолга юборилишини белгилайди, сўнгра эса харид учун ажратилган пулга товарларнинг энг маъқул тўпламини танлаб олишни мўлжаллайди, танлов эса товарларнинг нархи ва нафлилигидан келиб чиққан ҳолда уларни шундай комбинацияда (нисбатда) олишга қаратиладики, бу унинг харид қобилияти доирасида эҳтиёжларини максимал қондириши керак бўлади.

Хонадоннинг жамғариш сиёсати унинг даромад топиш имконияти, даромаднинг бир қисмини жамлаб, пулдан пул чиқариш имкониятидан келиб чиқади, жамғаришнинг муқобил усулларини танлашни кўзлайди. Жамғариладиган пул молиявий ёки моддий активларга айлантирилади. **Хонадон сиёсатида** пулга акция, облигация сотиб олиш, уни банкка қўйиш, қарзга бериш ёки тўғридан-

тўғри бизнесга жойлаштириш олдиндан белгилаб олинади. У пулини инвестициялаганда, *биринчидан*, пулни инфляциядан асраб, жамғарма кадр-қийматини сақлаб қолишни, *иккинчидан*, унинг кўпайиб, кўшимча даромад келтиришини кўзлайди.

Оддий хонадондан фарқлироқ бой-бадавлат хонадон сиёсати ёлланиб ишлашдан эмас, балки бизнесдан пул топишни кўзлайди, чунки унинг иш кучидан бошқа индивидуал капитали ҳам бор. Бунга бизнес турини эркин танлаш орқали эришилади.

Фирмалар сиёсати ўз мақсадини аниқ белгилаш ва унга эришиш йўллари ва воситаларини танлашдан иборатдир. Бу сиёсатнинг мақсади фойдани максимумлаштиришни, бунга эришиб бўлмаганда, фирма барқарорлигини таъминлаб, уни сақлаб қолиш ва бир маромда ривожлантиришни мўлжаллайди.

Фирма сиёсати фаолиятнинг турли соҳаларига тааллуқли бўлади.

Фирманинг ишлаб чиқариш сиёсати нимани қанча ва қандай даврда ишлаб чиқаришни белгилайди. Фирманинг ўз мақсадига етиши ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ, чунки ҳар қандай кўламда ишлаб чиқариш фойдали бўлавермайди. Шу сабабли фирма ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмини танлаб оладики, бунда ўртача харажатлар билан бозор нархи орасидаги фарқ энг катта бўлиб, фойда максимумлашиши керак бўлади. Бунинг учун фирма ишлаб чиқаришни модернизациялаб, бозорга янги товарлар ва хизматларни таклиф этиш йўлидан боради.

Фирманинг тижорат сиёсати товарларнинг қандай миқдорда ва қайси бозорларда сотилишини, уларнинг кредитга берилишини, экспорт миқдори ва таркибини белгилайди, савдо-сотикда рақобатчилар ва шериклар билан қандай муносабатда бўлиш йўлини аниқлайди.

Фирманинг нарх сиёсати бозорга қандай нарх билан чиқишни, нархнинг бозор шароитига қараб қандай ўзгартирилишини, нархлардан сийлов бериш тартиби кабиларни мўлжаллайди.

Фирманинг молия сиёсати солиқларни тўлаш тартибини, солиқлардан имтиёз ва давлатдан субсидия олиш йўллари, кредит олиш, уни қайтариш, фоиз тўлашга оид ишларни, фойдани тақсимлаб, уни самарали ишлатиш чораларини, акция чиқариб сотиш, ўзга фирмалар акциясини, давлат облигацияларини сотиб олишга оид йўл-йўриқларидан иборат бўлади.

Фирманинг рақобат сиёсати рақобатда иштирок этиш ёки этмаслик, рақобат юз берганда, унинг усулларида қайси бирини қўллаш, қандай воситаларни ишга солишга қаратилади.

Вазиятга қараб сиёсатнинг у ёки бу йўналишига устуворлик берилади. **Фирма сиёсати** қисқа ва узоқ даврга мўлжалланади, чунки шу даврларда турли мақсадлар олға сурилиб, уларга эришишнинг муқобил воситалари танлаб олинади. Фирма сиёсати, *биринчидан*, бозордаги вазиятга, *иккинчидан*, давлатнинг сиёсатига мослашиб боришни билдиради. Фирма сиёсати ҳам индивидуаллашган, бироқ сиёсатнинг умумий тамойиллари борки, уларга фирмалар ўз мақсадидан келиб чиққан ҳолда ва билганича риоя этишади.

Фирма ўз сиёсатини белгилашда объектив ахборотга таянадики, бу ички ва ташқи ахборотлардан иборатдир. Ички ахборот фирманинг ўзидаги ҳолатни, ташқи ахборот эса ташқи муҳитдаги ҳолатни тавсифлайди. Фирмалар сиёсатини агар улар корпорациялар (акционер жамиятлар) бўлса, олий бошқарув органлари (директорлар кенгаши, акционерлар мажлиси) ишлаб чиқади, уни амалга ошириш ишини менежерлар бажаради. Фирма оддий корхона бўлса, унинг сиёсатини эгасининг ўзи ёки унинг номидан менежерлар амалга оширади. Фирманинг сиёсатига қараб унинг иши режалаштирилади. Шу мақсадда фирма стратегияси ишлаб чиқилиб, унда фирма сиёсати аниқ чора-тадбирлар шаклига эга бўлади. Фирма сиёсатининг нақадар ўринли эканлиги унинг мониторинги (баҳо бериш) орқали аниқланади.

Давлат иқтисодий сиёсатининг мақсади ва воситалари. Давлат иқтисодиётга ўз сиёсати билан таъсир этади.

Давлатнинг сиёсати – бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига тааллуқли йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган саъй-ҳаракатларидан иборатдир. Давлатнинг сиёсати ҳар доим миллий бўлади, мамлакат ривожининг ички ва ташқи шароитини ҳисобга олади. Сиёсатда энг аввал мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, халқаро иқтисодий конъюнктуранинг миллий иқтисодиётга нечоғлик таъсир этиши, унда кутилаётган ўзгаришлар мамлакат зиммасига олган халқаро мажбуриятнинг қандайлиги, мамлакат иқтисодиётининг ресурслар билан таъминланиш даражасидан келиб чиқади, илгари амалга оширилган чора-тадбирлар берган натижа ҳам ҳисобга олинади. Давлат сиёсати давлат раҳбарларининг эрк-иродаси ва қатъиятлигига

ва етилган иқтисодий муаммоларни нақадар идрок этишларига ҳам боғлиқ бўлади.

Давлатнинг сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маълум мақсадларни кўзлайди. Булардан асосийлари қуйидагилар:

– *барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш.* Бу ялпи ички маҳсулотнинг бир маромда ва етарли суръатлар билан ўсишига шароит ҳозирлашни билдиради, чунки ЯИМ қанчалик тез ўсса, мамлакат иқтисодий қудрати шунчалик ошади.

Миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини таъминлаш – унинг чет элга қарам бўлишига йўл қўймаслик. Иқтисодиёт қанчалик мустақил бўлса, миллий манфаатларга шунчалик кўпроқ хизмат қилади;

– *иқтисодий хавфсизликни таъминлаш.* Бу иқтисодий айланманинг узлуксизлигини, яъни такрор ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз давом этишини, иқтисодий фалажликка йўл қўйилмасликни билдиради.

Миллий пул қадр-қийматининг барқарорлигини таъминлаш. Мамлакатдаги пул муомаласининг меъёрида боришига эришиш, пулни иқтисодий алоқаларнинг мунтазам ишлаб турувчи воситасига айлантириш.

Аҳоли турмуш фаровонлигини муттасил ошириб, иқтисодиётнинг ижтимоийлигини тўлароқ юзага чиқаришга кўмаклашиш.

Миллий иқтисодиётнинг халқаро интеграцион жараёнлар ва глобаллашувда фаол иштирок этиб, халқаро иқтисодиётда ўз ўрнини топиши, байналминал иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланишига эришиш.

Миллий иқтисодиётнинг истиқболини таъминлаш, яъни уни узоқ келажакда ўсиб боришига шароит ҳозирлаш.

Булар иқтисодий сиёсатнинг стратегик, яъни узоқ даврга мўлжалланган мақсади ҳисобланади. Бироқ унинг қисқа вақтдаги тактик, яъни жузъий мақсадлари ҳам бор. Булар жумласига иқтисодий тангликдан чиқиб кетиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, инновацияларни таъминлаш, янги ташқи бозорларга кириб бориш кабилар киради. Жузъий мақсадлар стратегик мақсадлардан келиб чиқади ва уларга хизмат қилади.

Давлат сиёсати белгилаган мақсадларга қуйидаги воситалар орқали эришилади. *Биринчиси*, иқтисодий воситалар бўлиб, булар жумласига солиқлар, субсидиялар, лицензиялар, экспорт квоталари,

учёт ставкалари, давлат буюртмалари, давлат инвестициялари, трансфертлар, турли иқтисодий санкциялар (жазолаш воситалари) кабилар киради. *Иккинчиси*, юридик воситалар. Бу иқтисодий фаолият тартиби ва қоидаларини, унинг давлат томонидан рағбатлантирилишини белгилаб берувчи қонунларни, уларга мос равишдаги қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш ва жорий этишдан иборатдир.

Қонунчилик иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, булар эса бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлари талабидан келиб чиқиши зарур. Иқтисодиётга оид юридик қонунларни парламент қабул қилади. Ҳукумат эса уларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қарорлар ва фармойишларни ишлаб чиқади. Тегишли давлат идоралари қонунларнинг амалга оширилишини назоратга олади. *Учинчиси*, сиёсий-маъмурий воситалар. Давлат ҳокимият соҳиби бўлганидан ўз сиёсатига риоя этилишини ўз органлари кучи билан таъминлайди. Давлат олий сиёсий институт ҳисобланар экан, унинг қарорлари буйруқларига ҳамма итоат этиши керак бўлади. Маъмурий усул ёрдамчи усул ҳисобланади, у бозор тизимида яхши натижа бермаганидан чекланган ҳолда қўлланилади.

Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари. Иқтисодиёт яхлит бўлар экан, иқтисодий сиёсат ҳам ягонадир. Лекин давлат сиёсатининг аниқ йўналишлари бор.

Монетар сиёсат – бу давлатнинг пул-кредит сиёсати бўлиб, пул муомаласини тартиблаш, товар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётдаги пул оқимларини бошқариб туриш сиёсати ҳисобланади. Унинг мақсади нархларни ва шунга кўра миллий пул бирлиги харид қурбини, унинг валюта курсини барқарорлаштириш, охир-оқибатда пулга талаб билан унинг таклифини мувозанатлаштиришдан иборат бўлади.

Монетар сиёсатнинг учта асосий жиҳати бор: 1. *Қайта молиялаштириш ёки учёт сиёсати.* Бунда давлат номидан марказий банклар учёт ставкасини ўзгартиради. Ставка ошганда пул қимматлашиб, унга талаб қисқаради. У пасайтирилганда пул арзонлашиб, унга талаб ошади.

Бу айни пайтда кредитнинг арзон ёки қиммат бўлишини билдиради. Бу эса иқтисодиётга кредит ҳисобидан юбориладиган инвестицияларни ўзгартириб, унинг ўсишига таъсир этади. Масалан, Европа мамлакатларида қайта молиялаштириш ставкаси ХХІ

асрнинг биринчи ўн йиллигида 0,9 фоизга тушди. Бу билан кредит арзонлаштирилди, чунки тижорат банклари шунга қараб кредит учун ундириладиган фоиз ставкаларини белгиладилар.

2. *Очиқ бозорда операциялар ўтказиш сиёсати.* Бу давлат облигацияларини чиқариб фирмалар, банклар ва аҳолига сотиш ва вақти келганда, уларни қайтадан сотиб олишни билдиради. Бу облигацияларни олиш қулай бўлади, чунки уларга қатъий белгиланган фоизни давлат тўлайди, бу билан уларнинг даромадлилиги кафолатланади. Давлат облигациялари сотилганда, пул уларга боғланиб қолади, натижада унинг муомаладаги миқдори қисқаради. Аксинча, улар қайтадан сотиб олинганда, пул улардан бўшаб муомалага келади, у ердаги пул миқдори кўпаяди. Демак, бу усул билан ҳам пул миқдори тартибланади.

3. *Мажбурий резерв сиёсати.* Бу сиёсатга биноан марказий банклар бошқа банклар учун кредит ресурсининг мажбурий резервини киритади. Бу тартибга кўра банклар кредитга бериладиган пулнинг бир қисмини марказий банклар ихтиёрига беради. Бу резерв ошса, кредит пули қисқаради, агар у камайса, бу пул кўпаяди. Масалан, мамлакатда жами кредит ресурслари 80 млрд. доллар. Шундан 10 фоиз захирага ўтказилса, 72 млрд. доллар кредит учун пул қолади. Борди-ю бу захира 15 фоизга чиқарилса, кредитга 68 млрд. доллар қолади. Бу билан кредитга мўлжалланган пулнинг таклифи ошади ёки қисқаради. Шунга қараб кредит олиш гоҳ ошиб, гоҳ қисқариб туради. Монетар сиёсатнинг айtilган йўналишлари шуни кўрсатадики, унда турли иқтисодий воситалар қўлланади.

Монетар сиёсат икки хил бўлади. Қаттиқ сиёсат. Бунда пул массаси қисқартирилади, унинг эмиссия (пул чиқариш) ҳисобидан ўсиши қатъий чегараланади. Натижада пул массаси қисқариб, товар массасига тенглашади. Пулнинг қисқариши талабни камайтиради, нархлар эса ўсмайди, пул бирлигининг харид қурби барқарорлашади. Пул топишга интилиш иқтисодиётнинг жонланишига олиб келади. Бундай сиёсат биз илгари кўрганимиздек одатда иқтисодиётни тангликдан чиқариш ёки инфляцияни жадал бостириш учун қўлланилади.

Юмшоқ монетар сиёсат. Бунда давлат пул массасининг ортишига тўсқинлик қилмайди, пул эмиссияси ҳадеб чеклана-вермайди, натижада пул кўпайиб, унинг арзонлашуви юз беради. Юмшоқ сиёсат иқтисодиёт ўсиш палласида бўлганда кўпроқ қўлланилади, пул массасининг ўсишига қараб товарлар массаси ҳам

ўсади. Бунда товар-пул мувозанати пулни қискартириш ҳисобидан эмас, балки товарларнинг кўпайиши туфайли таъминланиб туради.

Фискал сиёсат. Бу давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади.

Солиқ сиёсати солиқлар воситасида бюджетга пул тўплашга қаратилади. Унга биноан солиқ турлари аниқланади, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган объектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби белгиланади.

Солиқлар давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишида қўлланиладиган асосий воситадир. «Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим».

Иқтисодиётни рағбатлантириш зарур бўлганда солиқлардан имтиёзлар берилади. Бунда солиқ камайтиради, солиқни ундириш муҳлати чўзилади ёки умуман солиқ ундирилмайди. Натижада фирмаларга тегадиган фойда кўпаяди, улар фойдани реинвестиция қилади, яъни қайтадан ишлаб чиқаришни ўстиришга юборади. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонда фойдадан тўланадиган солиқ ставкаси йилдан-йилга пасайтирилмоқда. Бу усул иқтисодий субъектлар капиталнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш, модернизация қилишга туртки вазифасини ўтайди. Фискал сиёсатда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўстириш учун икки хил йўлдан борилади:

1. Илгари киритилган ва ҳозир амалда бўлган иқтисодий стабилизаторларни – воситаларни қўллашни давом эттириш. Давлат қонун йўли билан шундай тартибни ўрнатадики, унга биноан молия нормативлари (меъёрлари) жорий этилади. Булар шароит ўзгаришига қараб автоматик равишда амал қилаверади. Булар жумласига солиқ ставкаларини, ишсизлик нафақаси миқдори, даромадларнинг инфляцияга қараб индексация қилиниши, ижтимоий ёрдам кўрсатиш нормативларини киритиш мумкин. Масалан, даромад солиғи даромад миқдorigа нисбатан 15 фоиз қилиб белгиланса, даромад кўпайиши билан унинг миқдори ҳам автоматик равишда ошади. Даромадларни 80 фоиз индексациялаш тартиби ўрнатилган бўлса, нарх ошган тақдирда, шу 80 фоиз даражада даромад ҳам кўпайтиради.

2. Шароитга қараб янги нормативларни киритиш йўлидан бориш, бу дискрецион фискал сиёсат деб юритилади. Бу сиёсат

доирасида янги солиқ ставкалари жорий этилади, янги солиқлар киритилади, бюджет маблағларини сарфлаш нормативлари ўзгартирилади. Дискрецион сиёсат ўзгарган шароитга мослашиш сиёсатидир. Иқтисодиёт бир маромда ўсиб бораётганда биринчи йўл, у тангликка йўлиқиб, ундан чиқиш керак бўлганда, иккинчи, яъни дискрецион йўл устувор бўлади.

Фискал сиёсат бюджет орқали ҳам иқтисодиётга таъсир этади. Бюджет ҳисобидан давлат ишлаб чиқариш инфратузилмасига катта инвестицияларни юборади, миллий иқтисодиёт учун аҳамиятли иш (масалан, янги технологияни яратиш) билан шуғулланувчи корхоналарга субсидия берилади. Субсидия молиявий ёрдам сифатида қайтариб олинмайди, унинг ҳисобидан харажатлар қопланиб фойда кўпаяди, бу билан корхоналар рағбатлантирилади.

Бюджет сиёсати ижтимоий неъматларнинг яратилишини канда қилмай ва керакли миқдорда пул билан таъминлаб туришга қаратилади. Давлат бюджети баланслашган бўлиши, яъни даромадларга қараб харажатлар қилиниши зарур бўлади. Бюджет сиёсати шундан келиб чиққан ҳолда бюджет дефицитига йўл бермасликни, дефицит юз берган тақдирда ҳам, бу меъёрида бўлишига қаратилади. Бюджет сиёсати ички ва ташқи қарзнинг ҳам меъёрида бўлишини таъминлаши зарур.

Фискал сиёсат икки хил бўлади. *Фаол фискал сиёсат.* Бу қўлланилганда дискрецион воситалар ишга солинади, масалан, солиқлар камайтирилади, улардан сайланган тарзда бўлса-да сийловлар берилади, бюджетдан трансфертлар бериш кўпайтирилади, фирмалар субсидиялар олади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий фаолликка олиб келади. Фирмалар харажати қисқариб фойдаси ортади, аҳолининг трансфертлар ҳисобидан харид қобилияти ошади. Хуллас, бу сиёсат фирмалар ва хонадонлар талабини оширади. Мана шундай йўл кўп ҳолларда иқтисодиёт қийинчиликдан чиқиб ўзини ўнглаб олиши учун қўлланилади.

Нофаол фискал сиёсат. Бу сиёсат молиявий стабилизаторларни ўзгартирмай, уларнинг эркин ишлашига йўл беришга қаратилади, чунки бозор механизми яхши ишлаб турган бўлади. Иқтисодиётнинг узилишларсиз юксалиб бориши туфайли молия воситаларини ўзгартришга ҳожат қолмайди. Демак, бу сиёсат иқтисодий ўсиш тўхтовсиз бораётган кезларда иш беради.

Инвестиция сиёсати. Бу инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг керакли соҳаларга юборилишини таъминлашга

қаратилган сиёсатидир. Бу сиёсат инвестицион фаолликни оширишга ёки камайтиришга қаратилади. Бу давлатнинг структура (ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш) сиёсати билан боғлиқ, бу эса ишлаб чиқаришнинг эски соҳаларини чеклаб, янги, масалан, экспортга мўлжалланган соҳаларини ўстиришни билдиради.

Инвестиция сиёсатига кўра янги истиқболли соҳаларга инвестиция қилинган фойдадан умуман солиқ олинмайди ёки қисқартирилган миқдорда олинади. Янги соҳалардаги мол-мулкдан солиқ олинмаган ҳолда эски соҳалардаги мол-мулкдан солиқ кўпроқ олинади. Бу билан янги соҳаларнинг жадал ўсиши рағбатлантиради, эски соҳалар эса рағбатлантирилмайди.

Инвестиция сиёсати техника тараққиётини ҳам жадаллаштиради. Янги технологияларга пулни инвестициялаётган фирмаларга субсидиялар ажратилади, солиқдан енгилликлар берилади. Бу сиёсат фирмаларга тушадиган инвестиция юкини камайтиришни ҳам кўзлайди. Шу мақсадда бир қатор серкапитал, бинобарин, катта инвестицияларни талаб қилувчи ва инвестициялар ўзини тезда оқламайдиган соҳаларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади. Бу билан фирмалар инвестициясининг серфойда ишларга юборилишига кўмак берилади.

Бозор қоидаларига биноан инвестицияларни серфойда соҳаларга юборилиши давом этади. Бироқ давлат хусусий инвестицияларни умумиқтисодий аҳамиятга молик соҳаларга юборилишини ўз қўлидаги молия-кредит воситалари билан рағбатлантиради.

Аграр сиёсат. Бу давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатидир. Мазкур сиёсат қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсишини, озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашни кўзлайди. Унинг доирасида давлат қишлоқдаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг (сув хўжалиги, йўл қурилиши, газ ва электр энергияси таъминотининг) харажатларини қисман ўз зиммасига олади, давлат ерни ижарага олиб ишлатилишини, ерни гаровга қўйиб кредит олишни ҳукуқий жиҳатдан таъминлайди. Аграр сиёсатда (ер давлатники бўлган жойда) давлатнинг харид нархлари, давлат субсидиялари каби воситалар қўлланилади. Дехқонларни қўллаб туриш учун ер солиғи енгил қилиб белгиланади. Қишлоқ хўжалигида рентабеллик паст бўлганидан капитални у ердан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат фермерларга субсидия бериб туради, унинг ҳисобидан харажатлар қисман қопланиб фермерлар меъёрадаги даромадга эга

бўлишади ва қишлоқ хўжалигини тарк этмайдилар. Фермерларни рағбатлантириш учун давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини улардан келишилган нархларда сотиб олади. Давлат нархлари бозор нархларига яқин туради, уларга биноан маҳсулотни давлатга сотиш фермерлар учун қулай бўлади, чунки давлат хариди маҳсулотларнинг сотилишини ва канда қилмай даромад олинишини кафолатлайди.

Ташқи иқтисодий сиёсат. Бу давлатнинг ўзаро фойдали ташқи алоқаларини ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувини таъминлашга қаратилган сиёсатидир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлашдир. Унга биноан экспорт ва импорт, четга капитал чиқариш ва четдан капитал киритиш, иш кучи миграциясига доир тадбирлар амалга оширилади. Бу сиёсатда божхона тўловлари, экспорт-импорт лицензиялари ва квоталари каби воситалар қўлланилади. Айтилган воситалар иқтисодий чегара ҳосил этиб, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилади. Экспортни кўпайтириш зарур бўлса, унга лицензиялар (рухсатнома) берилади, экспорт квотаси оширилади. Борди-ю импортни қисқартириш маъқул бўлса, унинг квотаси камайтирилади, импорт учун бож тўлови оширилади, импортга лицензия бериш чегараланади.

Давлат сиёсати капитал чиқариш ва киритиш тартибини ҳам белгилайди. Капитал киритиш зарур бўлса, бу иш рағбатлантирилади. Капитал чиқиши маъқул бўлса, давлат бунга шароит яратиб беради. Чет элга иш кучини чиқариш учун ҳам ёрдам берилади. Борди-ю мамлакатга арзон иш кучи керак бўлса, унинг четдан оқиб келиши учун миграция қоидалари (чегарадан ўтиш, яшаш ва ишлаш учун рухсат олиш ва ҳ.к.) енгиллаштирилади. Давлат сиёсати халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам мўлжаллайди.

Давлат иқтисодий сиёсатининг самарадорлиги унинг мониторинги орқали аниқланади. Бунда иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, экспорт ва импорт ҳолати, ташқи қарз миқдори, бюджет дефицити каби кўрсаткичларга қараб иқтисодий сиёсат натижаси баҳоланади.

Иқтисодий сиёсат доирасида давлатнинг турли дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Дастурларда кўзланган мақсад, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, улардан кутиладиган

натижалар, уларни молиялаштириш манбалари аниқланади. Дастурлар миллий иқтисодиёт учун устувор бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Булар жумласига тангликдан чиқиш, озиқ-овқат, энергия таъминоти, технологияларни янгилаш, инфратузилмаларни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қолоқ ҳудудларни ривожлантириш каби дастурлар киради. Дастурларда белгиланган муаммоларнинг ҳал этилиши иқтисодий-ижтимоий ривожланишга туртки беради.

Таянч тушунчалар:

Иқтисодиёт, иқтисодий фаолият, иқтисодий категориялар, иқтисодий қонунлар, фаннинг предмети, фаннинг вазибалари, фаннинг мақсади, таҳлил услублари, тадқиқот методологияси, иқтисодий сиёсат, иқтисодий устуворлик зояси.

Савол ва топшириқлар:

1. Кейнсчилар назариясида ишсизлик ва инфляциянинг ошиши қандай талқин қилинган?
2. Кейнсчилар назариясидаги мультипликатор ва акселератор зояларининг моҳиятини тушунтиринг.
3. Нима учун кейнсчилар давлатнинг иқтисодиётга аралашувига алоҳида эътибор беришади?
4. Монетаризм назариясида пулга қандай аҳамият берилади?
5. Ижтимоий бозор хўжалиги назариясида иқтисодиётнинг ижтимоийлиги қандай изоҳланади?
6. Нима учун жамиятнинг иқтисодий фаолияти иқтисодий инсонлар фаолиятининг мажмуи дейилади?
7. Иқтисодиёт кишилиқ ҳаётининг бирламчи асоси эканлигини изоҳланг.
8. Иқтисодий қонунларни билиш мумкинми?
9. Иқтисодиёт ва ҳуқуқнинг алоқадорлигини тушунтириб беринг.
10. Иқтисодиётни мафкурадан холи этиш йўллари қандай?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

Иқтисодиёт – турли-туман иқтисодий фаолиятларни, ишлаб чиқаришнинг муайян усулини ҳамда инфратузилмавий муассасаларини яхлит қилиб бирлаштирувчи иқтисодий тизим.

Иқтисодий фаолият – инсонларнинг моддий ва маънавий неъматларини ишлаб чиқариш, истеъмолчига етказиб бериш ҳамда хизматлар кўрсатишга қаратилган, бир-бирига боғлиқликда амалга ошириладиган фаолиятлар.

Иқтисодий дастаклар – жамиятнинг хўжалик юритиш механизмида амал қилувчи иқтисодий воситалар, хўжалик амалиётидаги иқтисодий кўринишлар. Бозор иқтисодиётида улар жумласига нарх, таннарх, фойда, даромад, соф даромад, зарар, дотация, компенсация, солиқ, бож пули, қарз, фоиз, иш ҳақи ва бошқалар киради.

Институционал иқтисодий назария (институционализм) – иқтисодий фаолият жараёнида инсоннинг такрор ишлаб чиқариш муносабатлари тизимини тартибга солувчи институтларнинг шаклланиш ва ривожланиш қонуниятлари тўғрисидаги фан; расмий ва норасмий институтлар ўртасидаги зиддият ушбу назария доирасида асосий ҳисобланади.

Фан – инсоннинг объектив воқелик ривожланишининг қонуниятлари ва йўллари тўғрисидаги билимлари тизими ёхуд бундай билимларнинг алоҳида тармоғи; унга янги билимлар ишлаб чиқариш борасидаги фаолият ҳам, ушбу фаолиятнинг натижаси, яъни дунёнинг илмий манзараси ифодаловчи ахборотнинг муайян ҳажми ва билимлар мажмуи ҳам киради.

Ноиқтисодий назария – интеллектуал неъматларни такрор ишлаб чиқариш соҳасида хўжалик агентлари ўртасида юзага келадиган иқтисодий муносабатлар ижтимоий шакллариининг ривожланиш қонунларини ўрганувчи фан.

Иқтисодий фан объекти – инсонга зарур бўлган неъматларни яратиш ва улардан фойдаланиш борасидаги инсон фаолиятининг бутун соҳаси.

Иқтисодий назариянинг объекти – турли иқтисодий жараёнларга хос бўлган энг муҳим, қонуний алоқалар.

Функционал ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар ўртасидаги асосий зиддият – яратувчи кучлар билан такрор ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият.

Иқтисодий назария предметининг асосий зиддияти – ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг муайян ижтимоий шакли билан ижтимоий яратувчи кучлар ривожланишининг мавжуд талаблари ўртасидаги зиддият.

Инсон тараққиётнинг асосий иқтисодий қонуни – иқтисодий муносабатлар ижтимоий шакллариининг яратувчи капитал ва инсоннинг яратувчи кучларининг ривожланиш эҳтиёжларига мувофиқлиги қонуни.

Иқтисодий фан мавзуи (предмети) – оқилона иқтисодий танлов шароитида амалга ошириладиган ҳамда истеъмол билан ишлаб чиқариш ўртасидаги зиддиятни акс эттирадиган юқори самарали хўжалик юритиш.

Иқтисодий назариянинг предмет соҳаси – амалга оширилиш жараёнида иқтисодий қонунлар намоён бўладиган инсон фаолияти.

Ижтимоий-иқтисодий назария (сиёсий иқтисод) – иқтисодий неъматларнинг ҳаракатланиши жараёнида хўжалик юритувчи агентлар ўртасида юзага келадиган ишлаб чиқариш муносабатлари тўғрисидаги фан; ишлаб чиқариш кучлари ва ишлаб чиқариш муносабатлари ўртасидаги зиддият ушбу назариянинг предмети доирасида асосий зиддият ҳисобланади.

Иқтисодий назария предметининг моҳияти такрор ишлаб чиқариш муносабатларининг ижтимоий шакли билан мазкур муносабатлар ифода этадиган яратувчилик фаолиятининг мазмуни ўртасидаги узвий бирликдан иборат.

Назария – дунёнинг илмий манзарасини билишнинг олий шакли, воқеликнинг қонуниятлари ва муҳим алоқалари ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилувчи билишнинг у ёки бу тармоғидаги энг умумий асосий ғоялар тизими.

Функционал иқтисодий назария («асосий оқим», Economics) – инсоннинг чекланган неъматлар оламидаги хатти-ҳаракатининг қонуниятлари тўғрисидаги фан; ўсиб боровчи эҳтиёжлар билан чекланган неъматлар ўртасидаги зиддият ушбу назария предмети доирасида асосий ҳисобланади.

Иқтисодий назария – ҳаётий неъматларни такрор ишлаб чиқариш жараёнида иқтисодий агентлар ўртасида юзага келадиган ижтимоий муносабатларнинг ривожланиш қонуниятларини ўрганадиган асосий (фундаментал) фан.

Мавҳумлаштириш – тадқиқот тафаккурини кўриб чиқиладиган предметнинг номуҳим, иккинчи даражали деб ҳисобланувчи томонларидан ажратиш орқали иқтисодий ҳодисаларни атайин соддалаштириш.

Иқтисодий назариядаги таҳлил – кўриб чиқиладиган иқтисодий ҳодисани ёхуд унинг алоҳида бўғинларини фикран таркибий қисмларга ажратиш ва алоҳида-алоҳида тадқиқ этиш.

Аналогия – хоссаларни маълум ноиқтисодий ҳодисадан тадқиқ этиладиган иқтисодий ҳодисага кўчиришни назарда тутувчи билиш усули.

Тадқиқотнинг диалектик усули – у ёки бу иқтисодий жараённинг ички ёки «моҳиятига оид» зиддиятларни аниқлаш ва таҳлил қилишга асосланган усул.

Қонун – зарурий, муҳим (ички), барқарор, такрорланувчи муносабат, моҳият, яъни у ёки бу ҳодисанинг сифат муайянлиги.

Индукция – фактлар асосида чиқарилган, кўпинча исботлашни талаб қиладиган муайян гипотеза ёки умумий фикрга олиб боровчи хулосалаш.

Метод – муайян билиш мақсадига эришишни таъминловчи тадқиқот йўли, ҳаракат усули ёки тарзи.

Дедукция методи («келтириб чиқариш» методи) – умумий хулосалардан ва илгари исботланган гипотезалардан хусусий ва якка ҳукмларга ўтиш.

Индукция методи («олиб бориш» методи) – хўжалик воқелигининг якка фактларини ўрганишдан умумий қоидалар ва хулосаларга ўтиш.

Илмий абстракция (мавҳумлаштириш) **методи** – иқтисодий ҳодисаларни кўриб чиқишда мавҳумлаштиришга асосланган тадқиқот усули.

Чуқур таҳлил методи – хўжалик юритувчи агентларнинг иқтисодий хатти-ҳаракати қонуниятларини у ёки бу иқтисодий ўзгарувчилар (даромад, харажат, фойдалилик кабилар)ни бир хилда орттириш (қўшимчалар киритиш) оқибатларини таҳлил қилиш ёрдамида аниқлаш усули.

Иқтисодий назариянинг методологик функцияси – амалий-иқтисодий фанлар учун инструментал асос функцияси.

Методология – тадқиқотнинг энг умумий қоидалари ва қонунларини қамраб оладиган умумий методлар мажмуи.

Фан методологияси – илмий билиш принципларни, шунингдек тадқиқот фаолиятининг тизими ва мантиқий ташкил қилинишини акс эттирувчи назария ва таълимотлар.

Сифат жиҳатдан тадқиқ этиш методлари – иқтисодий ҳодисаларнинг моҳиятига кириб бориш билан боғлиқ бўлган ва фалсафий тафаккур юритиш, иқтисодий воқеликнинг фактларини умумлаштира олишни талаб этувчи усуллар.

Миқдор жиҳатдан тадқиқ этиш методлари – фактларга оид материални иқтисодий ҳодисаларни ўлчаш, қиёслаш ва солиштириш мақсадида ишлаш усуллари ва воситаларининг мажмуи.

Иқтисодий назария методлари – иқтисоди воқеликни тадқиқ этишнинг умумий (методология) ва жузъий усуллари тизими.

Умумий методлар – воқелик ҳодисаларини тадқиқ этиш борасидаги муайян принциплар ва ёндашувлар.

Иқтисодий қонунларнинг очик тизимлари – муайян иқтисодий тизим ичидаги барқарор ва такрорланувчи алоқаларни излаш ва топиш билан боғлиқ тадқиқот жараёни.

Тадқиқотнинг позитивистик (неопозитивистик, постпозитивистик) методи – иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишидаги ташқи шарт-шароитлар ва омилларни тавсифловчи хусусиятлар тизимини ифодаловчи усул.

Иқтисодий назариянинг билиш функцияси – иқтисодий ривожланишнинг объектив қонунларини билиш функцияси.

Иқтисодий назариянинг ўзгартириш функцияси – хўжалик юритиш соҳасидаги ўзаро муносабатларнинг бутун тизимини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи анъанавий институтларни илмий асосланган ҳолда қўллаш ва янгиларини яратиш функцияси.

Иқтисодий назариянинг башоратлаш функцияси – иқтисодий манфаатларни мақбуллаштириш (оптималлаштириш) истиқболларини илмий асослаш.

Иқтисодий назариядаги синтез – таҳлил (анализ) натижасида олинган билимларни кейинги умумлаштиришлар ва хулосалар билан фикран бирлаштириш.

Тизимли таҳлил – муайян объектнинг «парчаланган» тузилишини ҳам, яхлит объектнинг ўзини ҳам бир вақтда тадқиқ этишга имкон берувчи усул ва воситалар мажмуи.

Тадқиқотнинг тизимли методи – иқтисодий муносабатлар ва ўзаро муносабатларнинг ҳам ички, ҳам ташқи зиддиятларини аниқлаш ва таҳлил қилишга асосланган усул; тизимли методнинг объектив асосини яхлит иқтисодий тизим ташкил қилади.

Статистика – оммавий ҳодисалар ва жараёнларнинг миқдор кўрсаткичларини уларнинг сифат жиҳатлари билан чамбарчас алоқада тўплаш усулларини ўрганувчи фан.

Тадқиқотнинг структуралистик методи – у ёки бу иқтисодий жараённинг ички тузилишини аниқлаш ва таҳлил қилишга асосланган усул.

Тадқиқотнинг субъективистик методи – воситалари, бир томондан, фирма, давлат кабиларга ўхшаш иқтисодий субъектнинг эмас, балки аниқ шахснинг иқтисодий хатти-ҳаракати қонуниятлари билан боғланган, бошқа томондан уларни аниқлашга қаратилган усул.

Иқтисодий назариянинг жузъий методлари – иқтисодий ходисаларни тадқиқ этишнинг аниқ ва локал воситалари, усул ва йўллари мажмуи.

Иқтисодий моделлар – турли иқтисодий катталикларнинг миқдорий баҳо бериш мумкин бўлган ўзаро алоқаларини соддалаштириб (чизмалар, графиклар ва шу кабилар орқали) тасвирлаш.

Иқтисодий манфаат – иқтисодий субъектнинг муайян эҳтиёжини қондиришнинг у ёки бу кўринишда ифодаланган интилиши.

Иқтисодиёт ва иқтисодий назариянинг инсонпарварлашуви – иқтисодиётнинг объектив воқелик сифатида «инсонийлашуви»дан иборат объектив жараён ҳамда бу жараённинг назарияда субъектив акс этиши; инсоннинг такрор ишлаб чиқаришнинг критик омилига айланиш жараёни.

Иқтисодий назариянинг гуманистик мазмуни – ушбу назарияда хўжалик юритиш умумий тизимида инсоннинг тутган ўрни ва роли билан боғлиқ масалалар ва муаммоларнинг акс эттирилиши.

Идеал ахборот – тўпланган ва ишлаб чиқариладиган янги инсоний билимлар шаклида мавжуд бўлган ахборот.

Ишлаб чиқаришнинг критик омили – ишлаб чиқаришнинг миллий яратувчи капитал доирасидаги асосий, ҳал қилувчи омили.

Методологик индивидуализм – чекланган неъматларни истеъмол қилишдан олинadиган фойдани энг кўп даражага етказиш мақсадида улардан энг оқилона фойдаланишга интилувчи ижтимоий нейтрал «атомистик» индивид хатти-ҳаракатларининг қонуниятларини аниқлайдиган тадқиқот концепцияси.

Буюмлашган ахборот – ашёвий капиталда ва бошқа моддий объектларда бўладиган ахборот.

Постиндустриал иқтисодиёт – билимларнинг табиий капиталнинг сақланишини таъминловчи даражасига асосланган такрор ишлаб чиқаришнинг ноосфера типидagi иқтисодиёт.

Инсоннинг ривожланиши – шахснинг муайян индивидуал, ижтимоий-гуруҳий ва ижтимоий кадриятлар доирасидаги фаолияти давомида унинг миқдор ва сифат ўзгаришлари билан кечадиган узлуксиз жараён.

Иқтисодий «антропоцентризм» – инсоннинг бутун иқтисодий фаолият марказига чиқишидан иборат объектив жараён бўлиб, бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсади, инсониятни ривожлантириш мақсади билан айнанлаштирилади: иқтисодиётнинг инсонпарварлашуви такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ички хусусиятига айланади.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Иқтисодиётнинг доимий ва бош масаласи жамият эҳтиёжларининг чексизлиги ва иқтисодий ресурсларнинг чекланганлигидир.

2. *Иқтисодиёт назарияси* иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамият аъзоларининг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида моддий неъматларни, хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида вужудга келадиган иқтисодий муносабатларни, самарали хўжалик юритиш қонун-қоидаларини ўргатади.

3. Иқтисодиёт назарияси ўз предметини ўрганишда объектив қонун ва категорияларни қўллайди. Булар умумиқтисодий ва айрим тизимларга хос бўлади. Иқтисодиёт назарияси фани жамият аҳлига иқтисодий ходисаларни идрок этиш, кишиларга иқтисодий билим бериш, жамият иқтисодий тараққиётининг умумий асосларини шунингдек иқтисодий сиёсатга оид амалий тавсиялар беришдан иборат.

4. Ушбу фан билиш, иқтисодий фанлар учун назарий асос ҳамда амалиёт учун илмий база бўлиб хизмат қилади.

5. Иқтисодиёт назарияси иқтисодиётнинг асосий муаммоси бўлган иқтисодий ресурслар чекланган шароитда жамиятнинг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қандай қилиб мукамалроқ қондириб бориш мумкинлиги тўғрисидаги масаланинг ечимини ҳал этишнинг назарий жиҳатларини тадқиқ қилади.

2-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти ва белгилари

Иқтисодиёт ижтимоий ҳаётнинг бирламчи бўғини ҳисобланади. Кишиларнинг фаолияти ижтимоий ҳаётда кечади. Жамият бир-бирига боғлиқ ўзига хос ички тузилишга эга.

Тизим – бу жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий тузилиши, уни ташкил этувчи, бир-бирини тақозо этиб, ўзаро таъсир ўтказувчи унсурларнинг мажмуи бўлиб, бунда унсурлар биргаликда амал қилади, натижада айрим унсурларга хос бўлмаган умумий хусусиятлар пайдо бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий тизим – бу иқтисодиёт тараққиётининг умумий шарт-шароитидир.

Иқтисодиётнинг ижтимоий-иқтисодий тизими – ижтимоий-иқтисодий ўзаро муносабатларнинг барча шакл ва турлари бирлиги бўлиб, уларнинг асосийси мулкчилик тизимидир. Шу боис ҳам мулк масаласини ҳал қилишга Президент Ислом Каримов томонидан мустақилликка қадар (1989–1991) ва мустақилликнинг дастлабки йиллари муҳим аҳамият берилди. Истиқлол йилларида мулкчиликнинг тузилишида туб ўзгаришлар рўй берди, кўпукладли иқтисодиёт амалда шаклланиб, унинг таркибида хусусий мулк устувор ривожланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётида нафақат ҳал қилувчи ўрин эгаллади, айти вақтда бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдириш, одамларнинг даромадлари ва фаровонлиги ошиб боришининг асосий манбаига, аҳоли бандлиги ўсишининг энг муҳим омилига айланди.

Ижтимоий-иқтисодий тизим – бу иқтисодиёт тараққиётининг умумий шарт-шароитидир. Иқтисодий фаолият ҳар доим муайян тизимлар доирасида кечади. Булардан ҳар бирининг ўз хусусиятлари бўлади. Булар орасидаги илк бор шаклланган энг муҳим тизим – бу анъанавий тизимдир.

Анъанавий тизим. Инсоннинг иқтисодий фаолияти дастлаб мана шу тизимда юз берган. Унинг аломатлари сарқит сифатида узок сақланади, ҳатто ҳозир ҳам онда-сонда учраб туради.

Анъанавий иқтисодиёт – бу ўта заиф куч омилларига таянган, кам унумли натурал ишлаб чиқаришга, анъаналар шаклига кирган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган иқтисодиётдир.

Анъанавий тизим дастлаб жамият мулки, сўнгра эса индивидуал хусусий мулкка таянади.

Жамоа мулки – бу қон-қариндошчилик асосида бирлашган ёки ягона ҳудудда яшовчи кишиларнинг умумий мулки ҳисобланади.

Анъанавий тизимга натурал куч хос бўлади, бунда маҳсулотлар онда-сонда сотилади ёки бартер қилинади (алмаштирилади).

Натурал хўжалик – бунда маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг ўз истеъмолини қондириш ва ички хўжалик эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилади. Бу анъанавий тизим ўрнига келувчи янги тизимдир. У бир қатор белгилари билан ўтмишдошларидан ажралиб туради.

Бозор иқтисодиёти – бу мукамал ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган, товар-пул муносабатларига асосланган, аниқ ижтимоий мўлжали бор, бозор сигналларига биноан ва пул воситасида бажарилиб турувчи иқтисодиётдир. Бозор тизими хилма-хил

мулкчиликка асосланади, аммо хусусий мулкчилик устуворлик қилади. Бундан ташқари жамоа ва давлат мулки ҳам амал қилади.

Тоталитар-режали тизим. Бу тизим бозор иқтисодиёти ривожланишини зудлик билан, яъни революцион тарзда тўхтатиб қолиш ва уни мажбуран режалаштириш йўлига ўтказиш орқали юзага келади.

Тоталитар-режали иқтисодиёт – бу давлатлаштирилган, ижтимоий мулкка таянган, бир марказдан туриб, режалаштиришга ва бошқаришнинг маъмурий-бўйруқбозлик усулларига асосланган иқтисодиётдир.

Бу тизимга иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини ҳам ресурслар, ҳам маҳсулот, ҳам хизматларга давлатлаштириш хосдир. Бу ерда барча моддий ресурслар давлат мулкига айлантирилади, ҳатто унга кирмай қолган бошқа мулкка оид ресурслар ҳам амалда давлат ихтиёрида бўлади. Давлат мулки монополиясининг ўрнатилиши натижасида иқтисодиёт ҳам давлатлаштирилади. Ресурслар ва тайёр маҳсулотлар нархини ҳам давлат юқоридан белгилаб беради, нархлар қатъий бўлиб, уни ҳеч ким ўзгартира олмайди.

Ўзбекистон эришган ютуқ ва марраларни холис ва муносиб баҳолаш учун авваламбор барчамиз мустақилликнинг дастлабки йилларида қандай мураккаб вазият бўлганини эсга олишимиз ўта зарур. Бу ҳолат Ислом Каримовнинг «*Ўзбекистон мустақилликка эришиши остонасида*» китобида батафсил ёритилиб, унда: «Марказлаштирилган режалаштириш ва тақсимлаш механизми асосида фаолият кўрсатган бутун совет тизимига хос бўлган иллатлар билан бир қаторда, республикамиз иқтисодиётининг бир ёқлама ривожланиб, фақат хом ашё етказиб беришга йўналтирилгани, иқтисодиёт, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир кўрсатган тўла ва мутлақ пахта яккахокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди.

Бунинг оқибатида, улкан табиий, минерал хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамасдан, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожига бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. СССР парчаланиб кетганидан кейин вужудга келган шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши, инфляциянинг ўта кескин ўсишини жиловлаш, илгари қарор топган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай издан чиқиб кетиши оқибатларига барҳам бериш, ишсизликнинг янада авж

олишига йўл қўймаслик фавқулодда муҳим аҳамият касб этганлиги ҳақида маълумотлар олиш мумкин», – дея таъкидланган.

Ўзбекистон Ислом Каримов раҳнамолигида мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, жаҳон тажрибасини ҳар томонлама пухта ўрганиш, умуминсоний кадриятларни чуқур англаш, миллий урф-одат ва анъаналаримизни асраб-авайлаш ва янада мустаҳкамлаш асосида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этишга қарор қилди.

Инсон тараққиёти тўхтовсиз бўлганидан тизимлар ҳам ривожланади. Улар келиб-кедиб туради. Тизимлар тараққиёти табиий тарихий жараёнدير. Тизимлар ривожланишида уларнинг ўрин алмашуви юз беради. Бир тизимнинг ривожланиш имкониятлари тугаллангач, бошқа тизимга ўтилади.

Тизимларнинг ўрин алмашуви иқтисодий зарурат бўлганда юз беради. Бир тизим салоҳияти тугаллангач, бошқа салоҳиятли иқтисодий тизимга ўтилади.

Тизимлар баҳоланганда, моддий, ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий шароит биргаликда қаралади. Бунда ниманинг қандай усуллар билан ишлаб чиқарилиши аниқ бўлади.

Моддий шарт-шароит белгилари – бу яратилган маҳсулот ва хизматларнинг қандай бўлиши, яъни уларнинг натурал маҳсулот ёки товар маҳсулоти бўлиши, уларнинг таркибий тузилишининг қандайлиги, моддий шаклдаги ёки номоддий хизмат шаклида бўлишидан иборатдир. Тизимлар белгиларини аниқлашда ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий инсоний омилининг сифатли тавсифлари ҳам аҳамиятлидир (ресурслар, капитал, иш кучи малакаси ва маънавияти, касбий маҳорат, технология, инновация ва ҳ.к.). Барча тизимлар меҳнат тақсимотига асосланади. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар тафсилотида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳам муҳим мезон ролини ўтайди.

Тизимлар иқтисодиётни бошқариш усуллари билан ҳам тавсифланади. Бир ерда бошқаришнинг иқтисодий зўрлаш механизми бўлса, бошқа ерда гуруҳий манфаатга интилиш ёки индивидуал манфаатларни юзага чиқариш, яъни иқтисодий рағбатлантириш механизми амал қилади, яна бошқа ерда меҳнатга сиёсий-ғоявий ундаш, моддий эмас, балки маънавий-руҳий рағбатларга урғу берилади.

Тизим деганда унинг таркибида ноиктисодий муносабатларни, хусусан, мафкуравий муносабатларни ҳам ҳисобга олиш зарурки, улар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа шаклларга эга бўлади. Аммо уларнинг ҳар бирида иқтисодиётнинг муҳри бор. Турли тизимнинг ўз иқтисодиётига мос равишда ўз дунёқараши мавжуд бўлади. Ғоясиз одам бўлмайди, у маълум ғояга риоя қилиб иш тутади. Демак, мафкурасиз тизим бўлмайди. Бир тизимда мустабидлик ва зўрлик ғояси бўлса, бошқасида эркинлик ва демократия, яна бошқасида давлатга тобелик ва итоаткорлик ғояси устувор бўлади. Машҳур инглиз иқтисодчиси М. Кейнс айтганидек, дунёни иқтисодчилар ва сиёсатчилар ғояси бошқариб туради. Ғоя эътиқоднинг ўзи билан чекланмай, маълум хатти-ҳаракатларни келтириб чиқаради. Иқтисодий сиёсат ҳам тизимга киради. Бу иқтисодий соҳадаги йўл-йўриқ ва чора-тадбирлар мажмуаси бўлиб, маълум мақсадни кўзлайди. Улар иқтисодиётга таъсир этиш воситаси ҳисобланади. Иқтисодий сиёсатни давлат ёки айрим мулк соҳиблари юритадилар. Бундан умумдавлат манфаати, индивидуал ёки гуруҳий манфаат кўзланади. Демак, тизимларнинг қиёфасини бир қатор белгилар шакллантирадики, булар моддий-ашёвий, шахсий-инсоний, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ғоявий белгилардир. Булардан энг асосийси ижтимоий-иқтисодий белгилардир. Аммо бошқа белгиларни ҳам назардан қочириб бўлмайди, чунки улар ҳам иқтисодий ривожланишга таъсир этади. Шу сабабли тизимлар асосида иқтисодиёт ётса-да, уларни соф иқтисодий ҳолда эмас, балки бошқа белгилар билан ҳам тавсифлаш зарур.

2. Иқтисодий тизимда инсоннинг ўрни

Инсоннинг роли ва мавжудлиги унинг ишлаб чиқарувчи кучлар омили ҳамда ишлаб чиқариш ва бошқа ижтимоий муносабатларнинг субъекти эканлиги билан белгиланади. Бунда шунга эътибор бериш керакки, ишлаб чиқарувчи кучлар моддий буюм ва шахсий омилларининг ўзаро алоқадор диалектик бирлигини ифодалайди, бу зиддиятли бирликдир. Бунинг маъноси шундан иборатки, фақат инсон ишлаб чиқариш воситаларини яратади, уни жонлантиради ва шу билан ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқарувчи кучларнинг элементига айлантиради. Бундан кўринадики, инсон – ишлаб чиқарувчи кучларнинг омили сифатида унинг иккинчи қисми ҳисобланган ишлаб чиқариш воситаларини яратиб, ишлаб чиқарувчи

кучларни тўлиқ маънода вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам иш кучи – жамият ишлаб чиқарувчи кучларининг омилигина эмас, балки асосий ишлаб чиқарувчи кучдир. Унинг ривожланиш даражасига кўра инсон керакли ишлаб чиқариш воситаларини яратади ва ундан фойдаланиш йўл-йўриқларини аниқлаб беради. Бу эса ишлаб чиқариш шахсий ва моддий омилларининг жамият ишлаб чиқарувчи кучлари тизимидаги ўзаро алоқадорлигининг умумий йўналишини ифодалайди. Шу билан бирга, бир муайян давр учун иш кучининг характеристикаси бу давр қўлланиладиган ишлаб чиқариш воситаларининг ҳолати ва ўзлаштирилган технологиялар билан аниқланади. Бу орқали эса ишлаб чиқариш омилларининг мувофиқлиги ҳақидаги умумий иқтисодий қонуннинг моҳияти намоён бўлади.

Ишлаб чиқариш омилларининг мувофиқлиги, ўз табиатига кўра, миқдорий эмас, балки динамик характерда бўлади. Бу динамика ҳеч қачон ишлаб чиқаришнинг битта омилига қараб белгиланмайди. Буни қуйидагича тушуниш керак бўлади: янги ишлаб чиқариш воситалари ва технология ўз-ўзидан вужудга келмайди. Уни инсон яратади. Аммо, шу билан бирга, бу янги ишлаб чиқариш воситалари ва технология ишлаб чиқаришда қўлланилиши биланоқ ишлаб чиқарувчи кучларнинг ички ривожига таъсир этувчи асосий куч бўлиб қолади, чунки у (янги ишлаб чиқариш воситалари ва технология), яъни иш кучини янги талаблар даражасига жавоб бера оладиган ўз ҳолатига мос ҳолда ўзгаришга ундайди. Шу нуқтаи назардан қараганда, меҳнат воситалари ва айниқса, меҳнат қуроллари ишлаб чиқарувчи кучларнинг нисбатан инқилобий қисми деб айтиш мумкин бўлади.

Инсон – ижтимоий муносабатларнинг ҳаммасини: иқтисодий ва сиёсий, миллий ва оилавий, ғоявий ва руҳий муносабатларни ўзида мужассамлаштиради. Бу хилма-хил ижтимоий муносабатларсиз инсонни тушуниш мушкул. Чунки, жамиятда ҳамма нарса инсон туфайли содир бўлади ва унга хизмат қилади. Агар инсон ташқаридан келадиган қарорларнинг фақат бажарувчиси бўлса, у меҳнатга ижодий ёндаша олмайди. Шунингдек, агар ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ундан фаол фаолият талаб қилинмаса, у бевосита ишлаб чиқариш жараёнида ҳам фаол фаолият кўрсата олмайди. Шунинг учун ҳам инсоннинг ишлаб чиқаришдаги фаол ролини пасайтириш, тобора мукамаллашаётган ва инсонга боғлиқ бўлмай қолаётган техникага унинг бўйсунуши ҳақидаги технократик

қарашларни синдириб, йўқ қилиб ташлаш – фан-техника ва умуман ижтимоий тараққиётни тезлаштиришнинг муҳим шарти ҳисобланади. Ҳозирги ишлаб чиқариш шароитида инсон ўз билими ва касб малакасини ҳар томонлама оширмасдан ҳамда мустаҳкамламасдан туриб, самарали тарзда иш юрита олмайди. Шундай қилиб, юқорида айтилганлардан шу нарса равшан бўладики, меҳнат аҳлининг сифат даражасига қўйиладиган талабларнинг ўсиши – унинг ижтимоий кўламда такомиллашуви – ижтимоий ишлаб чиқариш ривожланишининг яна бир умумиқтисодий қонунидир.

Иқтисодиётнинг даражалари, шакллари қандай бўлишидан қатъи назар, уларнинг ҳаммаси бир мақсадга бўйсундирилади, у ҳам бўлса, инсониятнинг яшаши, кўпайиши ва камол топиши учун шарт-шароит яратиб бериш, эҳтиёжларини қондириб беришдан иборат. Шундай экан, иқтисодиёт инсон ҳаётининг асосини, унинг пойдеворини ташкил этиб, унинг ўзи ҳам инсонсиз, унинг фаолиятисиз мавжуд бўлмайди ва ҳеч қандай мазмун касб этмайди.

Инсоннинг иқтисодиётдаги жуда катта ва кенг роли қуйидагича таърифланади:

1. Инсон табиатнинг бир бўлаги, унинг ажралмас қисми сифатида ҳаракат қилади, табиат ашёларининг шаклини ўзгартириб истеъмолга яроқли ҳолга келтиради, бошқача қилиб айтганда, инсон иқтисодиётни ҳаракатга келтирувчи кучи, ҳамма товар ва хизматларнинг истеъмолчиси, уларни ишлаб чиқарувчиси ва яратувчисидир.

2. Инсон ҳамма товар ва хизматларни ишлаб чиқаришда истеъмолчиларга етказиб берувчи, бозор иқтисодиёти шароитида эса сотувчи ролини бажаради. Бунда ишлаб чиқариш билан истеъмолчи ўртасидаги алоқани бажарувчи сифатида намоён бўлади.

3. Инсон товар ва хизматларни сотиб олувчиси ва уларнинг истеъмолчиси ҳамдир.

4. Инсон иқтисодиётнинг ҳамма давридаги унинг ташкилотчиси, бошқарувчиси бўлиб, унинг турли омиллари, бўлаклари, соҳалари ўртасидаги уйғунликни, алоқаларни, бир-бирига мосликни таъминлаб беради.

Инсон эҳтиёжларини ривожлантириш ва қондириш табиий равишда ижтимоий ишлаб чиқаришнинг пировард вазифаси ҳисобланади. Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг бу вазифаси унинг бирон-бир шакли томонидан бекор қилина олмайди ва ҳар қандай шароитда ҳам унинг пировард мақсади бўлиб қолаверади.

Ҳозирги замон мутахассислари инсонни ўзига хос феномен сифатида тавсифлаш учун «индивид», «индивидуаллик», «шахс» тушунчаларидан фойдаланмоқда. Мазкур тушунчалар занжири инсон билан жамият орасидаги ўзаро алоқаларни ҳар томонлама таҳлил этиш имкониятини вужудга келтиради. Индивид – инсон жинсига ато этилган турли ваколатларни аниқлайди. Индивид ижтимоий муносабатлар маҳсулидир, бироқ бундан инсон фаолияти фақат объектив шарт-шароитлар таъсири остида шаклланади, деган хулоса келиб чиқмайди. Инсоннинг жамиятдаги ўрнини билиш, инсон ҳаётининг мазмуни ва маъносини билиш нафақат унинг бошқалар билан муносабатини, балки бошқалардан ўзини ажратишини ҳам таҳлил қилишни тақозо этади.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, «Асрлар давомида ақлу заковат ила бунёд этилган бой маънавияти туфайли халқимиз мағрур яшади, меҳнат қилди, доимо ҳуррият ва эрк сари интилди. Ана шу миллий онг, ана шу миллий ғурур бугунги истиқболимизнинг олтин пойдеворидир. Бу пойдеворга Широқ ва Тўмарис, Беруний ва Форобий, Абу Али ибн Сино ва Ал Хоразмий, Амир Темур ва Улуғбек каби юзлаб улуғ зотлар асос солганлар. Бобоқолонларимиз – Имом ал-Бухорий ва Имом ат-Термизийнинг номларини фахр билан тилга оламиз. Улуғ боболаримиз Хожа Аҳмад Яссавий ва Хожа Баҳоуддин Нақшбанд руҳи покларига эҳтиромимиз бениҳоят баланд. Бугун уларнинг инсонни маънавий етукликка чорловчи диний, ахлоқий ва ҳуқуқий ҳикматлари қайтадан жаранглай бошлади».

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши шарофати билан ижтимоий ҳаётимизнинг ҳамма жабҳаларида халқимизнинг ўтмиш маданияти – маънавияти, урф-одатлари ҳамда кадриятларини билишга қизиқиши кучайди. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтаётган бир вақтда янги иқтисодиёт ва иқтисодий муносабатлар барпо этилаётган бир пайтда одамлар руҳиятида, уларнинг маънавиятларида ўзгариш бўлиши табиий ва қонунийдир. Чунки инсоннинг ички дунёси ижтимоий-сиёсий шарт-шароитлар ўзгариши билан узвий боғлиқ, бозор муносабатларига ўтиш албатта ўзига хос маънавий дунёни шакллантиради.

Аждодларимиз асрлар давомида яратган маънавий мерос шу қадар улкан, кенг қамровлики, уларнинг барчасининг умумий хусусиятларини таҳлил қилиш, улардан ибрат олиб, бу меросни маънавиятимизнинг келгуси ривожини учун асос қилиб олишимиз

зарур. Ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти, шу даврда яшаб ижод қилган мутафаккирларнинг қимматли асарлари, фалсафий ва ахлоқий таълимотлари бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Шарқнинг машҳур ахлоқшуноси Хусайн воиз Кошифий инсоннинг гўзал хулқи ва ахлоқига қуйидагича баҳо беради: «Яхши хулқ, гўзал (ахлоқ) муомала шундай бир йўлдирки, бу йўлдан юрмай туриб иззат ва шараф манзилини эгаллаб бўлмайди, ҳайвонот биёбонидан инсоният дорилмулкига етиб бўлмайди».

Инсон ҳаётининг моҳияти, унинг ахлоқи ва маънавияти ҳақидаги фикрлар Аҳмад Дониш қарашларида ҳам ўз аксини топган. У инсонга қуйидагича баҳо беради: «Инсон еру коинот орасида ўрин олган ажойиб мавжудотдир. ... Агар у хаёлга чўмса, етти қават осмонни хаёл қутчасига жойлайди. Агар у фикр қилса, бутун борлиқни тоқчасига сиғдиради, агар унинг меҳри товланса, бечора чумолини киприги устида сақлайди, агар унинг сахийлиги жилва қилса, тўнани бировга бериб ўзи яланғоч қолади, агар унинг хасислиги ружу қилса, қумурсқа оғзидаги донни талашади».

Ахлоқий фазилатлар, уларни шакллантиришнинг миллий жиҳатлари ҳар доим сақланиб қолади ва жамият тараққиёти учун муҳим аҳамиятга молик бўлади. Ўзбекларнинг миллий маънавияти, ўзига хослиги, эркак ва аёлларнинг шарқона ахлоқий фазилатлари, ота-она ва фарзандлар, кўни-қўшнилар, маҳалла-кўй алоқалари, ҳалоллик, иймон ва виждон билан боғлиқ. Маънавият фақат ўтмиш садоси эмас, балки ҳозирги кундаги жамият тараққиётининг муҳим омили ҳамдир.

Шу боис ҳам тараққиётнинг «Ўзбек модели» инсон ва унинг манфаатини биринчи ўринга қўяди.

Биз бугун тараққиётнинг янги босқичига кўтарилиш йўлига чиқиб олдик. Эндиги вазифа маънавиятни тиклаш ва такомиллаштиришдир. Зеро, Президент Ислам Каримов таъкидлаганларидек, «мамлакатнинг иқтисодий қудратини, унинг эртанги кунини, бориники, тақдирини ҳам пировард натижада ақл заковат, маънавият ҳал қилади».

Ижтимоий-иқтисодий ислохотлардан кўзда тутилган асосий мақсад мамлакат аҳолиси учун муносиб бўлган ҳаёт ва фаолият, халқимизнинг унутилаётган маънавий-ахлоқий қадриятларини тиклаш, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлаш, келажаги буюк давлатнинг иқтисодий асосларини янада мустаҳкамлаш кўзда тутилади.

3. Ижтимоий-иқтисодий тизимда ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш

Ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш – инсоннинг ижтимоий табиатига мос келадиган моддий-буюм ва ташкилий-иқтисодий шарт-шароитларни вужудга келтиришдир. Бошқача айтганда, ишлаб чиқаришда инсоннинг меҳнат қилиши ва камол топиши учун зарур бўлган нормал шароитни яратишдир.

Инсон салоҳияти энг фаол, энг бунёдкор омил бўлиб, у мамлакатнинг ислохотлар ва туб ўзгаришлар йўлидан тинимсиз илгарилаб боришини таъминлаб беради.

Бу омилнинг кучи ва таъсири, энг аввало, юксак маънавий билан, жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий ривожланиш даражаси билан белгиланади. У аҳолининг билимдонлик даражаси, иш билан бандликнинг профессионал – малака тузилмаси ва бошқа кўпгина шарт-шароитлар орқали шаклланади.

Инсон салоҳияти ва меҳнат захираларини шакллантиришда ижтимоий-демографик вазият ҳал қилувчи роль ўйнайди.

Ўзбекистоннинг муҳим хусусияти шундан иборатки, бу ерда аҳолининг ўсиш суръатлари юқори.

Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган аҳоли сони 2012 йилнинг бошида 29,6 миллион кишини ташкил этди. Ўзбекистон аҳолиси 1990–2010 йиллар мобайнида 8,2 миллион кишига кўпайди ёки 1,4 баробар ошди.

Юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган пухта ўйланган демографик сиёсат натижасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши кейинги йилларда барқарорлашиб, ўтган асрнинг 80-йилларидаги 2 фоиздан зиёд кўрсаткич ўрнига 1,4 фоиз даражасида қайд этилмоқда.

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни химоя қилиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўртасида ўлим даражасининг изчил пасайишига эришилди: мустақиллик йилларида болалар ўлимининг умумий коэффициенти 1990 йилдаги 34,6 промилледан 2010 йилда 11,0 промиллега, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан тегишлича 65,3 дан 21,0 га тушди. Натижада аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2012 йилда 73,2 ёшга етди ёки 9 фоиздан кўпроқ ўсди.

Мамлакатимизда ижобий демографик жараёнлар аҳолининг ёш таркибини ҳам оптималлаштиришни тақозо этди. Бу жараёнда Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатидаги мақомини сақлаб қолмоқда, аҳолининг ўртача ёши 25,9 ёшни ташкил этмоқда.

Оила институтини мустаҳкамлаш, хусусан, кам таъминланган ва ёш оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уй-жой шароитини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар барқарор демографик ривожланишни таъминлаш имконини берди. Натижада 1990–2010 йилларда ёш оилалар ўртасида ажрашишлар коэффиценти 2 баробардан кўпроқ пасайди, оила қуришнинг ўртача ёши ошди ва оилада болалар сони ўртача бўлишига эътибор қаратадиган оилалар улуши ортди. Айтиш мумкин аҳолининг барқарор кўпайиши таъминланмоқда.

Мамлакатимиздаги ижтимоий-демографик аҳволнинг яна бир муҳим хусусияти – жамиятнинг асоси бўлган кучли оила тизимидир. Ўзбекистонда никоҳдан ўтиш даражаси юқори ва энг муҳими, оилаларнинг бузилиши дунё бўйича энг паст даражада. Оила – бизнинг халқимиз учун миллатнинг кўп асрлик анъаналари ва руҳиятига мос бўлган ғоят муҳим ҳаётий қадриятлардан биридир. Республикада оилалар асосан кўп сонли бўлиб, уларда турли авлод вакиллари бирга яшайдилар ва бирга хўжалик юритадилар. Бу эса фарзандларни тарбиялаш, уларни умуминсоний, маънавий қадриятлардан, анъаналардан баҳраманд қилиш, билим даражасини ошириш учун қулай шароитлар яратади. Худди ана шундай оилаларда одамлар болалик чоғлариданоқ меҳнатсеварликни, катталарга ҳурматни, билим эгаллашга интилишни ўрганадилар.

Халқимизнинг маънавий бойликларини, жаҳон цивилизациясининг энг яхши ютуқларини ўзида мужассамлаштирган янги авлодни шакллантириш бугуннинг энг муҳим вазифасидир.

Мустақиллик йилларида ҳақиқий иқтисодий вазиятни мавжуд захиралар ва имкониятларни ҳисобга олган ҳолда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг моҳиятан янги механизми яратилди.

Республикамиз бозор муносабатларига ўтишнинг илк давридан бошлаб бутун аҳолини ижтимоий ҳимоялаш йўлидан бормоқда. Яъни аҳолини аниқ ижтимоий ҳимоялаш механизминини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш борасида катта ишлар қилинди ва қилинмоқда.

Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш борасида мустақиллик йилларида қуйидаги муаммоларни бартараф этиш йўлидан борилади. Ишлаб

чиқаришни барқарорлаштириш, *биринчидан*, муттасил ривожлантириш, пул кадрсизланишига қарши самарали чора-тадбирларни амалга ошириш, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни жадал ривожлантириш, миллий валютани ва ички истеъмол бозорини мустаҳкамлаш натижасида ислоҳотларнинг дастлабки йилларидаёқ турмуш даражасини сақлаб қолиш ва унинг кескин пасайиб кетишига йўл қўймасликдир.

Иқтисодиётни барқарорлаштириш, инвестиция фаолиятининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг қўллаб-қувватлаш йўли янги ишчи ўринларни ташкил этиш, иш билан бандлик муаммоларни ҳал қилиш, иш ҳақи сақланиб қолмаган ёки қисман сақланиб қолган тўлиқсиз иш кунида ишлаётган ва мажбуран меҳнат таътилида юрган шахслар сонини қисқартириш учун қулай замин яратилди.

Иккинчидан, бу давлат томонидан ажратилган маблағлар билан бир қаторда меҳнат жамоалари, жамоат ва хайрия ташкилотлари, жамғармаларнинг маблағларини кенг жалб этиш ҳам муҳим ўрин эгалламоқда.

Аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатишда маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органларининг анча қисқартирилиши ва уларнинг масъулиятларини оширилиши лозим. Маҳаллий органларнинг асосий вазифаси – жамият аъзоларининг фаровонликларини юксалтириш мақсадида меҳнат қилиш учун кенг имкониятлар яратиб беришдан иборатдир.

Учинчидан, бу одамларнинг куч ва қобилиятлари тўла-тўқис фаоллашувига таъсир этувчи кучли механизмни вужудга келтириш. Бу механизм, биринчи навбатда, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги, унинг ўзи ва оиласининг бахт-саодати учун иқтисодий жавобгарлиги билан уйғунлашадиган шарт-шароитларни яратиш ҳисобига шакллантириш лозим. Ўз қобилият ва меҳнатига таяниб иш тутиш – фаровонликнинг бирдан-бир ва энг барқарор манбаи бўлиб қоладиган муносабатини вужудга келтиради.

Тўртинчидан, оила иқтисодиёти миллий иқтисодиётнинг асосий бўғинларидан бири ҳисобланади. Асосий истеъмолчилар ҳам оила ҳисобланади. Оила иқтисодини тадқиқ этганлиги учун Гарри Беккер Нобель мукофоти лауреати бўлганлиги бежиз эмас. Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» асарида турғунлик ва хўрлик йилларида оила-турмуш муносабатларига, унинг моддий ва маънавий асосларига етарлича эътибор берилмагани, бу соҳадаги муаммоларни ҳал этишга қолдик

принципи асосида ёндашилгани ва бунинг салбий оқибатлари очиб ташланган.

Шу боис Президентимиз ўз китобида оиланинг соғломлиги ва оилавий муҳитнинг қандай даражада бўлиши жамият ривожига, ундаги мавжуд муаммоларни ҳал этишга ижобий ёки салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини қайд этиб қолмай, балки оилани мустаҳкамлаш, уни соғломлаштириш муаммоларига кенг жамоатчилик эътиборини жалб этади. Шу ўринда мустақилликкача бўлган даврларда ўзбек оилаларининг аҳволига оид маълумотларни қуйида келтиришни мақсадга мувофиқ деб топдик.

Мустақилликка қадар (1989–1991) республикамиз иқтисодий ривожланишининг паст даражаси, аҳолининг моддий таъминотидаги етишмовчилик ва тақчилликлар оила-никоҳ муносабатларида кескин муаммоларни келтириб чиқарган. Ўша даврда Ўзбекистон аҳолисининг жон бошига тўғри келадиган ўртача даромади оилалар бўйича олиб қаралганда: бир ойда киши бошига 75 сўмгача даромад оладиган кам таъминланган камбағал оилалар; 71 сўмдан 125 сўмгача даромади ўртача таъминланганлар; 125 сўмдан 175 сўмгача даромад ўртачадан юқори; 175 сўмдан 225 сўмгача даромади нисбатан юқори даражада таъминланган ва 225 сўмдан ошиқ даромад оладиган оилалар бўлган.

Даромаддаги тенгсизликни ўша даврлардаги ишчилар ва колхозчи деҳқонлар синфи мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, ишчи ва хизматчилардан фарқ қилиб, колхозчилар орасида камбағаллар кўп (56,6 фоиз) бўлган. Юқори даражада таъминланганлар эса жуда оз бўлган. Ўзбекистонда колхозчиларнинг даромадлари ойига 70,6 сўм бўлиб, бу кўрсаткич собиқ СССРда жон бошига ойига 121 сўмдан тўғри келувчи даромаднинг ўртача даражасидан анча пастдир. Бу Ўзбекистонда ўткир ижтимоий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган. Айниқса, ўтган асрнинг 80-йилларида Ўзбекистонда жон бошига даромаднинг ўсиши, ўртачадан юқори даромад олувчи оилаларнинг сони бўйича бошқа республикалардан борган сари кўпроқ орқада қолган. Ойига 50 сўмгача даромад олувчи энг камбағал аҳолининг салмоғи Ўзбекистонда РСФСРдагидан 32 баробар, 51 сўмдан 75 сўмгача даромад олувчилар сони 6 баробар кўп бўлган.

Республикамиз ишчи ва хизматчиларининг жон бошига ўртача ойлик даромади ўсиши бўйича ҳам бошқа республикалардан орқада қолган. 1975–1988 йилларда ушбу кўрсаткич (сўм ҳисобида)

РСФСРда – 53,5, Украинада – 49,5, Қозоғистонда – 57, Литвада – 72,2, Ўзбекистонда – 28,7 сўмга тўғри келган. Колхозчиларнинг оилаларидаги даромаднинг ўсишидаги аҳвол янада ёмонроқ бўлиб, кўрсатилган даврда СССРда 46,3 сўмни ташкил этган бўлса, республикамизда 12,9 сўмдан ошмади. Натижада республикамиз колхозчилари турмуш даражаси бўйича Эстония колхозчиларидан уч баробар, Грузия, Украина, РСФСР колхозчиларидан икки баробар орқада қолиб кетган.

Республикамиз туб ерли аҳолиси катта оилалардан иборатлиги, табиий ўсиш суръатининг баландлиги унинг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Айтиш жоизки, 1989 йилда ўтказилган Бутуниттифоқ аҳоли рўйхатининг натижаларига кўра, собиқ СССРда 71,1 миллион оила ҳисобга олинган ва оила таркибининг миқдори мамлакатда кейинги 10 йил давомида асосан бир хил ҳолатда бўлиб, у 3,5 кишига, шундан шаҳарда 3,3 киши, қишлоқ жойларда эса 3,8 кишига тўғри келган.

1989 йилдаги аҳоли рўйхати маълумотларига қараганда, Ўзбекистонда 3 миллион 415 минг оила мавжуд бўлган. Албатта, ўша пайтдаги пахта яккаҳоқимлиги, мустамлака тузумига хос бир ёклама ривожланган иқтисодиётнинг ҳалокатли оқибатлари, аввало, одамларнинг турмуш тарзида, энг муҳими, уларнинг жон бошига тўғри келадиган даромад даражасининг ўта пастлигида, томорқа ерларининг кескин камайиб боришида, миллатнинг саломатлиги, унинг генофондига салбий таъсирларнинг кучайишида, болалар ва оналар ўлимининг авж олишида, ўлкамизнинг экологик ночор ҳолатида ва бошқа кўплаб масалаларда яққол намоён бўлган эди. Лекин бу фожиаларнинг барчасини аниқ мисол ва рақамлар асосида, СССРдаги умумий кўрсаткичларга қиёслаган ҳолда, мустабид империянинг баландпарвоз ғоялар билан ниқобланган мустамлака сиёсатининг аянчли натижалари сифатида ҳар томонлама чуқур таҳлил этиб, бутун моҳиятини давлатимиз раҳбари Ислом Каримов Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қилган маърузасида очиб ташлади. Ушбу ижтимоий-тарихий аҳамиятга молик маърузада давлатимиз раҳбари томонидан хотин-қизлар масаласи, оилага бўлган муносабатларни тубдан ўзгартириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳуқуқлари, шарафи ва кадр-қимматини ҳимоя қилиш уларнинг ижтимоий ишлаб чиқаришда, давлат ва жамият қурилишида иштирок этиши учун энг қулай шароитларни яратиш, оналар ва болалар соғлиғини, аҳолининг билим ва маданият

даражасини узлуксиз ҳар томонлама ошириб бориш ижтимоий-иқтисодий ва мафкуравий жиҳатдан таъминланиши кераклиги муҳим ижтимоий вазифа сифатида қўйилди. Шунингдек, Ўзбекистон оилаларининг моддий аҳволини ҳисобга олган ҳолда Юртбошимиз Ислом Каримов раҳнамолигида умумтаълим мактабларининг бошланғич синф ўқувчиларини бепул нонушта билан таъминлаш, оналарнинг уч йилгача иш стажлари сақланган ҳолда болаларига қараб туришлари учун қўшимча таътил имтиёзлари бериш, айти пайтда унинг бир ярим йилига қисман иш ҳақи тўланишини жорий этиш, болаларга бериладиган нафақаларнинг миқдорини ошириш каби вазифаларнинг амалга оширилиши оналик ва болаликни муҳофаза қилишда муҳим қадам бўлган эди.

Ҳар бир киши ўз мамлакатининг фуқароси эканлигини ҳис қилиши унинг ўзига бериб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига онгли муносабатда бўлиши ва кадрлаши, машаққатли меҳнат билан қўлга киритилган демократик кадриятларни асраб-авайлаш ва ҳимоя қилиши ғоят муҳимдир.

Республикамиз ижтимоий ишлаб чиқариш жараёнида асосий ва ҳал қилувчи ўринда инсон туради.

Республикамизда кўп босқичли бозор иқтисодиёти қурилаётган экан, аҳолининг бу ижтимоий тараққиёт босқичларида аҳолининг бандлиги ҳам катта эътиборни жалб қилади. Нодавлат корхона ва ташкилотларда, нодавлат ижтимоий-иқтисодий укладларда банд аҳоли салмоғининг ошиб бориши – бу корхона ва ташкилотларнинг давлат тасарруфидан чиқарилиб, хусусийлаштирилиши ва бозор муносабатлари тараққий этишининг натижасидир.

Республикамизда аҳоли фаровонлигини ошириш ҳамда жойлардаги мавжуд ишсизликни минимал даражага тушириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланишига катта эътибор қаратилмоқда.

Бу заминимизда яшаётган инсонларнинг муносиб ва эркин, фаровон ҳаётини таъминлаш ҳар бир киши ҳуқуқ ва имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш учун зарур шароитларни яратишдир.

Ўзбекистонда меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти – унинг ёши ва касбий таркибидир. Ўзбекистон аҳолисининг ўртача ёши 25,9 ёшга тенг. Бу XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошида меҳнат захиралари юксак меҳнат фаоллиги ва касб тайёргарлиги билан ажралиб турадиган одамлар кўпчиликти ташкил этишига имкон беради.

Иш билан банд бўлган аҳолини таркибий жиҳатдан қайта тақсимлаш ҳамда меҳнат лаёқатли ёшларни фаолиятнинг янги илғор

тармоқларига ва соҳаларига жалб қилиш ҳам меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланишнинг қудратли захирасидир.

Шунинг учун ҳам, ҳозир республикада ҳал қилинаётган энг долзарб муаммолардан бири ишлашни хоҳловчиларнинг ҳаммасини иш билан таъминлаш ҳисобланмайди. Балки энг мақбул ижтимоий йўналтирилган иш билан бандликни вужудга келтиришдан иборатдир. Вазифа республиканинг ҳар бир фуқаросига меҳнат фаолиятининг тури ва шаклини эркин танлаш учун чинакам имконият яратишдир.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистондаги меҳнат салоҳиятининг муҳим хусусияти – унинг таълим даражаси юқориликка алоҳида эътибор беради. Республикада аҳолининг ялпи саводхонлиги муаммоси тўла ҳал қилингандир. Саводхонлик даражаси қарийб 100 фоизни ташкил этади. Бу эса республикани инсон салоҳияти юқори даражада ривожланган иқтисодий тараққий этган мамлакатлар билан бир қаторга олиб чиқади.

Меҳнат захираларининг умумий ва профессионал таълим даражаси ҳам юқоридир. Республикада мажбурий умумий ўрта таълим қонун йўли билан мустаҳкамлаб қўйилган. Бундай таълимни умумий таълим мактаблари, лицейлар, коллежлар ва тижорат мактабларининг кенг тармоғи орқали олиш мумкин.

Таянч тушунчалар:

Тизим, иқтисодий тизим, ҳуқуқий тизим, ишлаб чиқарувчи кучлар, иқтисодий муносабатлар, иқтисодий тизим турлари, иқтисодий тизим моделлари, анъанавий тизим, тоталитар-иқтисодий тизим, бозор иқтисодиёти тизими.

Савол ва топшириқлар:

1. Ижтимоий-иқтисодий тизимлар нима ва улар бир-биридан қандай фарқланади?
2. Умумбашарий тизим ҳисобланган бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнининг уч хил йўлини тушунтиринг.
3. Бозор тизимига ўтишнинг «Ўзбек модели»ни изоҳланг.
4. Анъанавий иқтисодиёт нима?
5. Тизимларнинг қиёфасини белгилайдиган белгиларни изоҳланг.
6. Иқтисодий-ижтимоий тизимда инсон омили: шаклланиши, амал қилиши ва фаоллашуви ҳақида фикрингиз?

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Иқтисодиётнинг функционал тизими – ҳозирги замон иқтисодиётида функционал алоқа ва муносабатларнинг ўзаро боғлиқ ва ривожланиб бораётган бирлиги.

Иқтисодиёт тизими – унинг элементларининг онгли равишда тартибга солинган ўзаро боғлиқ бирлиги.

Ижтимоий-иқтисодий тизимлар қуйидагича бўлади:

Анъанавий иқтисодиёт – бу ўта заиф ишлаб чиқариш омилларига таянган, кам унумли натурал ишлаб чиқаришга, анъаналар шаклига кирган ижтимоий-иқтисодий муносабатларга асосланган иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиёти – бу мукамал ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган, товар-пул муносабатларига асосланган, аниқ ижтимоий мўлжали бор, бозор сигналларига биноан ва пул воситасида бошқарилиб турувчи иқтисодиётдир.

Тоталитар-режали иқтисодиёт – бу давлатлаштирилган, ижтимоий мулкка таянган, бир марказдан туриб режалаштиришга ва бошқаришнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларига асосланган иқтисодиётдир.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Ижтимоий-иқтисодий тизим баҳоланганда моддий, ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий-сиёсий белгилар асос қилиб олинади. Буларга ресурслар ва яратилган маҳсулотларнинг характери, мулкчилик шакллари, иқтисодий механизмнинг қандайлиги, қандай ғоялар ва сиёсатнинг устуворлиги кабилар киради.

2. Жамият тараққиётида учта ижтимоий-иқтисодий тизим бўлиб, булар анъанавий тизим, бозор тизими ва режали тизимдир. Булар ўзининг туб белгилари билан бир-биридан фарқланади. Ҳозирги дунёда бозор тизими умумбашарий тизим ҳисобланади.

3. Тизимлар тараққиёти икки хил кечади. *Биринчидан*, ривожланиш салоҳиятини тугаллатган тизим янги истиқболли, салоҳияти юксак тизим билан алмашади. *Иккинчидан*, мавжуд, ўз салоҳиятини сақлаган тизимда янги иқтисодиёт томон трансформация юз беради. Ҳозир бу бозор иқтисодиётининг ривожланган мамлакатларда аралаш иқтисодиёт сари трансформациясидир.

4. Бозор иқтисодиётининг афзаллиги туфайли унга ўтиш заруратга айланади. Бундай ўтиш уч йўл билан юз беради: а) классик йўл; б) мустамлака иқтисодиётидан миллий бозор иқтисодиётига ўтиш; в) режали иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш. Ҳозир учинчи йўл амал қилади, бу энг кейинги йўл бўлиб, моҳиятан илгари ривожланиши

зўрлик (революция) йўли билан тўхтатиб қўйилган бозор иқтисодиётига янгидан қайтиш йўлидир. Бу йўлдан борилганда давлатнинг фаол иштирокида ўтказиладиган бозор ислохотлари туфайли режали тизим ўрнига бозор тизими келади. Ўзбекистоннинг бозор тизимига ўтиши учинчи йўл доирасида, лекин «Ўзбек модели»га биноан юз беради.

5. Ривожланган мамлакатларда бозор иқтисодиётининг ички ривожланиши юз бериб, у ўз тараққиётининг янги – аралаш иқтисодиёт босқичига чиқиши билан тавсифланади. Аралаш иқтисодиёт янги иқтисодиёт бўлиб, XIX асрдаги классик бозор иқтисодиётидан жиддий фарқланади.

6. Ишлаб чиқариш муносабатлари тизимнинг моддий томонини ифодалайди. Тизим деганда унинг таркибида номоддий муносабатларни, хусусан, мафкуравий муносабатларни ҳам кўриш керакки, улар сиёсий, ҳуқуқий, ахлоқий, диний ва бошқа шаклларга эга бўлади. Аммо, уларнинг ҳар бирида иқтисодиётнинг муҳри бор. Турли тизимнинг ўз иқтисодиётига мос равишда ўз дунёқараши мавжуд бўлади. Бозор тизимга хос ғоя – бу эркинлик ва демократия ғоясидир. Тоталитар иқтисодиёт тизимида тобелик ва итоаткорлик ғояси бирламчи бўлган.

7. Тизимлар баҳоланганда моддий, ижтимоий-иқтисодий ва ғоявий шарт-шароит биргаликда қаралиши инобатга олинishi керак. Моддий шарт-шароит белгилари бу яратилган маҳсулот ва хизматларнинг қандай бўлиши, яъни уларнинг натурал маҳсулот ёки товар маҳсулот бўлиши, уларнинг таркибий тузилишининг қандайлиги, моддий шаклдаги ёки номоддий хизмат шаклида бўлишидан иборатдир.

8. Тизимлар белгиларини аниқлашда ишлаб чиқариш шахсий инсоний омилининг сифатли тавсифлари ҳам аҳамиятлидир. Тизимлар қандай иш кучининг қўлланиши билан ҳам ажралиб туради.

9. Тизимлар тафсилотида ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг мазмуни ҳам муҳим мезон ролини ўтайди. Буни энг аввал мулкчилик белгилаб беради. Шу боис, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов мустақилликнинг илк йиллариданоқ мулк масаласини ҳал этиш миллий, иқтисодий, ижтимоий хавфсизликни таъминлаш шарти эканлигини алоҳида қайд этиб келди.

10. Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиёт таркибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглиги, айти пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилган давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини, биз барпо этаётган жамиятнинг маъно-мазмунини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

11. Ўзбекистоннинг иқтисодий устуворлик ғоясида мулк ва мулкдорлар масаласини ечишда умумэтироф этилган тамойиллар билан бирга, ўзимизга хос миллий хусусият ва ҳаёт тарзи инобатга олинган.

Айнан шундай ёндашув ва олиб бораётган сиёсатимиз бугунги мураккаб шароитларда мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий барқарорликни сақлашда, иқтисодиётимизнинг ишончли пойдевори ва тез суръатлар билан ўсишини таъминлашда мустаҳкам омил бўлмоқда.

12. Дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашга астойдил жон куйдиради.

13. Кўпчиликни ташкил этган ва бундай мақсадларни ўз олдига қўйган тоифа – ижтимоий қатламларнинг ўрта синфи деб ном олгани. Ўзбекистон танлаган ва бугун амалга ошираётган тараққиёт йўлида ана шу ўрта синф, тобора кучга кираётганлигини ижтимоий ҳаётимиз исботламоқда.

14. Ўзбекистон танлаган модел, чуқур ўйланган ва изчил амалга оширилаётган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ўзгаришларнинг устувор йўналишлари юртимиздаги иқтисодий, сиёсий тизим, фуқаролик жамияти, миллий иқтисодиётимизнинг барқарор ва жадал ривожланиши, аҳолининг ҳаёт даражаси изчил ошиб бориши учун мустаҳкам ва ишончли пойдевор яратди.

3- МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

1. Ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шарти

Иқтисодиёт деганда кишиларнинг доимо юксалиб бораётган ҳаётий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган фаолияти тушунилади.

Ишлаб чиқариш муносабатлари тизимида ишлаб чиқариш бирламчи ҳисобланади. Шу боис ҳам маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг асоси ҳисобланади. Иқтисодий фаолият мана шундан бошланади. Жамият учун истеъмол неъматларини кўпайтириш бирламчи аҳамиятга эга. Эҳтиёжлар доимо чексиз эканлиги барчага маълум. Бироқ эҳтиёжлар анланган эҳтиёж бўлиши лозим. Эҳтиёжни қондиришнинг бош воситаси ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг иккинчи муҳим шарти ишлаб чиқарилган маҳсулотларни айирбошлаш ҳисобланади. Товар айирбошлаш усули савдо-сотиқни билдиради. Айирбошлаш орқали жамият аҳли эҳтиёжлари учун зарур маҳсулот ва хизматларга эга бўлади.

Ишлаб чиқариш муносабатларининг учинчи муҳим шарти тақсимлаш муносабатлари ҳисобланади. Тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг ҳосиласи ҳисобланади. Шундай бўлса-да, у ишлаб чиқаришга қайтадан таъсир эта олади. Агар кишилар тақсимлаш жараёнида неъматларга қанчалик кўп эга бўлсалар, шунчалик уларда мотивация кучли бўлади ва аксинча.

Тақсимлашда кишиларнинг иқтисодий манфаати юзага чиқади, манфаат эса эҳтиёжни билдиради.

Иқтисодиётда шундай боғлиқлик бор; эҳтиёж манфаатни, манфаат мақсадни, мақсад мотивацияни, бу эса ўз навбатида иқтисодий стимулларни, яъни рағбатлантирувчи кучларни юзага келтиради, мана шундай тартибда тақсимлаш иқтисодий фаолликни юзага келтиради.

Тақсимотнинг бош тамойили – бу адолатлилик тамойилидир. Бунга кўра иқтисодиётда ҳар бир иштирокчининг яратилган маҳсулот ва хизматларидан оладиган улуши буларни яратишга қўшган ҳиссасига тўғри мутаносибликда бўлиши талаб қилинади.

Тақсимлаш орқали яратилган маҳсулот ва хизматларнинг бир қисми жорий истеъмолга юборилса, бошқа қисми ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, модернизациялашга ҳамда диверсификациялашга ва шу орқали бўлғуси эҳтиёжларни қондиришга юборилади.

Иқтисодий фаолиятнинг яқунловчи босқичи – истеъмол жараёнидир.

Истеъмол бу яратилган маҳсулот ва хизматларнинг пировард натижада эҳтиёжни қондириш йўлида ишлатилишидир.

Истеъмол, *биринчидан*, кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондиришни, *иккинчидан*, ишлаб чиқаришни ривожлантиришни кўзлайди.

Истеъмол уч хил бўлади: а) хусусий истеъмол; б) давлат истеъмоли; в) ишлаб чиқариш истеъмоли.

Хусусий истеъмол юз берганда, истеъмол буюмлари ва хизматлар кишиларнинг жузъий эҳтиёжини қондиради.

Давлат истеъмоли бу давлат идора ва ташкилотларидаги истеъмол бўлиб, бу уларнинг ишлаб чиқаришни таъминлайди.

Ишлаб чиқариш истеъмоли эса турли моддий воситалар, моддий ресурсларнинг корхона ва хўжаликларда ишлатилишини билдиради. Булар таркибига меҳнат қуроллари, бино-иншоотлар, хом ашёлар, ярим фабрика маҳсулотлари, бутловчи қисмлар ва ниҳоят, ёқилғи ва энергиялар киради.


Ишлаб чиқаришдаги истеъмол охир-оқибатда шахсий истеъмолни таъминлашга, яъни истеъмол буюмлари ва хизматларни янгидан яратишга хизмат қилади.

Кишиларнинг ҳаёти бир маромда бориши учун иқтисодий фаолият узлуксиз бўлади, шу боис, иқтисодиётда ишлаб чиқариш бирламчи бўлади ва аҳоли истеъмолини қондиришга қаратилади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини мутаносиб ривожлантириш, унинг самарали таркибий тузилмасига эга бўлиш ва шу орқали барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш Ватанимиз тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлашнинг муҳим шартларидан ҳисобланади. Ушбу мақсадга эришиш учун эса, энг аввало, иқтисодиётнинг реал секторини жадал ривожлантириш зарур бўлади.

Шунга кўра, 2008 йилнинг ярмида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш долзарб аҳамият касб этиб, республикамызда ушбу жараён бир қатор асосий йўналишлар бўйича амалга оширилди.

Иқтисодиёт реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари



Айниқса, реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлашда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кооперация алоқаларини кенгайтириш, мустаҳкам ҳамкорликни йўлга қўйиш, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотларга ички талабни рағбатлантириш масалалари алоҳида ўрин тутди.

Иқтисодиётнинг реал сектори – иқтисодиётнинг бевосита моддий неъматлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш билан боғлиқ соҳаси бўлиб, у ўз ичига саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт, алоқа ва бошқа хизмат кўрсатиш тармоқларини олади.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – ишлаб чиқаришни замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, уни маънавий жиҳатдан янгилаш, таркибий жиҳатдан техник ва технологик қайта тузиш каби чора-тадбирларни ўз ичига олувчи жараён. Ишлаб чиқаришни модернизациялашнинг асосий йўналиш ва воситалари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: корхоналардан эскирган асбоб-ускуналарни чиқариш; ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш; маҳаллий ресурслар асосида ишлаб чиқаришга инновацион технологияларни жорий этиш; ишлаб чиқарилаётган маҳсулот ассортиментини кенгайтириш; ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ва ресурсларни тежаш; сифатни бошқариш ва сертификатлаш тизимини жорий этиш; чиқитсиз ва экологик тоза технологияларни жорий этиш ва бошқалар.

Кооперация алоқалари – турли соҳа ишлаб чиқариш тармоқларида маълум маҳсулотни тайёрлаш бўйича узоқ муддатли алоқаларни ўрнатиш.

Бугунги кунда республикаимиз иқтисодиётининг деярли барча тармоқ ва соҳаларида ишлаб чиқаришни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятларини кенгайтирмоқда. Бироқ, бу борадаги жиддий муаммо – айрим маҳсулотларимиз таннархининг юқори даражада қолаётганлиги уларнинг рақобатдошлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.


Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларни барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги (2008 йил 28 ноябрь) 4058-сонли фармонида муҳим чора-тадбирлар қаторида маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг барча ресурслардан самарали фойдаланиши ҳисобига маҳсулот таннархини 20 фоиздан кам бўлмаган миқдорда пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини таъминлаш вазифаси ҳам белгилаб берилган эди.

Кредитор қарздорлик – корхона, ташкилот ёки муассасанинг тегишли юридик ёки жисмоний шахсларга тўланиши лозим бўлган пул маблағлари бўлиб, улар меъёрдаги (муддати ўтмаган) ҳамда муддати ўтган қарздорликларга бўлиниши мумкин.

Маҳсулот таннархи – маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни сотиш билан боғлиқ барча харажатлар.

Ушбу вазифани амалга ошириш доирасида мамлакатимиз корхоналарида таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилди:

Таннархни пасайтиришнинг асосий йўналишлари



Инқирозга қарши чоралар дастурининг дастлабки – 2009 йили мобайнида саноат тармоқларида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархи 18 фоизга, Олмалиқ кон-металлургия комбинати, «Ўзметкомбинат» акциядорлик ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси, «Ўзқурилиш материаллари» компанияси сингари ва бошқа корхона ва тармоқларда 20–25 фоизга камайди.

Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлашдаги муҳим тадбирлардан яна бири – турли сабабларга кўра вужудга келган ҳамда корхонанинг соғлом молия-хўжалик фаолияти юритишига жиддий таъсир кўрсатиб келаётган қарзларини қайта кўриб чиқиш (реструктуризация қилиш) ҳисобланади. Мазкур тадбир орқали корхоналарнинг мавжуд қарзлари вужудга келиши

сабаблари ва уларни тўлаш имкониятлари ўрганилади. Ҳар бир корхонанинг аҳамияти, яхлит хўжалик тизимида тутган ўрни, бошқа корхоналар билан ишлаб чиқариш ва хўжалик алоқаларини ҳисобга олган ҳолда мазкур қарзларни тўлаш муддатларини кечиктириш, улар бўйича қўлланиши мумкин бўлган турли санкцияларни бекор қилиш, зарур ҳолларда, ушбу қарзларни умуман рўйхатдан чиқариш каби чоралар белгиланиши мумкин. Инқирозга қарши дастурнинг дастлабки – 2009 йили давомида ҳам давлат томонидан реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш мақсадида 50 та корхонанинг бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар бўйича муддати ўтган ҳамда жорий кредитор қарздорлиги қайта кўриб чиқилди. Бу мазкур корхоналар тасарруфида 350 миллиард сўмдан ортиқ маблағни қолдириш, уларнинг ишлаб чиқариш фаолиятини ривожлантириш имконини берди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб-қувватлаш билан бир қаторда, уларни соғломлаштириш тадбирлари ҳам муҳим ўрин тутди. Зеро, узок давр мобайнида сифатсиз маҳсулотни ишлаб чиқариш, эскирган техника ва технология асосида зарар кўриб ишлаётган корхоналарни сақлаб қолиш иқтисодиётнинг соғломлигига жиддий путур етказиши мумкин. Бундай корхоналарни банкрот деб эълон қилиш ҳамда молиявий-хўжалик фаолиятини таркибий ўзгартириш орқали қайта тузиш бу борадаги энг тўғри ва самарали ечим ҳисобланади.

Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тарихий 2008 йил 18 ноябрдаги 4053-сонли «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармонида кўзда тутилган иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш, модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш жараёнига тижорат банкларининг маблағларини кенгроқ жалб қилишни йўлга қўйиш тадбирлари муҳим ҳисобланади.

Қарорда республика комиссиясининг қарори асосида банкрот корхоналарни тижорат банкларига сотиш ёки тўғридан-тўғри балансига беришнинг 3 та механизми кўзда тутилган:

1) банкрот корхона кредиторлик қарзи таркибининг 70 фоиз ва ундан ортиқ қисмини банк кредитлари ташкил этса, у ҳолда корхонани тижорат банклари балансига бериш;

2) банкрот корxonани кимошди савдолари орқали энг юқори нархни таклиф қилган ва тегишли мажбуриятни ўз зиммасига олган тижорат банкларига сотиш;

3) банкрот корxonани танлов савдолари орқали тижорат банкларига «ноль» қийматда инвестицион мажбурият шарти билан сотиш.

Ушбу тадбирлар мамлакатимиздаги банкрот корxonаларни таркибий қайта тузиш ҳамда янги хўжалик фаолиятини йўлга қўйиш жараёнларини сезиларли даражада тезлаштирди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 19 ноябрдаги 4010-сонли «Иқтисодий ночор корxonаларни тижорат банкларига сотиш тартибини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармойиши билан иқтисодий ночор корxonаларнинг молиявий қобилиятини тиклаш бўйича бир қатор имтиёзлар (кўмаклар) берилган эди. Жумладан, ушбу фармойишга кўра:

– тижорат банкларига банкрот корxonалар ёки улар мол-мулкининг берилиши, сотилиши, уларнинг хўжалик юритувчи субъектлар устав жамғармаларига киритилиши, шунингдек банклар томонидан банкрот корxonалар мол-мулки негизда янгидан ташкил этилган хўжалик субъектларини қайта сотиш қўшилган қиймат солиғидан озод қилинди;

– банкрот корxonалар негизда янги ташкил этилган хўжалик юритувчи субъектлар уч йил давомида фойда солиғи, ягона солиқ тўлови, мулк солиғи ва ер солиқларини тўлашдан озод қилинди;

– бошқарув компанияларга берилганда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан икки йил давомида озод қилинди. Бунинг натижасида собиқ банкрот ҳисобланган, эндиликда таркибий қайта тузиш орқали фаолиятини янгилаган корxonаларнинг фаолият кўрсаткичларида сезиларли ўзгаришлар рўй берди.

Шунингдек, юқорида қайд этилган меъёрий ҳужжатлар орқали тижорат банкларига ҳам муайян имкониятлар берилган эди. Жумладан:

– қарзларни тўлаш ҳисобига ундирилган ёки аукцион ва танлов савдоларида сотиб олинган мол-мулк негизда тижорат банкларининг корхона устав жамғармасидаги иштироки улуши 100 фоизгача бўлган янги корxonаларни ташкил этиш;

– банкрот корxonанинг тугатилиши муносабати билан унга аввал берилган, қопланмаган кредитини, шу жумладан ҳукумат

кафолати билан берилган кредит суммасини банк кенгашининг қарори билан ҳисобдан чиқариш;

– банкрот корхона учун малакали бошқарув компаниясини тузиш ва жалб қилиш;

– банкрот корхонани тугатиш баҳосида сотиб олиб, унинг фаолиятини тиклаб, қайтадан бозор баҳосида сотиш ва ҳ.к.

Айни пайтда мазкур жараённинг самарадорлигини ва таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида тижорат банкларига бир қатор мажбуриятлар юкланган эди. Жумладан:

– тижорат банклари балансига ўтказилган банкрот корхоналарни тиклаш, техник ва технологик модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни қайта қуроллантириш, зарур бўлганда корхонани тўлиқ реструктуризация қилиш орқали фаолият йўналишини ўзгартириш, стратегик ҳамкорлар ва инвесторларни жалб қилишни назарда тутувчи бизнес-режаларни ишлаб чиқиш;

– ёлланган ҳар бир корхона бошқарувчиси ишлаб чиқаришда кутилган натижаларга эришиши орқали ишлаб чиқаришларга замонавий ва юқори малакали бошқарувчиларни жалб қилиш ишларини олиб бориш;

– банклар тасарруфига берилган банкрот корхоналари келгуси фаолияти устидан иқтисодий ночор корхоналарни тижорат банкларига сотиш бўйича Республика комиссиясида ҳисобот беришлари йўлга қўйилган.

Паст рентабелли ва иқтисодий ночор корхоналарни тугатиш ва бу жараёнга тижорат банкларини жалб қилиш борасида белгиланган тадбирлар корхоналарнинг молиявий барқарорлигини оширишда муҳим роль ўйнади. Президентимиз маърузасида таъкидланишича, 2009 йилда мамлакатимиз бўйича, йирик корхоналарни ҳам қўшганда, жами 240 та корхона банкрот деб эълон қилинди. Айни пайтда уларнинг 154 таси янги мулкдорларга сотилди, 86 таси эса тижорат банклари балансига ўтказилди.

Бугунги кунда тижорат банклари балансига ўтказилган 70 та иқтисодий ночор корхонада ишлаб чиқариш тўлиқ қайта тикланиб, истиқболли сармоядорларга сотилди, қолганларида молиявий соғломлаштириш ишлари олиб борилмоқда.

Шунингдек, маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилиши қуйидаги ижобий жиҳатлар билан тавсифланади:

– мавжуд ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланиш;
– саноат турли тармоқларининг қўшилган қиймати юқори даражада бўлган маҳсулотлар экспортини кўпайтириш ва тегишли равишда, анъанавий экспорт салмоғини камайтириш;

– самарали ички ва тармоқлараро ишлаб чиқариш кооперация алоқаларини ривожлантириш;

– иқтисодиётнинг реал секторига мамлакатимиз корхоналарининг кооперацияси салоҳиятидан юқори даражада фойдаланиш;

– маҳаллий хом ашёни қайта ишлашни кенгайтириш, ишлаб турган корхоналарни замонавийлаштириш ва янгиларини ташкил этиш ҳисобига иқтисодиёт таркибини такомиллаштириш ва ҳ.к.

2011 йилда **фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга** алоҳида эътибор қаратилди.

2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил етгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда.

Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани, айниқса, муҳимдир.

Бундан кўринадики, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини кўллаб-қувватлаш чораларининг изчил амалга оширилиши барқарор ва мутаносиб ўсиш суръатларини таъминлаш учун етарли шарт-шароитларни яратди.

2. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар

Ресурсларнинг чекланганлиги шароитида, уларни тобора кўпроқ ишлатиш орқали эҳтиёжларни тўла қондириб бўлмайди. Шу сабабли жамият ресурсларни тежаб, ресурс бирлигидан кўпроқ маҳсулот олади, бунда ҳам моддий, ҳам меҳнат ресурслари тежалади. Мана шу меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўлади.

Меҳнат унумдорлиги меҳнат сарфи минимум бўлгани ҳолда, маҳсулотнинг максимум бўлишини билдиради.

Меҳнат унумдорлиги турлича даражада ифодаланади:

Иш ўрнидаги меҳнат унумдорлиги. Бу алоҳида олинган ишловчи вақт бирлигида ўз иш жойида қандай миқдорда маҳсулот яратгани ёки қанчалик хизмат кўрсатганини билдиради.

Корхона даражасидаги унумдорлик. Бу жамоада ишловчи бир киши вақт бирлигида ўртача қанча маҳсулот ёки хизмат яратганини билдиради.

Сектор соҳасидаги унумдорлик. Мазкур сектор бўйича битта ишловчи муайян вақтда қанча ишлаб чиқарганини билдиради. Масалан, аграр секторда 3 млн. киши банд бўлгани ҳолда 15 млрд. долларлик маҳсулот етиштирилса, бир киши меҳнатининг унумдорлиги 5 минг долларни ташкил этади ($15 \text{ млрд.} : 3 \text{ млн.} = 5 \text{ минг}$).

Миллий иқтисодиёт даражасидаги унумдорлик. Бу мамлакат миқёсидаги бир нафар ишловчи ўртача қанча маҳсулот ва хизматлар яратганини билдиради. Масалан, мамлакатда жами аҳоли 40 млн., шундан 20 млн. киши ишлайди ва 240 млрд. долларлик маҳсулот ва хизмат яратади. Бунда бир ишловчининг йиллик меҳнат унумдорлиги жамият миқёсида 12 минг долларга тенг бўлади. Меҳнат унумдорлиги турли корхоналар, секторлар ва мамлакатлар миқёсида жиддий фарқланади ва бу меҳнат унумдорлигига таъсир этувчи омилларга боғлиқ. Бу омиллар қуйидагича:

2.1. Меҳнат қуролларининг нақадар мукамаллиги, яъни ишлаб чиқаришнинг техник-технологик даражаси. Қўл меҳнатига асосланган ишлаб чиқаришда меҳнат унумдорлиги паст ва аксинча, машиналашган ишлаб чиқаришда у ғоят юқори ва муттасил ортиб боради. Янги техника ва технологияни қўллаш унумдорликда бурилиш ясайди. Масалан, замонавий роботлар техникасининг қўлланилиши меҳнат унумдорлигини 8–10 марта оширади. Олимлар

ҳисобига кўра, меҳнат унумдорлиги ўсишининг 2/3 қисми фан-техника тараққиёти ҳисобига, 1/3 қисми эса бошқа омиллар ҳисобига юз беради. Айтайлик, меҳнат унумдорлиги йилига 6 фоиз ўсган бўлса, шундан 4 фоизи техника тараққиёти ҳиссасига тушади.

2.2. Ишловчиларининг билим савияси, меҳнат малакаси ва маҳорати, яъни ишлаб чиқариш шахсий инсон омилининг сифати. Бу омил машиналашган ишлаб чиқаришда беқиёс аҳамиятга эга. Мураккаб техника-технология юксак савия ва малакани талаб қилади, акс ҳолда уни самарали ишлатиб бўлмайди. Гап шундаки, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари бир-бирига мос бўлиши керак. Масалан, янги техникани ишлатиш чуқур техникавий билим ва иш тажрибани талаб қилади.

2.3. Ишлаб чиқаришнинг табиий шароити, табиий ресурслар ишлатилиш шароитининг қулай бўлиши. Бу айниқса, ундирма саноат ва қишлоқ хўжалигида меҳнат унумдорлигига жиддий таъсир этади. Қазилмалар таркибида фойдали моддалар кўп ва улар саёз жойлашган бўлса, шубҳасиз уларни ундириб олиш кам сарф талаб қилади. Қувайт нефть конларида меҳнат унумдорлиги Россиянинг шимолидаги конларга нисбатан анча юқори. Бунинг сабаби Қувайт табиий шароитининг қулайлигидир. Ўзбекистон жанубидаги пахтачиликда унинг шимолидагига нисбатан меҳнат унумдорлиги юқори. Бунинг сабаби ҳам табиий шароитнинг ҳар хил бўлишидир. Гап шундаки, табиий шароитга қараб, бир хил меҳнат ҳар хил натижа беради.

2.4. Меҳнат стимуллариининг кучли бўлиши. Буни мотивация, яъни иш натижасига қизиқиш, ундан манфаатдор бўлиш ҳосил этади. Мотивация унумли ишлашдан яхши даромад топиш билан чекланмайди, бу ўз қобилиятини ишга солиш, доврुक қозониш, обрў орттиришни ҳам билдиради. Ишловчилар меҳнат унумдорлигини оширишга қизиққан жойда стимуллар ҳаракатга келади, кишилар жонбозлик қилиб маҳсулот ва хизматларни яратишга кетадиган ресурслар сарфини тежайдилар, натижада иш унуми ортади. Меҳнатни рағбатлантириш ўрнига меҳнатга зўрлаш бўлган жойда унумдорликни оширишга интилиш сўна боради, ишлаб чиқариш натижасига бефарқ қараш пайдо бўлади. Агар қул ҳолатидаги ишлаб чиқарувчини олсак, у меҳнатга зўрланганидан унумдорликни кўтаришга ошиқмайди. Аксинча, меҳнатни эркин танлаган, ундан манфаат топган, озод ишлаб чиқарувчи меҳнат унумдорлигини оширишга интилади, чунки Абу Райҳон Беруний айтганларидек:

«Инсоннинг кадр-қиммати ўз вазифасини аъло даражада бажаришдан иборат, шунинг учун инсоннинг энг асосий вазифаси ва ўрни меҳнат билан белгиланади, инсон ўз хоҳишига меҳнат туфайли эришади».

Ишлаб чиқаришнинг, умуман иқтисодийнинг нақадар ривожланганлигининг асосий кўрсаткичи меҳнат унумдорлиги даражасидир. Иқтисодийга баҳо беришда жамият, яъни мамлакат иқтисодий миқёсидаги меҳнатнинг унумдорлиги асос бўлиб хизмат қилади. Бу жамият миқёсида сарфланган меҳнат эвазига нима яратилганлигини билдиради. Меҳнат унумдорлигини (U) аниқлаш учун бир йилда яратилган маҳсулот ва хизматларнинг пулга чақилган миқдори (Mq)ни ишловчилар сонига (N) бўлинади. Буни формула шаклига келтирсак, у қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Mq = 3 \text{ млрд. доллар, } N = 500 \text{ минг киши бўлса.}$$

Бу кўрсаткич меҳнат унумдорлиги даражасини билдиради ва жамиятнинг ишлаб чиқара олиш қобилиятини ифодалайди.

Энг юксак меҳнат унумдорлиги XXI асрга келиб ривожланган мамлакатларда кузатилди. Бу ерда 1999 йилда бир ишловчи йилига яратган товар ва хизматлар 50 минг долларни ташкил этди. Бу кўрсаткич АҚШда 85 минг доллар, Япония корпорацияларида 90 минг, қолган корхоналарда 46 минг долларни ташкил этди. Бу унумдорлик даражасидир.

Унумдорлик даражаси билан унинг ўсиш суръатларини фарқлаш керак, чунки даража юқори бўла туриб, суръатлар паст бўлиши мумкин ва аксинча. Унумдорликнинг ўсиш суръати унинг юксалиш тезлиги бўлиб, фоиз билан ифодаланади. Масалан, меҳнат унумдорлиги 10 йилда 57 фоизга ошган бўлса, унинг йиллик ўсиш суръати 4,6 фоиз бўлади. Аммо бу унумдорлик даражасини билдирмайди. Иқтисодда шундай қоида борки, унумдорлик даражаси юқори бўлса, унинг ўсиш суръатлари нисбатан паст бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли унумдорлик ўсиш суръатлари паст мамлакатнинг иқтисодий қудрати юқори бўлиши мумкин. Аксинча ҳам бўлади.

2.5. Меҳнат унумдорлигининг аҳамияти. Меҳнат унумдорлиги қанчалик юқори бўлса, шунчалик вақтнинг кадри ошади, чунки вақт бирлигида шунчалик кўп маҳсулот ва хизматлар яратиш ва шу туфайли кўпроқ пул топиш мумкин. «Вақт – бу пул демакдир» деган иборанинг маъноси ҳам шунда. Меҳнат унумдорлиги ва турмуш фаровонлиги тўғри мутаносибликда бўлади. Унумдорликнинг

фаровонликка таъсири икки ёқлама бўлади. *Биринчидан*, унумдорликнинг юксалиши эҳтиёжни қондирадиган маҳсулот ва хизматларни кўпайтиради. Қаерда унумдорлик юқори бўлса, шу ерда турмуш даражаси ҳам юқори бўлади. Камбағаллик ва муҳтожликнинг асл сабаби эса меҳнат унумдорлигининг паст бўлишидир, чунки оз яратган кўп истеъмол қилиши мумкин эмас, чунки бунда яратилган неъматлар етмай қолади.

Иккинчидан, меҳнат унумдорлигининг ортиши иш вақтини тежаб, кишиларнинг бўш вақтини кўпайтириб беради. Бўш вақт эса жамиятнинг бойлигидир. Иқтисодиётдаги ҳар қандай тежам вақтнинг тежалиши демакдир. Агар маҳсулот яратиш учун зарур бўлган вақт муттасил қисқариб борса, кам вақт сарфланган ҳолда эҳтиёж тўлароқ қондирилади, чунки бу кам сарфлаб кўп ишлаб чиқаришни билдиради. Нафақат ишлаб чиқаришда, балки иқтисодиётнинг бошқа жабҳаларида, хусусан, истеъмол борасида ҳам вақт тежалиши талаб қилинади. Эҳтиёжни қондиришга зарур вақт қисқариши билан бўш вақт ортиб боради, бу эса инсон роҳат-фароғатини таъминловчи вақт бўлади.

«Яхши ишлаган – яхши яшайди» деган қоида фаровонликнинг бевосита меҳнат унумдорлигига боғлиқ бўлиши юзага келтиради. Бу қоида айрим ишловчи, бутун бир жамоа ва ҳатто бутун бир мамлакат халқига ҳам тааллуқли бўлади. Унумдорликнинг ижтимоий аҳамиятини унга мос равишда фаровонликнинг ортиб бориши исботлайди.

Масалан, 2000 йилда дунёдаги иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатларда бир ишловчи яратган маҳсулот ва хизматлар 51,3 минг доллар, иқтисодиёт заиф мамлакатларда эса 836 доллар бўлди (Бу унумдорликни билдиради). Шунга мос равишда биринчи гуруҳ мамлакатларида жон бошига аҳоли истеъмоли 14,8 минг доллар, иккинчи гуруҳ мамлакатларида 236 доллар бўлди. Бу фаровонлик кўрсаткичидир.

Меҳнат унумдорлиги корхоналар, секторлар ва мамлакатлар миқёсида жиддий фарқланишини инобатга олиб, унга таъсир этувчи омиллар кўриб чиқилади. *Жумладан, ички ишлар идоралари фаолиятидаги меҳнат унумдорлиги, шунингдек, ихтисосликка қараб меҳнат унумдорлигини оширишда вақтнинг қадри, вақт бирлигида қанчалик даражада самарага эришиши мумкинлиги каби масалалар бугунги кунда долзарбдир.*

Ёшларга инсонларнинг чексиз эҳтиёжларини қондириш учун узлуксиз равишда ишлаб чиқариш бўлиши кераклигини ва ушбу масаланинг бевосита инсон фаолиятида ўта муҳимлигини таъкидлаш жоиздир.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, меҳнат унумдорлиги ўсиши:

мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни обрўманд қилади;

демократик ўзгаришларни янада самаралироқ этади;

Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини оширади;

халқаро муносабатларда иштироки ва обрўсини оширади;

аҳолини иш билан банд этишни таъминлайди;

аҳоли даромадларини ва турмуш даражасини оширади;

жинойтчиликнинг камайишига хизмат қилади.

3. Такрор ишлаб чиқаришнинг мамлакат миллий ривожланишида ўрни ва аҳамияти

Эҳтиёжларнинг юксалиб бориш қонунининг ҳаракати объектив равишда неъматларни яратишнинг узлуксизлигини талаб қилади. Шу боис ҳам **иқтисодиёт** деганда кишиларнинг эҳтиёжини қондиришга қаратилган, анланган фаолият тушунилади. Неъмат деганда инсоннинг у ёки бу эҳтиёжларини қондириш мақсадида ишлаб чиқарилган маҳсулот тури тушунилади.

Иқтисодий фаолиятнинг бошланиши, маҳсулот ва хизматларни ишлаб чиқариш иқтисодиётнинг асоси, унинг бош бўғини ҳисобланади.

Маҳсулот (ноз-неъмат)лар ишлаб чиқариш ишлатилишига қараб икки қисмга бўлинади:

Моддий ишлаб чиқариш – моддий шаклдаги маҳсулотларни, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой ва бошқаларни яратиш ҳамда ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хизматларни яратиш.

Номоддий ишлаб чиқариш – моддий шаклга эга бўлмаган, лекин аҳоли учун зарур хизматларни кўрсатиш.

Ишлаб чиқариш доимо такрорланиб ва янгиланиб туради. Такрор ишлаб чиқариш оддий, кенгайтирилган ва торайган бўлади. Мустақиллигимиз иқтисодий асосларига таҳдид сифатида торайтирилган такрор ишлаб чиқариш масаласини тушуниш мумкин. Чунки торайтирилган такрор ишлаб чиқариш ялпи ички маҳсулот

ишлаб чиқариш ҳажмининг пасайишида кўринади. Бу ички талабни қондиришга салбий таъсир кўрсатади. Маҳсулотлар тақчиллиги юзага келади. Эҳтиёжлар тўлиқ қондирилмайди, натижада ваҳимали талаб пайдо бўлади. Бу оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаради. Торайтирилган такрор ишлаб чиқариш Ватан тараққиёти ва унинг обрўсига путур етказди. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» ишлаб чиқариш суръатларининг ўсишини таъминладик, бу халқимиз турмуш даражасини янада яхшилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш миллий бойликни кўпайтириш шарти ҳисобланади. Миллий бойлик таркибан моддий, табиий ва интеллектуал бойликдан, бир авлодга ва бир неча авлодга хизмат қилувчи бойликдан иборат. Бойлик қанчалик кўп бўлса, шунчалик иқтисодий салоҳият кучли бўлади. Салоҳият ишлаб чиқариш имкониятлари бўлиб, эришилган ва истиқболдаги салоҳиятлардан иборатдир.

Ишлаб чиқаришнинг модернизация этилиши, янгиланиши, унинг қайтарилиб туриши такрор ишлаб чиқариш (оддий, кенгайтирилган, торайган такрор ишлаб чиқариш) дейилади. Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш жараёнида яратилган маҳсулотларнинг бир қисми истеъмолга кетади, бошқа бир қисми жамғарилиб, миллий бойликка келиб қўшилади. Такрор ишлаб чиқаришнинг муайян даврда (ой, чорак, йил, йиллар) мамлакатда тўпланган моддий, маданий-маънавий неъматлар ва табиий бойликлар йиғиндиси бўлган миллий бойлигимизга таъсири катта.

Ишлаб чиқаришни модернизациялаш – такрор ишлаб чиқаришнинг муҳим омили ҳисобланади. Ишлаб чиқаришни модернизациялаш қуйидаги воситалар билан амалга оширилади:

- ишлаб чиқаришни замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлаш;
- эскирган асбоб-ускуналарни фойдаланишдан чиқариш;
- ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш;
- ишлаб чиқарилган маҳсулот турларини кенгайтириш;
- ишлаб чиқариш харажатларини пасайтириш ресурсларини тежаш;
- маҳаллий ресурслар базасини, инновацион технологияларни ишлаб чиқаришга жорий этиш;
- чиқитсиз ва экологик соф технологияларни жорий этиш.

Энг асосий жихат бунда тўпланган билимлар, касбий малака ва тажриба инсон кучини такрор ишлаб чиқариш бўлиб, буни ислохотлар, иқтисодий ўсиш, фаровонликни таъминлашдаги ролини муҳокама этиш орқали ёшлар онгига сингдиришдир.

2011 йилда протокол билан белгиланган топшириққа биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган, замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди.

Вазирлар Маҳкамаси ушбу аудит натижалари асосида зудликда моддий ва маънавий жихатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, тармоқ жадвалларини тасдиқлаб тегишли ишларни амалга оширмоқда.

Чунки бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз борар экан, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатларига барҳам бериб, биринчи навбатда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфини минимал даражага тушириш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлаш масаласига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларни ривожлантиришга устуворлик берилмоқда.

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ишга солинмаган улкан имкониятлардан фойдаланиш, ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш учун сарфланаётган кўп миқдордаги хорижий инвестициялардан самарали фойдаланиш мақсадида ҳамда маҳсулотлар тан нархининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик учун давлатимиз томонидан қуйидаги масалаларни 2012 йилда ҳал этиш зарурлиги кўрилди¹:

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 23–25.

биринчидан, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10–15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозим;

иккинчидан, мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш керак.

Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркор;

учинчидан, бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустақкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарур;

тўртинчидан, мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишни кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларнинг ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиши ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида ҳукумат қарорини қабул қилиш лозим.

Таркибий янгиланишда алоҳида эътиборни талаб этадиган навбатдаги муҳим масала – бу хизматлар соҳасининг жадал ривожланишини таъминлашдан иборат.

Хизматлар ва сервис соҳасининг жорий йилда кескин ўсиши, аввало қурилиш, транспорт, молия-банк ва ахборот-коммуникация соҳаларида, аҳолига тиббий ва коммунал-маиший хизматлар кўрсатишда, айниқса, қишлоқ жойларда бу соҳани янада кенгайтириш учун ҳали-бери фойдаланилмаётган катта имкониятлар мавжуд-

лигини кўрсатмоқда. Хизматлар соҳасининг ривожланиши, кўрсатилаётган хизматлар ҳажми ва сифати бўйича биз иқтисодий ривожланган мамлакатлардан ҳамон жиддий орқада қолмоқдамиз.

Энг муҳими, шуни унутмаслик керакки, катта капитал қўйилмалар талаб қилмайдиган бу соҳа иқтисодиётнинг юксалишига, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ортишига сезиларли даражада ижобий таъсир кўрсатади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 19 январдаги йиғилишида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш бўйича 2012–2016 йилларга мўлжалланган дастур лойиҳасини тасдиқлаш учун киритиши, бунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти таркибида бу соҳанинг улуши 54–56 фоизга етказилишини назарда тутиш даркорлиги вазифа этиб белгиланди.

Такрор ишлаб чиқариш иқтисодий ўсишнинг шарти бўлар экан, унда таълим омилининг ўрни беқиёс. Ўзбекистонда таълим ҳар бир инсоннинг бутун умри давомида ҳаётининг таркибий қисмига айланиши имконини яратадиган таълим тизими жорий этилди. Шу муносабат билан «**Билим – бутун ҳаёт давомида ҳар бир инсон учун**» концепциясига асосланган Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини жорий этиш борасида Ўзбекистон тажрибасини ўрганиш 2012 йил 16–17 февраль кунлари Тошкент шаҳрида «Юксак билимли ва интеллектуал ривожланган авлодни тарбиялаш – мамлакатни барқарор тараққий эттириш ва модернизациялашнинг муҳим шарти» мавзуида халқаро конференция иштирокчилари томонидан якуний ҳужжат сифатида қабул қилинди. Айнан билим бугунги кунда иқтисодий тараққиётни белгиловчи куч сифатида эътироф этилмоқда.

Юқоридагиларнинг барчаси мамлакатимизда меҳнат унумдорлигининг ўсишига, иқтисодий ўсишни изчил таъминлашга, Ўзбекистон тараққиётини янги босқичга кўтаришга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Ишлаб чиқариш омиллари, моддий-ашёвий омил, шахсий-инсоний омил, информацион омил, ишлаб чиқариш омилларининг бирикиш усуллари, ишлаб чиқариш секторлари, натурал ва товар ишлаб чиқариш, истеъмол буюмлари ва моддий ресурсларни ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш самарадорлиги, меҳнат унумдорлиги, меҳнат унумдорлиги омиллари, ишлаб чиқариш чегараси, ишлаб чиқариш даражаси, такрор ишлаб чиқариш, миллий бойлик, иқтисодий салоҳият.

Савол ва топшириқлар:

1. Иқтисодий фаолият эҳтиёжларни қондиришнинг воситаси эканлигини тушунтиринг.
2. Иқтисодий фаолиятнинг ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида акс этишини қандай изоҳлайсиз?
3. Иқтисодий фаолиятнинг сиёсий, ижтимоий, маданий ва маънавий фаолиятлардан фарқини изоҳланг.
4. Моддий ва номоддий соҳаларнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
5. Ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва самарадорлигини оширишга қандай иқтисодий ва ҳуқуқий омиллар таъсир кўрсатади?
6. Ички ишлар идораларининг ходимлари учун меҳнат унумдорлигининг аҳамияти қандай?
7. Меҳнат унумдорлиги турли даражаларда бўлишининг сабабларини тушунтиринг.
8. Ишлаб чиқариш ҳажми пасайишининг оқибатларини шарҳланг.
9. Инсонлар эҳтиёжларининг тўлиқ қондирилмаслиги билан жиноятчилик орасида қандай боғлиқлик бор?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарииси

Меҳнат унумдорлиги вақт бирлигида яратилган маҳсулот ва хизматлар бирлигини яратиш учун сарфланган иш вақти. Меҳнат унумдорлиги меҳнат сарфи минимум бўлгани ҳолда, маҳсулотнинг максимум бўлишини билдиради.

Инсон капиталининг базислиги – унинг бошқа барча турдаги капиталлар яратилиши ва ривожланиши учун манба бўлиш хусусияти.

Инсон капиталининг базавий субъектив тузилиши – индивид, уй хўжалиги, ташкилот, миллат ва умуман жаҳон ҳамжамияти аъзоси сифатида шахснинг инсоний капитали.

Ички институционал капитал – инсон учун ички хусусиятга эга бўлган норма ва қоидаларда кўринадиган қадрият бўлиб, уларнинг даромад келтириш хусусияти ички трансакцион харажатлар, яъни «ички шахсий» ўзаро муносабатлардаги камчиликларни камайтириш билан боғлиқ.

Ички ақлий капитал – инсоннинг янги билимлар, ички институтлар ва шу кабилар шаклида даромадли ички номоддий қадриятлар яратиш қобилиятида намоён бўладиган қадрият.

Инсон капиталининг ички тартиблашуви – унинг муайян яратувчилик вазифаларини бажаришда шахс хислатлари ва сифатларининг яхлит тизимини фаоллаштириш қобилияти.

Институционал капитал – трансакцион харажатларнинг камайтирилишини таъминловчи, бинобарин яратувчилик жараёнини тезлаштириб умумий даромад келтириш хусусиятининг ўсишини таъминловчи норма ва қоидалар тизими.

Инсон капиталининг интеграцияловчи роли – унинг ишлаб чиқаришнинг мавжуд омилларини технологик бирлаштириш ҳамда табиий ва ашёвий капиталнинг жалб этилган элементларидан фойдаланишнинг энг юқори самарадорлигини таъминловчи қулай ижтимоий-иқтисодий ва институционал муҳитни шакллантириш хусусияти.

Интеллектуал қадриятлар – ишлаб чиқаришнинг такроран ишлаб чиқарилувчи омилларидан фойдаланиш, яъни табиий капитални йўқ қилмаслик асосида яратилган неъматлар.

Инсон капиталининг ҳосил бўлган субъектив тузилиши – уй хўжаликлари, ташкилотлар (фирмалар), жамият ва жаҳон ҳамжамиятининг инсон капиталини ўз ичига оладиган муайян мажмуи.

Иш кучи – шахснинг яратувчилик фаолиятига потенциал тайёрлиги ва қодирлигини ифодаловчи муайян инсоний ресурс.

Инсон капиталининг ўз-ўзидан ривожланувчи хусусияти – инсоннинг муайян, онгли равишда белгиланган йўналишда амалга оширадиган зарур яратувчилик хусусиятлари ва кўрсаткичларини шакллантириб ва такрор ишлаб чиқариб, ўзини ўзи ривожлантириш қобилияти.

Ижтимоий капитал – шахснинг ижтимоий мақомини яратувчи, унинг ижтимоий трансакциялар тизимидаги ўрнини белгиловчи ва шахсга муайян даромад олишини таъминловчи ижтимоий ўзаро алоқалар жараёнида юзага келадиган ва ривожланадиган барқарор ижтимоий алоқа ва муносабатлар тизимидан иборат ўзига хос қадрият.

Меҳнат – шахс меҳнат капиталининг у ёки бу ҳаётий неъматни яратиш борасидаги реал мақсадга қаратилган, онгли фаолиятига айланиб, яратувчилик йўлида сарфланишидир.

Меҳнат капитали – инсоннинг ҳаётий моддий неъматларни яратишда фойдаланадиган билимлари, маҳорат ва уқувлари ҳамда қобилиятларининг даромад келтирадиган йиғиндиси (комбинацияси)да кўринадиган қадрият.

Инсон капитали (ички ва ташқи инсоний капиталнинг бирлиги) – доимий ривожланиб боровчи, яратувчиликка қаратилган ва талаб этиладиган инсоний хислатлар тизимида намоён бўладиган ҳамда онгли равишда ва мақсадга йўналтирилган ҳолда фойдаланилиши инсон ривожланиши учун талаб этиладиган ҳаётий неъматларнинг кенгайтирилган такрор ишлаб чиқарилишини таъминлайдиган ўзига хос қадрият.

Шахснинг иқтисодий маданияти – унинг ички ва ташқи трансакциялар тизимини тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи аниқ, «амалий» кадриятлар – институтлари.

Инсон капитали фаолиятининг экстернал хусусияти – ушбу капиталнинг борган сари камроқ ўз кадриятини эквивалент баҳолашнинг ҳамда бу билан боғлиқ тегишли харажатларнинг объекти бўлиш хусусияти; инсон капиталининг унинг соҳибидан ажралмаслиги шахс учун ўз инсоний капиталини тегишли шартномада тартибга солинганидан анча ортиқ даражада амалга ошириш имкониятини шакллантиради.

Интеллект – инсонда унинг ўзи такрор ишлаб чиқарадиган ва ахлоқ, адолат ва юксак маданият даражасини яратувчи нормалар шароитида шаклланадиган, гуманистик йўналишдаги маънавий-ахлоқий билимлар, тафаккур, билиш ва ижод қилиш қобилиятлари тизими.

Интеллектуал – интеллект соҳиби, гуманистик йўналишдаги маънавий-ахлоқий билимлар, тафаккур, билиш ва ижод қилиш қобилиятлари тизимига эга бўлган инсон.

Замонавий иқтисодиётнинг интеллектуаллашуви – хўжалик фаолиятининг юксак ахлоқий асосларининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни.

Интеллектуал ички ишлаб чиқариш – инсоннинг гуманистик (ноосферага оид) йўналишдаги тафаккур, билиш ва ижод қилиш куч ва қобилиятларини ривожлантириш борасидаги онгли ва мақсадга қаратилган фаолияти.

Интеллектуал ишлаб чиқариш – интеллектуал капиталдан интеллектуал неъматлар яратиш мақсадида онгли равишда фойдаланиш жараёни.

Интеллектуал ашёвий кадриятлар – интеллектуал ишлаб чиқариш жараёнида амалга оширилган инновацион ғоялар, ноу-хау, ихтиролар, техник-технологик янгиликлар ва кашфиётлар.

Интеллектуал ички маҳсулот – қуйидагиларни ўз ичига оладиган маҳсулотлар: а) интеллектуал инсоний кучларни бойитувчи ноосферавий (ахлоқий-иқтисодий) янги эндоген билим ва кўникмалар; б) инсон интеллектуал ички ишлаб чиқаришни ўзи ташкил қилиши ва амалга оширишини белгиловчи норма ва қоидалардан иборат ички институтлар.

Интеллектуал ноашёвий ташқи кадриятлар – интеллектуал ишлаб чиқариш жараёнида янги билимлар, шунингдек институционал ва ижтимоий капитал шаклида яратилган неъматлар.

Интеллектуал ташқи (экзоген) капитал – инсон интеллектининг интеллектуал ташқи неъматлар яратилишини таъминловчи фаоллашган қисми.

Интеллектуал ички (эндоген) капитал – инсон интеллектининг интеллектуал ички неъматлар яратилишини таъминловчи муҳим қисми.

Интеллектуал капитал – инсон интеллектининг гуманистик йўналишда фойдаланилиши аввало яратувчи билимлар шаклида самара беришини таъминлайдиган хусусият ва сифатлари тизими.

Ахлоқий-иқтисодий хўжалик юритиш – яратувчилик фаолиятининг табиий капитал йўқ қилиниши тўхтатиладиган ва инсоннинг ривожланиши ҳақиқатан ҳам гуманистик йўналишга эга бўладиган хусусиятини онгли равишда ва мақсадга қаратилган ҳолда таъминлаш.

Интеллектуал кадриятлар тизими – интеллектининг, интеллектуал капиталнинг (ички ва ташқи), шунингдек интеллектуал ташқи маҳсулотларнинг ўзаро боғлиқ ва ривожланиб борувчи бирлиги.

Яратувчи билимлар – табиат ашёсига нисбатан қўлланиши такроран ишлаб чиқариладиган ресурслар асосида ижтимоий ёки умуминсоний бойликнинг ўсишини таъминлайдиган билимлар.

Ақлий капитал – унумли фойдаланилиши янги фойдали билимлар ёки долзарб ахборот шаклида самара беришини таъминловчи муайян инсоний билиш, ижодий хислатлар ва сифатлар тизими.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Ишлаб чиқариш муносабатлари – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш, истеъмол муносабатларидан иборат.

2. Ишлаб чиқаришда товарлар ва хизматлар яратилади. Шу боис у бирламчи ҳисобланади.

3. Тақсимлаш муносабати яратилган товар (хизмат)лар, тармоқлар, соҳалар ҳамда ресурс эгалари ўртасида тақсимланади, тақсимлашда кишиларнинг манфаати юзага чиқади, манфаат эса эҳтиёжни билдиради. Шу боис ҳам тақсимотнинг бош тамойили – бу адолатлилик тамойилидир. Тақсимлаш ишлаб чиқаришнинг ҳосиласи ҳисобланади.

4. Айирбошлаш муносабати – турли хил бозорларда товар (хизмат)лар пул воситасида айирбошланиб, ишлаб чиқарувчидан истеъмолчи қўлига ўтади. Айирбошлаш усули савдо-сотикни билдиради.

5. Истеъмол муносабати ишлаб чиқариш муносабатларининг сўнгги босқичи бўлиб, улар шахсий ва унумли истеъмол қилинади. Истеъмол кишиларнинг кундалик эҳтиёжларини қондириш ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантириш мақсадини кўзлайди. Иқтисодиёт ишлаб чиқаришдан бошланиб, истеъмол билан якунланувчи фаолият сифатида доимо такрорланиб туриши зарур, бўлмаса, кишилик жамияти яшай олмайди.

4-МАВЗУ. МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

1. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмуни

Ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизими мулкчиликдан бошланади. Ҳамиша авлодлар меҳнати яратган ва табиат инъом этган бойликлар мулк бўлиб келган. Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмасликка қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи, уларнинг ижтимоий мақоми юзага келади. Мулккий муносабатларга асосланмаган иқтисодиёт бўлиши мумкин эмас.

Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин (*Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, 53-модда*).

Мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини мустаҳкамлашда «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади», деган даъвати бугунги кунда ўз тасдиғини топди.

Дарҳақиқат, мулк соҳиби ўз мулкига таяниб, мустақил иш юритади, у қарам эмас. Мулксиз, ўзга мулкни ижарага олиб, фаолият юргизиши ёки мулкдорга ёлланиб ёки ночорликдан унга қарам ҳолда ишлаши, бировнинг қўлига қараб қолиши мумкин. Ҳар бир киши ўз мулки орқасидан кун кўради. Ер эгаси деҳқончилик қилиш ёки ерни ижарага беришдан, пул эгаси уни қарзга бериб, фоиз олишдан, капитал эгаси уни бизнесда ишлатишдан, ниҳоят, иш кучи эгаси ёлланиб ишлашдан даромад топади.

Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида (бундан 21 йил олдин давлатимиз раҳбари томонидан айтилган) энг муҳим долзарб вазифа – мулккий муносабатларни тубдан ўзгартиришдир. Унинг туб моҳияти – мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат.

Мулкчилик ўзлаштириш борасидаги муносабат бўлар экан, у эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг яхлитлигини тақозо этади. Мана шу уч жиҳат мулкчиликнинг ажралмас унсурларидир.

Мулкчилик иқтисодий ҳамда юридик категория сифатида уч ажралмас жиҳатга эга: эгалик қилиш, тасарруф этиш, фойдаланиш.

Эгалик қилиш – мулкдорлик ҳуқуқининг мулк эгаси қўлида сақланиб туришидир. Эгалик шароитида мулк бўлган бойлик қисман ўзлаштирилади. Мулкка эгалик сақланган ҳолда, уни амалда ишлатиш ўзга қўлида бўлади. Бунинг оқибатида мулкдан келган наф икки қисмга ажралади: бир қисмини мулкдор, иккинчисини мулкни амалда ишлатувчи ўзлаштиради. Масалан, бино ижарага берилганда, эгалик қилиш мулкдор қўлида қолади ва у мулкдан келган нафнинг фақат бир қисмини ижара ҳақи шаклида ўзлаштиради. Бошқа қисми эса ижарачи ўзлаштиради. Хуллас, эгалик қилиш қисман, чекланган ўзлаштиришни билдиради.

Фойдаланиш, ишлатиш – мулк бўлган бойликни иқтисодий фаолиятда қўллаб, хўжалик жараёнига киритиб, ундан натижа олишидир. Фойдаланиш юз берганда, бойлик даромад топиш ёки шахсий эҳтиёжни қондириш учун ишлатилади. Мулкдор ўз мулкини ўзи ишлатганда, эгалик қилиш ва фойдаланиш бир қўлда бўлади. Олинган натижани мулкдор танҳо ўзи, бошқа билан баҳам кўрмаган ҳолда ўзлаштиради. Эгалик қилиш ва фойдаланиш ажралганда, мулк келтирган наф ҳам тақсимланган ҳолда ўзлаштирилади.

Тасарруф этиш – мулк бўлган бойлик тақдирини мустақил ҳал этиш, яъни мулкни сотиб юбориш, ижарага бериш, меросга қолдириш, асраб-авайлаб кўпайтириш ёки уни йўқотиб юборишдан иборат ҳатти-ҳаракатларни амалга ошира билишидир. Мулкчилик муносабат экан, албатта, унинг объекти ва субъекти бўлиши шарт.

Мулкчилик объекти – бу мулкка айланган барча бойлик турлари. Унга ер, сув, конлар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси, машиналар, машина-ускуналар, бино-иншоотлар, маҳсулотлар – хизматлар, тарихий-маданий ёдгорликлар, илмий-техникавий ғоялар, товар белгилари, товарларнинг ўзи, меҳнат – ақлий-жисмоний қобилиятлар ва бошқалар киради. Мана шу моддий ва номоддий неъматларни ўзлаштириш юзасидан мулккий алоқа шаклланади. Неъматлар мулкка айлангандагина ўзлаштирилади.

Мулкчилик субъекти – мулк объектини ўзлаштиришда қатнашувчилар, мулккий муносабатларнинг иштирокчилари. Булар

жумласига айрим кишилар, оилалар, аҳолининг ижтимоий гуруҳлари, ҳудудий бирлашмалар, ҳар хил жамоалар, ижтимоий, диний ташкилотлар ва ниҳоят, давлат киради. Айтилган субъектларга қараб ўзлаштириш индивидуал, оилавий, ижтимоий-синфий, ҳудудий ва умуммиллий тус олади. Ижтимоий табақалашган жамиятда ўзлаштириш ўзининг даражаси ва усулига қараб ҳар хил бўлади.

Ўзлаштириш икки йўсинда боради: 1) ишлаб чиқариш ресурслари, яъни воситаларини ўзлаштириш. Бунда моддий ва меҳнат ресурслари ишлаб чиқариш соҳибининг мулкига айлангандан сўнг ўзлаштирилади. Ишлаб чиқаришдаги ўзлаштириш бирламчи. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг ҳар иккала омили (моддий ва инсон омиллари) бирикади, маҳсулот ва хизматлар яратилади. Мана шу омилларнинг ўзлаштирилишига қараб, меҳнат натижаларига нисбатан мулк шаклланади;

2) ишлаб чиқариш натижаларини ўзлаштириш – яратилган маҳсулот (иш) – хизматларни, уларни сотишдан келган даромадни кимнинг мулкига айланишини билдиради. Ресурслар кимнинг мулки бўлса, натижа ҳам уники. Аммо бу қоида эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш яхлит ҳолда ва бир субъект ихтиёрида бўлганда, юз беради.

Мулкчилик ўзлаштиришнинг иқтисодий усуллари англатади. Аммо, унинг *ғайрииқтисодий усуллари ҳам учраб турадики, бу бойликни мулк эгасидан зўрлик билан тортиб олиш ёхуд уни ўз эгаси томонидан ихтиёрий равишда умуммиллий мақсад йўлида, савоб-хайрия ишлари учун бошқа субъектга берилиши, унинг мулкига айланишидир.* Ислом мамлакатларида азалдан дин ривожини учун хайрия бериш бор. Бу ерда вақф мулки, вақф бошқармаси ва ҳатто вақф банклари бор. Вақф мулки кўнгилли хайриядан ташкил топади, унинг шаклланиши ғайри иқтисодий усулда юз беради. Мулк эгаси ўз бойлигини диний ташкилот ихтиёрига вақф қилиб беради, яъни ўз мулкидан кўнгилли равишда воз кечади ва у ўзга мулкига айланади.

Иқтисод инсонийлашиб борган, унинг самараси ошган сайин бойликнинг хайрия учун ажратилган қисми ортиб боради. Турли-туман хайрия фондлари – пул маблағлари ташкил топадики, уларни турли мулк эгалари ажратадилар. Масалан, Орол фонди, Олтин мерос, Экосан халқаро жамғармаси, Маҳалла жамғармаси ва ҳ.к.

Мол-мулкни зўрлик билан тортиб олиш экспроприация, яъни мусодара дейилади. Агар унинг ҳақини тўламасдан суд ҳукми ёки

маъмурий йўл билан тортиб олинса, конфискация дейилади. Мулк эгаси билан келишган ҳолда ва ҳақини тўлаб қонуний равишда олинса, реквизиция юз беради.

Давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асосини – мулк шакллариининг хилма-хиллиги, биринчи навбатда хусусий мулк ташкил этади.

Давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг сиёсий асосини – реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламларнинг мавжуд бўлиши ташкил этади. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчиликини ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади.

Одам ўзини чинакам мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди.

Мамлакатимизда рўй бераётган барқарор иқтисодий ўсиш одамлар онгидаги ўзгаришлар маҳсули сифатида баҳоланаётгани бежиз эмас. Мехнатга, мулкка бўлган муносабат ўзгарди. Жойларда, ниҳоят, тадбиркор ва фермерларга мустақилликнинг дастлабки йилларидагидек ўгай кўз билан қаралмаётгани хусусий мулкка иқтисодиётнинг таянчи сифатида муносабатда бўлинаётгани маҳсулидир.

Муҳим ютуғимиз сифатида бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатаётганлигини таъкидлаш лозим.

Иқтисодий муносабатлар мазмунини мулкка бўлган муносабат белгилайди. Бу муносабат жамиятнинг ижтимоий тузилишини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишларини белгилаб беради. Мулкка бўлган муносабатни жорий қилиш ҳуқуқнинг меъёрларига боғлиқ бўлиб, мулкка эгалик қилиш, ундан фойдаланиш, муайян шахсларга бириктириш, мулк ҳуқуқи орқали амалга оширилади.

Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида мулкнинг барча шакллари учун ягона ҳуқуқий тартиботни жорий

этиш «мулк ҳуқуқи» деган ягона тушунчани ҳамда унинг шакллари сифат жиҳатидан янгича чегаралаш заруриятини келтириб чиқаради. Давлат мустақиллиги қўлга киритилиши билан, бошланган туб ўзгаришлар хусусий мулкчиликнинг ҳам эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этишнинг бошқа шакллари билан бир қаторда республика иқтисодий тизимининг асосини ташкил этишга олиб келади.

2. Мулкчилик турли шаклларининг вужудга келиши

2.1. Президент Ислон Каримов жамиятнинг иқтисодий негизларини мустаҳкамлаш тўғрисида

1990 йил 21 июнда «Совет Ўзбекистони» газетаси Президент Ислон Каримовнинг 1990 йил 16 июнь куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетида республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиш масалалари хусусидаги нутқини эълон қилди.

Ушбу нутқ билан атрофлича танишган инсон мустақиллик арафасидаги катта ўзгариш – Ўзбекистоннинг сиёсий мустақиллигини мустаҳкамлаш ва такомиллаштириш, иқтисодий мустақилликка, ўзини ўзи идора этиш, молиявий таъминлашга эришиш, аҳоли барча табақаларининг фаровонлигини ошириш, чўкиб бораётган ижтимоий соҳани жадал ривожлантириш, халқни маънавий юксалтириш, демократияни, ҳуқуққа асосланган давлат қурилишини ривожлантириш, юрт тинчлиги, Ватан равнақи йўлида барча соғлом кучларни бирлаштириш каби эзгу мақсадларни илғайди.

Қуйида Президент Ислон Каримовнинг ушбу нутқидан иқтибослар келтиришни жоиз деб билдик: «Бугунги кунда, энг аввало бир дақиқани ҳам бой бермасдан иқтисодий масалаларни ҳал этиш керак. Биз учун асосий йўналиш, барча вазифаларни ҳал этиш калити – Ўзбекистоннинг реал сиёсий суверенитети ва иқтисодий мустақиллигини таъминлашдир.

Мустақиллик республикага ўз халқининг фаровонлигини яхшилашдек ҳаётий муҳим масалаларни ҳал этиш, вужудга келтирилган имкониятлар ва ресурсларни тўлалигича мустақил равишда режалаштириш ва улардан фойдаланиш, ўз халқининг

фаровонлиги йўлида ва ўзаро фойдали негизда марказ, бошқа республика ва хорижий мамлакатлар билан ўзаро муносабатларни мустақил ўрнатиш имконини беради».

«Аниқ иқтисодий ҳисоб-китоблар сиёсий ва иқтисодий мустақилликка ўтиш ушбу вазифанинг бутун мураккаблиги ва ниҳоятда қалтислигини ҳисобга олганда, айтилиши вақтда бозор иқтисодиёти жорий этилиши билан осон кечиши мумкин эмаслигини кўрсатмоқда. Лекин фақат ана шу мустақиллик бугунги жамиятимизда йўқ бўлган нарсаларни – ҳақиқий меҳнат қилишга интилишни, самарали иш учун моддий омилларни беришга қодир. Бунда – ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам, келажакда ҳам – бутун муаммонинг моҳияти яширинган. Кўп йиллик аччиқ тажриба, қандай таёқ остида ишламайлик – хоҳ у план, хоҳ давлат буюртмаси ёки давлат йўли билан маҳсулот етказиб бериш бўлсин – фақат арзимаган самара келтиришини кўрсатиб турибди. Чунки бундай тизим инсоннинг ижодий ташаббусини фалаж қилади, ундаги эгалик ҳиссини йўқотади. Ўз ишидан норозилик келтириб чиқаради».

«Бизга мустақиллик керак. Бинобарин, ҳар доим, ҳамма даврда ва барча тузумларда мулк ҳуқуқи ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий мустақилликнинг ҳал қилувчи шарти бўлган. Бу нима дегани? Агар мен нимагадир эга бўлсам, ана шу мулкдан ўз манфаатларим йўлида фойдаланаман ва уни тасарруф этаман, демак, мен мулк эгасиман. Худди шу ерда менинг шахсий эркинлигим, мустақиллигим ва айтилиши вақтда жамиятда бошқа одамлар орасидаги ўзаро алоқаларимнинг асоси бор. Айтилиши пайтда эгалик ҳуқуқи фақат моддий бойликларгагина тааллуқли эмас. Бу ақлий қобилиятга ҳам тааллуқлидир. Мустақил шахсларнинг уйғунлиги эса бутун жамият мустақиллигининг асосидир».

«Агар иқтисодий қувватимизни ташкил этадиган барча асосий фондлар бугунги кунда 100 миллиард сўм ҳисобланса, ҳозир амал қилаётган тартибга кўра, қарийб 30 миллиард сўм пул Иттифоқ тобелигидадир. Ишлаб чиқаришнинг асосий фондларида эса бу муносабат янада ёмон. Бу соҳада маблағларнинг бешдан икки қисми Иттифоқ тобелигида, шу жумладан саноатда ана шу маблағларнинг деярли 70 фоизи, транспортда ҳамда моддий-техника таъминотида, илм-фанда 30 фоизга яқини Иттифоққа тегишли».

«Энг муҳим нарса нима?»

Биринчиси, республика мулки мустақил ва у федерациядан ажратилган.

Иккинчиси, ўлкамиз замини, ер ости бойликлари, корхоналари ва ташкилотлари Ўзбекистон ССРнинг мутлақо ўз мулки ҳисобланади. Ана шу бойликларимиз мустақиллигимизни, республикамизнинг маданий ва тарихий қадриятларини таъминлайди.

Учинчиси, Ўзбекистонда мулкчиликнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш кўзда тутилмоқда. Бу шакллар тенг ҳуқуқли бўлиши керак».

Маълумки, собиқ Иттифоқдаги ишлаб чиқариш муносабатлари меҳнаткашларнинг ижобий ташаббусини танг аҳволга солиб қўйган эди. Мулкчиликнинг турлари қанча кўп бўлса, унинг эгалари ўзгариб турса, инсон омили фаоллашувига олиб келади, чунки амалда меҳнат жараёнига ва меҳнат натижаларини тақсимлаш усулларига қизиқиш ўзгариб боради. Бошқача қилиб айтганда, меҳнатнинг жадаллашувидан моддий рағбатланиш инсон омилининг ривожланишида асосий куч тарзида намоён бўлади. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан мустақилликка қадар «Мулк тўғрисида», «Тадбиркорлик тўғрисида», «Ер тўғрисида», «Кооперация тўғрисида» ва бошқа шу каби қонунларнинг қабул қилиниши таъсирида инсон омилининг кўпгина томонлари эркин фаолият йўлига кирганлигини яна алоҳида қайд этиш лозим.

Давлатимиз раҳбари юқоридаги масала юзасидан қуйидагиларни таъкидлайди: «Бозор муносабатларига ўтиш масаласи. Ана шундай мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, республикада ўтиш давридаги ресурсларимиз ва имкониятларимиздан самарали фойдаланиш, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, айниқса, кам таъминланган аҳоли ижтимоий ҳимоясининг ишончли механизми ишлаб чиқиши лозим.

Бунда энг асосий масала – мулкчилик муаммосидир. Мулкчилик ҳақидаги тушунчамизни белгилаб олмай туриб, ишлаб чиқариш муносабатларига ёндашувларни ишлаб чиқиш имконияти бўлмайди, бошқача қилиб айтганда, республикада мулкчиликнинг қандай шакллари бўлишини аниқлаб олиш даркор.

Биз мулк шаклларининг хилма-хиллигини бошқариладиган бозорнинг ҳал қилувчи омили, деб биламиз (*Эътибор қаратинг: давлатимиз раҳбари мустақилликка қадар бошқариладиган бозор ҳақидаги илмий қондани илгари сурган – таъкид бизники Ш. Қобилов*). Давлат мулки билан бир қаторда ва у билан тенг ҳуқуқлилиқ асосида коллектив, акционерлик, оила, шахсий меҳнат, шахсий мулк ҳам кенг ёйилади».

Давлатимиз раҳбари юқоридаги талаблардан келиб чиқиб ижтимоий вазиятни мўътадиллаштириш борасида 1990 йилнинг октябрида, ҳали Ўзбекистон мустақилликка эришмаган даврда Ўзбекистон Республикасида «Мулк ҳақида»ги қонуннинг қабул қилинишида ташаббус кўрсатган. Бу Президент Ислон Каримовнинг жамиятимизнинг иқтисодий негизлари ва иқтисодий мустақиллигимизни мустаҳкамлашдаги дадил амалий қадами эди. Бу МДХ мамлакатлари ичида биринчилардан бўлиб хусусий мулкнинг ҳуқуқий мақоми, мулк субъектларининг ваколати ва бурчларини қонуний мустаҳкамлади. Мустақиллик арафасида Ислон Каримов ташаббуси билан яна бир муҳим қадам ташландики, 1991 йилнинг февраль ойида Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Шу боис бугунги кунда мустақиллик арафасида амалга оширилган саъй-ҳаракатлар халқимизга ҳаётини муҳим манфаатларини юзага чиқаришда амалий кўмак берди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди.

Мазкур ислохотлар натижасида 1990–2010 йиллар (1991–2000 йиллар бозор иқтисодиётига ўтиш даври) давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари аниқ ҳисоб-китобларга кўра 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу даврда мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди.

Янги турдаги бундай даромадлар ҳиссасига 2012 йилда ялпи даромадларнинг 51 фоизи тўғри келди.

Янги турдаги ушбу даромадларнинг афзаллиги шундаки, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллашуви оила ялпи даромадларининг жадал равишда ошиб бориши учун рағбатлантирувчи бозор омилларини яратади, марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида кенг тарқалган боқимандалик ва даромадларнинг бир хилда бўлиши даражасини пасайтиради.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30–32,1 фоиз даражасида сақлаб қолинмоқда.

Ўзбекистонда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чоратадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора хал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2001 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра, бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган. Ўтган 21 йил мобайнида юртимизда уй-жой ҳажмининг кўрсаткичи қарийб 2 баробар ошгани, оилаларнинг 98,5 фоизи ўзининг шахсий уй-жой ёки квартирасига, қишлоқда яшаётган оилаларнинг 97,5 фоизи шахсий томорқасига эга бўлганини айтиш мақсадда амалга оширган миллий дастурларимизнинг натижасидир.

2012 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ЯИМдаги улуши 54,5 фоизни ташкил этганлигининг пойдевори бундан 22 йил олдин қўйилганлигини эслаш ва алоҳида қайд этиб ўтиш жоиз.

Мулкий муносабатлар ҳар доим юридик қонунларда қайд этилади. Бусиз мулкчилик амал қилмайди. Қонунчилик орқали мулкий алоқа – боғланишлар бошқариб борилади. Ўзбекистон Конституциясида: «Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади», – деб ёзилган.

2.2. Мулкий муносабатларнинг типлари, шакллари

Мулк типи – ҳар хил турдаги ижтимоий-иқтисодий тизимларга хос бўлган мулкий муносабатни, мулк характерини билдиради. Шу жиҳатдан эксплуатацияга асосланган ва эксплуатацияни инкор этувчи мулкий тизимлар мавжуд. Биринчи тизим азалдан мавжуд бўлган ва озчиликнинг мулкдор бўлиши кўпчиликнинг мулксиз қолиши ва эксплуатация қилиниши билан характерланади. Бундай типдаги мулкчилик қулдорлик, феодализм, капитализм ва бюрократик давлат социализмига хос бўлган. У ишлаб чиқариш

моддий омилларининг ҳукмрон синф ва тоифалар кўлида тўпланиши; меҳнат омилларининг эса мазлумлар томонида бўлиши билан ажралиб турган. Шундай шароитда ҳар хил мулкӣ мақомдаги кишилар кўлидаги омиллар бирикиб ишлаб чиқариш юз берган. Меҳнат соҳиблари ишлаб туриб, кам даромад олишган, воситалар эгалари ишламай туриб, ўзгалар меҳнати ҳисобидан бойлик орттиришган. Эксплуатацияга асосланган мулкӣ тизим узоқ вақт ҳукм сурган, унинг ривожланиш заминидан янги тизим пайдо бўлган. Ўз меҳнати, билими ва маҳоратидан кун кўришни тақозо этган мулкчилик ҳам кўҳна, лекин у ҳукмрон бўлмаган. Қулдорлик, феодализм, капитализм ва давлат социализмида ҳам ўз кучи билан яшаган деҳқон, қосиб, ишчи ва хизматчилар бўлган, лекин улар мулкӣ жамият иқтисодий тузумининг ҳал қилувчи асоси бўлмаган. Иқтисодиёт ўсиб, оддий фуқаро кўлида ҳам мулк жамланиб боргач, янги мулкӣ тизим пайдо бўлади. Эксплуатацияни инкор этувчи мулкӣ тизим аралаш иқтисодиётга хос бўлиб, у юксак ривожланган, тўқинчиликни таъминлай оладиган ишлаб чиқариш шароитида пайдо бўлади. Бу тизимда кўпчилик мулк эгаси бўлади. Нафақат иш кучи, балки моддий ресурсларни ва яратилган бойликларни ўзлаштиришда ҳам аҳолининг тобора кенг қатлами иштирок этади. Бу ерда иқтисодий ўсишдан ҳамма баҳраманд бўлади. Мулк кўпчиликни бўлганидан топилган даромад ҳам кўпчилик манфаати йўлида тақсимланади. Ўзбекистонда яратилаётган янги мулкӣ тизим юксак ишлаб чиқариш мақсадини кўзлаган бўлиб оммавий фаровонликни таъминлашга қаратилган.

Ҳар бир мулк типига хос белгилар бирдан пайдо бўлиб ёки йўқолиб кетмайди. Шуниси борки, биз юқорида кўриб ўтган мулк тизимларининг маҳқеи ҳар хил бўлса-да, улар биргаликда амал қилади, чунки соф мулкӣ тизим ҳеч қаерда, ҳеч қачон бўлмайди.

Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, бировлар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, яққа ва жамоа таркибида, шерикчилик асосида ўзлаштиришлар борки, улар ҳар хил мулкчиликни билдиради. Тарихан турли ижтимоий-иқтисодий тузумлар бўлганки, уларга жамоа мулкӣ, эксплуатацияни билдирувчи қулдорлар мулкӣ, феодал мулкӣ, капиталистик мулк ҳукмрон бўлган. Бир мулкдан иккинчиси ўсиб чиққан. Мулкӣ муносабатлар ривожидан эксплуатацияни инкор этувчи мулкдан уни тақозо этувчи мулкларга ва ниҳоят улардан эксплуатацияга ёт бўлган мулкка ўтиш юз беради. Собиқ СССРдаги социалистик эксперимент натижасида «бюрократик казарма

социализми» яратилиб, унга монополлашган давлат мулки хос бўлган. Бу мулк халқнинг давлат томонидан эксплуатация қилинишига асосланган.

Бутун совет тизимида хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири натижасида Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилгани, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйганини эшлаш зарур. Чунки, бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Иқтисодиёт ва демократия ўзаро узвий боғлиқдир. Демократияни самарали жорий қилиш иқтисодиётнинг муайян даражада ривожланганлиги билан боғланади, чунки моддий тақчиллик ҳолатидаги аҳолининг онгига зўрма-зўраки демократик қадриятларни сингдириб бўлмайди. Ўз навбатида, демократияга асосланмаган иқтисод ривожланмайди. Ундан ташқари демократлаштириш мақсад эмас, унга иқтисодиётни ривожлантириб, аҳолининг муносиб турмуш даражасини таъминлашнинг воситаси сифатида қаралмоғи лозим.

Мамлакатни ривожлантиришда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш масаласини таҳлил қилишдан олдин мустақил Ўзбекистонга собиқ Иттифоқдан қандай иқтисодий мерос қолганлигини эслатиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Бу саволга Президент Ислон Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» асарида аниқ жавоб берган.

Булар:

- мўрт, заиф, бирёқлама ривожланган, пахта яккаҳокимлигига асосланган хўжалик;
- хом ашёни қайта ишлаш, техника ва технологияни четдан келтиришга режалаштирилган ишлаб чиқариш;
- республика ёқилғи, ғалла, шакар, гўшт-сут ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари бўйича бошқа минтақаларга қарам бўлиб қолган эди;

- республикада оғир экологик вазият вужудга келган эди;
- ишлаб чиқаришнинг самараси паст, боқимандалик ҳукмрон эди.

Бу ҳолатнинг бош сабаби Собиқ Иттифокда ҳукмрон бўлган маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган иқтисодий бошқарувнинг самарасиз эканлигидир. Унинг бош сабаби коммунистик партиянинг хўжаликни бошқаришда иқтисодиётнинг ички ривожлантириш қонуниятларини инкор этганлиги, унинг сиёсий мақсадларга бўйсундирилганида эканлигини исботлашга ҳожат йўқ.

Аксинча, бозор муносабатларига асосланган ривожланган мамлакатларнинг иқтисодиёти нафақат моддий бойликлар яратиши, балки ўз халқи турмуш даражасини кўтариш, унинг истеъмол эҳтиёжларини тўлароқ қондириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича ҳам бир қанча муваффақиятларни қўлга киритди, жамиятнинг барқарор ривожланишига эришди.

Муваффақиятларнинг негизида ишлаб чиқарувчиларнинг эркин рақобатда бўлиши, истеъмолчиларнинг талабларига доимо мослашиб бориш, иқтисодий ҳуқуқларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйилиши каби бир қанча демократик принциплар ётади. Бундай иқтисодни ривожлантиришга қаратилган шарт-шароитлар Ўзбекистон аҳолисининг анъаналарига ҳам мос келади.

Абу Али ибн Сино шундай ёзган эди: «Одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг сабабидир»¹. Бошқача айтганда, инсон иқтисодий эркинлиги ўзининг моддий аҳволини яхшилаш учун интилишига йўл очиб беради. Иқтисодни ривожлантиришнинг яна бир шarti Алишер Навоийнинг замондоши Воиз Кошифийнинг таъкидлашича, ишлаб чиқарувчилар ҳокимиятга сўзсиз итоат этишлари эмас, балки кейингилари меҳнаткаш деҳқон, косиб-хунарманд, боғбоннинг тинч меҳнати учун шарт – шароитни яратиб беришлари керак, бошқачароқ айтганда, уларга хизмат қилишлари лозим². Демак, сўз жаҳон тажрибаси билан миллий иқтисодий қадриятларни уйғунлаштириш устида бормокда. Юқоридаги фикрларнинг ўзи бозор муносабатлари жамиятнинг барқарор ривожлантиришнинг энг муҳим омилларидан эканлигини ва уни жорий қилиш объектив зарурат кўрсатиб турибди.

¹ Ўзбекистонда ижтимоий-фалсафий фикрлар тарихи. – Т., 1995. – Б. 68.

² Маҳмудов Р. Дегонимни улуска марғуб эт. – Т., 1992. – Б. 29.

Лекин бозор муносабатларига ўтишнинг мустақилликнинг илк йилларида Ўзбекистон учун маъқул бўладиган тайёр андозаси йўқ эди. Бунда, албатта, ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олиш ижобий натижаларга олиб келиши мумкин. Бу масалага кейинги мавзуда тўхталамиз.

Жамият тараққиёти тарихий-табиий жараён сифатида, ўз изидан четга чиқмай борганда, мулкрий муносабатлар бир хил мулк ҳукмронлигидан турли-туман мулкнинг мувозанатига ўтиш томонига қараб ривожланади. Турли-туман мулкчилик ҳозирги аралаш иқтисодиёт тизимига хосдир.

Ўтмишдаги иқтисодий тузумларда эксплуатацияни тақозо этмайдиган мулк бўлгани каби ҳозирги ўта ривожланган давлатларда аралаш иқтисодиёт бўлса-да, барибир ҳар иккала мулкрий тизимга хос белгилар мавжуд. Агар ўтмишдаги мулкрий тизим муайян мулк шаклининг ҳукмронлиги билан ажралиб турса, ҳозирги янги мулкрий тизим турли мулк шакллариининг мувозанати ва биргаликда ривожини билан характерланади.

Мулк шакллари – бу ўзлаштиришнинг характеридир, яъни унинг кўриниши, қиёфаси, мазмунидир. Ўз меҳнати эвазига ўзлаштириш, ўзгалар яратган бойликни текинга ўзлаштириш, якка тартибда, жамоа бўлиб, шерикчилик асосида ўзлаштириш борки, улар мулкчиликнинг ҳар хил шакллариини билдиради.

Дастлаб, ибтидоий тузумда уруғ-жамоа мулки пайдо бўлган, сўнгра хусусий мулк келиб чиққан. Хусусий мулк турли кўринишда эксплуатацияга асосланган ижтимоий-иқтисодий тизимларда ҳукмрон бўлган. Хусусий мулкдан давлат мулки ўсиб чиққан, монополлашган давлат мулки юзага келган. Жамият тараққиёти монополиядан мулкрий демократия томон боради. Шу сабабли бир мулк монополияси ўрнига турли мулкларнинг мувозанати вужудга келади. Бу дегани мулкрий моноструктура (танҳо мулкчилик) ўрнига мулкрий полиструктура (ҳар хил мулкчилик) қарор топади. Мулкрий полиструктура аралаш иқтисодиёт тизимига хосдир. Энди ҳар бир мулк шаклини алоҳида-алоҳида кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Хусусий мулк – айрим кишиларга тегишли ва даромад топишга қаратилган мулк. Унинг икки кўриниши бор: индивидуал-хусусий мулк, корпоратив-гуруҳий мулк. *Индивидуал мулк* бор жойда бойликни ўзлаштириш алоҳидалашган ҳолда, айрим мулкдор томонидан амалга оширилади. Масалан, корхона индивидуал мулк бўлса, келган фойдани фақат унинг эгаси олади. Корхонани ижарага

бериш ёки акционер жамиятга айлантириш танҳо мулкдор ихтиёрида бўлади. *Корпоратив хусусий мулк* деганда бойликни индивидуал тарзда ўзлаштириш, лекин мулкдорлар шерикчилик асосида маълум гуруҳларга бирлашган шароитда ўзлаштириш тушунилади.

Мазкур мулк хиссадорликка таянади. Мулкдор ўзининг индивидуал ҳиссасини пай (улуш) сифатида умумий, яъни гуруҳий ишга сарфлайди. Унинг мулки алоҳида эмас, бошқа шериклар мулки билан биргаликда ишлатилади. Топилган даромад ўз улушига қараб индивидуал тарзда олинади. Бу ерда ўзлаштиришнинг индивидуал гуруҳий шакли юзага чиқади. Мазкур мулк шакли акционер жамиятлар фаолиятида кўринади. Аммо ҳар қандай акционер жамият эмас, балки индивидуал капиталларни бирлаштиришга асосланган жамиятлар корпоратив хусусий мулк бўлади. Гап шундаки, акционер жамиятда давлат ва жамоа мулки ҳам бўлиши мумкин. Бунда корпоратив мулк пайдо бўлмайди. Хусусий корпоратив мулкнинг пайдо бўлишига сабаб шуки, ишлаб чиқариш кўлами ортиб борган сари индивидуал бойлик катта ишни бошлашга етишмай қолади, яъни серкапитал соҳаларга капитал солиш учун индивидуал маблағ миқдори озлик қилади. Маблағларни бирлаштириш зарур бўлади, зарурият корпоратив мулкчиликини тақозо этади. Бундан ташқари, мулкдорлар сони ортиб боради, айти вақтда тадбиркорликда хавф-хатар кучаядики, уни кичик мулкдор зиммасига ололмайди. Майда мулклар бирлашиб, корпоратив масъулият пайдо бўлади. Хатар кўпчилиги зиммасига тушиб, енгил кечади. Бундай жараён хусусий мулк ривожининг юқори босқичларига хосдир.

Хусусий корпоратив мулкнинг муҳим кўриниши монополистик мулкдир. *Монополистик хусусий мулк* – гуруҳга бирлашган йирик мулкдорларнинг иқтисодиётнинг у ёки бу соҳасида танҳо ҳукмронлигига таянган ҳолда ўта катта бойликнинг озчилик томонидан ўзлаштирилишини билдирувчи мулкдир. Унинг намунаси бўлган монополиялар ҳам корпоратив таркибга эга бўлади. Улар амалиётда корпорация деб ном олган. Монополиялар ҳукмрон шароитда монополлашган бозор мавжуд бўлади. Индивидуал хусусий мулк XIX асрда гуллаб-яшнаган ва у ёввойи капитализм, тартиблашмаган бозор иқтисодига хос бўлган XX асрнинг биринчи ярмида монополистик хусусий мулк ривож топган. XX асрнинг II ярмидан бошлаб номонополистик хусусий мулкнинг корпоратив шакли тез ривожлана бошлади. 80-йиллардан бошлаб майда

акционер жамиятлар (булар эркин монополлашмаган корпоратив мулк) тез ривожланиб бордики, бу аралаш иқтисодийга хосдир.

Ўзбекистонда ҳам ўтмишда хусусий мулкчилик ривожланган. Октябрь инқилобидан олдин индивидуал хусусий мулк кенг кўламда мавжуд эди. Туркистон ўлкасида индивидуал мулк соҳиби бўлган деҳқонлар ва косиблар 1 млн. кишини ташкил этган. XIX асрнинг охирларида корпоратив мулк ҳам пайдо бўлган. Масалан, «Беш-Бош» (5 корхона эгаларини бирлаштирувчи), «Андреевское товарищество», «Полеляховское товарищество» номли жамиятлар амал қилган. Тоталитар социализм даврида хусусий мулк тақиқланган. Бозор иқтисодига ўтиш муносабати билан Ўзбекистонда мулккий эркинлик вужудга келди. Ўзбекистон Республикасининг «Мулкчилик тўғрисида»ги қонун (1990 йил октябрда қабул қилинган) хусусий мулкка рухсат берди. Ўзбекистонда асосан майда индивидуал хусусий мулк бўлиб, у яқка тартибда ишловчилар корхонаси, кичик бизнес вакиллари, фермер хўжаликлари, томорқа хўжалиги, ёлланма меҳнатга таяниб иш юритувчи хусусий корхоналардан иборат. Ўзбекистонда корпоратив хусусий мулкнинг илк кўринишлари мавжуд бўлиб, уларни айрим фуқаролар маблағларини бирлаштирувчи жамиятлар ташкил этади. Хусусий мулкдан ташқари шахсий мулк ҳам борки, у ҳам индивидуал ўзлаштиришни билдиради. Аммо у хусусий мулкдан фарқлироқ даромад топишга хизмат қилмайди, балки шахсий эҳтиёжни қондиришга қаратилади. Асосан истеъмол буюмлари, яъни озиқ-овқат, кийим-кечак, турар жой, транспорт воситалари шахсий мулк объекти бўлиб хизмат қилади. Улар пул топишга эмас, шахсий ҳаёт кечиринишга қаратилади. Бу мулкнинг ўсиш манбаи истеъмолга ажратилган даромад ҳисобланади. Шахсий мулкнинг кўплиги жамият бойлигини билдиради. Хусусий ва шахсий мулк биргаликда фуқаролар мулки деб юритилади. Улар ўртасидаги чегара нисбийдир. Муайян бойлик шахсий мулкдан хусусийга айланиши мумкин. Масалан, муайян бир кишининг топган пули истеъмол товарлари ва хизматларни харид этиб, истеъмол қилишга ишлатилса, у шахсий мулкка айланади. Агар уни акцияга айлантириб, даромад топилса, хусусий мулк бўлади.

Жамоа мулки – бойликнинг муайян мақсад йўлида айрим жамоаларга бирлашган кишилар томонидан биргаликда ўзлаштирилишидир. Бу мулк шароитида ўзлаштириш жамоадан ташқарида бўла олмайди. Ўзлаштиришнинг шарти жамоага киришдир. Ҳамжихат ўзлаштириш бирламчи, бошқа ўзлаштириш кўринишлари

фақат у орқали бўлиши мумкин. Ўзлаштириш учун мулк эгаси бўлиш кифоя этмайди. Бунинг учун иш фаолиятида биргаликда қатнашиш зарурдир. Жамоа мулки меҳнатсиз ўзлаштиришни инкор этади ва корпоратив-хусусий мулкдан фарқлироқ нафақат мулкка, балки меҳнатга ҳам ҳисса қўшишни талаб қилади. Шундагина ўзлаштириш юз беради, ишлаб чиқариш ресурслари биргаликда ишлатилади, аммо олинган натижанинг бир қисми индивидуал ўзлаштирилади, лекин бу ҳам мулкдаги, ҳам меҳнатдаги ҳиссадорликка қараб бўлади. Натижанинг қолган қисми умумий талаб-эҳтиёжларни биргаликда қондириш, мулкни кўпайтириш мақсадларида ўзлаштирилади. Хусусий мулкдан фарқлироқ, жамоа мулки эксплуатацияни инкор этади.

Жамоа мулкининг афзаллиги шуки, бу мулк ишлаб чиқарувчининг ўзини мулкдор қилади. Бу ерда мулк эгалари ва ишловчилар айнан бир кишилардир, шу сабабли ишлаб чиқариш омиллари тўғридан-тўғри бирикади, яъни ходимлар ўз иш кучи билан ўзининг мулки бўлган воситаларни ҳаракатга соладилар. Мулк ходимларнинг ўзиники бўлганда моддий жавобгарлик ва манфаатдорлик кучли бўлади. Мулк авайлаб ишлатилади ва яхши самара беради.

Жамоа мулки ҳам тарихан кўхна мулк, лекин хусусий мулк ҳукмрон шароитда ёрдамчи мулк шакли бўлиб хизмат қилади. Масалан, Октябрь инқилобидан олдин Ўзбекистонда экиладиган ерлар (ҳаёт ери деб аталган) хусусий мулк бўлган, деҳқончиликка яроқсиз ерлар қишлоқ жамоасининг умумий ери бўлиб (пайкал ери деб аталган), ундан биргаликда фойдаланишган. Мулкий монополия барҳам топиб, мулкий муносабатлар эркин демократик тус олган шароитда жамоа мулки ривожлана бошлади. Аралаш иқтисодиётда жамоа мулки салмоқли ўрин тутади.

Ўзлаштириш шarti меҳнат қилиш бўлганидан эксплуатацияга, яъни ўзга ҳисобидан бойлик орттиришга ўрин қолмайди. Шу жиҳатдан олганда, ҳозирги ривожланган давлатларда ёввойи капитализмга хос эксплуатация секин-аста суриб чиқарилмоқда. Бундан ташқари, у ерда ўзга меҳнатидан фойдаланиб, бойлик орттиришга давлат назорати орқали чегара қўйилади. Ёлланиб ишлаш ихтиёрий бўлиб, меҳнат қилишда иқтисодий мажбурлашга йўл қўйилмайди, ҳар бир киши меҳнат соҳаси ва турини танлай олади, корхона эгаси ўз билганича иш ҳақини пасайтира олмайди, у ишчи-хизматчиларга меъёрий иш шароити яратиб бериши, уларни ҳар хил ижтимоий нафақалар билан таъминлаши шарт. Жамоа мулки ички унсурлари, унинг турларидан иборат.

Кооператив мулки – жамоа мулкининг асосий тури, ҳар хил кооперативларга бирлашган кишиларнинг умумий мулки, мулкдаги ҳиссадорликка асосланган бўлиб, гуруҳий мазмунга эга.

Ижарага олинган корхона жамоаси мулки – ижарачилар жамоаси ўзи ишлаб топган мулк. Бундай корхонада мулк икки қисмдан иборат: 1) корхона эгасига қарашли мулк; 2) жамоага қарашли умумий мулк. Шу иккинчи мулк объекти биргаликда ишлаб топилган пул ёки пулга олинган ва жамоа тасарруфидаги ҳамда унинг манфаати йўлида ишлатилувчи моддий бойликдир. Унинг субъекти фақат ижарачилар жамоаси ҳисобланади. Жамоа корхона эгаси мулкидан ҳам фойдаланади, лекин уни тасарруф эта олмайди.

Корхона жамоасининг мулки – ишчи ва хизматчилар жамоаси давлатдан ёки хусусий мулк соҳибидан сотиб олган ва умумийлаштириб, биргаликда ўзлаштириладиган мулк. Бу ерда мулк иккига ажралмайди, ҳамма мол-мулк ва пул маблағлари корхона жамоаси ихтиёрида туради.

Корхона ва ташкилотлар уюшмаси (ассоциацияси) мулки – маълум мақсад йўлида уюшма ташкил этганларнинг умумий мулки. Ўз фаолиятини уйғунлаштириш, савдо-сотик, ишлаб чиқариш, бошқаришни ташкил этиш учун ҳар хил ёки бир хил мулкка оид корхоналар ва ташкилотлар ажратган моддий ва пул маблағи ҳисобидан ташкил топган, лекин иштирокчилар мулкидан алоҳидалашган умумий мулк пайдо бўлади. Уни ҳар бир иштирокчи эмас, балки уюшма тасарруф эта олади. Бу мулк умумий манфаат йўлидагина ишлатилади.

Ижтимоий ташкилотлар мулки – ижтимоий ташкилотлар (партиялар, касаба ташкилотлари, халқ ҳаракатлари, турли фондлар ва бошқаларга аъзо бўлган ва ўз улушини қўшган кишиларнинг умумий мулкидир. У бадал пули, ажратмалар, хўжалик фаолиятидан тушган даромадлар ҳисобидан пайдо бўлади, ташкилотлар низомида кўрсатилган фаолиятни амалга оширишга хизмат қилади.

Интеллектуал мулк – иқтисодий фаолият маҳсулотларининг тижорат мақсадида фойдаланишга берилган ягона ҳуқуқдир.

Интеллектуал мулк ижодий фаолият маҳсулотлари эгаларига улардан фойдаланишдан яқка ўзи моддий манфаат кўриш учун шарт-шароит таъминлайдиган махсус ҳуқуқий ҳимоянинг объекти ҳисобланади.

Диний ташкилотлар мулки – диндорлар ташаббуси билан вужудга келган ташкилотларнинг мол-мулки. Бу мулк ҳам

биргаликда тасарруф этилади ва у ўтмишдан мерос қолган диний ташкилотларга қарашли бино-иншоотлар билан чекланмай, диндорлардан тушган маблағлар, корхона ва ташкилотларнинг хайрия ёрдами, диний маросимлардан тушган даромад ҳисобидан шаклланади. Мазкур мулк объекти – масжидлар, мадрасалар, черковлар, костёллар, синагогалар ва у ерлардаги асбоб-анжомлар, китоблар, маросим учун зарур буюмлар, ташкилотлар ихтиёридаги пул маблағи ва бошқалардир. Унинг субъекти диндор кишилар. Улар номидан мулкни диний ташкилотлар тасарруф этади. Мазкур мулк фақат дин йўлида ишлатилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунининг 2012 йилда кучга кириши иқтисодиётнинг турли йўналишларида оилавий бизнесни ривожлантириш орқали аҳолини фойдали меҳнатга жалб қилиш имкониятларини кенгайтиришга хизмат қилади. Оилавий корхона ва хўжаликлар борки, у ердаги мол-мулк даромад топишни кўзлайди, биргаликда ўзлаштирилади. Бир неча қондош оилалар уюшмаси жамоа бўлиб, унинг доирасида мулк алоқа пайдо бўлади. *Оила мулки объекти* оилага қарашли мол-мулк бўлиб, у меҳнат воситалари билан бирга истеъмол буюмларидан ҳам иборат. Оила мулки заминида микроиқтисодиётнинг бир тури – оила хўжалиги амал қилади. Мазкур қонунга мувофиқ, оилавий корхоналар оила яшаб турган турар жойда фаолият юритиши ва ўзи ишлаб чиқарган маҳсулотни шу ерда сотиши мумкин. Бундан ташқари оилавий корхоналар томонидан ишлаб чиқариш фаолияти учун фойдаланиладиган турар жойларни нотурар жойларга ўтказиш ҳам талаб қилинмайди. Оилавий корхона турар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқарса (ишлаб бажариш, хизматлар кўрсатиш) коммунал инфратузилмалари (электр энергияси, канализация, сув, газ ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш аҳоли учун белгиланган таърифлар бўйича ва шартлар асосида амалга оширилади.

Маҳалла жамоатчилик асосида ўз-ўзини бошқариш тизими бўлиб, у маълум ҳудудда яшовчи барча оилаларни бирлаштиради.

Маҳалла мулки – маҳалла аҳлидан иборат жамоа доирасида унга қарашли бойликнинг ҳамжихатлик билан ўзлаштиришидир. Маҳалла ихтиёридаги бино-иншоотлар (кутубхона, идора биноси), маросимларга хизмат қилувчи асбоб-анжомлар маҳалла мулкининг объекти бўлса, унинг субъекти жами маҳалла аҳли ҳисобланади. Маҳалла аҳлининг пул маблағлари, давлат (маҳаллий ҳокимият) берган

маблағлар, маҳаллада жойлашган корхона ва ташкилотларнинг хайрия ажратмалари ҳисобига маҳалла мулки шаклланади ва ўсиб боради.

Давлат мулки – бойликни ўз вазифасини адо этиш учун давлат томонидан ўзлаштирилишидир. Бу мулк давлат пайдо бўлиши билан вужудга келади, аммо унинг мақсади ва миқёси ўзгариб туради. У хусусий ва жамоа мулкидан ўсиб чиқади, яъни уларга тегишли моддий ва маънавий неъматлар давлат тасарруфига ўтади.

Давлат мулкининг пайдо бўлиши ва ривожланиши қуйидагилар ҳисобидан бўлади: 1) мулкнинг национализация этилиши (миллийлаштирилиши), яъни хусусий мулкнинг давлат мулкига айлантирилиши; 2) давлат маблағи ҳисобидан корхоналар қурилиши; 3) жамиятда яратилган, аммо бошқа мулкларга тааллуқли даромадлар бир қисмининг солиқ ундириш орқали давлат бюджетига олиниши.

Давлатнинг характериға қараб, унга тегишли мулк айрим ижтимоий гуруҳларнинг тор эгоистик манфаатларига ёки умуммиллий манфаатга хизмат қилади. Бу мулкнинг аҳамияти давлатнинг иқтисодиётда тутган ўрни билан боғлиқ. Гап шундаки, иқтисодиётга таъсир этиш учун давлат ўз мулкига таянади. Агар иқтисодий ўсиш учун давлат мулки зарур бўлса, у кенгайди ва аксинча зарурат бўлмаса, у қисқаради. Серкапитал, тезда яхши фойда бермайдиган, сарфлар зудлик билан оқланмайдиган соҳалар борки, у ерга хусусий ёки жамоа мулки соҳиблари ошиқмайди, аммо бу соҳа улар фаолияти, иқтисодий ўсишининг умумий шарти ҳисобланади. Шу сабабли улар давлат тасарруфига ўтиб, давлат ҳисобидан ривожланади. Катта каналлар, сув омборлари, гидростанциялар, ер, темир йўллар, йирик портлар, атом саноати, космик саноати ва хизмати шулар жумласига киради. Бошқа мулклар қатори давлат мулки объектида ҳам турлитуман бойлик бўлади. Олий ҳокимият органлари бу мулк субъекти ҳисобланади. Ўзбекистонда давлат мулкини тасарруф этишга Олий Мажлис ва ундан ваколат олган органлар ҳақлидир.

Турли мамлакатларда давлат мулки, объекти бир-биридан фарк қилади. Кўпчилик мамлакатларда ер хусусий мулк объектига киради, Ўзбекистонда мулк тўғрисидаги қонунга кўра ер, сув, қазилмалар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси давлат мулки, деб эълон қилинган.

Давлат мулки маълум меъёрда бўлади. Аммо тоталитар иқтисодиёт тизимида ўта давлатлаштириш, давлат мулки монополияси вужудга келади. Давлат мулки танҳо кучга айланади, бутун иқтисодиёт устидан назорат ўрнатишга хизмат қилади. Бундай

ҳолат иқтисодий эркинликка зид бўлганидан мулкни давлат ихтиёридан чиқариш заруриятга айланади. Мулкдан бегоналаштирилган одамлар харажатлар миқдорига, ишлаб чиқарилган маҳсулот сифати ва тақдирига ҳам бефарқ бўлади. Бу эса турли суиистеъмолликлар, талон-торожлар, кўшиб ёзишлар, ҳисоботлар ва статистик маълумотларни сохталаштиришга олиб келади. Демократик, аралаш иқтисодиёт тизимида давлат мулки монополиясига ўрин қолмайди, балки иқтисодий зарурият белгилаган меъёردа сақланади, устунликка эга бўлмай, бошқа мулк шакллари билан ёнма-ён туради. Давлатнинг иқтисодиётдаги роли давлат мулкни талаб қилади, аммо иқтисодиёт бу мулкнинг ҳиссаси, салмоғи билан ўлчанмайди. Ривожланган мамлакатларда давлатнинг мулкдаги ҳиссаси қандай бўлишидан қатъи назар, яратилган даромаднинг деярли 50 фоизи давлат орқали тақсимланади. Давлат умуммиллий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида иқтисодиётда катта ўрин тутаяди. У даромадларни, моддий ресурсларни, иш кучини тақсимлашда фаол қатнашади. Хуллас, аралаш иқтисодиёт давлатнинг мулкдан четлашуви эмас, балки давлатнинг мулкий муносабатларда маълум меъёردа иштирок этишидир.

Давлат мулки фақат унга қарашли корхоналар мол-мулки билан чекланмайди, унга давлат ташкилотлари маҳкамаларидаги мол-мулк, давлат бюджетининг пул маблағлари, давлатга қарашли акциялар ҳам киради. Шунингдек, давлатнинг хорижда ҳам мол-мулки бўлади. Давлат мулки бошқа мулклар билан ҳам ўзаро киришиб кетади. Масалан, акционер жамият акциясининг асосий қисми давлатники бўлгани ҳолда, қолган қисми хусусий ва жамоа мулки бўлиши мумкин.

Тоталитар иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкнинг мавқеи кучли бўлади, чунки ўта давлатлаштирилган мулкдан хилма-хил мулкчиликка ўтиш дарҳол юз бермайди. Буни Ўзбекистон тажрибаси ҳам кўрсатиб турибдики, 1990 йилдан бошлаб Ўзбекистон иқтисодиётида давлат мулки ҳиссасининг камайиб бориши кузатилади. Давлат мулки кучли бўлса-да, у ўз ичидан ўзгариб, бозор шароитига мослашади, давлат корхоналари мустақиллиги, улар ишига давлатнинг аралашуви чекланади, корхона ўз манфаати йўлида мустақил фаолият юргизади. Демак, давлат мулки сақланса-да, у янги иқтисодий алоқалар иштирокчисига айланади.

Давлат мулкнинг мавқеи турли мамлакатларнинг танлаган йўлига боғлиқ. Ҳозир бозор иқтисодиёти бош, умуминсоний йўл,

аммо унга ўтишнинг миллий хусусиятлари мавжуд. Янги иқтисодиётга бирдан ўтилса, давлат мулки шиддат билан қисқаради. Агар бу ўтиш секин-аста борса, давлат мулкининг салмоғи узок сақланади. Масалан, Венгрия, Чехословакия ва Польшада мулкни давлат тасарруфидан чиқариш тез борди. Хитойда эса давлат мулки сақланмоқда. Ўзбекистонда мулкни давлат тасарруфидан чиқариш босқичма-босқич амалга оширилди.

Турли шаклдаги мулклар бир-биридан тамомила ажралиб қолмайди, уларнинг ўзаро алоқаси фақат бозор орқали бўлмай, улар киришиб ҳам кетади, натижада аралаш мулк пайдо бўлади. Аммо у мулкний монополия бор жойда шаклланмайди, чунки бунинг учун мулкний эркинлик ва танглик бўлиши зарур. Шу сабабдан кейинги даврда аралаш мулкнинг пайдо бўлиши тасодиф эмас. Аралаш мулк муайян бир объектнинг турли мулкдорлар иштирокида ўзлаштирилишини билдиради. У ҳозирги очиқ типдаги қоришма акционер компанияларида аниқ ифода этилади. Бу ерда хусусий мулк, жамоа мулки ва ҳатто хорижий мулк ҳиссадорлик асосида бирлашади. Мулк объекти бирлашган ҳолда ишлатилиб, ўз эгаларига даромад келтиради.

Турли мулк шакллари алоҳидалашган бўлса-да, уларнинг яхлитлиги бор, чунки иқтисодиёт ягона фаолият бўлиб, мулкдорлар хатти-ҳаракатининг бир-бирига боғланишини билдиради. Шу боисдан барча мулк шаклларининг мажмуи мамлакатнинг миллий мулки бўлади. Миллий мулк танҳо бир миллат ёки элат мулкини билдирмайди. У муайян жамиятдаги ҳар хил ижтимоий қатламга мансуб кишилар мулки ва умуммиллий манфаатларни ифодаловчи давлат мулкининг бирлигидир. Миллий мулк бойликнинг муайян мамлакатга тегишли эканлигини билдиради ва шу билан ўзга давлатлар, улар фирмалари ва фуқароларига қарашли мулк бўлган хорижий мулкдан фарқ қилади.

3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади ва усуллари

Мулкний муносабатлар тараққиётида хусусийлаштириш ҳам заруратга айланади. Мулкний монополиядан мулкний эркинликка ўтиш муқаррарлигидан хусусийлаштириш зарурати келиб чиқади. Аммо хусусийлаштириш иқтисодий жиҳатдан мулкни давлатлаштиришдан чекинишни, давлат мулкининг бошқа мулкларга айланишини билдиради. У давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулк шаклларини

ривожлантиришдир. Юқорида айтганимиздек, мулкый муносабатларга хос нарса эркин мулкдан монопол мулкка (бунга давлат мулки ҳам киради) ва қайтадан монопол мулкдан эркин мулкка ўтишдир. Шу сабабли хусусийлаштириш фақат ҳозир биз яшаб турган даврда юз бермоқда десак, нотўғри бўлади. Ўтмишда ер, сув, ўрмон бойликлари, бино, иншоот ва бошқалар давлат мулкидан чиқарилиб, айрим шахсларга – уларнинг давлат олдидаги алоҳида хизматлари учун, хусусий мулк сифатида бериш мавжуд бўлган. Аммо у пайтларда хусусийлаштириш давлат мулкининг фақат хусусий мулкка айланишидан иборат бўлган ва айрим мамлакатларда юз берган. Ҳозирги хусусийлаштириш умуминсоний, умумдунё ҳодисаси бўлиб, монополлашган бозор иқтисодиётидан эркин бозор иқтисодига ўтиш билан боғлиқ. Бу ҳодисанинг ўз моддий асоси бор. Илгари ишлаб чиқариш фақат катта миқёсда тўпланган ҳолда ривожлана олган, чунки техника-технология шуни талаб қилган. Эндиликда ишлаб чиқаришнинг катта қисми озчилик кўлида тўпланиши шарт эмас. Аксинча, майда фирмалар доирасида ҳам самарали ишлаб чиқаришни юргизиш мумкин, чунки катта хусусий маблағ бўлмаса-да, уни қарз олиб, ҳатто асбоб-ускунани ижарага олиб тадбиркорлик қилиш мумкин. Майда тарқоқ ишлаб чиқариш рақобатга шароит ҳозирлаб, иқтисодий ўсишни рағбатлантиради. Мулкнинг давлат ихтиёрида бўлиш зарурати камайди. Шу боисдан хусусийлаштириш оммавий тус олиб, ҳамма давлатларда юз бермоқда, бозор иқтисодиётига ўтиб бўлган мамлакатларда ҳам амалга ошмоқда.

Хусусийлаштириш мулкни демократлаштириш сифатида давлат мулкни кўпчилик ўртасида тарқатиб, мулкдорларни кўпайтиришни билдиради. Уни амалга оширишнинг бир неча йўллари мавжуд:

1) давлат корхоналарини акционерлар жамиятига айлантириб, унинг молу мулки ҳисобидан чиқарган акцияларни халққа сотиш. Акцияни сотиб олган киши мулкдорга айланади;

2) ижарага олинган давлат корхонасини ижарачилар жамоаси томонидан ўзи ишлаб топган пулга ёки қарзга сотиб олиб, уни жамоа мулкига айлантириш. Бунда янги мулкдорлар халқ эмас, фақат корхона жамоаси бўлади;

3) давлат мулкни қийматига қараб чиқарилган сертификатлар ёки ваучерларга биноан фуқароларга бепул бериш. Бунда мулк халқ ўртасида тарқатилади, чунки ваучер ва сертификат корхона акциясини олиш ҳуқуқини беради;

4) давлат мулкни фақат танилган, ишнинг кўзини биладиган, масъулиятни зиммасига ола биладиган тадбиркорларга, бошқарув-

чиларга (менежерларга) сотиш. Бунда ҳам маълум қатламгина мулк соҳибига айланади;

5) давлат мулкни хорижий қарзни узиш эвазига чет эл фирмалари ва фуқароларига бериш. Бунда миллий мулк ҳисобидан хорижий мулк ўсади;

б) давлат мол-мулкни аукционларда кимошди савдоси орқали сотиш. Бунда ҳам фақат маълум тоифадаги кишиларгина янги мулк соҳибига айланадилар.

Хусусийлаштириш усуллари танлаш ундан кутилган мақсадга боғлиқ. Агар ишбилармонликни рағбатлантириб, мулкий масъулиятни кучайтириш назарда тутилса, хусусийлаштириш сараланган озчилик ўртасида ўтказилади. Мулкчиликда ижтимоий адолатни таъминлаб, ҳамма учун тенг имконият яратиш шарт бўлса, хусусийлаштириш бутун халқ иштирокида ўтказилади. Бунга Россиядаги ваучеризация мисол бўла олади. Россияда 1992 йили ҳар бир фуқарога 10 000 рубллик ваучер тарқатилди, бу билан ҳар бир киши давлат мулкида шу суммага тенг ҳиссага эга бўлди. Ўзбекистонда хусусийлаштириш корхона жамоаси учун устуворлик бериш йўсинида бошланди. Бунда корхона мол-мулки унинг жамоасига берилади. Бундан мақсад хусусийлаштириш жараёнида кўпроқ жамоа мулкни ўстириш бўлди, аммо иқтисодни либерализациялаш учун халқ хусусийлаштиришига ҳам йўл берилди.

Агар хусусийлаштириш чет эл капиталининг кириб келишига йўл очиши зарур бўлса, давлат мулки хорижийларга бериш шаклида амалга оширилди. Хусусийлаштириш усулларида айримларининг устуворлиги бошқа усулларни ҳам қўллашни билдиради. Масалан, Ўзбекистонда хусусийлаштириш корхона жамоасига устунлик беради, лекин акционерлаш ҳам мавжуд, унда чет эл капитали ҳам иштирок этиб, мулкни сотиб олиши мумкин. Хусусийлаштириш шароитга қараб пулли, бепул ёки имтиёзли тарзда ўтказилади. Ўз шакли ва усулидан қатъи назар, бу тадбир хилма-хил мулкчиликни таъминлайди, чунки давлат мулки ҳисобидан нодавлат мулкнинг ҳамма шакллари ва турлари ривожланади. Хусусийлаштириш давлат мулки монополиясини тугатишга қаратилган, яъни у антимонопол характерга эга мулк соҳибларини, бинобарин, мустақил товар ишлаб чиқарувчиларни кўпайтириб, соғлом рақобатга йўл очади. Хусусийлаштиришнинг пировард мақсади мулкий масъулиятни ишга солиш орқали иқтисодий самарадорликни таъминлаш, халқ фаровонлигини оширишдир.

Давлат мулкининг хусусийлаштирилиши ва кичик бизнес ривожининг рағбатлантирилиши натижасида Ўзбекистонда янги ижтимоий қатлам – мулкдорлар синфи пайдо бўлди. Бу қатламнинг умумий сони қарийб 6,5 миллион кишини, жумладан, акциядорлар 1,4 миллион, хусусий фермер хўжаликлари эгалари 80,6 минг, шунингдек, деҳқон хўжаликлари ва даромад келтирадиган бошқа мулк шакллари эгалари (масъулияти чекланган жамиятларнинг низом жамғармасида ўз улушига эга бўлган шахсий корхоналар ва бошқалар) 4,8 миллион нафарни ташкил этади.

Хусусийлаштириш туфайли қимматли қоғозлар ва мулк бозори каби янги бозорлар пайдо бўлиб, кўп тармоқли иқтисодиётнинг шаклланиши ва бозор муносабатларини янада ривожлантиришга асос бўлди.

1-жадвал

Хусусийлаштириш жараёнида нодавлат мулкчилик объектлари ва янги корхоналар ташкил этиш динамикаси

Йиллар	Хусусийлаштирилган барча корхона ва объектлар, донa ҳисобида	Жумладан	
		Акциядорлик жамиятларига айлантирилган, фоиз ҳисобида	Хусусий мулк қилиб сотилган, фоиз ҳисобида
1994	9744	29,7	70,3
1995	8537	12,0	88,0
1996	1915	65,6	34,4
1997	899	50,7	49,3
1998	266	41,4	58,6
1999	373	37,8	62,2
2000	372	40,8	59,2
2001	1238	18,3	81,7
2002	1800	12,4	87,6
2003	1452	5,2	94,8
2004	1228	2,3	97,7
2005	980	0,3	99,7
2006	673	2,8	97,2
2007	631	0	100
2008	392	0	100
2009	135	0	100
2010	96	0	100
Жами	30731	21,5	78,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси.

Иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантириш ва хусусийлаштириш борасида мустақиллик йилларида давлат томонидан сезиларли ишлар амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш таркибида мулкчилик шакллари бўйича туб ўзгаришлар рўй берди. Маҳсулот ишлаб чиқариш, ишлар ва хизматлар таркибида нодавлат сектор асосий ўринни эгаллади. Нодавлат секторнинг улуши 1995 йилдаги 58,4 фоиздан 2010 йилда 81,7 фоизга етди, жумладан, хўжалик бирлашмалари улуши 27,4 фоиз, қўшма корхоналар хиссаси 14,2 фоиз, хусусий фермер хўжаликлари улуши 6,5 фоиз ва аҳолининг хусусий мулки 30,4 фоизни ташкил этди.

2-жадвал

Мулкчилик шакли бўйича ЯИМ ишлаб чиқариш таркиби (фоиз)

	1995 йил	2000 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулот	100	100	100
Жумладан			
Нодавлат мулкчилик	58,4	72,6	81,7
Шундан			
Фермер хўжаликлари	х	1,9	6,5
Хўжалик бирлашмалари	х	17,4	27,4
Қўшма корхоналар	х	5,2	14,2
Давлат мулкчилиги	41,6	27,4	18,3

Бозор ислохотларини амалга ошириш йилларида қарийб 31 мингта давлат корхонаси ва объекти хусусийлаштирилди ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётида тутган ўрни ва аҳамиятига қараб, улар акциядорлик жамиятлари (21,5 фоиз) ва мулкчиликнинг бошқа нодавлат корхоналари шакли (78,5 фоиз) сифатида қайта ташкил этилди.

2010 йилда иқтисодиётнинг нодавлат секторининг улуши қуйидагича бўлди: мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини ишлаб чиқаришда 81,7 фоиз, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 91,0 фоиз, қишлоқ хўжалигида 99,9 фоиз, қурилиш-пудрат ишларининг умумий ҳажмида 89,6 фоиз, транспортда 56 фоиз, савдо ва умумий овқатланишда 99,9 фоиз.

Вазирлар Маҳкамаси мажлисида (2007 йил 12 февраль) Президент Ислом Каримов «Янгиликлар ва барқарор тараққиёт йўлида янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир» номли маърузасида хусусийлаштириш масаласига доир ўз фикрини қуйидагича баён этган эди: «Биз хусусийлаштириш ишларига нисбатан муносабатимиз ва ёндашувларимизни ҳам тубдан ўзгартиришимиз, иқтисодиётнинг кимё, электротехника саноати, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари саноати ва бошқа етакчи тармоқларига қарашли корхоналарнинг акцияларини кимосди савдосига қўйиш бўйича қатъий чоралар кўришимиз зарур».

Президент Ислом Каримов илгари ҳам айтган фикрини яна бир бор таъкидлаб, қуйидаги илмий ғояни илгари сурди: «Биз хусусийлаштиришдан келадиган маблағлар ҳисобидан бюджетга тушумларни кўпайтиришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганимиз йўқ. Бу борадаги асосий масала – хусусийлаштириладиган объектларга эгаллик қилишга даъвогарларнинг аввало объектларни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш ва жаҳон бозорида рақобатга бардошли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ўз зиммасига оладиган мажбуриятларидир. Давлат мулки қўмитаси, Иқтисодиёт ва Молия вазирликлари ғоят қисқа муддатда амалдаги хусусийлаштириш дастурларини қайта кўриб чиқиши ва бунда акциялар пакетлари, жумладан, давлатга тегишли назорат акция пакетлари бўлган, инвесторларга таклиф этиладиган стратегик муҳим объектлар рўйхатини тубдан кенгайтиришни назарда тутиши керак».

Ўз вақтида белгиланган вазифалар ижро этилишининг таъминлангани Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози енгил кечишига замин яратди.

Бу масала бўйича бюджетга тушумларни кўпайтиришни ўйлаётганимиз йўқлигини, гап бу ерда одамларнинг сармояси, маблағини мана шу соҳага жалб этиш ҳақида бораётганлиги, чунки одамларда маблағ бор, лекин, айти пайтда, уларда агар пулимни сарфлайдиган бўлсам, эртага ортимдан тушади, текшир-текшир бошланади, деган ҳадик ва қўрқув ҳам йўқ эмаслиги, тан олиш керакки, бундай қўрқув бежиз эмаслиги, бизда ким кўп – текширувчи кўплиги ҳақидаги муаммолар давлатимиз раҳбари томонидан қайд этилганлигини эслаш жоиз.

Президент Ислам Каримов: «Албатта, жамиятимизда *ўта бойлар* ҳам, *ўта камбагаллар* ҳам бўлмаслиги керак. Лекин, шу билан бирга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эгаларига, уларнинг ўз ҳалол меҳнати, пешона тери билан топадиган даромади ва бойлигига ёндашишда эски замондан қолган иллат ва асоратлардан бутунлай воз кечишимиз зарур. Лўнда қилиб айтганда, **уларга ҳасад** билан эмас, **хавас билан қараш** жамиятимизда тобора чуқур қарор топишини хоҳлардим. Ва бундай ҳолатни бугун ҳаётимизда содир бўлаётган ўзгаришларнинг табиий ва мантиқий натижаси тариқасида кўришимиз маъқул деб ҳисоблайман», – деб таъкидлади.

Президент ташаббускори бўлган яна бир ҳужжат – бу юқори палатанинг охириги ялпи мажлисида маъқулланган ва 2010 йил 23 декабрда матбуотда эълон қилинган «Риэлторлик фаолияти тўғрисида»ги қонундир. Ушбу қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради. «Риэлторлик фаолияти» тушунчаси Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида янгилик ҳисобланади. Ҳозирги вақтга қадар кўчмас мулк бозорида воситачилик (риэлторлик) фаолияти масалалари қонуний тартибга солинмаган эди. Бунинг оқибатида, ҳар қандай юридик ва жисмоний шахс профессионал тайёргарликка эга бўлмасдан ва бирор-бир рухсат (лицензия) олмасдан кўчмас мулкнинг олди-сотдиси ва ижарасида воситачилик хизматлари кўрсатар эди. Риэлторларга нисбатан қонуний талабларнинг ҳамда давлат органлари томонидан уларнинг фаолияти устидан назоратнинг мавжуд эмаслиги, кўчмас мулк билан боғлиқ битимлар тузишда, айниқса, хуфиёна воситачиликда катта таваккалчиликни келтириб чиқарар, бу эса, кўпинча турар жой эгаларининг алданиб қолишига, фирибгарлик ва мазкур соҳадаги бошқа ҳийла-найрангларга олиб келарди.

Бундан ташқари, фуқаролар воситачилик фаолияти билан шуғулланар экан, солиқ тўлашдан бўйин товлаган ҳолда назорат қилинмайдиган фойда олардилар.

Шу муносабат билан қабул қилинган қонун Ўзбекистонда қонуний риэлторлик фаолиятига асос солади, унинг ривожланишини, кўчмас мулк бозори иштирокчилари ва давлат манфаатлари ҳисобга олинишини таъминлайди, профессионал риэлторлик фаолияти билан шуғулланиш учун қулай шароит яратади.

Қонунга мувофиқ, риэлторлик фаолияти юридик (риэлторлик ташкилотлари) ва жисмоний (якка тартибдаги тадбиркорлар) шахсларнинг кўчмас мулк объектларига ва уларга бўлган ҳуқуқларга доир

битимлар тузиш билан боғлиқ хизматларни шартнома асосида кўрсатиш бўйича тадбиркорлик фаолияти сифатида белгиланган. Ушбу фаолият билан шуғулланиш учун лицензия олиниши зарур, риэлтор эса ваколатли орган томонидан бериладиган малака сертификатиغا эга бўлиши лозим.

Қонун риэлторлар ва риэлторлик ташкилотлари зиммасига малака талабларини ҳамда ўз фуқаролик жавобгарлигини суғурта қилишни юклайди. Шунингдек, амалга ошириладиган хизматларнинг сифатини таъминлаш механизмлари, ишончли маълумотлар олиш кафолатлари ва уларнинг миждозлари томонидан тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, риэлторлик хизматлари кўрсатиш муддатларини, кўрсатилган хизматлар учун ҳақ тўлаш, шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда маблағларни қайтариш тартибини ўз ичига олган шартнома тузиш мажбуриятлари мустаҳкамланган. Бу ҳужжат кўчмас мулк бозорининг ноинсоф воситачиларига тўсиқ ўрнатади, риэлторлик фаолиятини тўғри ташкил этиш, соҳада замонавий рақобатни ривожлантириш ва охир-оқибатда, фуқаролар, жамият, давлатнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тўлиқ ҳимоялашга ёрдам беради.

Шу ўринда Ўзбекистоннинг асл фуқаросиман, деган ҳар қайси инсон кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатлари жамиятимизнинг иқтисодий барқарорлигини таъминлаш ҳамда юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги, комил инсон каби миллий мафкурамизнинг асосий ғояларини рўёбга чиқаришда муҳим иқтисодий таянчга айланиб улгурган ўрта синф вакиллари (хусусий бизнес эгалари)нинг биз интилаётган фуқаролик жамияти қуришдаги ўрни беқиёс эканлигига тўхталиш муҳимдир.

4. Ўзбекистонда мулкдорлар синфининг шаклланиши ва унинг аҳамияти

Президент Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» (1997 йил) асарида мамлакатимизда мулкдорлар синфининг шаклланиши учун белгиланган вазифалар бугунга келиб Ўзбекистонда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг енгил кечишида муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ўз вақтида қилинган хулосалар қуйидаги мазмунда эди. Булар:

1) мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирда, ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари хал бўлади.

Иқтисодий жиҳатдан собитқадам ва барқарор жамиятни шакллантириш масалаларини кўриб чиқар эканмиз, энг аввало, тадбиркорлик ва умуман мулкдорлар синфи давлат ва жамоат қурилишида, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаб туриш ва мустаҳкамлашда қандай роль ўйнашини назарда тутиш лозим. Айни ўрта мулкдорлар синфи шакллантирилаётган фуқаролик жамиятининг таянчидир.

Бу ўринда гап, агар мулк шакллари хилма-хиллиги ва биринчи навбатда хусусий мулк ҳар қандай давлатнинг демократик негизлари барқарорлигининг иқтисодий асоси ҳисобланса, реал ишлаб чиқариш воситаларининг ўрта мулкдорларидан иборат кучли қатламнинг мавжуд бўлиши унинг сиёсий асоси эканлиги ҳақида бормоқда. Аҳоли орасида ҳақиқий мулкдорлар ўрта қатламининг кўпчилигини ташкил этиши мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни орқага қайтариш имкониятларини бартараф этишнинг кафолати ҳисобланади.

Шу сабабли биз иқтисодий ўзгаришлар жараёнини республикада ўрта мулкдорларнинг чинакам синфини шакллантиришдек долзарб вазифани хал қилиш билан боғламоқдамиз. Одам ўзини чинакамига мулкдор деб ҳис этмас экан, ўз ҳуқуқлари, пировард натижалар ва ишлаб чиқариш самарадорлиги учун мулкдор сифатида курашмайди. Жамиятда барқарорликни сақлаб қолиш ва ҳимоя қилишга интилмайди;

2) чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш, қимматли қоғозлар бозорини яратиш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади.

Стратегик жиҳатдан олганда, биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка берилади.

Ўлкамизнинг ўзига хослиги, ишчи кучининг ҳаддан ташқари кўплиги, ривожланган қишлоқ хўжалик ва хом ашё базаси, ҳатто айтиш мумкинки, аҳолининг анъаналари, руҳияти кичик ва оилавий бизнесни, хусусий тадбиркорликни фаол ривожлантиришни объектив зарурат қилиб қўймоқда.

Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг

пайдо бўлиши демакдир. Бу – республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу – янги иш ўринларидир. Шунини ҳамини назарда тутиш керакки, фақат кичик ва хусусий тадбиркорликни кенг, ҳамма жойда ривожлантириш ҳисобига ғоят кескин муаммони – аҳолининг (айниқса, ортиқча меҳнат захиралари мавжуд бўлган қишлоқ жойлар ва минтақаларда) иш билан бандлигини таъминлаш вазифасини ҳал қилишга қодир бўламиз.

Халқнинг тарихий илдизларидан, руҳиятидан фойдаланган ҳолда ички бозорни зарур истеъмол товарлари билан бойитиб қолмай, шу билан бирга, ташқи бозорларда ҳам рақобатга бардошли маҳсулот чиқаришга қодир кичик корхоналарнинг кенг тармоғини вужудга келтириш мумкин.

Аслида яқин келажакда кичик ва ўрта бизнес республиканинг ишлаб чиқариш ва экспорт тузилмасида иқтисодиётнинг ҳаракатчан, осон ўзгартириладиган соҳаси сифатида етакчи ўринни эгаллашига эришиш лозим.

Биз учун оламшумул аҳамиятга эга бўлган ушбу сиёсатни рўёбга чиқаришда аҳолининг шахсий ёрдамчи хўжаликлари самарадорлиги ва маҳсулдорлигини янада ошириш, уларга давлат ёрдамини кўрсатиш муҳимдир.

Бунда биз кичик ва ўрта корхоналар ибтидоий, эскирган асосда эмас, балки сифатли ва замонавий техника негизида барпо этилиши кераклигига асосланамиз. Бунинг учун уларни ривожлантиришнинг янги манбалари ҳам чет эл инвестицияларини кенг жалб қилиш ҳисобига, ҳам ички манбалар, банк кредитлари ҳисобига доимо кашф этиб борилиши даркор.

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларида кичик бизнесни ривожлантиришга ёрдам берадиган ҳуқуқий шарт-шароитлар ва институционал тузилмалар вужудга келтирилди. Булар – Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Бизнес-фонд, «Мадад» суғурта агентлигидир. Шунингдек, консалтинг, инжиниринг ҳамда лизинг фирма ва компаниялар, бизнес-инкубаторлар тармоғи шаклланди.

Энг асосийси, кичик ва ўрта корхоналар ҳозирниги ўзидаёқ амалда бўй кўрсатди. Муҳими – кичик ва ўрта корхоналар иқтисодиётнинг ҳамма соҳаларида ташкил этилмоқда.

3) бозор тузилмаси ривожланган мамлакатларнинг тажрибаси ҳақиқий ўрта мулкдорлар қатламининг асосий қисми аҳолининг пул маблағларини қимматли қоғозлар бозорига, одамлар учун фойдали

турли банк депозитларига ва омонатларга жалб этиш воситасида шаклланаётганидан далолат беради. Бинобарин, қимматли қоғозлар бозорининг аҳволига қараб бозор муносабатларининг қарор топиш жараёни қай даражада жўшқин бораётганлиги ҳақида фикр юритиш мумкин.

Қимматли қоғозлар бозорини шакллантириш ҳисобига аҳолининг бўш турган маблағлари айланишга жалб этилади. Бу айтиш чоғда иқтисодий барқарорлаштириш соҳасидаги муҳим вазифани ҳал қилишга – пул муомаласини, демакки, миллий валютани мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Энг асосийси – акциялаштириш, фонд бозорида қатнашиш орқали аҳолида қимматли қоғозларнинг эгаси бўлишга қизиқиш, улар билан муомала қилиш кўникмалари ва маданияти пайдо бўлади.

Муҳими, улар шунчаки акцияларнинг эгаси бўлганлик учун эмас, балки мол-мулк бир қисмининг реал мулкдорлари ҳисобланганлари ҳамда мулкдорлар сифатида корхонанинг ишлаб чиқариш ва молиявий фаолиятига таъсир кўрсатиш ҳуқуқига эга бўлганликлари учун ҳам акциядорлар деб аталиши даркор. Одамлар қимматли қоғозларни сотиб олишга қодир бўлганларида мулкдорлар синфи амалда вужудга келади.

Яна бир гап. Республикада қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш бўйича қўйилган мақсадларга қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини жадал шакллантирган, бизнинг бозоримиз халқаро фонд ва валюта бозорларига чиққан ҳамда қўшилиб кетган тақдирдагина, чинакамига эришиш мумкин.

Юқоридаги ўз вақтида қилинган хулосалар ва белгиланган вазифалар ижроси бугунга келиб мамлакатимизнинг иқтисодий негизини мустаҳкамлашда амалий касб этди.

Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодий таркибида давлат, корпоратив ва хусусий мулкнинг тенглиги, айтиш пайтда хусусий мулкнинг устуворлиги аниқ белгилаб қўйилгани давлатимизнинг сиёсий ва иқтисодий тизимини, биз барпо этаётган жамиятнинг маъно-мазмунини аниқ ва равшан кўрсатиб беради.

Биз мулк ва мулкдорлар масаласини ечишда умумэътироф этилган тамойиллар билан бирга, ўзимизга хос миллий хусусият ва ҳаёт тарзини инобатга олганмиз. Айтиш шундай ёндашув ва олиб бораётган сиёсатимиз мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлашда, иқтисодий тизимнинг ишончли пойдевори ва тез суръатлар билан ўсишини таъминлашда мустаҳкам омил бўлиб келмоқда.

Дунёдаги кўпгина тараққий топган, бугунги кунда барқарор ва бадавлат яшаб келаётган давлатлар тажрибаси шундан далолат берадики, аввало ўзининг хусусий мулкига эга бўлган шахс ва бундай шахслардан иборат бўлган тоифа, бу бойликни янада кўпайтиришга, ўзини ва оиласини боқишга, шу билан бирга, давлат ва жамият зиммасида бўлган кўпгина вазифаларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшади. Ва энг муҳими, ўз юртида тинчлик ва осойишталикни сақлаш ва ҳимоялашда астойдил жон куйдиради.

Кўпчиликни ташкил этган ва бундай мақсадларни ўз олдига қўйган тоифа – ижтимоий қатламларнинг ўрта синфи деб ном олгани ҳам бежиз эмас, албатта.

Ўзбекистон танлаган ва бугун амалга ошираётган тараққиёт йўлида тобора кучга кираётган ана шу ўрта синф, унинг хусусият ва аломатлари ҳақида гап борар экан, ўта муҳим, ҳаётимизда изчиллик билан амалга оширилаётган бир тамойилга алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Юртимизнинг тарихий-маданий ўзига хослигидан, азалий қадриятларимиздан келиб чиққан ва ижтимоий адолат принципларига риоя қилган ҳолда, бизда ўта бойлар ҳам ва ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги талаб қилинади.

5. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва миллий бойлиги

5.1. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига оид таърифлардан қуйидагиларни келтирамиз:

а) салоҳият яширин ҳолда мавжуд ва зарурий имкониятлар мажмуи;

б) салоҳият – қобилиятлар мажмуи;

в) салоҳият – ресурслар мажмуи.

Мазкур таърифлардан энг кўп қўлланадигани «ресурслар»га оиддир.

Ушбу мавзудаги «салоҳият» тушунчасини таърифлашда биз ана шу ёндашувга асосланамиз.

Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти – мамлакатда мавжуд ресурсларнинг, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг энг кўп даражада зарур бўлган ҳажмини таъминлашга қодирлигидир.

Иқтисодий салоҳият таркибини таърифлашда (аниқлашда) иккита методологик ёндашув таклиф этилади:

а) миллий иқтисодиёт эга бўлган ресурсларни баҳолаш;

б) хўжалик оборотига жалб этилаётган барча ресурсларни қўллаш жараёнида эҳтимол тутилган иқтисодий натижани аниқлаш.

Мамлакат иқтисодий салоҳиятининг таркиби қуйидаги жиҳатларга кўра таҳлил қилинади:

□ унинг натурал-моддий таркиби, яъни ресурслар тўплами, иқтисодий салоҳиятни аниқлаш ва динамикаси томонидан;

□ иқтисодий салоҳиятнинг реал ҳолати ҳамда ривожланиш ва қўлланиш истиқболлари нуқтаи назаридан, яъни бунда гап иқтисодий салоҳиятнинг статик ва кинетик хусусиятлари ҳақида боради;

□ иқтисодий салоҳиятни бошқаришнинг ташкилий шакллари нуқтаи назаридан, яъни унинг соҳалари (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш), иқтисодиёт тармоқлари ва минтақалар томонидан;

□ ҳам миллий ҳудудда, ҳам бошқа мамлакатлар ҳудудида жойлаштирилган ва амал қилаётган иқтисодий салоҳият элементлари томонидан, яъни бу жиҳат ишлаб чиқариш объектлари ва бошқа объектларнинг асосий қисми нафақат давлат ҳудудида, балки хорижий давлатлар ҳудудида ҳам жойлашган ҳолатни инобатга олади. Бу вазият одатда омилли (факторли) даромадларни аниқлашда ҳисобга олинади;

□ мамлакат қонунчилигида назарда тутилган хўжалик юриштишнинг алоҳида ташкилий-ҳуқуқий шаклларининг мамлакатда хўжалик юриштишнинг якуний натижаларига қўшадиган ҳиссаси нуқтаи назаридан, яъни бунда гап мулкнинг давлат, хусусий, аралаш, хорижий ва бошқа шакллари шакллантириш ва фойдаланишдаги ҳиссаси ҳақида боради. Ушбу мулк шакллари (АЖ, ҳар хил ширкатлар, уюшмалар, холдинглар ва ҳ.к.) киради.

Иқтисодиётнинг миллийлиги уни бошқалар учун ёпиқлигини билдирмайди, аксинча, у очик бўлади, ташқи дунё билан ўзаро манфаатли алоқага киришади. Бироқ миллий иқтисодиёт асосан ўз ресурсларига таянади. Миллий иқтисодиёт очиклиги хавфсизлик чораларини кўришни тақозо этади. Макроиқтисодиёт миллий иқтисодиёт бўлар экан, бу иқтисодиётнинг яхлитлигини билдиради.

Иқтисодий салоҳиятнинг ҳажми, тузилиши ва динамикасига таъсир кўрсатувчи омиллар қаторида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

мавжуд иқтисодий ресурслар ҳажми ҳамда улардан фойдаланиш имконияти;

мамлакат эришган ҳамда иқтисодиёт техник базасининг сифати ва унумдорлигини ифодалайдиган фан-техника тараққиётининг ривожланиш даражаси;

мамлакат фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида тўплаган салоҳият, мамлакат меҳнат ресурсларининг сифатини ифодаловчи ходимларнинг касбий-малакавий даражаси.

Мазкур омилларнинг иқтисодий салоҳият таркибидаги комплекс алоқадорлиги салоҳиятларнинг меҳнат, табиий-ресурсли, илмий-техникавий, ишлаб чиқариш ва бошқалардан иборат бутун бошли тизими шаклланишига олиб келади. Улардан ҳар бири ривожланишнинг ўзига хос тамойил ва қонуниятларига эга.

Иқтисодий салоҳиятнинг қуйидаги турлари ажратилади:

1. Табиий-ресурсли салоҳият (табиий тизимларнинг ўзига зарар етказмаган ҳолда одамларнинг ушбу типдаги хўжалик доирасида маҳсулотга бўлган эҳтиёжлари қондирилишини таъминлаш қобилияти). Табиий ресурслар миллий бойликнинг асосий қисмини ташкил қилади.

Табиий ресурсларнинг қуйидаги турлари ажратилади.

Минерал ресурслар:

ёнилғи-энергетика ресурслари (нефть, газ, кўмир ва бошқалар);

металлсимон фойдали қазилмалар (темир, мис, кўрғошин, алюминий, қалай ва бошқалар);

металл бўлмаган фойдали қазилмалар (туз, шпат, калий тузлари, асбест, графит ва бошқалар);

табиий қурилиш материаллари ва ишлаб чиқариш учун яроқли хом ашё (қурилиш тошлари, қум-шағал материал ва бошқалар).

Тупроқ ресурслари:

қишлоқ хўжалик экинлари (хайдаладиган, озуқа берувчи экинлар, чорва моллари боқиладиган яйловлар ва бошқалар).

Ўсимлик ресурслари:

ўрмон ўсимлик ресурслари (чинор, ёнғоқ, бодом, терак, қарағай, арча, тол ва бошқалар);

пичанзорлар ва яйловлардаги ўсимлик ресурслари (яйловлар, экилган ўтзорлар, баланд тоғ ва адир яйловлари ҳамда бошқалар);

доривор ўсимликлар (наъматак, дала қирқбўғини, иттиканак, кумда ўсувчи бўзоч, марваридгул ва бошқалар);

техник ўсимликлар ресурслари (ялпиз, шувоқ (эрмон), бўйимодарон ва бошқалар);

Ҳайвонот дунёси ресурслари:

ёввойи ҳайвонлар (айиқ, бўри, тулки, мўйнали ҳайвонлар, сайғоқ ва бошқалар);

паррандалар (карқур, каклик, ғоз, ўрдак, бедана ва бошқалар);

овланадиган балиқ (минтай, треска, сазан, маринка, килька, илонбалиқ ва бошқалар).

Сув ресурслари:

ер юзидаги сув майдонлари (кўллар, ботқоқликлар, музликлар);

ер ости ва сизот сув омборлари.

Ресурсларнинг бошқа турлари:

иқлимий;

гидроэнергетика захиралари.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 6 ноябрда Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясининг IV қурултойидаги маърузасида: «Биз Ўзбекистоннинг беқиёс салоҳияти, унинг ер ости ва ер усти бойликлари билан ҳақли равишда фахрланамиз ва уларни юртимизнинг тараққиёти, халқимизнинг фаровонлиги учун янада кўпроқ хизмат қилдириш ҳаракатидамиз», – деган фикрларини Ватан тараққиёти йўлида мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланишга даъват сифатида англаш лозимки, ресурсларга хўжасизларча муносабат жамиятнинг иқтисодий негизларига путур етказди.

5.2. Ишлаб чиқариш салоҳияти ва асосий фондлар

Халқ хўжалигининг ишлаб чиқариш салоҳияти табиий ва меҳнат ресурслари, асосий капитал ва илмий-техникавий тараққиётнинг ўзаро таъсири жараёнида шаклланади.

Асосий фондлар – тўпланган бинолар, иншоотлар, машиналар, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари ҳамда кўп йил фойдаланиладиган бошқа ишлаб чиқариш объектларининг қийматдаги кўрсаткичидир. Асосий фондларнинг муайян вақтдаги реал баҳосини олиш учун улар бўйича инвентаризацион қайта баҳолаш ўтказилади.

Асосий фондлар миллий бойликнинг энг ўзгарувчан таркибий қисми, ишлаб чиқариш салоҳиятининг моддий-техникавий асоси ҳисобланади. Асосий фондларга номоддий активлар (фойдали қазилмаларни излаб топиш харажатлари, дастурий таъминот, технологиялар ва бошқалар) ҳам киради.

5.3. Илмий-техникавий салоҳият

Илмий-техникавий салоҳият кадрлар, моддий-техникавий, ахборот ва ташкилий ресурслар мажмуидир. Илмий ютуқлар – ижтимоий ва иқтисодий тараққиётнинг ҳал қилувчи омили. 1990 йиллардан бошлаб жаҳоннинг етакчи мамлакатларида фаннинг илмий тузилиши қайта ташкил қилина бошланди: техникавий йўналишлар: биология, генетика, тиббиёт, биофизиканинг улуши кўпайиб борди. Илмий-техникавий тараққиётнинг асосий хусусиятини фан ва инновацион фаолиятнинг молиялаштирилиши ташкил этмоқда. Илмий техникавий салоҳиятнинг энг муҳим омилини фан кадрлари, хусусан тадқиқотчилар ташкил қилади. Фаннинг моддий-техникавий базаси (бинолар, иншоотлар, тажриба-эксперимент ускуналари, ўқув дала марказлари ва ҳ.к.) билан таъминланганлиги катта аҳамиятга эга. Илмий-техникавий салоҳият меҳнат унумдорлигининг ортишини, мамлакатнинг иқтисодий ўсиши ва иқтисодий хавфсизлигини белгилаб беради.

5.4. Меҳнат салоҳияти

Меҳнат салоҳияти – жамиятнинг имкониятдаги меҳнат қобилияти, жамият муайян вақт мобайнида эга бўлган меҳнат ресурсларининг кўламидир.

Меҳнат салоҳияти миқдор ва сифат томонларига эга.

Меҳнат салоҳиятининг миқдор томони қуйидаги кўрсаткичлар орқали ифодаланади:

- меҳнат қобилиятига эга бўлган аҳолининг умумий сони;
- меҳнатга қобилиятли аҳоли меҳнатининг шаклланган интенсивлиги даражаси шароитида ишлайдиган иш вақтининг миқдори.

Ушбу кўрсаткичларнинг олиниши жамиятнинг муайян даврдаги вақт мобайнида эга бўлган меҳнат салоҳиятининг миқдор хусусиятини беради.

Меҳнат салоҳиятининг сифат томони куйидагиларда ифодаланади:

меҳнат қобилиятига эга аҳолининг соғлиқ ва жисмоний лаёқат даражаси;

меҳнат қобилиятига эга аҳоли маълумоти ва малака тайёргарлигининг сифати.

Бинобарин, меҳнат салоҳиятининг сифат томони меҳнат қобилиятига эга аҳолининг жисмоний ва ақлий ривожланиши мажмуи билан ифодаланади, бу эса, ўз навбатида, унинг меҳнат фаоллиги даражасини белгилаб беради.

Меҳнат салоҳиятининг миқдор кўрсаткичлари унинг экстенсив ўсишини кўрсатса, сифат кўрсаткичлари – интенсив ўсишидан далолат беради.

Меҳнат салоҳиятини шакллантириш ва ундан фойдаланишнинг мақбул жараёнларига жамиятнинг меҳнат ресурсларини бошқаришни мақбуллаштириш орқали эришиш мумкин.

Меҳнат салоҳияти инсонга сарфланган инвестицияларга боғлиқ бўлиб, бу инвестициялар жамиятда инсон капитали яратилиши, жамланиши ва ишлатилишига олиб келади. Бу эса ишлаб чиқариш ва даромаднинг кўпайишини таъминлайди. Меҳнат салоҳиятининг ривожланиши куйидаги демографик жараёнлар билан боғлиқ:

аҳолининг мутлақ сони;

катта ва кичик ёшдаги шахсларнинг улуши;

аҳолининг касалланиш даражаси;

демографик юк (нагрузка) коэффициенти (болалар ва қариялар умумий сонининг меҳнатга лаёқатли ёшдаги одамлар сонига нисбати).

Мамлакат иқтисодий салоҳиятини баҳолашнинг универсал индикатори (кўрсаткичи) – ялпи ички маҳсулот (ЯИМ). У нафақат миллий иқтисодиёт ривожланишининг ҳозирги даражасини, балки унинг тармоқ ва ҳудудий тузилишига хос хусусиятни, унинг айрим соҳалари, тармоқлари ва минтақалари фаолиятининг самарадорлигини, жаҳон интеграция жараёнларига жалб этилиш даражасини ва шу кабиларни ифодалайди.

Ялпи ички маҳсулот – статистиканинг умумлаштирувчи иқтисодий кўрсаткичи бўлиб, бир йил ичида мамлакатда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот (товарлар ва хизматлар)нинг бозор нархларидаги

жами қийматини ифодалайди. Айти вақтда ушбу мамлакатга ҳам, бошқа мамлакатларга ҳам хос бўлган ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланган ҳолда ҳисобланади.

ЯИМ худди ЯММ (ялпи миллий маҳсулот) сингари учта усул билан ҳисобланади:

□ даромадлар (омилли (факторли) даромадларнинг барча турлари – иш ҳақи, мукофотлар, фойдалар, рента даромадлари, фоизлар йиғиндиси) ҳамда даромад ҳисобланмайдиган икки таркибий қисм – амортизация, шунингдек бизнестан олинадиган соф билвосита солиқлар, яъни солиқлардан субсидияларнинг олингани кўшилади. Бунга давлат қарзи бўйича фоизлар тўланиши кирмайди;

□ харажатлар бўйича (барча иқтисодий субъектлар – уй хўжаликлари, фирмалар, давлатлар, хорижий секторнинг харажатлари жамланади);

□ кўшимча қиймат бўйича (охирги маҳсулотни ишлаб чиқаришнинг ҳар бир босқичида кўшилган қиймат жамланади). Бу усул турли фирма ва тармоқларнинг ЯИМ (ЯММ) ишлаб чиқаришга кўшган улушини аниқлашга имкон беради. Кўшимча қийматнинг суммаси охирги товар ва хизматлар қийматига тенг бўлади.

Жорий бозор нархларида ҳисобланган ЯИМ (ЯММ) номинал, доимий нархларда ҳисоблангани эса – реал ЯИМ (ЯММ) деб аталади.

Номинал ЯИМ (ЯММ) бутун маҳсулотнинг жисмоний ҳажми ўсиши эвазига ҳам, нарх даражасининг ўсиши ҳисобидан ҳам кўпайиши мумкин. Реал ЯИМ (ЯММ)га нархлар даражаси таъсир этмайди. Шу боис реал ЯИМ (ЯММ) товар ва хизматлар жисмоний ҳажмининг асосий кўрсаткичи ҳисобланади.

$$\text{Реал ЯИМ (ЯММ)} = \frac{\text{Номинал ЯИМ (ЯММ)}}{\text{Нархлариндекси}}$$

$$\text{Жорий йилнинг нархларининг индекси} = \frac{\text{Жорий йилнинг нархлари}}{\text{Асос қилиб олинган йил нархлари}} \times 100\%$$

Нархлар индекси муайян давр мобайнида кенг доирадаги товарлар нархининг ўртача даражасидаги ўзгаришни ифодалайди.

Номинал ва реал ЯИМ (ЯММ) ўртасидаги ўзаро алоқа қуйидаги формула билан ифодланади:

$$\text{ЯИМ (ЯММ) дефлятори} = \frac{\text{Номинал ЯИМ (ЯММ)}}{\text{Реал ЯИМ (ЯММ)}}$$

ЯИМ (ЯИМ) дефлятори – номинал ва реал ЯИМ (ЯММ) ўртасидаги фарқни ифодалайди, инфляция даражасини аниқлашда фойдаланилади.

Иқтисодий салоҳият ҳажми, тузилиши ва динамикасига таъсир этувчи омиллар ичида қуйидагиларни ажратиш мумкин:

□ иқтисодиёт ресурсларининг ҳажми ва улардан фойдаланиш мумкинлиги;

□ илмий техникавий тараққиёт ривожланишининг мамлакат эришган даражаси, у иқтисодиёт техник базасининг сифати ва унумдорлигини белгилаб беради;

□ мамлакат фундаментал ва амалий тадқиқотлар соҳасида тўплаган салоҳият, мамлакат меҳнат ресурсларининг сифатини ифодаловчи ходимларнинг касбий-малакавий даражаси.

Иқтисодий салоҳият таркибида мазкур омилларнинг комплекс ўзаро таъсири салоҳиятларнинг бутун бошли тизими шаклланишига олиб келади: меҳнат салоҳияти, табиий-ресурсли салоҳият, илмий-техникавий салоҳият, ишлаб чиқариш салоҳияти ва ҳ.к. Уларнинг ҳар бири ўзига хос ривожланиш тамойиллари (тенденциялари) ва қонуниятларига эга.

Иқтисодий салоҳиятнинг энг муҳим элементи – миллий бойлик.

5.5. Миллий бойлик (МБ)

Миллий бойлик – мамлакат иқтисодий қудратининг энг муҳим кўринишларидан бири бўлиб, жамият ўзининг бутун ишлаб чиқариш фаолияти даврида тўплаган истеъмол қийматининг мажмуини (муайян санага) пул кўринишида ифодалайди.

Миллий бойлик жамият моддий ва маданий ривожланишининг асоси, кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришнинг шарт-шароити ва натижаси, халқ ҳаётининг даражаси ва сифатини оширишнинг зарурий шартидир.

Миллий бойлик қуйидаги икки асосий таркибий қисмни қамраб олади:

□ ижтимоий (меҳнат билан яратилган) бойлик;

□ табиий (меҳнат билан ишлаб чиқариб бўлмайдиган) бойлик – ижтимоий ишлаб чиқаришга жалб этилмаган ресурслар (ер, сув, ўрмонлар, фойдали қазилмалар).

Ижтимоий бойлик ҳам муайян аҳамиятга эга.

Миллий бойлик мураккаб иқтисодий тузилишга эга бўлиб, унинг таркибида қуйидаги элементлар ажратилади:

□ асосий фондлар (ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш фондлари);

□ моддий муомала фондлари (хом ашё, асосий ва ёрдамчи материаллар, ёнилғи захиралари, тугалланмаган ишлаб чиқариш қолдиқлари, тайёр маҳсулот захиралари);

□ халқ хўжалигининг товар захиралари;

□ давлат захиралари, жумладан суғурта, мудофаа аҳамиятига эга бўлган, шунингдек, олтин ва хорижий валюта захиралари;

□ аҳолининг уй хўжалигида узоқ вақт фойдаланиладиган нарсалар (индивидуал транспорт воситалари, мебель, маданий-маиший ва хўжаликда ишлатилаётган нарсалар, заргарлик буюмлари, китоб жамғармалари ва бошқалар);

□ иқтисодий муомалага жалб этилган табиий ресурслар (ўзлаштирилган ерлар, ўрмонлар, сувлар, ер ости конларидаги бойликлар ва ҳ.к.).

Кенг маънода, миллий бойликка жамиятнинг илмий, маърифий, малакавий ва маданий салоҳияти киради. Ноашёвий (номоддий) бойлик таркибида миллатнинг соғлиғи даражаси алоҳида ўрин тутди.

Миллий бойлик динамикасига ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги хосдир. Шу боис миллий бойлик муаммоси иқтисодчилар тадқиқотларининг мавзуи бўлгани бежиз эмас. Илк бор миллий бойлик инглиз иқтисодчиси У. Петти томонидан 1664 йилда ҳисоблаб топилган. Миллий бойлик илк бор Францияда 1789 йилда, АҚШда 1805 йилда, Россияда 1864 йилда ҳисобланган.

Муайян мамлакат валютасида ҳисобланган миллий бойлик одатда қандайдир умумий валютада, масалан, АҚШ долларисида қайта ҳисобланади ва мамлакат аҳолисининг жон бошига нисбатан аниқланади. Бу кўрсаткич айрим мамлакатлар иқтисодий кудратларини ва уларнинг моддий фаровонлик даражасини қиёсий таҳлил қилиш учун асос бўлади.

Миллий бойлик таркибини ифодалашда бир қатор иқтисодий категориялардан фойдаланилади. Уларнинг айримларига тўхталамиз:

Номолиявий ишлаб чиқариш активлари – ишлаб чиқариш жараёни натижасида яратилган активлар. Бу активлар қуйидагиларни ўз ичига олади:

□ товар ишлаб чиқарувчи ва хизмат кўрсатувчи тармоқларнинг асосий фондлари;

□ моддий муомала воситаларининг захиралари;

□ қимматликлар (бойликлар).

Асосий фондлар (асосий воситалар, асосий капитал) – бу доимий ишлаб чиқариш капиталининг ишлаб чиқариш жараёнида бутунлай иштирок этувчи, аммо ўз қийматини тайёр маҳсулотга қисм-қисм қилиб моддий ва маънавий эскириш жараёнида ўтказиб борадиган қисми.

Асосий фондларга аванслашган капиталнинг бино, иншоотлар қуриш, машина, ускуналар, асбоблар харид қилишга сарфланган қисми киради. Товар сотилганидан кейин асосий капитал қисм-қисм бўлиб пул шаклида тадбиркорга қайтиб келади.

Асосий фондлар таркибига, шунингдек номоддий ишлаб чиқариш активлари – инсон меҳнати билан яратилган, бирор ахборот ташувчида келтирилган ва барча учун фойдаланиш мумкин бўлмаган ахборот кўринишидаги объектлар. Ушбу активлар қийматига фойдали қазилмаларни излаб топиш, дастурий таъминот ишлаб чиқиш, адабиёт ва санъатнинг оригинал асарларини яратиш кабиларга сарфланган харажатлар киради.

Моддий муомала воситалари – миллий бойликнинг муҳим таркибий қисми, унинг доимий равишда янгиланиб (тикланиб) борадиган элементи. Улар таркибига ишлаб чиқариш захиралари (хом ашё, материаллар, ёнилғи, эҳтиёт қисмлар, ускуналар, хўжалик товарлари, уруғлар, экиш материаллари ва ем-хашак, боқувдаги хайвонлар, ёш чорва моллар ва бошқалар), тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулот ҳамда қайта сотиш учун мўлжалланган товарлар ва моддий захиралар киради.

Қимматликлар (бойликлар) – узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган, вақт ўтиши билан эскирмайдиган, одатда истъёмол учун ёки ишлаб чиқаришда фойдаланилмайдиган ҳамда асосан қийматни замонда сақлаб қолиш воситаси сифатида сотиб олинадиган қимматбаҳо товарлар бўлиб, уларнинг қиймати нархларнинг умумий даражасига нисбатан камаймаслиги керак. Бойликлар қимматбаҳо (нодир) металлар ва тошлар, санъат асарлари кабилардан ташкил топади. Бойликларнинг энг муҳим хусусияти шундаки, вақт ўтиши билан кўплаб объектив ва субъектив омиллар оқибатида бойликларнинг тузилиши ўзгаради.

Молиявий бўлмаган ва ишлаб чиқаришга алоқадор бўлмаган активлар – миллий бойликнинг таркибий қисмларидан бири. Унга иқтисодий салоҳиятнинг нафақат ҳажми ва тузилишини, балки динамикасини ҳам белгиловчи икки таркибий қисм киради:

а) моддий ноишлаб чиқариш активлари;

б) номоддий ноишлаб чиқариш активлари (патентлар, савдо маркалари, ноу-хау ва бошқалар).

Моддий ноишлаб чиқариш активлари – табиий келиб чиққан активлар (табиий активлар – ер, кон ресурслари, бошқа табиий активлар), яъни мулкчилик ҳуқуқи белгиланган ёки белгиланиши мумкин бўлган ишлаб чиқариш жараёнларининг натижалари бўлмаган активлар.

Ушбу активларга табиий активлар кирмайди, айрим мулкчилик ҳуқуқлари белгиланмаган ёки белгиланиши мумкин эмас (масалан, очик денгиз ёки осмондаги макон).

Номоддий ишлаб чиқарилган активлар – булар ўз эгаларига фаолиятнинг муайян турлари билан шуғулланиш ёки муайян турдаги товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатишга алоҳида ҳуқуқ берувчи активлар. Бунда бошқа институционал бирликлар (юридик ва жисмоний шахслар) тегишли активлар эгаларининг махсус рухсатисиз бунга ҳуқуқли бўлмайдилар. Бу активларга патентлаштириш объектлари (лицензия, ноу-хау ва бошқалар), ижара ҳақидаги шартномалар ва фойдаланиш учун бериш ҳуқуқини берувчи бошқа контрактлар, шунингдек сотиб олинган гудвилл (ишбилармонлик алоқалари ва обрўйи қийматининг шартли баҳоси) киради.

Уларни ҳисобга олиш методикаси ҳали охиригача ишлаб чиқарилмаганлиги сабабли бизнинг статистика миллий бойликнинг ушбу қисми бўйича маълумотларга эга эмас.

Молиявий активлар (пассивлар) – улар таркибига қуйидагилар киради:

- монетар олтин ва ўзлаштиришга оид махсус ҳуқуқ (СПЗ);
- валюта ва депозитлар;
- қимматбаҳо қоғозлар (акциялардан ташқари);
- акциялар ҳамда акционерлик капиталида иштирок этишнинг бошқа турлари;
- кредит ва заёмлар (қарзлар);
- суғуртага оид техник захиралар;
- бошқа дебиторлик ва кредиторлик қарзлари;

□ бевосита хорижий инвестициялар (маълумотномага оид).

Молиявий активлар ва пасивлар (мажбуриятлар), агар ташкил қилинган молиявий бозорларда олди-сотди объекти бўлса, жорий қиймати бўйича баҳоланади. Бунда баҳога хизматлар кўрсатганлик учун тўловлар, йиғимлар, комисион тўловлар ҳамда битимлар тузиш чоғида хизмат кўрсатиш учун тўланадиган бошқа ўхшаш тўловлар киритилмайди.

Таянч тушунчалар:

Мулк, давлат мулки, жамоа мулки, хусусий мулк, аралаш мулк, мулкчиликнинг объекти, субъекти, мулккий демократия, мулккий плюрализм, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддаси.

Савол ва топшириқлар:

1. Нима учун жамиятнинг иқтисодий асосини мулкчиликнинг турли шакллари ташкил этади?
2. Мулкчиликнинг турли шаклларига ўтишнинг зарурлиги нималарда кўринади?
3. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида турли мулк шакллари тенг ҳуқуқлилигининг эътирофини изоҳланг.
4. Бозор тизими хилма-хил мулкчиликка асосланади, аммо хусусий мулкчилик устуворлигининг сабабини тушунтиринг.
5. Мулккий муносабат қандай манфаатларни юзага келтиради?
6. Инсон манфаати ва мулкдор манфаатининг фарқи қандай?
7. Ҳозирги босқичда хусусийлаштириш оммавий тус олганининг сабабларини тушунтириб беринг.
8. Мулкни сақлашнинг қандай усуллари қулай?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Мулкчилик – кишилар ўртасида ишлаб чиқариш воситалари ва меҳнат маҳсулини ўзлаштириш юзасидан пайдо бўлган ва тарихан аниқ бир шаклда намоён бўлувчи иқтисодий муносабатлар.

Мулкнинг институционал тизими – мулкнинг барча таркибий даражаларида амал қиладиган ва такрор ишлаб чиқариладиган институтларнинг ўзаро боғлиқ бирлиги.

Мулк ҳуқуқининг спецификацияси – айрим «ваколатлар»нинг ушбу «ваколатлар»нинг уларни юқори баҳолайдиган ва улардан

фойдаланиш орқали кўпроқ фойда ола биладиган хўжалик юритувчи субъектлар сотиб олишлари учун қулай шароит яратиш мақсадида бир ёки бир неча иқтисодий субъектларга бириктирилиши.

Мулкнинг демократик (фуқаролик) тизими – мулкнинг барча шакл ва турлари хилма-хиллиги ва тенглиги тизими.

Ўзлаштиришнинг капиталга йўналтирилган усули – ашё ва пул капиталидан шахсий манфаатлар йўлида фойдаланиш оқибатида фоиздаги даромадларни ўзлаштириш.

Мулкни тадқиқ этишнинг илмий парадигмаси – тегишли асосий тадқиқот принциплари ва методлари тизими.

Мулкнинг биринчи таркибий даражаси – неъматларни том маънодаги мулкнинг табиий асоси бўлган ижодий меҳнат билан ўзлаштириш.

Мулкнинг иккинчи таркибий даражаси – хўжалик юритувчи агентлар ўртасида неъматларни ўзлаштириш субъектни аниқлаш борасида юзага келадиган рақобатли муносабатлар тизимини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий муносабатлар.

Мулкнинг учинчи таркибий даражаси – ўзлаштириш соҳасидаги ижтимоий муносабатлар шакли бўлиб, тегишли расмий, аввало юридик нормалар ва норасмий чекловларнинг ўзаро боғлиқ бирлигида намоён бўлади.

Ўзлаштирувчи фаолият – хўжалик субъектларини ўзлаштиришнинг турли шакл ва усуллари доирасида неъматларга эгалик қилиш борасидаги фаолияти.

Ўзлаштириш – у ёки бу неъматни ўзлаштиришнинг муайян шакли доирасида уни ўзлаштиришнинг муайян усули.

Рентага йўналтирилган хатти-ҳаракат – иқтисодий агентларнинг рента даромадлари олиш борасидаги мақсадли фаолияти.

Ўзлаштиришнинг рентага йўналтирилган усули – турли шакллардаги (табиий, монопол, маъмурий) рента даромадларини ўзлаштириш.

Мулк – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида неъматларни ўзлаштириш борасида юзага келадиган ижтимоий муносабат шакли ёки институционаллашган рақобатли муносабатлар.

Ўзлаштиришнинг ижтимоийлашган усули – давлатнинг жамият аъзоларини муайян неъматлар билан таъминлаш борасидаги қайта тақсимлаш фаолияти натижасида юзага келадиган даромадларини ўзлаштириш.

Мулкнинг иқтисодий шакли – неъматни яратишнинг ижодий меҳнат жараёнини бевосита ташкил қилиш ва бошқариш шакли.

Мулкнинг эндоген (ички) тизими – унинг учта таркибий даражасининг ўзаро боғлиқ ва ривожланувчи бирлиги.

Ички (эндоген) ишлаб чиқариш – шахснинг ўз инсоний капиталини яратиш борасидаги ижодий меҳнат фаолияти; шахснинг уни ривожлантиришга йўналтирилган инвестицияларни «ўзлаштириш борасидаги» фаолияти.

Мулк муаммосига такрор ишлаб чиқариш нуқтаи назаридан ёндашиш – ижодий меҳнат усули билан ўзлаштирилган маҳсулотнинг яратилиш босқичидан тортиб ушбу неъматнинг табиий мулкдори муайян даромад олгунича давом этадиган ҳаракатини тадқиқ этиш.

Фуқаровий ёки цивилитар мулк – фуқаролик жамияти, ҳуқуқий давлат ва эркин бозорнинг асосини ташкил қилувчи шахсий, хусусий ва ижтимоий мулклар тизими.

Мулкнинг ривожланиши қонуни – юзага келган мулк шакли эртами-кечми модификацияланишини белгиловчи зарурат.

Мулкнинг шаклланиши ва ривожланиши қонуни – айни вақтнинг ўзида мулкнинг табиий равишда юзага келган шакл ва турларининг «расмийлашуви»ни, шунингдек уларнинг объектив равишда ўзгариши ва модификациясини ифодаловчи ички алоқаларни акс эттирувчи қонун. Мулкнинг шаклланиши ва ривожланиши қонунининг моҳияти муайян неъматларни ўзлаштириш соҳасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакллари улар яратувчи ўзлаштирилишининг мавжуд табиий-ҳуқуқий шакл ва усулларига мувофиқлигининг объектив зарурлигидадир.

Мулкнинг шаклланиш қонуни – неъматни яратишнинг ҳар қандай ижодий меҳнат жараёни эртами-кечми муносабатларнинг муайян ижтимоий шакли билан яқунланадиган зарурат.

Интеллектуал мулк – фаолиятнинг барча даража ва соҳаларидаги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида интеллектуал бойликларнинг ўзлаштирилиши ва кейинчалик мансублигини таъминлаш борасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Шахсий мулк – шахс ҳамда хўжалик муносабатларининг бошқа субъектлари ўртасида шахсий неъматларни ўзлаштириш борасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Жамоат мулки – давлат сиймосида намоён бўладиган жамият ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида инсоннинг жамият аъзоси сифатида ижтимоий неъматларни ўзлаштириши борасида юзага келадиган муносабатларнинг институционаллашган тизими.

Номинал мулкдорлар синфи – жамиятнинг инсон, ашёларга ва табиий капиталга бўлган мулкдорлик юридик ҳуқуқига эга бўлган, айни вақтда иқтисодий ҳокимиятга эга бўлмаган ижтимоий гуруҳлари.

Реал мулкдорлар синфи – расмий институтлар ишлаб чиқариш ҳамда шу билан ишлаб чиқариладиган маҳсулотни тақсимлаш ва қайта

тақсимлашда фаол иштирок этиш имкониятига эга бўлган ижтимоий гуруҳлар.

Фандорлик – маҳсулот бирлигига тўғри келадиган фанга харажатлар катталиги; капитал самараси – муайян вақт мобайнида яратувчи капиталнинг қўшимча бирликларидан фойдаланиш натижасида олинган маҳсулот; материаллар ҳажми – маҳсулот бирлигини тайёрлаш учун зарур бўлган барча турдаги материаллар сарфи.

Инсон капиталининг ҳақиқий мулкдори – яратиладиган, жумладан муайян шахс томонидан яратиладиган барча ҳаётини неъматлар мажмуини тақсимлаш ва қайта тақсимлаш чоғида юзага келадиган манфаатларни келишишга амалда таъсир эта оладиган шахс.

Инсон капиталига бўлган мулкчилик тизими – мазкур капиталнинг субъект-объект тузилишининг барча элементлари, шунингдек унинг иқтисодий амалга ошуви ва ривожланишини белгиловчи шарт-шароитлар ва омилларнинг ўзаро боғлиқ ва ривожланиб боровчи бирлиги.

Инсон капиталига бўлган мулк – шахс билан бошқа хўжалик юритувчи агентлар ўртасида мазкур шахснинг долзарбланиш билан, кўникмалар, ўқув ва қобилиятларни ўзлаштириш ва кейинчалик уларнинг мансублиги борасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Инсон капиталига бўлган мулкнинг ижтимоий шакли – бир томондан, шахснинг у ёки бу ижтимоий уюшмада ихтиёрий иштироки билан шахсий тусга эга бўладиган мулк шакли; бошқа томондан, бу шахсийлашув муайян ижтимоий уюшманинг ушбу шахс ва ўхшаш иқтисодий манфаатларга эга бўлган бошқа шахслар манфаатларини ифодалашга тайёрлиги ва қодирлигида моддийлашади.

Мулкнинг юридик ҳуқуқи спецификацияси – мазкур ҳуқуқнинг тегишли юридик ваколатларга (эгаллик, фойдаланиш, тасарруф этиш, жавобгарлик кабиларга) бўлиниши.

Хусусий мулк – хусусий неъматларни ўзлаштириш борасида хўжалик муносабатлари субъектлари ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Мулкнинг экзоген (ташқи) тизими – ҳозирги замон иқтисодиётида мулкнинг барча шакллари ва турларининг ўзаро боғлиқ ва ривожланиб бораётган бирлиги.

Инсон капиталига бўлган мулкнинг иқтисодий шакли – мулкнинг табиий тарзда шахсий тус оладиган шакли: инсон капиталининг иқтисодий мулкдори адолатли равишда ушбу неъматни амалда ички ишлаб чиқариш жараёнида яратадиган шахсдир.

Ўрта синф – жамиятнинг ўз тасарруфидаги мулк объектлари асосида кенгайтирилган индивидуал такрор ишлаб чиқаришни амалга оширадиган қисми.

Протоўрта синф – жамиятнинг ўрта синфига яқинлашадиган, унинг таркибига киришга уринадиган, аммо ҳозирча ташқаридан, аввало давлат

томонидан бўладиган ёрдамсиз индивидуал кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни амалга ошира олмайдиган ижтимоий қатлами.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Мустақиллик йиллари мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилди.

2. Амалга оширилаётган демократик ислохотларнинг барча босқичларида энг муҳим долзарб вазифа сифатида мулкий муносабатларни тубдан ўзгартиришга эътибор қаратилди. Унинг туб моҳияти – мулкни ҳақиқий эгалари қўлига беришни тезлаштириш, кичик бизнес ва тадбиркорлик учун кенг имкониятлар бериш ва мулкдорда янги мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат бўлди.

3. Конституциявий тарзда бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма- хил шаклдаги, тенг ҳуқуқли, дахлсиз, давлат ҳимоясидаги мулк ташкил этиши ва бунда устуворлик хусусий мулкка берилиши қайд этилди. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётининг бутун дунёда қабул қилинган тамойилларга ўтиш, ва стратегик тараққиётимизнинг энг муҳим устувор йўналиши сифатида хусусий мулкнинг дахлсизлигини мустаҳкамлашга юксак эътибор қаратилди.

4. Миллий қонунчилигимизда хусусий мулк ва мулкдорларнинг ҳимоя қилиш кафолатларини белгилловчи бир қатор ҳуқуқий ҳужжатлар амал қилмоқдаки, уларга кўра, хусусий мулк ҳуқуқи шахснинг қонун ҳужжатларига мувофиқ қўлга киритган мол-мулкка эгаллик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш ҳуқуқидир.

5. Хулоса ўрнида қайд этиш керакки, мулкдорларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларда ҳуқуқларининг устуворлиги принциплари амал қилади. Унга мувофиқ, қонун ҳужжатларидаги хусусий мулк ҳуқуқини амалга ошириш билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган, бартараф этиб бўлмайдиган барча зиддиятлар ва ноаниқликлар мулкдорнинг фойдасига ҳал этилади.

6. Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг тез ва жадал ривожланишини таъминлаш, шу асосида бугунги кунда жамиятнинг энг муҳим ва ҳал қилувчи қатлами, ижтимоий сиёсий барқарорлик ҳамда хавфсизлик кафолати, мамлакатни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш, шунингдек, ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлайдиган ўрта синф – яъни мулкдорлар синфини шакллантириш деб қаралмоқда. Ўтказилган сўровлардан маълум бўлишича, 2013 йил 1 январигача мамлакатимиз аҳолисининг 50 фоизига яқини ўзини ўрта синфга мансуб деб билади, 2000 йилда бу кўрсаткич атиги 24 фоизни

ташкил этган.

5- МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ

1. Бозор иқтисодиёти ва унинг туб белгилари

Ҳозирги замон иқтисодиёти бозор иқтисодиётидир. Бу иқтисодиёт Ер юзидаги кўпгина мамлакатларда ҳар хил даражада ва ўзига хос хусусиятлар билан ривожланиб бормоқда. Унинг моҳиятли белгиларини энг ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида кўриш мумкин.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Президентдан то оддий фуқарога, ёши ва вазифасидан қатъи назар – ҳаммани бугунги замон талабларига, бозор иқтисодиёти қонун-қоидаларига ўргатиш, малакасини ошириш керак»лигини мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ биринчи галдаги вазифа сифатида белгилаган.

Бозор асосида товар-пул муносабатлари ётади. Товар-пул муносабатлари товар ишлаб чиқариш, товарларни айирбошлаш ва пул муомаласига хос муносабатларнинг яхлитлигидир. Товар ишлаб чиқаришга оид муносабатлар товарни яратишда моддий ва жонли меҳнат сарф этилиши, бу сарф-харажатлар жамият учун зарурий даражада бўлиши, товарнинг сифати ва нархининг мувофиқлиги. таъминланиши, индивидуал меҳнат сарфлари зарурий сарфга келтирилиши, товарлар қиймати меҳнат унумдорлигига тескари пропорционал тарзда ўзгариши каби алоқаларни билдиради. Товар ишлаб чиқарувчилар мустақил равишда, бозорга қараб товарларни яратадилар, бозор талаби қондирилганда даромад топадилар. Яратилган товарларни айирбошлаш соҳасидаги муносабатлар сотувчи ва харидор ўртасидаги эркин олди-сотди муносабатларидир. Турли товар ишлаб чиқарувчилар бозорда айна бир вақтда ҳам сотувчи, ҳам харидор вазифасини ўташади. Бозор алоқалари керакли товарлар зарурий миқдорда ва келишилган нархда айирбошланишини билдиради. Товарлар бевосита эмас, балки пул воситасида айирбошланади. Пул муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради, унинг нуфузи юқори бўлади. Товар-пул муносабатлари умуминсоний ходиса, улар турли тизимларга хос, уларни бир-бирига боғлаб туради. Аммо бу муносабатлар юксак даражада ривож топганда бозор

иқтисодиётига айланиши назариётчилар томонидан тан олинган.


Иқтисодиётнинг нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш зарур, деган азалий муаммоси бозорда аниқланади. Шу сабабли бозор тизими қонун-қоидаларини ўрганишни бозордан бошлаймиз ва энг аввал бозорнинг ўзи нималигини аниқлаймиз, сўнгра унинг турларини кўриб чиқамиз.

Ишлаб чиқаришда яратилган турли-туман маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларга тўғридан-тўғри эмас, балки бозор орқали етиб боради. Бозор ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди, чунки ҳеч бир нарса текинга берилмайди, уни бозорда пулга сотиб олиш талаб қилинади.

Бозор – бу харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир.

Бозорга товар эгаси уни сотиш учун, харидор эса уни олиш учун чиқади. Сотувчилар – бу товар ишлаб чиқарувчи фирмалар, фермер хўжаликлари, якка тарзда ишлаб чиқарувчи кишилардир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар, яъни хонадонлар, ресурсларни олиб ишлатувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилар бўлади. Агар аҳоли бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олса, фирмалар ва якка тартибда ишловчилар асбоб-ускуна, машиналар, ёқилғи, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиб оладилар. Бозорда товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади. Бир товар пулга айирбошланса, шу пулга қайтадан бошқа товар сотиб олинади. Товар пулга айирбошланганда (Т-П бўлганда) сотиш операцияси, пул товарга айирбошланганда (П-Т) харид этиш операцияси юз беради.

Демак, бозор муносабатларида ҳам товарлар, ҳам пул ишлатилади (1-расм). Шунинг учун буни товар-пул муносабати деб айтилади.



1-расм. Товар айирбошлаш.

Ишлаб чиқаришда яратилган маҳсулот ва хизматлар бозорда товар шаклига киради. Шунинг учун ҳам товар деганда, бозорда сотиш учун чиқарилган нарсалар тушунилади.

Ҳамманинг иши бозорда битади, чунки у ердан пулга барча керакли истеъмол буюмлари ва ресурсларни топса бўлади. «Ҳамма нарсанинг отаси ҳам бозор, онаси ҳам бозор» деган гапнинг маъноси мана шунда. Ҳамма ишнинг бозорда битиши унинг афзаллиги бор дегани. Хўш, бу афзаллик нимада? Бу бозор алоқаларининг иқтисодий жиҳатдан қулай бўлишида, албатта. Гап шундаки, ҳамма нарсани ўзи ишлаб чиқаргандан кўра, бир хил маҳсулотни чиқариб, бошқасини сотиб олиш нафли бўлади. Товар яратувчининг меҳнати ихтисослашган бўлади, яъни ишлаб чиқарувчилар фақат у ёки бу товарни ишлаб чиқариш билан машғул бўладилар, натижада касбларнинг тури кўпайиб боради. Масалан, XXI асрга келиб ер юзида 20 мингдан зиёд касблар пайдо бўлдики, улар билан машғул кишилар 60 триллион доллардан зиёд (2010 й.) маҳсулот ва хизматларни яратдилар, булар ғоят хилма-хил товарлар бўлиб, уларни ишлаб чиқарувчилар бозор орқали бир-бирига етказиб берадилар.

Ҳозирги дунёда, айниқса, Ғарб мамлакатларида иқтисодиёт ҳақида гап кетганда, фақат бозор иқтисодиёти англанади. *Ҳозирги замон назарияларида бозор иқтисодиёти деганда иқтисодий хатти-ҳаракатларнинг эркин, мустақил равишда юз бериши ва уларнинг бозор механизми орқали бир-бирига боғланиб мувофиқлашуви тушунилади.* Бозор иқтисодиёти ғоят кўп қиррали ва мураккаб иқтисодиётдир. Унинг моҳиятини англаш учун унга хос туб белгиларни яхлитликда олиб қараш керак. Бу белгилар шаклланиб улгурган, аралаш иқтисодиётга айланган бозор иқтисоди шароитида вужудга келади, ҳозирги энг ривожланган мамлакатларда аниқ кўринади.

Бозор иқтисодиёти эркин товар-пул муносабатларига асосланган, иқтисодий монополизмни инкор этувчи, ижтимоий мўлжалга, аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш йўналишига эга бўлган ва бошқарилиб (тартибланиб) турувчи иқтисодиётдир. Ўзига хос мулкый муносабатлари, ижтимоий йўналишлари ва тартибланиб туриш усуллари жиҳатидан бу тизим капиталистик иқтисодиётдан ва тарихда мавжуд бўлган социалистик иқтисодиётдан фарқ қилади.

Бозор иқтисодиётининг қуйидаги субъектлари мавжуд:

□ иқтисодий мустақил мулк эгаси ёхуд истеъмолчи бўлган айрим кишилар ёки гуруҳлар. Буларга одатда ёлланиб ишловчилар, ер эгалари, капитал соҳиблари, ишлаб чиқариш воситаси эгалари киради. Улар тадбиркорлик қилмай, ўз мулкидан даромад топади ёки ёлланиб ишлайди;

□ фирма, корхона, хўжаликлар, уларда банд бўлган тадбиркорлар. Улар фойда олиш йўлида мустақил иш юритадилар, ишлаб чиқариш омилларини ишга соладилар;

□ давлат, аниқроғи, давлатнинг барча маҳкама-идора ташкилотлари. Улар ҳам ишлаб чиқариш, ҳам истеъмол билан шуғулланадилар, бозор ва унда қатнашувчилар фаолияти устидан назорат қиладилар.

Бозор иқтисодиёти иштирокчилари ўзаро алоқага киришадилар. Иш кучи, ер, капитал ва бошқа восита эгалари уларни корхона, фирмаларга сотади. Улар ўз навбатида ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланиб, товар ва хизматлар яратадилар, уларни таклиф этадилар.

Бозор иқтисодиётининг энг муҳим белгиси – *иқтисодий плюрализм* ҳисобланади, яъни мулк шакллари ва хўжалик юритиш усулларининг турли-туман бўлишидир. Турли шакллардаги мулклар эркин, ёнма-ён, ҳеч бир чегараланмаган ҳолда ривожланади. Турли мулклар мувозанатда бўлиб, айрим мулк шаклининг ҳукмронлигига йўл берилмайди. Хўжалик юритиш усуллари ҳам ҳар хил бўлади. Якка тартибда, жамоа-уюшмага бириккан ҳолда, шерикчилик-пайчилик ёхуд акционерлик асосида, ўз маблағига ёки қарзга олинган маблағга таяниб хўжалик юритиш, ер ва бошқа воситаларни ижарага олиш ва ишлатиш кабилар биргаликда боради. Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ташкил этади. Шу боис ҳам, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида: «Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди. Хусусий мулк бошқа мулк шакллари каби дахлсиз ва давлат химоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкидан маҳрум этилиши мумкин», – дейилган.

Бозор иқтисодиёти *эркин иқтисодиёт*. Иқтисодий фаолият эркинлигининг асоси ишлаб чиқариш омиллари ёки яратилган товарларнинг мулк объекти бўлиши, мулкдорларнинг эса мустақилликка эга бўлишидир. Ишлаб чиқарувчи ёки истеъмолчи ўз товарини ёки пулини ўзи билганича ишлатади, бунга у ҳақли. Ҳар бир корхона,

ташкилот, кичик бизнес билан шуғулланувчилар, фермерлар, айрим фуқаролар ўз ихтиёрига кўра, ўзига маъқул бўлган иш билан шуғулланади. Хўжалик юритувчилар фаолияти бир-биридан алоҳида бўлади, чунки улар, *биринчидан*, мулк эгалари, *иккинчидан*, меҳнат тақсимооти асосида ихтисослашиб, ҳар хил иш билан шуғулланадилар. Бозор иқтисодиётини ташкил этувчи тадбиркорлар кўпчиликдан иборат бўлиб, тарқоқ ҳолда фойда-зарарни ўз зиммасига олиб иш юритадилар. Аммо уларнинг фаолияти қанчалик тарқоқ бўлмасин, барибир бозор орқали бир-бирига боғланади. Бозор иқтисодиёти эркин бўлганидан, у ҳар қандай иқтисодий монополизмни инкор этади.

Иқтисодий монополизм – корхона, ташкилот ёхуд давлатнинг умуман иқтисодиётда ёки унинг бирор соҳасида танҳо ҳукмронлик қилиши. Иқтисодиётдаги монополизм ишлаб чиқаришнинг ўзида, савдо-сотиқда, кредит-банк тизимида ёки истеъмол доирасида мавжуд бўлади. Иқтисодиётдаги монополизмнинг таянчи муайян мулк шаклининг танҳо ҳукмронлигидир. Бундай мавқе эса сиёсий ҳокимият ва ғоявий соҳадаги монополизмни юзага чиқаради. Иқтисодий тараққиётга йўл очиш учун иқтисодиётдаги монополизмни тугатиш зарур, чунки монополия ўз табиатига кўра ишлаб чиқаришда турғунлик пайдо қилади, ҳукмрон мавқега таяниб, сарфларни камайтирмай, фойда кўриши мумкин, рақобатнинг йўқлиги ёки заифлигидан фойдаланиб, бозорда ўз измини ўтказиши мумкин. Монополия турғунликни юзага чиқаради, ташаббусни чегаралайди. Шу сабабли бозор иқтисодиёти у билан чиқиша олмайди. Мана шу жиҳатдан бозор иқтисодиёти антимонопол йўналишга эга. Шу боис, давлат рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда муҳим рол ўйнайди. Ўзбекистонда давлат томонидан иқтисодий монополизмни чеклаш, умуман антимонопол йўл тутишга мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътибор қаратилди. Чунки бусиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Шунинг назарда тутиб, Ўзбекистонда «Монополистик фаолиятни чеклаш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Бу қонунга кўра:

- бозорда сунъий тақчиллик ҳосил этиш;
- нархларни монополлаштириш;
- рақобатларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш;
- рақобатнинг ғирром усуллари кўллаш ман этилади.

Бироқ мазкур қонун молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини ўз ичига олмаган. Бу эса ўз

навбатида, мазкур соҳада рақобатга қарши ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан пораларни амалга оширишга имон бермоқда. 2012 йил 6 январда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонунида товар ва молия бозорларида рақобат соҳадаги муносабатларни тартибга солади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўзаро муносабатлар манфаатларни кўзлаган ҳолда ўрнатилади. Иш юзасидан бўлган муносабатлар (шериклик) эркин шаклланади. Турли ишлаб чиқарувчилар бир-бири билан манфаатли алоқа ўрнатадилар. Бозорда эса харидор билан сотувчи бир-бирини эркин танлайди. Бозор иқтисодиётида товар тақчиллиги бўлмайди, шу сабабдан бозорда ишлаб чиқарувчи эмас, балки истемолчи (харидор) ўз измини ўтказди, товар ва хизматларни сифатига ва нархига қараб танлаб олиш имконига эга бўлади. 2008 йилнинг августида бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози талабнинг пасайишига олиб келди. Дунё мамлакатларида талабни ошириш борасида чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Ўзбекистонда ишлаб чиқилган инқирозга қарши дастурлар мамлакатнинг иқтисодий, ижтимоий, молиявий хавфсизлигини таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бозор иқтисодиётининг яна бир белгиси – *нархларнинг либераллашуви*, яъни нарх-навонинг эркин ташкил топишидир. Товарлар нархини давлат юқоридан белгиламайди, нарх айрим ишлаб чиқарувчи ёки истемолчи тазйиқи остида шаклланмайди. Нарх бозордаги талаб ва таклифга қараб, харидор билан сотувчининг савдолашувига биноан юзага келади. Бозор муносабатига келишилган нархлар хизмат қилади. Нарх пул билан ўлчанади. Бозор иқтисодиёти пулсиз бўлиши мумкин эмас. Пул иқтисодий муносабатларнинг асосий воситаси, иқтисодиётда ўта муҳим роль ўйнайди. Пул муносабатлари бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми ҳисобланади. Пул обороти, пул эмиссияси, қадр-қиймати, инфляция, валюта курси каби ҳодисалар иқтисодий вазиятнинг кўзгуси ҳисобланади.

Бозор иқтисодиётида, унинг иқтисодий механизмида *рақобат* асосий ўрин тутди. Рақобат иқтисодий муносабатлар иштирокчиларининг хусусий, ўзгаларниқидан алоҳидалашган манфаатини билдиради, лекин бу манфаат йўлида кураш қоидаларига риоя қилиш шарт ҳисобланади. Манфаатларни юзага чиқаришнинг бирдан-бир йўли талабгир, яъни жамият учун зарур товарларни ишлаб чиқаришдир. Рақобат моддий ва меҳнат ресурсларини кам сарфлаган

ҳолда уларни самарали ишлатиш кўплаб ва сифатли товарлар ишлаб чиқаришга ундайди. Шу жиҳатдан рақобат бозор иқтисодиётини ҳаракатга солувчи воситадир. Рақобат иқтисодиётни тартибловчи ва назорат қилувчи куч ҳисобланади. Рақобатлашувчи кучлар мувозанатда бўлиб, улардан биронтаси ҳам монопол мавқега эга бўлмайди. Эркин рақобат чекланмаган иқтисодий эркинликни, хоҳлаган усулда курашни, ҳатто монополия ҳосил этган ҳолда ўз билганича иш юритишни билдирмайди, чунки рақобатни давлат тартиблаб туради. Тартибланмаган рақобат иқтисодий эркинликка кафолат бера олмайди, иқтисодиётни монополлаштиришга интилишни жиловлаб тура олмайди, чунки у ўзбилармонлик бўлади. Шаклланган бозор иқтисодиётида антимонопол кучлар юзага келиб, улар холис рақобатга йўл берган ҳолда монополлаштириш йўлини тўсади. Бозор иқтисодиётининг ҳамма субъектлари учун бир хил имконият яратилади, лекин улардан фойдалана олиш ишбилармонликка боғлиқ бўлади. Иқтисодий шароит шундай бўладики, ҳар бир субъект учун рақобат қилиш шарти бу ижтимоий фойдали фаолият билан шуғулланиш бўлади. Субъектлар бозорга чиққан эҳтиёж қондирилганда, зарар кўрмасликни фойда олиб ишлаганда, бошқаларга тобе бўлмасликни билган ҳолда рақобатга кириша оладилар. Ижтимоий фойдали иш билан шуғулланиш рақобатга енгилмаслик шарти ҳисобланади.

Замонавий бозор иқтисодиётида, *биринчидан, манфаатлар тўқнашиб рақобат юз берса, иккинчидан, субъектлар ўз фаолиятини, бинобарин, манфаатларини ҳам мувофиқлаштиришга интиладилар.* Акс ҳолда, уларнинг иши юришмайди. Субъектларнинг ажралиши ва яқинлашиб ўз хатти-ҳаракатларини мослаштириши бу иқтисодиётнинг икки зиддий томонидир. Рақобат иқтисодий субъектларнинг ажралиши бўлса, интеграция уларни бирлаштиради. Интеграциянинг зарурлиги ҳам доим рақобат қилавермай, мурасага келиш, шу йўсинда манфаатларни мослаштиришни талаб қилади. Гап шундаки, ишлаб чиқаришдаги ўзаро боғлиқлик кучайиши билан интеграциялашмай туриб яхши фойда кўриш қийинлашади. Мана шу ўзаро боғлиқлик айрим иқтисодий субъектларга монопол мавқе бермайди. Бинобарин, интеграция ва эркин рақобат монополлашувга йўл қўймайди. Замонавий бозор иқтисодиётида субъектларнинг ўзаро алоқалари тасодифий эмас, балки улар мунтазам бўлиб, барқарорлиги билан ажралиб туради. Бу алоқалар негизида ётган

нарса ишлаб чиқаришнинг чуқур ихтисослашуви, корхоналар ва тармоқларнинг бир-бирига интеграция орқали боғланиб қолишидир. Шу туфайли мижозлар ўртасида тижорат алоқалари бозорда бир марта юз берадиган олди-сотди билан тугалланмай узоқ давом этади. Бу алоқаларни юзага чиқарувчи муҳим омил иқтисодий субъектлар ўртасидаги ишонч ҳисобланади, бу ҳалол рақобат шароитидагина бўлиши мумкин. Бозор иқтисодиётида **рақобатга хос бўлмаган муносабатлар ҳам келиб чиқади**. Масалан, маркетинг (ишлаб чиқаришни бозор билан боғлаш) орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади. Бунда сотувчи билан харидор рақобати ўрнига ўзаро маъқул алоқа ўрнатилади. Харидорга керакли товар етказиб берилади, нарх эса сотувчи учун қулай бўлади. Бу ерда **манфаатларнинг уйғунлашуви** юзага чиқади. Ишчиларнинг ўзаро иш ўрни, хўжайинларни ишчилар билан ишга ёллашни қулайлиги учун кураши ўрнига иш топиб бериш, яхши иш билан таъминлаш муносабати пайдо бўлади. Масалан, фирма ишчига янги касбни олишга моддий кўмаклашади, токи у ишсиз қолганда, янги ишга жойлаша олсин. Давлат иқтисодий субъектлар муносабатига аралашиб, уни тартиблайди. У қонун йўли билан монополияни чеклайди, рақобатнинг ҳалол боришини таъминлайдиган қоидаларни жорий этади. Индивидуал мулк соҳиблари ҳадеб курашавермай, акционер жамиятга (шерикчилик ширкатига) бирлашадиларки, натижада уларнинг манфаати умумий бўлиб қолади. Бозор иқтисодининг субъекти бўлган ишчилар ҳам акция сотиб олиб, мулкнинг шериги-эгасига айланадилар. Фойда кўриш борасида уларнинг манфаати капитал эгалари манфаати билан яқинлашади. Демак, бозор иқтисодиётида рақобатдан бошқача, ҳамкорлик муносабатлари ҳам мавжуд. Бозор иқтисодиёти ўзининг регуляторларига эга. **Бозор регуляторлари** – бозордаги ўзгаришни ишлаб чиқаришга етказиб, унинг бозорга мослашувини таъминловчи воситалардир. Албатта, улар маъмурий эмас, балки иқтисодийдир. Улардан энг муҳими бозор нархидир. Нарх ошиб, товарлар жадал сотилса, фойда кўпаяди, улар кўпроқ ишлаб чиқарилади. Товарлар нархи пасайиб, улар яхши ўтмаса, ишлаб чиқаришни қисқартириш ёки ундан тамомила воз кечиш керак бўлади.

Бозор муносабатларининг ҳар бир субъекти, бу корхонами, давлатми, айрим кишими – бунинг аҳамияти йўқ, ўз манфаатини кўзлаб фаолият кўрсатади. Аммо, кўр-кўрона хоҳлаган ишини қила

олмайди. У бозор билан ҳисоблашишга мажбур, акс ҳолда иши юришмайди, даромад топмайди, хонавайрон бўлади. Ишлаб чиқарувчига ҳам, истеъмолчига ҳам нима қилиш кераклигини бозордаги нарх кўрсатади. Ҳозирги бозор иқтисодиёти ижтимоий йўналишга эга, лекин бу унинг ўз табиатидан келиб чиқмайди, балки унинг аралаш иқтисодиёт тарзида ривожланиши натижасидир. Хилма-хил мулкчилик, меҳнаткашларнинг мулк эгасига айланиши, ишлаб чиқаришнинг тўкинчилиги таъминлай олиши каби янги ҳодисалар аралаш иқтисодиётга хоски, улар ижтимоий кафолатларни юзага чиқаради. Бозор иқтисодиётининг ўзига хос ижтимоий адолат қоидалари бор. Иқтисодиётдаги ресурслар миқдори, уларнинг самарасига қараб ишлаб чиқилган товарлар ва хизматларни тақсимлаш ва шунга мос равишда даромадга эга бўлиб, юқори фаровонлик даражасига чиқиш адолат ҳисобланади. Аммо, адолат принципи ҳаммани бир қилиш эмас, балки жамиятнинг табақалашувини билдиради. Иқтисодий субъектлар меҳнатига, ишбилармонлигига ва мулкига қараб бир-биридан фарқланади, шу сабабли уларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги маъқеи бир хил бўлмайди. Табақаланиш, бойларга ҳавас қилиб, шундай бўлишга интилишни ҳосил қилади, бу эса яхши ишлашга ундайди. Бозор иқтисодиёти шундай иқтисодий муносабатларки, улар ишлаб чиқариш фаолиятини рағбатлантирувчи кучни юзага чиқаради. Бозор регуляторлари моддий, меҳнат ва молия ресурсларини керакли товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш томон буради. У беҳуда меҳнат сарфини ҳеч қачон тан олмайди, аксинча, унга йўл қўйганларни иқтисодий жиҳатдан жазолайди, яъни улар зарар кўради.

Бозор иқтисодиёти мослашувчан иқтисодий тизимдир. У шароит ўзгаришларига дарҳол жавоб беради, нима етишмаса, шуни дарҳол ишлаб чиқаришни таъминлайди. Унинг муҳим белгиларидан яна бири новацияга мойилликдир. У фан-техника янгиликларини дарҳол қабул қилади, янги товарларни, янги технологияни ва ишлаб чиқаришни бошқариш усуллари жорий этишни таъминлайди, чунки бу рақобатда ютқазмаслик, яхши фойда кўриш, обрў-эътибор орттириш шарт бўлиб хизмат қилади. Бозор иқтисодиёти товарлар ва хизматлар тўкинчилигини юзага келтиради, кўпчилик товарлардан энг яхшисини танлаб олган ҳолда, эҳтиёжни қондириш имконини беради.

Аммо бозор иқтисодиётини ҳамма даражада даво деб, уни ҳаддан ташқари олқишлаш унга ҳолисона баҳо беришдан йироқ. Унинг ўзига хос муаммолари, нобоп, заиф томонлари ҳам йўқ эмас, албатта. Бозор иқтисодиёти миллионлардан иборат ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчиларнинг фаолияти бўлганидан, унга тарқоқлик ва худбинлик (эгоизм) ҳам хос. У ўз-ўзидан давлат ва жамоатчилик иштирокисиз табиатни муҳофаза этиш, экологик мувозанатни таъминлашни юзага чиқармайди. Жамият учун зарур бўлган, лекин харажатлар қайтими секин бўладиган, катта маблағ талаб қиладиган иншоотлар ва биноларнинг қурилишини рағбатлантирмайди. Дарҳол фойда келтирмайдиган, лекин илм-маърифат келажаги учун муҳим бўлган назарий изланишларни ҳам рағбатлантирмайди. Бозор иқтисодиёти ҳам сакраб-сакраб цикли равишда ривожланади, иқтисодий юксалишлар билан бирга инқироз ва танглик ҳам пайдо бўлади.

Президент Ислам Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари»га бағишланган халқаро илмий-амалий анжуман иштирокчиларига йўллаган табригида Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси ва ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарорликка эришаётгани ҳақида тўхталиб, дунёвий тараққиётда муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги ҳулоса ва қоидаларни алоҳида таъкидлаган: «бозор (талаб ва таклиф) ҳамма нарсани ҳал қиладди, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатларига сажда қилавериш мумкин эмас. Ҳаёт тажрибаси шуни неча бор кўрсатдики, иқтисодий ва молиявий муносабатларни бошқариш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун устуворликлар танлашда давлатнинг ролдан фойдаланиш (бозор кучлилар енгади, деган Дарвин тамойилига амал қилишини эътиборга олган ҳолда), аҳолининг кўпчилик қисми манфаатларини ифодаловчи давлатнинг ролини, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган миллий стратегиянинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди» илмий қоидаси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштириш керак эмаслигига ундайди.

Бозор иқтисодиётининг ҳам, ҳар қандай иқтисодиёт каби ўз ривожланиш қонунлари мавжуд. Унга хос қонунлар тизимини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

а) умумиктисодий, лекин бозор иқтисодиётида ҳам амал қилишда давом этган қонунлар;

б) фақат бозор иқтисодиётининг ўзига хос бўлган қонунлар.

Биз мазкур бўлимда бозор иқтисодиёти моҳияти ва белгиларини умумий тарзда кўриб чиқдик.

2. Бозорнинг функциялари ва таркибий тузилиши

Бозор шунинг учун ҳам зарурки, у бир қатор фойдали функцияларни бажаради.

1. Бозор ишлаб чиқариш билан истеъмолни боғлаш функциясини бажаради. Товар ҳаракати уни ишлаб чиқаришдан бошланиб, истеъмол билан тугалланади. Шу ҳаракатнинг қандай юз бериши бозорга боғлиқ. Маълумки, ҳар қандай ишлаб чиқаришдан пировард мақсад истеъмол учун товар яратишдир. Бозор тизимида эҳтиёжлар товарларни пулга айирбошлаш орқали қондирилади, чунки товар ишлаб чиқариш бор жойда маҳсулотлар ва хизматлар бозордан ўтмай туриб, тўғридан-тўғри истеъмолга келиб тушмайди. Товарларни албатта бозордан сотиб олиш зарур.

2. Бозор ишлаб чиқаришнинг қайтадан янгилашиб туришига, яъни узлуксиз юз беришига шароит ҳозирлайди. Бозорда товарлар сотилгач, уларнинг эгаси қилган харажатларининг пулини чиқариб олиш билан биргаликда фойда ҳам кўради. Товарни сотишдан тушган пулга бозорнинг ўзидан ресурслар олиниб, уларнинг ўрни қопланади, улар миқдоран кўпаяди, яъни ишлаб чиқариш омиллари янгидан ҳосил бўлади. Натижада иқтисодий фаолият такрорланади.

3. Бозор иқтисодий регулятор, яъни иқтисодиётни тартибловчи восита бўлиб хизмат қилади. Бунга бозор нархлари орқали эришилади. Нарх пасайган жойдан ресурслар чиқиб кетади, улар нарх ошган ерга оқиб ўтади. Бозор талабнинг ўзгаришига қараб нимани ва қанча ишлаб чиқариш кераклиги ҳақидаги сигнални (ахборотни) ишлаб чиқаришга етказилади. Шунга биноан ресурслар тақсимланиб, керакли соҳаларга юборилади ва талабгир товарларни ишлаб чиқаришга эришилади. Мана шу жараёнлар бозор иқтисодиётини тартиблашда қатнашиб туришига далолат беради. Шунингдек, пулни ресурслар билан таъминлаб пул муомаласини барқарорлаштириш вазифасини ўтайди.

4. Бозор турли мамлакатлар, миллатлар ва элатлар ўртасида ўзаро манфаатли иқтисодий алоқаларни ўрнатишга хизмат қилади. Бозор муносабатлари халқаро иқтисодий ҳамкорликнинг етакчи соҳаси ҳисобланади. Хитой, Ҳиндистон, Ўрта Осиё, Яқин Шарқ,

Европа давлатлари билан боғловчи қадимги савдо йўли – Буюк ипак йўлидир. Бу йўл орқали асосан ипак экспорт қилинганлиги сабабли «Ипак йўли» номи билан шуҳрат қозонган. Халқаро савдо-сотик орқали турли мамлакатлар ўртасида мунтазам алоқалар ўрнатилади, давлатлар иқтисодий жиҳатидан бир-бирига боғланади. Бозор ишлаб чиқаришнинг давлатлараро миқёсда аниқ ихтисослашувини, халқаро миқёсдаги талаб-эҳтиёжни мўлжалга олиб юритилишини тақозо этади. Хуллас, бозор халқаро алоқаларни ўрнатиш ва уларни кенгайтириш воситаси ҳам бўлади.

Бозорнинг ички тузилишига ҳар хил мезонлар жиҳатидан баҳо берилади. Бу мезонлар рақобат, бозор субъектларининг аҳволи, бозор объектининг характери, бозор муомаласининг миқёси, бозор алоқаларининг қонунийлиги кабилардир. Уларнинг орасида рақобат ва субъектларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи асосий ўринда туради. Иқтисодий алоқалар характерига кўра бозорни икки турга ажратиш мумкин: а) эркин, мукамал рақобатли бозор; б) номукамал рақобатли, монополлашган ёки рақобат мутлақо бўлмаган бозор.

Эркин бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири бозорда ҳукмрон мавқега эга бўлмайди, аксинча, улар доимо рақобатда бўлишади. Бозор иштирокчиларининг алоқаси эркин олди-сотди муносабатига асосланади.

Монополлашган бозор – бу озчилик сотувчилар ва харидорлар ҳукмрон бўлган, рақобат чекланган ёки рақобат умуман йўқ бозор.

Мазкур бозор 4 хил бўлади:

а) **монопол рақобатли бозор** – бу ерда кўп сонли корхоналар бозорни ўз кўлида тутиб туради. Улар товарларнинг асосий қисмини таклиф этадилар, аммо улардан айримлари ёки бир нечтасининг бозордаги ҳиссаси, уларга ҳукмронлик қилиш имконини бермайди. Бу бозор монопол бўлса-да, унда рақобат бўлади, аммо у чекланган тарзда юз беради, яъни озчиликнинг рақобати шаклида бўлади. Бу билан у эркин бозордан фарқланади;

б) **соф монополия бозори** – бу ерда сотувчи монополияси бўлади, яъни харидорлар кўп бўлгани ҳолда сотувчи битта бўлади, харидорнинг мана шу танҳо сотувчи товарини олишдан бошқа иложи бўлмайди;

в) **олигополия бозори** – бу ерда битта эмас, балки бир неча, аммо озчиликдан иборат сотувчилар ҳукмронлиги мавжуд бўлади.

Товарларнинг асосий қисми мана шулар қўлида тўпланади, бу ерда ҳам сотувчи монополияси бўлади;

г) **монопсония бозори** – бу ерда сотувчи эмас, балки харидор монополияси бўлади, яъни сотувчилар кўп бўлгани ҳолда харидор ягона бўлади. Монопсония одатда ресурслар бозорида бўлади, бу ерда айрим корхоналар хом ашё, ёқилғи, иш кучи каби ресурсларнинг асосий қисмини сотиб олади. Агар монополия бозорида сотувчи харидорга ўз измини ўтказса, монопсонияда харидор сотувчига ўз ҳукмини ўтказди.

Бозорлар ўзининг объекти жиҳатидан, яъни нималар олди-сотди қилиниши жиҳатидан ҳам фарқланади. Шу ўринда истеъмол товарлари бозори, ресурслар бозори ва молия бозори ажратилади.

А. Истеъмол товарлари ёки истеъмолчилар бозори. Бу бозорда кишиларнинг шахсий эҳтиёжини қондирувчи, яъни уларнинг тирикчилиги учун зарур бўлган товарлар олди-сотдиси юз беради. Мазкур бозорга сотувчилар икки турдаги товарларни қўядилар. Биринчиси, моддий шаклдаги истеъмол товарлари бўлиб, буларга озиқ-овқат, кийим-кечак, уй жиҳозлари, транспорт воситалари (енгил автомобиль, велосипед, мотоцикл) кабилар киради. Иккинчиси, номоддий, яъни моддий кўриниши бўлмаган товарлар. Булар турли-туман хизматлардан иборат бўлиб, уларнинг моддий шакли бўлмайди. Хизматларнинг ўзи товарлашмаган ва товарлашган бўлади. **Товарлашмаган** хизматлар бепул хизмат бўлади, шу сабабли улар бозорга чиқмайди, бинобарин, олди-сотди объектига айланмайди. Булар жумласига хонадондаги ўзига-ўзи хизмат кўрсатиш ва бепул давлат хизмати (ўқитиш, даволаш, спорт, маданий хизмат) киради. Бозорга чиқарилган ёки **товарлашган** хизматлар пулли хизматлар бўлиб, улар ғоят хилма-хил бўлади. Булар таълим, тиббиёт, спорт, саёҳат, томоша, транспорт, маиший хизмат кабилардан иборат бўлади, уларни аҳоли сотиб олади. Бу хизматларнинг бозор объекти сифатидаги хусусияти шундан иборатки, уларнинг яратилиши ва истеъмоли бир вақтнинг ўзида юз беради. Масалан, костюм аввал тикилади, сўнгра бозорга чиқади, сотиб олинганидан кейин истеъмол этилади. Бундан фарқлироқ шифокорнинг тиббиёт хизмати ёки ўқитувчининг таълим бериш хизматининг кўрсатилиши ва истеъмоли айнан бир вақтда юз беради. Концерт ижроси ва уни томоша қилиш, футбол ўйини ва уни кўриш ҳам бир вақтда юз беради. Хизматнинг моддий шакли бўлмаганидан уни яратиш ва истеъмол этиш қўшилиб кетади.

Истеъмолчилар бозорида энг кўп турдаги ва миқдори ғоят катта товарлар ва хизматлар олди-сотдиси юз беради, бу бозорнинг иштирокчилари мутлақ кўпчиликдан иборат бўлади. Мазкур бозорнинг Ўзбекистондаги аниқ кўриниши, бу мол бозори, деҳқон бозори, супермаркет, универмаглар, минимаркет, турли дўконлар (шоплар), концерт заллари, театр, кино-театр, стадионлар, спорт заллари, пулли касалхоналар, пулли ўқув курслари, шартнома билан ўқишдан иборатдир.

Истеъмолчилар бозорида, биринчидан, улгуржи савдо бўлса, иккинчидан чакана савдо қилинади. **Улгуржи савдо** бўлганда ишлаб чиқарувчилар ўз товарларини воситачи савдо фирмалари ёки айрим савдогарга кўтарасига, яъни катта миқдорда сотадилар. Булар ўз навбатида мана шу товарларни **чакана савдода** майдалаб истеъмолчиларга сотадилар. Бозорда ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчининг бевосита алоқа ўрнатиши ҳам бўлади. Бунда ишлаб чиқарувчи ўз товарини чакана нархда истеъмолчининг ўзига сотади. Масалан, Тошкентдаги «Юлдуз» тикувчилик фирмаси ўзининг дўконида товарларини аҳолига сотади, бозорга келган деҳқон ҳам ўз маҳсулотини истеъмолчига чаканасига сотади.

Б. Ресурслар бозори. Бу ерда хилма-хил моддий ресурслар ва иш кучининг олди-сотдиси юз беради. Бу бозорнинг иштирокчилари ресурсларни ишлаб чиқарувчилар ва уларни сотиб олувчи фирмалар, давлат идоралари ва хонадонлардан иборат. Бу бозорда моддий шаклга эга асбоб-ускуна, турли машиналар, хом ашё, бутловчи қисмлар, ёқилғи, электр энергияси, газ, кўчмас мулкни ташкил этувчи бинолар, иншоотлар ва ер олди-сотдиси юз беради. Мазкур бозорнинг махсус тури бу меҳнат бозори бўлиб, бу ерда моддий шакли бўлмаган товар, яъни иш кучи таклиф этилади.

Ресурслар бозорининг хусусияти шундан иборатки, бу ердан сотиб олинган товарлар **шахсий истеъмол** учун эмас, балки **ишлаб чиқариш** учун хизмат қилади. Ресурслар истеъмол товарларидан фарқлироқ икки хил усулда олди-сотди қилинади: 1) ресурслар тўлатўкис сотиб олинади. Бунда улар сотувчи мулкидан харидор мулкига ўтиб истеъмол қилинади. Ўзбекистон товар-хом ашё биржасида ресурслар сотилиб, улар ишлаб чиқаришда истеъмол этилди; 2) ресурсларнинг ўзи эмас, балки улардан вақтинча фойдаланиб туриш ҳуқуқи сотилади. Бунда ресурс сотувчи мулки бўлиб қолади, лекин у ижарага олиб ишлатилади. Масалан, қимматбаҳо ускуна, кема, самолёт, машина, бино, иншоот ёки ер бутунлай сотиб олинмаган ҳолда, у ижарага олиндиб, эгасига ижара ҳақи берилади. Моддий

ресурслар бозори Ўзбекистонда Товар-хон ашё биржаси, савдо уйлари ва машина-ускуналар сотувчи фирмалар тимсолида гавдаланади. Унинг таркибий қисми бўлган меҳнат бозорининг хусусияти шундан иборатки, бу ерда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти бўлган иш кучи сотилади. Бироқ у тамомила эмас, маълум вақтда ишлатиб туриш учун сотилади. Ўзбекистонда меҳнат бозорининг икки тури амал қилади: *биринчиси*, меҳнат биржалари, бу ташкил этилган меҳнат бозори; *иккинчиси*, мардикор бозори, бу тартибсиз меҳнат бозоридир.

В. Молия бозори. Бу жамиятдаги молия хизматлари бозоридир. Бу бозорнинг махсус шакли бўлиб, бу ерда молия ресурслари, яъни пул ва даромад келтирувчи қимматли қоғозлар олди-сотдиси юз беради. Унинг таркибидаги пул бозори уч қатламли бўлади. *Биринчиси*, шахсий эҳтиёжни қондирувчи **оддий пул** бозори. Бу ерда пул тирикчилик буюмларини харид этиш учун ҳақини тўлаш шарти билан қарзга олинади, яъни ишлатиб туриш учун пул сотиб олинади. Масалан, мебель тўплами, автомашина ёки квартира олиш учун кишилар банкдан қарз оладилар. Бунда банк сотувчи, қарз кўтарган эса харидор мақомида бўлади. *Иккинчиси*, капитал бозори. Бунда пул тирикчилик юргизиш учун эмас, балки **капитал** сифатида ишлатиб фойда чиқариш учун қарзга сотиб олинади. Бунга мисол қилиб тадбиркор, фермер ёки деҳқон хўжалиги соҳибининг тижорат банкдан қарз олиб, буни ўз хўжалиги ривожини учун ишлатишини кўрсатиш мумкин. Капитал бозорининг ўзи икки хил бўлади, бу **кредит бозори ва қимматли қоғозлар** бозоридир. Кредит бозоридан (масалан, банклардан) тадбиркорлар кредитни (қарзни) сотиб олиб, уни капитал сифатида ишга қўядилар. Бозордан капитални жалб этишнинг яна бир шакли бу акция, облигация ва сертификатларни чиқариб сотишдир. Буларни чиқарганлар эмитент, сотиб олганлар **инвестор** дейилади. Эмитент сотувчи бўлса, инвестор харидор ҳисобланади. Ўзбекистонда кредит бозорини тижорат банклари, кредит ширкатлари ва улардан қарз олувчи мижозлар ташкил этса, қимматли қоғозлар бозори **фонд биржаларидан**, қоғозларни сақловчи депозитарийлардан иборатдир. Ўзбекистондаги фонд бозорининг иштирокчилари корхона, ташкилотлар, аҳолининг маълум қатлами, давлат идоралари ва турли воситачилар ҳисобланади.

Пул бозорининг *учинчи*, ўзига хос тури – бу **валюта** бозоридир. Бу бозорда турли мамлакатларнинг миллий пули – валюта олди-

сотди қилинади. Унинг иштирокчилари корхоналар, турли ташкилотлар, давлат идоралари ва фуқаролар ҳисобланади. Улардан бири валюта сотса, бошқаси уни сотиб олади. Мазкур бозор банклар, уларнинг валюта айирбошловчи шохобчалари, валюта аукциони (ким ошди савдоси) шаклида намоён бўлади.

Интеллектуал товарлар бозори бозорнинг махсус тури бўлиб, ақлий меҳнат маҳсули бўлган товарлар ва хизматларнинг айирбошланишини билдиради. Бу ерда сотувчилар ва харидорлар махсус товар ҳисобланган илмий ғоялар, техникавий янгиликлар, санъат ва адабиёт асарлари, хилма-хил ахборотларни олди-сотди этиш юзасидан муносабатда бўладилар. Бу товарлар эгалари ёки улардан ваколат олган фирмалар бозорда сотувчи вазифасини бажаради. Харидорлар эса турли фирмалар, уюшмалар, давлат идоралари, ҳар хил ташкилотлар ва фуқаролар бўлади. Мазкур бозор кичик қисмлардан иборатки, улар илмий-техник ишланмалар бозори, кино бозори, тасвирий санъат бозори, мусиқа ва томошалар бозори, антиквар буюмлар бозори кабилардан ташкил топади. Интеллектуал товарлар бозорида илмий-техникавий ишланмалар олди-сотдиси катта ўрин тутаяди. У амалда патент, лицензия ва ноу-хау (патент – янгиликни ишлатиш ҳуқуқини берувчи ҳужжат; лицензия – рухсатнома, ноу-хау – ишлатиш ҳуқуқи эгасида бўлган янгилик) сотишдан иборатдир. Бу ерда илмий-техникавий янгиликлар харидор мулкига айланиш шарти билан ёки ўз эгаси мулки бўлатуриб, вақтинча фойдаланиш шарти билан сотилади.

Бу бозор ишлаб чиқариш новациясига, яъни унга янгилик киритишга хизмат қилади, фан-техника ривожига таъсир этади. Илмий-техник *ишланмалар* бозоридаги муносабатлар кўпинча мамлакатлараро бўлади. Интеллектуал товарлар бозори **энг динамик** бозордир, у тез кенгаяди, янги-янги қисмларга ажралади. Бунинг сабаби иқтисодиётда интеллектуал меҳнат мавқеининг кучайишидир. Гап шундаки, ҳозирги бозор иқтисодиёти илмталаб ишлаб чиқаришнинг ўсиши, турли хизматлар, энг аввал ахборот хизмати аҳамиятининг кучайиши билан характерланади. Буни интернет хизмати бозорининг шиддат билан ер юзида ўсиб бориши тасдиқлайди.

Меҳнат бозори – бу иш кучини олди-сотди қилиш муносабатини билдиради. Бу ерда инсоннинг меҳнат қилиш қобилияти, шартнома асосида маълум муддатга сотилади. Иш кучи аввало истеъмол қилиниб, сўнгра унинг ҳақи тўланади.

Бозорнинг ўзи яхлит бўлганидек, унинг турлари ҳам бир-бири билан ўзаро боғлиқ ҳолда амал қилади. Истеъмол товарлар бозорига мос ҳолда ресурслар бозори ташкил топади. Ўз навбатида, ресурслар бозоридаги ҳолатга қараб меҳнат бозори, илмий-техникавий янгиликлар бозори шаклланади. Бозор турларининг бир-бирига мослашуви иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади.

Иқтисодиёт учун бозор кўлами ғоят муҳим, чунки бозор қанчалик кенг бўлса, шунчалик ишлаб чиқаришнинг ўсишига шароит муҳайё бўлади, яъни товарлар ўз вақтида сотилади, керакли ресурслар сотиб олиниб, ишлаб чиқариш давом этади. **Бозор кўлами** – бу бозорнинг катта-кичиклиги бўлиб, олди-сотдининг ҳажми билан ўлчанади. Кўлам товарларнинг миқдори, уларнинг нархи ва неча марта олди-сотди қилинишига боғлиқ бўлади. Масалан, мамлакатда, 1 млн. дона товар яратилган бўлиб, унинг ўртача нархи 100 бирликка тенг деб олсак, жами товарлар нархининг суммаси 100 млн. бирликни бозорда сотадилар. Бозор миқёси **товар оборотининг** (айланмаси) ҳажми билан ўлчанади, бу эса олди-сотди кўламини билдиради. Бозорнинг катта-кичиклиги умумий тарзда ва айрим бозорларга татбиқан аниқланади. Агар истеъмол товарлари бозорини олсак, унинг умумий ҳажмини айрим товарлар бозори, масалан, озиқ-овқат, кийим-кечак ва турли хизматлар бозорининг ҳажми аниқлайди. Бунинг қандай эканлигини чакана савдо оборотига қараб билиш мумкин. Сўнгги йилларда Ўзбекистондаги чакана савдо обороти миқдори ортиб бормоқда. Бу бозорнинг кенгайиб, унинг кўламининг ортиб бориши ифодалайди. Бу ўз навбатида ишлаб чиқаришнинг ҳажмига ва яратилган маҳсулот ва хизматларнинг нақадар хилма-хил бўлиши, бинобарин айирбошлашга мўлжалланганлигига боғлиқ бўлади. Маҳсулотнинг қандай қисми айирбошланиши унинг товарлилик даражасини билдиради. Бу даража қанчалик юқори бўлса, бозор ҳажми шунчалик катта бўлади. Демак, иқтисодда шундай қоида бор: бозорнинг кўлами ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматларнинг миқдорига ва уларнинг товарлилик даражасига тўғри мутаносибликда бўлади.

Маҳсулот ва хизматлар бозор ва шунингдек, ўзи учун яратилади. Булар ўзи учун қанчалик кам ва бозор учун қанчалик кўп яратилса, шунчалик бозор кенг бўлади. Шу сабабли жами яратилган маҳсулот бозор маҳсулотидан фарқ қилади. Масалан, Ўзбекистон-

даги сутнинг мутлақ катта қисми деҳқон, фермер хўжаликлари ва томорқада ишлаб чиқарилади. Сут бозорининг ҳажми унинг сутнинг қандай қисми хўжаликларда хонадон истеъмоли ва бузоқларни боқиш учун қолишига ва қанчаси сотишга чиқарилишига боғлиқ бўлади. Бозор муносабати ривожланган сари ўзи учун ишлаб чиқариш қисқаради ва бозор учун ишлаб чиқариш кенгаяди.

Бозорнинг ҳажми ишлаб чиқариш ҳолатига қараб ўзгариб туради. Ундаги ўзгаришларни динамикада (ҳаракатда) билиш учун реал товар оборотини аниқлаш зарур. Реал товар обороти ўзгармас ёки базавий йилдаги нархлар воситасида, яъни инфляция таъсиридан холи этилган нархларда ҳисобланган оборотдир. Буни аниқлаш учун жорий нархларда ҳисобланган товар обороти нархнинг ўзгариш индексига бўлинади. Масалан, жорий нархдаги чакана савдо обороти 696 млрд. пул бирлигига тенг, жорий йилдаги нарх 1,2 марта ўсди (шу нарх индекси). Бунда реал савдо обороти – $y = 580$ млрд. Мана шу бозорнинг реал ҳажми бўлади. Реал оборотга қараб бозорнинг кенгайгани ёки торайганини билиш мумкин.

Бозор кўлами ва иштирокчилари жиҳатидан маҳаллий, ҳудудий, миллий, давлатлараро ва жаҳон бозорига ажратилади.

Маҳаллий бозор – бу муайян мамлакатнинг давлат чегаралари доираси билан чекланган шаҳар, туман, вилоят ҳудудларидаги бозордир. Бу бозорда асосан маҳаллий товарлар олди-сотдиси юз беради. Бунга мисол қилиб Ўзбекистондаги туман бозорини олиш мумкинки, бунга шу ердаги савдо шохобчалари, буюм бозорлари, деҳқон бозорлари киради. Унинг иштирокчилари туман аҳли бўлиб, булар истеъмомчилар, ишлаб чиқарувчи фирмалар, савдо фирмалари, фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа соҳибларидан иборатдир.

Ҳудудий бозор – бу бир неча чегарадош ҳудудлар доирасидаги бозор бўлиб, маҳаллий бозорлар мажмуидан иборат. Унинг субъекти – иштирокчилари ҳудуддаги товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмомчилар ҳисобланади. Унинг объекти турли ҳудудларда яратилган маҳсулот ва хизматлар ҳамда ташқаридан келтирилган товарлар ҳисобланади. Ҳудудий бозор кўлами маҳаллий бозор кўлаmidан катта бўлади, унинг иштирокчилари ҳам кўп. Ҳудудий бозорга мисол қилиб Ўзбекистондаги Шарқий ҳудуд (Фарғона водийси) бозорини кўрсатиш мумкин.

Миллий бозор – бу муайян мамлакатнинг миллий чегараси доирасидаги, яъни мамлакатнинг ички бозори. Бу бозор миллий иқтисодиётнинг ажралмас қисми ҳисобланади. Унинг иштирокчилари муайян мамлакатдаги барча товар ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар ва улар ўртасида турган воситачилардан иборат. Миллий бозордаги товарларнинг асосий қисми мамлакатнинг ўзида ишлаб чиқарилади, қисман чет элдан келтирилади, аммо иқтисоди қолоқ ва қарам мамлакатларда улар яратган маҳсулотлар асосан хом ашё бўлиб, у мамлакат ички товар оборотида иштирок этмайди, балки четга чиқарилади. Улар ички бозорида четдан келтирилган товарлар устувор бўлади. Бундай миллий бозорда қарамлик аломати бўлади.

Миллий бозор мамлакатдаги барча бозорларни бирлаштиради, бу ерда миллий пул харид учун ягона тўлов воситаси бўлиб хизмат қилади. Миллий бозор давлат ҳимоясида бўлади. У очик бозор, унга кириб келиш, ундан чиқиб кетиш эркиндир.

Давлатлараро бозор – бу икки ва ундан кўп мамлакатларнинг ўзаро бозори бўлиб, бунда турли мамлакатлар фирмалари ва давлат идоралари қатнашади. Бу бозорда товарни бевосита истеъмол этувчилар – хонадонлар қатнашмайди. Бу бозор чегарадош давлатлар бозори бўлиб, бу ерда шу мамлакатларда яратилган товарлар, четдан келтирилган товарлар олди-сотди қилинади. Айтилган мамлакатларда чегара олди савдо-сотиғи кенг тарқалган бўлади.

Жаҳон бозори – бу дунё мамлакатлари ўртасидаги савдо-сотиқ муносабати. Бу бозорда тараққиёт даражаси, бинобарин товар ишлаб чиқариш салоҳияти ҳар хил мамлакатлар қатнашади. Улардан бири тайёр маҳсулотлар етказиб берса, бошқаси хом ашё ва ёқилғи каби ресурсларни бозорга чиқаради. Жаҳон бозори ўзининг учта белгиси билан ажралиб туради. **Биринчидан**, бу бозорда барча товарлар эмас, балки сайланган, яъни кўпчилик учун зарур товарлар (масалан, нефть, газ, кўмир, ёғоч, металл, пахта, дон, жун ва бошқалар) олди-сотдиси юз беради. **Иккинчидан**, бу бозорда истеъмолчиларнинг ўзи, яъни аҳоли харидор сифатида қатнашмайди. Бу вазифани савдо фирмалари бажаради. **Учинчидан**, бу бозорда товарлар улгуржиги сотилади. Жаҳон бозори халқаро биржалар ва савдо-сотиқ ташкилотлари фаолиятида намоён бўлади.

Жаҳон бозорининг ҳажми турли мамлакатлардаги ишлаб чиқариш кўламига ва унинг нақадар ихтисослашувига, яъни бозорга товар етказиб беришига боғлиқ бўлади. Одатда жаҳон ишлаб

чиқаришининг ўсиши билан жаҳон бозорининг кўлами ҳам кенгайиб боради.

3. Бозор инфратузилмаси

Бозордаги иқтисодий алоқаларда кўпчиликдан иборат субъектлар қатнашади. Бу алоқалар ғоят хилма-хил бўлиб, мураккаб кечади, булар бевосита алоқалар ва билвосита алоқалардир. **Бевосита** бозор муносабати пайдо бўлганда, сотувчи ва харидор бир-бири билан тўғридан-тўғри алоқа ўрнатади, бу ерда ҳеч ким улар ўртасида воситачилик қилмайди. **Билвосита** бозор муносабати юз берганда, сотувчи ва харидор ўртасидаги алоқалар воситачилар орқали ўрнатилади. Улар олди-сотди соҳасида бозор иштирокчиларига ўз хизматини кўрсатадилар, бу инфратузилма хизмати бўлади.

Бозор инфратузилмаси бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи институтлардир, яъни фирма ва турли муассасалардир.

Бозорнинг миқёси, унда иштирок этувчи товарларнинг таркиби, олди-сотди муносабатларининг характериға қараб турли инфратузилма бўғинлари амал қилади. Инфратузилма икки хил бўлади. **Биринчиси,** ҳамма бозор алоқаларига хизмат қилувчи инфратузилма. Бу товарлар қандай кўламда, қандай усуллар билан сотилишидан қатъи назар, ҳамма бозорларға хос бўлади. Бунга суғурта, савдо-сотикда шерик топиш, пулни ундириш каби хизматларни кўрсатувчи муассасалар киради. Улар хизматидан бозорнинг барча иштирокчилари керак бўлган пайтда фойдаланади. Инфратузилманинг **иккинчи** тури бу махсус бозорларда махсус хизмат кўрсатувчи институтлардир. Булар жумласига савдо уйлари, товар биржалари, реклама компаниялари, меҳнат биржалари, фонд (қимматли қоғозлар) биржалари, брокер компаниялари, аудитор фирмаларини киритиш мумкин. Булар ҳам воситачилик қилади, аммо улар хизмати ҳамма ерда эмас, балки айрим бозорларда юз беради. Товар биржалари улгуржи савдо хизматини кўрсатади, улар орқали товар ишлаб чиқарувчилар харидор топади. Меҳнат биржаси иш берувчи билан ишга кирувчига хизмат кўрсатади. Фонд биржаси қимматли қоғозлар (акция, облигация, сертификат ва бошқалар) эгалари билан уларға харидорларни бир-бириға боғлашда хизмат қилади. Брокер фирмалари улгуржи савдода воситачилик қилади. Аудитор фирмалари хизмати махсус тавсифға эга. Улар ахборот

хизматини кўрсатадилар, яъни тафтиш асосида фирмаларнинг аҳволига тегишли холисона ахборотни бозор иштирокчиларига етказиб беради.

Бозор инфратузилмасида ҳуқуқий хизмат кўрсатиш алоҳида ўрин тутади. Бозорда фаолият юритишнинг қоидалари турли қонунларда белгиланади, уларга риоя этиш назорат қилинади. Бозор қоидалари унинг ҳамма иштирокчилари манфаатини ҳисобга олади, қандай иш қилиш мумкинлигини ва қандай ишга йўл берилмаслигини аниқлаб қўяди. Бозор қонун-қоидалари бузилганда, унинг лаёқатсизлиги пайдо бўлади, муҳими бозор алоқаларини ўрнатишга қаратилган харажатлар (булар трансакцион харажатлар деб юритилади) ортиб кетади, бозор ўз вазифаларини яхши бажармай қўяди. Шу сабабли қонун-қоидаларнинг бажарилишини таъминловчи ҳуқуқий хизматлар борки, буларни хўжалик судлари, арбитраж фирмалар ва адвокатлар фирмалари бажаради.

Бозор инфратузилмаси деганда бозор иқтисодиёти учун хизмат кўрсатувчи ҳар хил соҳалар тушунилади.

Бозор инфратузилмаси бўғинлари қуйидагилардан иборат:

Ишлаб чиқаришга хизмат қилувчи инфратузилмаси (транспорт, алоқа, омбор хўжалиги, йўл хўжалиги, сув ва энергетика таъминоти). Улар бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади. Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уларни тижоратчилик йўлига ўтказишга тўғри келади, яъни улар яхши ишлаб пул топиш ва ўз-ўзини молиялаштириш йўлига ўтказилади.

Товарлар ва хизматлар муомаласига, яъни савдо-сотик ишларига хизмат қилувчи инфратузилмаси (биржалар, савдо уйлари, аукционлар, тижоратчилик идоралари, реклама фирмалари ва агентликлари, давлатнинг савдо-сотик ва уларни назорат этувчи муассасалари).

Молия-кредит муносабатларига хизмат қилувчи инфратузилмаси (тижорат банклари, ўз-ўзини кредитлаш идоралари, суғурта компаниялари, молия компаниялари, солиқ ундириш маҳкамалари, ҳар хил пул фондлари).

Аҳолига хизмат қилувчи ёки ижтимоий инфратузилмаси (уй-жой коммунал ва транспорт хизмати, маориф, маданият ҳамда соғлиқни сақлаш муассасалари, аҳолини ишга жойлаштириш фирмалари ва идоралари. Уларнинг аксарияти бозор иқтисодиётидан олдин ҳам мавжуд бўлади, лекин уларни ислоҳ этиб, бозор

шароитида пулли хизмат кўрсатиш, тижорат йўлига ўтказишга тўғри келди).

Ахборот хизмати (иқтисодий фаолият учун зарур бўлган ҳархил ахборотлар – маълумотлар ва хабарларни тўплаш, умумлаштириш ва сотиш билан шуғулланувчи турли компаниялар, фирмалар, маслаҳат идоралари).

Замонавий бозор инфратузилмаси яратиш бозор муносабатларига ҳақиқий маданий-маърифий характер бахш этиш, стихияга ва бошбошдоқликка йўл қўймаслик имконини беради.

Бозор структураси – бу шу бозорнинг таркибида амал қилувчи бўғинларни, бозор ҳароратини белгиловчи бирликларни билдиради.

Миллий бозор давлат ҳимоясида бўлади. Маълумки, очик иқтисодиёт шароитида чет эл товарлари, капитали турли йўллар билан кириб келади, бу хавфсизлик чораларини кўришни талаб этади. Бу ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига муайян вазифаларни юклайди.

Бозор интервенцияси деганда миллий ёки минтақавий бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва у бозорни ўзига тобе этиш тушунилади. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки минтақа бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади, харидорларни ўзига оғдириб олади.

Бозор интервенцияси ҳар хил воситалар билан амалга оширилади:

– демпинг экспорт (ички бозордан ҳам паст баҳоларда экспорт)ни ишлатиш;

– юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш;

– бозор чаккон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш;

□ импорт қилувчи мамлакат ёки минтақага моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

Бозор муҳофазаси деганда миллий бозорнинг ёки айрим товарлар бозорининг давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши тушунилади. Бозор муҳофазаси:

– четдан товар келтиришни чеклаш, тақиқлаш;

– бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади.

Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша

ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади. Масалан, Япония автомобиль фирмалари ўз товарини АҚШга киритиш йўлидаги юқори бож тўловларига «чап бериш» учун АҚШда ўз заводларини куриб, чиқарилган автомобилни шу ернинг ўзида сотади.

Бозор муҳофазаси мамлакатлараро «савдо жанглари»да истехком вазифасини ўтайди.

Бозор сегментацияси деганда маълум белги-аломатлар ва савдо-сотиқнинг шарт-шароитига қараб бозорни ҳар хил бўгин (қисм)ларга ажратиш, табақалаш тушунилади. Сегмент – бу бозорнинг кичик бир қисми. У ерда харидорларнинг гуруҳи чекланган бўлади. Уларга маълум турдаги товарлар сотилади.

Бозорни сегментларга ажралишига икки нарса сабаб бўлади:

– меҳнат тақсимоти чуқурлашиб, ғоят хилма-хил товарлар ишлаб чиқарилиши ва уларнинг маълум гуруҳ истеъмолчиларга мўлжаллангани;

– истеъмолчиларнинг ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан табақаланиши, улар талабининг фарқланиши.

Бозорнинг сегментларга ажратиш мезонлари ғоят кўп. Масалан, бир сегмент учун аҳолининг харид қобилияти устувор бўлса, бошқа сегмент учун рақобатнинг бор ёки йўқлиги муҳим белги бўлади.

Сегментлар худудий ва ижтимоий-демографик мезонларга қараб ажратилади. **Худудий сегмент** қуйидаги мезонларга эга:

- аҳолининг сони ва зичлиги;
- транспорт ва алоқа шохобчаларининг мавжудлиги ва ривожланиш даражаси;
- табиий иқлим шароити;
- тижорат ишининг асосий йўналиши ва унинг қайси тоифа кишиларга хизмат қилиши;
- иқтисодиётнинг умумий аҳволи;
- инфляция даражаси;
- бозор инфратузилмасининг мавжудлиги ва бошқалар.

Ижтимоий-демографик сегмент қуйидаги мезонларга эга:

- истеъмолчи харидорларнинг ёши, жинси;
- истеъмолчи харидорлар таркибидаги ишловчилар, ўқувчилар ва нафақаларнинг салмоғи;
- истеъмолчи харидорларнинг билим даражалари, савияси;
- аҳоли пул даромадининг даражаси;
- оила ва унинг таркиби;
- аҳолининг касб-кори, ирқи ва миллати;

– аҳоли таркиби кабилар.

Бозор сегментлари аҳолининг урф-одати, расм-русуми, турмуш тарзи ва қайси бир товарни афзал кўришига қараб ҳам ажралади. Сегментларга ажралиш муайян товарларга нисбатан ҳам юзага келади, масалан, кийим-кечак бозорида: болалар кийими, эркаклар кийими, аёллар кийими, ёшлар кийими, қариялар кийими бозорларига ажралади.

Бозор сегментацияси орқали товарларни кам сарф-харажатлар билан юқори нархда сотиш имкони яратилади.

Таянч тушунчалар:

Бозор, бозорнинг турлари, бозор инфратузилмаси, бозорнинг функциялари, эркин бозор, монополлашган бозор, истеъмолчилар бозори, ресурслар бозори, меҳнат бозори, молия бозори, бозор кўлами, маҳаллий ва ҳудудий бозор, миллий ва жаҳон бозори, тартибли бозор, тартибсиз бозор, тақчил бозор, тўйинган бозор, бозор сегменти.

Савол ва топшириқлар:

1. Бозорнинг моҳиятини тушунтиринг.
2. Бозор инфратузилмаси деганда нимани тушунасиз?
3. Бозорнинг ҳажми нима учун ишлаб чиқаришга боғлиқ?
4. Бозорда истеъмолчиларнинг саъй-ҳаракатларига таъсир этувчи омилларни изоҳланг.
5. Бозор иқтисодиёти ва касбга оид ўзгаришлар деганда нималарни тушунасиз?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Бозор – хўжалик юритувчи агентлар ўртасида қадриятларни айирбошлаш масаласида юзага келадиган муносабатлар тизимининг ижтимоий шакли; неъматларни айирбошлашнинг институционаллашган трансакциялари.

Бозор иқтисодиёти – айирбошлаш трансакциялари амалга ошириладиган иқтисодиёт, яъни кўплаб неъматлар кўплаб алоҳида ишлаб чиқарувчилар томонидан айирбошлаш учун мақсадли ишлаб чиқарилади.

Бозор иқтисодий субъектлари – айирбошлаш учун неъматлар ишлаб чиқарадиган субъектлар. Бозорга оид бўлмаган иқтисодий субъектлар – натурал хўжалик доирасида яратувчилик фаолиятини амалга оширувчи субъектлар.

Уй хўжалиги – одатда қариндошлик ришталари билан боғланган ва иқтисодиётнинг истеъмол секторида фаолият кўрсатаётган бир ёки бир неча шахсдан иборат иқтисодий бирлик.

Институционал бозор – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида айирбошлашни тартибга солувчи ва мувофиқлаштирувчи институтларнинг легал ва яширин «олди-сотдиси» соҳасида юзага келадиган муносабатларнинг муайян шакли.

Маъмурий бозор – иқтисодий фаолият соҳасидаги «рухсатномалар» ва «тақиқлар» олди-сотдиси борасида амалдорлар бюрократияси ҳамда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида юзага келадиган муносабатларнинг муайян шакли.

Давлат (бозор иқтисодиёти субъекти сифатида) – иқтисодий ўсиш, иш билан тўлиқ бандлик, хўжалик соҳасидаги барқарорлик, мамлакатнинг иқтисодий ва миллий хавфсизлигининг янги сифатини таъминлаш мақсадида иқтисодиёт тизимига таъсир кўрсатиш учун ваколатларга эга бўлган турли муассасалар мажмуидан иборат мураккаб институционал тузилма.

Бозор мувозанати механизми – талаб ва таклиф ҳажми мувозанатда бўлган шароитда объектив бозор баҳоси ўрнатилишига олиб келадиган истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар рақобатининг механизми; талаб ва таклифнинг белгиланган (статик) даражаларида бозор баҳоси шаклланишининг механизми.

Ноҳуқуқий айирбошлаш – хўжалик соҳасидаги тенг ҳуқуққа эга бўлмаган агентлар ўртасидаги ноэквивалент айирбошлаш.

Айирбошлаш – кимдандир исталаётган объектни ўрнига нимадир таклиф этиб олиш ҳаракати.

Айирбошлашнинг ҳуқуқий хусусияти – айирбошлашнинг ишлаб чиқариш омилларининг тенг ҳуқуқли мулкдорлари қабул қиладиган ва улар ёрдамида яратиладиган неъматлар олди-сотдиси борасидаги қарорлар натижаси ҳисобланадиган эквивалентлиги.

Рақобатли бозор иқтисодиёти – мулк шакллариининг хилма-хиллиги мавжуд бўлган ва ҳуқуқий айирбошлаш трансакциялари амалга ошириладиган иқтисодиёт.

Бозор иқтисодиётида ижтимоий ҳимоя – ҳар бир шахсга унинг ривожланиши ва яратувчилик имкониятларидан ниҳоятда самарали фойдаланиши учун зарур бўлган муайян турмуш даражасининг кафолатланишини таъминловчи давлат иқтисодий чоралари, шарт-шароитлари ва муносабатлари тизими.

Ижтимоий йўналтирилган рақобатли бозор иқтисодиёти – хўжалик юритиш жараёнлари батамом шахсни ҳар томонлама ривожлантириш вазифаларига бўйсундирилган иқтисод.

Бозор интервенцияси – миллий ёки минтақавий (регионал) бозорга ташқаридан суқилиб кириш ва у бозорни ўзига тобе этиш тушунилади. Хорижий товарлар муайян мамлакат ёки регион бозорини ҳимоя қиладиган тўсиқларни бартараф этиб, бозорга кириб олади ва шу ердаги товарлар билан рақобат қилади, харидорларни ўзига оғдириб олади.

Бозор интервенцияси ҳар хил воситалар билан амалга оширилади:

– демпинг экспорт (ички бозорда ҳам паст баҳоларда экспорт)ни ишлатиш;

– юқори бож тўловларига ҳам рози бўлиш;

– бозор чакқон ерларда корхоналар қуриб, товар чиқариш;

– импорт қилувчи мамлакат ёки минтақага моддий ёрдам кўрсатиш, сиёсий тазйиқ ўтказиш ва бошқалар.

Бозор муҳофазаси деганда миллий бозор ёки айрим товарлар бозори давлатнинг экспорт-импортни тартибга солувчи тадбирлари воситасида ҳимоя қилиниши тушунилади. Бозор муҳофазаси:

– четдан товар келтиришни чеклаш, тақиқлаш;

– бож тўловини ошириш орқали амалга оширилади.

Бозор муҳофазасини четлаб ўтишнинг муҳим йўли илгари товар чиқарилган мамлакатга капитал чиқариб, муайян товарни ўша ернинг ўзида яратиш ва сотиш ҳисобланади.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. *Бозор* харидорлар билан сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир. Бозорда ҳамма тенг. Чунки унда харидор ва сотувчи мустақил ҳаракат қилади.

Бозорда манфаатсиз шахслар бўлмайди. Сотувчи қиммат сотиши пайида, харидор арзонроқ харид қилиш ҳаракатида бўлади.

2. *Бозор инфратузилмаси* бозор алоқаларини ўрнатишда иштирок этувчи, яъни сотувчилар ва харидорларга хизмат кўрсатувчи муассасалардир. Бозор товар ва хизматларни олди-сотди қилиш борасидаги муносабатлар бўлиб, улар воситасида сотувчилар ва харидорлар бир-бири билан алоқага киришадилар. Бу алоқаларни ўрнатишда бозор инфратузилмаси – институтлари воситачи сифатида иштирок этади, улар бозор функцияларини амалга оширувчи хизматларни кўрсатади.

3. Бозор товарларни истеъмолчига етказиб бериш, ишлаб чиқаришнинг янгиланишини ресурслар билан таъминлаш, иқтисодиётни тартибга

келтириш ва мамлакатлараро ҳамкорликни ўрнатишдан иборат функцияларни бажаради.

4. Бозор иштирокчиларининг мавқеи жиҳатидан эркин ва монополлашган бозорга, олди-сотди объекти жиҳатидан истеъмол товарлари, ресурслар, молия ва интеллектуал товарлар бозорларига ажралади. Улардан ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд.

5. Иқтисодиёт учун бозорнинг кўлами ғоят муҳим, чунки ишлаб чиқаришнинг ўсиши шунга боғлиқ бўлади. Бозор кўламини у ердаги товарлар миқдори ва уларнинг нархи белгилайди. Кўлам савдо обороти (айланмаси)га қараб баҳоланади. Кўлам жиҳатидан қаралганда маҳаллий, худудий, миллий, давлатлараро ва жаҳон бозорлари мавжуд.

6- МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига боришдаги ўз тараққиёт йўли

XX асрнинг сўнгги ўн йиллиги жаҳон тарихига ижтимоий дунёқарашда, жаҳон ҳамжамиятининг жуғрофий-сиёсий (геополитик) тузилишида туб ўзгаришлар даври бўлиб киради. Жаҳон янги даврга қадам қўйди. Бу даврнинг ўзига хос белгилари, *бир томондан*, давлатлар ва халқлар ўртасида яқинлашув жараёнлари ва ҳамкорликнинг кучайиши, яхлит сиёсий ва иқтисодий маконларнинг вужудга келиши, ягона халқаро меъёрлар (нормалар), қоидалар ва андозаларга ўтиш бўлса, *иккинчи томондан*, социалистик лагернинг емирилиши, тоталитар тузумларнинг тугатилиши, унитар тизимлар ўрнида ёш мустақил давлатларнинг пайдо бўлишидир. *Ер қуррасининг олтидан* бир қисмида туб ислохотлар давом этмоқда. «Бу эса янги тузилган мустақил давлатларда давлат қурилиши ва ижтимоий-иқтисодий ислохотлар ўтказиш муаммолари минтақаларнинг доираларидан ташқари чиқиб, ҳақли равишда умумжаҳон тусини олганидан яққол далолат беради.

Собиқ социалистик ва бошқа мамлакатлар воқелиги келтириб чиқарган янги ҳодисалар, муносабатлар ва жараёнлар XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб анъанавий тушунчаларга мос келмай қолганлиги яққол кўринди. Мулкчилик, ишлаб чиқариш муносабатлари, ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш омиллари, бошқаришнинг бозор ва режали тартибга солиш механизмлари, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий вазифаси ва ижтимоий

йўналтирилган фаолияти каби бошқа тушунчалар умуман янги мазмун касб этмоқда.

Бозор ислоҳотлари – халқ иштирокида, лекин давлат томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантириш чоратадбирларининг давлат назорати остида амалга оширилишидир.

Ислоҳотларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

- мулкый муносабатлар ислоҳоти;
- аграр ислоҳот;
- молия-кредит тизими ислоҳоти;
- ижтимоий ислоҳотлар;
- ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти;
- ҳуқуқий ислоҳотлар.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясини инобатга олган ҳолда амалга оширилади.

Ўзбекистон жаҳон тажрибасини рад этмаган ҳолда, ижтимоий тараққиётнинг ўзига хос ва мос йўлини ишлаб чиқди ва шу йўлдан дадил бормоқда.

Ўз йўли деганда Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш ва мустақилликни таъминлаш муаммоларининг биргаликда ҳал этилиши тушунилади. Мазкур йўлнинг ўзига хослиги шундаки, илгари бирорта мамлакат ижтимоий (давлат) мулкка асосланган социалистик тузум ўрнида бозор иқтисодиёти тамойилларига йўналтирилган кўп укладли тузум қурмаган, яъни бу борада синалган йўл йўқ эди.

Бу йўлнинг ўзига мослигига келсак, Шарқ мамлакатлари, айниқса, Ўзбекистонда яшаш, ишлаш, тадбирлар ўтказиш – ҳамма-ҳаммаси қадимдан шерикчиликка, жамоа бўлиб иш тутишга асосланган.

Бу йўл Ўзбекистонни келажакда иқтисодиёти ривожланган, демократия ривож топган, социал барқарорлик ҳукм сурган давлатга айлантиришни мўлжаллайди, Ўзбекистон келажаги буюк давлат деган илмий хулосага асосланади. Мустақилликнинг илк йилидаёқ Президент Исом Каримов Ватан тараққиётини таъминловчи йўлнинг аҳамиятини қуйидагича таъкидлаб: «Республиканинг бозор муносабатларига ўтишида ўз йўлидан изчиллик билан бориши демократик ўзгаришлар, республикани ривожланган мамлакатлар қаторига олиб чиқиш, унинг халқаро обрў-эътиборини мустаҳ-

камлаш учун пухта моддий негиз яратади»¹, – деб таъкидлаган эди. Бу борада Ўзбекистон олдига қуйидаги вазифаларни белгилади:

- барча мулк шаклларида тенглигини таъминлаш;
- иқтисодий фаолиятга эркинлик бериш;
- ишбилармонликни ривожлантириш, тадбиркорликка кенг йўл очиб бериш;
- эркин нарх-навога ўтиш;
- иқтисодий монополизмга йўл бермаган ҳолда рақобатга кенг йўл очиш;
- ишлаб чиқаришнинг замонавий миллий манфаатга мос бўлган структурасини яратиш;
- қудратли иқтисодий салоҳиятга таянган ҳолда мамлакат миллий бойлигини ошириб, халқнинг ҳамма қатламларига фаровонлик, келажакка ишонч бериш;
- халқаро иқтисодий муносабатларда фаол иштирок этиш, мамлакат иқтисодиётининг жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувига эришиш.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, **бозор иқтисодиёти** – бу мукамал ишлаб чиқариш омилларига эга бўлган, товар-пул муносабатларига асосланган аниқ ижтимоий мўлжалли бор, бозор сигналларига биноан ва пул воситасида бошқарилиб турувчи иқтисодиётдир.

Бозор иқтисодиётининг моҳияти ва белгилари қуйидагилардан иборат:

- иқтисодий фаолиятнинг эркинлиги;
- мулк шаклларидаги хилма-хиллиги;
- иқтисодиётнинг антимонополистик характери;
- рақобат;
- соғлом пул муомаласи;
- юридик ва жисмоний шахсларнинг тенг имконияти;
- нарх-навога эркинлаштириш;
- иқтисодий манфаатларни уйғунлаштиришга эришиш;
- ижтимоий йўналишларнинг кучайиши;
- бошқарувга асосланганлиги.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 8.

Бозор иқтисодиётининг жадал боришини таъминловчи кучлар:

иқтисодий фаолият эркинлиги – бу тадбиркорлар учун кенг имконият яратади;

қонуний даромадларнинг чекланмаслиги – бу қўшимча даромад топишга ундайди;

соғлом рақобат кураши – бу ким ўзди қоидасини юзага келтиради, янгиликни жорий этишга ундайди, техника-технологияни, меҳнат унумдорлигини ва сифатини оширади. Қаттиқ меҳнат ва ижро этиш интизомини яратади.

Шундай қилиб, Ўзбекистон ўзининг истиқлол ва тараққиёт йўлини танлаб олди, ўзининг ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти йўлини ишлаб чиқди. Аммо, бу йўл ғоят машаққатли ва узок йўлдир. Мустақилликнинг дастлабки йилларида «Ўз истиқлол ва тараққиёт йўлимиз, – деб таъкидлаган эди Ислом Каримов, – бу гул билан қопланган йўл эмас, бу тоталитаризм меросидан халос бўлиш ва покланиш, мафкуравийлик илллати етказган зиён-заҳматларни бартараф этишнинг қийин, узок давом этадиган йўлидир. Бу – жаҳон цивилизациясига қўшилиш чинакам сиёсий ва иқтисодий истиқлолга эришиш йўлидир.

Бу йўлдан фақат ҳақиқий ватанпарваргина, ўз мамлакати ва халқининг тақдири учун бутун қалби ва юрагини бағишлаган, ўз манфаатларини республиканинг қудратли ва фаровон бўлишига эришиш мақсадларига бўйсундира оладиган, бунга ўзининг куч-ғайрати, ташаббуси, билими ва меҳнатини бағишлай оладиган кишиларгина юра олади»¹.

«Ўзбекистон йўли» ва унга биноан республикамизда ўтказилаётган ислохотларни академик М. Шарифхўжаев «Истиқлол истиқболлари» рисоласида таъкидлаганидек, «Ислом Абдуғаниевич ислохотлари», деб аталса хато бўлмайди. Чунки ислохотларнинг илмий-назарий асослари ва йўналишлари Президентнинг мамлакат тараққиётига бағишланган рисоалари, нутқ ва чиқишларида баён этилган. Ислохотнинг ўзи ҳам бевосита Ислом Каримов раҳбарлигида амалга оширилмоқда².

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 127.

² Шарифхўжаев М. Ш. Истиқлол истиқболлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – Б. 20.

Л. Левитин ва Д. Карлайлнинг «Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти» асарида «Ўзбекистон йўли» хусусида қуйидагилар баён қилинган: «Аминманки, «Ўзбекистон йўли» – бу Ислом Каримовнинг кашфиёти, кўп жиҳатдан, агар таъбир жоиз бўлса, унинг «НОУ-ХАУ»сидир. Бу унинг иқтисодий тафаккурининг натижаси, яққол фикрлаш қобилияти, сиёсий йўлбошчилик истеъдоди ҳамда оддий одамга нима кераклигини билиши ва табиийки, дунё тажрибасини жуда яхши билиши оқибатидир»¹.

Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995) китобида эса маълум даражада яхлит даврда – бозор иқтисодиётига ўтишнинг биринчи босқичи яъни истиқлолнинг тўрт йили мобайнида мамлакатимиз тараққиётининг барча жабҳаларида амалга оширилган тарихий ишларнинг амалий якунлари ва унинг сабоқлари, истиқболда бажарилиши лозим бўлган устувор ва долзарб вазифалар чуқур ва атрофлича таҳлил этилган.

Шунингдек, бу ҳақда Корея Республикаси Миллий ассамблеяси собиқ спикери Ли Ман-сон Ўзбекистон Президентининг асарлари, шунингдек, унинг назарияси ва раҳбарлигида Ўзбекистонда тадрижий ва босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётган ислохотлар билан анчадан буён яхши таниш эканлиги, сўнгги ўн йил ва асосан авж олаётган жаҳон молиявий инқирози нафақат асосий ижтимоий-сиёсий ислохотларни амалга ошириш, балки жаҳон инқирози оқибатида юзага келган мураккаб вазиятдан чиқиш борасида ҳам Ўзбекистон томонидан танланган йўлнинг тўғри эканлигини аниқ кўрсатгани ҳақида ёзади. У саноатни модернизация қилиш ва техник жиҳатдан янгилашда банк ва молия тизимини такомиллаштиришнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши Ўзбекистонга ташқи салбий таъсирдан келаётган зарарни камайтириши ва асосий макроиқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш имкониятини берганини таъкидлаган. Юқорида кўриб чиқилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг турли моделлари барча мамлакатларни битта манзилга – эркин бозор иқтисодиёти тизимига олиб келади. Аммо, бозор муносабатлари шаклланишининг социал-иқтисодий, тарихий, миллий ва халқаро шароити ҳар хил бўлганлиги туфайли, унга ўтишнинг миллий хусусиятлари ҳам мавжуд бўлади.

¹ Левитин Л., Карлайл Д. Ислом Каримов – янги Ўзбекистон Президенти. – Т.: «Ўзбекистон», 1996. – Б.44.

Шу нуқтаи назардан бирор мамлакатнинг тараққиёт йўлини ёки тараққиёт моделини борлигича қабул қилиб бўлмайди. Францияда чоп этиладиган «Либерасьон» газетаси мухбирининг «Туркия модели» хусусида берган саволига Президент Ислом Каримов қуйидагича жавоб берди: «Туркия бозор муносабатлари йўлига ўтиб эришган туб ўзгаришлари билан ҳам ҳурматга лойиқдир. Бироқ, мустақил Ўзбекистон Туркия йўлидан кўр-кўрона нусха кўчирмоқчи эмас. Одамзод бировнинг бўйига қараб ўзига тўн бичмайди»¹.

Ўз мамлакати миллий манфаатларини ҳисобга олмай, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлигини таъминлаш мумкин эмас. Турли хорижий мамлакатлар тараққиёт моделига кўр-кўрона таяниб, иш тутган МДХ доирасидаги айрим мамлакатларда ислохотларда депсиниш ҳоллари, ташқи қарзга ботиш, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида очилиб, ўзининг заиф томонларини кўрсатди.

Президент Ислом Каримов бозор муносабатларига ўтишда ўхшаши бўлмаган, бетакрор яхлит андозамизни ишлаб чиқди ва ўз йўлимизни белгилаб берди. *Бу йўл уч таркибий қисмдан иборат:*

➤ ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти миллий андозаси моҳиятининг тавсифи (характеристикаси);

➤ қатъий марказлаштирилган маъмурий-бўйруқбозлик тизимидан хўжалик юритишнинг бозор муносабатларига асосланган йўлига ўтишнинг энг муҳим принциплари;

➤ иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг, тангликдан чиқиб олишнинг, барқарорликни ва муҳим ижтимоий-иқтисодий ривожланишни таъминлашнинг аниқ йўналишлари.

Бу уч таркибий қисм, яъни янги дастурнинг эскиларидан фарқи нимада, деган саволга Президент Ислом Каримов «Истиқлол йўли: муаммолар ва режалар» рисоласида (1992) қуйидагича жавоб берган: «Биринчидан, унда Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўлиқ акс этган. Иккинчидан, бу дастур хом хаёл гаплардан иборат эмас, балки жамият тараққиётининг устувор йўналишлари хусусида»дир.

Мустақилликни қўлга киритган ҳар бир мамлакат ўз тараққиёт йўлини излаган, янги жамият барпо этиш борасида ўз миллий андозасини ишлаб чиққан. Бунда илк пойдевор вазифасини:

➤ кишиларнинг ўз қадриятлари тизими ва аниқ мақсадни кўзлаб

¹ Каримов И. А. Истиқлол йўли: муаммолар, режалар. – Т.: «Ўзбекистон», 1992. – Б.11.

тутилган йўли;

- миллий анъаналар ва тарихий шарт-шароит;
- реал ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муҳит;
- одамларнинг таркиб топган турмуш тарзи ва дунёқараши

ўтаган.

«Ўзбекистон йўли» Ислом Каримов бозор ислоҳоти юзасидан олға сурган беш тамойилга асосланади. Уларнинг моҳияти куйидагича:

Иқтисод сиёсатга нисбатан устувор бўлиши зарур – бу қоида иқтисодий фаолият ижтимоий ҳаётнинг бирламчи асоси эканлигидан келиб чиқади. Иқтисодиёт қандай бўлса, ижтимоий ҳаётнинг бошқа томонлари ҳам шунга яраша бўлишини тарих тасдиқлаган.

Давлат бош ислоҳотчи бўлмоғи керак – бу бозор иқтисодиётига ўтиш учун зарур бўлган ислоҳотлар кенг жамоатчилик иштирокида, давлат ишлаб чиққан дастурлар асосида, унинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида амалга оширилади.

Қонунлар ва уларга риоя қилиш устуворлиги – бу тамойил қонунлар олдида барчанинг бараварлиги, қонунларга риоя этиш, ҳамма учун ҳам фарз, ҳам қарз бўлишини билдиради. Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниши, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар, қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади.

Фаол ижтимоий сиёсат юргизиши – Ўзбекистон концепциясида аҳолининг кенг қатламлари, энг аввал унинг ночор гуруҳларининг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш чора-тадбирларини кўриш зарур, деб қаралади. Ҳимоялаш дастурлари аҳолининг руҳияти ва кўникмаларини эътиборга олиши зарур.

Бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиши – тоталитар тизим ўз-ўзидан бозор тизимига айлана олмайди, уни фақат чуқур ислоҳ қилиш билангина бозор тизимига ўтиш мумкин. Тарихда ҳеч қачон бир иқтисодий тизимдан бошқасига ўтиш бирданига, қисқа вақт ичида ва фармон эълон қилган билан бўлмайди.

Бу қоидалар ўз истиқлол, ривожланиш ва тараққиёт йўлимизга асос қилиб олинган бўлиб, ўтиш даври дастурининг негизини ташкил этади.

Бу бешта қоидага ўз муносабатини Германиянинг собик канцлери Гельмут Коль шундай билдирди: «Давлат ривожининг беш тамойилини ишлаб чиқиб, уни қўрқмай оламга эълон қилаётган янги давлатнинг раҳбари тутган йўл муваффақиятнинг гаровидир»¹.

Бу қоидалар Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қилиб бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали бозор иқтисодиётига ўтишни билдиради.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Фақат фармонлар, фармойишлар чиқариш билан бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. У узок тарихий тараққиётнинг натижаси бўлиб, тегишли инфраструктурани ва ҳуқуқий асосни яратишгина эмас, шу билан бирга, кадриятлар тизимида чуқур ўзгаришларни, хўжалик фаолияти ва амалий муносабатларни асослашни ҳам кўзда тутди»², – деб таъкидлаган.

Мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичида Ўзбекистон Республикаси ўз тараққиёт йўлининг салмоқли қисмини босиб ўтди. Иқтисодий ва сиёсий тизимни янада ислоҳ қилиш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш, ички ва ташқи сиёсатни шакллантиришнинг пухта базаси яратилди.

2. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси деганда тоталитар иқтисодий тизимдан бозор иқтисодиётига ўтишнинг қонун-қоидалари ва унинг Ўзбекистондаги хусусиятларига оид илмий қарашлар мажмуи тушунилади. Бу концепция умумлашган ҳолда Президент Ислом Каримовнинг рисолалари, мақолалари ва нутқларида, асарларида, мамлакат Олий Мажлиси қабул этган қарорлар ва қонунларда, ўзбекистонлик олимлар ва мутахассисларнинг асарларида атрофлича ишлаб чиқилди. Бу концепция умумлашган ҳолда Ислом Каримовнинг «Истиқлол йўли: муаммолар

¹ Шарифхўжаев М. Истиқлол истиқболлари. – Т.: «Ўзбекистон», 1994. – Б. 66.

² Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б. 315.

ва режалар» (1992), «Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли» (1992), «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» (1993), «Ўзбекистон иқтисодий сиёсатининг устувор йўналишлари» (1993), «Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида» (1995), «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: ...» (1997), «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» (2000), «Бизнинг бош мақсадимиз жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир» (2005), «Ватанимиз ва халқимизга садоқат билан хизмат қилиш – олий саодатдир» (2007), «Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўлида» (2007), «Юксак маънавият – енгилмас куч» (2008), «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози», «Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» (2009), «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» (2010), «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» (2010), «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» (2011), «Бизнинг йўлимиз демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир» (2011) асарларида баён этилган ва мамлакатимиз иқтисодий тафаккур тарихида ўзига хос саҳифа бўлиб, шубҳасиз эркин илмий изланишлар маҳсулидир. Юқоридаги асарларда билдирилган фикр-мулоҳазаларни миллий мустақиллик назариясининг ажралмас қисми деб қараш зарур, чунки иқтисодиётни ривожлантирмай туриб миллий мустақилликни таъминлаш мумкин эмас. Шунингдек, **мазкур асарлар иқтисодиёт назарияси фанининг ривожланишида муҳим методологик манба бўлиб хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси реал иқтисодий шароитдан келиб чиққанлигини ҳаётнинг ўзи исботлади. Гап шундаки, Ўзбекистон, *биринчидан*, социалистик иқтисодий тизим шароитида, *иккинчидан*, эса Совет империяси таркибида ривожланди. Бу эса уни қолоқликка маҳкум этди. Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75–80 ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг структураси, таркибининг янгилаши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.

Мустақил Ўзбекистон иқтисодий янгилашга муҳтож эди, бунинг учун эса бозор муносабатларини яратиш керак бўлди. Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатларига ўтишдан бошқа нажот йўли йўқ. Президент Ислам Каримов «жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асосланиб олинган»лигини таъкидлайди. Аммо бу йўлнинг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари борлигини, Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади ва бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигини кўрсатади¹.

Бозор иқтисодиётига ўтишнинг йўллари²:

Ривожланган мамлакатлар йўли – бу йўл асрлар оша тарихий-табиий жараён сифатида амалга ошиб, узундан-узоқ давом этган ўзгаришлар орқали бозор иқтисодиётига хос белгилар юзага келади. Бу йўл – бозор иқтисодиётининг ўзига хос классик шаклланиш жараёнидир.

Мустамлакадан озод бўлиб мустақил тараққиёт йўлига ўтиб ривожланаётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси мамлакатлари йўли – иккинчи йўлга хос муҳим томон – бу мустамлакачиликдан мерос қолган қолоқ анъанавий иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтишдир. Бунда бозор иқтисодиётига хос белгилар хўжалик турларининг трансформацияси орқали рўй беради. Натурал хўжалик бозор доирасига тортилиб, товар хўжалигига айланади ва ундан бозор иқтисодиёти белгилари ўсиб чиқади.

Собиқ социалистик мамлакатлар йўли – учинчи йўлнинг муҳим белгиси – тоталитар иқтисодий тизимдан эркин бозор тизимига ўтиш ҳисобланади. Тоталитар тизим давлатлашган социализм шаклида амал қилган. Унга давлат мулкининг танҳо ҳукмронлиги, иқтисодиётнинг ўта давлатлашган бўлиши, моддий неъматларни давлат бир текисда тақсимлаши, хусусий-иқтисодий фаолиятнинг ман этилиши, тадбиркорликни бўғиб қўйиб, маҳаллий ташаббусга йўл бермаслик, экспорт-импортни қаттиқ назорат қилиш, иқтисодиётнинг ўта ҳарбийлашган бўлиши хосдир.

Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини Асосий қонун – республика Конституцияси ташкил этади. Шу боис

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., 1993. – Б. 22.

² Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодий назария: Дарслик. – Т., 2006. – Б. 88–89.

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шарти бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

Бозор иқтисодиёти қонунчиликка таяниши, унга хос бўлган фаолият қоидалари, иқтисодий муносабатлар қабул қилинган ҳуқуқий қонунларда қайд этилиши зарурлиги Ўзбекистон концепциясида ҳисобга олинади. Қабул қилинган амалдаги қонунлар таркибида, бозор муносабатларини тартибловчи, уларнинг маълум йўналишда бўлишини таъминловчи ва иқтисодиётга оид қонунлар алоҳида ўрин тутади. Давлатимиз раҳбари: «Яхлит бозор тизими вужудга келиши учун унинг турли томонларига оид барча қонунлар ўзаро мувофиқлашган бўлиши шарт. Қонунлардаги номувофиқликларга йўл қўйиб бўлмайди», – деб таъкидлагани барчамизга маълум. Дарҳақиқат, қонунлар барча фаолият турларининг узвий боғланишига хизмат қилганда ҳақиқий бозор муносабати келиб чиқади. Мустақиллик йилларида қонунларни амалга ошириш, уларни таъсирчан қилиш учун зарур бўлган барча дастак ва воситалар яратилишига эришилди. Амалдаги қонунлар биз интилаётган фуқаролик жамиятининг иқтисодий негизини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда. Президент Ислом Каримов мукамал қонунларсиз бозор иқтисодиёти амал қила олмаслигини инобатга олиб: «Ижтимоий йўналтирилган маданий-маърифий бозор хўжалигини тегишли равишда ҳуқуқий жихатдан таъминламасдан туриб бундай хўжаликни шакллантиришни тасаввур қилиб бўлмайди»¹, – деб таъкидлайди.

Бозор иқтисодиётига хос ҳуқуқий тизим ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш тамойиллари:

- қонунларнинг ҳаёт, амалиёт билан узвий боғлиқлиги ва ундан келиб чиқиши;
- қонун ҳужжатлари бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак;
- қонунга бўйсунуш ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусиятидир;
- қонуннинг устуворлигини таъминлаш;
- ҳуқуқий маданият юқори даражада бўлиши керак.

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т., 1993. – Б. 67.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида Президент Ислон Каримов «бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур»лиги вазифасини қўйди.

Давлат иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари:

- бозор иқтисодиёти ҳуқуқий асосларини таъминлаш;
- бозор механизми яхлитлиги ва унинг меъёрида ишлаши учун шарт-шароит яратиш;
- аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва даромадларини адолатли тақсимлаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза этиш;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг самарали ривожланишини таъминлаш.

Бунда (1991–2000 йиллар) **давлатнинг иқтисодий вазифалари:**

- тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқиш ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилайди ва бу борадаги тактик хатти-ҳаракатларни амалга оширади;
- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий эркинликларнинг кафолати вазифасини ўтайди;
- бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради;
- вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмалари қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашади;
- аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатни амалга оширади (устувор йўналишларни аниқлайди);
- ҳамма маълум иқтисодий воситалар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва бевосита таъсир ўтказишнинг чоралари орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солади;
- иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этади.

Ўзбекистон концепциясида Президент Ислон Каримов «Ўзбекистон ўз янгилашиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири сифатида бозор иқтисодиётига ўзининг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсат ўтказиш» зарурлигини кўради ва ижтимоий сиёсатни амалга ошириш босқичларини белгилаб бердики, бу жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози

шароитида ижтимоий хавфсизликни таъминлаш шарти бўлиб хизмат қилди.

Ижтимоий сиёсатни амалга ошириш босқичлари. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Бозор механизмларини жорий этишдан олдин инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари амалга оширилмоғи лозим»¹, – деган эди. Юртбошимиз Швеция, Германия, Австрия ва бошқа мамлакатлар тажрибасига таяниб, кафолатланган ижтимоий ҳимоя механизми яратилсагина, ижтимоий-сиёсий барқарорликни сақлаган ҳолда иқтисодиётни ислоҳ қилиш зарурлигини таъкидлайди. Чунки:

➤ ижтимоий сиёсат аҳоли моддий аҳволининг кескин ёмонлашиб, оммавий равишда қашшоқланишига йўл қўймасликдан иборат;

➤ ижтимоий сиёсатнинг ижтимоий ҳимояланиш воситаларини чуқурлаштириш ва ўзгариб бораётган шароитларга мослаштиришдан иборат;

➤ ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари фақат шундай ҳимояга ҳақиқатан ҳам муҳтож бўлганларга нисбатан қўлланилади.

Бозор муносабатларини 1991–2000 йилларда шакллантиришнинг ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари:

➤ фуқароларнинг меҳнат қилиш борасидаги конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш;

➤ ижтимоий ҳимоялаш мақсадли ва аниқ йўналтирилган бўлиши керак;

➤ аҳолининг ижтимоий жиҳатдан энг муҳтож табақаларини қўллаб-қувватлаш;

➤ иқтисодий жиҳатдан фаол аҳоли меҳнатини рағбатлантириш;

➤ реал меҳнат бозорини шакллантириш;

➤ ижтимоий соҳа, соғлиқни сақлаш, таълим, маданият ва санъат, илм-фаннинг ривожланмай қолишига йўл қўймаслик.

Инсонпарварлик ғояларига содиқликни юзага чиқариб, кундалик ҳаётда “Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси”да мустаҳкамланган меъёрларни изчилик билан, оғишмай қарор топтириш мақсадида **Ўзбекистоннинг ижтимоий бозор иқтисодиётида қуйидаги муҳим элементларга эътибор қаратилди:**

➤ кишилар фаровонлигини оширишни таъминлайдиган пировард натижага эришишга қаратилган ижтимоий йўналиш;

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. – Т., 1996. – Б. 65.

➤ иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этиш билан меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан етарли даражада таъминланган ҳолда макроиқтисодиётни ўстириш ўртасидаги тенг нисбат;

➤ қиймат, талаб ва таклифлар қонунининг амал қилиши асосида барча хўжалик юритувчи субъектларни ишлаб чиқаришдан энг кўп самара олиш йўлини излашга ундашни таъминловчи бозор механизмидан фойдаланиш асосида иқтисодий бошқариш;

➤ ишлаб чиқаришнинг бевосита давлат томонидан бошқарилишидан узоқлашиш, иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқликдан келиб чиққан ҳолда, фаолият турини, етиштириладиган маҳсулот ҳажмини ва хилини, ишлаб чиқариш хўжалик алоқаларини аниқлаш эркинлигини товар ишлаб чиқарувчиларнинг ўзига бериш;

➤ инвестиция сиёсатининг устувор жиҳатларини танлашда ва чет эл сармоясини жалб этишда мақсадга мувофиқ шартларни жорий этиш, иқтисодий дастаклар ва рағбатлардан фойдаланиш, ишончли ижтимоий кафолатларни таъминлаш йўли билан иқтисодиётни бошқаришда давлатнинг фаол ролини сақлаб қолиш.

Мана шундай шароитда республика олдида турган асосий масала бир тизимдан иккинчи бир тизимга ўтишда одамларнинг яшаш даражасини оғирлаштирмаслик эди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов «Мустақилликка эришиш даври ҳақида, эски тузум инқирозга дучор бўлиб, собиқ Иттифок парокандаликка юз тутган бир пайтда мамлакатимизда тобора кескин тус олган сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазият, ўзлимизни англаш ва топталган миллий ғуруримизни тиклашга қаратилган интилиш кучайиб боргани, Ватанимиз мустақиллигини кўлга киритиш қандай шароитда кечгани ҳақида яхлит, ягона ва холис кўз билан қараб баҳо берадиган жиддий таҳлил-тадқиқот ҳозиргача амалда йўқлигини афсус билан айтишга тўғри келади.

Ўзбекистон мана шундай таҳликали ва мураккаб вазиятда қандай мақсадларни кўзда тутиб, қандай амалий чора-тадбирларни амалга оширганини, бу ҳаракатларнинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ва омиллари, керак бўлса, истиқлол ўзбек халқига тухфа тариқасида берилмагани – буларнинг барчаси ҳақида ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб берадиган изланиш ва таҳлил

бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини»¹ қайд этади.

Маълумки, СССР парчаланиб кетганидан кейин собиқ совет худудида жуда кескин ва таҳликали вазият юзага келди. Бу эса бошбошдоқликнинг олдини олиш, ҳуқуқ-тартиботни сақлаш ва аҳолининг энг зарур, биринчи галда, озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини таъминлаш бўйича зудлик билан тегишли чоралар кўришни талаб этди. Ўша қалтис ва мураккаб даврда юртимизда бор-йўғи ўн-ўн беш кунга етадиган буғдой ва ун захираси қолгани, мамлакат амалда очарчилик остонасига келиб қолганини ёддан чиқариб бўлмайди.

Табиийки, бундай ҳол аввало бутун совет тизимига хос бўлган марказлаштирилган усулда режалаштириш ва тақсимлашдек иллатларнинг таъсири эди. Лекин, энг ёмони, Ўзбекистон иқтисодиёти асосан хом ашё тайёрлашга йўналтирилгани, бирёқлама ривожланиш ҳисобидан мўрт ва ночор ҳолга тушиб қолган бўлиб, иқтисодиётга, экология ва аҳоли генофондига ҳалокатли таъсир ўтказадиган пахта яккаҳокимлиги юртимиздаги вазиятни жар ёқасига олиб келиб қўйган эди. Бунинг оқибатида улкан табиий, минерал-хом ашё, меҳнат ва инсон салоҳиятига эга бўлишига қарамай, республикамиз собиқ СССРда аҳоли турмуш даражаси, ижтимоий ва гуманитар соҳалар ривожини бўйича охириги ўринлардан бирида турар эди. Буни аҳолини рўйхатга олиш бўйича 1989 йилда ўтказилган статистик маълумотлар ҳам тасдиқлайди.

Боз устига, амалдаги совет пули ўз қимматини йўқотиб бўлган, янги миллий валютамиз эса ҳали жорий этилмаган эди. Бундай шароитда иқтисодиётнинг фожиали равишда инқирозга юз тутиши ва инфляциянинг ўта кескин, ҳатто йилига минглаб фоизга ўсиб кетишини жиловлаш фавқулодда муҳим аҳамият касб этар эди. Биринчи галда илгари шаклланган хўжалик, ишлаб чиқариш ва молиявий алоқаларнинг бутунлай узилишига барҳам бериш, оммавий ишсизликнинг олдини олиш зарур эди.

Ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, худудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал

¹ Каримов И. А. Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 2007. – Б. 4.

кайфиятларнинг, айниқса, ёшлар ўртасида кучайиши ғоят жиддий хатарга айланган эди. Қисқача айтганда, туб илдизлари совет давлатининг сўнгги йилларига бориб тақаладиган ички ва ташқи можаролардан мамлакатимизни асраб қолиш талаби ўта кескин бўлиб турар эди.

Бу ўринда, авваламбор, эл-юртимиз бошидан кечирган 1984–1989 йиллардаги мудҳиш қора кунларни эслаш кифоя, деб ўйлайман. Ўша даврда республикада юзага келган оғир ижтимоий аҳвол сабабли аҳолининг кучайиб бораётган норозилигининг олдини олиш ва тўхтатиш учун КПСС Марказий комитети қарори билан Ўзбекистонга юборилган, халқ жуда топиб, «десантчилар» деб атаган гуруҳ томонидан содир этилган қонунсизлик ва зўравонликни кўпчилик яхши эслайди. Бу ҳақда гапирганда, Қувасой, Фарғона ва Қўқон, Наманган, Бўка ва Паркент, Гулистон, Тошкент ва Ўшда рўй берган фожиали воқеалар одамларимиз қалбида қолдирган битмас жароҳатларни, юртимизга чет элдаги марказлар томонидан молиявий таъминланган ва бошқарилган террорчи тўдалар Сурхондарё ва Тошкент вилоятларининг тоғли туманлари орқали суқилиб кирган таҳликали кунларни ҳам эслашимиз лозим. Агарки ана шу ёвуз ниятли кучларнинг қабих ва узокни кўзлаган бузғунчилик мақсадлари амалга ошганида борми, мамлакатимиз фуқаролар уруши олови ичида қолиб кетган ва унинг оқибатлари, ҳеч шубҳасиз, бутун Ўрта Осиёдаги вазиятни портлатиб юборган бўлур эди.

Республикада вужудга келган бундай ўта мураккаб ва фожиали шароитда Президент Ислом Каримов ўзини йўқотмасдан, вазминлик сиёсати билан иш тутиб, қатъий сиёсий иродани намоён этиб, мамлакатни чуқур таназзулдан олиб чиқишга қаратилган, ҳар томонлама пухта ўйланган стратегияни ишлаб чиқди ва уни амалга ошириш учун жамиятдаги барча соғлом кучларни сафарбар этганлигини қайта-қайта ва такроран эслаш жоиз.

Биз сиёсий ва иқтисодий тараққиёт, давлат ва жамият қуриш стратегиясини барпо этишда халқимизнинг тарихан шаклланган миллий ва маданий ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган, мамлакатимизнинг мавжуд табиий-иқтисодий, минерал хом ашё ва инсоний салоҳиятини холисона ва жиддий баҳолаган ҳолда, жаҳон хўжалик алоқалари тизимида ўзимизга муносиб жой эгаллашни мақсад қилиб қўйиб, бундай марраларга эришишни асосий вазифамиз сифатида белгилаб олдик.

Шу борада мамлакатимизни ислоҳ қилиш ва миллий давлатчилик пойдеворини барпо этиш бўйича қабул қилинган ана шу стратегияни амалга оширишдаги биринчи қадамларимизнинг нималардан иборат бўлганини яна бир бор эслаб, уни нималардан иборат бўлганлигини келтиришни лозим топдик.

Аввало, тарихан жуда қисқа муддатда Асосий қонунимиз – Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Бу қомусий ҳужжатда мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишининг асосий тамойиллари аниқ ифодалаб берилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд тармоқларига бўлиниши энг муҳим тамойил сифатида белгиланди. Шунингдек, инсон ҳуқуқларининг давлат манфаатларидан, умум-эътироф этилган халқаро ҳуқуқ нормаларининг эса миллий ҳуқуқий меъёрлардан устунлиги ҳам Конституцияда муҳрлаб кўйилди. Асосий қонунимизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмаслиги ва ижтимоий-сиёсий ҳаёт сиёсий институтларнинг ранг-баранглиги, мафкура ва фикрларнинг хилма-хиллигига асосланиши белгилаб берилди. Айни пайтда барча мулк шакллариининг тенг ҳуқуқлилиги шароитида хусусий мулкнинг устуворлиги конституциявий асосда мустаҳкамлаб кўйилди.

Ана шу тамойилларни инобатга олиб, давлат ва иқтисодиётни бошқаришнинг мустабид, марказлашган тизимига барҳам бериш, мустақил Ўзбекистоннинг янги сиёсий ва давлат тузилиши асосларини, аввало қонунчилик тизимини шакллантириш, марказда ва жойларда ваколатли ҳокимият органларининг яхлит тизимини ташкил этишга қаратилган ишлар аниқ мақсадни кўзлаб босқичма-босқич амалга оширилди.

Иккинчидан, мураккаб ўтиш даврида қабул қилинган қонунларнинг амалда бажарилишини таъминлай оладиган, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга қодир бўлган ижро ҳокимиятининг самарали тизими ва тузилмаларини яратиш муҳим аҳамиятга эга эди. Шу мақсадда туб маъмурий ислоҳотлар амалга оширилди: марказлашган режалаштириш ва тақсимлаш тизимининг таянчлари бўлган Давлат план комитети, Давлат таъминот комитети, Давлат нарх комитети, Давлат агросаноат комитети ва кўплаб тармоқ вазирликлари тугатилди, маҳаллий ҳокимият органлари қайта ташкил қилинди – вилоят, туман ва шаҳарларда ҳокимлик институти жорий этилди.

Ўтган давр мобайнида миллий иқтисодиётни шакллантириш ва уни тубдан ислоҳ қилиш мамлакатимиз мустақил тараққиётининг энг муҳим омили ва асосини ташкил этганини алоҳида таъкидлаш зарур. Бу борада давлатимиз олдида республика ва аҳоли эҳтиёжини, биринчи навбатда ёқилғи-энергетика ресурслари, истеъмол ва озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабни ишончли тарзда қондиришдек долзарб ҳаётий вазифа турар эди.

Юртимизда ёқилғи-энергетика ва ғалла мустақиллигига эришиш муҳим стратегик вазифа сифатида кун тартибига қўйилди. Бу ўринда аввало шуни айтиш лозимки, Ўзбекистон табиий газ, нефть ва газ конденсати бўйича аниқланган улкан саноат захираларига эга бўлганига қарамасдан, илгари иқтисодиёт тармоқлари ва аҳоли эҳтиёжини қондириш учун йилига 6–7 миллион тонна нефть ва нефть маҳсулотларини четдан келтириш ва бунинг учун катта миқдордаги валюта ресурсларини сарфлашга мажбур бўлар эди. Бу жиддий муаммони ҳал этиш мақсадида қисқа фурсат ичида Ўзбекистондаги углеводород хом ашёсини қазиб олиш ва қайта ишлаш бўйича мақсадли дастурлар ишлаб чиқилди ва амалга оширилди. Янги нефть-газ конларини аниқлаш, нефть ва табиий газни қазиб олиш учун зарур бўлган инвестициялар топилди, жумладан, хориж сармояси жалб этилди. Бухорода нефтни қайта ишлайдиган янги замонавий завод барпо этилди, Фарғона ва Олтиариқдаги нефтни қайта ишлаш заводлари модернизация ва реконструкция қилинди, уларнинг барқарор ва ишончли фаолият кўрсатиши учун шарт-шароит яратилди.

Шунингдек, ўзининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятига кўра ўхшаши бўлмаган Шўртан газ-кимё мажмуи каби ноёб иншоот барпо этилди. Ушбу корхонада тайёрланаётган суюлтирилган газ, турли маркадаги полиэтилен ва бошқа маҳсулотларга нафақат мамлакатимиз, балки чет элларда ҳам талаб катта эканини қайд этиш лозим.

Мустақиллик йилларида ана шундай йирик корхоналарнинг қурилиши ва реконструкция қилиниши натижасида ҳозирги вақтда юртимизда нефть маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 3 баробардан зиёд ортди. Бугунги кунда Ўзбекистон бу борада мамлакатнинг ва аҳолининг ўсиб бораётган эҳтиёжларини таъминлаш билан бирга, экспорт ҳажмини ҳам кўпайтиришга эришди.

Асака ва Самарқанд шаҳарларида автомобиль заводларини барпо этганимиз туфайли мустақиллик йилларида автомобиллар сони кескин ошди ва ҳар 100 оиланинг автомобиль билан таъминланиш даражаси 6 баробардан зиёд ўсди. Ўз-ўзидан аёнки, республикамизда бензин ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотларига бўлган талаб ҳам шунга мос равишда ошиб бормоқда. Айнан нефть ва нефть маҳсулотлари ишлаб чиқаришни ошириш ҳисобига биз бугун жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётганига қарамасдан республикамизнинг ривожланаётган саноати ва аҳолининг кескин ўсиб бораётган мана шундай талаб ва эҳтиёжларини таъминлашга эришмоқдамиз.

Маълумки, мустақилликнинг дастлабки кунларида аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш бўйича ҳам ўта оғир қийинчилик ва муаммолар пайдо бўлган эди. Бу муаммонинг сабаби аввало шундаки, Ўзбекистон собиқ СССР ва социалистик лагерга мансуб мамлакатлар учун асосан пахта хом ашёси тайёрлар, ғалла ва ун маҳсулотларига бўлган ички эҳтиёжимизнинг 80 фоиздан ортиғи эса четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобидан қопланар эди. Шунинг ҳам таъкидлаш лозимки, ўша йилларда етиштирилган пахта хом-ашёсининг 7 фоизгинаси мамлакатимизнинг ўзида қайта ишланар, қолган қисми сувтекин нархда четга чиқарилар эди.

Аҳолини озиқ-овқат товарлари, жумладан, гўшт ва сут, юз фоиз четдан келтириладиган шакар маҳсулотлари билан таъминлаш борасида ҳам мураккаб вазият вужудга келган эди. Айниқса, аҳолини картошка билан таъминлашнинг аҳволи бунга яққол мисол бўлади. Ўша вақтда юртимизга ҳар йили Россия, Белоруссия, Польша ва бошқа мамлакатлардан қарийб 1 миллион тонна картошка келтирилар эди. Энг ёмони, бу маҳсулот ноябрь-декабрь ойларида келтирилгани учун музлаб, унинг катта қисми яроқсиз ҳолга келар ва чорвага ем бўларди. Бугун эса халқимизнинг картошкага бўлган эҳтиёжи тўлиқ ўзимизда етиштирилган ҳосил ҳисобидан қопланмоқда.

Ана шундай мураккаб бир даврда биз ғалла мустақиллигига эришишдек ҳаётий муҳим масалани ҳам ўз олдимизга устувор вазифа қилиб қўйдик. Биринчи навбатда қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилганимиз, мамлакатимиз иқтисодиёти ва экологиясига катта зарар етказган пахта монополиясига барҳам берганимиз туфайли бу вазифани ҳам муваффақиятли ҳал этишга эришдик. Ўзбекистон бугунги кунда ўзининг ғаллага бўлган эҳтиёжини қоплабгина

қолмасдан, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги таркибидаги қўшни мамлакатларга, Афғонистон, Эрон ва бошқа давлатларга ғалла ва ун маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Ушбу маҳсулотларнинг экспорт ҳажми Ўзбекистонда қарийб бир миллион тоннани ташкил этади.

Шуни таъкидлаш керакки, ғалла мустақиллигининг қўлга киритилиши мамлакатимиз аҳолисини нафақат ун ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш, айти пайтда унинг гўшт ва сут маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини барқарор равишда ўз ҳисобимиздан қондириш масаласини ҳам ҳал қилиш имконини берди. Бундай улкан ютуқлар замирида ана шу мураккаб вазифалар ечимини ўз зиммасига олган деҳқон ва фермерлар, қишлоқ хўжалигида, иқтисодиётнинг барча тармоқларида фаолият кўрсатаётган миллионлаб меҳнаткаш инсонларнинг фидокорона меҳнати ётибди.

Иқтисодий ривожланиш ҳақида гапирганда, марказдан режалаштириш ва тақсимлаш тизими самарали меҳнат, сифатли ва рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқариш, ташаббускорлик ва тадбиркорлик йўлида асосий ғов-тўсиқ бўлиб келганини таъкидлаш лозим. Шу сабабли ўзининг мутлақо яроқсиз эканини кўрсатган бу тизимнинг барча иллатларидан Президент раҳнамолигида бутунлай воз кечганимиз, айтиқса, принципиал аҳамиятга эга бўлди.

Дастлабки йиллардаёқ Ўзбекистон халқи учун янгилик бўлган бозор иқтисодиётининг асослари яратилди, бозор инфратузилмаси институтларини ташкил этиш ва рақобат муҳитини шакллантириш орқали бозор муносабатларининг механизми ишга туширилди. Мамлакатимизда хусусий мулкчилик тикланиб, унинг ривожини устувор аҳамият касб этди. Хусусий мулк конституциявий асосда ишончли кафолатга эга бўлди.

Иқтисодиётнинг асосий тармоқлари, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналарининг бутунлай давлат тасарруфидан чиқарилиши ва хусусийлаштирилиши натижасида мамлакатимизда амалда кўп укладли иқтисодиёт шаклланди, мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги синфи пайдо бўлди ва бу синф йилдан-йилга юртимиз ҳаётида тобора салмоқли рол ўйнамоқда.

Айти пайтда биз учун мутлақо янги бўлган, бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган молия ва банк тизимини шакллантириш ҳамда ўз миллий валютамизни муомалага киритиш ҳам улкан аҳамият касб этди. Албатта, миллий валютага ўтиш ва унинг қатъий тўлов қобилиятини таъминлаш осон кечгани йўқ, лекин қанчалар қийин ва оғир бўлмасин, Ўзбекистон 2003 йилдаёқ

унинг эркин конвертация қилинишига эришилди.

Замонавий икки поғонали банк тизимини яратиш орқали мустақил пул-кредит сиёсати юритиш, бюджет ва пул сиёсатининг масъулият доирасини аниқ белгилаб қўйиш, уларнинг ўзаро самарали муносабатини таъминлаш имконияти пайдо бўлди. Бунинг натижасида иқтисодиётимиз манфаатларини барқарор ва ишончли тарзда кондириб боришга эришилди. Хўжалик юритувчи субъектлар ва бюджет ташкилотларининг молиявий маблағлардан фойдаланиш борасидаги мустақиллиги сезиларли даражада ошди.

Ижтимоий нуқтаи назардан бошланғич босқичда, иқтисодиётни ва бутун жамиятни ислоҳ қилишнинг энг мураккаб ўтиш даврида кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва аҳолини ҳимоя қилишнинг ўхшаши бўлмаган, самарали механизми ишлаб чиқилиб, муваффақиятли амалга оширилди. Кўмакка муҳтож оилаларга моддий ёрдам беришда асосан ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тузилмаси бўлган маҳалла институти имкониятларидан фойдаланиш ўзини тўла оқлади. Бу, авваламбор, зарур моддий ва маънавий ёрдамни очиклик ва ошкоралик тамойиллари асосида аниқ йўналтириш – аҳолининг ҳақиқатан ҳам ночор қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларни ўтиш даврининг қийинчиликларидан ишончли ҳимоя қилиш имконини берди.

Шу тариқа биз юртимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъминлабгина қолмасдан, айти пайтда ислохотлар ва мамлакатни янгилаш борасида олиб бораётган сиёсатимизнинг халқимиз томонидан кенг қўллаб-қувватланишига ҳам эришдик.

Давлатимиз «**ўзини ўзи боқишга кучи етмаган ўлкадан бугун ўзининг куч-қудрати ва салоҳиятига таянган**»¹, изчил иқтисодий ўсиш таъминланаётган замонавий Ўзбекистонга айланди.

Юқоридаги ўз вақтида кўрилган оқилона чора-тадбирлар чет эл экспертлари таъкидлаганларидек, бугунги кунда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистонда енгил кечишининг омиллари бўлиб хизмат қилди ва қилмоқда.

Мустақил ва суверен давлат мақомини олган Ўзбекистон энди халқаро меҳнат тақсимоотида қатнашиш имконига эга бўлди. Шунингдек, тоталитар тизим ўзига хос усуллар билан анча кучли

¹ Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи. – Халқ сўзи. – 2012. – 1 сент.

ишлаб чиқариш, илмий-техникавий ва кадрлар салоҳиятини яратганлигини ҳам айтиб ўтиш жоиз. Унга таянган бозор иқтисодиётига ўтиш енгил кечади.

Таянч тушунчалар:

Концепция, ислоҳот, босқичма-босқич бозор иқтисодиётига ўтиш, бозор иқтисодиётининг афзалликлари, ижтимоий ҳимоя сиёсати, давлат бош ислоҳотчи, қонун устуворлиги, иқтисодиётнинг сиёсатдан устуворлиги, тоталитаризмдан бозор иқтисодиётига ўтиш, ижтимоий барқарорлик, давлат сиёсати.

Савол ва топшириқлар:

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепциясининг моҳиятини тушунтиринг.
2. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти сари боришидаги ўз йўлини қандай тушуниш керак?
3. Ўзбекистонга хос қандай хусусиятлар унинг бозор иқтисодиёти сари боришига таъсир этганини тушунтириб беринг.
4. Нима сабабдан давлат бош (асосий) ислоҳотчи бўлиши керак?
5. Нима учун бозор иқтисодиётига ўтиш босқичма-босқич амалга оширилишини изоҳланг.
6. Бозор иқтисодиётига ўтишда ижтимоий ҳимоянинг қандай аҳамияти бор?
7. БМТ, ХВФ ва Жаҳон банки ижтимоий соҳаларга 20 фоиздан ортиқ сарфламасликни тавсия этади. Лекин, халқаро экспертларнинг маълумотларига кўра, Ўзбекистон бюджетининг 59,2 фоиздан ортиғи ижтимоий тадбирларга сарфланаётгани сабабларини шарҳланг.
8. Қонун устуворлигини таъминлашнинг бозор иқтисодиётига ўтишдаги аҳамияти қандай?
9. Бозор иқтисодиётининг жадал боришини таъминловчи кучлар нималардан иборат?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Демократик бозор ислоҳотлари – халқ иштирокида, давлат томонидан ишлаб чиқилган бозор муносабатларини шакллантириш чоратадбирларининг давлат назорати остида амалга оширилиши дегани.

Бозорларни либераллаштириш – муайян институционал тўсиқларни бартараф этиш орқали эркин рақобатнинг янги иштирокчилари учун бозорларни очиш жараёни.

Демократик ислохотларни чуқурлаштириш – либераллаштириш (эркинлаштириш) даражасини янада ошириш, яъни иқтисодий эркинликни чуқурлаштириш ва кенгайтириш.

Бозор инфратузилмаси – бозор иқтисодиёти учун хизмат қилувчи соҳалар.

Иқтисодиётни либераллаштириш – муайян институционал тўсиқларни бартараф этиш орқали эркин, соғлом рақобатнинг янги иштирокчилари учун бозорларни очиш жараёни.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Ўзбекистон мустақилликнинг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустабид совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлини танлади. Янги давлат ва жамият қуришда амалда ўзини тўла оқлаган беш тамойил асос қилиб олинди.

Ушбу тамойиллар аввало коммунистик мафкурадан бутунлай воз кечганимизнинг яққол ифодаси бўлиб, йигирманчи асрнинг 90-йиллари бошидаги реал ҳаётни ўзида ёрқин акс эттирди ва мамлакатимизни ислоҳ этиш бўйича аниқ принципиал мақсад ва вазифаларни белгилаб олиш имконини берди.

Ўзбек халқи айнан ана шу тамойиллардан келиб чиққан ҳолда, янги давлат, янги жамият пойдеворини барпо этишга киришди. Айнан ана шу тамойилларни амалга ошириш зарурати туфайли *«Янги уй қурмай туриб, эскисини бузманг»*, *«Ислохотлар – ислохот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун»* деган, бугун кўпчиликка ёд бўлиб кетган ҳаётий шиорлар пайдо бўлди.

Мамлакатимизни ислоҳ этиш ва янгилашга қаратилган дастурий вазифаларни бажаришда Ўзбекистон ўз миллий кадриятларига, урф-одат ва анъаналарини сақлашга, халқимизнинг асрлар давомида шаклланган менталитетига ҳурмат билан муносабатда бўлишга катта эътибор қаратди. Шу билан бирга, муваффақиятли ва барқарор ривожланадиган замонавий демократик давлат қуришнинг ўзини оқлаган жаҳон тажрибасини чуқур ўрганиш ва қабул қилишга алоҳида эътибор қаратилди.

Тарихан қисқа вақт ичида совет давридаги эски маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам берилди, миллий давлатчиликни шакллантиришнинг пухта ҳуқуқий асослари яратилди, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилди, ижтимоий ва фуқаролик институтлари

фаолияти йўлга қўйилди, иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни амалга оширилди. Энг муҳими, аҳолининг онгу тафаккурида туб ўзгаришлар рўй берди, уларнинг узоқ йиллар мобайнида коммунистик ва совет мафкураси тамойиллари асосида шакллантирилган фикрлаш тарзи ва дунёқараши, бир сўз билан айтганда, одамларнинг ўзи ўзгарди.

2. Бугун янгича фикрлайдиган, ўз келажагини жамиятда демократик қадриятларни мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг келажагини жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашуви билан боғлиқ ҳолда кўрадиган янги авлод вакиллари ҳаётга кириб келмоқда.

Бу эса мамлакатимизда амалга оширилаётган туб сиёсий, иқтисодий, маънавий-маърифий ўзгаришларни ортга қайтариб бўлмаслиги, ислохотлар муқаррарлигининг ишончли кафолатидир. Бугун ана шу мустаҳкам пойдевор асосида мамлакатимизни жадал ислох этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг кейинги мантиқий босқичи изчил давом этмоқда.

3. Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш. Бозор иқтисодиётига хос янги ҳуқуқий тизимнинг ўзагини Асосий қонун – Республика Конституцияси ташкил этади.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг қонунчилик асосини яратиш – бу фақат ўтиш даврининг мажбурий шарти бўлиб қолмай, балки ҳуқуқий давлат барпо этишнинг ўзига хос хусусияти ҳамдир.

3.1. Бозор иқтисодиётига хос ҳуқуқий тизимни ва ҳуқуқий давлатни барпо этиш тамойиллари:

қонунларнинг ҳаёт, амалиёт билан узвий боғлиқлиги ва ундан келиб чиқиши;

қонун ҳужжатларининг бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши;

қонунга бўйсунуш ҳуқуқий давлатнинг муҳим хусусияти;

қонуннинг устуворлигини таъминлаш;

ҳуқуқий маданият юқори даражада бўлиши керак.

Ҳуқуқий тизим – мамлакат ҳудудида амал қиладиган барча юридик воситалар, институтлар ва муассасаларнинг йиғиндиси бўлиб, бутун жамият ҳаётининг ҳуқуқий ташкил этилишини ифодалайди.

3.2. Давлат иқтисодий ўзгаришларнинг ташкилотчиси ва бош ислохотчиси.

Бозор муносабатларига ўтиш даврида давлат бош ислохотчи бўлиши, иқтисодиёт ва ижтимоий турмушнинг ҳамма соҳаларини ўзгартириш режаларини тузиб, уни изчиллик билан амалга ошириши зарур.

3.3. Давлат иқтисодий фаолиятининг асосий йўналишлари:

- бозор иқтисодиёти ҳуқуқий асосларини таъминлаш;
- бозор механизми яхлитлиги ва унинг нормал ишлаши учун шарт-шароит яратиш;
- аҳолини иқтисодий жиҳатдан ҳимоя қилиш ва даромадларини адолатли тақсимлаш;
- атроф-муҳитни муҳофаза этиш;
- халқаро иқтисодий муносабатларнинг самарали ривожланишини таъминлаш.

3.4. Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари:

тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад йўналишларини ишлаб чиқади, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилайди ва бу йўлни ўтказиш юзасидан тактик хатти-ҳаракатларни амалга оширади;

бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий эркинликларнинг кафолати вазифасини ўтайди;

бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради;

вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмалари қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашади;

аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатни амалга оширади (устувор йўналишларни аниқлайди);

ҳамма маълум иқтисодий воситалар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва бевосита таъсир ўтказишнинг чоралари орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солади;

иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этади.

4. Ўзбекистоннинг ўз янгиланиш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўзининг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсат ўтказишдир.

5. Бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга оширилиши. Бозор иқтисодиёти томон изчиллик билан босқичма-босқич боришда Ўзбекистонга хос хусусият мана шундадир.

5.1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтишида дастлабки вазифалар:

бозор иқтисодиётининг ҳуқуқий асосларини яратиш;

фуқароларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш;

мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш;

бозор инфратузилмасини яратиш;

мулкнинг хилма-хил шаклларини ривожлантириш;

- бевосита хўжалик алоқаларини ҳар томонлама ривожлантириш;
- нарх-навони босқичма-босқич эркинлаштириш;
- иқтисодиётнинг очиклиги ва жаҳон тизимига кириб боришини таъминлаш;
- тадбиркорликни рағбатлантириш;
- иқтисодиётни маънавий барқарорлаштириш, миллий пулни жорий этиш.

5.2. *Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтиш хусусиятлари:*

- бу мавжуд хўжалик юритиш усулини янгилаш ёки такомиллаштириш эмас, балки тамоман янгича хўжалик юритиш тизимини жорий этишдир;
- бу бир сифат ҳолатидан иккинчисига ўтишдир;
- бу одамлар учун мутлақо янги ҳаёт фалсафасидир;
- бу бир вақтнинг ўзида бўладиган тадбир сифатида амалга оширилиши мумкин эмас, балки бир қанча босқичларни ўз ичига олувчи узоқ даврни талаб этади.

6. *Тараққиётнинг «Ўзбек модели»нинг ҳаётийлиги.* Мустақил ривожланишнинг ўтган даврини умумлаштириш ва таҳлил этиш ислоҳ қилишнинг «Ўзбек модели» асосли ва тўғри бўлиб чиқди, деб айтиш учун тўла имкон беради. Бугун уни обрўли халқаро иқтисодий ташкилотлар, жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари тан олмоқда. Энг асосийси – ҳаётнинг ўзи уни тасдиқламоқда.

7. *«Ўзбек модели»нинг амалий натижалари:*

- иқтисодга ортиқча сиёсий тус берилмади, мафкурадан холи этилди;
- иқтисодий ислоҳотларни ўтказишда давлатнинг роли кучайтирилди;
- бозор муносабатларига ўтиш одамлар онгини ўзгартириш билан боғлиқ ҳолда аста-секин амалга оширилди;
- иқтисодий ислоҳотлар кучли ижтимоий сиёсат билан қўшиб олиб борилди, бу ижтимоий кескинликнинг олдини олишга олиб келди;
- бор имкониятлар, чекланган ресурслар иқтисодиётнинг ҳаётий устувор соҳаларига қаратилди;
- мамлакатнинг нефть маҳсулотлари, газ, ёқилғи ҳамда дон билан таъминлаш соҳаларига устувор соҳалар деб қаралди;
- ишлаб чиқаришнинг кескин пасайишига йўл қўйилмади.

8. Ислоҳотлар натижасида Ўзбекистондаги барча ер ости ва усти бойликлари, барча корхоналар, транспорт ва алоқа воситалари, бой хом ашё, еримиз, сувимиз республика мулкига айлантирилади. Ўзбекистон

марказнинг иқтисодий соҳага ҳукмронлигидан халос бўлди, иқтисодиётимиз тўла-тўқис республика аҳолиси манфаатига хизмат қиладиган бўлди.

9. Ўзбекистон учун бош йўл ва мақсад иқтисодиёти ривожланган, халқи фаровон яшайдиган, инсон ҳақ-ҳуқуқлари тўла тантана қилган, чинакам демократик жамият барпо этишдан иборат. Шундай жамият сари боришнинг шарти бозор иқтисодиётига ўтиш ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти ишлаб чиқаришни барқарор ва шахдам ўстириш воситаларини юзага келтириши билан истиқболли ҳисобланади.

Бутун дунё тажрибаси кўрсатганидек, иқтисодий юксалиш учун бозор муносабатига ўтишдан бошқа умид йўли йўқ. Жаҳон цивилизацияси ижтимоий тараққиётнинг сифат жиҳатидан янги йўллари ишлаб чиқди, тартибга солинган бозор иқтисодиёти мана шу йўлга асос қилиб олинган.

10. Бозор иқтисодиётига ўтиш йўлининг ҳамма ерда ўзига хос хусусиятлари бор. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов томонидан ишлаб чиқилган Ўзбекистон концепцияси мана шундан келиб чиқади ва бозор иқтисодиётига ўтишда ўз йўли борлигига асосланади. Бу йўл бозор иқтисодиётини Ўзбекистоннинг ўзига хос шароитларини ҳисобга олган ҳолда изчиллик билан шакллантириб боришни, унга секин-аста, босқичма-босқич, халқни ҳимоя қила бориб, ижтимоий барқарорликни таъминлаш орқали ўтишни билдиради. Аммо бу бозор иқтисодиётига хос бўлган қандайдир янги миллий қонуниятлар бор ва улар фақат Ўзбекистонга хос деган сўз эмас. Бозор иқтисодиёти умуминсоний истиқбол йўли, инсоният учун умумий қадрият ҳисобланади, унинг ривожланиш қонун-қоидалари ҳам умумий, лекин бу умумийлик хусусийликни инкор этмайди, аксинча, уни тақозо қилади. Бозор иқтисодиёти мавҳумлик эмас, аниқ кўринишга эга ва бу ҳар бир мамлакатнинг ўзига хос шароитида ифода этилади.

11. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси шу иқтисодиётнинг туб белгиларини илмий изоҳлаган ҳолда, уларни шакллантириш йўллари очиқ беради. Бозор иқтисодиёти кенг маънода эркин, монополлашмаган, юксак ривожланган ва аниқ ижтимоий мўлжалга эга бўлган иқтисодиёт деб қаралади, унга иқтисодий фаолият эркинлиги, мулк шакллари тенглиги; иқтисодиёт субъектларининг рақобатлашуви, хўжалик юритиш шакллари турли-туманлиги, иқтисодиётни тартиблаш зарурлиги, ижтимоий ҳаётда ижтимоий ҳамкорлик муносабати бўлиши қайд этилади.

12. Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли – бу ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўли, янги иқтисодий тизим замирида инсон манфаатини юзага чиқариш, унинг меҳнатини қадрлаш, аҳолининг ночор қатламларини

ижтимоий ҳимоялаш мақсадлари ётади. Тарихан тасдиқланган тажрибага кўра, бозор механизми ижтимоий янгилашни энг самарали воситаси ҳисобланади, чунки у халқнинг ижодий ва меҳнат потенциалини тўла ишга туширади, боқимандалик ва текинхўрлик кайфиятига чек қўяди, иқтисодий ташаббус ва ишбилармонликни ривожлантиради, ҳар бир кишини миллий бойликни орттиришдаги масъулиятини оширади, ҳар бир кишини бой қилиш орқали жамиятни ҳам бой қилиб боради. Бозор муносабатлари ишлаб чиқаришни истеъмолчининг талаб-эҳтиёжига бўйсундиради, янгиликка, тежамли хўжалик юритишга, касбий маҳорат ва ташаббусни қадрлашга ундайди.

13. Ўзбекистон концепцияси бозор иқтисодиётини илоҳийлаштиришдан йироқ, унинг ўз муаммолари борлигини эътироф этади, унга ўтиш узок давом этишини, иқтисодий беқарорлик, ишлаб чиқариш муносабатларида бузилишлар бўлиши сингари нохуш воқеалар бўлиб туришини назардан қочирмайди ҳамда давлат иштирокида уларнинг олдини олиш ва ёйилишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради. Унга кўра бозор иқтисодиёти инқилобий сакрашлар, ижтимоий тўқнашувлар орқали эмас, балки тинчлик вазиятида, кетма-кет эволюцион ўзгаришларни ўтказиш орқали шаклланади.

14. 21 йиллик мустақил тараққиёт йиллари мобайнида иқтисодий ютуқларни таҳлил этар эканмиз, бу натижаларга аввало кенг кўламли тизимли бозор ислохотларини жорий этиш ва хорижий инвестицияларни жалб қилиш, иқтисодиётда чуқур таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш ҳамда бошқа изчил ислохотлар, пухта ўйланган сиёсат орқали эришаётганимизни алоҳида қайд этиш лозим.

Бу ҳақда чет эл экспертлари ҳар йили дунёнинг 162 та мамлакати бўйича иқтисодий эркинлик индексини эълон қиладиган «Наследие» фонди халқаро рейтинг агентлигининг бу борадаги хулосаси эътиборга сазовор. Бу ташкилот 2000–2007 йилларда Ўзбекистонда эркинлаштириш индекси 18 пунктга яхшиланиб, 53 фоизни ташкил қилганини эътироф этган эди. 2011 йилда эса «Gallup International» тадқиқот маркази томонидан ўтказилган сўров тадқиқотларига кўра, Ўзбекистон аҳолиси ҳаётдан мамнун бўлиб яшаш бўйича анча юқори мавқеда экан. Ўзбекистон бу борада 13 ўринда туриши эътироф этилган. Яъни мамлакатимизда бахтиёрлик индекси 62 фоизни ташкил қилар экан.

Ҳеч шубҳасиз, бу кўрсаткичлар миллий иқтисодиётимизни эркинлаштириш соҳасида сезиларли даражада ривожланишга эришганимиздан далолат беради. Нуфузли халқаро ташкилотнинг ушбу эътирофи мамлакатимизда изчил олиб борилаётган иқтисодий ислохотлар, мустақилликнинг илк давриданоқ белгилаб олинган қатъий ижтимоий-

иқтисодий сиёсатнинг собитқадамлиги билан боғлиқ бўлиб, «Ўзбек модели»нинг ҳаётийлигини яна бир бор исботлади.

Юқоридаги эътироф, шубҳасиз, Ўзбекистон – улкан имкониятлар мамлакати эканлигини тасдиқлайди. Улардан оқилона фойдаланишда ҳамжихатлик, аҳиллик ва меҳр-оқибат муҳити зарурлигини англашимизнинг ўзи мустақиллик, собитқадамлик, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлашнинг муҳим шарти ҳисобланади.

2-БЎЛИМ. МИКРОИҚТИСОДИЁТ

7-МАВЗУ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

1. Тадбиркорликнинг моҳияти, белгилари ва принциплари

Тадбиркорлик бозор тизимига хос бўлган махсус иқтисодий фаолият бўлиб, товар ва хизматларни яратиш ҳамда истеъмолчиларга етказиб бериш орқали фойда топишга қаратилган бизнеснинг асосий тури ҳисобланади. Тадбиркорлик махсус тизим ҳосил этадики, бунга тадбиркорликнинг объекти, субъекти, тадбиркорлик қонун-қоидалари, ахлоқий меъёрлари, тадбиркорлик сиёсати ва унинг инфратузилмаси киради.

Тадбиркорлик мулкый жиҳатдан хусусий, жамоавий ва давлат тадбиркорлигини, юритилиш услуоби жиҳатидан ошкора ва яширин тадбиркорликни, юритилиш соҳаси жиҳатидан индустриал, аграр ва сервис тадбиркорлигини ва ниҳоят фаолият кўлами жиҳатидан кичик, ўрта ва йирик тадбиркорликни ташкил этади. Тадбиркорлик билан шуғулланувчи кишилар тадбиркорлар тоифасини ҳосил этади, улар иерархиясида қуйи, ўрта, юқори (элита) ва энг юқори (супер элита) табақалари мавжуд бўлади. Мазкур тоифа икки йўл билан шаклланади, *биринчидан*, тадбиркорлик авлоддан-авлодга ўтади, *иккинчидан*, тадбиркорлик қилмаганлар у билан шуғулланади. Иккинчи йўл ўтиш давридаги мамлакатларга хос бўлиб, бу Ўзбекистонда ҳам кузатилади. Чунки мустақилликка қадар хусусий тадбиркорлик таъқиб остига олинган.

Тадбиркорлик нақадар фойда келтиришини фойдалилик, яъни рентабеллик даражаси белгилайдики, бу қанча фойда топилганини, яъни иқтисодий фаолиятнинг самарадорлигини кўрсатади, буни билиш учун тадбиркорлик натижасида қўлга теккан фойда сарфлар билан таққосланади, натижада фойда сарфларининг неча фоизига тенглиги аниқланади. Фирма ишининг самарадорлиги таҳлил этилганда ишлаб чиқариш ва маҳсулот рентабеллиги аниқланади. Рентабелликни ошириш учун ишлаб чиқариш реструктуризацияланади, ресурслар тежалани, капитал таркиби такомиллаштирилади, меҳнат мотивацияси кучайтирилади.

Фойдани максимумлаштириш уни иложи борича кўп олишни билдиради, бунга рентабелликни ошириш ва капитални кўпайтириш, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали эришилади. Бироқ бунинг учун ишлаб чиқаришнинг энг мақбул ҳажмига эришиш зарурки, бунда товар нархи маргинал харажатларга тенглашади. Фақат шундагина нарх билан ўртача харажатлар ўртасидаги фойдани юзага келтирувчи фарқ энг катта бўлади.

Тушган даромадлар харажатларни қоплашга етмай қолган тақдирда зарар кўрилади, бунинг сабаби чиқарилган товар ва хизматларни бозор кўтармасдан улар нархининг, бинобарин даромаднинг пасайиб кетиши ва харажатларнинг ортиб кетишини юзага келтиради. Зарар меъёридан ошиб кетганда, уни қоплаш имконияти бўлмай банкротлик юзага келади, бу фирманинг ёпилиб кетиши ёки бошқаларга қўшилиб кетишини билдиради.

Ўзбекистон Республикасида «Тадбиркорлик тўғрисида»ги қонунга кўра тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш

эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳукукий тенглик, ихтиёрий ишга ёллаш, чекланмаган даромад олиш имконини кафолатлайди.

Тадбиркорликнинг ўз ахлоқий қоидалари бўлиб, улардан энг муҳими ҳалоллик ва ҳаромдан ҳазар қилишдир. Бу қоида ислом таълимотида қўлланиши шарт деб билинади. Аллоҳ таоло Қуръони каримда: «Ҳалол ва покиза нафақа энглар ва солиҳ ишлар бажаринглар», – деб буюрган. Ҳадиси шарифларидан бирида пайғамбаримиз: «Ҳалол нафақа билан таъминлаш ҳар бир мусулмон учун фарздир»¹, – деганлар. Ислом таълимотига кўра, меҳнатсиз кўлга киритилган лукма ҳаромдир. Тадбиркорлар ҳам ўз ризқу насибасини ҳалол меҳнат билан топишлари шарт, ҳалоллик тадбиркорларнинг обрўли бўлишини кафолатлайди.

Тадбиркорликнинг муҳим белгилари ёки амал қилиш принциплари қуйидагилар:

– *мулкий муносабатларнинг иштирокчиси бўлиш*, ишлаб чиқариш омиллариининг барчасига ёки баъзи бирига ва яратилган товарларга эгалик қилиш;

– *иқтисодий эркинлик*, хўжалик фаолияти турини танлаш, уни ресурслар билан таъминлаш, олди-сотди ишларини юритиш, ишлаб чиқаришни бошқаришда эркинлик;

– *иқтисодий хатти-ҳаракатлар учун масъулиятни ўз зиммасига олиш*, иш натижасига жавоб бериш, таваккал қилиб иш юрита олиш, иқтисодий хатарли ишга қўл уриш;

– *фойда олишга интилиш*, фойдага эришиш чора-тадбирларини кўриш, олинган фойдани ўз билганича ишлатиш;

– *тижорат сирига эга бўлиш*, бизнесга оид ва ўзгаларга ошкор этилмайдиган маълумотларни сир тутиш;

– *рақобат курашида қатнашиш*, бозорда амал қилувчи қоидаларга риоя этган ҳолда ҳалол рақобатда қатнашиб, унинг фирром, ёввойи усулларидадан воз кечиш;

– *ҳалоллик билан иш юритиш*, қаллоблик, товламачилик, фирибгарлик, фирромлик ва алдамчиликка мойил бўлмаслик. Обрўга эга бўлиш, бошқаларга ишониш ва бошқалар ишончини қозониб шаън-эътибор орттириш, фирма номини эъзозлаб, унга путур етказмаслик, фирмани обрўсизлантормаслик.

¹ Қаранг: Сайхон С. Тижорат ва бир лукма ҳалол ош. – Т., 1992. – Б. 6.

Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркин-лигининг кафолатлари тўғрисида»ги (2012 йил 2 май) янги таҳрирдаги қонунига кўра, «тадбиркорлик фаолияти» тушунчаси: «Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, ўзи таваккал қилиб ва ўз мулки жавобгарлиги остида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир». Қонунга кўра, тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик ва жисмоний шахслардир.

Тадбиркорлик фаолиятининг моҳияти тўғрисидаги асосий назариялар:

– тадбиркорлар, бу ноаниқ даромадга эга кишилар. Таваккалчилик хатари унинг бош хусусиятидир (Р. Контильон бу атамани иқтисод фанига ҳам олиб кирган);

– тадбиркор – тижорат билан шуғулланиб, фойда олиш мақсадида таваккалчилик қилувчи мулк эгаси (А.Смит);

– тадбиркор – иқтисодий агент сифатида фойда олиш учун ўз тажрибаси ва билимини таваккалчилик хатаридан қўрқмай ишга солувчи шахс (Ж.Б.Сей);

– тадбиркор – фойданинг ўсишини мақсад қилиб қўядиган, хатарга тайёр турадиган ва кишиларни бирлаштира оладиган ташаббускор шахс (В.Замберг);

– тадбиркор – ишлаб чиқариш омиллари уйғунлашувининг янги нисбатини изловчи, иқтисодий ўсишни таъминловчи ва новаторлик хусусиятлари юқори даражада ривожланган киши (И.Шумпетер).

Тадбиркор деганда унинг ўтмишдаги қўпол, ёввойи эмас, балки замонавий турлари, яъни маданийлашган шакллари ҳақида сўз юритилади. Ҳозирги замон тадбиркори энг аввал бозорни талабгир товарга тўйдира оладиган товар ишлаб чиқарувчидир. У янгиликни жорий эта оладиган, ишлаб чиқариш омилларидан оқилона фойдаланиб, иқтисодий ўсишни таъминлайдиган, ўзининг ва ўз жамиятининг бойлигини оширадиган, кишиларнинг фаровонлигига хисса қўша оладиган бўлиши зарур.

Бугунги кунда Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «иқтисодий ислохотларни амалга оширишда бизнинг асосий устувор йўналишимиз бундан буён ҳам бизнес, жумладан, хусусий бизнес учун зарур бўлган барча қулай шароитларни яратишдан, давлатнинг

иқтисодиётдаги иштирокини изчил камайтириб боришдан иборат бўлиб қолаверади».

Хусусий мулк ва хусусий тадбиркорлик ҳуқуқини ҳимоя қилишга доир қонунчиликни янада мустаҳкамлаш масаласига мамлакатимизда катта эътибор қаратилмоқда. Чунки тадбиркорлик иқтисодий тараққиётни белгиловчи куч ҳисобланади.

1.2. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш зарурияти

XXI асрда Ўзбекистон иқтисодиётини модернизация қилишнинг устувор йўналишларидан бири, аввал таъкидлаганимиздек, ўртача мулкдорлар синфи вужудга келишига ёрдам берадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдир.

Шу боис, Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчи, мамлакатимизни тараққиёт йўлида фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисида сўзлаган **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида республикамиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтириш ҳамда унинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган қонунларни қабул қилиш муҳим масала эканлигини таъкидлаб ўтди. Айтиш жоизки, бугунги кунга келиб ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайиб, унинг юртимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги роли сезиларли даражада ошмоқда.

XXI асрнинг иккинчи ўн йиллиги бошида аҳолиси сони бўйича дунёда 39-ўринда турадиган Ўзбекистонда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва мамлакатни модернизация қилишни изчил давом эттириш орқали давлатимиз иқтисодий негизларини янада мустаҳкамлаш ва халқ фаровонлигини янада юксалтириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга давлатимиз раҳбари Ислом Каримов асосий эътиборни қаратиб, *«яқин беш-ўн йил ичида ушбу соҳада ялпи ички маҳсулотнинг*

салмоқли улушини ишлаб чиқаришга эришиши» вазифасини кўяди ҳамда *«бу соҳани ривожлантириш аҳолини иш билан таъминлаш ва унинг даромадлари ўсишининг энг муҳим манбаларидан бирига айланиши лозим»* эканлиги ва *«мамлакатимиздаги сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий барқарорликнинг пойдевори бўлмиш кичик ва ўрта мулкдорлар синфни шакллантиришдан иборат»*лигини уқтириб ўтди. Шу билан бирга, *«хусусий тармоқнинг жадал ривожланишини, унинг мамлакат иқтисодиётидаги улуши кўпайишини таъминлаш»* устувор вазифа эканлигини бундан қарийб 5–6 йил илгари таъкидлаганини эслаш жоиз. Ушбу соҳани ривожлантиришга вақтида қилинган эътибор бугунга келиб ўз натижасини берди. Шу боис, давлатимиз раҳбари Ислон Каримов: *«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфни, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди»,* – деб таъкидлаганида юз карра ҳақ эдилар. Чунки мулкдорлар синфи биз қураётган ҳуқуқий демократик давлатнинг иқтисодий ва сиёсий негизини ташкил этади.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик дунёнинг тараққий топган давлатларида яратилаётган ялпи ички маҳсулот ҳажмида етакчи ва ҳал қилувчи ўрин эгаллайди.

Жаҳон тажрибаси шундан далолат берадики, айнан кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик жаҳон молиявий-иқтисодий инкирозининг салбий оқибатларини бартараф этишда энг самарали восита, аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг даромадлари ошиб боришининг ғоят муҳим омили ҳисобланади. Дарҳақиқат, кичик бизнеснинг ЯИМдаги ҳиссаси АҚШда 50–55 фоиз, Буюк Британияда 55–60 фоиз, Италияда 57–60 фоиз, Германияда 50–55 фоиз, Японияда 52–55 фоиз, Хитойда 60–65 фоизни ташкил этади, умумий бандликда 50–70 фоизни ва жами корхоналарда 97–99 фоизни ташкил этади.

Иқтисодиёти ривожланган давлатларнинг тажрибасига яна эътибор қаратадиган бўлсак, уларнинг иқтисодий ўсиши бизнеснинг ушбу шаклига давлат томонидан алоҳида аҳамият берилаётганлиги ва қўллаб-қувватланаётганлиги самараси эканини кузатиш мумкин. Масалан, Хитой давлати ҳукуматининг тахминига кўра, иқтисо-

диётнинг тўлиқ модернизацияси 2030 йилга келиб тугайди, бунда ҳукумат асосий ўринни кичик бизнес ташкил этишига эътибор қаратади.

«CNN Time Warner Group» томонидан олиб борилган тадқиқотлар натижасига кўра, Сингапур давлати кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича дунёда бешинчи ўринни эгаллайди. Мазкур мамлакатда кичик тадбиркорлик субъектлари мавжуд корхоналар умумий сонининг 90 фоизини ташкил этади ва ҳар йили улар томонидан аҳолини иш билан таъминлаш бўйича ўсиш 5–6 фоиз кўтарилиб бормоқда.

Фан сиғими юқори бўлган ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик корхоналар ривожлантирилишини қўллаб-қувватлаш борасида Япония тажрибаси эътиборга лойиқдир. Японияда барча компанияларнинг 99,6 фоизи, сотилган маҳсулотнинг 55 фоизи ва sanoatда банд бўлганларнинг 80 фоизи кичик ва ўрта корхоналар улушига тўғри келади.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик нафақат мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда, балки юз бериши мумкин бўлган турли инқирозлардан чиқиб кетишда ҳам катта аҳамиятга эга ва энг асосийси, барқарор, шу билан бирга, тез мослашувчан соҳа ҳисобланади.

Юртбошимиз ташаббуслари билан мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ушбу масаланинг давлат сиёсати даражасига кўтарилиши бежиз эмас. Бинобарин, кичик тадбиркорликнинг ички бозорни озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик эҳтиёж товарлари билан тўлдиришни таъминлашдаги роли бекиёсдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро анжуманнинг очилиш маросимидаги нутқида «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантиришни устувор йўналиш сифатида белгилаш нима билан, қандай омил ва сабаблар билан боғлиқ эди», деган саволга жавоб берар экан, улар қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлади:

биринчидан, жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики,

иқтисодиётнинг муҳим таркибини ташкил қилувчи тармоқ бўлган кичик бизнес ички бозорни зарур товар ва хизматлар билан тўлдиришнинг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади. Кичик бизнес нафақат иқтисодиётдаги маълум бир бўшлиқларни тўлдиради, балки уни диверсификация қилиш ва барқарор суръатлар билан ривожлантиришни таъминлашда ўта муҳим рол ўйнайди.

Тадбиркорлик бизнеси аҳоли бандлиги ва даромадининг ўсишини таъминлашда, айниқса, бизнинг шароитда қандай муҳим аҳамият касб этишини баҳолашнинг ўзи қийин. Қуйидаги рақамларни эътиборга оладиган бўлсак, шундай хулоса чиқариш мумкин.

Агар 2005–2011 йилларда мамлакатимиз иқтисодиётида 5 миллиондан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилган бўлса, уларнинг 60 фоиздан ортиғи кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ҳиссасига тўғри келади. Бунинг натижасида ҳозирги вақтда мамлакатимизда иш билан банд бўлган жами аҳолининг 75 фоиздан кўпроғи ушбу соҳада меҳнат қилмоқда.

Юқоридаги рақамларнинг ўзиёқ кўп нарсани англатади ва ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ишончли йўлдан бораётганидан далолат беради.

Иккинчидан, тузилишига кўра ихчам, қарорлар қабул қилишда тезкор ва ҳаракатчан, янги тартиб-қоидаларни қисқа муддатда ўзлаштирадиган кичик бизнес жаҳон ва минтақалар бозорларидаги талаб ва конъюнктура ўзгаришларига анча тез мослашади.

Учинчидан, кичик бизнесни ташкил қилиш ва юритиш катта харажат ҳамда капитал қўйилмаларни талаб этмайди. Бу эса ишлаб чиқаришни тез ва осон модернизация қилиш, техник ҳамда технологик қайта жиҳозлаш, янги турдаги маҳсулотларни ўзлаштириш, уларнинг номенклатурасини мунтазам янгилаб бориш ва рақобатдошлигини таъминлаш имконини беради.

Тўртинчидан, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таҳдид ва салбий оқибатларига йирик корхоналарга нисбатан ушбу соҳанинг бардош бера олиш қобилияти анча юқоридир. Фақат кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш ҳамда ушбу соҳанинг мамлакатимиз иқтисодиётида устувор мавқега эга бўлиши натижасида биз 2008–2009 йилларда глобал инқирознинг

салбий оқибатларини ортиқча қийинчилик ва талафотларсиз енгиб ўтиш, ишлаб чиқаришни жаҳон бозори конъюнктураси ўзгаришларини ҳисобга олган ҳолда қисқа муддатларда қайта ташкил этишга муваффақ бўлдик.

Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008–2009 йилларда ўртача 23–24 фоизни, хизматлар ва сервис соҳасининг ўсиш суръатлари эса 15–16 фоиздан кам бўлмаган кўрсаткични ташкил этди.


Бешинчидан, кичик тадбиркорлик нафақат даромад манбаи, балки одамларнинг ижодий ва интеллектуал қобилиятини рўёбга чиқариш воситаси ҳамдир. Мазкур соҳа ҳар бир кишига ўз истеъдоди ва имкониятларини намоён этиш учун замин туғдирмоқда, шу тариқа ташаббускор, омилкор, мустақил фаолият юрита оладиган, ўз олдига қўйган мақсадларига эришишга қодир инсонлар тоифасини шакллантиришга хизмат қилмоқда.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўрта синфни шакллантириш учун мунтазам кенгайиб бораётган база бўлиб хизмат қилмоқда. Ўрта синф эса, маълумки, ҳар қандай демократик жамиятнинг асоси бўлиб ҳисобланади ва мамлакат иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

2. Тадбиркорлик тизими

Тадбиркорлик тизими – бу тадбиркорликка хос бўлган иқтисодий муносабатлар ва тадбиркорликнинг ҳуқуқий ташкилий жиҳатлари ва унга оид сиёсатнинг яхлитлиги, яъни мажмуидир.

Бу тизимнинг нималардан иборат бўлишини қуйидаги чизмада кўриш мумкин.



Тадбиркорлик ривожланиб, жамиятда мустаҳкам ўрин эгаллаши учун айтилган тизимнинг барча бўғинлари биргаликда ишлаши керак бўлади. Булар орасида тадбиркорликка оид қонун-қоидаларга риоя этиш алоҳида ўрин эгаллайди. Айниқса, 2010 йил 12 ноябрда баён қилинган Концепцияга мувофиқ, Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолиятини тартибга солувчи қонунлар ва қарорлар қабул қилинган бўлиб, улар фаолиятини тартибга солишда муҳим рол ўйнайди. Уларнинг айримларини келтирамиз:

□ Ўзбекистон Республикасининг «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 2 май (янги тахрирда); «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги 2012 йил 2 май; «Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги 2012 йил 24 сентябрь қонунлари;

□ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги 2005 йил 15 июнь ПҚ-100-сонли; «Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ҳамда уларга кичик бизнес субъектларини жалб қилишни кенгайтириш тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль ПҚ-1475-сонли; «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» Давлат дастури тўғрисида»ги 2011 йил 7 февраль ПҚ-1474-сонли; «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига кредит беришни кўпайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 11 март ПҚ-1501-сонли қарорлари;

□ Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 14 июнь; «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 24 июнь; «Тадбиркорлик субъектларини текширишни янада қисқартириш ва унинг тизимини такомиллаш-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2005 йил 5 октябрь; «Тадбиркорлик субъектларини текширишларни янада қисқартириш ва улар фаолиятини назорат қилишни ташкил этиш тизимини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 4 апрель; «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш учун қулай ишбилармонлик муҳитини шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2011 йил 24 август фармонлари;

□ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Комплекс тадбиркорлик лицензияси (франшизинг) шартномаларини давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 2010 йил 4 ноябрь 244-сонли; «Хусусий тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари рўйхатини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2011 йил 7 январь 6-сонли қарорлари.

Тадбиркорлик фаолияти қонунийликка асосланар экан, уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига масъулиятли вазифани юклайди. Чунки мамлакатда қанчалик ўртача мулкдорлар синфи мустаҳкам қарор топса, жамиятнинг иқтисодий негизлари шу қадар мустаҳкам бўлади. Барча ҳам тадбиркор бўла олмайди, фақат тадбиркорлик қобилияти соҳиблари тадбиркорликни ўз зиммасига олади. Шу боис, жаҳон тажрибасига кўра тадбиркорлик қобилияти иқтисодий ўсишнинг муҳим шарти сифатида қаралади.

Тадбиркорлик ғоят мураккаб ва масъул фаолият бўлганидан унинг ҳар хил турлари мавжуд. У таснифланганда мулкий мақом, қонунийлик, фаолият тури каби мезонлар асос қилиб олинади.

Мулкий жиҳатдан хусусий, жамоавий-гурухий ва давлат тадбиркорлиги ажратилади:

Хусусий тадбиркорлик – бу хусусий мулкчиликка асосланган тадбиркорлик. Бу ерда тадбиркорликка жалб этилган моддий, молиявий ресурслар, яратилган товар ва хизматлар, уларни сотишдан келган даромад, *биринчидан*, индивидуал (якка тарздаги), *иккинчидан*, корпоратив (гурух таркибидаги) хусусий мулк ҳисобланади. Бозор иқтисодининг етакчиси хусусий тадбиркорлик ҳисобланади. Шу сабабли Ўзбекистонда хусусий мулкнинг устуворлигини таъминлаш стратегик вазифа ҳисобланади. Ўзбекистондаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жами товар ва хизматларнинг 54

фоиздан зиёд қисмини (2012 й.) яратган. Ўзбекистондаги хусусий тадбиркорлик хусусий корхоналар (фирмалар), фермер ва деҳқон хўжаликлари, якка тартибда бизнес қилиш доирасида кечади.

Жамоавий-гуруҳий тадбиркорлик хусусий мулк соҳиблари ўз мулкини кўнгилли равишда бирлаштирганда пайдо бўлади. Бу турли кооперативлар, уюшмалар ва ширкатлардан иборат. Бу ерда мулк икки қисмга ажралади, *биринчиси* – жамоага бирикканларнинг умумий мулки, *иккинчиси* – уларнинг индивидуал мулки. Ўзбекистондаги тадбиркорликнинг бу тури кичик кооперативлардан ва қишлоқдаги ширкат хўжаликларидан иборат.

Давлат тадбиркорлиги – бу давлатга қарашли корхоналар фаолияти бўлиб, иқтисодиётнинг давлат секторини ташкил этади. Улар давлат мулки ҳисобланади, лекин бозор қоидаларига амал қилган ҳолда мустақил иш юритадилар. Давлат секторининг иқтисодиётдаги ўрни ҳар хил бўлади, бироқ кўпчилик мамлакатларда унинг яратилган товар ва хизматлар миқдоридаги ҳиссаси 20 фоиз атрофида бўлади. Тадбиркорлик ўзининг йўналиши, яъни қайси соҳада юз беришига қараб, индустриал, аграр ва сервис бизнесларига ажралади.

Амалдаги қонун ҳужжатларига кўра кичик тадбиркорлик субъектлари қуйидагилар:

1) якка тартибдаги тадбиркорлар;

2) ишлаб чиқариш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони кўпи билан йигирма киши, хизмат кўрсатиш соҳасидаги ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган бошқа тармоқларда банд бўлган ходимларининг ўртача йиллик сони кўпи билан ўн киши, улгуржи, чакана савдо ҳамда умумий овқатланиш тармоқларида банд бўлган ходимларнинг ўрта йиллик сони кўпи билан беш киши бўлган кичик фирмалар.

Якка тартибдаги тадбиркорлик – жисмоний шахс томонидан тадбиркорлик фаолиятини юридик шахс ташкил этмаган ҳолда амалга оширишдир. Амалдаги қонунга кўра, якка тартибдаги тадбиркорлик якка тадбиркор томонидан мустақил, ходимларни ёллаш ҳуқуқсиз, мулк ҳуқуқи асосида ўзига тегишли бўлган мол-мулк негизида, шунингдек, мол-мулкка эгалик қилиш ва ундан фойдаланишга йўл қўядиган ўзга ашёвий ҳуқуқ сифатида амалга оширилади.

Индустриал бизнес – бу саноат, қурилиш, алоқа ва транспорт соҳасидаги тадбиркорлик, унга динамизм, яъни шиддат билан янгиланиб бориш хос, лекин бу серхаражат ҳисобланади. Унинг асосини саноат фирмалари ташкил этади. Саноатда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик тармоғининг ўсиш суръатлари 2008–2009 йилларда ўртача 23–24 фоизни ташкил этди.

Агробизнес – бу қишлоқ хўжалигидаги тадбиркорлик бўлиб, бу ҳам серхаражат, лекин унинг турлари ғоят чекланган. Унинг асосини фермер хўжалиги ташкил этади. Қишлоқда фермерлар хўжаликларига барча хизматларни кўрсатаётган замонавий ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмаси шакллантирилмоқда.

Сервис бизнеси – бу аҳолига хизмат кўрсатишга қаратилган бизнес. Бу кам харажат ҳисобланади, лекин унинг турлари ғоят кўп, чунки унга ҳам динамизм хос. Бунга тиббиёт, таълим, шоу (томоша), спорт-туризм (сайёҳлик), қимор (казино, автомат ўйинлари), маданий-маиший хизмат кўрсатишга оид бизнес турлари киради. Иқтисодиёт қанчалик юксак бўлса, сервис бизнеси шунча ривож топади.

Тадбиркорлик кўламини белгилаш меъёрлари бир хил эмас. Бир мамлакатдаги йирик корхона бошқа ерда ўртача ҳисобланса, яна бир ердаги кичик корхона бошқа ерда ўрта корхона сафига киритилади. Бундан қатъи назар, ҳамма ерда тадбиркорлик кўламини белгилашда капитал миқдори, ишловчилар сони ва ниҳоят ишлаб чиқариш ҳажми назарда тутилади. Бироқ буларнинг ҳаммаси ёки айримлари қўлланилади. Турли миқёсдаги тадбиркорлик иқтисодиётда ҳар хил ўрин тутади. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик товар ва хизматларнинг 50–80 фоизини яратади.

1-жадвал

Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ривожланиш суръатлари (фоиз)

	2000 йил	2005 йил	2010 йил	2011 йил
Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши, фоиз				
ЯИМда	31,0	38,2	52,5	54,0
Саноатда	12,9	10,0	21,1	–
Иш билан банд бўлган-	49,7	64,8	74,3	74,3

ларнинг умумий сониди				
Экспортда	10,2	6,0	13,6	16,3

Кимки тадбиркорлик иши билан шуғулланса, ўша тадбиркор дейилади. Барча тадбиркорлик биргаликда тадбиркорлар тоифасини ташкил этадики, бу маълум гуруҳ кишиларнинг ижтимоий-иқтисодий яхлитлигини ташкил этади. Тадбиркорларга хос умумийлик шуки, уларнинг барчаси хусусий мулк соҳиблари ва фойда топишни кўзлайдилар, бой-бадавлат яшаб, иш берувчилар ҳисобланадилар, улар таваккалига ишлаб, ўзаро беллашадилар, иқтисодий фаол ҳисобланадилар. Мазкур умумийлик тадбиркорларнинг махсус тоифа ҳосил этишига асос беради. Ўзбекистонда тадбиркорлар тоифасини шакллантириш ва мавқеини мустаҳкамлаш йўли тутилмоқда. Бу тоифага хусусий корхона эгалари, қўшма корхоналардаги шериклар, фермерлар, деҳқон хўжалиги соҳиблари ва яқка тартибда бизнес билан шуғулланувчилар киради. Бизнес турларининг иқтисодиётдаги салмоғи ҳар хил бўлади. Йигирма бир йил аввал Ўзбекистонда тадбиркорлик деярли йўқ эди. Бугун эса мавжуд барча хўжалик субъектларининг 90 фоиздан ортиғини кичик бизнес корхоналари ташкил этади. 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 54,5 фоизи, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг 22 фоизи ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг 98 фоизи айнан шу соҳа ҳиссасига тўғри келмоқда. Ўтиш даврини бошидан кечираётган мамлакатларда бу кўрсаткич катта эмас.

Тадбиркорлар бой тоифа ҳисобланса-да, таркибан бир хил эмас. Катта корхона эгасини майда, ўзи ишлайдиган тижоратчилар билан солиштириб бўлмайди, албатта. Тадбиркорларнинг ўз иерархияси, яъни мартабасига қараб ўрин эгаллаши бор. Улар ҳам қуйи, ўртача, юқори ва олий табақаларга ажралади. Тадбиркорлар тоифаси қуйидан юқorigа қараб қуйидаги табақаларга ажралади:

1) фақат фойда олишни кўзлаб, унинг кетидан тинимсиз қувувчи тадбиркорлар. Улар бизнесга янгидан кириб келган бўладилар, шу сабабли улар бойиб улгурмаган ва *қуйи табақани* ҳосил этадилар;

2) фойда кўриш билан биргаликда ўз ишидан қониқиш олувчи тадбиркорлар. Булар маълум даражада бойлик тўплаб улгурганидан бизнесда ўз ўрнини топишга интиладилар. Уларни тадбиркорларнинг *ўрта тоифасига* киритиш мумкин;

3) фойда олиб, ўз ишидан қониқиш ҳосил этишдан ташқари бизнес оламида ўз ҳокимиятини ўрнатишга ва рақобатда доимо

ғалабага интилувчи тадбиркорлар. Улар тадбиркорлик иерархиясидаги юқори қатламни ҳосил этади, шу сабабли *бизнес элита* деб юритилади;

4) юқори фойдага эга бўлишдан ташқари, бизнес оламида мутлақ ҳокимият ўрнатишга, ўз бизнес империясини ташкил этиб бизнес тарихида ўз номини қолдиришга интилувчилар ҳам мавжуд. Булар бизнесдаги *супер элитани* ҳосил этадилар. Учинчи ва тўртинчи тоифадаги тадбиркорлар дунёнинг энг бой миллиардерларидир. Дунёнинг энг бой одами «Microsoft» фирмасининг эгаси Б. Гейтс ҳисобланган.

Ўзбекистонда мол-мулкни хусусийлаштириш тартибли равишда ва қаттиқ назорат остида ўтказилганидан бу ерда катта мулкни текинга ўзлаштириш ҳисобидан шаклланган олигархлар гуруҳи Россияда бўлганидек юзага келмади. Шу сабабли бу ерда элита ва супер элита тоифалари кузатилмади, тадбиркорлар иерархиясида унинг биринчи ва иккинчи тоифалари асосий ўрин эгаллади. Тадбиркорлик юзага келиши учун тадбиркорлик қобилятининг мавжудлиги кифоя қилмайди. Бунинг учун етарли миқдорда капитал ҳам топилиши керак. Турли соҳалардаги бизнеснинг капитал сиғими, яъни уни бошлаш учун зарур бўлган капитал миқдори турлича бўлади. Бир ерда у катта бўлса, бошқа ерда кичик бўлади. Лекин бундан қатъи назар, бизнес бошлаш учун минимал миқдорда капитал тўплаш зарур. Шу масса жамғарилгач, тадбиркорлик фаолияти бошланади. Шу сабабли ўтиш даврида капиталнинг дастлабки жамғарилиши юз беради. Капитал қуйидаги йўллар билан боради, бу йўллар Ўзбекистонга ҳам хос.

Тадбиркорлар тоифаси *икки йўл* билан шаклланади:

1) тадбиркорлик авлоддан-авлодга ўтади, яъни бу тоифа ўзини ўзи такроран яратади. Бунинг натижасида тадбиркорлар сулоласи пайдо бўлади. Масалан, АҚШда Фордлар, Меллонлар, Дюпонлар сулоласи, Францияда Ротшильдлар, Германияда Крупплар сулоласи юзага келиб, сўнгра тарқаб кетган;

2) илгари тадбиркорлик қилмаганлар тадбиркорликка қўл уради, натижада тадбиркорлар сафига кириб боради. Бу йўл ўтиш давридаги мамлакатларга, жумладан Ўзбекистонга хос. Ўзбекистондаги тадбиркорларнинг келиб чиқишини таҳлили кўрсатишича, улар тадбиркорликдан олдин турли касб соҳиблари бўлганлар. Ҳозирги тадбиркорлар авлоди янгидан шаклланган бўлса, уларнинг сўнги авлоди ўзини ўзи қайтадан яратиш асосида юзага келади.

Тадбиркорлар тоифасининг шаклланиб улгуриши ўтиш даврининг тугалланганини билдиради, чунки иқтисодиёт бозор қоидаларига амал қилувчи фаол кишилар қўлига ўтади.

Тадбиркорлик қўйидаги гуруҳлардан ташкил топади:

- майда ишлаб чиқариш билан банд бўлган ишбилармонлар, уларни одатда якка тартибда фаолият кўрсатувчилар деб аташади;
- интеллектуал мулк соҳиблари, ақлий ижодий меҳнат билан шуғулланувчи кишилар;
- фермерлар, томорқа хўжалиги соҳиблари, дала ҳовли эгалари;
- жамоа ва акционерлар мулкнинг биргаликдаги эгалари.

Айтиш жоизки, 21 йил аввал Ўзбекистонда хусусий тадбиркорлик деярли йўқ эди. Тоталитар иқтисод бунга йўл қўймас эди. Ваҳоланки, бизда аждодларимиздан мерос бўлган тадбиркорлик анъаналари тарихий бўлиб, ота-боболаримиз асрлар давомида ўз ери, мулки ва касб-корини эъозлаб, қадрлаб, асраб-авайлаб келганлар. Тарихимизда азал-азалдан хусусий тадбиркорлик муҳим ўрин тутган.

3. Ошкора ва яширин тадбиркорлик

Тадбиркорлик ўзининг қонунийлиги, яъни қонунларга нақадар мос юритилиши жихатидан *ошкора ва яширин* тадбиркорликка ажралади.

Бу ҳамма ерда бор, лекин унинг миқёси ҳар хил. Иқтисодиётга қанчалик эркинлик берилган бўлса, шунчалик яширин тадбиркорлик кам бўлади. Борди-ю эркинлик чекланган бўлиб, солиқлар оғир бўлса, фаолият турларини ман этиш кўп бўлса, яширин тадбиркорлик шунчалик ривожланади. Ўзбекистонда яширин ишлаш кичик корхоналарда, хонаки ишлаб чиқаришда, якка тартибдаги тадбиркорликка хос. Яширин тадбиркорлик Ўзбекистон иқтисодиётида ҳам мавжуд. Бу асосан солиқ тўламаслик учун рухсат олмасдан бизнес қилишдан иборат. Яширин тадбиркорлик ижтимоий фойдали бўлганда бозор талабини қондириш учун кишилар эҳтиёжини қондирадиган товарлар ва хизматлар яратилади. Тўғри, бу рухсатсиз бўлади, лекин иқтисодиётга салмоқли ҳисса қўшади. Яширин тадбиркорликнинг энг хавфлиси – бу криминал (жиноий) бизнесдир. Бу кишиларга фойда ўрнига зарар келтирадиган ишдир. Бунга нарқобизнес, парнобизнес, кишиларни ўғирлаб қулликка сотиш, уларни гаровга олиб пул талаб қилиш, яширин равишда қурол-аслаҳа сотиш, ҳаром пулларни банк орқали ҳалоллаб олиш

кабилар киради. Буларнинг орасида энг ривож топгани наркобизнес бўлиб, бу наркотик моддаларни (героин, кокоин, марихуанна, қорадори, наша, кўкнори ва бошқалар) ишлаб чиқариш ва сотишни англатади. Ҳозирги дунёдаги наркотиклар олди-сотдисининг 50 фоиз зиёд қисми Афғонистонга тўғри келади. Криминал бизнес ашаддий ва ғоят зарарли фаолият бўлганидан жамият унга қарши бор кучи билан курашади.

Ошкора тадбиркорлик – рухсат берилган ва давлат белгилаган қонун-қоидаларга биноан юритиладиган тадбиркорлик бўлиб, бу очик-ойдин юритилади. Унинг қандай фаолият билан шуғулланишидан жамият аҳли хабардор бўлади. Бу иктисодиётнинг расмий, яъни ошкора сектори ҳисобланади. Бу ерда товар ва хизматларнинг асосий қисми яратилади.

Яширин тадбиркорлик – расман рухсат этилмаган, лекин амалда хуфиёна тарзда ва сир сақланган ҳолда юритиладиган тадбиркорлик.

Ҳозирда одам савдоси глобал хавфсизлик, жамият барқарорлиги, жаҳон ҳамжамиятининг ривожланишига таҳдид солаётган жиноят сифатида баҳоланмоқда. У хавфлилик даражаси бўйича ноқонуний қурол-яроғ сотиш ва наркобизнес каби трансмиллий жиноятлар билан бир қаторга кўйилмоқда. Одам савдоси трансчегаравий, комплекс характерга эга, уюшган гуруҳлар томонидан содир этилувчи жуда кенг тарқалган жиноят бўлиб, унда инсон «товар»га айлантирилади. Амалда эса бу қулликнинг замонавий шаклидир.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда ҳар йили 2 миллион 800 минг киши одам савдосининг қурбони бўлади. Бу эса одам савдоси халқаро жиноятчиликнинг сердаромад молиявий манбаига айланганлигини кўрсатиб, бу фикр экспертларнинг хулосаларига қараганда, одам савдосидан йилига кўриладиган даромад 7 млрд. АҚШ долларидан ошаётганлиги билан тасдиқланади. Бошқа маълумотларга қараганда, одам савдоси 12 миллионга яқин кишини «тўрига илинтириб», йилига 32 млрд. АҚШ доллари миқдорида даромад олаётганлигини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикасининг «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида»ги қонунининг 3-моддасига кўра: *«Одам савдоси – куч билан таҳдид қилиш ёки куч ишлатиш ёхуд бошқача мажбурлаш шаклларида фойдаланиш, ўғирлаш, фирибгарлик, алдаш, ҳокимиятни суиистеъмол қилиш ёки вазиятнинг қалтислигидан фойдаланиш орқали ёхуд бошқа шахсни назорат қилувчи шахснинг*

розилигини олиши учун уни тўловлар ёки манфаатдор этиш эвазига оғдириб олиши орқали одамлардан фойдаланиш мақсадида уларни ёллаш, ташиш, топшириш, яшириш ёки қабул қилиш. Одамлардан фойдаланиш бошқа шахсларнинг фоҳишалигидан фойдаланишни ёки уларни шахвоний фойдаланишининг бошқа шакллари, мажбурий меҳнат ёки хизматлари, қуллик ёки қулликка ўхшаш одатлари, эрксиз ҳолат ёхуд инсон аъзолари ёки тўқималарини ажратиб олишни англатади».

Халқаро миграция ташкилотининг маълумотларига кўра, одам савдоси билан шуғулланувчи жиноий гуруҳлар одамларни нафақат жинсий ёки меҳнат эксплуатацияси, балки уларнинг ички органларини трансплантация қилиш, наркотик моддаларни тарқатиш, бошқа турдаги жиноятлар содир этиш учун ҳам ёллаб мажбурламоқдалар. Шунингдек, БМТ эълон қилган маълумотларда янада даҳшатлироқ рақамлар келтирилади. Хусусан, айтилганда, 12 млн.дан зиёд киши қуллик исканжасида эканлиги, инсониятнинг узок ўтмишида бундай аянчли ҳолат кузатилмаганлиги айтилади. Бироқ, айрим экспертлар бу рақамларни денгиздан томчи, дея таъкидламоқдалар. Уларнинг ҳисоб-китобларига кўра, сайёрамиз бўйича 200 млн.дан зиёд киши замонавий қулчилик қурбонига айланган. Қиёслаш учун: сўнгги 400 йил давомида биргина Африка қитъасидан океанорти мамлакатларига 12 млн.дан зиёд тирик товар олиб кетилган. Ушбу жиноят чегара билмас жиноятга айланиб, ҳозирги кунда дунёнинг 127 мамлакатига тарқалган. 137 та давлатга эса, иқтисодий беқарорлик, сурункали ишсизлик ҳукм сураётган жойлардан мажбурий ишлатиш учун одамлар келтирилиши давом этмоқда. Ушбу қабиҳ жиноят инсониятнинг келажаги бўлган болаларни ўз домига тортаётгани эса энг хунук ва энг даҳшатли ижтимоий ҳодисага айланди. Яна Халқаро миграция ташкилоти маълумотини келтирамиз. Унга кўра, 2010 йилнинг 1 январига қадар 5,7 млн. бола ўғирланган бўлиб, улардан 1,2 млн. нафари қурбон бўлган, қолганлари эса оғир меҳнатга жалб этилган. Асосан норасидаларнинг соғлом тана қисмлари пулланса, кўлида қурол ушлай оладиган 300 мингга яқин бола минтақалардаги мавжуд 30 та қайноқ нуқталарда аскар сифатида жалб қилишга мажбурланмоқда.

Алоҳида таъкидланиши лозим бўлган ҳолат шуки, шахвоний ва бошқа ғараз мақсадларда ёлланган аёлларнинг асосий қисми «истеъмолчи» давлатлар – Бирлашган Араб Амирликлари, Саудия Арабистони ва Туркия мамлакатларига юборилган. Фуқароларимиз

чет давлатларга «транзит» мамлакатлар Қирғизистон, Қозоғистон, Россия, Украина, Арманистон, Озарбайжон Республикалари орқали олиб чиқилган. Расмий статистик маълумотларга кўра, одам савдоси жиноятидан жабрланганларнинг 85–90 фоизи Россия Федерацияси ва Қозоғистон Республикасида текин ишчи кучи сифатида фойдаланилиб, эксплуатация қилинган.

Жинсий эксплуатацияда жабрланувчилардан кўчада, фоҳишахоналарда, стриптиз клубларда, ресторан ва тунги барларда, сауналарда, уқалаш хоналарида, шахсий уйларда мижозларнинг хоҳишига кўра барча турдаги жинсий хизматларни бажаришлари талаб қилинади ва суткалаб эксплуатация қилинади. Булар фаолияти яширин цехлар (жиноий бизнес) фаолиятига айлантирилган.

Сўнгги пайтларда МДХ мамлакатлари оммавий ахборот воситалари ушбу даҳшатли ижтимоий ҳодисанинг қурбони бўлмасликлари учун қуйидаги маълумотларни кенг жамоатчиликка етказишга ҳаракат қилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон ОАВ томонидан жабрланувчиларни бўйсундириш мақсадида шахсий ҳужжатларини олиб қўйиш; йўл харажатлари учун берилган пул қарз эканлиги ва уни ишлаб қутулиши лозимлигини уқтириш; бошқа инсонлар билан алоқа қилишини мутлақо чеклаш, ёпиқ хонадонларда сақлаш, доимий назоратда ушлаш; маҳаллий ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга мурожаат қилмаганлиги учун жавобгарликка тортилиши ва депортация қилиниши; уларга ёки уларнинг яқинларига нисбатан жисмоний ёки бошқа турдаги зўравонликни қўллаш билан қўрқитиш каби ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлар етказилмоқда. Бу фуқароларимизда огоҳликни ошириш ва шу каби ҳодисаларнинг қурбонига айланмасликнинг олдини олиш мақсадида қилинмоқда.

4. Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда ички ишлар идоралари ходимларининг роли

4.1. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши

Тадбиркорлик ўз-ўзидан, давлат иштирокисиз, унинг ёрдамисиз ривож топмайди. Давлат солиқлар, субсидиялар, экспорт имтиёзлари, ўзининг ахборот хизматлари орқали, шунингдек, ўз ҳисобидан бепул умумий таълим бериш орқали тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди. Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркор-

ликнинг асосий хусусиятларидан бири иқтисодиётнинг ушбу соҳаси доимо давлат томонидан қўллаб-қувватланишига эҳтиёжманд эканлигидир. Давлат *моддий-техник, информацион, технологик, маслаҳат, маркетинг, таълим хизмати, молиявий таъминот* ва бошқа йўналишлардаги тадбиркорликни қўллаб-қувватлайди ва тартибга солади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш нафақат давлат ва жамият тараққиётида, балки ҳар бир инсоннинг юксалиб бораётган ҳаётӣ эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга, яъни хизмат кўрсатиш, чакана савдо, озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқариш каби соҳаларда ушбу фаолият яққол намоён бўлади.

Демократик бозор ислоҳотларини ва иқтисодиётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш жараёнларида тадбиркорнинг банклар билан алоқаларида иқтисодӣ эркинлиги таъминланишига катта эътибор берилмоқда. Тадбиркорнинг ўзи танлаган банкда ўз ҳисоб варағи (счёти)ни очиши, ўз пул маблағларини ўз билганича қонуний сарфлаши, маблағини нақд пул қилиб ёки нақд пулсиз счёtdан счёtgа кўчириб олишига имконият яратилмоқда. Тадбиркор қонуний фаолият билан шуғулланганда, унинг молиявий ишларига ҳеч ким аралашашига ҳақли эмас. Мамлакатимизда тадбиркорларнинг бюджет билан ҳам эркин алоқада бўлишига кенг имкониятлар яратилмоқда. Белгиланган солиқ суммасини бюджетга тўлайди, бюджетдан тегадиган пулни ўзи ўзлаштиради.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда кичик фирмалар ва корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2005 йилда 13 фоиз, 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилган бўлса, 2011 йилда 6 фоизга, 2012 йилда 5 фоизга туширилди. Халқ амалий санъати ва оилавий бизнес объектлари эса умуман солиққа тортилмайди ёки энг кам ставка бўйича солиққа тортилади. Давлат солиқ қўмитасидан олинган маълумотларга кўра, ушбу тадбирлар натижасида 2011 йилда тадбиркорлар ихтиёрида 58 миллиард сўм маблағ қолдирилди. Бу уларнинг янги истиқболли лойиҳаларни амалга оширишлари учун хизмат қилади, деганидир. Янгидан ташкил этилаётган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизими яратилди. Кичик бизнес

ва хусусий тадбиркорликни молиялаштириш бўйича ихтисослаштирилган «Микрокредитбанк» ташкил этилди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, ҳатто жаҳон молиявий инқирози шароитида ҳам ялпи ички маҳсулотда солиқ юкни енгиллаштириш Ўзбекистондаги солиқ сиёсатининг муҳим жиҳатидир.

Тадбиркорлик юридик жиҳатдан қайд этилади, унинг шарт-шароити, қонун-қоидалари, ҳақ-ҳуқуқини белгиловчи, давлат ва жамоатчилик томонидан ҳимоя қилиниши ва кафолатланишини таъминловчи қонунлар, фармон ва қарорлар амалга киритилган. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 2 майда қабул қилинган янги таҳрирдаги *«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»*ги қонунида тадбиркорларга ўз мол-мулкидан фойдаланиш эркинлиги, маҳсулотларни тақсимлаш мустақиллиги, ҳуқуқий тенглик, ихтиёрий ишга ёллаш, чекланмаган қонуний даромад олиш имкони кафолатланади. 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши замирида жамиятимиз кўзлаган мақсад инобатга олинган эди. У ҳам бўлса, дунёнинг демократик тараққий топган мамлакатлари қаторидан ўрин эгаллашдир.

Республикамызда сўнгги йилларда кичик бизнеснинг роли ва аҳамиятини инобатга олган ҳолда, уни қўллаб-қувватлаш ва янада ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича аниқ чора-тадбирлар изчиллик билан амалга ошириб борилмоқда, булар мамлакатимизда 2009–2012 йилларга мўлжалланган **Инқирозга қарши** дастур ҳамда **«Баркамол авлод»** йили давлат дастури талаблари асосида 2009 йил 15 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг *«Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги 1112-қарори ҳамда 2010 йил 28 июлдаги *«Таълим муассасаларининг битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»*ги 4232-фармони, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 10 июндаги *«Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда руҳсатномалар олиш тартиботларини такомиллаштириш ва соддалаштириш тўғрисида»*ги 158-сонли ҳамда 2009 йил 29 июлдаги *«Оилавий тадбиркорликни ҳамда хунармандчилик фаолиятини ривожлантириш ва кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»*ги 216-сонли қарорларидир.

Президент Ислам Каримовнинг Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузасида таъкидланганидек, мамлакатимизда бизнесни ташкил қилишнинг ушбу шакли бизнесни юритишда юзага келган миллий анъаналаримизга, хўжалик юритиш фаолиятининг мавжуд ҳолатига тўла мос келади.

Оилавий бизнесни кенгайтириш Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларидан биридир. Бугунги кунда миллий иқтисодиётимизда ушбу тармоқнинг роли мунтазам ортиб бормоқда. Оилавий бизнес муҳим даромад манбаига айланмоқда. Дарслигимизда 2011 йил 2 апрелда «Халқ сўзи» газетасида эълон қилинган, «Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан аҳоли ўртасида оилавий бизнеснинг бугунги аҳволи ва уни ривожлантириш истиқболларини аниқлашга бағишлаб ўтказилган сўров натижаларини келтиришни лозим топдик. Унда юртимизнинг барча ҳудудларидан аҳоли қатламлари вакиллари иштирок этди. Сўров қатнашчилари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси ўз ривожланиш жараёнида жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг муҳим кафолатларидан бири бўлиб хизмат қилаётганини қайд этдилар.

Мамлакатимизда 2011 йилнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши муносабати билан тегишли Давлат дастури қабул қилинди. Унда амалдаги меъёрий-ҳуқуқий базани танқидий баҳолаш ва такомиллаштириш, ушбу соҳадаги ислохотларни изчил ривожлантириш ва жадаллаштириш бўйича замон талабларига жавоб берадиган янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш муҳим вазифалар сирасига киритилди.

Ўзбекистонда халқимизнинг энг яхши миллий анъаналарини қайта тиклаш, жумладан, одамларнинг хунармандчилик ва хусусий бизнес юритиш кўникмаларини ривожлантириш учун барча шарт-шароит яратилган. Бу борада оилавий бизнес ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ана шу кўникмаларини қўллаш ва ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашадиган самарали ташкилий-ҳуқуқий омил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Сўров давомида бугун мамлакатимизда ҳар тўрт оиладан бири оилавий бизнес билан шуғулланаётгани аниқланди. Ҳар уч оиладан бири қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирмоқда, ҳар олти оиладан бири савдо соҳасида меҳнат қилмоқда, ҳар саккиз оиладан бири ҳунармандчилик ҳамда кундалик эҳтиёж товарлари ишлаб чиқариш билан шуғулланаётир. Сўров маълумотларига кўра, оилаларнинг 6,5 фоизи транспорт хизматларини кўрсатиш соҳасида меҳнат қилмоқда. Оилавий бизнес тиббий, таълим, ҳуқуқий ва бошқа турдаги хизмат кўрсатиш соҳаларида ҳам ривожланмоқда.

Ижтимоий тадқиқот қатнашчилари ўз оилавий бизнесини амалга оширишга ёрдам бераётган мавжуд шарт-шароит ва қоидаларни ижобий баҳолайди. Сўралганларнинг 41,3 фоизи бу қоидалар оилавий бизнесни самарали ривожлантириш имконини бераётганини қайд этди.

Тадқиқот натижалари Ўзбекистонда оилавий бизнес катта истиқболга эга эканини тасдиқлади. Айти пайтда иштирокчиларнинг 53,8 фоизи иқтисодиёт реал секторининг ушбу соҳасини кенгайтириш учун оилавий бизнес ҳуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муайян қийинчиликларни бартараф этиш зарур, деб ҳисоблайди. Президентимиз ҳам «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да бу масалага алоҳида эътибор қаратган.

Сўров натижаларига кўра, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида яшаётган оилаларнинг учдан бир қисми келажакда ўз оилавий бизнесини йўлга қўйишни истайди. Уларнинг орасида қишлоқ аҳли шаҳарликларга қараганда 1,2 марта кўп. Сўров қатнашчиларининг аксарияти оилавий бизнесини умумий овқатланиш, ҳунармандчилик, савдо, қишлоқ хўжалиги, жумладан, чорвачилик маҳсулотларини етиштириш, хизмат кўрсатиш, тикувчилик ва бошқа соҳаларда ташкил этиш истагини билдирган.

Фуқароларимизнинг фикрича, давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган Концепцияга мувофиқ, оилавий бизнесни ташкил қилишнинг қонунчилик базасини яратиш ҳуқуқий кафолатларни янада мустаҳкамлаш имконини беради ва ушбу соҳани жадал ривожлантириш шароитларини шакллантиради. Шунингдек, жойларда расмиятчилик ҳолатларига барҳам беришга кўмаклашади. Мухтасар айтганда, «Оилавий бизнес – ривожланишининг янги босқичи» мавзuida ўтказилган сўров мамлакатимиз аҳолиси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг қонунчилик

ташаббусларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини кўрсатди. Чунончи, сўров натижаларига кўра, фуқароларнинг аксарияти (92,9 фоиз) «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да қайд этилган бизнеснинг янги шакли – оилавий бизнеснинг ташкилий-ҳуқуқий базасини қонуний белгилаш зарурлиги тўғрисидаги қоида миллий иқтисодиётимиз ва аҳоли фаровонлигини жадал юксалтиришда ўта муҳим аҳамиятга эга, деб ҳисоблайди.

Дарҳақиқат, ижтимоий ҳодиса бўлмиш оилага илмий тадқиқотларда ҳам борган сари кўпроқ ва асослироқ эътибор берилмоқда. 1992 йилда иқтисодиёт соҳаси бўйича Нобель мукофоти америкалик олим Гарри Беккерга микроиқтисодий таҳлилни оиланинг фаолиятини шакллантиришни бошқаришгача кенгайтиргани учун берилди. Иқтисодий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим соҳаси оиланинг иқтисодий даражасидир. Оила иқтисодининг бақувватлиги, унинг фаровонлиги **ижтимоий хотиржамликни** кафолатлайди. Оила иқтисодий тизимнинг *бош нуқтаси*, у фақат истеъмолчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи ҳамдир. Оилага *иқтисодий ҳужайра* деб қараш зарур.

Кўпчиликка маълум бўлган шахсий томорқа хўжалигининг ёйилганлиги билан ажралиб турадиган Ўзбекистондаги вазият муайян даражада оила иқтисодий хавфсизлигини таъминлаш учун қулай шароит мустақилликка қадар давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан таъминланган. Юртбошимиз Ватанимиз пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Қишлоқ хўжалик соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасини кўтаришга алоҳида аҳамият берилганлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётимиз негизларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлганлигини» таъкидлаган эди.

Бинобарин, жамият ҳаётини модернизациялаш даврида бошқа соҳалар қатори қишлоқ жойларида ҳам ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Шу ўринда нафақат қишлоқ жойларда ажратилган томорқалар, балки шаҳар жойлардаги томорқалардан самарали фойдаланиш ҳам тадбиркорлик эканини эслатиб ўтиш жоиздир. Афсуски, давлатимиз томонидан ажратилган томорқалардан жойларда оқилона фойдаланилмаяпти. Шу боис мутасадди ташкилотлар, раҳбарлар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ходимлари, фаоллар жойларда томорқалардан самарали фойдаланишга оид тарғибот-ташвиқот ишларини кундалик фаолиятига айлантириши лозим. Чунки бугунги кунда табиат инжиқликлари, глобал иқлим, қурғоқчилик оқибатида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш жаҳон миқёсида муаммога айланмоқда. Бу жаҳонда озиқ-овқат нархларининг ўсишига олиб келяпти. Томорқа хўжалигининг мавжудлиги ҳам оилада иш билан банд этиш ва даромад олишнинг самарали омили ҳисобланади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари сифатида давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар, молия хўжалик субъектлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ноқонуний текширувлар сони камайди.

Бизнеснинг эркин фаолият кўрсатишининг асосий мажбурий шартларидан бири, биринчи навбатда, **тадбиркорлик эркинлигининг кучли ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш**, уларни сўзда эмас, амалда бажариш, **давлат, ҳуқуқ-тартибот, назорат органлари ва тузилмалари томонидан уларнинг фаолиятига ноқонуний аралашувларга чек қўйиш** ҳисобланади. Тадбиркорлик субъектларининг давлат, ҳуқуқни муҳофаза этувчи ва назорат органлари билан ўзаро муносабатларида тадбиркорлар ҳуқуқларининг устуворлиги тамойили қонунчилик даражасида жорий этилган, бунда қонунчиликдаги ҳар қандай қарама-қаршилик ва номувофиқ ўринлар тадбиркорлар фойдасига талқин қилиниши керак. Кичик бизнес субъектларида улар рўйхатдан ўтган пайтдан бошлаб уч йил давомида режали солиқ текширувларини ўтказишни тақиқлайдиган ва кейинчалик барқарор фаолият юритаётган, солиқ қонунчилиги ва тартиб-интизомга қатъий риоя қилаётган солиқ тўловчиларда текширувлар ўтказишни чеклайдиган тартиб жорий этилган.

2005 йилдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишнинг рухсат бериш тизимидан хабардор қилиш тизимига ўтилди. Ўз бизнесини очиш учун тадбиркорга икки кундан ортиқ бўлмаган муддат талаб этилади ва бу қоида ривожланган давлатларда амал қилаётган мезонларга жавоб беради. **Ўзбекистонда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишини қўллаб-қувватлайдиган институционал ва бозор инфратузилмасини шакллантиришга катта эътибор қаратилмоқда.** Товар-хомашё биржаси бозорда нархлар шаклланиши ва юқори ликвидли хомашё ресурслари ва товарларидан тенг фойдаланиш имкониятини яратишнинг энг муҳим воситаси ҳисобланади. Бугунги кунда мамлакатимизда биржа савдоларининг изчил йўлга қўйилган механизми мавжуд бўлиб, у ҳар бир тадбиркорга **хомашё ресурсларидан биржа савдолари орқали тенг ва ҳеч қандай тўсиқларсиз фойдаланиш имкониятини бермоқда.**

2012 йилда мамлакатимизда экспорт қилувчи корхоналар, шунингдек, хорижий инвесторлар учун қўшимча рағбат ва имтиёзлар берилди. 2012 йилнинг июль ойида Халқаро молия корпорацияси билан ҳамкорликда ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш ва тадбиркорликка янада кўпроқ эркинликлар бериш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, улар асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иккита фармони қабул қилинди.

Мамлакатимизда статистик, молиявий ва солиқ ҳисоботларини тақдим этиш, солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш, рўйхатга олиш ва рухсат бериш жараёнларини амалга ошириш, хўжалик судларига даъво аризалари ва тавсияномалар киритиш бўйича электрон тизимни кенг жорий этиш кўзда тутилган бўлиб, бу ўз навбатида давлат, назорат қилувчи органлар билан тадбиркорлик субъектлари ўртасидаги бевосита алоқаларни сезиларли даражада қисқартириш ёки бутунлай бекор қилиш имконини беради.

Тасдиқланган чоралар 2012 йилнинг 1 августидан бошлаб бизнесни рўйхатга олиш пайтидаги тартиб-қоидалар сонини икки баробар қисқартириш имконини берди, рўйхатдан ўтишдан аввал бирламчи устав жамғармасини шакллантириш бўйича талаб бекор қилинди, тадбиркорлик субъектларининг суд харажатлари 2,5 баробар қисқартирилди.

Давлатнинг тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувини тубдан камайтириш мақсадида жорий йилда рухсат беришга оид 80 та тартиб-қоида, шунингдек, лицензияланадиган фаолият

турларининг 15 таси бекор қилинди, молиявий ҳисоботларни топширишнинг шакллари ва даврийлиги 1,5 баробар қисқартирилди. Бундан ташқари, 2013 йилнинг 1 январидан бошлаб 65 та статистик ҳисобот ва 6 та солиқ ҳисоботи шаклини бекор қилиш, уларни топшириш даврийлигини икки баробардан зиёд қисқартириш ҳақида қарор қабул қилинди.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов: «Мамлакатимизда қабул қилинган қонунчилик талабларига кўра, **давлат органларининг ноқонуний қарорлари, мансабдор шахсларнинг хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги, шунингдек, қонунчиликка зид тарзда қабул қилинган идоравий ҳужжат туфайли тадбиркорлик субъектига етказилган зарар давлат томонидан қопланади**»¹, – деб алоҳида қайд этиши бугун тадбиркорлик тараққиётни белгиловчи куч эканлигидан далолат беради.

Жумладан, бугунги кунда республикаимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни давлат томонидан тартибга солиш ва қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш талаб этилмоқда. Хусусий тадбиркорликнинг самарали фаолият юритиши, янги хусусий корхоналарни ташкил этиш ва уларни ривожлантиришда қатор молиявий, маъмурий ва ташкилий муаммолар сақланиб қолаётганлиги боис давлатимиз раҳбари Ислон Каримов «бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш мақсадида **«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»ги қонунни** ишлаб чиқиш ва қабул қилиш муҳим аҳамият касб этади. Бунда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун зарур бўлган рухсат бериш тартиб-қоидаларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини аниқ белгилаб қўйиш, **қонунда назарда тутилмаган ортиқча рухсатнома ва рухсат бериш тартиб-қоидаларининг янги турлари киритилишини қонун билан кескин тақиқлаш зарур**»лигини вазифа этиб белгиладик, бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиши учун янада қулай ва кенг имкониятлар яратади.

Шунингдек, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ўзига хос хусусиятларга эгаллиги бу соҳада қонунчиликни

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзuidaги халқаро конференциянинг очилиш маросимidaги нутқи //Халқ сўзи. – 2012. – 15 сент.

такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Президент Ислом Каримов ҳам Концепцияда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасидаги қонунчилик базасини такомиллаштириш зарурлигини таъкидлаган. Жумладан, Концепцияда таъкидланганидек, *«ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – мамлакатимиз иқтисодиётида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.*

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 54 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодиётимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун **«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»**ги қонуннинг янги таҳрири 2012 йил 2 майда қабул қилинди. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар бериш кўзда тутилган.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда 30 та тижорат банки, 115 та кредит ташкилоти, 36 та микрокредит ташкилоти ҳамда 28 та ломбард фаолият юритмоқда. Эндиликда ушбу молия муассасалари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг яқин ҳамкорига айланаётир. Республикамизда 2010 йилда ушбу соҳа вакилларига ажратилган кредитлар ҳажми 1,4 баробарга кўпайиб, 2 триллион 700 миллиард сўмни ташкил этди.

Яратилган ҳуқуқий заминлар, қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар ҳаёт, нажот, саодат йўли бўлган кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 31,0 фоиздан 2011 йил якунига келиб қарийб 54,0 фоизга етди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 74,3 фоиздан кўпроғи мазкур соҳада меҳнат қилмоқда. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг экспортда 13,6 фоиз, импортда 36,6 фоиз улушга эга бўлгани бежиз эмас. Муҳим янгилик яна шундан иборатки, бугунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг натижаси сифатида аҳолининг даромадлари таркибида тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромад улуши тобора салмоқли ўрин эгаллаётганини алоҳида қайд этиш лозим. Чунки барча даромадларнинг 51 фоиздан ортиғи тадбиркорлик фаолият-

тидан олинаётган даромад ҳиссасига тўғри келмоқда. Бу натижалар мамлакатимизда сўнгги йилларда кичик ҳажмдаги молиявий ресурслар билан таъминлашнинг махсус самарали шакли ҳисобланган микромолиялаш тизимини ривожлантиришга эътибор қаратилганидандир.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттиришда «2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»нинг ўрни беқиёслигига тўхталиб, «*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили*» бўйича қабул қилинадиган давлат дастурида бир қанча устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлади.

Устувор йўналишлардан бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратишдан иборатлиги Президентимиз маърузасининг марказий йўналишларидан бири ҳисобланади. Унда охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича анча ишлар қилинган ва қилинаётгани таъкидланиб, лекин бу соҳада бажарадиган ишларимиз ҳали кам эмаслиги кўрсатиб ўтилди.

Айни пайтда, кичик бизнес субъектларининг *энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти* ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бўйича ҳам дастурда аниқ чора-тадбирлар белгиланиши ва уларнинг ижросини қатъий назоратга олиш йўлга қўйилди.

Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласига тўхталди.

Бу ҳақда Ислон Каримов жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турлитуман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмаслигини

айтиб ўтиб, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилаётганлиги, жумладан, корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилганини таъкидлади. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги ҳануз ўткир муаммо бўлиб қолаётганлиги ва ишимизга салбий таъсир ўтказаётганлигини куйиниб гапирди.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда *коррупция* деган бало, яъни *порахўрлик, тамагирлик, хизмат вазифасини сууистеъмол қилиш* каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмаслигини, қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан муроса қилишга чек қўйишнинг вақти келганлиги, ёши ва вазифасидан қатъи назар, бизнингча, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳаларда мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов эканлиги, охир-оқибатда аҳоли фаровонлигини ўстиришга салбий таъсир кўрсатувчи иллат эканлигини сингдириш зарурлиги давлатимиз раҳбари томонидан алоҳида қайд этилган.

Мамлакатимизнинг барча минтақаларида бизнесни ривожлантириш учун янада қулай ишчан муҳит яратиш, тадбиркорлик, кичик ва хусусий бизнесга янада кенг эркинлик бериш, бюрократик тўсик ва ғовларни бартараф этиш бўйича зарур чора-тадбирларни амалга ошириш лозимлиги талабидан келиб чиқиб, **«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Қонун ҳақидаги маълумотимиз кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларнинг бу борадаги янгиликлардан хабардор этишга кўмак беради.

Дарҳақиқат, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланишида ишлаб чиқилган қонуннинг аҳамияти ва долзарблигини қайд этиш мақсадида яқин ўтмишга бир назар ташлаб, тадбиркорлар ўз ишини бошлаши учун зарур бўлган рухсатнома ва келишувни олишда қандай қийинчиликларга дуч келганини бугунги кунда эътироф этиб ўтиш зарур. Чунки, ушбу ҳужжатларсиз иш бошлаб бўлмаслиги барчамизга яхши маълум. Зеро, тадбиркор ўз бизнеси билан шуғуллана туриб, амалдаги тартиб-қоидаларга риоя этмоғи, бошқаларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳисобга олиши

зарурдир.

Аммо рухсат берувчи ҳужжатларни олиш кўплаб муаммолар билан боғланиб кетган эди. Маҳтал бўлиб кутилган рухсатнома қанчага тушганини тадбиркорларнинг кўпчилиги яхши маълум. Чунки улар узоқ вақт мобайнида идоралар остонасида сарғайиб туришга, турли ҳужжатларни йиғишга вақт, куч ва анчагина маблағ сарфлашга мажбур бўлишарди. Иш шу даражага борган эдики, ҳатто ҳар бир идора турли хил ички идоравий буйруқ ва қоидалар чиқариб, ўзлари тартиб ўрнатган эди. Ушбу меъерий ҳужжатларнинг айримлари амалдаги қонунчилик нормаларига ҳам мувофиқ эмас эди.

У ёки бу турдаги рухсатнома ва келишувлар олишни тартибга солувчи қоида ҳамда меъёрларнинг шаффоф эмаслиги, шунингдек, ушбу ҳужжатларни берадиган органларнинг кўпчилиги қўшимча маъмурий тўсиқларни яратиб, Ўзбекистонда тадбиркорлик ва соғлом рақобатчилик муҳитининг ривожланишига салбий таъсир кўрсатарди. Сир эмас, айрим амалдорлар юзага келган вазиятдан ўзининг шахсий ғаразли мақсадларида ҳам фойдаланганлар. Бугунга келиб Президентимиз қўйган талаблар асосида ушбу муаммоларни ҳал этиш учун аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда. Бундай ишлар, айниқса, мамлакатимизда фаол демократик ўзгаришлар ва мамлакатни модернизация қилиш даврига тўғри келди. 2003 йилнинг сентябридан бошлаб бу борадаги вазият тубдан ўзгара бошлади. Ўшанда ҳокимиятлар ҳузуридаги махсус инспекцияларда рухсатнома ва келишувлар олишни соддалаштириш учун «бир дарчага» тизими жорий этилди. Бу тизим тадбиркорларнинг идорама-идора сарсон юришига барҳам бериб, ҳужжатлар тўпламини битта жойда топширишга имкон яратди. Муҳими, барча қолган ишларни тегишли давлат органлари бажариши лозим эди. Янги тизим ўзининг ижобий жиҳатларига қарамай, бир қатор муаммоларни ҳал этолмади. Хусусан, «бир дарчага» рухсатнома ва келишувларни олиш фақатгина тўртта рухсатнома турлари билан чекланган эди. Булар:

- иншоотларни қуришга;
- иншоотларни таъмирлаш ва фаолият йўналишини ўзгартиришга;
- турар жойларни нотурар жой тоифасига ўтказишга;
- аукцион савдоларида харид қилинган ер участкаларида иншоотлар қуришга бериларди.

Айни пайтда «бир дарчага» доирасидан ер участкаларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи рухсатномалар, гигиеник сертификатлар олиш, ёнғин хавфсизлиги қоидаларига мувофиқлиги ҳақида ҳулосаларни олиш сингари кўплаб рухсатнома ва келишувлар четда қолди. Тадбиркорлар ўзлари олишга мажбур бўлган мазкур ҳужжатларнинг бир қисмини янги тизимга киритишлари ҳам мумкин эди.

Қолаверса, кўпчилик тадбиркорлар янги тизим бўйича рухсат берувчи гувоҳномаларни олиш муддати қонунчиликда кўзда тутилганидан узайиб кетишини таъкидлашган. Бу, ўз навбатида, ташкилий ишлар вақтини кечиктириб, улар бизнесининг ривожланишига таъсир кўрсатарди. Бундан ташқари, тадбиркорлар томонидан яна кўплаб эътирозлар билдирилди. Хусусан, уларнинг фикрича, талаб қилинадиган рухсатнома ва келишувлар сони ҳаддан ташқари кўп бўлиб, уларнинг ҳаммаси ҳам асослаб берилмасди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 21 сентябрда ПҚ-186-сонли **«Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди. Унга мувофиқ, 12 та рухсатнома, хусусан, талаб юқори бўлган чакана савдога рухсатнома бериш бекор қилинди. Кенг тарқалган рухсатномалардан яна бири – улгуржи савдо билан шуғулланиш учун рухсатнома бир марталик бериладиган лицензияга алмаштирилди.

Шунингдек, **«Тадбиркорлик фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-қоидалари тўғрисида»**ги қонун мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ривожланишида муҳим аҳамиятга эга бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик учун шарт-шароитларни яхшилашда яна бир муҳим қадам бўлади.

Шу муносабат билан давлатимиз раҳбари Ислон Каримов тадбиркорлик фаолияти муҳитининг қандай ҳолатда экани, бунинг учун зарур шарт-шароитларни яратиш ва бу фаолиятнинг амалдаги ривожланиш суръатлари барча даражадаги ҳокимлар фаолиятини баҳолашнинг асосий мезонига айланиши даркорлигига алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Бош прокуратурага кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг молиявий-хўжалик фаолиятига ҳар қандай ноқонуний аралашувни иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш

бўйича давлат сиёсатига қарши қаратилган ҳаракат сифатида кўриб чиқиш ва ҳуқуқбузарларга нисбатан қонунчиликка мувофиқ жавобгарлик нормаларини қўллаш вазифаси топширилади деб, бу борада Президентимиз таъкидлаган, «Мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни коррупция ва жиноятчиликни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»лигини бугунги кунда эслаш ўта долзарбдир. Чунки биз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг навбатдаги мантиқий босқичи давом этаётган даврда яшайпмиз. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислон Каримов: «Ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажакини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади. Барчамиз, аввало, ёшларимиз бу оддий ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз зарур», – деганларида ҳақ гапни айтдилар. Юртимизда тадбиркорлик янада ривожланаверса, тараққиётимиз ҳам шунчалик раванқ топиб бораверади. Энг муҳими, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш амалдаги қонунларни пухта эгаллашга ундайди. Бу тадбиркорнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлиги ҳамда маданиятини юксалтиришга замин бўлади. У ўртача мулкдор даражасига етганда сиёсий фаоллиги янада кучаяди: ён атрофдаги демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси билан яшаш кўлами ортади. Бу жиҳатлар эса жамиятимизда барқарорликка ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий таянч бўлади. Муҳими миллий ва иқтисодий хавфсизлигимизни таъминлашга ва осон кечмаган мустақиллигимизни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Тадбиркорлик, тадбиркорлик белгилари, тадбиркорлик тизими, тадбиркорлик турлари, тадбиркорлар тоифаси, фирмалар, фирмаларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакллари, фирмаларнинг иқтисодий уюшмалари, тадбиркорларнинг нодавлат жамоат ташкилотлари.

Савол ва топшириқлар:

1. Қуйидаги шахслардан қайси бири ҳақиқий тадбиркор ишбилармон ҳисобланади?

- а) *Соҳиб* – уйини ижарага бериб пул топади;
- б) *Саид* – ерини ижарага бериб пул топади;
- в) *Қурбон* – тижоратчига ёлланиб пул топади;
- г) *Иван* – хусусий дўкон очиб, савдо қилиш орқали пул топади.

2. Бизнес-режа нима? 1994 йилнинг январь ойида Европа банкдан кредит олиш мақсадида ўрта ва кичик бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар Ўзбекистон Миллий банкига 100 та бизнес-режа тақдим этганлар. Шундан 38 тасини Ўзбекистон Миллий банки маъқуллаган. Европа банки 38 та лойиҳадан фақат 8 тасини маъқул топган. Бизнес-режаларнинг Европа банки томонидан тўла қабул қилинмагани сабабларини изоҳланг.

3. Сиз тадбиркор бўлдингиз, ишингиз юришиб кетди. Топган пулингизнинг 25 минг долларига енгил автомашина сотиб олдингиз, 30 минг доллар сарфлаб, икки қаватли данғиллама уй қурдингиз. Шу хатти-харакатингиз тўғрими?

- 4. Тадбиркорлик принципларини тушунтиринг.
- 5. Тадбиркорликнинг ахлоқий талабларини биласизми?
- 6. Яширин бизнес деганда нимани тушунасиз?
- 7. Жиноий бизнеснинг моҳиятини шарҳланг.
- 8. Қалбакилаштирилган иқтисодий фаолиятни шарҳланг.
- 9. Норасмий бизнес алоқалари қандай?
- 10. Сохта тадбиркорлик деганда нимани тушунасиз?
- 11. Куч ишлатувчи тадбиркорлик мавжудми?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Тадбиркорлик – мулкчилик субъектларининг фойда олиш мақсадида таваккал қилиб ва мулкий жавобгарлиги асосида амалдаги қонунлар доирасида ташаббус билан иқтисодий фаолият кўрсатишдир.

Оилавий тадбиркорлик – оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолиятидир.

Оилавий корхона – унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади. Оилавий корхона тадбиркорлик субъектларининг ташкилий-ҳуқуқий шаклларида биридир.

Институционал тадбиркорлик – иқтисодий муносабатлар субъектининг институционал янгиликларни яратиш ва хўжалик амалиётига жорий этиш борасидаги фаолияти.

Сохта тадбиркорлик – уставида кўрсатилган фаолиятни амалга ошириш мақсадини кўзламасдан ссудалар, кредитлар олиш, фойдани (даромадни) солиқлардан озод қилиш (солиқларни камайтириш) ёки бошқача мулкий манфаат кўриш мақсадида корхоналар ва бошқа тадбиркорлик ташкилотларини тузиш. (*Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 179-модда*).

Тадбиркорлар рискинни камайтиришининг айрим йўллари:

Ишлаб чиқаришни диверсификациялаш – бунда капитал бир-бирига боғлиқ бўлмаган турли соҳаларга жойлаштирилади. Бунда бир ердаги йўқотиш бошқа ердаги ютуқ билан қопланиб туради. **Шерикчилик капиталини ҳосил этиш** – бунда ширкат фирмалари ташкил этилиб, унинг капитали бир неча шерикларга қарашли бўлади. Бу ерда фақат эришилган ютуқ эмас, балки эҳтимолидан йироқ бўлмаган йўқотиш ҳам шериклар ўртасида тақсимланади.

Ахборотни тўплаш ва ундан самарали фойдаланиш. Фирма рискнинг олдини олиш ёки уни камайтириш учун ички ва ташқи бозордаги аҳвол, у ерда нархларнинг ўзгариши, товар сотилишининг динамикаси, рақобатчиларнинг феъл-атвори ва саъй-ҳаракатлари тўғрисида, партнёрлар аҳволи, давлат сиёсатида кутилаётган ўзгаришлардан хабар топиши керак. Фирма оладиган ахборот қанчалик хилма-хил, кўп манбали ва миқдоран кўп бўлса, шунчалик унинг симметрик бўлиш эҳтимоли катта.

Тадбиркорлик даромади – товар ва хизматларни сотишдан келган пул тушуми бўлиб, бу яратилган товар ва хизматларнинг миқдорига ва улардан ҳар бирининг бозор нархига боғлиқ бўлади. Ялпи даромад муайян пайтда фирма топган жами даромад бўлса, товар ва хизматлар бирлигини сотишдан келган пул ўртача даромад ҳисобланади. Маргинал даромад қўшимча товар бирлигини сотишдан тушган қўшимча пул

бўлади. Даромад биринчидан харажатларни қопласа, иккинчидан фойда ҳосил қилади.

Фойда – тадбиркорлик фаолияти учун бизнесчилар оладиган мукофот бўлиб, уни тадбиркорлик қобилияти ва бизнесга қўйилган капитал келтиради. Тадбиркорлик қобилияти учун олинадиган фойда меъёрдаги фойда ҳисобланади ва харажатлар таркибига киради. Капитал учун тегадиган фойда иқтисодий фойда бўлиб, даромаднинг жами харажатлардан ортиб қолган қисми бўлади. Тадбиркорликда омад фойдаси ҳам бор, бу мазмунан бошқаларникидан ортиқча фойда бўлиб, бозор нархларининг кутилмаганда ортиб кетиши туфайли ҳосил бўлади, буни омади юришганлар олади, у жузый бўлганидан нархлар эски холига тушгач йўқ бўлиб кетади.

Фойда топиш – хатар (риск)ли иш. Риск тадбиркорлик йўлида хавф-хатарга йўлиқиб, ўз мақсадига эриша олмай қолишдир. Рискни ноаниқлик юзага келтиради, бу ўз навбатида бозордан келган ахборотнинг асимметрик бўлиши, яъни реал вазиятни тўла акс эттирмаслиги натижасидир. Риск муқаррар бўлса-да, уни бошқариш мумкин. Бу рискка ҳар хил муносабатда бўлишни билдиради: рискка бормаслик, рискка бефарқ бўлиш, рискка бориш. Риск йўқ жойда кичик фойда билан қаноат ҳосил этилади, риск бор жойда катта фойда ҳам кутилади. Рискни қамайтириш учун ишлаб чиқариш диверсификацияланади, тадбиркорлик хатари суғурталанади, риск шериклар ўртасида тақсимланади ва ниҳоят ахборотдан самарали фойдаланилади.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Тадбиркорлик бозор иқтисодиётининг муҳим белгисидир. У муҳим иқтисодий фаолият бўлиб бозорни тўйинтиришда муҳим аҳамият касб этади, яъни товар ва хизматлар яратиш ва истеъмолчиларга етказиб бериш борасида фойда топишга қаратилган бизнеснинг асосий туридир. Тадбиркорлик амалдаги қонунлар доирасида фаолият кўрсатади. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг вазифаларидан бири ҳисобланади.

2. Мустақилликка қадар (1989–1990) хўжалик юритишда тоталитар бошқарув ҳукмрон бўлган, хусусий мулкка эса «ёт унсур» деб қаралган даврларда Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги, Республиканинг иқтисодий мустақилликка ва бозор иқтисодиётига ўтиш ғояси давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилганлиги улкан жасорат эди.

3. Ўзбекистонда иқтисодий ислохотларнинг дастлабки босқичларидан бошлаб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлан-

тириш масаласи кўп укладли бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг асосини ташкил этди.

4. Бугунги кунга келиб кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга бўлмоқда. Чунки тараққиётни белгиловчи бу куч мамлакатимиз ижтимоий иқтисодий ривожлантиришнинг асосий омилларидан бирига айланди. Агар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1991 йилда 1,5 фоиз, 2000 йилдаги 31 фоиздан 2012 йилга келиб қарийб 55 фоизга етди.

5. Жаҳон банки ҳисоб китобларига кўра, 2012 йилда Ўзбекистон бизнесни юритиш бўйича рейтингда 14 ўрин юқорига кўтарилди. Бу Ўзбекистонда жаҳон банки томонидан ишлаб чиқилган методологияга мос мамлакатимизда бизнесни юритиш билан боғлиқ барча жараёнларни янада либераллаштириш, соддалаштириш, ва уларнинг очиқлигини таъминлашга йўналтирилган комплекс дастур қабул қилинганлигининг натижасидир.

8- МАВЗУ. КОРХОНА (ФИРМА) ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. «Корхона (фирма)» тушунчаси, белгилари, вазифалари ва функциялари

Корхона – иқтисодий фаолиятни ташкил қилишнинг асосий ижтимоий-иқтисодий шакли ҳисобланиб, миллий иқтисодиётнинг бирламчи бўғинидир. Корхона товарлар ишлаб чиқаради ва хизматлар кўрсатади. Агар унинг низомида корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий вазифалари белгиланган бўлса, унинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий фаолияти таркибига эса асосий ва айланма фондлар, пул маблағлари ва бошқа активлар кирувчи низом жамғармаси мавжуд бўлиб, унга таянади. Корхона ўз паспорт ва низомига эга. Низом жамғармаси қонунга асосан корхонани ташкил қилиш жараёнида таъсисчилар: давлат, ҳуқуқий ва жисмоний шахслар томонидан шакллантирилади. Корхона ривожланиши ва ишлаб чиқаришнинг кенгайиб бориши, даромад ҳажми ва бошқа молиявий тушумларнинг ортиши натижасида низом жамғармаси кўпайтирилиши мумкин. Умуман олганда, низом жамғармаси корхонанинг иқтисодий барқарорлиги ва молиявий жихатдан бақувватлигини акс эттиради.

Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралда қабул қилинган «Корхоналар тўғрисида»ги қонунига асосан, корхона ҳуқуқий шахс мақомига эга, мустақил равишда хўжалик фаолияти юритувчи субъект бўлиб, ўзига тегишли мол-мулкдан фойдаланиш асосида истеъмолчилар (харидорлар) талабини қондириш ва даромад (фойда) олиш мақсадида маҳсулот (иш, хизмат) ишлаб чиқаради ва сотади ёки айирбошлайди.

Корхонани турли жиҳатларига кўра тавсифлаш мумкин:

– ишлаб чиқариш ва техника муносабатларида корхона ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ҳажми ва турлари, уларни тайёрлаш технологиясига миқдор ва сифат жиҳатидан мос келувчи машиналар тизими;

– ижтимоий муносабатларда корхона турли категориядаги ходимлар ўртасида уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида юзага келувчи муносабатлар;

– ташкилий ҳуқуқий муносабатларда корхона ҳуқуқий шахс сифатида фаолият юритади;

– молиявий-иқтисодий муносабатларда корхона тармоқнинг мустақил бўғини бўлиб, ўз-ўзини молия билан таъминлаш, ўз-ўзини бошқариш, яъни бозор муносабатлари тамойилларида фаолият юритади.

Амалдаги қонунчиликка асосан корхона давлат рўйхатидан ўтгач, юридик шахс сифатида тан олинади. Давлат рўйхатидан ўтиш учун қуйидаги ҳужжатлар аҳамиятга эга бўлади: таъсисчининг аризаси; корхонанинг низоми; корхонани ташкил қилиш ҳақида қарор ёки таъсисчилар шартномаси; давлат божини тўлаганлик ҳақида квитанция ва ҳоказо. Корхона қуйидаги хусусиятларга эга:

биринчидан, корхона ўзига тегишли ва хўжалик бошқарувидаги мулкка эга бўлиб, ушбу мулк унинг фаолиятини, моддий-техникавий имкониятларини, иқтисодий мустақиллигини ва ишончилигини таъминлайди;

иккинчидан, корхона кредиторлар, жумладан, давлат билан ўзаро муносабатлардаги мажбуриятлар юзасидан ўз мулки билан жавоб бериш хусусиятига эга бўлади;

учинчидан, корхона ўз номидан ҳаракат қилади ҳамда амалдаги қонунларга асосан хўжалик фаолияти юритувчи ҳамкорлар, маҳсулот (иш, хизмат) истеъмолчилари, хом ашё ва асбоб-ускуна етказиб берувчилар, шунингдек, бошқа ҳуқуқий ва жисмоний шахслар билан шартнома тузиш ҳуқуқига эга;

тўртинчидан, корхона қонунчиликка асосан судда даъвогар ва жавобгар сифатида қатнашиш ҳуқуқига эга;

бешинчидан, корхона мустақил баланс ёки сметага эга бўлиб, ишлаб чиқариш ва маҳсулот савдоси харажатларини ҳисобга олиб боради ҳамда давлат идоралари томонидан белгиланган тартибда ўз вақтида ҳисоботларни тақдим этади;

олтинчидан, корхона ўз номига эга бўлиб, унда корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ўз аксини топади.

Ҳар бир корхонанинг фаолияти ишлаб чиқариш, қайта ишлаб чиқариш ва муомала жараёнларидан иборат бўлади. Корхонанинг ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолияти янги маҳсулотни ишлаб чиқаришга тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни ташкиллаштиришда намоён бўлади. Қайта ишлаб чиқариш соҳасидаги фаолият ишчи кучини ёллаш, кадрлар тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, ишлаб чиқариш воситаларини янгилаш ва кенгайтириш жараёнларида акс этади. Муомала соҳасидаги фаолият эса ишлаб чиқаришнинг моддий-техника таъминотини ташкил этишда, маҳсулот (иш, хизмат)ларни сотиш ва фойдаланилган ишлаб чиқариш воситаларининг даромад шаклида қайтиб келишида кўзга кўринади.

Корхоналарни ижтимоий-иқтисодий тизим сифатида уни ташкил қилувчи иккита таркибий қисм тизимнинг ўзи (корхона) ва ушбу тизим фаолият юритувчи ташқи муҳитни кўриб чиқиш лозим. Корхонанинг ички муҳити ишлаб чиқариш воситалари, пул маблағлари, ахборотлар ва инсон ресурсларидан ташкил топади. Ишлаб чиқариш ўзаро алоқалари натижасида тайёр маҳсулот пайдо бўлади, ишлар бажарилади ва хизмат кўрсатилади, яъни тўғри йўлга қўйилган ишлаб чиқариш ва меҳнатга ҳақ тўлаш фаолияти юзага келади.

Корхоналарнинг алоқаси уларнинг ташқи тизимга чиқишида рўй бериб (ресурсларни жалб қилиш, уларнинг қийматини аниқлаш, хом ашё, материал ва ёқилғининг ўз вақтида етказиб турилиши ва ҳоказо), ташқи муҳитга ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар оқими ёрдамида таъсир кўрсатиш жараёнида намоён бўлади.

Иқтисодиётимиз олдида турган асосий вазифалардан бири саноат ишлаб чиқаришини жаҳон иқтисодиётида ўз ўрнига эга бўлган рақобатбардош корхоналар ташкил қилиш мақсадидаги тузилмавий қайта қуришдан иборат. Бунинг учун интеграция ҳамда турли ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналарни вақтинчалик ёки

доимий равишда кооперация ёки концентрация асосида бирлаштириш амалга оширилади. Кооперация жараёнида концерн, консорциум, хўжалик ассоциацияси каби ташкилий шакллар вақтинчалик ёки доимий равишда тузилиши мумкин. Ушбу тузилмавий бирликларнинг моҳиятига қисқача тўхталамиз.

Концерн – умумий манфаатларга эга ҳамда шартномалар, капитал ва қўшма фаолиятда иштирок этиш билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг йирик бирлашувини акс эттиради.

Консорциум – компания ва банкларнинг вақтинчалик бирлашуви натижасида йирик капитал талаб қилувчи лойиҳаларни амалга ошириш ёки маблағни биргаликда жойлаштириш мақсадлари учун умумий келишувлар асосида юзага келади. Консорциум буюртмачилар олдидаги мажбуриятлар учун жавобгар ҳисобланади.

Хўжалик ассоциацияси – жисмоний ёки ҳуқуқий шахсларнинг ўзаро ҳамкорлик юритиш мақсадида кўнгилли бирлашувини англатади ва унда бирлашган субъектлар ўз мустақиллигини сақлаб қоладилар.

Корпорациялар – умумий мақсадларга эришиш, ҳамкорликда фаолият юритиш мақсадида бирлашиб, мустақил ҳуқуқий субъект – ҳуқуқий шахсни ташкил қилувчи шахслар йиғиндисини тавсифлайди. Улар акциядорлик (ҳиссадорлик) жамиятлари шаклида ташкил қилинади.

Корхоналарнинг концентрация асосида бирлашуви картел, синдикат, холдинг ва молия-саноат гуруҳлари кўринишида амалга оширилади.

Ишлаб чиқариш соҳасидаги картеллар ишлаб чиқариш масалалари, нархлар, товарларни сотиш, ишчи кучини ёллаш ва шу каби масалалар борасида келишувга асосланиб фаолият юритади. Интеграциянинг бу шаклида корхоналар мустақилликни сақлаб қолган ҳолда кооперация асосида бирлашадилар.

Синдикат тижорат фаолиятини (таъминот, сотиш, нархнинг пайдо бўлиши) ҳамкорликда ташкил қилишга асосланган бирлашмадир. Синдикат таркибида корхоналар ҳуқуқий ва хўжалик юритишни сақлаб қоладилар.

Грестлар юқори даражада марказлашгани билан ажралиб туради. Унинг таркибига кирувчи корхоналар ишлаб чиқариш, тижорат ва мустақиллигини йўқотиб, ягона режа асосида фаолият юритади.

Холдинглар иштирокчиларнинг молиявий имкониятларини бирлаштириш ва мувофиқлаштириш ҳамда ишлаб чиқариш билан боғлиқ вазифаларни тезкор равишда амалга ошириш имконини берувчи бошқарувнинг самарали шаклини ифодалайди.

Интеграция жараёнларини амалга оширувчи корхоналар қуйидаги мақсадларни кўзлайди:

- ресурслардан янада самаралироқ фойдаланишга эришиш;
- кооперация асосидаги алоқаларини янгилаш ва мустаҳкамлаш;
- мамлакатдаги корхоналарнинг ташқи бозорга чиқиши;
- ишлаб чиқаришга инвестицияларнинг янги турларини жалб этиш;
- ички ва ташқи бозордаги рақобатда муваффақият қозониш мақсадида нарх ва сотиш бўйича ягона сиёсат юритиш.

2. Корхона (фирма)ни ташкил қилиш тамойиллари

Иқтисодиётнинг жадал ривожланиши ва ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши фаолият юритаётган корхоналардан ташқари, янги корхоналарни ташкил қилиш ва ишга туширишга таянади. Бундай қадам иқтисодий жиҳатдан мақбулликка, ресурслар имконияти ва корхона маҳсулотларига бўлган талабга асосланади. Бирон-бир маҳсулотнинг тақчиллиги ёки умуман йўқ бўлиши ҳам янги корхона ёки ишлаб чиқаришни ташкил қилишга сабаб бўлиши мумкин.

Янги корхонани ташкил қилиш қуйидаги ташкилий тамойиллар асосида амалга оширилади:

- корхона ташкил қилиш фикрининг пайдо бўлиши;
- корхона таъсисчиларини танлаш;
- таклиф қилинаётган маҳсулотга бозордаги талабни ўрганиш;
- корхона Низом жамғармасини тузиш учун молия манбаларини аниқлаш;
- корхонанинг таъсис ҳужжатлари ва бизнес-режасини тайёрлаш;
- давлат рўйхатидан ўтиш;
- муҳр, штамп ва бошқа реквизитларни тайёрлаш;
- солиқ идораларида рўйхатдан ўтиш.

Ўзбекистон Республикасининг” «Корхоналар тўғрисида”ги қонунига асосан, корхоналар мулк эгаси (эгалари) ёки у (улар) тайинлаган вакиллик идораси, меҳнат жамоаси ёки таъсисчилар

гуруҳининг қарори бўйича белгиланган қонун-қоидаларга асосан ташкил қилиниши мумкин. Шунингдек, корхоналар, агар корхона мулки эгаси ёки у тайинлаган вакиллик идорасининг розилиги бўлса, фаолият юритаётган корхона таркибидан бир ёки бир неча таркибий бўлинмаларни, ушбу бўлинмаларнинг меҳнат жамоалари ташаббусига кўра, ажратиб чиқариш натижасида ҳам ташкил топиши мумкин.

Корхона жорий ва ҳисоб-китоб рақамлари очиш ва улар тўғрисидаги ҳолатларни тасдиқлаш ҳуқуқига эга бўлган, мустақил ҳуқуқий шахс мақомидаги шўъба корхоналари, филиаллар, ваколатхоналар, бўлим ва бошқа ташкилий бўлинмаларни ташкил қилиши мумкин. Корхона мулкани шакллантириш ва ундан фойдаланиш Низом ва Таъсис шартномасининг муҳим қисми ҳисобланади. «Корхоналар тўғрисида»ги қонунга асосан қуйидагилар корхона мулкани шакллантиришнинг манбалари ҳисобланади:

- таъсисчиларнинг пул ва моддий кўринишдаги бадаллари;
- маҳсулот (иш, хизмат) сотишдан ва бошқа турдаги фаолиятдан олинган даромадлар;
- қимматбаҳо қоғозлардан олинган даромадлар;
- банклар ва бошқа кредиторлардан олинган кредитлар;
- бюджетдан олинувчи маблағлар (дотация), капитал қўйилмалар;
- корхона, ташкилот ва фуқароларнинг беғараз ва хайрия бадаллари, шунингдек, алмашиш, мерос ва совға тариқасида олинувчи мулк;
- қонун билан тақиқланмаган бошқа манбалар. Давлат корхоналарнинг мулкӣ ҳуқуқларини кафолатлайди. Давлатнинг корхоналар мулкани (асосий фондлар, айланма маблағлар ва ҳоказо) тортиб олишига йўл қўйилмайди, қонунчиликда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Корхона (фирма)ларнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши ва корхона (фирма)ни тугатиш ва қайта ташкил қилиш масаласига тўхталамиз.

2. 1. Корхоналарнинг давлат томонидан рўйхатга олиниши

Юқорида айтиб ўтилганидек, корхона жойлашган манзилгоҳи бўйича давлат идораларида рўйхатга олинган кундан бошлаб ташкил қилинган ҳисобланади. Бу вазифани асосан ҳокимиятлар бажариб, улар корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги маълумотларни ўн кун мобайнида Молия вазирлигига ягона давлат реестрига киритиш учун тақдим этишлари шарт.

Давлат рўйхатидан ўтиш учун корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор, корхона низоми (таъсис шартномаси) ва Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб берилувчи рўйхатдаги бошқа ҳужжатлар тақдим этилади. Корхонани давлат томонидан рўйхатга олиш зарур ҳужжатлар илова қилинган ариза берилган кундан бошлаб, 30 кун муддатда амалга оширилиши лозим. Корхоналарни рўйхатга олишдан, уларни ташкил қилиш мақсадга мувофиқ эмас, деган сабаб билан бош тортишга йўл қўйилмайди.

Агар корхонани рўйхатга олиш ўз вақтида амалга оширилмаса ёки таъсисчи рўйхатга олинмаслик сабабларини асоссиз деб ҳисоблаган тақдирда, таъсисчи судга муурожаат қилиши мумкин. Корхонани рўйхатга олишдан асоссиз равишда бош тортиш маҳаллий ҳокимият идораларининг моддий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Корхонани рўйхатга олиш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади:

- 1) корхонани рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза;
- 2) таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарор;
- 3) корхона низоми;
- 4) таъсис шартномаси ёки корхонани ташкил қилиш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган низом жамғармасининг камида 50 фоиз миқдоридаги қисми тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар;
- 5) давлат божини тўлаганлик ҳақида гувоҳнома;
- 6) монополияга қарши муассасанинг корхонани ташкил қилишга розилигини тасдиқловчи ҳужжат;
- 7) Давлат мулкини бошқариш қўмитаси ёки унинг қуйи идоралари розилиги ҳақидаги ҳужжат.

Рўйхатга олиш корхонага келиб тушувчи ҳужжатларни қайд қилиш китобида тартиб рақами бериш орқали амалга оширилади. Юқоридаги жараёнлар амалга оширилгач, корхона жойлашган

манзилгоҳи бўйича солиқ идораларида ҳисобда туриши ва буни тасдиқловчи ҳужжат олиши ҳамда банкда ҳисоб рақами очиши мумкин.

2.2. Корхонани тугатиш ва қайта ташкил қилиш

Корхона фаолиятини тўхтатиш уни тугатиш ёки қайта ташкил қилиш шаклида амалга оширилиши мумкин. Ишлаб чиқаришнинг барқарор эмаслиги, молиявий қийинчиликлар, сурункали зарар кўриш ва тўлов қобилиятининг йўқолишини корхоналарни тугатиш ёки қайта ташкил қилишга асосий сабаб қилиб кўрсатиш мумкин.

Корхонани қайта ташкил қилиш унинг бирлашиб кетиши, кўшилиши, бўлиниши, ажралиб чиқиш ва шаклини ўзгартиришидир. Корхонани қайта ташкил қилиш таъсисчи (таъсисчилар) ёки корхона бошқаруви қарорига мувофиқ амалга оширилади. Қайта ташкил қилиш корхонанинг ишлаб чиқариш кўрсаткичлари, молиявий ва иқтисодий кўрсаткичлари аввалгига нисбатан яхшиланишига хизмат қилиши лозим.

Корхонани тугатиш ҳуқуқий хатти-ҳаракат бўлиб, ишлаб чиқариш ва хўжалик юритиш фаолиятининг тўхтатилишини англатади. Корхона тугатилганда у давлат рўйхатидан чиқарилади, унинг банкдаги ҳисоб рақами ёпилади ҳамда муҳр, штамп ва бошқа реквизитлари ҳақиқий эмас, деб ҳисобланади. Корхонани тугатишга қуйидагилар сабаб бўлиши мумкин:

- ишлаб чиқарилаётган маҳсулот (иш, хизмат)га бўлган талабнинг пасайиб кетиши ёки умуман йўқолиши;
- ишлаб чиқаришнинг зарар келтириши;
- ишлаб чиқаришнинг атроф-муҳит ва аҳоли ҳаётига хавф туғдириши;
- корхонанинг бино ва иншоотлари, асбоб-ускуналари ва бошқа воситаларидан иқтисодий жиҳатдан унумлироқ, янада сифатли ва истеъмолчилар талабига жавоб берувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришда фойдаланиш имкониятининг юзага келиши.

Корхонани тугатишда тугатиш комиссияси тузилиб, унга кредиторларга корхона тугатилганини хабар қилиш, кредиторларни аниқлаш ва дебиторлик қарзини ундириш чораларини кўриш, шунингдек, корхонанинг тугатилиши сабабли ишсиз қолган ходимлар иш билан таъминланишига ёрдамлашиш вазифаси юкланади. Корхонани тугатиш жараёнида оралиқ тугатиш баланси тузилиб, унга

тугатилаётган корхонанинг мулки, кредиторларнинг талаблари ва уларни кўриб чиқиш натижалари рўйхати киритилади. Ушбу баланс корхонанинг таъсисчиси (таъсисчилари) ёки корхона тугатиш тўғрисида қарор чиқарган идора томонидан тасдиқланади. Тугатиш комиссиясининг айби билан келтирилган зарар учун тугатиш комиссияси жавобгар ҳисобланади.

3. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхона (фирма)нинг ўрни ва роли

1. 1990 йиллардаги вазият. Аввалги маъмурий буйруқбозлик тизими шароитларида собиқ Иттифоқ иқтисодиёти ягона халқ хўжалиги мажмуи сифатида тавсифланган. Унда барча иттифоқдош республикаларнинг бутун Иттифоқ иқтисодиётини ривожлантиришдаги мажбурий иштироки ва «Марказ» томонидан белгилаб берилган йўналишлар асосида миллий иқтисодиётини ҳам ривожлантириши акс эттирилган.

Бироқ давлат бошқарув ҳолатидан ва биринчи ўринда республикаларнинг имкониятлари ва манфаатлари нуқтаи назаридан қараганда, бундай «бирлик» республикаларга ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг муҳим масалаларини мустақил ҳал қилиш имконини бермасди. Республикаларнинг миллий иқтисодиётларига киритилувчи инвестициялар асосан умумиттифоқ «қозони»дан олинарди ва кўпинча қолдиқ тамойили асосида амалга ошириларди. Бир қанча тармоқлар ва йирик ишлаб чиқариш бирлашмалари бир вақтнинг ўзида ҳам республика, ҳам бутун иттифоқ вазирликларига ва маҳкамаларига бўйсунар эди.

Иттифоқдош республикалар ССРСРнинг ягона халқ хўжалиги мажмуи таркибида сўнгги бор қатнашган 1990 йил бўйича статистик маълумотлар Ўзбекистон иқтисодиётининг аҳволи ва тузилмавий тузилиши тўғрисида маълум бир тушунча беради: жами ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотларида марказга бўйсунувчи корхоналарда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар салмоғи 33 фоиз, саноат ва ишлаб чиқаришда машғул бўлган ходимлар миқдоридан – 35 фоиз, саноат ва ишлаб чиқариш асосий фондларида 65 фоизни ташкил қилган бўлса, республика ҳукуматига бўйсунувчи

корхоналар эса мос равишда 67 фоиз, 65 фоиз ва 35 фоизни ташкил этган¹.

Режали иқтисодиётда маъмурий-буйруқбозлик бошқарувнинг негизи ва асосий усули, воситаси ҳисобланади. Корхонада ишни ташкил қилиш, иш ҳақи тўлаш, технологик асбоб-ускуналарни янгилаш, корхона фаолиятини кенгайтириш ёки қисқартириб оптималлаштириш, янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, маънавий эскирган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни тўхтатиш каби масалаларнинг бирортасида объектив иқтисодий зарурат ҳисобга олинмайди. Бу масалаларда корхона мустақилликка мутлақо эга эмас. Уларни ҳал қилиш учун юқоридан рухсат олиниши зарур. Технологик қайта жиҳозлаш тадбирларини ўтказиш ва янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришни эса беш йиллик режаларига киритиш талаб қилинади.

Хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида ўзаро мустақиллик алоқалар ўрнатилишига, хом ашё ва бутловчи қисмларни, ишлаб чиқилган маҳсулотни мустақил, шартномалар асосида етказиб берилишига деярли рухсат берилмасди. Корхона ўзидан 4–5 минг километр узоқликда жойлашган бошқа корхонага ёки савдо ташкилотига қанча маҳсулот жўнатиш тўғрисида юқоридан топшириқ, наряд оларди. Совет тузумининг турғунлик йиллари деб аталган даврида корхоналар фаолиятига хўжалик ҳисоби ва баъзи бир эркинликларни жорий қилишга бўлган уринишлар ҳеч қандай натижа бермайди. Чунки иқтисодий тизим, ўз табиатига кўра, бундай ўзгаришларни қабул қила олмас эди.

Ўзбекистон Республикасининг мустақилликка эришиши миллий иқтисодиётимизда миқдор ва сифат ўзгаришларига сабаб бўлди. Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодиёти жамиятни демократлаштириш, иқтисодиёт салоҳиятларини мустаҳкамлаш ва мамлакатни ривожланган давлатлар қаторига киритишга йўналтирилган, бозор муносабатларига ўтишнинг мамлакатимиз учун махсус ишлаб чиқилган модели асосида изчил ривожланиб бормоқда. Бу модел Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг бешта муҳим тамойилига асосланган ҳамда хўжалик фаолияти юритувчи субъектларнинг эркинлиги, хусусий мулкчилик ва тадбиркорликни ҳимоя қилувчи зарурий қонун ҳужжатлари билан белгилаб берилган.

¹ Қаранг: *Маҳмудов Э. Х. Корхона иқтисодиёти: Ўқув қўлланма.* – Т., 2004. – Б. 208.

Иқтисодиётнинг ривожланиши учун талаб қилинувчи вазифаларнинг амалга оширилишида корхоналарга катта роль ажратилиб, улар иқтисодиётнинг асосий ишлаб чиқариш бўғини бўлиш билан бирга маҳсулот ишлаб чиқариш, аҳолига хизмат кўрсатиш туфайли истеъмочиларнинг талабларини ҳам қондирадилар.

Ҳар бир мамлакатнинг саноат қуввати фан-техника тараққиёти ва иқтисодиётни модернизациялаш кўрсаткичларини биринчи ўринда йирик корхоналар белгилаб беради. Корхоналар фаолияти миллий иқтисодиёт ва унинг тармоқларига тўғридан-тўғри таъсир кўрсатади. Корхоналар қанчалик яхши, самарали ва рентабелли ишласа, бугунги иқтисодиётнинг, жумладан, уларнинг тизимларининг ҳам кўрсаткичлари юқори бўлади. Бозор иқтисодиёти корхоналар фаолиятини эркинлаштиради, уларнинг мустақиллигини мустаҳкамлайди ҳамда ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рентабелликнинг юқори кўрсаткичларига эришишга кенг имкониятлар яратади, деб ҳисобланади. Бироқ корхона, айниқса, давлатга тегишли бўлган корхона қандай ишлаши, унинг жамиятга келтирувчи фойдаси, рентабеллик даражаси, ходимларнинг бандлиги қандай бўлиши фақат корхоналарнинг эмас, давлатнинг ҳам назоратида бўлиши зарур. Худди шунинг учун ҳам давлат корхоналарга катта имкониятлар яратиб бериш билан бирга, уларни белгиланган тартибда назорат қилиб ҳам боради. Давлат корхоналар «такдирига», уларнинг ишлаб чиқариш фаолияти яхши натижаларига бефарқ қараб тура олмайди. Банкротга учраган корхоналар, зарар келтирувчи ишлаб чиқариш, иқтисодий ночорлик буларнинг барчаси корхона жамоаси учун ҳам, давлат учун ҳам оғир юк ҳисобланади.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, бозор иқтисодиёти шароитларида барча корхоналар ҳам рақобатчиликни енгиб, самарали ишлаб кета олмайди ҳамда даромад ёки фойда ололмайди. Натижада минглаб корхоналар ташкил қилиниб, хўжалик фаолияти доирасига қўшилади ва деярли шунчаси турли сабабларга кўра тугатилади. Шу сабабли банкротлик, корхоналарнинг тугатилиши бозор иқтисодиёт шароитларида одатий ҳол бўлиб, бу аҳволга тушиб қолишдан эҳтиёт бўлиш керак бўлса-да, лекин бундан фожиасифатида қараш керак эмас.

Бугунги кунда мамлакатимизда корхонани банкрот бўлишга олиб келмаслик, унинг иқтисодий мустақиллиги, фаолият қобиляти ва даромадлигини таъминлаш учун барча зарур чораларни қўллаш йўлга қўйилган. Корхонанинг меҳнат қобиляти ва даромадлиги миллий иқтисодиётга қўшиладиган ҳисса бўлишдан ташқари

республикамизда тобора кўпайиб бораётган аҳолини иш билан таъминлашда ҳам аҳамият касб этишини унутмаслик муҳим. Кўриниб турибдики, исталган корхонанинг миллий иқтисодиётдаги ўрни ва аҳамияти ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, олинadиган фойда ёки даромад миқдоридан ташқари бу корхонанинг аҳолини иш билан таъминлашдаги иштирокига ҳам боғлиқ бўлади. Аҳолини иш билан таъминлар экан, корхоналар ўзларининг бевосита ишлаб чиқариш вазифаларини бажаришдан ташқари ишсизликнинг камайишига, демак, меҳнат фаоллигининг ортиши ва ижтимоий аҳволнинг яхшиланишига ҳам сабабчи бўлади.

Бу ерда ҳамма нарса фақат корхонанинг ўзига боғлиқ эмаслиги кўриниб турибди, албатта. Чунки корхона ўз фаолиятини амалга ошириш жараёнида хом ашё, материал, асбоб-ускуна ва бошқа ишлаб чиқариш воситалари етказиб берувчи ёки маҳсулот истеъмолчилари сифатида ҳаракат қилувчи бошқа корхоналар билан ўзаро алоқага киришади. Бу муносабатларда ҳар бир камчилик ва нуқсонлар, жумладан, хом ашё, материал ва асбоб-ускуналарни вақтида етказиб бермаслик, вақтида ҳақ тўламаслик, қарзларни тўлаш муддатларининг ўтказиб юборилиши ва бошқа хўжалик юритиш қоидалари ва мажбуриятларининг бузилиши корхона иқтисодий аҳволининг ёмонлашувига, унинг ночорликка учрашига олиб келади. Шу сабабли корхоналар фаолиятини самарали ва юқори рентабелли даражада амалга ошириш зарурияти, барча корхоналар ишлаб чиқаришни керакли тарзда ташкил қилиш ҳамда ўз ҳамкорлари ва давлат олдидаги мажбуриятларни қатъий тарзда бажариш интизоми билан узвий боғлиқдир.

Ўзбекистонда кўплаб кичик, ўрта ва йирик ишлаб чиқариш корхоналари фаолияти кўрсатаётган бўлиб, улар иқтисодиётнинг деярли барча тармоқларини оғир саноатдан енгил саноатгача, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашдан илмий ишлаб чиқаришгача қамраб олган. Улар ўз фаолиятида ишлаб чиқаришнинг барча омилларидан ер, табиий ва меҳнат ресурслари, техника ва технологиялар, инвестициялар, ҳозирги замон фани томонидан ишлаб чиқаришнинг асоси ёки мамлакатнинг миллий бойлиги деб аталувчи замонавий ахборот тизимидан фойдаланади. Маълумки, бойлик ёки салоҳият бир нечта авлод ва бутун жамиятнинг хатти-ҳаракатлари эвазига яратилади. Корхоналарнинг вазифаси ушбу бойликни асраб-авайлаш ва ундан самарали фойдаланишда ифодаланади. Хўжалик юритишнинг мазкур тамойилларидан бир оз бўлса-да четга чиқиш жамоатчилик ишлаб чиқариши самарадорлигининг

пасайишига, хўжасизлик ва исрофгарчиликка олиб келади. Корхоналар ҳам бундан мустасно эмас.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда саноат корхоналарининг ўсиш суръатлари ва тармоқ таркибига эътиборингизни қаратамиз. Собиқ совет хўжалик юритиш тизимининг барҳам топиш давридаги бир оз пасайишдан сўнг, юртимизда 1996 йилдан бошлаб саноат ишлаб чиқариши ҳажми изчил ўсиб бормоқда. Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг йиллик ҳажми 2009 йилда 1990 йилдагига нисбатан 2,7 баробар, 2010 йилда эса 3 баробар ўсди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг давом этаётганига қарамасдан 2011 йилда саноат ишлаб чиқариши 6,3 фоизга ўсди.

Иқтисодиётимизда юз бераётган жиддий таркибий ва сифат ўзгаришларини биргина мисолда, яъни 2000 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда саноат ишлаб чиқаришининг улуши бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етганида яққол кўриш мумкин. Саноат маҳсулоти умумий ўсишининг қарийб 70 фоизини юқори қўшимча қийматга эга бўлган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга йўналтирилган соҳалар ташкил этди. Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг локомотивига айланган машинасозлик ва автомобилсозлик (12,2 фоиз), кимё ва нефт-кимё саноати (9,4 фоиз), озиқ-овқат саноати (13,1 фоиз), қурилиш материаллари саноати (11,9 фоиз), фармацевтика ва мебелсозлик (18 фоиз) 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланди.

Мустақиллик йилларида юртимизда автомобилсозлик, нефт-газкимё саноати, нефтгаз машинасозлиги, замонавий қурилиш материаллари саноати, темир йўл машинасозлиги, маиший электротехника, фармацевтика, замонавий озиқ-овқат саноати ва енгил саноат каби бир қатор мутлақо янги саноат тармоқлари яратилди.

Мамлакатимиз иқтисодиётида автомобилсозлик саноати алоҳида ўрин эгалламоқда. Бу тармоқ Асака шаҳрида АҚШнинг «Женерал Моторс» компанияси билан ҳамкорликда енгил автомобиллар ишлаб чиқарадиган, Тошкент шаҳрида Германиянинг дунёга машхур «Даймлер Бенц» ва Самарқанд шаҳрида Япониянинг «Исузу» компаниялари билан ҳамкорликда автобуслар ишлаб чиқарадиган ҳамда Самарқанд шаҳрида Германиянинг «MAN» компанияси билан ташкил этилган юк автомобиллари ишлаб чиқарадиган янги заводларни ўз ичига олади. Ана шундай ўзгаришлар натижасида машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 1990–2010

йилларда 11,6 баробар ўсди. Фақат охириги ўн йилнинг ўзида енгил автомобиллар ишлаб чиқариш 7,1 баробар, автобуслар 2,6 баробар ва юк автомобиллари тайёрлаш 12,9 баробар ошди.

Нефть қазиб чиқариш ва уни қайта ишлаш саноатининг яратилиши мамлакатимизнинг энергетик хавфсизлигини таъминлади. Нефть ва газ конденсати қазиб олиш 1990 йилга нисбатан 1,4 баробар ўсди. Табиий газ ишлаб чиқариш суръати 1990–2010 йиллар давомида 1,6 баробар, суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажми эса 15,2 баробар кўпайди. Энергетика мустақиллигини таъминлаш, нефть ва газни қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш дастури доирасида, истиқлол йилларида энг замонавий технологияларга эга бўлган чет эл компаниялари билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи («Текнип», Франция) ва Шўртан газкимё мажмуаси («АББ») барпо этилди, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи тўлиқ реконструкция қилинди. Газ-кимё тармоғининг ташкил этилиши табиий газни қайта ишлашни чуқурлаштириш ва турдош тармоқларда янги ишлаб чиқариш қувватларини ривожлантириш имконини яратди.

Қўнғирот сода заводида 2006 йилдан бошлаб кальцийли сода, Самарқанд кимё заводида нитрокальций фосфат ўғити ишлаб чиқариш йўлга қўйилди, 2010 йилда минтақамизда ягона бўлган Дехқонобод калийли ўғитлар заводи ишга туширилди.

1990–2010 йиллар давомида ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза-қоғоз саноатида ишлаб чиқариш ҳажми 13,4 баробар, озиқ-овқат саноатида 5,7 баробар, енгил саноатда 3,8 баробар ўсди.

1990 йилга нисбатан ип-калава ишлаб чиқариш 2,2 баробар кўпайди. Гилам ва гилам маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 2010 йилда 21 миллион квадрат метрдан зиёд бўлди, бу эса 2000 йилда ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажмига нисбатан 13,6 баробар кўпдир.

Ўтиш даврининг мураккаб шароитида макроиқтисодий барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида иқтисодиётнинг базавий тармоқлари, хусусан, нефть, газ, олтин қазиб олиш, рангли металлургия, кимё ва нефть-кимё саноатини жадал ривожлантириш учун давлат барча шарт-шароитларни яратиб берди. Натижада чуқур сифат ўзгаришлари рўй берди ва Ўзбекистон саноатининг тармоқ таркиби анча диверсификация қилинди ва мутаносиблашди.

Мамлакатимиз иқтисодиётининг реал сектори қўллаб-қувватланаётгани ҳамда ҳар хил текширувчи ва назорат қилувчи органларнинг корхоналар фаолиятига асоссиз аралашувига йўл қўйилмагани

боис, корхоналар иқтисоди самарали йўлга қўйилди. Уларнинг иқтисодий хатти-ҳаракатлари учун жавобгарлиги кучайтирилди.

4. Корхона (фирма) хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари

Хавфсизлик – бу мураккаб ва серқирра категориядир. У асосан ва қўшимча ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган воситаларнинг хавфсизлиги нуқтаи назаридан баҳоланади ва кўриб чиқилади. Шу сабабли ҳозиргача биз «техника хавфсизлиги», «пиёда хавфсизлиги», «озиқ-овқат хавфсизлиги», «йўл ҳаракати хавфсизлиги» каби тушунчаларни учратсак-да, «корхона хавфсизлиги» ҳақидаги тушунча XX асрнинг сўнги ўн йиллигида оммалаша бошлади.

Маҳсулотларнинг замонавий намуналари, ишлаб чиқариш технологияси, инвестиция режалари ва бошқалар саноат айғоқчилигининг диққат марказида туриб, корхона ва мамлакат учун маълум бир хавф туғдиради. Шу сабабли хавфсизлик ва тижорат сирлари муаммолари ҳозирги бозор ва рақобатчилик шароитларида иқтисодиёт фанининг, жумладан, замонавий корхоналар иқтисодиётининг муҳим бўлимларидан бири ҳисобланади.

Корхона хавфсизлигини таъминлашнинг асосий мақсадлари қуйидагилардан иборат:

- корхона ва унинг барча бўлинмалари, меҳнат жамоасининг давлат тузилмаси, хорижий ҳамкорлар ва рақиблар билан ўзаро муносабатларда қонуний ҳуқуқларни ҳимоя қилиш;
- корхона мулкани сақлаш, ундан оқилона ва унумли фойдаланиш;
- ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг ички ва ташқи бозордаги рақобатбардошлигини ошириш;
- ташкилий ва ишлаб чиқариш барқарорлигига эришиш, бутловчи қисмлар етказиб берувчиларга ёрдамчи ва ҳамкорларга бир томонлама қарам бўлишга йўл қўймаслик;
- барча тузилмавий бўғинлардаги ходимлар орасида меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;
- меҳнат унумдорлигини ошириш учун моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришда фан-техника ютуқларидан фойдаланиш, самарали ахборот базасини ривожлантириш;
- корхона обрўсини ошириш.

Кўрсатилган мақсадлардан келиб чиққан ҳолда корхона хавфсизлигини таъминлаш вазифалари белгиланиб, улар корхонанинг ички тартиб-қоидалари ва иш тартибида ҳамда махсус ишлаб чиқилган чора-тадбирларда ўз аксини топиши мумкин. Булар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин:

1) корхона ичида ҳамда ташқи ташкилотлар ҳукумат идоралари, бошқарув тузилмасидаги қоидабузарлик омиллари, ваколатни ошириш ҳолатларини аниқлаш;

2) корхонанинг барқарор ишлашига таъсир қилиши мумкин бўлган хавф-хатар ҳамда бозор конъюнктурасидаги ноқулай ўзгаришларни аниқлаш ва зарур чораларни қўллаш;

3) бўлажак ҳамкорларни ўрганиш, уларнинг молиявий аҳволини таҳлил қилиш ва баҳолаш;

4) иқтисодий айғоқчиликка қарши чора-тадбирларни тайёрлаш;

5) корхона сирларидан хабардор бўлган малакали ходимларни бошқа корхоналарга жалб қилишнинг олдини олиш;

6) носоғлом рақобатчиликни енгиш;

7) корхона ҳудуди ва моддий ресурсларини ҳимоя қилиш;

8) тижорат сирларини муҳофаза қилишни ташкил қилиш;

9) меҳнат жамоаси аъзоларидаги салбий фикрларни аниқлаш;

10) фавқулодда ҳодисаларнинг олдини олиш ва хавфсизликнинг бошқа чоралари.

Маълумки, қўйилган мақсад ва вазифалар ўз-ўзидан ҳал қилинмайди. Бунинг учун, аввало, ўз ишини яхши билишдан ташқари, моҳир ва юқори малакага эга бўлган ҳамда ўзлари ишлаётган корхона учун жон куйдирувчи кадрлар зарур. Уларсиз муваффақиятга эришиб бўлмайди.


Хавфсизлик тамойиллари – хавфсизликни таъминлаш тактика ва стратегиясига бўлган асосий талаблар, хавфсизликнинг мақсад ва вазифаларини ҳал қилишнинг тўғри йўллари танлашдир. Уларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

- қонунийлик тамойиллари;
- мустақиллик ва масъулият;
- иқтисодий мақсадга мувофиқлик ва фойдалилик;
- мақсадли дастурий режалаштириш;
- ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштириш;
- меҳнатни илмий ташкил қилиш;
- ошкоралик ва зарурий махфийликнинг уйғунлиги;
- ихтисослашув ва юқори касбий малака.

4.1. Корхона (фирма) хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш ва бошқариш

Хавфсизлик ҳодисаларнинг олдини олиш ва огоҳлантириш чораси сифатида ҳар бир алоҳида ҳолатдаги аниқ ҳаракат бўлиб, корхона характери, унинг жойлашуви, аҳамияти кабиларга боғлиқ бўлади. Мазкур жараёнда хавфсизлик тизимининг ўзини белгилаш муҳим аҳамият касб этади. Унинг раҳбари хавфсизлик концепциясини ишлаб чиқаришнинг муайян шароитларига нисбатан ишлаб чиқишда шахсан иштирок этиши зарур.

Хавфсизлик концепцияси, *биринчидан*, корхонанинг мақсад ва вазифаларига зид келмаслиги, *иккинчидан*, корхона хавфсизлигига бевосита ва билвосита таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи муҳит таъсирини инобатга олиши зарур. Бу таъсирни қуйидаги кўринишида акс эттириш мумкин (1-чизма):



1-чизма. Корхона хавфсизлигига ташқи муҳитнинг таъсири.

Шу билан бир вақтда корхона ўз фаолиятининг муҳим йўналишлари хавфсизлигини таъминлаш учун муайян чора-тадбирларни амалга ошириши керак ва бунинг учун аввало, мос келувчи қўриқлаш тартибини яратиш лозим. Мамлакатимиз ва хориж амалиёти тажрибаси бунда қуйидаги фаолият турларини ажратиб кўрсатади:

1. Бино ва иншоотлар, алоқа тармоғи қурилма ва ускуналарини қўриқлаш тартибини таъминлаш.

2. Тезкор хавфсизлик, махфий ахборотларга бўлган ваколатни бошқариш, келиб кетувчилар, транспорт ва юк ташишни назорат қилиш, қоидабузарлик ҳолатларини текшириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш.

3. Хавфсизликни таъминлаш бўйича маъмурий фаолият персонали (ходимлари)ни тайёрлаш ва ўқитиш, инспекция, тафтиш ва назорат, муаммоли вазиятларнинг олдини олиш, истиқболли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

4. Моддий бойликларни ҳимоя қилиш ва табиий офатларга қарши кураш, ёнғинларнинг олдини олиш, ёнғин хавфсизлиги ва огоҳлантириш қурилмалари ҳолатини кузатиб бориш ва ҳоказо.

Корхоналар раҳбарлари меҳнат жамоаларини доимий равишда хавфсизликни таъминлаш натижалари тўғрисида хабардор этишлари лозим. Фақат зарур ҳолларда хавфсизлик чора-тадбирлари махфий бўлиши мумкин. Хавфсизлик чора-тадбирларининг махфийлиги корхона бўлимларининг зарурий қоидаларни қўллаш ва уларга амал қилишини, назорат қилишни махсус ташкил этишни кўзда тутади.

Ҳозирги жамиятни ахборотлаштириш ва электронлаштириш шароитларида корхоналарнинг хавфсизлигини таъминлаш учун доимий равишда фаолият кўрсатувчи, тижорат фаолиятининг хавфсизлигини таъминлашнинг барча шакл ва усулларини қамраб олувчи тизим амал қилиши лозим. Шу сабабли хавфсизлик хизмати маркетинг ва менежмент хизмати, валюта, кредит ва ҳуқуқий бўлимлар каби иқтисодий бўлинмалар билан чамбарчас боғлиқликда ишлаб, иқтисодий хавфсизликка кучлироқ ёндашган ҳолда, уларнинг фаолиятини тўлдириши зарур.

5. Корхона (фирма)нинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари

Хавфсизлик хизмати корxonанинг тузилмавий бирлиги бўлиб, хавфсизлик тартибини ишлаб чиқиш, ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек, унга риоя қилинишини назорат қилишни амалга оширади. У ўз фаолиятида қуйидагиларга асосланиши лозим:

- қўриқлаш тартибини ташкил этиш бўйича қоидалар;
- раҳбар, мутахассис ва техник ходимлар учун махфий маълумотлар билан ишлаш бўйича лавозим йўриқномаси;
- техник муҳандислик жиҳатидан ҳимоя қилишни ташкил этиш бўйича лавозим йўриқномаси;

- хорижий ваколатхоналар ва вакиллар билан ишлаш бўйича лавозим йўриқномаси.

Корхона хавфсизлик хизмати таркибида ахборот-таҳлил бўлинмалари, хавфсизликни таъминлаш йўналишлари бўйича ташкилий бўғинлар ҳамда муайян вазифаларни бажариш учун вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин. Корхона раҳбарияти ёки акциядорлик жамияти бошқаруви қарорига кўра, муайян мақсадлар ва юзага келувчи шароитларда хавфсизликни таъминлашнинг мураккаб вазифаларини ҳал қилиш учун корхонанинг етакчи мутахассисларини жалб қилган ҳолда вақтинчалик тузилмалар яратилиши мумкин.

Белгиланган вазифаларни бажариш учун корхонанинг хавфсизлик хизмати қуйидагиларни амалга оширади:

- маъмурий тақсимлаш вазифаси, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва таъминлаш, масъул шахсларнинг корхона хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилаш, шунингдек, корхонанинг ваколат вазифаларини бажаришга оид қарорлар тайёрлаш йўли билан амалга оширилади;

- хўжалик-тақсимлаш вазифаси, хавфсизлик хизматининг корхона хавфсизлигини таъминлашда зарур бўлган ресурсларни белгилаши. Корхона мулки ва бойликларини сақлаш ҳамда улардан оқилона фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирларини тайёрлаш ва амалга ошириш йўли билан амалга оширилади;

- ҳисоб-назорат вазифаси, тижорат-молиявий фаолиятнинг энг муҳим йўналишларини ажратиб кўрсатиш ва корхонанинг молиявий барқарорлигига таҳдид солувчи хавф-хатарнинг олдини ўз вақтида олиш, уларнинг манбаларини баҳолаш, хавфли ҳолатларни назорат қилишни йўлга қўйиш, корхона хавфсизлигига таъсир кўрсатувчи салбий омилларни ҳисобга олиш, шунингдек, корхонанинг ҳаётий эҳтиёжларига таҳдид солувчи ғирром рақиблар, ишончсиз ҳамкорлар, шахслар ва ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар ёрдамида амалга оширилади;

- ижтимоий-кадрлар вазифаси, хавфсизлик хизматининг кадрларни жойлаштириш, меҳнат жамоаларидаги салбий фикрлар, жанжалларнинг олдини олиш, ходимларга йўриқнома бериш, уларда белгиланган хавфсизлик меъёрларига риоя қилиш учун жавобгарлик туйғусини шакллантиришда иштироқи амалга оширилади;

- ташкилий-бошқарув вазифаси, корхона хавфсизлигини таъминлаш жараёнини бошқаришнинг доимий ташкилий тузилмасини яратиш, қўллаб-қувватлаш ва ўз вақтида қайта ташкил этишга

бошқарув таъсирини кўрсатиш, фаолиятнинг алоҳида йўналишлари бўйича мослашувчан вақтинчалик тузилмалар, алоҳида бўғинлар ўртасида белгиланган дастурий мақсадларга эришиш учун ўзаро алоқалар ва мувофиқлаштиришни ташкил этиш ёрдамида амалга оширилади;

- режали ишлаб чиқариш вазифаси, корхона хавфсизлигини таъминлаш бўйича алоҳида мақсадли режалар ва дастурлар мажмуини ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш, хавфсизлик тартибини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашга оид чора-тадбирларни тайёрлаш ва бажариш ёрдамида амалга оширилади;

- ташкилий-техник вазифа, корхонада хавфсизлик тартибини моддий-техник жиҳатдан таъминлаш, махсус техникалар ҳамда янги, илғор технологиялар, махфий тартиб ва бошқа махсус фаолиятларни ўзлаштириш ёрдамида амалга оширилади;

- умумий услубий вазифа, корхона хавфсизлигини таъминлашнинг илғор тажрибаларини тўплаш ва ёйиш, ходимларни ўқитишни ташкил этиш, корхона хавфсизлигини таъминлашга оид муаммоларни ҳал қилишни илмий жиҳатдан ишлаб чиқиш ва унинг бу соҳадаги фаолиятини услубий кўрсатмалар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади;

- ахборот-таҳлил вазифаси, хавфсизликка оид маълумотларни мақсадли равишда йиғиш, тўплаш ва улар устида ишлаш, бунинг учун зарур бўлган маълумотларни аналитик таҳлил қилишнинг техник ва услубий воситаларини яратиш ва улардан фойдаланиш, корхонанинг манфаатдор бўлинмалари ва алоҳида шахсларни хавфсизлик хизматида мавжуд бўлган маълумотлар билан таъминлаш ёрдамида амалга оширилади.

Корхона хавфсизлик хизмати Низомида унинг мақсад ва вазифалари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, назорат-тафтиш фаолияти белгилаб берилди. Хавфсизлик хизмати ўз фаолиятини корхона хавфсизлигини юқори даражада таъминлаш ва қўллаб-қувватлаш асосида олиб бориб, қуйидагиларни қамраб олади:

- махфий тартибдаги фаолиятни ташкил этиш;
- ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- муҳандислик-техник муҳофаза;
- меҳнат жамоаларидаги салбий йўналишларнинг олдини олишга оид фаолият.

Корхона хавфсизлигини таъминлаш унинг иқтисодий кўрсаткичларини яхшилашга олиб келади. Бу эса корхонанинг нуфузини оширади. Жамоа ва жамият фаровонлигига хизмат қилади.

6. Корхона (фирма)нинг тижорат сирлари ва ҳимоя қилиш тартиби

Корхонанинг тижорат сирлари ишлаб чиқариш, технологик маълумотлар, бошқарув, молия ва шу кабилар билан боғлиқ бўлиб, уларни ошкор қилиш корхона манфаатларига зарар етказиши мумкин бўлган маълумотлардир. Корхона тижорат сирлари тоифасининг қонунчиликда белгилаб берилган тавсифномаси шундай.

Мавжуд нуқтаи назарларга кўра, корхонанинг тижорат сирлари умумий ҳолда қуйидагилар ҳақидаги маълумотларни қамраб олади:

- корхонанинг савдо алоқалари;
- капитал ҳажми ва тузилмаси, инвестиция режалари;
- таъминотчи ва истеъмолчилар, тузилган шартномалар;
- ишлаб чиқариш ҳажми, айланма маблағлар ва фойда ҳажми;
- баҳони шакллантириш сиёсати ва товарлар баҳосининг шаклланиши;
- банк операциялари ва ҳоказо.

Кўпинча «тижорат сирлари» тушунчасидан ташқари, «корхонанинг ишлаб чиқариш сирлари» тушунчаси ҳам қўлланади. У ишлаб чиқариш усуллари, технологиялар, техник кашфиётлар, тадқиқот ишлари, меҳнатни ташкил қилиш, алоқа тармоғи ва шу кабилар ҳақидаги маълумотларни ўз ичига олади.

Бугунги бозор муносабатлари, айниқса, рақобатчилик махфий шароитларда корхона тижорат ва ишлаб чиқариш сирларининг ошкор қилиниши унинг аҳволига салбий таъсир кўрсатиши, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар истеъмолчиларини йўқотишга олиб келиши мумкин. Мутахассисларнинг фикрига кўра, тижорат сирларига мансуб маълумотларнинг тўртдан бир қисми йўқотилиши ҳам рақиблар учун катта имконият яратади ҳамда бир неча ой ичида маълумотлар четга чиқиб кетишига йўл қўйган фирмаларнинг ярми банкротга учрашига олиб келади. Шу сабабли ҳозирги пайтда тижорат сирларининг ҳуқуқий мақоми ва тоифасини аниқ белгилаш, уларни ошкор қилиш учун жавобгарлик механизминини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, тижорат сирларини муҳофаза қилиш механизми, корхонанинг молиявий ва техник имкониятлари

билан алоқада бўлганда, шунингдек маълумотларни ҳимоя қилишнинг ишончли тизими мавжуд бўлганда тўлиқ куч билан ишлайди. Бундан ташқари қуйидагиларни тўғри ташкил қилиш ҳам муҳим аҳамият касб этади:

- тайёр маҳсулот (айниқса, тажриба намуналари) ва материалларнинг баъзи турларини ҳисобга олиш ва қўриқлаш;
- тадбиркорлик сирлари мавжуд бўлган ҳужжатлар билан ишлаш тартиби (уларни ҳисобга олиш, сақлаш, йўқ қилиш қоидалари ва бошқалар);
- ҳужжатларни кўпайтириш ва улардан нусха олиш воситаларини назорат қилиш;
- алоқа воситалари ва ҳисоблаш техникасида тижорат маълумотларини ҳимоя қилиш;
- корхона ҳудуди ва унинг асосий бино ҳамда иншоотларини қўриқлаш;
- мазкур корхонага бегона шахслар ташриф буюришини назорат қилиш.

Юқорида санаб ўтилган барча вазифаларни самарали бажариш бошқарув аппаратида тижорат сирларини муҳофаза қилиш билан шуғулланувчи махсус хизматларни яратишни кўзда тутди. Хориж мамлакатларида мазкур фаолият билан фирмаларнинг махсус бўлинмалари шуғулланади. Улар рақобатчилар тўғрисидаги маълумотларни излаш ва тўплаш билан ҳам шуғулланади. Шу билан бир вақтнинг ўзида улар савдо ҳамкорларининг тижорат сирларини биргаликда ҳимоя қилиш имкониятини ҳам рад қилмайдилар. Масалан, баъзи фирмалар фаолиятида тадбиркорлик алоқалари давомида ҳамкорларга берилган маълумотларни биргаликда ҳимоя қилиш бўйича махсус шартномалар тузиш тартиби кўзда тутилган.

Саноати ривожланган мамлакатларнинг давлат идораларида махсус воситачилик хизматлари мавжуд бўлиб, у мижозларни уларни қизиқтираётган корхона ва ташкилотлар ҳақидаги маълумотлар билан таъминлайди. Мамлакатимизда корхоналар давлатга солиққа тортиш ва иқтисодий маълумотларни йиғиш ва улар билан ишлаш тизими учун зарур бўлган маълумотларни тақдим этиши қонун ҳужжатларида белгилаб қўйилган. Шунингдек, корхоналар ўз фаолиятлари тўғрисидаги маълумотларни, жумладан, йиллик балансни нашр қиладилар. Шу билан бир пайтда корхоналар тижорат сирларига оид маълумотларни бермаслик ҳуқуқига эга.

Тижорат сирлари давлат бошқарув ва назорат идоралари ходимлари орқали четга чиқиб кетишининг олдини олиш мақсадида корхона раҳбари уларнинг ваколатларини билиши ҳамда улар талаб қилган исталган маълумотни эмас, балки фақат хизмат ваколатига доир маълумотларни тақдим этиши зарур. Биринчи ўринда бу статистика хизмати, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, молия, солиқ, санитария, ёнғинга қарши кураш ва бошқа хизматлар вакилларига тегишли. Корхона раҳбари, шунингдек, давлат идоралари ходимларининг ноқонуний хатти-ҳаракатлари устидан арз қилиш тартиби, улар туфайли корхонага етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплаш механизмини билиши ва унга амал қилиши зарур.

Илмий-техник, ишлаб чиқариш, иқтисодий ва бошқа хизматлар мутахассислари ўзи ишлаётган корхонанинг тижорат сирларига оид маълумотлар четга чиқиб кетиши оқибатида юзага келиши мумкин бўлган ва реал йўқотишларни тўғри ва аниқ (қиймат шаклида) баҳолашни ўрганиб олишлари зарур. Корхоналарнинг махфийлик шартларига риоя қилмаслик натижасида юзага келувчи йўқотишлари умумий кўринишда қуйидагиларга олиб келади:

- илмий тадқиқотларга лицензия сотиш имкониятлари пасаяди, фан-техника тараққиёти соҳасида эришилган устунликлар йўқотилади, илмий тадқиқот бўлинмаларининг йўналишни ўзгартиришлари учун харажатлари ўсади;

- ишлаб чиқариш фаолиятида зарур бўлган хом ашё, технология ва ашёларни сотиб олишда қийинчиликлар юзага келади (ёки рақобатчилар томонидан сунъий равишда яратилади);

- корхонанинг тадбиркорликдаги шериклар билан ҳамкорлиги чекланади, фойдали шартномаларни имзолаш имкониятлари камаяди, шартнома мажбуриятларини бажаришда муаммолар вужудга келади;

- корхонанинг янги бозор стратегиясини яратиш, маркетинг тадқиқотлари тузилмасини ўзгартириш кабиларга сарфланувчи харажатлари ўсади;

- тижорат сирларини ошкор қилганларга нисбатан иқтисодий жазо чоралари қўллаш хавфи кучаяди.

Барча йўқотишларнинг умумий миқдори қийматини аниқ ҳисоблаш жуда мураккаб ва кучли меҳнат талаб қилувчи жараён бўлиб, баъзида ишончли маълумотлар йўқлиги сабабли уларни

ҳисоблашнинг имкони ҳам бўлмайди. Юқорида келтирилганлар корхоналардан қўшимча харажатларни талаб қилиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва рақобатдаги муваффақиятлар имкониятини камайтиради. Худди шунинг учун ҳам ҳозирги пайтда тижорат сирларини муҳофаза қилишга катта эътибор қаратилмоқда.

Таянч тушунчалар:

Корхона (фирма), хусусий фирма, масъулияти чекланган фирма, акционер фирма, давлат корхона (фирма)си, аралаш фирма, холдинг компания, корхона (фирма) сиёсати (тижорат, нарх, молия, рақобат сиёсати). Корхона даромади, яли даромад, фойда, иқтисодий фойда, рентабеллик, банкротлик, сохта банкротлик, капитал, асосий капитал, корхона хавфсизлиги.

Савол ва топшириқлар:

1. Корхона (фирма)ни таърифланг.
2. Харажатлар, ички ва ташқи харажатлар нима?
3. Корхонанинг иқтисодий манфаатлари деганда нималарни тушунасан?
4. Корхона фаолиятига таъсир этувчи ички ва ташқи таҳдидларни шарҳланг.
5. Корхонанинг банкрот бўлиши сабабларини тушунтиринг.
6. Банкрот бўлган фирмани қандай оқибатлар кутади?
7. Ўзбекистонда кичик бизнесни ривожлантириш ғоят муҳим ишлигини тушунтириб беринг.
8. Корхонанинг тижорат сирлари ва ахборот объектларини ҳимоя қилишнинг моҳиятини тушунтириб беринг.
9. Мамлакатимизда бандлик муаммосини ҳал этишда корхона (фирма)ларнинг ролини изоҳланг.
10. Кичик бизнес имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланишдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари ҳақидаги фикрингизни баён этинг.
11. Корхона хавфсизлиги нима?
12. Корхоналарнинг мамлакат иқтисодий негизларини мустаҳкамлашдаги ўрни ва ролига баҳо беринг.
13. Мустақиллик йилларида саноат ва қишлоқ хўжалиги корхоналарининг ривожланишини таҳлил қилинг.
14. Оилавий корхонанинг моҳиятини тушунтиринг.

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Оилавий корхона – унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир.

Корхона – юридик шахс ҳуқуқига эга бўлган, мулкчилик ҳуқуқи ёки хўжаликни тўла юритиш ҳуқуқи бўйича ўзига қарашли мол-мулкдан фойдаланиш асосида маҳсулот ишлаб чиқарадиган ва сотадиган ёки маҳсулотни айирбошлайдиган ишларни бажарадиган, хизмат кўрсатадиган, беллашув ҳамда мулкчиликнинг барча шакллари тенг ҳуқуқлилиги шароитида амалдаги қонунларга мувофиқ ўз фаолиятини рўёбга чиқарадиган мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Микрофирма – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг тармоқларида 20 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 10 кишигача, савдо ва умумий овқатланиш соҳасида 5 кишигача ишловчи корхоналар микрофирма ҳисобланади.

Кичик корхона – кичик бизнес субъектларининг бир тури бўлиб, мамлакатимизда амалдаги қонунчиликка кўра саноат ишлаб чиқаришнинг айрим тармоқларида (масалан, енгил ва озиқ-овқат саноати, металлга ишлов бериш ва асбобсозлик саноати ва ҳ.к.) 100 кишигача, айримларида (масалан, машинасозлик, металлургия, ёкилғи-энергетика саноати ва бошқаларда) 50 кишигача, хизмат кўрсатиш соҳасида 25 кишигача ишловчи корхоналар кичик корхона ҳисобланади.

Фирма – истеъмолчилар эҳтиёжи ва ўз ривожланишини қондириш мақсадида товар ва хизматлар тайёрлаш ва сотиш учун ишлаб чиқариш омилларидан энг яхши фойдаланиш борасида мустақил қарорлар қабул қилувчи иқтисодий бирлик.

Тадбиркорлик rischi – фирманинг кўзланган мақсадига эришиш йўлида дуч келадиган иқтисодий хавф-хатардир.

Ишлаб чиқариш rischi – фирманинг мўлжалланган миқдордаги ва турдаги товарларни ишлаб чиқара олмай қолиши.

Тижорат rischiда фирма ўзи мўлжаллаган миқдорда ва нархда ҳамда ўз вақтида товарларини сота олмай қолади, натижада унинг пул тушумлари кўзланганидек бўлмайди.

Молия rischi – кўзланган миқдордаги фойдани олмасдан, белгиланган рентабелликка эриша олмай қолиш ёки фойда ўрнига зарар кўриш.

Трансформацион харажатлар – ишлаб чиқариш омилларининг бирор хил неъматлар яратишга сарфланиши, яъни табиат «ашёси»ни муайян неъматга айлантириш билан боғлиқ харажатлар.

Сохта банкротлик – хўжалик юритувчи субъектнинг ўз мажбуриятларини иқтисодий жиҳатдан бажара олмаслиги ҳақида бида туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган эълон бериши кредиторларга зарар етказилишига сабаб бўладиган иқтисодий ҳодиса (*Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 180-моддаси*).

Бизнес-инкубаторлар – махсус танлаб олинган кичик корхоналарни ўз майдонларига жойлаштирувчи ва уларга маслаҳат, ўқитиш ва офис хизматларини кўрсатувчи тузилмалар.

Ижтимоий-амалий марказ – иш билан банд бўлмаган аҳоли ва ишсизлар ўртасида кичик тадбиркорликни ривожлантириш орқали янги иш ўринларини яратиш билан шуғулланувчи, одатда бандлик марказлари қошида ташкил этилувчи тузилма.

Технопарк – ўз худудида кичик инновацион корхоналарни яратиш ва ривожлантириш орқали илмий салоҳиятдан фойдаланиш ва ишлаб чиқилган технологияларни тижоратлаштириш мақсадида ташкил этилувчи тузилма.

Консалтинг – ишлаб чиқаришга иш юзасидан хизмат кўрсатиш соҳасида ихтисослашган фирмаларнинг ўз мижозларига маслаҳат хизмати кўрсатиш ва техникавий лойиҳаларни экспертиза қилиш билан боғлиқ иқтисодий фаолият.

Аудиторлик компанияси – хўжалик юритувчи субъектларга бухгалтерия ҳисобини ташкил этиш ва юритиш, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, бу борада турли маслаҳатлар бериш, молия-хўжалик фаолияти тўғрисида хулосалар бериш ва шу турдаги бошқа хизматлар кўрсатиш билан шуғулланувчи муассаса.

Суғурта компанияси – суғурталовчи ролида майдонга тушувчи, яъни суғурта ходисаси рўй берган чоғда суғурталанган шахснинг зарарларини қоплаш мажбуриятини ўзига олувчи ташкилот.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Тадбиркорлик фаолияти корхона (фирма) доирасида ва индивидуал тарзда юз беради. Фирма товар ишлаб чиқарувчи ҳисобланади, у муайян мулк шаклига таянади, ишлаб чиқарувчилар жамоаси бўлади, унинг корпоратив гуруҳий манфаати мавжуд, ниҳоят у ихтисослашган бўлади. Фирмаларнинг учта асосий тури бўлиб, булар хусусий, ширкат ва давлат фирмаларидир.

2. Корхона (фирма)лар ўз мақсадига эришиш учун иқтисодий бирлашмалар ташкил этади. Булардан асосийлари холдинг, конгломерат,

картел ва трансмиллий корпорациялардир. Фирмаларнинг жамоатчилик уюшмалари бўлиб, булар тадбиркорлар иттифоқи, савдо-саноат палаталари ва турли бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаларидан ташкил топади.

3. Фойда олиш мақсадида тадбиркорликка қўйилган маблағ капитал бўлиб, бу индивидуал ёки корпоратив мулк ҳисобланади, таркибан асосий ва айланма капиталдан иборат. Асосий ва айланма капитал моддий шакли, ўз қийматини ўтказиши, қайтадан тикланиш муҳлати жиҳатидан фарқланади, уларнинг нисбати ишлаб чиқаришнинг техникавий даражаси, уни серкапитал, сермеҳнат ёки серашёвий бўлишига боғлиқдир.

4. Корхона (фирма)нинг ўз бизнесига сарфлаган капитали унинг жорий харажатларига айланадики, бу унинг товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш учун қилган сарфларидан иборат, харажат қилиш фойда топишнинг шартидир. Харажатлар табиати жиҳатидан ҳар хил бўлади, миқдори ишлаб чиқариш миқёсига боғлиқ бўлмаган харажатлар доимий бўлса, миқдори бунга боғлиқ харажатлар ўзгарувчандир. Фирма учун у яратган товарлар ва хизматлар қанчага тушишини уларнинг бирлигини яратишга кетган харажатлар, яъни ўртача харажатлар белгилайди. Қўшимча ишлаб чиқариш учун кетган қўшимча харажатлар маргинал харажатлар бўлади.

5. Корхона (фирма) харажатлари ўзгариб туради, бу эса ресурсларнинг бозор нархига, уларнинг нақадар тежалишига, харажатлар турларининг нисбатига, ниҳоят ишлаб чиқариш кўламига боғлиқдир. Ўртача харажатлар миқдори меҳнат унумдорлигига тескари мутаносибликда бўлади.

6. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида эркинлик даражасига қараб уч тоифа корхона (фирма) пайдо бўлади:

- давлат буюртмаси сақланган корхона;
- фақат бозорга ишловчи корхона;
- ҳам буюртма, ҳам бозор учун ишловчи корхона.

1. Талабнинг иқтисодий моҳияти. Талабнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар

Бозор механизмида талаб ва таклиф муҳим ўринни эгаллайди ва кўзга кўринмас кучга эга. Талаб – бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Эҳтиёж – кишиларнинг ҳаётини воситаларга заруриятини, тараққиётнинг ҳамма босқичлари учун умумий ва доимийликни ифодаловчи илмий категория. Унинг бозор иқтисодиёти шароитида ифодаланиши “талаб” тушунчасидир. Талаб эҳтиёждан фарқ қилиб, мустақил иқтисодий категория сифатида амал қилади.

Эҳтиёжнинг фақат пул билан таъминланган қисми талабга айланади. Демак, талаб – бу пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Бозорда харидор ўзига зарур бўлган нарсаларни сотиб олиб, эҳтиёжларини қондиришга интилади. Аммо киши эҳтиёжларининг қай даражада қондирилиши унинг муайян товарга бўлган талаби, аҳолининг пул даромадлари ва унинг ўзгаришига, бозор ҳажмига, бозордаги молларнинг нархларига, истеъмолчиларга бериладиган имтиёзлар каби омилларга боғлиқ бўлади. Буларнинг ичида талабни аниқлаб берадиган асосий омил бу товарнинг баҳосидир. Чунки бу омил талабнинг у ёки бу томонга қараб ўзгаришига олиб келади. Хўш, талабнинг ўзи нима?

Талаб – бу истеъмолчининг муайян жойда ва муайян вақтда товар ёки хизмат сотиб олиш истаги ва имкониятидир. Бошқача айтадиган бўлсак, бу пул билан таъминланган эҳтиёж, яъни тўловга қодир эҳтиёждир. Айнан мана шу эҳтиёжга қараб бозорга чиқарилиши лозим бўлган товарнинг миқдори ва ассортименти аниқланади. Талаб истеъмолчи сотиб олиш қобилиятига эга бўлган товар миқдорини белгилаб беради. Демак, талабни истеъмолчи томонидан товарларни сотиб олиш мумкин бўлган баҳо сифатида кўришимиз ҳам мумкин. Товар баҳоси билан харидор сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдори ўртасидаги боғланишни кўриб чиқамиз.

Талаблар ҳар хил бўлиб, бир хил товар ёки хизматларга бўлган талабнинг икки тури фарқ қилинади: якка талаб ва бозор талаби.

Талаб – иқтисодий субъектнинг муайян миқдордаги неъматларни муайян бозор баҳосида сотиб олиш истаги ва имконияти. **Талаб** – бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Ваҳима талаб – бозордаги шов-шув ҳамда ваҳима таъсирида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талаб. Ваҳима талаб одатдаги нормал талабга нисбатан ортиқ талаб ҳисобланади. Бундай талаб, *бир томондан*, аҳоли орасида миш-мишлар тарқатиш ва реклама воситасида муайян товарга ўта юқори баҳо бериш орқали истеъмолчи руҳиятига таъсир этиш йўли билан, *иккинчи томондан*, товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, пул алмашиш эҳтимоли, ҳар хил шов-шувлар таъсирида пулдан тезроқ қутулиш ва товар захирасини кўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Ваҳима талабни кўпроқ савдо аҳли ҳар хил миш-мишлар тарқатиш орқали ҳам юзага келтиради. Ваҳима талабнинг пайдо бўлиши бозор нархини кўтариб юборади, товарлар талашиб олинади, товар талаби, тақчиллиги ғоят кучайиб кетади. Ваҳима талаб иқтисодда учраб турадиган ҳодиса. Лекин у ўткинчи характерга эга бўлиб, узоқ давом эта олмайди. Ваҳима талаб тартибсизликларни келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин.

Иқтисодиёт учун бозор кўлами ғоят муҳим, чунки бозор қанчалик кенг бўлса, шунчалик ишлаб чиқаришнинг ўсишига шароит яратилади. Товарлар ўз вақтида сотилади, керакли ресурслар сотиб олиниб, такрор ишлаб чиқариш узлуксизлиги таъминланади. Муҳими, истеъмолчиларнинг талабини қондиришга эришилади.

Иқтисодиётнинг нимани, қанча ва ким учун ишлаб чиқариш зарур деган азалий муаммоси бозорда аниқланиши барчага маълум. Шу сабабли бозор тизими дунё мамлакатлари интилаётган янги ижтимоий-иқтисодий тизимдир. Ишлаб чиқаришда яратилган турли-туман маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар истеъмолчиларга тўғридан-тўғри эмас, балки бозор орқали етиб боради. Бозор ишлаб чиқаришни истеъмол билан боғлайди, чунки ҳеч бир нарса текинга берилмайди, уни бозорда пулга сотиб олиш талаб қилинади.

Бозор – бу талабнинг субъекти бўлган харидорлар (истеъмолчилар) билан таклифнинг субъекти бўлган (ишлаб чиқарувчилар) сотувчилар ўртасидаги иқтисодий алоқалар, уларни бир-бирига боғлайдиган механизмдир.

Бозорга товар эгаси уни сотиш, харидор эса уни олиш учун чиқади. Сотувчилар – бу товар ишлаб чиқарувчи фирмалар, фермер хўжалик-лари, кичик бизнес соҳиблари, якка тарзда ишлаб чиқарувчи кишилар-дир. Харидорлар эса жамики истеъмолчилар, яъни хонадонлар, ресурс-ларни олиб ишлатувчи фирмалар, давлат идоралари ва якка тартибда ишлаб чиқарувчилар бўлади. Агар аҳоли бозордан истеъмол буюмлари ва хизматларни сотиб олса, фирмалар ва якка тартибда ишловчилар асбоб-ускуна, машиналар, ёкилғи, электр энергия, хом ашё ва иш кучини сотиб оладилар. Бозорда товарларни пул воситасида айирбошлаш, яъни олди-сотди муносабатлари пайдо бўлади. Бир товар пулга айирбошланса, шу пулга қайтадан бошқа товар сотиб олинади. Хуллас, бозор талаб ва таклиф қонуни талаблари асосида иш кўрувчи механизмдир.

Талабнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар. Талабга таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга ажралади: а) нархлар. Бу муайян пайтдаги аниқ бир товар нархи, ўринбосар товарлар нархи ва ўзгариши кутиладиган нархлар. Булар талабни ошириши ёки қисқартириши мумкин; б) харидорнинг пул даромади ёки харид қурби. Нарх ўзгармаган ҳолда даромад ошса, талаб кўпаяди, акси бўлса, талаб камаяди; в) харидорнинг қайси товарни афзал кўриши, бу унинг дидига ва хоҳишига боғлиқ. Нарх ва даромадни харидор ўз билганича ўзгартира олмайди, лекин уларни назарда тутган ҳолда харидор ўзи афзал кўрган товарга талаб билдиради.


Маҳсулот нархи билан сотиб олинadиган товар миқдори ўртасида бўладиган тесқари ёки қарама-қарши боғлиқлик талаб қонуни дейилади.

Талабга нархдан ташқари қуйидаги омиллар таъсир қилади: истеъмолчи диди, бозордаги истеъмолчилар сони, истеъмол-чининг даромади, бир-бирига боғлиқ товарларнинг нархи, келажакда нарх ва даромадларнинг ўзгариши.

1- жадвал

Товар бирлигининг баҳоси (сўм)	Талаб миқдори (дона)
5000	1000
4000	2000
3000	3000
2000	4000
1000	5000

Жадвалдан кўришиб турибдики, товар бирлигининг баҳоси қанчалик паст бўлса, истеъмолчининг харид қуввати, яъни сотиб олиши мумкин бўлган товар миқдори шунчалик кўп бўлади ва аксинча. Демак, товар баҳоси билан товар миқдор ўртасидаги боғланиш нисбат кўринишда бўлади ва талаб эгри чизиғи дейилади.



1-чизма.

OP – Товар бирлигининг баҳоси.
OQ – Товарга бўлган талаб миқдори.

Талаб эгри чизиғи талаб қонунини ифодалайди. Талаб фақат баҳо омили билангина белгиланмайди, унинг ўзгаришига қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

1) истеъмолчилар урф-одат ва дидларининг ўзгариши. У асосан рекламанинг ёки моданинг ўзгариши натижасида рўй беради. Масалан, ҳозирда компакт дискларнинг яратилиши граммпластинкаларга бўлган талабни кескин пасайтириб юборди;

2) бир-бирининг ўрнини босувчи товарларнинг мавжудлиги. Масалан, икки хил бир турдаги товар бир хил талабни қондириши мумкин. Бу товарлар бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар дейилади. Бундай товарлардан бири нархининг ўзгариши, иккинчисига бўлган талабни ўзгартиради;

3) тўлдирувчи товарлар нархларининг ўзгариши. Масалан, кўп турдаги товарлар биргаликда сотиб олинади. Пойафзал билан унинг мойи бири-бирини тўлдиради. Шунинг учун пояфзал нархининг ўсиши унга бўлган талабни пасайтиради. Бинобарин, пояфзал мойига бўлган талаб ҳам пасаяди;

4) товар нафлилигининг ўзгариши. Масалан, сабзавот-мева-ларнинг мавсумларга қараб истеъмол қилиниши соғлиқ учун фойдалилиги ҳақидаги маъруза ёки реклама унга бўлган талабни оширади;

5) даромаднинг ўзгариши. Аҳоли даромадларининг ошиши уларнинг харид қувватини оширади, бу эса товарларга бўлган талабни ҳам оширади;

6) атроф-муҳитдаги ўзгаришлар. Масалан, агар ҳаво исиб кетса, салқин ичимликлар, музқаймоққа ва хона совутгичларига бўлган талаб ошади ва аксинча;

7) аҳоли сонининг ўсиши. Масалан, аҳолининг туғилиши даражасининг ўсиши акушерлик хизмати, мактабгача тарбия, мактаб тарбияси каби хизматларга, болалар учун керак маҳсулотларга талабни оширади ва аксинча.

2. «Таклиф» тушунчаси. Таклифнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар

Таклиф – ишлаб чиқарувчилар томонидан ишлаб чиқарилган ва муайян пайтда бозорга чиқарилган ёки келтириш мумкин бўлган жами товарлар ва хизматлар миқдоридир. Шунингдек, таклиф ишлаб чиқарувчи маълум вақт ичида ишлаб чиқаришга қодир бўлган нархнинг ҳар бир даражасида бозорга сотишга чиқарадиган маҳсулотлар миқдорини кўрсатади. Нарх ўзгариши билан сотишга чиқариладиган маҳсулот миқдори ҳам ўзгариши сабабли талаб ва таклифнинг ҳам бир қатор муқобил вариантлари мавжуд бўлади.

Бозордаги товарларнинг баҳоси фақат талабга боғлиқ бўлмай таклифга ҳам боғлиқ бўлади. Яъни бозордаги товарларнинг миқдори ҳам маълум даражада баҳонинг шаклланишига сабаб бўлади. *Нархнинг муайян даражасида талаб ва таклиф миқдори бир-бирига мос келган ҳолат бозор мувозанати дейилади.* Таклиф – бу бозорга сотиш мақсадида келтирилган ёки келтирилиши аниқ бўлган маҳсулотлар миқдоридир. Таклифнинг баҳога нисбатан ёки баҳонинг таклифга нисбатан ўзгаришини қуйидаги жадвал орқали ифодалаш мумкин:

Алоҳида ишлаб чиқарувчининг маҳсулот таклифи

1 кг ун нархи (сўм)	Таклиф қилинадиган ун миқдори (кг)
1500	60
1400	50
1300	35
1200	20
1100	5

Жадвалдан кўришиб турганидек, маҳсулотга қўйилган баҳо канчалик юқори бўлса, бозорга келтириладиган маҳсулот миқдори ҳам шунча кўп бўлади. Демак, товарнинг баҳоси билан харидорга таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори ўртасида тўғри муносабат мавжуддир. Бу боғланиш таклиф эгри чизиғи орқали ифодаланади ва **таклиф қонуни** дейилади.

Таклифнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар. Таклиф ҳажмининг ўзгариши товар баҳосига бевосита боғлиқ бўлади. Таклиф ҳажми даражасининг баҳо ошиши (пасайиши)га жавобан ўзгариши таклиф эгилувчанлиги дейилади. Лекин таклиф ҳам талаб сингари фақат баҳо омили натижасида ўзгармайди. Бунинг ўзгаришига баҳога боғлиқ бўлмаган омиллар ҳам таъсир қилади. Булар қуйидагилар:

1. *Ресурслар баҳосининг ўзгариши.* Маълумки, ишлаб чиқариш жараёнлари ресурслар баҳоси билан узвий боғлиқдир. Шунинг учун ишлаб чиқариладиган маҳсулот миқдори бевосита ресурслар баҳосига боғлиқ.

2. *Технологиянинг ўзгариши.* Технологияларни такомиллаштирувчи маҳсулот бирлигини анча самарали ишлаб чиқаришга имкон беради. Янги технологиянинг жорий этилиши ресурслардан самарали фойдаланишга, бу эса ўз навбатида кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқаришга олиб келади.

3. *Солиқ ва дотация миқдори.* Кўпчилик солиқлар ишлаб чиқариш харажатлари таркибига киради. Шу сабабли солиқларнинг ошиши ишлаб чиқариш харажатларини оширади ва таклифни қисқартиради. Масалан, импорт товарларга бож тўловларининг ошиши унинг таклифини қисқартиради.

4. *Бошқа товар нархи.* Бошқа товарлар нархининг ўзгариши ҳам мазкур товар таклифини ўзгартиради. Масалан, қўй гўшти нархининг пасайиши мол гўшти таклифини оширади ва аксинча ҳолат ҳам бўлиши мумкин.

5. *Нарх ўзгаришининг кутилиши.* Келгусида маҳсулот нархининг ўзгариши кутилиши ҳам ишлаб чиқарувчиларнинг бугунги кундаги бозорга маҳсулот етказиб бериши хоҳишига таъсир кўрсатиши мумкин.

6. *Бозордаги ишлаб чиқарувчилар, сотувчилар сони ва ҳоказо.* Товар ишлаб чиқарувчилар қанчалик кўп бўлса, таклиф қилинадиган маҳсулот миқдори шунчалик кўп бўлади. Тармоқдаги ишлаб чиқарувчилар сони ортиб бориши таклифни кўпайтиради, чунки товар ишлаб чиқариш кўпаяди.

Лекин талаб қонуни сингари бу омиллар таклифнинг ўзини ўзгартиради, таклиф ҳажмини эмас. Таклиф ҳажмининг ўзгаришига товарнинг сақланиш хусусияти, сақлаш харажатлари ва транспорт ташиш имкониятлари ҳам таъсир кўрсатади, ишлаб чиқариш жараёнининг хусусияти табиий ресурсларнинг мавжуд даражаси ҳам таклифга таъсир кўрсатади.

3. Талаб ва таклиф қонуни ҳамда бозор мувозанати

Биз юқорида турли омиллар таъсирида талаб ва таклиф миқдорининг ўзгариб туришини кўрдик. Лекин, талаб билан таклиф миқдори бир-бири билан доимо маълум нисбатда бўлади, бу нисбатлар ўзгариб туради. Баъзан талаб миқдори таклиф миқдоридан ошиб кетиб нарх кўтарилса, айрим пайтда таклиф миқдори талаб миқдоридан ошиб кетиб, баҳо пасайиб кетади. Талаб миқдори билан таклиф миқдори ўртасидаги нисбат бир-бирига тенг тўлган ҳолат бозор мувозанати дейилади.

Шу ўринда *ялли талаб ва таклифнинг* таърифларини келтирамиз.

Ялли талаб – нархларнинг мавжуд даражасида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматларни сотиб олишга қилинган барча сарфлар суммасидир.

Ялли таклиф – бу нархларнинг мавжуд даражасида иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард товарлар ва хизматларнинг умумий миқдори (қиймат ифодасидаги).

Харидор талаби билан ишлаб чиқарувчи таклифи бир-бирига мос келгани кузатилганда ўрнатилган нарх *мувозанат нарх* дейилади. Мувозанат нарх ўрнатилиши учун:

биринчидан, харидорлар сотиб олиши мумкин бўлган товарлар миқдори таклиф миқдорига мос келиши керак; *иккинчидан*, нарх ва товар миқдорининг ўзгариши кузатилмайди. Лекин ҳаётда бундай эмас. Яъни талаб ва таклиф доимо у ёки бу томонга қараб, турли омиллар таъсирида ўзгариб туради. Гоҳ талаб таклифдан ошади, гоҳ эса аксинча, таклиф талабдан юқори бўлади.

Талаб қонуни – бозор қонуни. Унга биноан товарларга талаб уларнинг нархига нисбатан тескари мутаносибликда бўлади. Бу қонуннинг нақадар амал қилишини, талабнинг нархга боғлиқ эластиклигини, яъни нарх ўзгаришига жавобан талабнинг қандай даражада ўзгаришини ифода этади. Бозорга эластик талаб хос бўлади, бунда нарх ўзгаришига нисбатан талаб кўпроқ ўзгаради.

Бозорда таклиф қонуни ҳам амал қилади, унга биноан таклиф нархга нисбатан тўғри мутаносибликда бўлади. Мазкур қонуннинг амал қилишини таклиф эластиклиги, яъни таклифнинг нархга жавобан қанчалик ўзгаришини билдиради. Бозорга эластик таклиф хос бўлади, бу таклифнинг нархга нисбатан тезроқ ўзгаришини билдиради.

Бозор мувозанатини таъминлаш учун ишлаб чиқаришни ривожлантириш орқали бозорни товарлар билан тўлдириш лозим, талаб ва таклифга қараб баҳоларни пасайтириш ёки ошириш мумкин.

Шу мақсадда Президент Ислон Каримов «Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир» асарида (2010) мамлакатимизда иқтисодиётни барқарорлаштириш орқали ялпи талабни ўстириш, «2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар» давлат дастурининг аҳамиятига тўхталиб:

1) тижорат банкларини зарар кўриб ишлаётган ва иқтисодий ночор корхоналарни соғломлаштириш жараёнига жалб қилиш тажрибаси амалда ўзини тўла оқлаганлиги;

2) ҳали ҳам эски техника ва технологиялар асосида ишлаётган, ҳеч қандай иқтисодий истиқболи бўлмаган корхоналарни тугатиш ва уларнинг негизида янги замонавий ишлаб чиқариш қувватларини ташкил этиш даркорлиги;

3) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерликни ривожлантиришни молиялашда тижорат банкларининг ролини кучайтириш бўйича ишларни давом эттириш зарурлиги;

4) кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик корхоналарига 2010 йилда кредит ресурслари ажратиш миқдорини 1,4 баробар кўпайтириш, микрокредитлар ҳажмини 1,3 баробар ошириш вазифаси қўйилганлиги;

5) мамлакатимизнинг рақобатдошлигини оширишни таъминлаш учун иқтисодиётнинг таркибий ўзгартириш жараёнларини чуқурлаштириш сиёсатини давом эттириш 2010 ва келгуси йилларга мўлжалланган иқтисодий дастурни амалга оширишнинг муҳим устувор йўналишига айланиши лозимлигини таъкидлаган эди¹.

Президент Ислон Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да белгилаган муҳим масалани келтиришни лозим топдик. «Мамлакатимиз иқтисодий тараққиётининг энг муҳим истиқболлари ва устувор йўналишларини белгилаб олар эканмиз, биз ички эҳтиёжнинг ўсишига алоҳида эътибор қаратишимиз керак бўлади. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатишга қаратилган инқирозга қарши чоралар дастурида ана шундай ёндашув асосида иш тутганимиз ўтган йилларда ўзини тўла оқлади. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Осиёдаги кўплаб мамлакатлар айнан шундай позицияга амал қилиб келмоқда.

Шундан келиб чиққан ҳолда, бизнинг яқин истиқболдаги энг муҳим вазифамиз бошлаган ишларимизни изчил давом эттириш – истеъмол талабини кенгайтириш мақсадида ижтимоий соҳани ривожлантириш, меҳнатга ҳақ тўлашни янада ошириш, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини, хизмат кўрсатиш секторини, инфратузилма объектларини ривожлантиришга, транспорт ва коммуникация лойиҳалари амалга оширилишига алоҳида эътибор беришдир²».

¹ Каримов И. А. Асосий вазифамиз – Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т., 2010. – Б. 58–59.

² Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т., 2010. – Б. 53.

Юқоридаги белгиланган вазифаларнинг ижроси мамлакатимизда 2010–2012 йилларда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишига олиб келдики, оқибатда аҳоли даромадларининг ўсиши ялпи талабнинг таъминланишига моддий асос яратди. Мамлакатимиздаги ишлаб чиқилган модернизация ва диверсификация стратегияси амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг давоми бўлиб, уни амалга ошириш натижасида 2011 йилда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида саноат ишлаб чиқариши улуши 2000 йилда бор-йўғи 14,2 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 24,1 фоизга етди, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 2011 йилда 11,2 фоизга ўсди. 2000 йилга нисбатан эса бу кўрсаткич 4 баробардан зиёд ошди. Айтилган пайтда қишлоқ хўжалигининг улуши эса 30 фоиздан 17,5 фоизга камайди. Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси 2011 йилда жадал суръатлар билан ривожланиб, унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 37 фоиз ўрнига 50,5 фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда иқтисодиётнинг реал ҳамда ижтимоий секторларини ривожлантиришга муҳим эътибор натижасида 2011 йилда республикаимизда иш ҳақи 20,2 фоизга, бюджет ташкилотларининг иш ҳақи, пенсиялар, нафақа ва стипендиялар миқдори эса 26,5 фоизга ўсди. Аҳоли жами даромадларининг 51 фоизи тадбиркорлик фаолиятидан олинаётганлиги муҳим янгиликдир. Кейинги ўн йилда Ўзбекистонда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробарга ортди. Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақиға Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол савати қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол саватининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15 баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди¹.

Аҳоли фаровонлигини ўзида яққол мужассам этадиган энг муҳим кўрсаткич – бу оила истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркибидир. Ушбу кўрсаткич оила ялпи даромадлари ҳажми ва таркибига, истеъмол бозорининг зарур товар ва хизматлар билан тўлдирилиши, оила даромадларининг ана шу истеъмол маҳсулотлари ва хизматларни харид қилиш имкониятларига боғлиқ.

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т., 2011. – Б. 6–14.

Амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Президент Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Мустақиллик йилларида мазкур ислохотлар натижасида 1990–2010 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари аниқ ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ошди. Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар каби янги даромад турлари пайдо бўлди. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди. Янги турдаги бундай даромадлар ҳиссасига 2012 йил сўнгида ялпи даромадларнинг 51 фоизи тўғри келди.

3-жадвал

Мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадларнинг ўсиши

	1990 йил	2012 йил
Мулк ва тадбиркорлик фаолиятидан маҳсулот сотиш ҳамда хизмат кўрсатишдан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши	10,6	51,0

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (уй хўжаликларини ўртача ой давомида таҳлил қилганда).

Янги турдаги ушбу даромадларнинг афзаллиги шуки, аҳолининг тадбиркорлик соҳасида фаоллашуви оила ялпи даромадларининг жадал равишда ошиб бориши учун рағбатлантирувчи бозор омилларини яратади, марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида кенг тарқалган боқимандалик ва даромадларнинг бир хилда бўлиши даражасини пасайтиради.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилгани ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, ялпи даромадлар таркибидаги улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30–32,1 фоиз даражасида сақлаб қолинмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадларини

оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди. Экспертлар хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Ялпи истеъмол харажатлари. Оила ялпи даромадларининг ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланишга шароит яратилди. Агар 1990 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46–48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди.

2010 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди. Юқорида қайд этилган омиллар аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши билан бирга, унинг пул омонатлари ва жамғарма маблағлари барқарор ўсиб боришини ҳам таъминлади. Бу маблағларнинг харажатлар таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 11,8 фоиздан 2010 йилда 15,4 фоизга етди.

Оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда: озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хосдир.

Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш. Истеъмол харажатларининг ҳажми ва таркиби кўп жиҳатдан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имкониятлари ва мазкур маҳсулотларнинг нархи билан чамбарчас боғлиқ. 1990 йилда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдо тармоқларидаги тақчиллиги аҳолининг бу маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини чеклаб қўйган эди. 1989 йилги статистик маълумотларга кўра, истеъмол бозорида аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узилишлар бўлиб турган ва бу собиқ Иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига карточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди.

1989 йили республика статистика органлари томонидан юртимиз аҳолиси ўртасида ўтказилган расмий сўровларда қатнашганларнинг 89,3 фоизи гўшт маҳсулотларини етарли даражада истеъмол қилмаётганини айтган. Бу кўрсаткичлар сут маҳсулотлари бўйича 56,5 фоизни, шакар бўйича 55,3 фоизни, қандолат маҳсулотлари бўйича 49,5 фоизни, картошка бўйича эса 17,5 фоизни¹ ташкил этган. Ўзбекистонда аҳоли сони 1990–2010 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамадан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 22,6 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 30,3 фоиз, тухум 42,3 фоиз, сабзавот 2,2 баробар, картошка 1,5 баробар, мева 3,6 баробар ва шакар 1,37 баробар ўсди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди. Агар 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, куруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда юртимиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг барча асосий истеъмол маҳсулотлари бўйича (шакардан ташқари) эҳтиёжини деярли тўлиқ таъминламоқда.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли. 1990 йили республикада ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол бозорида ўта тақчиллик вужудга келди. Аҳолининг сифатли кийим-бош, пойафзал, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиши имкониятлари чекланган эди. Одамларга мебель, гилам, музлатгич, телевизор ва енгил автомобилларни сотиш кўпинча корхоналар орқали олдиндан тузилган рўйхатлар асосида амалга оширилар, бундай товарларни харид қилиш учун эса бир неча йиллаб навбат кутишга тўғри келар эди. Барча турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 88 фоизи чакана савдо тармоқларида катта узилишлар билан сотиларди.

¹ Қаранг: Социальное развитие СССР. – М., 1988. – С. 145.

Аҳолининг узок муддатли фойдаланиладиган маҳсулотлар билан таъминланиши (ҳар 100 хонадонга тўғри келадиган товарлар сони)

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Телевизорлар	90	88	132
Музлаткич ва музхоналар	80	86	99
Кондиционерлар	9	11	18,5
Электр чангютгичлар	29	30	37
Персонал компьютерлар	–	0,1	12
Фотоаппарат ва видеокамералар	21	21	24
Видеомагнитофон, видеоплейер ва DVD плейерлар	1	31	64
Кир ювиш машиналари	67	69	75
Мобиль алоқа воситалари	–	18	145
Автомобиллар сони ўртача ҳар 1000 нафар аҳолига, бирликда	21,9	38,9	51,5
Автомобиллар сони ўртача ҳар 100 хонадонга, бирликда	11,9	20,1	27,1

Манба: Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги.

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозиқовқат маҳсулотларининг катта қисми республикамизда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олиб келинарди.

Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошлангандан кейин кузатилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Мамлакатимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлатгичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ривожланиб бормокда.

Агар 2000 йилга қадар ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли аҳолининг асосий ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатдан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмоқда.

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиш билан сотиб олмоқда: рақамли телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобиль телефонлар, DVD плеерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоқлаш буюмлари ва бошқа рўзғор ашёлари шулар жумласидан. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий маиший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда.

Тадқиқот натижаларига кўра, узоқ муддат фойдаланишга мўлжалланган буюмлар билан таъминланиш бўйича мамлакатимизда юксак даражага эришилган. Буни ҳар 100 хонадонга 132 та телевизор, 99 та совутгич, 64 та DVD плеер, 145 та мобиль телефон тўғри келиши тасдиқлайди. 1990 йилда ўнта оиладан бор-йўғи биттаси шахсий автомобилга эга бўлган бўлса, 2012 йилга келиб ҳар учта оиланинг биттасида автомобиль мавжудлиги аҳоли фаровонлиги ва моддий таъминлангани ошиб бораётганини кўрсатади.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёслаганда, ҳозирги пайтда 7,2 баробар ошди.

Модернизация стратегияси иқтисодиётимизни яқин йиллар ичида янада барқарор, ўзига бақувват, жаҳон ва минтақавий бозорларда рақобатдош бўлмоғи учун иқтисодиётимизни таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш натижасида аҳолининг мустақиллик йилларида юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириш пировард натижада халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришга

хизмат қилмоқда. Бу ўринда мамлакатимиз ва минтақамиздаги мавжуд шароитдан келиб чиққан ҳолда, газни қайта ишлаш, нефт-кимё, энергетика, автомобилсозлик, электротехника саноатлари, машинасозлик, фармацевтика каби замонавий соҳалар, ишлаб чиқариш тармоқларини ва албатта, ахборот технологиялари ва телекоммуникация тизимларини жадал ривожлантиришга алоҳида аҳамият берилмоқда, яқин келажакда рақамли ва кенг ўлчамли телевидениега ўтиш режалаштирилган.

Шулар қаторида биринчи навбатда енгил, тўқимачилик ва озиқ-овқат саноатида пахта толаси, бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хом ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш бўйича ишлаб чиқаришни, қурилиш материаллари саноатини янада ривожлантириш, сифатли ва барқарор талабга эга бўлган тайёр маҳсулотлар тайёрлайдиган корхоналар ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юқоридагиларнинг барчаси мамлакатимизда иқтисодий ўсишни таъминлаш орқали аҳолининг оммавий фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади. Маълумки, фаровонлик таъминланган жойда тинчлик осойишталикка замин тайёрланади. Ўртача мулкдорлар синфига оид қатлам миқдори кўпаяди, ижтимоий зўриқишнинг олди олинади. Ишсизлар сони минимал даражага туширилади ва бу жиноятчиликнинг камайишига олиб келади. Оқибатда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг хизмат юки камаяди.

Таянч тушунчалар:

Талаб, индивидуал ва бозор талаби, талаб қонуни, талабнинг эластиклиги, товарнинг қадр-қиммати, маргинал нафлилик қонуни, индивидуал ва бозор таклифи, таклифнинг эластиклиги, бозор мувозанати, кечиктирилган талаб, эҳтиёж.

Савол ва топшириқлар:

1. Эҳтиёж билан талабнинг фарқи борми?
2. Эҳтиёжнинг ўз вақтида қондирилмаслиги қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келишини айтиб беринг.
3. Иқтисодий ресурсларга талаб ва таклифнинг хусусиятлари қандай?
4. Ваҳима талабнинг келиб чиқиши ва оқибатларини тушунтиринг.
5. Бозордаги мувозанат қандай тавсифланади?
6. Индивидуал талаб ва бозор талабининг фарқини тушунтиринг.
7. Даромадларнинг талаб ва таклифга таъсири қандай кечади?
8. Эҳтиёж қачон талабга айланади?

9. Солиқ ортиши ёки камайишининг таклифга қандай таъсир этишини шарҳланг.

10. Жаҳон бозорларида қайси ресурсларга талаб ортмоқда?

11. Талабнинг нархга боғлиқлигини тушунтиринг.

12. Даромаднинг ортиши паст тоифадаги товарлар талабини ўзгартиришини шарҳлаб беринг.

14. Талабнинг ҳаракати ва характери жиҳатидан қандай турлари бор?

15. Таклифнинг ўзгариб туриши қандай омиллар таъсирида содир бўлишини тушунтириб беринг.

16. Солиқларнинг ортиши ёки камайиши таклифга қандай таъсир ўтказади?

17. Қандай ресурсларга жаҳон бозорида талаб ортиб бораётганини изоҳланг.

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Қисқа муддатли мувозанат – тармоқда фирмалар сони ўзгармай қолган шароитда товарлар таклифи ўсиб борадиган мувозанат.

Оний мувозанат – товарлар таклифи ўзгармай қоладиган мувозанат.

Бозор мувозанати механизми – талаб ва таклиф ҳажми мувозанатда бўлган шароитда объектив бозор баҳоси ўрнатилишига олиб келадиган истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар рақобатининг механизми; талаб ва таклифнинг белгиланган (статик) даражаларида бозор баҳоси шаклланишининг механизми.

Нормал узоқ муддатли мувозанат – тармоқда фирмалар сони кўпайиши ва ишлаб чиқаришнинг фойдаланилаётган омиллари ҳажмининг ортиши эвазига таклифнинг ўсиши натижасида қарор топадиган мувозанат.

Таклиф қоидаси – неъмат баҳоси билан унинг таклифи катталиги ўртасидаги бевосита алоқа.

Талаб қоидаси – неъмат баҳоси ва талаб катталиги ўртасидаги тесқари алоқа.

Талаб ва таклиф қоидаси – бозор баҳосини шакллантириш орқали истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчилар манфаати мувозанатлашувининг объектив ва қонуний хусусиятини акс эттирувчи қоида.

Таклиф – иқтисодий субъектнинг бозорга муайян миқдордаги неъматларни ишлаб чиқариш ва муайян баҳода етказиб бериш истаги ва имконияти.

Бозор баҳоси – талаб ва таклиф ҳажми тенг бўладиган ва истеъмолчилар ишлаб чиқарувчилар сотишни истаган миқдордаги товар ва хизматларни сотиб олиши мумкин бўладиган нарх.

Бозор механизми – талаб ва таклифнинг динамик ўзаро таъсири механизми.

Талаб – иқтисодий субъектнинг муайян миқдордаги неъматларни муайян бозор баҳосида сотиб олиш истаги ва имконияти. Талаб – бу шунчаки эҳтиёж эмас, балки тўловга қобил, пул билан таъминланган эҳтиёждир.

Ваҳима талаб – бозордаги шов-шувга ваҳима таъсири остида сунъий пайдо бўладиган ва шиддат билан ортиб борадиган талабдир. Ваҳима талаб одатдаги меъёрдаги талабга нисбатан ортиқ талаб ҳисобланади. Бундай талаб, *бир томондан*, аҳоли орасида миш-мишлар тарқатиш ва реклама воситасида муайян товарга ўта юқори баҳо бериш орқали истеъмолчи руҳиятига таъсир этиш йўли билан, *иккинчи томондан*, товарларга бўлган ғоят катта қизиқиш, қимматчилик ва қаҳатчилик хавфи, пул алмашиш эҳтимоли, ҳар хил шов-шувлар таъсирида пулдан тезроқ қутулиш ва товар захирасини кўпайтиришга интилиш оқибатида юзага келади. Ваҳима талабни савдо аҳли ҳар хил миш-мишлар тарқатиш орқали ҳам юзага келтиради. Ваҳима талабнинг пайдо бўлиши бозор нархини кўтариб юборади, товарлар талашиб олинади, товар талаби, тақчиллиги ғоят кучайиб кетади. Ваҳима талаб иқтисодда учраб турадиган ҳодиса. Лекин у ўткинчи тусга эга бўлиб, узок давом эта олмайди. Ваҳима талаб тартибсизликларни келтириб чиқаришга олиб келиши мумкин.

Даромад эффекти – баҳонинг истеъмолчи бойлиги ёки реал даромадининг даражаси билан алоқадорлигини ифодаловчи эффект.

Ўрнини босиш эффекти – товарларнинг нисбий баҳоси билан истеъмолчи талабининг ҳажми.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Талаб харидорларнинг бозордаги товарларни муайян нархда харид этишга шай бўлишларидир. Талаб асосида эҳтиёж ётади, лекин буни бозорда талабга айланиши учун харидорнинг товарларни сотиб олишга пули етарли бўлиши керак. Акс ҳолда эҳтиёж талаб ҳосил этмайди. Айрим харидорнинг талаби индивидуал талаб бўлса, жами харидорларнинг талаби бозор талаби бўлади.

2. Талабга таъсир этувчи омиллар уч гуруҳга ажралади: а) нархлар. Бу муайян пайтдаги аниқ бир товар нархи, ўринбосар товарлар нархи ва ўзгариши кутиладиган нархлар. Булар талабни ошириши ёки қисқартириши мумкин; б) харидорнинг пул даромади ёки харид қурби. Нарх ўзгармаган ҳолда даромад ошса, талаб кўпаяди, акси бўлса талаб камаяди; в) харидорнинг қайси товарни афзал кўриши, бу унинг дидига ва хоҳишига боғлиқ. Нарх ва даромадни харидор ўз билганича ўзгартира олмайди, лекин уларни назарда тутган ҳолда харидор ўзи афзал кўрган товарга талаб билдиради.

3. Талаб қонуни – бозор қонуни. Унга биноан товарларга талаб уларнинг нархига нисбатан тесқари мутаносибликда бўлади. Бу қонуннинг нақадар амал қилишини талабнинг нархига боғлиқ эластиклиги, яъни нарх ўзгаришига жавобан талабнинг қандай даражада ўзгариши ифода этади. Бозорга эластик талаб хос бўлади, бунда нарх ўзгаришига нисбатан талаб кўпроқ ўзгаради.

4. Нархдан ташқари талабга харидор даромадлари ҳам таъсир этади, бироқ буни талаб қонуни ифода этмайди. Даромаднинг талабга таъсири унинг самараси бўлади. Нарх ўзгармаган шароитда талаб даромадга нисбатан тўғри мутаносибликда бўлади. Талабнинг даромадга боғлиқ эластиклиги ҳам борки, бунда талаб даромаддан жадалроқ ўзгаради.

5. Талабни товарнинг кадр-қиймати ҳам белгилайди, бу эса товар нафлиликнинг унинг нархига нисбатан қиёсланишидир. Нафлилик товарнинг эҳтиёжни қондира олиш хусусияти бўлиб, буни харидорлар субъектив баҳолайдилар. Шунга кўра товарни афзал кўриш пайдо бўладики, бу ҳам талабни юзага чиқаради. Иқтисодиётда маргинал (чекланган) нафлилик қонуни амал қилади, унга биноан бозордаги талаб қондирилган сари сўнгги қўшимча товарлар нафлилиги пасайиб боради. Нафлиликнинг пасайиши талабни қисқартиради, бозор талабига жавоб бериш учун нафлилиги юқори товарларни ишлаб чиқаришга ўтиш зарур бўлади.

6. Талабга таклиф пешвоз чиқади. Товарлар таклифи – бу муайян нарх амал қилганда товарни сотиш учун бозорга қўйилишидир. Муайян товарни айрим ишлаб чиқарувчининг таклиф этиши бу индивидуал таклифдир. Ана шундай товарни барча ишлаб чиқарувчилар таклиф этиши бозор таклифи ҳисобланади.

7. Бозорда таклиф қонуни ҳам амал қилади, унга биноан таклиф нархга нисбатан тўғри мутаносибликда бўлади. Мазкур қонуннинг амал қилишини таклиф эластиклиги, яъни таклифнинг нархга жавобан нақадар ўзгариши билдиради. Бозорга эластик таклиф хос бўлади, бу таклифнинг нархга нисбатан тезроқ ўзгаришини билдиради.

8. Таклифга сотишга қўйилган товарлар нархидан ташқари бошқа омиллар ҳам таъсир этади, лекин буни таклиф қонуни тақозо этмайди. Булар жумласига ресурслар нархи, ишлаб чиқариш технологияси, давлат ишлаб чиқарувчилардан оладиган солиқ ва уларга берадиган субсидиялар (ёрдам пули), нархларнинг ўзгариш эҳтимоли, ўзга товарлар нархи, қўшимча ресурслар ва ишлаб чиқариш қувватларининг бўлиш ёки бўлмаслиги киради. Мазкур омиллар таклифга турли йўналишда ва ҳар хил куч билан таъсир этади ва шунга боғлиқ ҳолда таклиф ўзгаради.

9. Эҳтиёжларнинг ўз вақтида қондирилмаслиги истеъмолчиларни стресс (тушқунлик)га солади. Оқибатда салбий ходисалар (ўғрилиқ, босқинчилик каби жиноятлар) келиб чиқишига сабаб бўлади.

10- МАВЗУ. БОЗОР ТИЗИМИДА РАҚОБАТ

1. Рақобат ва унинг иқтисодий мазмуни

Рақобат бозор механизмида муҳим ўринни эгаллайди. Бозор механизми ишлаб чиқарувчиларни янгиликка ундайди, ишлаб чиқаришни модернизация қилишни талаб қилади. Моддий ресурслар меҳнат ресурслари инсонларнинг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириш мақсадида товар ва хизматларни яратувчи соҳаларга йўналтиради.

Рақобат қонуни ҳам ишлаб чиқаришни рағбатлантиради. Глобал дунёда рақобатда ютқазмаслик учун ишлаб чиқарувчилар доимо янгиликни жорий этиб борадилар, улар янги технологияни киритадилар, янгидан-янги товарларни ишлаб чиқариб, бозорга таклиф этиш йўлига ўтадилар.

Рақобат (лотинча «sopsiggege» – қарама-қарши, мусобақалашмоқ маъноларида) – иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларидан келиб чиқиб, муайян мақсадларга эришиш учун битта бозорда фаолият кўрсатаётган бир неча компанияларнинг (хўжалик субъектларининг) курашидир.

Товар ва молия бозорлари таркибига таъсир кўрсатувчи давлат сиёсати дастаклари орасида монополияга қарши рақобат сиёсатини алоҳида ажратиш мумкин. Рақобат бозор иқтисодиёти ва умумтовар хўжалигининг энг муҳим белгисини ривожлантириш усули ҳисобланади. Президент Ислом Каримов рақобатни бозор иқтисодиётидаги ўрнини: «Рақобат бўлмаса, бозор иқтисодиётини барпо этиб бўлмайди. Рақобат – бозорнинг асосий шарти, айтиш мумкинки, унинг қонунидир»¹, – деб таъкидлайди. Рақобатсиз иқтисодий тараққиёт йўқ, бинобарин, фаровонликни ҳам ошириб бўлмайди. Қаерда рақобат сўнса, шу ерда иқтисодий турғунлик, рецессия, ҳатто танглик вазияти пайдо бўлади, демак, фаровонликка эришиш қийинлашади.

Рақобат иқтисодий фаолият иштирокчиларининг ўз манфаатларини тўлароқ юзага чиқариш, яъни яхши даромад топиш, ўз мавқеини мустаҳкамлаш, ўз қобилиятини намойиш этиш, ўз обрўсига эга бўлишдир. Рақобатнинг иқтисодий мазмунини тушуниб олиш унга турли томондан ёндашишни талаб қилади. Мустақил

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. – Т., 2000. – Б. 34.

товар ишлаб чиқарувчилар (корхоналар) ўртасидаги рақобат товарларни қулай шароитда ишлаб чиқариш ва яхши фойда келтирадиган нархда сотиш, умуман иқтисодиётда ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун курашдан иборат.

Ресурсларни етказиб берувчилар ўзларининг ресурсларини (капитал, ер-сув, иш кучи) юқори баҳоларда сотиш учун рақобат қиладилар. Ишлаб чиқарувчилар ва ресурсларни етказиб берувчилар ўртасидаги рақобат бозор муносабатлари ривожланган, иқтисодиёт тўлиқ эркинлашган шароитда ёрқин намоён бўлади. Рақобат истеъмолчилар ўртасида ҳам юз беради, улар товарларни қулай ва арзон баҳоларда сотиб олишга ҳаракат қиладилар, яъни харидор ҳар бир сарфланган пул бирлиги эвазига кўпроқ фойдага эга бўлишга ҳаракат қилади. Арзон ва сифатли товарни сотиб олиш учун курашади.

Рақобат – бозор субъектлари иқтисодий манфаатларининг тўқнашишидан иборат бўлиб, улар ўртасидаги юқори фойда ва кўпроқ нафга эга бўлиш учун курашни англатади. Бунда ишлаб чиқарувчилар ўртасида сарфланган харажатларнинг ҳар бир бирлиги эвазига кўпроқ фойда олиш учун кураш боради. Мана шунинг орқасидан қувиш натижасида товарларни сотиш доиралари, яъни қулай бозорлар, арзон хом ашё ва арзон иш кучи манбалари учун улар орасида кураш боради.

Рақобат стратегияси рақобат курашининг узок муддатга мўлжалланган бош йўли ва йўл-йўриқларини ифода этади. Стратегиянинг мақсадлари тез кунда фойдани максималлаштириш, оз фойда билан қаноат қилган ҳолда ўз бозорини кенгайтириш ёки рақибни бозордан сиқиб чиқариш, янги бозорга аста-секин кириб бориш каби масалаларда ҳаракат йўлларини белгилашдан иборат.

Рақобат – умумижтимоий категория бўлиб, ижтимоий жараёнлар қатнашчилари ўртасидаги яхшироқ яшаш шароити учун бўладиган курашни англатади. Иқтисодий соҳадаги рақобат эса ишлаб чиқариш муносабатларининг субъектлари (ишлаб чиқарувчилар, истеъмолчилар, тадбиркорлар ва ҳоказо) ўртасида қулайроқ ишлаб чиқариш шароитига эга бўлиш унумлироқ технология, иш жойи, яхши бозорни қўлга олиш, умуман юқори даромад олиш имконияти учун курашдан иборат.

Бозор иқтисодиётининг илк белгилари пайдо бўлиши билан унга хос рақобат ҳам юзага келади. Бундай рақобат тарихан тўрт босқичдан ўтади.

Биринчи босқич – рақобат майда товар ишлаб чиқарувчилар ўртасида боради, бунда ғолиб чиқиш тажриба тўплаб меҳнат маҳоратини ошириш бўлади. Рақобат кичкина маҳаллий бозорларда намоён бўлади.

Иккинчи босқич – бу капиталистик эркин рақобат босқичидир. Бунда рақобатда чеклаш бўлмайди, шиддатли кураш боради. Рақобатда ғолиб чиқишнинг шартли меҳнат унумдорлигини ошириш, янги технология асосида янги хилдаги бозорбоп товарларни ишлаб чиқиш бўлади.

Учинчи босқич – у монопол рақобат босқичи бўлиб, йирик корхоналарнинг яқка ҳокимликка интилувчи курашидир.

Тўртинчи босқич – янгича эркин рақобат босқичи бўлиб, у аралаш иқтисодиётга хосдир. Рақобат доираси кенгайиб, у фақат ишлаб чиқарувчилар эмас, хизмат соҳалари ўртасида ҳам намоён бўлади. Рақобат – янгича ҳаракат қилиш жараёни ва янги мувозанатга эришишни билдириб, рақобатчиларнинг нисбий устунлик ва юқори мавқеига эришиши учун олиб борадиган курашидан иборат. Бундай кураш муқаррар равишда объектив шартлар асосида туғилади ва турлича кўринишларда намоён бўлади. Бозорда хўжалик субъектлари ресурсларни арзон сотиб олиш, ўз товар ва хизматларини эса қимматроқ сотиш, шу асосда кўпроқ фойда олишга интилсалар, ишчи ва хизматчилар кўпроқ меҳнат ҳақи олишни истайдилар. Истеъмолчилар эса бозорда товар ва хизматларни арзонроқ нархларда сотиб олишга ҳаракат қилади.

Бозор иқтисодиёти тизимида рақобат иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатиш, товар ва хизматларни сифатли, юқори технологиялар асосида ва энг оптимал миқдорда ишлаб чиқаришга ундайди. Бунда, албатта, ишлаб чиқарувчи ёки хизмат кўрсатувчининг маркетинг режалари катта аҳамият касб этади. Бу эса, ўз навбатида, фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий қилишни ва инновацион ютуқларни тезлаштиришни талаб қилади. Натижада, рақобат иқтисодий барқарорликни таъминлайди. Шу маънода, рақобат бозор иқтисодиётининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Демак, бозор ва рақобат бир-бири билан ўзаро боғлиқ бозор муносабатлари пайдо бўлиши билан рақобат ҳам вужудга келади, бинобарин, унинг ривожланишига қараб рақобат ҳам такомиллашиб боради.

Рақобат бозор механизмининг етакчи воситаси сифатида иқтисодиёт иштирокчиларини фаолликка ундайди, чунки фақат шу

йўл билан рақобатда ютиб чиқиш мумкин. Нарх билан рақобатлашув харажатларни камайтиришга олиб келади. Сифат билан рақобатлашув эски, нафлилиги пасайиб бораётган товарларни, янги, нафлилиги юқори товарлар билан алмаштиришни таъминлайди. Иш жойи учун рақобат кишиларни ўз билими, малака ва иш маҳоратини доимо ошириб боришга ундайди, ишлаб турган жойини кадрлаш, бу ердаги иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириб боришга ундайди, ишлаб турган жойини кадрлаш, бу ердаги иш сифати ва меҳнат унумдорлигини ошириб боришига рағбат беради. Рақобат иқтисодий танловга куч бериб, укувсиз ва ишёқмасларни банкрот ҳолига тушириб бизнестан сиқиб чиқаради, бизнесни ҳақиқий ишбилармон, янгиликка мойил бўлганлар қўлига беради.

Республикамиз мустақилликка эришгач, унинг олдидаги муҳим стратегик масалалардан бири сифатида барқарор ва соғлом иқтисодиётни шакллантириш вазифаси турар эди. Зеро, барқарор иқтисодиётни шакллантирмай туриб, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини юксалтириб, барқарор иқтисодий ўсиш суръатларига эришиб бўлмайди.

Ўзбекистонда давлатнинг иқтисодиётни монополиядан чиқариш ва рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин тутди. Хусусийлаштириш натижасида, биринчидан, мулк ўз эгалари қўлига топширилса, иккинчидан, кўп укладли иқтисодиёт, яъни кичик ва ўрта бизнесни ривожлантирган ҳолда корхоналар ўртасида ҳақиқий рақобатчилик муҳити вужудга келтирилади. Мамлакатимизда хусусийлаштиришнинг ҳуқуқий асослари яратилганлиги, расмий хусусийлаштиришдан реал хусусийлаштириш сари амалий қадамлар қўйилганлиги бугунги кунда хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида рақобатчилик муҳити яратилганидан далолатдир.

Хусусийлаштириш жараёнининг бошқа муҳим, ажралмас қисми реал рақобатли муҳитнинг, товар, хом ашё ва капитал бозорларининг шаклланишидир. Фақат реал рақобат мавжуд бўлганда, бозор механизмлари тўлиқ ва самарали равишда ишлаб кетиши мумкин.

Мустақилликнинг илк йилларидан бошлаб республикамизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига ўтишнинг илмий асосланган йўли ишлаб чиқилди ва унга таянган ҳолда иқтисодий ислохотлар амалга оширила бошланди. Мазкур иқтисодий ислохотларнинг иккинчи босқичида қўлга киритилиши лозим бўлган

натижалардан бири – рағбатлантирувчи рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришдан иборатлиги кўрсатиб берилди. Президентимиз таъкидлаганидек, мулкчилик шакллари турлича бўлган корхоналар ўртасидаги рақобатчилик кураши уларни ишлаб чиқаришни бошқаришнинг ички ташкилий тизимларини такомиллаштиришга, замонавий техника билан қайта қуроллантиришга, фан ва техника соҳасидаги янги ютуқларни қўллашга мойил бўлишга, кам сарф-харажат қилган ҳолда янада юқори сифатли ва арзон нархда маҳсулот ишлаб чиқаришга ундайди. Пировард натижада бу иқтисодий ва илмий-техникавий тараққиётнинг қудратли воситаси бўлиб хизмат қилади.

Давлат ишларида самарали рақобат сиёсати амалга оширилиши оқибатида товарлар ва хизматлар бозорларида монополиялаштириш даражаси сезиларли равишда пасайди. Эришилган натижалар асосан товарлар ва хизматлар бозорида эркин рақобатлашадиган янги хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик субъектлари ташкил этиш учун қулай шарт-шароитлар яратилишида намоён бўлди. Пировардида бу соғлом рақобат муҳитини шакллантирди. Айниқса, истеъмол бозорида монопол корхоналар сони сезиларли даражада қисқармоқда. Бу кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг динамик ривожланаётганидан далолат беради. Сақланиб қолган монополлашган бозорларда, бозор субъектлари ва монополияга қарши қонунларни бузувчи субъект тузилмаларининг ҳаракатлари сезиларли равишда ўзгарди.

Республика иқтисодиётида юз бераётган ижобий ўзгаришлар ва ҳуқуқий ҳимоя тизимини такомиллаштириш юзасидан бир қанча янги қонун ҳужжатлари қабул қилиниши, тадбиркорлик субъектларининг молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш, назорат функцияларини бажариш тизимини такомиллаштириш ва янада қисқартириш учун дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳукуматимиз томонидан кейинги йилларда хусусий бизнес, яъни тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича бир қатор меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди ва уларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тинимсиз иш олиб борилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 15 майдаги «Тадбиркорлик фаолиятини янада қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан тадбиркорлик субъектларига имтиёзлар яратилди. Бу эса товар бозорларида тадбиркорлик

субъектлари иштирокини рағбатлантириб, пировард натижада соғлом рақобат муҳитини яратишда муҳим аҳамият касб этади.

Бинобарин, республикамизда бозор муносабатлари тизимида соғлом рақобат муҳитини шакллантириш, ривожлантириш ва асосан яратилган рақобат муҳитини ҳимоялаш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланмоқда.

2. Рақобат турлари

Рақобат қайси босқичда содир бўлишидан қатъи назар, унинг икки тури мавжуд:

- ёввойи рақобат (тартибсиз);
- тартибга солинувчи соғлом рақобат.

Рақобат иқтисодий ўсишни таъминлайди, бу эса ўз навбатида рақобат доирасини кенгайтиради. Рақобат бозорнинг ҳамма турларида амал қилади. Тадбиркорлар товар бозорида сотувчи, ресурслар бозорида харидор сифатида рақобатда бўлишади.

Рақобат курашида ўз мухолифининг бозордаги мавқесини билиш муҳимдир. Шу сабабли рақобатга тайёрланиш тадбиркорликнинг стратегиясида муҳим ўрин тутади. Бозор тизимида рақобатнинг *мукаммал* ва *номукаммалдан* иборат асосий тури мавжуд.

Мукаммал ёки **соф рақобат** шундан иборатки, унда кўпчилик қатнашади. Эркин рақобатли бозорда сотувчилар ва харидорлар кўпчилик бўлиб, улардан ҳеч бири монопол мавқега эга бўлмайди, бозорда зўравонлик қилиб, ўз измини юргиза олмайди.

Номукаммал рақобат, чекланган рақобат табиатан **монопол рақобатдир**. Бунда кўпчилик бўлмаган, лекин товарларнинг катта қисмини таклиф этувчи ёки сотиб олувчи фирмалар рақобатлашади.

Соф монопол шароитида ҳукмрон фирмалар ресурс бозорида харидор сифатида беллашадилар. Улар сифатли ва арзон ресурсларни қўлга киритиш, малакали иш кучини сотиб олиш учун курашадилар.

Эркин рақобат икки даражада намоён бўлади: **тармоқ ичида**, яъни бир хил товар ишлаб чиқарувчи корхоналар ўртасидаги рақобат ва **тармоқлараро**, яъни турли тармоқлардаги корхоналар ўртасидаги рақобат.

Тармоқ ичидаги рақобат товарларнинг ижтимоий қийматини, бошқача айтганда, бозор қийматини аниқлайди ва белгилайди. Бу

қиймат одатда ўртача шароитда ишлаб чиқарилган ва муайян тармоқ товарларнинг анчагина қисмини ташкил этадиган товарларнинг қийматига мос келади. **Тармоқ ичидаги рақобат натижасида техникавий даражаси ва меҳнат унумдорлиги юқори бўлган корхоналар кўшимча фойда оладилар ва аксинча, техник жиҳатдан ночор корхоналар эса, ўзларида ишлаб чиқарилган товар қийматининг бир қисмини йўқотадилар ва зарар кўрадилар.**

Тармоқлараро рақобат турли тармоқлар корхоналари ўртасида энг юқори фойда нормаси учун олиб борилаётган курашдир. Бундай рақобат фойда нормаси кам бўлган тармоқлардан фойда нормаси юқори тармоқлараро капиталларининг оқиб ўтишига сабаб бўлади.

Иқтисодий сараланиш оқибатида корхоналарнинг бир қисми ғоят йирик корхоналарга айланиб, монопол мавқени эгаллайди. Улар тил бириктириб, эркин нархлар ўрнига монопол нархларни белгилайди. Ўзбекистон Республикасида бу борада монополияга қарши кураш сиёсати олиб борилмоқда. Булар:

- 1) монополиялашувга йўл бермай монопол фаолиятни жиловлаш тўғрисида қонунлар қабул қилиш;
- 2) шерикчилик асосидаги тадбиркорликда бир корхона мулкнинг бошқасига ўтишини чеклаш;
- 3) бозорда нарх-навонинг эркин ташкил топиши учун олдиндан келишиб нарх белгилашни қонун йўли билан тартибга солиш;
- 4) давлатнинг рақобатнинг қонун-қоидаларини яратиш, уни бузганлик учун жазо белгилаш;
- 5) монопол ҳукмронликка йўл бермаслик учун товарларни мамлакатга киритишни кўпайтириш мақсадида бож тўловларини камайтириш кабилар.

Ғайриқонуний рақобат ҳам мавжуд:

- 1) рақиб ҳақида нотўғри ва ноаниқ маълумотлар тарқатиш;
- 2) маҳсулотнинг сифати, ишлаб чиқарган жойи хусусида истеъмолчини алдаш;
- 3) рақибнинг маҳсулот белгиси номидан нотўғри фойдаланиш;
- 4) паст сифатли маҳсулотларни реклама қилиш;
- 5) рақиб маҳсулотларининг сифати тўғрисида асоссиз маълумотлар тарқатиш.

3. Рақобат муҳити ва стратегияси

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини юзага келтириш ва амал қилиши учун маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор иқтисодиёти муносабатлари қарор топган муҳитда юзага келиши мумкин. Шундай экан, бозор иқтисодиётини юзага келтириш айна вақтда рақобатчилик муҳитининг шаклланишини билдиради.

Ижтимоий-иқтисодий ислохотларни босқичма-босқич амалга ошириш жараёнида бозор инфратузилмасини шакллантириш ва ривожлантириш, рақобат муҳитини юзага келтириш ва уни ривожлантириш зарурияти туғилади. Ушбу масала 1996 йил 27 декабрда қабул қилинган «Товарлар бозорларидаги монополистик фаолиятни тиклаш ва рақобат тўғрисида»ги янги қонунда ўз аксини топган эди.

Ушбу қонун асосан иккита мақсадни кўзда тутади. *Биринчиси* – мавжуд ва сақланиб қолаётган монопол корхоналар томонидан бозордаги ҳукмронлик мавқеини суиистеъмол қилишларига йўл қўймаслик ва бунинг олдини олишни кўзловчи аввалги қабул қилинган корхоналардан тубдан фарқ қилувчи янги монополияга қарши тартибни ишга солиш. *Иккинчиси* – янада муҳимроғи – бу монополиядан чиқариш ва соғлом соф рақобат муҳитини яратишдир.

Рақобат муҳитининг шаклланишига хусусийлаштириш жараёни самарали таъсир қилиши учун, бу тадбир катта корхоналарни рақобатга қодир алоҳида тизимларга бўлиш орқали монополиядан чиқариш билан қамраб олиб борилиши керак. Хусусий тадбиркорлик, кичик ва ўрта бизнес рақобатни ривожлантириш омили, тадбиркорларнинг мавжудлиги эса, бозор ривожланишининг асосий шарт-шароитларидан бири ҳисобланади.

Айрим тармоқларда иқтисодиётнинг монополлашуви асоссиз равишда юқори даражада сақланиб қолаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсишига, маҳсулот сифати ва рақобатбардошлигининг ортишига, нархларнинг пасайишига ҳамон тўсқинлик қилаётгани доимо Президентнинг диққат марказида бўлиб келмоқда. Жумладан, цемент, шифер, полиэтилен, енгил ва ёғ-мой саноати маҳсулотлари ва бошқа қатор товарларга бўлган эҳтиёжни қондириш имконияти нисбатан чекланган ҳолда сақланиб қолаётгани давлатимиз раҳбари томонидан танқид қилингани барчамизга маълум. Бу эса ана шу маҳсулотларга конъюнктура талаблари ошиб кетган пайтда

монополист корхоналарга ўз маҳсулотининг нарҳини асоссиз равишда ошириш учун қўл келмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов 2007 йилнинг февралида Давлат монополиядан чиқариш қўмитаси, Иқтисодиёт, Молия ва Адлия вазирликлари, Давлат солиқ ва Давлат божхона қўмиталари, Савдо-саноат палатаси бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан бирга ана шу масалаларга доир ишларнинг аҳволини ўрганиб чиқишлари, бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига бозорнинг барча иштирокчилари учун тенг рақобат шароитини таъминлаш борасида тегишли таклифлар киритишлари тўғрисида кўрсатма бергани иқтисодиёт ривожининг бугунги босқичида монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат муҳитини шакллантиришнинг фоят муҳимлигидан далолат беради.

Иқтисодиётда монополлашув принципларининг кучайиб бориши рақобатни чеклайди. Шу сабабли рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришда давлат ҳам қатнашади. Бу эса, давлатнинг монополияга қарши рақобатни ривожлантириш сиёсатида ўз аксини топади. Ҳар бир давлат ўз иқтисодиётини ривожлантиришда аниқ вазиятни, иқтисодиётнинг монополлашув даражаси, унинг миқёси ва характерли ҳолати, бу сиёсат эркин рақобат муҳитини янгидан яратиш ҳамда уни сақлаб қолиш зарур бўлганда, қайтадан тиклаш, рақобат усулларини қарор топтиришга қаратади.

Режали ва буйруқли иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтаётган мамлакатларда, шу жумладан бизнинг мамлакатимизда соғлом рақобатга шарт-шароит ҳозирлиги, иқтисодий субъектларнинг мустақиллигини кенгайтириш орқали уларни рақобатчиликка жалб қилишга қаратилган чора-тадбирларининг муҳим жиҳатлари ҳисобланади.

Мамлакатимизда давлатнинг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган ҳолатда хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисоби мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтиришда асосий ўрин тутаяди. *Биринчидан*, хусусийлаштириш натижасида бериладиган мулк ўз эгалари қўлига топширилса, *иккинчидан*, кўп укладли иқтисодий ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Ҳозирги кунда мамлакатимизда ялпи ички маҳсулотнинг 80 фоиздан ортигини нодавлат сектор таъминламоқда. Бу борада Президент Ислон Каримов: «Тан олишимиз керакки, 1991 йилда қабул қилинган **«Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида»**ги қонун, ўтган давр мобайнида 80 тадан ортиқ

қонуности ҳужжати унга уйғунлаштирилганига қарамасдан, **бугун қайта кўриб чиқишни ва янги таҳрирда қабул қилишни талаб этмоқда»¹**, – деб тегишли мутасадди ташкилотларга вазифа юклагани барчамизга маълум.

Шундай қилиб, Ўзбекистон Республикасида рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат турли хўжалик шакллариининг мавжудлигига асосланган ва иложи борича эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало мустақил эркин товар ишлаб чиқарувчиларнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, мулкый масъулиятлар асосида ўз манфаатига эга бўлган тадбиркорлик техникасини зиммасига олувчи эркин хўжалик субъектларининг мавжудлиги, уларнинг бозор орқали алоқа қилишидир.

Ўзбекистон Республикаси «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонунининг амал қилиши, унга зид равишда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг тадбиркорлик ривожига тўсиқ бўлувчи айрим хатти-ҳаракатлар учраб турибди. Юқорида қайд этилган қонуннинг 7-моддасига асосан, маҳаллий давлат органларига қуйидагилар тақиқланади:

– бирдан-бир фаолият соҳасидаги хўжалик юритувчи субъектларни ташкил қилишга чеклашлар жорий этиш, шунингдек, айрим фаолият турларини амалга ошириш ёки муайян бир товарлар ишлаб чиқаришни тақиқлаш;

– хўжалик юритувчи субъектларга айна бир товар бозорининг ўзида ишлайдиган бошқа хўжалик юритувчилар.

Рақобатчилик муҳитини яратишда ва унга қарши курашда мамлакатимизда қонунчилик асосларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда.

Рақобатнинг амал қилиши маълум шарт-шароитлар мавжуд бўлишини тақозо қилади. Бу шарт-шароитлар фақат бозор муносабатлари қарор топган муҳитда бўлиши мумкин. Бозор муносабатлари ривожланган мамлакатларда рақобатчилик муҳити узок давр давомида ўз-ўзидан тадрижий йўл билан вужудга келган.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 52.

Ўзбекистон давлатининг рақобатчилик муҳитини шакллантиришга қаратилган сиёсатида хусусийлаштириш, давлат мулки ҳисобидан мулкчиликнинг бошқа шакллари вужудга келтириш асосий ўрин эгаллайди. Хусусийлаштириш натижасида, *биринчидан*, мулк ўз эгалари қўлига топширилади, *иккинчидан*, кўп укладли иқтисодиёт ва рақобатчилик муҳитини вужудга келтиради. Шундай қилиб, Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтиришнинг асосий йўли, бу рақобатни инкор қилувчи давлат монополиясидан нодавлат, турли хўжалик шакллари иқтисодига асосланган ва иложи бори эркин рақобатни тақозо этувчи бозор тизимига ўтишдир. Бу ерда рақобатчилик муносабатларини шакллантириш, аввало мустақил товар ишлаб чиқаришнинг пайдо бўлишини тақозо қилади, чунки рақобатнинг асосий шarti алоҳидалашган, мулкий масъулият асосида ўз манфаатига эга бўлган ва тадбиркорликни ўз зиммасига олган эркин хўжалик субъектларининг мавжудлигидир.

Ўзбекистонда рақобатчилик муҳитини вужудга келтириш Президент Ислон Каримовнинг иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси биринчи сессиясидаги маърузасида таъкидлаганидек: «Иқтисодиётни эркинлаштириш – бу хўжалик юритувчи субъектларнинг эркинлиги ва иқтисодий мустақиллиги ошириш, тадбиркорлик фаолиятини ошириш йўлидаги мавжуд тўсиқларни бартараф этишни англатади». Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонуни (1996 й.) ғирром рақобатга йўл қўймаслик, республика бозорларини белгиланган талабларга жавоб бермайдиган маҳсулотлардан (контрабанда товарларидан) ҳимоялаш кабиларга ёрдам беради.

Рақобат бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим хусусияти. У амал қилиши учун маълум шарт-шароитлар муҳайё бўлишини талаб қилади. Рақобат фақат бозор иқтисодиёти муҳитида бўлиши мумкин, чунки шунда унга зарурият бўлади, шунингдек унга йўл очилади.

Ғарб мамлакатларида рақобатга давлат аралашмайди. Давлат хусусий монополияларни жиловлашга қаратилган тадбири – 1890 йилда АҚШда «Шерман қонуни» қабул қилинган, тарихда антитрест деб ҳам ном олган. Антимонопол қонунчилиги асосан уч йўналишда бўлади:

1) ишлаб чиқариш тизимини бошқарувчи қонунлар ёки улар моделларини аниқ белгилаш, яъни ҳеч бир корхонага юқоридаги

меъёрдан ортиқ товар ишлаб чиқаришга йўл бермайди, маҳсулотнинг қолган қисмини албатта, бошқа корхоналар ишлаб чиқаради, демак, улар ўртасидаги рақобат таъминланади;

2) барча йирик корпорацияларнинг иштирокчилари бошқа корпорациялар акцияларининг маълум чекланган миқдоридан ортиғига эга бўлмаслиги керак;

3) нархларнинг талаб ва таклиф мувозанати белгиланган даражадан юқори ёки паст тутиб туришини, нарх хусусида келишиб олишни ман қилувчи антитрест қонунларини жорий этиш.

Бозор эркин иқтисодий фаолиятни талаб қилгандан жамият рақобатчиларга бир хил имконият яратиб беради, хўжалик субъектларига ўзини сақлаб туриши учун бир хил шароит ҳозирлайди, давлат рақобат қоидаларига риоя этилишини ўз назоратига олади, айрим ёки бир гуруҳ тадбиркорларнинг монопол мавқеида бўлишига йўл бермайди.

3.1. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонунининг (2011 йил 6 январь) аҳамияти тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифалари белгиланган «Демократик бозор ислохотларини ва иқтисодийётни либераллаштиришни янада чуқурлаштириш» номли 6-йўналиши тўғрисида давлатимиз раҳбари: «**Ҳаммамиз яхши тушунамизки, бозор муносабатларининг асоси бўлган рақобатни ривожлантиришда монополияга қарши қонун ҳужжатлари катта роль ўйнайди. Аммо, амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонун бугунги кунда эскирди ва замон талабларига жавоб бермай қолди. Шунини эътиборга олган ҳолда, «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунни ишлаб чиқишимиз ва қабул қилишимиз зарур.** Ушбу қонунда монополистик фаолиятни нафақат товарлар бозорида, балки молия бозорларида ҳам тартибга солишни назарда тутиш лозим. Шунингдек, биржа савдоларида ҳам монополияга қарши механизмларни, акцияларни сотиб олиш, қўшиш ва бирлаштириш

битимларини тартибга солиш ва назорат қилиш тартиб-қоидаларини содалаштириш бўйича нормаларни ушбу қонунга киритиш мақсадга мувофиқдир», – деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат, мустақилликнинг дастлабки йилларида монополистик фаолиятга қарши сиёсат юритиш, хусусийлаштириш ва хусусий секторнинг жадал ривожланишини таъминлаш миллий иқтисодиётнинг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган эди. Айниқса, Ўзбекистон Республикасининг «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги қонуни қабул қилинган, иқтисодиёт соҳаларида соғлом *рақобат муҳити* шаклланиб, республика иқтисодиётининг тузилиши босқичма-босқич ўзгара бошлади. Масалан, бундан ўн беш йил аввал монополист корхоналар давлат реестрида 4351 хил маҳсулот ва хизматлар тури бўйича 827 та хўжалик субъекти мавжуд эди. Ўтган давр мобайнида эса, монополияга қарши давлат органи томонидан турли товар бозорларидаги рақобат шароитини ўрганиш юзасидан доимий равишда таҳлиллар ўтказилиб, улар асосида реестрга тегишли ўзгартишлар киритилди. Натижада 2000 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда монополист корхоналар сони 4 бараварга, монопол маҳсулот ва хизматлар миқдори эса 12 бараварга камайди. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 54,5 фоизни, монопол маҳсулот ва хизматларнинг ҳиссаси эса 19 фоиздан сал кўпроқни ташкил этаётгани ана шундан далолат беради.

Концепция талабларидан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси томонидан манфаатдор давлат органлари билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Дарҳақиқат, амалдаги «Товар бозорларида монополистик фаолиятни чеклаш ва рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонуни молиявий хизматлар бозорларидаги рақобатни тартибга солиш масалаларини «ўз ичига» олмаган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур соҳада рақобатга қарши ҳаракатларга йўл қўймаслик юзасидан чораларни амалга оширишга имкон бермас эди. 2011 йил 6 январда Президент Ислам Каримов томонидан Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни имзоланди. Ушбу қонуннинг мақсади товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Маълумки, молия бозори иқтисодиётнинг энг асосий қон томири ҳисобланади. Қонуннинг 4-моддасида асосий тушунчалар берилган

бўлиб, иқтисодий саводхонликни ошириш мақсадида ундан айримларини келтирамиз:

Рақобат – хўжалик юритувчи субъектларнинг (рақобатчиларнинг) мусобақалашуви бўлиб, бунда уларнинг мустақил ҳаракатлари, улардан ҳар бирининг товар ёки молия бозоридаги товар муомаласининг умумий шарт-шароитларига бир томонлама тартибда таъсир кўрсатиш имкониятини истисно этади ёки чеклайди.

Бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар – ўзининг белгиланган вазифаси, қўлланилиши, сифат ва техник хусусиятлари, нархи ҳамда бошқа ўлчамлари бўйича таққосланиши мумкин бўлган шундай товарларки, уларни олувчи истеъмол қилиш чоғида бир товарни бошқасига ҳақиқатан ҳам алмаштиради ёки алмаштиришга тайёр бўлади.

Инсофсиз рақобат – хўжалик юритувчи субъектнинг ёки шахслар гуруҳининг иқтисодий фаолиятни амалга оширишда афзалликларга эга бўлишга қаратилган, қонун ҳужжатларига, иш муомаласи одатларига зид бўлган ҳамда бошқа хўжалик юритувчи субъектларга (рақобатчиларга) зарар етказадиган ёки зарар етказиши мумкин бўлган ёхуд уларнинг ишчанлик обрўсига путур етказадиган ёки путур етказиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

Камситувчи шартлар (шароитлар) – товар ёки молия бозорига кириш, товарни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш, олиш, реализация қилиш, ўзгача тарзда бошқа шахсга ўтказиш шартлари (шароитлари) бўлиб, улар бошқа тенг шартларда (шароитларда) битта ёки бир нечта хўжалик юритувчи субъектни ўзга хўжалик юритувчи субъект (рақобатчи) билан таққослаганда, тенг бўлмаган ҳолатга солиб қўяди.

Келишиб олинган ҳаракатлар – товар ёки молия бозорида икки ёки ундан ортиқ хўжалик юритувчи субъектнинг бозорнинг мазкур иштирокчиларидан ҳар бирининг манфаатларини қаноатлантирадиган ва улардан ҳар бирига олдиндан маълум бўлган, рақобатни чеклашга олиб келадиган ёки олиб келиши мумкин бўлган ҳаракатлари.

Нотўғри таққослаш – рақобатчилар ёки бошқа шахслар томонидан тарқатиладиган, товар ёки молия бозорида айрим хўжалик юритувчи субъектга афзалликлар яратадиган ёхуд хўжалик юритувчи субъектни (рақобатчини) ёки рақобатчи ишлаб чиқарган товарни ёмонловчи ёлғон, ноаниқ ёки бузиб таққослаш.

Рақобатга қарши ҳаракатлар – рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида хўжалик юритувчи субъектлар учун ман этилган ҳаракатлар, шунингдек давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг рақобатни чеклашга қаратилган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги).

Товар – фаолиятнинг олиш ва реализация қилиш учун мўлжалланган маҳсули, шу жумладан ишлар ва хизматлар.

Товар бозори – товарнинг (шу жумладан бир-бирининг ўрнини босадиган товарнинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида товарни олиш ёки реализация қилиш имконияти мавжуд бўлади.

Хўжалик юритувчи субъект – товарларни ишлаб чиқариш, олиш ва реализация қилиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахс, шу жумладан чет эллик юридик шахс, хўжалик бошқаруви органи, шунингдек яқка тартибдаги тадбиркор.

Молия бозори – банклар ҳамда бошқа кредит, суғурта ва ўзга молия ташкилотлари томонидан кўрсатиладиган молиявий хизматнинг, шунингдек қимматли қоғозлар бозори профессионал иштирокчилари хизматларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги ёки унинг бир қисмидаги муомала доираси бўлиб, у Ўзбекистон Республикасининг маъмурий-ҳудудий бўлинишига мос келмаслиги мумкин ва мазкур муомала доираси чегараларида бундай хизматни кўрсатиш имконияти мавжуд бўлади. Мазкур бозорда ҳозирги кунда юзлаб субъектлар фаолият юритиб келмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида молия тизимининг барқарорлигини таъминлаш ушбу соҳада рақобатни ривожлантиришдан устун ҳисобланган. Бугунги кунга келиб эса, мазкур тизимда соғлом рақобат муҳити шаклланган ва унда рақобатга қарши ҳаракатлар ҳамда қайта монополашувнинг олдини олиш муҳим аҳамият касб этади. Чунки, молия тизимида монополияга қарши тартибга солиш механизмини жорий этиш долзарб муаммо бўлиб қолмоқда. Молия бозорларида рақобатни таъминлаш бўйича янги қонун лойиҳасида кўпгина меъёрлар кўзда тутилган. Хусусан, амалдаги қонунда «бир-бирининг ўрнини босадиган товарлар», «инсофсиз рақобат», «камситувчи шартлар (шароитлар)», «нотўғри таққослаш» ва ҳоказо. Президентимизнинг 2008 йил 18 ноябрдаги «Иқтисодиёт реал сектори

корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чоратадбирлари тўғрисида»ги фармони билан акциядорлик жамиятлари устав фондларининг ҳажми 10 баробардан зиёдга кўтарилдики, бу ҳам акция ва улушлар сотиб олиш бўйича битимларда инвестор ва унинг қиймати амалдаги қонунда белгиланган энг юқори меъёрдан сезиларли даражада ортишини таъминламоқда.

Янги қонуннинг қабул қилиниши юқорида кўрсатилган камчиликларни бартараф этишга, рақобатни ривожлантириш ва уни ҳимоя қилиш бўйича муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишни такомиллаштиришга, ушбу соҳадаги давлат сиёсатининг ҳуқуқий асосларини аниқлаштиришга, товар бозорларида монополистик фаолиятни бартараф этиш ҳамда олдини олиш бўйича ҳуқуқий воситаларни янгилашга хизмат қилади. Юқори ликвидли, жумладан, товар бозорида устун мавқега эга корхона томонидан ишлаб чиқарилган товарларнинг биржа савдолари ривожланиши билан монопол юқори нарх тавсифига ёндашув ҳам ўзгаради. Хусусан, қонун лойиҳасида биржа савдолари натижасида вужудга келган нарх монопол юқори ҳисобланмаслиги назарда тутилган.

Янги қонунда юқорида келтирилган умумий тавсифларни аниқлаштириш билан бир қаторда, янги тушунчалар ҳам киритилди. Шунингдек, унда «устун мавқе»ни тавсифлаш принципи, субъектнинг товар ва хизматлар бозоридаги устун мавқеи, мезонларини аниқ ва пухта белгилаш ҳамда бозор улуши ҳажмини қисқартириш йўли билан ўзгартириш кўзда тутилган.

Маълумки, монополияга қарши қонунчиликнинг йўналишларидан бири, бу – бозор субъектининг хўжалик фаолиятини юритишига таъсир кўрсатиш йўли билан товар бозорларининг монополлашувига ва рақобатни чеклашга йўл қўймаслик мақсадида хўжалик субъектининг устав фондида шахс ёки шахслар гуруҳининг устунлик даражаси ошишига олиб келувчи қўшилиш, қўшиб юбориш, акцияларни, мулкый ҳуқуқларни сотиб олиш ва бошқа битимларни (ҳаракатларни) тартибга солувчи янги боб киритилди. Шунингдек, хўжалик субъектларига нисбатан маъмурий оғирликларни қисқартириш мақсадида активларнинг баланс қиймати оширилди.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга

оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти, аввало, шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас. Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хом ашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислох этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012–2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Масалан, 2012 йилда Сурғил кони базасида хатто дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган, қиймати 25 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши

бошланди. Мазкур объектнинг қурилиши 2016 йилда ниҳоясига етказилади ва бу корхона 4 миллиард 500 миллион куб метр табиий газни қайта ишлаш, 400 минг тонна полиэтилен ва 100 минг тонна полипропилен ишлаб чиқариш имконини беради.

Ушбу лойиҳа технологик жиҳатдан дунёдаги энг илғор лойиҳалардан бири бўлиб, энг юксак даражадаги газ-кимё технологияларини жорий этишни кўзда тутди. Бу, ўз навбатида, табиий газдан 97 фоизгача этан, пропан ва бошқа қимматбаҳо компонентларни ажратиб олишни таъминлайди.

Мазкур лойиҳада етакчи хорижий банклар консорсиуми, давлат кафолатларини жалб этмаган ҳолда, лойиҳаларни молиялаштириш принциплари асосида иштирок этмоқдалар.

Дунёдаги йирик «Томсон Рейтер» бизнес-ахборот агентлигининг молия соҳасидаги жаҳонга машҳур «Прожект файненс интернешнл» журнали ушбу лойиҳанинг ноёблиги ва ишга новаторлик билан ёндашиш натижаси эканини қайд этиб, Устюрт газ-кимё комплекси қурилишини нефт-газкимё саноатидаги йилнинг энг яхши лойиҳаси, деб тан олди. Бу, ҳеч шубҳасиз, барчамизни эртанги кунга ишончимизни янада мустаҳкамлади.

2012 йилда Жанубий Африканинг «Сосол» компанияси ва Малайзиянинг «Петронас» корпорацияси билан ҳамкорликда қиймати 4 миллиард доллардан зиёдни ташкил этадиган, тозаланган метан асосида синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича катта истиқболга эга бўлган йирик лойиҳани амалга ошириш бошланди.

Ушбу лойиҳа асосида барпо этиладиган завод дунёдаги санокли корхоналардан бири бўлиб, у синтетик суюқ ёқилғи – суюлтирилган газ, авиакеросин ва «премиум класс» тоифасидаги, яъни Евро-4 стандартидан кам бўлмаган дизел ёқилғиси ишлаб чиқаради.

Ҳозирги кунда «Ангрен» махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186,0 миллион долларлик 8 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда. Шулар қаторида зарурат ва эҳтиёж баланд бўлган турли тайёр маҳсулотларни ва бутловчи буюмларни ишлаб чиқариш, шунингдек, янги шакар заводини қуриш, тайёр чарм буюмлар ишлаб чиқарадиган комплексни барпо этиш алоҳида ўрин тутди.

Айтиш керакки, ҳозирги вақтда ушбу жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп, демакдир.

Вазирлар Маҳкамаси стратегик аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилишини алоҳида назоратга олиши, лойиҳа-смета хужжатларининг пухта ишланишини, танлов савдоларининг ўз вақтида ўтказилишини, зарур асбоб-ускуналарнинг етказиб берилиши бўйича шартномалар тузилиши ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг белгиланган муддатларда бажарилишини таъминлаши зарур.

Ҳукуматнинг чорак якунларига бағишланган йиғилишларида қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурини ва модернизациялаш бўйича тармоқ дастурлари ҳамда лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тасдиқланган тармоқ жадваллари ижроси таъминланишини кўриб чиқиш ва уларнинг бажарилиши учун ўз вақтида тегишли чоралар кўриш тартибини жорий этиш даркор.

Ўтган йили протокол билан белгиланган топшириққа биноан мамлакатимизнинг барча йирик корхоналари ва ишлаб чиқариш тармоқларида ўтказилган техник аудит натижасида 37 мингга яқин асбоб-ускуна ва технологияларнинг жаҳон миқёсида синовдан ўтган замонавий турларига алмаштирилиши лозимлиги аниқланди. Вазирлар Маҳкамасига ушбу аудит натижалари асосида моддий ва маънавий жиҳатдан эскирган асбоб-ускуналарни янгилаш бўйича лойиҳаларнинг амалга оширилиши юзасидан, уларни молиялашнинг аниқ манбаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифаси юклатилган.

Бугунги кунда иқтисодиётимизнинг самараси ҳақида сўз юритар эканмиз, шуни тан олишимиз керакки, бу йўналишда эскидан қолган ва ҳали-бери рўй бериб келаётган оқсоқлик ҳолатлари борлиги, биринчи навбатда, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг материал ва энергия сарфи юқори даражада сақланиб қолаётгани аён бўлмоқда. Муқобил энергия ресурсларини излаш ва жорий этиш ишлари талаб даражасида эмас. Умуман, ушбу соҳада зудлик билан ҳал қилиниши лозим бўлган кўплаб муаммолар тўпланиб қолганини афсус билан қайд этиш керак.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини бошқариш тизимларини жорий этиш, маҳсулотларнинг халқаро стандартларга мослигини таъминлашни барча корхоналарда ҳам ҳал этиш масаласи кўрилмоқда. Бу Ўзбекистон иқтисодиёти учун ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган енгил саноат, фармацевтика ва қурилиш материаллари саноати каби истеъмол товарлари ишлаб чиқариладиган тармоқларга тегишлидир.

**Мустақиллик йилларида Ўзбекистон иқтисодиётининг
локомотивига айланган тармоқлар**

Локомотив тармоқлар	фоизда
Машинасозлар ва автомобилсизлик	12,2
Кимё ва нефт-кимё саноати	9,4
Озиқ-овқат саноати	13,1
Қурилиш материаллари саноати	11,9
Фармацевтика ва мебелсозлик	18,0

Мамлакатимизда яратилган ишлаб чиқариш салоҳиятидан фойдаланиш борасида ҳам ишга солинмаган улкан имкониятлар мавжуд. Бу ишлаб чиқаришни янгилаш ва модернизация қилиш масаласидир. Бунинг учун сўнгги йилларда катта маблағ сарфланмоқда. Кўп миқдордаги хорижий инвестициялар жалб этилмоқда. Қатор тармоқларда ишлаб чиқариш қувватларидан, асосий фондлардан тўлиқ фойдаланишда, меҳнат самарадорлигини оширишда камчиликларга йўл қўйилмаслик чоралари қўйилмоқда. Шу боис, маҳсулотлар таннархининг асоссиз равишда ўсиб кетишининг олди олинмоқда.

Мамлакатимизда самарали иқтисодиётни барпо этиш мақсадида қуйидаги масалаларга 2012 йилнинг 19 январида бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида катта эътибор қаратилди. Булар:

биринчидан, манфаатдор вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, компания ва корхоналар иштирокида саноатда маҳсулот таннархини 10–15 фоизга пасайтириш юзасидан ҳар бир саноат корхонаси бўйича комплекс чора-тадбирларни кўзда тутадиган дастур ишлаб чиқиш лозимлиги;

иккинчидан, мамлакатимиз корхоналарида қишлоқ хўжалиги хом ашёсини қайта ишлаш даражасини танқидий таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича мавжуд ресурс ва имкониятларни аниқлаш ҳамда саноатнинг қайта ишлаш тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарлари турларини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш, бунинг учун қўшимча имтиёзларни кўзда тутадиган махсус қарор қабул қилиш кераклиги. Бу борада, биринчи навбатда, маҳаллий хом ашё ва материаллар

асосида саноат кооперацияси ва ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш тизимини янада ривожлантиришга оид ишларни давом эттиришга алоҳида эътибор қаратиш даркорлиги;

учинчидан, бугунги кескин рақобат шароитида маҳсулотларимизнинг жаҳон ва минтақавий бозорларда харидоргир бўлиши ва мустаҳкам ўрин эгаллаши учун бу борадаги ишларни яна бир бор танқидий кўриб чиқиш лозим. Бунда ташқи бозорда харидорбоп, юқори ликвидли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарни рағбатлантиришни янада кучайтириш, уларга янги имтиёз ва преференциялар бериш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тайёрлаш зарурлиги;

тўртинчидан, мамлакатимиздаги рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган саноат корхоналари ва бошқа тармоқларнинг экспорт ярмаркалари ўтказишини кенгайтириш, шунингдек, маҳсулот сотишнинг замонавий усулларида кенг фойдаланиш, асосий ишлаб чиқарувчиларимизни ўз маҳсулотлари тақдимотини ўтказиш ва янги экспорт шартномалари тузиши учун нуфузли халқаро ярмаркаларга жалб этиш бўйича алоҳида ҳукумат қарорини қабул қилиш лозимлиги давлатимиз раҳбари Ислом Каримов томонидан вазифа этиб белгиланган¹.

Юқорида таъкидланганидек, давлатимиз томонидан кўрилаётган барча изчил чора-тадбирлар тизими мамлакатимизда рақобат муҳитини яратишга замин таъминлайди. Бозор тизимидаги рақобат иқтисодий ресурсларни тежамли ишлатишга, товар ва хизматларни кўплаб ва сифатли ишлаб чиқаришни рағбатлантиради, хўжалик юритишнинг энг самарали усуллари юзага келтиради. Иқтисодий алоқаларнинг энг маъқулини топишга ундайди. Ўзбекистон Республикасининг «Рақобат тўғрисида»ги қонуни энг аввало иқтисодий ўсишни таъминлаш, бу эса ўз навбатида рақобат майдонини кенгайтиришга, муҳими соғлом янги рақобатчиларни юзага келтиради. Чунки ҳозирги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлар ҳамда фермерлар ҳаракати сафи кенгайиб бормоқда. Бугунги тадбиркорлар рақобатда кўли баланд келиши учун илғор технологиядан самарали фойдаланишга қодир бўлган малакали ишчилар ва мутахассисларни жалб этишдан манфаатдордирлар. Рақобат оила аъзоларининг фаоллигини ҳам юзага чиқаради.

¹ Қаранг: Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т., 2011. – Б. 19–21.

Оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчи оилалар сони кундан-кунга ортиб бормоқдаки, бу ҳам рақобат муҳитини яратишга хизмат қилади. Рақобатда бозор хўжалигига хос **иктисодий сараланиб олиш** тамойили амал қилади. Рақобатда ютиб чиққанлар иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланади. Ютқазганлар ночор корхона ҳисобланиб хонавайрон бўлади яъни банкротга учрайди. Давлат соғлом рақобат муҳитини яратишдан манфаатдор. Чунки қаерда рақобат муносиб ўрин эгалласа, шу ерда иқтисодий ўсиш юз беради. Халқ фаровонлиги даражаси янги босқичга кўтарилади.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур қонун рақобат соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи, ҳозирги кунда кўпгина алоҳида қонуности ҳужжатларидан иборат бўлган меъёрларни жамлаб, яхлит шаклга келтиришга хизмат қилади. Бу эса, мазкур соҳадаги ҳуқуқий муносабатларда ошкораликни таъминлаб, рақобат муҳитини янада соғломлаштиради. Соғлом рақобат эса ривожланиш гаровидир. Рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли бекиёслигини таъкидлаш жоиз. Давлат иқтисодий монополизмни чеклаш, умуман антимонопол йўл тутишни талаб қилади, чунки бусиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Бу назарда тутилиб, Ўзбекистонда «Рақобат тўғрисида»ги янги қонунга кўра:

- бозорда сунъий тақчиллик ҳосил этиш;
- нархларни монополлаштириш;
- рақобатларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш;
- рақобатнинг ғирром усуллари кўллаш ман этилади.

Таянч тушунчалар:

Рақобат, рақобат қонуни, ғирром рақобат, ҳалол рақобат. Нарх орқали рақобатлашув, сифат орқали рақобатлашув, реклама воситасида рақобатлашув, мукамал рақобат, номукамал монополистик рақобат, партнёрлик, рақобат стратегияси, рақобатчилик муҳити, рақобатбардошлик, антимонопол сиёсат.

Савол ва топшириқлар:

1. Рақобатнинг босқичларини тушунтиринг.
2. Бозор тизими ва рақобат ўртасида қандай боғланишлар бор?

3. Соф рақобат ва соф монополиянинг умумий ва фаркли томонларини шарҳлаб беринг.

4. Мулк шакли рақобатни белгилайдими ёки рақобат мулк шаклиними?

5. Рақобатнинг фирром ва ёввойи усулларини шарҳлаб беринг.

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Демпинг – товарларни ташқи бозорда ички бозорга нисбатан арзон нархда сотиш; ташқи бозорни эгаллаш учун товар баъзан ишлаб чиқариш харажатларидан паст баҳоларда четга чиқарилади.

Дуополия – бозорда иккита олигопол фирма бир-бири билан рақобат қиладиган вазият.

Нарх ҳосил бўлишида етакчилик – олигопол бозорлардаги нарх етакчисига қолган олигополиялар розилиги билан тармоқ нархларини белгилашда етакчилик роли бериладиган ҳодиса.

Курно модели – ҳар бир фирма ўз рақобатчисининг ишлаб чиқариш ҳажмини доимий деб ҳисоблайди ва шундай кейин ишлаб чиқариш ҳажми бўйича ўз қарорини қабул қилади, деган тахминга асосланадиган дуополия хатти-ҳаракатининг модели; ишлаб чиқариш ҳажмининг мувозанатлашган даражаси иккала фирма реакцияси ўзгарувчиларининг кесишган нуқтасига мос келади.

Монополистик рақобат – тармоқда гарчи бир хил бўлса-да, аммо «маркали», шу боис монопол маҳсулот ишлаб чиқарадиган кўплаб рақобатчи фирмалар фаолият кўрсатадиган бозор вазияти.

Иқтисодиётдаги монополия – бозор ҳокимиятига эга бўлган иқтисодий тузилма.

Табий монополиялар – иқтисодий фаолиятнинг техникавий ва технологик хусусиятлари тақозо қилиб, улар рақобатни қўллаш мумкин бўлмаган ёки қийин бўлган соҳаларни ўз ичига олади:

- сув, энергия, газ таъминоти корхоналари;
- темир йўл транспорти;
- ҳарбий мудофаа мажмуи корхоналари.

Иқтисодий (сунъий) монополиялар ишлаб чиқариш ва капиталнинг тўпланиши ҳамда корхоналарнинг турли йўллар билан бирлашиши натижасида вужудга келади.

Картел – бир тармоқ корхоналарнинг иттифоқи бўлиб, унинг иштирокчилари тўлиқ иқтисодий мустақиллигини сақлаб қолади, фақат ишлаб чиқариш ҳажми, сотиш бозорлари ва баҳолари тўғрисида келишиб олади.

Синдикат – бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналар бирлашмаси бўлиб, унинг аъзолари ишлаб чиқариш соҳасида

мустақиллигини сақлаб қолади, маҳсулот эса синдикат мулки сифатида сотилади.

Трест – ишлаб чиқариш воситалари ва маҳсулотга биргаликда эгалик қилувчи корхоналар гуруҳи бўлиб, фойда қўшилган капитал ҳажмига қараб тақсимланди.

Олигополия – амалга ошмаган рақобатнинг тармоқда одатда бир неча йирик рақобатчи фирма мавжудлиги билан ажралиб турадиган муайян шакли.

Мувозанатлашган монопол нарх – энг кўп ёки энг кам даромаднинг энг кўп ёки энг кам харажатларга тенглиги шароитида энг катта фойда олишни таъминловчи нарх.

Бозор ҳокимияти – муайян бозор тузилмаларининг ўз товар ва хизматларига субъектив равишда нарх белгилаш имконияти.

Тил бириктириш – тармоқ фирмалари ўртасидаги аниқ нархлар ва ишлаб чиқариш ҳажмларини белгилаш ёки улар ўртасидаги рақобатни бирор усул билан чеклаш учун ошқора ёки бошқача келишув.

«Соф» монополия (монопсония) – бозорда ёлғиз ҳаракатланувчи ва чексиз бозор ҳокимиятига эга бўлган иқтисодий тузилма.

Бозор ахлоқи – эркин рақобатда иштирок этиш натижасида олинган ҳар қандай даромад адолатли саналадиган ахлоқ.

Аксилмонопол сиёсат – давлат бошқаруви тегишли органларининг иқтисодиётни монополиядан чиқариш ҳамда монополияларни тартибга солиш борасидаги фаолияти.

Қайтариб бўлмас йўқотишлар – истеъмолчилар ва ишлаб чиқарувчиларнинг монопол ҳокимиятни амалга оширишдан кўрадиган тўлиқ соф зарари.

Иқтисодиётни монополиядан чиқариш – давлатнинг фирмалар кўшилишини ва бошқа фирмалараро битимларни чекловчи чоралар тизимини ишлаб чиқишга қаратилган сиёсати.

Ишлаб чиқарувчининг ортиқча маҳсулоти – ишлаб чиқарувчилар товар ва хизматлар сотишдан оладиган жами соф фойда; монопол ҳокимият шароитида истеъмолчиларнинг ортиқчалари ҳисобига тўлдирилади.

Инфляция салоҳияти – иқтисодиётда монополия тамойилларининг кучайиши билан боғлиқ инфляция имконияти, улар орасида энг хавфлиси истеъмол секторидаги товар етишмовчилиги.

Маъмурий буйруқбозлик монополиялари – харажатларни сунъий равишда ошириш, маҳсулот сифатини пасайтириш ва рақобатнинг асосларини маъмурий асосда йўқ қилиш натижасида юзага келган монополиялар.

Тадбиркорлик монополиялари – трансформацион ва трансакцион харажатларни камайтириш оқибатида рақобатчиларни сиқиб чиқариш натижасида юзага келган монополиялар.

Монополиялар фаолиятини тартибга солиш – давлатнинг мавжуд монополиялар фаолиятини мақбуллаштириш ва уларнинг бозордаги ҳокимиятини бир қадар чеклашга қаратилган чоралари тизими.

Монополия бозор стратегиясининг мақсади – ортиқча истеъмолчиларни эгаллаб олиш ва уни қўшимча фойда олиш манбаига айлантириш.

Монополияга қарши қонун ҳужжатларини бузиш – монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органга ахборот бермаслик ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни била туриб, тақдим қилиш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Монополияга қарши фаолият олиб бориш ваколати берилган органнинг қонун-қоидаларни бузишни тўхтатиш, дастлабки ҳолатни тиклаш, шартномаларни бекор қилиш ёки ўзгартириш тўғрисидаги талабларини ёхуд бошқа қонуний кўрсатмаларини бажаришдан бўйин товлаш ёки уларни ўз вақтида бажармаганлик, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд тузатиш ишлари билан жазоланади (*Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 183-модда*).

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Рақобат иқтисодиёт субъектлари манфаати тўқнашган шароитда улар ўртасида юз берадиган курашдир. Бу кураш рақобат қонунига кўра муқаррар бўлади, бозорга хос усулларда юз беради, иқтисодиёт субъектларининг сайланиб олинишини келтириб чиқаради. Рақобатлашув усуллари нархни ўзгартириш, товар сифатини ошириш, сервисни яхшилаш ва рекламани ўтказишдан иборат.

2. Рақобат майдони бозор, бироқ турли бозорларда рақобат иштирокчилари ҳар хил бўлади, уларнинг рақобатдан кўзлаган мақсади ҳам турличадир. Бир бозорда ишлаб чиқарувчилар-сотувчилар курашса, бошқа бозорда истеъмолчилар беллашади, яна бошқа ерда ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчилар рақобатлашади.

3. Эркин бозорда мукаммал рақобат юз беради, бу соф рақобат хисобланади, чунки рақобат ҳеч бир чекланмаган бўлади, унда кўпчилик иштирок этади, уларнинг рақобати нарх воситасида бўлади. Эркин бозорда унинг ҳеч бир иштирокчиси нархга таъсир эта олмаганидан уни борлигича қабул қилиб, шунга кўра иш тутади. Бу ерда нарх маргинал харажатларга яқин туради, бироқ кураш жараёнида у ўзгартирилади. Эркин бозор очик бўлганидан бу ерга кириб келиш ва ундан чиқиб кетиш мумкин, шу сабабли рақобат сўнмайди. Бироқ фойда топилганда бу бозорга кирилади, зарар кўрилганда ундан чиқилади. Мукаммал рақобат ишлаб чиқаришдан ҳам ишлаб чиқарувчиларни, ҳам истеъмолчиларни манфаатдор қилади, чунки ишлаб чиқариш ютуғини улар баҳам кўришади.

4. Номукаммал рақобат иштирокчилари озчилик бўлган ва чекланган тарзда юз берадиган, монополияларга хос рақобатдир. Бунинг асосий кўриниши *монополь* ва *олигополь* рақобатдир. Монополь рақобатли бозорда кўпчилик фирмалар сифат, сервис, реклама ва товар белгилари воситасида курашадилар. Бу ерда эркин бозордагидан юқори, яъни маргинал харажатдан юқори бўлган нархлар амал қилади. Бу бозор очик, лекин унга кириб ўрнашиб олиш учун катта капитал керак, бинобарин, бу рақобатни чеклайди.

Олигополия бозорида ғоят йирик ва озчиликдан иборат компаниялар сифат ва сервис воситасида рақобатлашадилар, улар нархни келишган ҳолда, маргинал харажатдан анча юқори қилиб ўрнатадилар. Бу бозорга кириб рақобатлашув жуда қийин, лекин бунинг уддасидан улкан фирмалар чиқа оладилар. Соф монополия бозорида товар таклифи якка-ю ягона фирма қўлида бўлганидан унинг рақибни бўлмайд, бироқ бу фирма ресурслар бозорида рақобатлашади. Бу ерда бозор концентрацияси кучли бўлганидан бозор ҳокимияти ҳосил бўлади ва бу бозор нархига таъсир этиш миқёси билан аниқланади. Бозор ҳокимияти коэффициенти амалдаги нархларнинг маргинал харажатдан нақадар юқори бўлишини билдиради.

Монополия бозорида харидор ягона бўлганидан кўпчилик ишлаб чиқарувчилар унинг пулини олиш учун курашадилар. Рақобат турлари соф ҳолда камдан-кам учрайди, улар ёнма-ён туради, ҳатто чирмашиб ҳам кетади.

5. Рақобат муқаррар бўлганидан фирмалар унга оид стратегиясини ишлаб чиқади. Бунда бозорда ўзини қандай тутиш, рақобатга бориш ёки тил бириктириб, унга бормаслик йўли аниқланади. Рақобатга борилганда ўз товарларининг рақобатбардошлигига, яъни унинг харидорларга маъқул бўлишига асосий эътибор берилади, стратегияда рақобатлашув усули ҳам белгиланади.

6. Бозор тизимига рақобатчилик муҳити хос бўладики, бу иқтисодий эркинликдан бошқа нарса эмас. Буни таъминлашда давлат фаол қатнашади. Хусусий мулк ва иқтисодий эркинлик қонун йўли билан кафолатланади, рақобатчиларнинг бозорга кириб келиши учун қулай шароит яратилади, давлат мулки хусусийлаштирилади. Рақобатчиликни таъминлаб туриш учун давлат антимонопол сиёсат қўллайдики, бунга биноан янги монополияларнинг ҳосил бўлишининг олди олинади, эски монополиялар жиловлаб турилади, компаниялар қўшилиб монополия ҳосил этиши тақиқланади, сақланиб қолган монополиялар нархи назорат қилинади.

7. Рақобатлашиш муҳитининг вужудга келиши ва уни сақлашда давлатнинг роли. Давлат иқтисодий монополизмни чеклаш, умуман антимонопол йўл тутишни талаб қилади, чунки бусиз рақобатлашиш вазияти пайдо бўлмайди. Бу назарда тутилиб Ўзбекистонда Монополистик фаолиятни чеклашга оид ҳуқуқий кафолатлар яратилди. Ҳуқуқий кафолатларга кўра:

- бозорда сунъий тақчилликни ҳосил этиш;
- нархларни монополлаштириш;
- рақобатларнинг бозорга кириб боришига тўсқинлик қилиш;
- рақобатнинг ғирром усулларини қўллаш ман этилади.

8. Женевада ўтказилган жаҳон иқтисодий форумидаги маърузада мамлакатларнинг рақобатбардошлилигига таъсир этувчи омиллар қуйидагилар деб белгиланган эди:

- ички микроиқтисодий салоҳият;
- бошқарув даражаси (фойдалилиги, жавобгарлиги ва янгиликларни киритиш нуқтаи назаридан);
- илмий-техник салоҳият (фундаментал ва аниқ фанлар изланишларининг муваффақиятлилиги жиҳатидан);
- халқаро савдода қатнашиши ва инвестициянинг оқими даражаси;
- рақобат муҳитини шакллантиришга ҳукумат сиёсатининг таъсири даражаси;
- молия тизимининг сифати ва самарадорлиги;
- инфратузилма аҳволи;
- меҳнат ресурсларининг ҳолати ва квалификацияси.

9. Маълумки, иқтисодиёт ривожининг бугунги босқичида монополизм кўринишларига қарши кураш ва амалда рақобат муҳитини шакллантириш масалалари ғоят аҳамиятлидир. Республикамизда соғлом рақобат муҳитини яратишга мустақилликнинг дастлабки йилларидаёқ алоҳида эътибор қаратилган. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикасининг махсус қонунлари қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг антимонопол қонунчилиги:

– «Рақобат тўғрисида»ги қонун (2011 й). Унда бозорда атайлаб тақчиллик ҳосил қилиш, нархларни монополлаштириш, рақобатга тўсқинлик қилиш ва унинг ғирром усулларини қўллаш тақиқланади;

– «Объектларнинг хўжалик юритувчи жамиятлар ва ширкатлар таркибидан чиқиш тартиби тўғрисида»ги низом» (1994 й). Унда ўз монопол мавқеини суиистеъмол қилган монополистик бирлашмаларни бўлиб ташлаш ёки майдалаштириш кўзда тутилади;

– «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун (1996 й). Қонунда белгиланишича, ғирром рақобат ва бозорларга белгиланган талабларга жавоб бермайдиган товарларни чиқариш тақиқланади.

Ўзбекистонда монополияга қарши сиёсатни амалга оширувчи муассасалар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Монополияга қарши ишларни тартибга солиш ва рақобатни ривожлантириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2010 йил 26 февралдаги фармонида мувофиқ, монополияга қарши ишларни тартибга солиш тизимини янада такомиллаштириш, рақобат муҳитини изчил ривожлантириш, табиий монополиялар корхоналари фаолиятини назорат қилишни кучайтириш ва хўжалик юритувчи субъектлар томонидан нархларнинг асоссиз оширилишига йўл қўймаслик, иқтисодий ночор корхоналарни молиявий соғломлаштириш ишларини фаоллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил қилинди.

11- МАВЗУ. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ

1. Менежмент фаолиятининг иқтисодий мазмуни, вазифалари

«Бошқарув» атамаси италянча «managgiare» сўзидан олинган. Дунёнинг жуда кўплаб мамлакатларида эса иқтисодий соҳадаги бошқарув «management», сиёсий соҳадаги бошқарув «governance» («government»), техника соҳасидаги бошқарув эса «control» («controlling») атамалари билан ифодаланади.

Бошқарувнинг моҳияти ҳақида аниқ ва бир хилда тушуниладиган фикрлар мавжудлиги бўйича тасаввурлар вужудга келиши

мумкин. Афсуски, реал ҳаётда бундай эмас. Ҳозирги кунда бошқарувни аниқ илмий категория сифатидаги, умумэйтироф қилинган таърифи ишлаб чиқилмаган.

Умуман олганда, «бошқарув» тушунчаси турли маъноларни ифодалайди. Жуда кўп ҳолларда «бошқарув» тушунчаси бошқарув фаолиятини амалга оширадиган субъектлар – муассаса (ташкилот)ларни ифодалашда қўлланилади.

Менежментга иқтисодий ва юридик адабиётларда қуйидагича таъриф берилган:

Менежмент (ингл. management – бошқарув, ташкилотчи) – фирма фаолиятининг бозор шароитига мослашиб туришида катта аҳамиятга эга фаолият. Кенг маънода менежмент махсус бошқариш фаолиятини билдиради. Менежмент фирманинг ишлаб чиқариш, тижорат ва молиявий фаолиятини бошқариш бўлиб, фирма жамоасининг гуруҳий манфаатига хизмат қилади. Менежментнинг объекти корхона фаолияти, унинг субъекти эса бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг ходимларидир.

Менежер (ингл. manager – бошқарувчи) – корхона ва ташкилот ҳамда унинг қуйи қатламининг бошқарувчиси. Шунингдек, менежерлар махсус тайёргарлик кўрган, бошқаришнинг сир-асрорларини, қонун-қоидаларини чуқур билувчи малакали мутахассислар, ёлланма бошқарувчилар бўлиб ҳисобланадилар.

Менежмент хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқариш, раҳбарлик қилиш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш санъати, усуллари, шакллари ва воситалари мажмуидир. У ўз олдига қўйган мақсадларига эришиш йўлида ишлаб чиқариш фаолиятини ташкил этиш, режалаштириш ва назорат қилишни ўз ичига олади. Менежмент ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг энг асосий омилларидан бири ҳисобланади. Чунки у ишлаб чиқариш омилларини ҳолат сифатига бевосита таъсир этади. Менежмент ҳозирги замон иқтисодий муносабатларининг алоҳида соҳасидир.

Менежмент фан сифатида XIX асрнинг ўрталарида пайдо бўлди. Чунки шу даврда техника ва технология ривожланиб, ишлаб чиқариш миқёсларининг ўсиши кучайди. Бу эса уни бошқаришни мураккаблаштириб юборди ва у бошқаришга тегишли билимларни талаб этувчи, фаолиятнинг махсус соҳасига айланди. Менежмент ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш билан уларнинг ижтимоий-социал ва иқтисодий

самарадорлигини таъминлайди. У ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этган ҳолда пировард натижада мавжуд эҳтиёжларини тўлиқ қондиришга қаратилгандир.

Маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида сотувчилар ўз товарини имкон борича кўпроқ фойда берадиган қилиб сотишга, харидорлар эса бу товарларни имкон борича арзонроқ харид қилишга интилади. Уларнинг манфаатлари бозордаги баҳолар механизми орқали мувозанатлашади. Шу муносабат билан бозор иқтисодиётининг қандай тамойиллари тадбиркорларга хос бўлиб ҳисобланади, деган савол туғилиши табиий.

Менежментнинг асосчиси америкалик муҳандис ва тадқиқотчи Ф. Тейлордир. У бошқарувчи нима қилишни ва энг яхши, арзон усулда уни амалга оширишни аниқ билиши санъати, деб таъкидлайди. Шу таърифга асосан бошқарув цикллари қуйидаги тўрт вазифани адо этади:

- режалаштириш;
- ташкил этиш;
- мотивация;
- назорат.

Бу вазифалар моддий бойлик яратиш, маблағ билан таъминлаш, маркетинг ва бошқаларга доир бошқарув фаолиятининг ҳамма турларини ўз ичига олади. Вазифаларни бирма-бир тавсифлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир:

1. Режалаштириш – ўз моҳият-эътибори билан қарорлар тайёрлаш жараёнидир, яъни Ф. Тейлор таъкидлаганидек, мақсадни танлаш ва унинг босқичлари қуйидагилар:

- мақсадни ўртага қўйиш;
- мавжуд имкониятларни, шарт-шароитларни аниқлаш;
- муқобил шароитларни белгилаб олиш;
- энг яхши йўлни танлаш;
- режани ишга солиш ва бажариш.

2. Ташкил этиш, яъни воситаларни танлаш – менежер ва ижрочилар фаолиятини тартибга солишга қаратилган. Бу, аввало, менежернинг ўз имкониятларига баҳо бериши, ўзига бўйсунадиган ходимларни ўрганиб чиқиши, ҳар бир ходимнинг нималарга қодир эканлигини аниқлаб олиши, кучларни жой-жойига қўя билишидир. Ушбу ташкилотчилик фаолияти бошидан охиригача корхонанинг жуда аниқ ёзилмалари доирасида ўтади.

3. *Мотивация*. Тайёргарлик чораларини кўриб бўлгандан кейин менежер ишнинг муваффақиятли суръатда бажарилишини таъминлаши керак. Шу мақсадда қуйидагилардан фойдаланади:

а) рағбатлантиришдан, яъни ташқи омиллар (моддий ва маънавий рағбатлантириш) ёрдамида ходимни жўшқин фаолиятга ундашдан;

б) асл мотивация, яъни ходимда меҳнатга ички (психологик) рағбатлар ҳосил қилишдан – меҳнатдан манфаатдорлик, меҳнат фаолиятига эҳтиёж сезиш, меҳнат фаолиятидан қаноат туйғусини ҳосил қилиш муҳимдир.

5. *Назорат* – ҳақиқатда эришилган натижаларни текшириб чиқиш ва топширилган вазифалар билан солиштириб кўришдир. Тесқари алоқа яхши йўлга қўйилган тақдирда, яъни тегишлича назорат олиб бориладиган маҳалда ташкилий жиҳатдан олдинга қўйилган мақсадларга эришиш мумкин.

Менежментнинг ҳамма асосий вазифалари менежернинг қарор қабул қилишга доир хатти-ҳаракатлари билан боғлиқ бўлади. «Самарали қарорлар, – деб таъкидлайди менежмент хусусида америкалик назариётчи К. Киллен, – тижорат корхонасининг яшаб бориши учун гаровдир. Бундай қарорлар бошқарувчининг юқорида айтиб ўтилган вазифаларидан ҳар бирининг муҳим элементи дир».

Менежерлар – корхона ва компания эгалари бўлмаган ёлланма, малакали бошқарувчилардир. Бозор иқтисодиёти шароитида компаниялар, фирма, корхона, банк, молия муассасаларининг ижроия ҳокимиятига эга бўлган бошқарувчиси, директор, раҳбар, мудир, маъмурий бошқарувчи каби раҳбар ходимлари, қимматбаҳо қоғозлар билан унинг эгалари номидан ҳаракат қилувчилар ҳам менежерлардир. Улар маърифатли жамиятдаги махсус ижтимоий қатламни ташкил қилади. Бозор иқтисодиёти шароитларида менежерлар хизматининг ишлаб чиқариш ва товарлар муомаласини уюштиришда вазифаси ва роли бекиёсдир.

Ҳозирги даврда менежерлик вазифалари қуйидагилардан иборат:

- 1) мақсад ва манфаатларни аниқлаб олиш;
- 2) ижтимоий имтиёзлар бериш;
- 3) ишдан бўшатиш;
- 4) касбга тайёрлаш ва малака ошириш;
- 5) иш ҳақи тўлаш ва рағбатлантириш;
- 6) вазифаларни алмаштириш;
- 7) ходимларни танлаш ва ёллаш;

8) ходимга баҳо бериш ва шаҳодатлаш.

Қарор қабул қилиш, яъни бир тўхтамга келиш, қандай бўлмасин бирор фикрга келиш ёки қилиниши мумкин бўлган ишларнинг аниқ-тайин бир йўлини танлаб олиш – менежмент соҳасининг энг муҳим элементларидан биридир. Бу иш менежернинг фикри-зикрини доимо банд қилиб турадиган ташвишдир. У жуда хилма-хил масалалар – ташкилий, кадрларга оид, технологик, таъминот ва савдо юзасидан қарор қабул қилади. Бошқарувга оид ҳар қандай қарор самарали бўлсагина, ана шу ҳолда у ўринли деб ҳисобланади.

Шу ўринда давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек: «Банкротликка учрамасликнинг яна бир муҳим омили, бу ўз бизнесини бошқаришни такомиллаштириш, бошқача айтганда, менежмент санъатини пухта эгаллашдир. Катта бизнесга нисбатан кичик бизнесда менежментнинг роли кўпроқ аҳамият касб этади, чунки кичик бизнес соҳасида ишлаб чиқаришнинг тезкорлиги, мослашувчанлиги катта бизнесга нисбатан анча юқори бўлиши лозим»¹.

Қарор қабул қилиш тамойиллари. Бошқарувга оид қарор қабул қилиш фаолияти жуда тайинли тамойилларнинг талабларига мувофиқ амалга оширилади. Амалиётда кенг тарқалган тамойиллар қуйидагилар:

– яккабошчилик, бунда қарор яккабошчилик асосида қабул қилинади. Агар шу қарор яхши деб топилса, менежмент нуқтаи назаридан у ўринли деб ҳисобланиши мумкин. Шундай бўлса-да, бу хилдаги қарорлар асосланган танқидга учраб туради. Бу шунга боғлиқки, менежерлар ўзларини кўрсатмоқчи бўлиб, яккабошчилик билан қарор қабул қилишади. Ана шундай менежерлар хатти-ҳаракатларининг 90 фоизга яқини буйруқдан иборат бўлади. Бу нарса ишчи гуруҳларда кескинликни юзага келтиради. Бошқарув иши обрў-эътиборга асосланиб олиб борилганда, шахслар ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч йўқолиб қолиши ва жанжаллар кўп бўлиб туриши билан таърифланади;

– якдиллик – бундай тамойилнинг бозор муносабатлари шароитида тўла намоён бўлиши қийин. У моҳият-эътибори билан олдинга сурилаётган муқобил фикрни сўзсиз қўллаб-қувватлашдан иборат. Бундай бўлиши жуда кам учрайдиган ҳодисадир. Чунки

¹ Каримов И. А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т. 9. – Т.: “Ўзбекистон”, 2001. – Б. 422.

қарорларни қабул қилишда қатнашадиган кишилар демократик услубда фикрлаш тарафдорлари бўлсалар, одатда бошқаларникидан фарқ қиладиган ўз фикрларига эга бўладилар;

– кўпчилик – бу тамойил «каолициялар» рўйи-рост маълум бўлиб турган вазиятларда, яъни қарорни ишлаб чиқиш жараёнида ҳам айрим шахслар, ҳам гуруҳлар томонидан билдирилган ҳар хил фикрлар рақобат қиладиган маҳалда амалга оширилади. Шу муносабат билан қарор қабул қилишда овоз бериш йўлига ўтилади.

Қарор қабул қилиш учун аксарият кўпчиликнинг овози етарлидир, гоҳида баъзи принципиал масалалар юзасидан меъёр 2/3 деб тасдиқланади;

– консенсус, бу тамойилнинг пайдо бўлиши бир қанча омилларга боғлиқ. *Биринчидан*, бу – бошқарувни демократлаштириш жараёнининг чуқурлашиб боришидир. Фикрлар плюралиزم (хилма-хиллиги) шароитида ҳал этиладиган муаммоларни ўзларича талқин этадиган, тасаввур қиладиган кишиларнинг қандайдир бир гуруҳига ёки айрим кишиларга тазйиқ ўтказиш мумкин эмас. Тарбия кўрган демократик жамият ўзига шундай муомала қилинишига мутлақо йўл қўймайди.

Иккинчидан, бу ахборот оқимининг тобора зўрайиб бораётгани ва қарор қабул қилишнинг техник-иқтисодий шароитлари мураккаблашаётганидир. Буларнинг униси ҳам, буниси ҳам ҳар бир фикрга, ғояга эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлишини, ҳар бир инсонга самимийлик билан эътибор беришни талаб қилади.

Консенсус қарорларини ишлаб чиқиш жараёнида барча баҳсли масалалар ва турли-туман фикрлар юзасидан бир битимга келиш, келишишдир. Бу нарсага ўзаро фикр алмашилиш ва маслаҳат қилиш, шунингдек олдинга сурилаётган муқобил масалаларни мақсадга мувофиқлаштиришнинг ҳар хил усуллари қўллаш билан эришилади. Ўз мустақил фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркор, қандай соҳада бўлишидан қатъи назар, қуйидаги билимларга эга бўлиши лозим:

1) бозор нималигини ва унда қандай дастаклар ва қонунлар, хусусан қиймат, талаб ва таклиф, рақобат қонунлари қандай амал қилиб беришини яхши тасаввур этмоқ зарур;

2) товарлар (ишлар ва хизматлар) бозорда ўз ўрнини топишни, қанча эҳтиёж қондирилмай, қолганини «ҳисоблаб чиқишни» ва нисбатан қисқа муддатларда талабни қондиришни билиш ва удалаш зарур. Бунинг учун тадбиркор киши қайси минтақада иш бошлашни

ният қилган бўлса, ўша минтақадаги маркетинг тадқиқотлари асосларини эгаллаб олмоғи керак;

3) тадбиркорлик фаолиятини унинг объектлари қарор топган пайдан бошлаб тартибга солиб борадиган норматив актлар, қонун-қоидалар мазмуни ўзлаштириб олмоқ зарур. Солиқ тизимининг ҳуқуқий базасини, бюджетлар, шериклар, ёлланма ходимлар ва ишга алоқадор бошқа субъектлар билан бўладиган ўзаро муносабатларга тегишли қонунлар бажарилмаганлиги учун зиммага тушадиган жавобгарликни аниқ билиш зарур;

4) таъсис ҳужжатларини ишлаб чиқиш, бизнес-режани шакллантириш механизмини, бизнесни рўйхатдан ўтказиш тартибини яхши тасаввур қилмоқ лозим. Тадбиркор киши ишлаб чиқарилаётган маҳсулотни тайёрлаш технологиясини, унинг хоссаларини, уни сотиш, реализация қилиш имкониятларини билиши керак;

5) бошқариш асосларини, осойишталик, можароларсиз ишлаш имкониятларини ўзлаштириб олмоқ зарур. Ишлаб чиқариш менежментининг асосларини эгаллаб олиш муваффақиятга эришмоқ учун катта аҳамиятга эга;

6) тадбиркорлик этикасига, яъни одоб-ахлоқ қоидаларига алоҳида эътибор бермоқ ва ўз хатти-ҳаракатлари билан фирма хатти-ҳаракатларини ахлоқ-одоб нуқтаи назаридан баҳолаб кўрмоқ лозим. Ахлоқий муносабатлар ходимлар, жамият, давлат билан бўладиган бутун муомала тизимига дахлдордир. Жамиятнинг маънавий-ахлоқий мезонлари ва кадриятларига, расм-русумларига асосланиб, фирманинг ахлоққа доир кодексини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

Бошқарув мақсади ва бошқарув функциялари. Мақсад – бу муддао, мурод, яъни у ёки бу ниятга эришмоқ учун кўзда тутилган муштарак орзу. Айнан, шу мақсад киши фаолиятини, ўз орзуларининг ушалишига йўналтиради. Биз дастлаб ўзимизнинг олдимизда турган мақсадимизни аниқлаб оламиз, сўнгра эса шу мақсадимиз:

- бўлажак ҳаракатларимизни олдиндан аниқлаб беради;
- фаолиятимизнинг устувор йўналишини белгилайди;
- фаолиятимизни аниқ соҳага, ишга йўналтиради;
- у ёки бу фаолиятимизнинг зарурлик даражасини белгилаб беради;
- пировард натижамизни баҳолаш меъёрини белгилайди ва ҳ.к.

Мақсаднинг илмий асосланганлиги ва тўғри белгиланганлиги бошқарув учун жуда муҳимдир. Чунки айнан шу мақсадга биноан:

- бошқариш функциялари;
- бошқариш усуллари;
- бошқаришнинг тузилмавий таркиби;
- лавозимларни белгилаш ва кадрларни танлаш каби муҳим масалалар ҳал этилади.

Бошқарув мақсадига қўйиладиган асосий талаблар: 1) мақсад бир маъноли ва аниқ бўлиши керак:

- агар қаёққа боришни билмасангиз, у ҳолда бирор йўлни танлашга ҳам ҳожат қолмайди;
- 2) мақсад реал ва бажарилиши мумкин бўлиши керак;
- 3) мақсад миқдоран ўлчовга эга бўлиши керак: миқдоран ўлчовга, меъёрга эга бўлмаган мақсад – бу сароб;
- 4) мақсад барча бажарувчиларга тушунарли бўлмоғи даркор;
- 5) мақсад бўлимлар ва масъуллар бўйича деталлаштирилган бўлиши керак.

Юқоридагиларга асосланиб қуйидаги асосий хулосаларни баён этамиз: 1) *менежмент* – бошқарув санъати ва маҳоратидир. Бошқарув ресурси турли тарихий даврларда ва, айниқса, бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади. Ғижжакчи мусиқасини маълум маромда ўзи бошқара олади. Бироқ оркестр учун албатта дирижёр зарур;

2) *бошқарув* деганда, энг аввало, инсон фаолиятини бошқариш тушунилади. Бошқарув самарали фаолиятни таъминлайди. У албатта жамият, жамоа учун наф келтиради;

3) *бошқарув раҳбар фаолияти билан боғлиқ*. Шу боис, менежерликнинг объекти ва субъекти мавжуд. Унинг объекти бошқарилувчи объект, вазият, воқелик. Субъект эса бошқарув органи ёки раҳбарлик. Бошқарув турли соҳавий даражаларда амалга оширилади (давлат, вилоят, туман, концерт, фирма, ташкилот ва ҳ.к.);

4) *бошқаришнинг сир-асрорларини илмий асосда ўрганиш, таҳлил қилиш мақсадида турли услублар қўлланилади*. Алоҳида бошқарувда касбий тайёргарликни амалга оширувчи фанлар, кўпроқ менежмент фани ўрганилади;

5) *бошқаришнинг ҳуқуқий воситалари* деганда, ижтимоий муносабатларга юридик, қонуний таъсир ўтказиш жараёнида қўлланиладиган ҳуқуқий нормалар мажмуи тушунилади. Бу борада қуйидаги ҳуқуқий санкциялар қўлланилади.

Моддий жавобгарлик корхона ва ташкилотлар, шунингдек, айрим мансабдор шахслар зиммасига хўжалик фаолиятининг натижалари учун юклатиладиган масъулиятдир. Моддий жавобгарлик жарималарда, пеняларда, яъни айбнома (неустойка) кўринишларидан бири. Молия ва тўлов интизомини бузувчиларга, шунингдек шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддатини кечиктириб юборганларга қарши пул жаримаси шаклида қўлланадиган жазо чорасидир.

«Неустойка» – бурдсизлик (лафзсизлик) тўлови, яъни мажбуриятлар (шартномалар, қонунлар) бажарилишини таъминлаш усулларидан бири. Қарздор ўз мажбуриятларини бажармаган ёки лозим даражада бажармагани учун кредиторга тўлайдиган пул суммаси.

Интизомий жавобгарлик – хизмат бурчларини бузиш, суиистеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Бунда жазо қуйидаги кўринишларда бўлади:

- танбех;
- хайфсан;
- муайян муддатга маоши пастроқ ишга ўтказиш;
- муайян муддатда пастроқ вазифага, лавозимга ўтказиш ва хоказо.

Маъмурий жавобгарлик – бу юридик жавобгарлик тури бўлиб, вакил қилинган орган ёки мансабдор шахснинг қонунбузарлик қилган шахсга нисбатан маъмурий жазо чорасини қўллашида ифодаланади. Бундай жазолар турли-туман санкцияларда – начётлар (қайтариб олинishi лозим бўлган харажат), жарималар ва бошқа кўринишда бўлади.

2. Ўрта Осиёда менежментнинг назарий асослари ва тамойиллари

Ўрта Осиёда менежментнинг назарий асослари ва унинг асосий принциплари қадим замонларда ҳам у ёки бу кўринишда мавжуд бўлган. Аммо Амир Темур ҳукмронлиги даврига келиб маълум шаклни касб этган, бунга Амир Темурнинг «Темур тузуклари» асари ёрқин мисол бўла олади.

«Темур тузуклари» жаҳонга машхур асардир. Унинг қўлёзма нусхалари дунёнинг деярли барча мамлакатлари (Ҳиндистон, Эрон, Англия, Дания, Франция, Россия, Франция, Германия, Арманистон, Ўзбекистон ва бошқ.) кутубхоналарида мавжуд. Асар икки қисмдан

иборат. Биринчи қисм Амир Темурнинг давлат барпо этиш, уни ҳар жиҳатдан мустаҳкамлаш, мукамал қуролланган қудратли қўшин тузиш борасида татбиқ этган «тузуклари» ва режаларидан иборат бўлиб, унда ҳатто қўшиннинг жанговар сафланиш тартиби ҳам махсус жадваллар орқали кўрсатиб берилган.

Асар ўн уч қисм (кенгаш)дан иборат. Унинг иккинчи бобида соҳибқироннинг кучли феодал давлатни барпо этиш, қўшин тузиш ва душман лашқарини енгиш юзасидан тузган кенгашлари ва амалга оширган ишлари ифодаланган. Муаллифининг фикрича, ҳар қандай тож соҳиби давлат ва жамиятни маълум ижтимоий-сиёсий гуруҳга таянган ҳолда бошқариши лозим. Давлатни идора қилишда вазирлар, амирлар ва вилоятлардаги ноибларнинг роли бениҳоя катта бўлган. Шунинг учун ҳам Амир Темур уларни танлаш ва вазифаларига тайинлаш ишига алоҳида аҳамият берган. Улар соҳибқироннинг фикрича, садоқатли, ахлоқан пок, адолатпеша, тинчликсевар ва ташаббускор одамлар бўлиши зарур. Темурнинг фикрича, масалан, вазирлар тўрт сифатга эга бўлишлари шарт: 1) асиллик, тоза наслик ва улугворлик; 2) ақлу фаросатлилик; 3) сипоҳ билан раият аҳволидан бохабарлик ва уларга гамхўрлик кўрсатиш, уларга яхши муомалада бўлиш; 4) сабру бардошлилик, мулойимлик.

«Тузуклар»да келтирилган маълумотларга кўра, Амир Темур ўз давлатини – бир учи Чин ва иккинчи учи Шом ҳудудида бўлган улкан мамлакатни бор-йўғи етти нафар вазир ёрдамида бошқарган. Булар қуйидагилар (1-жадвал):

1-жадвал

Вазирлар ва уларнинг вазифалари

№	Вазирлар	Вазирларнинг вазифалари
1.	Мамлакат ва раият вазири	Бу вазир эл-юртнинг муҳим ишларини, кунда чиқиб турадиган муаммоларни, раият аҳволини, олинган ҳосил, даромаднинг миқдори, олиқ-солиқ, давлат харажатлари, эл-юртнинг ободончилиги ва аҳолининг фаровонлиги қай даражада эканлигидан олий ҳукмдорни хабардор қилиб турган.
2.	Сипоҳ вазири	Сипоҳийларнинг маош ва танҳоларини бошқарган, унинг қийинчилик ва парিশонликка тушиб қолмаслигининг чоратадбирларини кўрган, сипоҳ аҳволидан доимо подшоҳни огоҳ этиб турган.

3.	Мол-мулк, даромад, харажатлар вазири	Турли сабабларга кўра эгасиз қолиб кетган ер-сув ва мол-мулкни бошқарган, закот ва бож йиғимига мутасаддилик қилган.
4.	Саркори хосса ва салтанат ишларини юритувчи вазир	Подшоҳга қарашли ер-сув ва мол-мулк, шунингдек давлат муассасаларининг фаолиятини назорат қилиб турган.
5.	Қози калон	Адлия муассасаларини бошқарган.
6.	Жалол ул-ислом	Подшоҳнинг фавкулудда ҳуқуқларга эга бўлган назоратчиси.
7.	Вазири девони иншо	Турли мамлакатлар билан олиб бориладиган ёзишмалар девонининг бошлиғи.

Раҳбарга қўйиладиган талаблар. Раҳбар маданияти. Раҳбар бир қатор талабларга жавоб бериши керак. «Раҳбарлик қилиш» деган иборага изоҳли луғатларда бошқариш, маслаҳат бериш, кузатиш, йўналтириш, кўрсатма бериш деган турли таърифларлар берилган. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги даврда менежер (раҳбар)лар қондириши зарур бўлган талаблар жуда кўпдир. Уларни қуйидаги бешта йирик гуруҳга бўлиш мумкин (2-жадвал):

2-жадвал

Раҳбарга қўйиладиган талаблар

№	Талаблар	Изоҳ
1.	Маънавий етуклик	сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий етуклик; юқори савия ва онг; маърифатлилик; маданиятлилик; ходимларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашга қодирлик; топширилган иш учун шахсий жавобгарликни ҳис қилиш, ҳалоллик, виждонлилик; шахсий манфаатларни жамоа манфаатларига бўйсундиришга қодирлик; кишиларга нисбатан меҳрибон ва эътиборли бўлиш; ташаббус ва илғорликни қўллаб-қувватлаш қобилияти; принципааллик; танқидга чидамли бўлиш, ўз-ўзини танқид қила билиш.
2.	Интизом ва меҳнатга бўлган муносабат	меҳнатсеварлик; жамоа ўртасида интизомни йўлга қўя билиш; атрофдагиларда меҳнатсеварликни тарбиялай билиш; бир ношуд раҳбарнинг беғамлиги юзлаб, минглаб кишилар тақдирининг бедахл қирраларига таъсир этиши мумкин. Бу тоифа боқибеғам раҳбарларнинг иш услуби билан муроса қилиб бўлмайди.
3.	Билим	иқтисодиёт, техника ва технологияни, бошқариш

	даражаси	илмини, функция ва тузилмасини билиш; истиқболни билишга қодирлиги ва ҳ.к. Раҳбар аниқ, чуқур ва кенг билимга эга бўлиши, уни доимо тўлдириб ва янгилаб бориши керак. Акс ҳолда у обрў қозонмайди, ходимларнинг ишончига сазовор бўла олмайди.
4.	Ташкилотчилик қобилияти	ходимларни танлай билиш ва улардан самарали фойдаланишни таъминлай олиш; қўл остидагиларни меҳнатга ўргатиш ва тарбиялашни билиш; жипслашган жамоани вужудга келтира олиш; мақсад сари интилувчанлик; кутилмаган вазиятларда бошқариш қобилиятини йўқотмаслик. «Ёмон корхона ёки ташкилот йўқ, лекин ёмон раҳбарлар бор». Бу ибора шуни англатадики, ёмон ишлаб турган корхонага жамоани яхши бошқарадиган, ташкилотчилик қобилияти юксак, меҳнатсевар, талабчан, билимдон раҳбар тайинланса, у корxonани тезда намуналилар сафига қўшади. Агар ишлаб турган корхонага тасодифан ташкилотчилик қобилияти паст раҳбар келиб қолса, у корхона аста-секин таназулга юз тутаяди.
5.	Бошқариш самарадорлигини таъминлай олиш	бошқаришни коллегиал тарзда ташкил қила олиш қобилияти; иш ҳақида қисқа ва аниқ гапириш қобилияти; ишга оид хат, буйруқ, фармойишлар ёза билиш, турли манбалардан иш учун зарур ахборотларни олиш қобилияти; раҳбарларни ва қўл остидагиларни тинглай билиш қобилияти; асосланган қарорларни мустақил ва тез қабул қила билиш қобилияти; режаларни бажаришдан ходимларнинг моддий ва маънавий манфаатдорлигини таъминлаш қобилияти; бошқарув органи қарорларини бажариш устидан назоратни таъминлай билиш; бошқариш структурасини такомиллаштириб бориш қобилияти ва ҳ.к.

Раҳбарнинг сифат, хислатларини белгиловчи мезонлар кўп. Бироқ қуйидаги ижобий хислатлар улар орасида алоҳида мавқега эга: *довюраклик* – бундай раҳбарда мардонаворлик, ботирлик, дадиллик мавжуд бўлади. У омадсизликдан қўрқмайди. Қўрқув уни жасоратга чорлайди ва зафарларга олиб келади. Ҳар бир янги ҳаракатни тараққиётга ва ҳаётини тажрибаларга эриштиради;

сабрлилик – бундай раҳбар муваффақиятга бирданига эришиш мумкин эмаслигини яхши тушунади. Унга фақат бардош ва сабр-тоқат, сабот-матонат, қийинчиликларни енгиш орқали эришиш мумкинлигини билади;

яхши ниятлилик – бундай раҳбар хайрихоҳ ва илтифотли, кишиларга нисбатан доимо яхши ниятда бўлади. Ўзидаги қаноатсизликни ғирром рақобатчилик йўли билан эмас, балки хайрихоҳлик билан бартараф қилишга ҳаракат қилади. Унинг ҳаётдаги шиори: «Бирни кўриб шукр, бирни кўриб фикр қил»;

камтаринлик – бундай раҳбар камтарликнинг деярли ҳар доим истеъдодга тўғри мутаносиб эканлиги, камтарликнинг етишмаслиги эса нодонлик эканлигини яхши тушунади;

самимий хушмуомалалик – бундай раҳбар софдил, очиқ кўнгил бўлади, чин юракдан гапиради. У самимийлик ақл ва юксак маънавий одобни талаб этишини, шунингдек, кимки ўзгалар билан носамимий муносабатда бўлишга одатланган экан, у пировард натижада ўзига ҳам самимий бўла олмаслигини яхши тушунади;

раҳмдиллик – бундай раҳбар барчага раҳм-шафқатли бўлади. У бошқаларни кўп нарсада кечиради, аммо ўзини ҳеч нарсада кечирмайди. У раҳм-шафқат инсонларнинг энг олий фазилатларидан бири эканлигини, доимо одамларга ёрдам қўлини чўзишини, ожиз ва нотавон кишилардан хабар олиб туриш лозимлигини яхши тушунади;

хушхулқлик – бундай раҳбар инсон гўзаллигининг асоси унинг гўзал хулқида эканлигини, айнан хушхулқлик инсонни улуғлашини, ёқимли хулқ эгасидан барча хурсанд бўлишини, бундай хулқ эгаси бошқаларни хурсанд қилишдан ташқари, ўзи ҳам доимо хурсанд юришини, бошқалардан эса ўзига муҳаббат ва мулойимлик қайтишини яхши тушунади;

қаноатлилик – бундай раҳбар қаноатсизликдан келадиган офатларни, яъни нафс балоси, ҳасад, худбинлик, бахиллик, тамагирлик оқибатларини яхши англайди. Нафс одамини ҳар куйга солишини, уни тийган ҳурмат-иззат топишини ва бежавотир яшашини, қаноатни эса иззатнинг асоси, ўлмайдиган боқий хазина, қуримайдиган дарахт, завол топмайдиган мулк эканлигини яхши тушунади;

обрў – бу ҳамма томонидан тан олинган, меҳнат эвазига орттирилган, раҳбар учун зарур ишонч ва қалқондир. Айни пайтда ҳар қайси раҳбар ўзидан юқори турувчи раҳбарлар, ўзига

бўйсунувчи ходимлар, ўзи билан ҳуқуқи тенг бошқа раҳбарлар олдида обрўга эга бўлиши лозим. Раҳбар юқорида келтирилган талабларга риоя қилмас экан, у ўз раҳбарлик усулида салбий ходисаларга йўл қўйиши, пировардида эса ўз обрўйини кетказиши ва эл назаридан қолиши мумкин.

1 ва 2-жадваллардаги талаблар бевосита ички ишлар идоралари ходимларига ҳам тааллуқлидир. Ички ишлар идоралари соҳавий хизматлари ушбу талабларга амалда риоя этсалар, ўз номларига путур етказмайдилар.

Юқоридагиларга асосланиб, қуйидаги асосий хулосаларни баён этамиз: 1) бошқарув таълимоти буюк давлат арбоби, саркарда бобомиз Амир Темур томонидан XIV–XV асрлар воқеалари ва ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттирган қимматли асар – «Темур тузуклари»да атрофлича баён этилган. Мазкур асарда баён этилган бошқариш йўл-йўриқлари, қонун-қоидалари, панд-насихатлари бугунги кунда долзарблигича қолмоқда. Амир Темур кучли давлатни барпо этиш, давлат ҳокимиятининг қайси ижтимоий тоифаларга таяниши, мансабдор шахсларни уларнинг сифатларига кўра танлаш ва вазифаларга тайинлаш борасида амалий жиҳатдан мукамал бўлган таълимотни яратди;

2) давлат ва жамият арбоби, шеърят султони Алишер Навоий давлат ишларини бошқарган, музокаралар олиб борган, юрт тинчлиги ва ободлиги учун курашган. «Вақфия», «Ихлосия», «Садди Искандарий», «Тарихи мулики Ажам» каби асарларида адолатли бошқаришнинг сир-синоатлари ҳақидаги таълимотни яратган;

3) Заҳириддин Муҳаммад Бобур машҳур «Бобурнома» асарида бошқаришга оид принциплар, хусусан одиллик ва тадбиркорлик, жасурлик ва моҳирлик, истеъдод ва маърифат масалаларини ёритди. Бобурийлар (Жаҳонгиршоҳ) томонидан давлатни идора этишнинг 12 моддадан иборат дастури яратилди;

4) Бобурийлар томонидан маъмурий бошқарув соҳасини ислоҳ этиш, хазина масалалари борасида коррупция (вилоят ва туман ҳокимлари) деб аталадиган ҳукумат амалдорлиги мансаби жорий этилди ва ҳоказо.

3. Маркетингнинг моҳияти ва вазифалари

Маркетинг ва менежмент ҳозирги замон иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳалари бўлиб, ўзаро бевосита боғланган

ва бири иккинчисини тўлдирувчи элементларидир. Бундай боғланишнинг асосини уларнинг моҳияти ва вазифалари ташкил қилади, унинг заминида эса бозор ҳолатини ўрганиш ва олинган маълумотларни таҳлил қилиб, аниқ бир хулосага келиб, сўнг ишлаб чиқаришни зарурий йўналишда, ҳажмда ташкил қилиш борасида бошқарув қарорларни қабул қилиш каби аҳамиятли фаолият ётади. Мавзу иқтисодиёт назарияси фанининг бошқа мавзулар билан асосий мантикий боғловчи сифатида намоён бўлади. Шу сабабли ушбу соҳаларнинг назарий билимларини ўзлаштириш ва улардан амалиётда унумли фойдаланиш орқали юқори натижаларга эришиш аниқдир.

Маркетинг – бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йўсинда яхши фойда топишни уюштириш каби муносабатларни билдиради. Маркетинг инглизча «market» сўзидан олинган бўлиб, бозор ёки бозорни асосида деган маънони билдиради. Меркетинг назарияси XX асрнинг бошида АҚШда вужудга келган. Ўша даврда такрор ишлаб чиқариш зиддиятларининг кучайиши натижасида маҳсулотлар сотиш муаммоси кескинлашган давридир. Унинг асосчилари, муомаладаги камчиликларни иқтисодий ривожланишнинг асосий тўсиғи деб билиб, маркетингни такомиллаштиришнинг ҳар хил усулларини таклиф этадилар.

Маркетингни ҳозирги давргача бўлган ривожланиш босқичларини уч даврга бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Аввал маркетинг амалиётда фақат товарга йўналтирилган тамойил сифатида кўринди. Биринчи даврда товар сифатли ва харидорни қониқтирадиган баҳода ишлаб чиқарилса, истеъмолчилар унга яхши муносабатда бўладилар, деган мулоҳазалар ҳукм сурган. Кейинчалик фақат товарнинг ўзи билан чекланиш етарли эмаслиги кўриниб қолди. Шу сабабли иккинчи давр 20–30 йилларда маркетингда товарлар сотиш тамойили олға сурилди. Харидорлар ишлаб чиқарилган товарларни сотиб олишлари учун маълум даражада уларнинг савдосини уюштириш зарур эканлиги тўғрисидаги фикрлар шаклланди. Учинчи давр 50–60 йилларда маркетинг тўла бозор концепцияси бўлиб (бозорда эса истеъмолчи), асосий ўринни эгаллади.

Маркетинг – фирма ёки тадбиркорнинг узоқ муддатли, юқори даражали фойда олиш ниятида фақат истеъмолчига қаратилган мақсадли ишлаб чиқариш ва сотиш фаолияти ҳам ҳисобланади. Маркетинг фаолиятининг асосий объектлари: бозор, истеъмолчи,

товар, хизмат, баҳо, товар ҳаракати, реклама, сотиш ва уни рағбатлантириш ҳисобланади.

XX асрнинг ўрталарида маркетинг назарияси менежмент (бошқариш) назарияси билан қўшилиб, бошқариш ва маркетинг қоидалари тўғрисидаги фан сифатида *бошқаришнинг бозор назарияси*, деган номни олди. Маркетинг, яъни «бошқаришнинг бозор назарияси» бозорнинг моҳияти, уни ўрганиш ва ишлаб чиқаришнинг унга мослашишини таъминлашдан иборат. Маркетинг товар ишлаб чиқаришда харидорнинг аниқ эҳтиёжларини ва корхона имкониятларини ҳисобга олиши, товарларни белгиланган вақт ва миқдорда сотишни ташкил этиши, харидорларнинг талаб ва эҳтиёжларини тўла қондириши, бўлғуси талабларни ҳисобга олиш ва унга мос янги товарларни ишлаб чиқаришни ўзлаштириши ва пировард натижада корхонанинг самарали ишлашини таъминлаши керак.

Демак, маркетинг қуйидаги вазифаларни бажаради:

- ишлаб чиқарилаётган товарлар ассортиментини асослаш;
- истеъмолчилар эҳтиёжини ўрганиш ва таҳлил қилиш;
- бозорларни танлаш;
- нархни ташкил этиш ва сотишни режалаштириш;
- реклама;
- фирманинг товар ва хизмат учун ижтимоий жавобгарлигини таъминлаш;
- савдо-иқтисодий фаолиятни бошқариш;
- талабдаги ўзгарувчанликни барқарорлаштириш.

Маркетингнинг турли фаолият соҳалари, ўз стратегияси, принциплари ва қоидалари мавжуддир. Ҳозирги бозор иқтисодиёти юқори даражада кўтарилган мамлакатларда маркетинг тамойиллари оддий уй-рўзгор хўжалигидан бошлаб, то космосдан самарали фойдаланишгача бўлган жараёнларда ва бошқа соҳаларда яққол кўринмоқда. Шунинг учун маркетингнинг икки мингдан ортиқ фаолиятга мос келадиган таърифи (хиллари) яратилган. Шунга кўра, маркетинг сотилаётган товарларнинг истеъмол қийматига кўра: истеъмол товарлари бозори; хизматлар бозори; ишлаб чиқариш воситалари бозори; сармоялар бозори кабиларда намоён бўлади.

Маркетинг стратегияси – маркетинг вазифаларини бажариш учун ташкилот, корхона, фирманинг қўлланма сифатида фойдала-

ниладиган самарали мантикий қурилмаси, узок муддатга мўлжалланган режаси.

Ўзбекистон Республикасида Президент Ислон Каримовнинг «1995 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ва 1996 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг келажак йўллари» мавзуидаги маърузасидан келиб чиқиб, Вазирлар Маҳкамаси 1996 йил 7 мартда қарор қабул қилган. Ушбу қарорда Давлат Истиқболстат қўмитаси ва Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги республикада соҳалар ва корхоналар даражасида ишлаб чиқарилаётган товарлар ички ва ташқи бозори конъюктурасининг талаб ва таклифини ўрганиш бўйича маркетинг тадқиқотларини ўтказиш механизмини тайёрлаш белгиланган эди. Шу асосда барча вазирликлар, концернлар, корпорация, ассоциациялар, фирмалар ва ташкилотларга маркетинг тадқиқотлари ўтказиш асосида ҳар бир корхона фаолиятини қайта кўриб чиқиб, рақобатдош маҳсулот ишлашга ўтказиш учун чет эл сармояларини жалб этиб, уларнинг техника ва технологиясини янгилаш дастурини ишлаб чиқишга аниқ муддатлар белгиланиб, унинг ижроси ўтган давр мобайнида таъминланди.

Маркетинг бозор иқтисодиётининг муҳим унсури бўлиб, узок ва қисқа вақтларга мўлжалланган махсус дастурлар орқали амалга оширилади, уларда харидорларни ва рақобатчилар ўрганиш асосида товарлар сифатини яхшилаш, товар нархини ўзгартириш, реклама ўтказиш, товарларга талаб чиқариш, товарларни ўз вақтида етказиб туриш, харидорларга маъқул тушадиган хизмат кўрсатиш каби чоратадбирлар назарда тутилади. Ишлаб чиқариш маркетинг ёрдамида ғоят тез ўзгариб турадиган бозор талабига мослашади ва самарага эришади. Товар ишлаб чиқарувчилар маркетинг туфайли бозор билан узвий боғланидилар, ишлаб чиқариш манбаларини бозорталаб қилиб яратишга қаратадилар, соҳибкорлик ишларини режалаштирадилар.

Маркетингнинг асосий қоидалари:

- 1) товар ишлаб чиқаришда харидорнинг аниқ эҳтиёжлари ва корхона имкониятларини ҳисобга олиш;
- 2) харидорнинг талаб-эҳтиёжлари тўла қондирилиши, бўлғуси талабларни назарда тутиш;

3) мўлжалланган бозорда товарларни айтилган вақтда ва белгиланган миқдорда самарали сотиш;

4) янги турдаги товарларни ўзлаштира бориб, корхонанинг узок давр мобайнида самарали ишлашига эришиш;

5) корхонанинг ишлаб чиқариш йўналишлари, тутган йўли бозор шароитига, харидор талабига мослашиши билан бир қаторда талабга таъсир этиш.

Маркетинг фақат бозордаги талаб-эҳтиёжни қондириш воситасигина бўлмай, балки ишлаб чиқариш самарасининг ҳам юқори бўлишига қаратилади. Шу сабабли корхоналарда маркетинг хизматини ташкил этиш катта аҳамиятга эга. Маркетингни бошқариш – фойдали алоқаларни ўрнатиш ва уларни мустаҳкамлаш мақсадида таҳлил қилишни, режалаштиришни ва бошқа чоратадбирларни амалга оширишни ташкил этишдир.

Маркетинг вертикал тизими – бозорнинг турли қисмларида (сегментларида) ҳар қисм учун алоҳида ишлаб чиқилган режалар билан амалга ошириладиган маркетинг сиёсати.

Маркетинг муҳити – корхона, фирмадан ташқарида, уларнинг маркетинг хизмати бўлимларининг муваффақиятли иш юритишини таъминловчи кучлар ва ходимлар бирлиги.

Маркетинг маълумот тизими – маркетинг соҳасида иш кўрувчи учун йиғилган, мувофиқлаштирилган, ўз вақтида тайёрланган, долзарб маълумотлар йиғиндиси.

Маркетингнинг ривожланиш даражалари назарий асосини истеъмолнинг қонуниятларидан топишимиз мумкин. Аҳоли *бирламчи* талабини қондириш – кундалик озиқ-овқатлар ва энг зарурий ноозиқ-овқат моллари харид қилиш уларни ишлаб чиқарувчилар ва сотувчилар учун кўп муаммолар туғдирмайди. Аммо аҳоли даромадлари ўсиб бориши, истеъмолчиларнинг *иккиламчи* талабига мувофиқ, уст-бош кийим ва уй-рўзғор товарларини ишлаб чиқариш ҳамда сотишни ташкил этиш бирмунча юқори савияни талаб этади. Истеъмолчилар талабининг *учинчи* босқичи – ҳаёт кечиришини юқори даражага кўтариш (қулайлик ва юксак хизмат кўрсатиш) билан боғлиқ замонавий уй-рўзғор, техник, дам олиш, спорт, қимматбаҳо кийимлар, машина ва бошқаларга бўлган эҳтиёжни қондиришга ўтилиши маркетингнинг ҳам товар ва

хизматлар ишлаб чиқарувчиларнинг бозордаги ҳақиқий концепциясига айланиши билан чамбарчас боғлиқ. Чунки ҳар бир мамлакат, шу жумладан Ўзбекистонда ҳам иқтисодиётнинг ривожланишида аҳоли истеъмол даражаси ўсиб боришининг юқоридаги босқичларидан ўтилади ва унга мувофиқ бозорнинг асосий қонуни – «Талаб ва таклиф» мутаносиблигини таъминлаш учун барча имкониятлар изланади.

Маркетинг эса, илм-фан сифатида миллий, минтақавий ва жаҳон бозорларида «Талаб ва таклиф» ўртасида мувозанат ўрнатишнинг асосий воситаси бўлиб хизмат қилади.

Маркетинг фаолияти ишлаб чиқарилаётган товарларнинг ёки кўрсатилаётган хизматларнинг турига қараб қуйидаги бозорларда олиб борилади:

1) *истеъмол товарлари бозори* аҳолининг шахсий эҳтиёжини қондирувчи ва ҳаёт учун зарур бўлган жиҳозлар, маҳсулотлар олди-сотди муносабатлари мажмуини ўз ичига олади. Бу бозорнинг субъектлари: улгуржи савдо базалари, дўконлар, ошхона, чойхона, дорихона ва шу каби чакана савдо-сотик билан шуғулланувчи шохобчалар ҳисобланади;


2) *хизматлар бозори* – аҳолига маиший, маориф, тиббий, техник, коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича олди-сотди муносабатларини ифодалайди;

3) *ишлаб чиқариш воситалари бозорида* саноат корхоналари, агрофирма ва халқ хўжалигининг қолган барча тармоқлари учун зарур бўлган дастгоҳ, жиҳоз ва бутун керакли товарлар олди-сотдиси ташкил этилади. Бу бозорни бизнинг мамлакатда «Ўзулгуржи-биржасавдо»си тизими миқёсида ташкил этилади;

4) *сармоялар бозори* бирламчи ва иккиламчи гуруҳларга бўлинади. Бирламчи биржаларда қимматбаҳо қоғозлар эгалари қатнашадилар. Иккиламчида эса улар қайта савдога қўйилади.

Бозорни ҳаракатга келтирувчи асосий омиллар талаб, таклиф ва баҳо ҳисобланади. Агар бозор мувозанати, яъни талаб ва таклифнинг миқдорий ва таркибий жиҳатдан бир-бирига мувофиқлиги таъминланган бўлса, бу ҳолатдан таклиф соҳиби ҳам талаб эгаси ҳам ўзларининг мақсадларига эришадилар (1-чизма), таклиф қилувчи ўз товарини мувозанатни таъминловчи баҳода сотаётганидан манфаат-

дор, талаб эгаси ҳам ушбу мувозанатни таъминловчи С баҳода олганидан манфаатдордир.



1-чизма.


А – талаб билан баҳо ўртасидаги ўзаро боғланишни ифодаловчи эгри чизик, яъни талаб ошган сари баҳо ҳам ошади.

В – таклиф билан баҳо ўртасидаги ўзаро боғланишни ифодаловчи эгри чизик, яъни таклиф кўпайган сари товарнинг баҳоси пасая боради.

С – икки **А** ва **В** эгри чизиклар шундай кесишадики, бу ҳолатдан иккала томон рози, яъни баҳо мувозанати юзага келади, яъни 300 сўмдан сотилган товардан сотувчи ҳам манфаатдор, олувчи ҳам. Бу ҳолат талаб ва таклифнинг диалектик бирлигини, уларнинг ўзаро боғлиқлигини, ўзаро ҳаракатини ва объектив равишда мувозанатга интилишини англатади.

Аммо айрим субъектив ва объектив сабабларга кўра, ушбу **С** мувозанат бузилса, уни тиклаш бўйича қонун воситаси – маркетинг ишга солинади. Натижада ишлаб чиқарувчи билан истеъмолчи ўртасида ўзаро муносабатлар намоён бўлади. Маркетинг ўз навбатида товарни бозорга таклиф қилинганлик ҳолатларини таҳлил қилади. Бир вақтнинг ўзида талаб қилувчи ҳолатларини ҳам таҳлил қилади. Қилинган ишлар натижасида олинган маълумотлар орқали ишлаб чиқаришни мослаштириш учун зарур қарорлар қабул қилинади (2-чизмага қаранг). Чизмадан кўриниб турибдики,

маркетинг ишлари бир неча йўналишлар бўйича амалга оширилади. Ҳолатлар чуқур таҳлил қилинади, уларнинг ўзгариши мувозанатга қандай таъсир кўрсатиши устида назарий ва амалий тахминлар қилинади. Ҳолатлар таҳлил қилиниб бўлгандан сўнг, зарур хулосалар чиқарилади ва уларнинг вариантлари ишлаб чиқарувчига етказилади. Бу ишларни менежерлар амалга оширадилар.



2-чизма. Маркетинг фаолияти орқали бозор мувозанатини ўрганиш.

Раҳбарият маркетингнинг муҳимлигини таъкидлаш, унинг вазифаларини белгилаш ва уни фирманинг умумий фаолиятига қўшиш орқали маркетинг ролини аниқлайди. Маркетинг ҳал қилувчи овоз, бевосита ҳукмронликка эга бўлганда, унинг фирма учун зарурлиги намоён бўлади; маркетинг раҳбари ўз мақомига кўра фаолиятнинг бошқа соҳалари раҳбарлари билан тенг даражада ва унга тегишли ресурслар ажратиб берилади.

Маркетинг хизмати аниқлайдиган омиллар. Маркетинг хизмати бошқарадиган асосий таркибий қисмлар қуйидагилар:

– аниқ мақсадга мўлжалланган бозорни танлаш, мақсадли бозор (истеъмолчиларнинг маълум гуруҳи)ни танлаш жараёни унинг

ўлчовлари ва хусусиятлари билан боғлиқ масалаларни ўз ичига олади;

– маркетинг мақсадларини танлаш, у олий раҳбарият томонидан белгиланган мақсадларга эмас, кўпроқ истеъмолчиларга мўлжалланган бўлади;

– маркетинг ташкил этишни танлаш, бош масала, унинг бир бутунлиги, мақсадга эришишда муваффақиятни таъминловчи барча омилларнинг ўзаро алоқасидир;

– танланган режани назорат қилиш ва бошқариш – бу бутун фаолиятни, айти пайтда унинг айрим соҳасини назорат ва таҳлил қилиш билан боғлиқ бўлган алоҳида муҳим омиллар. Мунтазам равишда баҳолаш ишларини ўтказиб туриш лозим.

Маркетинг назорат қиладиган омиллар 3-чизмада берилган:



3-чизма. Маркетинг назорат қиладиган омиллар.

Бозорни сигментларга ажратиш – унинг истеъмолчиларини махсус гуруҳлаш демакдир. Маркетинг амалиётида бозорни сигментларга бўлишда уч хил ёндашув ишлаб чиқилган:

1) корхонанинг оммавий бозорга киришида у кенг харидорлар оммасига қаратилган бир хил маркетинг дастурига эга бўлади;

2) сигментлашган бозор, корхона унда асосий эътиборни алоҳида белгиларга эга бўлган бир хил сигментларга қаратади. Ана шу сигмент учун махсус дастур ишлатилади;

3) кўпчилик кўрсаткичлари билан табақалашган бозор, бунда ўз хусусиятлари билан фарқланадиган бир ёки икки хил сегментга алоҳида ишлаб чиқилади.

Бозор сегментлари доимий эмас. Ҳар доим корхона ўзининг имкониятларига ва мақсадларига мос ҳолда бозорни қуйидаги сегментларга бўлиш мумкин. Масалан, истеъмол товарлари бозорида қуйидаги сегментлар мавжуд:

– харидорлар сегментлари, истеъмолчилар, уларнинг хатти-ҳаракатлари, талаблари;

– товар сегментлари, оммавий ва арзон, қиммат ва янги;

– савдо сегментлари, товар ҳаракати, сотиш усуллари;

– географик сегментлари, иқтисодий ривожланиш даражаси, жойлашишига қараб, туман, шаҳар, вилоятлар аҳолиси сони бўйича.

Маркетинг концепциясига асосан, ҳар қандай корхона, бозорда муваффақиятга эришиш учун, энг аввало, истеъмолчилар тилак-истакларини назарда тутати. Бу эса истеъмол жараёнини, аҳоли эҳтиёжи ва талабини билиш, уларга мос тушадиган товарлар ва хизматлар таклиф этишни тақозо қилади.

Ушбу масалани ечишда қуйидаги қоидаларга риоя қилинади:

1) харидорни тушуниш ва уни қизиқтирадиган товарларни аниқлаш;

2) товар ва хизматларнинг мулкчилигини таъминлаш;

3) товарлар ҳақида керакли ахборотлар етказиб бериш.

Юқоридаги қоидаларни бажариш, маркетингнинг қуйидаги тўрт аксиомасига асосланади:

– қизиқтириш – муваффақият гарови;

– рақобат танлашни рағбатлантиради;

– танлов қийинчилик туғдиради;

– танловдаги рақобат товарни такомиллаштиради.

Таянч тушунчалар:

Менежмент, молия менежменти, ишлаб чиқариш менежменти, бизнес режанинг моҳияти, маркетинг, бозор сегментлари.

Савол ва топшириқлар:

1. Президент Ислом Каримовнинг: «Раҳбарнинг сохта обрўси бўлиши эмас, амалий фаолиятининг обрўси бўлсин», – деган талабининг моҳиятини тушунтиринг.

2. Менежмент ишининг мазмуни нима?

3. Менежментнинг қандай усуллари мавжудлигини тушунтириб беринг.

4. Менежментга қандай талаблар қўйилади?

5. Мотивациянинг қандай турларини биласиз?

6. Сиз қандай фазилятли шахсларни раҳбар бўлишга лойиқ деб ўйлайсиз?

7. Сиз ўзингизни раҳбар бўлишга лойиқ деб ўйлайсизми?

8. Сизнингча, раҳбарлик қобилияти нималарда кўринади?

9. Раҳбарлик касбми ёки махсус қобилиятнинг намоён бўлишими?

10. Фирма фаолиятида маркетингнинг зарурлигини тушунтиринг.

11. Японияда нима учун ишдан бўшатишни энг олий жазо деб биладилар?

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Менежмент (ингл. management – бошқарув, ташкилотчи) – фирма фаолиятининг бозор шароитига мослашиб туришида катта аҳамиятга эга фаолият. Кенг маънода менежмент махсус бошқариш фаолиятини билдиради. Бошқарув – бу танлов, қарор қабул қилиш ва унинг бажарилишини назорат қилиш жараёнидир.

Менежмент субъекти – бошқариш ишини бажарувчи идоралар ва уларнинг раҳбарлари, яъни бошқарув органлари ёки менежерлар – бошқарувчилардир.

Менежмент объекти – бошқарилувчи ҳодиса ва воқеликдир (мамлакат, вилоят, туман, шаҳар, концерн, холдинг, иқтисодиёт, ишлаб чиқариш, фирма, ходимлар).

Бошқариш функцияси – у ёки бу объектни бошқаришга оид аниқ вазифаларни ҳал этишга қаратилган бир турдаги ишлар мажмуи.

Бошқариш структураси – бошқарув мақсадларини амалга оширувчи ва функцияларини бажарувчи бир-бири билан боғланган турли бошқарув органлари ва бўғинларининг мажмуидир (вазирлик, бирлашма, корхона (фирма), цех, участка).

Бошқаришнинг иқтисодий усуллари – иқтисодий манфаатлардан фойдаланишга асосланган бошқарувдир.

Бошқаришнинг ижтимоий-руҳий усули – бу ижтимоий- маънавий вазиятга таъсир этиш йўли билан кишиларнинг феъл- атвори, руҳиятини ҳисобга олиб, уларнинг ижтимоий талабларини қондириш орқали бошқарилади.

Маркетинг – бозор ҳолатини асосли ўрганиш ва олдиндан баҳолаш билан товарларни ишлаб чиқариш ва сотишни ташкил этиш ҳамда шу йўсинда яхши фойда топишни уюштириш.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Менежмент – хўжалик фаолиятини самарали ташкил этиш учун бошқариш, раҳбарлик қилиш, моддий, молиявий ва меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланиш санъати, усуллари, шакллари ва воситалари мажмуидир.

2. Менежмент ишлаб чиқариш корхоналарининг иқтисодий фаолиятини ташкил этиш билан уларнинг ижтимоий-социал ва иқтисодий самарадорлигини таъминлайди. У ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга таъсир этган ҳолда пировард натижада мавжуд эҳтиёжларни тўлиқ қондиришга қаратилгандир.

3. Дунё бўйича маркетингнинг икки мингдан ортиқ таърифи мавжуд бўлиб, унинг мураккаблиги ва кўп қирралигини ифодалайди. Шунингдек, маркетинг бўйича турли оқимдаги жуда кўп мактаблар, бизнес гуруҳлари мавжуд.

4. Маркетинг харидорларнинг эҳтиёжларини қондириш, бозор муаммоларини ечишга ҳар томонлама ёндашиш, эҳтиёжларни айирбошлаш ёрдамида қондиришга қаратилган фаолият тури.

5. Маркетинг – бу фаол ассортимент сиёсатини, нарх, олди-сотди, реклама, истеъмолчиларни ўрганиш, томонлар билан муносабатларга киришиш, тижорат таваккалчилиги ва рақобатчиларни ўрганадиган фан.

III БЎЛИМ. МАКРОИҚТИСОДИЁТ

12- МАВЗУ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

1. «Макроиқтисодиёт» тушунчаси, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари

Маълумки, ўтмишда Ўзбекистон иқтисодиёти собиқ совет Иттифоқи иқтисодиётининг таркибий қисми ҳисобланиб, мустақил миллий иқтисодиёт ҳисобланмас эди. Бизга бир ёқлама ривожланган пахта якка ҳокимлигига, хом ашё ишлаб чиқаришга ва бой минерал – хом ашё ресурсларидан назоратсиз, аёвсиз фойдаланиш асосига қурилган, ёнилғи, ғалла ва бошқа кўпгина ишлаб чиқариш ресурслари ҳамда истеъмол товарларининг таъминланиши бўйича марказга қарам бўлган иқтисодиёт мерос бўлиб қолган эди. Мамлакат Президенти Ислом Каримов уқтирганидек, «Ўзбекистон бир ёқлама иқтисодиётга – марказга бутунлай қарам, издан чиққан иқтисодиётга эга бўлган» мамлакат эди¹.

1991 йилдан буён ўтган қисқа давр мобайнида иқтисодий мустақилликни қўлга киритиб, мамлакатимиз ҳудудидаги барча табиий, минерал хом ашё бойликларидан мамлакатимиздаги бутун иқтисодий ресурслар ва қувватлардан ўз халқимиз ва унинг келажаги манфаатлари йўлида фойдаланиш имкониятига эга бўлдик. Янги энергетика, машинасозлик ва бошқа саноат тармоқларининг вужудга келиши, кўплаб йирик иншоотлар, корхоналар, завод ва фабрикалар қурилганлиги, ёнилғи ва ғалла мустақиллигига эришилганлиги иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришлар, изчил ўсиш суръатлари

¹ Қаранг: Каримов И. А. Ўзбекистон XXI асрга интиломда. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 6.

миллий мустақил иқтисодиётни мустаҳкамлаш сари ҳаракат натижаларидир.

Шундай қилиб, Ўзбекистонда бозор муносабатларига асосланган янги, мустақил ривожланаётган, ўз халқи, миллати манфаатларига хизмат қиладиган миллий иқтисодиёт шаклланиб бормоқда. Миллий иқтисодиёт, барча тармоқлар ва соҳаларни, микро ва макро иқтисодиётларни, функционал иқтисодиётни, кўплаб инфра-тузилмаларни ўз ичига олган яхлит иқтисодиётдир.

Макроиқтисодиёт (лотинча «масго» – «катта», «узун», арабча «иқтисодиёт» – хўжалик юритиш маъноларида) – иқтисодий тизимдаги барча иштирокчиларнинг хусусиятларини ўрганиш. Макроиқтисодиёт умумиқтисодий жараёнларга урғу беради. Умумиқтисодий жараён пул билан «тирик». Пул бўлмаган, пул муаммолари ривожланмаган жойда макроиқтисодиёт бўлиши мумкин эмас. Атоқли маърифатпарвар ватандошимиз Абдулла Авлониининг ёзишича: «Иқтисодиёт деб, пул ва мол каби неъматларнинг қадрини билмоққа айтилур. Мол қадрини билувчи кишилар ўринсиз ерга бир тийин сарф қилмас, ўрни келганда, сўмни аямас».

Макроиқтисодиёт алоҳида маҳсулот ва хизматлар бозорларини ўрганадиган микроиқтисодиётдан фарқли ўлароқ, миллий иқтисодиётни тизим кўринишида, яъни маҳсулот ва хизматлар, пул ва қимматбаҳо қоғозлар, ёлланма ишчи кучи бозорларини бир-бирига боғлашда ўрганади. Макроиқтисодиёт фанининг вазифаси юқорида қайд этилган бозорлар ҳаракатининг давлат аралашуви ҳисобига олинган ҳолда макроиқтисодий хусусиятларни аниқлашдир.

Макроиқтисодиёт – иқтисодий фанларнинг тармоғи бўлиб, иқтисодиётнинг амал қилишини яхлитликда ўрганадиган ва тушунтирадиган фандир. Макроиқтисодиёт – бу мамлакат миқёсида моддий ишлаб чиқариш ва номоддий соҳаларни бир бутун қилиб бирлаштирган миллий хўжалик даражасидаги иқтисодиётдир.

Позитив макроиқтисодиёт – реал иқтисодий воқеликларни ўзаро алоқадорликда ўрганади.

Норматив (меъёрий) макроиқтисодиёт – иқтисодий фаолиятнинг аниқ йўналишларини таклиф этади.

Макроиқтисодиётни ўрганишнинг асосий методлари қуйидагилар:

– илмий абстракция;

- анализ ва синтез;
- оддийликдан мураккабликка;
- дедукция ва индукция;
- статистик;
- иқтисодий-математик, моделлаштириш.

Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий шакллари қуйидагилардан иборат:

- пул-кредит (монетар);
- бюджет солиқ (фискал);
- инвестиция;
- ташқи савдо;
- ижтимоий.

Макроиқтисодий сиёсатнинг асосий вазифаси – макроиқтисодий мутаносибликни таъминлаш, иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини таъминлашдир. Миллий хўжаликнинг таркиб топган тузилиши ижтимоий меҳнат тақсимоли ривожининг натижаси ҳисобланади. Макроиқтисодиёт ўз ичига халқ хўжалигининг моддий ва номоддий ишлаб чиқариш ҳамда хизмат кўрсатиш соҳаларини олади.

Миллий иқтисодиёт меъёрида фаолият қилиш ва барқарор ўсиши учун барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ўзаро боғлиқлиги ва мувозанатли ривожланиши талаб қилинади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш ҳажми ва уларнинг ўсиши бир қатор кўрсаткичлар тизими орқали, микро ва макроиқтисодий даражада аниқланиб, таҳлил қилинади. Кўпгина микро кўрсаткичлар ёрдамида корхоналар фаолиятига баҳо берилиб ва улар иқтисодиётининг ривожланиш тамойиллари аниқланса, макроиқтисодий кўрсаткичлар орқали бутун иқтисодиётнинг ҳолати унинг ўсиши ёки орқага кетиши таҳлил қилиниб, хулоса чиқарилади. Улар ёрдамида давлат ўз иқтисодий сиёсатини белгилайди. Бу тизимга кирувчи турли хил кўрсаткичлар, *биринчидан*, бизга маълум вақт оралиғидаги ишлаб чиқариш ҳажмини ҳисоблаш ва миллий иқтисодиётнинг фаолият юритишига бевосита таъсир қилувчи омилларни аниқлаш имконини беради. *Иккинчидан*, макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими, ЯММни унинг ҳаракатининг барча босқичларида, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, қайта тақсимлаш ва натижада фойдаланиш босқичларида кўрғазмали шаклда акс эттиришга имкон беради.

Нихоят, мазкур кўрсаткичлар тизими мавжуд ресурслар ва улардан фойдаланишнинг мос келиши (тенглиги) кузатилганда, мамлакатдаги умумий иқтисодий мувозанатлик ҳолатини акс эттиради. Бутун миллий иқтисодиётнинг ҳолатини характерловчи муҳим макроиқтисодий кўрсаткичларни келтиришни лозим топдикки, бу ўқувчиларда мавзунини ўрганиш учун қулайлик яратади:

- **товарлар ва хизматлар ишлаб чиқариш:**
 - *ялпи миллий маҳсулот (ЯММ);*
 - *соф миллий маҳсулот (СММ);*
 - *миллий даромад (МД).*
- **бюджет-солиқ соҳаси:**
 - *давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари;*
 - *давлат бюджетининг дефицити (тақчиллиги);*
 - *ЯИМдан солиқларни олиш даражаси.*
- **пул-кредит соҳаси:**
 - *инфляция даражаси;*
 - *Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси;*
 - *пул массаси ҳажми.*
- **ташқи савдо:**
 - *экспорт;*
 - *импорт;*
 - *ташқи савдо айланмаси.*
- **турмуш даражаси:**
 - *аҳоли жон бошига ЯИМ;*
 - *аҳоли жон бошига МД;*
 - *аҳоли даромадлари;*
 - *аҳолининг шахсий тасарруфидаги даромадлар;*
 - *истеъмол баҳолари индекси.*
- **аҳоли бандлиги:**
 - *ишсизлик даражаси;*
 - *иш билан банд бўлганлар ва иш кучи сони.*

Бу кўрсаткичлар моддий ишлаб чиқариш ва номоддий хизмат кўрсатиш соҳаларидаги барча хўжаликлар иқтисодий фаолиятининг умумий ва пировард натижаларини қамраб олади.

Ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) – миллий хўжаликларда бир йил давомида вужудга келтирилган ва бевосита истеъмолчиларга бориб тушиши мумкин бўлган тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархидаги қийматидан иборат бўлади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 12 ноябрь) «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида: «Биз ўз олдимизга қўйган узок муддатли стратегик мақсадлар, яъни замонавий ривожланган демократик давлатлар қаторига кириш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсишини таъминлаш, ҳаёт сифатини яхшилаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллаш борасидаги саъй-ҳаракатларимизга бугунги кун нуқтаи назаридан холисона баҳо беришимиз табиийдир. Маълумки, Ўзбекистон 1991 йили ўз мустақиллигини қўлга киритганидан сўнг умрини ўтаб бўлган мустабид, маъмурий-буйруқбозлик, режали-тақсимот тизимидан воз кечиб, «Ўзбек модели» деб ном олган ўз тараққиёт йўлини танлаб олди.

Биз ишлаб чиққан ва бугунги кунда ҳаётга татбиқ этаётган ушбу моделнинг маъно-мазмуни – давлат қурилиши ва конституциявий тузумни тубдан ўзгартириш ва янгилаш, иқтисодиётни мафкурадан холи этиш, унинг сиёсатдан устунлигини таъминлаш, давлатнинг бош ислохотчи вазифасини бажариши, яъни ислохотлар ташаббускори бўлиши ва уларни мувофиқлаштириб бориши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат юритиш, ислохотларни босқичма-босқич ва изчил олиб бориш тамойилларига асосланадиган сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ислохотларни амалга оширишдан иборатдир.

Биз ислохотларни инқилобий усулда, яъни «шок терапияси» йўли билан амалга оширишдан онгли равишда воз кечиб, тадрижий тараққиёт йўлини танлаб олганимиз туфайли халқимизни қандай оғир оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган иқтисодий ва ижтимоий тўфонлардан асраб қолишга муваффақ бўлганимизни бугун ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда. Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгилашниш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ҳақиқатан ҳам, қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими 2 баробардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганини мамнуният билан таъкидласак арзийди, деб ўйлайман.

2008–2010 йилларда, яъни дунёнинг аксарият мамлакатларида иқтисодий ўсиш суръатлари сезиларли равишда тушиб кетган, ишлаб чиқариш пасайган бир вақтда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръатлари 2008 йилда 9 фоизни, 2009 йилда 8,1 фоизни ташкил этгани, 2010 йилда бу кўрсаткич 8,5 фоизга етиши кутилаётгани, келгуси 2011 йилда эса 8,3 фоиз даражасида бўлиши белгилаб берилаётгани кўпгина халқаро тузилмалар, эксперт ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотмоқда», – деб таъкидлади.

Демак, ЯММ миллий иқтисодиётда йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард маҳсулот (хизмат)ларнинг бозор нархидаги сўммаси. Биламизки, жорий йилда ишлаб чиқилган барча маҳсулотлар сотилмаслиги мумкин, уларнинг бир қисми захираларни тўлдиради. Яъни ЯММ ҳажмини ҳисоблаб топишда захираларнинг ҳар қандай ўсиши ҳисобга олинаши зарур, чунки ЯММ ёрдамида жорий йилдаги барча маҳсулотлар (сотилган ва сотилмаган) ҳисобга олинади. Миллий ишлаб чиқаришнинг ялпи ҳажмини тўғри ҳисоблаб чиқиш учун, мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот ва хизматлар бир марта ҳисобга олинаши зарур. ЯММ ҳажмини топишда сотилган ва қайта сотилган маҳсулотларни кўп марта ҳисобга олишларни бартараф қилиш учун, халқ хўжалигининг барча тармоқларида яратилган кўшилган қийматлар йиғиндиси олинади.

Кўшилган қиймат – бу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан етказиб берувчилардан сотиб олинган ва истеъмол қилинган хом ашё ва материаллар қиймати чиқариб ташлангандан кейин қолган қисмининг бозор қиймати.

Бошқача айтганда, **қўшилган қиймат – бу корхона ялпи маҳсулотидан ёки ишлаб чиқарган маҳсулотининг бозор нархидан (амортизация ажратмасидан ташқари) жорий моддий харажатлар чиқариб ташланган миқдорига тенг.**

ЯММ ёрдамида миллий иқтисодиётда товар ва хизматлар ишлаб чиқариш йиллик ҳажмини ҳисоблашга ҳаракат қилинади. ЯММ йил давомида ишлаб чиқарилган барча пировард товарлар ва хизматларнинг бозор нархидаги сўммаси бўлганлиги учун товарнинг ўзи, унинг нафлилиги кўпаймаган ҳолда баҳолар ошиши эвазига унинг ҳажми ошиб кетиши мумкин. Баҳо ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг ҳар хил элементларини ягона умумий асосга келтиришнинг энг кенг тарқалган кўрсаткичи сифатида фойдаланилади. Шунинг учун ялпи миллий маҳсулотга баҳо беришда номинал ва реал миллий маҳсулот ҳисобга олинади. Жорий бозор баҳоларида ҳисобланган миллий маҳсулот **номинал миллий маҳсулот**, ўзгармас баҳоларда ҳисобланган миллий маҳсулот эса **реал миллий маҳсулот**, деб юритилади. Турли йилларда ишлаб чиқарилган ЯММ қийматини фақат нарх ўзгармаган тақдирда ўзаро таққослаш мумкин бўлади. Бундан ташқари, нарх даражаси бизга иқтисодиётда инфляция (нарх даражасининг ўсиши) ёки дефляция (нарх даражасининг камайиши) ўрин тутганлигини ва унинг миқёси қандайлигини билиш имконини беради.

Нарх даражаси индекс шаклида ифодаланади. Нарх индекси жорий йилдаги маълум гуруҳ товарлар ва хизматлар тўплами нархлари сўммасини, худди шундай товарлар ва хизматлар миқдорининг базис даврдаги нархлар сўммасига таққослаш орқали ҳисобланади. Таққослашнинг бошланғич даври «базис йил» дейилади.

Ғарб мамлакатлари ва хусусан АҚШда нарх индекслари ичида энг кенг қўлланиладигани истеъмолчилик товарлари савати нархлари индекси ҳисобланади. Унинг ёрдамида типик шаҳар аҳолиси сотиб оладиган истеъмолчилик товар ва хизматларнинг 300 турини ўз ичига олувчи бозор саватининг қайд қилинган нархлари ҳисобланади. Аммо нархнинг умумий даражасини ҳисоблаш учун ЯММ нарх индексидан фойдаланилади.

ЯММ нарх индекси анча кенг тушунча бўлиб, у ўз ичига нафақат истеъмолчилик товарлари, балки инвестицион товарлар, давлат томонидан сотиб олинган ҳамда халқаро бозорда сотилган ва сотиб олинган товарлар ва хизматлар нархларини ҳам олади. ЯММ

наrx индекси, номинал ЯММни реал ЯММга айлантириб ҳисоблаш имкониятини беради.

Номинал ЯММ шу маҳсулот ишлаб чиқарилган даврда амал қилиб турган нархларда ифодаланган ишлаб чиқариш ҳажмини билдиради.

ЯММ билан бирга, унинг таркибий қисмлари сифатида ҳисобланиш мумкин бўлган бир қатор ўзаро боғлиқ кўрсаткичлар мавжуд бўлишини билдирадики, улар миллий иқтисодиётнинг турли томонларини характерлаб беради. ЯММ кўрсаткичига соф экспорт (экспорт ва импорт ўртасидаги фарқ) киради. Аммо турли мамлакатларда ташқи савдо фаолиятининг салмоғи кескин фарқланади. Шу сабабли миллий иқтисодиёт ривожланиш даражасини таққослаш учун ички миллий маҳсулот (ИММ) кўрсаткичидан фойдаланилади.

ИММ маълум вақт давомида (бир йилда) мамлакат ҳудудида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилишга тайёр пировард маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархларидаги қийматидир. У барча ишлаб чиқариш субъектларида қўшилган қийматлар йиғиндиси сифатида чиқади. ЯММ ва ИММ ишлаб чиқариш ялпи ҳажмининг кўрсаткичи сифатида битта муҳим камчиликка эга. Улар мазкур йилда ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган, асосий капиталнинг ўрнини қоплаш учун зарур бўлган қийматни ҳам ўз ичига олади.

ЯММдан жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал қиймати ёки йиллик моддий харажатлар суммаси айириб ташланса, соф миллий маҳсулот (СММ) кўрсаткичи ҳосил бўлади.

ЯММ – моддий харажатлар йиллик суммаси = СММ

Шундай қилиб, СММ моддий харажатлар амортизация ажратмаси суммасига камайтирилган ЯММ сифатида чиқади. СММ қийматига давлат томонидан ўрнатиладиган эгри солиқлар суммаси киради. Эгри солиқлар давлат томонидан ўрнатиладиган нархга қўшиладиган харажат ҳисобланади. Бундай солиқлар оғирлиги истеъмолчи зиммасига тушади ва унинг ҳисобига ўз даромадининг бир қисмини сарфлайди. Шунинг учун ҳозирги даврда ҳисоб тизимида СММдан эгри солиқлар чиқариб ташланса, миллий даромад (МД) кўрсаткичи ҳосил бўлади, деб кўрсатилади.

СММ – бизнесга эгри солиқ = миллий даромад.

Амалиётда ишлаб чиқарилган ва фойдаланилган МД фарқланади. **Ишлаб чиқарилган МД** – бу янгидан яратилган товар ва хизматлар қийматининг бутун ҳажми. **Фойдаланилган МД** – бу ишлаб чиқарилган МДдан йўқотишлар (табiiй офатлар, сақлашдаги йўқотишлар ва ҳ. к.) ва ташқи савдо қолдиғи чиқариб ташланган миқдорга тенг. Бизнинг амалиётда МД истеъмол ва жамғариш фондига ажратилади.

Истеъмол фонди – бу миллий даромаднинг жамият аъзоларининг моддий ва маданий эҳтиёжларини ҳамда бутун жамият эҳтиёжларини (таълим, муҳофаа ва ҳ. к.) қондиришни таъминлашга кетадиган қисми.

Жамғариш фонди – бу миллий даромаднинг ишлаб чиқаришни ривожлантиришга суғурта резервларини кўпайтиришга сарфлайдиган қисмини таъминлайдиган қисми.

Миллий даромадни, даромадлар барча турларини (амортизация ажратмаси ва бизнесга эгри солиқлардан ташқари) кўшиб чиқиш йўли билан ҳам аниқлаш мумкин. Шахсий даромад кўрсаткичини топиш учун миллий даромаддан уй хўжаликлари кўлига келиб тушмайдиган даромадларнинг юқоридаги учта турини (ишлаб топилган) чиқариб ташлашимиз ҳамда жорий меҳнат фаолиятининг натижаси ҳисобланмаган даромадларни унга кўшишимиз зарур.

Миллий даромад – ижтимоий суғурта ажратмаси – корхона фойдасига солиқлар – корхонанинг тақсимланмайдиган фойдаси + ижтимоий тўловлар (давлатнинг трансферт тўловлари) = шахсий даромад.

Шахсий даромаддан даромад солиқлари тўлангандан кейин, уй хўжаликларининг тўлиқ тасарруфида қоладиган даромад шаклланади. Солиқлар тўлангандан кейинги даромад шахсий даромаддан шу даромад ҳисобидан тўланадиган солиқлар миқдорини чиқариб ташлаш йўли билан ҳисобланади. Солиқлари тўлангандан кейинги даромад уй хўжаликлари энг охирида эга бўладиган даромад ҳисобланиб, алоҳида шахс ва оилалар ўз тасарруфида бу даромадларнинг бир қисмини истеъмол учун сарфлайди ва бошқа қисмини жамғармага йўналтиради.

Макроиктисодий кўрсаткичларнинг қараб чиқилган таҳлилига асосланиб, бу кўрсаткичлар бутун тизими нисбатини кўрғазмали тасаввур қилишимиз мумкин бўлади.

Ички миллий маҳсулот – моддий харажатлар = СММ.

Соф миллий маҳсулот – эгри солиқлар = МД.

Миллий даромад – ижтимоий суғурта ажратмалари – корхона фойдасига солиқлар – корхонада фойдани тақсимлагандан кейин қолган фойдаси тақсимланмайдиган фойдаси + ижтимоий тўловлар = шахсий даромад. Шахсий даромад – шу даромад ҳисобидан даромад солиқлар = солиқлар тўлангандан кейинги даромад деб номланади.

Ялпи миллий маҳсулотни ҳисоблаш усуллари. Миллий маҳсулотни ҳисоблашда миллий ҳисоб тизимидан фойдаланилади.

Миллий ҳисоблар – бу ЯММ ишлаб чиқариш, миллий даромадни ҳисоблаш, тақсимлаш ҳамда улардан фойдаланишни характерлайдиган ўзаро боғлиқ макроиқтисодий кўрсаткичлар тизимидир. Миллий ҳисоблар тизими деганда, мамлакатдаги хўжалик юритувчи субъектларда сарфланган харажатларни ва ишлаб чиқарган маҳсулот ва хизматларни ҳисоблаш (бухгалтерия) мажмуини тушуниш зарур.

Бундай ҳисоблар халқаро статистикада стандарт тизим сифатида 1953 йилдан бошлаб қўлланила бошлади. Ҳозирги даврда дунёнинг 100 дан ошиқ мамлакатларида, шу жумладан Ўзбекистонда мазкур тизим кенг қўлланилади.

Миллий ҳисоблар асосини йиғма баланслар ташкил қилади. Бунга даромад ва харажатлар баланси мисол бўлиши мумкин. Даромадлар хўжалик бирликлари ва аҳоли умумий даромадлари (иш хақи, фойда, даромадларнинг бошқа турлари, амортизация) суммасини акс эттиради. Харажатлар тўртта гуруҳдан иборат бўлади: истеъмол, инвестициялар, давлат хариди, соф экспорт. Миллий ҳисоблар макроиқтисодиётнинг меъёридаги – мувозанатли ҳолатга эришиш даражасини аниқлашга ёрдам беради.

ЯММ (ИММ) уч хил усул билан ҳисобланиши мумкин:

Биринчи усул – бу ЯММни ҳисоблашга қўшилган қийматлар бўйича ёндашув. Бунда миллий иқтисодиётнинг барча тармоқлари бўйича яратилган қўшилган қийматлар қўшиб чиқилади (ЯИМ тармоқ ва ишлаб чиқаришлар бўйича). Бу усул билан ҳисобланган ЯММ (ИММ) алоҳида тармоқларнинг шу маҳсулотини яратишдаги ўрнини ва ҳиссасини аниқлаш имконини беради.

Иккинчи усул – бу ЯММ (ЯИМ)ни ҳисоблашга сарф-харажатлар бўйича ёндашув.

Бунда мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулот (хизмат)лар ҳажмини сотиб олишга қилинган бутун сарфлар қўшиб

чиқилади. Миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулотларни мамлакат ичида хўжаликнинг учта субъекти – уй хўжаликлари, давлат, тадбиркорлар ҳамда ташқаридан чет эллик истеъмолчилар сотиб олиши мумкин.

Уй хўжалиklarининг истеъмолчилик сарфлари. Бу кундалик товарларга, хизматларга, узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол буюмларига ва бошқаларга қилинадиган сарфлардир.

Инвестицион сарфлар тадбиркорлик секторининг асосий капитални ялпи жамғаришга қиладиган сарфлардир. **Инвестицион сарфлар** асосан учта қисмдан иборат: а) тадбиркорлар томонидан машина, ускуна ва станокларнинг барча хариди; б) барча қурилишлар; в) захираларнинг ўзгариши.

Биринчи гуруҳ элементларнинг «инвестицион сарфлар» таркибига киритилиш сабаби аниқ, қурилишларнинг унинг таркибига киритилиши, ўз-ўзидан аниқки, янги фабрика, омбор ёки ғалла омбори қурилиши инвестициялар шакли ҳисобланади.

ЯИМ таркибига захираларининг кўпайиши, яъни ишлаб чиқарилган, лекин мазкур йилда сотилмаган барча маҳсулотлар киритилади. Бошқача айтганда, ЯИМ ўз ичига йил давомидаги захиралар ва эҳтиёжлар барча ўсишининг бозор қийматини олади. Захираларнинг бу ўсиши ЯИМга жорий ишлаб чиқариш ҳажми кўрсаткичи сифатида кўшилади. Захиралар камайганда, у ЯИМ ҳажмидан чиқарилиши зарур. Захираларнинг камайиши йил давомида миллий иқтисодиётда ишлаб чиқарилгандан кўпроқ маҳсулот сотилганини билдиради. Бошқача айтганда, жамият мазкур йилда ишлаб чиқарилган барча маҳсулотни ва бунга қўшимча олдинги йиллардан қолган захираларнинг бир қисмини истеъмол қилган бўлади.

Миллий ҳисоблар тизимида ЯИМни ҳисоблашда ялпи, хусусий ва «ички инвестициялар» тушунчасидан фойдаланилади. Хусусий ва ички инвестициялар мос равишда хусусий ва миллий компаниялар амалга оширадиган инвестицион сарфларни билдиради. Ялпи инвестициялар ўз ичига жорий йилда ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган машина, ускуна ва қурилмаларнинг ўрнини қоплаш учун мўлжалланган барча инвестицион товарлар ишлаб чиқаришни ҳамда иқтисодиётда капитал қўйилмалар ҳажмига ҳар қандай соф қўшимчаларни олади. Ялпи инвестициялар моҳиятига кўра истеъмол қилинган асосий капитални қоплаш сўммасидан ва инвестицияларнинг ўсган қисмидан иборат бўлади. Бошқа томондан

«соф хусусий ички инвестициялар» тушунчаси жорий йил давомида қўшилган инвестицион товарлар сўммасини тавсифлаш учун ишлатилади.

Ялпи инвестициялар ва амортизация (шу йили ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган асосий капитал ҳажми) ўртасидаги нисбат, иқтисодиёт юксалиш, турғунлик ёки таназзул ҳолатида жойлашганлигини тавсифлаб берувчи кўрсаткич (индикатор) ҳисобланади.

Ялпи инвестициялар амортизациядан ортиқ бўлса, иқтисодиёт юксалиш босқичида жойлашади, унинг ишлаб чиқариш қувватлари ўсади.

Турғун иқтисодиёт ялпи инвестициялар ва амортизация тенг бўлган вазиятни акс эттиради. Бу иқтисодиётда мазкур йилда ЯИМни ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган воситаларни қоплаш учун зарур бўлган миқдорда асосий капитал ишлаб чиқаришни билдиради. Бошқача айтганда, соф инвестициялар тахминан нолга тенг бўлади, ишлаб чиқариш қувватлари кенгаймайди.

Ялпи инвестициялар амортизацияга қараганда кам бўлса, яъни иқтисодиётда ишлаб чиқарилганга қараганда капитал кўпроқ истеъмол қилинса, ноқулай вазият вужудга келади. Бундай шароитда иқтисодиётда инвестицияларнинг қисқариши рўй беради. Бу йил охирида капитал ҳажми йил бошида мавжуд бўлгандан кам бўлиб қолишига олиб келади. Масалан, «Буюк турғунлик» даврида, аниқроғи 1933 йил АҚШда ялпи инвестициялар ҳаммаси бўлиб 1,6 млрд. долларни, йил давомида истеъмол қилинган капитал – 7,6 млрд. долларни ташкил қилган. Шундай қилиб, инвестицияларнинг соф қисқариши 6 млрд. долларга тенг бўлган.

Давлат сарфлари – бу маҳсулотларни ва иқтисодий ресурсларни, хусусан ишчи кучини сотиб олишга давлатнинг (бошқарувнинг қуйи ва маҳаллий органлари билан бирга) қилган барча сарфларини ўз ичига олади.

Чет элликларнинг миллий иқтисодиёт товарларига сарфлари худди мамлакат ичидаги истеъмолчилик сарфлари каби миллий ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ. Шу сабабли ЯИМни сарфлар бўйича ҳисоблашда товар ва хизматларга чет элликларнинг сарфлари, яъни **экспорт қиймати** ҳам қўшилади.

Бошқа томондан, истеъмолчилик ва инвестицион сарфлар ҳамда давлат маблағларининг бир қисми импорт қилинган, яъни чет элда ишлаб чиқарилган товарларга сарфланади. Миллий ишлаб чиқариш

умумий ҳажми асосиз ошиб кетмаслиги учун импорт ҳажми ЯИМдан чиқарилади. Бунинг учун экспорт ва импорт миқдорлари ўртасидаги фарқ аниқланади. Бу фарқ товар ва хизматларнинг соф экспорти ёки оддий қилиб соф экспорт дейилади. Соф экспорт ижобий ва салбий бўлиши мумкин. Агар экспорт импортдан ортиқ бўлса, бу ижобий, экспортдан импорт ортиқ бўлса, салбий бўлади.

Қараб чиқилган сарфларнинг тўрт тоифасига ноижорат муассасалар (касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, диний ташкилотлар ва ижтимоий ташкилотлар) сарфлари ва моддий айланма воситалари захирасидаги ўзгаришларни қўшиб чиқиш йўли билан ЯИМ (ИММ) ҳажми аниқланади.

Учинчи усул – бу ЯММ (ЯИМ)ни даромадлар бўйича ҳисоблаш.

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган пировард маҳсулот ҳажмидан олинган барча даромадлар уй хўжаликлари ихтиёрига иш ҳақи, рента тўловлари, фоиз ва фойда шаклида келиб тушади. Шу сабабли бу усулда ЯММ (ЯИМ) пировард маҳсулот ҳисобидан олинган ана шу барча даромадларни қўшиб чиқиш орқали аниқланади.

ЯММ (ЯИМ)ни даромадлар бўйича ҳисоблашда уй хўжаликлари, корхона ва давлат муассасаларининг дастлабки, яъни тақсимланган даромадларини меҳнат ҳақи ва ялпи фойдага (рента, ссуда фоизи ва тадбиркорлик фойдаси ва ҳ.к.) ажратиш мумкин. ЯММ (ЯИМ)ни мазкур усул бўйича ҳисоблашда даромадларнинг барча суммасига истеъмол қилинган асосий капитал қиймати (амортизация ажратмаси) ва бизнесга эгри солиқлар сўммаси ҳам қўшилади. Агар ЯММни ҳисоблашнинг охириги икки усулини оддий тенглик шаклида тасвирласак:

Мазкур йилда ишлаб чиқарилган ИММни сотиб олишга сарфлар ҳажми = мазкур йилда ишлаб чиқарилган ИММдан олинган пул даромадлари суммаси.

Маҳсулотни ишлаб чиқаришга нима сарфланган бўлса, бу мазкур маҳсулотни ишлаб чиқаришга ўзининг ишчи кучи ва моддий ресурсларини бозорда сотишга қўйганлари учун даромад ҳисобланади.

1-жадвал

**Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий
кўрсаткичлари (1999–2010 йиллар)**

	Ўлчов бирлиги	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йилга нисбатан фоиз ҳисобида	
					2000 йил	2010 йил
Ялпи ички маҳсулот (харид қобилияти паритети бўйича)	миллион доллар	27106	35277	92326	1,3 марта	3,4 марта
Саноатнинг ЯИМдаги улуши	фоиз	17,6 ¹	14,2	24,0	х	х
Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари	миллиард сўм	11,1 ²	1387	15811	100,6	182,9
Қишлоқ хўжалигининг ЯИМдаги улуши	фоиз	33,4	30,1	17,5	х	х
Қурилиш ишлари	миллиард сўм	4,2 ²	388,4	8245,8	86,9	2,3 марта
Чакана савдо айланмаси	миллиард сўм	19,8 ²	1788	21873	99,2	2,8 марта
Хизматларнинг ЯИМдаги улуши	фоиз	33,8	37,0	49,0	х	х
Кичик бизнеснинг ЯИМдаги улуши	фоиз	0	31,0	52,5	х	х
Асосий капиталга инвестициялар	миллион доллар қийматида	833,8	3142,5	9712,7	3,8 марта	11,6 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	18,0	22,9	25,0	х	х
Товарлар ва хизматлар экспорти	миллион доллар	442,7	3265	13045	7,4 марта	29,5 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	3,3	24	33,5	х	х
Товарлар ва хизматлар экспорти	миллион доллар	362,9	2947	8800	8,1 марта	24,2 марта
ЯИМга нисбатан фоизда	фоиз	2,7	21,4	22,6	х	х
Ташқи савдо сальдоси	миллион доллар	79,8	317	42,45	х	х

¹ Асосий улушни умумиттифоқ бозори учун хом ашё ва ярим фабрикалар ишлаб чиқариш эгаллаган.

² Миллиард рубль.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Маълумот учун: 2010 йилда ЯИМнинг номинал ҳажми 61,8 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 78 триллион сўмни ташкил этган.

Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ бозор иқтисодиётига ўтишнинг ўзига хос йўлини танлаб, уни изчил амалга ошириши натижасида МДХ бошқа кўплаб мамлакатларидан фарқли равишда, ишлаб чиқариш ва аҳоли турмуш даражасининг кескин пасайиб, давлатнинг ички ва ташқи қарзлари ҳаддан зиёд ошиб кетишига йўл қўймасликка эришган мамлакатлар қаторига киради. Рақамлар бу ҳақида далолат беради: 1991–1995 йилларда Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг пасайиши, МДХ давлатлари ўртасида энг кам кўрсаткич – 18,8 фоизни ташкил этди. Ҳолбуки, бу рақам Россияда – 53 фоиз, Украинада – 52 фоиз, Белоруссияда – 54,6 фоиз, Қозоғистонда эса 75,4 фоизга тенг бўлган. Қулай ишчан муҳит яратиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилашга қаратилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнларининг натижаси сифатида мамлакатимиз иқтисодиёти 2004 йилдан эътиборан йилига 7–9 фоиз даражасидаги юқори ва барқарор ўсиш суръатларини намоиш қила бошлаганини МДХ мамлакатлари статистика қўмитаси маълумотлари ҳам кўрсатган.

Харид қобилияти паритети (ХҚП) бўйича ЯИМ 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 3,4 баробар, яъни 27,1 миллиард АҚШ долларидан 92,3 миллиард АҚШ долларига ошди. Қулай ишчан муҳитнинг яратилиши, инвестициялар оқимининг кучайиши нафақат иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштириш, балки иқтисодиёт таркибида муҳим сифат ўзгаришларининг юз беришини ҳам таъминлади. Хусусан, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш бўйича амалга оширилган сиёсатнинг натижаси сифатида 2000–2011 йилларда қишлоқ хўжалигининг мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши 30,1 фоиздан 17,5 фоизга камайиб, саноатнинг улуши 14,2 фоиздан 24,1 фоизга, хизматлар улуши эса 37 фоиздан 49 фоизга ўсди.

1992–1994 йилларда истеъмол нархларининг ўртача ойлик ўсиши 21–23 фоиз ёки ўртача йиллик ўсиши 1000 ва ундан ортиқ фоизни ташкил этди. Мамлакатимизда 1994 йилнинг 1 июлидан бошлаб миллий валютанинг муомалага киритилиши, мустақил бюджет-солиқ сиёсатининг шакллантирилиши, нархларни эркинлаштириш жараёнининг ниҳоясига етказилиши ва шунингдек,

тўлов интизомини мустаҳкамлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар истеъмол нархлари инфляциясини 7–8 фоизга тушириш имконини берди, бу эса қулай ишчан муҳитни яхшилаш ва инвестицияларни рағбатлантиришда энг муҳим омиллардан бири бўлди.

Инвестицион фаоллик кўрсаткичлари кейинги йилларда ишчан муҳитнинг сезиларли даражада яхшилангани ва юқори иқтисодий ўсиш суръатлари барқарор тус олаётганининг ёрқин далилидир, Масалан, ўзлаштирилган капитал қўйилмалар ҳажми 1990–2000 йилларда 3,8 баробар ошди, 2010 йилда эса 1990 йилга нисбатан 11,6 баробар ортиб, 9,7 миллиард АҚШ долларини ташкил этди.

Ташқи савдо айланмаси ҳажмининг ЯИМга нисбати 1990 йилда 6 фоизни, 2000 йилда – 45,4 фоизни, 2010 йилда эса 56,1 фоизни ташкил этди. Агар 1990 йилда экспорт импортга нисбатан 79,8 миллион доллар ортиқ бўлган бўлса, 2009 йилда ташқи савдонинг ижобий савдоси 2333 миллион долларни, 2011 йилда эса 4 миллиард 500 миллион долларни ташкил этди.

Юқоридагиларнинг барчаси Ўзбекистон иқтисодий тизимини барқарорлигини таъминлаш ва ватанимиз тараққиётига ва халқ фаровонлигини юксалтиришга олиб келади. Ялпи ички маҳсулотнинг юқори суръатлар билан ўсиши сўнги йилларда анъанавий хом ашё тармоқлари ҳисобидан эмас, жаҳон бозоридаги қулай конъюнктура ва айрим хом ашё турлари ҳамда материаллар нархининг юқорилиги ҳисобидан эмас, балки биринчи навбатда рақобатга бардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда замонавий хизмат кўрсатиш соҳаларини жадал ривожлантиришни белгилаб берадиган жиддий таркибий ўзгаришлар ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш эвазига таъминланмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш зарурки, ўтган 2006 йил – Ҳомийлар ва шифокорлар, 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя, 2008 йил – Ёшлар, 2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги, 2010 йил – Баркамол авлод, 2011 – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида эришилган ана шундай ўсиш суръатлари ва юксак макроиқтисодий кўрсаткичлар жамиятимизнинг барча соҳаларини тубдан ислоҳ қилиш ва янгилаш бўйича мамлакатимизда амалга оширилган кўп йиллик машаққатли ва мураккаб ишларнинг мантиқий натижаси, мамлакатимиз иқтисодиётини изчил ва барқарор ривожлантиришнинг амалдаги кўриниши бўлди.

Маълумки, рақамлар «ўжар» бўлади. Улар сохталик, қинғирликни ёқтирмайди. Юқорида келтирилган ҳар бир рақам замирида

дунёвий тараққиёт йўлимизга бўлган ишонч, фуқароларимиз катъияти, ташаббускорлиги ва албатта, ўз келажагини янада фаровон этишга интилиш ҳисси яширингандир. Келтирилган рақамлар, энг аввало, одамлар онгидаги ўзгаришлар маҳсули сифатида баҳоланаётгани бежиз эмас. Меҳнатга, мулкка бўлган муносабатнинг ўзгарганлиги маҳсулидир бу. Жойларда, ниҳоят, тадбиркор ва фермерларга мустақилликнинг дастлабки йилларидагидек «ўгай кўз билан қаралмаётгани» хусусий мулкка иқтисодиётнинг таянчи сифатида муносабатда бўлинаётгани маҳсули бу.

Муҳим ютуғимиз сифатида, бозор ислохотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустақамлашга қаратилган чораларнинг амалга оширилиши мамлакатимизда инвестиция муҳитини яхшилаш ҳамда ҳажми тобора ортиб бораётган хорижий сармояларни жалб қилишда ижобий таъсир кўрсатаётганлигини соғлом фикрлайдиган ҳар бир инсон дилдан ҳис қилмоқда.

2. Макроиқтисодий мувозанат. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодий ўсиш, инвестициянинг аҳамияти

Миллий иқтисодиёт даражасида тўлиқ бандликка эришиш, инфляцияни энг кам даражага келтириш ва барқарор иқтисодий ўсишга эришиш, макроиқтисодий мувозанатни тақозо этади. Ижтимоий ишлаб чиқариш ва умуман такрор ишлаб чиқариш ҳам иқтисодиётнинг барча даражасида, яъни микро ва макроиқтисодиёт даражасида иқтисодий мувозанатнинг таъминланиб турилишини зарур қилиб қўяди. Шундай экан, иқтисодий мувозанат, иқтисодий ўсиш ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг энг муҳим ва асосий шарт-шароити бўлиб юзага чиқади. Иқтисодий мувозанатга таъриф беришдан олдин иқтисодий фан тарихида бу муаммо бўйича анча кенг тарқалган ёндашувларга алоҳида эътиборни қаратамиз.

Иқтисодиёт фани тарихида «иқтисодий мувозанат» тушунчасининг турлича таърифлари мавжуд бўлиб, уларни умумлаштирилган ҳолда *иккита йўналишга* ажратиш мумкин. **Биринчи йўналиш** бевосита «иқтисодий мувозанат» тушунчасининг вужудга келиш ва ривожлантирилишининг тарихий босқичлари билан боғлиқ бўлиб, бунда мазкур тушунча «умумий бозор мувозанати» сифатида талқин қилиниши даражасигача етиб келади. Бу йўналишда

иқтисодий мувозанатликнинг кўплаб моделлари мавжуд бўлиб улар турли даврларда бу муаммога ҳар хил қарашларни акс эттирган:

1) оддий такрор ишлаб чиқариш модели (Ф. Кенэ томонидан XVIII асрда Франция мисолида тушунтириб берилган);

2) оддий ва кенгайтирилган капиталистик ижтимоий такрор ишлаб чиқариш схемаси (XIX асрда классик иқтисодчилар томонидан асослаб берилган);

3) эркин рақобат қонуни амал қилган шароитда умумий иқтисодий мувозанат модели (Л. Вальрас томонидан асосланган);

4) «Харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» модели (В. Льонтьев асос солган);

5) қисқа даврли иқтисодий мувозанат модели (Д. Кейнс циклик ривожланишни таҳлил қилиш орқали кўрсатиб берган).

Иқтисодий мувозанат назариясига оид илк фикрлар классик сиёсий иқтисод асосчиларидан бири А. Смитнинг «Халқлар бойлигининг табиати ва сабаблари тўғрисида тадқиқот» номли асарида ёритилган бўлиб, унда иқтисодий муносабатларнинг барчаси бозор механизми ёрдамида тартибга солиниши, талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанат фақат бозор механизми ёки «кўринмас қўл» ёрдамида таъминланиши таъкидлаб ўтилган. Унинг: «Алоҳида олинган ҳар бир одам фақат ўзини ўйлаган ҳолда, ўзининг шахсий манфаатлари йўлида қилган ҳаракатлари кўринмас қўл орқали унинг қизиқиши доирасига мутлақо кирмаган бошқа мақсадларга йўналтирилади ва бу ҳаракат онгли равишда жамият манфаатларига хизмат қилгандагига қараганда кўпроқ самара беради», – деган машҳур фикри ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган. Аммо, у иқтисодий мувозанатни таъминлаш жараёнларида давлат иштирокини мутлақо инкор этган.

Иқтисодий мувозанат назариясини ривожлантиришга ўз хиссасини қўшган намояндалардан бири Ж. С. Миллдир. У: «Жамият ортиқча пулдан ўз кучи билан қутула олмайди, шу сабабли ягона йўл нархнинг ўсиши бўлиб, фақат шу йўл билан талаб ва таклиф ўртасидаги мувозанатни таъминлаш мумкин», – деб таърифлаган. Унинг фикрича, нарх ўсишини талаб ва таклиф

ўртасидаги мутаносиблик таъминлангунга қадар давом эттириш зарур¹.

XX асрнинг 20-йиллари охирлари ва 30-йиллари бошларида Ғарбдаги бозор иқтисодиёти ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида «Буюк депрессия» номи билан машҳур бўлган барқарор ва узок давом этган, макроиқтисодий беқарорлик ҳукм сурди. Бундан юз йил олдин шакллантирилган классик назария таълимоти рўй берган инқироз жараёнларнинг барча жиҳатлари бўйича тушунтириб беришга лаёқатсиз бўлиб қолди. Д. Ж. Кейнс классик иқтисодчилар назариясини танқид қилиб, иқтисодиёт назариясида ҳақиқий тўнтариш қилишга олиб келган назарияни яратди.

Бу барча иқтисодчиларнинг иқтисодий мувозанатлик тўғрисидаги ғоялари ўзлари яшаган муҳит шароитидан келиб чиққан ҳолда, бирмунча чекланган характерга эгадир. Аввало, уларнинг иқтисодий ғоялари умумий бозор мувозанатини таҳлил қилиш билангина чекланади, холос. Шу сабабли уларнинг ғоялари иқтисодиётнинг умумий мувозанатлиги ёки «иқтисодий мувозанатлик» тушунчасини тўлиқ ёритиб бериш даражасига етмаган, бу ўз навбатида иқтисодий мувозанатнинг умумий шарт-шароитлари ва намоён бўлиш шакллари хам кўрсатиб беролмаган. Бунинг сабаби оддий бўлиб, циклик ривожланиш натижасида вужудга келадиган ишлаб чиқариш соҳаларини қамраб олган ва «ортиқча ишлаб чиқариш инқирозлари», деб номланган.

Ҳозирги замон бозор иқтисодиёти доимий инфляция ва ишсизлик шароитида ривожланиб, макроиқтисодий беқарорлик характери кучайиб бориши натижасида иқтисодий мувозанатликни таъминлаш ҳам анча мураккаб кечиб, давлатнинг самарали макроиқтисодий сиёсат (молия ва пул кредит) олиб боришини тақозо этади. Ҳозирги замон иқтисодиёт фанида иқтисодий мувозанатлик тушунчаси ўқув адабиётлари даражасида бўлса-да, барча жиҳатлари (сабаблари, оқибатлари, натижалари) билан биргаликда анча кенг тадқиқ қилинади. Жумладан, иқтисодий мувозанатликнинг моҳияти, уни таъминлаш муаммолари К. Макконелл, С. Брю томонидан ёпиқ ва очиқ иқтисодиёт учун ялпи талаб ва ялпи тақлифнинг мувозанатлиги орқали тушунтирилиб берилади. Улар кўплаб

¹ Қаранг: *Mill J.S. On the Defintion of Political Economy; and on the Method of Invstigation Proper to it. In: Tssays on Some Unsettled Questions of Political Economy. L., p. 133–137.*

алоҳида олинган бозорлардаги мувозанатли нарх ва ишлаб чиқариш ҳажмини ўрганиш орқали хусусий мувозанатликнинг таҳлили билан шуғулланган бўлса, барча турли хил бозорлардаги умумий таклиф ҳажми ва улардаги нархларнинг ўртача даражаси ўртасидаги ўзаро боғлиқликни кенг миқёсда ўрганиб чиқиш орқали умумий бозор мувозанатини кўрсатиб беришга ҳаракат қиладилар.

Юқорида кўрсатиб ўтилган муаллифлар ва бошқа кўпчилик Ғарб иқтисодчилари томонидан «иқтисодий мувозанат» тушунчаси бўйича зикр этилган барча иқтисодий ғоялар ҳам «умумий бозор мувозанати», яъни ялпи талаб ва ялпи таклиф мувозанати доираси билан чекланади. Бундан ташқари ушбу тушунчалар анча мавҳумлаштирилиб, мураккаб математик тенглаштиришлар ва жадвали таҳлил усуллари орқали баён қилинади. Бу эса иқтисодий ҳодиса ва жараёнларнинг иқтисодий мазмунини илғаб олишни анча қийинлаштиради.

Дунёдаги иқтисодий жиҳатдан тараққий этган мамлакатлар иқтисодий тизими юзлаб йиллар давомида шаклланиб, ўзининг ривожланишида нисбатан барқарорликни сақлаб қолиши (цикли ривожланиш натижасида келиб чиқадиган иқтисодий беқарорликларни ҳисобга олмаганда) ўз-ўзидан «умумий иқтисодий мувозанатлик» тушунчасини назарий тадқиқ қилишни «кун тартиби»дан чиқариб қўяди.

Собиқ социалистик тизим амал қилиб турган даврда унинг таркибига кирган мамлакатларда жамият эҳтиёжлари ва ишлаб чиқариш ҳажми бир марказдан туриб мувофиқлаштирилиб борилганлиги туфайли иқтисодий мувозанатлик муаммоси ўқув адабиётларида, илмий тадқиқот ишларида қайд қилинмаган ва ўрганилмаган.

Ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражасига ишлаб чиқариш муносабатларининг тўлиқ мос келиши ҳамда «Режали ва пропорционал ривожланиш қонуни»нинг амал қилиши, гўёки ўз-ўзича иқтисодий мувозанат ва такрор ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз кенгайиб боришини таъминлайди, деган ақиданинг мавжуд бўлиши ҳар қандай мувозанатни илмий-назарий тадқиқ қилишни ҳам инкор этган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов шу муаммо ҳақида таъкидлаганидек, «доно» Давлат План қўмитаси, ундан юқорироқда эса партия Марказқўми идораларни ишга солиб, маъмурий йўл билан, режа-директив қарорлар тизими орқали ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиш даражаси билан ишлаб чиқариш

муносабатларининг хусусияти ўртасида сунъий мувозанат тикланарди»¹.

Иқтисодий мувозанатлик назариясидаги **иккинчи йўналиш** собиқ социалистик лагер мамлакатлари иқтисодий тизимининг инқирозга учраши оқибатида вужудга келди. Бу мамлакатларда шиддатли тарзда рўй берган ижтимоий-иқтисодий бекарорликлар, яъни иқтисодий ўсиш суръатлари ва бандлик даражасининг сурункали пасайиб бориши, инфляция жараёнларининг нохуш оқибатлари ҳамда такрор ишлаб чиқаришдаги доимий равишда вужудга келиб турган бошқа номутаносибликлар, макроиқтисодий мувозанатликка эришиш орқали иқтисодий ўсишни зарур қилиб қўйди. Бу назария иқтисодий фанлар олдига «иқтисодий мувозанатлик» тушунчасининг иқтисодий мазмунини, уни таъминлашнинг шарт-шароитларини ва намоён бўлиш шаклларини илмий назарий тадқиқ қилиш вазифасини ҳам қўяди.

Шу сабабли собиқ СССР худудида вужудга келган Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари иқтисодчи олимлари томонидан мазкур муаммонинг назарий ва амалий томонларини ўрганишга алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бунда, албатта, россиялик иқтисодчилар билдирган фикр ва қарашлар устуворликка эга. Бироқ, «иқтисодий мувозанатлик тушунчаси» турли иқтисодчилар томонидан турлича талқин қилинади. Айримлар, иқтисодий мувозанатликни чекланган ишлаб чиқариш ресурсларидан фойдаланиш усуллари ва уларни жамият аъзолари ўртасидаги тақсимлашнинг ўзаро мос келиши сифатида тавсифлайди².

«Иқтисодий мувозанат» тушунчасига берилган бу таъриф куйидаги сабабларга кўра чеклангандир:

биринчидан, унда жамият эҳтиёжлари билан миллий ишлаб чиқариш имкониятлари, яъни мавжуд иқтисодий ресурслар даражаси ўртасидаги боғлиқлик тушунтириб берилмайди;

иккинчидан, мувозанатлик ресурслардан фойдаланиш усуллари билан уларнинг тақсимланиши ўртасидаги боғлиқлик сифатида бир томонлама талқин қилинади.

Бошқа назарийчилар иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг шундай бир ҳолати, бунда товарлар ва хизматларни

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 350.

² Қаранг: Экономическая теория: Учебное пособие / Под общ. ред. Н.И. Базылева. – Минск, 2000. – С.126.

яратишда фойдаланиладиган чекланган ишлаб чиқариш ресурслари ва уларни жамиятнинг турли аъзолари ўртасида тақсимланиш жараёни мос келиши лозим, яъни ресурслар ва улардан фойдаланиш натижалари, ишлаб чиқариш ва истеъмол, талаб ва таклиф, моддий буюмлашган ва молиявий оқимлар ўртасида ялпи мутаносиблик мавжуд бўлади¹, деган фикрни илгари суради.

Бизнингча, «иқтисодий мувозанатлик» тушунчасининг мазмуни ҳақида гапирганда, ишлаб чиқаришнинг натижалари унинг пировард мақсади «жамият эҳтиёжлари» билан боғланганлигига эътибор қаратиш керак. Кўпчилик ҳолларда макроиқтисодий мувозанатликка юзаки ёндашиб, умумий (абстракт) таъриф берилса, айрим адабиётларда унга миллий маҳсулот ва миллий даромад алоҳида қисмлари, маҳсулотлар ва даромадлар ўртасидаги маълум бир нисбат (макроиқтисодий нисбат) сифатида қаралади².

Кўпинча иқтисодий мувозанатлик бозор мувозанатини характерловчи ялпи талаб ва ялпи таклиф ўртасидаги нисбат сифатида ҳам талқин қилинади.

Юқоридаги барча қарашларни умумлаштириб, «иқтисодий мувозанат» тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: *иқтисодий мувозанат – бу макроиқтисодиёт даражасида жамият эҳтиёжларига мавжуд иқтисодий ресурслар миқдорининг ва ижтимоий ишлаб чиқариш натижалари ҳажми ҳамда таркибининг ўзаро мос келишини характерлайди.*

Иқтисодий мувозанатлик миллий иқтисодиётнинг турли даражасидаги (микро ва макро) турли мувозанатларни қамраб олади. Шартли равишда *умумий ва хусусий мувозанатларни ажратиб кўрсатиш мумкин (Қаранг: 1-чизма).* Умумий мувозанатлик макроиқтисодий мувозанатни анча тўлиқ даражада ифодалайди.

Умумий мувозанат – бу жамиятнинг барча эҳтиёжлари (аҳоли, давлат, корхона) ва миллий ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўзаро мос келиш даражасини билдиради. Қиймат ифодасида бу мувозанат ялпи талаб ва ялпи таклифнинг нисбати орқали намоён бўлади. Миллий иқтисодиётда рўй берадиган барча ўзгаришлар пировард натижада ялпи талаб ва ялпи таклифдаги ўзгаришлар орқали ифодаланади. Ялпи талаб товарлар бозорида тақдим қилинган

¹ Қаранг: Сажина М. А., Чибриков Г. Г. Экономическая теория: Учебник для вузов. – М., 1998. – С. 267.

² Қаранг: Меньшиков П. Новая экономика. – М., 1999. – С. 199.

пировард товарлар ва хизматларга бўлган барча алоҳида талаблар йиғиндисидан иборат. Иқтисодий мувозанатлик ялпи талаб ва ялпи таклифнинг тенглигини тақозо этса ҳам, амалиётда уларнинг нисбати ўртасидаги ўзгаришининг мумкин бўлган ҳар хил вариантлари мавжуд бўлади. Жумладан:

- ялпи талабнинг ортиши. Ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва баҳоларнинг ўсиши билан бирга боради;
- ялпи талабнинг тушиши. Ишлаб чиқариш ҳажми, миллий даромад ва баҳоларнинг пасайиши билан;
- ялпи таклифнинг ортиши. Ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши билан бирга боради ва баҳоларнинг тушишини келтириб чиқаради;
- ялпи таклифнинг камайиши ва шунга мос равишда ишлаб чиқаришнинг қисқариши, баҳоларнинг ўсишига олиб келади.

Бу барча шарт-шароитлар идеал ҳолда потенциал имконият даражада вужудга келади. Реал ҳаётда эса умумий мувозанатлик таркибий номутаносибликлар, ресурслардан самарасиз фойдаланиш, баҳоларнинг беқарорлиги, иқтисодий цикл фазаларининг ўзгариши, бозор конъюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибидаги ўзгаришлар таъсирида таъминланиб борилади.


Бундай шароитда умумий мувозанатлик ҳолатини (ялпи талаб ва ялпи таклиф мос келиши), турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишни тақозо этади. Бу барча айтилганлардан хулоса чиқарадиган бўлсак, умумий мувозанатлик бутун ижтимоий ишлаб чиқаришнинг, мамлакат миллий иқтисодиётининг мутаносиблигидир. Бу барча тармоқлар, соҳалар ва иқтисодиёт бирламчи бўғинларининг бир меъёрда ривожланишини таъминлаган, иқтисодий фаолиятнинг барча қатнашчилари, барча бозорлар ва иқтисодий жараён муносабатларининг айрим томонлари ўртасидаги барқарорлик характеридаги бир қатор мувозанатликлар тизимини ўз ичига олади.

Бу мувозанатликларнинг шакллари турли-туман бўлганлиги сабабли улар алоҳида ҳолда хусусий мувозанатликлар сифатида чиқади.


Хусусий мувозанатлик – бу иккита ўзаро боғлиқ бўлган иқтисодий миқдорлар ёки иқтисодиёт томонларининг миқдоран тенг келишидир.

Хусусий мувозанатлик ишлаб чиқариш ва истеъмол, аҳолининг сотиб олиш лаёқати ва товарлар таклифи бюджет даромадлари ва харажатлари, алоҳида товарларга бўлган талаб ва

таклиф ўртасидаги мувозанатликлар кўрилганда юзага чиқади. Бу мувозанатликлар ичида Президенти Ислон Каримов таъкидлаганидек, «ички бозорда талаб ва таклиф ўртасидаги мутаносибликка эришиш, яъни чиқарилган пул миқдори билан унга сотиб олинандиган моллар салмоғи ўртасидаги нисбатни таъминлаш ғоят катта роль ўйнайди»¹.



¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 348.



**1-чизма. Макроиқтисодий мувозанатлик
ва унинг турлари.**

Шундай қилиб, иқтисодий мувозанатлик ўзининг барча шакллари билан биргаликда инқирозсиз ва ижтимоий иқтисодий ларзаларсиз ривожланишни характерлайдиган иқтисодий идеалдир. Реал иқтисодий ҳаётда макроиқтисодий мувозанатлик талаблари турли туман беқарорликлар таъсирида бузилиб туради, бироқ иқтисодий мувозанатлик назарий моделини билиш, реал жараёнларнинг уларнинг идеал андозасидан фарқ қилинишини келтириб чиқарадиган аниқ омилларни аниқлаш, иқтисодиётнинг оптимал ҳолатида фаол ҳал қилинишини таъминлаш йўллари топиш имконини беради.

Иқтисодий мувозанатликни аниқлаш усуллари. Иқтисодий мувозанатлик эркин рақобат бозорида барча харидорлар тенглиги, иқтисодий вазият барқарорлиги каби қатор шарт-шароитларни ҳам тақозо қилади.

Реал ҳаётда иқтисодиёт доимий ҳаракатда ва тўхтовсиз ривожланиш ҳолатида бўлади. Иқтисодий цикл фазаларида, бозор конъюктураси, бозор субъектлари даромадлари ва талаби таркибида ўзгаришлар рўй бериб туради. Буларнинг ҳаммаси мувозанатли ҳолатни турғун иқтисодиётдаги шартли умумий мувозанатлик сифатида қараб чиқишни тақозо қилади. Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда асосан иккита ўзаро боғлиқ усулдан фойдаланилади:

- 1) ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш усули;
- 2) жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усули.

Ялпи сарфлар ва ишлаб чиқариш ҳажмини таққослаш учун ишлаб чиқариш умумий ҳажмининг миқдорий кўрсаткичи сифатида соф миллий маҳсулот (СММ), иқтисодиётда ялпи сарфлар сифатида истеъмол ҳажми ва инвестицияларга сарфларнинг умумий суммаси (С+1п) олинади.

Иқтисодиётнинг мувозанатли даражаси – бу ишлаб чиқаришнинг шундай ҳажмики, у ишлаб чиқариш мазкур ҳажмини сотиб олиш учун етарли умумий сарфларни таъминлайди. Бошқача айтганда, соф миллий маҳсулот мувозанатли даражасида ишлаб чиқарилган товарларнинг умумий миқдори (СММ) харид қилинган товарлар умумий миқдорига (С+Іп) тенг бўлади. Тўлиқ бандлик шароитида ялпи сарфлар СММ ҳажми билан мос келмаслиги мумкин. Бу мос келмаслик рецессион ёки инфляцион фарқда ифодаланади. Ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан кам бўлган миқдори рецессион, ялпи сарфларнинг СММ ҳажмидан ортиқча бўлган миқдори инфляцион фарқ дейилади.

Жамғарма ва инвестицияларни таққослаш усулининг моҳияти шундаки, ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг ҳар қандай ҳажми шунга мос даромад ҳажмини беради. Бироқ аҳоли бу даромаднинг бир қисмини истеъмол қилмасдан жамғаришга қўйиши мумкин. Жамғариш, сарфлар – даромадлар оқимидан потенциал сарфларни олиб қўйиш ҳисобланади. Бунда жамғармага қўйилган маблағ инвестициялар билан тўлиқ қопланса, ялпи сарфлар ишлаб чиқариш ҳажмига тенг бўлади.

Инвестицион сарфларнинг кўпайиши ишлаб чиқариш ҳажми ва даромад даражасининг ўсишига олиб келади. Бу ўзаро натижа мультипликатор самараси дейилади. *Мультипликатор самараси* – бу соф миллий маҳсулотдаги ўзгаришнинг сарфлардаги (инвестициялардаги) ўзгаришга нисбати.

Реал СММдаги ўзгариш

Мультипликатор самараси = _____
инвестицион сарфлардаги ўзгариш

СММдаги ўзгариш = мультипликатор х инвестициялардаги ўзгариш.

Агар инвестицион сарфларнинг 5 млрд. сўмга кўпайиши соф миллий маҳсулотнинг 20 млрд. сўмга ортишига олиб келса, мультипликатор самараси 4 га (20:5), СММдаги ўзгариш 20 млрд. сўмга (4х5) тенг бўлади. Инвестицион сарфлардаги ўзгаришдан ташқари истеъмол, давлат хариди ёки экспортдаги ўзгаришлар ҳам мультипликатор самарасига таъсир кўрсатади.

Мультипликатор самараси иккита ҳолатга асосланади. *Биринчидан*, иқтисодиётда бир субъект томонидан қилинган сарф, бошқаси томонидан даромад шаклида олинади. *Иккинчидан*, даромаддаги ҳар

қандай ўзгариш истеъмол ва жамғаришда худди шундай йўналишда ўзгариш бўлишига олиб келади.

Иқтисодий мувозанатлик даражасини аниқлашда юқоридагидан ташқари баланс усулидан ва «харажат ва натижа»ларни таққослаш усулидан ҳам фойдаланилади. Баланс усулида тармоқлараро баланс, моддий, молиявий ва ишчи кучи балансларидан фойдаланилиб, иқтисодиётдаги мувозанатлик даражасига баҳо берилади.

«Харажат ва натижа»ларни таққослаш усулида ишлаб чиқаришга қилинган иқтисодий ресурс харажатлари миқдори олинган маҳсулот ҳажми билан таққосланиб, мувозанатлик даражаси таҳлил қилинади.

Иқтисодий мутаносиблик ва унинг турлари. Миллий иқтисодиётдаги мувозанатлик унинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида мутаносиблик бўлишини тақозо қилади.

Иқтисодий мутаносиблик – иқтисодиётнинг турли томонлари ва соҳалари ўртасида миқдор ва сифат жиҳатдан маълум мослик бўлишидир. Бунда тенглик бўлиши шарт эмас. Улар мос келувчи (2:3, 5:3, 3:1) нисбатларида бўлиши мумкин.

Макроиқтисодий жараён ғоят мураккаб ва кўп қиррали бўлгани сабабли мутаносиблик турлари ҳам кўп ва хилма-хил. Уларнинг барчасини умумлаштириб, мутаносибликнинг қуйидаги гуруҳлари таркибига киритиш мумкин:

1. Умумиқтисодий характердаги мутаносибликлар. Бунга миллий даромаддаги таркибий қисмлар: истеъмол фонди ва жамғариш фонди, иқтисодиётдаги товар ва хизматлар массаси билан пул массаси, аҳолининг даромадлари билан харажатлар ўртасидаги мутаносибликларни мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

2. Тармоқлараро мутаносибликлар. Миллий иқтисодиётнинг мувозанатини таъминлашда тармоқлараро мутаносибликлар алоҳида ўрин тутаяди. Мамлакат халқ хўжалиги жуда кўп тармоқ ва соҳалардан иборат бўлиб, уларнинг ривожланиши бир-бирини тақозо қилади. Бир тармоқда яратилган маҳсулот бошқа тармоқда истеъмол қилинади ёки пировард маҳсулотга айлантирилиб, ўз истеъмолчисини топади. Масалан, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг кўпчилиги қисми (пахта, ғалла, пилла, сут ва ҳ.к.) саноатнинг тегишли тармоқларида қайта ишланиб, пировард маҳсулотга айлантирилади ва истеъмолчилик товарлари бозорига чиқарилади. Ўз навбатида саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари яратадиган соҳаларининг маҳсулотлари халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари (қишлоқ

хўжалиги, қурилиш ва ҳ. к.)да унумли истеъмол қилинади. Бу уларнинг бир-бирига боғлиқликда ривожланишини тақозо қилади. Тармоқлараро мутаносибликларга саноат билан қишлоқ хўжалиги ва халқ хўжалигининг бошқа тармоқлари ўртасидаги мутаносибликлар мисол бўлади.

3. Тармоқ ичидаги мутаносибликлар. Тармоқлараро мутаносиблик ва миллий ишлаб чиқариш даражасидаги мувозанатлик тармоқлар ичидаги мутаносиблик орқали таъминланади. Тармоқлар ичидаги мутаносиблик алоҳида олинган тармоқ таркибидаги соҳа ва ишлаб чиқаришлар ўртасидаги боғлиқликни ифодалайди. Масалан, саноатнинг ишлаб чиқариш воситалари ва истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадиган соҳалари, қишлоқ хўжалигининг деҳқончилик ва чорвачилик соҳалари ўртасидаги мутаносибликлар ва ҳ. к. Шу билан бирга, таъкидлаб ўтилган соҳаларнинг ичидаги таркибий бўлинмалар ўртасида ҳам боғлиқлик бўлиши зарур. Масалан, саноатнинг қазиб олиш ва қайта ишлаш тармоқлари, чорвачиликнинг сут ва гўшт ишлаб чиқариш соҳалари ўртасида ва бошқалар.

4. Худудий (территориал) мутаносибликлар. Иқтисодий ривожланиш мамлакат айрим худудлари ўртасидаги боғлиқликни ҳам тақозо қилади. Юзаки қараганда худудлар ўртасидаги мутаносибликларнинг мамлакат иқтисодий ривожидagi роли тўлиқ намоён бўлмайди. Лекин алоҳида худудий бўлинмалар (вилоят, туман, шаҳар ва бошқа худудий birlikлар)нинг бир-бирига иқтисодий ва ташкилий жиҳатдан боғлиқлиги, ихтисослашиш, ишлаб чиқариш кооперацияси ва коммуникация нуқтаи назаридан қаралса, бу боғлиқликнинг аҳамияти яққол кўринади.

5. Давлатлараро мутаносибликлар. Бу мутаносибликни икки ҳолат тақозо қилади. *Биринчидан*, дунёнинг кўпчилиги мамлакатлари халқаро меҳнат тақсимоти орқали бир-бири билан боғланган, *иккинчидан*, шу боғлиқлик орқали миллий ишлаб чиқаришнинг бир қисми чет элликлар томонидан харид қилинади ёки миллий ишлаб чиқарувчилар ўз истеъмолининг бир қисмини четдан келтирилган маҳсулотлар ҳисобига қондиради. Бу боғлиқлик қанчалик катта бўлса, соф экспорт ҳажми орқали макроиқтисодий мувозанатликка шунчалик кучли таъсир кўрсатади.

Қараб чиқилган мутаносибликларга эришиш орқали миллий ишлаб чиқаришнинг мувозанатли ривожини таъминлаб боришдан қуйидагилар кўзда тутилади:

➤ мамлакатда мавжуд бўлган иқтисодий ресурслардан самарали фойдаланган ҳолда жамиятнинг эҳтиёжларини тўлароқ қондириб бориш;

➤ тўла бандликка эришиш, яъни меҳнат қилишга лаёқатли бўлган ва ишлашни хоҳлаганларни тўлиқ ва самарали иш билан таъминлаш;

➤ нарх-навонинг нисбий барқарорлигига эришиш ва уни инфляция таъсиридан холи қилиш;

➤ иқтисодиётнинг бир маромда ўсиб боришини етарли даражада инвестиция билан таъминлаш ва муомаладаги пул массасига боғлаб бориш;

➤ экспорт ва импортни мувофиқлаштириш асосида ташқи савдо балансининг фаоллигига эришиш.

Бу мақсадлар фақат уларга интилиш бўлиб, бунга эришиш муқаррар эканлигини билдирмайди. Чунки мутлақ мувозанатга эришиш мумкин эмас, у бузилиб ва қайтадан тикланиб туриши орқали иқтисодий ўсиш нотекис боради.

Ўзбекистонда иқтисодиёт таркибий тuzилишини ўзгартириш вазифалари. Иқтисодиётни бутунлай янги тартиблар асосида ислоҳ қилиш унинг ривожда номутаносибликлар бўлиши ва танглик ҳолатларнинг келиб чиқишини муқаррар қилиб қўяди. Шу сабабли иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида уни жонлантириш ва бир текис ривожлантириш йўлидаги қонуний босқичдир. У иқтисодий ривожланишда бутунлай инқирозга учрашга чап бериш учун ишлаб чиқариш ва чиқарилаётган маҳсулот таркибини ўзгартиришга, яъни танглик ҳолатларига барҳам беришга йўналтирилади. Республикада иқтисодий ислохотларни амалга оширишнинг дастлабки даврида барқарорлаштириш сиёсатидан кўзда тутилган мақсад, энг аввало, макроиқтисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқариш кескин даражада пасайишининг олдини олиш ва оммавий ишсизликнинг келиб чиқишига йўл қўймасликдан иборат бўлди. Шу билан бирга, бу сиёсат пул эмиссиясини бошқариш, унинг қадрсизланишининг олдини олиш, мамлакат тўлов балансини бир меъёрда сақлаш каби мақсадларни ҳам ўз ичига олади.

Республикада барқарорлаштириш сиёсатини ишлаб чиқишда жаҳон тажрибасида синалган ёндашувлар ҳисобга олиниб, ишлаб чиқариш соҳаларига устунлик берилди. «Барқарорлаштириш

сиёсати, – деган эди Президент Ислон Каримов, – энг аввало, бу макроиктисодиётда мувозанатни сақлаш, ишлаб чиқаришнинг кескин даражада пасайишига ва оммавий ишсизликка йўл кўймасликдир. Шунингдек, у пул қадрсизланишининг, пул эмиссиясининг бошқарилишини таъминлаш, тўлов балансини бир меъёрда сақлаш соҳасида аниқ мақсадни кўзлаб олиб бориладиган сиёсатдир». Моддий ишлаб чиқариш соҳаларининг ривожланишида уларни таркибан қайта қуриш талаблари ҳам кўзда тутилди. Бунда асосий эътибор катта истиқболга эга бўлган, бутун халқ хўжалигининг ривожланиш тамойилларини белгилаб берадиган етакчи тармоқ ва соҳаларга қаратилди.

Иқтисодиётда зарур таркибий ўзгаришларни амалга оширгунча ишлаб чиқаришнинг орқага кетишига барҳам бериш энг муҳим мақсад бўлиб қолади. Шу сабабли республикада 90-йилларнинг ўрталаридаёқ макроиктисодий барқарорлик соҳасида ишлаб чиқариш суръатларининг пасайишини секинлаштиришга мойиллик кўзга ташланади, айрим кўрсаткичлар бўйича эса ўсишга эришилди. Иқтисодиётнинг иккита етакчи тармоғи – саноат ва қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган тадбирлар натижасида саноатда 1995 йилдаёқ қишлоқ хўжалигида, 1997 йилда ишлаб чиқаришнинг орқага кетиши тўхтатилганини эслаш лозим.

Макроиктисодий барқарорлик сиёсатида 1997 йил кескин бурилиш даври бўлди, ислохотлар амалга оширилган давр давомида биринчи марта ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши (105,2 фоиз) аҳоли сонининг ўсишидан (101,8 фоиз) юқори бўлди¹. Бу ижобий тамойиллар 1998 ва ундан кейинги йилларда мустаҳкамлаб борилди. Республикамизда амалга оширилаётган модернизация стратегияси бугунга келиб изчил иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлади. Ушбу стратегия иқтисодиётнинг реал секторини қўллаб-қувватлашга, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлашга, иқтисодий субъектларни солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш бўйича амалга оширилган ишларга, аҳолининг бандлик муаммосини ҳал этишга йўналтирилган тадбирларга, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, оқилона инвестиция сиёсати натижасида сўнгги йилларда амалга оширилган

¹ Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлигининг маълумотлари.

инвестицион лойиҳаларга, амалга оширилаётган оқилона пул-кредит сиёсатига, ерларимизнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирларга, иқтисодиётнинг молия-банк секторини мустаҳкамлашга, маҳаллийлаштириш дастурини амалга оширишга қаратилди.

Республика миллий иқтисодиётида эришилган бу ижобий натижалар, таркибий қайта қуришлар асосида бутунлай янги халқ хўжалик мажмуининг бунёд этилганлиги, биринчи навбатда, энг муҳим макроиқтисодий ва такрор ишлаб чиқариш нисбатларини давлат томонидан самарали тартибга солишнинг натижаси ҳисобланади. Бунда асосий эътибор иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши, ҳудудларнинг таркибий тузилишини такомиллаштиришга қаратилади. Таркибий сиёсатнинг ҳудудий жиҳатларини таъминлаш одамлар турмуш даражасида вужудга келган ҳудудий номутаносибликни бартараф этиш, ресурслар ва ишлаб чиқариш имкониятларидан самарали фойдаланишга эришишда катта аҳамиятга эга бўлди.

Республика иқтисодиётининг таркибий тузилишини қайта қуришда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турини ўзгартириш, унинг сифатини яхшилаш ва маҳсулот тайёрлашга кетадиган жами харажатларни камайтириш талаблари ҳам ҳисобга олинади. Иқтисодиёт тузилишидаги ўзгартиришлар, четдан маҳсулот олиб келишни қисқартириш, халқ хўжалигининг хом ашё етиштиришга қаратилган бир томонлама йўналишини бартараф этиш ва унинг экспорт имкониятини кенгайтириш, тармоқлар ичидаги ва ҳудудий жиҳатдан вужудга келган номутаносибликларни бартараф этиш асосида иқтисодиётнинг мутаносиб ва барқарор ривожланишини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш билан боғлиқликда амалга оширилди. Шу вазифалардан келиб чиқиб, иқтисодиёт ички тузилишидаги ўзгаришлар – республиканинг энергетика ва озиқ-овқат мустақиллигини таъминловчи тармоқларни ривожлантиришга қаратилди. Бунда, биринчи навбатда, энг муҳим ўзак тармоқларни – нефть ва газ саноатини, энергетикани, рангли металлургия саноатини, машинасозлик мажмуини, қишлоқ хўжалик ва агросаноат мажмуининг бошқа соҳаларини ривожлантиришга устунлик берилади.

Халқ хўжалигининг такрор ишлаб чиқариш тузилишини тубдан ўзгартириш асосида умумиқтисодий барқарорликка эришишда

истеъмол билан жамғариш фонди ўртасидаги энг мақбул мутаносибликни таъминлаш асосий ўрин тутди. Истеъмол фондининг энг мақбул даражасига эришиш – ички бозорда талаб билан таклиф ўртасида мутаносибликни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Шу сабабли давлат энг муҳим макроиқтисодий такрор ишлаб чиқариш нисбатларини тартибга солиб турувчи омилларга кўпроқ эътибор берди. Бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодиётни барқарорлаштириш муаммосини ҳал этишда ишлаб чиқариш инфратузилмасининг муҳандислик коммуникациялари, транспорт ва алоқа тизими сингари тармоқларини устувор ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилди.

Номоддий ишлаб чиқариш соҳасида таркибий қайта қуришлар фаол инвестиция сиёсатини ўтказиш орқали амалга оширилди. Шу сабабли республика инвестиция базасини ривожлантиришга катта эътибор берилиб, бунда ўз сармояларимиз, ташқи кредитлар, бевосита инвестициялар ва уларнинг барча манбаларидан ўринли фойдаланиш кўзда тутилди. Ташқи инвестицияларни жалб қилишда бевосита инвестициялар тарзида, давлат қарзлари, халқаро молия ва иқтисодий ташкилотлар, қарз берувчи мамлакатлар молиявий-кредит ресурслари шаклларида амалга ошириш мумкинлиги ҳисобга олинади.

Шундай қилиб, республикада иқтисодий ислохотлар давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодиёт таркибий тузилишини қайта қуриш вазифаларига аҳолининг реал турмуш даражасини яхшилаш учун зарурий шарт-шароитларни вужудга келтириш сифатида қаралди. Иқтисодиётнинг барча соҳалари ва тармоқларида эркинлаштириш жараёнини изчиллик билан ўтказиш ва иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш томон йўл тутилган ҳозирги шароитда ҳам «иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш»¹ иқтисодиёт соҳасидаги энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Бу, ўз навбатида, бой табиий захираларимиз, минерал хом ашё, меҳнат ресурсларимиз, интеллектуал ҳамда илмий техникавий салоҳиятимиздан тўлиқ ва самарали фойдаланишни тақозо этади. Таркибий ўзгаришларни амалга ошириш маҳаллий хом ашё ва

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т. 8. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 15.

табий имкониятлар асосида ишлайдиган, илғор замонавий технологияларни жорий этган ҳолда, нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқарувчи тармоқларга қаратилиши зарур.

Янги босқичда хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрнини кучайтиришга алоҳида эътибор берилади. Чунки, бу соҳа янги иш жойларини яратишнинг муҳим омили бўлиши билан бирга, аҳоли турмуш даражасининг ўсиши, унинг ривожланиш даражасига боғлиқ.

3. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициянинг аҳамияти

Мамлакатларнинг иқтисодий ривожланиши кўп омилли ва шу билан бирга зиддиятли жараён ҳисобланади. Иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизик бўйича рўй бермайди.

Шу аёнки, ҳар қандай жамиятда ўсиб бораётган эҳтиёжларни қондириш ва фаровон яшаш учун иқтисодий ўсиш юз бериши керак. Иқтисодий ўсиш деганда, иқтисодий раванқ, яъни иқтисодиётнинг динамик ривожланиши бўлиб, яратилган товарлар ва хизматларнинг кўпайиб боришини англатади. Аммо иқтисодий ривожланиш ҳеч қачон бир текис, юқорилаб борувчи чизик бўйича рўй бермайди. Иқтисодий ўсишни икки даражада олиб қараш мумкин.

Микроиқтисодий ва макроиқтисодий ўсиш. Микроиқтисодий ўсиш фирма, корхона ва тармоқ миқёсидаги ривожланишни акс эттиради ва уларда ўсиш яратилган товарлар ва хизматларнинг бозор нархида ҳисобланган ҳажмига қараб аниқланади. Макроиқтисодий ўсиш миллий иқтисодиёт, яъни муайян мамлакат миқёсидаги иқтисодий тараққиётни ифода этади ва ялпи миллий маҳсулотнинг (ЯММ) кўпайишини билдиради. ЯММ ҳажми иқтисодий ўсишнинг умумлашган пулда ифодаланган кўрсаткичи ҳисобланади. Шу билан биргаликда, иқтисодий ривожланиш ўз ичига юксалиш ва инқироз даврларини, иқтисодиётдаги миқдор ва сифат ўзгаришларини, ижобий ва салбий томонларни олиб, нотекис боради. Миллий иқтисодиётда иқтисодий ривожланиш қийин аниқланадиган жараён бўлганлиги сабабли, унинг мезонларидан бири бўлган иқтисодий ўсиш кўпроқ таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш иқтисодий ривожланишнинг таркибий қисми бўлиб, ўз ифодасини реал ЯММ (ЯИМ) ҳажмининг ва унинг аҳоли жон бошига кўпайишида топади. Шунини аниқ тасаввур қилиш керакки, маҳсулотлар ва хизматлар ғоят хилма-хил бўлганидан уларнинг ягона моддий ўлчами бўлмайди. Ягона ўлчам вазифасини бозор нархи бажаради. Қандай иш бажарилмасин, қандай маҳсулот яратилмасин, унинг ҳажми фалон пулга тенг деб ҳисобланади. Шу сабабли ЯММ ҳам икки усулда ҳисобланади. *Биринчи усулда* харажатлар жамланади, яъни барча истеъмолчиларнинг товар ва хизматларни сотиб олишга сарфланган пули жамланади. *Иккинчи усулда* – товар ва хизматларни сотишдан тушган пул даромадлари жамланади. Иқтисодий ўсиш эса, ЯММнинг реал ҳажми билан ўлчанади. Гап шундаки, унинг қиймат – пул шакли нархларга боғлиқ. ЯММнинг моддий ҳажми ўсмаса-да, инфляция таъсирида нарх ошса, унинг қиймат-пул миқдори ортиб кетади. Иқтисодий ўсишга тарихий жиҳатдан ёндашилганда, у бир хил суръатларда ва бир текис бормайди. Тарихда иқтисодий ўсиш суръатларининг жадаллашиш, жиддий пасайиш ва ҳатто чекланиш даврлари маълум. Агар катта тарихий босқичлар олиб қараладиган бўлса, жаҳон ва миллий иқтисодиётда, барқарор иқтисодий ўсиш, ишлаб чиқаришнинг ҳар томонлама тараққиёт манзараси ҳосил бўлади. Шу билан бирга иқтисодий ўсиш нафақат миқдор, балки муайян сифат ўзгаришлари шаклида ҳам намоён бўлади. Президент Ислом Каримов таъкидлаганларидек: «Иқтисодий ривожланиш суръатлари ҳақида гапирганда ... унинг мезонларига ва энг аввало, сифат кўрсаткичларига кўпроқ эътибор қаратиш муҳим аҳамият касб этади. Бундай ўсишлар иқтисодиётимизда юз бераётган таркибий ўзгаришлар, унинг изчил ва барқарор ривожини учун хизмат қилиши, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтиришга, бир сўз билан айтганда, амалий ҳаётимизни яхшилашга олиб келиши лозим».

Шундай экан, **иқтисодий ўсиш бевосита ялпи миллий маҳсулот миқдорининг мутлақ ва аҳоли жон бошига ҳамда иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига кўпайиши ҳамда сифатининг яхшиланишида ва таркибининг такомиллашувида ифодаланади.**

Маҳсулотнинг ўсиш суръати билан ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат иқтисодий ўсишнинг экстенсив ёки интензив турларини белгилаб беради.

Экстенсив иқтисодий ўсишга ишлаб чиқаришнинг аввалги техникавий асоси сақланиб қолган ҳолда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг кўпайиши туфайли эришилади. Айтайлик, маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса кўпайтириш учун мавжуд корхона билан бир қаторда ўрнатилган ускуналарнинг қуввати, миқдори ва сифати ишчи кучининг сони ҳамда малака таркиби бўйича худди ўшандай яна бир корхона қурилади. *Экстенсив* ривожланишда, агар у соф ҳолда амалга оширилса, ишлаб чиқариш самарадорлиги ўзгармай қолади.

Иқтисодий ўсишнинг интенсив тури шароитида маҳсулот чиқариш миқёсларини кенгайтиришга ишлаб чиқариш омилларини сифат жиҳатидан такомиллаштириш: янада прогрессивроқ ишлаб чиқариш воситаларини ва янги техникани қўллаш, ишчи кучи малакасини ошириш, шунингдек мавжуд ишлаб чиқариш салоҳиятидан яхшироқ фойдаланиш йўли билан эришилади. Интенсив йўл ишлаб чиқаришга жалб этилган ресурсларнинг ҳар бир бирлигидан олинadиган самаранинг, пировард маҳсулот миқдорининг ўсишида, маҳсулот сифатининг ошишида ўз ифодасини топади. Бунда маҳсулот ишлаб чиқаришни икки ҳисса ошириш учун мавжуд корхонага тенг бўлган яна бир корхона қуришга ҳожат йўқ. Бу натижага ишлаб турган корхонани реконструкция қилиш ва техника билан қайта қуроллантириш, мавжуд ресурслардан яхшироқ фойдаланиш ҳисобига эришиш мумкин. Реал ҳаётда экстенсив ва интенсив омиллар соф ҳолда, алоҳида-алоҳида мавжуд бўлмайди, балки муайян уйғунликда, бир-бири билан қўшилган тарзда бўлади. Шу сабабли устувор экстенсив ва устувор интенсив иқтисодий ўсиш турлари таҳлил қилинади.

Иқтисодий ўсиш мураккаб ва кўп қиррали жараёнدير. Шу сабабли уни баҳолаш учун қандайдир битта кўрсаткич кифоя қилмайди, муайян кўрсаткичлар тизими талаб қилинади. Бу кўрсаткичлар тизимида жисмоний ва қиймат ифодасидаги кўрсаткичлар фарқланади.

Иқтисодий ўсишнинг жисмоний кўрсаткичлари анча аниқ натижа беради, (чунки улар инфляция таъсирига берилмайди), лекин универсал эмас (иқтисодий ўсиш суръатларини ҳисоблашда ҳар хил неъматлар ишлаб чиқаришни умумий кўрсаткичга келтириш қийин). Қиймат кўрсаткичлар кенг қўлланилади, аммо ҳар доим ҳам уни инфляциядан тўлиқ «тозалаш» мумкин бўлавермайди. Шу сабабли

иқтисодий ўсиш суръатлари қиёсий ёки доимий нархларда ҳисобланади.

Макроиқтисодий даражада иқтисодий ўсишнинг асосий қиймат кўрсаткичлари қуйидагилар ҳисобланади:

1) ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг мутлақ ҳажми ва унинг ўсиш суръати;

2) ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг аҳоли жон бош ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати;

3) ЯММ (ИММ) ёки миллий даромаднинг иқтисодий ресурс харажатлари бирлиги ҳисобига тўғри келадиган миқдори ва унинг ўсиш суръати.

Иқтисодий ўсишни аниқлашда ҳар учала кўрсаткичдан ҳам фойдаланиш мумкин, лекин уларнинг аҳамияти турлича. Масалан, агар диққат марказида иқтисодий потенциал муаммоси турса, биринчи кўрсаткичдан фойдаланиш кўпроқ мос келади. Алоҳида мамлакат ва регионлардаги аҳолининг турмуш даражасини таққослашда, кўпроқ иккинчи кўрсаткичдан фойдаланилади. Иқтисодий самарадорликни баҳолашда учинчи кўрсаткичга устуворлик берилади.

Одатда иқтисодий ўсиш фоизда ўсишнинг йиллик суръати сифатида аниқланади. Масалан, агар ўтган йили реал ЯММ 60 млрд. сўмни ва жорий йилда 70 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, ўсиш суръатини жорий йилдаги реал ЯММнинг базис даврдаги ҳажмига бўлиш йўли билан аниқлаш мумкин. Бу ҳолда ўсиш суръати $16,6$ фоиз ни $(70/60*100)$ ташкил қилади.

Мамлакатнинг иқтисодий ўсиш суръатини характерлайдиган кўрсаткичлар (реал ЯММ ва аҳоли жон бошига реал ЯММнинг ўсиши) миқдорий кўрсаткичлар бўлиб, улар:

– *биринчидан*, маҳсулот сифатининг ошишини тўлиқ ҳисобга олмайди ва шу сабабли фаровонликнинг ҳақиқий ўсишини тўлиқ характерлаб беролмайди;

– *иккинчидан*, реал ЯММ ва аҳоли жон бошига ЯММнинг ўсиши бўш вақтнинг сезиларли кўпайишини акс эттирмайди ва фаровонлик реал даражасининг пасайтириб кўрсатилишига олиб келади;

– *учинчидан*, иқтисодий ўсишни миқдорий ҳисоблаш бошқа томондан унинг атроф-муҳитга ва инсоннинг ҳаётига салбий таъсирини ҳисобга олмайди.

Иқтисодий ўсишнинг алоҳида томонларини характерловчи кўрсаткичлари ҳам мавжуд бўлиб, улардан асосийлари ишлаб

чиқарувчи кучлар ривожланиш даражаси, меҳнат унумдорлиги ва иш вақтини тежаш, шахсий даромад ва фойда массаси, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши кабилар ҳисобланади.

Ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси қуйидаги кўрсаткичлар билан характерланади:

а) ишлаб чиқариш воситаларининг ривожланиш даражаси, яъни унинг унумдорлиги;

б) ходимнинг малакаси ва тайёргарлик даражаси;

в) ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омили ўртасидаги нисбат;

г) меҳнат тақсимооти, ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиши, ихтисослаштирилиши ва кооперацияси.

Иқтисодий ўсишнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланиладиган бошқа кўрсаткичи иқтисодиётнинг тармоқ тузилиши ҳисобланади. У тармоқлар бўйича ҳисоблаб чиқилган ЯИМ кўрсаткичи асосида таҳлил қилинади.

2-жадвал

**Ўзбекистон миллий иқтисодиёти тармоқлари бўйича ЯИМ
улушининг ўзгариши (жорий баҳоларда ЯИМга фоиз ҳисобида)**

Тармоқлар	1990 йил	2000 йил	2010 йил	2011 йил
Жами	100	100	100	100
Саноат	17,6	14,2	24,0	24,1
Қишлоқ хўжалиги	33,4	30,1	17,5	15,5
Қурилиш	5,8	6,0	6,4	–
Транспорт ва алоқа	5,2	7,7	12,4	–
Савдо	4,5	10,8	9,0	–
Бошқа соҳалар	22,2	18,7	23,7	–
Соф солиқлар	11,3 ¹	12,5	7,0	5,0

Маҳсулотларга марказлашган субсидиялардан ташқари.

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Бунда халқ хўжалигининг йирик соҳалари, моддий ва номоддий ишлаб чиқариш тармоқлари ўртасидаги нисбат ҳам ўрганилади.

Инвестициялар сарфларнинг иккинчи таркибий қисми ҳисобланади. Инвестициялар даражаси жамият миллий даромади ҳажмига

сезиларли таъсир кўрсатади, миллий иқтисодиётдаги кўплаб мутаносибликлар унинг ўсиш суръатига боғлиқ бўлади. Инвестициялар мамлакат миқёсида кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш объектлари қуриш, станок, ускуна ва шу каби узоқ муддатли фойдаланиладиган асосий капиталларни сотиб олиш, ишга тушириш билан боғлиқ сарфларни билдиради.

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга пул шаклидаги қўйилмадир. У пул маблағлари, банк кредитлари, акция ва бошқа қимматли қоғозлар кўринишида амалга оширилади.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейлади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

– инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);

– қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

– жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);

– бюджетдан инвестицияларни молиялаштириш.

Инвестицияларнинг манбаларидан бири аҳоли кенг қатламлари (ишловчилар, ўқитувчилар, шифокорлар ва бошқалар) жамғармаси ҳисобланади. Муаммо шундан иборатки, жамғарма хўжалик юритувчи бир гуруҳ томонидан амалга оширилади, инвестициялар эса шахслар ёки хўжалик юритувчи субъектларнинг бутунлай бошқа гуруҳи томонидан амалга оширилиши мумкин. Ўз-ўзидан аниқки, инвестициялар манбаи бўлиб иқтисодиётда фаолият қилувчи саноат, қишлоқ хўжалик ва бошқа корхоналар фойдаси ҳам ҳисобланади. Бу ерда «жамғарувчи» ва «инвестор» бир-бирига тўғри келади.

Инвестицияларга қилинадиган сарфларнинг ҳаракатлантирувчи мотиви *фойда* ҳисобланади. Тадбиркорлар ишлаб чиқариш воситаларини қачонки улар фойда келтирадиган бўлса, сотиб олади.

Инвестициялар даражасини белгилайдиган иккинчи омил *фоизнинг реал ставкаси* ҳисобланади. Фоиз ставкаси бу – реал асосий капитални сотиб олиш учун зарур бўлган банд қилинган пул

капиталига корхона тўлаши зарур бўлган пул миқдори ҳисобланади. Агар кутилаётган соф фойда нормаси (10 фоиз) фоиз ставкаси (7 фоиз)дан ортиқ бўлса, инвестицияни амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўлади. Аксинча, фоиз ставкаси (айтайлик, 12 фоиз) кутилаётган соф фойда нормасидан (10 фоиз) ортиқ бўлса, инвестициялаш самарасиз ҳисобланади. Инвестиция даражасига кутилаётган соф фойда нормаси ва фоиз ставкасидан ташқари бошқа қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

1) машина ва ускуналарни харид қилиш, фойдаланиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

2) тадбиркорлардан олинadиган солиқ миқдори;

3) технологик ўзгаришлар.

Иқтисодий ўсишни таъминлаш, янги иш ўринларини ташкил қилиш, бандлик муаммосини ҳал этиш, аҳолининг даромадлари ва фаровонлигини оширишда тобора муҳим ўрин тутадиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш, рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Мамлакатимизда 2005 йилдан кейинги, яъни икки палатали парламент фаолияти даврида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг муҳим тармоқларидан бири бўлган касаначиликни ҳукумат дастури асосида ривожлантиришга кенг йўл очилди. Касаначиликнинг дўппидўзлик, тикувчилик (ишчи кийимлари, кўлқоп, чопон сингари), темирчилик, гиламдўзлик каби ҳунармандчилик соҳалари кенгайди. Биргина «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги» йилида кўрилган амалий чоралар натижасида мамлакатимизда 940 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилди, уларнинг 500 мингга яқини қишлоқ жойларида ташкил этилди. Кичик бизнес соҳасида 390 мингдан зиёд, шу жумладан, хизмат кўрсатиш соҳасида 270 мингдан ортиқ янги иш ўринлари очилди.

Кейинги йилларда бизнинг экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг

натижасидир. Шунинчиси мамнуният билан таъкидлаш керакки, ўзлаштирилган барча инвестицияларнинг қарийб 54 фоизини корхоналар ва аҳоли маблағлари ташкил этади. Бу мамлакатимизда солиқ юкини камайтириш ва хўжалик юритувчи субъектларнинг инвестиция фаоллигини рағбатлантириш бўйича олиб борилаётган солиқ сиёсати қанчалик тўғри эканини яна бир бор тасдиқлайди.

3-жадвал

2005–2009 йилларда инвестицияларни молиялаштириш таркибидаги ўзгаришлар (фоизда)

Молиялаштириш манбалари	2005 й.	2006 й.	2007 й.	2008 й.	2009 й.
Давлат бюджети	12,7	10,7	9,0	9,0	8,1
Чет эл инвестициялари	19,2	19,0	22,8	25,8	32,4
Корхоналар ва аҳоли маблағлари	60,3	60,0	59,0	53,9	46,9
Бошқа манбалар	7,8	10,3	9,2	11,3	12,6

Иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва уни модернизация қилиш борасида стратегик муҳим роль ўйнайдиган лойиҳаларни амалга ошириш, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасини шакллантиришда 2006 йилда ташкил этилган, бугунги кунда 3 миллиард 200 миллион АҚШ долларидан ортиқ низом жамғармасига эга бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фонди фаолиятига катта аҳамият берилди. Мамлакатимиз бўйича инвестиция дастурларини амалга ошириш натижасида қарийб 250 миллиард сўмлик асосий фондга эга бўлган жами 423 та объект, жумладан, озиқ-овқат саноатида 145 та, қурилиш материаллари саноатида 118 та, енгил ва тўқимачилик саноатида 65 та, қишлоқ ва ўрмон хўжалиги соҳасида 58 та, кимё ва нефть-кимё саноатида 13 та, фармацевтика тармоғида 8 та объект ишга туширилди.

**Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг дастлабки
2009 йили давомида ниҳоясига етказилган стратегик
лойиҳалар**

Лойиҳа объекти	Лойиҳанинг қисқача мазмуни
«Фарғонаазот» корхонаси	Аммиак агрегатларини реконструкция қилиш
«Максам-Чирчиқ» корхонаси	
Наманган шаҳридаги енгил автомобиллар учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқариш заводи	Енгил автомобиллар учун фара ва чироклар ишлаб чиқариш
Бухоро шаҳридаги «ДЭУ текстил» тўқимачилик мажмуи	Пахта толасини қайта ишлаш асосида тўқимачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш
«Газли» қўшимча компрессор станцияси	Газ маҳсулотларини истеъмолга тайёрлаш ва ишлов бериш жараёнларини таъминлаш
«Қўнғирот» компрессор станцияси	
Туркманистон-Ўзбекистон-Қозоғистон-Хитой трансмиллий магистрал газ қузури	Туркманистондан Ўзбекистон ҳудуди орқали Хитойга ўтадиган газ қузурини тортиш ишлари
«Янги Ангрен-Ўзбекистон» ЛЭП-500 электр узатиш тармоғи	Мамлакат ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш
«Ғузор-Сурхон» юқори вольтли электр узатиш тармоғи	
«Оҳангарон-Пунгон» магистрал газ қузури	Мамлакат ҳудудларини табиий газ билан таъминлаш

Бундан ташқари, ҳудудларимизда, аввало, қурилиш материаллари саноати, озиқ-овқат, енгил саноат ва бошқа тармоқларда кичик бизнес соҳасида фаолият олиб борадиган 480 дан ортиқ янги ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этилди. Иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва халқимиз фаровонлигини оширишда мамлакатимиз ҳудудларида ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Стратегик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш натижасида мамлакатимизда ягона электр ва газ тармоғи тизимларини ташкил этиш ишлари асосан якунланди. Бу эса Фарғона водийси ва Ўзбекистон жанубида яшайдиган аҳолини табиий газ ва электр энергияси билан ишончли таъминлаш, шунингдек, электр энергияси экспорт қилишни сезиларли равишда ошириш имконини беради.

Ўзбекистоннинг инвестиция сиёсати. Макроиқтисодий барқарорликка эришилиши, иқтисодий ва институционал ислохотларнинг

чуқурлаштирилиши ҳамда мамлакатимизда инвестиция муҳитининг яхшиланиши инвестиция фаоллигининг сезиларли даражада кучайишига ва иқтисодиётимизга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажмининг 2010 йилда 1990 йилдагига нисбатан 11,6 баробар ўсиши учун имкон берди. Айниқса, молиялаштириш манбалари бўйича инвестициялар таркибида туб ўзгаришлар рўй бермоқда. Иқтисодиётимиздаги анча юқори ўсиш суръатлари ҳисобидан марказлашмаган манбалар, биринчи навбатда, хусусий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларнинг улуши ортиб бормоқда.

4-жадвал

Капитал қўйилмалар динамикаси ва таркиби

	Капитал қўйилмалар (миллион доллар)			Капитал қўйилмалар таркиби (фоиз)		
	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Капитал қўйилмалар	833,8	3142,5	9712,7	100	100	100
Шу жумладан						
Давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар маблағлари ва бошқа марказлаштирилган манбалар	386,1	958,1	1266,6	46,3	30,5	13
Марказлашмаган инвестициялар	447,7	1456,9	5621,6	53,7	46,3	57,9
Корхоналар маблағлари	342,7	852,9	3124,4	41,1	27,1	32,2
Аҳоли маблағлари	105,0	376,6	1554,2	12,6	12,0	16
Банк кредитлари ва бошқа кредит маблағлари	–	227,4	943,0	–	7,2	9,7
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	–	727,5	2824,5	–	23,2	29,1
Шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар	–	105,2	2454,7	–	3,4	25,3

Агар 1990 йилда мамлакатимизнинг инвестиция портфелида хорижий инвестициялар деярли мавжуд бўлмаган бўлса, 2000 йилда инвестиция ва кредитларнинг улуши 23,2 фоизни, жумладан, ҳукумат кафолати билан жалб этилган хорижий инвестиция ва кредитлар 19,8 фоизни, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар эса 3,4 фоизни ташкил қилди. Хорижий инвесторлар учун яратилган

қулай бизнес муҳити, кенг ҳуқуқий кафолат ва имтиёзлар тизими, хорижий инвестициялар иштирокидаги корхоналарни рағбатлантиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи мамлакатимиз иқтисодиётига тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар оқимини тубдан кўпайтириш имконини берди. Натижада 2010 йилда хорижий инвестицияларнинг жами капитал қўйилмалар таркибидаги улуши 29,1 фоизни, жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 25,3 фоизни ва ҳукумат кафолати остидаги инвестициялар 3,8 фоизни ташкил этди.

5-жадвал

Иқтисодиёт тармоқлари бўйича капитал қўйилмалар таркиби (фоиз ҳисобида)

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Жами	100	100	100
Ишлаб чиқариш тармоқлари бўйича	58,3	57,5	73,5
Ёқилғи-энергетика	5,2	7,6	11,8
Металлургия	0,1	2,7	5,5
Кимё ва ёқилғи-кимё	1,4	7,9	1,2
Машинасозлик	3,6	4,1	3,4
Енгил саноат	2,5	2,4	2,5
Озиқ-овқат саноати	2,3	2,5	1,7
Қурилиш материаллари	1,7	0,3	2,5
Қишлоқ хўжалиги	26,7	5,7	3,5
Транспорт ва алоқа	5,4	16,8	29,9
Бошқа соҳалар	9,4	7,5	11,5
Ноишлаб чиқариш тармоқлари бўйича	41,7	42,5	26,5

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Агар 1990 йилда иқтисодиётга киритилган инвестицияларнинг 46 фоиздан ортиғи давлат бюджети, бюджетдан ташқари фондлар ва бошқа марказлашган манбалар маблағлари ҳисобидан молиялаштирилган бўлса, 2010 йилда марказлашган молиялаштириш манбаларининг жами капитал қўйилмалар ҳажмидаги улуши 13 фоизга тушди. Бу жараёнда давлат бюджети ва бошқа марказлашган манбалар ҳисобидан йўналтирилган умумий инвестициялар ҳажми 3,3 баробардан зиёд ортиди.

1990–2010 йилларда иқтисодиётни модернизация қилиш, техник

ва технологик қайта жиҳозлаш борасидаги аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат натижаси сифатида ишлаб чиқаришга жалб қилинган инвестицияларнинг улуши ўсиб, умумий капитал қўйилмалар ҳажмидаги 58,3 фоиздан 73,5 фоизга етди. Фаол инвестиция сиёсати иқтисодиётни таркибий ўзгар-тиришнинг энг самарали воситаси ҳисобланади. Ўзбекистоннинг инвестиция стратегиясида янги ва юксак технологияларга асосланган, илғор технологиялар билан жиҳозланган ва хом ашё ресурсларимизни чуқур қайта ишлашни таъминлайдиган, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда янги иш ўринлари яратишга йўналтирилган инвестиция лойиҳаларига устувор аҳамият берилмоқда.

1990–2010 йиллар давомида инвестициялар таркибида ёқилғи-энергетика соҳасини (5,2 фоиздан 11,8 фоизга), транспорт ва алоқа соҳасини (5,4 фоиздан 29,9 фоизга) ҳамда металлургия соҳасини (0,1 фоиздан 5,5 фоизга) ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар улуши ортди. Янги ишлаб чиқариш объектларини ташкил этиш ҳамда мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш учун машинасозлик, металлургия, кимё ва ёқилғи-кимё, енгил ва озиқ-овқат саноати соҳаларига йирик капитал қўйилмалар йўналтирилди, бу эса иқтисодиётга жалб қилинган капитал қўйилмалар таркибида ушбу тармоқлар улушининг сезиларли даражада ошишига олиб келди.

Юқори қўшимча қийматга эга бўлган юксак технологиялар асосидаги маҳсулотлар ишлаб чиқаришга қаратилган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда жаҳондаги энг йирик ва машҳур АҚШнинг «Женерал Моторс», «Тексако», Германиянинг «МАН», «Даймлер Бенц», «Клаас», Буюк Британиянинг «БАТ», Испаниянинг «Максам», Япониянинг «Исузу», «Ито-чу», Малайзиянинг «Петронас», Кореянинг «Кореан Эйр», «CNOС», «LG», Хитойнинг «CNPC», Россиянинг «Лукойл», «Газпром» каби компаниялари, Осиё тараққиёт банки, Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки сингари йирик халқаро молия ташкилотлари, Жанубий Корея, Япония, Хитой ва бир қатор араб давлатларининг инвестиция банклари мамлакатимизнинг асосий ҳамкорлари бўлмоқда.

Инвестиция ва саноат соҳасидаги фаол сиёсат натижаси сифатида мустақиллик йилларида юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарадиган янги автомобиль заводлари ташкил этилди. Жаҳондаги етакчи хорижий компаниялар билан ҳамкорликда Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Шўртан газ-

кимё мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, ўнлаб тўқимачилик мажмуалари барпо этилди.

Иқтисодиётнинг етакчи, авваламбор, базавий тармоқларини модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлаш бўйича лойиҳаларни ва шунингдек, самарали таркибий ўзгаришлар ҳамда инвестиция сиёсатини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан 2006 йилда ташкил этилган низом фонди, 2012 йилда қарийб 13 миллиард доллардан иборат бўлган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси муҳим ўрин эгалламоқда. Жамғарманинг энг асосий вазифаларидан бири – иқтисодиётнинг етакчи тармоқлари ривожини, биринчи навбатда, ишлаб чиқариш инфратузилмасининг шаклланиши билан боғлиқ устувор вазифаларни амалга оширишда ҳал қилувчи аҳамият касб этадиган стратегик инвестиция лойиҳаларини молиялаштиришдан иборат.

Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳал этадиган яна бир муҳим вазифа хорижий инвесторлар, молия институтлари ва шерикларни инвестиция лойиҳаларини биргаликда молиялаштириш ва амалга ошириш мақсадида мамлакатимизга кенг жалб этиш ҳисобланади. Жамғарманинг қўшма лойиҳаларда иштирок этиши Осиё тараққиёт банки, Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги, Ислонд тараққиёт банки, Хитой экспорт-импорт банки, Хитой Давлат тараққиёт банки, Корея тараққиёт банки, бошқа хорижий молия институтлари, банк ва компанияларнинг маблағлари ҳисобидан 3,2 миллиард доллардан зиёд чет эл инвестицияси ва кредитларини жалб этиш имконини берди.

Ўтган йили фаолият кўрсатаётган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда замонавий, юксак технологияларга асосланган янги ишлаб чиқаришни ташкил этишни тезлаштириш борасида фаол инвестиция сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилди. 2011 йилда молиялаштиришнинг барча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион доллардан ортиқ капитал қўйилмалар ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп, демакдир. Инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёнларининг жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

Иқтисодиётимизнинг реал секторига қарийб 2 миллиард 900 миллион доллар ҳажмида хорижий инвестициялар жалб қилинди, уларнинг 78,8 фоизи тўғридан-тўғри хорижий инвестициялардир.

Капитал қўйилмаларни молиялаштириш манбалари ва улардан фойдаланиш борасида ижобий сифат ўзгаришлари рўй бермоқда. Жами инвестицияларнинг 73 фоиздан ортиғи мамлакатимизнинг ички манбалари ҳисобидан – корхоналар ва аҳоли маблағлари, инвестиция жараёнларида тобора фаол иштирок этаётган тижорат банклари кредитлари, шунингдек, давлат бюджети ва бюджетдан ташқари жамғармалар маблағлари ҳисобидан шакллантирилмоқда.

Жами инвестицияларнинг 73,5 фоиздан ортиғи ишлаб чиқариш қувватларини барпо этишга йўналтирилмоқда. Инвестицияларнинг қарийб 45,3 фоизи замонавий, юксак самарали асбоб-ускуналар харид қилишга йўналтирилгани айниқса, муҳимдир.

Мамлакатимизда фаол инвестиция сиёсати олиб борилиши натижасида ҳисобот даврида ўнлаб замонавий корхоналар ишга туширилди. Жумладан, «Женерал Моторс Павертрейн Ўзбекистон» қўшма корхонасида юқори технологиялар асосида автомобиль двигателлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, автомобиль генератори ва компрессорлари ишлаб чиқариш бўйича қувватлар барпо этилди, энергияни тежайдиган лампалар ишлаб чиқариш бўйича учта лойиҳа амалга оширилди. Шулар қаторида «Зенит электроникс» қўшма корхонасида «Самсунг» кир ювиш машиналари ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Айни пайтда маиший газ плиталари, кондиционерлар, электр чангютгич ва бир қанча бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

«Муборак газни қайта ишлаш заводи» унитар шўъба корхонасида суюлтирилган газ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш мақсадида пропан-бутан аралашмаси қурилмасининг биринчи навбатини, Самарқанд вилоятида «MAN» юк ташиш машиналари ишлаб чиқариш бўйича янги мажмуанинг дилерлик марказини бунёд этиш ишлари якунига етказилди. Навоий иссиқлик электр станциясида буғ-газ қурилмасини барпо этиш, Ўзбекистон-Хитой газ қувурининг учинчи йўналиши каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда қурилиш-монтаж ишлари қизғин паллага кирди.

Навоий шаҳридаги эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятли фаолият юрита бошлади, унинг ҳудудида янги ташкил этилган корхоналарда спидометрлар, автомобиллар учун ўтказгичлар, компрессорлар, рақамли телевизион тюнерлар, энергияни тежайдиган лампалар, ёритиш ускуналари, диодли лампалар, модемлар, полиэтилен ва полипропилен қувурлар, косметика воситалари ҳамда тиббиёт маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Ўзбекистон миллий автомобиль магистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича лойиҳалар доирасида 302,5 километр узунликдаги йўлга замонавий қоплама ётқизишиб, реконструкция қилинди. Тошкент ва Бухоро шаҳарлари аэропортларининг маҳаллий йўналишларда хизмат кўрсатадиган йўловчи терминаллари фойдаланишга топширилди. Тошкент–Самарқанд йўналишида мазкур икки шаҳар ўртасидаги 344 километр масофани атиги 2 соатда босиб ўтадиган, юқори тезликда ҳаракат қиладиган «Тальго–250» йўловчилар электр поезда катнови йўлга қўйилди.

Бу поезддан фойдаланиш мақсадида темир йўл инфратузилмасини модернизация қилиш ва такомиллаштириш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилди. Жумладан, 600 километр узунликдаги йўллар қайтадан тикланди, 68 километрдан иборат янги темир йўллар ётқизилди, Тошкент ва Самарқанд шаҳарлари темирйўл вокзаллари реконструкция қилинди ва қайтадан жиҳозланди. Ўтган йил мобайнида телекоммуникация тизимини ривожлантиришга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш ишлари давом эттирилди. Хусусан, Жиззах–Булунғур йўналиши бўйлаб 73 километр узунликдаги оптик толали алоқа линияси ўтказилди, мобиль алоқа ва Интернет тармоғи кўлами тобора фаол кенгайиб бормоқда. Юртимизда аҳолига рақамли телевидение хизмати кўрсатиш ҳажми 38 фоизга этгани ҳам шу борадаги улкан ишларимизнинг амалий натижасидир.

2011 йилда логистика марказлари фаолияти жадаллашди. Хусусан, Навоий халқаро интермодал логистика маркази орқали 50 минг тонна юк ташилди. «Ангрен логистика маркази» ёпиқ акциядорлик жамияти томонидан Қамчиқ довони орқали 4 миллион 200 минг тонна, яъни 2010 йилга нисбатан 1,3 баробар кўп юк ташилди. Мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришга йўналтирилаётган капитал қўйилмалар ҳажми анча ошиб, ўтган йилга нисбатан уларнинг ўсиш суръатлари 109,3 фоизни, ялпи ички маҳсулот таркибидаги улуши эса 24,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, хорижий инвестициялар ва жалб қилинадиган кредитлар ҳажми 16 фоизга кўпайиб, 3 миллиард 300 миллион доллардан ошади. Мазкур маблағнинг 2 миллиард 300 миллион доллардан ортиғи ёки қарийб 70 фоизини тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ташкил этиши айниқса, эътиборлидир. Бу хорижий инвесторларнинг иқтисодиётимизнинг мустаҳкамлиги ва барқарор-

лигига, энг муҳими, Ўзбекистон тараққиётининг истиқболига бўлган қизиқиши ва ишончи тобора ортиб бораётганидан яққол далолат беради.

Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади: биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур. Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас. Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хом ашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта.

Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шунини сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012–2016

йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жорий 2012 йилда иқтисодиётимизни диверсификация қилишни давом эттиришда ўта муҳим аҳамиятга эга бўлган лойиҳаларни амалга ошириш мўлжалланмоқда. Жумладан, Сурғил кони базасида Устюрт газ-кимё мажмуи, Деҳқонобод калийли ўғитлар ва Қўнғирот сода заводларининг иккинчи навбатини, синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш заводини қуриш ишлари бошланади. Шунингдек, Толлимаржон иссиқлик электр станциясида иккита буғ-газ қурилмаси, Ангрен иссиқлик электр станциясида янги энергоблок қуриш, автомобиль шиналари ва транспортёр тасмаси ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, тўқимачилик корхоналари қувватларини янада кенгайтириш ва бутун технологик жараённи такомиллаштириш бўйича лойиҳаларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда.

Корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг роли тобора ортиб бораётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Ҳозирги вақтда ушбу жамғарма капитали 9 миллиард доллардан ошиб кетди. 2012 йилда жамғарма маблағлари ҳисобидан саноат ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг етакчи тармоқларида 758 миллион доллардан зиёд ҳажмдаги 29 та стратегик инвестиция лойиҳасини биргаликда молиялаш мўлжалланмоқда, бу ўтган йилга нисбатан 38,2 фоизга кўп, демакдир.

Барчамизга маълумки, мустақилликни қўлга киритишимиз асосида эски тоталитар тизимнинг барҳам топиши, энг аввало, мамлакатимиз ҳудуди бўйлаб, қолаверса, жаҳоннинг турли нуқталари билан туташтирувчи, қулай, самарали ва энг муҳими, ишончли автомобиль йўллар тизимининг барпо этилишини тақозо этар эди. Шунга кўра, ҳозирда юқори даражадаги халқаро стандартларга жавоб берадиган, мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ўзаро ишончли боғлайдиган ва минтақавий ҳамда жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбекистон миллий автомагистралини қуриш ва реконструкция қилиш бўйича кенг кўламли дастур амалга оширилмоқда. Бунинг натижасида умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг узунлиги 42530 километрга етди.

**Ўзбекистон Республикаси автомобиль йўллари
тармоғининг умумий узунлиги**

Йўл турлари	Узунлиги, км
Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари	42530
Шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари	61664
Хўжалик автомобиль йўллари	79367
шу жумладан:	
– ички хўжалик йўллари	67274
– корхоналарга қарашли йўллар	12093

Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг 51 фоизи маҳаллий аҳамиятдаги, 40 фоизи давлат аҳамиятидаги ва 9 фоизи халқаро аҳамиятдаги йўллар ҳисобланади.

Ўзбекистонда умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари:

- маҳаллий аҳамиятдаги йўллар – 21995 км (51 фоиз).
- давлат аҳамиятидаги йўллар – 16909 км (40 фоиз);
- халқаро аҳамиятдаги йўллар – 3626 км (9 фоиз).

**Ўзбекистон Республикаси умумий фойдаланишдаги автомобиль
йўлларида 2009 йил якуни бўйича қуриш ва таъмирлаш
кўрсаткичлари**

Кўрсаткичлар	Ҳажми млрд.сўм	2008 йилга нисбатан фоиз
Жами бажарилган ишлар	370,6	118,7
Инвестиция дастури	114,4	104,8
Мукамал ва ўрта таъмирлаш	177,2	126,1
Жорий таъмирлаш ва сақлаш ишлари	63,2	117,3
Йўл таъмирлаш техникалари ва жиҳозлар харид қилиш	15,8	160,9

Йўл-қурилиш техникасини сотиб олиш учун Осиё тараққиёт банкининг умумий қиймати 56 миллион долларга тенг бўлган имтиёзли кредит ресурслари жалб этилди.

Мамлакатимиз темир йўл транспорт тизимини ривожлантириш ва модернизация қилиш бўйича ишлар давом эттирилди. «Тошғузор–Бойсун–Қумқўрғон» янги темир йўл тармоғида Япония капитали иштирокида 5 та кўприк фойдаланишга топширилди. «Навоий–Учкудук–Султон Увайстоғ–Нукус» темир йўл тармоғининг 6 та янги разъезди ишга туширилди. Темир йўлларни электрлаштириш, темир

йўл локомотивлари парки ва ҳаракатдаги таркибни янгилаш лойиҳаларини амалга ошириш ишлари бошланди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларини ишончли равишда боғлайдиган, минтақавий ва жаҳон бозорларига чиқишни таъминлайдиган Ўзбек миллий автомагистрали таркибига кирадиган йўлларни қуриш ва реконструкция қилиш лойиҳаларини жадал амалга ошириш биз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Шу мақсадда 2012 йилда 517 километрлик автомобиль йўллари, иккита йирик транспорт боғламаси, 544 погон-метр кўприк ва йўл ўтказгичларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун Республика йўл жамғармасидан 360 миллион АҚШ долларидан ортиқ қийматдаги, ўтган йилга нисбатан 12,5 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ўзбек миллий автомагистралини модернизация қилиш нафақат мамлакатимиз, балки бутун Марказий Осиё минтақаси учун улкан стратегик аҳамиятга эга эканини инобатга олган ҳолда, ушбу лойиҳани амалга оширишда Осиё тараққиёт банки, Ислон тараққиёт банки, Араб Мувофиқлаштириш гуруҳи аъзолари сингари халқаро молия тузилмалари фаол иштирок этмоқда.

Мазкур ташкилотлар томонидан 742 километрлик автомобиль йўлларини қуриш ва реконструкция қилиш, йўл қурилиши бўйича замонавий техника сотиб олиш учун 1 миллиард 400 миллион долларга яқин имтиёзли кредитлар ажратилди. Фақат 2012 йилнинг ўзида ушбу мақсадлар учун 109 миллион доллар миқдордаги маблағни ўзлаштириш, 165 километр цемент-бетон қопламали йўлларни фойдаланишга топшириш, жумладан, Қамчиқ довони орқали ўтадиган йўлни қайта таъмирлаш мўлжалланмоқда.

«Ўзавтойўл» давлат акциядорлик компанияси, Республика йўл жамғармаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ажратилаётган маблағларни самарали ўзлаштириш ҳамда автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш юзасидан белгиланган кўрсаткичларни сўзсиз бажариш бўйича амалий чоралар кўриш вазифаси топширилади. Темир йўллар коммуникацияларини янада ривожлантириш, Мароқанд–Қарши ва Қарши–Термиз темир йўл участкаларини электрлаштириш бўйича лойиҳалар амалга оширилишини жадаллаштириш зарур. Шу билан бирга, Тошкент–Самарқанд темир йўл линияси участкасида ободонлаштириш ишларини давом эттириш ҳамда юқори тезликда ҳаракатланадиган

йўловчи поездларининг ишончли ва хавфсиз қатновини таъминлашга алоҳида эътибор қаратиш даркор. «Ўзбекистон темир йўллари» компанияси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда мазкур ишларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадвалларини ишлаб чиқиши ва тасдиқлатиши, уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаши лозим.

Эркин индустриал-иқтисодий зона – мамлакат ҳудудининг хорижий мамлакатлар томонидан турли шакллардаги ҳамкорликдаги тадбиркорлик билан шуғулланишлари учун рухсат этилган қисми. Мазкур зоналарда махсус имтиёзли шарт-шароитлар, жумладан, имтиёзли солиқлар, божхона тўловлари, ижара, виза олиш, валюта айирбошлаш, меҳнатга ёллашнинг қулай тартиблари белгиланган бўлади.

Навоий эркин индустриал-иқтисодий зонаси (2009 йилда) қурилиш бошланган – жаҳон стандартларига жавоб берадиган ва жаҳон бозорларида талаб қилинадиган маҳсулот ишлаб чиқаришни таъминлайдиган, замонавий юқори технологияга асосланган ишлаб чиқаришни ташкил этиш учун хорижий инвестицияларни, биринчи галда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш бўйича қулай шарт-шароитлар яратиш, шунингдек Навоий вилоятининг саноат салоҳиятини, ишлаб чиқариш, транспорт-транзит ва ижтимоий инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 3 декабрдаги «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида ташкил этилган. Навоий эркин индустриал-иқтисодий зона ҳудудида хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг асосий йўналиши – замонавий хорижий юқори унумли асбоб-ускуналар ва техника, технологик линиялар ва модуллар, инновация технологияларини жорий этиш ҳисобига юқори технологияли, жаҳон бозорларида рақобатбардош маҳсулотларни кенг кўламда ишлаб чиқаришдан иборат.

Интермодаль марказ – юк ташишлар бўйича халқаро коммуникация ва логистика маркази. Ўтган йил мобайнида «Кореан Эйр» компаниясидан миллий авиакомпаниямиз ижарага олган замонавий транспорт самолётлари билан ушбу аэропортдан халқаро йўналишлар бўйича 330 дан ортиқ рейс амалга оширилди ва қарийб 8,5 минг тонна юк ташилди. Бу Навоий шаҳри аэропортини глобал логистика тармоғига интеграциялаш имконини берди.

Ангрен шаҳрида мамлакатимиз худудлари ва Фарғона водийси вилоятлари ўртасида йил давомида кафолатли транспорт алоқасини таъминлайдиган Халқаро логистика маркази қурилиши якунланди ва фойдаланишга топширилди.

Логистика – инсон-машина тизимида моддий, меҳнат, энергия ва ахборот ресурслари оқимлари ҳаракати жараёнларини режалаштириш, бошқариш ва назорат қилиш тизими.

Транспорт логистикаси – муайян моддий буюмлар, юклар ва бошқаларни бир жойдан бошқа бир жойга оптимал йўналиш бўйича етказиб бериш, ташишни ташкил этиш тизими.

XXI асрда коммуникация тизимининг аҳамияти, унинг иқтисодиётни ривожлантириш ҳамда аҳоли фаровонлигини оширишдаги ўрни барчамизга маълум. Зеро, жаҳонда глобаллашув жараёнларининг кучайиши, халқаро майдонда товар ва хизматлар айирбошлаш, турли жабҳалардаги ҳамкорликнинг тобора кенгайиб бориши бугунги кунда юқори технологик телекоммуникация тармоғини ривожлантиришни муҳим стратегик вазифага айлантирди.

Президент Ислом Каримов «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли 2010 йил 12 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қўшма мажлисидаги маърузасида: «Барчамизга аёнки, мамлакатимиз мустақил тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни 1991 йилдан 2000 йилгача бўлган даврда улкан ўзгаришларни амалга оширишда асосий эътиборимиз марказлаштирилган маъмурий-буйруқбозлик тизимига барҳам бериш ва бозор иқтисодиётининг асосларини, авваламбор, қонунчилик базасини шакллантириш учун шароит яратишга» қаратилгани ҳақида гапириб, «шу борада қабул қилинган ўта муҳим қонун ва норматив ҳужжатлар қаторида «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида»ги қонунларни қайд этиш мумкин»лигини таъкидлади.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари Ислом Каримов «Ўзбекистонда амалга оширилаётган бозор ислохотларининг суръати ва мантиқий талабларидан келиб чиққан ҳолда, эркин бозор иқтисодиёти муносабатларини янада ривожлантиришга хизмат қиладиган бир қатор қонунлар қабул қилишни ҳаётнинг ўзи тақозо этаётганлиги»ни уқтириб, «Инвестиция ва пай фондлари тўғрисида», «Инновациялар

ва иқтисодиётни модернизация қилиш тўғрисида»ги ва бошқа янги қонунлар қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

4. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг циклиги. Иқтисодий инқирозлар

Ҳар қандай мамлакат, шу жумладан индустриал ривожланган мамлакатлар ҳам иқтисодий ўсишга ҳамда тўлиқ бандлилик ва нархларнинг барқарор даражасига эришишга ҳаракат қилади, аммо узок муддатли иқтисодий ўсиш бир текис ва узлуксиз бормайди, у иқтисодий беқарорлик даврлари билан узилиб туради. Иқтисодий ўсиш кетидан доимо таназзул келиб туради. Вақти-вақти билан объектив қонунларнинг ўзгартириб бўлмайдиган таъсири остида такрор ишлаб чиқариш ҳаракатида узилишлар пайдо бўлади ва бу узилиш иқтисодиёт номутаносибликлари кескин ҳолатда намоён бўлишидир.

Иқтисодий цикл деганда, одатда ишлаб чиқаришнинг бир иқтисодий ҳолатидан ёки бир инқироздан иккинчиси бошлангунга қадар такрорланиб турадиган тўлқинсимон ҳаракати тушунилади. Цикл инқироз, турғунлик, жонланиш, юксалиш фазаларини ўз ичига олади. Ана шу фазаларнинг ҳар бири ривожланиши жараёнида навбатдаги фазага ўтиш учун шароит юзага келади.

Инқирозли жараёнлар ишлаб чиқаришнинг пасайишида намоён бўлади ва циклнинг қайд этувчи ифодасидир. У бир циклни ниҳоясига етказиб, яна муқаррар равишда инқироз билан тугайди, янгисининг бошланишига асос солади, инқироз вазиятида асосий капиталнинг ортиқча жамғарилиши унинг ҳамма функционал шаклларида намоён бўлади. Инқироздан кейин турғунлик келадиги, унинг давомида иқтисодий фаоллик жонланиши учун шароитлар вужудга келиши ниҳоясига етади.

Жонланиш фазасининг бошланиши озми-кўпми даражада барқарор ишлаб чиқаришнинг кенгайишига ўтишни билдиради. Иш билан таъминланиш даражасининг ортиши ва фойдаларнинг тез ўсиши жонланишнинг юксалиш босқичига ўсиб ўтишига кўмаклашади. Янги цикл юксалишнинг бошланғич нуқтаси ҳисобланади. Юксалиш фазасида иш кучига бўлган талабнинг кенгайиши, ишсизликнинг бирмунча камайишига ҳамда иш ҳақининг ўсишига олиб келадиги, бунинг оқибатида истеъмол

товарларига, тўловга қодир талаб кенгайди. Пировард талабнинг ошиши, ўз навбатида истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи тармоқларга, бозорни кенгайтиришга жадал туртки беради. Рақобат ва фойда кетидан қувиш оқибатида номутаносибликларнинг тўпланиб боришидан иборат занжирли реакция тезлашади. Бу билан янги инқироз муқаррар бўлиб қолади.

Алоҳида иқтисодий цикллар бир-биридан давомийлиги ва интенсивлиги бўйича кескин фарқланади. Шу билан бирга, уларнинг ҳаммаси бир хил фазаларга эга бўлади ва ҳар хил тадқиқотчилар томонидан турлича номланади.



Иқтисодий цикл чизмаси.

Юқоридаги чизмада кўпчилик иқтисодчилар томонидан тан олинган иқтисодий цикл кўрсатилган. Циклнинг энг юқори нуқтасида, иқтисодиётда тўлиқ бандлилик кузатилади ва ишлаб чиқариш тўлиқ ёки деярли тўлиқ қувват билан ишлайди. Циклнинг бу фазасида нарх даражаси ўсиш тамойилига эга бўлади, иқтисодий фаолликнинг ўсиши тўхтайдди.

Таназзул фазасида ишлаб чиқариш ва бандлилик қисқаради, аммо нархлар пасайиш тамойилига берилмайди. Таназзулнинг қуйи нуқтасида ишлаб чиқариш ва бандлилик ўзининг энг паст даражасига эришиши билан характерланади.

Иқтисодий инқироз деб, ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин тушиб кетишига айтилади. Инқирознинг сабаби шундан иборатки, жамиятда ишлаб чиқарилган товарлар массаси тўловга қобил талабга

мос келмай (ундан ошиб кетади ёки кам бўлади) қолади. Натижада ишлаб чиқаришнинг бир қисми тўхтаб қолади, товарлар ишлаб чиқариш камаяди, ишлаб чиқаришнинг ўсиш даври унинг тушкунлиги билан алмашинади. Иқтисодиётнинг тез ўсиш даврлари кўпинча инфляция, яъни нарх даражасининг кўтарилиши билан орқага кетади.

Шундай даврлар ҳам бўладики, бунда иқтисодий ўсиш бандлилик ва ишлаб чиқаришнинг паст даражасига ўрин беради, айрим ҳолларда нарх даражасининг кўтарилиши билан бирга ишсизлик ҳам кескин ўсади. Қисқача айтганда, иқтисодий ўсишнинг узок муддатли тамойиллари ҳам ишсизлик, ҳам инфляция оқибатида узилиб қолади ва мураккаблашади. Инқирозларнинг асосий сабаби – такрор ишлаб чиқаришдаги беқарорлик ва номутаносибликлардир. Бу аввало ишлаб чиқариш ва унинг натижаларини ўзлаштириш ўртасидаги номутаносиблик бўлиб, у турли ишлаб чиқариш усуллари ва иқтисодий тизимнинг ҳар хил нусхаларида турли шаклларда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш билан истеъмол, талаб ва таклиф ўртасидаги вақти-вақти билан юзага келиб турадиган номутаносибликлар ҳам иқтисодий инқирозларнинг юзага чиқиш имкониятини сақлайди.

Капитализмгача бўлган даврларда ишлаб чиқаришнинг кескин қисқариши, одатда табиий офатлар (қурғоқчилик, тошқинлар ва ҳ.к.) ёки урушлар ва уларнинг келтирадиган вайронгарчиликлари билан боғлиқ бўлган. Йирик машинали ишлаб чиқаришга ўтилгандан кейинги даврда вақти-вақти билан иқтисодиётни ларзага солиб турувчи иқтисодий инқирозлар ижтимоий такрор ишлаб чиқаришга циклик тус беради.

Кўпчилик ҳозирги замон иқтисодчилари иқтисодий цикллarning объектив характерини тан олиб, бу ҳодисани унга таъсир кўрсатувчи ички ва ташқи омилларни таҳлил қилиш орқали ўрганишни тавсия қилади. Ташқи омилларга иқтисодий тизимдан ташқарида ётувчи ва иқтисодий ҳодисаларнинг даврий такрорланишини келтириб чиқарадиган омиллар киритилади. Бу ташқи омиллар ичидан қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- урушлар, инқилобий ўзгаришлар ва бошқа сиёсий ларзалар;
- олтин, уран, нефть ва бошқа қимматли ресурслар йирик конларининг очилиши;

– очик иқтисодиётнинг ривожланиши (глобаллашув жараёнлари) ва бу билан боғлиқ равишда аҳоли миграцияси, ер шари аҳолиси сонининг ўзгариб туриши;

– ижтимоий ишлаб чиқариш таркибини тубдан ўзгартиришга қодир бўлган технология, тадқиқотлар ва инновациялардаги қудратли ўзгаришлар.

Иқтисодий циклларни ташқи омилларнинг мавжудлиги билан тушунтирувчи назарияни экстернал назария деб аташ қабул қилинган. Интернал назария иқтисодий циклларни иқтисодий тизимнинг ўзига хос ички омиллар туғдиради, деб ҳисоблайди.

Асосий капиталнинг жисмоний хизмат муддати, кўпчилик иқтисодчилар томонидан иқтисодий циклни туғдирувчи муҳим омиллардан бири сифатида қаралади. Агар бир ёки бир неча тармоқда, машина-ускуналарга талабнинг кескин ортиши келтириб чиқарадиган иқтисодий ўсиш бошланса, тўлиқ табиийки, бу ҳол машина ва ускуналар эскирадиган ҳар 10–15 йилдан кейин такрорланади.

Бошқа ички омиллардан қуйидагилар ажратиб кўрсатилади:

– шахсий истеъмолнинг ўзгариши (қисқариши ёки кенгайиши);

– инвестициялар, яъни ишлаб чиқаришни кенгайтириш, уни янгилаш ва янги иш жойларини вужудга келтиришга йўналтириладиган маблағлар ҳажми;

– ишлаб чиқариш, талаб ва таклифлар ҳажмига таъсир кўрсатишга қаратилган давлат иқтисодий сиёсатининг ўзгариши.

Иқтисодий циклларнинг келиб чиқишини фақат экстернал ёки интернал назария орқали тушунтириш кўп ҳам тўғри эмас. Иқтисодий цикл ва умуман иқтисодий тизимдаги миқдорий ва сифат ўзгаришлар ташқи ва ички омиллар оқибатида келиб чиқиши мумкин эмас.

4.1. Инқирозга қарши дастур – иқтисодий ва ижтимоий хавфсизлик шarti

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури тарихий аҳамиятга эга ҳужжатдир, чунки унда миллий иқтисодиётни жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсиридан ҳимоя қилиш, мамла-

катимизни муайян даврда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналишлари белгилаб берилган. Табиийки, бу борада Президентнинг бундан бир йил олдин чоп этилган ва ҳозирга келиб дунёдаги ўнлаб тилларга таржима қилинган «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асари муҳим дастуриламал бўлмоқда.

Маълумки, ҳозирги замон иқтисодиёти глобал хусусиятга эга бўлиб, кичик ёки катта миллий иқтисодиётлар мажмуидан иборат. Уларнинг ҳаммаси узилмас ришталар билан бир-бирига боғлиқ ва бир-бирини тўлдириб туради. Ҳозирги дунёда экстраналиялар, яъни ижобий ёки салбий ташқи таъсирларга учрамаган иқтисодиётлар йўқ. Ўзбекистоннинг миллий иқтисодиёти ҳам бундан мустасно эмас.

Президент Ислам Каримов таъкидлаганидек, *«тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди»*¹. Чунки бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ҳамжамият ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми сифатида ривожланиб бораётгани ва бу жараён тобора кучайиб боришини яхши англаб олиш даркор.

Ушбу таъсир ташқи бозорларда нархлар тушиши туфайли у ерда товарларни сотишдан келадиган экспорт даромадининг камайишида кўринади. Бу эса бозор ҳажмининг торайишидан далолат беради ва бу миллий иқтисодиётнинг ўсиш суръатлари, экспортга йўналтирилган корхоналарнинг фойдаси ва рентабеллиги камайишига олиб келади. Бундай корхоналар мамлакатимизда кўп бўлиб, шу боис экспорт мамлакатнинг доллар ҳисобидаги ЯИМнинг яримидан кўпроғини ташкил қилади. Инқирознинг чуқурлашуви оқибатида экспорт баҳоларининг пасайиши Ўзбекистон иқтисодиёти ўсиш суръатларининг пасайишига олиб келиши мумкин. Инқирознинг бизга салбий таъсири бошқа йўналишини хорижий инвестиция ва кредитларнинг камайиши ташкил қилиши мумкин, чунки капитал экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодиёти ўзгаришларга учраётган

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 11.

шароитда инвестицияларнинг аксарият қисми ўз мамлакатига ёки иқтисодиёти ривожланган мамлакатларга киритилади. Мамлакатимизга ташқи таъсирларнинг камайиши жамғармаларда кескинлик келтириб чиқариши мумкин, чунки иқтисодиёт ўсишининг зарур суръатларини сақлаб туриш учун миллий жамғармалар улушини кўпайтиришга тўғри келади, бу эса даромадлар ичида истеъмол улушининг камайишига олиб келиши мумкин. Демак, келиб чиққан инқироз нафақат иқтисодий, балки ижтимоий талафотларга ҳам олиб келиши мумкинлиги давлатимиз раҳбарининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида эътироф этилади. Чунки бу аҳоли турмуш даражасининг ўсишини секинлаштириши мумкин. Инқироз оқибатларининг жиддийлигини инобатга олган Президент Ислам Каримов: «жаҳон иқтисодий инқирози ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаб, модернизация қилиб бориш заруратини кун тартибига янада ўткир қилиб қўймоқда ва бунинг учун бор куч-имкониятимиз ва ресурсларимизни сафарбар этишни талаб қилмоқда»¹, – деб уқтирган.

Инқирозга қарши дастурда инқироз оқибатида юзага келган ички ва ташқи иқтисодий вазият йиллар давомида халқаро ҳамда миллий иқтисод ва молия, бошқарувнинг турли босқичларида ҳаётий тажрибага эга бўлган давлат раҳбари нигоҳида баҳоланган, инқирознинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини бартараф этиш юзасидан илмий асосланган ва тарихий тажрибада синовдан ўтган амалий таклифлар берилганлигини қайд этиш лозим. Дастур мамлакатнинг анча ошган иқтисодий салоҳиятига ва сўнгги йилларда иқтисодиётда амалга оширилган жиддий таркибий ўзгаришларга асосланади. Таъкидлаш лозимки, мазкур дастур барча мамлакатлар ЯИМнинг молиявий-иқтисодий инқироз даврида узлуксиз пасайиб бораётганига асосланган. Бироқ, 2009 йилда экспертларнинг билдирган фикрлари баъзи мамлакатлар, айниқса, Хитой ва Ҳиндистон тараққиёти салбий зонада бўлмайди, ушбу мамлакатлар ЯИМ ўсишининг 7 фоиздан 5 фоизгача бўлади. Айни вақтда Европа Иттифоқи ва АҚШ ЯИМнинг кўрсаткичлари ЯИМнинг 2,5 фоиздан 3 фоизгача пасайиши ҳақидаги тахминлар асосли бўлиб чиқди.

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 36.

Мамлакатимиз мисолида таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон иқтисодиёти сўнгги йилларда тез ривожланаётган иқтисодиётларга хос суръатларда ўсаётганлиги эътироф этилмоқда. Мамлакатимизда амалга оширилаётган инвестиция сиёсати Ўзбекистон иқтисодиётига юқори даражадаги инвестицион фаолликка олиб келди.

Инвестиция жараёнига миллий иқтисодиётга хорижий ва аввало бевосита инвестицияларнинг ўсиши хослигини қуйида келтирилган рақамларда кўриш мумкин. Инвестиция дастури ва техник жиҳатдан модернизация қилиш бўйича тармоқ дастурлари доирасида 2009 йили 690 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилди. Уларнинг 303 таси муваффақиятли яқунланди. Бу айти чўғда жиддий фаолият ҳисобланади.

Истиқболда, яъни 2010 йилда Инвестиция дастурига мувофиқ, капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 22,1 фоизга ортиб, ялпи ички маҳсулотнинг 30 фоизини ташкил қилади. Бунда биргина ишлаб чиқариш соҳасига мўлжалланган лойиҳаларни амалга ошириш учун барча капитал маблағларнинг 75 фоиздан зиёди йўналтирилади. 2009 йилда мамлакатимизда муҳим стратегик лойиҳаларни амалга ошириш учун 3 млрд. АҚШ долларидан зиёд ёки ўтган йилга нисбатан 30 фоиз кўп хорижий инвестиция жалб қилинади. Бу эса мамлакатда хорижий инвестицияларни жалб қилишнинг ишончли механизми яратилганидан далолат беради ҳамда мамлакатда миллий иқтисодиёт ўсишининг омили бўлган жамғаришнинг барқарор юксак нормасини сақлаб туришга имкон беради. Жанубий Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак ва Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳам жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози давом этаётган бир пайтда Ўзбекистонда лойиҳаларни амалга ошириш муваффақиятли кечаётганлигини эътироф этганлар.

Иқтисодиёт муваффақиятлари кўп жиҳатдан иқтисодиётнинг аграр хом ашё йўналишига чек қўйиш ва иқтисодиётда тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш улушини оширишга имкон берган таркибий ўзгаришлар билан боғлиқ. Бу эса хом ашёни чуқур қайта ишлаш, импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтирилган маҳсулот ишлаб чиқаришга асослангандир. Бугунги Ўзбекистон иқтисодиётига индустриал тармоқлар ва хизмат кўрсатиш соҳалари роли ва аҳамиятининг ортиб бориши хосдир. *Иқтисодиётдаги туб ислоҳотлар жаҳон инқирозининг Ўзбекистонга салбий таъсирини бартараф этишнинг асосидир.* Шундан келиб чиқиб, Президент

Ислом Каримов мамлакатимиз инқирозга қарши туриш учун етарли моддий, инсоний ва молиявий ресурсларга эга эканлигини қайд этиб, улардан оқилона фойдаланишга ундайди.

Ўзбекистонда ҳозирги вақтда нафақат инқирознинг салбий таъсирини юмшатиш устида, шу билан бирга, инқироз тугагандан кейин Ўзбекистон иқтисодиётининг янада кучли, барқарор ва мутаносиб ривожланган ҳолда майдонга чиқиши, жаҳон бозорида ўзимизнинг мустаҳкам ўрнимизни эгаллаш, халқимизнинг ҳаёт даражаси ва фаровонлигини ошириш бўйича жиддий иш олиб борилмоқда.

2009 йилнинг бошида *«2009–2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича муҳим лойиҳаларни амалга оширишга доир чора-тадбирлар дастури»* қабул қилинди. Бу дастурга биноан умумий қиймати 41,4 миллиард долларга тенг бўлган 400 дан зиёд инвестиция лойиҳасини амалга ошириш кўзда тутилганининг ўзи бизнинг режаларимиз нақадар улкан ва жиддий эканининг далилидир. Шунингдек, Ўзбекистоннинг 2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши дастури инқироз узоқ давом этиши ва унинг иқтисодиётимизга таъсири бир неча йилга чўзилиши мумкинлигидан келиб чиқади. Асосийси, ушбу дастур инқироз доирасидан чиқиб, инқироздан кейинги ривожланишни ҳам қамраб олади. Унинг ўзига хос жиҳати шундаки, дастур иқтисодиётни давлат томонидан фаол инқирозга қарши тартибга солишга асосланади ва инқирозга қаршилиқ кўрсатишнинг устувор вазифаларни амалга оширишни назарда тутадик, бу, ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодий, ижтимоий ва молиявий хавфсизлигини таъминлайди. Ўзбекистон мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ иқтисодий жараёнлардаги тартибсизликни йўқ қилиш ёки лоақал энг кам даражага етказиш учун бошқарилувчи иқтисодиётга ўтиш йўлини танлади. Мамлакатдаги бозор ислоҳотлари иқтисодиётнинг барқарор ўсиши учун бозорнинг ўзини ўзи тартибга солиши етарли эмас ва шу боис, давлат томонидан уни фаол тартибга солиш зарур, деган қоидадан келиб чиқди. Шу боис, инқирозга қарши дастурни амалга оширишда давлат ҳал қилувчи ролни бажаради. Айтиш мумкин, асарда *давлат иқтисодиётга маъмурий йўл билан эмас, балки молиявий иқтисодий дастаклар ёрдамида ва ўзининг молиявий ресурсларига таяниб таъсир кўрсатиши* кераклиги қайд этилган. Унинг амалий ижроси сифатида устав капитали 3,2 млрд. АҚШ доллари бўлган ва

келажакда унинг миқдори мунтазам ўсиб борадиган Ўзбекистон Республикасини Тиклаш ва ривожлантириш фонди ташкил қилинганлиги барчага маълум. Ушбу жамғарма «Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт фондининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли қарори билан ташкил қилинган. 2009 йил 6 январда эса «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 16 майдаги ПҚ-350-сонли қарорига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги 1031-сонли Президент қароридида фонднинг иқтисодийнинг реал секторидидаги корхоналарни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш, шунингдек тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини кенгайтириш дастурларида иштирокини такомиллаштириш чора-тадбирлари назарда тутилди. Шу боис, ушбу фонд иқтисодий фаол тартибга солиш ва инқирозга қарши дастурни молиявий таъминлаш воситаси ҳисобланади.

Инқирозга қарши дастурда иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилишнинг устувор йўналишлари ажратилган. Унда *инқироз йўлидаги тўсиқ бўлиши керак бўлган иқтисодийни модернизациялаш ва диверсификациялаш* биринчи ўринга қўйилган. Модернизация ишлаб чиқаришга энг замонавий технологияларни жорий этишни англатади, бу эса меҳнат унумдорлиги ва маҳсулот сифатини оширишга имкон беради. У ички ва ташқи инвестиция ресурсларини сафарбар этишни талаб қилади ҳамда уларни ва, аввало, базавий экспортга йўналтирилган тармоқларни техник жиҳатдан қайта қуроллантиришга қаратилган. У миллий иқтисодийнинг меҳнат унумдорлиги даражасини анча оширишга шарт шароит яратади.

Инқирозга қарши дастур жаҳон бозорларида нархлар пасайиши натижасида экспортдан келадиган тушумнинг камайишини инобатга олади. Унинг талабларини бажариш учун экспортни ошириш зарур, бу ўз навбатида экспортга ишловчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришни талаб этади. Жумладан, уларга айланма маблағларини тўлдириш учун имтиёзли кредитлар берилади. Улар 2010 йилгача қўшимча қиймат солиғидан бошқа барча солиқлардан озод қилинадилар. Бу хорижий инвестиция киритилган корхоналар ҳамда тайёр маҳсулот ишлаб чиқарувчи экспортга йўналтирилган корхоналарга тааллуқлидир.

Айтиш керакки, дунёда содир бўлган кейинги воқеалар, яъни жаҳон иқтисодиёт майдонида молиявий-иқтисодий инқироз жараёнларининг авж олаётганлиги ҳеч қандай сир бўлмай қолди. Маълумки, жаҳон молиявий инқирози дунёдаги манаман деган, иқтисодий жиҳатдан энг тараққий топган мамлакатларни ҳам қийин аҳволга солиб қўймоқда. Нуфузли халқаро биржаларда қимматбаҳо қоғозларнинг нархлари гоҳ тушиб, гоҳ кўтарилиб, доимий беқарорлик кўзга ташланмоқда. Дунё миқёсидаги етакчи валюталарнинг курси ҳам ҳар куни ўзгариб турибди. Стратегик хом ашёларнинг нархи пастлигича қолмоқда. Катта-катта корхоналар ёпилиб, ишсизлар сонининг ортиши, ижтимоий муаммоларнинг кескинлашуви муттасил давом этмоқда.

Халқаро миқёсда тан олинган эксперт ва таҳлилчилар, таниқли давлат ва сиёсат арбобларининг бу инқироз сабаблари ҳақида билдирган фикр-мулоҳазаларидан аён бўлмоқдаки, бундай глобал молиявий-иқтисодий инқирозга, икки муҳим ҳодиса – маънавий ва моддий оламнинг ривожланиш жараёнларини уйғунлаштиришга етарли эътибор бермасдан, бу жараёнлар бозор механизмлари орқали ўзини ўзи тартибга солади, деб уларни ўз ҳолига ташлаб қўйиш, яъни оқибатини чуқур ўйламасдан сиёсат олиб борилгани сабаб бўлган. Шу маънода, Юртбошимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби дунё жамоатчилигида, айниқса, бу инқироздан энг кўп зарар кўраётган дунёдаги етакчи ривожланган мамлакатларда катта қизиқиш уйғотаётгани бежиз эмас. Чунки бу китобда *«Ислоҳот – ислоҳот учун эмас, аввало инсон учун, унинг манфаатлари учун»* деган ҳаётий мезон асосида халқнинг бошқа орзу-интилишлари қатори унинг маънавий қадриятларини ҳам барча ўзгаришларнинг марказига қўйиб, *самарали иқтисодий сиёсат олиб бораётган, зарур бўлганда, бозор муносабатларини давлат йўли билан тартибга солиб, турли соҳаларнинг ўзаро муносиб ривожланишига эришаётган, улкан тажриба ва салоҳиятга эга бўлган давлат арбобининг ҳар томонлама асосланган концептуал фикр-мулоҳазалари ўрин олган.*

Маълумки, 2009 йил 22 май куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби бўйича бўлиб ўтган халқаро илмий-амалий конференция ислоҳотларнинг ўзбек моделини ўрганиш, мустаҳкам ва барқарор ривожланадиган миллий иқтисодиётни

шакллантириш тажрибасига бағишланди. Анжуманда дунёнинг 60 мамлакати ва 30 халқаро ташкилот ҳамда молия институтлари, шу жумладан, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислом тараққиёт банки, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти ва унинг таркибига кирувчи ташкилотлардан 350 нафардан зиёд давлат ва жамоат арбоблари, бизнесменлар, олимлар ва экспертлар иштирок этди. Ушбу халқаро анжуманнинг Тошкентда ўтказилиши Ўзбекистонда олиб борилаётган чуқур ва кенг кўламли ислохотларнинг нуфузли экспертлар томонидан юксак эътирофидир.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» Халқаро илмий-амалий конференцияси иштирокчиларига йўллаган табригида *Ўзбекистоннинг иқтисодий ривожланиш тажрибаси ва ҳозирги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида барқарорликка эришаётгани ҳақида муҳим аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулоса ва қоидаларни алоҳида таъкидлаган эди:*¹

биринчидан, бозор (талаб ва таклиф) ҳамма нарсани ҳал қилади, деган тамойилдан келиб чиққан ҳолда, бозор муносабатларига сажда қилавериш мумкин эмас. Ҳаёт тажрибаси шуни неча бор кўрсатдики, иқтисодий ва молиявий муносабатларни бошқариш, мураккаб вазиятлардан чиқиб кетиш учун устуворликлар танлашда давлатнинг ролдан фойдаланиш (бозор, кучлилар енгади, деган Дарвин тамойилига амал қилишини эътиборга олган ҳолда), аҳолининг кўпчилик қисми манфаатларини ифодаловчи давлатнинг ролини, кучли ижтимоий сиёсат юритиш ва узоқ истиқболга мўлжалланган миллий стратегиянинг ўрнини ҳеч ким ва ҳеч нарса боса олмайди;

иккинчидан, бугунги кунда сўнгги 15–20 йил давомида муайян ҳолатлар сабабли углеводород хом ашёси ва умуман, минерал хом ашёси нархларининг кескин ўсиб кетишига қарам бўлган мамлакатлар, айниқса, мушкул аҳволга тушиб қолди, бошқача айтганда, улар ўзлари билмаган ҳолда жаҳон бизнесининг чайқовчилик билан шуғулланувчи айрим доиралари томонидан сунъий равишда шиширилган «нарх пуфаклари»га ҳаддан зиёд боғлиқ бўлиб қолди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатида кўплаб қийинчиликларни бошидан кечираётган мамлакатлар бугун шуни тан олмоқдаки, ушбу жараёнда иқтисодиётни модернизация ва

¹ Халқ сўзи. – 2009. – 22 май.

диверсификация қилиш, ишлаб чиқаришни мунтазам янгилаш ва инновацион технологияларни жорий этиш ривожланишнинг асосий устувор йўналиши бўлган ва бу тамойилга амал қилаётган давлатлар юксак муваффақиятларга эришади. Ана шу омилнинг аҳамиятини теран англаш ва ушбу муҳим устуворликни амалга ошириш борасида доимий, тизимли ва пухта ўйланган иш юритиш – бу ҳар қандай шароитда, энг мураккаб ҳолатларда ҳам муваффақиятга эришишнинг калити бўлиб қолаверади;

учинчидан, бизнингча, йигирма етакчи давлат иштирокида Лондонда бўлиб ўтган учрашувнинг энг муҳим ютуқларидан бири шундаки, музокаралар жараёнида оддий бир ҳақиқат билан ифодаланиши мумкин бўлган оқилона ёндашув устуворлик қилди. Яъни, аввал жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози туфайли вужудга келган ёнғинни ўчириш керак, шундан сўнггина ўз умрини яшаб бўлган Бреттон-Вуд тизими ва унинг институтларидан янги молия-банк тизимига, уни бошқариш тамойилларига ўтиш моделини шакллантириш, янги молиявий механизмларни қабул қилиш керак.

Дарҳақиқат, эътироф этиш лозимки, Ўзбекистонда инқирознинг дастлабки белги-аломатлари пайдо бўла бошлаши билан сергак бўлиб, иқтисодиётимиздаги реал аҳвол ва шароитларни ҳисобга олиб, бу масала бўйича зарур тайёргарлик кўрганимиз, ўз вақтида эҳтиёткорлик билан иш тутиб, кенг кўламли дастурларни қабул қилгани бугунги мураккаб шароитларда Ватанимизнинг иқтисодий негизларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу борада кўрилган ва кўрилаётган чора-тадбирларнинг асосий йўналишлари ва мақсадлари қуйидагилар:

- иқтисодиётимиз реал секторининг юкини енгиллаштириш;
- солиқларни камайтириш ва давлат томонидан ёрдам бериш;
- ишлаб чиқариш соҳасини ички бозорнинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун қаратиш;
- истеъмол товарларини тайёрлайдиган тармоқларга, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиш ва қўшимча имтиёзлар бериш;
- қишлоқ хўжалиги соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтаришга алоҳида аҳамият берилганлиги;

- экспортга йўналтирилган корхоналарни ҳар томонлама рағбатлантириш, уларнинг солиқ юкини кескин камайтириш, маҳсулотини реализация қилиш учун бозорларни янада кенгайтириш;

- ижтимоий инфратузилмани, жумладан, тоза ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси тармоқларини;

- хизмат соҳаларини ривожлантириш, қишлоқ жойларда янги қурилиш ва ободонлаштириш ишларини амалга ошириш ва шуларнинг ҳисобидан биз учун ўта долзарб вазифа бўлган янги иш ўринларини барпо этиш масалалари эътиборимиз марказида бўлганлиги;

- жорий этилаётган дастурдан энг катта ўрин олган асосий мақсадларимиздан бири мамлакатимизнинг молия-банк, кредит тизимини янада мустаҳкамлаш, уларнинг реал секторга ижобий таъсирини кенгайтириш;

- хорижий инвестицияларни, аввало, тўғридан-тўғри инвестицияларни юртимизга олиб келиш учун керакли шароит туғдириб бериш ва рағбатлантириш масалаларидир.

Бугунги кунга келиб тараққиёт имкониятларимиз кенгайиб, ҳам иқтисодий, ҳам маънавий юксалиш юз бермоқда. Юртбошимиз Ислом Каримовнинг «Юксак маънавият – енгилмас куч» китобида таъкидланганидек, *«Бизнинг ислоҳотлар давомида наинки моддий фаровонликка, айна пайтда маънавий юксалишга ҳам эришишни ўзимиз учун асосий мезон, деб билганимиз умумий тараққиётимизда бир томонга оғиб кетмаслик, жамият ҳаётида сув билан ҳаводек зарур бўлган мувозанат ва барқарорликни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Чунки бозор иқтисодиёти ҳамма нарсани жой-жойига қўяди, деган енгил-елпи қарашга итоат қилиб, фақат моддий бойлик ортидан қувиш – халқимизнинг азалий орзу-интилишларига ҳам, инсонийлик билан йўғрилган миллий қадриятларимиз моҳиятига ҳам тўғри келмас эди. Шу боис ислоҳотларни амалга оширишда маънавият ва иқтисодиёт бир-бирини инкор этмайди, аксинча, бир-бирини қувватлаб, ўзаро таъсирланиб, ривожланиб боради, деган қонидани ўзимиз учун дастуриламал сифатида белгилаб олдик»¹.*

Ҳақиқатан ҳам, иқтисодий омилларнинг маънавий омиллар билан уйғун ва ҳамоҳанг равишда ҳаётга татбиқ этилгани, яъни ҳавойи гапларга берилмасдан, вазиятни ҳар томонлама чуқур таҳлил

¹ Каримов И. А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2008.

этиб, эртанги кунни ўйлаб, фикр-мулоҳаза юритиб, энг мақбул тараққиёт йўли танлаб олингани ва оғир-вазминлик билан сиёсат олиб борилгани якка-ю ягона тўғри йўл бўлгани ҳозирги мураккаб даврда амалда тасдиқланмоқда. Иқтисодиётни ислоҳ этиш ва модернизация қилиш борасида қабул қилинаётган ҳар бир қарор замирида иқтисодий мезонлар билан бирга, келгусида бу ўзгаришлар халқимизга нима беради, деган маънавий мезонлар ҳам эътиборга олинмоқда.

Мураккаб шароитларга қарамасдан, Ўзбекистонда ижтимоий хавфсизлик тадбирларига катта эътибор қаратилмоқда. Ғарб мамлакатларида инқирозли даврларда инсон тақдири билан боғлиқ ижтимоий тадбирлар учун харажатларни камайтираётган бир пайтда бундан фарқли равишда Ўзбекистонда ижтимоий соҳаларга алоҳида эътибор берилмоқда. 2013 йилда ялпи ички маҳсулотнинг 60 фоизи ижтимоий тадбирларга ажратилиши режалаштирилган.

Бугун жаҳонда, яқин ва узоқ атрофимизда бўлаётган кескинлашув ҳолатлари, умуман, бугун дунёда сақланаётган хавф-хатар ва қарама-қаршиликлар, шулар қаторида аввало халқаро майдонда давом этаётган молиявий инқирознинг ўзи бизни янада сезгир, хушёр ва огоҳ бўлишга ва ўз вақтида тегишли хулосаларни чиқаришга даъват этади, Ватан тараққиёти ва халқ фаровонлиги йўлида самарали меҳнат қилишга ундайди.

Таянч тушунчалар:

Макроиқтисодиёт, миллий иқтисодиёт, ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), ялпи миллий маҳсулот (ЯММ), инқироз, рецессия, юксалиш, иқтисодиётнинг цикли ўсиши, цикл, макроиқтисодий мувозанат, иқтисодий барқарорлик.

Савол ва топшириқлар:

1. Макроиқтисодиётни таърифланг.
2. Иқтисодиётнинг секторларини сананг.
3. Макроиқтисодий кўрсаткичларнинг вазифаси қандай?
4. Макроиқтисодий кўрсаткичлар тизими нима?
5. Макроиқтисодий айланма нима?
6. Иқтисодиётнинг реал секторини таърифланг.
7. Иқтисодиётнинг пул секторини таърифланг.
8. Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) нима?

9. Ялпи ички маҳсулотнинг мамлакат иқтисодий салоҳиятидаги аҳамияти қай даражада?

10. Иқтисодий ўсиш ва унинг омилларини санаб кўрсатинг ва баҳоланг.

11. Барқарорлик сиёсатини таърифланг.

12. Макроиқтисодий мувозанатнинг бузилиши қандай ижтимоий-иқтисодий оқибатларга олиб келади?

13. Иқтисодиётнинг муҳим тармоқларини модернизация қилишда инвестицияларнинг роли қандай?

14. Инвестицияларнинг ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлаш, транспорт коммуникацияларини янада ривожлантириш билан боғлиқлигини тушунтиринг.

15. 2009 йилда мамлакатимизда ижтимоий инфратузилма объектларининг барпо этилиши борасидаги ишларни тушунтириб беринг.

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Ижтимоий такрор ишлаб чиқариш миллий миқёсда ишлаб чиқаришни узлуксиз қайта бошлаш фаолияти бўлиб, у ижтимоий эҳтиёжларнинг ҳолати ва динамикаси билан боғлиқ.

Одий такрор ишлаб чиқариш – яратувчи капитал ҳажми ҳар йили ўзгармас бўлиб қолган шароитдаги такрор ишлаб чиқариш, бу ерда фақат жамланиш «нол»га тенг бўлганда ишлаб чиқариш омиллари амортизация қилинади.

Торайтирилган такрор ишлаб чиқариш – яратувчи капитал ҳажми йил сайин камайиб борадиган шароитдаги такрор ишлаб чиқариш; аҳоли илгари жамланган бойликни «еб битира» бошлайди.

Ижтимоий ишлаб чиқариш – жамиятнинг ижтимоий маҳсулот ишлаб чиқариш мақсадида яратувчи миллий капиталдан фойдаланиш борасидаги фаолияти.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг узвий тузилиши – миллий хўжаликнинг трансформацион ва трансакцион секторларини бирлаштирувчи тузилма.

Аралаш такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш омилларининг миқдор жиҳатдан ўсиши ва айни вақтда уларнинг илмий-техникавий ва малака даражаси ўсиб бориши асосидаги такрор ишлаб чиқариш.

Ялпи ижтимоий маҳсулот (ЯИМ) – жамиятнинг оралиқ ва охириги маҳсулоти суммаси ёки халқ хўжалигида амал қилувчи барча корхоналар маҳсулотларининг мажмуи.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий тузилиши – муайян жамиятдаги синфлар ва ижтимоий гуруҳлар мулкининг мавжуд такрор ишлаб чиқариладиган тизими билан боғлиқ тузилиши.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг генетик тузилиши – ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмолнинг «фазалар» бўйича бирлигидан иборат тузилма.

Экстенсив такрор ишлаб чиқариш – яратувчи капитал ва, бинобарин, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг ўзгармас илмий-техникавий ва касбий-малакавий асосда кўпайиб бориши.

Интенсив такрор ишлаб чиқариш – ижтимоий ишлаб чиқариш ва истеъмолнинг фақат техника ва технологияни сифат жиҳатдан янгилаш, ходимлар ва менежерларнинг таълим-малака даражасини ошириш ва айти вақтда фойдаланиладиган яратувчи капиталнинг жисмоний ҳажмини қисқартириш эвазига ўсиши.

Ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг функционал тузилиши – моддий ва номоддий ишлаб чиқаришнинг бирлиги ва ўзаро алоқа-дорлигини акс эттирувчи тузилма.

Интеллектуал элита – асосий белгисини асосан интеллектуал маҳсулотлар яратиш негизда амалга оширадиган индивидуал кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни ташкил қиладиган ижтимоий синф.

Такрор ишлаб чиқариш пропорциялар – ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг айрим қисмлари, унсурлари ва кичик тизимларининг муайян нисбати.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

Макроиктисодиёт миллий иқтисодиётнинг амал қилиш қонуниятларини ўрганувчи фандир.

Макроиктисодиёт энг аввало миллий ишлаб чиқариш кўлами, бозор тизими динамикаси ва мувозанати, ишсизлик ва инфляцияга доир масалаларни ўрганади.

Миллий иқтисодиёт муайян мамлакат ичида юз берадиган иқтисодий фаолият бўлиб, бунда фирмалар, хонадонлар ва давлат иштирок этади. Ҳозир дунёда 210 дан зиёд миллий иқтисод мавжуд.

Миллий иқтисодиёт мамлакат мустақиллигининг таянчи ҳисобланади. Чунки у мустақилликни моддий жиҳатдан таъминлайди. Миллий иқтисодиёт муайян мамлакатда яратилган товар ва хизматлар, тўпланган моддий ва номоддий бойлик шу мамлакатга қарашли бўлишини, яъни миллий мулкчилик мавжудлигини билдиради.

Макроиктисодий кўрсаткичлар миллий иқтисодиётнинг ҳолатини, фаолият юритиш ва натижаларини ифодалайди.

Миллий иқтисодиёт муайян мамлакат чегарасида юз берадиган фаолият бўлиб, табиатан макроиқтисоддир. Макроиқтисодий айланма жараёнида реал ва пул секторлари юзага келади, бунда ресурслар, тайёр маҳсулот ва хизматлар пулга айирбошланади. Макроиқтисодий фаолият натижасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) яратилади.

Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) ижтимоий такрор ишлаб чиқаришнинг ижтимоий-иқтисодий натижаси бўлиб, унинг қиймати йил давомида мамлакат фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар яратган маҳсулот ва хизматларнинг бозор нархидир.

ЯИМ реал ва номинал маҳсулотдан иборат. Иқтисодий ўсиш реал маҳсулотнинг кўпайишини билдиради.

Бозор иқтисодиётининг ривожланиши учун макроиқтисодий мувозанатлар таъминланиши шарт, булар жумласига ялпи талаб ва ялпи таклиф, даромадлар ва хизматлар, истеъмол ва жамғариш, ниҳоят товар-пул мувозанатлари киради.

ЯИМ (ЯИМ) ҳажмини аниқлашда унумсиз битимлар ҳисобга олинмайди. Унумсиз битимлар давлат бюджетидан бериладиган трансферт тўловлари (нафақа, стипендия), дотациялар, субсидиялар ҳамда пул ва унга тенглаштирилган молиявий активларнинг ҳаракатидир.

13-МАВЗУ. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ ВА НАРХ СИЁСАТИ

1. Пул ва унинг вазифалари

Пул – бозор тизимининг универсал ва энг ликвидли иқтисодий воситаси сифатида иқтисодий ўлчов, муомала ва жамғариш функцияларини бажаради. Миллий пул ягона тўлов воситаси ҳисобланади, унинг қадри, яъни харид қурби мавжуд. Пул бирлигининг харид қурбини керакли товарларни кўпайтириш йўли билан таъминланади.

Миллий пул муайян мамлакатга тегишли бўлиб, шу ерда муомалада бўлади, уни ҳимояловчи белгилари бор, бир пул бошқасидан кўриниши билан фарқланади, ўзига хос купюра, танга ва чақа пуллардан иборат бўлади, пул бирлигининг харид қобилияти бир хил бўлади. Миллий пул нақд ва нақд бўлмаган пул шаклига эга, бу фаол ва сушт пуллардан иборат, унинг маълум массаси (миқдори) муомалада юради.

Иқтисодиётнинг пул билан таъминланишини унинг монетизация даражасини билдиради. Бу даражанинг қандайлигини пул муомаласи қонуни белгилаб берадики, унга биноан муайян вақтда муомалада бўладиган пул миқдори жами сотиладиган товарлар нархининг

суммаси ва пул айланмасининг (ҳаракатининг) тезлигига боғлиқ бўлади. Қанча пул зарурлиги, бу пулга талаб бўлиб, буни олди-сотди кўлами, олибсотарлик ишлари миқёси, ҳар эҳтимолга қарши пулга эга бўлиш иштиёқи ва пулнинг нақадар тез қўлдан-қўлга ўтиб айланиб туришини юзага келтиради. Пулга талабни ҳамма субъектлар билдирса-да, бироқ уларнинг таклифи давлат номидан ишловчи Марказий банк қўлида бўлади.

Пул муомаласи – бу товарлар айланишига ҳамда нотовар тусидаги тўловлар ва ҳисобларга хизмат қилувчи нақд пуллар ва унга тенглаштирилган активларнинг ҳаракатидир. Нақд пул муомаласига банк билетлари ва металл тангалар (пул белгилари) хизмат қилади. Нақд пулсиз ҳисоблар чеклар, кредит карточкалари, векселлар, аккредитивлар, тўлов талабномалари кабилар ёрдамида амалга оширилади. Уларнинг ҳаммаси пул агрегати, деб юритилади. Муомалада мавжуд бўлган пул массаси уларни қўшиш йўли билан аниқланади.

Пул муомаласи ўзига хос қонунларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Унинг қонунларидан энг муҳими муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш ва шунга мувофиқ муомалага пул чиқаришдир.

Муомалани таъминлаш учун зарур бўлган пул миқдори қуйидагиларга боғлиқ:

I. Муайян даврда, айтайлик, бир йил давомида сотилиши лозим бўлган товарлар суммасига. Товарлар қанча кўп бўлса ва нархи баланд бўлса, уларни сотиш ва сотиб олиш учун шунча кўп пул бирлиги талаб қилинади.

II. Пул бирлигининг айланиш тезлигига.

Пул бир хил бўлмаган тезлик билан айланади. Бу кўп омилларга, жумладан улар хизмат қилаётган товарлар турига боғлиқ.

III. Муомала учун зарур бўлган пул миқдори пулдан тўлов воситаси сифатида фойдаланишга ҳам боғлиқ. Кўпинча товарлар қарзга сотилади ва уларнинг ҳақи келишувга мувофиқ кейинги даврларда тўланади. Демак, зарур пул миқдори шунга мувофиқ миқдорда камаяди. Иккинчи томондан, бу даврда илгари кредитга сотилган товарлар ҳақини тўлаш вақти бошланади. Бу пулга эҳтиёжни кўпайтиради.

Муомалада бўлган пул бирлиги миқдорининг товарлар нархи суммасидан ошиб кетиши ва бунинг натижасида товарлар билан

таъминланмаган пулнинг пайдо бўлиши пулнинг қадрсизланиши, яъни инфляцияни билдиради.

Миллий иқтисодиётда давлатнинг, тижорат банклари ва бошқа молиявий муассасаларнинг мажбуриятлари пул сифатида фойдаланади.

Пул операцияларининг асосий кўпчилик қисми нақд пулсиз, чеклар, пластик карточкалар ва унга тенглаштирилган молиявий активлар ёрдамида амалга оширилади. Шу сабабли муомалада бўлган пул миқдорини ҳисоблаш учун $M_1 \dots M_n$ пул агрегатлари ёки таркибий қисми тушунчасидан фойдаланилади. Бизнинг республикамизда умумий пул миқдори куйидаги (таркиб)лар асосида ҳисобланади:

M_0 – нақд пуллар;

$M_1 = M_0 +$ тегишли ҳисоб варақаларидаги пул қолдиқлари, маҳаллий бюджетлар маблағлари, бюджет, жамоа ва бошқа ташкилот маблағлари;

$M_2 = M_1 +$ халқ (жамғарма) банкларидаги муддат омонатлар;

$M_3 = M_2 +$ чиқарилаётган сертификатлар + аниқ мақсадли заём облигациялари + давлат заём облигациялари + хазина мажбуриятлари.

Барча пул агрегатлари йиғиндиси ялпи пул массаси ёки ялпи пул таклифини ташкил қилади. Пулнинг таркибий қисмларида нақд пуллар – металл ва қоғоз пуллардан иборат бўлади. Нақд пуллар бозор иқтисодиётида ривожланаётган мамлакатларда умумий пул массасининг 5–7 фоизни, бозор иқтисодиётига ўтаётган Мустақил Ҳамдўстлик Давлатларида 30–35 фоизни ташкил қилади.

Пулга талаб – бу битимлар учун (P_t) ва активлар томонидан пулга талаб (P_a) ни ўз ичига олади.

Аҳоли ўзларининг ҳисобларига навбатдаги пул оқими келиб тушгунча, кундалик эҳтиёжлари учун қўлларида етарли пулга эга бўлиши зарур. Корхоналарга иш ҳақи тўлаш, материал, ёқилғи сотиб олиш ва шу кабилар учун пул керак бўлади. Шу барча мақсадлар учун зарур бўлган пул битим учун пулга талаб дейилади. Битим учун зарур бўлган пул миқдори номинал ялпи миллий маҳсулот (ЯММ) ҳажми билан аниқланади, яъни у номинал ЯММга мутаносиб равишда ўзгаради. Аҳоли ва корхоналарга икки ҳолда битим учун кўпроқ пул талаб қилинади: нархлар ўсганда ва ишлаб чиқариш ҳажми кўпайганда.

Кишилар ўзларининг молиявий активларини ҳар хил шаклларда, масалан, корпорация акциялари, хусусий ёки давлат облигациялари шаклида ушлаб туриши мумкин. Демак, активлар томонидан пулга талаб ҳам мавжуд бўлади. Активлар томонидан пулга талаб фоиз ставкасига тескари мутаносибликда ўзгаради. Фоиз ставкаси паст бўлса, кишилар кўпроқ миқдордаги нақд пулга эгалик қилишни афзал кўради. Аксинча, фоиз юқори бўлганда, пулни ушлаб туриш фойдасиз ва активлар шаклидаги пул миқдори кўпаяди. Шундай қилиб, пулга бўлган умумий талаб, активлар томонидан пулга бўлган талаб ва битим учун пулга бўлган талабнинг миқдори билан аниқланади.

Пул қўйидаги вазифаларни бажаради:

1) *қиймат ўлчови*. Бунда пул умумий эквивалент бўлган товар бўлиб, ўзида меҳнатни мужассамлаштиради ва шу сабаб товар қийматини ўлчай олади;

2) *муомала воситаси*. Бунда пул олди-сотдида ишлатилади. Пул ёрдамида товарни харид этиш, пулга товар айирбошлаш юз беради;

3) *жамғарма воситаси* – бу пулнинг жамланган бойлик шаклига кириб, ўз эгаси учун керак бўлганда харид этиш воситаси бўлиб хизмат қила олишидир.

Ҳозирги кунда электрон пуллар ўтказмалари кенг ривожланмоқда. Санокли сонияларда жўнатмалар дунёнинг кўрсатилган манзилларига етказилмоқда. Бу аҳоли учун қулайликлар туғдиради.

Пул ислоҳоти ўтказиш йўллари:

дефляция – муомаладаги пул миқдорини ортиқча пул белгиларини истеъмолдан чиқариш йўли орқали камайтириш;

деноминация – пул белгилари қийматининг ўзгариши ва маълум нисбатда янги йирик пул бирлигига алмаштирилиши;

нуллификация – эски пул белгиларини муомаладан олиш ва озроқ миқдорда янгиларини чиқариш;

ревальвация – миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда чет эл валютаси ёки қимматбаҳо металлга нисбатан кўтарилиши;

девальвация – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта резервининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда пул бирлиги қийматининг расмий тартибда чет эл валютаси ёки қимматбаҳо металлга нисбатан пасайтирилиши.

Пул бозорида макроиктисодий мувозанатни сақлашда Марказий банк муҳим ўрин тутди. Шу боис ўқувчиларга бу борада тўлақонли ахборотга эга бўлишлари учун 1995 йил 21 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги қонунидан иқтибослар келтиришни лозим топдик.

33-модда. Марказий банкнинг пул белгиларини чиқаришдаги ваколатлари.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонуний тўлов воситаси сифатида банкнотлар ва тангалар кўринишидаги пул белгиларини муомалага чиқаришда мутлақ ҳуқуққа эга. Уларни қалбакилаштириш ва ноқонуний тарзда тайёрлаш қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Муомалада бўлган банкнотлар ва тангалар Марказий банкнинг қатъий мажбуриятлари ҳисобланади ва унинг жамики активлари билан таъминланади. Марказий банк йўқ қилиб юборилган, йўқотилган, қалбаки, ясама ва қонуний кучини йўқотган банкнотлар ва тангаларнинг ўрнини қопламайди.

Марказий банк банкнотлар ва тангаларнинг намуналарини, шунингдек уларнинг дизайнини Олий Мажлис Сенатининг Кенгаши билан келишган ҳолда тасдиқлайди. Банкнот ва тангаларнинг дизайни Марказий банкнинг мулки ҳисобланади. Марказий банк янги намуналардаги банкнот ва тангалар муомалага чиқарилиши тўғрисидаги ахборотни, шунингдек уларнинг тавсифини оммавий ахборот воситаларида эълон қилади. Марказий банк ва у ваколат берган банклар талабга кўра бир номинал қийматдаги банкнот ва тангаларни бошқасига ҳеч қандай тўловсиз ёки воситачилик ҳақисиз айирбошлаб беради.

34-модда. Пул белгиларини тайёрлаш ва сақлаш.

Марказий банк банкнотлар босилиши ва тангалар зарб қилиниши, муомалага чиқарилмаган пул белгилари сақланишини, шунингдек босма қолиплар ва бўёқлар сақланиши ҳамда йўқ қилинишини таъминлайди, нақд пулларни сақлаш, ташиш ва инкассо қилиш, шунингдек уларни йўқ қилиб юбориш қоидаларини белгилайди.

35-модда. Муомаладаги пул белгиларидан фойдаланишга қўйиладиган талаблар.

Марказий банк муомалага чиқарган банкнот ва тангалар Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида тўловларнинг барча

турларида ёзилган қиймати бўйича қабул қилиниши, шунингдек ҳисобвараққа, омонатга ўтказиш ва жўнатма сифатида ўтказиш учун қабул қилиниши мажбурийдир.

36-модда. Тўловларни амалга ошириш.

Тўловлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида нақд пул билан ёки нақд пулсиз ҳисоб-китоблар кўринишида амалга оширилади. Нақд пулсиз ҳисоб-китоблар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банклар орқали амалга оширилади. Марказий банк нақд пулсиз ҳисоб-китоблар шакллари ва қоидаларини белгилайди.

Марказий банк юридик шахсларнинг касса операцияларини амалга ошириш тартибини белгилайди.

38-модда. Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш.

Нақд пул маблағларини муомалага чиқариш ва қайтариб олишни фақат Марказий банк амалга оширади.

39-модда. Пул белгиларини муомаладан қайтариб олиш.

Марказий банк Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай банкнот ва тангаларни муомаладан қайтариб олишга ҳақли. Бунга Марказий банкнинг айирбошлаш тартиби ва муддати кўрсатилган норматив ҳужжат асос бўлиб хизмат қилиши керак, айирбошлаш муддати бир йилдан кам бўлиши мумкин эмас. Марказий банк айирбошлаш учун белгилаган муддат тугаганида айирбошланиши керак бўлган банкнот ва тангалар қонуний тўлов воситаси сифатидаги ўз кучини йўқотади.

Ўзбекистон Республикасида 1994 йилнинг 1 июнидан бошлаб республика миллий валютаси «сўм» муомалага киритилди. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки муомалага 1, 3, 5, 10, 25, 50, 100 сўнгра 200, 500 ва 1000 сўмлик купюралар ҳамда 1, 3, 5, 10, 20 ва 50 «тийин»лар ва 5, 10, 25, 50, 100 сўмлик тангалар чиқарди. Ўзбекистон Республикасининг барча ҳудудларида ҳисоб-китоблар, тўловлар, республика резидентлари ва норезидентлари, юридик ва хусусий шахслар ўртасидаги муомалалар, албатта, миллий валюта – «сўм»да амалга оширилиши қатъий белгилаб қўйилган.

Иқтисодиётда пулнинг ликвидлиги муҳим ўрин тутди. Пулнинг ликвидлиги унинг муомала сифатида ҳамма нарсага тез ва ҳеч бир тўсиқсиз айирбошланишидир. Пулдан бошқа ликвидли активлар ҳам бор, лекин улар ликвидлик жиҳатдан пулга тенглаша олмайди. Сабаби пул ҳеч бир харажатсиз хоҳлаган пайтда хоҳлаган нарсага айирбошланиши мумкин. Бино, жавоҳир ёки транспорт воситаси

бошқа нарсага айирбошланиши учун у сотилиши керак, бу кўп вақт ва харажатни талаб қилади.

Миллий пул – бу муайян мамлакатда муомалада юривчи ва танҳо тўлов воситаси деб қабул қилинган пулдир.

Ҳозирги иқтисодиётда товар шаклидаги пул қўлланилмайди дейиш мумкин. Уларнинг ўрнига қоғоз ва электрон пуллар қўлланилади. Қоғоз пуллар декретланган. Юқоридаги 39-моддага мувофиқ, давлат томонидан пул деб эълон қилинган махсус белгилари бор қоғозлардир. Қоғоз пуллар купюра шаклида ҳамда тангалар сифатида чиқарилишини юқоридаги маълумотлардан билиб олдик. Миллий пул ягона тўлов воситаси ҳисобланади. У 12 та ҳимоя белгиларига эга. Ҳимоя белгилари уни қалбакилаштиришнинг олдини олади. Пуллар муомала қилиш жиҳатидан нақд ва нақд бўлмаган пулларга ажралади.

Нақд пуллар – бу аҳоли кўлида аниқ моддий шаклдаги қоғоз ва танга пуллар бўлиб, улар кўлдан кўлга ўтиб юради. Бу энг кўп тарқалган тўлов воситасидир.

Нақд бўлмаган пуллар бу банкдаги айрим фуқаролар (жисмоний шахслар), фирмалар ёки давлат ташкилотлари (юридик шахслар) номига ёзилган пулдир. Нақд бўлмаган пул банкда тургани учун у эгасига фоиз келтирган ҳолда ўсиб боради. Нақд бўлмаган пуллар банкнинг жорий ва муҳлатли депозитларида туради, у ҳам тўловларда қўлланилади. Пуллар банкда сақланганда хавфсиз бўлади. Бугун дунё мамлакатларида пластик карточкалардан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бироқ уларнинг ўзини пул деб бўлмайди. Улар пул борлигини тасдиқловчи воситадир. Пул актив ва пассив пулга бўлинади. Актив пул амалда ҳаракатда бўлади, яъни иқтисодиётдаги олди-берди муносабатларида тўлов воситаси сифатида ҳаракат қилади. Пассив пул бу иқтисодий айланмада иштирок этмай турган пулдир. У жамғарма, пул резервлари ва касса қолдиқларидан иборат бўлади. Миллий пуллардан ташқари жаҳон пуллари ҳам бўлади. Бу халқаро миқёсда, яъни мамлакатлараро иқтисодий алоқаларга хизмат қилувчи пулдир. Илгарилари жаҳон пули вазифасини олтин қуйилмалари, яъни ёмбилари ташкил этган. Ҳозир махсус чиқарилган жаҳон пули йўқ. Бу пул вазифасини қадри барқарор, яъни қаттиқ валюталар ташкил этади (АҚШ доллари, Англия фунт стерлинги, Япония иенаси, Европа Иттифоқининг евроси, қисман Хитой юани). Пул муомаласи деганда, бу пулнинг кўлдан кўлга ўтиб, доимо ҳаракатда бўлишидир. Пул банклардан

чиқиб фирмалар, давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари кассасига келиб тушади. Иқтисодиётда пул етарли бўлиб, унинг етишмай қолиши ёки ортиқча бўлиб кетиши каби ҳоллар юз бермаслиги керак.

Иқтисодиётнинг пул билан нақадар таъминланиши унинг монетизацияланиш даражаси деб юритилади. Пул муомаласини бошқариб турувчи иқтисодий қонун борки, бу бозор иқтисодиётининг муҳим қонунларидан биридир. Бу қонун муомалада қанча пул зарур бўлишини белгилаб беради. (Қаранг: юқорида келтирилган 33–40-моддалар).

2. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари

Инфляция макроиқтисодий беқарорликнинг кўринишларидан бири ҳисобланади. «Инфляция» тушунчаси биринчи марта ғарбий Америкада, (1861–1865 йиллардаги фуқаролар уруши даврида) қўлланила бошлаган ва қоғоз пул муомаласининг кўпайиб кетиши жараёнини билдирган. Иқтисодий адабиётларда «инфляция» тушунчаси XX асрда, биринчи жаҳон урушидан кейин кенг тарқалди.

Инфляция – бу қоғоз пул бирлигининг қадрсизланиши ва шунга мос равишда товар нархларининг ўсишидир. Инфляция бозор хўжалигининг ҳар хил соҳаларида такрор ишлаб чиқариш номутаносибликлари туғдирадиган мураккаб ижтимоий-иқтисодий ходисадир.

Қоғоз пул товарларга, олтинга ва ўз қадрини, барқарорлигини сақлаб қолган чет эл валюталарига нисбатан қадрсизланади.

Инфляция нарх индекси ёрдамида базис даврга нисбатан аниқланади. Келиб чиқиш сабаблари ва ўсиш суръатларига қараб, инфляциянинг бир қанча турлари мавжуд.

1) *талаб инфляцияси*. Нарх даражасининг анъанавий ўзгариши жами талаб ортиқчалиги билан тушунтирилади. Иқтисодиётнинг ишлаб чиқариш соҳаси маҳсулотнинг реал ҳажмини кўпайтириб ортиқча талабни қондира олмайди. Чунки барча мавжуд ресурслар тўлиқ фойдаланилган бўлади. Шу сабабли бу ортиқча талаб нархнинг ошишига олиб келади ва талаб инфляциясини келтириб чиқаради;

2) *таклиф инфляцияси*. Инфляция ишлаб чиқариш харажатлари ва бозордаги таклифнинг ўзгариши натижасида ҳам келиб чиқиши мумкин. Ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши натижасида келиб чиқадиган инфляция маҳсулот бирлигига қилинадиган харажатларнинг кўпайиши ҳисобига нархларнинг ошишини билдиради.

Маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши иқтисодиётда фойдани ва маҳсулот ҳажмини қисқартиради. Натижада товарлар таклифи ҳам қисқаради. Бу ўз навбатида нарх даражасини оширади. Ишлаб чиқариш харажатлари номинал иш ҳақи, хом ашё ва энергия сарфлари нархларининг ўсиши ҳисобига ортиб боради. Инфляциянинг: а) меъёрдаги; б) ўрмалаб борувчи; в) гиперинфляция каби турлари ҳам мавжуд. Инфляциянинг биринчи турида баҳолар йилига 10 фоизгача, иккинчисида 20 дан 200 фоизгача, учинчисида астрономик миқдорда ўсиши кузатилади.

Башорат қилиш мумкинлигига қараб кутилаётган ва кутилмаган инфляция фарқланади. Кутилаётган инфляция ва унинг оқибатларини олдиндан башорат қилиш мумкин, кутилмаган инфляцияни олдиндан айтиб бўлмайди. Биринчи ҳолда инфляциянинг кутилаётган салбий оқибатларига тайёрланиб, уни сезиларли даражада юмшатиш мумкин. Иккинчи ҳолда нархларнинг кутилмаган ўсиши натижасида мамлакат иқтисодий аҳволининг сезиларли ёмонлашуви рўй бериши мумкин.

Пул миқдори керагидан ортиб кетганда инфляция пайдо бўлади. Бу нархларнинг муқим ошиб бориши натижасида миллий пул бирлигининг қадрсизланишидир. Инфляциянинг сабаблари кўшимча пул эмиссияси, ишлаб чиқаришнинг қисқариб кетиши, харажатларнинг ошиб кетиши, чет эл валютаси захираларининг қадрсизланиши кабилардан иборатдир.

Инфляция келиб чиқиши сабабларига кўра:

- талаб ва таклиф инфляциясига;
- қандай бориши жиҳатидан эркин бозор инфляцияси ва давлат бостириб турадиган инфляцияга;
- шиддати жиҳатидан *ўрмаловчи, йўргаловчи ва тез югурувчи – гиперинфляцияга* ажратилади.

Инфляция даражасини нархларнинг зўр бериб ўсиши белгилайди. Инфляция меъёрида бўлганда (йилига 10–12 фоиз) бу иқтисодиёт учун хавф туғдирмайди, аксинча, пул инъекция орқали иқтисодиётнинг ўсишига кўмак беради. Иқтисодиёт иштирокчилари меъёридаги инфляцияга мослашадилар. Давлатнинг мослашув

тадбирлари инфляцияни ҳисобга олиб фоизини ўзгартиришдан, даромадлар индексациясини ўтказишдан иборат бўлади. Инфляция белгиланган меъеридан чиқиб кетганда, давлат инфляцияга қарши тадбирларни қўллайди. Чунки инфляция фирмалар ва фуқаролардаги мавжуд пул қадрининг пасайишидан турли хил йўқотишларга олиб келади. Гиперинфляция иқтисодий тангликни ҳосил этади. Ўрмаловчи инфляция шароитида иқтисодий фаоллик юз беради.

Давлатнинг аксилинфляция сиёсати асосан муомаладаги ортиқча пулни олишдан, пул эмиссиясини тўхтатишдан иборат бўлади. Иқтисодиётда ортиқча пул ҳосил бўлганда, пул массаси қисқартирилади. Нархлар пул миқдорига боғлиқ бўлар экан, унинг қисқариши талабни камайтириб, нархларнинг ўсишини секинлаштиради. Давлатнинг аксилинфляция сиёсатининг муҳим йўналишидан бири бу иқтисодиётнинг реал секторини рағбатлантиришдан иборат. Чунки иқтисодиётнинг реал сектори хилма-хил маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқариш бўлганидан у иқтисодиётнинг асосий таянч нуқтаси ҳисобланади. Реал секторда яратилган барча неъматлар айирбошланади, тақсимланади ва истеъмол этилади. Кўриниб турибдики, бундай ҳаракат узлуксиз юз беради. Яъни такрор ишлаб чиқаришни юзага чиқаради. Шу боис иқтисодиётнинг реал секторини пулнинг айланма ҳаракатсиз тасаввур этиб бўлмайди. Чунки иқтисодиётда доимо пулга қўшимча талаб пайдо бўлади. Бундай шароитда пул захирадан чиқиб оборотга киради ва реал секторга хизмат қилади. Иқтисодиётда пулга талабнинг қондирилиши реал сектордаги ишлаб чиқаришни кенгайтиради ва иқтисодий ўсишни таъминлашга хизмат қилади. Шунинг учун давлат пулнинг қадрини мустаҳкамлаш чора-тадбирларини қўради.

3. Пулнинг қадрини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар

Республикада миллий валютани мустаҳкамлаш ишида сўмнинг харид қувватини ошириб бориш ва унинг барқарорлигини таъминлаш асосий вазифа ҳисобланади. Бунга бозорни рақобатдош маҳсулотлар билан тўлдириш ва зарур эҳтиёжлар ҳосил қилиш орқали эришилади. Бозорни истеъмол моллари билан тўлдиришда миллий ишлаб чиқаришни имкони борича кенгайтириб бориш ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки шу орқали истеъмол моллари сотишнинг умумий ҳажмида миллий маҳсулотлар ҳиссаси ошириб

борилади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, миллий ишлаб чиқаришни кенгайтириш орқали сўмнинг барқарорлигини таъминлаш четдан маҳсулот келтиришни инкор қилмайди. Аҳолини сифатли чет эл моллари билан таъминлаш мақсадида импорт ҳам рағбатлантириб борилади.

Сўмнинг барқарор амал қилиши, унинг ҳар қандай валютага эркин алмашилиши етарли валюта захираси бўлишига боғлиқ. Унга эришишда корхоналар ва барча субъектларнинг, жаҳон бозорида рақобатга бардош берадиган маҳсулот ишлаб чиқариши учун зарур бўлган рағбатлантирувчи омилларни вужудга келтириш алоҳида аҳамиятга эга. Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда ундан эҳтиёткорона ва тежаб, тергаб фойдаланиш, ишлаб чиқаришга сарфланган маблағларнинг энг кўп самара беришига, олинган кредитларнинг ўз вақтида қайтарилишига эришиш муҳим ўрин тутади.

Инфляцияга қарши аниқ ўйланган сиёсат ўтказиш миллий валютани мустаҳкамлашнинг муҳим шартларидан биридир. Бу сиёсат энг аввало инфляция даражасини кескин камайтиришга қаратилиши лозим. Бунда пулнинг қадрсизланиш даражаси устидан қатъий назорат ўрнатиш ҳамда унга қарши самарали тадбирлар қўллаш ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади. Шу орқали пулнинг қадрсизланишида мақбул суръатни танлашга эришилади. Инфляцияга қарши сиёсат негизини пул миқдорининг ўсишини товарлар ва хизматлар миқдорининг тегишли даражада ўсиши билан боғлаб олиб боришга қаратилган тадбирлар ташкил қилиш зарур. Чунки харид қилиш учун моллар етарли бўлмаган ҳолда аҳоли кўлида пулнинг ортиқча кўпайиб кетиши инфляциянинг янада авж олиб кетишига сабаб бўлади. Пул миқдори билан бирга нархларнинг ҳам тобора ўсиб бориши муқаррар равишда, узоқ давом этадиган гиперинфляцияни келтириб чиқаради. Бу, ўз навбатида, миллий ишлаб чиқаришнинг издан чиқиши, аҳоли кенг табақаларининг қашшоқлашиши ва бутун ижтимоий тизимнинг барбод бўлиши хавфини туғдиради.

Товарлар тақчиллиги мавжуд бўлиб турган ҳозирги босқичда гиперинфляциянинг олдини олиш учун аҳоли истеъмол фондининг ўсишини ишлаб чиқариладиган маҳсулот, кўрсатиладиган хизматнинг моддий ҳажми кўпайишига бевосита боғлиқ қилиб қўйиш зарур бўлади. Ички бозорни моллар ва хизматлар билан тўлдириш, муомалага ўринсиз ортиқча пул чиқарилишига йўл

қўймаслик, миллий валюта барқарорлигини таъминлаш ва халқ турмуш даражасини ўстиришнинг муҳим шартидир. Сўмнинг барқарорлигини таъминлашда нақд пул эмиссиясининг ўсишига, аҳоли қўлида пулнинг ҳаракатсиз туриб қолишига йўл қўймаслик биринчи даражали аҳамиятга эга. Бунда муомалага чиқарилган пул миқдорининг ўз вақтида қайтарилишига эришиш, маҳсулот ишлаб чиқаришнинг ўсиши таъминламаган корхоналарга кредитлар берилишига йўл қўймаслик чоралари кўрилиши керак. Инфляцияни пасайтирувчи қудратли омил миллий валюта алмашув курсининг барқарорлашувига эришишдир. Бу, ўз навбатида, импорт нархларнинг барқарорлашувига олиб келадики, натижада ички бозордаги нархлар ўзгаради.

Валюта биржаларида валюта операцияларининг барча турлари учун талаб ва таклиф натижасида шаклланадиган ягона алмашув курсини белгилаш, валюта курси барқарорлигига эришишнинг дастлабки шартидир. Миллий валюта курси барқарорлигини таъминлашнинг навбатдаги шarti дастлабки босқичда валютани нақд пулсиз алмаштириш ҳажмини кўпайтиришга устунлик беришдир. Истиқболда эса бу соҳадаги сиёсат банклараро валюта биржасидаги оборот миқдорини корхона ва фуқаролар ўз пулини хоҳлаган миқдорда хоҳлаган валютага эркин алмаштириш имкониятини берадиган даражага етказишга қаратилади. Бунга эришишда миллий ишлаб чиқаришда экспорт улушини кенгайтириш билан бирга, Президент Ислom Каримов таъкидлаганидек, «миллий валютамининг жорий операциялар бўйича эркин алмашувини, яъни конвертациясини таъминлаш учун барча зарурий шарт-шароитларни яратиш»¹ алоҳида аҳамиятга эга. Бу шароит яратилиши натижасида эркин алмашув амалга ошмоқда. Шундай қилиб, юқорида қараб чиқилган чора ва тадбирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши миллий валютамин алмашув курсининг барқарорлашувига, унинг харид қилиш қувватининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди.

Мамлакатимизда ўтказилаётган нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалардаги ислохотлардан ҳам асосий кўзланган мақсад барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси миллий валютамин – сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига

¹ Каримов И. А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. – Т.: «Ўзбекистон», 2000. – Б. 18.

эришишдир. Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди.

Пулнинг бақувватлигига эришишга қаратилган давлат дастурлари:

- ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш;
- давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш;
- экспорт имкониятларини кескин кучайтириш;
- ортиқча пул эмиссиясига, яъни пул билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик.

Пулнинг қадрини мустаҳкамлашни таъминлашнинг воситалари:

- мамлакатнинг олтин захираси билан;
- мамлакатнинг бутун бойлиги билан;
- товар массасининг ҳажми ва таркиби орқали;
- талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни тартибга солиш орқали;
- нарх-навони тартиблаш орқали;
- пул муомаласи қонунидан фойдаланиш орқали.

Нархнинг иқтисодий мазмуни, вазифалари, турлари.

Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш

Маълумки, бозорда товар ва хизмат харид этилган чоғда бунга қанча пул тўлаш зарурлигини нарх белгилайди. Нарх деганда товар қийматининг пулдаги ифодаси тушунилади. Нарх бозор иқтисодиётининг муҳим дастакларидан биридир.

Нархнинг мазмуни тўғрисида турлича ёндашувлар мавжуд. Жумладан, классик иқтисод намояндалари А. Смит, Д. Рикардо, Ж.С, Милл нархни бозор қийматининг пулдаги ифодаси, деб таърифлаганлар. Неоклассик ёндашувга мувофиқ нархга товарлар нафлилигини баҳолаш воситаси сифатида қаралади. Ҳозирги замон неоклассик ёндашув намояндаси А.Маршалл нарх кейинги нафлилик, ишлаб чиқариш харажатлари ҳамда талаб ва таклиф нисбатининг пулдаги мужассамлашиши деб баҳолайди. Демак, нарх бозор алоқаларининг асосий иқтисодий воситаси бўлиб, товар ва

хизмат бирлигини сотиб олиш учун тўланадиган пул миқдорини билдиради.

Нархнинг моҳиятини унинг вазифаларини ўрганиш орқали чуқур тушуниш мумкин. Нарх қуйидаги вазифаларни бажаради:

1. *Бозор мувозанатини таъминлаш.* Бунда нарх бозордаги талаб ва таклифнинг ҳажми ва таркибига таъсир этиш орқали уларни мувозанат ҳолатига келтиради.

2. *Ҳисоб-китоб ўлчов вазифасини бажаради.* Қилинган харажатлар, кўрилган фойда-зарар, бажарилган иш ҳажмининг ҳаммаси маълум нархлар асосида ҳисоб-китоб қилинади.

3. *Иқтисодий регуляторлик вазифасини бажаради.* Нархдаги ўзгариш бозор ҳолатини билдиради, бу эса талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ.

4. *Рақобат воситаси ҳисобланади.* Рақобат турларидан энг муҳими нарх воситасида кураш. Фирмалар ўз рақибларини енгиш, уларни бозордан сиқиб чиқариш учун нархни ўзгартириб турадилар. Нархнинг рақобат воситаси эканлиги унинг ғоят муҳим иқтисодий восита бўлганидан келиб чиқади. Фирмалар бозорни эгаллаб олиш, ундан рақибларни сиқиб чиқариш учун нархларни ўзгартириш сиёсатини қўллайдди.

5. *Ижтимоий ҳимоя вазифасини бажаради.* Нарх аҳолининг айрим тоифаси ёки халқни қимматчиликдан сақлаш вазифасини ўтайди. Бунда дотацион (бюджет маблағлари ҳисобидан арзонлаштирилган) нархлар шундай вазифани бажаради.

Иқтисодий мазмунга кўра нархнинг қуйидаги турлари мавжуд:

мувозанат нарх – бу турли товарлар ўртасидаги иқтисодий жиҳатдан асосланган нисбатлардир;

демпинг нарх – бу бозордан рақибларни суриб чиқариб, ўз мавқеини мустаҳкамлаш учун қўлланиладиган махсус нарх;

нуфузли нарх – бу фирма нарх қўйганда товар сотилишини қисқартирмаган ҳолда юқори нарх ҳисобига канда қилмай фойда олиш;

миллий нарх – бу мамлакат доирасидаги ижтимоий харажатларни, миллий бозордаги талаб ва таклифни, товар нафлигини ва нақадар қадрлигини ҳисобга олган нарх;

дотацияланган нарх – бу давлат бюджети ҳисобидан махсус арзонлаштирилган нарх;

жаҳон нархи – бу товарга кетган байналминал сарф-харажатларни, товарнинг жаҳон стандарти талабига мос келиши даражасини, талаб ва таклифни ҳисобга олган нарх;

стандарт нарх – бу харидор имкониятини ҳисобга олиб, маълум давргача ўзгармайдиган нарх;

контракт нарх – бу ҳар икки томоннинг розилиги билан белгиланган ва уларнинг шартномасида қайд этилган нарх;

ўзгарувчан нарх – бу харажатлар ва бозордаги талабнинг ўзгаришини ҳисобга оладиган нарх;

чакана нарх – бу истеъмол товарларини бевосита аҳолига сотиш нархи;

эркин нарх – бу савдолашув асосида вужудга келадиган нарх;

лимит нарх – бу максимал чегараси аниқланиб, ундан ошиқ даражада белгиланадиган нарх;

монопол нарх – бу монопол мавқеига эга бўлган товарларга белгиланиб, ишлаб чиқариш баҳосидан юқори ёки паст бўладиган нарх;

яширин нарх – бу хуфиёна бозорларда шаклланадиган нарх.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс бўлишини таъминлайди», – деб таъкидлаганида нархнинг шакллантиришда унга таъсир этувчи объектив омилларга эътибор қаратишни назарда тутган.

Нархнинг шаклланишига қуйидаги омиллар таъсир этади: қиймат, рақобат, талаб, таклиф ва нафлилик. Нархларнинг шаклланишида харажат муҳим ўрин тутади. У ҳар қандай нархнинг умумий асоси ҳисобланади. Чунки харажатсиз ҳеч қандай товар ёки хизматлар яратиб бўлмайди. Нархларнинг шаклланишида талаб ва таклифнинг ўрни ва таъсири беқиёс. Демак, талаб ошса, нарх ошади, талаб қисқарса, нарх тушади. Аксинча, таклиф кўпайса, нарх тушади, у қисқарса, нарх ошади.

Нархга товарнинг нафлилиги ҳам таъсир этади. Товар ва хизмат қанчалик нафлилик даражасида бўлса, наф маълум вақтгача ошиш тенденциясига эга бўлади. Нафлилик даражаси пасайса, нарх тушади. Шу боис товарнинг нафлилиги қанча юқори бўлса, унинг нархи ҳам шунча баланд бўлади ёки аксинча.

Нархларнинг шаклланишида рақобат муҳити муҳим роль ўйнайди. Рақобат нарх билан белгиланганда, у бозорга таъсир ўтказади. Рақобат кучли бўлса, нарх пасаяди. Агар рақобат чекланса, нарх кўтарилишига сабаб бўлади. Шунингдек, нархларнинг шаклланишида давлатнинг иқтисодий сиёсати муҳим роль ўйнайди. Давлатнинг нарх сиёсати деганда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида нархларни эркинлаштириш ва миллий бозор нархларини жаҳон бозори нархларига яқинлаштириш чора-тадбирлари тушунилади.

Нархларни эркинлаштиришдан мақсад – хомашё ва маҳсулот айрим турлари нархлари ўртасидаги номутаносибликни камайтириш, шунингдек нарх билан аҳоли даромадлари ва корхоналар фойдаси ўртасидаги мутаносибликка эришишдир. Бундан ташқари нархларни эркинлаштириш инвестицион товарлар, истеъмол товарлари ва хизматлар нархларининг оқилона нисбатини ҳам таъминлайди.

Ўзбекистонда иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг ўзига хос тамойиллари, мамлакатдаги иқтисодий вазият ва аҳолининг турмуш даражаси ҳисобга олиниб, нархларни босқичма-босқич эркинлаштириш йўли танлаб олинди.

Маълумки, нархларни бирданига ёки «эсанкиратадиган» даражада қўйиб юбориш жамиятда ижтимоий кескинликни кучайтириш, амалга оширилаётган ислохотларни обрўсизлантиришга олиб келади. Шу боис ҳам мамлакатимизда нархларни давлат томонидан тартибга солиш ва назорат қилишни маълум даражада сақлаб қолишга ҳам эътибор қаратилди.

Биринчи босқич (1992 йил бошида) – бу даврда анча кенг турдаги инвестицион товарлар, айрим истеъмол товарлари ва хизматларнинг эркин нархлари ва таърифларига ўтилди. Чекланган доирадаги халқ истеъмол товарлари нархлари, айрим турдаги хизматлар таърифларининг юқори чегараси белгилаб қўйилди.

Иккинчи босқич (1993 йил)да улгуржи нархларни давлат томонидан тартибга солиш тўхтатилди. Давлат томонидан қатъий белгиланадиган ва тартибга солиб туриладиган товар ва хизматлар сони анча қисқарди.

Учинчи босқич (1994 йил октябрь-ноябрь)да халқ истеъмоли товарлари асосий турларининг нархлари эркин қўйиб юборилди, транспорт ва коммунал хизматлари таърифлари оширилди.

Муҳими бугунги кунда мамлакатимизда нархларнинг ижтимоий ҳимоя вазифаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Нарх орқали рақобатда унинг ғирром ва ёввойи усулларидан фойдаланишга тўсиқлар қўйилмоқда.

Таянч тушунчалар:

Пул, пул тизими, нақд ва нақд бўлмаган пул, актив ва пассив пул, пулнинг вазифалари, пул массаси, пулнинг ликвидлиги, пул муомаласи, пул ликвидли, пулнинг қадри, пул эмиссияси, миллий пул, инфляция ва дефляция, деноминация, нуллификация, ревальвация, девальвация.

Нарх, нархнинг вазифалари, нархга таъсир этувчи омиллар, нарх турлари, демпинг нарх, нархнинг шаклланиши, нарх билан боғлиқ жиноятлар, миллий нарх.

Савол ва топшириқлар:

1. Пулнинг олтин стандарти даврида вазифаси қандай бўлган?
2. Пул нима учун бозор иқтисодиётининг муҳим вазифаси ҳисобланади?
3. Пулнинг кадр-қиймати нималарга боғлиқлигини тушунтиринг.
4. Инфляция ва унинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини тушунтириб беринг.
5. Конвертирланган валюта нима?
6. Давлат инфляцияга қарши қандай чора-тадбирлар амалга ошираётганини гапириб беринг.
7. Қалбаки пул, акциз маркаси ёки қимматли қоғозлар ясаш, уларни ўтказиш билан боғлиқ жиноятлар қандай оқибатларга олиб келишини изоҳланг.
8. Валюта айирбошлаш билан боғлиқ жиноятлар ҳақида фикрингиз?
9. Нархнинг объектив иқтисодий асоси нима?
10. Нима сабабдан давлат рақибини синдириш ва бозордан суриб чиқаришни кўзлаб, ўта паст нархларда товар сотишни ман этади?
11. Бозор баҳоси нима?
12. Нархнинг ошиши ҳаёт даражасига қандай таъсир ўтказишини тушунтиринг.

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарииси

Товар – айирбошлаш учун мўлжалланган иқтисодий неъмат.

Қиймат – товар айирбошлаш ҳолатида ўз ифодасини топадиган ҳамда айирбошладиган неъматларнинг истеъмолчилари ва ишлаб

чиқарувчилари манфаатларини мақбуллаштириш (келиштириш) натижаси, товар айирбошлаш фактида ифодаланган истеъмол ва ишлаб чиқариш қиймати ўзаро муносабатининг натижаси.

Ишлаб чиқариш қиймати – товарнинг уни яратувчи шахснинг муайян даромадини таъминлаш қобилияти.

Қиймат қонуни – айирбошлаш фактининг айирбошланадиган неъматларнинг истеъмолчилари ва ишлаб чиқарувчиларининг иқтисодий манфаатлари мақбуллашуви («мос келиши»)га боғлиқлигини ифодаловчи ички, такрорлануви ва барқарор алоқа ва муносабатлар.

Истеъмол қиймати – товарнинг муайян ҳаётий эҳтиёжни қондириш қобилияти.

Қиймат меъёри – турли товар айирбошлаш қийматларининг пулдаги ўлчови ёки «нарх» бўйича қиёсланиши.

Пул – алмашиш учун мўлжалланган товар қийматларининг умумий эквиваленти.

Пулнинг жамлаш воситаси – товар ва хизматлар сотилганидан сўнг жамғариладиган ва келажакда харид қобилиятини таъминлайдиган пул.

Пулнинг муомала воситаси – товар ва хизматлар сотиб олиш учун фойдаланиладиган пул; пул ўзининг ушбу функцияси билан иқтисодий неъматларни олиш-сотишда воситачи ҳисобланади.

Пулнинг тўлов воситаси – харидорга илгари келиб тушган товар ва хизматлар учун ҳақ тўлашда фойдаланиладиган пул.

Инфляция салоҳияти – иқтисодиёт ҳаддан ташқари давлатлаштирилган шароитда ҳосил бўладиган инфляция имконияти.

Инфляция жараёни – инфляциянинг келиб чиқиши, динамикаси ва йўналишини белгиловчи барча элементларининг алоқадор бирлиги ва ўзаро таъсири.

Инфляцион трансферт – иқтисодий неъматларнинг миллий хўжаликнинг инфляция билан молиялаштириладиган тармоқлари ва секторлари фойдасига қайта тақсимланиш жараёни.

Инфляция (такрор ишлаб чиқариш билан боғлиқ ёндашув) – ижтимоий такрор ишлаб чиқариш ходисаси; жами талабнинг ўсиши томон борадиган барқарор макроиқтисодий номутаносиблик.

Инфляция (монетар талқин) – пул бозорининг ходисаси; пул массаси муомала каналлари ҳаддан ташқари тўлиб кетиши оқибатида нархларнинг умумий даражаси ўсиши.

Инфляцион кутишлар механизми – инфляция ўсишини кутиш бўлиб, фирмалар ва уй хўжаликлари инфляцион трансфертнинг бир қисмини ўзлаштириш мақсадида бажарадиган тегишли «қопловчи» (компенсацион) хатти-ҳаракатини белгилаб беради.

Инфляция сабаби – инфляция жараёнининг бевосита инфляцион макроиктисодий номутаносибликни келтириб чиқарадиган кўрсаткичлари.

Стагфляция – инфляция ва ишлаб чиқаришнинг пасайиши бирлигида намоён бўлувчи мураккаб ижтимоий-иктисодий ҳодиса.

Инфляция омиллари – инфляция имкониятига эга бўлган ва уни мустақил равишда эмас, балки давлатнинг тегишли иқтисодий сиёсатни амалга ошириши натижасида рўёбга чиқарадиган объектив иқтисодий ҳолат.

Давлатнинг аксинфляцион сиёсати – давлатнинг инфляцияни назорат қилишни таъминловчи қисқа, узоқ муддатли ва стратегик чоралари тизимини амалга ошириш борасидаги мақсадга қаратилган фаолияти.

Дестагфляция – ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши ва айни вақтда ишсизликнинг камайиши ҳамда нарх даражасининг пасайиши.

Инфляцион хавфсизлик стратегияси – иқтисодиётнинг жорий ва эҳтимол тутилган хатарли инфляция омилларидан доимий ва амалий ҳимояланганлик ҳолатини таъминловчи давлат чоралари тизими.

Бартер – муайян товар ёки хизматни пулсиз бошқа товар ёки хизматга айирбошлаш.

Ликвидлик – турли неъматлардан тўлов воситаси сифатида фойдаланилиши ёки амалга ошириши қобилияти; шунингдек муайян қиймат (неъмат, актив)нинг нақд пулга тезда айланиш қобилияти.

Нархлар миқёси – муайян мамлакатда қабул қилинган пул бирлигида (масалан, бир сўмда) мавжуд бўлган пул материали (олтин)нинг муайян миқдори.

Айирбошлаш қиймати – истеъмол ва ишлаб чиқариш қийматининг ўзаро таъсири асосида юзага келадиган иқтисодий неъматларнинг муайян миқдор мутаносиблигида бир-бирига айланиш қобилияти.

Дунё пуллари – халқаро ҳисоб-китобларда фойдаланиладиган пуллар (олтин, энг ривожланган мамлакатларнинг миллий валюталари).

Нарх (ижтимоий маънода) – товарнинг пул шаклида ифодаланган қиймати.

Нарх (функционал маънода) – харидор сотувчига муайян иқтисодий неъмат учун тўлайдиган пул миқдори.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

«Мамлакатимизда ўтказилаётган нафақат иқтисодий, балки ижтимоий соҳалардаги ислохотлардан ҳам асосий кўзланган мақсад

барча ўзгаришларнинг натижаси ва белгиси миллий валютамиз – сўмимизни мустаҳкамлаш, уни босқичма-босқич жаҳоннинг кучли валюталари билан конвертациялашга, яъни эркин алмашувига эришишдир» (*Ислом Каримов*).

«Чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг ғоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди» (*Ислом Каримов*).

Пулнинг бақувватлигига эришишга йўналтирилган давлат дастурлари:

- ички бозорни истеъмол моллари билан тўлдириш;
- давлат харажатларини кескин қисқартириш, қатъий молия, банк-кредит сиёсатини ўтказиш;
- экспорт имкониятларини кескин кучайтириш;
- ортиқча пул эмиссиясига, яъни пул билан таъминланмаган ортиқча пул муомалада бўлишига йўл қўймаслик.

Пул қадрини мустаҳкамлашни таъминлашнинг воситалари:

- мамлакатнинг олтин захираси билан;
- мамлакатнинг бутун бойлиги билан;
- товар массасининг ҳажми ва таркиби орқали;
- талаб ва таклиф ўртасидаги нисбатни тартибга солиш орқали;
- нарх-навони тартиблаш орқали;
- пул муомаласи қонундан фойдаланиш орқали.

Пул ислоҳоти ўтказиш йўллари:

дефляция – муомаладаги пул миқдорини ортиқча пул белгиларини истеъмолдан чиқариш йўли орқали камайтириш;

деноминация – пул белгилари қийматининг ўзгариши ва маълум нисбатда янги йирик пул бирлигига алмаштирилиши;

нуллификация – эски пул белгиларини муомаладан олиш ва озроқ миқдорда янгиларини чиқариш;

ревальвация – миллий пул бирлиги қийматининг расмий тартибда чет эл валютаси ёки қимматбаҳо металлга нисбатан кўтарилиши;

девальвация – мамлакат савдо ва тўлов балансининг кескин ёмонлашуви, валюта захирасининг ҳолдан тойиши, халқаро валюта бозорларида миллий валюта курсининг пасайиши билан боғлиқ ҳолда пул бирлиги қийматининг расмий тартибда чет эл валютаси ёки қимматбаҳо металлга нисбатан пасайтирилиши.

Пул миқдори керагидан ортиб кетганда, инфляция пайдо бўлади. Бу нархларнинг муқим ошиб бориши натижасида миллий пул

бирлигининг қадрсизланишидир. Инфляциянинг сабаблари кўшимча пул эмиссияси, ишлаб чиқаришнинг қисқариб кетиши, харажатларнинг ошиб кетиши, чет эл валютаси захираларининг қадрсизланиши кабилардан иборатдир. Инфляция келиб чиқиши сабабларига кўра: талаб ва таклиф инфляциясига; қандай бориши жиҳатидан эркин бозор инфляцияси ва давлат бостириб турадиган инфляцияга; шиддати жиҳатидан ўрмаловчи, йўрғаловчи ва тез югурувчи – гиперинфляцияга ажратилади.

Инфляция даражасини нархларнинг зўр бериб ўсиши белгилайди. Инфляция меъёрида бўлганда (йилига 10–12 фоиз), бу иқтисодиёт учун хавф туғдирмайди, аксинча пул инъекция орқали иқтисодиётнинг ўсишига кўмак беради. Иқтисодиёт иштирокчилари меъёридаги инфляцияга мослашадилар. Давлатнинг мослашув тадбирлари инфляцияни ҳисобга олиб фоизини ўзгартиришдан, даромадлар индексациясини ўтказишдан иборат бўлади. Инфляция белгиланган меъёридан чиқиб кетганда, давлат инфляцияга қарши тадбирларни қўллайди.

Аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирлар ҳам республикамызда изчиллик билан амалга оширилмоқда. Бу эса юртимизнинг фаровонлигини юксалтириш, аҳолининг харид қобилиятини оширишда кўзда тутадиган энг муҳим устувор мақсадларимизга тўла мос келади.

14-МАВЗУ. МОЛИЯ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг XXV боби «Молия ва кредит» деб номланиб, унинг 122-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси ўз молия ва пул-кредит тизимида эга. Ўзбекистоннинг Давлат бюджети республика бюджетидан, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетидан ва маҳаллий бюджетлардан иборат», – дейилган.

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган иқтисодий сиёсат ва бозор муносабатларини бошқаришнинг муҳим инструменти молия бўлиб, у жамиятда пул маблағлари фондларини

шакллантиришни, тақсимлашни ва фойдаланишни ифодалайди. Жамиятнинг даромади – бу ЯИМнинг пулда ҳисобланган қийматидир. Демак, молия – ялпи миллий маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш, пул маблағлари фондларини юзага келтириш ва улардан фойдаланишнинг иқтисодий инструментиدير. Молиянинг моҳияти уни тақсимлаш, рағбатлантириш, ижтимоий, фискал ва назорат вазифаларини бажаришда намоён бўлади. Молия тизимининг бир томонини молия ташкилотларининг мажмуи ташкил қилади, уларнинг вазифалари Ўзбекистон Республикасининг тегишли қонунларида белгиланган.

Молиявий тизим ижтимоий-иқтисодий муносабатлар нуқтаи назаридан марказлашган, марказлашмаган ҳамда уй хўжалиги молияларидан ташкил топади. Марказлашган молия давлат бюджет тизимини, кредити, ижтимоий бюджетдан ташқари фондларни, мулкӣ ва шахсий суғурта фондларини ўз ичига олади. Марказлашмаган молия ўз таркибига мамлакат молия ресурсларининг кўп қисмини ўзида шакллантирувчи турли мулк шаклидаги корхона ва фирмаларни, яъни алоҳида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларини ҳал этишга мўлжалланган молия ресурсларини олади.

Уй хўжалиги молияси барча оила аъзолари ўртасидаги молиявий муносабатларни ифодаловчи шахсий молиявий ресурслардан ташкил топади. Молия тизимининг барча элементлари ўз вазифалари доирасида жамиятнинг иқтисодий ўсишига ўзига хос таъсир кўрсатади. Хусусан, марказлашган молиявий маблағлар давлатнинг марказлашган фондига ва у фондлар тармоқлар, вилоятлар, аҳолининг алоҳида табақаларига тақсимланади.

Марказлашган молиявий маблағлар таркибига кирувчи бюджетдан ташқари фондлар аниқ мақсадга йўналтирилган бўлади. Хусусан, нафақа фонди нафақахўрларга тўлашга мўлжалланган. Суғурта фонди корхона ва аҳолига, оилаларга табиий офатлардан етган зарарнинг ўрнини қоплаш учун тўланадиган маблағларни ташкил қилади.

Корхона ва фирмаларнинг молиявий маблағлари ялпи миллий маҳсулотни яратишга қаратилган ишлаб чиқаришни йўлга қўйишга, халқ хўжалиги ёки корхона, фирмалар ичида тақсимлашга хизмат қилади.

Молиявий муносабатлар кўп қиррали бўлиб, иқтисодий муносабатларнинг муҳим соҳасини ташкил қилади. Молия иқтисодий категория сифатида пул маблағларидан фойдаланиш ва унинг ҳаракатини тартибга солиш билан боғлиқ бўлган муносабатлар тизими бўлиб, унинг воситасида турли даражада пул фондлари вужудга келтирилади ва улар такрор ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ва бошқа ижтимоий эҳтиёжларни қондириш мақсадида тақсимланади.

Молия иқтисодиёт доирасида ўзаро боғлиқ бўлган бир қатор вазифаларни бажаради:

1) молиянинг иқтисодий жараёнларни, тадбирларни молиявий таъминлаш ва унга хизмат кўрсатиш вазифасини бажаради;

2) молиянинг тақсимловчи вазифаси. Бу моддий ишлаб чиқариш соҳаларида яратилган ялпи миллий маҳсулотни, айниқса, унинг миллий даромадни ташкил қилувчи қисмини давлат ва мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, иқтисодиёт тармоқлари, моддий ишлаб чиқариш соҳалари, мамлакат ҳудудлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашда намоён бўлади. Бундан миллий даромаднинг бир қисми корхона ва аҳоли даромадларидан турли хил солиқлар олиш, рента ва божхона тўловлари, акциз йиғинлари кабилар орқали давлат қўлида тўпланади. Ўз қўлида тўпланган миллий даромаднинг катта қисмини давлат молия воситасида аҳолининг ижтимоий маданий эҳтиёжларига (уй жой қурилиши, тиббиёт хизмати, маориф, нафақа, стипендия ва ҳ.к.), даромадлар даражасини ушлаб туришга, миллий мудофаага, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва шу кабиларга сарфлайди;

3) молиянинг рағбатлантирувчи вазифаси, биринчидан, яратилган маҳсулот қийматини тақсимлаш жараёнида, иккинчидан, пул фондларини ташкил қилиш ва сарфлаш механизми воситасида амалга оширилади. Икки ҳолда ҳам молия ишлаб чиқариш самарадорлигига, унинг пировард натижасига, маҳсулот сифатига сезиларли таъсир кўрсатади;

4) молиядан ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол устидан назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Молиявий назорат корхона (фирма)ларнинг молия интизомига риоя қилиш учун моддий жавобгар бўлиш тизими, турли солиқлар ундириб олиш ва маблағ билан таъминлаш тизими орқали амалга оширилади.

Молиявий муносабатлар ва уларга хизмат қилувчи махсус муассасалар жамиятнинг молия тизимини ташкил қилади.

Молия тизими *корхоналар (тармоқлар)* ва *умумдавлат* молиясини ўз ичига олади. Корхона ва тармоқлар молияси улардаги такрор ишлаб чиқариш жараёнида ҳамда алоҳида фондлар яратиш йўли билан ходимларнинг ижтимоий эҳтиёжларига хизмат қилади.

Умумдавлат молияси давлат бюджетини, ижтимоий суғурта фондини ҳамда давлат мол-мулкий ва шахсий суғуртаси фондини ўз ичига олади. Давлат пул маблағларининг асосий марказлашган фонди бўлган давлат бюджети молия тизимининг асосий бўғини бўлиб хизмат қилади. **Давлат бюджети – бу давлат харажатлари ва уларни молиявий қоплаш манбаларининг йиллик режасидир.** Давлат даромадлари ва харажатларининг асосий қисми давлат бюджети орқали ўтади. Унинг асосий вазифаси молиявий воситалар ёрдамида иқтисодиётни самарали ривожлантириш ва умумдавлат миқёсидаги ижтимоий вазифаларни ҳал қилиш учун шароит яратишдир.

Давлат мол-мулкий ва шахсий суғуртаси умумдавлат молиясининг кейинги бўғини ҳисобланиб, мулкчиликнинг барча шаклларидаги корхоналар ва фуқароларга жорий қилинади. У мажбурий ва ихтиёрий бўлиши мумкин. Бу мақсадлар учун фондлар корхона ва аҳолининг тўловлари ҳисобига шаклланади. Фонд маблағлари мол-мулкий суғуртасига ва шахсий суғуртага пул тўлашни кўзда туттади.

Шахсий суғурта аҳолининг пул жамғармаларини ташкил қилишнинг шаклларида бири бўлиб ҳам хизмат қилади.

Жамият молия тизими ижтимоий-сиёсий ва маърифий ишлар билан шуғулланувчи ташкилот ва муассасаларнинг молиясини ҳам ўз ичига олади. Касаба уюшмалар, сиёсий партиялар, ёшлар, хотин-қизлар, фахрийлар ташкилотлари, ижодий уюшмалар, спорт жамиятлари ва бошқа илмий-маърифий жамиятларнинг ҳам ўзига хос молияси мавжуд бўлади. Бундай ижтимоий ташкилотларнинг молиявий ресурсларининг манбаи, ташкилот аъзоларининг кириш пули ва бадаллари, тижорат фаолиятидан келган даромад, ҳомийлар ажратган ёки хайрия қилган маблағлардан иборат бўлади. Жамият молия тизимида махсус ва хайрия фондлари ҳам алоҳида ўрин туттади. Бу фондлар турли хўжалик субъектлари ва аҳолининг пул маблағларини аниқ бир мақсад йўлида бирлаштиради ва ишлатади.

Мазкур фондларга республикада амал қилиб турган «Маҳалла», «Наврўз», «Орол», «Улуғбек» ва «Нуроний» фондларини мисол қилиб кўрсатиш мумкин. Бозор иқтисодиётига ўтиб бориш билан жамият молия тизимида турли хил суғурта

(ижтимоий суғурта, тиббий суғурта) фондлари ва бюджетдан ташқари молия фондлари (пенсия фонди, аҳолини иш билан таъминлаш фонди, табиатни муҳофаза қилиш фонди, тарихий ёдгорликларни сақлаш фонди, тадбиркорларга кўмак бериш фонди ва бошқалар)нинг аҳамияти ортиб боради.

1.2. Молия тизими

Маълумки, жамиятнинг молияси муайян тизимни ҳосил этади. Буларга молия объекти, молия субъекти, молия муносабатлари, молия механизми, молия сиёсати ва молия институтлари киради. Қуйидаги уларнинг таърифини келтирамиз.

Молия объекти – молия ресурси бўлиб, турли пул фондларидан иборат. Бу фондларни барча иқтисодиёт субъектлари ўз даромади – тушуми ҳисобидан шакллантиради, улар ҳисобидан харажатларини молиялаштиради.

Молия субъекти – молия муносабатларининг иштирокчилари бўлиб, фирмалар, хонадонлар, давлат ва нодавлат идораларидан иборат. Булар юридик ва жисмоний шахслар ҳисобланади.

Молия муносабатлари – иқтисодиёт субъектларининг молия ресурслари хусусидаги ўзаро алоқалари. Бу алоқалар ЯИМ ва миллий бойликни тақсимлаб ишлатиш жараёнида юзага келади.

Молия механизми – турли молия воситалари бўлиб, солиқ, субсидия, субвенция, трансферт, жарима, дотация, санация, молиявий меъёрлар ва бошқалардан иборат. Булар иқтисодий фаолликни рағбатлантириш ёки иқтисодий ношудликни жазолаш учун қўлланилади. Шунингдек, улар воситасида ижтимоий ёрдам амалга оширилади.

Молия сиёсати – иқтисодиёт субъектининг молиявий ресурсларни топиш, уларни тақсимлаш ва сарфлашга оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг мажмуидир. Ўз молиявий сиёсатини фақат давлат эмас, балки фирмалар ва хонадонлар ҳам юргизади ва бунда субъектлар ўз манфаатларидан келиб чиқади.

Молия институтлари – булар молия алоқаларини амалга оширувчи ва молия инфратузилмасини ташкил этувчи компаниялар, фирмалар, банклар ҳамда давлат идора ва ташкилотларидан иборат.

Молия тизимининг барча бўғинлари бир-бирини тақозо этган ҳолда амал қилади. Молия турли даражада амал қилади:

1. Микромолия – бу фирмалар ва хонадонлар, нодавлат ва жамоат ташкилотларидаги молия, молия тизимининг бошланғич ва асосий бўғини ҳисобланади.

2. Макромолия – бу мамлакат доирасидаги ва миллий иқтисодиётга хизмат қилувчи молия бўлиб, давлат молиясидан иборат.

3. Метамолия – халқаро доирадаги молия бўлиб, давлатлараро пул муносабатларини англатади.

1.3. Молиянинг функциялари

Иқтисодиёт реал ва молия секторидан иборат. Молия сектори иқтисодий тараққиётга хизмат қилади. Шу боис молиянинг зарурлиги унинг иқтисодиётда бажариладиган функцияларини белгилаб беради. Буларни қисқача кўриб чиқамиз:

1) *тақсимлаш функцияси*. Бунда молия воситасида яратилган ЯИМнинг ва бозорга чиқарилиб сотилган миллий бойликнинг пул шаклидаги қиймати тақсимланади. Бунинг натижасида турли пул фондлари ҳосил бўлади. Демак, жами пул тақсимланиб, оилалар, фирмалар ва давлатнинг молия ресурслари ҳосил бўлади.

Давлат ихтиёрига келган пул бюджет ёрдамида тақсимланиб, иқтисодий ва ижтимоий ривожланишга хизмат қилувчи фондларга юборилади;

2) *рағбатлантириш функцияси*. Молия механизми воситасида иқтисодий фаолликни қўллаб-қувватлаш юз беради (рағбатлантириш мукофотлари, қўшимча иш ҳақи). Иқтисодий-ижтимоий фаолликни рағбатлантириш мақсадида давлат солиқ ставкаларини пасайтиради, муҳтожларга молиявий ёрдам кўрсатади (Масалан, бир йилда 50 мингдан ортиқ оилага соғин сигир берилмоқда). Умумиқтисодий аҳамиятга молик ишлар бажарилганда молиявий қийинчиликка дучор бўлган фирмаларга давлат субсидия (молиявий ёрдам қайтарилмаслик шарти билан) давлат ажратади. Молия воситасида иқтисодий жазо ҳам қўлланилади. Ўз мажбуриятини вақтида бажармаганлиги учун субъектлар жарима ва пенсия (устама тўлов) берадилар. Бу ҳам рағбатлантиришга хизмат қилади;

3) *ижтимоий функция*. Бунда молия ресурслари ижтимоий эҳтиёжларни қондиришга сарфланади (таълим, соғлиқни сақлаш, спорт, маданият, ижтимоий таъминот, экологик хавфсизликни таъминлаш ишлари, аҳолининг муҳтож қатламларига ёрдам);

4) *назорат функцияси*. Молиявий ресурсларни ажратган субъектлар уларни мақсадли ишлатилишини назорат остига оладилар. Назорат ишининг асосий вазифаси молия ресурсининг самарали ишлатилишини таъминлаши ҳисобланади.

2. Молиявий инқироз, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва ундан чиқиш йўллари

Молиявий инқироз деганда, банклар ликвидлиги (тўлов қобилияти)нинг заифлиги билан боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви натижасида юз берган инқироз тушунилади. У кредит бозорида юз берган танглик ва маблағ (пул)нинг етишмаслиги туфайли келиб чиқади. 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ҳам аслида шу асосда илдиз отди.

Молиявий ресурсларнинг глобаллашуви ижобий ва салбий оқибатларга эга. **Ижобий оқибатлари** – миллий молиявий бозорларда рақобатнинг кучайиши, молиявий хизмат нархларининг пасайиши, зарур бўлганида, молиявий ресурсларнинг тезда йиғилиши, яъни молиявий тақчилликнинг йўқлиги. Молия ресурслари глобаллашувининг **салбий оқибатлари** куйидагилардан иборат:

- 1) миллий молиявий бозорларнинг беқарорлиги;
- 2) пул капиталининг реал капиталдан, яъни ишлаб чиқариш воситалари, товар захираларидан устунлик қилиши (кўплиги);
- 3) иқтисодиётнинг молиявий ҳолатга боғлиқлигининг ўсиши;
- 4) молиявий маблағларнинг норезидентлар хатти-ҳаракати, шунингдек минтақавий молиявий бозорлар ва халқаро молиявий марказлар конъюнктурасига боғлиқлиги.

Молиявий ресурсларнинг глобаллашуви шунга олиб келадики, миллий ҳукуматларнинг молияни тартибга солиш мақсадида унга кўрсатадиган таъсири сусайиб боради. Жаҳон молиявий бозори ва кўпроқ даражада трансмиллий корпорацияларнинг миллий бозорлари, халқаро институционал инвесторлар ва халқаро олиб сотарларга таъсири кучаяди.

Ривожланаётган давлатлар ва ўтиш иқтисодиётига эга мамлакатлар молияларига халқаро иқтисодий ташкилотлар – ХВФ, Жаҳон банки катта таъсир кўрсатади. Жаҳон Савдо ташкилоти доирасида 1999 йилдан бошлаб молиявий хизматлар бозорини либераллаштиришга доир кўп томонлама битим амал қилмоқда.

Юзга яқин мамлакатлар ўз худудларида хорижий кредит, молия ва суғурта муассасаларининг фаолиятини чекламаслик мажбуриятини олдилар. Қисқа муддатли капиталнинг кўплаб чиқиб кетиши мамлакатлар ўртасида молиявий инқирозни юзага келтира олади. Шу сабабли дунё молиявий бозори бугунга келиб беқарор бозорга айланди.

Молиявий бозор инқирози деганда экспертлар акцияларнинг минтақавий индекси ривожланган бозорларда 20 фоиздан ва ривожланаётган бозорларда 35 фоиздан пасайиб кетадиган вазият тушунилади. Жаҳон иқтисодиётининг минтақавийлашуви ва глобаллашуви айрим мамлакатларда юзага келадиган молиявий инқирозлар аксарият ҳолларда *минтақавий ва глобал инқирозларга* айланишига олиб келмоқда.

Молиявий инқирозларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1) валюта инқирози (миллий валюталарнинг девальвациясига (қадрсизланишига олиб келади);

2) банк инқирози (давлатнинг банк тизимини мустаҳкамлаш учун маблағ ажратишни талаб қилади);

3) қарз инқирози (ички ёки ташқи қарз муаммоларининг кескинлашуви билан боғлиқ);

4) тизимли инқироз (мамлакатнинг бутун молиявий тизимига дахлдордир ва юқорида санаб ўтилган инқирозларнинг барчасини камраб олади, масалан, 1998 йилда Россияда бошланган инқироз).

Инқирозларнинг асосий сабаблари:

1) ожиз макроиқтисодий сиёсат;

2) ривожланмаган молиявий тизим;

3) ташқи омилларнинг (экспорт учун мўлжалланган асосий товарлар нархининг тушиб кетиши, сиёсий ва иқтисодий муносабатларнинг кескинлашуви ва ҳоказо) ноқулай таъсири;

4) миллий пул бирлигининг асоссиз кўтарилган алмашув курси;

5) сиёсий беқарорлик.

XX асрнинг охири чорагида 200 дан ортиқ валюта ва банк инқирозининг 158 таси валюта инқирози бўлган. Ундан 1/3 қисмида эса миллий валюта 75 фоизга қадрсизланган. Ривожланаётган ва постсоциалистик мамлакатлар молиявий инқирозларни енгил жараёнида ўз ялпи миллий маҳсулотининг 55 фоизгача йўқотганлар, инқироздан аввалги иқтисодий ўсиш суръатларини тиклаш учун эса уларга икки йилдан олти йилгача вақт талаб этилди.

Молиявий барқарорликка таҳдидлар қуйидагилардан иборат:

- ташқи қарзни тўла ҳажмда қоплаш (қайтариш) учун маблағнинг йўқлиги билан боғлиқ бюджет муаммолари;
- миллий банкларнинг қарздорлиги;
- ишлаб чиқариш воситалари бозорида ҳисоб-китобларни форвард шартномалари бўйича амалга ошириш имконининг йўқлиги;
- хорижий валютага талабнинг жиддий ортиши, давлат бюджети тақчиллигининг кўпайиши;
- инфляция суръатларининг ўсиши.

Президент Ислом Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари атрофлича таҳлил қилинган.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларнинг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди.

Йирик ривожланган мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози келиб чиқиш сабаблари қуйидагилар:

- узоқ йиллардан буён муттасил давлат бюджети тақчиллиги кузатилгани ва уларнинг салбий ташқи савдо балансига эга эканлиги;
- давлат ташқи қарзининг миқдори ялпи ички маҳсулотга нисбатан юқори бўлаётгани;
- ривожланган мамлакатларда қайта молиялаш ставкасининг паст даражада ушлаб турилиши оқибатида жаҳон капитал бозорида арзон кредитларнинг вужудга келиши;
- ипотека кредитлари бериш талабларининг асоссиз равишда бўшаштириб юборилганлиги;
- молиявий институтларнинг ўз маблағлари ва қарз мажбуриятлари ўртасидаги нисбатнинг кескин бузилиши;
- жаҳон иқтисодиётида реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг кескин ўзгариши.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли китобида дунёнинг ҳозирги вақтда бир қатор етакчи таҳлил ва экспертлик марказлари глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларини ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги хулосаларга келаётганлигини қайд этди: «Биринчидан, молия-банк тизимидаги инқироз жараёнлари деярли бутун дунёни қамраб олаётгани, рецессия ва иқтисодий пасайишнинг муқаррарлиги, инвестициявий фаоллик кўламининг чекланиши, талаб ва халқаро савдо ҳажмининг камайиши, шунингдек, жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига таъсир кўрсатадиган жиддий ижтимоий талафотлар содир бўлиши мумкинлиги ўз тасдиғини топмоқда».

Дарҳақиқат, кейинги йилларда ривожланган мамлакатларда сурункали бюджет тақчиллиги ва салбий ташқи савдо сальдосининг кузатилаётганлиги жаҳон молиявий инқирозининг вужудга келишининг асосий омилларидан бири ҳисобланмоқда. Айниқса, жаҳон иқтисодиётида кузатилган номутаносиблик ҳолатлари, яъни айрим ривожланган мамлакатлар ташқи савдо балансида йирик миқдордаги тақчилликнинг сезилаётганлиги асосан ривожланаётган мамлакатлар савдо балансининг ортишига олиб келди. Натижада дунё мамлакатлари валюта захираларининг ўзгариши, жумладан, Хитой, Япония, Яқин Шарқ мамлакатларида валюта захираларининг кескин ўсиши юз берди.

Бундан ташқари, ривожланган мамлакатлар, айниқса, АҚШ давлат ташқи қарзи миқдори ва унинг ЯИМга нисбатан салмоғи ўсганлиги инқироз кучайишининг асосий омилларидан бири бўлди.

2008 йилда баъзи мамлакатлар ташқи қарзининг ялпи ички маҳсулотга нисбатан салмоғи¹

Т/р	Мамлакатлар	Ҳоизда
1.	АҚШ	90
2.	Россия	37
3.	Қозоғистон	102
4.	Украина	64
5.	Қирғизистон	81
6.	Ўзбекистон	13,3

¹ Қаранг: Халқ сўзи. – 2009. – 15 апр.

Жадвалда кўрсатилганидек, бу борада Ўзбекистон Республикасида тескари тенденцияни кузатамиз. Яъни, амалга оширилган оқилна сиёсат натижасида ташқи қарзларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008 йилда 13,3 фоизни ташкил этган бўлса 2010 йилда бу кўрсаткич 10 фоизни ташкил этди.

Президент Ислон Каримов жаҳон молиявий инқирози ҳолати ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир фикрларини давом эттириб: «Иккинчидан, авж олиб бораётган глобал молиявий инқироз жаҳон молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлиги ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш зарурлигини кўрсатди», – деб алоҳида таъкидлади.

Халқаро экспертларнинг эътироф этишларича, АҚШ жаҳон ялпи ички маҳсулотининг асосий истеъмолчиси эканлиги жаҳон молиявий инқирозининг келиб чиқишига фаол таъсир кўрсатган. Маълумотларга қараганда, АҚШнинг жаҳон ялпи ички маҳсулотидagi улуши 20 фоизни ташкил қилса-да, унинг истеъмолдаги ҳиссаси қарийб 40 фоизга тенг. Қолган 20 фоиз истеъмол товарларини АҚШ сотиб оладими? Қандай қилиб сотиб олади? Қайси пулга харид қилади, деган саволлар туғилади.

Албатта, уларни бошқа мамлакатлар ҳисобидан, товар билан таъминланмаган қоғоз пуллар (АҚШ долларлари)ни керагидан ортиқ босиб чиқариш ҳисобига сотиб олади. Шу йўл билан дунё миллий бойлигини тақсимлашда, айтиш мумкинки, адолатсизлик йўлини тутди. Ҳозирги кунда АҚШ долларлари эмиссиясини ўз мамлакати иқтисодиёти муомаласида бўлган мамлакатлар ҳукумати эмас, балки АҚШ ҳукумати ҳам назорат қила олмаслигига олиб келди.

Хўш, унда АҚШ долларларини ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан ким шуғулланади? Бундай ваколат 20 та хусусий банкни бирлаштирган, хусусий ташкилот мақомига эга бўлган АҚШ Федерал захира тизими (Марказий банки)га берилган. Бу хизматнинг собиқ раиси Алан Гринспен бошчилигида тизимда олиб борилган нораціонал пул-кредит сиёсати ҳамда қайта молиялаштириш ставкасининг сурункали равишда паст даражада ушлаб турилиши натижасида банкларнинг кредит бериш кўлами кескин ўсди. Тижорат банклари фаолиятини тартибга солиш тизимининг номувофиқлиги туфайли эса банклар томонидан кредитлаш тизими талаблари енгиллаштирилди.

Ҳозирги жаҳон молиявий инқирози АҚШдаги ипотека инқирозидаги танглик ҳолатидан рағбат олган ҳолда, глобал ишонч ва ликвидлилик муаммосига айланиб кетди. Хўш, бу инқироз замирида қандай сабаб ва омиллар мужассам? У қандай оқибатларга олиб келади? Ўзбекистон иқтисодиётига қандай таъсир қилади? каби саволлар ҳар бир инсонда туғилиши табиийдир.

Жаҳон молиявий инқирозининг замирида фундаментал, хусусан, макроиқтисодий, микроиқтисодий ва институционал сабаблар ётганлигини қайд этиш лозим. Экспертларнинг таъкидлашича, бунда бош макроиқтисодий сабаб АҚШ иқтисодиётидаги ортиқча ликвидлилик муаммоси бўлиб, буни келтириб чиқарувчи асосий омилларни қуйидагича таснифлаш мумкин¹:

– 1997–1998 йиллардаги инқироздан сўнг ривожланаётган давлатларга нисбатан умумий ишончнинг пасайиши;

– қатор мамлакатлар томонидан валюта захиралари ва нефть жамғармаларининг АҚШ қимматли қоғозларига инвестиция қилиниши. Жаҳон иқтисодиётида сезиларли даражада юқори дисбаланс, номувофиқликнинг мавжудлиги, хусусан, Хитой савдо балансида йирик миқдордаги профицит, яъни харажатларга нисбатан даромадларнинг юқорилиги АҚШда эса, аксинча, катта миқдордаги дефицит сақланиб қолмоқда. Ажабланарлиси, АҚШ савдо баланси дефицитининг қарийб 90 фоизи Хитой, Япония, Германия ва Араб давлатлари савдо балансидаги профицит ҳисобидан қопланмоқда. Бундан ташқари, 10 та Осиё давлатига жаҳон халқаро валюта захираларининг 59 фоизи (3,4 триллион АҚШ доллари) тўғри келмоқда. АҚШ ҳукумати қарз мажбуриятларининг 44 фоизига чет элликлар эгалик қилмоқда;

– АҚШ иқтисодиётидаги циклик пасайишнинг олдини олиш мақсадида Федерал захира тизими томонидан 2001–2003 йилларда амалга оширилган паст фоиз ставкалари сиёсати. АҚШ Федерал захира тизимининг собиқ раиси Алан Гринспеннинг керагидан ортиқ экпансион пул-кредит сиёсати натижасида Федерал захира тизими дисконт ставкасини тарихий паст даражага тушишини ва керагидан ортиқ шу ҳолатда узоқ муддат сақланишини таъминлади.

Шунингдек, инқироз ривожланишига микроиқтисодий омил ҳисобланган янги молиявий инструментлар, авваламбор, тузилмавий ҳосила облигациялари бозори ривожланиши ҳам ўз хиссасини қўшган.

¹ Қаранг: *Жумаев Н. Х.* Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т., 2009. – Б. 50.

Аслида молиявий ҳосила инструментларини ривожлантиришдан мақсад таваккалчиликни инвесторлар ўртасида тақсимлаш орқали камайтиришдан иборат эди. Ваҳоланки, ҳосилавий инструментлардан фойдаланиш амалиётининг ривожланиши паст сифатли субстандарт кредитлар билан боғлиқ рискларнинг асл қиёфасини беркитиш ва инвесторларнинг кенг оммасига етарлича шаффоф (ошкора) бўлмаган тарзда тақсимланишига олиб келди.

Бундан ташқари, тартибга солувчи органлар ва рейтинг агентликлари томонидан рискнинг етарли даражада баҳоланмаслигини, қолаверса, АҚШнинг Федерал ипотека корпорацияси ва Федерал миллий ипотека ассоциацияси, шунингдек, АҚШ инвестицион компаниялари капиталининг сезиларли даражада кичиклигини молиявий инқирозни келтириб чиқарувчи институционал омиллар қаторига қўшиш мумкин. Бироқ, кўпчилик иқтисодчи олимлар ва экспертлар ҳозирги жаҳон молиявий инқирозининг ибтидоси ҳисобланган АҚШ ипотека кредити бозоридаги танглик ҳолатини асосий сабаб сифатида эътироф этишмоқда. АҚШ ипотека кредити бозоридаги инқироз замирида ҳам бир қатор жиддий сабаблар ва омиллар мужассамлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Бундай омиллар сирасига¹:

а) *кредит бериш амалиётининг ўта қулайлиги*. Фоиз ставкасининг пастлиги, молия муассасалари томонидан тақдим қилинган ипотека кредитлари ҳажмининг юқорилиги ва айниқса, уй иншоотлари баҳосининг ошиши истеъмолчиларни уй сотиб олишга рағбатлантирди;

б) *кредит бериш шартларининг соддалаштирилиши*. Ипотекага нисбатан ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида кредит берувчи ташкилотлар кредит бериш шартларини соддалаштиришга киришдилар ва йирик миқдордаги ипотека кредитларини муомалага чиқардилар;

в) *тартибга солишининг ноадекватлиги*. Амалдаги тартибга солиш тизими мураккаб тузилиш, паст даражадаги шаффофлик ва юқори риск билан тавсифланувчи АҚШ молиявий маҳсулотларидаги инновацияларга жавоб бера олмади;

г) *кредит рейтинг агентликлари рискли ипотекага асосланган қимматли қоғозларга ААА рейтингини бериш орқали жаҳон молиявий инқирозига сезиларли ҳисса қўшган, деб ҳисобланмоқда*;

¹ Қаранг: Жумаев Н. Х. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози: моҳияти, сабаб-оқибатлари ва Ўзбекистонга таъсири. – Т., 2009. – Б. 50.

д) *банк капитални тартибга солиш*: айрим экспертлар банк капитални халқаро тартибга солишни (Базель I ва II) инқироз сабабларидан бири сифатида эътироф этишмоқда. Амалдаги банк капитални халқаро тартибга солиш (Базель II) тизими молиявий инқироз вужудга келиши учун замин яратганлиги ҳам эътироф этилмоқда. Гап шундаки, ўтган асрнинг 90-йиллари бошида қабул қилинган Базель II тизими тижорат банклари учун талаб қилинадиган капитал ёки капиталнинг етарлилигини активларнинг инвестицион сифатлари ва уларнинг хатарли даражаси бўйича гуруҳлашни кўзда тутди.

Зеро, банк капитални тартибга солиш банкларни катта миқдорда рискли кредитлар бериш учун етарли даражада капиталга эга бўлишини талаб этар экан, уларнинг юқори рискли активларини секьюритизациялаб, қимматли қоғозларга айлантиришга ва инвесторларга сотишга рағбатлантирган. Шунингдек, ҳукумат кафолати берилган мазкур ипотека қимматли қоғозлар рискка тортилган активлар қаторига кирмаганлиги туфайли, тижорат банклари учун қулай ва фойдали инвестицияга айланган эди. Чунки банк капитални етарлилигини аниқлашда рискка тортилган активлар миқдори билан ҳисобланади, ҳукумат кафолати остидаги ипотека кредитлари банк капитални етарлилиги талабларининг бузилишига заррача таъсир қилмайди.

2007 йилнинг август ойида АҚШ ипотека кредитлари бозорида авж олган танглик ҳолати молиявий глобаллашув кўмагида тизимли молиявий инқирозга айланиб кетди. Бу жараёнда йирик банklar ва молиявий институтларнинг ликвидлиги ва тўловга қобилияти кескин даражада заифлашди. Узок муддат давомида АҚШ молиявий муассасалари ёмон кредит тарихига эга бўлган қарз олувчиларни агрессив равишда кредитлаб келишди. Мазкур кредитлар, ўз навбатида, «пакетланиб» бутун дунё инвесторларига сотилди. Бунда гаров таъминоти турли хил даражада бўлган кредитлар асосида ипотека қимматли қоғозлари чиқарилди ва мазкур қимматли қоғозлар юқори инвестиция рейтингига эга бўлганлиги билан ҳам хорижий инвесторлар учун жозибадор эди.

Ипотека кредитларини олган банк мижозлари асосий қарз ва фоиз тўловларини тўлашда муаммоларга юз тутгач, молиявий институтлар балансидаги активларида юз берган қисқаришларни ўз маблағлари ҳисобидан қоплашларига тўғри келди. Чунки ипотека кредитларининг гаров таъминоти ҳисобланган уйлар баҳоси сезиларли даражада

пасайган ва мутаносиб равишда гаров қийматининг пасайиши ва ушбу кредитларнинг муаммоли кредитлар гуруҳига киритилишига сабаб бўлди. Мазкур кредитлар бўйича зарарлар кутилмаган даражада йириклашгандан сўнг, маълум бўлдики, ушбу кредитлар пакетига инвестиция қилган инвесторлар етарли даражада паст баҳоланган рискка эга эдилар.

Бунда инвесторларни айблаш ҳам бироз ноўрин бўлади. Зеро, АҚШнинг Федерал ипотека корпорацияси ва Федерал миллий ипотека ассоциацияси томонидан тўловга ноқобил мижозларга ёрдам бериш мақсадида юқори рискли кредитлар харид қилинган ва кафолатланган. АҚШ ҳукумати томонидан кафолатланган мазкур қарзлар инвестиция банкларига қайта сотилган. Инвестиция банклари эса, ўз навбатида, рисксиз актив сифатида ушбу қарзларни чет эл инвесторларига сотишга муваффақ бўлган. Ипотека кредитлари муаммоси, даставвал АҚШнинг муаммоси, бироқ кредитлар АҚШ ташқарисидаги бошқа инвесторларга ҳам сотилган экан, бу инқироз глобал тус олиши муқаррар эди. Ипотека кредитлари бўйича зарарлар кузатилиши билан банklar ва бошқа молия муассасалари бир-бирларига кредит беришда ҳам ўта эҳтиёткор бўлиб қолдилар. Улар ўз мажбуриятларини қоплаш учун ливидлиликини сақлаб туришга уриндилар. Мазкур ҳолат фоиз ставкаларининг ошиши учун замин яратди.

Юқоридаги ҳолатлар чиндан молия-банк тизимида жиддий нуқсонлар мавжудлигини ва ушбу тизимни тубдан ислоҳ қилиш орқали мос янги молиявий архитектуруни шакллантириш зарурлигини тасдиқламоқда.

Президент Ислон Каримов глобал молиявий инқироз ҳолатини ва унинг юз бериши мумкин бўлган оқибатларига доир материалларни ўрганиш ва умумлаштириш натижасида қуйидаги учинчи хулосага келганлигини ҳам уқтирди: **«Учинчидан, молиявий-иқтисодий инқирознинг ҳар қайси давлатдаги миқёси, кўлами ва оқибатлари қандай бўлиши кўп жиҳатдан бир қанча омиллардан келиб чиқади».**

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг миқёси, кўлами ва оқибатлари:

1) авваламбор, муайян мамлакатнинг молия-валюта тизими қай даражада ривожланганлиги;

2) миллий кредит институтларининг капиталлашуви ва ливидлилиги (тўлов имконига эга эканлиги) ҳамда уларнинг чет эл ва корпоратив банк тузилмаларига нечоғли қарам эканлигига;

- 3) мамлакатнинг олтин-валюта захирасининг ҳажми;
- 4) хорижий кредитларни қайтариш қобилияти;
- 5) мамлакат иқтисодиётининг барқарорлиги, диверсификация ва рақобатбардошлилик даражаси каби омилларга боғлиқдир.

Бундай омиллар турли мамлакатларда турлича таъсир кўрсатиши ва инқирозга қарши чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқишда булар эътиборга олинishi зарур. Айни пайтда инқироздан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш жаҳон ҳамжамияти томонидан қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг нечоғли самарадорлигига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғлиқдир.

Молиявий инқироз, кескин салбий таъсир ўтказган айрим дунё мамлакатларининг жаҳон Ялпи ички маҳсулоти (ЯИМ)даги ҳиссаси (2008 йил)

Мамлакатлар	Ҳисса (%)
Европа Иттифоқи мамлакатлари (27 давлат аъзо)	31,0
АҚШ	23,0
Япония	8,0
Хитой	7,0
Россия	3,2
Қолган дунё мамлакатлари	28,0

Айрим мутахассислар 2008 йилда жами ЯИМ 62 трлн. АҚШ долларини ташкил қилмоқда десалар, Россия олимлари 50 трлн. АҚШ долларини ташкил этмоқда, деган фикрни билдиришмоқда.

Табиийки, юқорида келтирилган мисол ва рақамлардан, шунингдек назарий асослашлар Президент Ислом Каримов огоҳлик билан таъкидлаганидек, «тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни четлаб ўтади, деган хулоса чиқармаслик керак. Масалани бундай тушуниш ўта соддалик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди».

Молиявий инқирознинг келиб чиқиш сабаблари:

1. АҚШ ипотека кредит бозоридаги инқироз.
2. Йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлик, яъни тўлов қобилиятининг заифлашуви.

3. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларига бўлган бозор қийматининг ҳалокатли даражада тушиб кетиши.

4. Керагидан ортиқ экспанцион пул кредит сиёсатининг юртилиши.

Жаҳон молиявий инқирозининг оқибатлари қуйидагича:

- 1) жаҳон ЯИМнинг ишлаб чиқариш суръати пасаяди;
- 2) ишсизлик даражаси ошади;
- 3) бюджет тақчиллиги ортади;
- 4) халқаро савдо ҳажми камаяди;
- 5) ижтимоий трансфертларнинг кўпайиши ҳисобига давлат харажатлари ошади.

Ривожланган мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан чиқиш йўлидаги чора-тадбирлар. Вашингтон шаҳрида 2008 йил ноябрида бўлиб ўтган саммитда инқирозга қарши тадбирларнинг қуйидаги беш асосий тамойили белгиланган:

1. Иқтисодий жараёнларга давлат аралашувини кучайтириш.
2. Молия институтларининг ҳисобдорлигини ва шаффофлик даражасини ошириш.
3. Молия бозорларидаги ҳаракатларни мувофиқлаштиришни рағбатлантириш.
4. Халқаро ҳамкорликни ривожлантириш ва халқаро савдога чекловларни камайтириш.
5. Халқаро молия ташкилотларини ислоҳ этиш.

Ушбу тадбирларнинг муҳокамасига бағишланган мазкур учрашув якуни бўйича чоп этилган баёнотда қайд қилинган тамойилларнинг зудлик билан амалиётда татбиқ қилиниши билдирилган.

1-жадвал¹

Жаҳон мамлакатларининг инқирозга қарши курашга сарфланган молиявий харажатлари

Мамлакат	Молиявий харажатлар, млрд. доллар	Мамлакат ЯИМга нисб. фоиз ҳисобида (2008 йил)
-----------------	--	--

¹ Президент Ислон Каримовнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарини ўрганиш бўйича ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2009. – Б. 47.

Россия	222	13,9
Буюк Британия	1020	37
АҚШ	3539	25
Германия	893	23
Япония	576	12
Хитой	570	13
Дунё бўйича	9400	15

Жаҳон молиявий инқирозининг Ўзбекистонга таъсири ва унинг мамлакатимизда энгил кечилишига сабаб бўлган қуйидаги омиллар:

– маъмурий-буйруқбозлик тизимидан бозор иқтисодиётига ўтишнинг босқичма-босқич амалга ошириш йўлининг таъминланганлиги;

– давлат бош ислохотчи сифатида масъулиятни ўз зиммасига олиши зарурлигининг аниқ белгилаб олинганлиги;

– Ўзбекистонда молиявий-иқтисодий, бюджет, банк-кредит тизими, шунингдек, иқтисодиётнинг реал сектори корхоналари ва тармоқларининг барқарор ҳамда узлуксиз ишлашини таъминлаш учун етарли даражада мустаҳкам захиралар яратилганлиги ва зарур ресурслар базасининг мавжудлиги;

– оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилганлиги;

– аҳолининг иш ҳақи ва даромадларини изчил ва олдиндан ошириб бориш ҳамда истеъмол бозорида нархлар индексининг асоссиз тарзда ўсишининг олдини олишга доир чора-тадбирларнинг изчиллик билан амалга оширилганлиги;

– давлатнинг молиявий-иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли экани, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучлилиги билан изоҳланади.

Ўзбекистон учун инқирозни бартараф этиш ва жаҳон бозорида янги марраларга чиқишнинг ишончли йўли сифатида 2009 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг қуйидаги энг муҳим устувор йўналишлари белгилаб берилган:

1) мамлакатимизда қабул қилинган 2009–2012 йилларда жаҳон иқтисодий инқирози оқибатларининг олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастурни амалга ошириш, шу асосда иқтисодий ўсишнинг узоқ муддатли барқарор суръатларини ва иқтисодиётнинг мувозанатли ривожланишини таъминлаш;

2) таркибий ўзгартиришларни давом эттириш ва иқтисодиётни диверсификациялаш, буни биринчи навбатда, халқаро сифат

стандартларига жавоб берадиган, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган рақобатбардошли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга йўналтирилган иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш йўли билан амалга ошириш;

3) қишлоқ турмуши сифатини ва қиёфасини тубдан яхшилашга, қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини жадал ривожлантиришга, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқишга, фермер хўжалигини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган узок муддатли, ўзаро боғланган чора-тадбирлар кенг мажмуини амалга ошириш;

4) аҳоли бандлигини таъминлаш, унинг турмуш сифатини оширишнинг энг муҳим омили сифатида хизматлар кўрсатиш соҳаси ва кичик бизнесни жадал ривожлантириш;

5) мамлакатни модернизация қилиш ва аҳоли бандлигини оширишнинг энг муҳим омили сифатида ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани янада ривожлантириш;

6) банклар ишини янада такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш маблағларини тижорат банкларидаги депозитларга жалб қилишни рағбатлантириш.

3. Молиявий хавфсизлик ва унинг аҳамияти

Молиявий хавфсизлик – мамлакат, минтақалар, корхоналар иқтисодий хавфсизлигининг муҳим таркибий қисми, умуман иқтисодий самарали давлатнинг фундаментал асоси. У мамлакатнинг миллий манфаатларига жавоб берадиган мустақил молиявий-иқтисодий сиёсатни ўтказишнинг асосий шарт-шароитидир.

Молиявий хавфсизлик, аввало, давлатнинг мамлакат молиявий-иқтисодий ривожланишининг барқарорлигини таъминлашга қодирлиги (қобилияти) билан ажралиб туради. У молиявий инқирозлар, хуфиёна тузилмаларнинг миллий ижтимоий-иқтисодий тизимга таъсирини бартараф этиш зарурлигини, капиталнинг хорижга ва реал сектордан чиқиб кетишининг олдини олиш, хорижий капитални миллий иқтисодиёт учун мақбул шартларда жалб қилишни назарда тутди.

Ҳозирги вақтда давлат молияси, жаҳон молиявий тизимларининг алоҳида олинган давлатга таъсири сифат жиҳатдан янги даражага ўтмоқда. Италиялик мутахассислар Карло Жан ва Паоло

Фавонийнинг таъкидлашларича, геомолия геоиқтисодиётнинг асосий таркибий қисми ҳисобланади, чунки айнан шу соҳада давлат суверенитети ҳаммадан кўра сезиларлироқ бузилади.

Давлатнинг молиявий хавфсизлиги – унинг ўз миллий манфаатларига монанд молиявий-иқтисодий сиёсатни мустақил амалга ошириш қобилиятининг энг муҳим шарти. Давлатнинг молиявий хавфсизлиги унинг органларининг қуйидагиларни бажаришга қодирлигидан иборат:

- давлатнинг барқарор иқтисодий ривожланишини таъминлаш;
- тўлов-харажат тизими ва асосий молиявий-иқтисодий кўрсаткичларнинг барқарорлигини таъминлаш;

- жаҳондаги инқирозлар ва жаҳон омиллари (давлатлар, ТНК, субдавлат гуруҳлари ва бошқалар)нинг, хуфиёна (уруғ-корпоратив, мафиоз ва бошқа) тузилмаларнинг миллий иқтисодиёт ва ижтимоий сиёсий тизимга атайин бажарадиган ҳаракатларининг таъсирини зарарсизлантириш (тахрир);

- капиталнинг чет элга кўплаб оқиб кетиши, иқтисодиётнинг реал секторидан «капиталнинг қочиши»га йўл қўймаслик;

- турли даражалардаги ҳокимият органлари ўртасида миллий бюджет тизимининг ресурсларини тақсимлаш ва ишлатиш борасидаги кенг кўламли низоларининг олдини олиш;

- хорижий қарз маблағларини мамлакат иқтисодиёти учун энг мақбул тарзда жалб қилиш ва ишлатиш;

- молиявий соҳада жиноятлар ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар (жумладан жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш)нинг олдини олиш.

Молиявий хавфсизликка таҳдидлар ички ва ташқи турларга бўлинади. Ички ва ташқи таҳдидлар молиявий тизимнинг такрор ишлаб чиқаришни кафолатлашга, давлат қарзига хизмат кўрсатишга етарлича қодир эмаслиги натижасида юзага келади.

Ички таҳдидлар асосан қуйидагилар туфайли юзага келади:

- ноадекват (нотўғри) молиявий-иқтисодий сиёсат;
- ҳокимият ва бошқарув органларининг энг оддий хатолари;
- давлат молиявий тизимини бошқаришдаги хатолар, суиистемолликлар ва бошқа оғишлар (хўжасизлик, сансалорлик, турлитуман иқтисодий жиноятлар ва ш.к.).

Ҳозирги шароитда молиявий хавфсизликка *ташқи таҳдидлар* алоҳида аҳамиятга эга.

Молиявий ресурсларни бошқаришда молиявий менежмент муҳим ўрин тутди. *Молиявий менежмент* – бу молиявий ресурсларни бошқариш тизими бўлиб, унга молиявий сиёсат, унинг усуллари ва воситалари, шунингдек бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этувчи ва молиявий хавфсизлик бўйича қўйилган мақсадларга эришиш учун ушбу қарорларни амалга оширувчи одамлар киради. Молиявий менежментнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- қарорлар қабул қилиш;
- қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.

Ахборот етарли бўлмаган, қабул қилинган қарорларнинг оқибатларини деярли билиб бўлмайдиган катта ноаниқлик шароитида қабул қилинадиган ностандарт, ижобий қарорлар энг катта аҳамиятга эга.

Молиявий менежмент молиявий тизимнинг барча таркибий қисмларини қамраб олади ва бозор муносабатлари шароитида бошқарув тузилишининг муҳим таркибий унсури (элементи) ҳисобланади. Молиявий менежментнинг асосини қисқа ва узок муддатли даврда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш омилларини таҳлил қилишга асосланадиган ҳамда молиявий хизматлар фаолиятининг йўналишларини белгилаб берадиган молиявий сиёсат ташкил қилади.

Тегишли сиёсатни белгилаш мақсадида ўтказиладиган молиявий таҳлил манбаларига давлат молия органларининг расмий ҳисоботлари, институционал бозор тузилмалари (банклар, инвестиция компаниялари, товар, фонд ва валюта биржалари)нинг ахбороти, статистик маълумотлар, тармоқлараро ва давлатлараро қиёслаш маълумотлари, компанияларнинг ташқи фойдаланиш учун тайёрланган молиявий-бухгалтерлик ҳисоботлари киради. Корхоналарда тегишли молиявий сиёсатни белгилаш ва қарорлар қабул қилиш мақсадида ҳўжаликнинг ички жараёнларини тўлиқроқ ифодаловчи ички бошқарув ахборотидан ҳам фойдаланилади.

Молиявий менежментнинг қуйидаги мақсадлари ажратилади:

- корхона активларининг тузилишини мақбуллаштириш;
- корхонанинг молиявий барқарорлиги ва мустақиллигини таъминлаш.

Молиявий менежмент мақсадларига эришиш тегишли бошқарув усулларида фойдаланиш орқали таъминланади. Молияни бошқаришнинг қуйидаги асосий методлари (усуллари) ажратилади:

- башоратлаш ва режалаштириш;
- ўзини ўзи молиялаштириш;
- молиялаштириш ва кредитлаш;
- солиққа тортиш;
- суғурта;
- лизинг;
- траст;
- факторинг;
- гаров;
- молиявий рағбатлантириш;
- санкциялар (жазолар) қўллаш.

Молиявий менежмент турли молиявий воситалар тўплами орқали амалга оширилади. Уларнинг айримларини келтирамиз:

– бирламчи: пул маблағлари, дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, қисқа муддатли молиявий қўйилмалар – акция ва облигациялар;

– иккиламчи: опционлар, фьючерслар, форвард шартномалари.

Молиявий менежментнинг ҳал қилувчи таркибий қисми инсондир, чунки корхоналар ходимлар юксак ижодий фаоллик кўрсатган шароитдагина муваффақиятли ривожланиши мумкин. Айни вақтда молиявий менежмент меҳнат жамоасини бевосита бошқариш тизими эмас, балки ижобий ташаббус ривожланиши учун энг қулай ижтимоий-руҳий муҳит яратишни тақозо этади.

4. Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг мамлакат таракқиётидаги ўрни

Молия тизимининг муҳим қисмини кредит тизими ташкил қилади ва у кредит муносабатлари мажмуини, кредитлаштиришнинг кўринишлари ва тамойилларини ҳамда мамлакатнинг молия-кредит ташкилотларини ўз ичига олади. Мамлакатнинг кредит тизими жамиятнинг эҳтиёжларига асосланади ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга хизмат қилади, банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари бу тизимнинг асосий элементларидир.

Кредит – бу муайян бир муддатда пул ёки товар шаклида қайтариш ва фойдаланганлик учун тўлаш тамойиллари асосида қарз беришдир. Кредит тизимида банклар алоҳида ўрин тутди. Улар бир қатор муҳим иқтисодий вазифаларни бажаради; вақтинча бўш маблағларни, жамғармаларни муомалага киритади; воситачилик

вазифаларини, кредитларни тақсимлаш ҳамда молия интизомига риоя қилинишини назорат қилади. *Kredit* сўзи лотинча *credit* – ишонч деган маънони англатиб, товар ёки пулни маълум бир муддатда қайтариш шарти билан қарзга беришни билдиради. Биров пулини қайтариб олишга ишонгани учун қарз беради. Кредит муносабатлари жуда қадим замонларда вужудга келган.

Дастлаб натура шаклида (ғалла, чорва ва бошқалар) мулкдорлар томонидан қарзга бериш расм бўла бошлаган. Кейинроқ пул шаклида ҳам бериладиган бўлди. Қарзга пул беришнинг дастлабки шакли судхўрлик бўлиб, у ниҳоятда юқори даражада фоиз билан қайтарилиши билан кредитдан фарқ қилади. Қадимги Юнонистонда эрамизгача IV асрда ойига 42 фоиз, йилига 570 фоизгача фоиз тўлангани тарихий манбаларда қайд этилган. Бундан ташқари, судхўр қарз олувчидан кўшимча имкониятлар яратилишини ҳам талаб қилган. Бадиий адабиётда биринчи бўлиб француз ёзувчиси

О. Бальзак судхўр образини яратган. С. Айнийнинг «Судхўрнинг ўлими» асари ўзининг мазмуни, қиёфа ифодаси жиҳатдан Бальзак асаридан ҳам ўтиб кетган десак, хато қилмаймиз. Судхўрлик қарзи бир томондан кучайиб майда ишлаб чиқарувчиларни хонавайрон қилган, иккинчи томондан капиталнинг дастлабки жамғариш учун зарур маблағларни шаклланишга ёрдам берган.

Индустриал ишлаб чиқариш ва классик капитализмнинг вужудга келиши билан кредитсиз ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш қийинлашиб қолади. Капитал бир хўжаликда пул шаклида, иккинчисида товар шаклида бўлиб, турли соҳаларда ҳаракати бири-бирига тўғри келмайди. Капитал ҳаракатининг алоҳидалашгани туфайли бир хўжаликда пул етишмаса, иккинчисида бўш пул мавжуд бўлади. Натижада маблағи йўқ хўжаликлар бўш пул маблағи борлардан қарз олишга мажбур бўладилар. Бўш пул маблағи борлар ўз пулларини маълум муддатга қарзга берар эканлар, пулларини бошқа бировнинг қўлига топшириб, хатарли таваккал қилганлари учун маълум миқдорда ҳақ оладилар. Ўз маблағи етарли бўлмаган хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини кредит орқали қоплайди. Такрор ишлаб чиқариш жараёнининг узлуксиз давом этишини таъминлаш зарурияти кредит муносабатини объектив зарур қилиб қўяди.

Чунки товарлар ишлаб чиқариш, уни сотиш, товар ишлаб чиқариш учун зарур ресурсларни сотиб олиш бир вақтнинг ўзида юз бермайди. Бозор иқтисодиёти шароитида бўш пул маблағларини

ўлик бойлик, хазина сифатида сақлаш бефойда. Жамият тараққий этиши билан кредит муносабатлари ривожланиб, янги-янги имкониятлар вужудга кела боради.

Ҳозирги иқтисодиётни кредитсиз тасаввур қилиб бўлмайди. *Кредит иқтисодий категория бўлиб, у вақтинча ўз эгалари қўлида бўш турган пул маблағларини бошқалар томонидан маълум муддатга ҳақ тўлаш шарти билан қарзга олиш ва қайтариб бериш юзасидан келиб чиқадиган муносабатларни ифодалайди.*

Шундай қилиб, пулнинг ссуда капитали тариқасида, яъни даромад олиш учун қарзга бериш ва қайтариб олиш билан боғлиқ муносабатлар вужудга келади.

Кредит муносабатлари фақат пул билан боғлиқми? Товар шаклида ҳам кредит берилиши мумкин-ку? деган савол туғилиши мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида ҳамма кредит асосан пул шаклида бўлади. Товар шаклида берилган тақдирда ҳам пул кредит шаклида ҳужжатлаштирилади.

Кредит муносабатлари икки субъект ўртасида юз беради. Бири бўш пул эгаси, иккинчиси унга муҳтож, яъни қарз олувчи.

Кредит субъектлари ҳар хил. Булар юридик ва жисмоний шахслар, банк, корхона, фирма, давлат, турли тоифадаги аҳоли бўлиши мумкин. Бир субъектнинг ўзи бир вақтда ҳам қарз олувчи, ҳам қарз берувчи бўлиши мумкин. Кредит алоқалари пул эгаси билан қарз олувчи ўртасида бевосита ёки билвосита бўлиши мумкин. Биринчи ҳолда улар тўғридан-тўғри муомалага киришади. Иккинчи ҳолда улар воситачилар орқали алоқага киришадилар. Одатда, асосий *воситачи ролини банклар ўйнайди.* Кредит иқтисодий категория сифатида қатор вазифаларни бажаради.

1. *Тақсимлаш.* Бўш пул маблағларини қайтариш шарти билан қарзга бериш орқали капитални турли тармоқлар, корхоналар ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлашни амалга оширади ва ишлаб чиқариш ресурсларининг кўчиб юришини таъминлайди.

2. *Эмиссия.* Кредит асосида ва унга боғлиқ ҳолда пул белгилари, пулга тенглаштирилган нақд пулсиз тўлов воситалари, турли қимматбаҳо қоғозлар эмиссия қилинади, хўжалик оборотига киритилади.

3. *Назорат қилиш.* Кредит операцияларини бажариш жараёнида иқтисодий фаолият, молиявий аҳвол назорат қилинади. Давлат кредит муносабатлари орқали пул айланмасининг барча жараёнларини бошқаришни амалга оширади.

4. *Бўш пул маблағларини ҳаракатдаги, оборотдаги капиталга айлантириши.* Бунда пулни пул топади, деган нақлга амал қилинади.

5. *Рағбатлантириши.* У ёки бу мақсад учун қарз бериш, қарзни ундириш орқали тежамкорлик, иқтисодий ўсиш рағбатлантирилади.

6. *Товар ишлаб чиқариши узлуксизлигини таъминлайди, ишлаб чиқариши вақтини қисқартиради.*

Кредит бериш учун, аввало, қарз берадиган маблағ бўлиши керак. Бу маблағлар қаердан олинади, манбаи нима, деган савол туғилади. Маблағлар манбаи қуйидагилар:

Биринчидан, корхоналарнинг вақтинча бўш пул маблағидир. Бу маблағлар капиталнинг доиравий айланиши билан боғлиқ бўлиб, маълум муддат унинг бир қисми бўш бўлади. Чунончи амортизация ажратмалари, бу маблағлар асосий капитални янгилаш пайти келгунча бўш бўлиб, банкдаги ҳисоб-китобларида жамланиб боради. «Тезлаштирилган» амортизация сиёсати туфайли бу маблағлар ўсиб бориш тенденциясига эга. Маҳсулот сотишдан келадиган пул тушумлари. Бу пул ҳам хом ашё, материаллар сотиб олиш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш, вақти келгунча бўш туради.

Корхоналарнинг ишлаб чиқариш, фан ва техникани ривожлантириш фондлари, моддий рағбатлантириш фондлари ҳам аста жамланиб бориб, белгиланган мақсад бўйича ишлатилгунча бўш туради. Корхоналар фойдаси давлат бюджети ва кредит тизими билан ҳисоб-китоб қилингунча, шунингдек фойдалангунча банкдаги ҳисобларда сақланади. Иш ҳақи ҳам ҳар 15 кунда берилар экан, унча бу пул йиғила боради ҳамда ишлатилгунча бўш бўлади.

Иккинчидан, молия-кредит муассасаларининг пул маблағлари. Уларнинг даромадлари билан харажатлари ўртасидаги фарқ, харажатлар қоплаганидан ортгани бўш пул маблағларини ташкил этади. Тижорат банклари ва молия-кредит муассасаларининг минимал пул захиралари ҳам қарз фонди манбаи бўлади.

Учинчидан, давлат ихтиёридаги пул. Давлатнинг захирадаги пул маблағлари, марказий ва маҳаллий ҳокимиятларнинг харажатлари билан солиқ тушумлари ўртасидаги фарқ тарзида бўш пуллар мавжуд бўлади. Бюджет тизими маблағлари ҳаракати натижасида маълум миқдорда бўш пуллар ҳосил бўлади.

Тўртинчидан, турли махсус (нафақа, суғурта, хайрия), ижтимоий фондларнинг маблағлари. Бу фондлар пулларининг ҳосил бўлиши ва ишлатилиши ҳар хил вақтда юз беради. Бу маълум

миқдорда пул маблағларининг бўш қолиб, қарз фондига айланиши учун имкон беради.

Бешинчидан, аҳоли пул даромадлари ва жамғармалари. Фуқароларнинг истеъмолчи сифатида қимматбаҳо товарлар олиш, уй қуриш, маросимлар ўтказиш учун жамғарилган пуллари ишлатилгунга қадар бўш бўлади.

Олтинчидан, тадбиркорлар, катта пулдорлар кўлидаги пуллар.

Булардан ташқари, давлат бюджетидан узоқ муддатли қарз бериш учун махсус маблағ ажратилади. Ундан ташқари МБ кўшимча эмиссия туфайли молия-кредит муассасаларига кредитлар бериши мумкин. Маълум вақт мобайнида бўш пуллар унинг эгаларига ҳеч қандай даромад келтирмайдилар, шунинг учун кам миқдордаги фоиз билан ҳам қарз бериш фойдали бўлиб қолади. Натижада ана шу бўш пуллар қарз капиталига айлантиради. Бунда банклар муҳим рол ўйнайди. Улар юқори фоиз билан пулга муҳтож бўлган ишбилармонлар, тадбиркорлар ва бошқаларга ўз мақсадларини амалга ошириш учун қарз беради. Ҳозирги шароитда хўжаликни молиялаштиришда қарз маблағларининг улуши ошиб бориши тенденцияси кузатилмоқда. Уларнинг улуши, айниқса капитал қўйилмалар ҳажмида кўпайиб бормоқда. Бундай тенденция Япония, Италия, Францияда яққол кўзга ташланади. Масалан, Япония фирмалари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун сарфлаган маблағларининг 4/5 қисми четдан жалб қилинган, яъни қарз олинган.

Кредит турлари ва тамойиллари. Кредит турлари хилма-хил, уларга турли жиҳатдан ёндашиш мумкин:

– қарз олувчиларнинг асосий гуруҳларига кўра: корхоналар, аҳоли, давлат кредити;

– кўзланган мақсадга кўра: истеъмол, қишлоқ хўжалиги, савдо, инвестиция, бюджет кредитлари;

– берилган вақтига кўра: қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача), узоқ (беш йилдан ортиқ) муддатли кредитларга бўлинади;

– функция қилиш соҳасига кўра, кредит икки турга бўлинади: оборот капиталини ташкил этиш, уни тор маънода кредит деб юритилади ҳамда асосий капитал олиш учун сарфланадиган, одатда уни қарз деб юритилади:

1. *Овердрафт* – банк мижозига кунлик фоиз тўлаш шарти билан ҳисоб рақамидаги маблағи етмаган ҳолларда шартлашилган миқдорда қарз бериб, банк кредити таъминланишини талаб қилмаслиги мумкин. Бунда банк мижози ҳисобига келиб тушган пулни дарров ўз ҳисобига ўтказиб олмайди. Мижоз қарзни ўзига қулай пайтда тўлайди.

2. *Контокоррент* шаклида қарз берганда, банк молиявий жиҳатдан барқарор деб топган мижозларига оборот маблағлари учун кредитни қаттиқ чекламаслиги мумкин.

3. *Аванс* – Европа мамлакатларида банкнинг ҳар хил шартга кўра (овердрафт, контокоррент ҳам шунга киради) қарз бериши;

– кредитни қайтариш таъминланганлигига кўра ҳам икки турга бўлинади: таъминланмаган ёки бланкли (овердрафт, контокоррент) ва таъминланган кредит;

– кредит бериш усулига кўра: компенсацион, яъни ўз маблағларини тўлдириш учун ҳисобварағига ўтказиладиган ва тўлов тўғридан-тўғри қарзни қайтариш, ҳақ тўлаш топширилган кредит;

– кредит қайтарилишига кўра: тўлаш муддати узайтирилган, бўлиб тўланадиган ҳамда биратўла қайтариладиган кредитларга бўлинади. Қарз ҳажми ва муддатининг чекланиши даражасига кўра *лимитланган* ва *лимитланмаган* кредитларга бўлинади. Кредитнинг қайси тури, қандай шаклда берилишидан қатъи назар, кредит беришнинг асосий тамойилларига риоя қилиниши керак. Улар қуйидагилар:

1. ***Белгиланган муддатда қайтарилиб берилиши.*** Бу фақат кредитнинг тамойили эмас, балки унинг хусусияти, моҳиятини ифодалайди. Уни пул беришнинг бошқа шакллари субсидия, дотация кабилардан фарқи ҳам шунда, қайтариш бўлмаса, кредит муносабатлари ҳам бўлмайди.

2. ***Муддатлилиги.*** Кредит беришнинг бу тамойили аввалги тамойил билан чамбарчас боғланган. Кредит шартномаси тузилаётган пайтда қайтариш шарти билан бирга муддати ҳам кўрсатилади. Қарз маблағларидан фойдаланганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳам унинг муддатига боғлиқ.

3. ***Кредитдан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш тамойили.*** Қарз олиб, бировнинг маблағини ишлатиб тургани учун маълум миқдорда фоиз тўланади. Суда капитали бозорида фоиз даражаси муҳим рол ўйнайди, бозордаги вазиятни белгилайди. Процент ставкаси шаклланишига бозор омиллари, энг аввало, талаб ва

таклиф, ундан ташқари Марказий банк ҳисоб ставкаси, банклараро кредит бозоридаги фоиз ставкаси, депозитлар ставкаси таъсир этади. Депозитлар бўйича ставка қанча юқори бўлса, кредит учун ҳам шунча юқори бўлади.

4. Моддий жиҳатдан таъминланганлиги. Қарз олувчи ҳам, қарз берувчи ҳам қарзга олинган маблағнинг қайтарилишига ишонч, яъни реал имконияти борлигини ифодалайди. Агар кредит бериш учун реал товар моддий бойликлар захираси ҳисобга олинса, шунинг ўзи кредитнинг таъминлангани бўлади. Агар кредит мавсумли харажатларни қоплаш учун берилса, бу харажатлар реал моддий бойликлар қийматига кириши кўзда тутилади. Кредит савдо битимлари учун берилса, шартнома тузилиб, қарз эгасига қайтарилиши ҳисобга олинади.

Кредит беришда гаров олиш алоҳида ўрин тутди. Кафолатли шартнома асосида кредит жисмоний шахслар, деҳқон хўжаликлари, фермерлар, ижарачиларга берилиши мумкин. Бундай шартномага кўра, кафолатчи қарзнинг қайтарилишига кафил бўлади, мабодо қарз олган қайтара олмаса, кафил бўлган шахс тўлаши керак бўлади. Қарз шартномаси суғурта компаниялари жавобгарлиги асосида ҳам тузилиши мумкин.

5. Мақсадлилиги. Кредит қатъий равишда аниқ мақсад учун берилади. Банк кредит бериш учун қарз олаётганни уни нима мақсадда олаётгани, ундан қандай фойда олиши мумкинлигини таҳлил қилади. Тадбиркорлар уни «бизнес-режа»да кўрсатадилар. Кредит бераётганда, банк, албатта, уни ҳисобга олади, кредитни қайтармаслик хатарини белгилайди.

6. Кредит беришга табақалашган ҳолда ёндашиши. Бу тамойил турли қарз олувчиларга индивидуал тарзда ёндашишни ифодалайди. Банк қарз бериб, қайтариб олмаслик хатарини ҳисоблаб чиқиб, ҳар бир миждоз учун қарз бериш ёки бермаслик масаласини ҳар томонлама таҳлил қилиб, ҳал этади.

Кредитнинг тарихий ривожланиш жараёнида турли шакллари пайдо бўлиб, уларнинг энг асосийлари *тижорат ва банк кредитидир*. **Тижорат кредити** – бу корхоналар, тадбиркорлар ва бошқа хўжалик субъектларининг бир-бирига товар шаклида берадиган кредитидир. Бунда товарлар қарзга берилади. Кўпинча, тижорат кредити вексел (қарз мажбуриятномаси) билан хужжатлаштирилади. Тижорат кредити чекланган тарзда қўллани-

лади. Унинг кенг тарзда қўлланишига қуйидагилар тўсқинлик қилади:

а) қарз берувчининг захира маблағи, захира фондининг чекланганлиги;

б) товар шаклида кредит ишлатилишининг чекланганлиги. Айтайлик, корхона материал қарз олган бўлса, уни фақат ишлаб чиқариш воситаси – хом ашё сифатида ишлатиши мумкин, уни иш ҳақи тарзида ишлата олмайди;

в) бу қарз ишлаб чиқариш воситалари ишлаб чиқарадиган корхоналардан уларни истеъмол қиладиганларга берилиши мумкин, аксинча эмас. Тижорат кредитининг бу чекланганлиги банк кредити ёрдамида ҳал этилади.

Банк кредити – бу молия-кредит муассасалари (банклар, фондлар, ассоциациялар) томонидан ҳар қандай хўжалик субъектлари (тадбиркорлар, корхоналар, ташкилотлар ва бошқалар)га пул шаклида – ссуда тарзида берилади. Банк кредити қисқа (бир йилгача), ўрта (бир йилдан беш йилгача) ва узоқ (беш йилдан ортиқ) муддатга берилиши мумкин. Кредит фақат товар муомаласи (айланишини)га хизмат кўрсатиб қолмай, капитал жамғарилишга ҳам хизмат кўрсатади. Банк кредити битимлар ҳажми, муддати, йўналиши бўйича чекланмаганлиги жиҳатидан тижорат кредитидан фарқ қилиши уни кредитнинг асосий ва устун шаклига айлантиради. Кредитнинг улардан ташқари қуйидаги шакллари мавжуд:

Истеъмол кредити. Истеъмол кредити аҳоли эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган. У товар ёки пул шаклларида бўлиши мумкин. Бу кредит энг аввало узоқ муддат фойдаланиладиган истеъмол товарларини сотиб олиш учун берилади. У товарлар сотилаётган дўконлар томонидан тўлов муддатини кечиктириш ёки банк томонидан шу мақсад учун қарз берилиши тарзида бўлиши мумкин. Одатда бу кредит учун белгиланадиган фоиз юқори бўлади. Ҳозирги пайтда имтиёзли кредитлар ҳам берилмоқда.

Масалан, АҚШда банклар истеъмолчиларга кредит карточкалари беради, уларга нархи 2500 долларга қадар товарлар харид этилади, харид пули банкларга дўконлар берган сўтга қараб тўланади. Бундай кредит ғоят имтиёзли бўлади, унинг фоизи бошқа қарз фоизидан анча кам бўлади, ҳатто фоизсиз ҳам бўлиши мумкин. Талабаларга ўқиш ҳақини тўлашлари учун махсус қарз берилади. Бу қарз учун фоиз энг кўп бўлганда 8 фоиз қилиб белгиланади, қарз

йилига 2500 доллар, охирги курсда эса 5000 доллар миқдорда берилади. Бундай қарзни талаба ўқишни тугатиб, пул топгач, узади. Ҳозирги пайтда, якка уй-жойлар қуриш учун узок муддатли кредитлар пул шаклидаги истеъмол кредитларидир. Республикамизда ҳам ҳозирги пайтда уй-жой қуриш, олий ўқув юртларида ўқиш учун имтиёзли кредит бериш кенг қўлланилмоқда.

Ипотека кредити – кўчмас мулк (ер, бино, уй-жой кабилар)ни гаровга қўйиб олинган кредит. Одатда ипотека кредитидан асосан қишлоқ хўжалигида асосий фондларни янгилаш учун йирик капитал қўйилмаларни қоплаш учун фойдаланилади.

Давлат кредити – давлат бир томондан қарз олувчи, иккинчи томондан қарз берувчи сифатида майдонга чиқади. Бунда давлат кредити пайдо бўлади. Давлат аҳолидан, фирма, корхоналар, ташкилотлар, банклардан қарз олади. У давлатнинг қарздорлик гувоҳномаси бўлиб, у вақти келганда, қарзни узиш ва фоиз тўлашни кафолатлайди. Уларни марказий ва маҳаллий ҳокимиятлар чиқарадилар. Қарз ва унинг фоизи бюджет ҳисобидан қопланади. Давлат қарзни энг аввало бюджет танқислигини қоплаш учун олади. АҚШда давлат облигациялари эмиссия туфайли давлат қарзи 3 трлн. доллардан ошиб кетди. Кредит муносабатларида давлат фақат қарздор вазифасини ўтамай, қарз берувчи ролини ҳам бажаради. Давлат ўз маблағлари ҳисобидан банкда қарз фондини ташкил этади, хазинадан қарз беради. Хазина қарзи давлат бюджетидан, корхона ва фирма, ташкилотларга уларнинг молиявий санацияси (соғломлаштириш) учун сарфланади.

Бу қарз ҳам маълум муддатга, қайтариб бериш ва фоиз тўлаш шарти билан берилади. Фоиз ғоят имтиёзли бўлиб, даромад олишни кўзламайди. Давлат ўз қарзидан воз кечиши ҳам мумкин.

Хўжаликлараро пул кредити хўжалик юритувчи субъектларнинг бир-бирига берадиган кредити. Корхона, ташкилотлар акция, облигация, кредит билетлари ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар чиқариш орқали беради. Бу операциялар *корхоналарни марказлаштирилмаган молиялаштириш* (акция чиқариш) ва *кредитлаш* (облигация ва бошқа қимматбаҳо қоғозлар) деган ном олган.

Халқаро кредит – бу ссуда капиталининг халқаро миқёсдаги ҳаракатидир. Халқаро кредит товар ёки пул (валюта) шаклида берилади. Қарз берувчилар ва қарз олувчилар банклар, хусусий фирмалар, давлат органлари, ҳукуматлар, йирик корпорациялар,

халқаро ва регионал ташкилотлари бўлиб, уларнинг кредит бериш шартлари бир-бириникидан жиддий фарқ қилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида биноан фуқароларнинг банклар депозитларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъи назар, давлат томонидан тўла қафолатланади. Бугунги кунда мамлакатимиз банк тизими капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп эканини таъкидлаш жоиз.

Ҳозирги вақтда республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқ. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса бизда ликвидлик, яъни тўловларга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради.

Халқаро молиявий институтлар билан ҳамкорликни мустаҳкамлаш, уларнинг кредит тармоқларини жалб қилиш орқали банкларнинг инвестицион жараёнлардаги иштирокини кенгайтириш мақсадида республика тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг компанияларининг кредитга лаёқатлилиқ рейтингларини олиш бўйича тегишли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 2008 йилнинг апрель ойида Ўзбекистон банк тизимида нуфузли халқаро рейтинг компанияларидан бири – «Мудис» рейтинг агентлиги томонидан халқаро рейтинг баҳоси берилганлиги мамлакатимиз молия тизимининг барқарорлигидан далолат беради. Хусусан, «Мудис» агентлиги бирйўла учта йўналиш бўйича республика банк тизимида «барқарор» рейтинг баҳосини берди. «Мудис» халқаро рейтинг агентлигининг ҳисоботида таъкидланишича, агентликнинг ижобий баҳоси мустаҳкам банк назорати тизимида, банк секторининг юқори ўсиш потенциалида, молия тизимининг таркибий ўзгариши ва миллий иқтисодиётнинг юқори даражада ўсишида ўз ифодасини топди.

Бундан ташқари, 2008 йилда тижорат банклари томонидан халқаро рейтинг олиш учун «Мудис», «Фитч Рейтингс», «Стандарт энд Пурс», «Томпсон Файнэншл Банк Вотч», «Жапан Кредит Рейтинг Эженси», «Рейтинг Эженси Малайзия» каби нуфузли халқаро рейтинг компаниялари билан ўзаро ҳамкорлик ишлари давом эттирилди. 2008 йилда республикаимизда фаолият юритаётган

тижорат банкларининг 12 таси халқаро «Мудис», «Фитч Рейтингс» ва «Стандарт энд Пурс» рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришдилар (2-жадвал).

2-жадвал

Халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олган банклар

«Мудис»	«Фитч рейтинг»	«Стандарт энд Пурс»
ТИФ Миллий банк Ипотека банк Ғалла банк Алоқа банк «Турон» банк Кредит стандарт банк	Ўзсаноатқурилиш банк Пахта банк Асака банк Ҳамкор банк «Ипак йўли»банк	ТИФ Миллий банк Капитал банк

Шунингдек, халқаро амалиёт негизида банклар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларнинг миллий индивидуал рейтинг тизимини жорий этиш мақсадида, Ўзбекистон банклари ассоциацияси томонидан Марказий банк ҳамда қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази билан келишилган ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилган. Шунга мувофиқ, 2008 йил давомида «Ахбор-Рейтинг» миллий рейтинг агентлиги томонидан 21 та тижорат банкига турли даражадаги рейтинг баҳолари берилди.

2008 йилда тижорат банкларининг капиталлашув даражасини янада ошириш, барқарорлигини таъминлаш, инвестиция жараёнларида иштирокини янада кенгайтириш, уларнинг эркинлигини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Кредитнинг объекти ҳар қандай пул эмас, балки ўз эгалари кўлидаги бўш қолган пуллардир. Кредит такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилиши керак. Кредит иқтисодий ўсишнинг шартидир. Иқтисодий ўсиш оммавий фаровонликни таъминлашга хизмат қилади. Шу боис ҳам, молия-кредит соҳасидаги жиноятчиликка йўл кўймаслик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақатгина юксак маънавиятли ходимлар банк-кредит соҳасидаги молиявий ресурсларни суиистеъмол қилишга йўл кўймайдилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутахассисларининг маълумотларига кўра, 2002–2007

йилларда айрим шахслар республикамиз иқтисодиётида 530,7 миллиард сўм маблағни ўзлаштириб юборганлар. Прокуратура органларининг аралашуви билан айбдорлар томонидан етказилган зарарнинг 435 миллиард сўми, яъни 78 фоизи қопланган. Кўриниб турибдики, бу сумма иқтисодий ўсишга эмас, балки айрим шахслар манфаатларига хизмат қилган. Айбдорларнинг аксарияти рахбар ходимлардир. Бундай инсонлар республикамизда амалга ошири-лаётган ислохотлар ғоясини обрўсизлантиради. Шу боис, бу борада жойларда тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги (2010 йил 12 ноябрь) «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» номли маърузасида: «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида мамлакатимиз молия-банк тизими ўзининг барқарор ва ишончли эканини исботлади. Шу билан бирга, бу тизимнинг янада мустаҳкамланиши *хусусий банклар ва хусусий мулкка асосланган лизинг, суғурта компаниялари, кредит уюшмалари, микромолиявий ташкилотлар каби молиявий институтларни ташкил этишининг қонунчилик асосларини шакллантириш ҳисобидан банк-молия соҳасига хусусий капитални жалб қилиш билан ҳам боғлиқ.* Бу эса банк ва бошқа молиявий хизматлар бозорида рақобатнинг кенгайиши ҳамда миждозларга хизмат кўрсатиш сифатининг ошишига имкон беради ва энг юксак халқаро стандартлар талабига мос замонавий бозор инфратузилмасининг ривожланиши учун шароит яратади.

Таъкидлаш керакки, «Стандарт Энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда.

Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи

ҳисобланади. Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айниқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодийимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққийимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари қўйилмаларининг 75 фоиздан ортигини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодийнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман. Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди»¹, – деб таъкидлади.

Ҳозирги вақтда яна бир муҳим масала – **мамлакатимиз иқтисодийида кичик бизнес, биринчи навбатда, хусусий тадбиркорликнинг роли ва улушини янада кенгайтиришни таъминлай оладиган қонунларни қабул қилиш масаласи биз учун долзарб бўлиб қолмоқда.**

Ўзбекистоннинг бу йилги ялпи ички маҳсулотида кичик бизнеснинг улуши 50 фоиздан ортиб бораётганига қарамасдан, афсуски, бу соҳа реал иқтисодийимизда, авваламбор саноатда етакчи ўринни эгаллай олмаяпти. Ушбу вазифани ҳал этиш учун

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққийини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 5.

«Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонуннинг янги таҳририни тайёрлаш зарур. Бу қонунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш йўлларини соддалаштириш, уларнинг фаолияти учун кўпроқ эркинликлар беришни кўзда тутиш лозим. Ушбу секторни кредитлаш, ресурслардан фойдаланиш, **давлат буюртмаларини олиш**, тадбиркорлик субъектлари ишлаб чиқараётган маҳсулотларни сотиш учун янги имтиёзлар бериш, халқаро амалиётга мувофиқ даромадларнинг йиллик декларацияси шаклига босқичма-босқич ўтиш, молия ва статистика ҳисоботлари тизимини янада соддалаштириш, жумладан, бундай ҳисоботларни ваколатли давлат органларига электрон шаклда тақдим этиш каби механизмлар ҳисобидан қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам қонунда ўз аксини топиши даркор»лигига алоҳида эътибор қаратмоқда.

5. Давлат бюджети, унинг шаклланиши ва сарфланиши

Молия тизимида бюджет тизими алоҳида ўринни эгаллайди. Ўзбекистон Республикаси бюджет тизимининг асосий вазифалари 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган «Бюджет тизими тўғрисида»ги қонунда аниқ белгилаб берилган.

Ўзбекистон Республикаси бюджет тизими турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олувчилар йиғиндисини; бюджетларни ташкил этиш ва тузишни, тузиш принципларини; бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек, бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатларни ўзида ифодалайди.

Молия муайян йилга мўлжалланган барча даражадаги бюджетларни шакллантириш, кўриб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижроси ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикасининг миллий валютаси – сўмда амалга оширилади.

Бюджет тизимининг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

- бюджет таснифи тизими, ҳисоб-бюджет ҳужжатлари ва бюджет жараёни тузилишининг ягоналиги;
- бюджет тузилишининг Ўзбекистон Республикаси маъмурий-худудий тузилишига мувофиқлиги;
- турли даражадаги бюджетларнинг ўзаро боғлиқлиги;
- давлат бюджети баланслилиги;

– давлат даромадларини аниқ манбалар ва харажатларнинг йўналишлари (моддалари) бўйича режалаштириш;

– давлат бюджети харажатларини бюджетдан ажратиладиган, тасдиқланган маблағ доирасида сарфлаш;

– барча даражадаги бюджетларнинг мустақиллиги.

Давлат бюджети республика бюджетини, Қорақалпоғистон Республикаси бюджетини ва маҳаллий бюджетларни ўз ичига олади.

Давлат бюджети таркибида давлат мақсадли жамғармалари жамланади. Қорақалпоғистон Республикаси бюджети мазкур республика бюджети ҳамда республикага (Қорақалпоғистонга) бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Вилоятнинг бюджети вилоят бюджетини, вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади. Туманларга бўлинадиган шаҳарнинг бюджети шаҳар бюджети ва шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини ўз ичига олади.

Туманга бўйсунадиган шаҳарлари бўлган туманнинг бюджети туман бюджети ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини ўз ичига олади.

Давлат бюджети даромадлари:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

2) давлатнинг молиявий ва бошқа активларининг жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар;

3) қонун ҳужжатларига мувофиқ, мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;

4) юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари;

5) резидент юридик шахсларга ва чет эл давлатларига берилган бюджет ссудаларини қайтариш ҳисобига тушадиган тўловлар;

6) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар ҳисобидан шакллантирилади.

Давлат бюджети харажатлари тасдиқланган бюджетдан маблағ ажратиш доирасида қуйидаги шаклларда амалга оширилади:

1) бюджет маблағлари олувчиларнинг жорий харажатлари шаклида;

2) жорий бюджет трансфертлари шаклида;

3) капитал харажатлари шаклида:

– асосий фондлар ва воситаларни (улар билан боғлиқ ишлар ва

хизматлар ҳам шулар жумласига киради) давлат эҳтиёжлари учун олиш ва такрор ишлаб чиқаришга;

– чет элда давлат эҳтиёжлари учун ер ва бошқа мол-мулк олишга;

– давлат эҳтиёжлари учун ерга бўлган ҳуқуқни ва бошқа номоддий активларни олишга;

– давлат захираларини вужудга келтиришга;

4) капитал харажатларни қоплаш учун юридик шахсларга бериладиган бюджет трансфертлари шаклида;

5) резидент юридик шахсларга ва чет эл давлатларига бериладиган бюджет ссудалари шаклида;

6) давлат мақсадли жамғармаларига бериладиган бюджет дотациялари ва бюджет ссудалари шаклида;

7) давлат қарзини қайтариш ва унга хизмат кўрсатиш бўйича тўловлар шаклида;

8) қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа харажатлар шаклида.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Давлат бюджети лойиҳасини бюджет маблағлари олувчилар тақдим этган буюртмаларга ва Давлат бюджетининг тузилмасига кирувчи бюджетлар лойиҳаларига мувофиқ тайёрлайди. Давлат бюджети Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан тасдиқланади.

Давлат бюджетига мувофиқ: Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бюджетлари – Давлат бюджети қабул қилинганидан кейин икки ҳафталик муддат ичида тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимияти вакиллик органлари томонидан;

Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар таркибига кирувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетлари – Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар бюджетлари қабул қилинганидан кейин бир ҳафталик муддат ичида туман, шаҳар ҳокимият вакиллик органлари томонидан;

шаҳарлар таркибига кирувчи туманлар бюджетлари ва туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетлари – белгиланган муддатларда маҳаллий ҳокимият юқори турувчи вакиллик органлари томонидан қабул қилинади.

Давлат бюджети давлат томонидан иқтисодий соҳани тартибга солишга қаратилган энг муҳим механизмлардан биридир. Зеро, ҳар қандай жамиятнинг иқтисодий тизимини шакллантириш ва ривожлантиришда давлат бюджети асосий ўрин тутади. Давлат бюджети даромадлари ва харажатлари сиёсати ўзаро узвий боғлиқ. Яъни, даромад бўлмаса, ижтимоий-иқтисодий, илмий, техник ва бошқа соҳаларни қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш учун молиявий маблағ ажратиш имкони бўлмайди. Шу боис, бугунги кунда давлатимиз олдига қўйилган муҳим вазифалардан бири – халқимиз ва давлат манфаатларига мос келадиган ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қодир молия-кредит, пул сиёсатини тўғри йўлга қўйишдир.

Олий Мажлис Сенати томонидан маъқулланган **Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджетидаги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози** Президентимиз томонидан белгилаб берилган мамлакатни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари негизида ишлаб чиқилди. Унда республиканинг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари, солиқ-бюджет сиёсатининг йўналишлари ва Давлат бюджети параметрлари белгилаб қўйилди. Чунончи, 2013 йилда солиқ сиёсатига барқарор иқтисодий ўсиш, иқтисодиёт ва унинг алоҳида тармоқлари ҳамда ҳудудларининг макроиқтисодий ва молиявий жиҳатдан ўзаро мувофиқ бўлиши, аҳоли турмуш даражасининг ошишини таъминлашга қаратилган стратегик мақсадлар асос қилиб олинган. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш, ривожлантириш, уларнинг рақобатбардошлигини ошириш ва янги иш жойлари яратишни рағбатлантириш мақсадида солиқ юкини пасайтириш кўзда тутилган.

Кейинги йилларда тадбиркорлик субъектларини «бир дарча» орқали тезлик билан давлат рўйхатидан ўтказиш тизими ҳамда бир неча турдаги солиқларни тўлаш ўрнига кичик бизнесни ягона солиқ тўлови шаклидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкалари 2005 йилда 13 фоиз, 2008 йилда 10 фоиздан 8 фоизгача, 2009 йилдан бошлаб эса 7 фоизгача пасайтирилган бўлса, бу кўрсаткич 2011 йилдан 6 фоизга туширилди. 2012 йилда эса 5

фоизга туширилди. Демак, сўнгги беш йил ичида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик ва жисмоний шахслар даромадидан олинадиган қатъий белгиланган солиқ миқдори қарийб 2,2 баробарга камайтирилди.

Саноат маҳсулотларини ишлаб чиқариш соҳасидаги кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожланиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва шу асосда аҳоли бандлигини таъминлашга эътибор қаратилди. Шу билан бирга, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаларини пасайтириш ҳисобига аҳоли даромадларини кўпайтириш назарда тутилди.

Кредит ташкилотларига жисмоний шахслар омонатларини жалб қилишда тенг шарт-шароит яратиш ва депозитлар бозоридаги рақобатни ривожлантириш ҳамда микромолиялаштиришни рағбатлантириш, банкдан ташқари молия институтлари фаолиятини кўллаб-қувватлаш мақсадида кредит уюшмаларидаги депозит кўйилмалар бўйича олинган даромадларни жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод қилиш белгиланган. Давлат бюджети тақчиллиги 491,6 млрд. сўмни ёки ЯИМ ҳажмининг 1 фоизини ташкил қилади.

Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодий инқирози кескин тус олган, шунга қарамай, мамлакатимизнинг 2011 йилга мўлжалланган Давлат бюджетида ижтимоий соҳага доир харажатлар миқдори камайтирилган эмас. У бюджет харажатларининг 58,7 фоизини ташкил этади. 2012 йилда бу кўрсаткич 60 фоизни ташкил этилиши назарда тутилган.

Мухтасар айтганда, давлат бюджети – давлатимиз иқтисодий сиёсатини белгиловчи асосий молиявий ҳужжат бўлиб, у иқтисодни тартибга солишга, ишлаб чиқаришнинг барқарор ўсишини таъминлашга, кам таъминланган оилаларни кўллаб-қувватлаш ва халқимиз фаровонлигини янада оширишга хизмат қилади.

5.1. Бюджет камомати ва профицити. Давлат қарзлари. Уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

Давлат бюджетининг даромадлари ва харажатлари мувозанатда бўлишини тақозо қилади. Лекин кўпчилик ҳолларда давлат бюджети харажатларининг даромадлардан ортиқчалиги кузатилади, бунинг

оқибатида бюджет тақчиллиги тез суръатлар билан ўсади. Бу ҳолнинг сабаблари кўп бўлиб, уларнинг ичида, давлатнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ролининг узлуксиз ўсиб бориши, унинг иқтисодий ва ижтимоий вазифаларининг кенгайиши алоҳида ўрин тутди.

Бюджет тақчиллигининг ўсиши мутлақ миқдорда ва унинг ялпи миллий маҳсулот (ЯММ)га нисбатида аниқ намоён бўлади. 2002 йилда Республикамиз давлат бюджетининг тақчиллиги ЯИМга нисбатан бир фоиздан ошмаган¹. Бюджет тақчиллигининг ўзгариши хўжалик конъюктураларидаги жорий тебранишлар, ишлаб чиқаришдаги даврий инқироз ва юксалишларни ҳам акс эттиради, кризислар даврида давлат бюджет маблағлари ҳисобидан иқтисодиётнинг маълум секторларини ушлаб туришга, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган тармоқларда инвестициялар ҳажмини сақлаб туришга мажбур бўлади.

Бюджет тақчиллигини молиялаштириш (қоплаш)нинг муҳим шароити давлат кредити бўлиб чиқади. *Давлат кредити* деганда, давлат қарз олувчи ёки кредитор сифатида чиқадиган барча молиявий иқтисодий муносабатлар йиғиндиси тушунилади. Молиявий ресурсларни давлат қарз олишнинг асосий шакли – бу давлат заёмларини чиқариш ҳисобланади. Уларни жойлаштириш жараёнида давлат аҳоли, банклар, савдо ва саноат компанияларининг вақтинча бўш турган пул маблағларини жалб қилади.

Давлат ўз мажбуриятларини нафақат хусусий секторда жойлаштириши, балки уларни Марказий банкда ҳисобга олиши ҳам мумкин. Бунда банк муомалага пулнинг товар ҳажмининг кўпайиши билан боғлиқ бўлмаган кўшимча массасини чиқаради. Мазкур ҳолда, давлат бюджетини молиялаштириш пул муомаласига тўғридан-тўғри инфляцион таъсир кўрсатади. Пул массасининг ўсиши жамият ҳақиқий бойлигининг кўпайиши билан бирга бормайди.

Давлат қарзларининг тўхтовсиз кўпайиб бориши, миллий даромадни фоиз тўловлари шаклида, тобора кўпроқ қайта тақсимланишига олиб келади. Катта бюджет тақчиллиги ва давлат мажбуриятлари бўйича фоиз тўловлари ўсиш шароитида, давлат қарзларини тўлаш вақтини имкон даражада чўзишга ҳаракат қилади. Бунинг учун турли хил усуллардан фойдаланиш мумкин. Жумладан,

¹ *Каримов И. А.* Иқтисодиётни эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш – энг муҳим вазифамиз. – Халқ сўзи. – 2000. – 15 фев.

давлат ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, ўрта ва узок муддатли заёмларга алмаштиради. У ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини, анча юқори фоиз бўйича янги, узок муддатли заёмлар чиқариш ҳисобига ҳам сотиб олиш мумкин. Бундай турдаги тадбирлар қисқа даврли самара бериши ва вақтинча давлатнинг молиявий аҳволини енгиллантиши мумкин, чунки у одатда келгусида фоиз ставкасининг ошиши ва қарзлар умумий миқдорининг ўсиши билан боғлиқ.

Хўжалик ҳаётида байналминаллашув жараёнларининг тез ўсиши, халқаро кредитнинг жадал ривожланиши натижасида давлат ўзига зарур бўлган молиявий ресурсларни жалб қилиш учун, бўш пул маблағларининг миллий чегарадан ташқаридаги манбаларидан фаол фойдаланади. Бунинг натижасида ташқи қарз вужудга келади.

Шундай қилиб, давлат зарур молиявий ресурсларини ҳам ссуда капиталларининг миллий бозоридан ҳам ва ташқи бозоридан қарз олади. Халқаро кредитнинг тез ўсиши капиталнинг мамлакатлараро миграцияси, мамлакат ва регионлар иқтисодий ўзаро боғлиқлиги чуқурлашувининг муқаррар натижаси ҳисобланади. Халқаро кредит молиявий ресурсларни ҳам хусусий секторнинг эҳтиёжларини қондириш, давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун жалб қилиш имкониятини сезиларли кенгайтиради. Шу билан бирга, ташқи қарзларнинг ўсиши бир қатор бошқа муаммоларни келтириб чиқаради. Улардан асосийси, миллий воситалар билан назорат қилиб бўлмайдиган ҳам кредитор, ҳам дебитор мамлакатлар иқтисодиётининг кучайиб борувчи боғлиқлигидир.

Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ва мутаносиб ривожланиб бораётганини 2005 йилдан бошлаб давлат бюджети профицит билан бажарилаётгани ҳам яққол тасдиқлаб турибди. Қуйидаги жадвалга қаранг.

3-жадвал

Давлат бюджети кўрсаткичларининг ЯИМга нисбатан тенденцияси (фоизда¹)

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган.

Йиллар	Давлат бюджети кўрсаткичларининг Ижроси
2000	1,0
2001	1,0
2002	0,8
2003	0,4
2004	0,4
2005	0,1
2006	0,5
2007	1,1
2008	1,5
2009	0,2
2010	0,3

Бу борада эришилган ютуқлар ҳақида давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг **Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган мажлисидаги маърузасидан қуйидаги маълумотларни келтиришни ўринли деб билдик¹**: «2011 йилда Давлат бюджетининг харажатлар қисми 2010 йилга нисбатан 25,4 фоизга, 2000 йилга нисбатан эса қарийб 17,8 баробар ўсди. Қайд этиш жоизки, давлат бюджети харажатларининг 58,7 фоизи ижтимоий соҳани молиялаш ва аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлашга йўналтирилди.

Мана бу рақамларга алоҳида эътиборингизни жалб этмоқчиман. 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, мамлакатимизнинг умумий ташқи қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 17,5 фоизидан, экспорт ҳажмига нисбатан эса 53,7 фоиздан ошмайди. Бу халқаро мезонлар бўйича «Ҳар жиҳатдан мақбул ҳолат» деб ҳисобланади.

Буларнинг барчаси мустақиллигимизнинг илк йилларидан бошлаб ҳам давлат, ҳам тижорат банклари, компания ва корхоналар миқёсида ҳар томонлама пухта ўйланган четдан қарз олиш сиёсатини амалга ошириб келаётганимиз билан боғлиқ эканини, ўйлайманки, тушуниш, англаш қийин эмас. 2011 йилда банкларнинг капиталлашуви, уларнинг барқарорлиги ва ликвидлигини янада мус-

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 5.

тахкамлашга қаратилган изчил ва аниқ мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Охирги беш йил давомида мамлакатимиз банк сектори капиталининг етарлилик даражаси банк назорати бўйича Базель кўмитаси томонидан 8 фоиз этиб белгиланган халқаро меъёрдан уч баробар кўп бўлган даражани ташкил этмоқда. Шунини мамнуният билан таъкидлаш керакки, «Стандарт Энд Пурс», «Мудис» ва «Фитч Рейтингс» каби нуфузли халқаро рейтинг агентликлари икки йилдан буён Ўзбекистон банк тизимига муттасил равишда «барқарор» рейтинг даражасини бермоқда, айти пайтда мамлакатимизнинг шундай баҳога сазовор бўлган банклари сони йилдан-йилга ортиб бормоқда.

Агар 2010 йилда мамлакатимизнинг 15 та тижорат банки «барқарор» рейтингини олган бўлса, ҳозирги кунда уларнинг сони 23 тага етди, бу банкларнинг активлари юртимиз банк тизими умумий активларининг 98 фоизини ташкил этмоқда. Маълумки, аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади. Шу маънода, 2011 йилда депозитларга 18 триллион сўмдан ортиқ, ўтган йилга нисбатан 36,3 фоиз кўп маблағ жалб қилинган, жумладан, аҳоли депозитлари 38,8 фоизга ошгани айтиқса эътиборлидир.

Банкларнинг кредит портфели таркиби сифат жиҳатидан тубдан ўзгармоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шакллантирилган бўлса, 2011 йилда унинг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизни таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир. Тижорат банкларининг инвестициявий фаоллиги ортмоқда. Тижорат банклари кўйилмаларининг 75 фоиздан ортиғини уч йилдан зиёд бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этмоқда. Умуман, сўнгги ўн йилда банкларимиз томонидан иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш 7 баробар ошганини алоҳида қайд этиш лозим, деб ўйлайман.

Бизнинг иқтисодий ночор корхоналарни банклар балансига ўтказиб, уларни соғломлаштириш борасида қўллаган ноанъанавий ёндашувимиз ўзини оқлади ва самарадорлигини кўрсатди, деб бугун тўла асос билан айтишимиз мумкин.

Ҳозирги пайтда банкларга берилган 164 та банкрот корхонадан 156 тасида ишлаб чиқариш фаолияти тўлиқ тикланди, 110 та корхона янги инвесторларга сотилди. Бундай корхоналарни техник қайта жиҳозлаш ва модернизация қилиш ишларига тижорат банклари томонидан 275 миллиард сўм миқдорида инвестиция киритилди, натижада 22 мингдан зиёд иш ўрни яратилди».

Давлат молияси унинг харажатларини ҳам билдиради, булар бюджет харажатларидан иборат. Давлат харажатлари унинг даромадига қараб шаклланади ва қуйидаги йўналишда боради:

1. Ижтимоий соҳа харажатлари. Булар таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия ва спорт, маданият, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, ижтимоий ёрдам кўрсатиш сарфлари.

2. Инвестиция харажатлари. Бу давлат ҳисобидан ижтимоий-маданий объектларни, ишлаб чиқариш инфратузилмаси ва коммуникация тизимини яратиш учун пул сарфлаш.

3. Миллий хавфсизлик ва ички тартибни сақлаш харажатлари. Булар жумласига полиция (милиция), хавфсизлик органлари, суд ва прокуратура харажатлари киради.

4. Бошқариш харажатлари. Булар жумласига марказий ва маҳаллий ҳокимият органлари ишини таъминлаш сарфлари киради.

5. Ташқи қарзни узиш харажатлари. Бу тўлаш муҳлати келган қарзнинг ўзини қайтариш, қарз юзасидан бериладиган фоизларни тўлаш харажатлари. Бу харажат қарзнинг миқдорига, қайси пайтда қайтарилишига ва фоизнинг миқдорига қараб ўзгариб туради ва бюджетда кўрсатилади.

5.2. Мустақиллик йилларида Ўзбекистоннинг банк-молия соҳасида асосий кўрсаткичлари

1995 йилда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Марказий банки тўғрисида»ги қонун нафақат банк тизимининг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлади, балки Марказий банкнинг алоҳида мақоми, мақсад ва вазифалари ҳамда ваколатларини аниқ белгилаб берди. 1996 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Банк ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонуни банк тизимидаги иккинчи босқич институтлари – тижорат банклари фаолиятининг ҳуқуқий жиҳатларини белгилаб берди. 1997 йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хусусий тижорат банкларини ташкил қилишни рағбатлантириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги фармони билан банк фаолияти учун бир қатор имтиёз ва рағбатлантиришлар берилди ва шу асосда юртимизда жисмоний шахсларнинг улуши 50 фоиздан кам бўлмаган хусусий банклар очила бошлади.

2011 йилнинг 1 январига қадар Ўзбекистонда 31 та тижорат банки фаолият кўрсатмоқда, улардан 3 таси давлат, 13 таси тижорат-акциядорлик банки, 10 таси хусусий ва 5 таси чет эл капитали иштирокидаги банклар бўлиб, улар 9,3 мингта филиалга, минибанк ва чакана офисларига эга.

4-жадвал

Банк муассасаларининг ривожланиш динамикаси (1990–2011 йиллар)

Кўрсаткичлар	1990 йил	1995 йил	2000 йил	2005 йил	2010 йил
Тижорат банклари сони	16	32	35	29	31
Тижорат банклари муассасалари сони	2389	3171	4234	7028	9293

Мамлакатимиз тижорат банклари ялпи капиталининг барқарор ўсиши ва банк активлари портфелини бошқариш соҳасида юритилаётган мутаносиб сиёсат натижасида, банк тизимида банк назорати бўйича Базель қўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан уч баробар кўп бўлган капиталнинг етарлилик даражаси кўрсаткичини таъминлади. Юртимизда 1995–2010 йиллар давомида ялпи капиталнинг реал ўсиши 12,5 баробарни ташкил этди, бу эса банкларнинг капитал базаси мустаҳкамланганидан далолат беради. Бу, ўз навбатида, уларнинг тўлов қобилиятига ижобий таъсир кўрсатади.

Банк тизимида 1995 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда депозитлар базаси солиштирма кўрсаткичларда 13 баробар ошди. Тижорат банклари ялпи депозитларининг юқори даражада ўсиши аҳоли омонатларини жалб қилишнинг юқори суръатлари билан изоҳланади, бу шубҳасиз, аҳолининг банк тизимида бўлган ишончи янада ортиб бораётганидан далолатдир. 2010 йилнинг охирида аҳолининг мамлакатимиз тижорат банкларига қўйган омонатлари ҳажми 4447 миллиард сўмни ташкил этди ва бу солиштирма

нархларда 1995 йил кўрсаткичларидан 52 баробар кўпдир. Жисмоний шахслар томонидан банк муассасаларида очилган банк ҳисоб рақамлари сони 1995–2010 йилларда 16 баробар кўпайди ва 2010 йил якунларига кўра, катта ёшдаги ҳар 1000 кишига 1012 тани ташкил этди, бу халқаро амалиётда юқори кўрсаткич ҳисобланади. 2000 йилда банклар кредит портфелининг 54 фоизи ташқи қарзлар ҳисобидан шаклланган бўлса, 2010 йилда кредит портфелининг 85,1 фоизи ички манбалар ҳисобидан шакллантирилди. Шу билан бирга, банклар кредит портфелининг 75,2 фоизини уч йилдан кўп бўлган узоқ муддатли инвестиция кредитлари ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, тижорат банкларининг молиявий кўрсаткичлари ва Ўзбекистон Республикаси банк тизимининг асосий параметрлари халқаро рейтинг компанияларининг талаб ва мезонларига мос келади. Бу эса, 2010 йилда умумий активлари банк тизими жами активларининг 90 фоизидан зиёдини ташкил этадиган 15 та тижорат банки учун «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг агентликларининг «барқарор» рейтинг баҳосини олишга эришиш имконини берди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда энг юқори халқаро стандартларга жавоб берадиган тўловларни амалга ошириш тизими яратилди. Агар 1990 йилда тўловларни амалга ошириш учун бир кун, баъзан ҳатто ҳафталар кетган бўлса, 1997 йилдан бошлаб бир неча дақиқаларда барча ҳисоб-китобларни тўлиқ автоматлаштирилган тартибда амалга ошириш имконини берадиган янги тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон тўлов тизими дунёдаги энг замонавий тизимлардан бири бўлиб, у барча тўловларни реал вақт режимида амалга оширади.

Мамлакатимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ривожланишида тўловларни пластик карточкалар воситасида амалга ошириш тизимининг яратилгани муҳим ўрин тутмоқда. Сўмдаги пластик карточкалар дастлаб 1996 йилда пайдо бўлди ва банкдаги ҳисоб рақамлари бўйича қўшимча даромад олиш имкониятига эга бўлган банк мижозлари учун қулайлиги сабабли кенг қўллана бошланди. Ҳозирги вақтда муомаладаги банк пластик карточкалари сони қарийб 8 миллион донани ташкил этмоқда. Бугунги кунда савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида ўрнатилган, пластик карточкаларга хизмат кўрсатадиган терминаллар сони 86 мингтага етди.

Айни пайтда тижорат банклари томонидан банк хизматлари

кўлами мунтазам кенгайтириб борилмоқда ва миждозлар учун қулай янги хизмат шакллари жорий этилмоқда. Улар банк ҳисоб рақамлари эгаларига реал вақт тартибида ўз ҳисоб рақамлари ҳақидаги маълумотларни мобиль ва электрон алоқа воситалари орқали олиш имконини бермоқда. Банклар томонидан аҳоли пунктларида мингдан ортиқ инфокиосклар ўрнатилган, улар орқали миждозлар тўловлар, жумладан, коммунал хизмат тўловларини мустақил тарзда амалга оширишлари мумкин. Бундан ташқари, банк миждозларига қулайликлар яратиш мақсадида «Банк-миждоз» дастури жорий қилинган. Ушбу дастур ҳар куни банкда катта ҳажмдаги ҳисоб-китобларни амалга оширадиган 5 мингдан зиёд йирик корхоналарга банкдаги ўз ҳисоб рақамларини иш жойидан туриб бошқариш ва улар ҳақида зарур маълумотлар олиш имконини бермоқда.

Банк тизимининг мустақиллик йилларида фаол ривожланиши натижасида тижорат банкларининг миждозлари сони 18,5 баробар кўпайди ва 18,8 миллионни ташкил этди. Жумладан, жисмоний шахс мақомидаги миждозлар 19,2 баробар кўпайиб, 17,5 миллион кишига етди. Кейинги вақтда мамлакатимизда банк кредит муассасалари билан бир қаторда банкдан ташқари кредит муассасалари (кредит уюшмалари, ломбардлар ва микрокредит ташкилотлари) тизими ҳам ривожланмоқда.

Банкдан ташқари, кредит ташкилотлари тизимининг шаклланиши, Ўзбекистон Республикасининг «Кредит уюшмалари тўғрисида», «Микрокредит ташкилотлари тўғрисида»ги қонунларининг қабул қилиниши билан бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистонда жами активлари ҳажми 351 миллиард сўмни ташкил этадиган 209 та банкдан ташқари, кредит институти ҳам фаолият кўрсатмоқда.

Таянч тушунчалар:

Молия сектори, даромадлар ва харажатлар, молия тизими, молиянинг вазифалари, микромолия, макромолия, мета (халқаро) молия, акция, облигация, дивиденд, кредит, кредитнинг вазифалари, кредит механизми, кредит турлари, кредит институтлари.

Банк, банк турлари, бюджет, бюджет камомади, бюджет коэффициентини, бюджет баланси, ички ва ташқи қарз, давлат қарзи.

Савол ва топшириқлар:

1. Иқтисодиётнинг реал сектори ва молия сектори ўртасидаги фарқ қанақа?
2. Молиянинг мамлакат тараққиётидаги ўрнини тушунтиринг.
3. Молия ва кредит қандай вазифаларни бажаради, улар ўртасидаги фарқ қанақа?
4. Молиянинг турларини санаб ўтинг.
5. Президент Ислон Каримов 2005 йилнинг 27–28 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида, 28 январида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини белгилаган эди. Бунда асосий гап нималар тўғрисида эди?
6. Банк ва унинг вазифаларини тушунтириб беринг.
7. Марказий банкнинг вазифалари қандай?
8. Танилган халқаро рейтинг агентликлари («Мудис, Фитч») 2008 йилда Ўзбекистоннинг қайси банкларига «барқарор» рейтингини берди?
9. 2009–2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини баҳолашнинг аҳамиятини тушунтиринг.
10. Мамлакатимизда молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига нима учун алоҳида эътибор қаратилмоқда?
11. Республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилганлиги нималарда намоён бўлади?
12. Етакчи халқаро рейтинг компанияларининг мамлакатимиз банк тизимига берган баҳосини изоҳланг.
13. Банклар кредит портфели таркибидаги ижобий ўзгаришлар иқтисодиётимизнинг тараққиёти учун қандай аҳамиятга эгаллигини изоҳланг.

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарииси

Молиявий глобаллашув – бу жаҳон хўжалигининг барча ҳудудларидаги молиявий муносабатларни қамраб олувчи жараён. Глобал молиявий инқироз орқиб ликвидлик ва юқори даражада интеграциялашган халқаро молия тизимининг етарли тартибга солинмаслиги натижасида юзага келади ва жаҳон иқтисодиётининг рецессияга учрашига олиб келади.

Иқтисодий глобаллашув – бу жаҳон хўжалигининг барча ҳудудларидаги иқтисодий муносабатларни қамраб олувчи жараён. Буни ташкил топаётган трансмиллий компаниялар мисолида кўришимиз мумкин.

Ипотека (юнонча *Hypothek* – гаров маъносида) – ссуда олиш мақсадида кўчмас мулк (ер, иморат)ни гаровга қўйиш. Ривожланган мамлакатлар қишлоқ хўжалигида кенг тарқалган бўлиб, махсус ипотека банклари бор.

Ликвидлик (лотинча *Liquidus* – суёқ, оқувчи маъноларида) – турли корхоналар, бирлашмалар, фирмалар ва банкларнинг ўз мажбуриятларини вақтида бажара олиши (қарзни тўлаш имконияти, барқарор талабга эга бўлган пул воситалари, банк депозитлари, қимматли қоғозлар, моддий айланма воситалар, харидоргир ва пулга тез айлантириладиган активлар ликвид воситалар деб юритилади. Ликвидлик маблағлар айланишининг меъёрига эришини йўли билан таъминланади.

Ссуда – моддий бойликлар гарови ҳисобига жоиз олиш шarti билан муайян муддатга бериладиган қарз. Ссуда муддатида қайтарилмаса банк гаров мулкни авахта қилиши ва уни сотиб, ссуда бўйича узилмаган қарзни коплаши мумкин. Қимматли қоғозларни ҳам гаровга қўйиб, улар эвазига ссуда олиш учрайди.

Инвестиция (немисча *investition*, лотинча *investere* – ўраш маъносида) – иқтисодни ривожлантириш мақсадида мамлакат ёки чет элларда турли тармоқларга узоқ муддатли капитал киритиш (қўйиш). Молиявий инвестиция – акция, облигация ва бошқа қимматли қоғозларни сотиб олиш; реал инвестиция мамлакати ичкарасида ва чет элларда ишлаб чиқариш (саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш ва бошқ.)га капитал қўйиш, шунингдек, ёш суверен давлатларга қарз ва субсидия бериш шаклларида амалга оширилади. Инвестицияни давлат, банклар ёки хусусий тадбиркорлар бериши мумкин.

Инвестор (инглизча *investor*) – пул қўйган киши, омонатчи; инвесторларни амалга оширадиган шахс, ташкилот, давлат.

Фонд бозори – бу қимматли қоғозлар олди-сотди қилинадиган биржа; бозор инфратузилмасининг муҳим бўғини, қимматли қоғозлар (давлат облигациялари, корхоналар акциялари ва облигациялари, банк кредит билетлари ва бошқ.) валюта олди-сотди бўйича мунтазам ва ташкилий фаолият кўрсатади.

Молия бозори – жамиятда молия хизматлари бозори; молия маблағларини вақтинча ҳақ тўлаб ишлатиш ёки уларни сотиб олиш юзасидан бўлган муносабатлар. Банклар, фонд биржасида ва аукционларда ўтказилади. Молия бозори таркиби мураккаб, унга қимматли қоғозлар бозори, ссуда капитали, инвестиция бозори кабилар киради.

Рецессия – бу иқтисодий ўсишнинг чўққи нуқтасидан кейинги пасайиш фазаси бўлиб, олти ой давомида кетма-кет ишлаб чиқариш суръатларининг кескин, биржа индексларининг эса оммавий пасайиши жараёнидир.

Депрессия – бу иқтисодий ўсишнинг кескин пасайиши.

Корпорация (лотинча Corporation – бирлашма, ҳамжамият маъноларида) – ривожланган йирик акционерлар жамияти ва трестлар; бирон-бир фаолият учун уюшган ҳуқуқий ва жисмоний шахслар мажмуи. XIX асрларда пайдо бўлган.

Молиявий дериватив – бу чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосилавий молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Секьюритизация деганда, молиявий активларни қимматли қоғозларга алмаштириш тушунилади.

Дисконт (инглизча discount, италянча sconto – ҳисобламоқ маъносида): 1) банклар томонидан векселни муддатидан илгари қайтариб сотиб олиш (вексель ҳисоби); 2) векселни қайта сотиб олганлик учун банкдан ундириладиган процент; 3) товар нархи (масю, сифати стандартга тўғри келмаганда), биржа ва валюта битимларида валюта нархидан ташлама.

Стагфляция (лотинча Stagno – кўлмак ва inflation – шишмоқ маъноларида) – пуфланган иқтисодиётнинг турғунлик, инфляция билан характерланувчи ҳолати. Стагфляция белгилари: иқтисодий ўсиш ғоят суст боради ёки юз бермайди, ишсизлик кўпаяди, тирикчилик қиймати ўсади, инфляция кучаяди, ишлаб чиқариш қувватлари тўла ишлатилмайди, инвестиция жараёни сустлашади, ижтимоий барқарорлик ортади.

Дефолт – бу тўлов қобилияти ва муддати ликвидлик таъминланмаганлиги ҳолатидан келиб чиқиб, корхоналар мажбуриятларини тўлашни рад этишдир.

Протекционизм (лотинча protection – ҳимоя маъносида) – давлатнинг миллий иқтисодиётини ҳимоя қилиш ва уни ривожлантиришни ҳар томонлама рағбатлантириш, солиқ имтиёзлари бериш, импортни чеклаш ҳамда импорт моллардан бож ҳақларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа тадбирларда ўз ифодасини топади.

Оффшор ҳудудлар – бу иқтисодий эркин ҳудудлар бўлиб, улар одатда солиққа энг кўпи билан беш фоиздан ошмайди ёки умуман солиқ ундирилмайди. У ҳудудларда пул оқими суст назорат қилинади.

Жамиятнинг молияси маълум тизимни ҳосил этиб, бунга молия объекти, молия субъекти, молия муносабатлари, молия механизми, молия сиёсати ва ниҳоят, молия институтлари киради. Буларнинг ҳар бирини алоҳида шарҳлаймиз.

Пул базаси – пул массасининг мустақил таркибий қисми бўлиб, унга муомаладаги нақд пул, банкларнинг кассаларидаги пул маблағлари, тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий захиралари.

Пул массаси – хусусий шахслар, фирмалар ва давлатга тегишли ҳамда товар ва хизматларнинг миллий хўжалик миқёсида муомалада бўлишини таъминлайдиган нақд ва нақд бўлмаган харид ва тўлов маблағлари мажмуи.

Пулли мультипликатор – муомаладаги пул массасининг ўсиши миқдорини аниқлаш учун ошиқча пул базасини камайтириш керак бўладиган сон.

Пул бозори – иқтисодий субъектлар ўртасида пул олди-сотдиси борасида юзага келадиган муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Капитал молиялаштириш – қарз олувчи у ёки бу корхонанинг мулкдори сифатида ўз улуши билан иштирок этиш учун шартнома ҳуқуқига эга бўлиши эвазига инвестициялар киритиш учун пул маблағлари олишига имкон берадиган битим.

Акциялар (облигациялар) курси – уларга бўлган талаб ва таклифнинг ўзаро таъсири билан белгиланадиган бозор нархи.

Мажбурий захиралар нормаси – тижорат банкларининг Марказий банкда шартсиз тартибда жойлаштирилган активлари.

Облигация – муайян вақт мобайнида пулда олинган қарзни келишилган фоизи билан тўлаш мажбуриятини ифодаловчи сертификат, аниқ қайд этилган даромадли актив.

Оддий акция – фирма мулкида ўз улуши билан иштирок этаётганликни кўрсатувчи сертификат бўлиб, у айни вақтда эгасига ушбу корпорациялар оладиган фойданинг улушига ҳуқуқни ҳам билдиради; ўзгарувчан даромадли актив.

Операцион талаб – айирбошлаш трансакцияларига хизмат кўрсатиш учун зарур пулга бўлган талаб.

Реал активлар – кўчмас мулк, ер, нодир металллар, санъат асарлари кабиларда ўз ифодасини топган қийматлар.

Қимматбаҳо қоғозлар бозори – молиявий активлар олди-сотдисида оид институционаллашган иқтисодий муносабатлар.

Спекулятив талаб – одамларнинг ўз пул жамғармаларини энг кўп фойда берадиган тарзда жойлаштиришга интилишлари билан боғлиқ нақд пулга бўлган талаб; «эртага» пул бозорида жойлаштириш фойдали бўладиган «бугунги» нақд пулга бўлган талаб.

Ҳисоб ставкаси – Марказий банк тижорат банкларига берадиган кредит учун олинадиган фоиз.

Қарз олиш орқали молиялаштириш – қарз олувчи ушбу маблағни келажакда келишилган фоизи билан тўлаш мажбуриятини олиши эвазига

инвестициялар киритиш учун пул маблағлари олишига имкон берадиган битим, бунда кредитор корхона мулкининг улушига эга бўлиш ҳуқуқини олмайди.

Молиявий активлар ёки қимматбаҳо қоғозлар – шартномада келишилган шартлар асосида келгусида тўловлар олиш учун шартномавий ҳуқуқ.

Молиявий воситачилар – аҳолининг пул маблағларини кейинчалик тижорат асосида инвесторлар ихтиёрига бериш учун жамловчи турли молиявий институтлар (банклар, ўзаро ва пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари).

Фонд биржаси – қимматбаҳо қоғозларнинг бозор нархлари (курслари) ўрнатиладиган ва олди-сотди юз берадиган жой.

Бюджет тақчиллиги – давлат харажатлари унинг даромадларидан ортиқ бўлган вазият. Бюджет профицити ёки ортиқчаси, давлатнинг бир йил мобайнида келиб тушадиган солиқ тушумлари ва бошқа даромадлари йиғиндиси унинг харажатларидан ортиқ бўлган ҳолда юзага келади. Муайян давр мобайнида давлатнинг даромади ва харажатлари тенг бўлса, бюджет мувозанати юзага келади.

Бюджет мувозанати – муайян давр мобайнида давлатнинг даромади ва харажатлари тенглиги.

Бюджет тақчиллиги – давлат харажатлари унинг даромадларидан ортиқ бўлган вазият.

Бюджет профицити – давлатнинг бир йил мобайнида келиб тушадиган солиқ тушумлари ва бошқа даромадлари йиғиндиси унинг харажатларидан ортиқ бўлган ҳолда юзага келади.

Давлат бюджети – бу умумжамият миқёсида марказлашган ва давлат иштирокида ҳосил бўлувчи ва сарфланувчи молиявий ресурслар.

Субвенция – давлат бюджетидан муҳим хўжалик ва ижтимоий-маданий тадбирларни амалга ошириш учун маҳаллий ҳокимият органларига ажратилган пул маблағлари.

Субсидия – давлат бюджети ҳисобидан корхоналар, ташкилотлар ва хорижий давлатларга бериладиган маблағ. Субсидия бозор иқтисодиётини тартибга солиш воситаси ҳисобланади.

Давлат молияси – давлатнинг пул маблағлари жамғармасини яратиш ва ишлатиш борасида миллий хўжалик доирасида юзага келадиган ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг ижтимоий шакли.

Давлат қарзи – ҳукуматнинг ўтмишдаги бюджет тақчиллигини молиялаштириш учун қарзга пул олиш натижасида тўпланган қарзи.

Дискрецион фискал сиёсат – ҳукуматнинг иш билан бандлик даражасини ўзгартириш, инфляцияни назорат қилиш ва иқтисодий

ўсишнинг янги сифатини тезлаштириш мақсадида давлат харажатлари ва солиқларини била туриб манипуляция қилиш.

Дискрецион тақчиллик – ресурслар тўлиқ банд бўлган ва иқтисодиёт ишлаб чиқаришнинг потенциал ҳажмига эришган шароитдаги бюджет тақчиллиги.

Пул-кредит сиёсатининг олий мақсади – тўлиқ бандлик, нарх барқарорлиги ва ишлаб чиқариш реал ҳажмининг ўсишини таъминлаш.

Пул-кредит конституцияси – иқтисодиётни давлат томонидан бошқаришнинг монетар соҳасидаги муайян ўзгармас қоидалар мажмуи.

Пул-кредит сиёсати – нархлар барқарорлиги ва ресурсларнинг тўлиқ бандлиги шароитида иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида пул таклифини ўзгартиришга қаратилган давлат фаолияти.

Пул-кредит сиёсатининг узок муддатли мақсади – узок (бир йил ва ундан ортиқ) вақт мобайнида энг муҳим макроиқтисодий ўзгарувчиларни тартибга солиш.

Иқтисодиётни монетар тартибга солишга Кейнсча ёндашув – пул-кредит сиёсатининг асосий якуни фоиз ставкасининг исталаётган даражасидир деган қоидага асосланади.

Пул-кредит сиёсатининг қисқа муддатли мақсади – муомиладаги пул миқдорини бир даражада сақлаш ёхуд фоиз нормасини барқарорлаштириш.

Иқтисодиётни монетар тартибга солишга монетар ёндашув – ишлаб чиқариш, иш билан бандлик ва нарх даражасини белгиловчи асосий омил фоиз ставкасининг динамикаси эмас, балки пул таклифидан иборат деган қоидага асосланади.

Асосий монетар қоида – пул ҳажмининг кўпайиш суръатлари узок муддатли вақт давомида ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий ҳажми табиий даражасини ўсиш суръатларига мувофиқлигини доимий равишда таъминлаш зарурлигига асосланган қоида.

«Соф» фискал сиёсат – давлатнинг солиқ-бюджет ва пул-кредит соҳаларидаги иқтисодиётга ўзгармас пул таклифи билан боғлиқ фаолияти.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Иқтисодиётнинг молия сектори ундаги турли пул оқими бўлиб, реал секторга хизмат қилади. Пул оқимидаги ҳаракатда иқтисодиётнинг барча иштирокчилари катнашади. Пул оқими даромад-харажат шаклига киради ва молияни юзага келтиради. Молия иқтисодий тизим бўлиб, молия объекти, субъекти, молия муносабатлари, молия механизми, молия институтлари ва ниҳоят, молия сиёсатини қамраб олади. Реал

иқтисодиётнинг даражаларига мувофиқ, микро, макро ва метамолия мавжуд.

2. Молия иқтисодиётда тақсимлаш, рағбатлантириш, ахборот бериш, ижтимоий ва назорат функцияларини бажаради. *Микромолия* фирмалар, хонадонлар, нодавлат ва жамоат ташкилотлари молиясидан иборат. Микромолиянинг ресурслари фирмалар, хонадонлар ва турли ташкилотларнинг ўз маблағи, қарз кўтарган пули, давлат берган ёрдам ва турли хайр-эҳсон маблағларидан ташкил топади. Ресурсларнинг асосий қисми (2/3) хонадонлар молиясида жамланади. Микромолия иштирокчиларининг ресурслари улар харажатини қоплаш йўлида ишлатилади.

3. *Макромолия* – бу умумдавлат, умумжамият молияси бўлиб, давлат даромадлари ва харажатларидан иборат. Давлат даромадлари солиқлар, давлат мулки берган даромад ва давлат олган ички ва ташқи қарздан иборат. Давлатнинг харажатлари – бу ижтимоий соҳа, инвестиция, миллий хавфсизлик, бошқариш ва қарзни узишга кетадиган харажатлардир. Давлат молиясининг асосини бюджет ташкил этади.

4. Иқтисодиёт субъектлари фаолиятини пул билан таъминлаш молиялаштириш бўлиб, бу ўзини ўзи молиялаштириш, бюджетдан молиялаштириш ва ҳомийлар томонидан молиялаштириш шаклида юз беради. Молиялаштириш ресурсларни маълум мақсад йўлида қайтариб олмаслик шарти билан сарфланишини билдиради.

5. Молия тизимининг муҳим бўғини молия бозори бўлиб, бу турли субъектлар ўртасида молиявий активларнинг олди-сотди қилинишини билдиради, таркибан фонд бозори ва пул бозоридан иборат. Молия бозорининг объекти қимматли қоғозлар ва пул маблағларидир, унинг субъекти фирмалар, хонадонлар, давлат ҳамда нодавлат ташкилотлари ва турли воситачилардир. Бу бозор капитали ҳосил этиш, капитални демократлаштириш, пулдан пул чиқариб олиш, пулни керакли соҳаларга жойлаштиришдек функцияларни бажаради.

6. Молияга хос пул бозорининг бир қисми кредит бозори бўлиб, бунда унинг объекти кредит ресурси, унинг субъекти қарз берувчи, қарз олувчи ва улар ўртасидаги воситачилар ҳисобланади. Кредит механизми унинг воситалари ва шартларидан иборат. Буни кредитнинг мақсадли ва муддатли бўлиши, кредит учун фоиз ундирилиши, кредитнинг қайтарилиши ва бунинг кафолатланиши ташкил этади. Кредитнинг бозор нархи фоиздир. Бироқ фоиз кредитга берилган пулнинг бозор қиймати эмас, балки уни вақтинча ишлатишнинг ҳақидир. Фоизнинг манбаи кредитни ишлатишдан топилган фойдадир. Фоиз даражасини кредит бозорида талаб ва таклиф, кредитнинг нафлилиги, қарз пулини муқобил ишлатиш имкони, кредит шарти, таваккал қилиниши, унинг қандай

валютага берилиши ва ниҳоят, инфляция даражаси белгилайди.

7. Кредитнинг объекти ҳар қандай пул эмас, балки ўз эгалари кўлидаги бўш қолган пулларидир. Кредит такрор ишлаб чиқаришга хизмат қилиши керак. Кредит иқтисодий ўсишнинг шартидир. Иқтисодий ўсиш оммавий фаровонликни таъминлашга хизмат қилади. Шу боис ҳам, молия-кредит соҳасидаги жиноятчиликка йўл қўймаслик ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг вазифаларидан бири ҳисобланади. Фақат юксак маънавиятли ходимлар банк-кредит соҳасидаги молиявий ресурсларни суиистеъмол қилишга йўл қўймадилар. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутахассисларининг маълумотларига кўра, 2002–2007 йилларда айрим шахслар томонидан республикамиз иқтисодиётидан 530,7 миллиард сўм маблағни ўзлаштириб юборганлар. Прокуратура органлари аралашуви билан айбдорлар томонидан етказилган зарарнинг 435 миллиард сўми, яъни 78 фоизи қопланган. Кўриниб турибдики, бу сумма иқтисодий ўсишга эмас, балки айрим шахслар манфаатларига хизмат қилган. Айбдорларнинг аксарияти раҳбар ходимлардир. Бундай инсонлар республикамизда амалга оширилаётган ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантиради. Шу боис, бу борада жойларда тегишли тушунтириш ишларини олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

8. Кредит турлари кўп, булар тижорат кредити, лизинг кредити, банк кредити, давлат кредити, номолиявий компаниялар кредитидан иборат. Тадбиркорлик ва истеъмолчилик кредити ҳам бор. Айтилган кредитлар кредит институтлари воситасида амалга ошади. Булар – банклар, паробанк кредит ташкилотлари ва ҳар хил молия компаниялардан иборат. Асосий кредит институти банклар ҳисобланади, улар марказий ва тижорат банкларидан иборат. Банклар ўз фаолиятида мижозлар манфаатини ҳимоя қилиш, даромадли ишлаш, рақобатда иштирок этиш, таваккал қилиш ва ликвидликни таъминлаш каби тамойилларга амал қиладилар. Улар пул оборотига хизмат қилиш, кредит ресурсларини керакли соҳаларга юбориш орқали иқтисодий ўсишга ҳисса қўшадилар.

9. Кредит олишдаги хатар қарзнинг нисбий миқдорида эмас, балки унинг самарасиз ишлатилишидадир. Чет эл кредити уни қайтариш имконини берувчи самарали ишларга сарфлаганда, қарз миқдори катта бўлса-да, хатар камаяди. Аксинча, қарз миқдори кичик бўлиб, у беҳуда сарфланса, хатар катта бўлади. Масалан, Бразилия узоқ йиллар мобайнида энг қарздор мамлакатлар қаторидан ўрин олган. Бироқ кредитдан самарали фойдаланиш мамлакатнинг жадал ривожланишини, бинобарин қарзни қайтариш имкониятини кенгайтди. Айни пайтда қатор Африка мамлакатларининг қарздорлик даражаси Бразилияникидан юқори бўлмаса-да, унинг хатари кучли бўлди, чунки кредит самарасиз ишлатилди. Хулоса қилсак, чет эл қарзи хатарининг чегаравий миқдори

бўлса-да (бу ЯИМ нисбатан 60 фоиз дан олинган), буни мутлақлаштириш мумкин эмас, унга реал шароитга қараб баҳо бериш лозим. Шундан келиб чиққан ҳолда чет эл қарзининг мониторингини ўтказиш талаб қилинади.

Шуни айтиш керакки, кўплаб давлатларнинг ташқи қарз масаласидаги пухта ўйланмаган сиёсати уларнинг иқтисодиётини заиф, ташқи омилларга қарам, хатарли вазиятлар олдида ҳимоясиз ва ночор аҳволга солиб қўйганини кўриш, кузатиш қийин эмас.

Ўзбекистон ўзининг мустақил тараққиёти даврида қисқа муддатли спекулятив кредитлардан воз кечиб, чет эл инвестицияларини узоқ муддатли ва имтиёзли фоиз ставкалари бўйича жалб этиш тамойилига доимо амал қилиб келмоқда. Давлатимиз раҳбари қайд этганидек, қарзни ўз вақтида қайтара олишга қатъий ишончимиз ва қафолатимиз бўлмаган пайтларда, муайян лойиҳаларни кредитлаш бўйича айрим таклифлардан воз кечган ҳолатларимиз ҳам бўлган.

Тижорат банкларимизнинг ташқи мажбуриятлар бўйича тўловларининг ҳолати ва ҳажми масаласи бўйича сўз юритганда, ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ. Бу ҳам республикамиз банк тизими жаҳон молиявий инқирозининг салбий таъсири ва оқибатларидан ишончли тарзда ҳимояланганини кўрсатади. Ўзбекистон ўзининг ишончли ва тўлов қобилиятига эга ҳамкор эканини, мамлакатимизда чет эл сармоясини жалб этиш бўйича ҳар томонлама қулай шарт-шароитлар яратилганини амалда исботламоқда. 2007–2008 йиллар давомида ўзлаштирилган чет эл инвестициялари ҳажми 2,5 баробардан кўпроқ ошганининг ўзи ҳам буни тасдиқлаб турибди.

Умуман, 2009 йилда мамлакат иқтисодиётига киритиладиган хорижий ва ички инвестицияларни ҳисобга олганда, капитал қўйилмаларнинг умумий ҳажми мамлакатимиз ялпи ички маҳсулотининг камида 25 фоизини ташкил этади. Жаҳон иқтисодий инқирози кучайиб бораётган ҳозирги шароитда банк-молия тизими фаолиятини мустаҳкамлаш ва сифат жиҳатидан яхшилаш алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов 2005 йилнинг 27–28 январида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг биринчи йиғилишида, 28 январида эса Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисида банк ва молия тизимларидаги ислохотларни чуқурлаштиришдек устувор вазифани белгилаган эди. Булар:

- молия ва банк тузилмаларининг қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш;
- инфляция даражасининг барқарорлигини таъминлаш;

- миллий валютамиз ва унинг алмашув курси мустаҳкамлигини сақлашдаги масъулиятини ошириш;

- банкларни капиталлаштириш, уларнинг низом ва айланма фондларини кўпайтириш ва маблағларини инвестиция мақсадларига, биринчи навбатда, реал иқтисодиётга йўналтиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар кўриш.

Ўз вақтида оқилона белгиланган юқоридаги вазифалар банкларимизнинг капиталлашувини мустаҳкамлаганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади.

10. Глобаллашув шароитидаги хавфсизлик четдан капиталнинг кириб келиши билан ҳам боғлиқдир. Капитал кредит шаклида кириб келганда, у қарздорлик хавфини туғдиради. Кредит инвестиция миқдорини иқтисодий имконият даражасида юқори қилиб, иқтисодий ўсишга ҳисса кўшади, бироқ уни келажакда тўпланиши ялпи ички маҳсулотдан чегирма олиш ҳисобидан юз беради. Қарзнинг тўпланиб қолиши инвестициянинг келажакини чеклайди. Бундан фарқли ўлароқ, бевосита хориж инвестициялари мамлакатни инвестиция хавфидан холи қилади, бироқ улардан келган фойдани репатриация (четга олиб кетиш) қилиш хавфи сақланади. Бу инвестициялар ресурсларнинг аёвсиз ишлатилишига ва уларнинг захираси қисқаришига олиб келади. Албатта, чет эл капиталининг хавфсизликка таъсири жиддий бўлганидан булардан ижобийларини сақлаган ҳолда салбийларининг таъсирини камайтириш давлатнинг вазифасига айланади.

Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йўлига ўтилган даврдан бошлаб Президентимиз томонидан ҳар бир йил якунига кўра эришилган ютуқ ва натижаларни сарҳисоб қилиб, келгуси йилда бажарилиши лозим бўлган вазифаларни белгилаб олиш анъанавий тарзда амалга оширилиб келмоқда. Бу тадбирнинг ўзига хос ижобий жиҳатлари сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин:

- биринчидан, мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ривожланиш чора-тадбирлари ҳамда дастурларининг изчил ва пухта асосланганлигини баҳолаш;

- иккинчидан, халқимизнинг йил давомидаги фидокорона меҳнати натижаларини эътироф этиш;

- учинчидан, келгуси йилда устувор эътибор қаратиш лозим бўлган вазифа ва йўналишларни белгилаш, етарли даражада фойдаланилмаётган имкониятларни аниқлаш;

- тўртинчидан, иқтисодиётимизнинг турли соҳа ва тармоқлари, мамлакатимизнинг барча ҳудудларидаги иқтисодий салоҳиятни ўзаро мувофиқлаштирилган ҳолда янада тўлароқ сафарбар этиш ва бошқалар.

Мамлакатимизда 2009–2012 йилларга мўлжалланган инқирозга қарши чоралар дастури самарадорлигини холисона баҳолаш муҳим принципал аҳамият касб этади. Бу 2010 йилда ва ундан кейинги йилларда ушбу дастурни амалга ошириш жараёнида, зарурат туғилишига қараб, унга тегишли ўзгартиришлар киритишда ана шу таҳлил хулосаларига таянишимиз мумкинлиги орқали намоён бўлиши изоҳланди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi ўзининг салбий оқибатлари билан дунёнинг аксарият мамлакатлари иқтисодиётига жиддий таъсир кўрсатган 2009 йил бизнинг мамлакатимиз учун ҳам ғоят қийин бўлди. Шунга қарамай, ҳукуватимиз томонидан 2009–2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши дастурнинг инқироз таъсирини юмшатиш ва бартараф этишдаги роли ва аҳамияти катта бўлди.

Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида амалга оширган тадбирларимиз қаторида молия-банк тизимини мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада таъсирчан тадбирлар амалга оширилди. Жумладан:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июлдаги 1166-сонли қарорига асосан пул массасининг мақсадли параметрларидан келиб чиққан ҳолда ва тижорат банклари томонидан узоқ муддатли депозитлар жалб қилишни рағбатлантириш мақсадида 2009 йилнинг 1 сентябридан бошлаб табақалаштирилган мажбурий захиралар нормаси жорий этилди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги 4057-сонли фармонида мувофиқ, фуқароларнинг тижорат банклари депозит ҳисобварақларидаги омонатлари уларнинг миқдоридан қатъи назар, тўлиқ қайтарилишининг давлат томонидан қафолатланганлиги аҳолининг банк тизимига бўлган ишончи янада мустаҳкамланишига хизмат қилди ва бу жисмоний шахсларнинг банклардаги омонатлари ҳажмининг ошишига ижобий таъсир кўрсатди;

– Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 13 февралдаги 1-сонли мажлис баёни талабларидан келиб чиққан ҳолда, аҳолининг бўш пул маблағларининг банклардаги омонатларга жалб қилинишида ҳамда омонатдаги маблағларни уларнинг биринчи талабига кўра берилишида қонун бузилишига йўл қўймаслик, омонатчиларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш борасида тизимли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши ва банкларнинг мазкур фаолиятлари устидан назоратнинг янада кучайтирилганлиги ҳам аҳоли бўш пул маблағларини банк омонатларига жалб қилишни янада жадаллаштирди;

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 6 апрелдаги 1090-сонли «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик

субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур қарор билан тасдиқланган «Тижорат банклари депозитларига аҳоли ва хўжалик субъектлари бўш пул маблағларини жалб этишни янада рағбатлантириш кўшимча чора-тадбирлари комплекси» доирасида банк тизимида бу борада олиб борилаётган ишлар янада фаоллашди;

– Республика банк Кенгашининг 2009 йил 15 апрелдаги 2-сонли қарорига мувофиқ, фоиз ставкаларини юридик шахсларнинг банклардаги 6 ойдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун молиялаш ставкасининг 75 фоизидан кам бўлмаган миқдорда, аҳолининг 1 йилдан ортиқ муддатга жойлаштирилган депозитлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 150 фоизидан кам бўлмаган миқдорда ҳамда жисмоний шахсларнинг пластик карточкалардаги маблағлари учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасидан кам бўлмаган миқдорда белгилаш юзасидан тавсиялар берилди.

Бундай таъсирчан чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида сўнгги икки йилда тижорат банкларининг умумий капитали икки баробар кўпайди. 2009 йилнинг ўзида етакчи банкларнинг низом жамғармаларини ошириш учун кўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ давлат маблағлари ажратилди.

Банкларнинг умумий капитали – банкларнинг ўз фаолиятларини (банк операцияларини) амалга ошириш учун мўлжалланган молиявий ресурслари бўлиб, у банклар томонидан турли манбалар орқали жалб этилган пул капиталидан иборат. Банкларнинг умумий капитали хусусий капитал билан бир қаторда ундан бир неча баробар кўпроқ бўлган, жалб этилган капитални ҳам ўз ичига олади.

Банкларнинг низом жамғармалари – банкларнинг доимий тасарруфида бўлган моддий ва пул маблағлари йиғиндиси бўлиб, уларнинг миқдори банклар ташкил топган чоғда низомда қатъий белгилаб кўйилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда 30 та банк фаолият кўрсатиб, шундан учтаси давлат банклари, 13 таси акциядорлик тижорат банклари, 9 таси хусусий банклар, 5 таси хорижий капитал иштирокидаги банклар ҳисобланади. Банкларимиз капиталининг етарлилик даражаси 23 фоиздан ошади. Бу эса банклар мониторинги билан шуғулланадиган халқаро Базель кўмитаси томонидан белгиланган халқаро стандартлардан қарийб 3 баробар кўпдир. **Банк капиталининг етарлилик даражаси** – бу жами капиталнинг рискка тортилган активларга нисбати бўлиб, у халқаро Базель келишувига кўра, камида 8 фоизни ташкил этиши керак.

Халқаро Базель кўмитаси – ривожланган мамлакатлар марказий банклари раҳбарлари томонидан 1974 йилда ташкил этилган ташкилот.

Унинг доирасида халқаро банк фаолиятини тартибга солиш муаммолари муҳокама қилинади. 1975 йилда қўмита томонидан Базель келишуви ишлаб чиқилган. Кейинчалик Базель қўмитаси банк фаолияти меъёрлари бўйича халқаро тавсиялар ишлаб чиқа бошлади.

Банк депозитлари – жисмоний ва юридик шахсларнинг банк муассасаларига маълум муддатга ва муддатсиз омонат шаклида қўйилган бўш пул маблағлари.

Умумий активлари мамлакатимиз банк тизимининг 90 фоиздан ортиғини ташкил қиладиган 14 та тижорат банки «Фитч Рейтингс», «Мудис» ва «Стандарт энд Пурс» каби етакчи халқаро рейтинг компанияларининг «барқарор» деган юқори рейтинг баҳосини олишга муваффақ бўлди. **Банк-молия тизимининг барқарорлиги** – банкларнинг ва бошқа молия муассасаларининг ўз мажбуриятлари юзасидан талабларга тўла жавоб бера олиши. Бу ликвидлик, капиталнинг етарлилиги, активлар сифати, рентабеллик кўрсаткичлари орқали аниқланади.

«Фитч Рейтингс», «Мудис», «Стандарт энд Пурс» халқаро рейтинг компанияси – фаолияти банклар, молиявий институтлар, инвестиция ва акционерлик компанияларининг кредит лаёқатини ўз вақтида ва аниқ баҳолашга йўналтирилган халқаро рейтинг агентликлари.

Ҳозирги кунда банкларнинг умумий активлари аҳоли ва юридик шахслар ҳисобрақамларидаги маблағлар миқдоридан икки баробардан ҳам ортиқ бўлиб, бу уларнинг тўлиқ ҳимоясини ва тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилишини кафолатлайди.

Банк активлари – банкларнинг асосий фаолиятини амалга оширишда фойдаланувчи турли моддий ва молиявий ресурслар мажмуи. Улар асосан банк кредитлари, асосий воситалари, сотиб олган қимматли қоғозлари, инвестициялари, валюта бойликлари кўринишида бўлади.

Банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги банкларнинг ташқи тўловлар бўйича жорий мажбуриятларидан 10 баробар кўпдир. Бошқача айтганда, республикамиз банк тизимининг мустаҳкам ҳимояси яратилган. Банк тизимининг мустаҳкамланиши ва унга нисбатан аҳоли ишончининг ортиши натижасида омонатлар ҳажми сезиларли равишда ортиб бормоқда.

Банк тизимининг ликвидлиги – банкнинг ўз мажбуриятларини вақтида ва сўзсиз бажара олиш имконияти.

Банклар ликвидлиги – банклар активларининг қисқа муддат ичида пулга айланиш қобилияти. Ликвидлик банк мажбуриятларини бажариш ва активлар ўсишини молиялаш билан биргаликда депозитлар ва қарз маблағлари даражасининг пасайишини самарали бошқаришни ҳам билдиради.

**Банклардаги аҳоли омонатларининг ўсиши динамикаси,
1 январь ҳолатига, млрд. сўм**

йиллар	2003	2004	2005	2006	2007	2008	2009	2010
	170,0	245,0	323,0	450,0	678,3	994,6	1644,0	2750,0

Жадвалдан кўринадики, 2003–2011 йиллар мобайнида аҳоли даромадлари ҳажми 16 баробардан кўпроқ ошган. Бу аҳолининг банк тизимига ишончи ортиб бораётгани банклар фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланади.

Кейинги йилларда банкларнинг кредит портфели таркиби тубдан ўзгариб бормоқда. Агар 2000 йилда кредит портфелининг қарийб 54 фоизи ташқи қарзлар эвазига шаклланган бўлса, 2011 йилда банкларимиз жами кредит портфелининг 85,3 фоизи ички манбалар – юридик ва жисмоний шахслар депозитлари ҳисобидан шакллантирилди. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётимиз тармоқларига инвестиция киритиш ва шунинг ҳисобидан тараққиётимизнинг таъминлашда ички имкониятларимиз тобора ортиб бораётганининг далилидир.

Банкларнинг кредит портфели – тижорат банклари томонидан берилган кредитларнинг умумий жамланмаси бўлиб, улар қуйидагича таснифланади: а) яхши; б) стандарт; в) субстандарт; г) шубҳали; д) умидсиз. Тижорат банкларининг маълум муддатга ссуда ҳисобварақларида қолган пул маблағлари мажмуи (қолдиғи).

Бугунги шароитда эса бундай ижобий ўзгариш иқтисодиётимизнинг истиқболдаги тараққиёти учун ғоят муҳим аҳамиятга эга. Айтиш керакки, ташқи қарзлар аксарият ҳолларда узок муддатга, фақат иқтисодиётнинг стратегик тармоқларини модернизация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича инвестиция лойиҳаларини молиялаш учун жалб қилинмоқда.

Тижорат банклари томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасида эътиборли жиҳатлардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 10 ноябрдаги 4051-сонли «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонида мувофик:

– тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 18 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридаги имтиёзли микрокредитлар бўйича максимал ставкани йиллик 5 фоиздан 3 фоизга;

– кичик бизнес субъектлари фаолиятини кенгайтириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун 24 ойгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 500 баробари миқдоридаги микрокредитлар бўйича – Марказий банк томонидан қайта молиялаштириш ставкасининг 100 фоизидан 50 фоизига;

– кичик бизнес субъектлари учун 3 йилгача муддатга бериладиган энг кам иш ҳақининг 2000 баробари миқдоридаги имтиёзли микролизинг хизматлари бўйича максимал ставкани йиллик 7 фоиздан 5 фоизга туширилди.

Кредитлашда бундай аҳамиятли имтиёзларнинг белгиланиши мазкур соҳа вакиллари томонидан кредитга бўлган талабнинг ва айни пайтда уларга берилаётган кредит ҳажмининг йилдан-йилга ошиб боришига олиб келмоқда. Жумладан, 2005–2009 йиллар давомида тижорат банклари томонидан кичик бизнес субъектларига берилган жами кредитлар миқдори 4,4 баробар, микрокредитлар миқдори эса 7,1 баробар ошган. Шу ўринда тижорат банклари кредитлари тўғрисида сўз борганда, уларнинг мақсад йўналишлари жиҳатидан таркиби ҳам такомиллашиб бораётганлигини таъкидлаш лозим.

Банкларнинг инвестиция мақсадларига йўналтирилган кредитларининг умумий кредит портфелидаги улуши қарийб 70 фоизни ташкил этди, иқтисодиётимизнинг реал секторига йўналтирилган кредитларининг умумий ҳажми эса 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 14 баробар ошди.

Инвестицион кредитлар – ишлаб чиқаришни кенгайтириш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, модернизациялаш ва реконструкция қилиш, янги бино ва иншоотларни қуриш учун зарур бўлган воситаларни сотиб олиш мақсадида олинган кредитлар. Сўнгги ўн йилда иқтисодиётнинг реал секторларини кредитлашга йўналтирилган ички манбалар 25 баробардан зиёдроқ кўпайди. 2009 йилда жами банк кредитлари таркибида узоқ муддатли кредитларнинг улуши 78,3 фоизни ташкил этган.

Юқоридаги фикр-мулоҳазалардан кўринадики, мамлакатимиздаги банк-молия соҳасининг тобора мустаҳкамланиб бориши амалга оширилаётган иқтисодий ислохотлар молиявий таъминотининг кучайишига, иқтисодиёт реал секторининг ҳар томонлама қўллаб-қувватлани-

шига ҳамда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларининг таъминланишига замин яратмоқда.

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки – иқтисодиётнинг аграр секторини янада барқарор ривожлантириш, қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни изчиллик билан чуқурлаштириб бориш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, унинг моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқарувчиларига қишлоқ хўжалик маҳсулотларини чуқур қайта ишловчи замонавий корхоналарни жадал барпо этиш, юқори сифатли, рақобатбардош маҳсулотларни ишлаб чиқариш бўйича замонавий технологиялар ва ускуналарни татбиқ қилиш ҳамда ички бозорни маҳаллий озиқ-овқат товарлари билан тўлдиришга йўналтирилган кенг турдаги банк хизматларини кўрсатиш мақсадида 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори асосида «Пахтабанк» акциядорлик тижорат банки негизида ташкил этилган.

«Қишлоқ қурилиш инвест» ихтисослаштирилган шўъба инжиниринг компанияси – «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини ижро этиш ҳамда аҳоли пунктларининг бош режалар ва архитектуравий режалаштиришни ташкил этиш лойиҳаларига мувофиқ тасдиқланган намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш асосида қишлоқ аҳолисининг турар жой шароитларини тубдан яхшилаш мақсадида 2009 йил 3 августдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ташкил этилган.

«Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки – қишлоқ қиёфасини ва қишлоқ аҳолисининг уй-жой шароитларини сифатли яхшилаш, қишлоқ жойларда ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани жадал ривожлантириш, уй-жой қурилишини узоқ муддатли имтиёзли кредитлаш тизимини кенг жорий этиш мақсадида ҳамда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурига мувофиқ, 2009 йил 30 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ «Ғалла банк» акциядорлик тижорат банки негизида «Қишлоқ қурилиш банк» акциядорлик тижорат банки ташкил этилди. «Қишлоқ қурилиш банк» Акциядорлик тижорат банкнинг устав капитали 150 миллиард сўм миқдорида шакллантирилган.

1. Солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмуни ҳамда уларнинг зарурлиги, вазифалари

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда солиқларнинг роли янада ошиб бормоқда. Ўзбекистон мустақилликнинг илк йиллариданоқ иқтисодиётни тартибга солишда оқилона солиқ сиёсатини юритиб келмоқда.

Хўш солиқлар қандай пайдо бўлган?

Иқтисодий адабиётларни ўрганиш солиқларнинг давлат пайдо бўлиши билан шаклланганлигини кўрсатади. Шунинг учун ҳам солиқларнинг объектив зарурлиги энг аввало давлатнинг мавжудлиги, унинг вазифаларини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг зарурлигидан келиб чиқади. Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини қуришда солиқларнинг ўрни беқиёс. Чунки давлат бюджетининг асосини солиқлар ташкил этади. Бу ҳақда дарсликнинг 14-мавзусида давлат бюджетининг шаклланишига оид масалани кўриб чиқаётганимизда тўхталганмиз. Дарҳақиқат, солиқлар орқали давлат бозор инфратузилмасини ривожлантиради, тенг ҳуқуқли, дахлсиз, давлат ҳимоясидаги хилма-хил мулк шаклидаги иқтисодий субъектларни ривожлантиришга эришилади.

Солиқлар узоқ давр мобайнида жамият томонидан яратилган маҳсулотнинг бир қисмини давлат хазинасини тўлдириш учун ундириладиган асосий манба сифатида маълум. Шу билан бирга, солиққа тортиш эса иқтисодий маданиятнинг бир элементи сифатида давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтган ёки ўтмаганлигига қарамадан, уларнинг ҳаммасига хосдир. Шунинг учун солиққа тортишни инсониятнинг ривожланишидан ажратмаган ҳолда кўриб, унинг ноёб бир ихтироси сифатида тан олиш лозим. Швейцариялик иқтисодчи С. Фишернинг фикрича, *солиқлар – бу жамиятнинг цивилизация учун тўловидир.*

Солиқлар – қадимги молиявий туркумлардан биридир. «Солиқ» тушунчаси ўзининг илдизлари билан қадимга бориб тақалади. Давлат хазинасига ундириладиган ҳар хил (мағлуб бўлган давлатнинг тўловлари, контрибуция, доменлар, яъни фойда келтирувчи давлат мулки, ер ва ўрмонлар, давлат ҳудудига олиб

кириш ва олиб чиқиб кетишдаги бож тўловлари ва бошқалар) тушумлар кўринишида бўлган. Қадимда давлатни молиялаштириш механизмлари пайдо бўлаётган бир даврда, солиқлар давлатнинг пайдо бўлиши ва ундаги жамиятнинг синфларга бўлинишида муҳим иқтисодий муносабат сифатида юзага келган. Инглиз иқтисодчиси С. Паркинсоннинг фикрича, *«солиққа тортиш дунё каби қадимий бўлиб, унинг бошланғич шакллари маҳаллий қабила бошлиқларининг дарё бошларини, икки дарёнинг кесишган ёки тоғдан ўтиш жойларини тўсиб, ундан фойдаланганлик ёки савдогар ва сайёҳлардан ушбу ердан ўтганлик учун тўловлар ундирган даврларда пайдо бўлган»*.

Солиқларнинг ҳозирги кундаги ўрни эса ҳуқуқий онг, иқтисод, давлат назорат тузилманинг юқори даражадаги ривожланиши натижасида пайдо бўлган. Вольтернинг сўзларига кўра, *«солиқ тўлаш бу – ўз мулкнинг бир қисмини қолган қисмини сақлаш учун бериш демакдир»*. Ушбу таърифда солиқнинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги ролига урғу берилган. Икки юз йил аввал яшаб ўтган инглиз иқтисодчиси А.Смит солиққа кўйидагича таъриф берган: *«Солиқ – бу давлат томонидан қиймати ва тўлаш тартиби қонуний қилиб ўрнатилган юк демакдир»*. 1819 йил инглиз иқтисодчиси Д. Рикардонинг Жамоалар палатасидаги машҳур нутқида: *«Энг яхши солиқ – бу кам тўланадиган солиқдир»*, – дегани ҳаммага маълум.

XIX асрнинг биринчи ярмида швейцариялик иқтисодчи Ж. Сисмонди солиқ назариясини *«роҳатланиш назарияси»* деб атаган. *Солиқ бу жабрланиш ва шу билан бирга роҳатдир, агарда шу қилинган жабр ҳисобига давлат томонидан кўрсатилган хизмат натижасида фойда олинса. Фуқаролар солиқларга давлат томонидан уларнинг ўзлари ва мулкларини ҳимоялашда кўрсатаётган хизмати учун тўланаётган мукофот пули деб қарашлари лозим.*

XX асрнинг бошларида италиялик иқтисодчи Ф. Нитти давлатнинг солиқлар таъсирида миллий бозорини ривожланишдаги ролига таъриф берди. *Жамоадан ажратиб бўлмайдиган хизматлар борки, улар, масалан, ички хотиржамлик ва ташқи ҳимоя, ҳуқуқни ҳимоя қилиш, жамоат гигиенаси, ҳудуд ҳимояси бўлиши мумкин. Бундай бўлинмайдиган махсус кўрсатилган хизматларга алоҳида-алоҳида бож ундиришининг иложи бўлмаганлиги учун, бундай харажатларни қоплаш учун солиқлар ундирилади. Шундай қилиб: «Солиқ бу фуқаролар бойлигининг улар томонидан давлатга ва*

маҳаллий органларга ўзларининг жамоа талабларини қондириш учун тўлайдиган бир қисмидир».

Ҳозирги кундаги солиқнинг таърифини беришда *солиққа тортишининг мажбурий характерга эга эканлигини, фуқаронинг ундан оладиган фойдаси билан солиқ ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқлигига урғу бериб таъриф берилмоқда.* Демак, солиқлар қайтиб бермаслик шарти билан мажбурий равишда даромадларни давлат бюджетига ўтказиш билан боғлиқ пул муносабатларидир. Солиқларнинг иқтисодий моҳиятини ёритганда, уни фақат мажбурий тўлов деб кифояланмаслик керак. Чунки, ҳозир хилма-хил фондлар, яъни пенсия фонди, иш билан банд этиш фонди, суғурта фонди ҳам мажбурийдир. Солиқларнинг муҳим хусусиятидан бири шуки, улар фақат давлатники бўлиб, у умумдавлат бюджетига тушади. Ваҳоланки, бошқа фондлар яъни пенсия фонди, суғурта фондлари, фақат белгиланган йўналишлар бўйича ишлатилади (Масалан, пенсия фондини иш ҳақи фондига ўтказиб бўлмайди).

Солиқ ундиришни ҳуқуқий томондан кўриб чиқадиган бўлсак, у солиқ тўловчининг хусусий мулкининг бир қисмини давлат хазинасига бериш, демакдир. Яъни, бу дегани солиқ фақат иқтисодий тушунча бўлиб қолмай, шу билан бирга ҳуқуқий категориядир, шунинг учун солиқ табиатини тушунишнинг қийин томони ҳам, уни бир вақтнинг ўзида борлиқнинг ҳақиқатда иқтисодий, хўжалик ва сиёсий томонларини ўз ичига олганлигидадир. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 12-моддасига мувофиқ, *«Солиқлар деганда, ушбу кодексда белгиланган, муайян миқдорларда ундириладиган, мунтазам, қайтариб берилмайдиган ва беғараз хусусиятга эга бўлган, бюджетга йўналтириладиган мажбурий пул тўловлари тушунилади.*

Бошқа мажбурий тўловлар деганда, ушбу кодексда белгиланган давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий пул тўловлари, божхона тўловлари, шунингдек ваколатли органлар ҳамда мансабдор шахслар томонидан юридик аҳамиятга молик ҳаракатларни тўловчиларга нисбатан амалга ошириш учун, шу жумладан муайян ҳуқуқларни ёки лицензиялар ва бошқа рухсат берувчи ҳужжатларни бериш учун тўланиши лозим бўлган йиғимлар, давлат божи тушунилади».

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 123-моддасига мувофиқ, *«Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона солиқ тизими амал қилади. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли».* Демак, ҳар бир шахс ушбу

кодексида белгиланган солиқлар ва йиғимларни тўлаши шарт. Бу дегани солиқлар мажбурий тўловлар бўлиб, қонун асосида белгиланишига иқдор бўлди.

Солиқ солиш – юридик шахсларга нисбатан мулкчилик шаклидан, қонун олдида тенглик, жисмоний шахсларга нисбатан эса жинси, ирки, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар, қонун олдида тенглик асосида амалга оширилади.

Иқтисодиёт демократияни тақозо этади. Шунинг учун ҳам, солиқлар моҳиятини очишда унинг энг демократик тўлов эканлигига эътиборни қаратиш лозим. Чунки бозор иқтисодиёти шароитида турли шаклдаги корхоналар, бирлашма ва ташкилотлардан ҳамда аҳолидан уларнинг мулкани давлат тўғридан-тўғри солиқсиз мажбурий тўлов қилиб ололмади. Белгиланаётган солиқлар ва йиғимлар товарларнинг (ишлар, хизматларнинг) ёки пул маблағларининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эркин муомалада бўлишини бевосита ёки билвосита чеклаб қўйиши ёхуд солиқ тўловчининг иқтисодий фаолиятини бошқача тарзда чеклаб қўйиши ёки унга тўсқин бўлиши мумкин эмас. Олинган манбалардан қатъи назар, барча даромадларга солиқ солиниши шарт.

Солиқларнинг асосий моҳиятини уларнинг вазифалари, яъни солиқларнинг жамият ва давлатнинг ривожланишига таъсир этувчи асосий йўналтирувчи куч эканлиги очиқ беради. Солиқлар бозор иқтисодиётига ўтган ҳар бир давлатда тўғридан-тўғри бюджет муносабатларига ва шу билан биргаликда имтиёз, жарима тизимлари орқали эса товар (хизмат) ишлаб чиқарувчиларга таъсир этувчи асосий куч сифатида ишлатилади.

Солиқлар орқали давлат ўзининг бир неча муаммоларини ҳал қилади, жумладан:

— жамиятнинг мавжуд эҳтиёжлари ва уни қондириш учун зарур бўлган ресурслар ўртасидаги тенгликка эришилади;

— табиат бойликларидан унумли фойдаланиш учун жарималар ва бошқа турдаги чегаралар қўйиш йўли билан табиатга зарарли бўлган ишлаб чиқаришларнинг тарқалмаслигига эришилади;

— иқтисодий, ижтимоий ва бошқа кўпгина турдаги жамиятнинг муаммолари ҳал қилинади.

Солиқлар қўйидаги вазифаларни бажаради:

- 1) фискал – *бюджетни маблағ билан тўлдириш*;
- 2) ижтимоий – *даромадни қайта тақсимлаш*;

3) изга солиб турувчи – *иқтисодий муносабатларни изга солади*;
4) назорат қилувчи – *солиқ тизимида ўзгаришлар киритишни аниқлайди*;

5) жамловчи – *ягона иқтисодий майдонни ташкил этишига имкон яратади*.

Тарихий жиҳатдан солиқларнинг биринчи бўлиб фискал вазифаси кўрилади, чунки солиқлар ёрдамида давлат бюджетига маблағ тушиши таъминланади. Бу асосий вазифалардан бири бўлиб, унинг ҳисобига давлат бюджетининг даромад қисми шакллантирилади. Ушбу вазифа товар-пул муомалалари ва ишлаб чиқаришнинг ривожланиши натижасида давлат даромадлари ошишини аниқлаб беради. Солиқнинг бошқа вазифаларини фискал вазифасининг ҳосиласи, деб аташ мумкин.

Солиқларнинг *ижтимоий (қайта тақсимлаш) вазифаси* ҳар хил даромадга эга бўлган аҳолини солиққа тортиш натижасида ҳосил бўлган жамият даромадларини ҳар хил тоифадаги аҳоли ўртасида қайта тақсимлашни ўз ичига олади. Ушбу вазифа ёрдамида жамиятнинг бой қатламига солиқ юкини ошириш ҳисобига аҳолининг иқтисодий заиф ва ҳимояланмаган қатламлари маблағ билан таъминланади. Солиқларнинг ижтимоий вазифасига жисмоний шахсларнинг даромадларини прогрессив шкалада солиққа тортиш, жамиятнинг ижтимоий заиф қатламларига даромад солиғидан берилган имтиёз, қимматбаҳо буюмларга акциз солиғини кўллаш ва бошқалар мисол бўла олади. Кўпгина давлатларда жисмоний шахсларнинг даромадларини солиққа тортишда Ўзбекистон каби ёндашилади ва кўп даромад олганларга нисбатан юқори ставкада солиққа тортиш қўлланилади. Баъзи бир ижтимоий йўналишдаги давлатларда (Швеция, Норвегия, Швейцария) расмий даражада *солиқлар бу юқори даромад оладиган аҳоли қатламларининг камроқ даромад олувчи қисмига ижтимоий мўътадиллик (ижтимоий хавфсизлик) учун тўлайдиган тўловлари*, деб тан оладилар.

Буюк инглиз иқтисодчиси Д.Кейнснинг фикрича, *жамиятда солиқлар фақат иқтисодий муносабатларни изга солиб туриш учун мавжуд*. Солиқларнинг кейинги – *изга солиб турувчи вазифаси* давлатнинг иқтисодий фаолиятини ривожлантириш даврида келиб чиқади. У мақсадли равишда ҳукуматнинг дастурлари асосида халқ хўжалигининг ривожланишига таъсир этади. Бунда давлат солиқларнинг шакли, солиқ ставкаларининг ўзгариши, ундириш

усуллари, имтиёзлар ва чегирмалардан фойдаланиб, тадбиркорликни ривожлантиришнинг устувор йўналишларини ажратиб олади. Ушбу солиқларнинг изга солиб турувчи вазифаси ёрдамида давлат ишлаб чиқаришга, унинг натижасида ҳосил бўладиган маҳсулотга таъсир этади, бундан ташқари, фаолият турлари ва ишлаб чиқаришнинг жамият учун фойдали бўлганларини рағбатлантиради. Кўпгина давлатлар учун булар қуйидаги соҳаларни, яъни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш, экспортга йўналтирилган ва импорт ўрнини боса оладиган товарлар ишлаб чиқариш, илмий техника ривожланишини рағбатлантириш, транспорт ва бошқаларни ривожлантиришдан иборатдир.

Изга солиб турувчи вазифанинг асосий маъноси бу истемол учун йўналтирилган ресурсларини солиққа тортиб, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун йўналтириладиган ресурсларни солиқдан озод қилишдир.

Навбатдаги вазифа – *назорат қилиш вазифаси* бўлиб, у бюджетга ундирилаётган солиқ тўловларини ўз вақтида ва тўлиқ тушишини назорат қилиш билан бирга, уларни молиявий ресурсларга бўлган талаблар билан таққослайди. Ушбу вазифа орқали солиқ сиёсатини бюджет сиёсатига мослаб олиб бориш зарурияти аниқланади.

XX асрнинг охирларида бозор иқтисодиётининг давлат механизмларини тартибга солишда солиқнинг яна бир янги хусусиятига, яъни ташқи савдо ва ташқи иқтисодиётни тартибга солиш билан боғлиқ бўлган *интеграллаштирувчи (жамловчи)* вазифасига эга бўлди. Бу вазифа давлатлар хўжаликларининг ривожланиши натижасида миллий иқтисодиётнинг ўзаро муносабати ва дунё хўжалик ҳаётида ҳар томонлама интеграция жараёнларини кучайишида намоён бўлади. Солиқлар ўзаро қўшни, хўжалик ва сиёсий манфаатлари билан боғлиқ бўлган давлат учун ягона иқтисодий майдонни ташкил этишда асосий восита сифатида хизмат қилмоқда.

2. Солиқ тизими ва амал қилишининг ҳуқуқий асослари

Давлат солиқ тизимини давлат томонидан ўрнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуи, уларнинг шакли ва тузилиш методлари ташкил этади. Шунингдек, солиқ тизими – давлат солиқ моделининг асосий унсури – солиқ сиёсати, механизми ва имтиёзларидан фойдаланиш жараёни; солиқ унсурларининг давлат миқёсида ўзаро боғлиқликда

ва уйғунликда ҳаракат қилиши. Солиқ тизими солиқ моделининг асосий кўрсаткичларидан бўлиб, олимлар томонидан либераллашган, марказлашган ва инсонпарварлашган гуруҳларга бўлиб таҳлил қилинади. Улар солиқ механизмлари, солиқ олиш ва тўплаш тартиблари билан фарқланади. Ҳар бир давлатнинг ўз солиқ тизими мавжуд бўлиб, мезонларининг ўзига хослиги билан бошқа давлатникидан фарқ қилади.

Солиқ тизимининг самарадорлиги – шу тизимни ташкил қилувчи барча куч, восита, омиллар, иш услубларининг уйғун ҳаракати туфайли солиқ ва тўловлар ўз вақтида, тўлиқ ҳажмда йиғилиб, жамият тараққиётига хизмат қилдирилиши, солиқнинг барча функциялари муваффақиятли амалга оширилишининг асосий кўрсаткичи. Бу умумий кўрсаткич солиқ тушумининг ўсиши, унинг иқтисодий юксалишига таъсири ва солиқ органларининг меҳнат унумдорлиги билан ўлчаниши мумкин. Солиқ тизимининг тушунарли, содда, аниқ ва ҳаётга мослашувчан бўлишини тақозо этади. Солиқ тизими солиқ тўловчилар билан адолатли қонун талаблари асосида иш олиб бориш йўли орқали мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, ҳар томонлама юксак тараққиёт даражаси таъминланишида ўз ифодасини топади.

Солиқ тизими етарли даражада мураккаб бўлиб, у кўпгина солиқ турлари, ҳар хил солиқ тўловчилар, солиқни ундиришни ташкил этиш усуллари ва солиқ имтиёзларидан иборат. Аммо, солиқлар ҳар хил бўлишига қарамасдан, уларнинг боғлаб турувчи элементлари мавжуд. Солиқ элементларига қуйидагилар киради:

- солиққа тортиш субъекти;
- солиқ объекти;
- солиқ қонунчилиги;
- солиқ сиёсати;
- солиқ базасини ҳисобга олиш усули;
- солиқ ставкаси;
- солиқни ҳисоблаш тартиби ва тўлаш муддатлари;
- ундириш усуллари;
- ҳисобот топшириш даври;
- солиқ бўйича имтиёзлар ва ҳ.к.

Солиққа тортиш субъекти (*солиқ тўловчи*) – қонунга кўра солиқлар, йиғимлар ва тўловларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлаш мажбурияти юклатилган *юридик ва жисмоний шахслардир*.

Ўз мулкига, хўжалик юретишида ёки оператив бошқарувида алоҳида мол-мулкка эга бўлган ҳамда ўз мажбуриятлари юзасидан ушбу мол-мулки билан жавоб берадиган, ўз номидан мулккий ёки шахсий номулкий ҳуқуқларга эга бўла оладиган ва уларни амалга ошира оладиган, мажбуриятларни бажара оладиган, судда даъвогар ва жавобгар бўла оладиган ташкилот **юримдик шахс** ҳисобланади, ундан ташқари улар мустақил баланс ёки сметага эга бўлишлари керак.

Жисмоний шахслар деганда, солиққа тортиш объектига эга бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, бошқа давлатларнинг фуқаролари, шунингдек фуқаролиги бўлмаган шахслар тушунилади. Солиқ тўловчи ва давлат ўртасидаги иқтисодий муносабатлар *доимий турар жойи (резидентлик)* принципига қараб аниқланади.

Ўзбекистон Республикасида доимий яшаб турган ёки молия йилида бошланадиган ёки тугайдиган ўн икки ойгача бўлган исталган давр мобайнида 183 кун ёки ундан кўпроқ муддатда Ўзбекистонда турган жисмоний шахс *Ўзбекистон Республикасининг резиденти* ҳисобланади.

Ўзбекистонда *таъсис этилган ёки рўйхатдан ўтказилган* юримдик шахс, шунингдек Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатдан ўтган, бош корхонаси Ўзбекистонда жойлашган юримдик шахс Ўзбекистон Республикасининг *резиденти* ҳисобланади.

Солиққа тортиш объекти ёки солиққа тортиш билан боғлиқ объект деганда, солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган *даромади ва мол-мулки* тушунилади. Назарий жиҳатдан солиққа тортиш объектларини кўйидаги кўринишларга бўлиш мумкин:

— *мулккий эгалик* (мол-мулкка эгалик ҳуқуқи) ва *мулкка эга бўлмаслик* (мулкдан фойдаланиш ҳуқуқи);

— *субъектнинг* (олди-сотди, товар олиб кириш) *ҳаракати* (фаолияти);

— *хўжалик фаолиятининг натижаси* (даромад, фойда).

Солиққа тортиш объекти ва солиққа тортиш билан боғлиқ объект ҳар бир солиқ ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар бўйича Солиқ кодексига асосан аниқланади. Масалан, қўшимча қиймат солиғининг солиқ солиш объекти бўлиб, солиқ солиш обороти ва солиқ солиш импорти ҳисобланади.

Солиқ мажбуриятининг пайдо бўлиш вақтини тўғри аниқлаш учун **солиқ базасини ташкил этиш усули** катта аҳамиятга эга бўлади. Бунда асосан икки усул қўлланилади – касса ва ҳисоблаш усуллари.

Касса усулида даромад солиқ тўловчига аниқ давр ичида тушган суммага тўғри келади, харажат деганда эса, реал тўланган суммалар ҳисобга олинади. Даромад ҳисоблашнинг касса усули одатда чакана савдода қўлланилади, чунки у ерда сотиш вақти тўлаш вақтига мос келади.

Ҳисоблаш усулида ушбу солиқ даврида олиш ҳуқуқи мавжуд бўлган барча даромадлар, уларнинг ҳақиқатда олинган ёки олинмаганлигидан қатъи назар, ҳисобга олинади, харажатлар эса жорий даврда мулкӣ мажбуриятлар суммаси пайдо бўлиши билан ҳосил бўлади. Бунда мажбуриятлар бўйича тўловлар амалга оширилганлиги аҳамиятга эга бўлмайди.

Солиқ ставкаси – бу солиқ ҳисобланадиган солиқ базасининг бирлик ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди. Бошқача қилиб айтганда, солиқ ставкаси бу солиққа тортиш меъёридир.

Солиқ ставкаси қатъий ёки фоиз кўринишида бўлиши мумкин. Масалан, қўшимча қиймат солиғининг солиқ ставкаси – солиқ солиш обороти ва импорт оборотининг 20 фоиз қисмини ташкил этади (бу фоиз ставкаси). Қатъий солиқ ставкасига ер солиғининг ставкаси мисол бўла олади. Бунда солиқ солиш бирлигига (ер участкасининг майдони) қатъий солиқ суммаси тўғри келади.

«**Солиққа тортиш усули**» тушунчаси ҳам мавжуд бўлиб, у солиқ базасининг ўзгаришига қараб солиқ ставкасининг ўзгариш тартибини белгилайди. Одатда, тажрибада солиқ ставкасини белгилашда қуйидаги тўртта усулдан фойдаланилади:

— **тенг** – ҳамма солиқ тўловчиларга тенг солиқ суммаси белгиланади (ушбу солиқ тури одатда йиғимга тегишли);

— **пропорционал** – ҳамма солиқ тўловчилар учун тенг солиқ ставкаси қўлланилади (ҚҚС, акциз, даромад (фойда) солиғи);

— **прогрессив** – солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси ҳам ортади (жисмоний шахслардан ундириладиган даромад солиғи);

— **регрессив** – солиқ базасининг ортиши билан солиқ ставкаси камаяди (экспортерларнинг даромадларидан ундириладиган солиқ экспортнинг умумий сотилган маҳсулотга нисбатан ортиши даромад солиғи ставкасининг камайишига олиб келади).

Солиққа тортишнинг *прогрессив* ва *пропорционал* усулларининг ўзаро муносабатидан солиқнинг *ижтимоий-сиёсий* табиати келиб чиқади. Буни шундай тушунтириш мумкин, солиқ ҳар доим солиқ тўловчининг ҳуқуқини поймол қилиш ва хусусий мулкни олиш билан амалга оширилганлиги учун ҳар қандай солиқ тизими аҳолининг маълум қатламларининг жамиятда тутган ўрнидан келиб чиққан ҳолда, уларнинг манфаатларини ҳисобга олади. Солиқ тўлаган одам жамиятда эркин ҳисобланади, чунки у давлат олдидаги ўз мажбуриятини бажарганлиги билан қадрланади.

Пропорционал солиққа тортиш, одатда жамиятнинг бой қатламлари томонидан илгари сурилиб, буни улар тенглик ва одиллик тамойилларига асосланиш деб тушунтирадилар. Прогрессив солиқ назариясини эса жамиятни ижтимоий томонга ён босганлар кўллаб қувватлайдилар. Уларнинг фикрича, бундай солиққа тортиш энг одил бўлиб, тенгсизликни камайтириш билан бирга, у даромаднинг қайта тақсимланишига таъсир этади.

Регрессив солиққа тортиш, одатда давлатлар томонидан иқтисодиётнинг устувор йўналишини ривожлантириш мақсадида қўлланилади. Бунда **солиқни тўлаш тартибига** риоя қилиш, яъни солиқни бюджетга ундирилишида меъёрий белгиланган усуллар ва тартиблардан фойдаланиш катта аҳамиятга эга бўлади.

Солиқ тўлашнинг уч асосий усуллари мавжуд:

— **декларация асосида солиқ тўлаш** (даромад олингандан сўнг солиқ тўлаш), яъни солиқ тўловчига белгиланган муддатларда солиқ органига ўзининг солиқ мажбуриятлари бўйича расмий равишда ариза бериши лозим. Бундай ҳолатларда солиқни тўлаш мажбурияти солиқ тўловчининг ўзига юклатилади;

— **солиқ ундиришнинг даромадни тўлов манбаида ундириш усули** (даромад олгунга қадар солиқ ундириш), яъни тўлов манбаида солиқ автоматик равишда ушланади ва бюджетга ўтказиб берилади. Солиқни ушлаш ва бюджетга ўтказиш бўйича жавобгарлик тўлов манбаига юклатилади (масалан, дивиденд ва фоизларни тўланаётган вақтда);

— **солиқ ундиришнинг кадастр усули** – солиқ суммаси мулкдан олиниши мумкин бўлган ўртача даромаднинг ташқи белгиларидан келиб чиқиб аниқланади. Бунда қатъий ҳисобланган солиқ суммаси белгиланади (масалан, мол-мулк солиғи).

Одатда, солиқ мажбуриятларини бажариш (барча юқорида келтирилган ҳаракатлар) солиқ тўловчи томонидан, агарда Солиқ

кодексида бошқа тартиб ўрнатилмаган бўлса, мустақил равишда амалга оширилади. Солиқнинг асосий элементлари бўлган солиқ имтиёзларига тўхталсак. **Солиқ имтиёзлардан** асосий мақсад солиқ тўловчининг солиқ бўйича мажбуриятларини қисқартиришдир (камдан кам ҳолатларда уларга тўлаш муддатларини кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилади).

Имтиёз деганда, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.

Президент Ислом Каримов «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» асарида: «2009 йилнинг 1 январидан саноат соҳасида фаолият кўрсатаётган кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлов ставкаси 8 фоиздан 7 фоизга камайтирилди, молиявий, маиший ва бошқа хизматлар кўрсатаётган микрофирмалар ва кичик корхоналар ягона солиқ тўловидан 3 йил муддатга озод этилди. Бунда микрофирмалар ва кичик корхоналар, нодавлат хўжалик юритувчи субъектлар оладиган дивидендларининг инвестицияларга, аввал олинган кредитлар учун ҳисоб-китоб қилишга йўналтирилдиган қисми 5 йил муддатга солиқдан озод этилди. Шунингдек, Инқирозга қарши чоралар дастурида 2009 йилда хўжалик юритувчи субъектларни текширишлар сонини камида яна 30 фоизга камайтириш кўзда тутилган», – деб таъкидлаб ўтган¹.

Ҳар хил солиқлар бўйича имтиёзлар аввалдан иқтисодиётнинг устувор йўналишларини қўллаб-қувватлаш мақсадида қўлланилган. Мисол учун, XIV аср – Амир Темур даврида имтиёзлар янги ер участкаларини ўзлаштириш мақсадида қўлланилган. Амир Темур томонидан қуйидаги тизим ишлаб чиқилган: суғорилмайдиган янги ерларга экин экиб, у ерларни экишга мослаштирган деҳқонга биринчи йили олган даромадини солиқлардан тўлиқ озод қилинган, иккинчи йили ўзи қанча тўлай олса, шунчасини тўлаган, учинчи йилдан бошлаб эса умумий белгиланган тартибда солиқ тўлай бошлаган.

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 47.

Ўзбекистонда солиқ сиёсатини ишлаб чиқишда мустақилликнинг илк йиллариданоқ Президент Ислам Каримовнинг: «Биз меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоя қилиш йўли билан бозор иқтисодиётига кириб борамиз», – деган кўрсатмасига қатъий амал қилинди.¹

Имтиёзларни белгилаш билан ҳукумат давлат ривожланиши нуқтаи назаридан лозим бўлган ишлаб чиқариш ва устувор йўналишдаги тармоқларни белгилаб беради. Аммо, бир тармоқ ичида индивидуал корхона ёки ташкилотга имтиёз бериш эса бозор муносабатлари ва солиқ сиёсатига қарама-қаршидир. Имтиёз беришнинг бундай усули солиқ тўлашнинг мажбурийлиги тушунчасига тескари бўлиб, солиқ тизимининг емирилишига олиб келади.

Солиқларни ҳар хил белгисига қараб бир неча хил кўринишда таснифлаш мумкин. Солиққа тортиш объектининг тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига қараб **бевосита** ва **билвосита** солиқларга бўлинади. Булардан биринчиси, моддий бойликни сотиб олиш ва тўплаш жараёнида ундирилса, иккинчиси – уни сарф қилиш жараёнида ундирилади. Бевосита солиқлар жисмоний ва юридик шахсларнинг даромадларидан ундирилса, билвосита солиқлар эса солиқ тизимининг бўғинига кўчирилган бўлиб, унда солиқ юки охириги фойдаланувчига – харидорга кўчирилган.

Бевосита солиқлар тўғридан-тўғри солиқ субъекти томонидан тўланиб, кўпгина ҳолатларда унинг тўлов қобилиятига қараб ундирилади. Бунга мисол сифатида даромад солиғини, мол-мулк солиғини, яъни солиқ тўловчининг даромадидан ёки мулкдан ундириладиган солиқларни олиш мумкин. Бевосита солиқлар **шахсий** ва **реал** солиқларга бўлинади.

Шахсий солиқлар солиқ тўловчининг молиявий ҳолатини ва тўлов қобилиятини ҳисобга олган ҳолда, унинг ҳақиқатда топган даромадидан ундирилади.

Реал солиқлар тўловчининг молиявий ҳолатини ҳисобга олмаган ҳолда, унинг фаолиятини ёки товарларини, яъни мол-мулкни сотиш, сотиб олиш ёки фойдаланишни (эгаллик қилишни) солиққа тартади. Шу билан биргаликда, реал солиқлар тўловчининг тўлов ҳолатини

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Т.: «Ўзбекистон», 1993. – Б. 67.

ҳисобга олмайди. Буларга асосан мулк солиқлари (мол-мулк ва ер солиқлари) киради.

Билвосита солиқлар *якка билвосита*, бунда одатда қатъий, маълум гуруҳдаги товарлар солиққа тортилади (маълум бир турдаги акциз товарлари), *универсал билвосита*, бунда имтиёзи борларидан ташқари ҳамма товарлар, ишлар ва хизматларга қўйилган солиқларга (ҚҚС) ва *божхона божларига* бўлинади.

Агарда бевосита солиқларнинг охириги тўловчиси сифатида даромад олувчи бўлса, билвосита солиқларнинг тўловчиси бўлиб товар истеъмолчилари ҳисобланади. Бунда билвосита солиқ товарнинг нархига устама сифатида қўйилади. Солиқларни ўрнатиш ва янгиларини киритиш даражасига ва уларнинг фойдаланишига қараб, умумдавлат ва маҳаллий солиқларга бўлинади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 23-моддасида белгиланганидек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида *умумдавлат* солиқлари, *маҳаллий* солиқлар, *мажбурий* тўловлар ва йиғимлар амал қилади.

Умумдавлат солиқлари ва бошқа мажбурий тўловларга қуйидагилар киради:

- 1) юридик шахслардан олинadиган фойда солиғи;
- 2) жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи;
- 3) қўшилган қиймат солиғи;
- 4) акциз солиғи;
- 5) ер қабридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва махсус тўловлар;

6) сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ.

Бошқа мажбурий тўловлар:

7) ижтимоий жамғармаларга мажбурий тўловлар: ягона ижтимоий тўлов, фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар, бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига мажбурий ажратмалар;

8) Республика йўл жамғармасига мажбурий тўловлар: Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмалар, Республика йўл жамғармасига мажбурий йиғимлар;

9) давлат божи;

10) божхона тўловлари.

Умумдавлат солиқлари ҳар йили қонуний тартибда белгиланadиган меъёрлар бўйича тегишли бюджетлар ўртасида тақсимланади.

Маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларга қўйидагилар киради:

- 1) мол-мулк солиғи;
- 2) ер солиғи;
- 3) ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- 4) жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ.

Бошқа мажбурий тўловлар:

- 5) айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни кўрсатиш ҳуқуқи учун йиғим.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга (фойдага) эга бўлган юридик шахслар даромад (фойда) солиғи тўловчилар ҳисобланади. Юридик шахслар даромад (фойда) солиғи бўйича бюджет билан ҳисоб-китобларни мустақил равишда амалга оширадилар. Айрим тармоқлар юридик шахсларнинг бирлашмалари бюджет билан ҳисоб-китобларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан марказлаштирилган тартибда амалга оширишлари мумкин.

Жами даромад билан ушбу кодексга мувофиқ, белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда) солиқ солиш объектидир. Жами даромадга йўналтирилган товар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар ва бошқа операциялар учун юридик шахс олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар киритилади.

Бундай даромадлар жумласига қўйидагилар киради:

- 1) товарларни (ишларни, хизматларни) реализация қилишдан келадиган тушумлар;
- 2) асосий воситалар, номоддий активлар, қимматли қоғозлар, интеллектуал мулк объектлари, материаллар ва бошқа активларни реализация қилишдан келадиган даромадлар;
- 3) фоизлар кўринишидаги даромадлар;
- 4) дивидендлар;
- 5) текинга олинган мол-мулклар;
- 6) мол-мулкни ижарага беришдан келадиган даромадлар;
- 7) роялти;
- 8) текин молиявий ёрдамлар (давлат бюджетидан берилган субсидиялар бундан мустасно);

9) даъво муддати ўтказиб юборилган кредиторлик ва депонент қарздорликни ҳисобдан чиқаришдан олинган даромадлар;

10) илгари чегириб ташланган харажатлар, зарарлар ёки шубҳали қарзларнинг ўрнини қоплаш тариқасида олинган даромадлар;

11) валюта ҳисобварақларидаги курс бўйича мусбий фарқлар;

12) фавқулодда даромадлар;

13) бошқа даромадлар.

Солиқ солинадиган даромадларни (фойдаларни) белгилашда жами даромаддан қуйидаги чегирмалар ажратилади:

– қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи, мол-мулк солиғи, ер солиғи, ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ, экология солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, шунингдек божхона бождари суммалари.

Молия йилида солиқ солинадиган даромадга эга бўлган жисмоний шахслар жисмоний даромадига солинадиган солиқларни тўлашлари шарт. Жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадига солиқ тўловчи олиши лозим бўлган (олган) ёки текинга олган пул ёхуд бошқа маблағлар, шу жумладан:

— меҳнатга ҳақ тўлаш шаклида олинган даромадлар;

— жисмоний шахсларнинг мулкӣ даромадлари;

— жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадлари киради.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромаддан солиқ солинадиган даромадларни аниқлаш вақтида мазкур ялпи даромадни олиш (топиш) учун қилинган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмалар чегириб ташланади.

Жисмоний шахсларнинг тадбиркорлик фаолиятидан келадиган ялпи даромадидан чегириб ташланиши лозим бўлган харажатлар, мажбурий тўловлар, чиқимлар ва ажратмаларни аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Қўшилган қиймат солиғи товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш), уларни реализация қилиш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига товарлар (ишлар, хизматлар) импорт қилиш жараёнида қўшилган қийматнинг бир қисмини бюджетга ажратишдир.

Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир. Товарларни (ишларни, хизматларни) импорт қилувчи юридик ва жисмоний шахслар импорт

қилинаётган ана шу товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи тўловчилардир.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида чиқарилган товарларга ва импорт қилинган акциз тўланадиган товарларга акциз солиғи солинади. Ўзбекистон Республикасида акциз тўланадиган товарлар ишлаб чиқараётган ёки бундай товарларни импорт қилаётган юридик ва жисмоний шахслар бюджетга акциз солиғи тўлайдилар.

Солиқ солинадиган мол-мулкка эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар мол-мулк солиғи тўловчилардир. Юридик шахслар учун асосий воситалар ва номоддий активларнинг ўртача йиллик баланс қиймати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Жисмоний шахслар учун:

— уларнинг мулки бўлган уй-жойлар, квартиралар, чорбоғ ва боғ уйлари, гаражлар ва бошқа иморатлар, бинолар ва иншоотлар қиймати;

— уларнинг мулки бўлган автомобиллар, моторли қайиқлар, вертолётлар, самолётлар ва бошқа транспорт воситалари двигателларининг қуввати солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўз мулкида, эгалигида ёки фойдаланишида ер участкаларига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар ер солиғи тўловчилардир.

Юридик шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

2) қишлоқ ёки ўрмон хўжалигини юритиш учун эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) корхоналар, бинолар ва иншоотлар қуриш ёки қишлоқ хўжалигига тааллуқли бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланиш учун берилган ер участкалари;

4) корхоналар, бинолар ёки иншоотларга бўлган мулк ҳуқуқи ўтиши билан бирга эгалик қилиш ва фойдаланиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари.

Жисмоний шахслар учун қуйидаги ер участкалари солиқ солинадиган объект ҳисобланади:

1) турар жойлар этагида ва жамоат ерларида шахсий ёрдамчи хўжалик юритиш учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

2) яқка тартибда уй-жой қуриш учун мерос қилиб қолдириладиган, умрбод эгалик қилишга берилган ер участкалари;

3) жамоа боғдорчилиги, узумчилиги ва полизчилигини юритиш учун берилган ер участкалари;

4) хизмат юзасидан қонун ҳужжатларига мувофиқ берилган чек ерлар;

5) мерос бўйича, ҳада қилиниши ёки сотиб олинishi натижасида уй-жой, дала ҳовли билан биргаликда эгалик қилиш ҳуқуқи ҳам ўтган ер участкалари;

6) қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда мулк қилиб олинган ер участкалари;

7) тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун доимий фойдаланишга ёки ижарага берилган ер участкалари.

Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар қазиб олишни, шунингдек фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланишни амалга оширувчи юридик ва жисмоний шахслар тўлайдилар. Ер ости бойликларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объектилари қуйидагилардан иборатдир:

— фойдали қазилмалар (шу жумладан, қўшилиб чиқадиган фойдали қазилмалар ва қимматли компонентлар) қазиб олиш ҳажми;

— техноген ҳосилаларнинг (минерал хом ашё қазиб олиш ва уларни қайта ишлаш чиқиндиларининг) ҳажми;

— фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ҳажми;

— рангли тошлар хом ашёси, палеонтология қолдиқлари ва бошқа геологик коллекция материаллари намуналарини тўплаш учун бериб қўйилган ер қабри участкаси майдони.

Товарлар ишлаб чиқарувчи, ишлар бажарувчи, хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар экология солиғи тўлайдилар.

Товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) таннари (муомала харажатлари) солиқ солиш объектидир.

Ўз фаолиятида бевосита сувдан фойдаланувчи юридик шахслар сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлайдилар. Ишлаб чиқариш ва техника эҳтиёжлари учун ер усти ва ер ости манбаларидан фойдаланилган сув ресурсларининг ҳажми сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ солиш объекти ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 162-моддасида «Солиқ даври. Ҳисобот даври» қайд этилган бўлиб, календарь йил

солиқ даври, йилнинг чораги ҳисобот давридир деб ёзилган. Дарҳақиқат, солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларида белгиланган муддатлар календарь сана ёки йиллар, йил чораклари, ойлар, ўн кунликлар ва кунлар билан ҳисобланадиган давр ўтиши билан белгиланади.

Солиқлар ва йиғимларни тўлаш юридик шахслар томонидан нақд пулсиз тартибда тегишли суммани бюджет таснифининг тегишли бўлими ва параграфига ўтказиш йўли билан, жисмоний шахслар томонидан эса, нақд пул ва пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилиги ҳар бир шахснинг белгиланган солиқлар ва йиғимларни бюджетга тўлаши шартлиги, адолатли солиққа тортиш, солиқ тизимининг ягоналиги ва солиқ қонунчилигининг ошкоралик принципларига асосланади. Солиқ қонунчилигидаги принципларнинг аҳамияти шундан иборатки, Ўзбекистон Республикаси солиқ қонунчилигидаги тартиб, Солиқ кодексида келтирилган солиққа тортиш принципларига қарама-қарши чиқа олмайди.

Солиқ кодекси – давлат солиқ тизимининг ҳуқуқий асосларини, солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари ҳамда мажбуриятларини, солиқ ишларини юритиш, қонун бузилган ҳолларда тегишли жавобгарликка тортиш тартиб-қоидаларини белгилаб берувчи қонун. Янги таҳрирдаги «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан 2007 йил декабрь ойида қабул қилиниб, 2008 йил 1 январдан амалга киритилган. Солиқ тўламаслик, солиқ тўлашдан қочиш ва бошқа жиноятлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексида (7-модда), Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс (174, 167-моддаларда) ҳамда Жиноят кодексида (184-модда) кўзда тутилган жавобгарликлар орқали тартибга солинади.

3. Солиқларнинг бюджет шаклланишида аҳамияти ва давлатнинг фискал сиёсати

Солиқлар давлатнинг барча йўналишдаги фаолияти учун зарур бўлган асосий молия манбаларидан бири бўлиб, у ҳукуматнинг устувор йўналишларини ривожлантириш бўйича амалга оширишда асосий қуролидир. Давлат иқтисодиётини солиқлар орқали тартибга солиш бу давлат бюджетини ташкил этишнинг усули бўлса, солиққа

тортиш йўли билан эса жамиятдаги у ёки бу жараёнларининг ривожланишига таъсир этиши мумкин бўлади. Шундай қилиб, давлатнинг мавжудлиги бу солиқлар билан чамбарчас боғлиқ бўлади, чунки солиқ тушумлари давлатнинг иқтисодий мустақиллигининг асосий манбаи бўлиб хизмат қилади.

Фискал сиёсат бу давлатнинг солиқ – бюджет сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади. Давлатнинг солиқ сиёсати солиқлар воситасида бюджетга пул тўлашга қаратилади. Унга мувофиқ, солиқ турлари аниқланади, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган объектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби белгиланади.

Солиқлар давлатнинг иқтисодиётига таъсир этишида қўлланиладиган асосий воситадир. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки, биринчи галда, рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Солиқлар заёмлар билан биргаликда ҳар қандай давлатнинг мавжудлигини ҳал қилувчи асосий манбадир. Давлат бюджетидаги солиқлар ва заёмларнинг юки орасидаги ўзаро муносабат унинг тўлай олиш қобилияти ва дунё ҳамжамиятидаги ўрнини белгилаб беради. Солиқ тушумлари етарли даражада бўлмаганда, давлат бошқа давлатларга кредит беришларини сўраб мурожаат этади ёки аҳоли ўртасида давлат заёмларини (ички қарз олиш) тарқатади ёки чет эллик инвесторларга махсус қимматбаҳо қоғозлар (ташқи қарз олиш) чиқариб сотади.

Солиқ муносабатлари умумдавлат даражасида даромадлар тизимини яратиш муносабати билан вужудга келадиган объектив ҳолатдир. Солиқларсиз давлатнинг ўзи ҳам бўлмайди. Баъзи давлатларда эса солиқлар умуман йўқ. Масалан, Шимолий Кореянинг Конституциясида қуйидагилар ёзилган: «Давлат солиқлар тизимини эски жамиятнинг вориси сифатида бутунлай чиқариб ташлайди».

Давлатнинг солиқ сиёсати илмий асосга, иқтисодий ўсиш мақсадига асосланган, ҳукумат ва бошқарув органларининг ишлаб чиқаришни таъминлаш ва жамият бойлигини оширишга қаратилган тактик ва стратегик ҳуқуқий ҳаракатидир. Солиқ сиёсатини юритишдан мақсад фақат солиқ тўловчилардан солиқ тўловларини тўғри тартибда ундириш бўлиб қолмай, балки солиққа тортиш натижасида улардаги ҳар томонлама хўжалик-иқтисодий муносабатларини баҳолаш ҳамдир. Демак, солиқ сиёсати бу қонунни

автоматик равишда бажариш бўлиб қолмасдан, балки уни такомиллаштириш ҳамдир.

Иқтисодчи олимлар давлат солиқ сиёсатини уч турга бўладилар:

биринчиси – максимал солиқ ундирувчилар сиёсати, улар «мумкин бўлган барчасини ол» принципига асосланганлар. Бундай ҳолатда давлат учун «солиқ қопқони» ўрнатилган, яъни солиқларни кўтариш билан давлат даромадлари барибир ортмайди;

иккинчиси – ақлли солиқлар сиёсати, бундай сиёсатдан яхши солиқ иқлими таъминланади ва натижада тадбиркорликнинг ривожланишига олиб келади;

учинчиси – шундай солиқ сиёсати бўлиб, унда солиқ ундириш даражаси юқори бўлиши билан бирга ижтимоий ҳимоя ҳам юқори бўлади.


Иқтисоди ривожланган давлатларда юқорида келтирилган солиқ сиёсатларидан бир вақтнинг ўзида бир нечтаси қўлланилиши мумкин.

Кўпгина давлатларда бюджетнинг асосий қисмини солиқлар ташкил этади. Масалан, Францияда давлат бюджетининг 95 фоиз, АҚШда 90 фоиз, Германияда 80 фоиз, Россияда 93 фоиз ва Ўзбекистонда ўртача 96 фоизини солиқлар ташкил этади¹.

Мустақиллик йилларида солиқ сиёсати. Ўзбекистонда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ юкини босқичма-босқич камайтириб бориш, солиқ тўловчиларни уларнинг ҳўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан бир вақтда, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда. Мустақиллик йилларида юртимизда кенг миқёсдаги солиқ ислохотлари амалга оширилди. Бунинг натижасида бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, давлат бюджетини тўлдиришни ва зарур давлат харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган ва шунингдек, аҳоли даромадлари ўсишини, иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг янги тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган замонавий солиқ тизими яратилди.

¹ Қаранг: *Завалишина И. А.* Солиқлар: назария ва амалиёт. – Т., 2005. – Б. 36.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи максимал ставкасининг пасайиши ва шкаланинг ўзгариши




Иқтисодиётда солиқ юкининг босқичма-босқич камайтирилиши олиб борилаётган солиқ ислохотларининг энг муҳим натижаси, юқори иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашнинг энг муҳим омилларидан бири бўлди. Мисол учун, агар 1994 йили корхоналарнинг даромад солиғи ставкаси 45 фоизни ташкил этган бўлса, 2010 йилга келиб, у 9 фоизга тушди.

Бу борада такрорий солиққа тортишга йўл қўймаслик ҳамда хўжалик субъектлари учун солиқ божини камайтириш мақсадида илгари даромад солиғи тўлашда солиққа тортиладиган базага киритилган иш ҳақи харажатлари ва бошқа бир қатор харажатлар даромад солиғи бўйича солиққа тортиш базасидан чиқарилди.


Айни вақтда ички талабнинг кенгайиши, аҳоли реал даромадларининг кўпайиши ва турмуш даражасининг янада ошишини рағбатлантириш мақсадида солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва жисмоний шахсларнинг даромад солиғи ставкасини сезиларли даражада пасайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди.

Мустақиллик йилларида ягона ижтимоий тўлов ставкасининг пасайиши (фоизда)



Масалан, агар мустақилликнинг дастлабки йилларида жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи энг юқори – 60 фоизли ставка билан 7-шкала бўйича ҳисобланган ва ундирилган бўлса, ҳозирги пайтда 3-шкала асосида ундирилмоқда, бунда энг юқори солиқ ставкаси 22 фоизни ташкил этмоқда. Шу билан бирга, хўжалик субъектлари учун ходимларни ёллаш харажатлари камайтирилди: агар ишга ёлловчиларнинг мажбурий ижтимоий суғурта тизимига (Пенсия жамғармаси, Бандлик жамғармаси ва Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши) тўловлари 1994 йилда иш ҳақи фондининг 40 фоизини ташкил этган бўлса, кейинги йилларда босқичма-босқич 24 фоизга туширилди.

Солиқ юкининг камайиши ва ЯИМнинг ўсиши



Истеъмол талаби ва товар (иш, хизмат)ларни ишлаб чиқаришни кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида қўшилган қиймат солиғи ставкаси 30 фоиздан 20 фоизга туширилди. Бу жараёнда иқтисодий ўсишни таъминлаш ва хўжалик фаолиятини жадаллаштириш ҳисобидан бюджетнинг ялпи даромадларида қўшилган қиймат солиғи тушуми барқарор равишда ошиб борди.

Бундан ташқари, 1991 йилдан бугунги кунгача ставкаларни пасайтириш билан бир қаторда солиқлар унификация қилинди, яъни бирхиллаштирилди ҳамда бир қатор бир-бирини такрорлайдиган ва кам самара берадиган солиқ ҳамда мажбурий тўловлар бекор қилинди. Натижада ҳозирги вақтда Ўзбекистон асосий солиқ ставкалари миқдори бўйича солиққа тортиш даражаси юқори бўлмаган давлатлардан бири ҳисобланади, жами солиқ юки эса бизда ялпи ички маҳсулотга нисбатан 21,9 фоиздан ошмайди.

Саноатнинг экспортга йўналтирилган янги тармоқларини жадал ривожлантириш, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш мақсадида мамлакатимизнинг амалдаги қонунчилиги хўжалик субъектларига даромад солиғи, мол-мулк солиғи ва божхона тўловлари бўйича кенг миқёсда имтиёзлар яратиб бермоқда.

Кичик тадбиркорлик субъектларининг ягона солиқ тўлови солиқлар, бюджетдан ташқари (Пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ва Мактаб таълими жамғармасига мажбурий тўловлар ўрнига) кўринишидаги соддалаштирилган солиққа тортиш тизими жорий этилиши кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган қўшимча омил бўлди.

2-жадвал

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун солиқ ставкаларининг пасайиш тенденцияси (фоизда)

1996 й.	2000 й.	2005 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.	2012 й.
38,0	31,0	15,0	8,0	7,0	6,0	5,0

Жадвалга мувофиқ, ушбу солиқнинг жами ставкаси ялпи тушумнинг 1996 йилдаги 38,0 фоизидан 2012 йилда 5 фоизга туширилди.

**1992 йилдан 2010 йилгача бўлган даврда солиқ тўлови
ставкаларининг ўзгариши**

Солиқ турлари	1992–2009 йиллардаги энг юқори солиқ ставкалари	2010 йилда ўрнатилган ставкалар	Пасайиш
Кўшимча қиймат солиғи	30 фоиз	20фоиз	1,5 баробар
Юридик шахслар- нинг даромад (фойда) солиғи	45 фоиз	9 фоиз	5 баробар
Юридик шахслар учун мулк солиғи	5 фоиз	3,5 фоиз	1,4 баробар
Кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови	15,2 фоиз	7,0 фоиз	2,2 баробар
Жисмоний шахс- ларнинг даромад солиғи	60 фоизгача	22 фоизгача	2,7 баробар
Ягона ижтимоий тўлов	40 фоиз	25 фоиз	1,6 баробар

Айни вақтда, кичик тадбиркорлик субъектларининг солиқ ҳисоботларини тақдим этиш тизими ҳам такомиллаштирилиб, 2005 йилнинг 1 июлидан кичик корхона ва кичик тадбиркорлик субъектларининг давлат солиқ идораларига тақдим этадиган барча солиқ тўловларининг тақдим этиш даврлари ойликдан чоракликка ўзгартирилди.

Давлат бюджети даромадларининг ягона ва уйғун тизимини шакллантиришда 2008 йилдан бошлаб амалга жорий этилган янги таҳрирдаги Солиқ кодекси муҳим роль ўйнади. Ушбу кодекс солиқ тўловчиларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлашни янада кучайтириш, уларни назорат органларининг қонунга хилоф хатти-ҳаракатларидан ҳимояланишини ошириш ва шунингдек, солиқ ҳамда мажбурий тўловларни ҳисоблаш механизми ва тўлаш тартибини такомиллаштиришни кўзда тутди.

Ўтган давр мобайнида солиқ ставкаларининг пасайиши ва оптималлаштирилиши халқаро андозаларга биноан даромад (фойда)

солиғини ҳисоблаш тизимининг такомиллаштирилиши ҳисобидан тўғридан-тўғри солиқларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 1995 йилдаги 11,5 фоиздан 2010 йилда 5,7 фоизга туширилди. Солиқ ислохотлари амалга оширилган йиллар мобайнида солиқ юкининг камайтирилишига қарамасдан, солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар тушумининг барқарор ўсишини таъминлашга эришилди.

Мустақиллик йилларида солиқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар натижасида тўланаётган солиқлар таркибида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Жумладан:


- табиий ресурслардан, биринчи навбатда, ер ости бойликларидан фойдаланиш билан боғлиқ солиқлар улуши сезиларли даражада ошди;

- умумий солиқ тушумлари ҳажмида жисмоний шахсларнинг даромад солиғи улуши кўпайди;

- даромад (фойда) солиғи улуши қарийб икки баробар пасайди ва бу солиқ ставкасининг 5 баробаридан ортиқ пасайиши ҳамда солиққа тортиш базасидан чиқариб ташланадиган харажатлар рўйхатининг кенгайиши билан боғлиқ;

- ягона ижтимоий тўлов улуши сезиларли даражада камайди, бу унинг ставкалари бир ярим баробардан ортиқ пасайиши билан боғлиқ;

- солиқ ставкалари икки баробар пасайтирилган бир пайтда, кичик бизнес субъектлари томонидан тўланаётган солиқлар улуши кўпайди.



Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрда «Ўзбекистоннинг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари ва давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, «Давлат бюджети параметрлари ва асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнозлари» тасдиқланди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, ЯИМнинг ўсиши 2011 йилда 8,3 фоиз, саноат ишлаб чиқариши 9,3 фоиз, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш 5,8 фоиз, капитал қўйилмалар 12,4 фоиз, чакана савдо айланмаси 15,4 фоиз, инфляция 7–9 фоиз даражасида режалаштирилган.

Бюджет даромадлари (давлатнинг мақсадли фондлари даромадлари ҳисобисиз) 16,178 трлн. сўмдан юқори ҳажмда режалаштирилган (2010 йилда – 13,116 трлн):

– 2011 йилда тўғри солиқларни қўшган ҳолда 4,238 трлн сўм бўлиши кутилган. 2010 йилда бу кўрсаткич 3,42 трлн сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда эгри солиқлар 8,656 трлн сўмни ташкил этиши кутилган. 2010 йилда 6,973 трлн сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда ресурс тўловлари ва мулк солиғи – 2,308 трлн сўмни ташкил этиши кутилган. 2010 йилда 1,974 трлн сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда юқори фойда солиғи 142,314 млрд сўмни ташкил этиши кутилган. 2010 йилда 25,695 млрд сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда бошқа даромадлар 831,754 млрд сўмни ташкил этиши кутилган. 2010 йилда 722,145 млрд сўмни ташкил этган;

Давлат бюджети харажатлари (мақсадли фондлар ҳисобисиз) 16,991 трлн сўмдан юқори ҳажмда режалаштирилган (2010 йилда 13,732 трлн).

– 2011 йилда ижтимоий соҳалар ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлашга сарфланаётган харажатлар барча харажатларнинг учдан икки қисми, 10,112 трлн сўмни ташкил этди. 2010 йилда 8,113 трлн сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда ННТ, НПО ва фуқаролик жамияти институтлари учун 5 млрд сўм сарфланди. 2010 йилда 4,5 млрд сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда иқтисодиёт учун харажатлар 1,952 трлн сўмни ташкил этди. 2010 йилда 1,573 трлн сўмни ташкил этган;

– 2011 йилда марказлашган инвестицияларни молиялаштириш 950 млрд. сўмни ташкил этди, 2010 йилда 825 млрд. сўмни ташкил этган.

Давлат ҳокимияти органлари, бошқаруви ва судларни молиялаштиришга бюджетнинг харажатлар қисмидан 472,304 млрд сўм (2010 йилда 352 млрд. сўм), фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига, Вазирлар Маҳкамасининг захира фонди учун 57 млрд сўм, бошқа харажатлар учун 3,29 трлн сўм ажратилган.

2011 йилда давлат бюджети дефицитининг чегаравий ҳажми ЯИМга нисбатан 1 фоиз ҳисобида ёки 812,536 млрд сўмни (2010 йилда 616,105 млрд сўм) ташкил этди, бюджет тақчиллигини молиялаштириш давлат бюджетининг йил бошига эркин қолдиқ воситаларидан ва ноинфляцион манбалари ҳисобидан амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 24 декабрда «Ўзбекистоннинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 2011 йилда бирқанча солиқ ва йиғим ставкалари янгиланди. Ҳужжатга асосан 2011 йил 1 январдан жисмоний шахслар даромадларига солиқларнинг минимал ставкаси 1 фоизга, яъни 11 фоиздан 10 фоизга ва ўртача ставкаси 17 фоиздан 16 фоизга камайтирилди. Шу билан бирга солиққа тортиш шкаласининг қуйи планкаси энг кам иш ҳақининг олти баробаридан беш баробаригача пасайтирилди. Ставка юқори шкаласи ўзгармасдан (22 фоиз) қолди.

Жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиғи (турар жойлар ва квартиралар, дала ховлилар, гараж ва бошқа қурилмалар, бино ва иншоотлар) 0,5 фоиздан 0,75 фоизгача ошди. Шу ўринда шаҳарлардаги турар жойлар ва квартираларнинг майдони (200 кв.м.дан юқори) бўлганда оширувчи коэффициент белгиланган. Жисмоний шахсларнинг транспорт воситаси учун 1 литр бензин ва дизел ёқилғиси ҳамда 1 кг қуюқ (сиқилган) газга олинадиган солиқ 145 сўмдан 175 сўмгача, транспорт воситалари учун истеъмол қилинадиган суюқ газ учун 140 сўм қилиб белгиланди.

Микрофирма ва кичик корхоналар учун ягона солиқ тўлови ставкаси базаси 7 фоиздан 6 фоизга туширилди. Ҳисоб-китобларга кўра мазкур тадбир хўжалик субъектлари учун 2011 йилда 50 млрд. сўмни тежаш имконини беради ва бу маблағ корхоналарни ишлаб чиқаришини кенгайтиришга сарфланади. Ягона ижтимоий тўлов ставкаси ўзгармаган ҳолда – меҳнат ҳақи фондининг 25 фоиз даражасида қолди.

Микрофирмалар ва кичик корхоналардан ташқари хўжалик субъектларини замонавий техникаларни жорий этишни рағбат-

лантириш мақсадида 2011 йилдан бошлаб жисмонан ва маънавий эскирган, хизмат муддати ўтган ускуналар учун уларнинг дастлабки (қайта тикланган) қийматидан 0,25 фоиз тўлов ундирилади.

4. Солиқ қонунчилиги бузилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари

Таъкидлаш жоизки, ўтган йил иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштиришнинг муҳим босқичи бўлди. Давом этаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон иқтисодиёти барқарор суръатлар билан ўсиб бораётгани тараққиётнинг миллий модели самарасини намоён қилди.

Ушбу йўналишда турли хил иқтисодий фаолият турларини, эркин тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган қатор қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Хусусан, истеъмолчиларнинг ва хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, бозорлар ва савдо мажмуаларининг фаолиятини тартибга солиш мақсадида «Давлат солиқ хизмати органлари тизими янада модернизация қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Унда «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги қонун билан мустаҳкамланган давлат солиқ хизмати органларининг вазифалари янги таҳрирда баён этилган. Уларга энди хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текшириш масалалари бўйича назорат қилувчи органлар фаолияти мувофиқлаштирилишини таъминлаш, ушбу ишни амалга оширишда бир-бирини такрорлаш ва суиистеъмолликларга йўл қўймаслик, хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолиятини рағбатлантиришга, уларга зарур имтиёзлар ва преференциялар беришга доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш; бозорлар ва савдо мажмуаларининг молия-хўжалик фаолияти устидан назоратни амалга ошириш; пул маблағларининг ғайриқонуний айланиши манбаларига барҳам бериш ва бошқалар ҳам кирди.

Бундан ташқари, бу қонун билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексига қўшимча киритилиб, унга кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитасининг Бозорлар ва савдо мажмуалари фаолиятини назорат қилиш бош бошқармаси ва унинг худудий бўлимларига бозорлар, савдо комплекслари худудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини

вақтинча сақлаш жойларида аниқланган молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича суриштирув органи мақоми берилган. Демак, улар молиявий-иқтисодий ва солиқ соҳаларидаги ҳуқуқбузарликлар юзасидан терговга қадар текширув ўтказиш, жиноят иши қўзғатиш ва суриштирув ўтказиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Шу муносабат билан бозорлар, савдо мажмуалари ҳудудларида ва уларга туташ бўлган автотранспорт воситаларини вақтинча сақлаш жойларида бир марталик йиғимлар, ижара ҳақи тўлиқ тушиши ва уларнинг топширилиши ҳисобга олинишига, фискал хотирали назорат-касса машиналаридан, тўловларни пластик карточкалар асосида қабул қилиш бўйича ҳисоб-китоб терминалларидадан фойдаланилишига, шунингдек, савдо ва хизмат кўрсатиш қоидаларига риоя этилишига оид қисқа муддатли текширувлар ўтказиш ҳуқуқи ушбу бош бошқарма ва унинг ҳудудий бўлимларининг мансабдор шахсларига берилди.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасига мувофиқ, фуқаролар қонунда белгиланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида тўлашга мажбурдирлар. Юридик ва жисмоний шахсларнинг давлат томонидан белгиланган солиқ, йиғим, бож ва бошқа мажбурий тўловларни тўламаслиги, фойда (даромад)ни ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириши, камайтириб кўрсатиши, шунингдек, солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан ўзга тарзда, жумладан, назорат-касса машиналарининг фискал хотираси хизмати дастурини ноқонуний ўзгартириш йўли билан қасддан бўйин товлаши бюджет сиёсати барқарорлигига путур етказди. Солиқдан яширилган маблағлардан, аксарият ҳолларда, жамият манфаатларига зид равишда фойдаланилиши солиқ қонунчилиги соҳасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий хавфлилигини оширади.

Суд амалиёти таҳлили шуни кўрсатадики, судлар солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан бўйин товланганлик учун жавобгарлик белгиланган қонунларни асосан тўғри қўлламоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу тоифадаги ишлар бўйича ҳуқуқбузарлик фактини ва солиқдан яширилган даромад (фойда) миқдорини аниқлашда, айбдор шахслар ҳаракатини квалификация қилиш ва уларга қилмишига яраша жазо тайинлаш каби масалаларда айрим хато ва камчиликларга йўл қўйиш амалиёти ҳам мавжуд.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси ва Жиноят кодексининг 184-моддаси бўйича жавобгарлик келиб чиқишининг зарур шarti – солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлашга нисбатан қасднинг мавжудлиги бўлиб, у ҳам ҳаракат, ҳам ҳаракатсизликда намоён бўлиши мумкин. Фойда (даромад)ни қасддан яширишнинг белгилари:

- ҳужжатларни сохталаштириш (ўчириш, ғайриқонуний тузатиш);

- қалбаки бошланғич бухгалтерия ҳужжатларидан фойдаланиш;

- фойдаланилмаган моддий харажатларни ишлаб чиқариш ҳисобига қўшиб ҳисобдан чиқариш;

- корхонада ишламайдиган, лекин ҳисобда турадиган ходимларга иш ҳақи ёзиш йўли билан меҳнатга ҳақ тўлаш харажатларини ошириш;

- сотишдан олинган тушумни ҳисобот давридан кейинги даврга ўтказиш (сотиш ҳажмини ва даромад (фойда)ни қасддан камайтириш);

- моддий, ёқилғи-энергетика ресурслари харажатларини ва амортизация (эскириш) миқдорини сунъий равишда ошириш ёки норматив (лимит)ларни нотўғри қўллаш;

- ҳужжатларни йўқ қилиш ёки уларни тақдим этишни рад этиш;

- бухгалтерия ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар билан тегишли равишда расмийлаштирилмаган маҳсулот (товар)ларни сотиш;

- давлат рўйхатидан ўтмасдан ва солиқ органларида ҳисобда турмасдан хўжалик фаолиятини юритиш;

- давлат солиқ хизмати органининг ёзма билдиришномаси мавжуд бўлгани ҳолда, икки ва ундан ортиқ манбалардан даромад олувчи жисмоний шахслар томонидан барча даромадлари ҳақида декларация тақдим этмаслик ва бошқалардир.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 174-моддаси ва Жиноят кодексининг 184-моддасида назарда тутилган ҳуқуқбузарликларга доир ишлар бўйича айбдорнинг қилмишида солиқ ёки бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг юқорида қайд этилган ёхуд бошқа бирор-бир белгиси мавжудлиги исботланган бўлиши шарт.

Ҳозирги кунда назорат-касса машиналари фискал хотираси хизмати дастурининг ноқонуний ўзгартирилиши, даромад (фойда)нинг ҳақиқий миқдорини яширишга шароит яратганлиги туфайли солиқ тўлашдан қасддан бўйин товлашнинг бир усули ҳисобланади.

Бу тоифадаги ишлар бўйича суриштирув, тергов органлари ҳамда судлар жавобгарликнинг муқаррарлиги принципига амал қилинишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб келинмоқда.

5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг давлатнинг солиқ сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда роли

«Ҳуқуқбузарлик» тушунчаси ҳуқуқ назарияси томонидан чуқур ўрганилган. Солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликни ҳам шу асосда ғайриқонуний айбли қилмиш, ҳаракат ёки ҳаракатсизлик оқибатида ўз мажбуриятларини қисман ёки тўла бажармаслик юзасидан вужудга келадиган ҳуқуқий мажбурият, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарлик субъекти ҳуқуқларининг бузилиши деб қабул қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг юридик таркиби қуйидагиларни ўз ичига олади: ҳуқуқбузарликнинг объектив томони, объекти, ҳуқуқбузарликнинг субъектив томони, субъекти. Шунингдек, юридик таркиб солиқ борасида ҳуқуқбузарликни содир этганлик учун санкция (жарима) кўринишидаги юридик масъулиятни ҳам ўз ичига олади.

Ҳуқуқбузарликнинг объектив томони қонунга хилоф хатти-ҳаракатларни (масалан, белгиланган тартибни бузган ҳолда солиқ тўлаш объектлари ҳисобини олиб бориш, бу, ўз навбатида, текширилаётган муддат ичида даромадларни яширишга олиб келади) ёки ҳаракатсизликни (масалан, солиқ органларига берилиши керак бўлган солиқларни ҳисоблаш ҳамда тўлаш учун зарур ҳужжатларни тақдим этмасликни) ўз ичига олади.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг объекти сифатида солиқ ҳуқуқбузари содир этган ҳуқуқбузарлик тан олинади, яъни солиқ ундириш, бож, турли йиғимлар ва солиқ тизимига бирлашган бошқа мажбурий тўловларни белгилаш ва ундириш бўйича юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади. Бу муносабатлар солиқ ҳуқуқи нормалари билан бошқарилади ва уларнинг мазмунини ифодалайди.

Солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъектив томони айблиликда ифодаланади. Муайян ҳуқуқбузарликка нисбатан олинганда қасддан ёки эҳтиётсизлик каби айб кўринишлари қўлланилади. Солиқ ҳуқуқбузарлигининг субъекти солиқ тўловчи, учинчи шахслар ва солиқ органлари бўлишлари мумкин.

Ҳуқуқ назариясидан маълумки, солиқ соҳасида юридик жавобгарлик, кўзда тутилган хатти-ҳаракат солиқ ҳуқуқбузарлиги дейилади. Солиқ ҳуқуқбузарликлари учун турли санкциялар кўзда тутилган. Шу билан бирга, ижтимоий хавфли солиқ ҳуқуқбузарликларига солиқ жиноятлари каби жиноий жавобгарлик қўлланилади (Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168, 179, 180, 181, 184-моддалари).

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 41-боби «Яқунловчи қонунлар»ида солиқ муносабатлари субъектларининг жавобгарлиги (132-модда) хусусида, лекин бу кодексда «солиқ ҳуқуқбузарлиги» тушунчасининг таърифи, тавсифи берилмаган. Бизнинг фикримизча, агарда Солиқ кодексда «солиқ ҳуқуқбузарлиги» тушунчасининг таърифи берилганда, бундай хатти-ҳаракатга жарималарни белгилашда унинг аҳамияти катта бўлур эди.

Юқорида келтирилган фикрлар асосида солиққа оид ҳуқуқбузарликлар қуйидаги гуруҳларини таъкидлаш мумкин:

1. Солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши ҳуқуқбузарликлар. Бу гуруҳ солиқ тўловчининг хўжалик фаолиятида қонунларга хилоф равишда қаршилиқ кўрсатишини ўз ичига олади. Бу қуйидагиларда, яъни солиқ органлари мансабдор шахсларининг тадбиркорларни солиқ ҳисоб-китобига қўйишга ғайриқонуний эътирози мавжудлигида, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисоб рақамлари орқали ўтказиладиган операцияларни тўхтатиб қўйишида ёки солиқ тўловчи мулкани ғайриқонуний «ҳисобга» олишда, ҳисоб-китоб ҳаракатларини, ҳисобот ҳужжатларини ўзгартириш, кенгайтириш, кўпайтириш бўйича асоссиз талаблари борлигида ва бошқаларда ўз ифодасини топади.

Солиқ тўловчининг ҳуқуқ ва эркинликларига қарши қаратилган ҳуқуқбузарликларга солиқ соҳасидаги сирларни ошкор этиш, яъни қонун йўли билан солиқ сирларини ташкил қилган солиқ органининг лавозим эгаси ёки ўз касбий ёки лавозимига оид мажбуриятларни бажариш чоғида ўзига маълум бўлиб қолган ахборотларни ғайриқонуний ишлатиш ёки ўзга шахсга бериш киради.

2. Бюджетнинг даромад қисмини тўлдиршига қарши ҳуқуқбузарликлар. Ушбу ҳуқуқбузарликнинг асосий субъекти сифатида учинчи шахслар юзага чиқади. Амалиётда солиқ муносабатларининг бу иштирокчилари қонун талабларига тўла риоя қилмайдилар. Улар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликларга солиқ ва жарималар бўйича тўланмаган қолдиқ суммаларини олиш талабларининг

бузилиши, яъни банк ёки кредит ташкилоти томонидан солиқ органлари ёхуд суд қарори орқали тўланадиган суммаларнинг умуман ўтказилмаганлиги ёки ўз вақтида ўтказилмаганлиги киради.

Бюджетнинг даромад қисмини тўлдирмасликка қаратилган ҳуқуқбузарликлар ичида энг кўп тарқалгани солиқ тўлашга мўлжалланган маблағларни ноқонуний ишлатишдир. Бу ҳуқуқбузарлик банк ёки кредит ташкилотларнинг солиқ тўловчилардан тушган солиқ миқдорларини ўтказмаслик ёки муддати бузилиб ўтказишларда ифодаланади.

3. Солиқ тизимига қарши ҳуқуқбузарликларга қуйидагилар киради:

– асоссиз равишда қонунларда кўзда тутилмаган ҳолларда солиқ тўлашдан озод қилиш (имтиёзлар тизимини яратиш ёки қонунларда белгиланмаган ёки бошқа ҳолларда мансабдор шахсларга берилган ваколатлардан нотўғри фойдаланиш);

– ноқонуний солиқни киритиш ёки белгилаш;

– ноқонуний солиқларни ундириш (тўғридан-тўғри ёки билвосита мажбурлов йўли билан солиқ ундириш, яъни қонунлар билан белгиланмаган ёки киритилмаган солиқларни тўлашга ундаш ҳамда ғайриқонуний катта ҳажмдаги солиқларни тўлашга мажбур қилиш. Шу билан бирга, қонунларда белгиланган муддатлардан олдин солиқ тўлашга мажбур қилиш ҳам ушбу гуруҳга мансубдир).

4. Солиқ тўлаш мажбуриятларига қарши ҳуқуқбузарликларда қуйидаги турларни, хусусан, солиқни тўламаслик ёки ўз вақтида тўламаслик ҳамда солиқлар бўйича имтиёзлардан ғайриқонуний фойдаланишни таъкидлаш мумкин. Имтиёзларни нотўғри белгилаш, солиқ органларига имтиёзли солиқлар тўлаш учун тегишли ҳужжатларни, асосланмаган маълумотларни солиқ органларига топширишлар ғайриқонуний имтиёзлар ҳисобланади.

5. Солиқ тўловчининг мажбуриятларини бажариш кафолатлари тизимига қарши ҳуқуқбузарликлар қуйидагилардан иборат:

– солиқ тўловчининг ғайриқонуний ҳисоб-китобни очиши;

– солиқ тўловчига ғайриқонуний равишда ҳисоб-китобни очиш;

– касса интизомининг бузилиши (қонунда белгиланган тартибдан четга чиқиб нақд пулларни қабул қилиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш қоидаларининг бузилиши);

– ғайриқонуний ҳисоб-китоблар (нақд пуллар бўйича операцияларнинг қонунларда белгиланган миқдорларини бузиб амалга ошириш);

– солиқ тўловчи ҳақидаги ахборотларни солиқ органларига беришдан бўйин товлаш.

6. Бухгалтерия ҳисоби, бухгалтерлик ҳамда солиқ ҳисоботларини тузиш, бухгалтерия ҳисобини олиб бориш борасида содир этилган ҳуқуқбузарликларга:

– бухгалтерия ҳисобини юритиш тартибига риоя қилмаслик билан боғлиқ жиноят (хўжалик операцияларини ҳужжатлаштириш ҳамда уларнинг бухгалтерлик регистрларида ифодаланиш қоидаларини бузиш);

– бухгалтерия ҳисоби маълумотларининг аниқлиги ва ҳаққонийлигини таъминламаслик;

– бухгалтерия ҳисоби ва солиқ ҳисоботини тузиш тартибини бузиш (солиқ органларига бухгалтерия ва солиқ ҳисобини белгиланган кўринишда ва норматив ҳужжатларда кўрсатилган маълумотларни тақдим этмаслик);

– бухгалтерия ва солиқ ҳисоботларини тақдим этишдан бўйин товлаш (белгиланган муддатларда ёки солиқ органлари талаби бўйича бухгалтерия ва солиқ ҳисоботини тақдим этишдан қасддан бир неча маротаба бўйин товлаш) киради.

7. Солиқ органларининг назорат функциялари бузилиши билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар қўйидагилардир:

– солиқ органларидан рўйхатдан ўтишдан бўйин товлаш (қасддан узоқ вақт солиқ органларига мурожаат қилиш мажбуриятидан бўйин товлаш);

– солиқ органларида ўз вақтида рўйхатга қўйилмаслик (солиқ тўловчи сифатида қонунларда белгиланган муддатларда солиқ органларидан рўйхатдан ўтмаслик);

– солиқ органларининг лавозимдаги шахси томонидан қўйилган қонуний талаб ва кўрсатмаларга бўйсунмаслик (солиқ органида лавозимда ишлайдиган ходимнинг солиқ қонунчилигининг бузилишини тўғрилаш ёки унинг олдини олишга оид талаб ва кўрсатмалари узоқ муддат давомида бажарилмаса ёки тегишли равишда бажарилмаса, агарда уларнинг бу хатти-ҳаракатлари солиқ қонунчилигининг бузилишидан бошқача таснифланмаса);

– солиқ органларининг лавозимдаги шахсини ҳақоратлаш (солиқ органининг лавозимдаги шахсини ўз функциясини адо этаётган вақтда жамоатчилик олдида ҳақоратласа, агар бу хатти-ҳаракат жиноий жавобгарликни тақозо этмаса);

– солиқ органининг лавозимдаги шахсига зўрлик ишлатиш ёхуд унинг мулкига зиён етказиш билан кўрқитиш, яъни солиқ органининг лавозимдаги шахсига қонун томонидан юклатилган функцияларни бажариш даврида унинг қонуний фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки функциясининг хусусиятини ўзгартиришга мажбур этиш ёки қасд олиш мақсадида солиқ органининг лавозимдаги шахсига ва унинг яқинларига зўрлик ишлатиш ёхуд унинг мулкига зиён етказиш билан кўрқитиш, агар бу ҳаракатлар жиноий жавобгарликка тортишни тақозо этмаса;

– ғайриқонуний таъсир кўрсатиш ёки фаолиятига аралашиш (таъсир кўрсатиш қандай кўринишда бўлишидан қатъи назар, солиқ органининг лавозимдаги шахсига, унинг назорат функциясини бажаришига ёки қарор қабул қилишига тўсиқ бўладиган даражадаги ғайриқонуний таъсир ўтказиш, агар бу хатти-ҳаракатлар жиноий жавобгарликни тақозо этмаса);

– назорат функциясини бажаришга қаршилик кўрсатиш (солиқ органининг қарори асосида ўтказиладиган ҳужжатли ёки фактик назоратни амалга оширишга қасддан шароит яратмаслик).

Солиқ ҳуқуқбузарликларини таснифлашнинг яна бир неча мезонлари ҳам мавжуд, масалан, муайян солиқлар билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар ва бошқалар. Шу билан бирга, солиқ ҳуқуқбузарликлари бўйича таснифлашга ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Солиқ ҳуқуқбузарлиги субъектлари:

- солиқ органлари;
- учинчи шахслар;
- солиқ тўловчилар бўлишлари мумкин.

Солиқ органлари, одатда, нотўғри солиқ ундириш, молиявий санкцияларни асоссиз қўллаш, процедура талабларига (ҳужжатларни ўрганишга олишда, санкциялар қўллашда ва ҳ.к.) риоя қилмаслик ва бошқа ҳуқуқбузарликларни содир этадилар.

Солиқ борасидаги ҳуқуқ муносабатларининг субъекти бўлган учинчи шахсларга солиқни ҳисоблаш учун зарур бўлган солиқ тўловчи тўғрисидаги ахборотга эга бўлган жисмоний, ҳуқуқий ва бошқа субъектлар кирадилар. Бу шахсларнинг тегишли фаолиятлари, хатти-ҳаракатлари солиқ борасидаги мажбуриятларни бажариш, солиқ тўловчиларнинг, ваколатли органларнинг ўз ҳуқуқларини бажаришлари билан боғлиқдир. Булар кредит ташкилотлари, нотариуслар, хўжалик муносабатлари субъектларидир. Учинчи

шахслар қуйидаги ҳуқуқбузарликларга йўл қўйишлари мумкин, хусусан, солиқ органларига тегишли ҳужжатларни тақдим этмасдан юридик шахсларга ҳисоб рақамлари очиш, пул миқдорларини ундириш тўғрисидаги солиқ органлари талабларини бажармаслик ва бошқалар.

Солиқ тўловчилар уни четлаб ўтиш билан солиқ ҳуқуқбузарликларини содир этадилар. Солиқни четлаш қонуний хатти-ҳаракат бўлиб, қонунчилик ва мавжуд солиқ тизими томонидан рухсат этилади. Солиқни четлашда солиқ тўловчи билиб туриб ундан қочади, лекин қонунчиликни бузмайди. Солиқ борасидаги айрим камчилик ва ноаниқликлар муайян ўткинчи хусусиятга эга. Бу муайян қонунларни қабул қилиш техникасининг мукамал эмаслигидан. Баъзи ҳолларда уларнинг шошилишча қабул қилиниши натижасидир. Бундай ҳоллар аниқланганда, уларнинг матнига ўзгартишлар киритилиб, янгилари қабул қилинади ва мавжуд муаммо ечилади.

Субъектларнинг хўжалик фаолиятида солиқни четлаб ўтишнинг турли усуллари мавжуд. Улардан айримлари хусусида тўхталиб ўтамиз.

Солиқ тўловчининг уни тўлашдан бўйин товлаши миллий молия тизимидаги қийинчиликлардан фойдаланишга асосланади. Бу ҳолатда солиқ тўлашдан бўйин товлашнинг воситаси – ўзини тийишдир, яъни солиқ тўловчи солиқ тўлашдан ўзини тияди, солиқ тўлаш объектига айланишдан холи бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, баъзи кинотеатрларнинг директорлари томошабинларни залга бепул киритиб, чипталардан солиқ тўламайдилар. Бунинг натижасида давлат хазинасига солиқ тушмайди. Яхшики, бундай усул амалиётда кенг тарқалмаган.

Солиқ қонунчилигининг мукамал эмаслиги сабабли солиқ тўлашдан бўйин товлаш имкониятлари билан бирга, яна шундай ҳолат юзага келадики, қонуншуноснинг ўзи солиқ олишнинг йўлини қилмайди. Бундай ҳолат қачон юзага келиши мумкин? Қонуншунос солиқ тўловчига солиқни белгилаётганида унинг ҳолатини билвосита белгилар орқали баҳолайди ва ўз солиқ объектдан солиқ олишни кўзда тутмайди.

Амалиётда халқаро муносабатлар билан боғлиқ солиқни тўламаслик кўринишлари учраб туради. Солиқ тўловчи давлатларнинг ҳудудий солиқ суверенитетидан фойдаланади. Бундай кўринишдаги солиқ тўлашдан бўйин товлаш солиқ тўловчининг

хорижий мамлакат ҳудудига кўчиши ёки ўз мулкани кўчириши билан амалга оширилади. Солиқ ундириш объекти миллий солиқ қонунчилиги таъсир этувчи ҳудуддан, ўзга «енгил» солиқ қонунчилиги мавжуд ҳудудларга кўчадилар. Шундай йўл-йўриқ ва воситалардан фойдаланувчилар, масалан, Либерия, Греция каби мамлакатларга ёки уларнинг байроқлари остида сузаётган кемаларда юк ташишга ўтиб оладилар. Бу мамлакатларда солиқ миқдорлари сезиларли даражада қуйи ставкаларда белгиланган. Кўпчилик умуммиллий компаниялар ўз фойдаларини «енгил» солиқ суммалари белгиланган мамлакатда рўйхатдан ўтказадилар.

Юқорида таъкидланганидек, солиқ тўлашдан бўйин товлаш ўзга мамлакатларга кетиш орқали ҳам амалга оширилади. Бундай ҳолатда солиқ тўловчи субъектлар шахсий ва моддий жавобгарликдан қутулиб қоладилар. Мураккаб ва «қаттиқ» солиқ тартибидан қочиб кўпгина компаниялар ўзларининг расмий жойларини бошқа мамлакатларга (Люксембург, Швейцария ва бошқ.) алмаштирадилар ёки офшор ҳудудларга кўчиб ўтадилар.

Ҳозирги кунда Россия Федерациясида бир нечта (Ингушетия, Калмикия) офшор ҳудудлар яратилган ва уларда фақат бир-икки турдаги солиқлар тўланади, холос.

Энди солиқ тўловчилар содир этадиган солиқ ҳуқуқбузарликларига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, солиқ суммасини тўлаш ўз муддатида амалга оширилмайди. Ушбу ҳуқуқбузарлик учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида солиқлар ва йиғимлар бўйича тўлов муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун (тўлов куни ҳам шунга киради) 0,15 фоиз миқдорида пеня ундирилади. Россия қонунчилигида эса 0,7 фоиз пеня тўлаш кўзда тутилган.

Иккинчидан, ўз вақтида тўланмаган солиқ суммалари ва йиғимлар бўйича боқимандаларнинг йиғилиб қолиши. Бундай ҳолларда йиғилган суммалар бюджет ҳисобига ундирилади. Россия Федерациясида ҳам шундай чоралар кўзда тутилган: юридик шахслардан бундай солиқлар тўғридан-тўғри, баҳссиз, жисмоний шахслардан эса суд орқали ундирилади.

Учинчидан, даромад (фойда) миқдорини камайтириш ёки яшириш. Хўжаликлар ўз фаолиятларида солиқни яширишнинг турли кўринишларидан фойдаланадилар. Уларнинг баъзиларини кўриб чиқамиз:

- солиқ органлари ва банкларни олдиндан огоҳлантирмай, бир неча ҳисоб-китоб счётларини очиш;
- нақд пул айланмаси ҳажмини кўпайтириш;
- лицензиясиз ва рўйхатдан ўтмасдан туриб, фаолиятни амалга ошириш;
- таннарх таркибига кирувчи харажатларни кўпайтириш;
- тўлов ҳужжатларининг йўқотилиши;
- ҳисобни сохталаштириш.

Солиқ органлари ва айниқса, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларга қарши кураш департаменти ходимлари корхоналарда олиб борилаётган «иккиламчи бухгалтерия»га алоҳида эътибор қилишлари лозим. Уларда тайёрланадиган васийлик қарорига солиқ суммасини белгилаш учун бериладиган солиқ баланси билан бир қаторда корхона фаолиятини ҳаққоний ифодаловчи тижорат ҳисоботи олиб борилади. Мана шу ҳисобот алоҳида эътибордан четда қолмаслиги керак.

Мулкка тажовуз қиладиган ва хизматга оид жиноятлардан фарқли бўлган солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар ҳуқуқни кўлловчилар олдида тамоман янги мазмундаги квалитацион тартибдаги муаммоларни кўймоқда. Бу, албатта, тушунарли, чунки солиқ ҳуқуқбузарликлари қисқа давр ичида ҳаётимизга кириб келди. Шу муносабат билан тергов, суд фаолиятида, жиноят ҳуқуқи назариясида бу муаммо тўлиқ ўрганилмаган.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йилдаги қарори билан Республика Солиқ қўмитаси қошида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти ташкил этилди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 184-моддасининг ўзига хослиги унда солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш ва бу жиноят учун белгиланган жазо чоралари акс этган. Шу ўринда муаллифлар учун моддани талқин ёки тавсиф қилиш эмас, балки унинг мазмунидаги иқтисодий белги ва хусусиятларни аниқлаш муҳим ҳамда принципиал аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, «жиноят-солиқ» нормаларини кўллаш борасидаги долзарб муаммоларнинг айримларини таҳлил қилиб чиқамиз.

Биринчидан, Солиқ кодексининг 16, 67, 83, 97, 117-моддаларида солиқ ундириш объектлари кўрсатилган. Унда жами даромад билан

Солиқ кодексига мувофиқ белгиланадиган чегирмалар ўртасидаги фарқ сифатида ҳисобланган даромад (фойда), товарларни (ишларни, хизматларни) реализация ва импорт қилиш обороти қўшилган қиймат, акциз тўланадиган товарлар учун уларнинг қўшилган қиймат солиғи ҳисобга олинмаган ҳолдаги қиймати ёки товарнинг физик ҳажми, юридик шахслар учун ер участкалари, сув ресурсларининг ҳажми ҳам солиқ ундириш объекти сифатида қабул қилинган. Ушбу рўйхатдан кўриниб турибдики, унда келтирилган объектлар тўлиқ эмас, «солиқ солиш объекти» ибораси мазмунини яна бир бор аниқлаш ҳамда уларнинг ҳажмларини белгилаш муаммосини ҳал этишни бугунги кун тақозо этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1997 йил 10 ноябрдаги «Юридик шахслар даромади (фойдаси)га солиқ солиш ва бюджетга тўлаш тартиби» йўриқномасида биринчи солиққа тортиш объекти жами даромад (фойда) деб кўрсатилган.

Солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш воситалари орасида умумий хусусиятга эга бўлган қуйидагиларни алоҳида таъкидлаш мумкин:

- ахлоқ характериға эға воситалар;
- солиқ тўловчиларнинг қонунға итоаткорлиғини кенг тарғиб-ташвиқ қилиш;
- жамоатчилик фикридан, оммавий ахборот воситаларидан ҳуқуқбузарликларға, хусусан, солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш ишида фойдаланиш;
- энг кўп оборот воситаларига эға бўлган солиқ тўловчиларнинг харажатларини ошкор этиш;
- жамоат ташкилотлари (биринчи навбатда, касаба уюшмалар, истеъмолчилар ташкилоти ва бошқалар)нинг солиқ назоратида қатнашиши. Масалан, истеъмолчилар ташкилоти нархлар назоратини ўтказиш жараёнида улгуржи савдодаги нархларни текшириш билан бир қаторда, савдо ташкилотлари оладиган даромадни ҳам ўрганадилар, ўзгаришлар хусусида хабар берадилар.

Солиқ тўлашдан бўйин товлашға қарши курашиш воситаларига қуйидагилар киради:

- солиқ тизимини такомиллаштириш;
- бир бутун солиқ ставкаларини белгилаш;
- асосланмаган солиқ имтиёзларини рад этиш;

- солиқ техникасини такомиллаштириш;
- солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш борасида халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

Солиқ ҳуқуқбузарликларига қарши кураш воситалари ичида солиқ ҳуқуқбузарликларининг олдини олиш, тўсиқ қўйиш воситаларини ҳамда бу ҳуқуқбузарлик учун жазолаш воситаларини алоҳида ажратиш лозим.

Ҳуқуқбузарликнинг олдини олишда муҳим восита – солиқ назорати бўлиб, уни самарали амалга ошириш солиқ жиноятларининг олдини олиш ва шу орқали солиқ тўловчига катта таъсир кўрсатиш мумкин. Солиқ назоратини амалга оширишда махсус тузилган органларнинг зиммасига муҳим функция юклатилади.

Таянч тушунчалар:

Солиқ, йиғимлар, солиқ ставкалари, солиқ қонунчилиги, солиқ тизими, солиқ турлари, тўғри солиқлар, эгри солиқлар, давлатнинг солиқ сиёсати, солиқ аёвчанлиги, қулай солиқ имтиёзлари, солиқ муҳити, солиқ тўловчилар интизоми.

Савол ва топшириқлар:

1. Солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмунини тушунтириб беринг.
2. Иқтисодчи олимларнинг солиқларга оид қарашларини (Фишер, Вольтер) ёзма шарҳлаб беринг.
3. Солиқлар нима учун зарурият ҳисобланади?
4. Солиқлар қандай вазифаларни бажаради?
5. Солиқларнинг миллий хавфсизликни таъминлашдаги ролини тушунтиринг.
6. Тўғри ва эгри солиқларнинг моҳиятини ёритиб беринг.
7. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси қачон қабул қилинган?
8. Солиқ юки нима?
9. Солиқлар қандай ундирилади?
10. Солиқ органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари нималардан иборатлигини тушунтириб беринг.
11. Солиқ аёвчанлиги нима?
12. Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда солиқ тенденциялари қандай?

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Солиқ – хўжалик юритувчи субъект қонунга мувофиқ амалга оширадиган мажбурий тўлов.

Солиққа тортишнинг базавий муаммоси – адолат ва самарадорликнинг зиддиятли бирлиги.

Солиқ (ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан) – хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида даромадни айна вақтда индивидга, яъни инсон ва жамият аъзоси бўлган, инсон манфаатлари йўлида қайта тақсимлаш борасида юзага келадиган ижтимоий муносабатлар шакли.

Солиқлар – давлат бюджети ёки маҳаллий бюджетларга жисмоний ёки юридик шахслар томонидан товар ва хизматларни ишлаб чиқарганлари ёки ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланганликлари учун мажбурий тўловлар.

Солиқ ҳуқуқи – ҳуқуқий нормаларнинг мажмуи бўлиб, у давлат солиқ тузилмасини аниқлайди, солиқ тизимини белгилаб беради, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш жараёнида ҳосил бўладиган муносабатларни тартибга солиб туради.

Солиққа тортишнинг ҳуқуқий принциплари:

- баробар солиқ юки принципи;
- солиқларни қонунлар орқали белгилаш принципи;
- солиқ қонунларининг орқага қайтиш кучига эга эмаслиги тўғрисидаги принцип;
- солиқ қонунларининг солиқ соҳасига кирмаган қонунларидан устунлик принципи;
- солиқ қонунчилигида барча солиқ элементларининг мавжудлик принципи;
- солиқ қонунчилигини талқин қилишда хусусий мулк эгасининг презумпция принципи;
- халқаро ҳуқуқ меъёрларининг устуворлиги принципи.

Солиқ базаси – солиқ олинадиган пул миқдори.

Солиқ тизими – мамлакатда мавжуд бўлган солиқлар, уларни ундириш шакл ва усуллари, шунингдек тегишли давлат ташкилотлари ва муассасаларининг ўзаро алоқадор бирлиги.

Солиқ ставкаси – солиқ базасининг солиқ тўловчи шахс у ёки бу солиқ тарзида тўлаши лозим бўлган қисми.

Солиқ тўловчи – қонунда солиқ мажбуриятлари юклатилган иқтисодий агент.

Солиқнинг ўртача ставкаси (АТ) – солиққа тортиладиган даромад миқдorigа бўлинган умумий солиқ.

Фискал сиёсат – ҳукуматнинг тўлиқ иш билан бандлик ва нарх даражасининг барқарорлиги шароитида иқтисодий ўсишнинг янги сифати барқарор суръатларда ошиб бориши учун қўллайдиган давлат харажатларини ва солиққа тортиш тартибини ўзгартириш борасидаги чоралари тизими.

Экспансионистик фискал сиёсат – давлат харажатларини кўпайтириш, солиқларни камайтириш ёхуд ушбу чораларни биргаликда қўллаш.

Реструктив фискал сиёсат – давлат харажатларининг қисқартирилиши, солиқларнинг кўпайтирилиши ёхуд ушбу чораларнинг биргаликда қўлланиши.

Солиқнинг энг катта ставкаси (МТ) – даромаднинг ҳар бир қўшимча сўми учун тўланадиган қўшимча солиқ катталиги.

Ҳукумат харидлари – ижтимоий товарлар ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган ҳамда бюджетнинг бир қатор харажатга оид моддаларини – фундаментал фан, миллий муҳофаа, ташқи сиёсатни моддий таъминлаш, маъмурий-бошқарув харажатлари кабиларни қамраб олган харидлар.

Давлат солиқ тизимини давлат томонидан ўрнатилган барча солиқлар, йиғимлар ва бошқа бюджетга ундириладиган мажбурий тўловлар мажмуи, уларнинг тузилиш шакли ва методлари ташкил этади.

Солиққа тортиш субъекти (солиқ тўловчи) – қонунга кўра солиқлар, йиғимлар ва тўловларни ҳуқуқий жиҳатдан тўлаш мажбурияти юклатилган юридик ва жисмоний шахслар.

Солиққа тортиш объекти ёки солиққа тортиш билан боғлиқ объект деганда, солиқ тўловчининг солиқ ҳисобланадиган ва солиққа тортиш учун асос бўлиб хизмат қиладиган даромади ва мол-мулкига айтилади.

Солиқ базаси солиқ солиш объектининг қийматига оид, моддий ёки бошқа тавсифидан иборат бўлиб, унга асосланган ҳолда бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа тўловларнинг суммалари аниқланади.

Солиқ даври деганда, Солиқ кодексига асосан бюджетга тўланиши лозим бўлган айрим солиқ ва бошқа мажбурий тўловларга нисбатан қўлланиладиган, тугаши билан солиқ базаси белгиланадиган ва тўланиши керак бўлган солиқ ва мажбурий тўловларнинг суммаси ҳисобланадиган даврга айтилади.

Бошқача айтганда, солиқ ставкаси бу солиққа тортиш меъеридир.

Унификация – турли хилдаги маҳсулотлар, деталлар, узеллар ва бошқа қўлланиладиган материаллар ва технологик жараёнларнинг рационал жиҳатдан бирхиллигини таъминлаш.

Солиқларни унификация қилиш – солиқ механизмини соддалаштириш мақсадида иқтисодий моҳияти, солиққа тортиш объекти ўхшаш бўлган солиқ турларини бирхиллаштириш.

Преференция – иқтисодиётни мақсадга мувофиқ ривожлантириш ва тартибга солишда айрим соҳа ва тармоқлар, корхона ва ишлаб чиқариш турларига нисбатан берилувчи имтиёз, афзаллик ва устуворликлар.

Солиқ кредити – бюджетга тўланиши лозим бўлган солиқ суммасини маълум муддатга камайтириш, кечиктириш, бўлиб-бўлиб тўлаш ёки солиқни қайтариш шакли.

Солиқ солишининг соддалаштирилган тартиби – солиқ солишининг айрим тоифадаги солиқ тўловчилар учун белгиланадиган ҳамда айрим турдаги солиқларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш, шунингдек улар юзасидан солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг махсус қоидалари қўлланилишини назарда тутувчи алоҳида тартиби.

Солиқ ставкаси – солиқларни ҳисоблашда солиқ базасининг ҳар бир бирлиги ҳисобига тўғри келадиган солиқ меъёрини ифодалайди.

Солиқ юқини энгиллаштириш – солиқларнинг фоиз ставкаларини камайтириш ва имтиёзлар яратиш.

Солиқ имтиёзи деганда, солиқ тўловчиларнинг айрим тоифаларига бошқа солиқ тўловчилар билан қиёслаганда, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган афзалликлар берилиши, шу жумладан солиқ (йиғим) тўламаслик ёхуд кам ҳажмда тўлаш имконияти тушунилади.

Солиққа тортиш объектининг тўловчи билан давлатнинг ўзаро муносабатларига қараб **бевосита** (шахсий даромад солиғи, реал мол-мулк солиғи) ва **билвосита** (индивидуал солиқ, универсал ҚҚС, импорт-божхона божлари) солиқларга бўлинади.

Ҳамма солиқлар иқтисодий моҳиятига қараб тўрт гуруҳга бўлинади:

- истеъмолга қўлланиладиган солиқлар;
- даромадга қўлланиладиган солиқлар;
- мулкка қўлланиладиган солиқлар;
- бошқа солиқлар.

Солиқлар қуйидаги функцияларни бажаради:

- фискал – *бюджетни маблағ билан тўлдирди;*
- ижтимоий (қайта тақсимлаш) – *даромадни қайта тақсимлайди;*

- изга солиб турувчи – *иқтисодий муносабатларни изга солади;*
- назорат қилувчи – *солиқ тизимида ўзгаришлар киритишни аниқлайди;*
- жамловчи – *ягона иқтисодий майдонни ташкил этишга имкон яратади.*

Солиқ мажбурияти – солиқ тўловчи томонидан солиқ тўловларини тўлаш бўйича бир томонлама мажбурият.

Солиқ қонунчилиги – норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мажмуи бўлиб, улар солиқ соҳасидаги ижтимоий муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида умумий солиққа тортиш тартиби, баъзи бир гуруҳ солиқ тўловчиларга алоҳида (махсус) солиқ тартиби қўлланилади. Қорақалпоғистон Республикасида маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

Мол-мулк ва ер солиқлари Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан жорий этилади ва республиканинг бутун ҳудудида ундирилади. Бу солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Қолган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат ҳокимияти органлари томонидан жорий этилади. Бу маҳаллий солиқлар ва йиғимлар ставкаларининг энг юқори миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар маҳаллий бюджетга ўтказилади.

184-модда. Солиқ ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш. Фойда (даромад) ёки солиқ солинадиган бошқа объектларни қасддан яшириш, камайтириб кўрсатиш, шунингдек давлат томонидан белгиланган солиқларни, йиғимларни, бож ёки бошқа тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш, шундай қилмишлар учун маъмурий жазо қўлланилгандан кейин анча миқдорда содир этилган бўлса, – энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади.

Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш: а) такроран; б) кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг бир юз эллик бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Солиқ ёки бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш жуда кўп миқдорда содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Қасддан яширилган, камайтириб кўрсатилган фойда (даромад) бўйича солиқлар ва бошқа тўловлар тўлиқ тўланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди (*Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, 184-модда*).

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Солиқлар – миллий даромадни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида унинг бир қисмини давлат ихтиёрига олиш шартидир.

2. Солиққа тортиш иқтисодий маданиятнинг бир элементи бўлиб, давлатларнинг бозор иқтисодиётига ўтган ёки ўтмаганлигига қарамай, уларнинг ҳаммасига хосдир. Солиқларнинг ҳозирги кундаги ўрни эса ҳуқуқий онг, иқтисод, давлат назорат тизимининг юқори даражадаги ривожланиши натижасида пайдо бўлган.

3. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда кенг миқёсдаги солиқ ислохотлари амалга оширилди. Натижада бозор иқтисодиёти талабларига жавоб берадиган, давлат бюджетини тўлдиришни ва давлатнинг зарур харажатларини молиялаштиришни таъминлайдиган, шунингдек аҳоли даромадларининг ўсишини, иқтисодиётни модернизация қилиш, унинг янги тармоқлари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантирадиган замонавий солиқ тизими яратилди.

4. Солиқ қонунчилиги – бу солиқ тўловчилар ва солиқчи ўртасидаги мажбурият, маълум ҳуқуқий муносабатларни акс эттиради. Солиқ қонунлари солиқларнинг турлари, солиқ объекти, солиқ ставкаси, солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби, солиққа тортиш бўйича имтиёزلарни аниқлаб беради. Ўзбекистонда солиқ қонунчилигини такомиллаштириш, солиқ ҳуқуқини босқичма-босқич камайтириб бориш, солиқ тўловчиларни уларнинг хўжалик фаолиятига асоссиз аралашувлардан ҳимоя қилишни кучайтириш бўйича чора-тадбирлар кўриш билан бир вақтда, солиққа тортиш тизимини такомиллаштириш ва соддалаштириш борасида тизимли ишлар амалга оширилаётир.

1. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти

Қишлоқ хўжалиги Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг муҳим тармоғидир. У аҳолининг қишлоқ хўжалик маҳсулотларига, саноатнинг эса хом ашёга бўлган талабини қондиради. Қишлоқ хўжалигининг хусусияти шундан иборатки, у кўпроқ об-ҳаво ва иқлим шароитига боғлиқ бўлади. Албатта, унда сув ресурслари муҳим рол ўйнайди.

Ҳозирги даврда аҳоли истеъмол қилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг 95–97 фоизга яқини шу тармоқда етиштирилади. Келажакда бошқа тармоқлар изчил ривожланиши натижасида қишлоқ хўжалигининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши бир оз камайиши мумкин. Лекин шунга қарамай, тармоқнинг иқтисодий салоҳияти республика иқтисодиётида сезиларли даражада бўлаверади. Чунки, республикамиз аграр индустрлашган давлатдир.

Ўзбекистон аҳолисининг учдан икки қисми қишлоқларда яшамокда. Жами меҳнат ресурсларининг 40 фоизга яқини қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида қатнашмоқда. Тармоқда маҳсулот етиштириш учун 25,8 млн. га қишлоқ хўжалик ерларидан фойдаланилмоқда. Бу қишлоқ хўжалигида фойдаланилаётган умумий ер майдонининг 74,6 фоизини ташкил этади. Маълумки, энг унумдор ерлар суғориладиган ерлардир. Уларнинг 95,1 фоизидан қишлоқ хўжалигида фойдаланилмоқда.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалигининг мустақиллик йиллари арафасидаги вазияти. Президент Ислам Каримов Ватанамиз пойтахти Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқида «Қишлоқ хўжалик соҳасини, қишлоқ тараққиётини мамлакатимиз ривожининг етакчи кучи сифатида давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасини кўтаришга алоҳида аҳамият берилганлиги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида иқтисодиётимиз негизларини мустаҳкамлашда муҳим омил бўлганлигини» таъкидлаган эди.

Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий тараққиёт модели ва машҳур беш тамойил асосида амалга оширилаётган ислоҳотлар, жумладан, қишлоқ тараққиёти ва фаровонлигини таъминлашга қаратилган туб ўзгаришлар сиёсати ўтган асрнинг 80-йиллари охиридан бошланган

янгилашиш ва бунёдкорлик жараёнининг таркибий қисмидир. Шу ўринда ўша даврларда қишлоқларимизнинг аҳволи, у ерда истиқомат қилувчи аҳолининг турмуш тарзи қандай эди, деган савол туғилади.

Таъкидлаш жоизки, ўша даврда республикамизни собиқ иттифоқнинг хом ашё базасига айлантириш мақсади мустабид тузум манфаатларидан келиб чиқиб амалга оширилар эди. Мамлакат иқтисодиёти асосан бир соҳа – пахтачиликдан иборат бўлиб, бошқа соҳаларга ҳам шу нуқтаи назардан муносабат билдирилар эди. Барча экин майдонларининг бор-йўғи 8–10 фоизига буғдой экилгани ҳам машъум пахта яккаҳоқимлигининг оғир оқибатлари натижаси эди, холос. Шунинг учун ҳам мамлакат ҳаёти учун энг зарур маҳсулотлар – дон, гўшт, сут, картошканинг катта қисми четдан олиб келина бошланди. 1989 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда умумий экин майдонларининг 95 фоиздан ортиғи колхоз ва совхозлар, демак, давлат ихтиёрида эди. XX аср бошида «*Ер – деҳқонларники*» шиори остида ўз ҳокимиятини ўрнатишга муваффақ бўлганлар ҳеч қанча ўтмай коллективлаштириш сиёсатини ўйлаб топган эдилар. Натижада, барча экин майдонлари аҳолидан тортиб олинди. Пировардида 1960–1980 йиллар давомида Ўзбекистонда томорқа ажратиш деярли тўхтаб қолган эди. Ҳатто қишлоқларда ҳам 8 ёки 10 сотих ҳовлида 3–4 оила яшашга мажбур бўлди. Ўша даврда мавжуд экин майдонларининг 4 фоизга яқини шахсий томорқа хўжаликлари ихтиёрида эди, холос. Пахта яккаҳоқимлиги, қишлоқ билан шаҳарни сунъий тарзда яқинлаштириш сиёсати 1989 йилнинг 29 июнига, яъни Ўзбекистонда мамлакат раҳбарияти алмашганига қадар давом этди. Қишлоқ дардини, муаммоларини яхши тушунган, юракдан ҳис этган Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 1989 йил 15 августда **«Қолхозчилар, совхоз ишчилари, фуқаролар шахсий томорқа хўжаликлари ва индивидуал уй-жой қурилишини янада ривожлантириш тўғрисида»** махсус қарор қабул қилинди. Натижада ўта қисқа фурсатда миллионлаб оилаларнинг томорқа участкалари кенгайтирилди, юз минглаб оилалар томорқага эга бўлдилар. Бу эса қишлоқ, аҳолисини ижтимоий хавфсизлигини таъминлаш ҳамда турмуш даражасини оширишда муҳим аҳамият касб этди. Шунингдек, 1990 йил 28 июлда Президентимизнинг **«Қишлоқ аҳолисини ичимлик сув ва табиий газ билан таъминлашни яхшилаш тўғрисида»**ги фармони эълон қилинди. Мазкур фармоннинг қабул қилиниши қишлоқ қиёфасини тубдан ўзгартириш, у ерда яшовчи фуқароларнинг турмуш тарзини

яхшилаш борасида ташланган яна бир муҳим қадам эди. Хуллас, ўша даврда халқимизнинг асрлар давомидаги орзу-истаклари амалга ошиши учун катта имкониятлар эшиги очила бошланган эди.

Бинобарин, жамият ҳаётини модернизациялаш даврида бошқа соҳалар қатори қишлоқ жойларида ҳам ижтимоий инфратузилмани такомиллаштириш, аҳоли турмуш даражасини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади. Миллий иқтисодиётни ривожлантириш, қишлоқда ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маънавий ислохотларни амалга ошириш жараёнида аҳоли турмуш тарзини юксалтириш, фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг маълумотларига қараганда, 1990 йилда республикада аҳолиси истеъмоли учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут ва сут маҳсулотларининг 60 фоизга яқини, картошканинг 50 фоизи, шакар ва қуруқ сутнинг барчаси четдан келтирилган бўлса, ҳозирда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари етиштиришнинг барқарорлиги ҳисобидан аҳолининг асосий истеъмол маҳсулотларига бўлган эҳтиёжи деярли юз фоиз ўз ишлаб чиқаришимиз ҳисобидан таъминланмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистонда аҳоли жон бошига асосий турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш динамикаси, кг

Маҳсулотлар турлари	1991 йил	2011 йил	2011 йил 1991 йилга нисбатан, баробар
Мева	24,0	60,1	2,5 баробар
Ўзум	24,0	35,1	1,4 баробар
Сабзавот	138,6	225,0	1,6 баробар
Картошка	15,1	60,5	4,0 баробар
Полиз маҳсулотлари	39,0	42,0	1,07 баробар

Манба: Ўзбекистон Республикасининг Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги.

Мустақиллик йилларида аграр соҳада босқичма-босқич олиб борилган изчил ислохотлар туфайли республикада асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш миқдори

барқарор ўсиб борди. Жумладан, 2011 йилда 1991 йилга нисбатан аҳоли жон бошига гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 31 килограммдан 38 *килограммга* ёки 122,6 фоизга, сут маҳсулотлари 183 *килограммдан* 239 *килограммга* ёки 130,3 фоизга, тухум 97 донадан 138 донага ёки 142,3 фоизга ошган.

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси аниқ-равшан белгилаб олинди. Мазкур стратегия замирида қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, пахта яккаҳокимлигига барҳам бериш, юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, ғалла билан таъминлаш, бир сўз билан айтганда, озиқ-овқат мустақиллигига эришиш вазифаси мужассам эди. 1998 йилда қишлоқда фаол институционал ўзгаришлар босқичи бошланди. Аграр ислохотлар ҳамма жойда бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулк шаклини ривожлантиришга қаратилди.

Зарар кўриб ишлаётган ҳамда самараси паст жамоа ва кооператив хўжаликлари тугатилиб, уларнинг ерлари узоқ муддатли ижарага хусусий фермер хўжаликларига ёки умрбод мерос ҳуқуқи билан деҳқон хўжаликларига берилди. Фермерлик ҳаракатини ривожлантириш учун давлат томонидан катта имтиёзлар берилди, хусусий фермер хўжаликларининг экин майдонларини мақбуллаштириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, пахтанинг тезпишар ва серҳосил навларини яратиш, шунингдек, пахта навларини ҳар бир ҳудуднинг тупроқ-иқлим шароити ва сув билан таъминланиш даражасини инобатга олган ҳолда, районлаштириш бўйича кенг миқёсдаги ишлар амалга оширилди.

Аграр соҳадаги ислохотлар натижасида хусусий фермер хўжаликларининг тўлиқ иқтисодий ва молиявий мустақиллигини таъминлайдиган ва уларга мерос ҳуқуқи билан узоқ муддатга ижарага берилган қишлоқ хўжалиги ер ресурсларидан мақсадли, оқилона ва самарали фойдаланишни рағбатлантирадиган ҳуқуқий шарт-шароит ва кафолатлар яратилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Ер кодексида фермер хўжаликларига ер майдонларини 50 йил муддатга ижарага бериш мустаҳкамлаб қўйилган.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни молиялашнинг бозор принципларига тўлиқ жавоб берадиган ва фермер хўжаликлари учун қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотишдан тушган ўз даромадлари ҳисобидан барча харажатларни қоплашда молиявий маблағлардан фойдаланиш усули ва шаклини

танлашда уларнинг мустақиллигини таъминлайдиган ишончли тизим яратилди. Аграр соҳадаги ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ижобий ўзгаришларга эришиш ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши, қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигининг ошиши учун замин бўлмоқда.

Мустақиллик йилларида мухтарам Президент Ислон Каримовнинг ташаббуси ва бевосита раҳнамолигида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш бўйича жуда катта ишлар амалга оширилди. Ишлаб чиқаришга фан-техника ютуқларини, янги техника ва илғор технологияларни жорий этиш ишлари йилдан-йилга жадаллашиб бормоқда. Чекланган ер ва сув ресурсларидан, капитал ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлиги юксалмоқда. Республикамиз аграр тармоғида амалга оширилаётган туб иқтисодий ислоҳотлар ва таркибий ўзгаришлар натижасида қишлоқ хўжалигининг асосий иқтисодий кўрсаткичлари барқарор ўсиб бормоқда (Қуйидаги жадвалларга қаранг).

2-жадвал

Модернизация стратегиясини амалга ошириш йилларида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик ўсиш суръатлари, фоизда

Йиллар	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Фоиз	105,4	106,7	106,1	104,5	105,7	106,8	106,6

3-жадвал

Мустақиллик йилларида ялпи ички маҳсулотда қишлоқ хўжалигининг улуши, фоизда

Йиллар	1990	2000	2005	2006	2007	2008	2009	2010	2011
Фоиз	33,4	30,1	26,3	25,1	21,7	19,4	18,2	17,5	17,1

Ўтган 2005–2011 йиллар давомида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулотининг ўртача йиллик барқарор ўсиш суръатлари динамикаси таъминланди. Хусусан, бу кўрсаткич 2005 йилда 105,4 фоизни ташкил этган бўлса, 2011 йилда 106,6 фоизга тенг бўлди. Мамлакат ялпи ички маҳсулотида қишлоқ хўжалиги ялпи маҳсулоти

салмоғининг 1990 йилдаги 33,4 фоиздан 2011 йилда 17,1 фоизга пасайиши ижобий ҳолдир. Бу, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётида индустриал саноат тармоқлари ва хизматларнинг жадал ривожланиб бораётгани билан изоҳланади.

Истиқлол йилларидаги туб ўзгаришлар кўп укладли, яъни тенг ҳуқуқли, дахлсиз, давлат ҳимоясидаги турли хил мулк шаклларини мустаҳкам қарор топтириш жамият иқтисодий асосларини яратишга қаратилган бўлиб, бу ислоҳотларни амалга оширишнинг асосий масалаларидан биридир. Ушбу жараён қишлоқ хўжалигида мулкдорлар синфи манфаатларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор қаратиш зарурлигини англатади. Ана шу сабабдан ҳам Президент Ислон Каримов: «Қишлоқ хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш, фермерлик ҳаракатини қўллаб-қувватлаш, моддий ва молиявий базасини мустаҳкамлаш, уларга янада кенг йўл очиб бериш, бу борада янги имтиёз ва имкониятларни туғдириш, қисқача айтганда, қишлоқда пайдо бўлаётган мулквий муносабатларни, янги ўрта синф вакиллари – мулкдорлар, тадбиркорлар ва ишбилармонларнинг манфаатларини ҳимоялаш бугунги кунда энг катта аҳамиятга эга», – деб алоҳида таъкидлангани бежиз эмас. Албатта, юқоридаги масалаларнинг ҳал қилиниши бу соҳада ўзининг ички самарали ривожланиш тузилмасига эга бўлган, шу билан бирга, давлат томонидан қўллаб-қувватланиб бориладиган ягона ишлаб чиқариш тизимини янада такомиллаштиришга олиб келади.

Қишлоқ хўжалиги асосий мақсадига эришиши учун турли хилдаги маҳсулотлар етиштирилади, ишлар, хизматлар бажарилади, улар талабни қондириш мақсадида тақсимланади, сотилади. Маъмурий буйруқбозликка асосланган, марказдан режали бошқарилган иқтисодиётдан эркин бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтиш шароитида давлат устуворлигида қишлоқ хўжалигида талабга жавоб берадиган, самарали ҳуқуқий, ташкилий иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизими яратилмоқда, мулкчиликнинг турли шакллари барпо этилмоқда, натижада эркин мулквий муносабат вужудга келмоқда, тадбиркорликнинг ҳар хил турларини яратиш, уларни ривожлантириш йўлидан борилмоқда, ер-сув ислоҳотлари амалга оширилмоқда, тармоқнинг чекланган ишлаб чиқариш ресурслари (ер-сув, капитал, меҳнат, тадбиркорлик қобилияти)дан самарали фойдаланиш, ишлаб чиқарилган маҳсулотларни сотиш, даромад, фойда ва уларнинг тақсимланиши, инвестицияларни жалб этиш, улардан самарали фойдаланиш, тармоқ ишлаб чиқаришини

мақсадга мувофиқ жойлаштириш, ихтисослаштириш ҳамда агросаноат интеграциясини халқаро муносабатлар асосида ташкил этиш ва ривожлантириш билан боғлиқ бўлган иқтисодий муносабатлар тизими яратилиб, улар такомиллаштирилмоқда, ривожлантирилмоқда.

Юқорида таъкидланган иқтисодий муносабатлар тизимини яратишда халқимиз ҳамда қишлоқ хўжалигининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олган ҳолда табиий, ижтимоий, иқтисодий қонунлар, иқтисодий категориялар талабларидан оқилона фойдаланиш тақозо этилади. Демак, қишлоқ хўжалигининг барқарор иқтисодий асосини, такрор ишлаб чиқариш жараёни ривожлантирилишини таъминлайдиган иқтисодий муносабатлар тизимини яратиш ва уларни ҳаётга жорий этиш масалаларини, йўлларини ўргатиш «иқтисодиёт назарияси» ҳамда «Қишлоқ хўжалиги иқтисодиёти» фанининг ҳам предмети, ҳам мақсади ҳисобланади. Иқтисодиёт назарияси предмети (мақсади)ни ҳал этиш учун қуйидаги асосий вазибалар ечимининг назарий, услубий асосларини ўргатиш лозим:

- қишлоқ хўжалигининг босқичма-босқич ривожланишини, унинг республика иқтисодиётидаги ўрни, аҳамияти ҳамда ўзгариш қонуниятларини аниқлашни;

- қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлигини, унда амалга ошириладиган аграр-иқтисодий ислохотлар мазмуни ва моҳиятининг ҳолатини, уларнинг ривожлантириш йўлларини, масалаларини кўрсатиш;

- қишлоқ хўжалигида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик турлари, уларнинг фаолиятига баҳо бериш ва такомиллаштириш йўллари;

- қишлоқ хўжалигининг чекланган ер-сув, меҳнат ресурслари, инвестициялар ва улардан тадбиркорлик билан самарали фойдаланиш даражасига иқтисодий баҳо бериш тартибини ўрганиш, уларни такомиллаштириш ва ривожлантириш йўлларини асослаб бериш;

- қишлоқ хўжалигида амалга ошириладиган доимий ва ўзгарувчан, ўртача харажатларни, уларнинг таркиби ва камайтириш йўлларини, етиштирилган маҳсулотнинг ҳажмини, сифатини, самарали тақсимланишини ҳамда пул оқимларини ўргатиш;

- қишлоқ хўжалигида иқтисодий муносабатларни амалга оширишда фойдаланиладиган баҳоларнинг тизимини, таркибини, мазмунини, даромад ва фойдани аниқлаш, уларни оқилона тақсимлаш йўлларини кўрсатиш;

- кишлок хўжалиги ишлаб чиқаришининг қай даражада ихтисослашганлигини, жойлашганлигини ҳамда ички ва ташқи интеграциялашганлигини ва бошқа масалаларини ўрганиш.

Бозор иқтисодига ўтишда кишлок хўжалигига давлат раҳбарлиги ва амалга оширилаётган аграр-иқтисодий ислохотлар.

Қишлоқ хўжалиги республика халқ хўжалигининг энг муҳим ва йирик тармоғи. Шунинг учун ҳам бу тармоқда ўтиш даврида бозор иқтисоди талабларига жавоб берадиган муносабатлар тизимини барпо этиш объектив зарурият ҳисобланади. Чунки маъмурий-буйруқбозлик асосида марказдан режали бошқарилган иқтисодиёт шароитида қишлоқ хўжалигидаги давлат якка ҳокимлиги (қанча майдонга қандай экинлар экилиши, қандай маҳсулотларни, қанча миқдорда ишлаб чиқариш зарурлиги, уларни қатъий белгиланган баҳоларда сотиб олиш, ишлаб чиқариш воситалари билан таъминлаш, даромадни тақсимлаш, мулкий муносабатларда ва бошқаларда) тармоқда бозор иқтисоди муносабатларини талаб даражасида шакллантириш имкониятини бермайди. Дарҳақиқат, бозор иқтисоди аввалги иқтисоддан тубдан, шаклан ва мазмунан фарқ қилади. Бозор иқтисодига ўтишда, шунингдек, бозор иқтисоди шароитида қишлоқ хўжалигида маълум муносабатларни қонунлар доирасида ҳал этишда давлатнинг раҳбарлиги бўлиши лозим. Лекин у қишлоқ хўжалигидаги корхоналарнинг тўлиқ эркинлиги билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши зарур. Қишлоқ хўжалигига давлат раҳбарлигини асосан давлат бош ислохотчи сифатида муттасил амалга ошириши мақсадга мувофиқдир. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов: «Аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари ислохотларнинг дастлабки босқичида ҳамда Ўзбекистоннинг бозорга ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Биз қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлашни, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатидан янги асосларда қайта тиклашни ўз олдимизга вазифа қилиб қўйдик», – деб таъкидлаган эди. Шунга асосланган ҳолда давлат қишлоқ хўжалигида бозор иқтисоди муносабатларини барпо этиш мақсадида ислохотлар мажмуини ишлаб чиқди ва уларнинг ҳуқуқий асосларини ҳам яратмоқда. Бунга Республика Олий Мажлиси томонидан қабул қилинган қонунлар, Президентнинг фармонлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари яққол мисол бўлади. Масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар тўғрисида», «Мулк тўғрисида», «Ижара тўғрисида», «Тадбиркорлик

тўғрисида», «Давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш тўғрисида», «Инвестициялар тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида», «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида», «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик корхоналарини санация қилиш тўғрисида», «Қишлоқ хўжалик кооперативлари (ширкатлар) тўғрисида», «Фермер хўжалиги тўғрисида»ги қонунлари, шунингдек, «Ер кодекси», «Меҳнат кодекси».

Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари контрактация шартномаларини тузиш ва бажариш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори.

Республика Президентининг «Иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, хусусий мулк манфаатларини ҳимоя қилиш ва тадбиркорликни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва бошқа фармонлари шулар жумласидан.

Мамлакатимизда давлат раҳбарлигида қишлоқ хўжалигини молиялаш, кредитлаш ҳамда солиқ тизимлари ишлаб чиқилиб, улар ҳаётга босқичма-босқич татбиқ қилинмоқда. Давлат, шунингдек, фан, техника, илғор ва самарали технологиялар тизимларини тармоқ миқёсида ишлаб чиқишга ҳам, қишлоқ аҳолисини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишга ҳам раҳбарликни амалга оширмоқда. Қишлоқ хўжалигида давлатнинг бевосита раҳбарлигида аграр ислохотларнинг негизи ҳисобланган ер ва мулк ислохотлари амалга оширилмоқда, давлат ва жамоа хўжаликлари негизда шакллланган ва мазмунан янги жамоа, ширкат, фермер, деҳқон хўжаликлари, қўшма корхоналар ташкил этилмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги давлат корхоналарига давлатнинг раҳбарлик кўлами нодавлат хўжаликларга нисбатан кўпроқ. Шу билан биргаликда ўтиш даврида давлат талабини эътиборга олган ҳолда жамоа ва ширкат, фермер хўжаликларига ҳам қанча пахта, ғалла ва шоли маҳсулотлари етиштириш давлат буюртмаси шаклида белгилаб қўйилган. Бу ҳол кейинчалик камайиб, уни эркин бозор қонунлари асосида шартномалар бўйича амалга ошириш таъминланади. Демак, келажакда қишлоқ хўжалигига давлатнинг раҳбарлиги янада такомиллаштирилади. Бунинг учун давлатнинг узок муддатга мўлжалланган дастурлари ишлаб чиқилади. Уларда томонларнинг манфаатларига алоҳида эътибор бериш мақсадга мувофиқдир. Дарҳақиқат, ишлаб чиқаришнинг равнақини фақат манфаат таъминлайди. У моддий, маънавий ва бошқа шаклларда амалга оширилади.

Давлат бу тармоқ билан алоқадор бўлган тармоқларни ҳам (хизмат кўрсатувчи, қайта ишловчи, сотувчи) ислоҳ қилишга алоҳида эътибор берди. Натижада бу тармоқлардаги давлат корхоналари давлат акциядорлик корхоналарига, ташкилотларига айлантирилди. Масалан, пахта заводлари, ун, нон, ёғ-мой, гўшт комбинатлари, консерва заводларидир. Натижада шу тармоқларда бозор муносабатларини эркин амалга ошириш имкониятига эга бўлган турли шаклдаги мустақил корхоналар, бирлашмалар, уюшмалар ташкил этилди. Уларнинг серқиррали фаолиятларини самарали бошқаришни таъминлаш қобилиятига эга бўлган тармоқ ташкилотлари ҳам давлатнинг бевосита раҳбарлигида ташкил этилиб, такомиллаштирилмоқда. Чунончи, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги Мелиорация ва сув хўжалиги вазирлиги билан уйғунлаштирилиб, ягона Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигига айлантирилди. Унга 2001 йилда Ўрмон хўжалиги давлат қўмитаси ҳам қўшиб юборилди. 2003 йилда шу вазирлик таркибига «Ўзгўштсутсаноати», «Ўзпаррандасаноат» акционерлик тармоқлари ҳам қўшиб юборилди. Натижада бу йирик вазирликнинг мақсади ва вазифаси тубдан ўзгартирилди. У ҳозирги даврда қишлоқ, сув ҳамда ўрмон хўжаликларида иқтисодий ислоҳотларнинг самарали тизимларини ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш билан шуғулланмоқда.

Ер ислоҳоти. Республикамиз қишлоқ хўжалигини барқарор ривожлантиришда ер-сув ресурсларининг аҳамияти беқиёс. Чунки улар ёрдамида мамлакатимиз ички ялпи маҳсулотининг тўртдан уч қисми, халқимиз истеъмол қилаётган маҳсулотларнинг 95 фоизи етиштирилмоқда. Шундай экан, улардан келажакда янада тўлиқроқ, самаралироқ фойдаланиш долзарб муаммо ҳисобланади. Уни ҳал этиш мақсадида республика ҳукумати томонидан сиёсий, ҳуқуқий, ташкилий, иқтисодий ҳамда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Чунончи, ер, сув, мулк тўғрисидаги қонунлар, кодекслар қабул қилинди. Уларда республикада ерларга, сувларга эгалик қилиш, улардан мақсадга мувофиқ ҳамда самарали фойдаланиш борасидаги муносабатлар тизими ва уларни амалга ошириш тартиби кўрсатилган. Ер-сув ресурсларига эгалик қилишнинг ҳуқуқий асоси – Ўзбекистон Конституциясининг 55-моддасида: «Ер ... сув ... умуммиллий бойликдир, улардан оқилона фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир», – деб алоҳида таъкидланган.

Республикамиз жами ер майдони умуммиллий бойлик, давлат мулки сифатида эгалик қилиш Ўзбекистон Олий Мажлиси зиммасига юклатилган. Олий Мажлис ўз ваколатидаги ер муносабатларининг айрим масалаларини халқ депутатлари қишлоқ, шаҳар, посёлка, туман ҳамда вилоят кенгашлари ва уларнинг ижроия қўмиталари зиммасига юклаган. Улар юқорида келтирилган қонун талабларидан келиб чиққан ҳолда ерларни улардан оқилона, самарали фойдаланиш мақсадида фойдаланувчиларга маълум муддатга ҳақ тўлаш эвазига фойдаланишга бермоқдалар. Демак, улар ер ислохотини амалга оширишга масъулдирлар. Чунки улар ерларни самарали фойдаланиш учун ҳақиқий эгасига бериш билан боғлиқ масалаларни ҳал этадилар.

2. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари

«Республика саноатининг кўпгина тармоқларини, жумладан, пахта тозалаш, тўқимачилик, кимё саноатини, қишлоқ хўжалиги машинасозлигини ва бошқаларни ривожлантириш истиқболлари, уларнинг мураккаб ўтиш давридаги иқтисодий аҳволи бевосита қишлоқ хўжалигига боғлиқдир»¹.

Аграр муносабатлар ва қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари. Қишлоқ хўжалигида ердан фойдаланиш жараёнида асосий ишлаб чиқариш воситаси (меҳнат воситаси ва меҳнат предмети) намоён бўлади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришнинг натижалари ернинг ҳосил бериш қобилиятига, яъни тупроқ унумдорлигига боғлиқ. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш жараёни тирик организмлар (ўсимлик ва ҳайвонот дунёси)нинг ўсиши ва ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Аграр муносабатлар ва қишлоқ хўжалигидаги такрор ишлаб чиқариш жараёни иқтисодий қонунлар билан бирга, табиат қонунлари таъсири остида рўй беради.

Аграр соҳада кўпчилик ишлаб чиқариш воситалари (чорва моллари, кўп йиллик мевали дарахтлар, уруғлик ва ҳ.к.) тармоқнинг ўзида вужудга келтирилиб, яна ишлаб чиқариш жараёнига киритилади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мавсумий хусусиятга эга. Бу тармоқдаги меҳнат воситаларидан фойдаланиш даврини ҳам чеклайди. Масалан, сеялкалар экиш даврида, ғалла

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 225–226.

Ўриш ва пахта териш комбайнлари фақат йиғим-терим пайтида қисқа давр (бир–икки ой) ишлатилади. Қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш мавсумийлиги сабабли айланма капитал ва маблағлар сарфи ҳамда маҳсулот сотишдан олинадиган пул тушумлари йил давомида бир меъёردа бормайди. Қишлоқ хўжалик экинлари ўсишининг вегетация даври ва табиий омиллари таъсирида ишлаб чиқариш вақти ва иш даври ўртасида катта фарқ мавжуд бўлади.

Бозор муносабатлари иқтисодиётнинг ҳамма жабҳаларини, жумладан, қишлоқ хўжалигини ҳам ўз ичига олади. Мазкур тизимда аграр муносабатлар алоҳида ўрин тутаяди. Ер билан боғлиқ иқтисодий муносабатлар *аграр муносабатлар* дейилади. Бу муносабатларнинг объекти ер бўлса, унинг субъектлари ер эгалари, ерда хўжалик юритувчилар, ниҳоят, ерга меҳнат сарф қилувчи кишилар ҳисобланади.

Бозор тизими аграр муносабатларга янгича мазмун беради:

- ернинг товарга айланиши;
- ерга хилма-хил мулкчиликнинг пайдо бўлиши;
- ернинг тадбиркорлик объекти бўлиши;
- ернинг гаровга қўйилиши;
- ер учун пул шаклида рента ундирилиши;
- агробизнеснинг махсус фаолият турига айланиши.

Аграр муносабатларнинг объекти бўлган ер махсус ресурс бўлганидан, у билан боғлиқ ўзига хос иқтисодий алоқалар ҳам келиб чиқади. Ер ҳар қандай ишлаб чиқаришнинг умумий шарти. Ердан ташқарида ишлаб чиқаришнинг бўлиши мумкин эмас. Қишлоқ хўжалиги учун ер асосий ишлаб чиқариш омили вазифасини ўтайди. Маълумки, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқариш икки ёқлама характерга эга, *биринчидан*, у иқтисодий жараён бўлса, яъни инсон меҳнати натижасида юз берса, *иккинчидан*, у табиий-биологик жараён бўлиб, маҳсулот етиштириш табиий омилларга, масалан, ўсимлик ёки ҳайвонларда кечадиган биологик ўзгаришларга, иқлим шароитига, об-ҳавонинг қандай келишига, тупроқнинг табиий хоссаларига боғлиқ.

Ернинг ўрнини эса ҳеч бир ресурс боса олмайди, шу жиҳатдан у ўта ноёб ва асосий ресурс ҳисобланади. Унинг асосийлиги шундаки, ер бошқа ресурсларга қўшимча сифатида амал қилмайди. Масалан, саноатда станокларга қўшимча ресурс сифатида компьютер ва унинг дастурлари қўлланилади. Ерни эса бошқа ресурс билан алмаштириб

бўлмайди, унинг муқобил ишлатиш усуллари ўта кўпдир. Шу сабабли ерга талаб муттасил ошиб боради. Бу талаб ер билан боғлиқ бўлган ишлаб чиқаришнинг кенгайиши ва ернинг унумдорлигига қараб ўзгаради.

Ерга икки хил монополия мавжуд. *Биринчидан*, ер кадр-қиймати баланд ресурс сифатида мулкдор монополиясида туради, яъни эгаси йўқ ер бўлмайди. Ер чекланган миқдорда бўлганидан уни мулк сифатида ҳам кўпайтириб бўлмайди. Бундай ҳодиса ерга маблағ сарфлашни унинг эгасига боғлиқ қилиб қўяди. Ер эгасининг мулкдор сифатида манфаати бор, яъни у ўз еридан наф кўриши керак. Шу сабабли ер ишлатиш учун текинга берилмайди, эгасига ундан фойдаланиш ҳақини тўлаш зарур. *Иккинчидан*, ер хўжалик юритиш объекти сифатида эгаллаб олинади, яъни ерда турли хўжаликлар ташкил топади, яроқли ер бўш турмайди.

Фермер хўжалиги – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқариши билан шуғулланувчи, мустақил хўжалик юритувчи субъект.

Фермер хўжалигининг яшовчанлиги унинг афзаллигида. Бу хўжаликнинг самарадорлиги, бинобарин афзаллиги қуйидагилар билан изоҳланади:

– фермер хўжалигида меҳнат ва мулк бевосита кўшилади, фермер ўз мулкида ўз меҳнати билан ишлайди. Ёлланма меҳнат кўшимча аҳамиятга эга. Фермер ўзи учун ишлайди;

– фермер хўжалиги мутлақо мустақил, бирон-бир тарзда монополлашмаган хўжалик, унинг фаолиятини бозор қонунлари бошқаради;

– фермер хўжалигида тадбиркорлик ва меҳнат функцияси узвий кўшилади. Бу ерда ишбилармонлик ва меҳнатсеварлик биргаликда амал қилганидан, иқтисодий манфаат ва масъулият ягона фаолиятнинг икки томонини ташкил этади;

– фермер хўжалиги соҳибкор деҳқон хўжалиги бўлганидан, бу ерда кам фойда билан ҳам қаноатланиш мумкин, чунки у давлатнинг ёрдамига таянади;

– фермер учун унинг хўжалиги фақат даромад манбаи эмас, балки унинг уйи, оиласи истиқомат қиладиган жой, унинг ишонган таянчи. У ўз хўжалигини ўта қадрлайди, шу сабабли унинг ривожини учун ўз меҳнатини аямайди.

Республикамиз қишлоқ хўжалигида босқичма-босқич амалга ошириб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил

этиш асосида уларнинг қуйидаги асосий йўналишларини ажратиб кўрсатиш мумкин:

- мулкый ва таркибий ислохотлар;
- ердан фойдаланиш борасидаги ислохотлар;
- сув ва сувдан фойдаланиш муносабатларидаги ислохотлар;
- молия-кредит, солиқ ва суғурта соҳасидаги ислохотлар;
- нарх-наво тизимидаги ислохотлар.

Аграр соҳада амалга оширилаётган мулкый-таркибий ислохотларда, биринчи навбатда, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, турли мулк шакллариغا, энг аввало, хусусий мулкчиликка асосланган хўжалик юритиш шаклларини жорий этишга муҳим эътибор қаратилди.

Қишлоқ хўжалигини ислох қилишнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат бўлди:

Ерга мулкчилик масаласининг ҳал этилиши. Ўзбекистон Республикасининг «Ер тўғрисида»ги қонуни қабул қилиниб, ерга қандай муносабатда бўлиш зарурлиги кўрсатиб берилди. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида ер хусусий мулк қилиб сотилмаслиги, балки уни узоқ муддатли ижара шартлари билан топшириш мумкинлиги таъкидланди.

Ерга муносабат масаласини ҳал этишда деҳқонда ерга хўжайинлик туйғусини қайта тиклаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис Ўзбекистонда ерни мерос қилиб қолдириш ҳукуқи билан узоқ муддатга (49–50 йилга, бу масала 1999–2000 йиллардан бошлаб, шу тарзда ҳал қилина бошланди) ижарага бериш йўли билан эришилади.

Давлатнинг ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга ёрдам кўрсатишини сақлаб қолиш. Ўзбекистонда 4,2 млн. гектар суғориладиган ер бўлиб, шунинг 50 фоизидан сал кўпроғи яхши ҳолатда, қолган ерлар яхшилаш ва мелиорация ишлари олиб боришни талаб қилади. Бунинг учун катта харажат керак. Ҳозир бирор фермер ирригация ва мелиорация ишларини мустақил амалга ошира олмайди. Шу боис давлат мелиорация тармоғини лойиҳалаш, қуриш, ерларнинг шўр босиши, ботқоқланишининг олдини олиш масалаларини ҳал қилади.

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада барқарор ривожлантириш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш ва шу асосда қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини кўпайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш мақсадида мелиорация тизимларини қуриш ва таъмирлаш қилиш

чора-тадбирларини амалга оширишга комплекс ёндашувни таъминлашга қаратилган 2008–2012 йилларда «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури» қабул қилинди. Мелиорация ишларини молиялашнинг ишончли механизмини таъминлаш мақсадида «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси» ташкил этилди. Ерларнинг унумдорлигини ошириш борасидаги ишларни молиялаштириш йўли билан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига давлат ёрдамини кўрсатиш мазкур жамғарманинг асосий вазифасидир.

Қуйидагилар қишлоқ хўжалигида олиб борилаётган ислохотларнинг сифат натижаси тариқасида намоён бўлди:

– ишлаб чиқариш самарадорлиги ошди, натижада асосий қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлиги ўсди;

– хусусий фермер хўжаликларида рентабеллик ортди ва озиқ-овқат маҳсулотларини барқарор тарзда ишлаб чиқариш борасида мамлакатимизда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлайдиган даражада ижобий ўзгаришлар юз берди.

4-жадвал

**Асосий турдаги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги
(гектарига центнер ҳисобида)**

	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Пахта хом ашёси	22,6	22,8	25,6
Дон экинлари	20,2	28,2	44,2
Картошка	80,0	129,3	194,9
Сабзавот	192,0	183,8	252,5
Полиз	115,0	132,4	192,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Шу билан бирга, ўтган давр мобайнида орттирган тажрибамиз фермерликни янада ривожлантириш учун бир қатор жуда муҳим муаммоларни, хусусан, фермер хўжаликларининг барқарорлиги, энг муҳими, уларнинг самарадорлигини ошириш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишни қатъий талаб этмоқда. Фаолият юритаётган аксарият фермер хўжаликларининг иш тажрибаси шундан далолат берадики, уларни шакллантиришнинг дастлабки босқичида ажратиб берилган ер майдонларининг камлиги маҳсулот

ишлаб чиқариш рентабеллигининг ўсишига кўп жиҳатдан тўсқинлик қилмоқда.

Имконияти, куч-қуввати кам бўлган фермер хўжаликлари ўзини зарур техника, айланма маблағ билан таъминлаш, кредит қобилиятига эга бўлиш, энг асосийси, ўз харажатларини қоплаш ва фойда кўриб ишлаш, даромадни оширишнинг ишончли асосига айлана олмаслигини бугун ҳаётнинг ўзи кўрсатмоқда. Шу боис, ер майдонларини тўлиқ инвентаризациядан ўтказиш ва фермер хўжаликлари фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонларини оптималлаштириш борасида кенг кўламли, шу билан бирга, пухта ўйланган ишлар амалга оширилди. Бунда фермер хўжаликларининг қайси соҳага ихтисослашгани ва мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги аҳоли зичлиги алоҳида эътиборга олинди.

Ана шу ишлар натижасида фермер хўжаликлари учун ажратилган ер майдонлари бугунги кунда пахтачилик ва ғаллачиликда ўртача 37 гектардан 93,7 гектаргача кўпайди ёки 2,5 баробардан зиёд ошди. Бу кўрсаткич сабзавотчиликда 10 гектардан 24,7 гектаргача ёки 2,5 баробар, чорвачиликда эса 154 гектардан 164,5 гектаргача кўпайди.

Фермер хўжаликлари техника воситаларини имтиёзли шартлар бўйича лизинг асосида харид қилиши учун техника бошланғич нархининг 15 фоизини тўлаб, қолган 85 фоизини 10 йил муддат ичида тўлаш имкониятига эга бўлди. Бунда лизингдан фойдалангани учун йиллик фоиз тўловлари Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан ошмайдиган қилиб белгиланди. Аграр соҳада амалга оширилаётган нарх ислоҳоти қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига нарх белгилашда эркин бозор муносабатларини босқичма-босқич жорий этишга йўналтирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 20 августдаги «Пахта нархини шакллантириш механизми тўғрисида»ги ПФ-3114-сонли фармонида асосан, давлат томонидан сотиб олинаётган пахта хом ашёсининг нархини жаҳон бозоридаги нархлар даражасидан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 декабрдаги ПҚ-1024-сонли қарорига мувофиқ, 2009 йилда давлат бюджети параметрларида экспортга сотиладиган пахта толаси бўйича 20 фоизлик кўшилган қиймат солиғи (КҚС) тўлашдан пахта тозалаш корхоналари озод этилди, натижада шу миқдорда фермерларга пахта учун тўланадиган харид нархлари оширилди. Шу

орқали давлатимиз томонидан пахта етиштирувчи фермер хўжаликларини ва тайёрлов корхоналарини рағбатлантириш кўзда тутилган бўлиб, пахта толасининг ички нархларини жаҳон бозоридаги нархларга тенглаштириш чоралари кўрилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кунда жаҳон бозорида пахта толаси нархларининг бирмунча юқори эканини инобатга олган ҳолда, нарх бўйича юзага келган ижобий фарқнинг 25 фоизини фермер хўжаликлариغا тўлаб бериш бўйича тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда. Жумладан, 2011 йил давомида фермер хўжаликлариغا йўналтирилган ижобий фарқ суммаси 403 315 миллион сўмни ташкил этди. Бу ҳолат жаҳон бозорида қулай конъюнктура вужудга келган йилларда фермер хўжаликларининг барқарор даромад олиши учун янги имкониятлар очади.

Давлат томонидан сотиб олинаётган ғалла нархларини эса минтақавий бозорлардаги нархлардан келиб чиққан ҳолда белгилаш тизими жорий этилди. Бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нархлари бозордаги талаб ва таклифдан келиб чиққан ҳолда, шартнома асосида белгиланмоқда. Кейинги йилларда фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш учун маблағлар ажратиш амалиётда қўлланмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 5 ноябрдаги «Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжи учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштираётган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида» ПҚ-725-сонли қарорида фермер хўжаликларини барқарор ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, уларга самарали ва амалий давлат мададини кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси давлат бюджетида ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун мақсадли маблағлар ажратиш, Молия вазирлигига ҳар йили давлат бюджети лойиҳасини шакллантиришда мазкур мақсадларга ер солиғи бўйича тушумлар ҳисобидан маблағлар ажратиш вазифаси юклатилди.

Мазкур қарорга мувофиқ, балл бонитети паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун пахта хом ашёси етиштириш билан шуғулланаётган фермер хўжаликларини молиявий қўллаб-қувватлашга давлат

бюджетидан ажратилаётган маблағлар қиймати 2008 йилдаги 60 миллиард сўмдан 2012 йилда 160 миллиард сўмга ошди.

5-жадвал

Ҳосилдорлиги паст ерларда давлат эҳтиёжлари учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчи фермер хўжаликларида давлат бюджетидан ажратилаётган субсидиялар қиймати, миллиард сўмда

Йиллар	2008	2009	2010	2011	2012
Миллиард сўм	60	120	130	140	160

Ушбу маблағлар фермерларнинг хизмат кўрсатувчи ва таъминотчи ташкилотлар олдидаги қарзларини қисқартиришда салмоқли манба бўлмоқда.

Республикада озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш юзасидан жами 575 гектар ер майдонларида интенсив боғлар барпо этилди. Бу боғларда юқори истеъмол хусусиятига эга ва серҳосил бўлган мевали дарахт кўчатлари экилмоқда. Бундай боғларнинг яратилиши мамлакатимиз аҳолисини сифатли мева маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш имконини яратади. Биргина 2011 йилнинг кузи ва 2012 йилнинг баҳорида жами 7661 гектар майдонда янги мевали боғлар, шундан 2110 гектар ер майдонига интенсив боғлар барпо этиш, 8518,8 гектар майдондаги боғларни қайта экиш учун реконструкция қилиш белгиланган.

Мамлакатимиз аҳолисини мева ва сабзавотлар билан йил давомида бир меъёردа таъминлаб бориш учун кенг тармоқли совитиш камераларига эга бўлган омборлар тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 апрелдаги 105-сонли қарорига мувофиқ, аҳоли ва ташқи бозорларга йил давомида мунтазам мева-сабзавотларни соф ҳолда етказиб бериш мақсадида 2011–2015 йилларда 120,8 минг тонна сиғимга эга янги совитиш камераларини қуриш ва 49,1 минг тонна сиғимга эга мавжуд совитиш камераларини модернизация қилиш кўзда тутилган.

Қишлоқ хўжалигида экинлар ҳосилдорлигини муттасил юксалтириш вазифаси, биринчи навбатда, суғориладиган ерларнинг унумдорлиги ва ирригация-мелиорация ҳолатига боғлиқ. Илмий тадқиқот

ишларининг натижаларига кўра, ўртача шўрланган ерларда экинларнинг ҳосилдорлиги шўрланмаган ерларга нисбатан 50–60 фоизга, ўта шўрланган ерларда эса 90–100 фоизга паст бўлиши аниқланган.

Ҳозирги вақтда юртимизда жами суғориладиган ерларнинг қарийб 49 фоизи турли даражада шўрланган бўлиб, бунинг қарийб 18 фоизи кучли ва ўрта даражада шўрланган ерлардир, 23 фоиздан ортиғи бонитети паст ерлар тоифасига киради. Ўтган йиллар давомида суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирлари ҳукуматимизнинг доимий эътиборида бўлиб келди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашнинг тизимларини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-3932-сонли фармониға мувофиқ, «Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини 2008–2012 йилларда яхшилаш бўйича чора-тадбирлар дастури» ишлаб чиқилди. Дастурда мелиоратив тизимларни ривожлантириш ва такомиллаштириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга йўналтирилган қуйидаги тадбирлар мажмуини амалға ошириш мўлжалланди:

1) магистрал ва хўжаликлараро зовурлар, мелиоратив тик қудуқларни, мелиоратив насос станцияларини қуриш ва қайта тиклаш, ёпиқ-ётиқ дренажларни тиклаш;

2) мелиоратив насос станцияларини, гидротехника ва сув ўтказувчи иншоотларни ва бошқа мелиоратив объектларни таъмирлаш – тиклаш ишларини амалға ошириш;

3) сув хўжалиги қурилиши ва сувдан фойдаланиш ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

б-жадвал

Мамлакатимиз бўйича мелиоратив тадбирларға ажратилган маблағлар, миллиард сўмда

Тадбирлар номи	Жами 2008–2011 йилларда	Шу жумладан			
		2008 й.	2009 й.	2010 й.	2011 й.
Мелиоратив объектларни реконструкция қилиш ва қуриш ишларига	225,1	22,4	57,3	63,8	81,6

Мелиоратив объектларни таъмирлаш ва тиклаш ишларига	222,9	38,6	48,1	59,2	77,0
Лизинг асосида мелиоратив техникалар етказиб беришга	101,9	29,3	25,4	27,2	20,0
Жами:	550,0	90,3	130,8	150,2	178,6

Қишлоқда бошқарув тузилмаларини қайта ташкил этиш. Президентимизнинг қишлоқ ҳаётига оид маърузаларини синчиклаб ўрганар эканмиз, энг муҳим ютуқ сифатида мустақиллик йилларида фуқароларимизда мулкка бўлган муносабатни ўзгартириш, деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислохотларнинг изчил амалга оширилиши натижаси сифатида қишлоқ хўжалигида туб бурилишлар рўй берганини кузатиш мумкин. Қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши ўзгариб, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига масъулият ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш фазилатлари янада яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда фермер хўжаликлари амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий шаклига, уни барқарор ривожлантиришни таъминлашда етакчи ҳаракатлантирувчи кучга айланганлигини таъкидлаш жоиз. 2008 йилда республикамизда 215 мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият юритган, уларда 1,6 миллион киши ёки соҳада банд бўлган аҳолининг қарийб 90 фоизи меҳнат қилган, қишлоқ хўжалиги экин майдонларининг қарийб 85 фоизи ана шу хўжаликлар ҳиссасига тўғри келган. Қишлоқда бозор инфратузилмаси амалда янгидан барпо этилди, қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва рағбатлантириш, соҳани бошқариш тизими сифат жиҳатдан мутлақо янгича тамойиллар асосида йўлга қўйилди.

Жойларда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларига хизмат кўрсатадиган бозор инфратузилмаси субъектларининг кенг тармоғи яратилди. Қишлоқ хўжалиги хом ашёсини комплекс қайта ишлашга ихтисослашган 200 дан зиёд агрофирма фаолият кўрсатмоқда. Энг муҳими, қишлоқда ҳақиқий мулкдор – ер эгаси пайдо бўлди, унинг меҳнатга муносабати, ўз ишининг натижаларидан манфаатдорлиги бутунлай ўзгармоқда.

Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантириш дастурини амалга

ошириш юзасидан бажарилаётган чора-тадбирлар бугунги кунда сезиларли натижалар бермоқда. Фақат 2007 йилнинг ўзида қорамол боқиш билан шуғулланадиган 350 мингдан зиёд фуқарога меҳнат дафтарчаси очилган бўлса, 2009 йилнинг 1 январигача шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқувчи сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони 1 миллион 100 мингдан кўпроқни ташкил этди. Шулардан 54 минг кишига янги меҳнат дафтарчаси берилди, 111 минг фуқаронинг эса мавжуд меҳнат дафтарчасига иш стажи тегишли тартибда қайд этилди. Бу эса уларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш имконини берди. Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида қорамол боқиш билан банд бўлганлар сифатида рўйхатга олинган фуқароларнинг умумий сони эса бир миллион нафардан ошиб кетди.

3. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни

Одамлар учун озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш дунёда абадий муаммо бўлган ва доимо долзарб бўлади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳаётнинг биринчи шарти ҳисобланади. Шу боис, у доимо ва ўсиб боровчи ҳажмларда амалга оширилиши керак, чунки сайёрамиз аҳолиси ортиб бормоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлиги бозордаги озиқ-овқат маҳсулотларининг таклифи билан аҳоли учун мақбул нархлардаги жорий истеъмол талаби ўртасида етарлича ассортиментда мувозанат бўладиган, шунингдек маҳсулотларнинг зарур захираси яратиладиган ҳолати.

Инсон ва жамиятнинг озиқ-овқат хавфсизлиги улар ҳаётидаги асосий муаммодир. Шу боис, 1996 йил охирида Римда Бутунжаҳон озиқ-овқат анжумани бўлиб ўтгани бежиз эмас, унда 130 та мамлакат иштирок этди ва «Ер аҳолисини қандай қилиб боқиш мумкин?» деган масала муҳокама қилинди. Анжуманда гап асосан одамлар очликдан ўлаётган, кам ривожланган мамлакатларга озиқ-овқатлар билан ёрдам кўрсатиш ҳақида борди.

Ана шу мақсадда 2015 йилга бориб дунёда тўйиб овқат емаётган одамлар сонини 2 баравар камайтириш вазифаси қўйилди. Бироқ 2002 йилнинг июлида БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) ўтказган анжуман жаҳон ҳамжамияти қўйилган вазифаларни бажармаётганини тан олди. Статистик маълумотларга қараганда, дунёда ҳар куни 360 та одам очликдан

ўлмоқда. Шу боис, озиқ-овқат хавфсизлиги ХХІ асрда ҳам долзарблигича қолмоқда.

Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдид деганда, озиқ-овқат бозорида охирги истеъмолчилар учун ноқулай вазият ўзгаришларига олиб келадиган шарт-шароит ва омиллар мажмуи тушунилади. Озиқ-овқат хавфсизлигига ташқи ва ички таҳдидлар таъсир кўрсатади. Озиқ-овқат хавфсизлигига таҳдидларнинг ташқи шарт-шароитлари иқтисодиётнинг очиклиги омили билан боғлиқ. Ички таҳдидлар мамлакат иқтисодиёти доирасида ҳосил бўладиган оммавий талаб ва оммавий таклиф ўзгаришларини назарда тутувчи ички омиллар таъсирида юзага келади. Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари таклифи нуқтаи назаридан бозор вазиятига таъсир кўрсатувчи муҳим омиллардан бири иқтисодиёт аграр секторининг беқарор фаолият кўрсатиши ва бунинг озиқ-овқат хавфсизлигига салбий таъсир этишидир.

Ўзбекистоннинг озиқ-овқат хавфсизлиги. **Ўзбекистоннинг Конституциясини атрофлича ўрганган инсон Ўзбекистон сиёсати инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожланишини таъминлайдиган шароитларни яратишга қаратилган давлат эканлигига иқдор бўлади. Бундан келиб чиқадики, озиқ-овқат хавфсизлиги одамлар ҳаётини таъминлашда асосий ўрин тутади, у биринчи навбатда, инсоннинг асосий ҳуқуқи унинг мавжудлигини таъминлашга бўлган ҳуқуқини амалга оширишга қаратилган ижтимоий йўналишни акс эттиради.**

Озиқ-овқат хавфсизлиги миллий хавфсизликнинг муҳим таркибий қисмидир, чунки у асосий озиқ-овқат маҳсулотларининг барқарор ишлаб чиқарилиши ва аҳолининг ундан фойдалана олишини таъминлайди.

Маълумки, мустақил Ўзбекистонда ҳозирги замон қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг муҳим сиёсий хусусияти мавжуд. Ана шу хусусиятни кўзда тутган ҳолда давлатимиз раҳбари шундай деб таъкидлаган: «Бугун шуни чуқурроқ англамоқдамизки, умуман жамиятимизнинг янгиланиши самарадорлиги, мамлакатимиздаги демократик жараёнларнинг ривожланиши даражаси қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишнинг қанчалик муваффақиятли кечаётганлигига, бу жараён қишлоқ ҳаётининг барча жабҳаларига қанчалик чуқурроқ сингиб бораётганлигига боғлиқ»¹. Қишлоқ хўжалигини ислоҳ

¹ Каримов И. А. Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш – халқ фаровонлиги манбаидир // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг Веб-сайти – www/press-service.uz;

қилишнинг фуқаролик жамияти асосларини шакллантиришга таъсир кўрсатувчи айтиб ўтилган сиёсий омили таркибида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва халқ фаровонлигини ошириш масалаларини ажратиб кўрсатиш мумкин. Ушбу масалалар давлатимиз раҳбари Ислоом Каримов томонидан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастурини ишлаб чиқиш, уни амалга оширишда кўп сонли жамоат институтлари иштироки борасида: «2009 йилнинг «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб эълон қилинишидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши зарур бўлган кенг кўламли ва чуқур ислохотлар моҳиятини барчамизга маълум оддий бир ҳақиқат билан ифодалаш мумкин: қишлоқ ривож топса дастурхонимиз ноз-неъматларга тўлади, турмушимиз сифати ортади. Оқибат натижада озиқ-овқат хавфсизлиги ва халқимизнинг фаровонлиги ўсиши учун ишончли ва барқарор замин яратилади, мамлакатимизнинг қиёфаси тубдан ўзгаради»¹, – деб таъкидлаганида тараққиётнинг бардавомлигини сезмаслик, кўрмаслик мумкин эмас.

Маълумки, «озиқ-овқат хавфсизлиги» замонавий иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий фанларнинг фундаментал тушунчаларидан биридир. Ушбу тушунча «озиқ-овқат билан таъминланганлик» тушунчасининг синоними бўлиб, айти пайтда БМТнинг расмий терминологиясига мувофиқ «озиқ-овқат сиёсати», «озиқ-овқат режалаштирилиши», «озиқ-овқат таъминоти», «озиқ-овқат эҳтиёжлари», «озиқ-овқат резервлари», «озиқ-овқат ресурслари» каби турдош атамалар билан узвий боғлиқ. Бундан кўринадики, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашнинг доираси бирмунча кенг.

Озиқ-овқат хавфсизлиги муаммолари умуман бутун дунёда ва хусусан, айрим ҳудудларда бугун ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Бу борада мисол сифатида шуни қайд этиш мумкинки, ғалланинг жаҳон нархи 2006 йилга нисбатан ўрта ҳисобда икки баравар, сабзавотларнинг нархи икки баравардан зиёд ошган². Бундай шароитда англанадики, ички истеъмол бозорини

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон халқига янги йил табриги // Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизматининг Веб-сайти – www.press-service.uz.

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Озиқ-овқат экинлари экиладиган майдонларни оптималлаштириш ва уларни етиштиришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 2008 йил 20 октябрь ПФ-4041 фармониға шарҳ // Ўзбекистон Миллий ахборот агентлигининг веб-сайти – www.uza.uz;

мамлакатимиздаги етиштириладиган озиқ-овқат моллари билан узлуксиз ва ишончли таъминлаш, уларнинг ҳажмини ва турларини кўпайтириш, сифатини ошириш масалалари долзарб аҳамиятга эга бўлмоқда.

Фуқаролик жамияти институтларининг озиқ-овқат таъминотидаги иштироки нималарда ифодаланади? Бир неча мисол келтирамиз.

Ўзбекистонда қадимдан суғориш тизими мавжуд бўлган. Суғориладиган деҳқончилик республикаимиз озиқ-овқат мустақиллигининг асоси ҳамда асосий экспорт маҳсулотлари манбаидир. Мамлакатимизда, айниқса, мустақиллик йилларида ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, уларнинг унумдорлигини ошириш, молиялаш механизмларини такомиллаштиришга тизимли, изчил ва боқичма-босқич эътибор қаратиб келинмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 29 октябрдаги «Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони бу борада муҳим дастуриламалдир. Уни амалга ошириш доирасида жамоат ташкилотлари (Ўзбекистон Фермер хўжаликлари ассоциацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа ташкилотлар) томонидан *ирригация, мелиорация, агросаноат соҳалари мутахассисларининг малакасини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар* бажарилмоқда.

Бу борадаги фаолият сув ресурслари тақчиллиги каби муаммони енгиб ўтишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Сув ресурсларини бошқаришни такомиллаштириш, улардан оқилона фойдаланиш қишлоқ хўжалигининг изчил ривожланиши ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш баробарида одамларнинг саломатлигини, атроф-муҳит муҳофазасини яхшилашга, экологик барқарорликни сақлашга кўмаклашади. Мазкур тақчилликни енгиб ўтишда, фуқаролик жамиятини ушбу жараёнга жалб этишда *кўриб чиқилаётган мавзуга бевосита алоқадор бўлган қонунларни, масалан, Ўзбекистон Республикасининг «Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш жараёни бўйича жамоатчилик тинглови* муҳим аҳамиятга эга. Бундай тингловлар Олий Мажлис Сенати, давлат ва жамоатчилик тузилмалари раҳбарлари, олимлар, экологлар, сув муаммолари бўйича мутахассислар иштирокида ўтказилади.

Маълумки, сув ресурсларини барқарор бошқаришни таъминлаш бевосита ердан фойдаланиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш борасидаги муаммоларнинг ҳал қилиниши билан боғлиқ. Шу

сабабли юқорида кўрсатиб ўтилган соҳаларга оид қонунчиликнинг янада такомиллаштирилиши, янги қонун лойиҳаларининг жамоатчилик экспертизаси, агромаданиятни янада ошириш бугунги куннинг муҳим талабидир. Ушбу ишларда нафақат давлат ташкилотлари, балки жамоат ташкилотлари, иқтисодий тузилмалар ва фуқаролар ҳам иштирок этиши зарур. Фуқаролик жамияти институтлари ва хўжалик бошқаруви органларининг амалий ҳамкорлигига, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва «Ўзбекнефтгаз» миллий холдинг компаниясининг «Қорақалпоғистон Республикаси Мўйноқ тумани Учсой қўрғони аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш» қўшма лойиҳаси яққол мисол бўла олади. Лойиҳа Мўйноқ–Учкудук сув қувури қурилишини якунлашга йўналтирилган бўлиб, шу мақсадда темирбетон резервуарлар ўрнатилади, насос станцияси, марказий сув қувури ва хўжаликлараро сув қувурлари қурилади.

Маълумки, Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар дастурида уларнинг барқарор фаолиятини таъминлаш, экспорт салоҳиятини ошириш, ўз маҳсулотларини ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш бўйича кўзда тутилган қўшимча чоралар ички манбалар ҳисобидан мамлакатимиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун ишончли захираларни шакллантириш имконини беради. Бу эса жаҳон бозорларида асосий озиқ-овқат маҳсулотлари нархи ошиши шароитида алоҳида муҳим аҳамият касб этади. Ўз навбатида, булар ватанпарварлик тарбиясини кучайтириш ва аҳолининг, айниқса, ёшларнинг иқтисодий маданиятини ошириш бўйича янги, қўшимча мажбуриятларни келтириб чиқаради.

2007 йилнинг феврида Тошкент шаҳрида бир қатор жамоат ташкилотлари томонидан уюштирилган «Қишлоқ хўжалиги тадқиқотларини минг йиллик ривожланиш мақсадларига эришишга қайта йўналтириш: халқаро ва минтақавий тажриба» мавзуидаги халқаро экофорумда декларация қабул қилинди. Ундан озиқ-овқат хавфсизлиги, ўримдан кейинги ишлов бериш технологияси, фойдани ошириш учун қўшимча қийматни яратиш, экинларнинг ҳосилдорлигини ошириш, комплекс деҳқончилик ёндашувларини ишлаб чиқиш, қишлоқ хўжалиги айланмасида Орол денгизининг қуриган ўзанидан фойдаланиш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш каби йўналишлар бўйича тавсиялар ўрин олган. Бунга, шунингдек, *қимматли генетик ресурсларни сақлаш, табиий ресурслардан экологик самарали*

фойдаланиши, минтақавий ва халқаро миқёсларда ижтимоий-иқтисодий илмий тадқиқотлар олиб бориши ва ҳамкорлик каби масалалар киритилган. Булар Ўзбекистонда яратилган экологик ҳаракат вазибалари ҳисобланади.

«Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни ўтказишдан кўзланган бош мақсад одамларда ерга эгалик, мулкчилик ҳиссини шакллантириш орқали халқимизнинг фаровонлигини янада оширишдан иборат», – деб таъкидлади давлатимиз раҳбари «Uzbekistan Agriminitech Expo» кўргазмасига ташриф буюрган чоғда. – Зеро, моддий манфаатдорлик одамларни янги ташаббусларга ва ютуқларга рағбатлантиради. Кўргазма савдо давомида замонавий техника ва технологияларни харид қилувчи фермерларимиз шуни назарда тутишлари зарурки, улар сарфлаган ҳар бир сўм эртага ўн баравар фойда келтириши зарур».

Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини модернизация қилиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирлар. Кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётининг реал тармоқларида ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш тадбирларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Президент Ислон Каримовнинг қуйидаги фикрларини келтириш ўринли: «Минг афсуски, биз модернизация деганда, кўпинча саноат тармоқларини модернизация қилишни тушунишга ўрганиб қолганмиз. Ҳолбуки, саноат билан бир қаторда иқтисодиётимизнинг қишлоқ хўжалиги каби етакчи соҳасини ҳам модернизация қилиш, унинг таркибига қирадиган деярли барча тармоқ ва ишлаб чиқариш соҳаларининг бутун комплексида техник ва технологик ишларини амалга оширишга катта эҳтиёж сезилмоқда». Демак, аграр ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янги босқичга кўтариш масалалари шу куннинг долзарб вазибаларидан бирига айлантормоқда. Шу муносабат билан Президент Ислон Каримов томонидан чорвачилик, ғаллачилик, картошқачилик каби соҳаларда илғор мамлакатлар тажрибаларини ўрганиш ва амалда қўллаш, бизнинг иқлим шароитимизда ғоят муҳим аҳамият касб этадиган замонавий суғориш тизимлари, энергияни тежайдиган замонавий технология ва агротехнологияларни ўрганиш, уруғчилик-селекция ишларини янада такомиллаштириш ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг маҳсулдорлигини ошириш бўйича аниқ чора-тадбирлар комплексини ишлаб чиқиш вазибаси қўйилган эди.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини модернизация қилиш орқали тармоқни ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан ишлаб чиқилган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да баён этилган. Ушбу концепцияда белгилаб берилган устувор вазифалар асосида Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган дастурда 2011–2015 йиллар мобайнида:

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш, унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улушини 17,5 фоиздан 13,5 фоизга пасайтириш;

- қишлоқ хўжалигида илғор агротехнологиялар, ресурсларни тежайдиган усулларни жорий этиш, селекция ва уруғчилик тизимини ривожлантириш ҳисобидан экинлар ҳосилдорлигини ошириш кўзда тутилган. Бунда минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлигини 15 фоизга ошириш, сув сарфини 12 фоизга камайтириш;

- мева-сабзавот тайёрлашни 1,5 баробар, картошка етиштиришни 1,4 баробар, полиз ва узумни 1,3 баробар кўпайтириш;

- наслчилик ишларини такомиллаштириш, озуқа базасини мустаҳкамлаш, замонавий технологиялар ва модернизация натижасида наслчилик хўжаликлари сонини 2,5 баробар, озуқа экинлари майдонини 1,3 баробар ошириш;

- зооветеринария пунктларини замонавий жиҳозлаш, хизматлар сифатини ошириш ҳисобидан чорва моллари сонини 1,3 баробар, гўшт ва сут маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини 1,3 марта ошириш;

- паррандачилик ва балиқчилик тармоқлари ривожига алоҳида аҳамият қаратиб, паррандалар сонини 1,8 марта ошириб, 670 та балиқчилик хўжалиги ташкил этиш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш қувватларини ва қайта ишлаш ҳажмини кенгайтириш тадбирлари доирасида қишлоқларда замонавий минитехнологиялар негизида қайта ишлаш корхоналарини ишга тушириш орқали мева-сабзавот консервалари ишлаб чиқаришни 1,7 баробар, гўшт консерваларини 2,2 баробар, колбаса маҳсулотларини 1,8 баробар, сут маҳсулотларини 1,9 баробар ошириш;

- суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш, томчилатиб суғориш тизимини йўлга қўйиш ва мелиорация техникаларини харид қилиш бўйича

қарийб 500 миллион долларга тенг бўлган лойиҳалар ҳисобидан 1,4 миллион гектар ер майдонининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш;

- қишлоқ хўжалиги техникаси паркларини кенгайтириш, уларни сифат жиҳатдан янгилаш, фермерларни унумли қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш, хизмат сифатини яхшилаш каби стратегик аҳамиятга эга бўлган муҳим прогноз вазифалари белгиланган.

4. Ўзбекистон агросаноат комплексининг моҳияти.

Унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни

Агросаноат комплекси – озиқ-овқат маҳсулотлари (ва бошқа қишлоқ хўжалик товарлари) ишлаб чиқариш ҳамда улар билан аҳолини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги учун ишлаб чиқариш воситаларини ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи халқ хўжалиги тармоқларининг мажмуи. Агросаноат комплекси (АСК)нинг шаклланиши ҳозирги фан-техника инқилобининг ривожланиши билан боғлиқ. АСКнинг тузилиши ихтисослашув, кооперация, модернизация ва диверсификация замонавий фан-техника инқилобига хос жараёнларни уйғунлаштиришга асосланган.

АСКнинг ишлаб чиқариш ва иқтисодий тизими учта асосий соҳага бўлинади.

Биринчи соҳа – АСКни ишлаб чиқариш воситалари билан таъминловчи саноат тармоқлари. У қишлоқ хўжалиги ва АСКнинг бошқа тармоқларида ишлаб чиқаришни индустрлаштириш ва жадаллаштириш (интенсивлаштириш)ни белгилаб беради.

Иккинчи соҳа – АСКнинг марказий бўғини бўлган қишлоқ хўжалиги.

Учинчи соҳа – қишлоқ хўжалиги хом ашёсининг тайёрланиши, ташилиши, сақланиши, қайта ишланиши ва тайёр маҳсулотнинг сотилишини таъминлайдиган озиқ-овқат, сут, гўшт тармоқлари ҳамда омихта ем саноатини қамраб олади.

АСКни ривожлантиришнинг муҳим шарти учала соҳанинг мутаносиблиги, мувозанатлашганидир. Таъкидлаш лозимки, иқтисодий жиҳатдан ривожланган мамлакатларда охириги маҳсулот қийматининг асосий қисми учинчи соҳада яратилади. Масалан, АҚШда унинг улуши маҳсулот чакана қийматининг 80 фоизига

етади. Охирги маҳсулотнинг энг катта қисми озиқ-овқат комплексда яратилади. Унинг ҳиссасига қишлоқ хўжалигида етиштириладиган бутун маҳсулотнинг 75 фоизидан ортиғи, асосий ишлаб чиқариш фондларининг 80 фоизидан ортиғи ва ходимларнинг 80 фоизига яқини тўғри келади.

Такрор ишлаб чиқариш жараёнида қишлоқ хўжалиги ва саноат ўртасидаги ўзаро алоқадорлик алоҳида роль ўйнайди. Қишлоқ хўжалигининг бош вазифаси аҳолининг озиқ-овқатга, саноатнинг эса хом ашёга бўлган эҳтиёжини қондиришдир. Қишлоқ хўжалигининг хусусияти, унинг юритилиши ердан, яъни ишлаб чиқаришнинг бош воситаси ва табиий муҳитдан фойдаланиш билан боғлиқ. У биологик омиллар, ўсимлик ва ҳайвонлардан фойдаланишга асосланади. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқариш фондлари ўз маҳсулоти ҳисобидан шакллантирилади (уруғлар зироатчиликда, ем-хашак чорвачиликда). Енгил саноат, озиқ-овқат саноати, омихта ем ишлаб чиқариш ва бошқа тармоқлардаги хом ашёнинг ярми қишлоқ хўжалик маҳсулотларига тўғри келади, қишлоқ хўжалиги харажатларида саноат маҳсулотларининг улуши эса 40 фоизни ташкил қилади.

Жаҳон Савдо ташкилотининг қишлоқ хўжалиги бўйича асосий ҳужжати «*Уругвай раунди*» ҳисобланади. Унда ушбу ташкилот аъзоларининг АСКни давлат ичида қўллаб-қувватлаш бўйича мажбуриятлари тартибга солинган, давлат сиёсати йўналишлари таснифланган.

Давлатнинг иқтисодий роли ҳатто либерал хўжалик тизимларида (АҚШ, Австрия, Янги Зеландияда) ЯИМнинг 30–35 фоизига етади, ижтимоий бозор хўжалигига асосланган давлатларда (ГФР, Франция, Швецияда) эса ЯИМнинг 50–60 фоизига тенг келади. Россияда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш ЯИМнинг 0,8 фоизини ташкил қилади. Мутлақ рақамларда Россияда бир гектар қишлоқ хўжалик майдонига давлат ёрдами 9,5, Европа Иттифоқида эса 801 долларга тенг.

МДХ мамлакатларида ва етакчи Ғарб мамлакатларида қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашда кескин фарқ кузатилади. Масалан, АҚШда давлат йўллар, мелиоратив инфратузилма, электр узатиш симлари ва телефон тармоқлари қурилишига кўп миллиард доллар сарфлайди, аграр фанни ва унинг ютуқларини амалиётга жорий этишни субсидиялаштиради. Тупроқни ҳимоя қилиш тадбирларини зиммасига олади, ишлаб

чиқариладиган маҳсулотнинг деярли ярмига нархларни кафолатлайди, бу билан фермерларнинг жамғармалари ва даромадларини сақлаб қолади. АҚШда 70 йил мобайнида эркин фермерлар давлат бошқаруви шароитида ишламоқдалар. Давлат бошқарувиغا асос солган биринчи қишлоқ хўжалик қонуни 1933 йилда (Буюк депрессия даврида) пайдо бўлган. 2009 йилда давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» давлат дастури қабул қилинди. Ушбу дастур мамлакатимиз қишлоқ хўжалигининг давлат томонидан қўллаб-қувватланишини кучайтиради.

Бошқа ривожланган мамлакатларда қишлоқ хўжалигига ажратиладиган дотациялар ҳажми янада катта. Канадада 2004 йилда дотациялар қишлоқ хўжалигида банд бўлганлар умумий даромадининг 33 фоизини, Европа Иттифоқи мамлакатларида 35, Японияда 39, Швейцарияда 60 фоизни ташкил қилди. Европа мамлакатларида деҳқон хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун техника сотиб олишга сарфланадиган имтиёзли давлат кредитлари ва ссудалари берилади.

Ўзбекистонда агросаноат комплекси.

Хўш, ҳозирги Ўзбекистонда АСК муаммолари нималардан иборат?

Маълумки, қишлоқ хўжалигининг асосини қуйидагилар ташкил қилади:

- ер;
- моддий-техник база;
- кадрлар.

Таъкидлаш муҳимки, ушбу таркибий қисмларнинг барчасига Ўзбекистонда алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудининг асосий қисмида «пахта яккаҳоқимлиги» натижасида экин экиладиган ерларнинг ҳайдаладиган қатламида гумус мувозанати салбийдир. Қишлоқ хўжалик ерларининг агроэкологик ҳолати ёмонлашди, тупроқ унумдорлиги пасайди, тупроқларнинг бонитети қисқарди. Давлатнинг аграр ишлаб чиқаришни тартибга солиш билан шуғуллангани боис, АСКни бюджетдан молиялаштириш сўнгги йилларда ошиб бормоқда.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар. 2009 йилда тасдиқланган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури қишлоқда турмуш даражасини юксалтиришга,

қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартиришга қаратилган узоқ муддатли ва бир-бири билан чамбарчас боғлиқ кенг кўламли чора-тадбирларни амалга ошириш, ижтимоий соҳа ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришни жадаллаштириш, мулкдорнинг, тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг мақоми, ўрни ва аҳамиятини тубдан қайта кўриб чиқиш, фермер хўжаликлари ривожини ҳар томонлама кўллаб-қувватлашга қаратилган.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда қишлоқларимиз қиёфасини ўзгартириш, агросаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотларни чуқурлаштириш, қишлоқ аҳолисининг ҳаёт даражаси, ижтимоий-сиёсий ва маданий савиясини ошириш мустақилликнинг биринчи йилларидан бошлаб эътиборимиз марказида бўлиб келаётган устувор масала ҳисобланади. Шунга кўра, 2009 йил юртимизда «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» деб номланиб, бу борада махсус давлат дастури қабул қилинган эди. Президент Ислам Каримов 2009 йилнинг 5 декабридаги Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида мазкур дастур доирасида амалга оширилган ишлар ва эришилган натижалар тўғрисида батафсил тўхтаб ўтди.

Маълумки, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастури 105 та бандни ўз ичига олувчи 9 та бўлимдан иборат (1-жадвал).

7-жадвал

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурининг асосий йўналишлари

Бўлимлар	Дастурнинг асосий йўналишлари
I	Қишлоқда яшовчиларнинг манфаатларини янада тўлиқроқ таъминлаш учун қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш.
II	Қишлоқда уй-жой ва ижтимоий соҳа объектларини қуришни лойиҳалаштириш, қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий режалаштиришни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш.
III	Қишлоқ жойларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш асосида қишлоқда турмуш сифатини ошириш.

IV	Маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳаллий материаллардан йиғма конструкциялардан фойдаланган ҳолда қишлоқда индустриал ва йиғма технологияга қурилишини жорий қилиш.
V	Электр энергияси билан таъминловчи мавжуд корхоналарни реконструкция қилиш ва янгиларини қуриш ҳисобидан қишлоқни кафолатланган электр энергияси билан тўхтовсиз таъминлаш учун шароитлар яратиш.
VI	Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни босқичма-босқич чуқурлаштириш, фермер хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, имтиёзлар бериш, қишлоқда шаклланадиган янги мулкый муносабатларни, ўрта табақа – мулкдорларнинг, тадбиркорларнинг ва ишбилармонларнинг манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш.

Дастурнинг принципиал аҳамиятга эга бўлган қуйидаги йўналишларига:

Биринчидан, мазкур дастур ижроси билан боғлиқ қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш ва мустаҳкамлаш, янги қонунлар қабул қилиш, тегишли қонун ҳужжатларига, Ер кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур. Қишлоқда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишни тартибга солиш ва суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш лозим.

Иккинчидан, дастурда белгиланган вазифалар орасида қишлоқларимизда турмуш шароитини, унинг сифатини тубдан юксалтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш принципиал муҳим ва ҳал қилувчи аҳамият касб этади. Бунинг учун қишлоқ аҳоли пунктларини меъморий жиҳатдан лойиҳалаштириш ва қуриш ишларини ташкил этиш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш лозим. Ҳудудларнинг меъморий-лойиҳавий қурилиши бош режалари ишлаб чиқирилишини таъминлаш, минтақаларнинг иқлими, демографик ҳолати ва бошқа шарт-шароитларини ҳисобга олган ҳолда, қишлоқ уйлари ва ижтимоий иншоотларнинг унификация қилинган намунавий лойиҳаларини тайёрлаш даркор.

Бу вазифаларни бажариш учун махсус «Қишлоқ қурилиш-лойиҳа» тадқиқот институти ташкил этилди.

Учинчидан, дастурнинг асосий вазифаси – қишлоқда саноат ишлаб чиқариши ва қурилишни жадал ривожлантириш, мев-


сабзавот ва чорва маҳсулотларини қайта ишлаш бўйича замонавий техника ҳамда технологиялар билан жиҳозланган ихчам корхоналарни ташкил этиш чора-тадбирларини амалга оширишдан иборат.

Тўртинчидан, 2008–2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурида кўзда тутилган чора-тадбирлар тизимининг изчил амалга оширилишига, яъни экин майдонларининг мелиоратив аҳволини яхшилаш, фаолият кўрсатаётган ирригация-мелиорация объектларининг тегишли техник ҳолатини таъминлаш, ихтисослашган сув хўжалиги, қурилиш ва эксплуатация ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, уларни замонавий техника билан жиҳозлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш даркор.

Қишлоқ хўжалигидаги ислохотларни чуқурлаштириш, соҳанинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, энг муҳими, қишлоқ хўжалиги иктисодиётини юксалтириш, юртимизни обод этиш йўлида тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган фермерлик ҳаракатининг самарасини янада ошириш мақсадида йирик кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури доирасида ернинг унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича ҳам салмоқли натижаларга эришилди. Жумладан, дастур доирасида 10 минг километрдан ортиқ зовурлар, салкам 1000 километрлик дренаж тармоқларини таъмирлаш ва тиклаш ишлари бажарилди, 250 та дренаж кудуклар, 15 та мелиорация насос станциялари ва иншоотлари қурилди ҳамда кўплаб сув иншоотлари реконструкция қилинди, 50 километр узунликдаги янги каналлар ва бошқа объектлар қурилиши якунига етказилди. Ўтган йили ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга қаратилган лойиҳаларни амалга ошириш учун 130 миллиард сўм маблағ йўналтирилди.

Натижада 240 минг гектардан ортиқ суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди ва бу қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини, фермер хўжаликларининг даромадини ошириш имконини беради. Шунини таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ушбу йўналишдаги улкан лойиҳаларни амалга оширишда Осиё Тараққиёт банки ва Жаҳон банки, Ислон тараққиёт банки, Хитой Халқ Республикаси, Жанубий Корея ва бир қатор араб мамлакатларининг молия институтлари томонидан ажратилган сармоялар катта ҳисса бўлиб қўшилди.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш шохобчалари ва муассасаларининг фаолияти, сервис хизмати тобора ривожланиб бормоқда. Эътиборли жиҳати, анъанавий маиший хизматлар билан бир қаторда замонавий телекоммуникация тизимлари, хусусан, интернет, уяли алоқа, компьютерда турли хизматлар кўрсатишни ўз ичига оладиган янги сервис шохобчалари жадал ривожланмоқда ва аҳолига хизмат қилмоқда.



Юқоридаги чизмадан кўринадики, бу масалаларнинг барчаси инсон саломатлиги билан боғлиқ. Бу борада 2009 йилда республикамиздаги барча туманларнинг марказий шифохоналари умумий қиймати 12 миллион доллар бўлган тиббий анжомлар, 44 та «УАЗ» санитария машинаси, 280 та «Дамас-амбуланс» тез ёрдам машинаси билан таъминланди, қишлоқ врачлик пунктларига 1 миллион доллар миқдорида тиббий лаборатория анжомлари етказиб берилди.

Йил давомида 3 миллион 750 минг нафар қишлоқ аҳолиси малакали тиббий кўрикдан, 22 минг нафардан зиёд хомиладор аёл махсус скрининг текширувидан ўтказилди, 400 минг нафар бемор шифохоналарда даволаниб, ўз саломатлигини мустаҳкамлади.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий давлат дастури доирасида олис қишлоқ ва овулларда ҳам ягона намунавий лойиҳа ва мезонлар асосида лицей ва коллежлар, мактаблар қурилди. Бунинг натижасида барча қишлоқ болаларининг замонавий билим ва касб-хунарларга эга бўлиши, энг муҳими, уларнинг мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кириб таълим олишига муносиб шароитлар яратилди.

2009 йилда бу борадаги ишлар янги босқичга кўтарилиб, юртимиз бўйича жами 1 минг 957 та мактаб қурилган ва реконструкция қилинган бўлса, уларнинг 1 минг 622 таси айнан қишлоқ жойларда экани диққатга сазовордир. Шулар қаторида 2009

йилда барпо этилган 214 та академик лицей ва касб-ҳунар коллежининг 170 таси қишлоқ туманларимизда бунёд этилгани ва реконструкция қилинганини таъкидлаш лозим. Айнан қишлоқ жойлардаги ана шу билим даргоҳларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва жиҳозлаш учун жами 895 миллиард сўм маблағ сарфланди.

«Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» дастури ўз кўлами, аҳамияти ва моҳияти билан бугунги кунимиз ва эртанги келажагимизнинг нафақат моддий томонларини, айти пайтда маданий ва маънавий савиямизни ошириш, мухтасар айтганда, бутун ҳаётимизни юксалтиришга қаратилган бўлиб, ҳеч шубҳасиз, мамлакатимиз тарихида муносиб ўрин эгаллаши муқаррар.

Таянч тушунчалар:

Агар муносабатлар, қишлоқ хўжалиги, ерга эгалик қилиш, ердан фойдаланиш ҳуқуқи, фермер, фермер хўжалиги, фермерлик ҳаракати, агробизнес, ер ислоҳоти, рента, дифференциал рента, абсолют рента, агросаноат интергацияси.

Савол ва топшириқлар:

1. Бозор муносабатлари аграр тизимга нималарни киритади?
2. Ернинг бошқа ресурслардан қандай фарқи бор?
3. Рента муносабати деганда нимани тушунаси?
4. Абсолют рентанинг дифференциал рентадан фарқини тушунтиринг.
5. Дифференциал рентанинг ҳосил бўлиш механизми қандай?
6. Нима сабабдан монопол рента йўқолиб кетиши мумкин?
7. Ижара ҳақининг таркиби қандай?
8. Қишлоқларнинг қиёфаси деганда нимани тушунаси? Уни ўзгартириш нималарни тақозо этади?
9. Мамлакатимизда қишлоқ аҳолисининг турмуш шароитини замон талабларига мослаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?
10. Қишлоқ инфратузилмаси нима? 2012 йилда уни ривожлантириш борасида қандай натижаларга эришилди?
11. Ер унумдорлигини ошириш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш борасида эришилган натижаларни изоҳланг.
12. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари фаолиятининг аҳамияти қандай?
13. Қишлоқда турмуш маданияти ва сифатини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилаётгани тўғрисида гапиринг.

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Аграр муносабатлар – бу ерга эгалик қилиш, уни тасарруф этиш ва ундан фойдаланиш билан боғлиқ равишда вужудга келадиган иқтисодий муносабатлардир. Аграр муносабатлар қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ифодалайди.

Ерга эгалик қилиш – тарихан таркиб топган анъаналар ёки қонуний асосда белгиланган тартибда ерга эгалик ҳуқуқининг тан олинишини билдиради.

Ердан фойдаланиш ҳуқуқи – бу ўрнатилган урф-одатлар, удумларга кўра ёки қонуний тартибда уларнинг доимий ва муддатли фойдаланиш учун берилишини билдиради.

Ижара муносабатлари – ердан ҳақ тўлаш шарти билан маълум муддатда фойдаланиш юзасидан келиб чиқадиган иқтисодий алоқалар.

Рента – ердан фойдаланганлик учун унинг эгасига тўланадиган ҳақ.

Рента – ерга бўлган мулкнинг иқтисодий цивилизацияси, яъни амалга ошиши.

Абсолют рента – ер участкаларининг сифатидан қатъи назар, ер мулк бўлгани учун унинг эгалари оладиган рента.

Дифференциал (табақалашган) рента – ернинг сифатига қараб олинадиган ва рентанинг абсолют рентадан ортиқча бўлган қисми.

Дифференциал рента I – тупроқнинг табиий ҳосилдорлигига ва ер участкасининг жойлашувиغا қараб олинадиган рента.

Дифференциал рента II – тупроқнинг иқтисодий ҳосилдорлиги натижаси бўлиб, ерга қўшимча маблағ сарфлаб, унга ишлов бериш орқали ҳосилдорликни ошириш натижасида олинган рента.

Монопол рента – алоҳида табиий-иқлим шароитига эга бўлган, ўта ноёб маҳсулот етиштирадиган ер учун унинг эгасига тўланадиган рента. Фақат ана шундай ерларда камёб маҳсулотлар (масалан, чой, кофе, цитрус ўсимликлари меваси, махсус ёғоч – қизил ёғоч) етиштирилади.

Агробизнес деганда, қишлоқ хўжалиги соҳасидаги бизнес (тадбиркорлик) тушунилади ва у бозор тизимининг таркибий қисмларидан бирини ташкил этади.

Мелиорация – ернинг унумдорлигини тубдан яхшилашга қаратилган ташкилий-хўжалик, муҳандислик ва агротехник тадбирлар туркуми.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб қишлоқ хўжалигини ривожлантириш стратегияси аниқ ва равшан белгилаб олинди. Мазкур стратегия замирида қишлоқ хўжалигини

диверсификация қилиш, пахта яккаҳоқимлигига барҳам бериш, юртимиз аҳолисини озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, ғалла билан таъминлаш, озиқ-овқат мустақиллигига эришиш вазифалари белгиланди.

2. Аграр ислоҳотлар ҳамма жойда бозор муносабатларини жорий қилиш ва хусусий мулк шаклини ривожлантиришга қаратилди.

3. Ўзбекистонда аграр соҳадаги ислоҳотлар натижасида хусусий фермер хўжаликлари шаклланди. Зарар кўриб ишлаётган ва самараси паст хўжаликлар тугатилди. Уларнинг ерлари узок муддатли ижарага, хусусий фермер хўжаликларига умрбод мерос ҳуқуқи билан берилди.

4. Аграр соҳадаги ислоҳотлар қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида сезиларли ижобий ўзгаришларга олиб келди. Ишлаб чиқариш ҳажми ўсди. Қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлиги ва чорва маҳсулдорлигининг ошишига эришилди. Ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланди.

17-МАВЗУ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ

1. Даромадларнинг иқтисодий мазмуни

Президентимиз Ислом Каримовнинг таъкидлашича, «одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида, рўзғор тебратишида, умуман, кундалик ҳаётида ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий ҳол»¹. Буни ҳал этиш зарурати бозор иқтисодиётининг ижтимоий жиҳатларини ўрганиш, даромадлар ва турмуш даражасини атрофлича таҳлил этишни талаб қилади. Давлатимиз раҳбарининг янги ҳаётни эскича қараш билан қуриб бўлмайди, деган фикридан келиб чиққан ҳолда мустақилликнинг дастлабки йиллариданок эскича қарашлардан холи бўлган ижтимоий йўналишни ривожлантиришга қаратилган концепция ишлаб чиқилди ва унинг асосида турмуш даражасини янада юксалтиришга эътибор қаратилди.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш бирламчи аҳамият касб этса-да, унинг натижаси даромад фойда шаклида бозорда юзага чиқади, чунки бозор қоидалари ресурслар сарфи самарасига кўра

¹ Каримов И. А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди // Халқ сўзи. – 2005. – 17 февр.

даромадларга эга бўлишни таъминлайди. Демак, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши бозор қоидалари орқали топиладиган даромадларга боғлиқ бўлиб қолади. Шунинг учун бозор тизимининг ижтимоий мўлжали, даромадлар, уларга таъсир этувчи омиллар ва турмуш даражасининг табақаланиши масалалари долзарб аҳамият касб этади.

Даромадлар чекланган ресурсларни нақадар самарали ишлатиш даражасига боғлиқ бўлса-да, даромаднинг ўзи мазмунан иқтисодий манфаатни англатади. Дарҳақиқат, иқтисодий субъектларнинг манфаати даромадларда мужассамланади. Шу боис даромадга эга бўлиш учун мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Чунки мулк эгалари иқтисодий муносабатларга киришиб, ўз манфаатларини ҳимоя қилишга интилади. Иқтисодий адабиётларда даромад рағбатлантирувчи иқтисодий мазмунга эга бўлади. Даромад бойлик манбаи, бойлик эса ўртача мулкдорлар синфининг шаклланишида моддий замин тайёрлайди. Мулк инсонларни иқтисодий фаолликка ундайди.

Аҳоли даромадлари дейилганда, уларнинг маълум вақт оралиғида (масалан, бир йилда) пул ва натурал шаклларида олган даромадлари миқдори тушунилади. Аҳоли истеъмол даражаси тўғридан-тўғри уларнинг даромадлари даражасига боғлиқ бўладики, бу даромадларнинг аҳоли турмуш даражасидаги ролини белгилаб беради.

Аҳоли пул даромадлари иш ҳақи, тадбиркорлик фаолиятдан олинadиган даромад, нафақа, стипендия шаклидаги барча пул тушумларини, мулкдан фоиз, дивиденд, рента шаклда олинadиган даромадларни, қимматли қоғозлар, кўчмас мулк, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, ҳунармандчилик буюмларини сотишдан ва ҳар хил хизматлар кўрсатишдан келиб тушадиган даромадларни ўз ичига олади.

Натурал даромад меҳнат ҳақи ҳисобига олинadиган ва уй хўжаликларининг ўз истеъмоллари учун ишлаб чиқарган маҳсулотлардан иборат бўлади. Жамият аъзолари даромадлари даражаси улар турмуш фаровонлигининг муҳим кўрсаткичи ҳисобланиб, шу билан бирга алоҳида шахсларнинг дам олиши, билим олиши, соғлигини сақлаши, энг зарур эҳтиёжларини қондириши имкониятларини белгилаб беради. Аҳоли даромадлари даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи омиллар орасида иш

ҳақидан ташқари чакана нарх динамикаси, истеъмолчилик бозорининг товарлар билан тўйинганлик даражаси кабилар муҳим ўрин тутди.

Аҳоли даромадлари даражасига баҳо бериш учун номинал, ихтиёрида бўлган ва реал даромад тушунчаларидан фойдаланилади.

Номинал даромад – аҳоли томонидан маълум вақт оралиғида олинган пул даромадлари миқдори ҳисобланади.

Ихтиёрида бўлган даромад – шахсий истеъмол ва жамғарма мақсадларида фойдаланиш мумкин бўлган даромад. Бу даромад номинал даромаддан солиқлар ва мажбурий тўлов суммасига кам бўлади.

Реал даромад – нарх даражаси ўзгаришини ҳисобга олиб, аҳолининг ихтиёрида бўлган даромадга сотиб олиш мумкин бўлган товар ва хизматлар миқдорини кўрсатади.

Аҳолининг номинал пул даромадлари турли манбалар ҳисобига шаклланиб, улардан асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- а) ишлаб чиқариш омиллари ҳисобига олинадиган даромад;
- б) давлат ёрдам дастурлари бўйича тўлов ва имтиёзлар шаклидаги пул тушумлари;
- в) молия-кредит тизими орқали олинадиган пул даромадлари.

Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов «қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ўзбекистонда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 3,5 баробарни, аҳоли жон бошига ҳисоблаганда эса 2,5 баробарни, аҳолининг реал даромадлари 3,8 баробарни ташкил этгани эътиборга сазовордир. Айниқса, ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани»¹ни алоҳида таъкидлади.

Аҳолининг ёлланиб ишловчи қисми оладиган даромадларнинг асосий қисмини иш ҳақи ташкил қилади. Даромаднинг бу тури истиқболда ҳам, пул даромадлари умумий ҳажмининг шаклланишида ҳам ўзининг етакчи ролини сақлаб қолади.

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 4–5.

Аҳоли пул даромадлари даражасига давлат ёрдам дастурлари бўйича тўловлар сезиларли таъсир кўрсатади. Бу манбалар ҳисобига пенсия таъминоти амалга оширилади ва турли хил нафақалар тўланади. Аҳолининг молия-кредит тизими орқали оладиган пул даромадлари қуйидагилардан иборат: давлат суғуртаси бўйича тўловлар; шахсий уй қурилишига ва матлубот жамияти аъзоларига банк ссудалари; жамғарма банкига қўйилмалар бўйича фоизлар; акция, облигация баҳосининг кўпайишидан олинadиган даромад ва заём бўйича тўловлар; лотерея бўйича ютуқлар; товарларни кредитга сотиб олиш натижасида ташкил топадиган, вақтинча бўш маблағлар; ҳар хил турдаги компенсация тўловлари ва ҳ.к.

Аҳоли гуруҳлари бўйича даромадлар тақсимланиши динамикасини таққослаш, истеъмолчилик бюджети асосида амалга оширилади. Истеъмолчилик бюджетлари қуйидагича кўрсатиш мумкин: ўртача оила учун, юқори даражада мўл-кўл бюджет, минимал моддий таъминланганлар бюджети, нафақахўрлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий гуруҳлари бюджети, шулар жумласидандир.

Фаровонликнинг энг қуйи чегарасини оила даромадининг шундай чегараси билан белгилаш мумкинки, ундан кейин ишчи кучини такрор ҳосил қилишни таъминлаб бўлмайди. Бу даража моддий таъминланганлик минимуми ёки кун кечириш даражаси (қашшоқликнинг бошланиши) сифатида ифода этилади.

Бозор иқтисодиёти шароитида ўртача даромад «ўртача синф» деб аталadиган табақалар даромадлари бўйича аниқланади. Бундай гуруҳ истеъмолчилик савати тўпламига уй, автомашина, дала ҳовли, замонавий уй жиҳозлари, сайр қилиш ва болаларини ўқитиш имконияти, қимматли қоғозлар ва зебу зийнатлар киради.

2. Даромадлар тизими

Даромадлар давлат, корхона (фирма), хонадон (оила) даражасида мавжуд бўлади. Даромадлар ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ бўлади. Шунингдек, даромадларнинг шаклланишида иқтисодий субъектлар иқтисодий ва ноиқтисодий омиллар таъсирига учраши мумкинлигини ҳам инобатга олиш керак. Даромадлар тақсимот муносабатларининг якуни деб ҳисобланади. Бозор иқтисодиёти

даромадларнинг табақалашувини объектив воқеликка айлантиради. Даромадлар шаклланишида тенгсизлик юз беради, лекин ушбу тенгсизлик адолатли бўлиши керак.

Даромадлар тизими бозор тизимининг бир қисми ҳисобланади. Даромадлар такрор ишлаб чиқариш ёки иқтисодий айланиши жиҳатидан қаралганда тақсимлаш жараёнининг ниҳоясидир. Даромад муносабат объекти сифатида пул ёки моддий шаклга эга бўлади. Даромадларни ўзлаштиришда нафақат хонадон, фирма ва давлат иштирок этади, булардан ташқари иқтисодий фаол бўлмаган аҳоли гуруҳлари ҳам субъект сифатида иштирок этади. Даромадлар тизими куйидаги элементларни ўз ичига олади (1-чизмага қаранг):

1-чизма



Даромадлар тақсимот қонунига кўра шаклланади. У даромад тизимига киради. Даромадларни шакллантиришда маълум иқтисодий институтлар қатнашади, улар ҳам давлат, ҳам нодавлат институтлари ҳисобланади, улар фаолияти даромадларни тартиблайди ва бу ижтимоий адолат бўлишини таъминлашга қаратилган бўлади. Булар ҳам даромад тизимига киради.

Даромадлар тизимига даромад сиёсати ҳам киради, бу даромадларни ҳосил этиш ва сарфлашга тааллуқли саъй-ҳаракатлар ва амалий чора-тадбирлардан иборат. Бу сиёсатни фақат давлат эмас, балки фирма ва хонадонлар ҳам қўллайди.

Ҳозирги иқтисодиёт назариясида тизимли ёндашув методологияси устуворликка эга. Бу иқтисодиётни йирик ва кичик тизимларга, тизимларни эса турли элементларга ажратиш, уларнинг ўзаро алоқаларини аниқлаш, тизим ҳосил этувчи хусусиятларни белгилашни талаб қилади. Шу жиҳатдан қараганда даромадларни тақсимот ҳосиласи сифатида кичик тизимга ажратиб ўрганиш мақсадга мувофиқлигини айрим олимлар таъкидлаган¹.

3. Бозор ва нобозор даромадлар

Даромадларнинг ижтимоий-иқтисодий табиати, шаклланиши механизми ва ўзлаштириш усуллари уларни туркумлашнинг муҳим мезонлари ҳисобланади. Ўтиш даврида даромадлар табиати жиҳатидан бозор ва нобозор турларига ажралиб, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қонуний ва ноқонуний тус олади.

Бозор иқтисодиёти хўжалик субъектларининг турли омиллар таъсирида табақаланишини юзага чиқаради ва бу даромадларнинг кам туркумланишига олиб келади. Бундай туркумланиш бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда ҳар хил ёндашувлар орқали, яъни мавжуд иқтисодий ресурсларнинг қай даражада самарали ишлатилишига нисбатан пировард натижанинг ҳам фарқланишига олиб келади.

Бозор иқтисодиёти шароитида даромадлар таркиби даромад манбаига, яъни унинг қаердан келишига қараб ҳам шаклланади. Шу жиҳатдан меҳнат натижасидан, тадбиркорликдан, мулкдан келган даромад ва трансферт (ночорларга бюджетдан бериладиган нафақа ва ёрдам пули) каби даромадлар маълум нисбатда бўлади. Даромадларнинг турларига нисбатан туркумланиши 2-чизмада акс этган.

¹ Қаранг: Ҳасанов Р. Р. Аҳоли даромадлари ва турмуш даражаси: Ўқув-услубий қўлланма. – Т., 2008. – Б. 12.



Даромадлар туркумланишида бозор даромадлари асос сифатида юзага чиқади. Чунки бозор даромадлари субъектларнинг бозор орқали ишлаб топган даромадлари йиғиндисидан ташкил топади. Даромаднинг бу тури бозор учун ишлаш, ресурсларни самарали ишлатиш ва тан олинган натижага тўланадиган ҳақ сифатида намоён бўлади.

Бозор даромадлари – бу иқтисодиёт субъектларининг ўз ресурсларини бозор қонун-қоидаларига биноан ишлатиб топган пул тушумларидир.

Даромад келтирувчи ресурс – бу товар ва хизматларни яратиш учун умуман зарур бўлган барча моддий ва меҳнат воситаларидир. Ишлаб чиқариш омиллари – бу товар ва хизматларни яратишда бевосита иштирок этувчи барча моддий ва меҳнат воситаларидир.

Бизнингча, даромадга бозор тавсифини бериш учун нафақат уни топиш усуллари, балки бунинг қандай шаклда бўлишини ҳам назарда тутиш даркор. Натурал моддий шаклдаги даромадлар ишлаб топилган бўлса-да, уларни бозор даромади деб ҳисоблаш мумкин эмас, чунки бозор даромадлари товар-пул муносабатларини ифода этганидан, улар албатта пул шаклида олиниши керак. Нобозор даромадлари бозор даромадларидан фарқлироқ ҳам натурал, ҳам пул шаклига эга.

Бинобарин, бозор ва нобозор даромадларини тавсифлашда икки мезон асос бўлиши керак. Биринчиси – даромадни олиш усули, иккинчиси – унинг шакли.

Нобозор даромадлари – бу субъектларнинг ижтимоий мақомига кўра ва муҳтожлик даражасига нисбатан бериладиган пул ёки моддий тушумлардир.

Бозор даромадлари ўз моҳиятига кўра бир қанча вазифаларни бажаради. *Биринчидан*, бозор даромадлари кишиларнинг тирикчилигини таъминлайди ва иш кучини такроран ҳосил этади. *Иккинчидан*, инсон салоҳиятини такомиллашиб боришга ундайди, у кўшимча даромад топиб, бошқалардан фаровонроқ яшаш иштиёқини уйғотади ва молиявий ресурс сифатида иқтисодий ўсишга хизмат қилади, аҳамияти доимо кучайиб боради. *Учинчидан*, бозор даромадлари даромадларнинг кучли, лекин адолатли табақаланишига ҳамда турмуш даражасининг жиддий фарқланишига олиб келади. *Тўртинчидан*, бозор даромадларидаги тенгсизлик аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни зарур қилади.

Ишлаб чиқариш омиллари бозор даромади турларини келтириб чиқарар экан, бу даромад турларининг шаклланиши ўзига хос хусусият касб этади. Бозор даромади турлари қуйидаги кўринишларда мавжуд бўлади:

- 1) меҳнат натижасидан келган даромад ёки иш ҳақи;
- 2) мулкдан тушадиган даромадлар;
- 3) тадбиркорлик даромади.

4. Аҳоли даромадларининг табақаланиши ва ижтимоий чегараси

Бозор тизими тенг имкониятлар беради, лекин у кишиларнинг ишлаб пул топиш қобилиятларини ижтимоий мақомини тенглаштира олмайди. Бу қобилият табиий, чунки кишиларнинг ақл-идроки ва куч-қуввати ҳар хил бўлади. Бироқ озми-кўпми бир хилдаги туғма қобилиятларнинг юзага чиқиши ижтимоий муҳитга, кишиларнинг ижтимоий ҳолатига ҳам боғлиқ бўлади. Шу жиҳатдан олганда, инсон капиталига инвестициялар кўп киритилган ерда (масалан, ривожланган мамлакатда) туғма қобилият тўлароқ юзага чиқади. Аксинча, бундай инвестиция қилишга молиявий ресурслари етишмаган мамлакатларда қобилиятни ривожлантириш имконияти чекланади. Албатта, ижтимоий табақалашувга кишиларнинг қайси ижтимоий гуруҳга мансублиги ҳам таъсир қилади. Одатда деҳқон хонадонларида иш кучи сифатини ошириш учун маблағ ҳамма вақт ҳам етишмайди, аксинча, тадбиркорлар ёки хизматчилар хонадонида бунинг имкони кўпроқ бўлади. Бой хонадонларда юқори сифатли, лекин пулли таълим-тарбия хизматларини харид этишга пул топилади, камбағал хонадонларда эса бунинг иложи бўлмайди. Қобилиятларни юзага чиқариш даражаси мамлакатларнинг ривожланиш моделига ҳам боғлиқ. Агар ривожланиш моделига кўра ижтимоий хизматларнинг аксарият қисмини давлат молиялаштириб, аҳолига бепул етказиб берса, шу ерда иш кучи ривож топади, у юқори унумдорлик беради ва шу боис даромад топиш ҳам кўпаяди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида ривожланган мамлакатларда ҳам давлатнинг ижтимоий харажатлари борасида анча мураккабликлар туғилмоқда.

Ўзбекистонда давлат бюджетдан ижтимоий неъматларнинг яратилишини молиялаштиради, улардан эса халқ бепул фойдаланади. Бу неъматлардан ҳамма баҳраманд бўлгани боис, иш кучининг сифати ортади. Давлат ёрдамида аҳолининг кенг табақалари ўз қобилиятларини ривожлантириш имконига мустақиллик боис эга бўлади.

Ижтимоий табақаланишнинг яна бир омили оиланинг демографик таркибидир. Оилада пул топувчилар қанчалик кўп бўлиб, боқимандалар оз бўлса, бу ерда жон бошига тўғри келадиган

даромад шунчалик кўп бўлади. Бундай боғлиқлик Ўзбекистонда яққол кузатилади.

Демографик ривожланиш. Ўзбекистонда доимий истиқомат қилаётган аҳоли сони 2012 йилнинг ниҳоясида 29,6 миллион кишини ташкил этди. Бу кўрсаткич 1990–2010 йиллар мобайнида 8,2 миллион кишига кўпайди ёки 1,4 баробар ошди. Юртимизда жисмоний ва маънавий баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган, пухта ўйланган демографик сиёсат натижасида аҳолининг йиллик ўртача ўсиши кейинги йилларда барқарорлашиб, ўтган асрнинг 80-йилларидаги 2 фоиздан зиёд кўрсаткич ўрнига 1,4 фоиз даражасида қайд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Сир эмаски, биз мустақил тараққиётимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб ижтимоий адолат тамойилларини мустаҳкамлаш, аҳолининг даромадлари ва турмуш шароитида кескин тафовут бўлишига йўл қўймасликка катта эътибор қаратмоқдамиз.

Кейинги ўн йилда юртимизда аҳоли даромадлари ҳажми 8,1 баробар ортган бир пайтда, иш ҳақи, ижтимоий кўмакка муҳтож тоифаларнинг даромадлари миқдорини жадал ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш ва солиқ имтиёзлари бериш ҳисобидан аҳолининг энг паст ва энг юқори даромадга эга бўлган гуруҳлари ўртасидаги тафовут, бошқача айтганда, даромадлардаги фарқ коэффициенти 21,1 баробардан 8,3 баробарга қисқарди. Айтиш керакки, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ва бир қатор иқтисодий ривожланган давлатлар ўртасида бу коэффицент энг паст кўрсаткичлардан бири ҳисобланади.

Юртимизда ўтган йиллар давомида иш ҳақи ва пенсияларнинг харид қобилияти изчил ва барқарор ўсгани аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати ортиб бораётганининг яққол тасдиғидир. Бунинг исботи тариқасида қуйидаги мисол ва рақамларни келтирмоқчиман.


Агар 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ҳисоблаб чиқилган истеъмол савати қийматининг фақат 8 фоизини ташкил этадиган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлган бўлса, 2011 йилда бу кўрсаткич истеъмол саватининг 120 фоизини ташкил этди ёки 15

баробар ўсди, энг кам пенсиянинг харид қобилияти эса 9 карра ошди»¹, – деб таъкидлади.

Давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни химоя қилиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар туфайли оналар ва болалар ўртасида ўлим даражасининг изчил пасайишига эришилди: мустақиллик йилларида болалар ўлимининг умумий коэффиценти 1990 йилдаги 34,6 промилледан 2010 йилда 11,0 промиллега, оналар ўлими эса 100 минг тирик туғилган чақалоққа нисбатан тегишлича 65,3 дан 21 га тушди. Натижада аҳолининг ўртача умр кўриш даражаси 1990 йилдаги 67,2 ёшдан 2010 йилда 73,1 ёшга етди ёки 9 фоиздан кўпроқ ўсди (3-чизмага қаранг).

3-чизма

Аҳолининг ўртача умр кўриши, ёш



Мамлакатимизда ижобий демографик жараёнлар аҳолининг ёш таркибини ҳам оптималлаштиришни тақозо этди. Бу жараёнда Ўзбекистон ёшлар мамлакати сифатидаги мақомини сақлаб қолмоқда, аҳолининг ўртача ёши 26,9 ёшни ташкил этмоқда.


¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т., 2012. – Б. 14–15.

**Ўзбекистонда демографик жараёнлардаги
ўзгаришлар (минг киши)**

Кўрсаткичлар	Йиллар					2011 йилда 1995 йилга нисбатан ўзгариш	
	1995	2008	2009	2010	2011	+, –	фоиз
Туғилганлар сони	678,0	608,9	646,1	651,3	669,6	– 8,4	87,7
Ўлганлар сони	145,4	137,4	138,8	133,6	138,4	– 7,0	95,2
Никоҳдан ўтганлар сони	168,9	254,2	250,2	272,0	292,3	123,4	173,0
Ажралишлар сони	28,5	19,4	18,3	17,8	17,6	– 10,9	61,7

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.


Оила институтини мустаҳкамлаш, хусусан, кам таъминланган ва ёш оилаларни аниқ йўналтирилган тарзда ижтимоий қўллаб-қувватлаш ва уй-жой шароитини яхшилаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар барқарор демографик ривожланишни таъминлаш имконини берди. Натижада 1990–2011 йилларда ёш оилалар ўртасида ажралишлар коэффиценти икки баробардан кўпроқ пасайди, оила қуришининг ўртача ёши ошди ва оилада болалар сони ўртача бўлишига эътибор қаратадиган оилалар улуши ортди. Айни вақтда аҳолининг барқарор кўпайиши таъминланмоқда.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Аҳоли бандлиги. Мамлакатимизда 1990 йилдан 2012 йилга қадар иш билан банд бўлган аҳоли сони қарийб 4,0 миллион нафарга ошди ва 2011 йилнинг охирида қарийб 12,0 миллион кишини ташкил этди. Янги иш ўринларини ташкил этиш, иқтисодиёт тармоқлари таркибини диверсификация қилиш, малакали мутахассислар тайёрлаш ва шунингдек, 12 йиллик мажбурий таълим тизимига ўтиш борасида кўрилган чора-тадбирлар аҳолининг бандлик даражасини янада ошириш имконини берди. 2011 йил якунларига кўра, мамлакатимизда Халқаро меҳнат ташкилоти услуби асосида аниқланган ишсизлик даражаси мақбул даражада бўлиб, иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 5 фоизини ташкил этади.

Аҳоли бандлиги таркибида муҳим ижобий ўзгаришлар таъминланди. Агар мустақилликнинг дастлабки йилларида иш билан банд бўлганларнинг 60 фоизи давлат сектори ҳиссасига тўғри келган бўлса, 2000 йилда бу кўрсаткич 24 фоизга тушди. Бугунги кунда эса мазкур секторда умумий иш билан банд аҳолининг 20 фоиздан кўпроғи меҳнат қилмоқда. Бандликнинг соҳалар бўйича таркибида ҳам ижобий тенденциялар кузатилмоқда: қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сони сезиларли даражада камайди. Агар 1990 йилларнинг бошида мазкур соҳада ишловчилар сони жами иш билан банд бўлганларнинг 40 фоизини ташкил этган бўлса, бугунги кунда бу рақам 25 фоизга тушди. Хизмат кўрсатиш, транспорт ва қурилиш соҳаларида эса иш билан банд бўлганлар сони ўсиб, 36 фоиздан 52 фоизга етди.



Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси.

Бандликни таъминлашга қаратилган ҳудудий дастурларнинг амалга оширилиши, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш натижасида, фақат сўнгги 5 йилнинг ўзида иқтисодиётнинг барча тармоқларида 3,8 миллионга янги иш ўрни яратилди. Уларнинг 76,0 фоиздан зиёди кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига тўғри келади. Қайд этиш жоизки, ҳозирги кунда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини ошириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси учун ҳар йили тижорат банклари томонидан 1 триллион сўмдан ортиқ миқдорда кредит маблағлари берилмоқда.

Аҳолининг бандлик даражаси ва даромадлари, унинг ҳаёт даражасини ошириш, шунингдек, меҳнат бозорида ишчи кучига бўлган талабни янада тўлароқ қондириш бўйича юртимиз ҳудудлари ва иқтисодиёт тармоқларидаги мавжуд салоҳиятдан самарали фойдаланиш мақсадида, 2012 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг қарори билан 2013 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Унга кўра 2013 йилда 972700 та иш ўринлари яратилади.

Сўнгги йилларда касаначилик ва оилавий тадбиркорлик каби аҳоли бандлигини таъминлашнинг янги шакллари фаол ривожланди. Фақат 2006–2010 йилларда мамлакатимиз корхоналари билан фуқаролар ўртасида тузилган касаначилик ва ижара шартномалари асосида 674 мингта иш ўрни ташкил этилди. Бундан ташқари, аҳолининг иқтисодий фаоллиги ошиши, ўзини ўзи бандлигини таъминлаши учун қулай шарт-шароитлар яратилиши натижасида миллий хунармандлик ва оилавий тадбиркорлик соҳаларида 302,1 мингта иш ўринлари очилди.

Деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлар базасида чорвачилик ва паррандачиликни ривожлантириш бўйича кўрилган чора-тадбирлар аҳоли бандлигини таъминлашга сезиларли ҳисса бўлиб кўшилди. Хусусан, кам таъминланган ва кўп болали оилаларга бепул қорамол берилиши натижасида 1,4 миллион нафар қишлоқ аҳолиси деҳқон хўжаликларида қорамоллар боқиш билан шуғулланиш имкониятига, ушбу фаолият тури билан шуғулланган даври пенсия тайинлаш учун меҳнат стажига киритилиши ҳуқуқига эга бўлди.

Мамлакатимизнинг барча туман ҳамда шаҳарларида иш билан банд бўлмаган аҳолига ишга жойлашиш масаласида ёрдам берадиган махсус марказлар ташкил этилди ва самарали фаолият кўрсатмоқда.

Сўнги 5 йил ичида ушбу марказлар томонидан 2,4 миллион киши бўш ва янги ўринларга ишга жойлаштирилди, 96 минг нафардан зиёд аҳоли меҳнат бозорида талаб катта бўлган касб-ҳунарларга ўқитилди ва малакасини оширди. Баъзи маълумотларга кўра, бу ерда иш билан бандлик даражаси паст бўлганидан бир ишловчига тўғри келадиган ва унинг қармоғидаги бўлган кишилар сони анча кўп. Бунинг натижасида бир оилга ҳисобланган даромадлар кўп бўлгани ҳолда, жон бошига тегадиган даромадларнинг камлиги кузатилади. Аҳолининг даромад жиҳатидан табақаланиши, оила таркибидан ташқари, ишлаб топилган даромад миқдори ҳам боғлиқ. Буни эса меҳнат унумдорлиги даражаси белгилайди.

Аҳолини даромади ва турмуш даражаси жиҳатидан бўлиш маълум иерархияни ҳосил этадики, буни даромадлар пирамидасида кўриш мумкин. Бу пирамида беш поғонали (ўта бойлар, бойлар, ўрта ҳоллар, камбағаллар ва ўта камбағаллар – қашшоқлар) ёки уч поғонали (бойлар, ўрта ҳоллар ва камбағаллар) бўлиши мумкин. Бундай табақалашувни бозор қонунларининг ўзи тақозо этади. Бозор иқтисодиёти танлов қоидасига асосланар экан, у муқаррар равишда даромадларнинг фарқланишига олиб келади. Бунинг субъектив томони шундаки, ишнинг уддасидан чиққанлар бой, унча уддасидан чиқмаганлар ўрта ҳол, умуман ўзини ўнглай олмаганлар камбағал бўлади. Бу табақаланишнинг инсонга боғлиқ томони. Аммо бунинг объектив томони ҳам борки, бу иқтисодиётнинг шарт-шароити ёки умумий вазиятга боғлиқ. Вазият қулай келганида бой бўлиш, танглик ҳосил бўлганида камбағалга айланиш кишиларнинг хоҳиш-иродасига боғлиқ эмас.

Табақаланиш тенгсизликни юзага чиқаради, бироқ олдин қайд этганимиздек бу адолатли тенгсизликдир, чунки бозор қоидаларига биноан муқаррар юзага келади. Унинг салбий томони ижтимоий тўқнашув эҳтимоли бўлса, ижобийлиги бойлар истеъмолининг ошқора самарасидир. Яъни бойлар истеъмоли намуна сифатида бошқаларни фаол бўлишга ундайди, натижада иқтисодий ўсиш юз бериб, истеъмолдаги тафовутлар қисқаришга мойил бўлади. Истеъмолдаги фарқлар сақланса-да, улар миқдорда эмас, балки сифатда қолади. Бойлар бошқалардан ўз истеъмолига қараганда бўш вақтини кўпроқ дам олиб ўтказиши ва ўз қўлида тўпланган активларининг миқдори, аниқроғи, банкдаги пули, акцияси ва облигацияси, бизнesda ишлаётган капиталнинг миқдори билан фарқланади.

Бозор шароитида даромадларнинг юқори чегараси бўлмайди: ишнинг кўзини билган шахс қанча яхши ишласа, шунча кўп топиши, топганининг асосий қисмини жамғариб бориши мумкин. Қонуний бой бўлишнинг тақиқланмаслиги унга интилишни ҳосил қилади. «Интилганга толе ёр» деганларидек, ҳаракат қилиш натижасида камбағал ўрта ҳолга, ўрта ҳол эса бойга айланиши мумкин. Иш юришмаганида бунинг акси ҳам бўлиши мумкин. Иқтисод юксалган сари камбағаллар камайиб, ўрта ҳоллар асосий тоифага айланади, бойлар сони ҳам ўсади. Аммо бойларнинг ички табақаланиши ҳам юз беради. Улар орасида ўта бойлар ажралиб чиқади. Улар ҳам, секин бўлса-да, кўпайиб боради. Илгарилари ўта бойлар Ғарб мамлакатларига хос бўлган, энди эса улар Шарқда ва ҳатто ўтиш давридаги мамлакатларда ҳам шаклланган. Ўтиш давридаги ўта бойлар бозор муносабатларининг ривожланиши маҳсули эмас, балки бойликни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш жараёнида уни қонуний ва ноқонуний йўл билан ўзлаштириб олган кишилардир. Қуйида эътиборингизга дунё ва Россия Федерацияси миллиардерлари, асосий фаолият турларини келтирамыз.

2-жадвал

Дунё миллиардерлари¹

№	Исм-фамилиялари	2009 йил март ойи ҳолатига кўра (млрд. \$)	Асосий фаолият тури
1.	Билл Гейтс (АҚШ)	40,0	юксак технология
2.	Уоррен Баффет (АҚШ)	37	инвестиция
3.	Карлос Слим Хелу (Мексика)	36	турли хил савдо, кўчмас мулк
4.	Лоренс Эллисон (АҚШ)	22,5	юксак технология
5.	Ингвар Компрад (АҚШ)	22,0	турли савдо
6.	Карл Альбрехт (Германия)	21,5	нефтни қайта ишлаш
7.	Мукеш Амбани (Ҳиндистон)	19,5	металлургия
8.	Лакшми Миттал (Ҳиндистон)	19,3	турли савдо
9.	Тер Альбрехт (Германия)	18,8	тўқимачилик саноати
10.	Амансео Ортега (Испания)	18,3	турли савдо

¹ Қаранг: *Аргументы и факты*. – 2009. – № 13.

Россия миллиардерлари¹

Т/р	Исм-фамилиялари	2009 йил март ойи ҳолатига кўра (млрд. \$)	Асосий фаолият тури
1.	Михаил Прохоров	9,5	инвестиция
2.	Роман Абрамович	8,5	нефть ва газ, металлургия
3.	Вагит Алекперов	7,8	нефть ва газ
4.	Михаил Фридман	6,3	нефть ва газ, инвестиция, телекоммуникация
5.	Владимир Лисин	5,2	металлургия
6.	Алексей Абрамов	4,4	металлургия
7.	Алексей Мордашев	4,3	металлургия
8.	Герман Хан	4,0	нефть ва газ, инвестиция, телекоммуникация
9.	Олег Дерипаска	3,5	металлургия
10.	Искандер Махмудов	3,3	металлургия

Ўзбекистонда давлат мулкани хусусийлаштириш пулли бўлиб, каттиқ назорат остига олинганлиги ва катта даромад берувчи табиий ресурсларнинг давлат қўлида сақланиши уларни хусусий тарзда ва сувтекин ўзлаштириш йўлини тўсиб қўйди. Натижада ўта бойлар – олигархлар гуруҳининг шаклланишига йўл берилмади. Бу ислохотлар ўтказилишида ижтимоий адолат принципларига изчил риоя этилганининг натижасидир.

Аҳолининг табақалашуви унинг бой ва камбағалларга ажралиши билан чекланмайди, балки ўрта ҳол синфни ҳам юзага келтиради. Бу синф иқтисодий трансформация шароитида шаклланади. Бу трансформация фуқаролик жамиятига олиб келганида ўрта синфнинг шаклланишини шу жамиятнинг талаби деб талқин этиш мумкин. Ўрта синф иқтисоди ривожланган жамиятнинг ижтимоий таянчи бўлса-да, унинг шаклланиши трансформация босқичида бошланади. Бу синф ўз мавқеи жиҳатидан бойлар ва камбағаллар оралиғида туради. Ўрта синф аҳолининг ўзига тўқ, келажакка ишончи бўлган синфи ҳисобланади. Ўрта синфнинг сони ва жамиятдаги мавқеи

¹ Ўша манба.

иқтисодиётнинг ўсишига боғлиқ, шу сабабли Ўзбекистонда ҳам бу синф сафи кенгайишига мойиллик катта. Бу жараёнга иқтисодий ўсишдан ташқари бизнеснинг ривож, мулкни хусусийлаштириш ҳам ҳисса қўшади. Ўзбекистон қишлоқларида бошланган оилавий оммавий фермерлаштириш, яъни ширкатлар ўрнига фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши ўрта синф сафининг кенгайишини таъминлайди. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимда «Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир» мавзуидаги маърузасида 2011 йилни «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилди. Бу юртимизнинг қиёфаси ва ҳаётимизнинг маъно-мазмунини бутунлай ўзгартираётган оқилона сиёсатни давом эттириш ва мамлакатимиз кўзлаган мақсадларга етиш, тараққий топган демократик давлатлар қаторидан жой олишда манзилимиз масофасини қисқартириш йўлидаги муҳим стратегик қадамдир. Президент Ислон Каримов тадбиркорликнинг қирралари ҳақида: «Мен бу ўринда соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг барчамизга яхши маълум бўлган **«Азми қатъий, тадбиркор, хушёр, мард ва шижоатли бир киши мингта тадбирсиз ва лоқайд кишидан афзалдир»** деб айтган чуқур маъноли сўзларини яна бир бор эслатмоқчиман»¹, – деб таъкидлади. Давлатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларданок мамлакатимиз келажаги, давлатимиз ва жамиятимизнинг сиёсий-ижтимоий қурилишини белгилашда биринчи навбатда Конституциямизни ишлаб чиқиш ва тасдиқлашда мулк ва мулкрий муносабатлар ҳақидаги принципиал масала давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг диққат марказида бўлганини 1992 йилда чоп этилган «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асаридаги: «Мулкчилик масаласини ҳал қилиш бозорни вужудга келтиришга қаратилган бутун тадбирлар тизимининг тамал тоши бўлиб хизмат қилади» ёки 1993 йилда нашр этилган «Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» асаридаги: «Иқтисодий ислохотларнинг бугунги босқичида энг муҳим долзарб вазифа – мулкрий муносабатларни тубдан ўзгартирмоқдир. Унинг туб моҳияти – мулкни ҳақиқий эгалари кўлига беришни тезлаштириш, тадбиркорлик учун кенг йўл очиб бериш ва мулкдорда янги

¹ Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилидир: Президент Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 18 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги нутқи // Халқ сўзи. – 2010. – 8 дек.

мулк эгаси ҳиссиётини тарбиялашдан иборат», – деган илмий қарашларидан англаш мумкин. Шунингдек, Президент Ислом Каримовнинг дунёнинг ўнлаб мамлакатлари тилларида чоп этилган «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асаридаги: «Мамлакатда чинакам ўрта мулкдорлар синфи шаклланган тақдирдагина ислохотлар сезиларли самара беради, мулкчилик масалалари ҳал бўлади» ёки: «Чинакам мулкдорлар синфи ҳам мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришни изчил амалга ошириш ҳисобига, ҳам кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш йўли билан шакллантирилади. Стратегик жиҳатдан олганда, биз кўп укладли иқтисодиётни вужудга келтириш вазифасини қўймоқдамиз. Бунда устуворлик хусусий мулкка, кичик бизнесга берилади» ёхуд: «Кичик бизнес – жамиятда ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий вазиятни мўътадиллаштиришга ёрдам берадиган ўрта тадбиркорлар синфининг пайдо бўлиши демакдир. Бу – республика бозорини зарур истеъмол товарлари ва хизматлар билан бойитишдир. Бу янги иш ўринларидир» каби истиқболни белгиловчи илмий қоида ва хулосаларга асосланган башорати бўлиб, бугунги жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистонда унинг энгил кечишининг тамал тоши бундан 21 йил олдин қўйилганлигини англамаслик, сезмаслик мумкин эмас. Муҳими, мазкур асарда Ўзбекистон давлатчилигининг иқтисодий негизини дахлсиз, давлат ҳимоясидаги, тенг ҳуқуқли мулк шакллари ташкил этиши, бунда устуворлик хусусий мулкка берилиши ҳамда Ўзбекистон давлатчилигининг сиёсий негизини ўртача мулкдорлар синфи ташкил этиши ҳақидаги илмий қоидалар мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттиришнинг назарий асосларини ташкил этади. «2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили», «2012 йил – Мустаҳкам оила йили», «2013 йил – Обод турмуш йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим қадамлардир. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни Ватанимиз тараққиётини ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришда белгиловчи етакчи куч эканлигини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари уни ривожлантиришни сиёсат даражасига кўтарганлиги ўта муҳим ҳодисадир. Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес

нихоятда муҳим ўрин эгаллайди. *Энг аввало*, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари ўзгаришига қараб иш тутишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантиради, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. *Иккинчидан*, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва даромадлари ошиб боришини таъминлайди. *Учинчидан*, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади ҳамда ялпи талабни ўстиради.

Барчамизга аёнки, айнан ана шу ижтимоий қатлам, яъни ўрта синф юртимизда амалга ошираётган ислохотларни янада чуқурлаштиришдан, мамлакатимизнинг изчил ва барқарор ривожланишидан энг кўп манфаатдордир. Шу боис кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётгани қайд этилди¹.

«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасининг мамлакатимизни модернизация қилиш ва янгилашнинг ишончли таянчи бўлган мулкдорлар синфини, яъни ўрта синфни шакллантиришдаги улкан аҳамиятини ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмайди. Иқтисодиётнинг ушбу соҳаси юртимизда қандай катта суръатлар билан ривожланиб бораётганини юқорида қайд этиб ўтдик. Бу ўринда 2012 йилда мазкур соҳанинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 54 фоизга етди. Бу иқтисодий жиҳатдан мустақил бўлган ижтимоий субъект, у юксак меҳнат унумини таъминлайди, унинг билим ва малакаси юқори, сиёсий эркинликларни кафолатловчи куч ҳисобланади, асосий солиқ тўловчи вазифасини ўтайди, унинг истеъмоли бозор ҳажмини белгилайди, жамиятдаги иқтисодий ўсишни ва халқ фаровонлигининг янада юксак бўлишини таъминлайди.

Табақаланиш жараёнида камбағаллар қатлами ҳосил бўлар экан, унинг ўлчами ҳам бўлиши керак. Камбағаллик чегарасини тирикчилик минимумининг қиймати белгилайдики, даромади шундан кам бўлганлар камбағалларни ташкил этади. Даромадлар

¹ *Каримов И. А.* Мамлакатимизни модернизация қилиш йўлини изчил давом эттириш – тараққиётимизнинг муҳим омилдир // Халқ сўзи. – 2010. – 8 дек.

тақсимланишидаги тафовутлар Жини коэффиценти ёрдамида ҳам аниқланиши мумкин. Жини коэффицентидан айрим мамлакат доираларида шахслар ёки уй хўжаликлари ўртасида даромадларнинг (ёки айрим ҳолларда харажатларнинг) мутлақ тенг тақсимланишидан уларни реал тақсимланишида юз берадиган фарқланиш даражаларини кўрсатиш учун фойдаланилади. Нолга тенг Жинни коэффиценти мутлақ тенгликни, 100 фоизга тенг бўлган коэффицент эса мутлақ тенгсизликни англатади. Бошқача айтганда, Жинни коэффицентининг максимал мазмуни (моҳияти) 100 фоиз бўлиб, бу барча даромадларнинг қандайдир биргина шахс ёки хонадон томонидан олинисини англатса, минимал мазмуни – ноль эса мутлақ тенгликни кўрсатади. Жинни коэффиценти тенгсизликни аниқлашда энг кўп тарқалган ўлчовдир.

Жаҳон банки Жинни индексининг турли йиллар бўйича ҳисобланган кўрсаткичларини беради. Улар ўзгариб турганидан ҳар хил чиқади. Даромадларнинг озчилик кўлида тўпланиши ҳар хил кечади, лекин бу кўрсаткич иқтисоди унча ривожланмаган мамлакатларда юқори бўлади. Бойлар ва камбағалларни даромадлардаги ҳиссаси ҳам мамлакатлар бўйича фарқланади.

Табақаланишни таҳлил этганда, иқтисодиётнинг тузилишини ҳам назарда тутиш керак. Шу сабабли даромадлардаги фарқларни таққослаш билан кифояланиб бўлмайди. Бунда истеъмолдаги фарқларни ҳам назарда тутиш керак бўлади. Бу, айниқса, ўтиш давридаги мамлакатлар учун муҳим. Ўзбекистонда, масалан, даромад ҳақидаги расмий маълумотлар истеъмол ҳажмини аниқ белгиламайди, чунки амалда ҳисобга кирмаган, яширин йўл билан топилган даромадлар ҳам борки, улар истеъмолда иштирок этади. Бунинг устига натурал истеъмол ҳам бўлиб, у пул даромадларининг истеъмол буюмларига айланишини билдирмайди. Бу даромад олди-сотдини четлаган ҳолда хонадон истеъмолига тўғридан-тўғри келиб тушади. Сўнгги маълумотларга қараганда, Ўзбекистонда шахарликлар жами истеъмол этиладиган озиқ-овқатнинг 7,2 фоизни харид этмайдилар. Қишлоқда эса харид этилмай туриб, ўз хўжалигидан олиб истеъмол қилинган озиқ-овқат 26,0 фоизни ташкил этган.

Аҳоли камбағал қатламларининг муаммолари кескин ижтимоий муаммолар бўлиб, у ёки бу даражада барча мамлакатларда мавжуд. Камбағалликнинг умумсайёравий, умумбашарий характерга эга эканлиги унинг сабаблари умумийлигидан далолат беради.

Ҳозирги дунё хилма-хил мамлакатлар мажмуидир. Дунёдаги мамлакатлар иқтисоди ривожланган, даражаси ўртача ва кам ривожланган мамлакатлардан иборат. Улардан ҳар бирининг ўзи турли гуруҳларга мансубдир. Ривожланган мамлакатларда тафовутлар кучли эмас, мамлакатларнинг иқтисодий даража бўйича фарқи икки бараварга яқин. Иқтисоди ривож топган мамлакатларда моддий тўкинчилик бўлиб, маҳсулот ва хизматлар фаровон яшаш учун етарли бўлади. Гап шундаки, уларни қайта тақсимлаш жараёнида бойлар даромадининг бир қисмининг солиқ воситасида олиниб, камбағалларга берилиши мумкин. Шу сабабли камбағаллик даражаси юқори бўлмайди. Айтиш жоизки, бойлик катта бўлганидан унинг бир қисми эгасидан олиниб, камбағалларга берилиши бойлардаги иқтисодий фаоллик рағбатларини сўндирмайди, иқтисодий ўсиш учун зарур инвестицияларни ҳам чекламайди.

Ривожланган мамлакатларда инсонийлик принциплари ҳам кучли бўлади. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, ночорларга мурувват қилиш, муҳтожларга ёрдам сифатида қилинадиган хайр-эҳсон учун сарфланадиган пулнинг миқдори бойликка тўғри мутаносибликда бўлади. Шу боис, ривожланган мамлакатларда кам таъминланганлар учун йўналтириладиган давлат маблағидан ташқаридаги хайр-эҳсон фондларининг миқдори ўсиб боради. Бой мамлакатларда даромаддаги ижтимоий тафовутларнинг кичик бўлиши, камбағалликнинг чекланганлигини келтириб чиқаради.

Камбағаллик даражасини фақат ишлаб чиқариш даражаси билан эмас, балки аҳолининг ўсиши билан ҳам изоҳлаш зарур. Иқтисодиётда шундай қонуният мавжудки, аҳоли жон бошига олинадиган даромадларнинг ўсиши ишлаб чиқариш ҳажмига ва аҳолининг сонига боғлиқ бўлади. Жон бошига тўғри келадиган даромадлар кўпайиши учун ишлаб чиқаришнинг ўсиши аҳоли сони ўсишидан, кўпайишидан тез бориши талаб қилинади. Ривожланган мамлакатларда аҳолининг ўсиш суръатлари пасайишга мойил бўлгани ҳолда ишлаб чиқариш тез ўсади, натижада жон бошига ҳисобланган даромад ортиб боради. Кам ривожланган мамлакатларда бошқача ҳодиса юз беради. Бу ерда ишлаб чиқаришнинг умумий даражаси паст бўлади.

Аммо XXI асрга келиб камбағалликнинг яшовчан эканлиги намоён бўлмоқда. Ҳатто жадал иқтисодий ўсиш ҳам камбағалликнинг дарҳол тугатилишини кафолатлай олмаяпти. Камбағаллик дунёда глобал ҳодисага айланиб, наркотик моддалар ва

юқумли касалликлар каби жаҳон жамоатчилигини ташвишга солмоқда. Қитъалар, давлатлар ўртасида ва давлатлар ичида, одамларнинг яшаш шароитларида катта тафовут мавжуд бўлса, шубҳасизки, бутун дунё мамлакатларида барқарор ривожланиш бўлмайди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида камбағаллик ва тенгсизлик кўламининг ортиши инсониятга таҳдид солаётганлигини англаган дунё жамоатчилиги унинг олдини олиш усуллари излашмоқда. 2000 йилда дунёдаги 160 та мамлакат етакчилари БМТнинг Минг йиллик декларациясини қабул қилиб, инсоният тараққиётининг глобал мақсадларини маъқулладилар ва бу билан жаҳон жамоатчилиги 2015 йилга келиб камбағалликни икки баравар қисқартириш мақсадини яна бир бор тасдиқлади.

Мустақил Ўзбекистон мазкур декларацияни имзолаган давлат сифатида фаол ижтимоий сиёсат йўлини давом эттирмоқда. Ўзбекистоннинг ўз янгилиниш ва тараққиёт йўлига асос бўлган энг муҳим қоидалардан бири бозор иқтисодиётига ўтишнинг барча босқичларида олдиндан кучли ижтимоий сиёсатни ўтказишдир. Қолган барча қоидалар ижтимоий вазифаларни ҳал этишга, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш соҳасида қатъий қафолатни вужудга келтиришга бўйсундирилган. Ўзбекистон ислоҳотларни босқичма-босқич амалга ошира бориб, мустақилликнинг дастлабки йилларидаги оғир ларзалардан сўнг даромад ва истеъмол даражасини қайта тиклашга ҳамда талабнинг иқтисодий ўсиш омилига айланишига эришди. Ўзбекистон БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари дастури параметрларини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Бугунги кунда давлат бюджетининг қарийб 60 фоизи ижтимоий соҳага йўналтирилмоқда. Айни пайтда аҳолини тоза ичимлик суви билан таъминлаш даражаси 82,5, табиий газ билан таъминлаш 83,5 фоизга етди, соғлиқни сақлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш ва ривожлантириш, ўта оғир юқумли касалликларга барҳам бериш ҳамда уларни камайтириш борасида қатъий чоралар кўрилди. Буларнинг барчаси халқаро ҳамжамият қабул қилган дастур параметрларини босқичма-босқич қўлга киритиш имконини берди. Интернет маълумотларига кўра минг йиллик ривожланиш мақсадлари ижроси дунё харитасида акс эттирилган. Дастур ижроси қарийб рўёбга чиқарилган санокли давлатлар қаторида Ўзбекистоннинг ҳам борлигини қувонч билан таъкидлаш лозим. Натижада ижтимоий-гуманитар соҳада эришилган

марралар – аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатларининг 5 баробар кўпайгани, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшилангани ва бунинг натижасида оналар ўлими икки баробардан кўпроқ, болалар ўлими уч баробар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етди¹.

Ислохотларнинг ҳозирги босқичида давлат иқтисодий ўсиш сиёсати самарасини барча инсонлар учун даромадларни оширишнинг кенг имкониятларини яратишга қаратмоқда. 2004 йилда халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган 2004–2006 ва 2010 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Яшаш даражасини ошириш стратегиясида жамиятнинг турли қатламлари даромадларидаги тенгсизликнинг долзарб муаммолари ифодаланган. Бу тажрибадан бош хулоса – турмуш даражасини ошириш вазифасига атрофлича (комплекс) ёндашувнинг муҳимлигидир.

Барча ривожланаётган мамлакатлар ва иқтисоди ўтиш даврига хос мамлакатларда иқтисодий ўсиш сифатини ошириш вазифаси устувор деб тан олинади. Кам таъминланганларга ижтимоий нафақа, субвенциялар, минтақалар ҳамда тармоқлар бўйича дотация ва солиқ имтиёзлари, шаҳар ва қишлоқ ўртасида, бандлик соҳасида ва ижтимоий гуруҳлар ўртасида даромадларни тенглаштириш учун етарли чора-тадбирлар мажмуи бўла олмайди. Самарали дастур чуқур ва мувофиқлаштирувчи ёндашувни тақозо этадики, унда иқтисодий ўсиш бандлик ва турмушнинг барча соҳаларини камраб олиши, кам таъминланганлар, аёллар ва ёшларнинг даромад олиши ва туруш даражасини ошириш имконини яратиши керак.

Камбағалликка қарши кураш ва турмуш даражасини ошириш ғоясини янгича тушуниш бошланганини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг 2005 йилни «Микромолиялаштириш йили» деб эълон қилганлиги ҳам далолат беради.

БМТнинг камбағалликни қисқартириш йўллари ҳақидаги баҳсла-рида ривожланаётган мамлакатлар ҳукуматларига мамлакатларининг энг зарур эҳтиёжларидан келиб чиқувчи миллий сиёсатини ишлаб чиқишга кенг имкониятлар яратишга чақирди. Камбағаллик

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 5.

мамлакатларнинг миллий хавфсизлигига таҳдид солаётганлигини эътиборга олиб, халқаро ташкилотлар камбағалликни қисқартиришнинг ривожланаётган мамлакатлар учун кўпроқ ижтимоий самара берадиган, миллий хусусиятга эга бўлган ижтимоий-иқтисодий дастурларини ишлаб чиқиш зарурлигини янада кўпроқ қайд этмоқдалар.

Камбағалликни қисқартириш XX асрнинг 90-йиллари ўрталаридан бошлаб ривожланаётган мамлакатларга халқаро ёрдам кўрсатиш дастурининг бош мақсадига айланди. Бунга қатор муҳим ҳодисалар сабаб бўлди. Жумладан, 1995 йилда Ижтимоий тараққиёт бўйича халқаро форум ўтказилиб, унда 186 та давлат вакиллари камбағалликни қисқартириш юзасидан ҳамкорлик қилишга қарор қилдилар. Шундан сўнг 1997–2006 йиллар «БМТнинг камбағалликни йўқ қилишнинг биринчи ўн йиллиги» деб эълон қилинди. 1998 йилда эса ривожланишнинг халқаро мақсадлари аниқланиб, 2015 йилга келиб камбағалликни икки мартаба қисқартириш асос сифатида белгиланди.

Халқаро ташкилотлар, имтиёзли кредитлар бериш ва қарз юқини бекор қилиш йўлидан бормоқда. Халқаро ҳужжатлар Камбағалликни қисқартириш стратегияси (КҚС) номини олди. ХВФ ва Жаҳон банки ривожланаётган мамлакатлар КҚС борасида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий ҳаётидаги ислохотларни фаол ўтказишни тавсия этади. КҚС ривожланаётган мамлакатларга халқаро молия институтлари томонидан имтиёзли кредитлар беришнинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, аниқ мамлакатда юз бераётган сиёсий ва институционал ўзгаришларни инобатга олган ҳолда ёрдамнинг ҳажми ва таркибини аниқлайди.

Бироқ КҚСни ривожланаётган мамлакатларда қўллаш тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бу камбағалликни қисқартиришнинг ижобий натижалари ҳақида ягона хулоса чиқариш имконини бермайди. Халқаро экспертлар бу борада янги, ўта самарали ёндашувлар зарурлиги ҳақида гапирмоқдалар. Жумладан, БМТнинг Тараққиёт дастури ривожлантириш сиёсати бюроси иқтисодчиси Терри Маккинли¹ сўнгги йилларда КҚСни тайёрлаш учун етарли шарт-шароитлар шаклланишини ва шу билан бирга ривожланаётган мамлакатларда неолиберализмнинг ортодоксал тавсиялари (масалан, қаттиқ фискал ва монетар сиёсат ўтказиш кенг кўламдаги

¹ Экологическое обозрение – 2004. – № 12.

хусусийлаштириш ва либераллаштириш) қўлланилаётганлиги қатор салбий оқибатларга олиб келганини кўрсатади.

Шунингдек, ХВФ ва Жаҳон банки экспертлари ҳам қарама-қарши фикрларини билдирмоқдалар¹. Бир томондан, КҚС ғоясини кенг қўллаб-қувватлашни таклиф қилмоқдалар. Иккинчи томондан, «донор мамлакатлар КҚС ва уни муваффақиятли амалга ошириш каби ёндашувларини яхшилашга ўткир эҳтиёж мавжудлигини» тан оладилар. Жумладан, донорларнинг миллий ерда фақат молиявий эмас, балки техникавий ёрдамни кучайтириш зарурлиги таъкидламоқдалар.

Аmmo асосий сабаб сифатида ривожланаётган мамлакатларнинг институционал заифлигидан келиб чиққан ҳолда, ХВФ ва Жаҳон банки қуйидагиларни кўрсатади:

- миллий ҳукуматларнинг баён қилинган мақсадларга етарли аҳамият бермаганлиги;
- давлат харажатларини бошқарув заиф эканлиги;
- КҚС маҳаллий институтларнинг маъмурий қобилияти билан боғлашнинг мураккаблиги;
- миллий ҳукуматлар томонидан мақсад ва вазифалар устуворлигининг аниқланмаганлиги;
- мақсадлар ва реал имкониятлар ўртасидаги мувофиқлик (баланс)ни топа олмаслик.

Айни пайтда камбағалликни қисқартириш стратегияси (КҚС) 5 та принципга асосланиши талаб қилинади:

биринчи принцип – стратегия миллий характерга эга бўлиши зарур ва барча манфаатдор шахслар иштирокида ифодаланиши ва татбиқ этилиши ҳамда сўнгги натижалар мониторингини ишлаб чиқиш зарур бўлади;

иккинчи принцип – стратегия Анинг натижаларига асосланиши ва камбағалларга наф келтириши керак. Жаҳон тажрибасига кўра, КҚСни қўллаш айрим мамлакатларда камбағаллик ҳолатини бироз яхшилашга олиб келди;

учинчи принцип – КҚС комплекслиги. КҚС камбағалликнинг келиб чиқиши сабабларини тўғри аниқлаш, уни тугатиш чораларини тан олиши зарур. Шунингдек, ушбу ҳужжат қандай қилиб макроиқтисодий, тузилмавий ва ижтимоий сиёсатни ўзгартириш

¹ «Poverty Reduction Strategy Papers-Progress in Implementation, by staffs of IMF and World Bank, September 12, 2003.

керакки, бу камбағалликни қисқартирсин, деган саволга жавоб берсин;

тўртинчи принцип – кўрилаётган тадбирлар, кўп томонлама, яъни давлат ва нодавлат йўли билан кўрилаётган чораларни мувофиқлаштириш зарур. Донорлар КҚС ишлаб чиқиш ва татбиқ этишда ривожланаётган давлатларга макроиқтисодий сиёсат коррупцияга қарши кураш ва фуқаролик жамияти куриш масаласи юзасидан маслаҳатлар бериш йўли билан ҳам қатнашиши керак бўлади;

бешинчи принцип – КҚС узоқ муддатли бўлганидан, унга кирадиган режалар истиқболга мўлжаллаб ишлаб чиқилган бўлиши керак.

Сўнгги йиллардаги тадқиқотларга кўра, КҚС соҳасидаги турли мамлакатлар сиёсати доирасида сезиларли тафовутлар мавжудлигини аниқланган. Жумладан, БМТ Тараққиёт дастурининг ривожланиш Концепциясида: «Камбағалликни қисқартириш стратегияси ички ўсиш «импорт қилингандан кўра афзалроқ»¹, – дейилган. КҚС эса ички миллий эҳтиёжлардан эмас, халқаро кредиторлар манфаати асосида шаклланиши таъкидланган.

Шунинг учун ҳам Концепцияда миллий, жумладан иқтисодий хавфсизликни самарали таъминлаш учун камбағалликни қисқартириш стратегиясининг миллий характерини кучайтириш зарурлиги уқтирилди.

Концепцияга мувофиқ, донор мамлакатларнинг ривожланаётган мамлакатларга қўйилаётган шартларини енгиллаштириш маъқул, деб топилган. Халқаро ташкилотлар КҚСда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга амалий ёрдам беришига даъват этадилар.

Камбағалликни қисқартириш стратегиясида миллий характер ҳисобга олинар экан, мутахассислар фикрига кўра кўплаб ривожланаётган мамлакатларда амал қилинаётган солиқ тизимини адолатли ва самарали деб бўлмайди. Солиқ юки даромади паст хонадон хўжаликлари соҳибларига тушиши, бойлар эса қонунчиликдаги камчиликлардан фойдаланишига йўл берилади.

Жаҳон хўжалигининг сўнгги ўн йилликлари ривожланиш жараёни дунёда камбағалликни қисқартиришга туртки бўлди. Жаҳон

¹ UNDP Development Viewpoint «Poverty Reduction Strategies: Home Drowth Rather Than Imported», Draft Development Viewpoint, March, Bureau for Development Policy, UNDP, New York.

банкининг «2004 йилда жаҳон тараққиёти кўрсаткичлари»¹ статистик маърузасига кўра, ер шари аҳолисининг ўта камбағал яшаётганлари ҳиссаси 1981 йилдан 2001 йилга қадар 40 фоиздан 21 фоизга қисқарган. Шунингдек, маърузада ривожланаётган мамлакатларда аҳоли жон бошига ЯИМ сўнгги 20 йил ичида 30 фоизга ошганлиги маълум қилинган. Маърузада камбағаллик юқори суръатларда 1980 йилларда жадал қисқарган, 1990 йилларда эса аксинча, бунинг суръати пасайган. Ўта камбағаллар бор-йўғи 120 млн. кишига қисқарган холос. Камбағалликнинг қисқариши дунё мамлакатларида нотеқис характер касб этганлиги, кузатилган камбағалликнинг қисқариши Хитой ва Ҳиндистондаги иқтисодий ўсиш суръатларининг тезлиги ҳисобига юз берганлиги маърузада қайд этилган.

БМТнинг «Тадбиркорликни ривожлантиришга ёрдам. Камбағалликка ишловчи бизнес» (2004 йил) номли маърузасида кўрсатилишича, йирик корхоналар – ТМК ва давлат монополистлар етарли даражадаги иш жойлари яратиши вазифасини уддалай олмаётганлиги кўрсатилган. Баъзи бир ҳуқуқни ҳимоя этувчи ва табиатни муҳофаза қилувчи ташкилотлар ЮНКТАДнинг Сан-Паулидаги сессиясида корпорациялар дунё жамоатчилиги олдида учинчи дунё мамлакатларидаги фаолиятлари учун жавобгар эканлигини баён этиши, бежиз эмас.

Ушбу маърузада, шунингдек камбағалликни қисқартириш борасида самарали иқтисодий сиёсат юритган давлатлар сифатида Хитой, Ҳиндистон, Уганда таъкидланди. 1980–2005 йилларда самарали иқтисодий ўсишни таъминлагани учун 400 млн. хитойликлар камбағаллик тоифасидан ўрта тоифага чиққан. Камбағаллик ҳамма ерда бор, лекин бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳиятига қараб фарқланади. Ривожланган мамлакатларда камбағаллик нисбий мазмунга эга. Бу ерда умумий аҳоли истеъмоли ғоят юқори бўлгани ҳолда, камбағаллар истеъмоли паст бўлади. Улар одатда сифатли товарларни камроқ истеъмол қиладилар, хизматлардан камроқ фойдаланадилар, бироқ улар учун овқатланиш ва кийиниш муаммоси йўқ. Ривожланган мамлакатларда камбағаллик кенг тарқалган ҳодиса бўлиб, бу ҳатто очарчиликни ҳам юзага келтириши мумкин.

¹ World Development Indicators 2004.

Камбағаллик миқёси иқтисодий даражадан ташқари давлат ижтимоий сиёсатининг нақадар фаол бўлишига, яъни давлат аҳолининг кам таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаб туришига ҳам боғлиқ бўлди. Шу сабабли камбағалларнинг аҳоли таркибидаги ҳиссаси ҳар доим ҳам иқтисодий ҳолатга қараб шаклланавермайди. Кучли ижтимоий сиёсат туфайли Ўзбекистонда камбағаллик миқёси мамлакатнинг иқтисодий даражасига нисбатан кичик бўлишини таъминлайди. Ўзбекистонда ҳам камбағалликнинг асосий сабаби иқтисодиётнинг етарлича ривожланмаганидир. Президент Ислом Каримовнинг таъкидлашича, «мамлакатдаги камбағаллик ва қолоқлик муаммоларини ҳал этиш мумкин ва зарур»¹. Бунинг учун иқтисодиётни модернизация қилиб, унинг ўсишини жадаллаштириш талаб этилади. Бироқ Ўзбекистондаги камбағаллик миқёси мамлакатнинг иқтисодий даражасига нисбатан юқори эмас, чунки давлатнинг фаол ижтимоий сиёсати воситасида муҳтожларга ёрдам берилади, кишиларнинг камбағалликдан чиқиб кетишлари учун шароит яратилади.

Таъкидлаш жоизки, бепул ижтимоий неъматлар ва хизматлар истеъмоли билан бир вақтда пулли билим олиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш параллел равишда мавжуд. Одатда кўпроқ юқори сифатли хизматлар пулли равишда кўрсатилади. Яқин келажакда пулли маълумот олиш ва тиббий хизматдан фойдаланиш рўйхатининг кенгайиб боришини тахмин қилиш мумкин. Буни бозор қоидалари талаб қилади. Ҳозирнинг ўзидаёқ аҳолининг маълум қатламлари пулли ижтимоий хизматлардан фойдаланадилар. Шу боис, 1994–2000 йилларда ўқиш хизматларига ҳақ тўлашнинг аҳоли харажатидаги ҳиссаси ошаётганлиги кузатилмоқда. Пировардида, ижтимоий хизматларнинг у ёки бу турини фақат пулли асосда олиш ҳолати юзага келиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Шу сабабли пулли хизматларнинг энг кам миқдорига қараб камбағалликни таҳлил этиш ўринли бўлади.

Камбағаллик глобал муаммо бўлгани боис, уни тугатиш умумбашарий тус олган. Бунинг учун энг аввал камбағаллик сабабларини аниқлаш, сўнгра уни чегаралаш чоратадбирларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Назарий жиҳатдан қаралганда камбағаллик сабабларини ҳар хил деб баҳолаш

¹ Каримов И. А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т., 2005. – Б. 36.

мумкин. Булардан бири ўткинчи бўлса, бошқаси доимий бўлади. Халқаро ташкилотлар тадқиқотларининг кўрсатишича, камбағал бўлиб қолиш хавфининг юзага чиқиш сабабларига қараб, унинг олдини олиш чоралари кўрилиши мумкин. Камбағаллик хавфини ҳар хил сабаблар юзага келтиради.

Камбағаллик хавфининг сабаблари орасида муҳимлари мавжуд. Ўзбекистонга мисолида хавфни юзага келтирувчи сабаблар қуйидагича:

- 1) ишсизлик;
- 2) ўтмишда камбағалларнинг кўп бўлганлиги;
- 3) иқтисоднинг аграр структураси;
- 4) экологик ҳолат;
- 5) аҳолининг тез кўпайиб бориши.

Бу сабаблар объектив бўлганлиги боис, уларни бирданига йўқотиб бўлмайди. Бироқ, бу муаммонинг кучайишига йўл бермаслик учун энг аввал бандликни ошириш талаб қилинади. Ўзбекистонда аҳоли турмуш даражасининг ортиб бориши ва камбағаллик миқёсини қисқартириш энг аввало умумиқтисодий ўсишни тақозо этади. Маълумки, Парето принципига биноан иқтисодиёт қуйи даражадан юқори даражага ортгани сари даромаддаги тафовутлар камроқ сезилади. Демак, камбағаллик миқёси ва даражаси тараққиёт даражасига тескари мутаносибликда ўзгариб боради.

Камбағаллик дунё мамлакатлари каби Ўзбекистон учун ҳам ижтимоий муаммолардан бири саналади. Бу муаммони тамомила ҳал этиб бўлмайди, чунки аҳолининг табақаланиши объектив ва иқтисодиёт учун табиий бир ҳол. Лекин камбағаллик ижтимоий тўқнашувларни юзага келтириши мумкин, бу эса ижтимоий беқарорликни юзага келтиради, жамиятнинг иқтисодий янгила-нишига тўсқинлик қилади, унга хавф солиши эҳтимолдан холи эмас. Шунини ҳисобга олиб, камбағаллик муаммосини юмшатиш зарур бўлади. Шу ўринда Ўзбекистонда кенг қамровли тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Булар бандлик ва даромадлар сиёсатидир.

Ҳозирги босқичда камбағаллик миқёсини қисқартиришнинг асосий йўналиши бу инвестиция, шу жумладан хорижий инвестицияни топиш ва энг арзон иш ўринларини яратиш ҳисобланади. Бу камбағал қатламларга меҳнати ҳисобидан ўз аҳолини яхшилаш имконини беради. Иш кучи экспортини уюштириш ва аҳолининг ўсиш суръатлари пасайиш тенденциясини сақлаш, анъанавий

экспортни сақлаган ҳолда илғор хорижий технологияларга таяниб, маҳаллий арзон хом ашёларни қайта ишлашга асосланган экспортни кенгайтириш, экспорт қилувчи субъектларнинг жаҳон бозорининг янги сегментларида мустаҳкам ўрнашуви, миллий бозор ҳажмини ҳисобга олган ҳолда, кичик бизнес жумладан оилавий тадбир-корликни ривожлантириш кабилар катта аҳамият касб этади. Ўтиш давр иқтисодида камбағаллик миқёсининг қисқариши меҳнатдаги фаолликни ошириш учун шарт-шароит яратилиши билан юз бериши мумкин. Шунинг учун ишлаб топиладиган даромадни ва, биринчи навбатда, меҳнат даромадини ўстириш учун имконият яратилиши жуда муҳимдир. Бу ҳол камбағалларнинг ўртача тоифага ўтишига имкон беради.

5. Турмуш даражаси ва уни белгиловчи омиллар

Турмуш даражаси аҳоли истеъмолининг миқдори ва сифати билан ўлчанади. Турмуш даражаси – кишиларнинг ҳаётини муҳим эҳтиёжларини қўриқиб туриши ривожининг муайян ҳолатида нақадар қондирилишидир.

Собиқ Иттифок даврида Ўзбекистон халқининг яшаш даражаси бошқа иттифокдош республикаларникидан тахминан икки баробар паст эди. 1990 йилда Ўзбекистон бўйича аҳоли жон бошига тўғри келган истеъмол фонди ўртача собиқ Иттифокдаги даражанинг 53,4 фоизини ташкил этган. Мана шундай шароитда республика олдида турган асосий масала бир тизимдан иккинчи тизимга ўтишда одамларнинг яшаш даражасини оғирлаштирмаслик эди.

5.1. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ўртача иқтисодий кўрсаткичлар

Бозор иқтисодиёти муносабатларига тадрижий йўл билан изчил ва босқичма-босқич ўтиш, мамлакатда сиёсий ва макроиқтисодий барқарорлик, Ўзбекистон учун ўтиш даври иқтисодиёти қийинчиликларини бошидан кечираётган бошқа барча собиқ Иттифок давлатларидан кўра ишлаб чиқаришнинг ҳалокатли тарзда орқага кетиши оқибатларини тезроқ бартараф этиш ва 90-йилларнинг ўрталаридаёқ иқтисодий ўсиш ҳамда аҳоли турмуш даражасини оширишни қайта тиклаш имконини берди.

Йирик ишлаб чиқарувчиларнинг барқарор фаолият кўрсатиши учун қулай иқтисодий шароитларнинг яратилиши, ҳукумат томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун ишчанлик муҳитини кучайтириш бўйича аниқ мақсадга қаратилган чора-тадбирларнинг кўрилиши иқтисодиёт тармоқларининг жадал ўсишига асос бўлди. Ўзбекистонда босқичма-босқич ва ижтимоий йўналтирилган тарзда амалга оширилаётган иқтисодий ўзгаришларнинг самараси, аввало, аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган кўрсаткичлар ва халқ турмуш даражасининг мунтазам ошиб бораётганида яққол намоён бўлмоқда.

Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган ЯИМ, харид қобилияти паритети (ХҚП) асосида ҳисоблаганда, 1990 йилда 1328 долларни, 2000 йилда 14312 долларни, 2010 йилда эса 3271 долларни ташкил этди. Шундай қилиб, Ўзбекистонда ўтган асрнинг 90-йилларидаёқ бу муҳим кўрсаткич бўйича ислохотларгача бўлган даражадан ҳам юқори натижага эришилди. 2010 йилда эса бу борадаги ўсиш 1990 йилга нисбатан 2,5 баробар ошди.

4-жадвал

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган асосий иқтисодий кўрсаткичлар

	1990 йил	2000 йил	2010 йил	1990 йилда (фоиз)	
				2000 йил	2010 йил
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП – харид қобилияти паритети бўйича), АҚШ долларарида	1328	1431	3271	107,9	2,5 марта
Иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган ЯИМ (ХҚП бўйича), АҚШ долларарида	3412	39	7940	115,1	2,3 марта
Саноатда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган саноат маҳсулоти улуши, минг сўмда	22,1	1649,7	22407,8	129,7	2,3 марта
АҚШ долларарида	3159,6	6963,1	14124,1	2,2 марта	4,5 марта

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори, АҚШ долларарида	40,8	127,5	344,1	3,1 марта	8,4 марта
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган чет эл инвестициялари:					
минг сўм	–	7,0	156,6	х	х
АҚШ долларарида	–	29,5	100,1	х	х
Аҳоли жон бошига тўғри келадиган маҳсулот ва хизматлар экспорти: АҚШ долларарида	21,7	132,4	462,1	6,1 марта	21,3 марта

Ўзбекистон иқтисодиётининг самарали ривожланишини яққол ифода этадиган муҳим сифат кўрсаткичи, иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажмида намоён бўлмоқда. Агар 1990 йилда иқтисодиётда банд бўлган ҳар бир кишига ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулотнинг 3412 АҚШ доллари ҳажмидаги қисми тўғри келган бўлса, 2010 йилда бу рақам ўртача 7940 АҚШ доллари ёки 1990 йилга нисбатан 2,3 баробардан зиёдни ташкил этди.

Саноатнинг негизини ташкил этадиган тармоқларни модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш ҳамда уларнинг рақобатдошлигини тубдан оширишга қаратилган устувор аҳамиятга молик лойиҳаларнинг амалга оширилиши маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини жадал кўпайтириш учун зарур шароит яратди. Натижада, ушбу тармоқда банд бўлган ҳар бир кишига тўғри келадиган саноат маҳсулотлари 2010 йилда 1990 йилга нисбатан 4,5 баробар ошди.

Мамлакатимиз ва чет эл инвесторлари учун яратилган қулай инвестиция муҳити туфайли аҳоли жон бошига тўғри келадиган инвестиция миқдори 1990 йилдаги 40,8 доллардан 2010 йилда 344,1 долларга етиши таъминланди. Агар 1993 йилда жалб этилган чет эл инвестицияларининг аҳоли жон бошига тўғри келадиган миқдори 0,05 долларни ташкил этган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 100,1 долларга етди. Аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган маҳсулот ва хизматлар экспорти 2010 йилда 462,1 АҚШ долларини ташкил этди. Бу 1990 йилдаги кўрсаткичдан 21,3 баробар ортиқдир.

5. 2. Аҳоли турмуш даражасининг ўртача жон бошига тўғри келадиган кўрсаткичлари

Ўзбекистонда меҳнатга ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш бўйича узоқ муддатга мўлжалланган, ўзаро боғланган чоратадбирларнинг амалга оширилиши, ялпи ички маҳсулот, маҳсулот ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда барқарор ўсиб бориши, бюджет соҳаси ходимлари иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар миқдорининг мунтазам қайта кўриб чиқилиши, таълим, соғлиқни сақлаш ва илм-фан соҳалари хизматчиларининг меҳнатини рағбатлантириш, аҳоли турмуш даражасини тубдан яхшилашга қаратилган бошқа чора-тадбирлар, айниқса, охириги йилларда халқимизнинг ҳаёт сифати изчил юксалиб боришини таъминлади.

Юртимизда кечаётган ўзгаришлар аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал пул маблағлари, ўртача номинал ва реал иш ҳақи миқдори белгиланган энг кам иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақалар кўрсаткичларини яққол намоён этмоқда. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган пул даромадлари, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2010 йил охирида 2016,8 долларни ташкил этди. Ўртача ойлик номинал иш ҳақи эса, харид қобилияти паритети асосида ҳисоблаганда, 2010 йилнинг декабрь ойида 1162,6 долларга етди.

Мамлакатимизда кучли ижтимоий сиёсатнинг босқичма-босқич амалга оширилиши, аҳоли даромадлари ва ҳаёт даражасини мунтазам ошириб бориш, халқимизни ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтиришга қаратилган аниқ мақсадли чоратадбирлар ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг сезиларли равишда, яъни 2010 йилда 1990 йилга нисбатан АҚШ доллари эквивалентида 2,7 баробар, ўртача пенсия ҳажмининг эса 5,9 баробар ошишини таъминлади. Пул даромадларининг ошиши ва аниқ йўналтирилган ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган чоратадбирлар аҳоли барча қатламлари ўртача даромадларининг изчил ўсиб боришида муҳим омил бўлди. Бунда аҳолининг турли гуруҳлари даромадлари даражасидаги тафовутни (дифференциялашувни) акс эттирадиган Жинни коэффициенти 1990–2010 йилларда 0,40 дан 0,30 га пасайди, бу эса иқтисодий жиҳатдан тараққий топган давлатлардаги ўртача кўрсаткичга мос келади.

Аҳоли фаровонлиги ўсишининг муҳим таркибий қисми хизмат кўрсатиш ва хизмат турларига нисбатан ошиб бораётган талабнинг

таъминланиши билан боғлиқдир. Хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури ижроси даври – 2006–2010 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келадиган истеъмол ҳажми 1,8 баробар кўпайди.

2006–2010 йилларда хизмат бозори таркибини такомиллаштириш борасида қабул қилинган изчил чора-тадбирлар аҳоли жон бошига ўртача тўғри келадиган банк, молия ва суғурта хизматининг янги истиқболли турлари жадал ривожланишини таъминлади ва улар ушбу давр мобайнида 3,0 баробар ўсди. Аҳоли тўлов қобилятининг ортиши кўрсатилаётган пулли хизматлар ҳажмининг аҳоли жон бошига нисбатан 1992 йил билан қиёслаганда 2,2 баробар, маиший хизматлар бўйича эса 8,3 баробар ўсишни тақозо этди. Шу даврда аҳоли жон бошига тўғри келадиган чакана товар айланмаси, биринчи навбатда, ноозик-овқат маҳсулотлари савдосининг ўсиши ҳисобидан 4,3 баробар ошди.

Истеъмол бюджети. Аҳоли фаровонлигини ўзида яққол мужассам этадиган энг муҳим кўрсаткич бу – *оила истеъмол бюджетининг ҳажми ва таркибидир*. Ушбу кўрсаткич оила ялпи даромадлари ҳажми ва таркибига, истеъмол бозорининг зарур товар ва хизматлар билан тўлдирилиши ҳамда оила даромадларининг ана шу истеъмол маҳсулотлари ва хизматларни харид қилиш имкониятларига боғлиқ.

Истеъмол бюджетида ялпи даромадлар ҳажми ва таркибини таҳлил қилиш муҳим ўрин тутди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларнинг асосий тамойилларидан бири сифатида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан чуқур асослаб берилган кучли ижтимоий сиёсат аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши учун зарур шарт-шароитлар яратди. Мазкур ислохотлар натижасида 1990–2010 йиллар давомида Ўзбекистон аҳолисининг ялпи даромадлари аниқ ҳисоб-китоблар бўйича 8,6 баробар ошди.

Ялпи даромадлар таркибида шу давр мобайнида мулк даромадлари, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан олинган даромадлар кўринишидаги янги даромад турлари пайдо бўлди. Табиийки, собиқ мустабид тузум давридаги марказлаштирилган режали иқтисодиёт шароитида аҳолининг бундай даромад манбалари шаклланишига мутлақо йўл қўйилмас эди.

**Мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан
олинган даромадларнинг ўсиши**

	1990 йил	2012 йил
Мулкдан ва тадбиркорлик фаолиятдан, маҳсулот сотиш ҳамда хизмат кўрсатишдан олинган даромадларнинг ялпи даромаддаги улуши	10,6	51,0

Янги турдаги бундай даромадлар ҳиссасига 2012 йилда ялпи даромадларнинг 51,0 фоизи тўғри келди. Янги турдаги ушбу даромадларнинг афзаллиги шундаки, аҳолининг тадбиркорлик соҳасидаги фаоллашуви оила ялпи даромадларининг жадал равишда ошиб бориши учун рағбатлантирувчи бозор омилларини яратади, марказлаштирилган иқтисодиёт шароитида кенг тарқалган боқимандалик ва даромадларнинг бир хилда бўлиши даражасини пасайтиради.

Ўртача ойлик иш ҳақи миқдорининг босқичма-босқич ошириб борилиши ялпи даромадлар таркибидаги, ўтиш даврининг дастлабки йилларида бўлгани каби, улуши янада пасайиб кетишининг олдини олди. Ҳозирги пайтда аҳолининг ялпи даромадларида ойлик иш ҳақининг улуши барқарор ҳолат, яъни 30–32,1 фоиз даражасида сақлаб қолинмоқда. Мамлакатимизда аҳоли даромадларини оширишга қаратилган чора-тадбирларнинг қабул қилиниши, ҳаётимизда тобора ҳал қилувчи кучга айланиб бораётган ўрта синфни шакллантириш имконини берди. Эксперт хулосаларига кўра, ўртача даромадга эга бўлганлар, агар 1990 йилда аҳолининг 18 фоизини ташкил этган бўлса, 2000 йилда уй хўжаликларини тадқиқ этиш натижаларига кўра бу кўрсаткич 24 фоизга етгани аён бўлди. 2010 йилда эса 60 фоиз уй хўжаликлари ўртача даражадан кам бўлмаган барқарор даромадга эга бўлган.

Ялпи истеъмол харажатлари. Оиланинг ялпи даромадлари ошиб бориши билан бир вақтда юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва аҳолига кўрсатилаётган хизмат турларини кенгайтириш ҳисобидан ушбу даромадлардан самарали фойдаланиш учун шароит яратилди.

1990-2010 йилларда аҳоли ялпи харажатларининг таркиби (фоизда)

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил
1. Жами харажатлар таркиби	100,0	100,0	100,0	100,0
Улардан:				
истеъмол харажатлари	81,1	84,3	78,5	78,4
истеъмолдан ташқари харажатлар (солиқлар, чиқимлар (бадаллар) ва бошқа тўловлар)	7,1	6,9	6,3	6,2
пул омонатлари ва жамғармалар	11,8	8,8	15,2	15,4
2. Жами истеъмол харажатлари	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
озик-овқат маҳсулотлари учун	58,3	59,8	51,9	49,8
ноозик-овқат маҳсулотлари учун	31,5	26,8	31,9	33,7
хизматлар учун тўловлар	10,2	13,4	16,2	16,5

Агар 1990 йилда аҳоли даромадларининг бор-йўғи 46–48 фоизи мамлакатимизда ишлаб чиқарилган товар ресурслари билан таъминланган бўлса, 2010 йилда бу кўрсаткич 75 фоиздан ошди. 2010 йилда истеъмол маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 1990 йилга нисбатан 6,7 баробар, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми эса 1,4 баробар ўсди.

Юқорида қайд этилган омиллар аҳоли ялпи даромадларининг ўсиши билан бирга, унинг пул омонатлари ва жамғарма маблағлари барқарор ўсиб боришини ҳам таъминлади. Бу маблағларнинг харажатлар таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 11,8 фоиздан 2010 йилда 15,4 фоизга етди.

Оилаларнинг истеъмол харажатлари макротаркиби ҳам оптималлашиб бормоқда, озиқ-овқат маҳсулотлари учун харажатлар улуши барқарорлашиб, хизматлар учун харажатлар улуши ортиб бормоқда. Бундай ҳолат иқтисодий ривожланиб бораётган давлатлар учун хослигини қайд этишимиз жоиз.

Озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилиш. Истеъмол харажатларининг ҳажми ва таркиби кўп жиҳатдан аҳолининг асосий озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш имкониятлари ва мазкур маҳсулотларнинг нархи билан чамбарчас боғлиқ. 1990 йилда энг муҳим озиқ-овқат маҳсулотларининг чакана савдо тармоқларидаги

тақчиллиги аҳолининг бу маҳсулотларни сотиб олиш имкониятларини чеклаб қўйган эди. 1989 йилда ўтказилган статистик тадқиқотлар натижаларига кўра, истеъмол бозорида аҳоли учун зарур бўлган барча маҳсулотларнинг қарийб 95 фоизи бўйича узилишлар бўлиб турган ва бу собиқ Иттифоқ ҳудудида кундалик асосий озиқ-овқат маҳсулотларини аҳолига карточкалар орқали сотиш тизимини жорий этишга сабаб бўлган эди.

Ўзбекистонда аҳоли сони 1990–2010 йиллар мобайнида 38,2 фоиз ошганига қарамасдан, жон бошига гўшт ва гўшт маҳсулотлари истеъмол қилиш 22,6 фоизга ортди, жумладан, сут ва сут маҳсулотлари 30,3 фоиз, тухум 42,3 фоиз, сабзаёт 2,2 баробар, картошка 1,5 баробар, мева 3,6 баробар ва шакар 1,37 баробар ўсди. Айни вақтда истеъмол таркиби анча сифатли озиқ-овқат маҳсулотларини кўпроқ истеъмол қилиш ҳисобидан ўзгармоқда. Бунда углеводларга бой озиқ-овқатларни (биринчи навбатда, нон ва нон маҳсулотларини) истеъмол қилишнинг барқарорлашгани муҳим аҳамият касб этмоқда. Мустақиллик йилларида аҳоли томонидан истеъмол қилинаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сони, тури ўнлаб баробар ошди.

7-жадвал

Ўзбекистон Республикасида аҳоли жон бошига асосий истеъмол маҳсулотларининг истеъмол қилиниши, кг. ҳисобида

	1990 йил	2000 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2010 йил, 1990 йилга нисбатан фоизда
Нон ва нон маҳсулотлари	170	167	165	160	158	94,1
Гўшт ва гўшт маҳсулотлари	31	34	36	38	39	122,6
Сут маҳсулотлари	183	162	212	239	242	130,3
Тухум (дона)	97	47	130	138	240	142,3
Сабзаёт, жумладан, полиз	107	128	237	238	241	222,1
Картошка	29	36	41	45	47	155,2
Ўсимлик ёғи ва бошқа мойлар	12	12	13	13	13	103,2
Шакар	12	16	16	17	18	137,5
Мева, жумладан узум	23	42	74	83	85	360,0

Агар 1990 йилда истеъмол учун зарур бўлган ғалланинг 82 фоизи, гўшт ва гўшт маҳсулотларининг 50 фоизи, сут маҳсулотларининг қарийб 60 фоизи, картошканинг 50 фоизи, шакар, қуруқ сут ва болалар озуқаси 100 фоиз четдан келтирилган бўлса, ҳозирги вақтда юртимиз ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳисобидан аҳолининг барча асосий истеъмол маҳсулотлари бўйича (шакардан ташқари) эҳтиёжини деярли тўлиқ таъминламоқда.

Ноозиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли. 1990 йили республикамизда ноозиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол бозорида ўта тақчиллик вужудга келди. Аҳолининг сифатли кийим-бош, пойафзал, узок муддат фойдаланишга мўлжалланган товарларни харид қилиш имкониятлари чекланган эди. Одамларга мебель, гилам, музлатгич, телевизор ва енгил автомобилларни сотиш кўпинча корхоналар орқали олдиндан тузилган рўйхатлар асосида амалга оширилар, бундай товарларни харид қилиш учун эса бир неча йиллаб навбат кутишга тўғри келар эди. Барча турдаги ноозиқ-овқат маҳсулотларининг қарийб 88 фоизи чакана савдо тармоқларида катта узилишлар билан сотиларди. Кўплаб тақчил маҳсулотлар қонунга хилоф равишда устига қўшимча нарх қўйиб сотиларди.

Аҳоли эҳтиёжларини таъминлаш учун зарур бўлган ноозиқ-овқат маҳсулотларнинг катта қисми республикамизда ишлаб чиқарилмас, балки четдан келтирилар эди. Жумладан, телевизорлар, кир ювиш машиналари, газмолларнинг қарийб 40 фоизи, барча турдаги оёқ кийим ва бошқа шунга ўхшаш маҳсулотларнинг 30 фоизи четдан олиб келинарни.

Мустақиллик йилларида юртимизда истеъмол маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг анча фаол ўсиши асосан 2000 йилдан сўнг, мамлакатимизда уларни ишлаб чиқаришни рағбатлантирадиган шарт-шароитлар босқичма-босқич яратила бошлангандан кейин кузатилди. Ҳозирги вақтда мамлакатимиз саноати аҳолининг сифатли мебель, гилам маҳсулотлари, енгил автомобилларга бўлган эҳтиёжини тўлиқ таъминлай олади. Мамлакатимизда телевизорлар, кондиционерлар ва экологик хавфсиз музлаткичлар ишлаб чиқариш ҳажми сезиларли даражада ўсди. Трикотаж маҳсулотлари, оёқ кийимлар тайёрлаш ва енгил саноатнинг бошқа тармоқларида ҳам ишлаб чиқариш юқори суръатлар билан ривожланиб бормоқда.

Агар 2000 йилга қадар ўтиш даврининг объектив шарт-шароитлари туфайли аҳолининг асосий ноозиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талаби ва таъминоти пасайган бўлса, сўнгги ўн

йилликда бу борадаги кўрсаткичларда барқарор ўсиш тенденцияси кузатилмоқда. Бу жараёнда уй хўжаликлари эскирган ва ноқулай маиший ва электротехника буюмларидан воз кечиб, янги, замонавий, сифат жиҳатдан эски буюмлардан кескин фарқ қиладиган маҳсулотларни тез сотиб олмақда.

Қайд этилган даврда мутлақо янги маҳсулотлар пайдо бўлди. Бугун уларни хонадон эгалари катта қизиқиш билан сотиб олмақда: рақамли телевизор ва фотоаппаратлар, сунъий йўлдош антенналари ва мобиль телефонлар, DVD плеерлар, компьютер ва унга қўшимча қурилмалар, ноутбуклар ва бошқа электрон техникалар, қурилиш материалларининг янги турлари, қадоқлаш буюмлари ва бошқа рўзғор ашёлари шулар жумласидан. Шуниси эътиборлики, хонадонларнинг замонавий маиший ва электротехника билан таъминланиш суръатлари юртимизнинг барча ҳудудларида бир маромда, мутаносиб тарзда ўсиб бормоқда.

Аҳолининг харид қобилияти, яъни унинг ойлик маош ва пенсия ҳисобидан энг зарур истеъмол маҳсулотларини сотиб олиш ва хизматлардан фойдаланиш имкониятлари аҳолининг истеъмол товарларига бўлган талаб ва эҳтиёжларининг таъминланиши сезиларли даражада яхшиланиб бораётганини акс эттиради. Ўртача ойлик маош харид қобилиятининг ўсиш динамикаси, минимал истеъмол савати билан қиёсланганда, ҳозирги пайтда 7,2 баробар ошди.

Аҳолининг жамғарма маблағлари. Аҳолининг жамғарма маблағлари истеъмол бюджетининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Юртимизда 1995–2010 йилларда аҳоли омонатлари ҳажми барқарор ошиб борди. Айниқса, юқори ўсиш суръатлари 2000–2010 йилларга тўғри келади, бу даврда мазкур кўрсаткич 28,6 баробар ошган. Ҳозирги вақтда, сўров натижаларига кўра, мамлакатимиздаги қарийб барча хонадон соҳиблари банкларда ўз жамғарма маблағлари – омонатларига эга.

Бозор муносабатлари чуқурлашиб, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожланиб боргани сайин аҳолининг ялпи харажатлари таркибида янги йўналиш – тадбиркорлик фаолияти учун харажатлар йўналиши пайдо бўлди. Уларнинг улуши ҳозирги пайтда 8,5 фоизни ташкил этмоқда. Ўз моҳиятига кўра, бу усул оила хўжалигининг асосий капитал учун маблағ жамғаришнинг самарали шакли бўлиб, хусусий мулк асосида ўз даромадларини шакллантириш ва кўпайтириш имконини беради.

6. Давлатнинг ижтимоий сиёсати. Ўзбекистонда ижтимоий сиёсатнинг асосий йўналишлари

Ижтимоий сиёсий давлат сиёсатининг муҳим бўғинидир. Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ)нинг «Ижтимоий сиёсатнинг асосий мақсадлари ва меъёрлари тўғрисида»ги 117-сонли конвенциясида инсоннинг ўзи, оиласи саломатлиги ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражасига, шунингдек ишсизлик, ногиронлик, бевалик ва унга боғлиқ бўлмаган бошқа сабабларга кўра яшаш учун зарур маблағлардан маҳрум бўлган ҳолларда ижтимоий таъминотга эга бўлиш ҳуқуқи белгиланган.

ХМТ томонидан қабул қилинган «Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида»ги 102-сонли конвенцияни ижтимоий ҳимоялаш бўйича асосий ҳужжат деб қараш мумкин. Ушбу конвенция ижтимоий ҳимоянинг қуйидаги 9 турини ўз ичига олади: тиббий хизмат, ишсизлик ва кексалик нафақаси, ишлаб чиқаришда олган жароҳатлар туфайли ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик бўйича нафақа, хомиладорлик ва фарзанд туғилиши бўйича нафақа, касаллик нафақаси ва оилавий нафақа.

Иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликнинг ўзаро алоқасини иқтисодий манфаатлар юзага чиқаради. Иқтисодий манфаатлар – бу кишиларнинг ҳаётий эҳтиёжи, лекин бу англандан ва маълум хатти-ҳаракатни юзага келтирганда, иқтисодий манфаатга айланади. Манфаатлар ўзининг ҳомий субъектига қараб ҳар хил бўлади. Айрим кишининг манфаати индивидуал, жамоанинг манфаати гуруҳий-корпоратив ва ниҳоят давлатнинг манфаати умуммиллий бўлади. Бозор тизимида индивидуал манфаат устуворликка эга, чунки бу ерда хусусий мулк етакчи бўлади. Индивидуал манфаат бу иш кучи эгаси бўлган ёлланиб ишловчи манфаатига, тадбиркорлар, мулк соҳиблари ва менежерлар манфаатига ажралади. Ҳар бир индивид ўз кўлидаги ресурслардан кўпроқ даромад топишга интиладики, бу билан у ўз манфаатини рўёбга чиқаришга ошиқади. Иш кучи эгаси кўпроқ иш ҳақи олсам, тадбиркор фойдани кўп топсам, пул эгаси кўп фоизга эга бўлсам, дейди.

Ҳозирги иқтисодиёт фақат бозор қонунлари бошқариб турадиган иқтисодиёт эмас. Унинг муҳим жиҳати давлат томонидан тартибга солинишидир. Бозор кучлари муқобил танловни юзага келтиради. Бунга кўра, иқтисодиётда сараланиш юзага келиб, табақаланиш чуқурлашади. Иқтисодий иштирокчиларнинг мавқеи

тез-тез ўзгариб туради. Бозор механизми ўз-ўзидан ижтимоий тенгсизликни яратади. Бинобарин, унда ижтимоий келишмовчилик яратиш салоҳияти ҳам йўқ эмас. Демак, бозор кучларида иқтисодий ривожлантира олишга лаёқат бор. Бироқ улар ижтимоий мувозанатни таъминлашда лаёқатсиз бўлади. Ижтимоий барқарорликни таъминлашда давлат фаоллик қилиши керак, бунга таъсирчан ижтимоий сиёсат орқали эришилади. Давлат иқтисодий иштирокчиси сифатида бошқа субъектлардан сиёсий ҳокимият соҳиби эканлиги билан фарқланади. Шу ҳокимиятга таяниб, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий ҳаётни тартибга солиб туради.

Шу жиҳатдан давлатни жамият манфаатини ҳимоя қилувчи энг *олий тоифадаги ижтимоий институт* деб ҳам аташ мумкин. Шу сабабли унинг ижтимоий функциялари ҳам кучайиб боради. Ижтимоий танлов назариясига кўра, ҳозирги давлатда ҳимоя қилиш, ҳомийлик ва унумли ишлаб чиқариш функциялари мавжуд. Ҳимоя қилиш функцияси ижтимоий хавфсизлик ва тартибни таъминлашдан иборат. Бу вазифани бажариш йўлида давлат куч ишлатиши мумкин ва жамият давлатга шундай монопол ҳуқуқ беради. Давлат кишиларни тинч-тотувликда ва ҳамкорликда яшаб, бир-бирига зарар етказмаслигини таъминлайди. Давлатнинг унумли ишлаб чиқариш функцияси фуқароларга ижтимоий неъматлар етказиб беришдан иборат. Бу шундай неъматларки, давлат фуқароларга текинга беради, улардан ҳамма баҳраманд бўлади. Бу неъматларни ҳамма керагича олади, уларни тақсимлашда тенглик қоидасига амал қилинади. Бу ерда ижтимоий неъматни бир одам олгани ҳолда бошқаси олмаслиги мумкин эмас. Масалан, давлат ҳуқуқ-тартибот органлари хизматидан бир гуруҳ ёки шахс фойдалангани ҳолда бошқаси бундан истисно этилмайди. Шу тариқа бепул таълим, тиббий, ободончилик ва экологик хизматлардан ҳам фойдаланилади. Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40-моддасида: «Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга», 41-моддасида: «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади», – деб мустаҳкамлаб қўйилган. Агар бозор қонун-қоидаларига биноан, кишиларнинг иқтисодий фаровонлиги жиддий фарқланса, давлат берган ижтимоий неъматларидан фойдаланиш тафовутларни қисқартиради.

Демак, давлат бозор механизми ҳал эта олмайдиган ижтимоий муаммоларни ечишда жамият номидан қатнашади. Фуқаролик жамиятида давлат кишиларнинг уйғунлашган иродасини ифода

этади, умуммиллий манфаатларни ҳимоя қилади. Бозор механизми иқтисодий ўсиш муаммосини ҳал этгани ҳолда, ижтимоий тенгсизлик муаммосини келтириб чиқаради. Бу эса беқарорликни озиқлантиради. Шу сабабли давлат ижтимоий тенгсизликни юмшатиш чораларини излайди, у жамиятнинг ўзини ижтимоий ларзалардан сақлаб туради. Давлат жамиятдаги барқарорликни фақат сиёсий куч билан эмас, балки ўзининг ихтиёридаги молия ресурсларига таянган ҳолда таъминлайди. Ҳозирги давлат ижтимоий давлат бўлар экан, унинг ихтиёрида иқтисодиётнинг ижтимоий сектори сақланади, ижтимоий сектор давлат корхоналари билан чекланмайди, балки ижтимоий неъматларни яратувчи ва халққа етказиб берувчи турли давлат ташкилотларини ҳам ўз ичига олади. Мазкур секторга бюджет тизими ҳам кирадики, бу унинг бош ва етакчи бўғини вазифасини ўтайди, чунки бюджет ижтимоий неъматларни яратишни молиялаштиради.

Жамият давлатга зўрлик қўллаш ваколатини беради ва у шундан фойдаланиб, бюджетга мажбурий тўловлар, солиқлар ундиради, яъни ўз молиявий ресурсларини ҳосил қилади. Улар ҳисобидан ижтимоий неъматларни яратади. Ижтимоий неъматлар товарлашган хизматлар эмас, чунки улар бозорга чиқарилмайди, бинобарин, бозор қийматига биноан айирбошланмайди, улар бепул тақсимланади. Шуларни эътиборга олиб, ижтимоий неъматларнинг яратилишини нобозор ишлаб чиқариш деб айтиш мумкин ва бу вазифани давлат бажаришини қайд этиш зарур. Ижтимоий неъматларнинг нобозор усуллар билан тақсимланиши бир қатор ижтимоий хизматларни аҳолининг камбағал қатламларига ҳам етказиб беради, бу билан уларнинг ижтимоий фаровонлиги маълум даражада таъминланади. Давлат айтилган хизматларни яратар экан, буларни ресурслар билан таъминлаш учун бошқа субъектлар даромадининг бир қисмини бюджетга олиб тақсимлайди. Бу билан бозор механизми бажара олмайдиган, фирмалар ва хонадонлар кўлидан келмайдиган ишни бажаради, яъни ҳаммабоп неъматларни элга етказилади. Бу ерда давлат экстренал, яъни иқтисодиётга нисбатан ташқи куч вазифасини ўтайди, аммо бу иқтисодиёт учун зарурат ҳисобланади, чунки, *биринчидан*, ижтимоий фаровонликка хизмат қилади, *иккинчидан*, иш кучининг такроран яратилишига ҳисса қўшади. Давлат бозор механизми ҳал этишга қодир бўлмаган вазифаларни ўзининг ижтимоий сиёсати орқали бажаради. Бу ижтимоий неъматлардан ҳаммани баҳраманд этиш, ижтимоий

химоя, бандлик ва даромад сиёсатидир. Ўзбекистон аввалдан фаол ижтимоий сиёсат йўлини тутди ва мустақиллик йилларида бунга изчил амал қилди. Бу ерда давлат ўз зиммасига ғоят катта ижтимоий мажбуриятларни олди, бу билан ижтимоий соҳаларни узлуксиз ишлаб туришини таъминлашга, ва ҳатто ижтимоий неъматлар кўламини оширишга эришилди. Бу ўз навбатида, давлат истеъмолининг ялпи ички маҳсулоти ҳиссасининг катта бўлишига олиб келди. Юқорида таъкидланганидек, давлатнинг ижтимоий тадбирларга харажати қарийб 21 йил ичида беш баробардан зиёд кўпайди. Давлат ижтимоийлигининг кучайиши унинг истеъмолини иқтисодий салоҳият даражасига нисбатан анча юқори бўлишига олиб келди, акс ҳолда катта ижтимоий мажбуриятларни бажариб бўлмас эди. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида Ўзбекистон давлати ижтимоий соҳага катта ресурсларни сафарбар этиб, унинг ривожини таъминлади. Бу билан аҳолининг камбағал қатламларига энг зарур ижтимоий неъматлар етказиб берилди. Бу неъматлар истеъмоли жихатидан аҳолининг айтилган қатлами ўртача даражага яқинлашди.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати – бу инсоннинг тобора юксалиб бораётган энг муҳим ҳаётий манфаатларини юзага чиқариш, инсонни химоя қилиш ва камол топишига қаратилган сиёсатдир. Ўзбекистонда давлатнинг ижтимоий химоя сиёсати ҳам ижтимоий тафовутларни чеклашга қаратилди. Шу мақсад йўлида катта ресурслар ажратилдики, улар ҳисобидан аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларига пул ва натурал трансфертлар шаклида ёрдам кўрсатилди, мақсадли пул тўловлари ва ижтимоий имтиёзлар берилади, компенсацион ижтимоий тўловлар ажратилади. Ижтимоий ёрдам сиёсати камбағаллар сонини қисқартиришни кўзда тутди. Бироқ бу ишда муҳтожларга бериладиган ёрдам, асосан, иш қобилиятини йўқотганларга кўрсатилади, иш қобилиятини сақлаган кишиларга ишлаб, даромад топиш учун шароит яратилади. Бу билан меҳнатдан фойдаланиш ҳисобига муҳтожликдан озод бўлиш кўзда тутилади.

Ижтимоий барқарорликка давлатнинг бандлик сиёсати ёрдамида ҳам эришилади. Бу сиёсат уч йўналишда олиб борилади:

- а) мавжуд иш жойларидан тўлиқ фойдаланиш асосида бандликни ошириш;
- б) давлат томонидан янги иш жойлари яратилишини рағбатлантириш;

в) иш кучи экспортини ташкил этиш ва рағбатлантириш. Бу усул иш кучи таклифини қисқартириш орқали бандликка кўмаклашади.

Бандликнинг оширилиши даромад топиш ҳисобидан ҳам доимий, ҳам жузъий камбағалликни қисқартиради. Ўзбекистон шароитида бандликни оширишнинг иккинчи усули устунликка эга. Бу ерда янги иш ўринлари, айниқса, арзон иш ўринларининг яратилиши ҳамма чоралар билан рағбатлантирилади. Шу ўринда имтиёзли микрокредитлар алоҳида аҳамият касб этади, чунки улар кичик бизнес, деҳқон-фермер хўжаликларида капитал сифими кичик бўлгани учун нисбатан арзонга тушадиган, яратилиши қийин бўлмаган иш ўринларини ҳосил этади. Ўзбекистонда 2013 йилда жами 970 мингдан ортиқ иш ўринлари ташкил этилиши кўзда тутилмоқда. Бу янги ташкил қилинган умумий иш ўринларининг 600 мингдан зиёди ёки 65 фоизи кичик бизнес соҳаси ва фермер хўжаликларига тўғри келади.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини ташкил қилиш муаммосини ҳал этиш 2013 йил ва яқин истиқболда ҳам мамлакатимизни муваффақиятли ва барқарор ривожлантиришнинг алоҳида устувор йўналиши ва ҳеч муболағасиз энг муҳим шарти эканлигини таъкидлади.

«Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти, вилоятлар, шаҳар ва туманлар ҳокимлари эътиборини ушбу масъулиятли вазифа бўйича уларнинг шахсан жавобгар эканлигини» Юртбошимиз қатъий вазифа этиб қўйди.

Топширилган вазифаларнинг бажарилиши жойларда ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади. Маълумки, ижтимоий тенгсизлик бозор тизими учун муқаррар бўлса-да, унинг маълум меъёри бўлиб, бундан чиқиб кетиш ижтимоий беқарорликни юзага келтиради. Бу, биринчи навбатда, энг кам ва энг юқори даромадни, яъни бойлар ва камбағаллар даромадларининг фарқланишига тааллуқли бўлади. Бу фарқ катта жойда ижтимоий хатар имкони мавжуд. Аксинча, бу фарқ кам жойда ижтимоий мувозанатга мойиллик ҳукмрон бўлади. Тенгсизликни аниқлашда одатда 10 фоиз бойлар ва 10 фоиз камбағаллар даромадининг нисбати асос қилиб олинади. Халқаро стандартларга биноан бу (13–15):1 бўлиши мумкин. Тенгсизлик даражаси бундан ошиб кетганда, ижтимоий

хатар туғилади, деб қабул қилинган. Келтирилган нисбатнинг меъёридан чиқиб кетиши кўпинча иқтисодиёти яхши ривожланмаган мамлакатларда кузатилади. Бироқ бу меъёрни сақлаб қолиш ижтимоий сиёсатга ҳам боғлиқ бўлади. Иқтисодиёт бақувват жойда оммавий фаровонлик мавжуд, чунки ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар тўқинчиликни таъминлаб, ҳаётни фаровон қилишга етади. Бунинг далили сифатида қолоқ давлатларга берилган беғараз ёрдам миқдорининг ортиб бориши, уларга берилган қарзлардан кечиб юборилишини кўрсатиш мумкин. Ўзбекистонда ижтимоий тенгсизлик мавжуд бўлса-да, унинг миқёси катталашиб боришига йўл берилмайди, аксинча, фаол ижтимоий сиёсат амалга оширилиб, камбағалларга ҳар тарафлама ёрдам берилади. Ўзбекистон иқтисоди ривожланган мамлакатлар сафига кирмаса-да, бу ерда камбағалларнинг даромаддаги салмоғининг кўрсаткичи айтилган мамлакатлардагидан анча юқори, яъни 9,2 фоизни ташкил этади. Бу кўрсаткич бўйича Ўзбекистон фақат Япония, Венгрия, Норвегия, Чехия ва Финляндиядан орқада, қолган бошқа ҳамма мамлакатлардан олдинда юради. Бу фаол ижтимоий сиёсат натижасидир.

Ўзбекистонда аҳолининг табақалашуви ўз ҳолига ташлаб қўйилмасдан, доимо меъёрида сақланиб келинган. Бу ерда 10 фоиз камбағаллар билан 10 фоиз бойлар даромади ўртасидаги фарқ кейинги пайтда 9,5–13,5 мартадан ошмаган. Демак, табақалашув халқаро стандартлар даражасида юз берган. Таҳлилларнинг кўрсатишича, Ўзбекистонда даромадларни бой табақа кўлида концентрациялашув (тўпланув) коэффициенти ҳам меъёрида. Бу меъёр коэффициенти 0,250 – 0,360 ҳисобланади. Ўзбекистонда бу кўрсаткич 1995 йилда – 0,310, 1996 йилда – 0,350, 1997 йилда – 0,421, 1998 йилда – 0,405, 2000 йилда – 0,389, ниҳоят 2003 йилда – 0,320 бўлган.

Аҳолининг даромадлар бўйича табақалашувининг меъёрида сақлаб турилиши ижтимоий ҳамжиҳатликни кафолатлайди. Ижтимоий барқарорлик камбағаллар сонининг қисқариб бориши билан ҳам боғлиқ. Дунёда қабул қилинган камбағаллик меъёри 10 фоизни ташкил этади, яъни камбағаллар бутун аҳолининг ўндан бир қисмини ташкил этиши мақсадга мувофиқдир. Дунёнинг мутлақ кўпчилик мамлакатларида бу меъёр таъминланмаган. Шу сабабли камбағалларга ёрдам кўрсатиш ижтимоий ҳамжиҳатликни таъминловчи восита сифатида ўз аҳамиятини сақлаб қолади.

Ижтимоий хавфсизлик истеъмол даражаси ва таркибини ҳам меъёрида бўлишини талаб қилади.

Ижтимоий хавфсизлик деганда жамият барча аҳлининг зарурий моддий ва ижтимоий мавқеини таъминлаш бўйича давлатнинг чора-тадбирлари мажмуи тушунилади. У, *биринчидан*, малакали иш кучини такрор ишлаб чиқаришни, *иккинчидан*, жамиятнинг меҳнатга қобилиятли аъзолари салоҳиятини амалга ошириш учун шароитнинг мавжудлигини, *учинчидан*, ишсизларни кўллаб-қувватлаш ва янги иш ўринларини яратиш, *тўртинчидан*, ижтимоий кафолатларни билдиради.

Истеъмол энг кам деганда тирикчилик минимумини, кўп деганда ижтимоий минимумни таъминлаши талаб қилинади. Тирикчилик минимуми инсон соғ-саломат яшаб, иш қобилиятини сақлаб қолиши учун зарур бўлган даражада истеъмол қилинишини билдиради.

Ижтимоий минимум нормал турмуш кечириш ва иш қобилиятини ривожлантиришга имкон берувчи истеъмолни билдиради. Ижтимоий барқарорлик бўлиши учун истеъмол тирикчилик минимумидан ижтимоий минимум томон ўсиб бориши талаб қилинади. Ижтимоий хавфсизлик нуқтаи назаридан истеъмол меҳнат салоҳиятининг вайрон бўлишига йўл бермай, унинг сақланиб қолишини таъминлаши керак бўлади. Аммо меҳнат салоҳиятини сақлаш харажатлари мамлакатлар бўйича жиддий фарқланади, чунки иш кучини қайтадан яратиш сарфлари ҳамма ерда бир хил бўлиши мумкин эмас. Ривожланган мамлакатларда бу сарф бир кун ҳисобида энг камида 18 доллар, АҚШда эса 33 доллар қилиб белгиланган. Бундай фарқланиш истеъмол минимумининг миқдоран ва таркибан ҳар хил бўлишидан ва нархлар даражасидан келиб чиққан.

Инсон соғлом яшаши учун овқатланиши миқдоран ва таркибан етарли бўлиши зарур. Кундалик овқатланиш меъёри 2150 килокалория энергия қуввати бера олиши лозим. Бу ҳам ижтимоий зарурат ҳисобланади. Бироқ озиқ-овқат таркибида киши организмига зарур бўлган моддалар минимал даражада бўлиши талаб қилинади. Масалан, кундалик овқатланишда ҳар бир киши учун камида 30–32 г. гўшт, балиқ, тухум ва сут каби маҳсулотлар берадиган оқсил моддаси бўлиши кераклиги мутахассислар томонидан таъкидланади. Бинобарин, хавфсизлик даражаси бўлиши учун озиқ-овқат таркибида

углеводларлардан ташқари, оксил, ёғ ва витаминлар ҳам бўлиши керак. Бунинг учун углеводли нон, макарон, картошка ва гуручдан ташқари, оксилга бой сут, гўшт, тухум, балиқ ҳам истеъмол қилиниши зарур бўлади. Инсон учун озиқ-овқат хавфсизлиги даражасини аниқлашда кундалик овқатланиш берадиган энергия куввати унинг меъёри билан таққосланади.

Ижтимоий хавфсизлик ноозиқ-овқат товарларини, жумладан хизматларни ҳам минимал даражада бўлса-да, истеъмол этилишини билдиради. Бироқ ўтиш даврини бошдан кечираётган мамлакатларда аҳоли истеъмоли таркибида бузилишлар юз беради. Бу жами истеъмолда озиқ-овқат ҳиссасининг ортиб кетишидан иборат бўлиб, даромадларнинг умуман камайиши ва аҳоли таркибида кам таъминланганлар ҳиссасининг ортиши билан изоҳланади. Бундай ходиса ўтиш даврининг дастлабки йилларида кўпчилик МДҲ мамлакатларида кузатилди. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси реал иқтисодий шароитдан келиб чиққанини ҳаётнинг ўзи исботлади. Гап шундаки, *Ўзбекистон, биринчидан*, социалистик иқтисодий тизим шароитида, *иккинчидан*, эса Совет империяси таркибида ривожланди. Бу эса уни қолоқликка маҳкум этди. Ўзбекистон ресурсларга бой мамлакат бўла туриб, иқтисодий тараққиётда кўпгина Шарқ мамлакатларидан орқада қолиб кетди. 1990 йили аҳоли жон бошига ишлаб чиқариш бўйича дунёда 75–80 ўринни эгаллади, ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати, унинг структураси, таркибининг янгилиниши, яъни диверсификацияси жиҳатидан дунё талабларидан анча орқада қолди.

Дастлаб, жон бошига ҳисобланган ноозиқ-овқат товарлари истеъмоли қисқарди, демак, уларнинг етишмовчилиги юзага келди. Бу, айниқса, турли хизматлар истеъмолида яққол кўзга ташланди. Хизмат кўрсатишнинг пулли бўлиши ва даромаднинг етишмаслиги истеъмол даражасининг қисқаришига олиб келди. Натижада ижтимоий хизматларни истеъмол қилиш учун кетган сарфларнинг оиланинг жами харажатларидаги ҳиссаси кичик бўлди, лекин унинг ўсишга мойиллиги кузатилди.

Хавфсизликка эришишда ижтимоий фаровонликнинг аҳамияти катта. Бу иқтисодий фаровонликдан фарқлироқ турмуш кечиришнинг шарт-шароити қандайлиги билан тавсифланади. Бунга ҳаёт кечиришнинг хавфсизлиги, коммунал хизматлар истеъмоли, ижти-

мой неъматлар, ўртача умр кўриш кабилар киради. Халқаро миқёсда ижтимоий фаровонлик даражасини аниқлаш учун болаларнинг қанчаси мактабларда ўқиши, ўқитувчилар сони, таълим олишдаги тенг ҳуқуқлилиқ даражаси, давлатнинг жон бошига ҳисобланган таълим учун сарфлари кабилар ҳисобга олинади.

Соғлиқни сақлаш хизмати даражаси аниқланганда, болалар орасидаги ўлим, бола туғиш пайтида оналарга кўрсатиладиган тиббий хизмат сифати, болаларнинг эмланиши, ҳар минг нафар аҳолига ҳисобланган врачлар сони, касалхоналарда ўринлар сони ва даволаниш даражаси кабилар инобатга олинади. Ижтимоий фаровонликни аҳолининг тоза ичимлик суви ва замонавий канализациядан фойдаланиши ҳам белгилайди. Она ва бола саломатлигини ҳимоялаш бўйича бажарилаётган тадбирлар натижасида ўтган ўн йил (2000–2010) давомида мамлакатимизда оналар ўлими ҳар минг киши учун 33,1 нафардан 19,7 нафарга, болаларнинг нобуд бўлиши эса 18,9 нафардан 10,1 нафарга тушди. Туғма ва ирсий касалликлар билан туғиладиган болалар сони қарийб икки баробар камайди. Япония парламенти аъзолари Ўзбекистонда аҳоли саводхонлиги даражасини қарийб 100 фоиз, деб таъкидлади¹.

Иқтисодий ва ижтимоий фаровонликнинг асосий кўрсаткичлари (жон бошига даромад миқдори, саводхонлик даражаси, ўртача умр кўриши) асосини инсон камолоти индекси орқали аниқланади. Бу кўрсаткич қанчалик юқори бўлса, шунчалик ижтимоий барқарорлик таъминланади. Барқарорлик шароитида ижтимоий конфронтация (қарши туриш) ўрнига ижтимоий консолидация (ҳамкорлик) юзага келади. Ижтимоий ҳамкорлик бор жойда инсон капитали ривож топади ва бу миллий хавфсизликнинг асосини белгиловчи иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликка хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Даромад, бозор даромадлари, нобозор даромадлари, реал даромад, тадбиркорлик даромади, қонуний даромадлар, ноқонуний даромадлар, турмуш даражаси, минимал истеъмол бюджети, камбағаллик кўрсаткичи, ижтимоий ҳимоя, ижтимоий сиёсат.

¹ Қаранг: Халқ сўзи. – 2011. – 3 фев.

Савол ва топшириқлар:

1. «Даромад» тушунчасининг моҳиятини ёритинг.
2. Даромадга эга бўлишнинг белгилари қандай?
3. Ўзбекистон Республикасининг аҳолининг ижтимоий ҳимояси тўғрисидаги амалдаги қонунларини ёзинг ва моҳиятини изоҳланг.
4. Даромадлар тизими ва унинг элементларини тушунтиринг.
5. Даромадлар нима учун бозор тизимининг бир қисми ҳисобланади?
6. Даромадларнинг субъектларини тушунтиринг.
7. Даромадлар қандай шаклланади?
8. Қонуний ва ноқонуний даромадларни тушунтириб беринг.
9. Бозор ва нобозор даромадларини таърифланг.
10. Тадбиркорлик даромадининг моҳиятини шарҳланг.
11. Ижтимоий ҳимоянинг мақсади қандай?
12. Реал даромадлар нима?
13. Аҳоли эҳтиёжлари ва турмуш даражасига таъсир этувчи омилларни санаб ўтинг.
14. Даромадлар фарқланишининг уч даражасини изоҳланг.
15. Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий сиёсати ва унинг ҳаётийлигини тушунтириб беринг.
16. Турмуш даражасининг жинойтчиликка қандай боғлиқлиги бор?
17. Амалдаги қонунларнинг аҳоли ижтимоий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни ва аҳамиятини изоҳланг.
18. Аҳоли турмуш даражасини белгиловчи индикаторларни кўрсатинг.
19. Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг ноқонуний даромадларни аниқлашда роли қандай?
20. Ижтимоий соҳанинг моҳиятини тушунтиринг.
21. Мамлакатимизда янги иш ўринларини яратиш ва аҳолининг турмуш даражасини янада юксалтириш борасида қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Мутлақ қашшоқлик – шахс ёки уй хўжалигининг реал даромадининг яшаш учун зарур бўлган энг кам маблағ ҳажмига мос келадиган ҳолати.

Децил коэффициент – хонадон хўжаликларининг энг кўп даромадли 10 фоизнинг ўртача даромади билан энг кам таъминланган 10 фоизнинг ўртача даромади ўртасидаги нисбатни ифодаловчи коэффициент.

Даромадни қайта тақсимлашда давлатнинг иштирок этиш индекси – даромадларни қайта тақсимлашга давлат аралашувининг даражасини ифодаловчи кўрсаткич.

Даромадларнинг концентрацияси индекси – жамиятнинг даромадлар бўйича қутбланиш даражасини кўрсатувчи индекс.

Номинал даромад – товар ва хизматларнинг жорий ёки номинал баҳолари доирасидаги пул даромадлари даражаси.

Нисбий қашшоқлик – уй хўжалигининг ўртача уй хўжалиги даромадига қараганда икки марта кам даражадаги реал даромадига мос келувчи аҳволи.

Даромадларни шахсий тақсимлаш – давлатнинг даромадларни уй хўжаликлари ўртасида кейинчалик қайта тақсимлаши ёки шахслар бўйича пировард тақсимлаши.

Даромадларни индекслаш – истеъмол буюмлари нархлар индексининг ошишига мувофиқ равишда аҳолига тўланадиган иш ҳақи, нафақа, стипендия, пенсия ва бошқа тўловлар миқдорининг оширилиши.

Даромадларни музлатиш – аҳоли пул даромадларининг ўсишини секинлаштириш ёки тўхтатиб қўйишга қаратилган сиёсат ҳамда қўлланиладиган чора-тадбирлар тизими.

Реал даромад – нарх ўзгаришини инобатга олувчи ва нархларни қандайдир базавий даврга келтириш орқали ҳисобланадиган даромад.

Иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий адолат – муайян жамиятда шаклланган иқтисодий муносабатлар тизимининг ушбу адолат ҳақидаги, яъни иқтисодий трансакциялар ва хўжалик юритиш соҳасидаги оқибатларнинг тўғрилиги, ҳалоллиги, тартиблилиги, зиёлилиги ҳақидаги тасаввурларга мувофиқлиги.

Ижтимоий трансфертлар – асосан аҳолининг камбағал қатламларига уларнинг хўжалик фаолиятидаги иштироки билан боғлиқ бўлмаган ҳолда берилладиган пул тўловлари.

Истеъмол савати – муайян озиқ-овқат, саноат моллари ва хизматларнинг тирикчиликни таъминлашга етарли бўлган миқдори. Бозор иқтисодиёти шароитида нарх-наво кўтарилиб, баҳолар ўзгаради. Аҳолининг кўрадиган зарарини қоплаш учун ҳукумат томонидан мамлакатда «истеъмол савати» таркиби аниқланади ва уни қўллаш таклиф этилади.

Физиологик минимум – истеъмол қилиниши фақат жисмоний эҳтиёжларни қондирадиган товар ва хизматлар мажмуи.

Даромадларни функционал тақсимлаш – неъматларни ишлаб чиқариш омилларига бўлган бозор нархларининг ҳосил қилиниши орқали бирламчи тақсимланиши.

Ижтимоий минимум – инсоннинг мулоқоти, турли ижтимоий гуруҳлар ва уюшмаларга жалб этилганлиги, жамиятнинг маънавий кадриятларни истеъмол қилиши билан боғлиқ энг зарур ижтимоий талабларни амалга ошириш учун сарфланадиган харажатлар.

Оила бюджети – оила даромадлари ва харажатларининг пул билан ифодаланган йиллик мажмуи.

Ижтимоий соҳа – аҳоли турмуш тарзи, унинг фаровонлиги, истеъмол даражасига бевосита боғлиқ бўлган ва уларни белгилаб берувчи тармоқлар, корхоналар ва ташкилотлар мажмуи. Ижтимоий соҳага энг аввало хизмат кўрсатиш соҳаси (маориф, маданият, соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, жисмоний тарбия, умумий овқатланиш, коммунал хизмат кўрсатиш, йўловчи транспорти, алоқа ва бошқалар) киради.

Ижтимоий соҳа объектлари – аҳолининг муносиб турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқлар мажмуи. Булар қаторига уй-жой фондлари, соғлиқни сақлаш, маориф, спорт, маданият муассасалари ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ижтимоий дастурлар – аҳолининг бевосита турмуш шароити ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи соҳа ва тармоқларни ривожлантиришга оид чора-тадбирларни ўз ичига олган режавий ҳужжатлар.

Капитал маблағлар – муайян мақсадга йўналтирилган чора-тадбирларни молиялаштириш мақсадида шакллантирилган ва йўналтирилган маблағлар.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. «Одамларнинг дастурхонида, оилавий аҳволида, умуман кундалик ҳаётимизда ижобий ўзгаришлар кўзга ташланмаса, бу аҳолининг ҳақли эътирози ва норозилигига олиб келиши табиий»¹.

2. Бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш бирламчи аҳамият касб этса-да, унинг натижаси даромад, фойда шаклида юзага чиқади, чунки бозор қоидалари ресурслар сарфи самарасига кўра даромадларга эга бўлишни таъминлайди. Демак, аҳоли турмуш даражасининг юксалиши бозор қоидалари орқали топиладиган даромадларга боғлиқ бўлиб қолади.

3. Даромадга эга бўлиш учун ресурс эгалари иқтисодий муносабатларга киришиб, ўз манфаатини ҳимоя қилиши керак, акс ҳолда, даромаднинг рағбатлантирувчи иқтисодий мазмуни реализация этилмай қолади.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди // Халқ сўзи. – 2005. – 17 фев.

4. Даромад – бу иқтисодиёт субъектларининг фаолияти натижасида улар ихтиёрига келган ҳамда мулкига айланган пул ва моддий шаклдаги тушумлар.

5. Бозор даромадлари – бу иқтисодиёт субъектларининг ўз қонуний ресурсларини бозор қонун-қоидаларига мувофиқ амалда ишлаб топган пул тушумларидир.

6. Нобозор даромадлари – бу субъектларнинг ижтимоий мақомига кўра ва муҳтожлик даражасига нисбатан бериладиган пул ва моддий тушумлар.

7. Даромадларни шакллантиришда иқтисодий институтлар қатнашиб, улар ҳам давлат, ҳам нодавлат институтлари ҳисобланади. Уларнинг фаолияти даромадларни тартибга солади ва бу ижтимоий адолатни таъминлашга қаратилади.

8. Ўтиш даврида даромадлар табиати жиҳатидан бозор ва нобозор типларга ажралиб, иқтисодий ва ҳуқуқий жиҳатдан қонуний ва ноқонуний тус олади.

9. Бозор даромадлари ўз моҳиятига кўра, қуйидаги вазифаларни бажаради:

а) кишиларнинг тирикчилигини таъминлайди ва ишчи кучини такроран ҳосил этади;

б) инсон салоҳиятини такомиллаштириб боришга ундайди, у кўшимча даромад топиб, бошқалардан фаровонроқ яшаш иштиёқини уйғотади ва молиявий ресурс сифатида иқтисодиётнинг ўсишига хизмат қилади ҳамда аҳамияти кучайиб боради;

в) даромадларнинг кучли, лекин адолатли табақаланишига олиб келади, ҳаёт даражасида жиддий тафовут юзага келади. Тенгсизлик бўлиши мумкин, фақат у адолатли бўлиши лозим;

г) бозор даромадларидаги тенгсизлик аҳолини ижтимоий ҳимоя этишни шарт қилиб қўяди.

10. Турмуш даражаси – аҳолининг зарурий моддий ва маънавий неъматлар ва хизматлар билан таъминланганлик ва уларни истеъмол қилиш даражаси.

11. Турмуш даражасининг паст бўлиши жиноятчиликни келтириб чиқаради.

18-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

1. Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги функциялари

Кўплаб масалалар мавжудки, уни бозор механизми ечишга қурби етмайди. Бунга давлатнинг бозор тизимида фаол иштирок этиши асос бўлади. Давлат, энг аввало, мамлакатнинг миллий манфаатларини ифодалайди ва бозор механизмининг самарали ишлашига қулай шароитлар ҳозирлайди.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг таг-заминли функцияси жамият миқёсида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдан иборат. Фақат давлат жамиятнинг саъй-ҳаракатларини тартибга солувчи олий муассаса бўла олади. Фақатгина давлат жамиятнинг турли манфаатларини уйғунлаштиради, уларни ягона умуммиллий манфаатга бирлаштирувчи куч ҳисобланади.

Давлат жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорлигини таъминлашда қандай чора-тадбирларни амалга оширади?

Бунда давлат, солиқ-бюджет сиёсатини юритади. Давлат бюджет орқали даромадларни жамиятнинг турли тоифадаги фуқаролари ўртасида уларнинг ажралмас ҳуқуқларини, яъни фаровонликнинг маълум стандартига эришиш мақсадида амалга ошириш сиёсатини қўллайди.

Давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашдаги фаолияти жамиятда банд бўлган, фиксирланган даромадларга эга фуқаролар (давлат бошқаруви соҳасидаги хизматчилар, олимлар, ҳарбий хизматчилар ва ҳ.к.)нинг мавжудлигидан ҳам келиб чиқади.

Маълумки, жамиятда ногиронлар, меҳнатга лаёқатсиз фуқаролар ҳам истиқомат қилади. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига мувофиқ, давлат иш билан таъминлашга муҳтож бўлган аҳолига қуйидагиларни кафолатлайди:

- ишсизлик нафақасини тўлаш;
- меҳнат органларининг йўлланмаси бўйича касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ёки малака ошириш даврида стипендия тўланиши ҳамда шу даврни умумий меҳнат стажига қўшиш;
- ишсиз шахсга қармоғидагиларни ҳисобга олган ҳолда, моддий ёрдам бериш;
- ҳақ тўланадиган жамоат ишларида қатнашиш имконияти;

– меҳнат органларининг таклифига биноан, ишлаш учун ихтиёрий равишда бошқа ерга кўчиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш.

Ўзбекистон Республикасида аҳолининг ишсизлик даражаси, фоиз

2007 йил	2008 йил	2009 йил	2010 йил	2011 йил	2012 й ил
5,0	4,9	5,3	5,1	5,0	4,9

Давлат ижтимоий трансфертлар орқали жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайди.

Ижтимоий трансфертлар – бу аҳолининг кам таъминланган тоифасига пул тўловлари бўлиб, уларнинг хўжалик фаолиятидаги иштироки билан боғлиқ эмас. Ижтимоий трансфертлар натурал шаклда ҳам амалга оширилади (бепул тиббий ёрдам, уй-жой билан ва бепул озиқ-овқат билан таъминлаш ва бошқалар). Трансферт тўловларнинг мақсади жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлаш ва товар ҳамда хизматларга бўлган ички талабни ушлаб туришдан иборатдир.

Даромадларни билвосита тақсимлаш усулига солиққа тортишнинг турли имтиёзли шакллари, бепул хизматларнинг табақалашган тақсимооти киради. Жумладан, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасида, айрим бозорларда нархлар устидан давлат назорати.

Бироқ давлатнинг даромадларни қайта тақсимлашда иштирокининг объектив иқтисодий чегарасини аниқлаш зарур бўлади. Қуйида бундай қайта тақсимлашнинг чегарасини белгилайдиган муайян мўлжаллар мавжуд. Булар:

1) ижтимоий тўловлар миқдори давлатнинг умумий молиявий имкониятларидан ошмаслиги лозим. Акс ҳолда, ижтимоий дастурларни амалга ошириш нафақат бюджет тақчиллиги, балки аҳоли реал турмуш даражасининг пасайишига олиб келади;

2) қайта тақсимлашда давлат солиқ ставкаларининг кескин ошишига йўл қўймаслик керак. Солиқларнинг кескин ўсиши иқтисодий субъектларнинг инвестицион фаоллигини пасайтиради;

3) давлатнинг кам таъминланганларга ёрдам беришини ҳаддан зиёд кучайтиргани меҳнат капитали бозорини ва бозор механизмини издан чиқаришга олиб келади. Давлат томонидан аҳолининг кам

таъминланган қатламини қўллаб-қувватлаш қатъий манзилли, жамоат назорати негизида танловли бўлиши керак.

Давлат инсон капитали бозорини тартибга солиш йўли билан жамиятда ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Бунда давлат иш билан банд этиш масаласини ҳал этади. Бозор механизми ўз-ўзидан инсонни яратувчанлик ва меҳнат қилиш ҳуқуқини таъминлашга қодир эмас. Шу боис ҳам давлат жамиятда ижтимоий кескинликка йўл қўймаслик мақсадида аҳолини самарали иш билан банд этишга фаол аралашади.

Давлатнинг навбатдаги функцияси миллий иқтисодиёт даражасида юқори самарали хўжалик юритишни таъминлаш функциясидир. Агар бозор механизми самарали ишлаб чиқаришни алоҳида корхона доирасида таъминласа, давлат бу муаммони бутун миллий хўжалик доирасида ҳал этади.

Булар:

1. Давлат илмий техника тараққиёти, инновацион технологияларни жорий этишни рағбатлантиради. Тажриба кўрсатмоқдаки, бозор механизми бунга қодир эмас.

Бозор иқтисодиётининг асосий самараси:

– бозорнинг ўта монополлашуви хавфи – ижтимоий инфратузилмани, транспорт, жамоат тартибини ривожлантириш стимули (рағбати)нинг йўқлиги;

– атроф-муҳитни ифлослантириш хавфи ва табиий ресурслардан фойдаланишнинг самарасизлиги;

– аҳоли даромадлари табақаланишининг юқори даражаси ва ижтимоий тенгсизлик;

– иқтисодиётнинг циклик (нотекис) ривожланиши, иқтисодий-молиявий инқирозларнинг бузғунчи характери.

Бозор иқтисодиётида давлатнинг асосий вазифалари:

1) қонунчилик – қонунчилик базаси;

2) самарадорлик – рақобат муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш, ижтимоий товарлар билан таъминлаш учун ресурсларни қайта тақсимлаш;

3) адолатлилик – бойлик ва даромадларни қайта тақсимлаш;

4) барқарорлик – макроиқтисодий стабилизацион сиёсат.

Давлат бошқарувининг методлари:

1. Давлат бошқарувининг маъмурий методлари – антимонопол чоралар, маъмурий стандартлар ўрнатиш, бизнес ва тадбиркорлик соҳасида рўйхатга олувчи процедуралар, тадбиркорлик

фаолиятини лицензиялаштириш, бизнес ва тадбиркорликни юритиш борасида тўғридан-тўғри ман этувчи ва рухсат берувчи тамойиллар.

2. Давлат бошқарувининг иқтисодий методлари – тўғридан-тўғри тартибга солиш, бюджет орқали молиялаштириш, давлат харидлари, давлат секторининг фаолияти, макроиқтисодий сиёсатнинг барча шакллари.

3. Давлат бошқарувининг ижтимоий методлари – давлатнинг ижтимоий таъминоти, иш ҳақининг кафолатланган минимумини ўрнатиш, ишсизлик учун тўловлар.

Иқтисодиётда давлат секторини ташкил этиш шакллари:

- марказлашган иқтисодиётдан мерос қолган давлат корхоналари;
- давлат бюджети воситалари ҳисобидан давлат қурилиши;
- давлат воситалари ҳисобидан хўжалик субъектларини сотиб олиш;
- корхоналарни национализация қилиш.

Ижтимоий неъматлар товарлар ёки хизматлар бўлиб, улардан бир истеъмолчининг фойдаланиши бошқаларнинг истеъмоли имконияти ва улардан фойдаланиши ҳуқуқини камайтирмайди.

Ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти шароитида давлатнинг иқтисодий вазифалари:

– тартибга солинадиган бозор шароитида асосий мақсад устувор йўналишларни ишлаб чиқиш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни изчил амалга оширишнинг стратегик йўлини белгилайди ва шунга мувофиқ мақбул тактик хатти-ҳаракатларни амалга оширади;

- бозор иқтисодиётига ўтиш даврида иқтисодий эркинликларнинг кафолати вазифасини ўтайди;
- бозор институтларини яратиш учун қулай шароит туғдиради;
- вужудга келаётган ишбилармонлик тузилмаларининг қарор топиши ва ривожланишига кўмаклашади;
- аниқ мақсадга қаратилган тузилма сиёсатини амалга оширади (устувор йўналишларни аниқлайди);

– ҳамма маълум иқтисодий воситалар – молия, кредит, солиқ, валюта сиёсати, нарх-навони назорат қилиш ва бевосита таъсир ўтказишнинг чоралари орқали иқтисодий ва ижтимоий жараёнларни тартибга солади;

– иқтисодиётни соғломлаштириш муаммоларини биринчи навбатда ҳал этади.

Бозор тизимида давлатнинг ижтимоий-иқтисодий функцияси. Жаҳон амалиёти кўрсатмоқдаки, рақобатли бозор анъаналари

ривожланган мамлакатларда турмуш даражаси юқори, иқтисодиёти ижтимоий йўналтирилган тузилишга эга бўлиб, иқтисодий ўсиш суръатлари ва фаровонлик даражаси юқоридир. Бироқ, ҳақиқатни айтиш лозимки, шундай муҳим вазифалар борки, уларни ечиш ёки бажаришга бозор механизми қодир эмас. Бу борада давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Ушбу асосланган илмий қоида давлатнинг бозор хўжалигида иштирокини объектив заруриятга айлантиради. Бундан ташқари, давлатнинг рақобатли бозор иқтисодиётидаги роли, биринчидан, энг долзарб муаммоларни рақобатли бозор ечолмайди. Иккинчидан, давлат бозор механизмининг юқори самарада ишлаши учун қулай шароитлар яратиб беради».

Давлатнинг рақобатли бозор иқтисодиётидаги вазифаси жамият миқёсида ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлашдир. Гап шундаки, бозор иқтисодиёти жараёнида кимдир бойга, кимдир камбағалга айланади. Кимдир иш ўрнига эга бўлади, кимдир иш ўрнидан ажралади. Қайсидир фирма гуллаб яшайди, қайсидир фирма банкротга (касонга) учрайди.

Бозор ахлоқи нуқтаи назаридан эркин рақобат натижасида олинган ҳар қандай даромад адолатли ҳисобланади. Бироқ умуминсоний ахлоқ нуқтаи назаридан эркин жамият ва ҳуқуқий демократик давлатда ҳар бир инсоннинг ижтимоий ва иқтисодий ҳавфсизлиги кафолатланиши лозим. Бундай кафолатни фақат фуқаролик жамиятининг умуммиллий сиёсий институти бўлган давлат таъминлайди.

Давлат жамият барқарорлигини таъминлашда қуйидаги тадбирларни амалга оширади:

– давлат солиқ сиёсати орқали ўз бюджети воситасида инсон фаровонлигининг маълум стандартига оид ажралмас ҳуқуқини рўёбга чиқариш мақсадида турли тоифадаги инсонлар даромадларини қайта тақсимлайди. Давлатнинг даромадларини тақсимлаш борасидаги фаолияти халқ хўжалигининг айрим тармоқларида банд бўлганларнинг белгиланган даромадларга эгалигидан келиб чиқади (давлат бошқаруви ходимлари, олимлар, ҳарбий хизматчилар, ички ишлар идоралари ходимлари, таълим ва соғлиқни сақлаш ходимлари ва ҳ.к.). Шунингдек, бозорда истеъмолчи сифатида иштирок этувчилар – ногиронлар, меҳнатга лаёқатсиз инсонлар ҳисобланади.

Шунингдек, давлат инсон капитали орқали бозорни тартибга солиб, жамиятдаги ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Давлат бандлик сиёсати аҳолини, айниқса, ёшларни иш билан таъминлайди.

Бозор механизми инсонни меҳнатга бўлган ҳуқуқини тўғридан-тўғри таъминлай олмайди. Шу боис ҳам давлат бандлик муаммосини ҳал этиш йўлини топишга аралашади;

– давлатнинг навбатдаги функцияси миллий иқтисодиёт кўламида хўжалик юритишнинг юқори самарасини таъминлаш. Агар бозор механизми ишлаб чиқариш самарадорлигини алоҳида фирма, тармоқ доирасида таъминласа, давлат бу муаммонинг ечимини миллий иқтисодиёт даражасида ҳал этади.

Давлат фан-техника тараққиётини (ФТТ) рағбатлантиради. Рағбатли бозор механизми ФТТ тижорат асносида ўзлаштиради. Бозор фан ва техника соҳасидаги стратегик ёриб ўтишни ҳамда чуқур таркибий ўзгаришларни таъминлашга ожиз. Бундан ташқари рақобатли бозор йирик капитал сарфлайдиган лойиҳаларни молиялаштиришга қодир эмас.

Давлат илмий асосланган пул-кредит ва солиқ бюджет сиёсатини юритган ҳолда иқтисодиётни зарур пул миқдори билан таъминлайди. Ишлаб чиқариш омиллари мулкдорларининг инвестицион фаолиятини солиқдаги аёвчанлик ва давлат харажатлари орқали рағбатлантиради. Сўнгги йилларда бу тенденция Ўзбекистонга хос.

Давлат илмий асосланган минтақавий сиёсат юритади. Давлат ҳудудлар ўртасидаги фарқларни яқинлаштиришга (тенглаштириш)га моддий шароит яратади. Шунингдек, ҳудудларнинг географик тарихини, миллий-маданий хусусиятларини ҳам инобатга олади.

Давлат антимонопол ва антиинфляцион сиёсат юритади. Усиз иқтисодиёт самарали ривожлана олмайди. Инфляция ва монополия рақобатли бозор иқтисодиётининг доимий касалидир. Бозор механизми давлат аралашувисиз уни даволай олмайди.

Давлат ташқи иқтисодий фаолиятни амалга оширишга раҳбарлик қилади. Бозор бундай вазифани бажара олмайди. Бу ташқи савдо сиёсати, тўлов баланси, валюта курсига таъсир кабилардир. Бозор механизми иш кучининг халқаро оқимини, товар ва пул капиталини назорат эта олмайди.

Давлатнинг аҳолини ижтимоий товарлар билан таъминлаш функцияси, бозор механизми инсон эҳтиёжларини тўла таъминлай олишга ожиз. Шундай эҳтиёжлар борки, уларни пул билан таъминлаб бўлмайди. Булар – юрт тинчлигини сақлаш. Бу неъматлар истеъмолида жамиятнинг аъзоси сифатида ҳар бир инсон қатнашади. Булар мудофаа ишлари хизмати, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи

органлар хизмати, давлат бошқаруви, экологик хавфсизликни таъминлаш, бепул умумий таълим, соғлиқни сақлаш ва бошқалар.

Ижтимоий товарлар шундай неъматларки, уларнинг истеъмолда жамиятнинг аъзоси сифатида ҳар бир инсоннинг эҳтиёжлари қондирилади. Бунда ҳар бир инсон мавжуд неъматдан тенг миқдорда истеъмол этади.

Давлатнинг яна бошқа бир муҳим вазифаси борки, у иқтисодиётнинг ташқи таъсирида юз берадиган оқибатларни бартараф этиш фаолиятидир.

Давлат ўзининг вазифасини иқтисодий асосга таяниб давлат сектори орқали ҳам амалга оширади. Давлат сектори миллий иқтисодиётнинг таркибий қисми бўлиб, давлат мулкининг объекти ҳисобланади ва инсонларни умумий вазифаларни бажаришга йўналтиради. Давлат секторига суянган ҳолда, фан-техника тараққиёти, ижтимоий товар ишлаб чиқариш ва даромадларни қайта тақсимлашни рағбатлантиради.

Давлат хонадонларга берадиган пул трансфертлари уларнинг харид қобилиятини оширади, бу эса, ўз навбатида, талабни ошириб, фирмалар бозорини кенгайтиради. Давлат сектори ҳамма учун зарур, лекин рентабеллиги пастлигидан фирмалар қўл урмайдиган товар ва хизматларни яратади. Аксарият ҳолларда давлат сектори ишлаб чиқариш инфратузилмаси, чунончи, ёқилғи, энергетика, транспорт, йўл хўжалиги, сув хўжалиги, алоқа каби соҳаларни қамраб олади. Уларнинг товар ва хизматлари эса миллий иқтисодиёт ривожини учун сувдек зарур бўладики, шу сабабли бу соҳалар харажатини давлат ўз зиммасига олади ва иқтисодий ўсишга ҳисса қўшади.

Давлат кўрсатадиган ижтимоий хизматлар бепул бўлганда, улардан барча баҳраманд бўлади. Кўриниб турибдики, давлат ҳам иқтисодиёт субъекти, лекин бу оддий субъект эмас, балки бутун иқтисодиётни тартибга солиб турувчи субъектдир.

Ҳозирги бозор иқтисодиётини давлат тартибга солиб туришини фақат бозорнинг лаёқатсиз бўлиб қолиши билангина изоҳлаш мумкин эмас, чунки иқтисодий алоқалар ғоят кенг миқёсли ва мураккаб бўлиб, бозор кучлари ҳатто мукамал ишлаган тақдирда ҳам уларни тартибга тўла-тўқис сола олмайди.

Айниқса, глобаллашув жараёнларида корхоналарнинг ташқи иқтисодий алоқалари аҳамияти ғоят ошади ва буларни ўрнатишда давлатнинг иштироки талаб қилинади.

Давлатнинг бозор механизмига аралашуви меъёри. Замоनावий жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини оқилона ҳал этиш давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши ва бозор механизмининг узлуксиз ишлаши самарали уйғунлаштириш орқали таъминланади. Агар давлат ҳаддан ташқари бозор иқтисодиётига аралашса ҳам бозор механизмининг деформациясига олиб келади. Бу ишлаб чиқариш самарадорлигининг кескин пасайишига олиб келади ва иқтисодиётнинг истеъмол талабига мўлжалини издан чиқаради. Шундай қилиб, давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашуви чегараси бозор механизмининг функционаллигидан келиб чиқади.

Қуйида рақобатли бозорнинг давлат томонидаги бозорга аралашуви чегараси борасидаги талабларининг қисқача тафсилотини келтирамиз.

1. Бозор механизми (талаб ва таклиф, рақобат, нарх) ички алоқаларни бузувчи бозор механизмини, давлат ҳаракатларини рад этади. Гап бунда эркин бозорнинг амал қилиш шарт-шароитлари ҳақида бормоқда. Агар давлат ўз секторининг ҳаддан зиёд иқтисодиётдаги улушини кўпайтирса, бу хўжалик фаолияти эркинлигини чеклайди, бу эса иқтисодиёт нодавлат секторларининг қисқаришига олиб келади. Агар давлат нарх-навога маъмурий назоратни кучайтирса, бозор механизмининг бузилишига олиб келади. Чунки нарх-наво рақобатли бозорда рағбатлантирувчи сигнал ҳисобланади. Бу давлат нархлар устидан назоратни олиб ташлайди, дегани эмас. Давлат нарх даражаси динамикаси борасидаги масъуллигини сақлаб туради.

Бозор механизми ўзига нисбатан таъсир этишнинг бевосита ёки иқтисодий усулларини қўллашга ҳам йўл қўяди. Рақобатли бозор хўжалигида маъмурий методлар мавжуд бўлиш ҳуқуқига эга. Иқтисоди ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиётни иқтисодий дастаклар билан бошқариш самарали экан.

Рақобатли бозор иқтисодий дастаклардан эҳтиётлик билан фойдаланишни талаб этади. Агар давлат илмий асосланмаган, пухта ўйланмаган иқтисодий дастакларни қўлласса, бозор механизмининг мароми издан чиқади. Жумладан, пухта ўйланмаган солиқ ёки пул-кредит сиёсати. Ёки давлатнинг инфляцияга қарши сиёсати. Давлат инфляцияни бостириш учун маъмурий йўл билан муомалага чиқариладиган пул миқдорини чеклайди. Пул массасини муомалада чеклаш кредит фоизини оширади. Бу пулга бўлган

талабни камайтиради. Оқибатда инвестиция қисқаради. Демак, иқтисодий ўсиш дарз кетади. Бугунги кунда Ўзбекистонда давлат иқтисодий ўсишни таъминлаш мақсадида, шунингдек бозор механизмини мустаҳкамлаш борасида кучли сиёсат олиб бормоқда. Булар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, оилавий бизнесни ривожлантириш, хусусийлаштириш, инфляцияни жиловлаш, бандлик сиёсати, даромадлар сиёсати, солиқ аёвчанлиги ва ҳ.к.).

Хуллас, давлатнинг ролини зиддий омиллар белгилайди. Иқтисодий алоқаларнинг глобал тус олиши давлатнинг ролини кучайтирса, ўзини ўзи тартибга солиш имкони бу ролни чеклаб туради. Шу сабабли давлатнинг иқтисодиётга аралашуви меъёрида бўлиши талаб қилинади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви меъёри шундан иборатки, давлатнинг фаолияти бозор механизмнинг ишлашига халақит бермаслиги, зарур бўлганда, бу механизм ишини тўлдириб туриши ҳам талаб қилинади¹.

Ҳозирги бозор иқтисодиётида тартибланишнинг бозор механизми билан давлат механизми амал қилади.

Собиқ Иттифоқ даврида тотал давлатлаштириш кучли бўлган. Тотал давлатлаштириш иқтисодий соҳада, жумладан сиёсий ва маънавий ҳаётда, иқтисодиётни ташкил этишнинг барча нодавлат шакллари бостиришда давлат монополиясининг қарор топишидир.

Тоталитар иқтисодиётда тобелик ғояси кучли бўлган. Давлат ўзига ҳаддан ташқари зиёд вазифаларни олганки, бу иқтисодиётни сиёсийлаштиришга олиб келган.

Иқтисодиётни сиёсийлаштириш деганда иқтисодий ривожланишни сиёсий-ғоявий мақсад ва вазифаларни бажаришга бўйсундириш жараёни тушунилади.

Давлатлаштириш – бу ҳамма вақт иқтисодиётни сиёсийлаштириш бўлиб, у ҳукмрон сиёсат ва ғояга бўйсуниб келади. Бу куйидаги оқибатларга олиб келади:

биринчидан, давлатлаштирилган фирмалар самарасиз иқтисодий стратегия ишлаб чиқади, сабаби давлат фирмаларга бозор қоидалари билан эмас, сиёсий мотивлар билан раҳбарлик қилишга мажбур

¹ Қаоанг: Ўлмасов А., Ваҳобов А.В. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: «Шарк», 2006. – Б. 461.

этади. Қайд этиш лозимки, сиёсий мотивлар доимо иқтисодиётнинг давлат секторида иштирок этади;

иккинчидан, давлат сектори корхоналарида ишлаб чиқаришнинг паст самарали тартибида фаолият кўрсатади. Давлат фирмалари «имтиёзли, қулай» иқтисодий шароитда бўлади ва улар ўзларидан ҳам кўпроқ давлатга ишонади. Чунки давлат уларга имтиёзли солиқ ва кредит режасини белгилайди, дотация тўлайди, субсидиялар беради, қарзини кечиб юборади. Бу давлат секторини банкротликдан қутқаради. Уларга боқимандалик кайфияти устувордир. Шу сабабли янгиликка интилмайдди, меҳнат унумдорлиги ва сифатни ошириш кайғуси етишмайди.

2. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари

Иқтисодиётнинг қонун-қоидаларига амал қилиш иқтисодий сиёсат орқали юз беради, чунки буларни англаган ҳолда иқтисодиёт ривожига оид чора-тадбирлар ишлаб чиқилади ва булар иқтисодиётга таъсир этмай қолмайди. Иқтисодий сиёсат ўзи нима?

Иқтисодий сиёсат – бу иқтисодиёт субъектларининг ўз фаолиятига оид йўл-йўриқлари ва саъй-ҳаракатларининг мажмуидир. Ҳар бир иқтисодиёт иштирокчисининг, бу хонадонми, фирмами ёки давлатми бунинг фарқи йўқ, ўз манфаатлари бор. Бу манфаатлар амалиётда аниқ мақсад шаклига киради, иқтисодий сиёсат эса уни амалга оширишга қаратилади. Хонадоннинг мақсади ўз истеъмолини максимумлаштириш ва келажакни таъминлаш учун жамғарма ҳосил этишдир. Фирманинг мақсади эса фойдани максимумлаштириш ва иқтисодий жиҳатдан барқарорлигини таъминлашдир. Давлатнинг мақсади эса, миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини ва шу асосда халқ фаровонлигини таъминлашдан иборат.

Иқтисодий сиёсат уч даражада бўлади, улар: микро, макро ва мета (халқаро) сиёсатдир.

Биз ушбу мавзуимизга оид давлатнинг иқтисодий сиёсатига эътибор қаратамиз.

Давлатнинг сиёсати – бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига тааллуқли йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган саъй-ҳаракатларидан иборатдир. Давлатнинг сиёсати ҳар доим миллий бўлади, мамлакат ривожининг ички ва ташқи шароитини ҳисобга олади. Сиёсатда энг аввал

мамлакат иқтисодиётининг ҳолати, халқаро иқтисодий конъюнктуранинг миллий иқтисодиётга нечоғлик таъсир этиши, унда кутилаётган ўзгаришлар мамлакат зиммасига олган халқаро мажбуриятнинг қандайлиги, мамлакат иқтисодиётининг ресурслар билан таъминланиш даражасидан келиб чиқади, илгари амалга оширилган чора-тадбирлар берган натижа ҳам ҳисобга олинади. Давлат сиёсати давлат раҳбарларининг иродаси ва қатъиятлигига ва етилган иқтисодий муаммоларни нақадар идрок этишларига ҳам боғлиқ бўлади.

Давлатнинг сиёсати миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда маълум мақсадларни кўзлайди. Булардан асосийлари қуйидагилар:

1. Барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш. Бу ялпи ички маҳсулотнинг бир маромда ва етарли суръатлар билан ўсишига шароит ҳозирлашни билдиради, чунки ЯИМ қанчалик тез ўса, мамлакат иқтисодий қудрати шунчалик ошади.

2. Миллий иқтисодиётнинг мустақиллигини таъминлаш, унинг чет элга қарам бўлишига йўл қўймаслик. Иқтисодиёт қанчалик мустақил бўлса, шунчалик миллий манфаатларга кўпроқ хизмат қилади.

3. Иқтисодий хавфсизликни таъминлаш. Бу иқтисодий айланманинг узлуксизлигини, яъни такрор ишлаб чиқаришнинг тўхтовсиз давом этишини, иқтисодий фалажликка йўл қўйилмаслигини билдиради.

4. Миллий пул қадр-қийматининг барқарорлигини таъминлаш – мамлакатдаги пул муомаласининг меъёрида боришига эришиш, пулни иқтисодий алоқаларнинг мунтазам ишлаб турувчи воситасига айлантириш.

5. Аҳоли турмуш фаровонлигини мустақил ошириб, иқтисодиётнинг ижтимоийлигини тўлароқ юзага чиқаришга кўмаклашиш.

6. Миллий иқтисодиётни халқаро интеграцион жараёнлар ва глобализацияда фаол иштирок этиб, халқаро иқтисодиётда ўз ўрнини топиши, байналминал иқтисодий муносабатларнинг тенг ҳуқуқли иштирокчисига айланишига эришиш.

7. Миллий иқтисодиётнинг истиқболини таъминлаш, яъни уни узоқ келажакда ўсиб боришига шароит ҳозирлаш.

Булар иқтисодий сиёсатнинг стратегик, яъни узоқ даврга мўлжалланган мақсади ҳисобланади. Бироқ унинг қисқа вақтдаги тактик, яъни жузъий мақсадлари ҳам бор. Булар жумласига

иқтисодий тангликдан чиқиб кетиш, нархларнинг барқарорлигини таъминлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, новацияларни таъминлаш, янги ташқи бозорларга кириб бориш кабилар киради. Жузъий мақсадлар стратегик мақсадлардан келиб чиқади ва уларга хизмат қилади.

Давлат сиёсати белгилаган мақсадларга қуйидаги воситалар билан эришади: *биринчиси*, иқтисодий воситалар бўлиб, булар жумласига солиқлар, субсидиялар, лицензиялар, экспорт квоталари, учёт ставкалари, давлат буюртмалари, давлат инвестициялари, трансфертлар, турли иқтисодий санкциялар (жазолаш воситалари) кабилар киради. *Иккинчиси*, юридик воситалар. Бу иқтисодий фаолият тартиби ва қоидаларини, унинг давлат томонидан рағбатлантирилишини белгилаб берувчи қонунларни, уларга мос равишдаги қонун ости ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларни қабул қилиш ва жорий этишдан иборатдир.

Қонунчилик иқтисодиётнинг ҳуқуқий асосларини белгилаб беради, булар эса бозор иқтисодиётининг объектив иқтисодий қонунлари талабидан келиб чиқиши зарур. Иқтисодиётга оид юридик қонунларни парламент қабул қилади. Ҳукумат эса уларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган қарорлар ва фармойишларни ишлаб чиқади. Тегишли давлат идоралари қонунларнинг амалга оширилишини назоратга олади. *Учинчиси*, сиёсий-маъмурий воситалар. Давлат ҳокимият соҳиби бўлганидан ўз сиёсатига риоя этилишини ўз органлари кучи билан таъминлайди. Давлат олий сиёсий институт ҳисобланар экан, унинг қарорлари ва буйруқларига ҳамма итоат этиши керак бўлади. Маъмурий усул ёрдамчи усул ҳисобланади, у бозор тизимида яхши натижа бермаганидан чекланган ҳолда қўлланилади.

3. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари

Иқтисодиёт яхлит бўлар экан, иқтисодий сиёсат ҳам ягонадир. Давлатнинг иқтисодий сиёсати – бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига оид пухта ўйланган ва ишлаб чиқилган йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган саъй-ҳаракатларидир. Лекин давлат сиёсатининг аниқ йўналишлари бор.

Монетар сиёсат – бу давлатнинг пул-кредит сиёсати бўлиб, пул муомаласини тартиблаш, товар ва пул массаси ўртасидаги мувозанатни таъминлаш, иқтисодиётдаги пул оқимларини бошқариб

туриш сиёсати ҳисобланади. Унинг мақсади нархларни ва шунга кўра миллий пул бирлиги харид қурбини, унинг валюта курсини барқарорлаштириш, охир-оқибатда пулга талаб билан унинг таклифини мувозанатлаштиришдан иборат бўлади.

Монетар сиёсатнинг учта асосий жиҳати бор:

1. *Қайта молиялаштириш ёки учёт сиёсати.* Бунда давлат номидан марказий банклар учёт ставкасини ўзгартиради. Ставка ошганда пул қимматлашиб, унга талаб қисқаради. У пасайтирилганда пул арзонлашиб, унга талаб ошади. Бу айтилганда кредитнинг арзон ёки қиммат бўлишини билдиради. Бу эса иқтисодиётга кредит ҳисобидан юбориладиган инвестицияларни ўзгартириб, унинг ўсишига таъсир этади.

2. *Очиқ бозорда операциялар ўтказиш сиёсати.* Бу давлат облигацияларини чиқариб, фирмалар, банклар ва аҳолига сотиш ва вақти келганда уларни қайтадан сотиб олишни билдиради. Бу облигацияларни олиш қулай бўлади, чунки уларга қатъий белгиланган фоизни давлат тўлайди, бу билан уларнинг даромадлилиги кафолатланади. Давлат облигациялари сотилганда пул уларга боғланиб қолади, натижада унинг муомаладаги миқдори қисқаради. Аксинча, улар қайтадан сотиб олинганда пул улардан бўшаб, муомалага келади, у ердаги пул миқдори кўпаяди. Демак, бу усул билан ҳам пул миқдори тартибланади.

3. *Мажбурий резерв сиёсати.* Бу сиёсатга биноан марказий банклар бошқа банклар учун кредит ресурсининг мажбурий резервини киритади. Бу тартибга кўра банклар кредитга бериладиган пулнинг бир қисмини марказий банклар ихтиёрига беради. Бу резерв ошса, кредит пули қисқаради, агар у камайса, бу пул кўпаяди. Масалан, мамлакатда жами кредит ресурслари 80 млрд. доллар. Шундан 10 фоиз захира ўтказилса, кредит учун 72 млрд. доллар қолади. Борди-ю бу захира 15 фоизга чиқарилса, кредитга 68 млрд. доллар қолади. Бу билан кредитга мўлжалланган пулнинг таклифи ошади ёки қисқаради. Шунга қараб, кредит олиш гоҳ ошиб, гоҳ қисқариб туради. Монетар сиёсатнинг айтилган йўналишлари шуни кўрсатадики, унда турли иқтисодий воситалар қўлланилади.

Монетар сиёсат икки хил бўлади:

1) *қаттиқ сиёсат.* Бунда пул массаси қисқартирилади, унинг эмиссия (пул чиқариш) ҳисобидан ўсиши қатъий чегараланади. Натижада пул массаси қисқариб, товар массасига тенглашади. Пулнинг қисқариши талабни камайтиради, нархлар эса ўсмайди, пул

бирлигининг харид курби барқарорлашади. Пул топишга интилиш иқтисодиётнинг жонланишига олиб келади. Бундай сиёсат илгари таъкидлаганимиздек, одатда иқтисодиётни тангликдан чиқариш ёки инфляцияни кескин сусайтириш учун қўлланилади;

2) *юмшоқ монетар сиёсат*. Бунда давлат пул массасининг ортишига тўсқинлик қилмайди, пул эмиссияси ҳадеб чекланавермайди, натижада пул кўпайиб, унинг арзонлашуви юз беради. Юмшоқ сиёсат иқтисодиёт ўсиш паллада бўлганда кўпроқ қўлланилади, чунки пул массасининг ўсишига қараб товарлар массаси ҳам ўсади. Бунда товар-пул мувозанати пулни қисқартириш ҳисобидан эмас, балки товарларнинг кўпайиши туфайли таъминланиб туради.

Фискал сиёсат. Бу давлатнинг солиқ-бюджет сиёсатидир, унга биноан солиқлар белгиланади, бюджет маблағлари аниқ мақсадлар йўлида ишлатилади. Солиқ сиёсати солиқлар воситасида бюджетга пул тўплашга қаратилади. Унга биноан солиқ турлари аниқланади, солиқ ставкалари, солиқ солинадиган объектлар, солиқ имтиёзлари, солиқ ундириш тартиби белгиланади. Солиқлар давлатнинг иқтисодиётга таъсир этишида қўлланиладиган асосий воситадир. Солиқ тизими нафақат солиқларни ундириш, балки рағбатлантириш хусусиятига эга бўлиши лозим.

Иқтисодиётни рағбатлантириш зарур бўлганда, солиқлардан имтиёзлар берилади. Бунда солиқ камайтиради, солиқни ундириш муҳлати чўзилади ёки умуман солиқ ундирилмайди. Натижада фирмаларга тегадиган фойда кўпаяди, улар фойдани реинвестиция қилади, яъни қайтадан ишлаб чиқаришни ўстиришга юборади. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистонда фойдадан тўланадиган солиқ ставкаси 2004 йилдан бошлаб мунтазам туширилиб борилмоқда. Ишлаб чиқариш қизиқ кетганда, унинг ўсишини секинлаштириш зарур бўлса, солиқлар оширилади. Бу усул капиталнинг эски тармоқлардан чиқиб, янги истиқболли тармоқларга кўчиб ўтишига ҳам ёрдам беради, чунки эски жойдаги юқори солиқ харажатни ошириб, фойдани камайтириб юборади, янги жойдаги солиқнинг камлиги фойдани оширади.

Фискал сиёсатда иқтисодиётни барқарорлаштириш ва ўстириш учун икки хил йўлдан борилади:

1) *илгари киритилган ва ҳозир амалда бўлган иқтисодий стабилизаторларни – воситаларни қўллашни давом эттириши*. Давлат қонун йўли билан шундай тартибни ўрнатадики, унга биноан молия нормативлари (меъёрлари) жорий этилади. Булар шароит

ўзгаришига қараб, тўғридан-тўғри амал қилаверади. Булар жумласига солиқ ставкаларини, ишсизлик нафақаси миқдори, даромадларнинг инфляцияга қараб индексация қилиниши, ижтимоий ёрдам кўрсатиш нормативларини киритиш мумкин. Масалан, даромад солиғи даромад миқдorigа нисбатан 15 фоиз қилиб белгиланса, даромад кўпайиши билан унинг миқдори ҳам тўғридан-тўғри ошади. Даромадларни 80 фоиз индексациялаш тартиби ўрнатилган бўлса, нарх ошган тақдирда, шу 80 фоиз даражада даромад ҳам кўпайтирилади;

2) *шароитга қараб янги нормативларни киритиш йўлидан бориш, бу дискрецион фискал сиёсат деб юритилади.* Бу сиёсатга асосан янги солиқ ставкалари жорий этилади, янги солиқлар киритилади, бюджет маблағларини сарфлаш нормативлари ўзгартирилади. Дискрецион сиёсат ўзгарган шароитга мослашиш сиёсатидир. Иқтисодиёт бир маромда ўсиб бораётганда, *биринчи йўл*, у тангликка йўлиқиб, ундан чиқиш керак бўлганда, *иккинчи*, яъни дискрецион йўл устувор бўлади.

Фискал сиёсат бюджет орқали ҳам иқтисодиётга таъсир этади. Бюджет ҳисобидан давлат ишлаб чиқариш инфратузилмасига катта инвестицияларни юборади, миллий иқтисодиёт учун аҳамиятли иш (масалан, янги технологияни яратиш) билан шуғулланувчи корхоналарга субсидия берилади. Субсидия молиявий ёрдам сифатида қайтариб олинмайди, унинг ҳисобидан харажатлар қопланиб, фойда кўпаяди, бу билан корхоналар рағбатлантирилади.

Бюджет сиёсати ижтимоий неъматларнинг яратилишини канда қилмай ва керакли миқдорда пул билан таъминлаб туришга қаратилади. Давлат бюджети баланслашган бўлиши, яъни даромадларга қараб харажатлар қилиниши зарур бўлади. Бюджет сиёсати шундан келиб чиққан ҳолда бюджет дефицитига йўл бермасликни, дефицит юз берган тақдирда ҳам, бу меъёрида бўлишига қаратилади. Бюджет сиёсати давлатнинг ички ва ташқи қарзининг ҳам меъёрида бўлишини таъминлаши зарур.

Фискал сиёсат икки хил бўлади:

1. Фаол фискал сиёсат. Бу қўлланилганда дискрецион воситалар ишга солинади, масалан, солиқлар камайтирилади, улардан сайланган тарзда бўлса-да сийловлар берилади, бюджетдан трансфертлар бериш кўпайтирилади, фирмалар субсидиялар олади. Буларнинг ҳаммаси иқтисодий фаолликка олиб келади. Фирмалар харажати қисқариб фойдаси ортади, аҳолининг трансфертлар ҳисобидан харид қобилияти ошади. Хуллас, бу сиёсат фирмалар ва

хонадонлар талабини оширади. Мана шундай йўл кўп ҳолларда иқтисодиёт қийинчиликдан чиқиб, ўзини ўнглаб олиши учун қўлланилади.

2. Нофаол фискал сиёсат. Бу сиёсат молиявий стабилизаторларни ўзгартирмай, уларнинг эркин ишлашига йўл беришга қаратилади, чунки бозор механизми яхши ишлаб турган бўлади. Иқтисодиётнинг узилишларсиз юксалиб бориши туфайли молия воситаларини ўзгартиришга ҳожат қолмайди. Демак, бу сиёсат иқтисодий ўсиш тўхтовсиз бораётган кезларда иш беради.

Инвестиция сиёсати. Бу инвестиция ресурсларини шакллантириш ва уларнинг керакли соҳаларга юборилишини таъминлашга қаратилган сиёсатдир. Бу сиёсат инвестицион фаолликни оширишга ёки камайтиришга қаратилади. Бу давлатнинг структура (ишлаб чиқариш таркибини ўзгартириш) сиёсати билан боғлиқ, бу эса ишлаб чиқаришнинг эски соҳаларини чеклаб, янги, масалан, экспортга мўлжалланган соҳаларини ўстиришни билдиради. Инвестиция сиёсатига кўра янги истиқболли соҳаларга инвестиция қилинган фойдадан умуман солиқ олинмайди ёки қисқартирилган миқдорда ошади. Янги соҳалардаги мол-мулкдан солиқ олинмаган ҳолда, эски соҳалардаги мол-мулкдан солиқ кўпроқ олинади. Бу билан янги соҳаларнинг жадал ўсиши рағбатлантирилади, эски соҳалар эса рағбатлантирилмайди. Инвестиция сиёсати техника тараққиётини ҳам жадаллаштиради. Янги технологияларга пулни инвестициялаётган фирмаларга субсидиялар ажратмади, солиқдан енгилликлар берилди. Бу сиёсат фирмаларга тушадиган инвестиция юқини камайтиришни ҳам кўзлайди. Шу мақсадда бир қатор серкапитал, бинобарин катта инвестицияларни талаб қилувчи ва инвестициялар ўзини тезда оқламайдиган соҳаларни молиялаштиришни давлат ўз зиммасига олади. Бу билан фирмалар инвестициясини серфойда ишларга юборилишига кўмак берилди. Бозор қоидаларига биноан инвестицияларнинг серфойда соҳаларга юборилиши давом этади. Бироқ давлат хусусий инвестицияларни умумиқтисодий аҳамиятга молик соҳаларга юборилишини ўз қўлидаги молия-кредит воситалари билан рағбатлантиради.

Аграр сиёсат. Бу давлатнинг қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсатидир. Мазкур сиёсат қишлоқ хўжалигининг барқарор ўсишини, озиқ-овқат мустақиллиги ва хавфсизлигини таъминлашни кўзлайди. Унинг доирасида давлат қишлоқдаги ишлаб чиқариш инфратузилмасининг (сув хўжалиги, йўл қурилиши, газ ва электр энергияси таъминотининг)

харажатларини қисман ўз зиммасига олади, давлат ерни ижарага олиб ишлатилишини, ерни гаровга қўйиб, кредит олишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлайди. Аграр сиёсатда (ер давлатники бўлган жойда) давлатнинг харид нархлари, давлат субсидиялари каби воситалар қўлланилади. Деҳқонларни қўллаб туриш учун ер солиғи енгил қилиб белгиланади. Масалан, 2002 йили Ўзбекистондаги ягона ер солиғи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари учун бозор қийматининг 3–5 фоизидан ошмади. Бу солиқ деҳқонларга оғирлик қилмади.

Қишлоқ хўжалигида рентабеллик паст бўлганидан капиталнинг у ердан чиқиб кетишига йўл қўймаслик учун давлат фермерларга субсидия бериб туради, унинг ҳисобидан харажатлар қисман қопланиб, фермерлар меъёрдаги даромадга эга бўлишади ва қишлоқ хўжалигини тарқ этмайдилар. Фермерларни рағбатлантириш учун давлат қишлоқ хўжалиги маҳсулотини уларга маъқул нархларда сотиб олади. Давлат нархлари бозор нархларига яқин туради, уларга биноан маҳсулотни давлатга сотиш фермерлар учун қулай бўлади, чунки давлат хариди маҳсулотларнинг сотилишини ва қанда қилмай даромад олинишини кафолатлайди.

Ташқи иқтисодий сиёсат. Бу давлатнинг ўзаро фойдали ташқи алоқаларни ривожлантириш, мамлакат иқтисодиётини жаҳон хўжалиги билан интеграциялашувини таъминлашга қаратилган сиёсатидир. Ташқи иқтисодий фаолият ташқи иқтисодий алоқаларни рўёбга чиқариш жараёнидир. Бу сиёсатнинг асосий мақсади миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалигидаги мавқеини мустаҳкамлашдир. Унга биноан экспорт ва импорт, четга капитал чиқариш ва четдан капитал киритиш, иш кучи миграциясига доир тадбирлар амалга оширилади. Бу сиёсатда божхона тўловлари, экспорт-импорт лицензиялари ва квоталари каби воситалар қўлланилади. Айтилган воситалар иқтисодий чегара ҳосил этиб, миллий иқтисодиётни ҳимоя қилади. Экспортни кучайтириш зарур бўлса, унга лицензиялар (рухсатнома) берилади, экспорт квотаси оширилади. Борди-ю импортни қисқартириш маъқул бўлса, унинг квотаси камайтиради, импорт учун бож тўлови оширилади, импортга лицензия бериш чегараланади.

Давлат сиёсати капитал чиқариш ва капитал киритиш тартибини ҳам белгилайди. Капитал киритиш зарур бўлса, бу иш рағбатлантирилади. Капитал чиқиши маъқул бўлса, давлат бунга шароит яратиб беради. Чет элга иш кучини чиқариш учун ҳам ёрдам берилади. Борди-ю мамлакатга арзон иш кучи керак бўлса, унинг четдан оқиб келиши учун миграция қоидалари (чегарадан ўтиш,

яшаш ва ишлаш учун рухсат олиш ва ҳ.к.) енгиллаштирилади. Давлат сиёсати халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилишни ҳам мўлжаллайди. Давлат иқтисодий сиёсатининг самарадорлиги унинг мониторинги орқали аниқланади. Бунда иқтисодий ўсиш суръатлари, инфляция даражаси, экспорт ва импорт ҳолати, ташқи қарз миқдори, бюджет дефицити каби кўрсаткичларга қараб, иқтисодий сиёсат натижаси баҳоланади.

Иқтисодий сиёсат доирасида давлатнинг турли дастурлари ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Дастурларда кўзланган мақсад, амалга ошириладиган чора-тадбирлар, улардан кутиладиган натижалар, уларни молиялаштириш манбалари аниқланади. Дастурлар миллий иқтисодиёт учун устувор бўлган муаммоларни ҳал этишга қаратилади. Булар жумласига тангликдан чиқиш, озиқ-овқат, энергия таъминоти, технологияларни янгилаш, инфратузилмаларни ривожлантириш, экспорт салоҳиятини ошириш, қолоқ ҳудудларни ривожлантириш каби дастурлар киради. Дастурларда белгиланган муаммоларнинг ҳал этишиши иқтисодий-ижтимоий ривожланишга туртки беради.

Таянч тушунчалар:

Давлат, давлат механизми, давлатнинг вазифалари, давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиши, давлатнинг қарз сиёсати, давлатнинг иқтисодий сиёсати, давлатнинг ижтимоий сиёсати, давлатнинг иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни таъминлаши.

Савол ва топшириқлар:

1. Давлат нима?
2. Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги функцияларини тушунтириб беринг.
3. Давлатнинг модернизация стратегияси нима?
4. Ишлаб чиқаришни диверсификация этиш, техник ва технологик янгилашда давлатнинг қандай чора-тадбирлари мавжуд?
5. Иқтисодий сиёсат нима?
6. Ижтимоий сиёсат нима?
7. Давлатнинг иқтисодиётни тартибга солиш усуллари қандай?
8. «Давлат – бош ислохотчи» ғоясининг моҳиятини изоҳланг.
9. Давлатнинг иқтисодий майдони қандай ҳимояланади?
8. Давлат рухсат бериш функциясини нима учун минимал даражага туширмоқда?

Мавзуни чуқур ўрганиш инструментарийси

Давлат – жамиятдаги турли манфаатларни уйғунлаштиради ва ягона умуммиллий манфаатга бирлаштирувчи сиёсий институтлар, партиялар, жамоат ташкилотлари ва уюшмаларидан ташкил топади.

Давлатнинг сиёсати – бу макроиқтисодий сиёсат бўлиб, унинг муайян мамлакатнинг миллий иқтисодига тааллуқли йўл-йўриқлари ва улардан келиб чиқадиган саъй-ҳаракатларидан иборат.

Давлатнинг иқтисодий сиёсати – иқтисодиёт иштирокчиларининг йўл-йўриқлари ва қўллаган чора-тадбирлари сифатида намоён бўлади. Бу сиёсат миллий иқтисодиётга оид сиёсатдир. Давлат иқтисодиётнинг оддий иштирокчиси эмас, балки уни тартибга солиб турувчи куч ҳисобланади. Иқтисодиётга бозор қонун-қоидаларига тўсқинлик қилмайдиган, балки уларга шароит яратиб берадиган даражада аралашади.

Давлатнинг ижтимоий сиёсати – бу инсоннинг ҳаётий муҳим манфаатларини юзага чиқариш, ҳимоя қилиш ва унинг камол топишига қаратилган сиёсатдир.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашуви – унда давлат умуммиллий манфаатларни ифодаловчи куч сифатида миллий иқтисодиётни тартибга солиши тушунилади. Бунда бирлашган кишилар манфаатлари ифода этилиб, бу гуруҳий, яъни корпоратив манфаатларни ҳам назарда тутади.

Давлатнинг иқтисодиётга аралашув меъёри – давлатнинг фаолияти бозор механизмнинг ишлашига халақит бермаслиги, аксинча, давлат бунга шароит яратиб бериши, зарур бўлганда, бозор механизми ишини тўлдириб туриши талаб қилинади. Давлат сиёсати миллий манфаатлар ва мақсадларни кўзлайди.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Давлат иқтисодий сиёсатининг мақсади умуммиллий манфаатларга асосланиб, барқарор иқтисодий ўсишни, иқтисодий мустақилликни, иқтисодий ва ижтимоий хавфсизликни, миллий пул кадр-қимматининг барқарорлигини, халқ фаровонлигини таъминлашга хизмат қилади.

2. Давлат ўз сиёсатини иқтисодий, ҳуқуқий ва сиёсий-маъмурий воситалар ёрдамида амалга оширади.

3. Давлат миллий иқтисодиётнинг интеграллашувини, унинг келажagini таъминлаш мақсадини кўзлайди.

4. Давлат иқтисодиётда соғлом рақобат муҳитини таъминлайди. Монопол фаолиятни чеклаш устидан назорат ўрнатади. Монополияга қарши қонунлар қабул қилади. Истеъмолчилар ҳуқуқи ва тадбиркорлар манфаатларини ҳимоя қилади.

5. Бозорни тартибга солувчи асосий куч «кўринмас қўл» деб аталиб, талаб, таклиф ва рақобатни ташкил этади.

19-МАВЗУ. ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ: МОҲИЯТИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1. «Хуфиёна» иқтисодиёт тушунчаси ва тузилиши

Ўзбекистон Республикаси иқтисодий хавфсизлиги давлат стратегиясидан келиб чиқиб, амалдаги қонунлар иқтисодиёт ахволининг Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган мезонлари орасида қуйидагиларни келтириш мумкин:

– жамият ҳамда хўжалик ва молия фаолиятининг барча соҳалари жиноийлашувига йўл қўймайдиган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларнинг яратилиши;

– жиноий тузилмаларнинг ишлаб чиқариш ва молия институтларини эгаллаб олиши, ҳокимиятнинг турли институтларига кириб бориши ва ҳ.к.

Мамлакатимиз миллий бойлиги давлат бюджетининг даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда иштирок этиш иқтисодий агентларга ҳар қандай хўжалик фаолиятига қараганда, анча кўп фойда келишини таъминлайди. Бундай фаолият «хуфиёна» иқтисодиёт номини олди. Хуфиёна иқтисодиёт тўғрисидаги адабиётларда ушбу категорияни таърифлаш учун қуйидаги асосий ёндашувлар мавжуд:

1) «хуфиёна» иқтисодиёт фаолиятнинг тақиқланган турлари сифатида баҳоланади;

2) «хуфиёна» иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг айтилмаган ва яширилган турлари сифатида таърифланади;

3) «хуфиёна» иқтисодиёт у ёки бу сабабларга кўра расмий статистикада инобатга олинмайдиган, ялпи ички маҳсулотга киритилмайдиган, солиққа тортишдан «тушиб» қоладиган ҳар қандай иқтисодий фаолият сифатида талқин этилади.

Шунингдек, немис адабиётларида ҳам хуфиёна иқтисодиётга оид турлича ёндашувлар мавжуд. Уларнинг айрим тарифларида хуфиёна иқтисодиёт молиявий сирли битимлар сифатида талқин этилса, яна бир бошқа таърифда хуфиёна иқтисодиёт жиноий фаолият сифатида қаралади. Учинчи бир ёндашувда хуфиёна иқтисодиёт барча субъектларнинг солиқ тўлашдан бўйин товлашини қамраб олади, дейилади. Тўртинчи ходисада хуфиёна иқтисодиёт натижалари ЯИМда инобатга олинадиган ҳам молиявий операциялар, ҳам иқтисодий фаолият тушунилади. Немис мутахассислари хуфиёна

иқтисодиётни ЯИМ таркибига киритиш тарафдори эканлигини қайд этиш лозим.

Хуфиёна иқтисодиётнинг юқоридаги таърифлари билан биргаликда унинг кенгроқ маънодаги талқинларини келтирамиз.

Расмий сектор доирасидан ташқарида, яъни уй хўжалигидаги меҳнатдан ва жамоа ишлаб чиқаришидаги ўз-ўзини таъминлаш мақсадида яширин тадбиркорлик билан шуғулланувчи турли фаолият каби хуфиёна иқтисодиётнинг таърифи ҳам мавжуд.

Хуфиёна иқтисодиёт – қонунлар, ҳуқуқий нормалар, хўжалик ҳаётининг расмий қоидаларини четлаб ўтиб, яъни ҳуқуқий майдон доирасидан ташқарида юз берадиган иқтисодий муносабатларнинг маълум туридир, деб баҳолаймиз.

«Хуфиёна» иқтисодиёт миллий хавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари у ёки бу сабабларга кўра расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

«Хуфиёна» иқтисодиётнинг фаолият кўрсатишида давлатнинг иқтисодий хавфсизлигига имкониятдаги ва аниқ таҳдид мавжуд. «Хуфиёна» иқтисодиёт аксарият одатдаги, «нормал» иқтисодий жараёнларнинг кечишига – даромаднинг тақсимланиши ва шаклланишига, халқаро савдога, инвестиция киритиш ва умуман иқтисодий ривожланишга салбий таъсир кўрсатади. «Хуфиёна» иқтисодиётнинг хусусиятларини аниқлашда ушбу муаммо тадқиқотчиларини турли таърифларни муомалага киритишга ундовчи ҳар хил омиллар инобатга олинади. Бундай мезонларга қуйидагилар киритилади:

- давлатнинг фискал (солиқ) манфаатлари;
- ЯММ миқдорининг ҳақиқий баҳоси;
- хўжалик юритувчи субъектлар ҳамкорлиги ёки хатти-ҳаракатининг хусусияти;
- юридик кўрсаткичлар.

Мазкур мезонларга кўра, «жиной», «ножиной», «норасмий», «сохта», «норасмий» иқтисодиёт ажратилади.

Солиқларни камайтириб тўлаш ўз-ўзича фирибгарлик операцияси ҳисобланмайди ва ҳар доим ҳам хуфиёна бизнес соҳасига кирмайди. Ҳаммаси қўлланиладиган усулларга боғлиқ. Солиққа тортиш бўйича ҳар қандай тизимда унгагина хос бўлган кўплаб

солиқларни қонуний камайтириш имкониятлари мавжуд. Бунинг устига солиқларни камайтиришнинг ушбу ўзига хос усулларини солиққа тортишнинг бошқа тизимларида кўпинча амалга ошириб бўлмайди. Солиқ қонунчилиги барча мамлакатларда такомиллашиб боради. Такومиллашув деганда, аввало солиқларни тўлашдан бўйин товлаш имкониятларини бартараф этиш тушунилади.

Солиқ инспекцияларига даромадларни яширишнинг бир қатор усуллари маълум:

– турли банкларда бир неча ҳисобварақ очиш ҳамда бухгалтерия ҳисобида тўлиқ акс этмаган ҳисоб-китоб ва пул операцияларини улар орқали ўтказиш;

– траст, вексель ва бошқа ҳисобварақлардан фойдаланиш;

– «икки томонлама бухгалтерия» юритиш, нақд пуллар билан ишлаш ва шу тариқа тушум ва даромадларни тўлашдан яшириш;

– корхонани бир туманда (шаҳарда) рўйхатдан ўтказиш, ҳисобварақларни эса бошқа туман ёки шаҳарлардаги банкларда очиш, рўйхатдан ўтган жойда ҳам, хўжалик фаолияти юритиладиган жойда ҳам солиқ тўлашдан бўйин товлаш;

– маҳсулот (хизмат, иш) реализациясининг қийматини харажатларга киритилмайдиган харажатлар эвазига ошириб кўрсатиш;

– томонларнинг шартлашувига кўра, расмий ҳисоб ва тўлов ҳужжатларида бажарилган ишлар (кўрсатилган хизматлар) қийматини камайтириб кўрсатиш ҳамда ҳақиқий ҳисоб-китобни (ҳисоб ҳужжатларида акс эттирмаган ҳолда) нақд пуллар билан ўтказиш.

«Хуфиёна» иқтисодиёт доирасида операцияларнинг қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

– бухгалтерия ҳисобига бутунлай киритилмайдиган (жумладан, ҳам ошқора, ҳам рўйхатдан ўтмаган хўжалик юритувчи субъектлар томонидан ўтказиладиган) операциялар;

– бошқа операциялар ниқоби остида ўтказиладиган муомаланинг бир қисмини яширишга қаратилган операциялар. Бу ерда хўжалик фаолияти кўпинча даромадни яшириш ёки солиқ, бож ва бошқа тўловларни амалга оширишдан қочиш билан кечади.

Шу ерда хулоса ўрнида солиқлар тўлашда интизомнинг бузилиши жамиятнинг иқтисодий негизларига путур етказди, деб айтиш лозим. Солиқ қонунчилигининг бузилиши мамлакатда амалга ошириладиган ижтимоий тадбирларнинг меъёрда ишлашига раҳна солади. Бюджет камомадини келтириб чиқаради. Натижада эгри солиқлар миқдори кўпаяди. Мамлакатнинг ижтимоий хавфсизлигига таҳдид солинади. Иқтисодиётнинг нотекис ишлашига сабаб бўлади.

2. Хуфиёна иқтисодиётнинг турлари

Хуфиёна иқтисодиётни юридик кўрсаткичлар бўйича унинг қонунийлиги, ҳуқуқий нормаларга муносабати нуқтаи назаридан таҳлил қилиш «жиноий» ва «жиноий бўлмаган» иқтисодиётни ажратиш имконини беради. «Жиноий» иқтисодиётда иқтисодий фаолиятнинг ўзи яширилса, «жиноий бўлмаган» иқтисодиётда даромад ёки харажатлар яширилади.

Жиноий иқтисодиётни ғайриқонуний ишлаб чиқариш, хуфиёна ишлаб чиқариш ва ғаразли жиноятлар ташкил қилади. Ғайриқонуний ишлаб чиқаришга қонунда тўғридан-тўғри тақиқланган, бизнес тарзида ташкил қилинган фаолият турлари киради. «Хуфиёна» (ноошкора) корхоналар ишлаб чиқариш жараёнини назарда тутаяди, чунки уларнинг маҳсулот ва хизматлари бозорда самарали талабга эга. Иқтисодий фаолиятнинг бу турига қуйидагилар киради:

- қурол ишлаб чиқариш ва сотиш;
- наркобизнес;
- одам савдоси;
- контрабанда;
- қимор ўйинлари;
- фоҳишалар ва ҳ.к.

Жиноий иқтисодиётни тадқиқ этишда муайян принциплар бўйича ташкил этилган жиноий бизнес иқтисодиёти ва ошкора (легал) фирмалар тарзида ташкил қилинган жиноий корхоналарни фарқлаш мақсадга мувофиқ. Уюшган жиноятчиликнинг фаолияти кўп жиҳатдан тақиқланган товар ва хизматлар, асосан истеъмол хусусиятига эга бўлганларни сотишга асосланган. Улар ишлаб чиқаришнинг нолегаллиги сабаби солиқ тўлашни истамасликлари, трансакцияларнинг қимматлиги, хавфсизлик техникасига риоя этиш харажатларининг катталигидир. Айрим қора бозорлар «уюшган» бошқалари эса уюлмаган ҳисобланади. Жиноий бизнес шаклларида бири ракет бўлиб, у қўрқитишга асосланган ҳамда товламачилик ва жиноий монополия кўринишларида намоён бўладиган бизнес сифатида баҳоланади. Товламачилик кимгадир куч ишлатиш ёки жиноий рақобат билан таҳдид солиб, унинг бизнесидан фойдаланишни англатади. Жиноий монополия рақобатни тугатиш (рақобатчиларни йўқ қилиш ёки қўрқитиш) учун жиноий воситалардан фойдаланишдир.

Жиноий корхоналар ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритишига келганда, ушбу жараёнларнинг энг кўп тарқалган

сабаблари қуйидагилардан иборат: кичик бизнес юритишга имкон бермайдиган технологик харажатларнинг катталиги; монопол нархларни ниҳоятда ошириш имкониятининг борлиги (ноошкора товар ва хизматларга талаб эластик эмас, шу боис ишлаб чиқариш камайса ҳам, нарх оширилганида фойда кўпаяди); фирма ва айниқса, унинг бозордаги улуши қанчалик катта бўлса, унинг «ташқи харажатлари» (лоббिलाши, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан алоқалар ўрнатиш ва ш.к.) шунчалик катта бўлади.

Хуфиёна ишлаб чиқариш одатда қонунда рухсат этилган, аммо ҳуқуқи бўлмаган ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилганида, ноқонуний бўладиган фаолият турларини (дипломи бўлмаган шифокорлар, ўқитувчиларнинг хизматлари) қамраб олади ёхуд қонуний бўлади ва бунга ҳуқуқи бўлган, лекин солиқ, ижтимоий жамғармаларга бадаллар ва шу кабиларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида давлат органларидан яшириниб юрган ишлаб чиқарувчилар томонидан амалга оширилади.

Иқтисодиётнинг «норасмий» сектори одатда қонуний асосда фаолият кўрсатувчи тарқоқ корхоналар (масалан, ўз кучи билан амалга ошириладиган яқка тартибдаги қурилиш ишлари) ҳамда «норасмий бандлик» корхоналари, яъни иш берувчи билан ёлланган ходим ўртасидаги муносабатлар бирор шартнома ёки бошқа юридик ҳужжатлар билан мустаҳкамланмаган корхоналарни бирлаштиради. Бунда гап, биринчи навбатда, фуқароларга улар учун қийин бўлган иқтисодий шароитларда яшаб қолишларига имкон берувчи иккиламчи бандлик соҳаси ҳақида боради. Кўпчилик расмийлаштирмаган ҳолда бир қанча жойларда ўриндошлик асосида ишлайдилар. Бунда қўшимча иш ҳақидан солиқ тўланмайди. Ушбу ҳолда «норасмий» иқтисодиёт субъектлар ўртасидаги норасмий алоқалар мажмуи сифатида ҳам талқин этилади.

Иқтисодий фаолият натижаларининг хусусиятига кўра, ҳам анъанавий товар ва хизматлар ишлаб чиқаришни, ҳам шахснинг таназзулига олиб келадиган бузғунчи эҳтиёжларни қондирувчи товар ва хизматларни ишлаб чиқаришни ўз ичига оладиган маҳсулдор хуфиёна иқтисодиёт ҳамда расмий иқтисодиёт доирасида даромадлар ёки активларни ноқонуний тақсимлашда ифодаланадиган номаҳсулдор (сохта) иқтисодиёт ажратилади. «Сохта» иқтисодиёт доирасида даромадлар қўшиб ёзиш, талон-торожлик, порахўрлик, фирибгарлик, харидорларни алдаш, сифатсиз маҳсулот чиқариш кабилар натижасида ортиб боради. «Сохта» иқтисодиёт субъектларнинг шаклланаётган

иқтисодий норасмий алоқалари тизимидаги алоҳида мавқеи билан боғлиқ фойда излаши, «рента» олиши билан чамбарчас боғлиқ. Ҳар қандай иқтисодиётда бўладиган табиий рента билан бир қаторда қуйидаги омиллар билан боғлиқ бўлган сунъий ташкил қилинган ренталарнинг кўплаб гуруҳлари пайдо бўлади:

– корхоналарнинг муайян гуруҳи учун асоссиз равишда алоҳида (имтиёзли) фаолият режимини таъминлаш;

– турли хўжалик юритувчи субъектларнинг хусусийлаштириш жараёнида ноқонуний шартлар асосида иштирок этиши;

– мулкчилик муносабатларининг ҳуқуқий ва иқтисодий жиҳатдан тартибга солинмаганлиги;

– сиёсий ва бюрократик тузилмаларнинг моддий неъматлар, даромадлар, мулкни тақсимлашга доир қарорларнинг қабул қилинишига таъсир кўрсатиш ҳуқуқи.

Хўжалик юритиш субъектлари ўзаро муносабатларининг хусусиятига кўра, хуфиёна иқтисодий муносабатларнинг бир неча гуруҳи ажратилади: индивид – ташкилот, индивид – давлат, ташкилот – ташкилот, ташкилот – давлат, индивид – индивид.

Расмий иқтисодиётга муносабати бўйича «хуфиёна» иқтисодиётни қуйидаги мезонлар бўйича таҳлил қилиш мумкин:

1-жадвал

Хуфиёна иқтисодиётни типлаштириш мезонлари

Асосий белгилари	«Иккиламчи хуфиёна» иқтисодиёт	«Жиноий бўлмаган» иқтисодиёт	«Жиноий» иқтисодиёт
Субъектлар	Иқтисодиётнинг расмий секторидаги менежерлар	Норасмий равишда иш билан банд	Профессионал жиноятчилар
Объектлар	Ишлаб чиқармай туриб даромадларни қайта тақсимлаш	Одатдаги товар ва хизматларни ишлаб чиқариш	Тақиқланган ва тақчил товар ва хизматлар ишлаб чиқариш
«Оқ» иқтисодиёт билан алоқаси	Расмий иқтисодиётдан ажралмаган	Нисбий мустақиллик	Расмий иқтисодиётга нисбатан мустақил

Хуфиёна иқтисодиётни таҳлил қилишда ижтимоий ишлаб чиқариш босқичларидек мезонни киритиш мақсадга мувофиқ бўлади. Одатда, хуфиёна ишлаб чиқариш (ноқонуний, ҳисобга олинмаган, яширин, майда ишлаб чиқарувчиларнинг ишлаб чиқариши, сифатсиз маҳсулот чиқариш, ишлаб чиқариш ресурсларидан нотўғри фойдаланиш ва бошқалар); хуфиёна тақсимот (даромадларни ноқонуний тақсимлаш, махсус тақсимот, давлат мулкани талон-торож қилиш, фуқароларнинг шахсий мулкига қарши жиноятлар ва ҳ.к.); хуфиёна айирбошлаш (ғайриқонуний савдо, харидорларни алдаш, ноқонуний ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш ва бошқалар); хуфиёна истеъмол (ғайриижтимоий эҳтиёжларни қондириш, ноқонуний йўл билан топилган мулкни истеъмол қилиш, хизматлардан ноқонуний фойдаланиш кабилар) ажратилади.

Бозорлар турларига кўра, хуфиёна жараёнлар истеъмол буюмлари, ишлаб чиқариш воситалари, иш кучи ва иш жойлари, ахборот ва технологиялар, капитал кабилар бозорида амалга оширилади. Тармоқ белгисига кўра, хуфиёна иқтисодиёт саноат, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, савдо иқтисодиёти кабиларга ажратилади. Масалан, савдо соҳасида – қалбаки (контрафакт) маҳсулот сотиш, контрабанда, божхона органлари билан тил бириктириш кабилар ажратилади; молия-кредит соҳасида – молиявий пирамидалар, «ифлос» пулларни ювиш, турли хил нотижорат жамғармалари ҳомийлигидаги молиявий найранглар ва шу кабилар; хизмат кўрсатиш соҳасида – бир кунлик фирмалар фаолияти, таълим соҳасидаги порахўрлик, курс ва диплом ишларини пулга ёзиб бериш ва бошқалар.

Яна бир мезон – юридик мақом бўлиб, у иқтисодий субъектларни рўйхатдан ўтган, яъни расмий рўйхатга кирган, аммо хуфиёна корхонаси бўлган ҳамда рўйхатдан ўтмаган иқтисодий субъектларни ажратишга имкон беради. Рўйхатдан ўтмаган иқтисодий субъектларга қуйидагилар киради: товар ишлаб чиқарадиган ёки уй хўжаликлари ва корхоналарга нақд пул ёки натура эвазига хизмат кўрсатадиган, аммо тадбиркорлар сифатида рўйхатдан ўтмаган жисмоний шахслар; аҳолига пулли уй ва бошқа (уй йиғиштириш, кир ювиш, репетиторлик қилиш каби) хизматлар кўрсатадиган шахслар; қонуний товар ва хизматлар ишлаб чиқарадиган, бироқ ҳисобдан ўтмаган ва аслида бевосита статистик кузатувни амалга ошириб бўлмайдиган хуфиёна корхоналар.

Хуфиёна иқтисодиётни микро (корхона, муассаса, ташкилотда), *мезо* (тармоқ бўйича), *макро* (миллий иқтисодиёт доирасида) ва *мега* (халқаро, жаҳон иқтисодиёти) даражаларида кўриб чиқиш мумкин.

Жаҳон хуфиёна иқтисодиётида банк ва корпоратив соҳалардаги молиявий иқтисодий жиноятлар, наркобизнес, фоҳишалик, «тирик товар билан» савдо қилиш, порнобизнес, ноқонуний қурол савдоси, «ифлос пулларни ювиш», коррупция етакчилик қилади. Масалан, XX аср охирида халқаро ҳамжамият «глобал муаммо» деб атаган коррупциядек мураккаб ва жиддий муаммо халқаро учрашувларда муҳокама мавзуини ташкил қилди.

Коррупция: 1) давлат тузилмаларининг иқтисодиёт соҳасидаги жиноий дунё тузилмалари билан кўшилиб кетиши, шунингдек жамоат арбоблари ва сиёсий арбобларнинг сотилиши; 2) мансабдор шахслар, сиёсий ва жамоат арбобларининг хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳуқуқларидан давлат ва жамиятга, шунингдек алоҳида шахсларга зиён етказган ҳолда шахсий бойиш мақсадида фойдаланишларидан иборат жиноятларнинг умумий номи.

Порахўрлик халқаро амалиётда одатда яширин хусусиятга эга бўлади. Пора олганлик фактини исботлаш ниҳоятда қийин. Порахўрлик усулларида бири – турли маслаҳатчилар, агентлар, воситачилар, шунингдек хориждаги расмий шахслар хизматлари учун ҳақ тўлаш. Айрим мамлакатлар пора берувчи учун даромад ёки фойда олиш мақсадига эга бўлган ҳар қандай пора бериш ҳолларини, бошқалари эса – хўрак вазифасини фақат пул ёки мулк бажарган ҳолларни порахўрликка киритадилар.

«Халқаро савдо ва инвестициялар бўйича ишлаб чиқиладиган стандартлар» (АҚШ) – тадқиқотларга кўра, пораларнинг ҳар хил турлари қуйидагича таснифланади:

- мансабдор шахслар – товламачилар хизмати учун ҳақ тўлаш;
- ҳукумат, давлатнинг олий мансабдор шахсларининг «кўнглини топиш» ва келажакда қулай шароит яратиш ҳақидаги ваъдасини олиш мақсадида уларга тўловлар бериш;
- амалдорларга (миллий ёки хорижий) фирма учун зарур бўлган қарор қабул қилинишига кўмаклашиши, битим ёки буюртманинг маъқуллашига эришиш мақсадида пул бериш.

Пора ҳар хил шаклларда берилади: нақд пул билан, билвосита тўловлар, партиялар жамғармаларига бадаллар тўлаш тарзида ва ҳ.к.

Порахўрликнинг асосий мотивларига қуйидагилар киради:

- акс ҳолда бошланиши мумкин бўлмаган бизнеснинг бошланишини таъминлаш;
- бўлғуси корхонанинг рақобатчиларини тугатиш;
- фирмалар олишга ҳақли бўлган, аммо амалдорнинг инжиқлиги туфайли ўз вақтида ололмаган давлат хизматларидан фойдаланишни осонлаштириш;
- солиқ тўловлари бўйича қарзларни камайтириш;
- тартибга солинадиган нархларни оширишга рухсат олиш;
- мажбурий тарзда пора бериш (масалан, ўз ходимларининг хавфсизлигини таъминлаш учун).

Коррупциянинг ривожланишига шароит яратувчи сабаблар сифатида одатда қуйидагилар келтирилади:

- қонунларнинг номукамаллиги;
- жамоат ҳаётининг бюрократлашуви, амалдорларнинг кўпайиб кетиши;
- тадбиркорликнинг ташкилий жиҳатдан қийинлашуви, воситачиларнинг кўпайиши;
- тадбиркорларда бозор маданиятининг йўқлиги;
- хўжалик юритиш усулларига қўйиладиган қонуний талаблар стандартларининг ўзгариши;
- энг оддий ахлоқий қоидаларнинг йўқлиги ёки уларга амал қилинмаслиги.

Ҳар қандай тадбиркорлик фаолияти мунтазам равишда фойда олиш мақсадини кўзлайди. Ноқонуний тадбиркорлик фаолияти соҳасида даромадларни легаллаштириш, яъни аксарият мамлакатларда ўз-ўзича жиноят ҳисобланадиган қилмиш муҳим ҳисобланади. «Ифлос» пулларни ювиш ёки, баъзан ҳуқуқшунослар айтганларидек, «жиноий йўл билан олинган даромадларни ошкоралаштириш» – ноқонуний бизнес (фоҳишалик, қурол ёки наркотиклар савдоси)дан келадиган даромадни ёки оддийгина солиқ тўланмаган даромадларни «пок пулларга», яъни ҳалол йўл билан топилган деб тасаввур қилиш мумкин бўлган пулларга айлантириш – дунёдаги бизнеснинг энг йирик турларидан бири ҳисобланади. Юридик адабиётларда «пулларни ювиш» қуйидагича таърифланади:

- манбаи жиддий жиноят эканлигини била туриб, мулкнинг ноқонуний келиб чиққанлигини яшириш ёки ниқоблаш мақсадида уни ташқи томондан ўзгартириш ёки трансформация қилиш (шаклини ўзгартириш);

– жинойт ёки жинойтлар содир этилишига алоқадор бўлган ҳар қандай шахсга фаолиятининг қонуний оқибатларидан бўйин товлашида кўмаклашиш;

– жиддий жинойт объекти эканлиги маълум бўлган қандайдир мулкнинг ҳақиқий табиати, манбаи, жойлашган ери, хусусияти, мулкка ёки унга эгаликка алоқаси бўлган ҳуқуқларнинг кўчишини яшириш ёки ниқоблаш.

«Ифлос» пулларни ювиш амалиётини таҳлил қилишнинг кўрсатишича, охириги вақтларда ҳақиқатан янги усуллар пайдо бўлмади, янги усуллар йўқ бўлгани ҳолда, мавжудларида нисбий ўзгаришлар бўлишда давом этмоқда. Шу жиҳатдан банк соҳаси энг катта хавф зонаси бўлиб қолмоқда, чунки пулларни ювишнинг энг аниқ усуллари у билан боғлиқ:

– кейинчалик хориждаги бошқа шахсга ўтказиш мақсадида катта миқдордаги пул суммаларини банкдаги ҳисобварақларда депонентлаштириш;

– қариндошлар, ёрдамчилар ва бошқа шахсларга ҳисобварақлар очиш;

– пулларни ҳисобварақдан ҳисобвараққа кетма-кет кўчириш занжиридан фойдаланиш;

– бошқа юрисдикцияда (масалан, офшор зоналарда) инкорпорацияланган сохта компаниялардан фойдаланиш ва бошқа кўплаб усуллар.

Юридик тақиқнинг ўзига хос шароитларида наркобизнес – нотиббий мақсадда ишлатиладиган психофаол воситаларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш туради. Наркобизнеснинг жаҳондаги миқёси аллақачон у ҳақда иқтисодиётнинг алоҳида тармоғи сифатида сўз юритишга имкон беради. Унда мулкчилик муносабатлари, талаб ва таклифни шакллантириш механизми, нарх ҳосил бўлиши ва фойда, трансакциявий харажатлар, институциявий ташкилот кабилар мавжуд.

Наркобизнесда қонунга қарши доимий уруш олиб бориш стратегияси анча яқин интеграцияни, шунингдек катта миқдордаги ресурслар жамланадиган ҳамда улардан режали ва мувофиқлашган тарзда (айниқса, катта операциялар амалга оширилганда) фойдаланиш имконияти пайдо бўладиган корпорация ва картеллардан иборат йирик иқтисодий бирлашмалар ташкил қилишни талаб этади. Бундай бирлашмалар наркотик ишлаб чиқариш учун эмас, балки юридик жиҳатдан тақиқланган шароитда наркотикларни ишлаб чиқариш,

сотиш ва истеъмол қилиш имкониятининг ўзини ишлаб чиқариш учун керак. Наркобизнеснинг умумтармоқ таркибида наркотиклар ишлаб чиқаришнинг ўзи унча катта ўрин эгалламаслиги бозор нархларининг таркибини кўриб чиқишда яхши кўринади: наркотиклар ишлаб чиқаришга бевосита жалб этилган омиллар (ер, меҳнат, капитал, тадбиркорлик ҳаракатлари) жуда арзон, уни ишлаб чиқарувчи мамлакатнинг улгуржи нархлари унча қиммат бўлмаган дорилар нархи даражасидадир. Истеъмолчи мамлакатдаги чакана нархлар эса ўнлаб марта юқоридир. Наркотикларнинг чакана нархи тақиқланган товар ҳаракатининг ҳар бир босқичидаги операторлар сарфлайдиган ёки сарфлаш таваккали бўлган ҳақиқий харажатларни қоплайди. Хатар қанчалик юқори бўлса, бозор операцияларининг хавфсизлигини таъминлаш харажатлари, операторларнинг мулкчилик ҳуқуқини сақлаб қолиш харажатлари (трансакциявий харажатлар) шунчалик катта бўлади.

Наркобизнес тармоқ тузилишининг типига кўра табиий монополияни эслатади. Тақиқланган шароитда наркотикларни барқарор ва ишончли тарзда етказиб бериш кенг тармоқ отган инфратузилмани яратиш ва фаолиятини таъминлашга доимий равишда катта харажатлар сарфлашни талаб қилади. Йўлга қўйилган каналлар бўйича наркотикларнинг қўшимча бирликларини етказиб бериш билан боғлиқ энг катта харажатлар нисбатан кам. Ниҳоятда катта доимий харажатлар бўлаётганида нисбатан кичик чегаравий харажатлар тармоқнинг рақобат қилувчи компанияларга бўлиниши иқтисодий жиҳатдан самарасиз эканлигини аниқ кўрсатиб туради. «Наркопулларни» энг кўп миқёсда иқтисодиётнинг катта даромад келтирувчи легал соҳаларига, масалан, қурилиш бизнеси ёки нефть қазиб олиш ва ташишга, биржа спекуляцияларига инвестиция тарзида киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Шундай қилиб, кўриб чиқилган таснифий мезонлар хуфиёна иқтисодиётни комплекс ўрганиш имконини беради. Бунда хуфиёна иқтисодиёт умумий ҳолда ҳам, алоҳида таркибий қисмлари бўйича ҳам таҳлил қилиниши мумкин. Бу эса аниқ тадқиқотнинг мақсадларига боғлиқ.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари хуфиёна иқтисодиётнинг мураккаб, кўп босқичли ҳодиса эканлигини билишлари шарт. Унинг тур ва шакллари хилма-хил. Хуфиёна иқтисодиётнинг мақсади, фаолияти ва иқтисодий-ижтимоий

оқибатларига кўра, юқоридагилардан келиб чиқиб қуйидаги бир неча турларининг таърифини келтирамиз:

Жиноий-иқтисодий фаолият. Бу мутлақо ман этилган, қонун йўли билан тақиқланган ишлар билан шуғулланиш. Масалан, нарқобизнес, порнобизнес, қурол-яроғ бизнеси ва ҳ.к.

Ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб, ўзлаштириб олиш, масалан, ўғрилик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик.

Иккиламчи иқтисодиёт – кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат берилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Улар яширин тадбиркорлик ҳисобланади.

Расман рухсат этилган фаолият билан бирга, қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш.

Мансабни суиистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар. Булар жумласига давлат идораларидаги яширин порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб субсидиялар олишни киритиш мумкин.

Қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият. Бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидagi қўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар.

3. Хуфиёна иқтисодиёт оқибатларининг статистикаси

«Хуфиёна» жараёнлар динамикасининг омиллари, уларнинг миқёси ва уларни ўлчаш усуллари. Хуфиёна иқтисодиёт ривожланишининг тамойиллари миллий иқтисодиётда унинг ривожланиши ва фаолият кўрсатишининг ҳар бир аниқ тарихий даврида юз берадиган жараёнлар билан боғлиқ. Хуфиёна иқтисодиёт миқёси ва динамикасини белгиловчи омилларнинг қуйидаги гуруҳларини ажратиб кўрсатиш мумкин.

Антропологик омиллар: инсоннинг зиддиятли табиати, эзгулик ва ёвузликнинг доимий кураши, инсоннинг кам куч сарфлаб кўпроқ фойда олишга интилиши ва ш.к.

Иқтисодий омиллар: тадбиркорлик фаолиятининг юқори даражадаги трансакциявий харажатлари («қонунга бўйсунуш

баҳоси»), бозор хўжалиги доирасидаги рақобат, иқтисодиётнинг турли секторларининг нотекис ривожланиши, инфляция, алмашув курсларининг кескин ўзгариб туриши, солиққа тортиш тизими ва бошқалар.

Ижтимоий омиллар: жамиятнинг ижтимоий табақалашуви, «хавф гуруҳлари»нинг мавжудлиги, меҳнат қонунчилигининг бузилиши, муҳожир ишчилар, аёллар ва ўсмирлар меҳнатидан фойдаланишда ижтимоий адолат принципларига риоя этилмаслиги ва ҳ.к.

Хуқуқий омиллар: тадбиркорликнинг хуқуқий асоси номукамаллиги, бозор хўжалигининг ўзгариб борувчи шарт-шароитлари билан мавжуд қонунчилик базаси ўртасида зиддият мавжудлиги, уй хўжалигининг тартибга солинмаслиги ва ш.к.

Ахлоқий омиллар: қонунчилик ҳамда тадбиркорликнинг ахлоқий асослари ўртасидаги зиддиятлар, давлат ва жамият, давлат ва индивид манфаатлари ўртасидаги зиддиятлар; миллий анъаналарнинг ҳисобга олинмаслиги, диний қоидаларнинг таъсири ва бошқалар.

Сиёсий омиллар: ҳокимият ва йирик капитал ўртасидаги ўзаро муносабатлар, олигархиянинг шаклланиши, ҳокимият кучи ҳамда иқтисодий фаолиятга таъсир кўрсатишнинг кучга асосланган усуллари ўртасидаги нисбат. Иқтисодиётни ривожлантиришнинг объектив эҳтиёжлари ва давлат сиёсати ўртасидаги зиддият ва ш.к.

ЯИМга ўхшатма тарзда ялпи жинойий маҳсулот (ЯЖМ) термини ҳам пайдо бўлди. ХВФнинг баҳосига кўра, 2004 йилда унинг миқдори тахминан 800 млрд. долларни ташкил қилди. Мутахассисларнинг фикрига кўра, «ювилган» капиталнинг миқдори бугун шунчалик каттаки, нафақат кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига, балки халқаро молиявий тизимнинг барқарорлигига ҳам хавф солмоқда.

«Хуфиёна» иқтисодий фаолият у ёки бу даража ва шаклда ҳар қандай мамлакатда ҳам мавжуд, аммо унинг ЯИМдаги улуши ҳар бир мамлакатда ўзгача бўлиб, бу бир қатор иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва бошқа омиллар билан боғлиқдир. Мамлакат ЯИМда «хуфиёна» иқтисодиётнинг улушини аниқлаш мақсадидаги ёндашувлар ҳам мавжуд. Бунда «хуфиёна» иқтисодиёт миқёси қуйидаги тартибда баҳоланади:

а) турли иқтисодий тизимларга мансуб мамлакатларда (ривожланган мамлакатлар, ривожланаётган мамлакатлар ва ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар);

б) турли китъалардаги ривожланаётган мамлакатларда (Африка, Осиё ва Лотин Америкаси);

в) мамлакатларнинг мазкур гуруҳларида турли даврлардаги маълумотлар бўйича (масалан, 1990–1995 й., 1995–2000 й., 2000–2005 й., 2005–2010 й).

Ривожланган мамлакатларда хуфиёна иқтисодиёт миқёсларини баҳолаш учун анъанага кўра усулларнинг қуйидаги гуруҳларидан фойдаланилади:

1) ўзига хос кўрсаткичлар усули, улар орасида бевосита усуллар (солиқ тўловчиларнинг айрим гуруҳлари даромадлари ва харажатлари ўртасидаги фарқни аниқлаш мақсадида ўтказиладиган махсус тадқиқотлар, сўровлар, текширувлар ва уларни таҳлил қилиш ва бошқалар) ҳамда билвосита усуллар (фарқлаш усули, бандлик кўрсаткичи бўйича усул, монетар усуллар);

2) «юмшоқ» моделлаштириш (детерминантларни баҳолаш) усули – «хуфиёна» иқтисодиётни белгиловчи омиллар мажмуини ажратиш ҳамда унинг нисбий ҳажмларини ҳисоблаш;

3) таркибий усул – ишлаб чиқаришнинг турли тармоқларидаги «хуфиёна» иқтисодиёт миқдорига доир маълумотлардан фойдаланиш;

4) аралаш усуллар – «хуфиёна» иқтисодиёт детерминантларининг ҳам, кўрсаткичларининг, яъни унинг ҳажмига боғлиқ катталикларнинг ҳам катта миқдорини инобатга олувчи моделини яшаш;

5) макроиқтисодий кўрсаткичларни интеграл баҳолаш – хуфиёна иқтисодиётни ноаниқ кўринишда баҳолаш;

6) «хуфиёна» иқтисодиётнинг ўзини ва айрим унсурларини расмий статистика кўрсаткичларига қўшимча турли ҳисоб-китоблар кўринишида баҳолаш.

Шарқий Европа мамлакатларида аксарият ҳолларда ҳисобга олинмайдиган хусусий ва яқка тартибдаги фаолият сифатида баҳоланадиган «хуфиёна» иқтисодиёт ҳажмини аниқлаш учун қуйидаги усуллар қўлланилади:

– матбуот, жинойтларга оид статистика, суд материаллари ва шу кабиларни синчиклаб ўрганишга асосланадиган иккиламчи ахборот манбаларини ўрганиш;

– бевосита усуллар (текширувлар, солиқ аудити ва бошқалар);

– умумлашган билвосита усуллар (статистик фарқлаш усули, монетар усуллар ва ш.к.);

– таркибий усул (ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган миллий даромад, экспорт ва импорт ўртасидаги статистик фарқларни аниқлаш усули ва бошқ.);

– аралаш усуллар.

Хуфиёна фаолиятни баҳолашда Россияда қўлланган қуйидаги усуллар мажмуидан фойдаланилганини келтириш мумкин:

- 1) бевосита усуллар;
- 2) фарқлаш усули;
- 3) бандлик кўрсаткичи бўйича аниқлаш усули;
- 4) макроиктисодий кўрсаткичларни ҳисоблаш;
- 5) монетар усулларнинг айрим унсурлари.

«Хуфиёна» иқтисодиётни бевосита усуллар билан баҳолаш учун таклиф этиладиган кўрсаткичлар умумлаштирувчи ва жузъий (хусусий) кўрсаткичларни ўз ичига олади. Умумлаштирувчи кўрсаткичлар гуруҳига умуман миллий иқтисодиёт хуфиёна секторининг турли усуллар билан ҳисобланган мутлақ ва нисбий ҳажмини акс эттирувчи кўрсаткичлар киради. Жузъий усулларига хуфиёна фаолиятнинг айрим томонларини ифодаловчи кўрсаткичлар киритилади: даромадларни яшириш; ресурслардан нооқилона фойдаланиш; камомадлар, талон-торожликлар ва бойликларни бузишнинг умумий суммаси; давлат назорати органлари томонидан ўтказиладиган текширув ва тадқиқотлар давомида аниқланган зарарнинг умумий қиймати; солиқ текширувлари бўйича боқимандалар; тузатишлар киритилган бож қиймати бўйича бошқалар ва бошқалар.

Фарқлаш усули икки ёки ундан ортиқ маълумотлар манбалари ёки статистик ҳужжатларни қиёслашга асосланади. Маълумотлар манбалари ҳам, статистик ҳужжатлар ҳам айтиб бериладиган иқтисодий кўрсаткичлар ҳақидаги ахборотдан иборат ёки айтиб бериладиган маълумотлардан ахборот олиш учун турли усуллар қўлланилади, деб ҳисобланади. Масалан, хуфиёна иқтисодиёт айланмаси қуйидаги усуллар билан ҳисобланиши мумкин: 1) аҳолининг истеъмол харажатлари билан расман инобатга олинмайдиган товар ва хизматлар айланмаси (муомаласи) ўртасидаги фарқ; 2) аҳолининг истеъмол харажатлари билан товар ва хизматлар, жумладан сотишнинг барча каналлари орқали амалга ошириладиган товар айланмаси (муомаласи) ўртасидаги фарқ.

Бандлик кўрсаткичи бўйича аниқлаш усули қуйидагича тадқиқот ўтказиш имконини беради:

– ҳисоб-китоб асосида бандликнинг амалдаги ва расман қайд этилган даражаси ўртасидаги фарқ ётади;

– ҳисоб-китоб асосида амалда ишланган ва расман қайд этилган вақт ўртасидаги фарқ ётади.

Биринчи ҳолда бандликнинг ҳақиқий даражаси ўзини иш билан таъминлаш қўшимча бандликни инобатга олган ҳолда уй хўжаликларини танлаб текшириш маълумотлари бўйича баҳоланади, бу эса амалда иш билан банд бўлганлар, жумладан ўриндошлар сонини аниқлашга имкон беради. Бандларнинг расман аниқланган миқдори билан танлаб ўтказилган текширувлар натижасида олинган кўрсаткичлар, муайян хатолар билан «хуфиёна» иқтисодиётда банд бўлганлар сонини кўрсатади. «Хуфиёна» иқтисодиётда банд бўлганлар ҳамда иқтисодиёт бўйича ўртача меҳнат унумдорлигининг кўпайтмаси норасмий иқтисодиётдаги хуфиёна иқтисодий фаолият миқдорини акс эттиради.

Макроиқтисодий кўрсаткичларни (батамом) ҳисоблаш билвосита маълумотлар ва экспертлар баҳоларини қўллашга асосланади. Ҳисоб-китобларни хуфиёна фаолиятнинг таъсири кучли бўлиши тахмин қилинадиган кўрсаткичлар бўйича ўтказиш мақсадга мувофиқ: кичик корхоналар, товар айланиши, якка тартибдаги қурилиш, якка ишлаб чиқарувчилар кўрсатадиган бозор хизматлари бўйича маълумотларнинг тўлиқ доирасигача ҳисоблашлар. Масалан, якка ишлаб чиқарувчилар кўрсатадиган бозор хизматлари бўйича батамом ҳисоблаш солиқ инспекциясининг маълумотлари ва қуйидаги билвосита кўрсаткичлар бўйича амалга оширилади: хусусий такси сифатида фойдаланиладиган автомобиллар сони; хусусий амалиёт билан шуғулланувчи шифокорлар, ҳуқуқшунослар сони ва ҳ.к.

Монетар усулдан фойдаланиш қуйидаги тахминларга асосланади: 1) хуфиёна битимлар асосан нақд пуллар ёрдамида амалга оширилади; 2) пулнинг муомала тезлиги расмий ва «хуфиёна» иқтисодиётда тахминан бир хил; 3) нақд пул маблағларининг миқдори даромадлар, солиқлар, фоиз ставкалари ўзгариши натижасида ҳам «хуфиёна» иқтисодиётнинг амал қилиши оқибати ҳам ўзгариб туради. У (хуфиёна иқтисодиёт бўлса керак) ҳисобга олинмаган омиллар ҳисобланади. Шу боис, умумий пул массасида нақд маблағлар улушининг корреляцион-регрессив моделларини қуриш натижалар кўрсаткичининг ўзгаришида «хуфиёна» иқтисодиётнинг улушини аниқлашга имкон беради. «Хуфиёна»

иқтисодиётнинг мутлақ ҳажмини монетар усул бўйича аниқлаш нақд пуллар ва омонатлар нисбати «нормал» бўлган, яъни «хуфиёна» иқтисодиёт бўлмаган базавий даврни аниқлашнинг қийинлиги туфайли мураккаблашади; турли вақт оралиқларида (хатто базавий давр шартли аниқланганида ҳам) иқтисодиётнинг аҳволи ҳақидаги маълумотларни қиёслаб бўлмаслиги.

Қўлланиладиган усулларнинг хилма-хиллиги хуфиёна иқтисодий тузилмалар ўлчамларини миқдорий баҳолашнинг ягона усули, маълумотларнинг ишончлилиқ мезонлари йўқлигидан далолат беради. Бир қатор мамлакатларда «хуфиёна» иқтисодиётнинг ўлчамларига доир турли усуллар билан олинган маълумотлар ниҳоятда зиддиятли бўлиб, ЯИМнинг 1 фоиздан 33 фоизгача ўзгариб туради. Ҳисоб-китоблар натижасининг кўрсатишича, бевосита усуллар паст кўрсаткичлар беради; билвосита усуллар, шунингдек яширин ўзгарувчилар, «юмшоқ» моделлаштириш усуллари, таркибий усул эса юқори кўрсаткичларни беради. Бевосита усулларнинг асосий камчилиги – маълумотларни тўплашнинг қийинлиги ва аҳоли ўртасида сўров ўтказиш натижасида олинган ахборотнинг атайин бузилиши. Билвосита усуллар ниҳоятда хилма-хилдир; уларнинг асосида ётган гипотезалар шартли бўлади; статистик ахборот етишмовчилиги сабабли қўллаш қийин кечади. Шундай қилиб, «хуфиёна» иқтисодиётни тадқиқ этишдан кўзланган мақсад ҳар бир аниқ вазиятда айнан шу вазиятга мос келадиган усул ёки бир қанча усуллар мажмуини танлашни тақозо этади.

Хуфиёна иқтисодиёт миқёси яширин иқтисодий айланмани, яъни рухсат этилмаган товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш ҳажми билан белгиланади, унинг аниқ ҳисоб-китоби бўлмайди. Бунинг ўрнига уни тахминан баҳолаш усули қўлланилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўтган асрнинг охирларида Ер юзидаги яширин иқтисодий айланма 8 трлн. долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5 фоизга тенг бўлган, бироқ хуфиёна иқтисодиёт миқёси турли мамлакатларда фарқланади. Хуфиёна иқтисодиёт энг ривожланган мамлакатларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жинойатларга ва жинойий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти томонидан 2008 йилда ўтказилган тезкор таҳлилий тадбирлар натижасида 4430 та жинойий ва 1109 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланди. Натижада

бюджетга 191 млрд. сўм қўшимча маблағнинг ҳисобланиши ва 79,6 млрд. сўм ундирилиши таъминланди. Жумладан, «хуфиёна» иқтисодиётга қарши курашиш натижасида 669 та яшириш ишлаб чиқариш фаолияти тўхтатилди. Ҳуқуқбузарлардан 701,4 млн. сўмлик маҳсулот, хом-ашё ва ускуналар олиб қўйилди. Нақд пулларнинг банкдан ташқари ноқонуний айланмасига барҳам бериш бўйича 1250 та жиноят иши қўзғатилиб, 361 млрд. ноқонуний пул айланмаси аниқланди. Товарларнинг ноқонуний импорти юзасидан 893 та қонун бузилиши ҳолатлари аниқланиб, 9 млрд. сўмлик товарлар олиб қўйилди. Этил спирти, алкоғолли ва тамаки маҳсулотларини ноқонуний муомалага киритиш бўйича эса 1027 та жиноят иши қўзғатилиб, 889,8 млн. сўмлик маҳсулотлар олиб қўйилди.

Таъкидлаш жоизки, барча тезкор қидирув ва таҳлилий операцияларда тадбиркорларнинг ҳуқуқий ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар фаолиятига ноқонуний аралашувларнинг олдини олишга қаратилган қонунчилик талабларига қатъий риоя этилишини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди.

«2011 йил – Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили» деб эълон қилиниши мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда муҳим қадам бўлади. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик Ватанимиз тараққиётини ва халқ фаровонлигини янада юксалтиришда белгиловчи етакчи куч эканлигини инобатга олиб, давлатимиз раҳбари уни ривожлантиришни сиёсат даражасига кўтарганлиги ўта муҳим ҳодисадир. Бунинг боиси шуки, ижтимоий йўналтирилган замонавий бозор иқтисодиётида кичик бизнес ниҳоятда муҳим ўрин эгаллайди. Энг аввало, кичик бизнес бозор конъюнктураси ўзгаришларига тез мослашишга, истеъмолчиларнинг талаб-эҳтиёжлари ўзгаришига қараб иш тутишга қодирдир. Кичик бизнес рақобатчилик муҳитини шакллантиради, бусиз бозор иқтисодиётини тасаввур қилиб бўлмайди. Иккинчидан, кичик бизнес янги иш ўринлари жадаллик билан барпо этилишини, аҳолининг бандлиги ўсишини ва даромадлари ошиб боришини таъминлайди. Учинчидан, кичик бизнес ички бозорни товарлар ва хизматлар билан бойитишнинг муҳим манбаи ҳисобланади ҳамда ялпи талабни ўстиради.

Маълумки, давлатнинг иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Сўнгги йилларда иқтисодиётимизни ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари сифатида давлат ва назорат тузилмаларининг корхоналар, молия

хўжалик субъектлари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг иқтисодий эркинлиги ва ҳуқуқларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Ноқонуний текширувлар сони камайди. Рухсат бериш билан боғлиқ 20 га яқин тартиб-таомил бекор қилинди, ҳисобот маълумотларини ноқонуний талаб қилганлиги учун жавобгарлик кучайтирилди.

Яратилган ҳуқуқий заминлар, қабул қилинган кафолатлар, имтиёз ва преференциялар ҳаёт, нажот, саодат йўли бўлган кичик бизнеснинг жадал ривожланишига имконият яратди, бунинг натижасида унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2000 йилдаги 30,0 фоиздан 2011 йил якунига келиб қарийб 54,0 фоизни ташкил этди. Бугунги кунда жами банд аҳолининг 75 фоизга яқини мазкур соҳада меҳнат қилмоқда.

Тадбиркорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилинишини таъминлаш борасидаги ҳуқуқий нормалар мустаҳкамланди, тадбиркорлик субъектларининг хўжалик фаолиятига назорат қилувчи идораларнинг аралашувини кескин қисқартириш чоралари кўрилди. Устувор йўналишлардан яна бири – кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти учун янада қулай муҳит яратиш бўлиб, унда охириги йилларда тадбиркорлик соҳасида ўз ишини очиш учун рухсат олиш, солиқ, молия ва статистика органларига ҳисобот топшириш масалаларини тартибга солиш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Айни пайтда, кичик бизнес субъектларининг энергия, газ, сув ва канализация, иссиқлик таъминоти ва бошқа шу каби муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиши ёки уларни қуришда иштирок этиши учун рухсат олиш тартиб-қоидаларини соддалаштириш масаласи бугунги кунда амалий аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, давлатимиз раҳбари кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, ушбу соҳа ривожини учун янада кенг йўл очиб бериш мақсадида мавжуд норматив-ҳуқуқий базани танқидий нуқтаи назардан қайта кўриб чиқиш, янги қонун ҳужжатларини қабул қилиш масаласига тўхталди.

Бу ҳақда Ислом Каримов жойларда кичик бўлса ҳам ўз ишини, ўз бизнесини очишга интилаётган хусусий тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ўрнига, маҳаллий амалдорлар томонидан уларни кўролмаслик, қўлидан иш келадиган одамларнинг йўлига турлитуман ғов-тўсиқлар қўйилаётганига асло тоқат қилиб бўлмаслигини айтиб ўтиб, кейинги йилларда бундай салбий ҳолатларни бартараф этиш мақсадида тегишли ишлар олиб борилаётганлиги, жумладан,

корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига давлат ва назорат тузилмаларининг аралашувини кескин камайтириш, шунингдек, хўжалик ва тадбиркорлик субъектларининг иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича катта ишлар амалга оширилганлигини таъкидлади. Лекин назорат органларига мансуб айрим мансабдорлар малакасининг пастлиги хануз ўткир муаммо бўлиб қолаётганлиги ва ишимизга салбий таъсир ўтказётганлигини куйиниб гапирди.

Шулар қаторида кўпгина вилоят ва туманларда коррупция деган бало, яъни порахўрлик, тамагирлик, хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш каби иллатлар учраб тураётганини инкор этиб бўлмаслигини, қонунга зид бўлган бундай хунук ҳолатлар билан мураса қилишга чек қўйишнинг вақти келганлиги, ёши ва вазифасидан қатъи назар, бизнингча, кенг жамоатчилик онгига коррупциянинг иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий соҳалардаги, мамлакатнинг барқарорлиги ва иқтисодий ўсишига ғов эканлиги, охир-оқибатда аҳоли фаровонлигини ўстиришга салбий таъсир кўрсатувчи иллат эканлигини сингдириш зарур. Бу борада Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўла-тўқис фойдаланишини орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»¹. Чунки биз мамлакатимизни ислоҳ этиш ва модернизация қилишнинг янги даври – миллий тараққиётимизнинг навбатдаги мантиқий босқичи давом этаётган даврда яшайпмиз. Зеро, давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг «ўз меҳнати, ақл-заковати ва салоҳияти билан ўзини ўзи боқадиган, ўзини ҳимоя қилишга, келажагини ўз қўли билан қуришга қодир бўлган халқни жаҳон аҳли эътироф этади. Барчамиз, аввало, ёшларимиз бу оддий ҳақиқатни ҳеч

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 429.

качон унутмаслигимиз зарур»¹лиги тўғрисидаги даъвати кундалик шиоримизга айланмоғи лозим.

4. Коррупция – хуфиёна иқтисодиётнинг асосий кўриниши

Коррупция хавфсизликка таҳлика солувчи ҳодиса ва яширин иқтисодиётнинг кўриниши эканлиги аён нарса, шу сабабли коррупцияни иқтисодий ҳодиса сифатида талқин этишда баҳс-мунозаралар деярли йўқ. Уни давлат амалдорларининг порахўрлик фаолиятдан иборат бўлиши ва жамиятга катта путур етказишини кўпчилик тадқиқотчилар эътироф этишади. Коррупция бир қатор иқтисодий муаммолар ечимининг давлатга боғлиқ бўлишидан келиб чиқади. Порахўрлик муносабатларини уч субъектли деб айтиш мумкин, булар пора олувчилар, пора берувчилар ва улар ўртасидаги воситачилардир. Пора олувчилар давлат амалдорлари бўлса, уни берувчилар амалдорлар хизматида муҳтожлар ҳисобланади. Воситачилар айрим шахслардан ва яширин ташкилотлардан иборатдир. Коррупциянинг иқтисодий моҳияти ва ҳукуқий баҳоланишини фарқлаш зарур. Иқтисодий жихатдан бу эркин бозор қонун-қоидаларига мос келмаганидан яширин юз берадиган муносабатдир. Бу муносабатда барча коррупциялашган унсурларнинг манфаати уйғунлашади. Амалдор хизматида талаб бўлганидан, уни таклиф этишади, яъни сотишади. Бу ерда пора яширин хизмат ҳақи шаклига киради. Порахўрликда ҳам бозор муносабати бор, лекин бу тор эгоистик манфаатга бўйсунувчи муносабат бўлганидан, буни жамият тан олмайди, чунки бу ерда айрим шахслар ёхуд гуруҳлар манфаатининг амалга ошиши бошқалар манфаатига йўл бермаслик ҳисобидан бўлади, шу важдан буни жамият қабул қилмайди, у яширин тус олади. Жамиятга маъқул ҳодисаларни юридик қонунлар тартиблайди. Шунинг назарда тутиб, коррупцияни ҳукуқий жихатдан ғайриқонуний, қонунлар ман этадиган иқтисодий фаолият деб айтиш мумкин. Коррупция – глобал ҳодиса, ундан зарар кўрмаган мамлакат йўқ, лекин коррупциялашув даражаси ҳар хил. Бу коррупция илдизлари чуқур бўлишидан гувоҳлик беради. Коррупция сабаблари ҳар хил талқин этилади. Улар объектив ва субъектив бўлишига эътибор берилади. Улар

¹ Каримов И. А. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. Т. 16. – Т.: «Ўзбекистон», 2008. – Б. 98.

орасида қонунчиликнинг номукамаллиги, демократия тамойиллари ва унинг институтлари ривожланмаганлиги, давлатнинг кучсизлиги ажратилади. Бизнингча, коррупциянинг мавжудлигини иқтисодий тизимнинг ўзидан қидириш керак. Коррупция иқтисодий ҳодиса бўлар экан, унинг иқтисодий илдизларини топиш керак. Бу илдизлар пул муносабатларининг ўзида жойлашган, пул универсал тўлов воситаси, уни ҳамма операциялар учун қабул қилишади, пул бойликнинг тимсоли, бойлик тўплашнинг энг қулай шакли. Пулдаги энг юксак ликвидлик хусусияти уни кўпроқ топишга интилишдир, пулни сақлаш хавфсиз, уни хоҳлаганича жамғариш мумкин. Пул ликвидлиги энг юқори бўлган активдир, ликвидликни эса пулнинг кадр-қиймати таъминлайди. Пул кўздан яширинган молиявий алоқалар ўрнатиш имконини беради. Пулнинг ликвидлиги муҳим бўлганидан, пора бериш ва қаттиқ валюталар ишлатилади, чунки буларнинг кадри-қиймати барқарор бўлганидан жамғариш воситаси бўла олади. Пул бозор муносабатларининг маҳсули, шу сабабли унинг ривожланиши коррупцияни озиқлантиради.

Натурал ишлаб чиқариш шароитида порахўрлик моддий шаклда бўлиши мумкин, уни кўздан яшириб бўлмайди. Пул муносабатлари эса яширин муносабат ўрнатишда қўл келади. Хуллас, коррупциянинг объектив сабаби пулни юксак ликвидлик хусусиятидадир. Бу пул фетишизмни, уни илоҳийлаштиришни, унга сиғинишни юзага келтиради, пул ҳамма нарсани ҳал этувчи кучга эга бўлади. Бу эса пулга очкўзликни уйғотади. Уни ғайриқонуний йўл билан тан олиш имконияти бор кишиларни коррупцияланган шахсларга айлантиради, булар, одатда давлат амалдорлари бўлади. Бунда бозор механизмининг кам лаёқатли бўлиши кузатилади, унинг ожизлигини давлат механизми тўлдириб боради. Давлат механизми лаёқатли бўлиб қолганда, унинг амалдорлари хизматига талаб ошади, чунки шундай йўл билан иш битади. Бу порахўрликни таъминлайди, албатта. Бозор тизими ҳозирчалик тўла мукамал эмас, унинг механизмларида узилишлар бўлиб туради ва бу коррупцияга қулай шароит ҳозирлайди. Демак, коррупцияга қарши курашнинг энг маъқул йўли бу бозор муносабатларининг ўзини такомиллаштиришдир.

Иқтисодиётда шундай жиддий ҳолат кузатилади. У ўсган сари унинг ижтимоий йўналиши кучаяди, бу эса давлатнинг ижтимоий дастурларини молиялаштириш учун катта маблағ талаб қилади ва бу бюджетда тўпланади. Бюджет маблағларининг тақсимланиши

амалдорларга боғлиқ ва бу уларни пора орқали сотиб олишга иштиёқини кучайтиради. Давлат истеъмолининг ЯИМ хиссаси камайишга мойил бўлса-да, унинг мутлақ миқдори ўсади, чунки ЯИМ кўпайиб боради. Давлат истеъмолини қондириш харажатлари бюджетдан молиялаштирилади. Давлат истеъмоли унинг харидини юзага келтиради. Давлат буюртмасини олиш фирмалар товарининг сотилишини, шунга қараб фойданинг тушишини кафолатлайди. Шу сабабли буюртма учун рақобатлашув келиб чиқади. Бу рақобатда пора бериш ҳам қўлланилади. Айниқса, бу давлатнинг инвестициялари кўпайган кезларда юз беради, чунки давлат истеъмолини ортиши юз беради. Давлат истеъмоли жамият ривожини учун зарур, бироқ бу коррупцияга шароит ҳозирлайди. Натижада жамият ўзига маъқул ва номаъқул ҳодисаларга дуч келади. Демак, коррупцияни бозор тизимидаги ички зиддийлик юзага келтиради, деб айтиш мумкин.

Коррупциянинг объектив сабабларидан бири – бу давлатнинг иқтисодиётга аралашуви ва шунга боғлиқ ҳолда бизнесни ривожлантириш муаммолари ҳал қилинишининг давлат амалдорларига боғлиқ бўлишидир. Давлатни иқтисодиётга таъсири иқтисодий, ҳуқуқий ва маъмурий усуллар орқали юз беради. Бу усулларнинг қўлланилиши амалдорлар фаолиятига боғлиқ. Давлат қўлидаги субсидиялар, солиқлар, имтиёзли лицензиялар, квоталар, преференциялар ва буюртмалар каби воситалар бизнесни тартиблаб туришда қўлланилади. Улардан кимнинг баҳраманд бўлиши амалдорларнинг муносабатига боғлиқ бўлади. Иқтисодий фаолиятдан яхши натижага эришиш учун тадбиркорлар пора бериш йўли билан амалдорларни сотиб олиш ва улар орқали имтиёзларга эга бўлишига интиладилар. Давлатнинг иқтисодиётига аралашувини зарурлиги ва шунинг ўзи коррупцияни юзага келтириши ҳам иқтисодиётдаги зиддий ҳолатдир.

Коррупция сабаблари аниқланганда, кўпгина тадқиқотчилар давлат қонунларининг номукамаллигига урғу беришади. Бу тўғри, лекин ҳеч қачон ва ҳеч қаерда абадий мукамаллашган қонунлар бўлмаган. Қонунлар одатда реал ҳаётдаги ўзгаришлардан орқада қолади, шу сабабли улар тез ўзгариб, тўлдирилиб туради. Мукамал ҳисобланган қонунлар вақт ўтиши билан номукамал бўлиб қолади, чунки реал ҳаёт илгарилаб кетади. Номукамал қонун бу реал ҳаёт талабидан орқада қолган ва келажакни тўла акс эттирмайдиган қонунлар. Бундай қонунлар яхши ишламайди, натижада коррупцияга

йўл очилади. Кўпчилик ўтиш даври мамлакатларидаги қонунлар номукамаллиги билан ажралиб туради, чунки булар четдан андоза олган ҳолда яратилган қонунлар бўлиб, улар яхши ишламаган ва бу коррупционерларга қўл келган бир қатор МДХ мамлакатларида қонунларнинг номукамаллигидан усталик билан фойдаланган гуруҳлар амалдорларга пора бериш воситасида капитал жамғаришни тезлаштирганлиги маълум воқеадир. Коррупцияни қонунлар сифатига боғлиқлиги шуни кўрсатадики, унга қарши курашиш воситасидан бири қонунларни ўз вақтида қайта кўриш ҳисобланади.

Коррупциянинг сабаби аниқланганда, бир қатор олимлар ва сиёсий арбоблар давлат амалдорлари иш ҳақининг камлигига урғу беришади. Бу ҳам порахўрликка интилишни кучайтиради, лекин унинг бирдан-бир сабаби эмас. Иш ҳақининг озлиги қуйи табақадаги амалдорларни порахўрликка ундайди. Аммо катта пора олиш юқори, мансабли амалдорларга хос. Порахўрлик ҳуқуқ-тартибот органларида тез-тез учраб туради, ваҳоланки бу ердаги иш ҳақи ва пенсиялар юқори ҳисобланади. Демак, порахўрлик иш ҳақидан кўра пора олиш имкониятларига кўпроқ боғлиқдир.

Коррупцияни лоббизм ҳам келтириб чиқаради, бироқ ҳар қандай лоббизм бунга олиб келмайди. Рухсат берилган, жамият тан оладиган лоббизм борки, бу очиқ бозор алоқаларига таянади. Бунда у ёки бу гуруҳ шахслар ёки фирмалар манфаатига мос келадиган, лекин жамият учун зарарсиз бўлган қарорларни давлат идоралари томонидан қабул қилиш зарурлигини асослаш ва бунга кўмаклашиш билан боғлиқ лоббизм коррупцияни тавсифламайди, чунки бу ерда бозор қоидаларига биноан лоббистик хизматлардан очиқчасига уларни ҳақини тўлаган ҳолда фойдаланиш юз беради. Аммо шу билан бирга хуфиёна лоббистик хизматлар борки, улар индивидуал ва корпоратив манфаатларни ҳимоя қилган ҳолда бошқалар манфаатига зид ишларни амалга оширилишини билдиради. Шундай бўлганда ғайриқонуний лоббизм пайдо бўлади, унинг хизмат ҳақи порадан ўзга нарса бўлмайди. Иқтисоди ва демократия ривожланган мамлакатларда ошкора лоббизм кўпроқ учраса, иқтисоди қолоқ ва демократия ривожланмаган жойда лоббизм коррупцион фаолият шаклига киради.

Юксак ликвидли активларнинг мавжудлиги ва давлатнинг иқтисодиётига аралашуви, демократия даражаси коррупциянинг объектив сабаблари бўлса, кишиларнинг маънавий даражаси ва ахлоқ-одоби, демократия тамойилларига содиқлиги коррупциянинг

субъектив сабабларига киради. Субъектив муносабат коррупцияни кучайтириш ёки заифлаштириши мумкин. Бироқ бу коррупцияни таг-томири билан йўқота олмайди, чунки унинг илдизлари иқтисодий муносабатларнинг нақадар ривожланганлигига бориб тақалади.

Коррупциянинг негатив ҳодиса сифатида хавфсизликка таҳдид солиши ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди, шу сабабли унга қарши давлат идоралари ва жамоатчилик ташкилотлари курашиб келади. Бироқ дунёнинг ҳеч бир мамлакатада, хатто ҳамма томондан юксак ривожланган мамлакатларда ҳам коррупция тугатилмаган. Жамият коррупцияни чеклаб туриши, уни катта хавф туғдирмайдиган даражага келтириши мумкин. Унга қарши курашиш тадбирларини ишлаб чиқиш ва қўллаш учун қайси соҳани қандай даражада коррупцияланганини билиш талаб қилинади, бунга коррупциянинг миқдорий таҳлили воситасида эришилади.

Жаҳон банки ва Европа Тикланиш ва тараққиёт банки томонидан 1998 йилда ўтиш иқтисодиётидаги 22 та мамлакатда олиб борилган тадқиқотлари аҳоли жон бошига тўғри келувчи бевосита хорижий инвестициялар ҳажми билан ҳукуматнинг юқори даражаларидаги коррупция даражаси ҳамда йирик ҳукумат шартномаларини тузиш даврида олинувчи поралар ўртасида тескари боғлиқлик мавжуд эканлигини кўрсатди. Жумладан, 1994 ва 1999 йилларда аҳоли жон бошига тўғри келувчи бевосита хорижий инвестициялар ҳажми Белорусь, Қирғизистон, Молдова, Россия, Украинада йилига 20 долларни ташкил этган бўлса, Польша ва Словенияда бу кўрсаткич 100 доллар, Венгрия ва Чехияда 200 долларга етганлиги тўғрисидаги маълумотларни келтириш мумкин.

2-жадвал

Коррупцияни идрок этиш индекси

Давлат ўрни	Мамлакатлар	Индекс бали	Тадқиқотлар сони	Стандарт девиация**	Мин./ макс. балл
1	Финляндия	9,7	8	0,4	8,9–10,0
2	Дания	9,5	8	0,3	8,9–9,9
3	Янги Зеландия	9,5	8	0,2	8,9–9,6

* Манбаларни баҳолашдаги фарқ.

* Transparency International, Corruption Index 2002, Germany, 2002

4	Исландия	9,4	6	0,4	8,8–10,0
5	Сингапур	9,3	13	0,2	8,9–9,6
6	Швеция	9,3	10	0,2	8,9–9,6
7	Канада	9,0	10	0,2	8,7–9,3
8	Люксембург	9,0	5	0,5	8,5–9,9
9	Нидерландия	9,0	9	0,3	8,5–9,3
10	Буюк Британия	8,7	11	0,5	7,8–9,4
11	Австралия	8,6	11	1,0	6,1–9,3
12	Норвегия	8,5	8	0,9	6,9–9,3
13	Швейцария	8,5	9	0,9	6,8–9,4
14	Гонконг	8,2	11	0,8	6,6–9,4
15	Австралия	7,8	8	0,5	7,2–8,7
16	АҚШ	7,7	12	0,8	5,5–8,7

Коррупция даражаси ва унинг шакллари иқтисодий салоҳият билан изоҳлаб бўлмайди. Соф иқтисодий ёндашув XIX асрдаги иқтисодий назария оқимларига хос бўлган. XX асрнинг бошларига келиб, институционализм оқими пайдо бўлиши билан соф иқтисодий ёндашувдан чекиниш пайдо бўлди. Иқтисодиётдаги ўзгаришларни фақат унинг ўзини ривож билангина тушунтириб бўлмайди. Шу жиҳатдан қаралганда коррупция илдиэларини ғайрииқтисодий шарт-шароитлар мавжудлиги билан ҳам изоҳлашга тўғри келади. Бу шароитларни фақат демократиянинг нақадар ривожланганлиги билан чегаралаб бўлмайди, чунки коррупция илдиэлари миллий ва маҳаллий анъаналарга ҳам бориб тақалади. Умуман Шарқда, хусусан Марказий Осиёда коррупцияни озиқлантирувчи манба Осиёча ишлаб чиқариш усули сарқитларининг узоқ сақланишидир. Осиёча ишлаб чиқаришда асосий ресурслар олий ҳукмдорлар кўлида бўлганидан улардан фойдаланиш ҳукмдорларга сўзсиз тобелик қилиш, улар хизматида бўлиш ёки амалдорларга пора бериш билан боғлиқ бўлган. Бундай муносабат асрлар мобайнида доимо такрорланиб турганидан анъаналар тусига кирган. Амалдорлик ва пора олиш ўзаро чирмашиб, чуқур илдиэ отган. Осиёча анъаналар ҳозир ҳам сақланиб қолган, бу коррупцияга мойиллик ҳосил этади. Ўзбекистондаги коррупцияни ҳам қисман бўлса-да, анъаналар юзага келтиради. Бироқ, бу иқтисодий эркинлик, демократия ҳолати ва камбағаллик ўртасида алоқалар мавжудлигини йўққа чиқармайди.

Сўзсиз, коррупция таянчли кадрларсиз ривожлана олмайди, чунки улар жиний пулларни назоратдан олиб қочиш, уларни легаллаштириш, хуфиёна пулларнинг расмий бозорда бемалол

ишлаши учун шароит яратадилар. Бундай мутахассислар доираси жуда кенг, булар жумласига коррупцияни ҳуқуқий жиҳатдан химоя қилувчи ҳуқуқшунослар, молиявий фирибгарликни амалга оширувчи иқтисодчилар, бу қонунбузарликларни кўрса-да, кўрмасликка олган тергов-жазо ходимлари, солиқчилар, ҳукуматда уларнинг шахсий манфаатларини химоя қилувчи сиёсатчилар киради.

Коррупция шуниси билан хавфлики, у ижтимоий тенгсизликни юзага келтиради, бизнес юритиш харажатларини оширади, демак, миллий иқтисодиётни рақобатга бардошсиз қилади, муайян даражада сиёсий беқарорлик келтириб чиқаради. Жаҳон тажрибаси кўрсатишича, 80-йиллар бошида коррупция, иқтисодиётни уқувсиз бошқариш билан бирга, Венесуэладек нефтга бой мамлакатнинг тўловга қобилиятсиз бўлишига олиб келди.

2003 йил 31 октябрда қабул қилинган «Бирлашган Миллатлар ташкилотининг коррупцияга қарши конвенцияси» муқаддимасида айтилганидек, «коррупция эндиликда чекланган доирадаги (локал) муаммо эмас, балки барча мамлакатлар жамияти ва иқтисодиётига дахлдор бўлган трансмиллий муаммога айланди. Бу эса коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши кураш соҳасида халқаро ҳамкорликнинг ниҳоятда катта аҳамиятга эга бўлишига сабаб бўлади».

«Давлатни эгаллаб олиш» деганда, давлат ёки хусусий сектор вакиллари бўлган айрим шахслар, гуруҳлар ёки компанияларнинг ўз манфаатлари йўлида қонунлар, низомлар, фармонлар ҳамда давлат сиёсатининг бошқа воситалари шаклланишига таъсир кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган ҳаракатлари тушунилади. Бундай хатти-ҳаракатларнинг ўлчови сифатида «давлатни сотилиш индекси» кўлланилади. Мазкур кўрсаткич парламент қабул қилган қонунлар, ҳукумат қарорлари, давлат раҳбарининг фармонлари, ҳукумат тузган дастурлар нақадар айрим шахслар ва ижтимоий гуруҳларнинг эгоистик-корпоратив манфаатига қаратилишини билдиради. Бу кўрсаткич қанчалик паст бўлса, шунчалик давлат тоза ҳисобланади. Айрим халқаро тадқиқотларга кўра, МДХ мамлакатлари орасида Ўзбекистон давлати энг тоза ҳисобланади. Масалан, 2000 йилга келиб давлатнинг сотилиш индекси 1,0 га тенг бўлиб, бу энг паст, яъни энг яхши кўрсаткич ҳисобланади, чунки бошқа бир мамлакатларда бу индекс 5,5 га тенг бўлган. Коррупцияни жиловлашда давлатнинг тозалигининг ўзи етарли эмас. Бунинг учун қонунлар яхши ишлаши керак, буни қонунларни юридик

самарадорлиги белгилайди. Бу кўрсаткич Ўзбекистонда 2001 йил 2,0 га тенг бўлиб, бу бошқа мамлакатлар билан қиёслаганда ўртача бўлиб чиқади. Бу кўрсаткич энг юқори, яъни 4,0 га тенг бўлган мамлакатлар жумласига Венгрия, Руминия, Польша, Болгария, Чехия ва Эстония кирган. Қонунлар самарадорлигини уларнинг ўзининг мукамаллигидан, яъни реал шароитга мослигидан ташқари аҳолининг ҳуқуқий маданияти ҳам белгилайди. Ўзбекистонда бу кўрсаткичнинг юқори бўлмаслиги ҳуқуқий маданиятнинг етишмаслигидан келиб чиқади.

Маъмурий коррупция қонунлар ва қоидаларни бажариш жараёнига атайин бузилишлар киритишни билдиради. Коррупциянинг ушбу тури фирмалар ва компаниялар даромадининг пора бериш учун сарфлайдиган ҳиссаси билан ўлчанади. Баъзи бир маълумотларга кўра, Ўзбекистонда бу кўрсаткич 5 фоиз бўлган. Хусусан, Шарқий Европа мамлакатларда бу кўрсаткич ўртача – 2,2 фоиз (Венгрияда – 1,7 фоиз, Польшада – 1,6 фоиз), МДХда – 3,7 фоиз (Россияда – 2,8 фоиз)ни ташкил этган.

Коррупция шакллари хилма-хил бўлиб, уларга пора олишдан тортиб, амалдор хизмат бурчига кўра фойдаланиши мумкин бўлган жамият маблағларини ноқонуний ўзлаштиришгача киради. Бизнес энг кўп дуч келадиган ва энг кўп тарқалган коррупция шакли – импорт ва экспорт лицензиялари, валюта назорати, солиқларни баҳолаш, имтиёзлар бериш, кредитлар олиш билан боғлиқ равишда ғайриқонуний тўловлар ва пора талаб қилишдир.

Ҳозирги вақтда коррупция бўйича турли хил қиёсий тадқиқотлар ўтказилмоқда. Ушбу соҳадаги энг машхур ишланмалардан бири – «Коррупцияни идрок этиш индекси» бўлиб, уни 1995 йилдан бошлаб иш олиб бораётган Transparency International (TI) мутахассислари ишлаб чиққанлар. Ушбу тор ихтисослашган интеграл индекс давлатларнинг умумий коррупциялашганлик даражаси бўйича, яъни коррупциянинг турлари ва шаклларино инобатга олган ҳолда ажратади. Коррупция иқтисодиётнинг қуйидаги соҳаларида энг чуқур илдиз отган деб ҳисобланади:

- давлат мулкени хусусийлаштириш;
- бюджетни бажариш ва бюджет маблағларини сарфлаш;
- эксклюзив ҳуқуқлар, имтиёзлар, давлат трансфертларини тақдим этиш ва ш.к.;
- банк соҳаси;
- уй-жой ва коммунал соҳа;
- солиқ ва бож тўловлари.

Коррупция ҳодисасини ўрганаётган кўпчилик тадқиқотчиларнинг таъкидлашларича, коррупция давлатнинг юқори даражадаги солиқ солишлар ва давлатлар харажатлари орқали иқтисодиётга фаол аралашувнинг, иқтисодий фаолиятни назорат қилиш ва бошқариш функциялари катталигининг оқибатидир. Ушбу рўйхатга рақобат муҳитининг сустиги ҳамда иқтисодиётда монополиянинг мавжудлиги ҳам қўшилади. Коррупция асосан демократик институтларнинг ноадекватлиги ва ожизлиги туфайли юзага келади деган, фикр ҳам мавжуд. Мамлакат қанчалик кўп даражада демократик бўлса, матбуот қанчалик эркин бўлса, давлатнинг молиявий механизмлари ошкора бўлса, матбуот қанчалик эркин бўлса, коррупция шунчалик ожиз бўлади. Ҳокимият барча тармоқларининг бир-бирини назорат қилиши, ҳукумат фаолиятига оид ахборотдан эркин фойдаланиш ушбу салбий ҳодисанинг ривожланишига имкон бермайди. Кўпчилик мамлакатлар демократия ва фуқаролик жамияти барпо этиш борасида сиёсий ислохотларни амалга ошириб коррупцияга қарши курашда жиддий муваффақиятларни қўлга киритдилар. Юртбошимиз Ислом Каримов айтишича, «шунинг унутмайликки, биз давлатнинг назорат функцияларини қанчалик кучайтирсак, назорат билан шуғулланувчи давлат тузилмалари ва органларини қанча кўпайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини унинг куч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам ҳар томонлама кучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ»¹.

Баъзи олимлар коррупция мавжудлигининг асосий сабаби хизмат мавқеини суистеъмол қилиш учун имкон қолдирувчи қонунлардаги номукамаллик деб ҳисоблайдилар. Хусусан, ўтиш даври иқтисодиёти мавжуд бўлган мамлакатларда хусусий тадбиркорлик ва бозор инфратузилмаси фаолият кўрсатиши билан боғлиқ янги фаолият соҳалари пайдо бўлди. Ушбу соҳаларнинг қонунда қатъий тартибга солинмаганлиги коррупция учун қулай замин ҳозирлайди. Қонунларнинг номукамаллиги уларнинг ёмон сифатида ҳам, ижро тизимининг йўлга қўйилмаганлигида ҳам намоён бўлиши мумкин. Амалда бу кўпинча бевосита амал

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 32–33.

қилмайдиган ва кўплаб ўзаро зид келувчи қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солинадиган нормаларга ҳавола этадиган бланкет қонунчиликнинг мавжудлигида ўз ифодасини топади.

Бироқ барча тадқиқотчилар коррупция иқтисодиётга улкан зарар келтириши масаласида ҳамфикрдирлар. Коррупция хусусий сектор даромадларининг каттагина қисмини солиққа тортишдан яшириб қолишга имкон беради. Айрим корхоналарнинг (солиқ, кредит ва бошқалар бўйича) имтиёзлардан фойдаланиши рақобат муҳитини бузади. Коррупция ўзига хос солиқ бўлганлиги сабабли бу ҳол тадбиркорларнинг иқтисодий харажатларини оширади ва инвестиция киритиш учун рағбатни камайтиради.

Пора амалда товар сотиш ҳисобидан қопланмайдиган харажатни, яъни зарарга ўтадиган харажатни ҳосил этади. Бу доимий ёки ўзгарувчан, аниқ ёки муқобил харажатни ҳосил этмайди. Бу ишлаб чиқариш ва тижорат ишлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган, бинобарин, бизнес учун устама тавсифидаги харажатни ҳосил этади, бу фойда ҳисобидан қопланади. Пора табиатан норасмий солиқдир. Фирма фойдаси тақсимланганда, унинг бир қисмини порани қоплаш учун юборилиши, тақсимланмаган фойдани қисқартиради, шунга биноан кенгайтирилган такрор ишлаб чиқаришни таъминловчи инвестицион ресурсни қисқартиради. Бу билан ўзини ўзи молиялаштиришдан иборат бозор тамойилига путур етказилади. Ҳозирги пайтда корхоналар инвестицияларининг 40 фоиз кредит, 40 фоиз амортизация ва 20 фоиз фойда ҳисобидан молиялаштирилади. Фойданинг бир қисмини порага ажратилиши корхонанинг ривожланиш имкониятлари камайтиради, албатта.

Гарвард универститети мутахассисларининг ҳисоб-китобларига қараганда, давлат буюртмалари ва харидлари соҳасидаги коррупциядан келадиган йўқотишлар ушбу соҳадаги барча бюджет харажатларининг тахминан 30 фоиз ташкил қилади. Саноатнинг айрим тармоқларида (нефть, газ, нодир металллар) мансабдор шахсларни сотиб олиши учун фойданинг деярли 50 фоиз сарфланади. Коррупциядан ҳаммадан ҳам кўра кўпроқ кичик ва ўрта бизнес зарар кўради. Коррупциянинг тарқалиши ва хуфиёна иқтисодиётнинг ривожланиши ўртасида чамбарчас алоқа мавжуд. Бир томондан, ушбу икки ҳодиса маъмурий тўсиқлардан иборат умумий илдизларга эга. Бошқа томондан – улар бир-бирини келтириб чиқаради: тижорат сектори олдида маъмурий тўсиқлар қанчалик кўп бўлса, уларни айланиб ўтишга, жумладан,

амалдорларнинг «оғзини мойлаш» орқали четлаб ўтишга интилишлар шунчалик кучли бўлади. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда, хўжалик фаолиятидаги ҳисоботларни, жумладан, солиқ ҳисоблаш бўйича ҳужжатларни соддалаштириш, либераллаштириш (хусусан, лицензия олиш талаб этиладиган ва ҳаддан ташқари сертификатлаштириш ўтказилаётган йўналишларда) яширин иш кўраётган корхоналарнинг камида учдан бир қисмини хуфиёна иқтисодиётдан чиқариб олишга имкон бериши мумкин. Айни вақтда бугун яширин иқтисодиёт, масалан, Россияда ЯИМнинг 42 фоизни, Украинада – 49 фоизни ишлаб чиқармоқда.

Коррупция даромадларни очик бозор қоидаларини четлаган ҳолда яширин тақсимланишини билдиради ва бу ижтимоий адолатсизликка олиб келади. Гарчи даромадлар миқдори ўзгармасда, улар қайта тақсимланиб бир кўлдан бошқасига ўтади. Адолатсизликнинг қарор топиши кишиларнинг ахлоқий бузилишига, уларда ишончсизликнинг пайдо бўлишига олиб келади. Ҳозир коррупция иқтисодий ривожланишга путур етказиши, демократик институт ва қонуннинг устунлиги принципини сусайтириши, жамоат тартибини бузиши ва жамият ишончини йўқотиши, бу билан уюшган жиноятчилик, терроризм ва инсоният хавфсизлигига нисбатан бошқа таҳдидлар гуллаб-яшнашига имкон беришини барча тан олган.

Ҳеч бир мамлакат – у хоҳ бой бўлсин, хоҳ камбағал – ушбу салбий ходисадан умуман сақлана олмайди. Коррупция давлат секторида, хусусий секторда ҳам ўзини кўрсатиши мумкин. Аммо ундан доимо фақат бир тараф – жамият зарар кўради. Лекин коррупция ривожланаётган мамлакатларда камбағал одамларга етказадиган зарар ниҳоятда катта. У ҳар хил шаклларда уларнинг кундалик ҳаётига таъсир этади ва уларнинг янада қашшоқлашувига олиб боради, у уларни иқтисодий ресурслардаги қонуний улушидан ёки ҳаёт учун зарур ёрдамдан маҳрум этади.

Коррупция асосий ижтимоий хизматларни пора бериш имкони бўлмаган шахслар учун етишиб бўлмас нарсага айлантиради. Коррупция ривожланиш учун мўлжалланган озгина маблағларни бошқа мақсадларга сарфлаб, асосий эҳтиёжлар – озиқ-овқат, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳасидаги эҳтиёжларнинг таъминланишини қийинлаштиради. У ҳар хил ижтимоий гуруҳлар ўртасида камситишни, тенгсизлик ва адолатсизликни келтириб чиқаради, хорижий инвестициялар ва ёрдамларни қочиради, ривожланишни секинлаштиради. Шу боис у сиёсий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий тараққиёт йўлидаги жиддий ғов ҳисобланади.

Бироқ коррупция ўтиш даврида адолатсиз даромадлар ҳосил этса-да, капиталнинг дастлабки жамғарилишига хизмат қилади. Коррупциялашган унсурлар ғайриқонуний йўл билан тўплаган пули бизнесга кириб бориб, у ерда капиталга айланади. Натижада бу унсурлар пора ҳисобидан капитал ҳосил этади. Шу сабабли давлат амалдорларини яширин йўл билан тадбиркорларга айланиши юз беради. Коррупциянинг яна бир негатив томони шундаки, у рақобатда тенгсизлик ҳосил этади, чунки пора бериш ҳисобидан айрим тоифа тадбиркорлар рақобатда сунъий устунликка эришадилар. Бу коррупция эркин рақобатга зид ҳодиса бўлишини билдиради.

Коррупция давлат харажатларининг тузилишини ўзгартиради. Бунда маблағлар соғлиқни сақлаш, таълим, йўл қурилиши, алоқа сингари ижтимоий муҳим дастурлардан унча муҳим бўлмаган соҳаларга кўчирилади. Қуриб битказилган объектларни сақлаш ҳақида бош қотирмаган ҳолда янги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш кучайган капитал қурилиш соҳаси бунинг ёрқин мисоли бўлади.

Ислоҳотлар амалга оширилаётган ҳамда ўтиш даври иқтисодига оид мамлакатларда мавжуд иқтисодий салоҳиятни иқтисодий ўсиш ва аҳоли фаровонлигини оширишга йўналтиришга коррупция ўта хавфли таъсир ўтказётганлиги тадқиқотчилар ва сиёсий арбоблар томонидан билдирилмоқда¹.

Шу сабабли ҳам Президент Ислам Каримов коррупцияга қарши курашни кучайтириш ҳақида: «Бугунги кунда фақат иқтисодиётга эмас, балки, энг аввало, республиканинг сиёсий ва халқаро нуфузига, жамиятимизнинг маънавий-ахлоқий нуфузига катта зарар етказётган энг хавфли иллат – коррупциядир. У айрим ҳолларда ўта хавфли тусга кирмоқда. Ушбу масала бўйича кейинги йилларда бажарилган илмий таҳлил шуни кўрсатмоқдаки, иқтисодиёт соҳасида содир этилаётган жиноятларни тадқиқ этишга эътибор кўпайтирилмоқда. Банк-молия соҳасида, давлат мулкани

¹ Қаранг: *Беккре А., Каика З.* Кремль: взялся за реформу госслужбы // «Ведомости». – 2002. – 1 июля; *Григорьев Е.* Глобализация взяточничества // Независимая газета. – 2002. – 24 июня; *Джонс Д., Кауфман Д., Хеллман Р.* Способствуют ли иностранные компании процветанию коррупции в переходных экономиках // Трансформация. – 2000. – № 3–4; *Исмоилов И.* Жиноятчиликда уюшганлик: назария ва амалиёт муаммолари. – Т., 2005. – Б. 107–121.

хусусийлаштиришда, қимматли қоғозлар муомаласида, кичик ва хусусий корхоналар тизимида, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш жараёнларида уюшган жинойтчи гуруҳлар содир этаётган қонунбузарликлар сонининг ошиши, айниқса, ташвишлидир.

Иқтисодиёт соҳасида қонунчиликка ва ахлоқ қоидаларига амал қилиш борасидаги ишларнинг аҳволи, аниқ далиллар таҳлили шундан хабар берадики, биз коррупция билан кураш масаласига алоҳида эътибор беришимиз керак. Чунки коррупция амалга оширилаётган ислоҳотларни тўғридан-тўғри обрўсизлантириб, унинг маъно-моҳиятига доғ туширмоқда. Айниқса, қонун посбони бўла туриб, тадбиркорлар манфаатларини муҳофаза этиш лозим бўлган, мажозини айтганда, қўли пок бўлиши зарур бўлган ҳуқуқ-тартибот органларининг ўзида манфаатпарастлик, порахўрлик, коррупция, айбдорларга ҳомийлик қилиш, ўз ишига жинойткорона совуққонлик муносабатида бўлиш каби ҳолларга қатъиян чек қўйиш зарур»¹, – деб таъкидлаган.

Ҳозирги даврга келиб коррупцияга қарши кураш барча мамлакатлар жамоатчилигининг диққат марказига қўйилмоқда, чунки жамиятдаги нолегал муносабатлар ўта хавфли соҳага айланиб бормоқда. Кўпгина олимларнинг фикрича, коррупция яширин иқтисодиётнинг кўриниши.

Уильям Девидсон институтида ўтказилган тадқиқотларга кўра, коррупциянинг кенг тарқалиши корхоналарни яширин иқтисодиёт томон юз ўгиришига сабаб бўлади, деб кўрсатилади. Жаҳон банки томонидан тайёрланган «World Development Report» маърузасида коррупция иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиши ва аҳоли жон бошига даромадларнинг паст даражаси билан характерланиши таъкидланади. Шу сабабли халқаро молиявий ташкилотлар ривожланаётган мамлакатларга кредитлар ажратаётганда, шу давлатлар ҳукумати коррупция билан курашишнинг махсус тузилмасини яратиш кераклигини талаб қилинмоқда. Бироқ Transparency International тадқиқотларига кўра, бундан кам натижа чиқаётганлиги таъкидланмоқда. Transparency раиси Джон Гитонго ушбу тузилмаларнинг кўпчилиги парламент ёки суд тизими билан коррупция масаласида тўқнашувларга (конфликт) дуч келиб, «етим»ларга

¹ Каримов И. А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т. 7. – Т., «Ўзбекистон», 1999. – Б. 32–33.

айланиб қолаётганлиги ҳамда ушбу тузилманинг тарафини олмаслик ҳоллари учраб туришини таъкидлайди.

Коррупцияга қарши кураш давлат тузилмалари ўз вазифаларини тўлиқ бажаришлари учун фуқаролик жамияти томонидан қўллаб-қувватланиши керак. «Бироқ, – дейди Джон Гитонго, – ривожланаётган мамлакатларда фуқаролик жамияти ҳали яхши тараққий этмаган». Коррупция ва жиноятчиликнинг хавфсизликка соладиган таҳдидлари мажмуи Президент Ислон Каримов таъкидлашича, қуйидагилардан иборат:

- амалга оширилаётган ислохотларга қаршилик кўрсатиш;
- давлатнинг конституциявий асосларини емириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;
- жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариш, ислохотлар ғоясини обрўсизлантириш;

- пул орқали ҳокимиятни қўлга олиш учун интилиш;
- нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турувчилардир;

- жиноий усуллар билан бойлик орттирган кимсаларни «демократия» учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар, аввалига ўз халқини алдаб, капитал тўплайди, кейинги гал – демократия ва адолатли рўқач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини алдаб, сиёсий обрў орттиради. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳамisha тайёр турувчилардир;

- жаҳон хўжалик алоқаларига фаол интеграциялашув, чет эл инвестициялари ва тадбиркорларини иқтисодий ўзгаришлар жараёнига тортишга қаршилик кўрсатиш. Бу ҳолат чет эллик шерикларда ишончсизлик уйғотиши натижасида мамлакат ғоят муҳим капитал маблағлар манбаидан, технологиялар ва тажрибалардан, жаҳон иқтисодий тизимининг соғлом, «соф» қисмига қўшилиш имкониятидан маҳрум бўлади.

Юқорида Президент Ислон Каримов таъкидлаган коррупциянинг иқтисодий хавфсизликка соладиган таҳдиди хорижий инвестицияларни жалб этиш жараёнига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Коррупция мавжуд экан, унинг домини кесиш учун антикоррупцион тадбирлар зарур бўлади. Бир гуруҳ мутахассислар улар жумласига

иш ҳақини тартиблашни киритади. Амалдорлар меҳнатига тўланадиган ҳақнинг етарлича юқори эмаслиги коррупция кенг тарқалишининг сабабидир, деган фикр анча кенг ёйилган. Давлат ҳокимияти органлари мансабдор шахслари ва давлат хизматчиларининг иш ҳақи давлатга энг малакали мутахассисларга эга бўлиш учун курашда иқтисодиётнинг хусусий сектори билан рақобат қилишга имкон бериши керак. Амалдор меҳнатига юқори даражада ҳақ тўланса, у ишини йўқотиш хавфи билан боғлиқ муқобил харажатлар хизмат мавқеидаги ғайриқонуний фойдаланиш орқали оладиган фойдасидан ортиқ бўлади. Яъни «бизнес»нинг ушбу тури салбий фойда келтириб, ўзининг жозибадорлигини йўқотган бўлар эди. Аммо кўпчилик коррупцияни энг қуйи даражага етказиш учун амалдорлар иш ҳақини анча оширишга тўғри келади, деб ҳисоблайдилар. Бошқача айтганда, коррупцияга қарши курашнинг фақат шу йўлидан фойдаланадиган бўлса, бу мамлакат бюджетига қимматига тушиши ва кўйилган мақсадга эришилмаслиги мумкин. Ҳатто иш ҳақи юқори бўлган тақдирда ҳам, барча амалдорлар коррупция эвазига уни кўпайтиришдан воз кечмаган ҳоллар мавжуд.

2003 йил 31 октябрда Вена шаҳрида БМТ Бош Ассамблеяси БМТнинг коррупцияга қарши халқаро конвенциясини маъқуллади, декабрь бошида эса имзоладилар. Янги халқаро битим 30 та мамлакат уни ратификация қилганидан сўнг кучга киради ва 2005 йил 9 декабрда давлатлар ҳамда иқтисодий ҳамкорлик бўйича минтақавий ташкилотлар имзолашлари учун очик қолади. Коррупциянинг қабул қилинишини жаҳон ҳамжамияти «чуқур қониқиш ҳисси билан» кутиб олди. Афтидан, бу глобаллашув шароитида коррупция дунёнинг деярли барча давлатлари фаровонлигига таҳдид солаётганлиги билан боғлиқ. Масалан, Жаҳон банкининг маълумотларига қараганда, бутун дунёда ЯИМнинг тахминан 5 фоиз коррупция, молиявий маблағлардан нотўғри фойдаланиш ва ортиқча харажатлар (растраталар) туфайли йўқотилади. Control Risks Group консалтинг фирмасининг хабар беришича, халқаро компанияларнинг деярли ярми рақобатчилари пора бериш ёрдамида уларнинг бизнесини сингдирганлиги туфайли охирги беш йил ичида бошқа мамлакатларга инвестиция киритишдан воз кечишларига тўғри келган. Коррупциянинг юқори даражадалиги инвесторларга солинадиган қўшимча солиққа тенглаштирилади. БМТнинг ҳуқуқий маслаҳатчиси Ханс Корелл коррупция – универсал ҳодиса, аммо у ривожланаётган мамлакатлар учун

айниқса, ҳалокатлидир, деб ҳисоблайди: «Коррупция ҳукукий жамият қуриш, инвестицияларни жалб қилиш ва аҳолининг, айнақса, унинг камбағал қатламларининг фаровонлигини ошириш борасида барча ҳаракатларини йўққа чиқаради». «Transparency International» фирмасининг бош директори Питер Айген фикрича, «одамлар ушбу муаммонинг қанчалик муҳимлиги ва унга қарши кураш қанчалик қийинлигини тушуна бошладилар. Халқаро аксилкоррупциявий коалицияга ўхшаш нимадир пайдо бўлди».

Шу билан бирга, конвенция қабул қилинишининг умуман коррупцияга қарши кураш учун катта аҳамиятга эгаллигини таъкидлаган бир қатор қашшоқ мамлакатлар вакиллари ҳар ҳолда Конвенцияда назарда тутилган мақсадлардан бири бўлган аввалги давлат бошлиқлари хорижга олиб чиқиб кетган пул маблағларини қайтариш мумкинлигига шубҳа билдирмоқдалар. Шунчалик кўп юридик тўсиқлар мавжудки, қашшоқ мамлакатларда уларни енгил учун маблағлари етмайди. Айна вақтда конвенция қабул қилинганлиги сабабли мансабдор шахслар, биринчи навбатда, коррупция кенг ёйилган мамлакатларнинг мансабдор шахсларига таъсир кўрсатишининг янги сиёсий дастаги пайдо бўлаётганлигини тан олмаслик мумкин эмас. Эндиликда жаҳон жамоатчилигининг фикрини бирлаштириш ва ҳаракатларни дунёнинг бундай мамлакатлари ҳукуматларига қарши мувофиқлаштириш мумкин бўлади. Уларнинг олдиларида фақат битта йўл – коррупцияга қарши курашни иложи борица кучайтириш йўли турибди. Шу жиҳатдан қараганда Хитойнинг «Женьминь Жибао» газетасида билдирган фикр эътиборга лойиқ. Унда мамлакат БМТнинг коррупцияга қарши конвенциясини имзолагани ҳақида хабар эълон қилинган бўлиб, одил судлов органларида ишлаётган коррупционерларга қарши курашда эришилган катта ютуқлар ҳақида маълумотлар келтирилган. Энди кўп давлатлар, биринчи навбатда, Конвенцияни имзолаган, ратификация қилган давлатлар халқаро ҳамжамият олдида коррупция билан боғлиқ вазият ҳақида ошқора ҳисобот беришига тўғри келади.

БМТ Бош қотибининг коррупцияга қарши конвенциянинг имзоланишига бағишланган юқори даражадаги сиёсий конференция очилиши муносабати билан юборган мактубида айтилишича, коррупция кўпчилик мамлакатларда қашшоқликнинг чуқурлаштиришга олиб келадиган ва ҳаммамизга дахлдор бўлган ва кутилмаган оқибатларга олиб келадиган офат. Ушбу Конвенциянинг имзоланиши бу зулмга қарши курашимизда эришилган йирик ғалабадир.

Ҳар йили бу кун БМТнинг коррупцияга қарши курашга бағишланган кун сифатида нишонланади. Конвенцияда коррупцияни йўқ қилиш учун давлатларнинг ўзлари масъул эканлиги аниқ белгиланган. Конвенцияда уларга барча мамлакатлар ўзларининг давлат бошқаруви режимларини ва коррупцияга қарши кураш соҳасидаги институтларини мустаҳкамлашларда фойдаланишлари мумкин бўлган кенг қамровли стандартлар пакети таклиф қилинган.

Унга кўра, ҳукуматлар ўзларининг тасарруфида (юрисдикциясида) бўлиб қолган ва коррупция йўли билан қонунга хилоф тарзда олинган маблағларни улар ўғирланган мамлакатларга қайтаришга мажбурдирлар. Ушбу қоида жиддий ғалабадир. У коррупциялашган элитаси янги ҳукуматлар ўз мамлакатларига етказилган ижтимоий-иқтисодий зарарни тиклаш учун ниҳоятда муҳтож бўлган миллиардлаб долларни ғайриқонуний равишда ўзлаштирган кўплаб ривожланаётган мамлакатлар олдида турган долзарб муаммоларни ҳал қилишга имкон беради.

БМТнинг собиқ бош котиби Кофи Анан барча мамлакатларни ушбу Конвенцияни тезроқ ратификация қилишга чақиради. Чунки унинг ҳар томонлама бажарилиши камбағаллар ва ҳимояланмаганлар учун коррупциялашган амалдорларнинг ва ўз манфаатлари йўлида ҳар қандай воситалардан қайтмайдиган чайқовчиларнинг очкўзлигидан ҳимояни таъминлашга ёрдам беради. У бугунги жадал ўзгараётган дунёда камбағаллар янада қашшоқлашмаслигига ёрдам беради ва ривожланиш соҳасидаги муҳим тўсиқларни бартараф этиб, бу Минг йиллик декларациясида қўйилган мақсадларга эришиш ва бутун дунёдаги миллионлаб одамларнинг ҳаётини яхшилашга ёрдам бериши мумкин.

Президент Ислом Каримов таъкидлаганидек, «мамлакатимизнинг келажагини ва обрў-эътиборини қадрлайдиган ҳар бир виждонли фуқаро бу таҳдидни эсда тутмоғи даркор. Ҳалол меҳнат қилиш, ўз билими, куч-ғайрати ва ижодий қобилиятини сарфлаш учун барқарор шарт-шароит бўлишини истайдиган, фарзандлари ва яқин кишилари келажакда ҳам демократик, фуқаролик жамиятида цивилизациялашган бозор муносабатларининг самараларидан тўлатўкис фойдаланишни орзу қиладиган ҳар бир фуқаро, жиноятчилик ва коррупция йўлига ўз вақтида зарур тўсиқ қўйилмаса, бу иллатлар қандай аянчли оқибатларга олиб келиши мумкинлигини яхши англаб етмоғи лозим»¹.

¹ Каримов И. А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т. 6. – Т.: «Ўзбекистон», 1998. – Б. 429.

5. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашда давлатнинг чора-тадбирлари

Бугун «хуфиёна» иқтисодиёт муаммосини ҳал қилишнинг қуйидаги вариантлари ҳақида сўз юритиш мумкин:

– дастлабки капитал жамғаришнинг ниҳоятда юқори суръатлари ҳақидаги мақсадли йўналишлар билан боғлиқ бўлган радикал-либерал вариант;

– радикал-либерал вариантга қарши усул сифатида юзага келган ҳамда кучга асосланган ва бошқа тузилмаларнинг тегишли бўлинмалари фаолиятини кенгайтириш ва кучайтиришни тақозо этувчи репрессив вариант;

– кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун зарур шарт-шароитларни таъминлашга доир қонунчиликни такомиллаштириш билан боғлиқ комплекс-ҳуқуқий вариант.

«Хуфиёна» иқтисодиётга нисбатан охириги моделни амалга ошириш қуйидаги сиёсатни юритишни тақозо этади:

а) жинойтчи унсурлар ва «хуфиёна» хўжалик юритувчилар капиталларини аниқ ажратиш ҳамда бундай ажратишни янги қонун ҳужжатларида қайд этиш;

б) бизнес учун қулай ҳуқуқий ва хўжалик муҳити, биринчи навбатда, солиқ режимини яратиш ва қўллаб-қувватлаш;

в) давлат томонидан аҳолини молиявий фирибгарликлардан ҳимоя қилиш чораларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, жамғарилган омонатлар ва капиталларнинг ҳимояланганлиги кафолатларини таъминлаш;

г) иқтисодиётнинг реал секторига инвестиция киритиш учун қаратилган пул маблағларининг легаллаштирилишини тасдиқловчи юридик институтлар механизмини ишга тушириш.

Мамлакатимизда коррупцияга, жумладан давлат бошқаруви соҳасидаги коррупцияга қарши курашиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Бундан ташқари, 2006–2008 йилларда Россия Федерациясида маъмурий ислохотлар концепциясида (Россия Федерацияси ҳукумати томонидан 2005 йил 25 октябрда маъқулланган) коррупция юзага келишининг институционал омилларини бартараф этишга қаратилган бир қатор тизимли аксилкоррупциявий тадбирлар белгиланган. Эркин бозорга кириш йўлидаги тўсиқларни камайтириш, иқтисодиётдаги харажатларнинг умумий даражасини пасайтириш, янги корхоналар ташкил

этилишини рағбатлантириш, шунингдек фаол инвестиция муҳитини яхшилаш мақсадида қуйидаги тадбирларни амалга ошириш зарур:

– ижроия ҳокимият органларида давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий тартибларини ишлаб чиқиш;

– мамлакатимиз субъектларининг ижроия ҳокимият органларининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан судгача бўлган босқичда шикоят қилиш механизмларини жорий этиш;

– давлат эҳтиёжлари учун харидлар тизимининг самарадорлигини ошириш – харидларнинг ошкоралиги ва очиқлигини ошириш, давлат контрактларининг очиқ рўйхатини юритиш, харидларни қаттиқ тартибга солиш;

– идоравий ва минтақавий аксилкоррупциявий дастурларни жорий этиш;

– давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятига доир маълумотларни очиқ бериш;

– норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга шароит яратиш-яратмаслиги нуқтаи назаридан экспертизадан ўтказиш;

– тайёрланаётган қарорларни оммавий муҳокамадан ўтказиш, ижроия ҳокимият органларининг жамият учун муҳим қарорларини жамоатчилик экспертизасидан ўтказиш;

– фуқаролик жамияти вакилларини назорат органлари ҳайъатларига, ижроия ҳокимият органларининг фуқаролар ва ташкилотлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва бошқа қарорларини тайёрлаш билан шуғулланувчи ишчи гуруҳларга, бошқа тузилмаларига киритиш;

– ижроия ҳокимият органлари қошида фуқаролик жамияти вакиллари иштирокида жамоат кенгашлари тузиш.

«Хуфиёна» иқтисодиёт бир қатор ҳолларда нафақат миллий, балки халқаро хусусиятга ҳам эга бўлганлиги сабабли (коррупция, пулларни «ювиш», терроризмни молиялаштириш каби ҳолларда), мазкур ҳодисаларга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи бир қатор ҳужжатларга эътибор қаратиш лозим. Уларга, биринчи навбатда, БМТнинг қуйидаги ҳужжатлари киради:

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жинойтчиликка қарши 2000 йил 15 ноябрь конвенцияси;

– Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши 2003 йил 31 октябрь конвенцияси;

– Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999 йил 9 декабрь халқаро конвенцияси.

Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг ҳужжатларига қуйидагилар киради:

– Европа Кенгашининг Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

– Пулларни «ювиш»га қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулларни «ювиш»га қарши кураш бўйича парламент конференциясининг Якуний декларацияси, 2002 йил 8 февраль).

МДХ ҳужжатлари орасида «Коррупцияга қарши сиёсатга доир қонунчилик асослари тўғрисида»ги модель қонунини таъкидлаб ўтиш лозим (2003 йил 15 ноябрда МДХ ПАнинг XXII ялпи мажлисида қабул қилинган).

Ноқонуний даромадларни легаллаштириш (ошкоралаштириш)га қарши кураш чораларини амалга ошириш учун пулларни «ювиш» муаммолари бўйича махсус молиявий комиссия (FATF) ташкил этилган эди. Унинг таркибига Европа, Шимолий Америка ва Осиёнинг асосий молиявий марказлари вакиллари кирган. Ушбу ҳукуматлараро ташкилот 1990 йилда «Пулларни ювиш муаммолари бўйича қирқта тавсия»ни тайёрлаб, жаҳон жамоатчилигига таклиф этган. 1996 йилда бу тавсиялар ўтган йиллар мобайнида тўпланган тажрибани ҳамда пулларни «ювиш» соҳасида юз берган ўзгаришларни ҳисобга олиш учун қайта кўриб чиқилди. 2002 йилда FATFнинг тавсиялари терроризмни молиялаштиришга боғлиқ операцияларни аниқлаш билан шуғулланувчи молиявий муассасалар учун қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, Фуқаролик процесси, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексларида бозор борасидаги иқтисодий муносабатларнинг принциплари қонуний жиҳатдан муҳрлаб қўйилган:

– барча мулк шаклларининг дахлсизлиги ва тенг равишда давлат ҳимоясида эканлиги;

– иқтисодий фаолият эркинлиги;

– товарлар, хизматлар ва молиявий ресурсларнинг эркин айланиши;

– ягона иқтисодий макон;

– соғлом рақобатни қўллаб-қувватлаш;

– эркин ва қонуний тадбиркорлик.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси қуйидагиларни тартибга солади:

– шартнома ва бошқа мажбуриятларни;

– мулкый ва у билан боғлиқ шахсий мулкый бўлмаган муносабатларни.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси (янги тахрирда 2008 йил 1 январдан кучга кирган) қуйидагиларни белгилайди:

- солиққа тортишнинг принциплари;
- солиқларнинг рўйхати;
- солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар процедуралари (таомиллари) ва қоидалари;
- солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар иштирокчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил 22 сентябрда тасдиқланган) учинчи бўлими «Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар» номланади ва ўз таркибига X, XI, XII, XIII бобларни камраб олган.

Халқаро даражада иқтисодий хавфсизлик соҳасидаги энг аниқ таҳдидлардан бири коррупциядир. Шу боис халқаро ташкилотлар унга қарши курашнинг қуйидаги чора-тадбирларини таклиф этадилар:

- миллий даражада бир томонлама мажбуриятларни қабул қилиш;
- айрим фирмаларнинг ихтиёрий мажбуриятларини эълон қилиши, коррупцияга қариш миллий қонунларнинг тегишли моделларини яратиш;
- ноқонуний тўловларнинг олдини олиш мақсадида фирмалар ва уларнинг хориждаги бўлинмаларини сертификатлаш;
- коррупцияга қарши чоралар назарда тутиладиган хатти-ҳаракат кодексларини ишлаб чиқиш;
- коррупцияга қарши кураш бўйича халқаро битим тузиш.

Шундай қилиб, ушбу мавзуда қуйидаги асосий категория ва тушунчалар кўриб чиқилди: «хуфиёна» иқтисодиёт, «хуфиёна» иқтисодиётнинг сабаблари ва ривожланиш оқибатлари, «хуфиёна» иқтисодиётнинг ўзгариши ва миқёси, коррупция, солиқдан бўйин товлаш, уюшган жиноятчилик иқтисодиёти, иқтисодиётнинг жиноийлашуви, наркобизнес, терроризм иқтисодиёти, жиноятчиликка қарши курашни иқтисодий жиҳатдан мақбуллаштиришнинг умумий принциплари.

Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан фуқаролар, айниқса, болаларимизнинг соғлиғини ҳимоя қилиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2011 йилнинг сентябрида «Пиротехника

буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, охириги йилларда пиротехника воситалари, айниқса, маиший турдагиларининг айланмаси кескин ошди. Кўпчилик ҳолатларда бундай воситаларни Ўзбекистон Республикасига олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш ва улардан фойдаланишда ўрнатилган тартиб кўпол равишда бузиб келинган.

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар томонидан 2006–2010 йилларда республика ҳудудида ўтказилган ҳамкорликдаги рейдлар ва бошқа тадбирлар натижасида 4,2 минг нафардан ортиқ ҳуқуқбузардан олиб қўйилган пиротехника воситалари ўрнатилган савдо қилиш қоидалари ва нормаларига ҳамда ташиш ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига зид равишда сақланганлиги аниқланди. Қабул қилинган қонун билан Жиноят кодекси (250-моддаси) ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга (185-моддаси) пиротехника маҳсулотларининг ноқонуний айланмаси учун жавобгарлик киритилди. Эндиликда, пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ўтказиш, фойдаланиш ва бошқа ҳаракатлар учун шахс суд томонидан ҳуқуқбузарлик ашёларини мусодара қилиб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорда жаримага тортилиши мумкин. Агарда ҳуқуқбузарлик содир этганидан сўнг, тегишли жазо қўлланилганига қарамасдан, яна шундай ҳаракатларни содир этса, бундай шахс жиноий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилди.

Шубҳасиз, пиротехника айланмасини тартибга солишга қаратилган мазкур қонун ҳамда ҳукумат қарори фуқароларнинг соғлиғини ҳимоялашга, ушбу воситалардан фойдаланган ҳолда маданий-томоша ва бошқа тадбирларни ўтказишда хавфсизлик чораларини кучайтиришга ҳамда истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини муҳофазалашга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Хуфиёна иқтисодиёт, жиноий-иқтисодий фаолият, хуфиёна иқтисодиётнинг зайриқонуний иқтисодий усуллари, иккиламчи иқтисодиёт, расман рухсат этилган фаолият, коррупция, қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият.

Савол ва топшириқлар:

1. Хуфиёна иқтисодиётни таърифланг.
2. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашнинг қандай халқаро ҳуқуқий асосларини биласиз?
3. Давлатимиз раҳбари Ислон Каримовнинг «Ўзбекистон ХХІ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида коррупция ва хуфиёна иқтисодиётга оид таърифларни, уларнинг хавфсизликка соладиган таҳдидларини конспект қилинг ва моҳиятини тушунтириб беринг.
4. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашда халқ ҳокимияти институтларининг ўрни ва аҳамияти қандай?
5. Хуфиёна иқтисодиётнинг мамлакат реал иқтисодиётига таъсирини шарҳлаб беринг.
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексида жамиятимиз иқтисодий асосларига қаратилган қандай жавобгарликлар белгиланганини изоҳланг.
7. Хуфиёна иқтисодиётнинг иқтисодий ўсишга таъсири ва оқибатлари қандай бўлади?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Хуфиёна иқтисодиёт – ҳуқуқий майдондан ташқарида амалга ошириладиган жамики иқтисодий муносабатлар йиғиндиси.

Хуфиёна иқтисодиёт – қонунлар, ҳуқуқий нормалар, хўжалик ҳаётининг расмий қоидаларини четлаб ўтиб, яъни ҳуқуқий майдон доирасидан ташқарида юз берадиган иқтисодий муносабатларнинг маълум туридир. Хуфиёна иқтисодиёт мураккаб, кўп босқичли ҳодиса. Унинг тур ва шакллари хилма-хил. Хуфиёна иқтисодиёт мақсади, фаолияти ва иқтисодий-ижтимоий оқибатларига кўра бир неча турларга бўлинади.

Жиноий-иқтисодий фаолият. Бу мутлақо ман этилган, қонун йўли билан тақиқланган ишлар билан шуғулланиш. Масалан, нарко, порно, қурол-яроғ бизнеслари ва ҳ.к. Ғайриқонуний, ғайрииқтисодий усуллар билан даромадларни қайта тақсимлаб, ўзлаштириб олиш, масалан, ўғрилик, босқинчилик, рэкет, порахўрлик.

Иккиламчи иқтисодиёт – кишиларга зарар келтирмайдиган, улар учун наф берадиган, лекин расман рухсат берилмаган ва давлат рўйхатидан ўтмаган иқтисодий фаолият. Улар яширин тадбиркорлик ҳисобланади. Расман рухсат этилган фаолият билан бирга, қўшимча равишда яширин ишлаб чиқаришга қўл уриш, очиқ ишлайдиган корхоналарда қўшимча равишда ҳисобга кирмаган маҳсулот чиқариб, уни яширин сотиш.

Мансабни суистеъмол қилиш ва коррупцияга асосланган иқтисодий хатти-ҳаракатлар. Булар жумласига давлат идораларидаги яширин порахўрлик, яширин лоббизм, мансабдан фойдаланиб, субсидиялар олишни киритиш мумкин.

Қалбакилаштирилган иқтисодий фаолият. Бу иқтисодиёт давлат секторига хос бўлиб, давлатни алдашга қаратилади. Бунинг энг яққол намунаси давлат секторидаги кўшиб ёзишлар, қилинмаган ишлар учун давлатдан ҳақ олиш ва бошқалар.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Жаҳон мамлакатлари иқтисодий хавфсизлиги давлат стратегияси тажрибасидан келиб чиқиб, амалдаги қонунлар иқтисодиёт аҳволининг Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги талабларига жавоб берадиган мезонлари орасида куйидагиларни келтириш мумкин: жамият ҳамда хўжалик ва молия фаолиятининг барча соҳалари жиноийлашувига йўл қўймайдиган иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларнинг яратилиши, жиноий тузилмаларнинг ишлаб чиқариш ва молия институтларини эгаллаб олишига, ҳокимиятнинг турли институтларига кириб боришига йўл қўймаслик кабилар ва ҳоказо.

Мамлакатимиз миллий бойлиги давлат бюджетининг даромадларини тақсимлаш ва қайта тақсимлашда иштирок этиш иқтисодий агентларга ҳар қандай хўжалик фаолиятига қараганда, анча кўп фойда келишини таъминлайди. Бундай фаолият «хуфиёна» иқтисодиёт номини олди.

2. Адабиётларда «хуфиёна иқтисодиёт» категориясини таърифлашга куйидаги ёндашувларнинг айримларини келтирамиз:

– «хуфиёна» иқтисодиёт фаолиятнинг тақиқланган турлари сифатида баҳоланади;

– «хуфиёна» иқтисодиёт иқтисодий фаолиятнинг айтилмаган ва яширилган турлари сифатида таърифланади;

– «хуфиёна» иқтисодиёт у ёки бу сабабларга кўра, расмий статистикада инобатга олинмайдиган, ялпи ички маҳсулотга киритилмайдиган, солиққа тортишдан «тушиб» қоладиган ҳар қандай иқтисодий фаолият сифатида талқин этилади;

– «хуфиёна» иқтисодиёт миллий хавфсизликка таҳдид сифатида айрим индивидлар, уларнинг гуруҳлари, институционал субъектлар ўртасида моддий неъматлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш борасида юзага келадиган ҳамда натижалари у ёки бу сабабларга кўра, расмий статистикада инобатга олинмайдиган ва солиққа тортилмайдиган муносабатлар мажмуидир.

3. Хуфиёна иқтисодиёт – иштирокчилари томонидан ошкора олиб борилмайдиган, давлат ва жамият томонидан назорат қилинмайдиган, солиқ тўланмайдиган, расмий давлат статистикасида қайд этилмайдиган

иқтисодий фаолият турлари. Хуфиёна иқтисодиёт ошкора пайқаб бўлмайдиган товарлар ва хизматларни ишлаб чиқариш, тақсимлаш, истеъмол жараёнлари – иқтисодий муносабатлар бўлиб, унинг негизида айрим кишилар ёки кишилар гуруҳи манфаатлари ётади. Хуфиёна иқтисодиёт дунёнинг деярли ҳамма мамлакатларида мавжуд.

4. Хуфиёна иқтисодиётдаги ижтимоий зарарли фаолият давлат томонидан қатъиян тақиқланади, унга қарши ҳамма чоралар билан кураш олиб борилади, ижтимоий фойдали фаолиятнинг (норасмий бўлса-да, кишиларнинг талаб-эҳтиёжларини қондиради) ошкораликка чиқиши иқтисодий жиҳатдан рағбатлантирилади, масалан, солиқлар енгиллаштирилади.

5. Хуфиёна иқтисодиёт миқёси яширин иқтисодий айланмани, яъни рухсат этилмаган товар ва хизматларни яратиш ва уларни сотиш ҳажми билан белгиланади, унинг аниқ ҳисоб-китоби бўлмайди. Бунинг ўрнига уни тахминан баҳолаш усули қўлланилади. Айрим ҳисоб-китобларга кўра, ўтган асрнинг охирларида Ер юзидаги яширин иқтисодий айланма 8 трлн. долларга ёки жаҳон ялпи маҳсулотининг 27,5 фоизига тенг бўлган, бироқ хуфиёна иқтисодиёт миқёси турли мамлакатларда фарқланади. Хуфиёна иқтисодиёт энг ривожланган ҳудудларга Лотин Америкаси ва Африка мамлакатлари киради.

6. «Хуфиёна» иқтисодиёт бир қатор ҳолларда нафақат миллий, балки халқаро хусусиятга ҳам эга бўлганлиги сабабли (коррупция, пулларни «ювиш», терроризмни молиялаштириш каби ҳолларда), мазкур ҳодисаларга қарши курашнинг халқаро ҳуқуқий асосларини ташкил этувчи бир қатор ҳужжатларга эътибор қаратиш лозим, Уларга, биринчи навбатда, БМТнинг қуйидаги ҳужжатлари киради: Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши 2000 йил 15 ноябрь конвенцияси; Коррупцияга қарши 2003 йил 31 октябрь конвенцияси; Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги 1999 йил 9 декабрь халқаро конвенцияси.

Европа Кенгаши ва Европа Иттифоқининг ҳужжатларига қуйидагилар киради:

Европа Кенгашининг Коррупцияга қарши жиноий жавобгарлик тўғрисидаги конвенцияси (Страсбург, 1999 йил 27 январь);

Пулларни «ювиш»га қарши Париж декларацияси (Европа Иттифоқининг пулларни «ювиш»га қарши кураш бўйича парламент конференциясининг Якуний декларацияси, 2002 йил 8 февраль) миқёси, коррупция, солиқдан бўйин товлаш, уюшган жиноятчилик иқтисодиёти, иқтисодиётнинг жиноийлашуви, наркобизнес, терроризм иқтисодиёти, жиноятчиликка қарши курашни иқтисодий жиҳатдан мақбуллаштиришнинг умумий принциплари.

4-БЎЛИМ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

20-МАВЗУ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ МУАММОЛАРИ

1. Ҳозирги жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётининг моҳияти. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва хусусиятлари

Жаҳон хўжалиги ёки жаҳон иқтисодиёти – бу бир-бирини тақозо этувчи, жадал ўзаро боғлиқ ривожланишда бўлган ва жаҳон иқтисодий тизимини ташкил қилган миллий хўжаликларнинг мажмуи бўлиб, иқтисодий яхлитликни ташкил этади.

XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида 210 дан ортиқ мамлакат иқтисодиёти бирлашган бўлиб, булар яратган товар ва хизматлар суммаси бир неча ўнлаб триллион АҚШ долларини ташкил этади. Жаҳон хўжалиги ёки иқтисодиёти уч гуруҳ мамлакатлар, яъни иқтисодиёти юксак ривожланган, иқтисодиёти ўртача ривожланган ва иқтисодиёти қолоқ мамлакатлардан иборат. Жаҳон иқтисодиёти тизимининг асосий элементлари қуйидагилар: миллий хўжаликлар, трансмиллий корпорациялар, интеграциявий бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар.

Жаҳон иқтисодиёти тизимида давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари интеграцияловчи, бирлаштирувчи роль ўйнайди. Унинг асосида моддий ва маънавий неъматларни халқаро ва миллий миқёсда ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш ётади. Жаҳон иқтисодиёти фаолиятининг асосий мақсади – ресурслар чекланиб бораётган шароитда инсоннинг юксалиб бораётган эҳтиёжларини қондириш.

Жаҳон хўжалиги милoddан аввалги йиллардаёқ мамлакатлар ўртасида товар ва хизматлар «ҳаракати орқали» ривожлана бошлаган. Бозор муносабатларининг фаол ёйилишига XV–XVII асрдаги буюк жуғрофий кашфиётлар, XIX асрда машина саноати, транспорт ва алоқа соҳасидаги янги воситаларнинг пайдо бўлиши сабаб бўлди. XIX асрнинг охирига келиб саноат ишлаб чиқариши ва халқаро меҳнат тақсимоти асосида мамлакатлар ўртасидаги савдо-

иқтисодий ва молия-кредит муносабатлари тизими сифатида товар ва хизматларнинг жаҳон бозори шаклланди.

XIX–XX асрлар чегарасида ишлаб чиқариш омиллари, мамлакатлар ва минтақалар ўртасидаги иқтисодий ресурсларнинг халқаро ҳаракати жадаллашди. Иқтисодий манфаатдорлик асосида халқаро ҳамкорликни амалга оширувчи миллий хўжаликлар мажмуи сифатида жаҳон хўжалиги шаклланди. Жаҳон иқтисодиётининг шаклланишига қуйидаги даврлар хосдир:

– Биринчи жаҳон урушининг бошидан 50-йиллар бошигача – мамлакатлар ўртасидаги хўжалик алоқаларининг бузилиши, сўнгра аста-секин тикланиши;

– 50–70-йиллар – давлатлар, трансмиллий корпорацияларнинг интеграциявий гуруҳлари юзага келиши, билимлар (технологиялар), тадбиркорлик капиталининг мамлакатлар ўртасида кўчиб юриши;

– 80–90-йиллардан XXI аср бошларигача – ривожланган мамлакатларнинг постиндустриал тараққиётга, қолоқ мамлакатларнинг иқтисодий қолоқликни фаол бартараф этишга, собиқ социалистик мамлакатларнинг эса бозор иқтисодиётига ўтиши.

Ҳозирги жаҳон хўжалигининг моҳияти ва хусусиятлари. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигининг хусусияти – халқаро иқтисодий субъектлар сифатининг янги ташқи иқтисодий стратегиялари ҳисобланади.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги глобал хусусиятга эга бўлиб, кичик ёки катта мамлакатлар иқтисодиётлари мажмуидан иборат. Уларнинг барчаси узилмас ришталар билан боғланган ва бир-бирини тўлдириб туради. Жаҳон хўжалигига интеграциялашувнинг энг истиқболли ва мақбул бўлган йўналишини белгилаш зарурати ҳам мавжуд. Ҳозир очик миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан боғланиши товарлар, иш кучи ва капиталнинг эркин ҳаракати орқали амалга оширилади. Бозор тизимида ўтишда иқтисодий ўсишнинг ташқи манбалари ички манбалари билан бир қаторда тургани учун ёш мамлакатлар муқаррар равишда байналминаллашув жараёнига кириб боришлари керак бўлади.

Очик иқтисодиётнинг зиддийлиги шундаки, бу миллий иқтисодиётни ташқи дунё учун очишни ва ташқи омилларнинг салбий таъсиридан уни химоя қилишни билдиради. Бинобарин, иқтисодиётнинг «очиклиги», *бир томондан*, бошқаларга боғлиқликни ва ўзгалар таъсирига берилишни билдиради. Айни пайтда миллий

хўжаликлар ўзаро қўшилиб кетган шароитда иқтисодий хавфсизликни таъминлаш муаммосини келтириб чиқаради.

Жаҳон хўжалиги – бу глобал иқтисодий организмдир. Ҳозирги жаҳон хўжалигига ишлаб чиқариш кучларининг байналминаллашуви ва халқаро иқтисодий муносабатларнинг турлитуман тизимининг яратилиши хосдир. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигига дунё мамлакатларининг ўзаро манфаатдорлиги ва узлуксиз иқтисодий ҳамкорлик характерлидир. Шу боис дунё мамлакатлари ўз алоқаларида глобал инфратузилмага таянадилар.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалиги алоқалари қуйидаги шаклларни ўз ичига олади:

- халқаро савдо;
- ишлаб чиқариш кооперацияси;
- ахборот таъминоти;
- иш кучи миграцияси;
- халқаро кредит;
- чет эл инвестицияси;

– давлатларнинг ўзаро валюта муносабатлари албатта глобал инфратузилмани тақозо этади. Булар халқаро транспорт тизими, халқаро ахборот коммуникациясидан иборат.

Ҳозирги глобал иқтисодиётга динамизм хос бўлиб, доим ўзгариб туради. Буларга мунтазам равишдаги фан-техника тараққиёти ютуқлари, инновациялар (янгиликлар), ўзаро боғлиқ миллий иқтисодиётларнинг ўсиши, дунёнинг 20 фоизга яқин мамлакатларидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларда туб ислохотлар ўтказилаётгани киради.

1.2. Жаҳон иқтисодиётининг тузилиши

Жаҳон хўжалигининг иқтисодий тузилиши – тармоқлар, минтақалар, корхоналар ўртасидаги нисбат, шунингдек ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмолдаги мутаносибликлар.

Жаҳон иқтисодиётининг таркибига қуйидаги элементлар киради: тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий тузилмалар (кичик тузилмалар).

Тармоқ тузилиши – бу иқтисодий тармоқлар ўртасидаги ўзаро нисбат.

Тармоқ – бир хил маҳсулот берувчи корхоналар гуруҳи. Тармоқларнинг қуйидаги гуруҳлари ажратилади: қишлоқ хўжалиги;

кон саноати; қайта ишлаш саноати; иқтисодий инфратузилма; хизматлар кўрсатиш.

Ривожланган мамлакатлар иқтисодиётида хизмат кўрсатиш устунлик қилади (хизматларнинг улуши АҚШ иқтисодиётида – 80 %, Канадада – 70 %, РФР, Франция, Италияда – 60 % атрофида). АҚШда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг 3/4 қисми, олий малакали кадрларнинг эса 87 % банд.

Дунёда фан ютуқларига асосланган технологияларнинг (робототехника, ЭҲМ ва электроэнергия ишлаб чиқариш) ҳиссаси ўсиб бормоқда. Улар ривожланган мамлакатлар машинасозлик корхоналари ишлаб чиқариш қувватининг 45 % ни ташкил қилади.

Такрор ишлаб чиқариш тузилмаси – бу ишлаб чиқарилган ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)дан фойдаланишнинг ҳар хил турлари ўртасидаги нисбат. Такрор ишлаб чиқариш тузилмасида истеъмол, жамғариш ва экспорт ажратилади.

Оддий такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш цикллариининг доимий равишда узлуксиз такрорланиши.

Кенгайтирилган такрор ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш цикллариининг доимий янгилашиб, модернизациялашиб боровчи кўрсаткичлар билан узлуксиз такрорланиши.

Ноқулай омиллар таъсиридаги ишлаб чиқариш **торайтирилган**, яъни ишлаб чиқариш ҳажми пасайиб боровчи кўрсаткичларга эга бўлган бўлиши мумкин.

Функционал вазифасига кўра, жаҳон иқтисодиётининг тузилиши тинч ва ҳарбий ишлаб чиқаришга бўлинади. Ҳарбий ишлаб чиқариш ЯИМнинг 1–2 % ни ташкил қилса, маъқул ҳисобланади.

Худудий тузилма – ишлаб чиқаришнинг қайси тармоқ ва турлари ушбу худудда жамланганини кўрсатади. Худудий тузилма хомашё, иш кучи каби манбаларнинг мавжудлиги ва жойлашуви билан боғлиқдир.

Ижтимоий-иқтисодий тузилма ижтимоий-иқтисодий уклад ва аҳоли ҳаётининг сифатини акс эттиради. Мамлакатда ҳаёт сифатининг умумлашган жаҳон кўрсаткичи **инсон салоҳиятининг ривожланиш индекси (ИСРИ)** ҳисобланади. У уни ташкил этувчи учта индекснинг ўртача арифметик кўрсаткичига тенг: кутилаётган ҳаёт давомийлиги индекси, аҳолининг таълим соҳасига қамраб олинганлиги индекси, турмуш даражаси индекси.

Ривожланган мамлакатларда ИСРИ 0,1 га интилади, қолоқ мамлакатларда эса ИСРИ 2 га яқин. БМТ маълумотларига қараганда,

1990 йилдан 2002 йилгача ИСРИ атиги 20 та мамлакатда (Қозоғистон, Тожикистон, Украина, Россия, Замбия ва бошқа мамлакатларда) пасайган. Жаҳон иқтисодиётида ривожланган индустриал мамлакатлар гуруҳи ажратилади (Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотига кирувчи 30 дан ортиқ давлатлар). Улар орасида ЯММ ҳажми энг катта бўлган (дунё ЯММнинг 50 %) «саккизлик»ни АҚШ, Япония, Германия, Франция, Буюк Британия, Италия, Канада, Россия ташкил қилади.

Жаҳон ЯММнинг 28 % ривожланган мамлакатлар (130 дан ортиқ давлатлар)га тўғри келади. Ўтиш даври иқтисодиёти кечаётган мамлакатлар (28 та давлат) дунё ЯММнинг тахминан 17–18 % ни ишлаб чиқарадилар.

Миллий хўжаликлар ва жаҳон иқтисодиётининг макроиқтисодий алоқалари иқтисодий фаолият натижаларини ҳисобга олишнинг халқаро миқёсда тан олинган қоидалари мажмуи бўлган миллий ҳисоб тизимида (МХТда) акс этади.

Иқтисодий фаолият секторларини қуйидагилар ташкил қилади:

- реал сектор (хусусий, молиялаштирилмайдиган); бюджет (давлат) сектори;
- пул сектори (марказий ва тижорат банкларининг пул оқимлари);
- ташқи сектор (тўлов балансида ўз ифодасини топадиган барча секторларнинг ташқи операциялари).

МХТдан жорий иқтисодий таҳлилни амалга ошириш ва иқтисодий сиёсатда стратегик қарорлар қабул қилиш учун фойдаланилади.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадлар бўйича кам даромадли (1000 долларгача), ўрта даромадли (7000–10000 доллар) ва юқори даромадли (10000 доллардан ортиқ) мамлакатлар ажратилади.

ЯММда экспортнинг улуши билан ўлчанадиган жаҳон бозорига очиклик даражаси бўйича нисбатан ёпиқ (ЯММдаги экспортнинг улуши 10 % дан кам) ва нисбатан очик (ЯММдаги экспортнинг улуши 35 % дан кўп) иқтисодиётга эга бўлган мамлакатлар ажратилади.

1.3. Жаҳон тараққиёти назарияларининг концептуал асослари

Жаҳон тараққиётининг энг машхур назариялари иқтисодий, социологик, шунингдек ягона цивилизация ва цивилизациялар тўқнашувига оид социомаданий назариялардир.

Ривожланиш босқичларининг назариялари куйидагилардан иборат:

Иқтисодий ўсиш босқичлари назарияси. У. Ростоу (АҚШ) 1960 йилда «Иқтисодий ўсиш босқичлари: нокоммунистик манифест» китобида ўсишнинг бешта асосий босқичини тавсифлаган:

- 1) анъанавий жамият;
- 2) кўтарилиш учун шарт-шароитлар яратиш даври;
- 3) иқтисодий кўтарилиш;
- 4) етуклик сари ҳаракат;
- 5) юксак оммавий истеъмол асри.

Биринчи босқич – феодал муносабатлар.

Иккинчи босқич – кўтарилишга ўтиш (қишлоқ хўжалиги, ташқи савдо, транспортдаги яхшиланишлар). Учинчи босқич – саноат инқилоби. Иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун миллий даромадда инвестицияларнинг улушини (10 % дан ортиқ) ошириш, саноатни ривожлантириш зарур. Тўртинчи босқич – индустриал жамият. Бешинчи босқич – товар ва хизматларни оммавий истеъмол қилиш.

Иқтисодчи олим У. Ростоу кейинчалик олтинчи босқич – ҳаёт сифатини излаш босқичини қўшди. Ушбу назарияда постиндустриал давр тадқиқ қилинмайди ва саноат инқилоби босқичи мутлақлаштирилади.

Ягона индустриал ва янги индустриал жамият назариялари.

Француз социологи Р. Арон индустриал жамиятда мулкнинг етакчилик роли пасайиши, давлатнинг бойлик ва қашшоқлик кутбларини бартараф этишдаги роли кучайишини таъкидлаган. Ўсиб боровчи корпоратив даромадлар жамиятнинг ижтимоий эҳтиёжларини, фан ва таълимни қондириш учун йўналтирилади, шу тариқа жамиятнинг фаровонлигига эришилади.

Ж. Гэлбрейт (АҚШ) 1967 йилда «Янги индустриал жамият» китобида капиталистик жамиятни режали, бозор тизимининг мазмуни деб тасвирлаган.

Режали тизим (йирик корпорациялар) жамият манфаатларига беътиборлиги учун қораланади. Бозор тизими (майда фирмалар,

хизмат кўрсатиш соҳаси) ҳақиқий иқтисодий-маданий, ижтимоий кадриятларга эга. Унинг фикрича, давлат кичик бизнесни, бозор тизимини ривожлантириши лозим.

Постиндустриал жамият назариялари. Д. Мухтабелл (АҚШ) постиндустриал жамиятнинг бешта белгисини ажратган:

1) иқтисодиётнинг товарлар ишлаб чиқаришдан хизматлар ишлаб чиқаришга ўтиши;

2) ходимлар орасида моҳир мутахассислар ва техникларнинг устунлиги;

3) назарий билимларнинг етакчилик қилиши;

4) техник-иқтисодий муҳитнинг технологиялар устидан назорат ўрнатишга қаратилиши;

5) янги «интеллектуал технология»нинг қарор қабул қилиш жараёнини таъминлаш.

Ушбу шартларнинг амалга оширилиши постиндустриал жамиятга ўтилганлигини билдиради.

А. Тоффлер (АҚШ) «Учинчи тўлқин» китобида (1980) «учинчи тўлқин»га «индустриал индивид»нинг яратувчи шахсга ўтиши деб таъриф берган. Пулга сиғиниш, ҳукмронлик ва бўйсунуш муносабатлари ўрнига ўзаро ишонч ва ёрдам муносабатлари, улкан ташкилот доирасидаги қатъий меҳнат интизоми ўрнига кичик ташкилотлар ва уйдаги ихтиёрий меҳнат, табиат билан ҳамкорликни кучайтиришга мўлжаллар олиш ҳамда ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар бўйича чекланган, мувозанатлашган ўсишга ўтиш.

Цивилизациялар назариялари. **Ягона цивилизация назарияси.** Ф. Фукуяма (АҚШ) дунё умумий жамият – ягона сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий тузум – либерал демократия сари ҳаракатланаётганлигини тадқиқ қилган. Ушбу жараённинг ҳаракатлантирувчи кучи: иқтисодиётнинг байналминаллашуви, унинг глобаллашув ва интеграциялашувга ўсиб ўтиши. Бунда мамлакатларнинг муҳим вазифаси – ўз миллий қиёфасини, маданияти ва ўзлигини йўқотмаслик.

Цивилизациялар тўқнашуви назарияси. Унинг муаллифи Ф. Хантингтон (АҚШ) дунёнинг сиёсий ва маданий жиҳатдан кўп қутблилигини, Ғарб, Ислом, Хитой, Япон, Православ, Африка ва Лотин Америкаси каби цивилизацияларга эгаллигини таъкидлаган. Осиё цивилизацияларининг роли ошиб бормокда. Ф. Хантингтоннинг фикрича, бўлажак дунё турли цивилизациялар мажмуидир. Жаҳон иқтисодиётида Осиё мамлакатларининг улуши ошиб

бормоқда. Интеграция асосий мамлакатларнинг маданий, цивилизациявий асосларига таяниши лозим (Проваслав, Ислон, Япон цивилизациясига қараганда, кўпроқ Ғарб цивилизациясига, Индуизм, Хитой цивилизациясига яқинроқдир). Ижтимоий-маданий алоқаларни ривожлантириш муҳим.

1.4. Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг нотекислиги

Иқтисодий ривожланиш деганда иқтисодиётдаги тараққийпарвар, илгарилама, яъни иқтисодий ўсишга интилишдаги ўзгаришлар мажмуи тушунилади.

Илгарилама ўзгаришлар – иқтисодий фаолият натижалари ҳажмининг ортишидир. Жамият ва ҳар бир алоҳида инсон манфаатлари йўлидаги тараққийпарвар ўзгаришларга қуйидагилар хос: узоқ вақт мобайнида *аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромаднинг* (ялпи миллий даромаднинг аҳоли сонига нисбати) ўсиши кузатилади. Бунда икки шарт бажарилиши керак:

1) камбағаллик чегарасидан ташқарида яшовчи аҳоли сонининг камайиши ёки сақланиб қолиши;

2) даромадларнинг тақсимланишида тенгсизлик даражасининг сақланиб қолиши ёки камайиши.

Қуйида жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг шарт-шароитлари, омиллари, ҳаракатлантирувчи кучлари ва шароитларини кўриб чиқамиз.

Шарт-шароит деганда мавжуд бўлган пассив ва фойдаланилмаётган ресурслар тушунилади. Бундай ресурсларнинг учта типиди мавжуд:

1) табиий-иқлим – табиий ресурсларнинг миқдор бўйича захираси ва сифат таркиби, уларни олиш ва ишлатиш шароитлари, аҳоли ҳаётининг иқлим ва экологик шароитлари;

2) демографик – аҳолининг сони, тузилиши, меҳнат ресурслари билан таъминланганлиги, ижтимоий инфратузилма;

3) иқтисодий – тўпланган миллий бойликнинг ҳажми.

Иқтисодий ривожланиш омиллари – булар фаол ишлатилмайдиган иқтисодиёт элементлари: ер, меҳнат, капитал, ахборот, тадбиркорлик қобилияти, фан-техника тараққиёти (бу ўз навбатида қолган мазкур омиллар самарадорлигининг ошишини таъминлайди). Ушбу омилларнинг керакли жойда ва вақтда зарур жамланиши иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари – бу иқтисодий ривожланишда етакчи ўрин тутувчи иқтисодий субъектлар: тадбиркорлик, кичик бизнес, фермерлик ҳаракати.

Иқтисодий ривожланиш шароитлари – иқтисодий тараққиётнинг боришини таъминловчи алоҳида аниқ ҳолатлар. Зарур шароитларнинг яратилиши иқтисодиётнинг бошқарилишини, иқтисодий вазиятнинг таҳлил қилиниши ва башорат қилиниши, самарали менежментни таъминлайди.

Жаҳон иқтисодиёти нотекис ривожланади. Жаҳон иқтисодиётининг нотекис ривожланиши унинг циклик хусусиятида намоён бўлади (қисқа муддатли цикл 2 йил, ўрта муддатлиси 5–7 йил, узок муддатли цикл 40–60 йил). Секинлашиш (пасайиш тўлқини) ва тезлашиш (юксалиш тўлқини) даврлари кетма-кет алмашилиб келади ва бир қатор омилларнинг динамикаси (фан-техника тараққиёти ва бошқалар) билан боғлиқдир. Катта циклларнинг юксалиш тўлқинлари қуйидагилардан иборат:

биринчи (XVIII аср ўрталари) – тўқимачилик саноати ва металлургиянинг ривожланиши билан боғлиқ;

иккинчи (XIX аср ўрталари) – денгиз ва темир йўл транспортининг ривожланиши билан боғлиқ;

учинчи (XX асрнинг боши) – электротехника, радио, алоқа соҳаларидаги ихтиролар билан боғлиқ;

тўртинчи (Иккинчи жаҳон урушидан кейин) – синтетик материаллар, пластмассаларнинг ихтиро қилиниши, электроника, янги технологияларнинг ривожланиши билан боғлиқ.

Шунингдек, кўлами ва келтирилган салбий оқибатлари жиҳатидан 1929–1933 йиллардаги буюк депрессиядан кейинги ўринда деб баҳоланаётган ва «бугунги куннинг энг долзарб муаммоси – бу 2008 йилда бошланган жаҳон молиявий иқтисодий инқирози» АҚШ ипотека кредитлари бозоридаги тангликдан бошланиб, бутун молиявий сектори, сўнгра тез суръатларда иқтисодиётнинг реал секторини ҳам қамраб олди.

Иқтисодий циклнинг қуйидаги жараёнлари ажралади:

1) инқироз (ишлаб чиқаришнинг тўхтаб қолиши, ишсизликнинг кўпайиши ва ҳоказо);

2) жонланиш (инқироздан олдинги иқтисодий ҳолатнинг тикланиши);

3) юксалиш (асосий капиталнинг янгиланиши, инфляциянинг камайиши ва ҳоказо);

4) регрессия (иқтисодий юксалиш фонида инқироз аломатлари юзага келади);

5) депрессия (ишлаб чиқаришнинг турғунлиги, нархларнинг паст даражаси, эскирган асосий капиталнинг чиқиб кетиши).

Иқтисодий цикл – иқтисодиётга таъсир кўрсатувчи ташқи ва ички омилларнинг ўзаро таъсири натижаси.

1970–1990 йилларда жаҳон иқтисодиётининг ўсиши деярли дунёнинг барча мамлакатларини камраб олган чуқур ўрта муддатли циклик инқирозлар билан узилиб турди, ҳолбуки уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ўзига хос жиҳатларга эга эди. Ўртача даражада ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг ўсиш суръатлари ХХІ асрнинг бошида атиги 1–2 % ни ташкил қилди. Жаҳон иқтисодиётининг умумий ўсиши 1 % дан ортди. Аммо унинг ўсиш суръатлари 2008 йилга келиб пасайишга юз тутди.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг асосий тамойиллари қуйидагилардан иборат:

– глобаллашув (иқтисодиёт субъектларининг глобал миқёсдаги ўзаро алоқадорлигининг кучайиши, буларнинг аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий, ижтимоий, демографик, диний ва бошқа томонларига таъсири). Бу масалани кейинги параграфларда атрофлича кўриб чиқамиз;

– ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви (миллий хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида жаҳон бозорига боғлиқлигининг кучайиши);

– трансмиллийлашув (корхоналар ва улар филиалларининг хорижда жойлаштирилиши, бунинг халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашувига имкон яратиши);

– интеграция (миллий хўжаликларнинг яқинлашуви ва ўзаро мослашуви);

– жаҳон бозорларида рақобатнинг кучайиши.

2. Глобаллашувнинг моҳияти ва оқибатлари

2.1. Глобал муаммоларнинг моҳияти, роли ва иқтисодий жиҳатлари

Жамият ривожланишининг барчага ва ҳар кимга, бутун жаҳон ҳамжамиятига тааллуқли, оламшумул хусусиятга эга муаммолари *глобал муаммолар* деб аталади. Ушбу муаммоларнинг

сайёрамиз миқёсида ёйилиши ва кейинчалик кескинлашиб бораётгани уларнинг глобал, давлатлараро даражада ҳал қилиш йўллари излашни талаб қилмоқда, чунки айрим мамлакатлар, ҳатто, айрим давлатлар гуруҳи бунинг учун зарур бўлган улкан куч ва воситаларга эга эмас.

Глобал муаммоларнинг қандай тури бўлмасин уларни бутун жаҳон ҳамжамиятининг турли ресурслари (моддий, молиявий, меҳнат, технологик, маънавий, интеллектуал, ахборот ресурслари)ни бирлаштиришсиз ҳал қилиб бўлмаслигига олиб келадиган жиддий иқтисодий жиҳатлар мавжуд.

Глобал муаммоларнинг таркиби, роли ва ўрни жамият ривожланишининг айрим босқичларида ўзгариб туради. Табиий омиллар билан боғлиқ бўлган кўплаб глобал муаммолар – табиий офатлар (зилзила, тошқин, тўфон, бўрон ва ҳ.к.), қуёш ва ой тутилишлари, метеорит ёмғирлари, магнит бўронлари жуда қадимдан мавжуд.

Ҳозирги глобал муаммолар кўп жиҳатдан инсониятнинг аввалги бутун фаолияти, умуман жамият ривожланишининг натижасидир. Глобал муаммоларнинг инсоният ҳаёти ва фаолиятининг барча томонларига салбий таъсирлари кучайиб бораётгани, уларни ҳозирги босқичда ва келажакда ҳал қилиш борасидаги қийинчиликлар фан-техника тараққиёти асосидаги иқтисодий ўсиш суръатларининг катталиги билан боғлиқ.

Ҳозирги вақтда қирққа яқин глобал муаммолар мавжуд бўлиб, улар ичида асосийларини экологик, демографик, озик-овқат, қуролсизланиш, ядро қуролини тарқатмаслик ва ядро урушининг олдини олиш, халқаро хавфсизлик ташкил қилади.

Шундай қилиб, жаҳон иқтисодиёти шаклланишининг алоҳида боғловчи омили – барчага тааллуқли бўлган ҳамда кўплаб ёки барча мамлакатлар, халқаро ташкилотларнинг жами маблағларини жалб этиш ва давлатлараро иқтисодий ҳамкорлик орқали ҳал қилинадиган инсониятнинг глобал муаммоларидир. Глобал муаммоларнинг ўзига хос жиҳатини уларнинг универсал хусусияти ташкил қилади, чунки улар ҳозирги замон цивилизациясининг натижасидир.

2.2. Экология ва ресурслар муаммолари

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон иқтисодиётида атроф-

муҳитни муҳофаза қилиш масаласи кўтарилди, чунки хўжалик фаолияти натижасида унинг ифлосланиши бир қатор соҳаларда жуда кескин тус олди. Биологик оламнинг хилма-хил турлари ва экологик тизимлар ҳалокат ёқасига келиб қолди. Кейинчалик муаммонинг долзарблиги, экология масалаларининг тадқиқ этилиши, ушбу билимларнинг оммалашуви, ноҳукумат экологик ташкилотлар ва ҳаракатларнинг фаоллашуви унинг кенг доирада муҳокама қилинишига олиб келди.

Экологик инқироз кескинлашувининг бош сабаблари қуйидагилар:

1) кимёвий ўғитларнинг ҳаддан ташқари кўп ишлатилиши, тупроқнинг шўр босиши, шамол ва сувдан емирилиши натижасида ишлов бериладиган улкан ер майдонларининг ишдан чиқиши. XX асрда ҳайдаладиган ерларнинг $\frac{1}{4}$ қисмидан ортиғи йўқотилишига йўл қўйилди;

2) ўрмонларнинг кесилиши ва бунинг натижасида сув тошқинлари, тупроқ эрозияси, кўчкиларнинг келиб чиқиши, ботқоқликларнинг ҳосил бўлиши. Катта майдонларда ўрмонларнинг йўқотилиши минтақавий ва глобал миқёсларда экологик мувозанатнинг бузилишига олиб келди. XX асрда ўрмонларнинг тахминан $\frac{2}{3}$ қисми йўқ қилинди (агар 50 йил аввал тропик ўрмонлар қуруқликнинг 12 % ини қоплаган бўлса, бугунги кунда улар атиғи 6 % ни ташкил қилади);

3) зироатчилик ва чорвачилик маҳсулотларига, сув, инсоният яшайдиган муҳитга ва шу қабилага кимёвий таъсир кўрсатилиши бу барча одамлар соғлиғи ҳаётига таъсир этади, табиий муҳитнинг ўзини такрор ишлаб чиқариш имконияти йўқолаётганлиги ҳақида гапирмаса ҳам бўлади;

4) Ер атмосферасига чиқарилаётган чиқиндилар ҳажмининг ўсиб бораётгани. Атмосферада карбонат ангидрид газининг тўпланиши (иссиқ хона эффекти), озон қатламининг юпқалашуви туфайли иқлим ўзгариши юз бериши мумкин. Тахминларга қараганда, ер шаригадаги ўртача йиллик ҳарорат XXI аср ўрталарига келиб $1,5-4,5^{\circ}\text{C}$ га, Дунё уммонининг даражаси эса 2010 йилдаёқ 1,4–2,2 метрга кўтарилди;

5) турли саноат чиқиндиларининг тўпланиши, катта ер майдонларининг ахлат уюми билан тўлиши. Бунинг натижасида фойдали ер майдонлари қисқариб, одамлар ҳаёти учун катта хавф туғдирувчи

ўчоқлар ҳудуди кенгаяди. Саноат чиқиндиларининг ҳажми 30 йил ичида 2,5 барабар кўпайиб, 10 млрд. тоннага етди;

б) атом электр станциялари сонининг кўпайиши. Экологияга таъсир этишнинг оқибатини Чернобиль фожиаси кўрсатди: одамларнинг ҳалок бўлиши, шаҳарлар, ерлар, ўрмонлар ва сувнинг фойдаланишга яроқсизланиши. Ҳаёт учун ўта хавфли радиацион чиқиндилар (ифлослантирувчилар)нинг минглаб километр масофага ҳаво орқали тарқashi ҳамда шаҳар ва қишлоқларга ёмғир ва қор кўринишида тушиши.

Буларнинг бари экологик муаммолар миқёсининг ниҳоятда катталиги, жаҳон цивилизациясининг бугуни ва эртаси учун аҳамияти, шунингдек унинг салбий оқибатларини бартараф этиш ёки камайтириш учун ниҳоятда катта маблағ зарурлигини тасдиқлайди. Афсуски, мамлакатлар ва халқаро ташкилотларнинг «экологик бюджетлари» ҳозирча катта эмас, ҳал қилинадиган муаммоларнинг миқёсига мос келмайди. Инсоният табиатни муҳофаза қилиш тадбирларига 1979 йилда – 40 млрд., 1980 йилда – деярли 75 млрд., 1990 йилда – тахминан 150 млрд., XXI асрнинг бошида эса 250 млрд. доллардан ортиқ маблағ сарфлагани ҳақидаги маълумотлар барчани ўйлашга мажбур этади.

Табиатни муҳофаза қилиш мақсадларига саноати ривожланган мамлакатлар ўз ялпи миллий маҳсулотининг 1,2% ини сарфлайдилар. Айни вақтда ривожланаётган мамлакатларга зарур ёрдам кўрсатмайдилар. Ҳар йили атроф-муҳитга етказиладиган зарарнинг баҳоси улар ЯММининг 4–6% ини ташкил қилади. Камбағал ва бой мамлакатлар турли хил имкониятларга эга бўлгани боис, атроф-муҳит ҳолати учун масъулият ҳам турлича бўлиши керак (масалан, аҳолининг 20% истиқомат қиладиган ва атмосферага чиқариладиган чиқиндиларнинг деярли 70% ини ишлаб чиқарадиган ва иссиқ хона эффектини юзага келтирадиган Шимол мамлакатлари бунга кўпроқ масъул бўлишлари лозим). Бой мамлакатлар нафақат ўз ҳаракатларида энг масъулиятли бўлишлари, балки Жануб давлатларига атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида технологик ва иқтисодий жиҳатдан ёрдам беришлари керак.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқа бир муаммо – гидроэлектр станциялари қуриш бўлиб, улар, бир томондан, электр энергиясини энг тоза усулда олишга имкон беради, бошқа томондан, катта майдонларни сувга бостириб ва балиқларнинг ҳаракатланиши учун тўсиқлар яратиб, дарёлар ҳавзаларида экологик вазиятни

ўзгартиради ва ҳоказо. Айрим корпорациялар ва давлатларнинг иқтисодий манфаатлари табиатни асраш манфаатларини химоя қилувчи экологик ҳаракатлар, шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш ташкилотлари манфаатларига зид келади.

Энг йирик экологик фалокатлар локал (чекланган) тўқнашувлар юз берганида ҳам келиб чиқиши мумкин. 1991 йилда ҳамда ХХІ асрда Форс кўрфазидаги урушлар туфайли нефть конларининг ёқиб юборилиши сайёрамиз экологияси учун улкан хавф келтириб чиқаргани маълум. Бу ёнғинларни ўчириш, шунингдек ер юзини нефть чиқиндиларидан тозалаш учун кўплаб мамлакатларнинг ҳаракати зарур бўлди.

Сайёрамиздаги «ресурслар чегаралари» билан боғлиқ муаммоларни муҳокама қилишдан «чиқиндиларнинг чегараси» ҳақидаги масалаларга ўтиш кузатилмоқда. Экологик муаммо давлатлар, шунингдек ҳукуматлараро ва ноҳукумат ташкилотлари, трансмиллий корпорациялар, ҳаво ҳавзаси, сув муҳити, ер юзаси ва конларини муҳофаза қилиш соҳасида ишловчи экспертларнинг биргаликда ишлашини талаб қилади.

Фан-техника тараққиёти очиб бераётган имкониятларга қарамай, Ер аҳолиси ҳамда инсоният ресурсларидан фойдаланиш муаммоси жаҳон иқтисодиётидаги энг муҳим муаммолардан бири бўлиб қолмоқда. Инсоният сони жиҳатидан 1 млрд.ли чегарага ХІХ асрнинг биринчи чорагида, 2 млрд.га эса ХХ асрнинг ўртасида етиб келди, шундан сўнг ҳар 11 йилда 1 млрд. нафарга ортиб бормоқда. Ҳозирги пайтда сайёрамиз аҳолиси 7 млрд.га етган. БМТ кейинги 50 йил ичида у 9 300 млрд.га етиши ҳақидаги маълумотни келтирган. Бунинг акси, яъни уч ёвуз куч: терроризм, экстремизм ва сепаратизм, шунингдек мутахассисларнинг тадқиқотига кўра, урушлар, табиий офатлар, озиқ-овқат етишмаслиги, шаҳар ва қишлоқларнинг сув остида қолиб кетиши (масалан, Индонезиядаги бундан беш йил аввал цунами оқибатида қарийб 400 минг нафар инсонлар қурбон бўлган) натижасида ер юзи аҳолиси 2050–2060 йилларга келиб, 5 млрд. нафарга тушиб қолиши эҳтимоли ҳам мавжуд экан.

Дунёдаги энг камбағал 48 та мамлакат ва Африкада СПИД эпидемияси туфайли аҳоли кўпайиши секинлашаётганига қарамай, 2050 йилга бориб уч барабар кўпаяди. 1950–1955 йилларда ривожланаётган мамлакатларга аҳоли йиллик ўсишининг 79 % тўғри келган бўлса, 1990–1995 йилларда бу кўрсаткич 95 % га етди. Тахминларга қараганда, 2050 йилга бориб аҳолининг бутун ўсиши «Жануб

мамлакатлари» эвазига юз беради, бу ҳол «Шимолий ва Жанубий яримшарлар ўртасидаги демографик узилиш (фарқ)» номини олди.

Ривожланаётган мамлакатларга туғилишнинг юқори даражаси, кўп болали оналар ва болалар ўлими даражасининг ҳам юқорилиги Туғилиш даражасининг юқорилиги камбағалликни янада кўпайтиради хосдир. Бироқ аҳоли жон бошига тўғри келадиган ЯММ кўпайганида, туғилиш даражаси болалар ўлими даражасидан ортади, кейинчалик эса туғилиш даражаси пасаяди ва кўтарилиш юз бермайди. Ривожланаётган давлатларда аҳолининг ёшариб бориши бу ерда ёш, меҳнатга қобилиятли иш кучининг энг кўп қисми жамланишига олиб келади ва унинг иш билан банд бўлишини таъминлаш кескин ижтимоий муаммога айланади.

БМТнинг тахминларига кўра, 2050 йилга бориб ривожланган мамлакатларда (АҚШ бундан мустасно) аҳоли сони камайиб боради. Бу вақтга келиб сайёрамиз аҳолиси қарийди, чунки инсон умри давомийлиги ортади. 60 ёшлилар ҳозиргига қараганда уч баравар, 80 ёшдан ошганлар беш баравар кўпаяди (масалан, ҳозирги кунда 100 ёшдан ошган аҳоли Японияда 1 миллиондан ортиқ).

Нафақа ёшидаги одамларни таъминлашдан иборат иқтисодий муаммо кучайиб бормоқда. Уларни ҳал қилиш учун турли вариантлар, жумладан пенсияга чиқиш ёшини ошириш Европа мамлакатларида кузатилмоқда.

Ҳозирги дунёда қишлоқ аҳолисининг шаҳарларга кўчиши кўпайиб бораётганлиги кузатилмоқда. 2030 йилга келиб, шаҳарликлар сони ХХI асрнинг бошидагига нисбатан икки баравар кўп бўлиши кутилмоқда. 10 млн.дан ортиқ аҳолига эга бўлган шаҳарлар кўпайиб бормоқда, бу эса таъминот ва муниципал бошқарув муаммосини келтириб чиқармоқда. Дунёнинг аксарият мамлакатлари самарали натижаларга олиб келаётган фаол демографик (туғилишни чеклаш ва бошқаларга оид) сиёсатни ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти (ФАО) маълумотларига қараганда, Ер юзидаги очлар сони тахминан 500 млн. нафар. Дунёда очликнинг турли шакл ва босқичларидан 1 млрд.дан ортиқ кишилар жабр тортмоқдалар.

Ривожланаётган мамлакатларда анъанавий рационлар етарли миқдордаги калорияларни таъминлаши мумкин, бироқ уларда зарур миқдорда оқсил, ёғ ва микроэлементлар мавжуд эмас. Ривожланаётган мамлакатларнинг жаҳон хўжалигига жалб этилганлиги, уларнинг тропик ва техник маҳсулотлар етиштиришга ихтисослаш-

ганлиги кўпинча уларнинг озиқ-овқат билан таъминланиш даражасини пасайтиради. Озиқ-овқат мустақиллигининг йўқлиги бундай мамлакатларни тропик ўсимликлар етказиб бериш квоталарини белгилловчи ривожланган мамлакатларнинг экспорти ва савдо борасидаги сиёсатига тобе қилиб қўяди.

Озиқ-овқат муаммосининг глобал миқёслари уни ҳал этишнинг бутун сайёрамиздаги ишлаб чиқариш ресурсларини оқилона тақсимлаш билан боғламоқда.

XX асрнинг иккинчи ярмида жаҳон зироатчилигида қишлоқ хўжалигини машиналар тизимига ўтказиш, ҳосилдор, гибрит уруғлардан фойдаланиш, агросаноат интеграциясини кенг ривожлантириш ва агросаноат комплексининг шаклланиши, биотехнологик инқилоб каби сифат ўзгаришлари юз берди. Ривожланаётган мамлакатларнинг нормал турмуш учун зарур озиқ-овқат билан таъминлашдаги ютуқларидан комплекс фойдаланиш озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш имкониятини очмоқда.

2.3. Глобаллашувнинг моҳияти

Халқаро муносабатларнинг глобаллашуви муаммоси аста-секин энг юксак даражаларда ўтадиган кўплаб икки томонлама ва кўп томонлама учрашувларда энг асосий (устун) муаммо сифатида баҳолана бошланди. Шу жиҳатдан қараганда, 1999 йилда «еттилик» мамлакатлари раҳбарларининг Германиянинг Кёльн шаҳрида бўлиб ўтган учрашуви Якуний коммюникесининг иккинчи банди, айниқса катта эътиборга сазовордир. Унда глобаллашув жараёнига расмий таъриф берилган.

Биринчидан, глобаллашув – ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқиши жадаллашаётган ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланган.

Иккинчидан, глобаллашув айрим жамиятлардаги турли халқларни ниҳоятда яқинлаштирган очиклик туфайли юзага келган туб ўзгаришлар билан боғлиқ.

Учинчидан, глобаллашув борган сари кучайиб бораётган очиклик ва жадаллик натижаси сифатида бутун ер юзида ҳаёт даражасининг юксалиб боришига ва қашшоқлик даражасининг анча пасайишига ёрдам берувчи шарт-шароит.

Тўртинчидан, глобаллашув интеграциянинг ишлаб чиқариш самарадорлигини рағбатлантириш, имкониятларни кенгайтириш ва

иқтисодиётни ўстириш эвазига кўшимча иш жойлари яратишга имкон бериб улгурган ва бунга давом этадиган янги шакл сифатида қаралмоқда.

Бешинчидан, глобаллашув ахборот соҳасидаги инқилоб билан чамбарчас боғлиқ. Бу инқилоб эса, ўз навбатида, янги жамиятга ўтишнинг шарт-шароити ҳисобланади. Яъни жаҳон цивилизацияси борган сари кўпроқ саноатлашган ва постиндустриал жамиятдан ахборотга асосланган жамиятга ўтиш тамойилига эга бўлмоқда.

Олтинчидан, глобаллашув турли маданиятлар ва кадриятларнинг борган сари кучайиб бораётган ўзаро таъсири сифатида демократик жамиятлар қуриш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларининг кафолатларини шакллантириш тамойилида ифодаланади.

Еттинчидан, глобаллашув айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга ҳам эга.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви, жаҳон иқтисодиёти субъектлари ўзаро алоқасининг кучайиши, иқтисодий жазолар (савдодаги камситиш, экспансия, эмбарго, қамал)нинг ноқонуний ёки номувофиқ қўлланиши халқаро иқтисодий хавфсизлик тизимини ҳуқуқий асосда яратиш масаласини кўймоқда. Бугун халқаро жавобгарлик тақиқларнинг, бошқа давлат ҳуқуқларининг бузилиши, ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш, шунингдек мажбуриятларини бажармасликка ҳам татбиқ этилмоқда.

Мамлакатнинг ички ҳолати унинг ресурс салоҳиятидан фойдаланиши ҳамда давлатлараро муносабатларда обрўсини сақлашига боғлиқ бўлмоқда. Мамлакат ҳаёти ва фаолиятини таъминлашнинг иқтисодий асосини хўжалик билан боғлиқ мақсад ва ниятлар, моддий харажатлар ва иқтисодий фаолиятнинг натижалари ташкил этади.

Глобал иқтисодий сиёсат – бу халқаро сиёсат бўлиб, иқтисодий ресурслар, яратилган товар ва хизматларни дунё мамлакатлари ўртасида тақсимлаб, улардан самарали фойдаланишни мақсад қилиб кўяди. Бу сиёсатда четга капитални инвестиция сифатида чиқариб, уни керакли серфойда соҳаларга жойлаштириш учун ўзаро келишилган солиқлар, банк фоизлари, бож тўловлари, квоталар каби воситалар ишлатилади. Товарларнинг қимматлашиб кетишига йўл бермаслик учун уларга экспорт этилган чоғидаги солиқлар қўйиш

билан чекланиб, улар импортига солиқ белгиланмайди ёки ғоят оз белгиланади. Бу иккиёқлама солиққа тортишни бартараф этиш, деб юритилади. Масалан, кўшилган қиймат солиғи ёки акциз солиқлари товарлар чиқарилган жойда ундирилиб, товарлар импорт қилинган ерда олинмайди. Ўзаро келишувлар асосида импорт қилинган технология ҳам солиқдан озод қилинади. Халқаро савдо-сотиқда енгиллаштирилган божхона тўловлари қўлланилади, бу тўловлар ўзаро келишилган бўлади. Масалан, Халқаро савдо ташкилоти аъзолари ўзаро савдо қилганда, бож тўловлари товар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги талаб қилинади. Бу ташкилотга аъзо бўлмаган мамлакатлар билан савдо-сотиқ қилинганда, оширилган бож тўловлари қўлланилади. Халқаро кредит бериш тартиби ҳам биргаликда белгиланади. Бунга кўра кредит квоталари, кредит муддати ва кредит учун фоиз ўрнатилади. Халқаро кредитда келишилган фоиз ставкаси *либор* деб юритилади. Либорни йирик Лондон банклари ўрнатади, бошқа халқаро банклар шунга қараб ўз фоизларини белгилайдилар. Масалан, 2003 йил учун либор 1,4 фоиз қилиб белгиланди. Бошқа банклар бундан бир оз юқори бўлган фоизлар билан кредит ажратадилар. Халқаро кредит сиёсатини йирик кредитор – қарз берувчи мамлакатлар банклари ҳукумат иштирокида амалга оширадилар. Булар Париж ва Лондон қарз берувчилар клубини ташкил этади. Бу кредит сиёсати кимга ва қанчадан қарз беришни, қайси қарзларни кечиб юбориш, қайси қарзларнинг тўлаш муддатини чўзишни белгилаб беради.

Йирик халқаро корпорациялар давлат иштирокида экспорт ва импорт квоталари ўрнатадилар. Буларга биноан, қаерга қанча товарни экспорт қилиш, қаердан қанча товарни импорт қилиш, экспорт-импорт тартиби аниқлаб берилади. Интеграцион иттифоқларга кирган мамлакатларда, масалан, Европа Иттифоқида, давлатлараро экспорт ва импорт учун қулай шароит яратиб берилади, бунда айрим мамлакатлар товарларини дискриминация қилиш, яъни камситишга йўл берилмайди.

Глобал иқтисодий сиёсатни трансмиллий, яъни миллатлараро корпорациялар, халқаро ташкилотлар, етакчи давлатлар ҳукумати, давлатлараро ҳукумат ва парламент белгилайди. Бунга мисол қилиб, Европарламент, Европа Министрлар кенгаши қўллайдиган сиёсатни олиш мумкин. Бу сиёсатда ўзаро ва бошқалар билан бўладиган иқтисодий алоқаларни қайси йўналишда ва қандай тартибда бўлиши кўрсатилади. Глобал сиёсат умуман ёки

айрим соҳаларга қўлланилади. Трансмиллий корпорациялар фақат ўз фаолияти доирасидаги халқаро сиёсатни белгилайди. Масалан, ОПЕК ташкилоти нефтни қазиб олиш ва қайта ишлаш квоталарини, унинг нархини ўз сиёсатига биноан белгилайди. Бу ерда қабул қилинган нефть нархининг йўлаги ўрнатилади. Халқаро савдо биржалари жаҳон нархларини ўрнатишга доир сиёсатни қўллайдилар.

Халқаро Валюта фонди, Жаҳон банки, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё тараққиёт банки каби халқаро институтлар валюта тартибни мустаҳкамлаш, кредитни ривожлантиришга қаратилган сиёсатни қўллайдилар. Улар миллий валюта курсини барқарорлаштириш ва валюта таҳликасини камайтириш учун миллий иқтисодий ривожлантириб, экспорт салоҳиятини оширишга қаратилган кредит сиёсатини қўллайдилар.

Глобал иқтисодий сиёсат давлатлараро меҳнат миграциясига ҳам тааллуқли бўлади. Меҳнат миграциясини тартибга солиш учун унга оид халқаро қоидалар ишлаб чиқилади. Турли мамлакат ҳукумати ва парламентлари белгилаган миграция қоидалари бир-бирига яқин туради. Миграция оқимини назорат қилиш усуллари ҳам келишилади, миграцияга оид ахборот ўзаро алмашиб турилади.

Глобал сиёсат табиий равишда глобализациянинг афзалликларидан фойдаланиш, унинг салбий жиҳатларини камайтиришга қаратилади.

3. Глобаллашув ва очик иқтисодиёт

Ташқи иқтисодий сиёсат ҳар қандай миллий иқтисодиёт тараққиётини таъминлашнинг муҳим воситасидир. Лекин бир-биридан фарқ қиладиган иккита модел мавжуд.

Биринчи модел жаҳон бозори билан мустаҳкам боғлиқ, экспортга ишлайдиган тармоқлар устунлик қиладиган очик иқтисодиётни вужудга келтиришга қаратилади.

Иккинчи модел божхона тўловлари баланд ва импорт ўрнини босадиган ишлаб чиқаришлар устунлик қиладиган хўжаликларни афзал кўради. Ўзбекистонда хавфсизлик чоралари кўрилган ҳолда, вужудга келадиган очик иқтисодиёт модели асос қилиб олинган.

Умуман олганда, иқтисодиёт *икки хил* бўлади. Булар *ёпиқ* ва *очик* иқтисодиёт. Ёпиқ иқтисодиёт табиатан анъанавий

иқтисодиёт, бу бозор тизимининг ўтмишдошидир. Ёпиқ иқтисодиёт шундай иқтисодиётки, у ўз қобиғига ўралган бўлиб, ташқи дунё билан алоқага киришмайди, ўзини ўзи таъминлаш қоидасига асосланади. Бундай иқтисодиёт консерватив, эскиликни узоқ сақлаб қолади, модернизация (янгилашиш)га мойил бўлмайди. Шу сабабли у истиқболсиз ҳисобланади. Ёпиқ иқтисодиёт тарихий ўтмиш, лекин ҳозирги цивилизациядан ажралиб, ўрмон, чакалакзорларда яшаб қолиб кетган қабилаларда учрайди. Ёпиқ иқтисодиётнинг акси очиқ иқтисодиётдир.

Очиқ иқтисодиёт – бу ташқи иқтисодий алоқаларга киришган, уларнинг афзаллигига таяниб, ривожланиб боровчи иқтисодиётдир. «Очиқ иқтисодиёт» тушунчаси миллий иқтисодиётга нисбатан қўлланилади. Унинг очиклик даражаси турли мамлакатларда ҳар хил, албатта. Бу турли мезонларга қараб аниқланади.

Ҳозирги замон жаҳон хўжалигига очик иқтисодиёт хосдир. Шу боис дунёда экстраналиялар, яъни ижобий ёки салбий ташқи таъсирларга учрамаган мамлакатлар йўқ. Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни шакллантириш йўлида фаол иш бошлаган. Бунда очик турдаги иқтисодиётни шакллантиришнинг асосини мамлакатнинг дунё хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши ташкил этади.

Ўзбекистон очик иқтисодиёт шароитида жаҳон хўжалиги цикллариининг бевосита таъсирига дуч келади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади. Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимига интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ҳамда экспортининг ўсиб боришида ва бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

1. Иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти. Агар экспорт ЯИМга нисбатан қанчалик кўп бўлса, шунчалик очиклик даражаси юқори бўлади. Масалан, Голландияда экспорт ЯИМнинг $\frac{3}{4}$ қисмига тенг бўлганидан, бу ерда очиклик даражаси юқори деб айтиш мумкин.

Ўзбекистон иқтисодиётининг ҳам очиклик даражаси юқори, чунки экспортнинг ЯИМдаги ҳиссаси деярли 40 фоизга етади.

2. *Истеъмолда импортнинг ҳиссаси.* Агар бу ҳисса қанчалик юқори бўлса, шунчалик иқтисодиёт очик ҳисобланади. Аммо бунинг учун импорт кафолатланиши керак. Масалан, Япония ва Италияда озиқ-овқат истеъмолининг 2/3 қисмини импорт ташкил этади. Импортга қараб очиклик даражасига баҳо берилганда айтилган кафолатнинг бўлиши назарда тутилади, чунки шунда иқтисодий хавф-хатар юзага келмайди, аҳоли таъминотида узилишлар бўлмайди.

3. *Иқтисодиётга юбориладиган инвестицияларда хориж инвестицияларининг ҳиссаси ва четга чиқарилган капиталнинг жами капиталдаги ҳиссаси.* Агар ички инвестицияларда хориждан келган маблағлар улуши қанчалик катта бўлса, капитал ташқарига қанчалик кўп чиқса, шунчалик иқтисодиёт очик ҳисобланади.

4. *Меҳнат ресурслари таркибида хориждан кириб келган ва хорижга чиқиб кетган иш кучи ҳиссаси.* Бу кўрсаткич қанчалик ката бўлса, шунчалик мамлакат иқтисодиёти очик ҳисобланади.

Хуллас, миллий иқтисодиётнинг очиклиги товарлар, капитал ва иш кучининг нақадар мамлакатга кириб ва ундан чиқиб туришига қараб белгиланади. Бироқ булар очикликни таъминлашда ҳар хил ўрин тутаяди. Иқтисодиёти кучли мамлакатларда улар иқтисодиётининг очиклигини кўп ҳолларда капиталнинг четга чиқиши, технологиялар экспорти кўп бўлгани ҳолда истеъмол товарлари импортининг катталиги белгилайди. Аксинча, иқтисодиёти ривожланиб улгурмаган мамлакатларда унинг очиклигини белгилашда хомашё ва энергия ресурси ҳамда истеъмол товарлари экспорти, капитал ва технология импортининг устуворлиги асосий ҳисобланади. Иқтисодиётнинг очиклиги ички зиддиятларга эга. Агар очиклик иқтисоди бақувват мамлакатларга устуворлик берса, иқтисоди заиф мамлакатларда чет элга қарамлик ҳосил этади.

Очик иқтисодиётларнинг ривожланиши жаҳон хўжалигини юзага келтирган (XIX–XX асрлар бўсағасида). Ҳозирги замон жаҳон хўжалигига очик иқтисодиёт хосдир. Шу боис дунёда экстраналиялар, яъни ижобий ёки салбий ташқи таъсирларга учрамаган мамлакатлар йўқ.

Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни шакллантириш йўлида фаол иш бошлаганини таъкидладик. Бунда

очик турдаги иқтисодиётни шакллантиришнинг асосини мамлакатнинг дунё хўжалик алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимоотида фаол иштирок этиши ташкил этади. Ўзбекистон очик иқтисодиёт шароитида жаҳон хўжалиги циклининг бевосита таъсирига дуч келади. Давлатимиз раҳбари Ислам Каримов таъкидлаганидек, «барчамиз бир ҳақиқатни англаб етишимиз лозим – Ўзбекистон бугун халқаро ҳамжамиятнинг ва глобал молиявий-иқтисодий бозорнинг ажралмас таркибий қисми ҳисобланади».

Бунинг тасдиғини ташқи дунё билан алоқаларимиз тобора кенгайиб бораётганида, тараққий топган етакчи давлатлар кўмагида иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш, модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича дастурларнинг амалга оширилаётганида, Ўзбекистоннинг халқаро савдо тизимида интеграциялашувида, маҳсулот ва товарлар импорти ва экспортининг ўсиб боришида ҳамда бошқа мисолларда яққол кўришимиз мумкин.

Жаҳон хўжалигига интеграциялашувнинг энг истиқболли ва мақбул бўлган йўналишини белгилаш зарурати ҳам мавжуд. Ҳозир очик миллий иқтисодиётнинг жаҳон хўжалиги билан боғланиши товарлар, иш кучи ва капиталнинг эркин ҳаракати орқали амалга оширилади. Бозор тизимида ўтишда иқтисодий ўсишнинг ташқи манбалари ички манбалари билан бир қаторда тургани учун, ёш мамлакатлар муқаррар равишда байналминаллашув жараёнига кириб боришлари керак бўлади.

4. Ўзбекистоннинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки

Жаҳондаги конфронтация кутблари ўтмишга кетиши билан ва Ўзбекистоннинг мустақилликни мустаҳкамлашдаги сайъ-ҳаракатлари 21 йиллик тараққиёт йўлида ўз натижаларини берди. Ўзбекистон халқаро муносабатларнинг тенг ҳуқуқли субъектига айланди. Шу боис мамлакатимизнинг тенглар ичра тенг муносабатларда халқаро мажбуриятларни Осиё тараққиёт банки Президенти Х. Куроданинг таъбири билан айтганда, «ҳалоллик билан бажараётган давлатга айланди». Ўзбекистоннинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги кўп томонлама ҳамкорлик механизмида иштирок этиши даражаси ортиб бормоқда. Бу ҳол унга

жаҳон хўжалигининг фаол ва тенг ҳуқуқли иштирокчиси ўрнини мустаҳкам эгаллашига имкон бермоқда.

Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотларда фаол иштироки таъминланмоқда. Ўзбекистон БМТ бошчилигида янги таҳдидларга, жумладан халқаро терроризм, уюшган жиноятчилик, наркотрафик, оммавий қирғин қуролларини тарқатиш, экологик хавф ва бир қатор бошқа таҳдидларга қарши курашнинг глобал ва самарали тизимларини яратиш бўйича ташаббус кўрсатишда давом этмоқда.

Ўзбекистоннинг фаол иштирокида дунё мамлакатларининг терроризмга қарши курашувчи тузилмалари билан ҳамкорлик йўлга кўйилди ва чуқурлашмоқда.

Террорчилар содир этаётган инсон ҳуқуқларини қўпол равишда бузиш ҳоллари халқаро ҳамжамиятнинг алоҳида эътиборини талаб қилмоқда. Ўзбекистон БМТда инсон ҳуқуқларини терроризмдан ҳимоя қилиш борасида мустақилликнинг дастлабки йиллариданок ташаббусини билдирмоқда. Ўзбекистон БМТнинг шафелигида, АҚШ ва Россия иштирокида кўшни Афғонистон аҳолисига ёрдам кўрсатишга, уни ижтимоий-иқтисодий тиклашга кўмаклашиш этиш бўйича ҳаракатларни кучайтирмоқда. Ўзбекистон глобал молиявий-иқтисодий муаммоларни тартибга солиш зарурлиги бўйича таклифлар билдириб келмоқда.

Мамлакатимизда туғилишни кўпайтириш ва Ўзбекистон аҳолисининг умрини ошириш муаммосини ҳал қилиш биринчи ўриндаги вазифалардан бирига айлантирилди. Шундай қилиб, Ўзбекистон глобал муаммоларни ҳал қилишда халқаро даражада ҳам, миллий даражада ҳам фаол иштирок этмоқда.

5. Халқаро ва миллий иқтисодий хавфсизлик, унинг вазифалари ва функциялари

Халқаро иқтисодий хавфсизлик деганда ҳамжамият фаолиятининг реал ва имкониятдаги, ички ва ташқи таҳдидлар таъсирида хўжалик манфаатларининг зарар кўрмаслиги ва мустақиллигини таъминлайдиган режими тушунилади.

Иқтисодиётнинг глобаллашуви жаҳон иқтисодиёти субъектлари ўзаро алоқаларининг кучайиши, иқтисодий санкциялар (савдода камситиш, экспансия, эмбарго, қамал), ҳуқуқий асосда халқаро иқтисодий хавфсизлик тизимини яратиш вазифаларини кўяди.

Бугун халқаро жавобгарлик тақиқлар, бошқа давлат ҳуқуқларини бузиш, ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш, шунингдек мажбуриятларни бажармасликка тааллуқлидир.

Мамлакатнинг ички ҳолати ресурс салоҳиятидан фойдаланиш ва халқаро муносабатлардаги обрўсини сақлашга боғлиқ. Мамлакат ҳаёти ва фаолиятини башоратлашнинг иқтисодий асосини хўжалик мақсадлари ва режалари, моддий харажатлар ва иқтисодий фаолият натижалари ташкил қилади.

Сўнгги пайтларда хавфсизликнинг умумлаштирувчи ифодаларидан бири *миллий хавфсизликдир*. Миллий хавфсизлик – мамлакатнинг шундай ҳолатики, унда мамлакат (миллат)нинг ҳаётий муҳим сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, экологик, маънавий, ҳарбий ва бошқа манфаатлари ишончли ҳимоя қилинади, реал ва имкониятдаги ички ва ташқи зарарли таъсирлар, инқирозли ҳолатларнинг таъсири энг кам даражагача пасаяди ҳамда шахс, жамият ва давлатнинг тараққиёти учун қулай имкониятлар таъминланади. Хавфсизликнинг моҳиятини англашда ижтимоий-иқтисодий ёндашув асосий ўрин тутди. Ушбу ёндашувни амалга ошириш ҳодисани объективлик ва субъективлик, моддий ва маънавий жиҳатлар диалектикаси, унинг жамият ижтимоий-маданий маконига тааллуқлиги нуқтаи назаридан текширишга имкон беради.

Хавфсизлик иқтисодий категория сифатида иқтисодиётни, аҳолининг нормал ҳаёти ва фаолиятини, жумладан унинг иш билан бандлиги, иқтисодий жиҳатдан ўсиш имкониятини таъминловчи ривожланиш даражасида сақлашни билдиради.

Глобал (технологик, молиявий, информацион) тизимларнинг жадал ривожланиши барча даражаларда миграция оқимларининг кескин кўпайиши билан кечади. Ушбу ҳол инсон ресурсларини бошқаришнинг янги вазифаларини қўяди. Мамлакатлар, уларнинг гуруҳлари, алоҳида минтақалар ўртасида иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқ давлатлар ичида ва ўртасидаги муносабатларда ижтимоий кескинлик бўлишини истисно этмайди.

Жаҳон тараққиётига халқаро муносабатлар тизимининг жадал ўзгариши хосдир. Унда икки тамойил кўзга ташланади:

1) иқтисодий, сиёсий, илмий-техникавий, экологик ва ахборот омиллари асосида халқаро жараёнларни кўп томонлама бошқариш механизмларини такомиллаштириш жараёнида кўплаб давлатлар ва уларнинг интеграциявий бирлашмалари иқтисодий ва сиёсий позицияларининг мустаҳкамланиши;

2) халқаро ҳамжамиятда АҚШ етакчилигидаги ривожланган мамлакатларнинг устунлик қилишига асосланган тузилмаси яратилиши;

3) халқаро муносабатларнинг ривожланиши табиий, технологик ва ахборот ресурсларидан фойдаланишда, иқтисодий афзалликларни таъминлаш, товарларни сотиш ва капитални киритиш бозорлари учун кураш рақобат билан кечмоқда.

Иқтисодий муносабатларнинг глобаллашуви иқтисодий жиноятчилик – капитални ноқонуний олиб чиқиш ва «халоллаш», солиқ ва бож манипуляциялари, наркотик моддалар ва қурол-яроғни қонунга хилоф тарзда муомалага чиқариш учун шароит яратади.

Бугунги жиноий вазият миқёси бўйича ҳам, давлатнинг фаолият кўрсатиши ва хавфсизлигига таҳдид солиш даражаси бўйича ҳам сифат жиҳатдан янгича ҳодиса. Бу коррупция, жиноий қатламлар ва давлат аппаратининг бирлашиб кетиши, трансмиллий жиноятчилик, терроризм ва наркобизнесни ўз ичига оладиган ҳодисадир.

Иқтисодий хавфсизлик – мамлакатлараро иқтисодий муносабатларни акс эттирувчи ҳамда миллий хавфсизликнинг таркибий қисми ҳисобланувчи мураккаб иқтисодий категория. Бу миллий иқтисодиётнинг мустақиллиги, барқарорлиги, доимий янгиланиш ва ўзини такомиллаштириб боришга интилишини таъминловчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуидир.

Иқтисодий хавфсизликнинг бош вазифаси – мамлакатнинг олий миллий давлат манфаатларига жавоб берадиган ва миллий ресурсларни назорат қилишга асосланган иқтисодий мустақил иқтисодий сиёсат олиб борилишини таъминлаш. Иқтисодий хавфсизлик миллий иқтисодиётнинг барқарорлиги, ўзини ривожлантириш ва тараққий топтиришга қодирлигини кафолатлаши керак.

Миллий иқтисодий хавфсизликка миллий-давлат манфаатларининг амалга оширилишида изчилликни, хўжалик юритувчи субъектларнинг барқарор фаолиятини, аҳолининг ҳаёти ва фаолияти учун нормал шароитни сақлаш қобилияти сифатида қараш лозим. Миллий иқтисодий хавфсизлик хавф-хатар ҳамда иқтисодий манфаатларга бўладиган таҳдидларга қаршилик кўрсатиш тизимини яратиш борасидаги ҳаракатлар мажмуидир. Иқтисодий хавфсизлик – миллий иқтисодиётнинг ижтимоий эҳтиёжларни самарали қондириш ва нормал иқтисодий ривожланишни таъминлаш қобилияти. Бу ташқи ва ички иқтисодий, сиёсий, ижтимоий, ҳарбий, табиий ва техноген

беқарорлаштирувчи таъсирлар чоғида юксак даражадаги барқарорликни сақлаш қобилиятидир.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграция қилиш (қўшилиш) жараёнида миллий иқтисодиётнинг очиқлик чегаралари миллий давлат манфаатларини ҳимоя қилиш соҳаси ҳисобланади. Бир томондан, иқтисодиётнинг ажралганлиги ва биқиклиги мамлакатни жаҳон тараққиётининг четига суриб чиқаради. Бошқа томондан, тўлиқ очиқлик миллий иқтисодиётнинг таназзулига ва ресурсларнинг тор бир гуруҳ мамлакатлардаги молиявий марказларга оқиб кетишига олиб келади. Иқтисодиётнинг очиқлиги ҳозирги молиявий бозорларнинг номукамаллиги, беқарорлиги ва кескин инқирозли таназзуллар туфайли ҳам муайян чегараларга эга бўлиши керак.

Глобаллашув шароитида Ўзбекистонда макро ва корпоратив стратегик бошқарув ва режалаштиришнинг янги шаклларига эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон мамлакат товар ишлаб чиқарувчилари учун ички ва ташқи бозорда қулай шароитни таъминлаш мақсадида бозор хўжалигининг замонавий институтлари, корпоратив бошқарув механизмлари, молия банк тизимини яратиш йўлида чора-тадбирларни амалга оширмоқда. Бу геосиёсий стратегия ва глобаллашув жараёнлари нуқтаи назаридан ички ва ташқи таҳдидларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Таянч тушунчалар:

Жаҳон хўжалиги, халқаро меҳнат тақсимоти, халқаро такрор ишлаб чиқариш жараёнлари, халқаро иқтисодий муносабатлар, янги халқаро иқтисодий тартиб, глобаллашув, очиқ иқтисодиёт, мамлакатлар рақобатбардошлиги.

Савол ва топшириқлар:

1. Жаҳон хўжалиги нима?
2. Жаҳон хўжалиги қандай қарор топишини тушунтириб беринг.
3. Жаҳон хўжалигининг ривожланиш босқичларини эсланг.
4. Жаҳон хўжалиги қандай мамлакатлардан ташкил топган?
5. Глобаллашув нима?
6. Глобал иқтисодий сиёсатнинг моҳияти қандай?
7. Глобаллашувнинг расмий таърифларини келтиринг.
8. Очиқ иқтисодиёт нима?

9. Халқаро муносабатларимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг қайси моддалари билан тартибга солинади?

10. Қандай халқаро иқтисодий ташкилотларни биласиз?

11. Янги халқаро тартибнинг мазмуни ва у таянувчи уч қондани тушунтиринг.

12. Антиглобалистлар ҳаракати ҳақида гапириб беринг.

13. Ёпиқ иқтисодиёт нима?

14. Глобаллашув жараёнларида Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий стратегияси ҳақида нималарни биласиз?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Глобаллашув – иқтисодиёт субъектларининг глобал миқёсдаги ўзаро алоқадорлигининг кучайиши, буларнинг аҳоли ҳаётининг ҳуқуқий, ижтимоий, демографик, диний ва бошқа томонларига таъсири.

Жаҳон хўжалиги – ягона жаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёни бўлиб, халқаро меҳнат тақсимотига асосланади ҳамда институционаллашган халқаро иқтисодий муносабатлар тизими орқали амалга оширилади.

Жаҳон такрор ишлаб чиқариш жараёни деганда жаҳон хўжалиги доирасидаги ишлаб чиқаришнинг мунтазам янгиланиб, ўсиб бориши тушунилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар (ХИМ) мамлакатлар иқтисодий субъектларининг хўжалик алоқаларидир.

Халқаро меҳнат тақсимоти – алоҳида мамлакатларнинг муайян неъматлар ва хизматлар яратишга ихтисослашуви ва ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар муайян турларининг айирбошлашуви тушунилади.

Ёпиқ иқтисодиёт деганда ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар муайян мамлакат ичкарисида яратилади ва ўша ерда сотилади. Барча ички даромадлар ва харажатлар шу мамлакатнинг ялпи ички маҳсулотини ташкил этади.

Очиқ иқтисодиёт деганда шундай макроиқтисодиёт тушуниладики, унда яратилган маҳсулотнинг бир қисми мамлакат ички истеъмолга, қолган қисми хорижга экспорт қилинади.

Жаҳон хўжалиги ёки жаҳон иқтисодиёти – бу ўзаро боғлиқ ҳамда жадал ривожланишда бўлган ва жаҳон иқтисодий тизимини ташкил қилган миллий хўжаликлар мажмуи.

Жаҳон иқтисодиёти тизимининг асосий элементлари қуйидагилар: миллий хўжаликлар, трансмиллий корпорациялар, интеграциявий бирлашмалар, халқаро иқтисодий ташкилотлар.

Жаҳон иқтисодиёти тизимида давлатларнинг ташқи иқтисодий алоқалари интеграцияловчи, бирлаштирувчи роль ўйнайди. Унинг асосида моддий ва маънавий неъматларни халқаро ва миллий миқёсда

ишлаб чиқариш, уларни тақсимлаш, айирбошлаш ва истеъмол қилиш ётади.

Жаҳон иқтисодиёти фаолиятининг асосий мақсади – инсон эҳтиёжларини қондириш.

Жаҳон хўжалигининг иқтисодий тузилиши – тармоқлар, минтақалар, корхоналар ўртасидаги нисбат, шунингдек ялпи маҳсулотнинг ишлаб чиқарилиши ва истеъмолидаги мутаносибликлар.

Жаҳон иқтисодиётининг таркибига қуйидаги элементлар киради: тармоқ, такрор ишлаб чиқариш, ҳудудий, ижтимоий-иқтисодий тузилмалар (кичик тузилмалар).

Иқтисодий ривожланиш омиллари – булар фаол ишлатиладиган иқтисод элементлари: ер, меҳнат, капитал, ахборот, тадбиркорлик қобилияти, фан-техника тараққиёти (бу ўз навбатида қолган мазкур омиллар самарадорлигининг ошишини таъминлайди). Ушбу зарур омилларнинг керакли жойда ва керакли вақтда жамланиши иқтисодиётнинг ривожланишини таъминлайди.

Иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари бу иқтисодий ривожланишда етакчи ўрин тутувчи иқтисодий субъектлар: тадбиркорлик, давлат.

Иқтисодий ривожланиш шароитлари – иқтисодий тараққиётнинг боришини таъминловчи алоҳида, аниқ ҳолатлар. Зарур шароитларнинг яратилиши иқтисодиётнинг бошқарилиши, иқтисодий вазиятнинг таҳлил қилиниши ҳамда башорат қилиниши, самарали менежментни таъминлайди.

Жаҳон иқтисодиётининг нотекис ривожланиши – жаҳон иқтисодиётининг нотекис ривожланиши унинг давомий хусусиятида намоён бўлади (қисқа муддатли давр икки йил, ўрта муддатлиси 5–7 йил, узок муддатли давр 40–60 йил). Секинлашиш (пасайиш тўлқини) ва тезлашиш (юксалиш тўлқини) даврлари кетма-кет алмашиб келади ҳамда бир қатор омилларнинг динамикаси (фан-техника тараққиёти ва бошқалар) билан боғлиқдир.

Ишлаб чиқариш ва капиталнинг байналминаллашуви – миллий хўжаликларнинг ишлаб чиқариш ва инвестициялар соҳасида жаҳон бозорига боғлиқлигининг кучайиши.

Трансмиллийлашув – корхоналар ва улар филиалларининг хорижда жойлаштирилиши, унинг халқаро меҳнат тақсимооти чуқурлашувига имкон яратиши.

Интеграция – миллий хўжаликларнинг яқинлашуви ва ўзаро мослашуви.

Халқаро иқтисослашув – бу бир ёки бир қанча мамлакатларда ўз ички эҳтиёжларини ва манфаатдор мамлакатларнинг эҳтиёжларини

кондириш учун бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилишининг жамланишидир.

Ихтисослашувнинг куйидаги шакллари ажратилади:

1) ишлаб чиқаришнинг ихтисослашуви – тармоқлараро ёки тармоқ ва фирма ичидаги;

2) ҳудудий – мамлакатлар ва минтақалар бўйича, минтақалар ичида;

3) предметли (муайян маҳсулотни ишлаб чиқариш);

4) деталли (деталлар, қисмлар, ярим фабрикатлар ишлаб чиқариш);

5) технологик (ишлаб чиқариш технологияларини ишлаб чиқариш).

Халқаро меҳнат тақсимоти – ўзаро боғлиқ ишлаб чиқариш тизими бўлиб, бунда турли мамлакатларнинг корхоналари муайян товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқаришга ихтисослашадилар ва кейинчалик уларни ўзаро айирбошлайдилар. Халқаро меҳнат тақсимотида ишлаб чиқариш билан шуғулланмайдиган корхоналар (суғурта, инвестиция компаниялари, брокерлик, аудиторлик, венчур (таваккал), лизинг корхоналар) ҳам иштирок этади.

Халқаро кооперация – икки ёки ундан ортиқ мамлакат корхоналарининг ягона ишлаб чиқариш дастурини бажариш ёки маҳсулотни техник жиҳатдан такомиллаштириш манфаатлари йўлида бирлаштирилишидир.

Мавзу юзасидан айрим хулосалар:

1. Жаҳон хўжалиги ёки жаҳон иқтисодиёти – бу бир-бирини тақозо этувчи, ўзаро боғлиқ, жадал ривожланишда бўлган ва жаҳон иқтисодий тизимини ташкил қилган миллий хўжаликларнинг мажмуи бўлиб, иқтисодий яхлитликни ташкил этади.

Жаҳон хўжалиги ёки иқтисодиёти уч гуруҳ мамлакатлар, яъни иқтисодиёти юксак ривожланган, иқтисодиёти ўртача ривожланган ва иқтисодиёти қолоқ мамлакатлардан иборат.

2. Ҳозирги замон жаҳон хўжалигига очик иқтисодиёт хосдир. Шу боис дунёда экстраналиялар, яъни ижобий ёки салбий ташқи таъсирларга учрамаган мамлакатлар йўқ. Ўзбекистон суверен давлат сифатида очик иқтисодиётни шакллантириш йўлида фаол иш бошлаган. Бунда очик турдаги иқтисодиётни шакллантиришнинг асосини мамлакатнинг дунё хўжалиги алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида фаол иштирок этиши ташкил этади. Бу эса хавфсизлик чораларини кўришни ҳам тақозо этади.

3. Жаҳон хўжалигининг вужудга келишида халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашининг қарор топиши ва ривожланиши муҳим шарт-шароит ҳисобланади. Шунингдек, глобаллашув, яъни ғоялар, капитал, техника ва товарларнинг бутун дунё бўйлаб оқиши жадаллашаётган ва кенг миқёсга эга бўлиб бораётган мураккаб жараён сифатида баҳоланмоқда.

4. XXI асрда глобаллашув айрим ишчилар, оилалар ва элатлар учун яшаш жойини ўзгартириш ва молиявий ноаниқлик билан боғлиқ хавф-хатарнинг ортишида намоён бўладиган муайян таҳдидларга ҳам эгаллигини назарда тутиш лозимки, бу ҳар бир мамлакатдан иқтисодий хавфсизлик чораларини кўришни талаб этади.

5. Глобаллашув ҳар бир мамлакат миллий иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг бир қисмига айланиб, ундаги ўзгаришларнинг бевосита таъсирига берилиш жараёнидир. Глобаллашувнинг мазмун-моҳияти иқтисодиётнинг умумбашарий тус олиши, миллий иқтисодиётлар ривожининг ташқи иқтисодий алоқаларга боғлиқ бўлиб қолишидир.

21- МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДО. ХАЛҚАРО ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1. Жаҳон бозори ва халқаро савдонинг аҳамияти

XIX асрнинг биринчи ярмида йирик фабрика- завод саноатининг пайдо бўлиши уларнинг маҳсулотларини бутун дунёда ўтказилишига олиб келди. Давлатлараро савдонинг локал марказлари ягона (умумий) жаҳон бозорига айланди. Унинг шаклланиши XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошида яқунланди.

Жаҳон бозори – бу халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув асосида шаклланган ва иқтисодий муносабатлар орқали ўзаро боғланган алоҳида мамлакатлар миллий бозорлари мажмуидан иборат. Мазкур бозор ўз таркибига савдони, капитал ҳаракатини, валюта муносабатларини, ишчи кучи миграциясини, илмий-техника ҳамкорлигини ва бошқа шу каби йўналишларни қамраб олади. Зеро, кўплаб ташкил этилаётган қўшма корхоналар, эркин иқтисодий зоналар, трансмиллий компаниялар миллий хўжаликларни жаҳон бозори атрофида бирлаштиради.

Жаҳон савдоси халқаро бозорда амалга оширилиши ҳеч кимга сир эмас. Шу боис халқаро савдо халқаро иқтисодий муносабатларнинг етакчи шакли ҳисобланади. Жаҳон бозори, шунингдек халқаро меҳнат тақсимотига асосланган мамлакатлар ўртасидаги барқарор товар-пул муносабатлари соҳасидир.

Жаҳон бозорига қуйидагилар хосдир:

- 1) давлат доирасидан ташқарига чиқариладиган товарлар ишлаб чиқариш;
- 2) товар ва хизматларнинг давлатлар ўртасида кўчиб юриши;
- 3) ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг мақбуллашуви (оптималлашуви);
- 4) фанация функцияси.

Товар савдо-сотиғи ишлаб чиқариш омиллари нархи (баҳоси) нинг ўзгаришига олиб келади, бу эса ишлаб чиқариш омилларининг мамлакатлараро кўчиб юришини келтириб чиқаради. Ишлаб чиқариш омиллари кўчиб юриши билан жаҳон савдосининг ҳажми ўсади, чунки улар самаралироқ фойдаланиши мумкин бўлган мамлакатларга кўчади. Ишлаб чиқариш омиллари (капитал, меҳнат)нинг халқаро мобиллиги (кўчиб юриши) иқтисодий ўсиш суръатларини жадаллаштиради.

Халқаро савдо – дунёдаги барча мамлакатлар ташқи савдосининг мажмуидан иборат халқаро товар-пул муносабатлари соҳасидир. Халқаро савдо икки қарама-қарши оқим – экспорт ва импортдан иборат. Унга савдо сальдоси ва савдо айланмаси хосдир.

Халқаро савдонинг хусусиятлари. Иқтисодий ресурслар ҳаракатчанлигининг мамлакатлар ўртасида улар ичкарасига қараганда анча суст кечиши кузатилади. Ҳар бир мамлакат халқаро савдода турли валюталардан фойдаланади. Жаҳон амалиётида ички савдога нисбатан сиёсий аралашув ва назорат қилиш даражаси юқорилиги кузатилади.

А. Смитнинг «мутлақ устунлик» назарияси. Бунга кўра қандай товарларни экспорт, қайсиларини импорт қилишнинг афзалликлари тўғрисидаги қарашларини баён қилишда миллий ҳамда жаҳон нархлари, уларнинг ишлаб чиқариш харажатлари мутлақ миқдори ўртасидаги фарқни ҳисобга олади.

Бошқача айтганда, мазкур назария харажатларнинг мутлақ миқдорига асосланади. Унга кўра, ҳар бир мамлакат ўзида камроқ харажат сарфланадиган маҳсулотларни ишлаб чиқариш, анча юқори харажатларни тақозо қиладиганларини эса ташқаридан сотиб олиши лозим.

Д. Рикардонинг «нисбий устунлик» назарияси. Халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашишнинг умумий тамойилларига асосланиш орқали аниқланадиган харажатлар нисбатидаги фарқ (аввало, табиий-географик шароитлари туфайли келиб чиқадиган)

айнан олинган мамлакатда қайси товарларни ишлаб чиқариш, қайсиларини айирбошлаш орқали четдан олиш лозимлигини кўрсатади.

Конъюнктура деганда жаҳон иқтисодиётининг ривожланишини, алоҳида олинган мамлакатнинг иқтисодий аҳволини, бозорнинг бирор соҳаси ривожланишини белгилловчи омиллар ва шарт-шароитлар мажмуи тушунилади. Жаҳон бозорида иқтисодий вазият кескинлашмоқда. XXI асрнинг дастлабки ўн йиллигида халқаро савдода қуйидаги ўзгаришлар рўй берди: жаҳон бозорида АҚШнинг етакчилик мавқеи пасайиб, бошқа ривожланган мамлакатлар, хусусан Хитой, Япониянинг мавқеи ортиб бормоқда. Жаҳон экспортида янги индустриал мамлакатлар (Сингапур, Жанубий Корея, Хитой, Бразилия, Мексика)нинг ҳиссаси ортмоқда. Ишлаб чиқариш модернизацияси натижасида халқаро савдонинг товар таркиби ўзгармоқда. Жаҳон экспортида фан сиғими, юқори мураккаб инновацион аҳамиятли маҳсулотлар, электр-техника ускуналари, транспорт воситаларининг ҳиссаси ортиб бормоқда. Жаҳон бозори савдо айланмаси таркибида қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг улуши қисқариб, енгил саноат маҳсулотлари улуши ортаётгани кузатилмоқда. Жаҳон экспортида хизматлар улуши тўхтовсиз ўсиб бормоқда.

Жаҳон нархлари – бу жаҳон савдо марказлари (Лондон металл биржаси, Чикаго савдо биржаси каби)нинг баҳолари. Дунё нархларининг қуйидаги турлари ажратилади:

1) эркин конвертация қилинадиган ва қилинмайдиган валютадаги тўловлар билан амалга ошириладиган битимлар бўйича нархлар;

2) трансферт (фирма ичидаги) нархлар, булар тижорат сирини ҳисобланади;

3) савдога тааллуқли бўлмаган операциялар бўйича нархлар.

Товарларга бўлган контракт (шартномавий) нархларнинг қуйидаги турлари қўлланилади:

1) қатъий нарх;

2) битим ижро этилаётган пайтдаги муайян (аниқлик киритилган) нарх;

3) бозор нархининг шартномавий нархдан муайян миқдорга ошганини инобатга олувчи нарх;

4) ўзгарувчан (сирпанувчан) нарх, у айрим харажатларнинг ўзгаришига боғлиқ;

5) аралаш нарх (нархнинг муайян қисми белгилаб кўйилади, бошқаси эса ўзгарувчан хусусиятга эга бўлади).

Контракт нархларнинг хусусияти товарларни етказиб бериш муддатини инобатга олади ва сотувчини инфляция туфайли зарар кўришдан ҳимоя қилади. Ўзгарувчан нархларни ҳисоблаганда эълон қилинувчи индекслар кўлланилади, бу эса харидорни сотувчининг нархларни ошириб кўрсатишидан ҳимоя қилади.

Дунё нархларини иқтисодий ва статистик таҳлил қилишда уларни икки гуруҳга ажратиш қабул қилинган: қайта ишловчи саноат маҳсулотига бўлган нарх ва хомашё нархи.

Қайта ишловчи саноат маҳсулотининг экспорт нархи учун асос сифатида ишлаб чиқарувчиларнинг ўзлари тўлиқ ва бевосита харажатлар усуллари билан шакллантирадиган ички бозор нархлари хизмат қилади.

Тўлиқ харажатлар усули бўйича маҳсулот ишлаб чиқариш харажатларига кутилаётган фойда ҳажми кўшилади ҳамда кутаётган даромад аниқланади. Ушбу даромаднинг миқдори ҳар ойда ишлаб чиқариладиган маҳсулотга бўлинади. Шу тариқа ҳар бир буюмнинг нархи аниқланади.

Бевосита харажатлар усули бўйича барча харажатлар юк хати (шартли-доимий) ва бевосита (ўзгарувчан) харажатларга бўлинади. Бевосита харажатлар усули бўйича баҳо белгилаш асосан бевосита (ўзгарувчан) харажатларни инобатга олади. Доимий харажатлар сотув нархлари билан ўзгарувчан харажатлар ўртасидаги фарқ, яъни кўшилган (маргинал) фойда билан қопланади.

Фирмалар эълон қилинган (прейскурант) нархларни ўзгартирмаган ҳолда, уларни ошириши ёки тушириши мумкин. Бунинг учун етказиб бериш шартлари, сифати, ўрами (қутиси) ва шу кабилар учун устамалар ёки чегирмалар тизимидан фойдаланадилар ёхуд товарларни шартномавий нархлар бўйича сотадилар (улар саноат ускуналари, яримфабрикатлар ва материаллар сотувининг 80–90 фоизини қамраб олади).

Хомашё (энергоресурслар, минерал хомашё, ўғитлар, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, рангли металллар) бозорида баҳо белгилашнинг хусусиятларини асосий ишлаб чиқарувчиларнинг нархларини, экспорт қилувчи ва импорт қилувчи давлатларнинг алоҳида ролини, талаб ва таклифни ҳисобга олиш ташкил қилади. Бир хил товарларга бўлган дунё ва ички нархлар кўпинча ўзаро мос келмайди. Ташқи бозорларни эгаллаш учун ички нархлардан ёки товар қийматидан

анча паст бўлган демпинг нархлардан фойдаланилади. Демпинг харажатлари товарларнинг ички бозорда сотилишидан келган ўта юқори фойдалар ҳисобидан қопланади.

Баҳо белгилашга таъсир этувчи омиллар қуйидагилардан иборат:

1) экспорт қилувчи мамлакатлар иқтисодий тараққиётининг даражаси (прогрессив маҳсулот, юқори даражадаги меҳнат унумдорлиги, малакали иш кучига сарфланадиган харажатларнинг камлиги, асосий капиталнинг юқори суръатларда янгилашиши нархларни пасайтириш ва маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш имконини беради);

2) нархларнинг инфляция таъсирида кўтарилиши (ишлаб чиқариш харажатларининг ортиши маҳсулот нархининг ўсишига олиб келади);

3) аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи миллий маҳсулот ҳажми.

Шундай қилиб, товарлар ишлаб чиқаришнинг миллий ва байналминал қиймати ўртасидаги фарқларда намоён бўладиган қиймат қонуни жаҳон бозоридаги битимлар нархига бевосита таъсир кўрсатади ҳамда халқаро меҳнат тақсимотининг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади. Мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий алоқалар халқаро ҳисоб-китоблар асосида олиб борилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар – бу турли мамлакатларнинг ҳукуматлари, корхоналари, муассасалари ва фуқаролари ўртасида юзага келадиган пул талабномалари ва мажбуриятлари бўйича тўловларни тартибга солиш тизимидир. Халқаро ҳисоб-китоблар турли шаклларда – нақд пулга, кредитга, олдиндан бажарилган тўлов (аванс тўлов) бўйича амалга оширилади. Жаҳон савдосида битим нархининг 80–90 фоиз тўланадиган, қолган қисми эса шартнома бўйича белгиланган муддатларда нақд пул билан тўланадиган кредитдан кенг фойдаланилади. Халқаро савдода хизматлар муҳим ўрин эгаллайди.

Хизмат деганда моддий маҳсулотда ўз ифодасини топмайдиган, балки истеъмолчи эга бўладиган муайян фойдали самарада намоён бўладиган пулли фаолият тушунилади. *Хизмат*, шунингдек ҳаракат натижасида ва бошқа институционал бирлик билан ўзаро келишув асосида юз берган институционал бирлик ҳолатининг ўзгаришида намоён бўлади. Маълумот ўрнида келтирсак, жаҳон савдо ташкилотининг таснифига кўра, 600 дан ортиқ турдаги хизматлар мавжуд. Халқаро валюта фондининг тўлов балансини тузиш бўйича

йўриқномасига мувофиқ, тўлов балансида инобатга олинадиган савдо хизматлари таркибига 11 турдаги хизматлар (транспорт, қатнов (саёҳат), алоқа, қурилиш, суғурта, молия, ахборот, лицензиялар, бизнес хизматлар, маданият, ҳукумат ташкилотларига товарлар етказиб бериш) киради.

Истеъмолчига етказиб бериш усулларига кўра, хизматларнинг инвестицион (банк, меҳмонхона ва бошқалар), савдо (транспорт, суғурта ва бошқалар), савдо-инвестиция (алоқа, қурилиш, ахборот ва бошқа) турлари ажратилади. Хизматлар омилли (капитал, меҳнат, технологияларнинг мобиллиги билан боғлиқ тўловлар) ва омилсиз (хизматларнинг қолган турлари) бўлиши мумкин.

Хизматлар билан савдо қилиш хусусиятини сотувчи ва харидорнинг битим тузиш вақтидаги алоқасининг мавжудлиги ташкил қилади. Хизматлар савдосида битимлар тузишнинг қуйидаги шартлари мавжуд:

- 1) харидорнинг мобиллиги (туризм, тиббий ёрдам ва бошқалар);
- 2) сотувчининг мобиллиги (қурилиш, аудит ва бошқалар);
- 3) бир вақтнинг ўзида сотувчи ва харидорнинг мобиллиги ёки хизматнинг ўзининг мобиллиги (халқаро телефон сўзлашуви, учинчи мамлакатдаги халқаро конференция кабилар).

Жаҳон хизматлар таркибида хусусий сектор, транспорт хизматлари етакчи ўрин тутаяди. Хизматлар қиймати ҳажмининг 75 фоизи ривожланган мамлакатлар томонидан экспорт қилинади. Жаҳон иқтисодиёти нуқтаи назаридан хизматларнинг энг муҳим тури транспорт хизматларидир (товар ва йўловчиларни халқаро миқёсда ташиш).

Молиявий лизинг ижарага берувчининг харажатлари қопланиши ва унга фойда таъминланишини назарда тутаяди. Ижарачи ижара муддати тугаганидан сўнг, ижара предметини қайтариши, уни қолдиқ қиймати бўйича сотиб олиши ёки яна ижарага олиши мумкин.

Ишлаб чиқариш (оператив) лизинги ижарага олинаётган техниканинг амортизация давридан камроқ муддатга фойдаланилади, шу боис ижара ставкалари юқорироқ бўлади. Лизинг компанияси ускунани хорижий фирмадан сотиб олиши ва ўз мамлакатига ижарага бериши (*импорт лизинг*) ёки аксинча бўлиши (*экспорт лизинг*) мумкин.

Хизматлар билан савдо қилишда консалтинг хизматлари (аудит, бошқарув маслаҳатлари ва бошқалар), воситачилик кенг тарқалган.

Жаҳондаги турли мамлакатлар маҳсулот ишлаб чиқарувчилари ўртасидаги алоқанинг асосий шаклларида бири *ташқи савдо фаолиятидир*. Ўзбекистоннинг ташқи савдоси товар, хизмат ва капитал билан мамлакатлараро алмашув (кредитлар олиш)ни ўз ичига олади. Ўзбекистон ташқи савдосининг таркибига унинг қуйидаги турлари киради: экспорт, импорт, транзит савдо (товарни хорижда сотиб олиш ва айни вақтда учинчи мамлакатга сотиш), товарларни қайта экспорт ёки қайта импорт қилиш, лицензияли савдо келишувлари ва бошқалар.

Ўзбекистоннинг жаҳон мамлакатлари билан ташқи савдо муносабатларини ривожлантиришига қуйидагилар асосий таъсир кўрсатмоқда:

- 1) жаҳон савдосининг либераллашуви (эркинлашуви);
- 2) жаҳон савдо ташкилоти қоидалари бўйича жаҳон савдосининг тартибга солиниши;
- 3) халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви, техника тараққиёти таъсирида ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви.

Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида саноати ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги оралик ўринни эгаллайди. Ўзбекистон жаҳон иқтисодиётида сезиларли ўрин эгаллайди. Дунёнинг 210 дан ортиқ мамлакатлари орасида Ўзбекистон ўзининг табиий ресурс ҳамда ишлаб чиқариш салоҳияти бўйича ўта муҳим мавқега эга. 2012 йилнинг 1 январь маълумотларига кўра, худуди бўйича 55-ўринда, аҳоли сони бўйича дунёда 39-ўринни эгаллайди. Кумуш, вольфрам, фосфарит, калий тузи, нодир металллар ва бошқа қимматбаҳо минераллар, жумладан, олтин захираси бўйича 4-ўринда, уран захираси бўйича 7-ўринда, молибден бўйича 8-ўринда, миснинг аниқланган захираси бўйича 10-ўринда, табиий газ бўйича 14-ўринни эгаллаб, дунёнинг етакчи давлатлари сирасига киради. Экин майдонлари бўйича 11-ўринда туради, кадмий қазиб олиш бўйича 3-ўринда, уран қазиб олиш бўйича 6-ўринда, олтин ва табиий газ бўйича 8-ўринда, молибден қазиб олиш бўйича кучли ўн бешликка киради.

Қорақўл ишлаб чиқариш бўйича 2-ўринда, пахта бўйича 5-ўринда, ипак тола бўйича 6-ўринда туради. Ўзбекистон олтингугурт кислотаси, азотли ўғитлар, минерал мойловчи материаллар ва парафин, пахта толаси ва газламалар, томат пастаси, қуруқ мевалар, боғдорчилик ва узумчилик маҳсулотлари, жун етиштириш бўйича дунёнинг иккинчи ўнталик мамлакатларига киради.

Пахта толаси экспорти бўйича иккинчи, уран экспорти бўйича учинчи ўринда туради. Ўзбекистоннинг жаҳон савдосидаги иштирокини кенгайтириш шартларини қуйидагилар ташкил қилади:

1) Ўзбекистон товарларининг дунё бозорларидаги рақобатбардошлиги;

2) ташқи савдо тузилишининг ривожланиши;

3) миллий иқтисодиётнинг жадал ривожланиши.

Ўзбекистон савдосининг географик тузилиши икки асосий йўналиш билан ажралиб туради: МДХ мамлакатлари ва узоқ хориж мамлакатлари.

Узоқ хориж минтақаларининг улуши мамлакатимизнинг бутун ташқи савдо айланмаси ўсиб бориш тенденциясига эга бўлмоқда.

Ўзбекистоннинг асосий савдо шерикларига қуйидагилар киради: Германия, Нидерландия, Италия, Хитой, Туркия, Польша, Швейцария, Буюк Британия, АҚШ ва Финляндия. Европа Иттифоқига Ўзбекистон товар айланмасининг 52,1 фоизи, МДХ мамлакатларига – 15,3 фоизи, Осиё ва Тинч океани мамлакатларига 16,1 фоизи тўғри келади.

Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкори Германия бўлиб, унинг Ўзбекистон ташқи савдосидаги улуши 10 фоиздан ортиқдир. Ўзбекистон Германиянинг ташқи савдо айланмасида 14-ўринни эгаллайди (2 фоиз). Ўзбекистоннинг экспорти анъанавий равишда хомашё йўналишига эга. Экспорт таркибидаги қиймати бўйича ёнилғи-энергетика товарларининг улуши XXI асрнинг биринчи ўн йиллигида – 46,2 фоизни, қора ва рангли металллар – 15,5 фоизни, машина, ускуналар, транспорт воситалари – 10 фоизни ташкил этди.

Ўзбекистоннинг импортида асосий ўринни машинасозлик (47,7 фоиз), озиқ-овқат ва уни ишлаб чиқариш учун хомашё (17 фоиз), кимё маҳсулотлари (18,1 фоиз) ташкил қилади.

Ташқи савдони давлат томонидан тартибга солишнинг мақсади – Ўзбекистон ташқи савдо айланмасини хомашё экспорт қилиш ва истеъмол товарларини импорт қилишдан фан ютуқларини ўз ичига олган, юқори технологик тармоқларга, дунёнинг етакчи давлатлари, айниқса, Осиё мамлакатлари билан савдо-сотикни ривожлантиришга йўналтириш эвазига тўлов балансининг мақбул тузилишини таъминлашдир. Булар Ўзбекистон миллий иқтисодиётининг саноати ривожланган мамлакатлар билан хўжалик алоқаларини кенгайтиришдек объектив эҳтиёжи билан боғлиқ.

Ўзбекистоннинг 1990–2010 йиллардаги ташқи савдо динамикаси ва таркиби. Ўзбекистон Республикасининг иқтисодиёти

муствақиллик қўлга киритилгунга қадар асосан собиқ Иттифок республикаларини хомашё ресурслари билан таъминлашга йўналтирилган эди. Истеъмол маҳсулотларининг асосий қисмини республикамизда ишлаб чиқариш имкониятининг мавжудлигига қарамасдан, улар четдан келтирилар эди.

1990 йилда Ўзбекистон ташқи савдо айланмаси 805,6 миллион долларни, жумладан, экспорт 442,7 миллион долларни, импорт 362,9 миллион долларни ташкил этган. Ижобий сальдо эса 80 миллион доллар атрофида бўлган эди. Ўтган 1991–2011 йилларда ташқи савдо айланмаси 27,1 баробар ўсди, шу жумладан, экспорт ҳажми 29,5 баробар, импорт 24,2 баробар ошди. Бу жараёнда ташқи савдонинг ижобий сальдоси 53 баробар ортиб, олтин-валюта захираларининг юқори даражада ўсиши ва миллий валюта барқарорлигини таъминлади.

Экспорт ва импорт таркиби тубдан ўзгарди. Ўзбекистон четга хомашё чиқарадиган ва тайёр маҳсулотлар, асосан истеъмол товарларини олиб кирадиган мамлакатдан бугунги кунга келиб, қўшилган қиймати юқори бўлган тайёр маҳсулотларни экспорт қиладиган ва техник ҳамда технологик модернизация қилишга мўлжалланган юқори технологиялар асосидаги ускуналарни импорт қиладиган мамлакатга айланиб бормоқда.

1-жадвал

Ўзбекистоннинг ташқи савдо таркиби

Ўзбекистоннинг ташқи савдо таркиби	1990 йил	2000 йил	2010 йил
Ташқи савдо айланмаси, миллион доллар	805,6	6212,1	21842,2
Экспорт, миллион доллар	442,7	3264,7	13044,5
Импорт, миллион доллар	362,9	2947,4	8799,7
Сальдо (+, –), миллион доллар	79,8	317,3	4244,8
Экспорт (фоиз)	100	100	100
Пахта толаси	59,7	27,5	11,3
Озиқ-овқат маҳсулотлари	3,9	5,4	9,7
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	2,3	2,9	5,1
Энергия ва нефть маҳсулотлари	17,1	10,3	24,8
Қора ва рангли металллар	4,6	6,6	6,8
Машина ва ускуналар	1,7	3,4	5,5

Хизматлар	1,3	13,7	9,1
бошқалар	9,4	30,2	27,7
Импорт (фоиз)	100	100	100
Машина ва ускуналар	12,1	35,4	44,1
Кимёвий маҳсулот ва ундан тайёрланган маҳсулотлар	9,7	13,6	14,3
Энергия ва нефть маҳсулотлари	3,1	3,8	6,0
Қора ва рангли металлар	10,2	8,6	8,4
Озиқ-овқат маҳсулотлари	48,9	12,3	10,9
Хизматлар	1,5	8,5	4,7
бошқалар	14,5	17,8	11,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси

Экспортнинг товар таркибини диверсификация қилиш туфайли мамлакатимиз пахта яккаҳокимлиги оқибати бўлган пахта толаси экспортига қарамликдан халос бўлди. Унинг экспортдаги улуши камайиб, 1990 йилдаги 59,7 фоиздан 2010 йилда 11,3 фоизга тушди. 1990 йилда экспортнинг умумий ҳажмида хомашё ҳисобланмайдиган товарлар улуши 30 фоиздан камроқ бўлган бўлса, ҳозирги кунда бу кўрсаткич 70 фоиздан зиёддир.

Юртимизда кейинги 10 йил мобайнида енгил автомобиллар экспорти 7,6 баробар, пахта калаваси 4,7 баробар, трикотаж матолар 156 баробар, минерал ўғитлар 11,7 баробар, нефть маҳсулотлари 6,5 баробар, цемент 6,3 баробар, сабзавот ва мевалар экспорти 14,1 баробар ўсди. Кичик бизнес корхоналарининг экспорт ҳажми 10 баробардан кўпроқ ошди.

Мамлакатимиз истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчиларининг тезкор ривожланиши натижасида импорт таркибида озиқ-овқат маҳсулотлари улуши 4,5 баробар қисқарди. Масалан, охириги 15 йилда буғдой импорти нафақат тўхтатилди, балки Ўзбекистон ўз буғдойи ва ғалласидан тайёрланган унни экспорт қила бошлади. Гўшт маҳсулотларини импорт қилиш 5 баробар, сут маҳсулотлари 2,6 баробар, қайта ишланган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари 3,5 марта, алкогольли ва алкогольсиз ичимликлар 16 ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотлари 7 баробардан кўпроқ, гилам ва ерга тўшаладиган қопламалар 10 марта, трикотаж матолар 10 баробар, тўқимачилик-трикотаж либослари 11 марта, пойафзаллар импорти 11 баробар камайди.

2-жадвал

Ташқи савдо айланмасининг географик таркиби

	1990 йил	2010 йил
Ташқи савдо айланмаси	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	39,9	56,9
МДХ мамлакатлари	60,1	43,1
Экспорт	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	37,7	54,8
МДХ мамлакатлари	62,3	45,2
Импорт	100	100
Узоқ хориж мамлакатлари	42,6	59,9
МДХ мамлакатлари	57,4	40,1

Машина ва ускуналарнинг импорт таркибидаги улуши ўсиб, 1990 йилдаги 12,1 фоиздан 2000 йилда 35,4 фоизга, 2010 йилда эса 44,1 фоизга етди.

Ташқи савдо географияси ҳам диверсификация қилинди. Ташқи савдода собиқ Иттифоқ республикаларининг эмас, балки узоқ хориж мамлакатларининг улуши орта бошлади.

Миллий иқтисодиёт очиқлигининг кўрсаткичлари қуйидагилардан иборат:

1) ЯММ ва айрим турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришда экспорт квотаси;

2) истеъмол таркибидаги импортнинг улуши;

3) хорижий инвестицияларнинг барча инвестициялар умумий ҳажмидаги улуши.

Ўзбекистонда мустақиллик йилларида, айниқса, 2000 йилдан бошлаб фаол экспорт сиёсати юритилди. Натижада Ўзбекистон экспортининг тузилмаси ўзгарди. 2-жадвалга қаранг.

Кўплаб ишлаб чиқариш ва ноишлаб чиқариш товарлари истеъмолида импортнинг аҳамияти ошди. Ўзбекистон ташқи иқтисодий фаолиятининг либераллашуви ҳамда импорт таркибида машина ва ускуналарнинг ҳиссаси ортиб бориб, 2011 йилда қарийб 60 фоизга етди. Бу Ўзбекистоннинг ишлаб чиқаришни модернизация қилиш стратегияси натижасидир.

Ўзбекистонга озиқ-овқат маҳсулотлари импортига қарамликни мустақиллик йилларида минимал даражага тушириш тенденцияси хос. Ҳозирда бу кўрсаткич 6,8–9,0 фоизни ташкил этади.

2010 йилда Ўзбекистонда импорт ҳажми қарийб 9 млрд. АҚШ долларини ташкил этди. Ўзбекистон ўз ҳудудига олиб кирилатган

товарларнинг сифатига, истеъмолчиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга эътибор қаратмоқда.

МДҲ мамлакатларида орасида Ўзбекистоннинг асосий савдо шериклари ҳамон Россия, Беларусь Республикаси, Украина ва Қозоғистон ҳисобланади.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмасининг умумий ҳажмида Беларусь 6,8 фоизни, Украина 6,6 фоизни, Қозоғистон 3,4 фоизни ташкил этади.

Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсати. *Ташқи савдо сиёсати – ички бозорни ҳимоялашга, ташқи савдо ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга, унинг тузилишини ва товар оқимларининг йўналишларини мақбуллаштиришга қаратилган тадбирлар тизими.*

Ўзбекистоннинг ташқи савдо сиёсатини ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг ўрни беқиёс.

Жаҳонда ташқи савдо сиёсати эркин, божсиз савдо даражаси ҳамда протекционизм, яъни ўз бозорини импортдан ҳимоя қилиш даражаси билан ажралиб туради. Ҳозирги ташқи савдо сиёсати ташқи савдо алмашувининг чекловлари сусайтирилгани, унинг йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга интилиш, яъни савдони либераллаштириш билан ажралиб туради (савдонинг эркинлаштирилиши Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг барча мамлакатларда кузатилган ниҳоятда кескин иқтисодий ўсишнинг асосий сабабларидан биридир).

Дунё мамлакатларининг ЖСТга қўшилиш шартлари – унинг худудида товар ва хизматлар учун эркин рақобат режимини яратиш, яъни бож тарифларини камайтириш, маҳсулот ишлаб чиқариш ва экспорт қилишда демпинг нархлар бўйича субсидия беришдан воз кечиш. Ушбу шартлар дунё мамлакатларининг аксарияти учун бажарилиши қийин вазифадир. Шу сабабли ЖСТ дунё мамлакатларига ишлаб чиқаришни, айниқса, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни субсидиялаштиришни тартибга келтириш, статистик ҳисоботнинг аксилдемпинг чораларини қўллашни тавсия этади.

Умумиқтисодий вазифаларга ҳамда ЖСТнинг талабларига мувофиқ, дунё мамлакатларида ташқи иқтисодий фаолият тартибга солиноқда, яъни: ташқи савдо операцияларининг лицензия билан тартибга солиниши, бож-тариф тартибга солиниши ва ташқи савдо шартномаларининг тендер (танлов) асосида тузилиши.

Дунё мамлакатларининг айримлари каби Ўзбекистонда ҳам экспортни рағбатлантиришнинг ЖСТ талабларига ва экспортни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тартибига мос тизими амал қилмоқда. Миллий экспортёрларни бундай қўллаб-қувватлаш қуйидаги молиявий имтиёзлар тизимини ўз ичига олади:

1) Ўзбекистон тижорат банклари экспортга йўналтирилган ташкилотларни айланма маблағ билан таъминлаши учун кредит ресурслари хусусида кафолат мажбуриятларини бериши;

2) экспорт кредитларининг узоқ муддатли тижорат таваккалларида кафолатланган суғурталаниши;

3) экспортёрларга экспорт мукофотлари, миллий ва хорижий ташувчиларнинг юкларини ташиш хизматларининг қийматидаги фарқни тўлаб бериш тарзидаги тўғридан-тўғри дотациялар;

4) экспорт кредитларини имтиёзли шартлар билан бериш ва хоказо.

Давлат кадрлар тайёрлаш, дунё бозори конъюнктурасини ўрганиш, миллий экспортёрлар ва хориждаги импортёрлар манфаатларини ҳимоя қилиш харажатларининг асосий қисмини ўз зиммасига олмоқда, шунингдек уларнинг ташқи бозордаги фаолияти учун зарур сиёсий шароитларни таъминламоқда.

Ўзбекистоннинг экспортни ривожлантириш борасидаги ташқи савдо сиёсати, республиканинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштирокининг самарали моделини шакллантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Унинг асосий йўналишлари нафақат экспортни кенгайтиришни, балки рақобатдаги устунликлар ва жаҳон конъюнктурасидан мақбул тарзда фойдаланиш асосида унинг барқарор юқори ҳажмларини қўллаб-қувватлашни назарда тутди. Ўзбекистон экспортини, жумладан ташқи бозорларга тайёр маҳсулотни, аввало фан ютуқлари ва юксак технологияларга асосланган маҳсулотларни кенг миқёсда олиб чиқиш борасида диверсификация қилиш йўлидан бормоқда. Шу боис давлатимиз раҳбари Ислом Каримов: «Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатбардошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда, иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожлантиришни таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация

қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобида амалга оширилиши мумкин», – деб таъкидлагани бежиз эмас.

Ташқи савдо фаолияти давлат томонидан тартибга солиниб турилади. Айрим мамлакатларда истисноли ҳолларда жорий этиши мумкин бўлган экспорт бўйича чеклов чоралари белгиланган. Мавжуд чекловлар қуйидаги тоифаларга бўлинади:

1) ушбу товарнинг олиб чиқилишига рухсат этилган экспортёрлар доирасининг чекланиши;

2) хорижга олиб чиқилаётган товарларга квоталар белгиланиши; экспорт натижасида миллий манфаатларга зарар етишини истисно қилувчи шартларга риоя этиш.

Экспортнинг миқдор бўйича чекланиши ички бозор бўшаб қолишининг олдини олиш ва ушбу товарнинг жаҳон бозорларида ҳаддан ташқари кўпайиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида жорий этилади.

Мамлакатлар ўртасида товарларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи сертификатларни ўзаро тан олиш ҳақидаги битимлар ҳам амал қилади.

Иқтисодий ўсишнинг юқори суръатлари ва макроиктисодий барқарорлик таъминланишида ташқи иқтисодий алоқаларни янада ривожлантириш, хусусан, мамлакатимиз экспорт ҳажмини янада ошириш ва таркибини яхшилаш муҳим омил бўлди. Республикамининг ташқи савдо айланмаси 1990–2011 йиллар давомида 31,7 марта, жумладан, экспорт 33,9 марта, импорт қарийб 29 марта ошди. Натижада ташқи савдонинг ижобий сальдоси 56,6 марта ортди. Биргина «2011 йилда экспорт маҳсулотлари ҳажми 2010 йилга нисбатан қарийб 15,4 фоизга кўпайди ва 15 миллиард доллардан кўпроқни ташкил этди. Бу 2000 йилга нисбатан 4,6 баробар зиёддир. Ташқи савдо айланмасининг ижобий сальдоси 4 миллиард 500 миллион доллардан ошди»¹.

2. Жаҳон валюта бозори ва унинг асосий хусусиятлари

Жаҳон хўжалигида валюта муносабатлари муҳим роль ўйнайди. Чунки жаҳон миқёсида ягона тўлов воситаси бўлмаса, хўжалик алоқаларини юритиб бўлмайди. Бу вазифани жаҳон пуллари

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 6.

базаради (АҚШ доллари, Англия фунт стрелинги, Япон иенаси). Шу боис давлатлараро ҳисоб-китоб ягона валютада юритилиши учун аниқ белгиланган валюта курси талаб этилади. Валюта курси барқарорлиги тақозо этилади.

Очиқ иқтисодиёт валюталарнинг айирбошланишини юзага келтиради, чунки буни товарлар ва ресурсларнинг халқаро ҳаракати талаб қилади. Ҳар бир мамлакатнинг миллий валютаси у учун ягона тўлов воситаси бўлади, яъни товарлар фақат шу валютага сотилади. Шу сабабли савдо-сотик, капитал чиқариш ёки киритиш, иш кучи миграциясини уюштириш учун ўзга мамлакатлар валютасини маълум нархда сотиб олиш керак бўлади. Шу боис жаҳон валюта-молия тизими амал қилади.

Ташқи савдо балансида муттасил ижобий сальдога эришиш мамлакатимиз олтин-валюта захираларининг ортишига ва миллий валютаимиз барқарорлиги таъминланишига олиб келди, хорижий валюта талаб этадиган йирик инвестиция дастурларини молиялаштириш имконияларини кенгайтди. Хусусан, инвестиция дастурларини молиялаштиришда аҳамияти ўсиб бораётган Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси капиталининг 2012 йил бошига келиб 9 миллиард доллардан ошиб кетишида ташқи савдода ижобий сальдога эришилаётгани асосий роль ўйнади.

Жаҳон валюта-молия тизими – мустақил амал қилувчи ёки товар ва ишлаб чиқариш омилларининг халқаро ҳаракатига хизмат кўрсатувчи валюта-молия муносабатларининг халқаро битимлар билан мустаҳкамланган шакли. Ушбу тизимнинг валюта элементларини миллий валюталар, уларнинг алмашиш ва муомалада бўлиш шартлари, валюта паритети, валюта курси, уни тартибга солишнинг миллий ва халқаро механизмлари ташкил этади.

Тизимнинг молиявий элементлари – халқаро молия бозорлари ҳамда молиявий воситалар – валюта, қимматбаҳо қоғозлар, деривативлар, кредитлар, мажбуриятлар билан савдо қилиш механизмларидир.

Деривативлар – бу чет эл валютаси билан боғлиқ бўлган ҳосилавий молиявий воситалар (валюта деривативлари) чет эл валютаси олди-сотдиси бўйича шартномалар бўлиб, уларда белгиланган мажбуриятлар муайян муддат ўтгач ёки унинг курси ўзгаришига боғлиқ равишда бажарилиши мумкин.

Жаҳон валюта-молия тизимининг алоҳида элементини халқаро ҳисоб-китоблар ташкил этади.

Жаҳон валюта бозори – хорижий валюта ва турли валюта қимматликларини олиш-сотиш бўйича операциялар натижасида юзага келадиган барқарор иқтисодий ва ташкилий муносабатлар тизимидир.

Валюта қимматликларига қонуний тўлов воситаси бўлган пул белгилари, хазина чипталари (казначейские билети), тангалар, банкнотлар, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар, мажбуриятлар, қимматбаҳо тошлар ва металллар киради.

Валюта – хорижий давлатларнинг пул белгилари, шунингдек уларда ифодаланган тўлов ва кредит воситаларидир.

Қаттиқ валюта – иқтисодий жиҳатдан қудратли давлатларнинг пул бирлигидир.

Эркин алмашадиган валюта – барча эгалари алмашишлари мумкин бўлган пул белгилари. Эркин алмашадиган валюта амалда жаҳон пули вазифасини бажаради.

Миллий валютанинг алмаша олиши ички (миллий) ва жаҳон бозорларининг алоқасини савдо, капитал ва меҳнат ҳаракати иложи борича эркин бўлганида, миллий пул бирлигининг мослашувчан курси орқали ифодаланadi.

Барча ривожланган мамлакатлар валютанинг *ички конвертацияси (алмашуви)га* эгадирлар, яъни хорижий валюта сотувчи ва харидорнинг келишуви асосида тўлов сифатида қабул қилинади. *Ташқи конвертация* – резидентлар хорижий валютани норезидентлар билан операцияда ишлата олишлари.

Товар конвертацияси – иқтисодиётнинг товарлар ва хизматлар учун миллий ва хорижий валютада пул тўловчи резидентлар ва норезидентларнинг талабларини қондириш қобилияти.

Хорижий валютанинг миллий валюта билан бирга муомалада бўлиши (пул массасининг 20 фоиздан ортиғи) кўпчилик давлатларда мавжуд.

АҚШ валютасидан муомалада тўлов ва жамғарма воситаси сифатида фойдаланилади. Долларлаштириш шароитида ҳукумат кўпинча инфляцияни назорат қилиш имконидан маҳрум бўлади, чунки аҳолидаги долларнинг ҳажми аниқ маълум бўлмайди.

Валюта паритети – қонун тартибида белгиланган ва валюта курсининг асоси ҳисобланган икки миллий валюта ўртасидаги нисбат.

Валюта курси (номинал) – турли мамлакатларнинг икки пул бирлиги ўртасидаги нисбат бўлиб, у ушбу валюталарнинг харид қобилияти билан белгиланади (бир мамлакат пул бирлигининг бошқа мамлакат пул бирлигида ифодаланган нархи).

Кросс-курс – икки валюта курси асосида ҳисобланган учинчи валютанинг курси. Айтиб ўтиш керакки, бир валютанинг турли миллий бозорлардаги кросс-курслари котировкасидаги фарқ фойда олишга имкон беради.

Валюта котировкаси (бевосита) – миллий валюта бирлиги валюта курсининг хорижий валюта бирликларининг муайян миқдори орқали ифодаланиши. Билвосита котировка бевосита котировканинг тескарасидир.

Валюта курсларини ҳисоб-китоб қилишни осонлаштириш мақсадида миллий валюталар бир-бирига нисбатан эмас, балки АҚШ долларига нисбатан ва у орқали жаҳондаги бошқа валюталарга нисбатан котировка қилинади, яъни кросс-курсдан фойдаланилади (бундай операциялар валюта орбитражи деб аталади).

Тезкор (муддатли) шартномалар учун спот-курс (икки кун мобайнида амал қилади) ва форвард курси (келажакдаги муайян санага қараб бир йилгача бўлган муддатга) белгиланади. Валюта курси деганда, спот-курс тушунилади.

Реал валюта курси – ўз мамлакатидagi ва валютасига миллий валюта котировка қилинаётган мамлакатдаги нарх ўзгаришларини инобатга олган ҳолда қайта ҳисобланган номинал валюта курси.

Қайд этилган валюта курси – валюталар ўртасида расман белгиланган нисбат бўлиб, ундан кўпи билан 2,25 фоиз оғишга йўл қўйилади.

Нисбатан мослашувчан валюта курси – миллий валюталар ўртасидаги расман белгиланган нисбат бўлиб, белгиланган қоидаларга мувофиқ валюта курсининг озроқ ўзгариб туришига йўл қўяди.

Сузиб юрувчи валюта курси – талаб ва таклиф таъсирида эркин ўзгарувчи валюта курси. Унинг турлари: тузатиш киритилмайдиган, сузиб юрувчи, бошқариладиган (МБ унинг тез-тез ўзгаришига қараб белгилайди); мустақил сузиб юрувчи (давлатнинг аралашмаслиги).

Харид қобилиятининг паритети деганда, ҳар бир мамлакатда нарх даражаси ўзгармаган тақдирда, турли валюталарнинг харид қобилияти тенглиги тушунилади.

Бошқарилувчи сузиш валюта курси ҳаракатини тезлаштириш ёки секинлаштириш мақсадида валюта интервенцияларини (хорижий валюта сотиб олиш ёки сотишни) қамраб олади.

Миллий валюта курсининг тушиб кетиши (девальвация) товарлар экспорти ва капитал (хорижий инвестициялар)нинг кўпайишига олиб келади. Курснинг ўсиши (ревальвация) эса тесқари оқибатларга – товарлар импорти ва капитал экспортининг ортишига олиб келади.

Судралиб юрувчи фиксация – валюта курсининг марказий паритет атрофидаги ўзгаришлари фоизи сифатида белгиланиши бўлиб, у ушбу курснинг *муайян катталиқка мунтазам равишда* камайиб боришини назарда тутади.

Валюта курсини белгиловчи омиллар қуйидагилар:

1) тўлов балансининг тақчиллиги (тақчиллик камаяди – курс ошади);

2) ички нархларнинг умумий даражаси (нархлар тушади – курс кўтарилади);

3) мамлакат ичидаги реал фоизли ставка (ставка камаяди – курс пасаяди);

4) инфляцион мўлжаллар (инфляция суръатлари пасаяди – курс кўтарилади);

5) импорт божлари ва квоталари (уларнинг ортиши курснинг ўсишига олиб келади);

6) экспорт божлари ва квоталари (уларнинг камайиши курснинг ўсишига олиб келади);

7) экспортга бўлган талаб (талабнинг ортиши курснинг ўсишига олиб келади);

8) импортга бўлган талаб (талабнинг камайиши курснинг ортишига олиб келади);

9) ишлаб чиқариш, ички талаб, меҳнат унумдорлиги (уларнинг ўсиши курснинг кўтарилишига олиб келади);

10) пул массаси, пул таклифи (уларнинг камайиши курснинг ошишига олиб келади);

11) миллий ва жаҳон бозорларида валютага бўлган ишонч даражаси (иктисодиётнинг ҳолати, сиёсий вазият ва юқорида санаб ўтилган омиллар билан белгиланади).

Жаҳон валюта бозорининг асосий хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

- 1) капиталнинг эркин кўчиши;
- 2) валюталар олди-сотдисига нисбатан қатъий квоталарнинг, курсни тартибга солиш бўйича маъмурий чораларнинг йўқлиги;
- 3) бозорнинг транспарентлиги (шаффофлиги) – унинг барча иштирокчиларига валюталар курслари ҳақида доимий ахборот берилиши.

Капиталнинг ҳаракатини қуйидаги элементлар секинлаштиради:

- валюта чекловлари;
- иштирокчилари учун валюта бозоридан фойдаланишда тенгликнинг йўқлиги (миллий компанияларга қараганда йирик ва миллатлараро компанияларда, тижорат банкларига қараганда марказий банкларда имкониятларнинг кўплиги);
- реал миқёсдаги вақтда марказий банкларда интервенцияларнинг ҳажми тўғрисидаги ахборотнинг йўқлиги.

Жаҳон валюта бозорига муайян хусусиятлар хосдир:

- 1) аниқ жуғрофий чегаралар ва муайян жойлашган ўрнининг йўқлиги;
- 2) кеча-ю кундуз (сурункали) фаолият кўрсатиши;
- 3) чекланмаган сонли иштирокчиларнинг фаолият кўрсатиши;
- 4) товар ликвидлигининг юқори даражаси.

Валюта бозорининг конъюнктураси, аввало, шу пайтга келиб қарор топган хорижий валютага талаб ва таклиф билан белгиланади.

Валюта талаби товар ва хизматлар учун валюта тушуми бўлган, уни сотишга ҳаракат қилаётган экспортёрлардан, юклар фрахти, суғуртаси, брокерлик ва банк комиссиялари учун тўлов сифатида валютани олган савдо компаниялари, суғурта жамиятлари ва банклардан келиб чиқади.

Бозор иқтисодиётини тартибга солиш тизимида валюта сиёсати – халқаро валюта ва бошқа иқтисодий муносабатлар соҳасида жорий ва стратегик мақсадларга мувофиқ амалга ошириладиган тадбирлар мажмуи муҳим ўрин тутди.

Расмий догма даражасига кўтарилган муайян назария валюта сиёсатининг асоси бўлиб хизмат қилади. Юридик жиҳатдан валюта сиёсати *валюта қонун ҳужжатлари*, яъни мамлакатда ва ундан ташқарида валюта қимматликлари, шунингдек валюта муаммоларига оид давлатлар ўртасидаги (икки томонлама ва кўп томонлама)

валюта битимлари билан операцияларнинг амалга оширилиши тартибини белгилувчи ҳуқуқий нормалар мажмуи ёрдамида расмийлаштирилади.

Олтин-валюта захираларининг мамлакат иқтисодиётидаги ўрни. Мамлакатларнинг ҳукуматлари ва марказий банклари ихтиёрида турувчи юқори ликвидли молиявий активлар *захира активлар (олтин-валюта захиралари)* деб аталади. Олтин-валюта захиралари миллий валюта курсини қўллаб-қувватлаш, молиявий барқарорлик ва мамлакат тўлов қобилиятини таъминлаш мақсадида зарурдир. Олтин-валюта захиралари таркибига монетар олтин, ХВФдаги резерв позиция, SDR ва валюта захиралари киради. Ҳозирда дунёнинг аксарият мамлакатлари олтин-валюта захиралари таркибида валюта захиралари устуворлик қилади ва унинг улуши ўртача 95 фоизни ташкил этади. Захира валюталарга Марказий банкда корреспондент счётларга ва хорижий банкларда депозитларга жойлаштирилган хорижий валюталардаги маблағлар ҳамда хорижий эмитентларнинг қимматбаҳо қоғозларига инвестицияланган маблағлар киради.

Давлат олтин-валюта захиралари халқаро молия ташкилотлари захира активлари билан бирга жаҳон олтин-валюта захираларини ташкил этади. Давлатнинг олтин-валюта захиралари қуйидаги икки вазифани бажариш учун хизмат қилади:

- мамлакатнинг ташқи тўлов қобилиятини таъминлаш;
- миллий валюта курсининг барқарорлигини таъминлаш.

Жаҳон хўжалигининг барча ҳудудларидаги иқтисодий муносабатларни қамраб олаётган молия бозорларининг глобаллашуви шароитида халқаро капитал ҳаракати билан боғлиқ операцияларнинг жадал суръатларда ўсиши кузатилмоқда. Натижада дунё мамлакатларида нодавлат секторнинг ташқи қарзини тўлаш учун зарур бўладиган хорижий валютага бўлган талабни қондириш Марказий банклар валюта захираларининг муҳим вазифасига айланиб борапти. Бу ҳолат, аввало, резидентлари хорижий валютада кредит ва қарзлар олаётган мамлакатларга тааллуқлидир.

Жаҳон иқтисодиётида захира валюталарни эмиссия қилувчи мамлакатлар – захира марказлари алоҳида ўринга эга. Ушбу мамлакатларнинг миллий валюталари халқаро пул, жумладан, халқаро кредит ва захира маркази вазифасини бажаради, уларнинг марказий банклари эса валюта бозорларидаги операцияларга тез-тез аралашиб туришади. Шунинг учун етакчи ривожланган

мамлакатларнинг марказий банклари ва ҳукуматлари ўз валюталари курсини барқарор ушлаб туриш учун йирик валюта захираларига эҳтиёж сезмайди.

Таҳлиллар кўрсатишича, халқаро валюта операцияларининг таркибида АҚШ доллари юқори салмоқни эгаллайди. Бу АҚШнинг дунёда энг йирик иқтисодиётга эга бўлганлиги билан изоҳланади. Иккинчи ўринда *евро* туради ва бу ҳолат Европа Иттифоқининг катта иқтисодий салоҳиятга эга эканлиги билан белгиланади. *Фунт стерлинг* ва *иенанинг* халқаро захиралар таркибида кичик салмоққа эга эканлиги ушбу валюталарнинг халқаро ҳисоб-китобларда кенг қўлланилмаётгани билан изоҳланади. Мисол учун, 2010 йилда халқаро валюта захираларининг 95,5 фоизи АҚШ доллари, евро, япон иени ва фунт стерлингга шакллантирилган. Шунингдек, АҚШ долларининг халқаро валюта захиралари таркибидаги салмоғи 2010 йилда 2000 йилга нисбатан 9,5 фоизга пасайган. Айти пайтда евро ва фунт стерлингнинг салмоғи мазкур даврда мос равишда 7,9 ва 1,3 фоизга ошгани ҳолда, япон иенасининг салмоғи 1,2 фоизга пасайган¹.

Марказий банклар томонидан олтин-валюта захираларни жамғариш жаҳон молия бозорларининг ривожланишида муҳим йўналишлардан бири ҳисобланади. Ушбу активларни жамғариш бир текисда содир бўлмаяпти ва Осиё мамлакатларида молиявий ресурсларнинг концентрациялашуви даражасининг ўсиши билан амалга ошмоқда. Осиё минтақасининг 10 мамлакати ҳиссасига (Хитой, Япония, Тайвань, Ҳиндистон, Корея Республикаси, Гонконг, Сингапур, Таиланд, Малайзия, Индонезия) жаҳон олтин-валюта захираларининг учдан икки қисми тўғри келади².

Таҳлиллар кўрсатишича, Осиё минтақаси мамлакатлари олтин-валюта захираларни фаол жамғаришни 1997–1998 йиллардаги молиявий инқироздан кейин бошлашган. Бу инқироздан кейин ташқи иқтисодий барқарорлик ва инқироз ҳолатларида мамлакатнинг тўлов қобилиятини таъминлашга йўналтирилган стратегик молиявий резервларни шакллантириш сиёсати олиб борилди.

¹ Қаранг: *Кондратов Д.* Перспективы евро для России: плюсы и минусы. //Экономист. – 2011. – № 2. – С. 61.

² Қаранг: *Мальшев П.* Особенности управления резервными активами в странах Азии //Мировая экономика и международные отношения. – 2011. – № 3. – С. 29.

Осиё мамлакатларида олтин-валюта захиралар ҳажмининг ўсиб бориши билан боғлиқ фундаментал сабабларни тушунтириб беришда бу мамлакатларнинг иқтисодий салоҳияти қанчалик юқори бўлишига қарамасдан, хорижий капитал учун ёпиқлигини эътиборга олиш муҳим. XX асрнинг 90-йилларидан бошлаб савдо операциялари ва молиявий активлар билан операциялар бўйича чекловлар босқичма-босқич бартараф этилди. Ушбу чора-тадбирлар, *бир томондан*, товарлар ва хизматлар экспортининг ўсишига, *иккинчи томондан эса*, ривожланган мамлакатлардан тўғридан-тўғри ва портфель инвестицияларнинг фаол кириб келишини таъминлади. Натижада охириги ўн йилликда Осиёнинг аксарият мамлакатларида тўлов балансининг барқарор профицити кузатилди ва ички бозорларда хорижий валюта, аввало АҚШ долларининг таклифи ошди. Миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини таъминлаш мақсадида ушбу мамлакатларнинг марказий банклари валюта интервенциясини амалга оширишга мажбур бўлишди. Бу эса мамлакат валюта захираларининг жадал суръатларда ўсишига олиб келди.

Мамлакат олтин-валюта захиралари ҳажмининг ортишида асосий омил валюта захиралари ҳажмининг ўсиши билан боғлиқ бўлиб, XXI асрнинг биринчи ўн йиллиги мобайнида Хитойнинг валюта захиралари ҳажми 15 бараварга ошган. Мамлакатларнинг олтин-валюта захиралари бажарадиган вазифага ўхшаш тарзда жаҳон олтин-валюта захиралари жаҳон иқтисодиёти, халқаро иқтисодий муносабатлар ва жаҳон валюта тизимининг барқарорлигини таъминлаш учун хизмат қилади. Жаҳон валюта захиралари халқаро савдо ва иқтисодий муносабатларнинг бошқа шакллариغا хизмат кўрсатиш учун етарли миқдорда бўлиши зарур. Бу захиралар халқаро валюта ликвидлигининг муҳим омили ҳисобланади.

Халқаро валюта ликвидлиги деганда, мамлакатнинг ўз ташқи мажбуриятларини валюта чекловларига мурожаат этмасдан, кредиторлар учун мақбул тўлов воситаларида тўлай олиш қobiliяти тушунилади. Халқаро валюта ликвидлигининг ҳолати қуйидаги омилларга боғлиқ бўлади:

- жаҳон валюта захиралари ҳажми;
- ташқи тўлов мажбуриятлари ҳажми.

Жаҳон олтин-валюта захиралари ҳажмининг йиллик импорт қийматига нисбати халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи ҳисобланади. Халқаро валюта ликвидлик кўрсаткичи ХВФ

томонидан барча мамлакатлар жорий операциялар бўйича валюта чекловларини қўллаётган ва камсонли мамлакатлар (АҚШ ва Швейцария) миллий валютанинг эркин конвертациясига эга вақтда қабул қилинган. Мамлакатларнинг халқаро ликвидлик кўрсаткичи эса мос равишда миллий олтин-валюта захиралари ҳажмининг мамлакат йиллик импорти қиймати нисбатига тенгдир. Мисол учун, Россияда халқаро ликвидлик кўрсаткичининг минимал даражаси уч ойлик импорт қийматига тенг, деб қабул қилинган. Таҳлиллар ривожланаётган мамлакатлар гуруҳида Осиёнинг ривожланаётган мамлакатлари (131,2 фоиз), Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларида (118,9 фоиз) халқаро валюта ликвидлиги кўрсаткичи юқори эканлигини кўрсатмоқда.

Ҳозирги жаҳон валюта-молия тизими 1978 йилда ХВФ уставида белгиланган қуйидаги принципларга асосланади:

- мамлакатлар ўзлари танлаган исталган валюта курсидан фойдаланишлари мумкин;
- ХВФ валюта курсларининг ривожланиши ва уларнинг белгиланиши ҳақидаги келишувлар устидан қаттиқ назоратни амалга оширади;
- олтиннинг расмий баҳоси бекор қилинади, у энди ХВФ ва унинг аъзолари ўртасида тўлов воситаси ҳисобланмайди;
- жаҳон валюта молия тизимида қўшимча захира актив сифатида махсус қарз ҳуқуқларидан (SDR – ҳисоб-китоб бирлиги) фойдаланилади.

ХВФ иштирокчилари бўлган мамлакатларнинг валюта курсларини тартибга солиш борасидаги ҳаракатлари валюта курсларининг бошқариладиган тизими яратилишига олиб келди. Валюта бозори ҳосил бўлди, жаҳон пулларининг эталонини SDR ташкил қиладиган бўлди.

SDR қуйидаги нисбатда олинган миллий валюталардан ташкил топадиган «валюта савати» асосида баҳоланади: АҚШ доллари – 42 фоиз, Европа валюталари – 45 фоиз, Япония иенаси – 13 фоиз.

Олтиннинг пул ўрнига ўтмай қолиши (демонетизацияси) унинг нархи бозорда белгиланадиган товарлардан бирига (ўта ликвид активга) айланди.

АҚШ доллари, евро ва иена дунёнинг учта асосий валютаси ҳисобланади. Жаҳон бозорларида Буюк Британия ролининг ва фунт стерлингнинг алмашув курси пасайганлигига қарамай, мамлакат бутун жаҳон бўйича тарқалган банк муассасаларининг ривожланган

тармоғи мавжудлиги боис, унинг захира валюта роли сақланиб қолмоқда.

Доллар бошқа валюталар котировкаси чоғида умумэтироф этилган базавий валюта ҳисобланиб келмоқда. Бугун жаҳон капитали юқори фойда келтираётган ривожланаётган мамлакатлардан юқори даражада ишончли бўлган ривожланган мамлакатларга қайта йўналмоқда, бу эса АҚШ учун янги имкониятлар яратмоқда. АҚШ инвестицияларга янги технологиялар яратиш, янги технологик принциплар ишлаб чиқишда кўмаклашиб, бутун дунё капиталини ўзига жалб этмоқда. Технологик ишланмалар товар функциясига эга бўлиб, бошқа мамлакатлар иқтисодиётини Америка иқтисодиётига боғламоқда, уларни молиявий ва технологик даражада тобе қилмоқда.

АҚШ давлат бошқарувининг устувор вазифаси – бошқа мамлакатлардагига қараганда инвестициялар учун яхшироқ шароитни таъминлаш. АҚШ ўз манфаатларини кўп йиллар мобайнида ўзи етакчилик қилаётган бир қатор халқаро ташкилотлар ёрдамида амалга оширмоқда. АҚШнинг ХВФ ва жаҳон банкини назорат қилиши нафақат ушбу ташкилотларнинг устав жамғармаларида бадалларининг кўплиги билан, балки уларнинг олий раҳбарлари таркиби билан ҳам таъминланмоқда.

3. Халқаро кредитнинг моҳияти ва функциялари. Ташқи қарз масалалари

Ҳозирги замон дунё иқтисодиёти жаҳон кредит бозорисиз ривожлана олмайди.

Жаҳон кредит бозори – мамлакатлар ўртасида қарз (ссуда) капитали қайтарилиши, фоиз тўлаш, муддатлилик, таъминланганлик, шунингдек қимматбаҳо қоғозлар эмиссияси ва олди-сотдиси (шартлари) асосида ҳаракатланадиган, талаб ва таклиф шаклланадиган бозор муносабатлари соҳасидир.

Халқаро кредит деганда, давлатлар, бир мамлакат банклари, фирмалари, бошқа юридик ва жисмоний шахслари (кредиторлари)нинг бошқа мамлакатларнинг ҳукуматлари, банклари, фирмалари (қарз олувчилари)га берадиган ссуда капитали тушунилади.

Халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги халқаро кредит қуйидаги функцияларни бажаради:

1. Қайта тақсимлаш. Кредит турли тармоқлар ёки минтақалардаги фойда даражасига мўлжал олиб, иқтисодиётнинг стихияли макрорегулятори вазифасини бажаради ва жадал ривожланаётган объектларнинг эҳтиёжлари қондирилишини таъминлайди. Кредит тизимини давлат томонидан тартибга солишнинг энг муҳим вазифаларидан бири – иқтисодий устун йўналишларни оқилона аниқлаш, жадал ривожланиши миллий манфаатлар нуқтаи назаридан объектив равишда зарур бўлган тармоқлар ёки минтақаларга кредит ресурсларининг кириб келишини рағбатлантириш.

2. Жаҳон пули сифатида олтинни векселлар, чеклар, банк ўтказмалари, депозит сертификатлар, электрон пуллар ва мустаҳкам миллий валюталар билан алмаштириш орқали халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасидаги муомала харажатларини қисқартириш.

3. Капиталнинг жамланиши ва марказлашувини тезлаштириш: хорижий капиталнинг жалб этилиши, трансмиллий корпорациялар ва трансмиллий банкларнинг ташкил қилиниши, катта корхоналарга имтиёзли халқаро кредитлар берилиши сабабли қўшимча фойда олиниши.

4. Товар айланишига хизмат кўрсатиш. Кредит нафақат товар, балки пул муомаласининг тезлашишига ҳам фаол таъсир кўрсатади, унинг пул муомаласи соҳасига векселлар, чеклар, кредит карточкаларини киритиб, ундан нақд пулларни сиқиб чиқаради, бу эса ички ва халқаро бозорларда иқтисодий муносабатларни соддалаштиради.

5. Мамлакат иқтисодиётини тартибга солиш – хорижий инвестицияларни, биринчи навбатда халқаро валюта-кредит ва минтақавий ташкилотларнинг капиталларини жалб этиш. Бу ялпи миллий маҳсулотнинг кўпайиши ва тақсимланишига имкон яратади.

6. Фан-техника тараққиётининг тезлашуви. Илмий марказларнинг нормал фаолияти (бюджетдан молиялаштириладигани бундан мустасно), инновацион жараёнларни кредитлардан фойдаланишсиз тасаввур қилиб бўлмайди.

Халқаро кредит муносабатлари ссуда капиталлари бозоридаги операцияларни ташкил қилишда қатъий риоя этиладиган қуйидаги принципларга асосланади:

1. Кредитнинг қайтарилиши – кредитордан олинган молиявий ресурсларни қарздор фойдаланишни тугатган захоти ўз вақтида қайтариши зарурлиги, муайян ссудани кредит ташкилотининг

ҳисобварағига тегишли пул маблағлари суммасини ўтказиш орқали қайтариш. Бу банкнинг устав фаолиятини давом эттиришнинг зарурий шarti сифатида унинг кредит ресурслари янгиланишини таъминлайди.

2. Кредитнинг муддатлилиги – уни қарз олувчи учун қулай бўлган ҳар қандай вақтда эмас, балки кредит шартномасида қайд этилган аниқ белгиланган муддатда қайтаришнинг зарурлиги. Мазкур шартнинг бузилиши кредитор учун қарздорга нисбатан олинadиган фоизни ошириш, муддати яна оширилган тақдирда, суд тартибида молиявий талаблар қўйиш шаклида намоён бўладиган иқтисодий жазоларни қўллаш учун етарли асос ҳисобланади.

3. Кредитнинг пулли эканлиги (ссуда фоизи) – қарздорнинг банкдан олинган кредит ресурсларини нафақат қайтариши, балки улардан фойдаланиш ҳуқуқи учун ҳақ тўлаш ҳам зарурлиги. Бундай тўловнинг иқтисодий моҳияти кредитдан фойдаланганлик эвазига олинган қўшимча фойданинг амалда қарздор ва кредитор ўртасида тақсимланишида намоён бўлади. Кредитнинг пулли эканлиги қарздорни ундan энг самарали фойдаланишга рағбатлантиради. Ушбу принцип учта асосий функцияни бажарадиган банк фоизи катталигини белгилаш жараёнида амалий ифодасини топади:

1) юридик шахслар соф фойдасининг ва жисмоний шахслар даромадининг бир қисмини қайта тақсимлаш;

2) ссуда капиталларини тармоқ, тармоқлараро ва халқаро даражаларда тақсимлаш орқали ишлаб чиқариш ва муомалани тартибга солиш;

3) иқтисодиёт ривожланишининг инқирозли босқичларида – банк мижозларининг пул жамғармаларини инфляциядан ҳимоя қилиш.

Ссуда капитали ёрдамида олинган йиллик даромад суммасининг берилган кредит суммасига нисбати сифатида таърифланадиган ссуда фоизининг ставкаси (нормаси) кредит ресурсларининг нархи бўлиб хизмат қилади.

4. Кредитнинг таъминланганлиги – қарздор ўз зиммасига олган мажбуриятларини бузган тақдирда, кредиторнинг мулкий манфаатларини ҳимоя қилиш зарурлиги. Ушбу принцип кредитлаш: гаров эвазига ссуда олиш ёки молиявий кафолат шаклларида намоён бўлади. Умумий иқтисодий беқарорлик даврида бу принцип айниқса долзарб ҳисобланади.

5. Кредитнинг мақсадли хусусияти – кредитордан олинган маблағлардан мақсадли фойдаланиш зарурлиги. Ушбу принцип берилаётган ссуданинг аниқ мақсадини белгиловчи кредит шартномасининг тегишли бўлимида ҳамда ушбу шартга қарздорнинг риоя этишини банк томонидан назорат қилишда амалий ифодасини топади. Ушбу мажбуриятнинг бузилиши кредитнинг муддатидан олдин чақириб олиш ёки жарима (оширилган) ссуда фоизи жорий этилиши учун асос бўлиши мумкин.

6. Кредитнинг табақалашган (дифференциал) хусусияти. Ушбу принцип кредит ташкилотларининг эҳтимоли тутилган турли тоифалардаги қарздорларга табақалашган ёндашувини белгилаб беради. Унинг амалга оширилиши муайян банкнинг индивидуал манфаатларига ҳам, давлат юритаётган алоҳида тармоқлар ёки фаолият соҳалари (масалан, кичик бизнес)ни қўллаб-қувватлаш бўйича марказлашган сиёсатга ҳам боғлиқ бўлиши мумкин.

Кредитнинг қуйидаги шакллари фарқланади:

1. Манбалари бўйича: ички ва ташқи.

2. Мақсади бўйича:

1) тижорат кредитлари, улар ташқи савдо ва хизматлар билан бевосита боғлиқ;

2) молиявий кредитлар, яъни тўғридан-тўғри капитал киритиш – объектлар қуриш, инвестиция лойиҳалари, қимматбаҳо қоғозларни харид қилиш, ташқи қарзни қайтариш, валюта интервенцияси;

3) оралиқ – капитал, товарлар, хизматларни олиб чиқиш ёки пудрат ишларини бажаришнинг аралаш шаклларига хизмат кўрсатадиган кредитлар.

3. Турлари бўйича:

1) товар кредитлари (тўлов муддатини кечиктирган ҳолда товарларни экспорт қилишда);

2) валюта кредитлари (пул шаклида).

4. Қарз валютаси бўйича:

1) қарздор мамлакат валютасида ёки кредитор мамлакат валютасида;

2) учинчи мамлакат валютасида;

3) халқаро ҳисоб-китоб пул бирлигида.

5. Муддатлари бўйича:

– ўта қисқа муддатли (бир сутка, бир ҳафта, уч ойгача);

– қисқа муддатли – бир йилгача;

– ўрта муддатли – бир йилдан беш йилгача;

– узоқ муддатли – беш йилдан ортиқ.

Агар қисқа муддатли ёки ўрта муддатли кредитлар пролонгация қилинса (узайтирилса), улар узоқ муддатли кредитга айланади, бунинг устига кўпинча давлат кафолати берилади.

6. Таъминланиши бўйича:

1) таъминланган (товарлар, тижорат ва молиявий ҳужжатлар, векселлар, қимматбаҳо қоғозлар, кўчмас мулк, бошқа қимматликлар, баъзан олтин билан);

2) бланкли, яъни қарздорнинг мажбуриятлари (вексель) ҳисобидан (уни муайян муддатда қайтариш шарти билан).

7. Кредитни бериш техникаси нуқтаи назаридан:

1) қарздор ҳисобига ёзиладиган молиявий нақд кредитлар;

2) акцепт кредитлар – банкнинг қарз олувчининг векселига акцепти (розилиги) шаклида;

3) депозит сертификатлар;

4) облигация заёмлари;

5) консорбцион кредитлар.

8. Кредиторнинг тоифасига кўра: фирма (хусусий); банк; брокерлик; ҳукумат; хусусий корхоналар (жумладан банклар) ва давлат иштирокидаги аралаш кредитлар; халқаро молиявий институтларнинг давлатлараро кредитлари. Банкларнинг халқаро кредитларини банклар экспортёрлар ва импортёрларга одатда товар ва моддий бойликларни гаровга олиб берадилар. Камдан-кам ҳолларда банклар яқин алоқада бўлган йирик фирмаларга ҳам таъминланмаган кредит беради.

Брокерлик кредити фирма ва банк кредитлари ўртасида оралиқ мавқега эга (брокерлар маблағларни банклардан қарзга оладилар).

Давлатлараро кредитлар ҳукуматлараро битимлар асосида берилади.

Қисқа муддатли кредитлар бериш турларидан бири ташқи савдони кредитлашдир. Ташқи савдода банк томонидан бериладиган қисқа муддатли кредитларнинг қуйидаги шакллари ажратилади:

1. Экспортда:

1) фирма (тижорат) кредити – у ёки бу мамлакатнинг импортёри хорижий товар ишлаб чиқарувчи ёки экспортёрга харид учун берадиган бўнак (аванс);

2) банк кредити:

– экспортёр мамлакат товарлари учун бериладиган бўнаклар (кредит экспортёрга экспорт учун мўлжалланган товарларни

тайёрлаш ва жамлаш бўйича операцияларни илгари тайёрланган товарлар сотилишини кутмасдан давом эттириш имконини беради);

– йўлда келаётган товарлар эвазига ссуда бериш (транспорт хужжатлари – коносамент, темир йўл юк хати кабилар билан таъминланиш эвазига);

– экспортёр мамлакатадаги товарлар ёки товар хужжатлари бўйича бўнак;

– йирик экспортёр фирмалар иш бўйича узоқ муддатли иш алоқаларида бўлган ёки капиталида иштирок этаётган банклардан оладиган ҳамда товарлар билан таъминланмаган бўнак.

2. Импортда:

1) фирма (тижорат) кредити:

– очик ҳисобварақ бўйича кредит (экспортёр импортёрнинг ҳисобварағига унинг қарзи сифатида сотилган ва ортиб-туширилган товарлар қийматини ёзиб қўядиган, импортёр эса кредитни белгиланган муддатда қайтариш мажбуриятини оладиган битим асосида берилади). Товарлар мунтазам етказиб берилганида ва қарзлар вақти-вақти билан (ойнинг ўртаси ёки охирида) қайтарилган тақдирда қўлланилади. Ушбу ҳолда банклар савдо контрагентларининг ҳисоб-китобларида техник воситачи вазифасини бажардилар;

– *вексел кредити*. Экспортёр товарни ортиб жўнатганидан сўнг импортёрга тратта (ўтказма вексел) тақдим этади. Импортёр товар хужжатларини олгач, траттани акцептлаштиради, яъни вексел учун белгиланган муддатда ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

3.1. Ташқи қарз масалалари

Ташқи қарз – бу давлатнинг халқаро молия ташкилотларидан, хориждаги йирик банклардан ва чет давлатлар ҳукуматидан олган қарзи бўлади. Бу қарз маълум муҳлатга олиниб, даромадга қўшилади, тўлаш вақти келганда, у давлатга харажат келтиради.

Маълумки, ўзининг салбий таъсири билан инсониятга жиддий ташвишлар туғдираётган, жаҳон иқтисодиётининг барқарор ривожланишини издан чиқараётган молиявий-иқтисодий инқироз ўтган асрнинг сўнги чорагидан эътиборан ривожланган мамлакатлар иқтисодиётидаги мутаносибликлар, хусусан, реал ва молиявий сектор ўртасидаги нисбатнинг бузилиши оқибатида вужудга кела бошлади. Бу мамлакатлардаги йирик молиявий

муассасалар томонидан ўзининг корпоратив манфаатларини амалга ошириш мақсадида банк-молия соҳасидаги меъёр ва тартибларнинг кўпол тарзда бузилиши, жаҳондаги кўплаб давлатларнинг реал активларидан спекулятив тарзда фойдаланиш орқали катта даромад олишга интилиш ва шу тариқа глобал молиявий қурилишда жиддий нуқсонларга йўл қўйилиши, миллий иқтисодиётдаги ялпи талабни кўллаб-қувватлаш, тобора ўсиб бораётган ташқи қарзларни чеклаш учун «арзон пуллар» сиёсатининг қўлланиши каби хатти-ҳаракатлар юзага келаётган номутаносибликларнинг янада кучайиши ва борган сари кескин, муқаррар равишда инқироз ҳолатини келтириб чиқарадиган даражада тус олишига сабаб бўлди. Айниқса, молиявий маблағлардан спекулятив мақсадларда фойдаланишда жаҳоннинг кўплаб мамлакатларидаги молиявий муассасалар билан бир қаторда, аҳолининг ҳам ипотекали кредитлаш тизими орқали кенг жалб қилиниши мазкур жараёнларнинг жадаллашувига ва охир-оқибатда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг бошланишига сабаб бўлди. Президентимиз Ислом Каримов ўзининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» номли асарида биринчилардан бўлиб бу жараённинг юзага келиши сабабларини қуйидаги тарзда асослаб берди: «Бу инқироз Америка Қўшма Штатларида ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Сўнгра бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлиги, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди. Дунёнинг етакчи фонд бозорларида энг йирик компаниялар индекслари ва акцияларининг бозор қиймати ҳалокатли даражада тушиб кетишига олиб келди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, кўплаб мамлакатларда ишлаб чиқариш ва иқтисодий ўсиш суръатларининг кескин пасайиб кетиши билан боғлиқ ишсизлик ва бошқа салбий оқибатларни келтириб чиқарди».

Президентимиз жаҳон молиявий инқирози рўй берган дастлабки палладаёқ унинг таъсир даражаси, кўлами ва келтириб чиқариши мумкин бўлган салбий оқибатларига етарли баҳо бериб: «жаҳон молиявий инқирозидан имкон қадар тез чиқиш, унинг оқибатларини енгиллаштириш кўп жиҳатдан ҳар қайси давлат доирасида ва, умуман, дунё ҳамжамияти миқёсида қабул қилинаётган чора-тадбирларнинг қанчалик самарадорлигига, уларнинг бир-бири билан уйғунлигига боғлиқ», – деган хулосани чиқарган эди. Бундай

ҳаққоний хулосалар асосида Ўзбекистонда 2008 йилнинг ўзида Инқирозга қарши чоралар дастури ишлаб чиқилиб, унда белгиланган тадбирларни изчил равишда амалга оширишга киришилди.

Жаҳоннинг ривожланган етакчи мамлакатлари ҳам инқирознинг олдини олиш, унинг таъсир даражасини пасайтириш борасида турли кўриниш ва кўламлардаги ҳаракатларни бошлаб юборди. Ушбу чора-тадбирларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида жаҳондаги ривожланган мамлакатларнинг «*Катта саккизлик*» ва «*Катта йигирмалик*» гуруҳлари доирасида бир неча бор саммитлар ўтказилди. Ушбу гуруҳлар ҳақида қисқача маълумот келтиришни жоиз деб топдик.

«*Катта йигирмалик*» гуруҳи (G-20) расман 1999 йилда глобал иқтисодиётдаги асосий муаммоларни муҳокама қилиш мақсадида ташкил этилган. Ушбу гуруҳ таркибига ялпи ички маҳсулот ҳажми жаҳон ялпи ички маҳсулотнинг 90 фоизини ташкил этадиган куйидаги 20 та ривожланган ва ривожланаётган йирик давлатлар киради: Аргентина, Австралия, Бразилия, Буюк Британия, Германия, Ҳиндистон, Индонезия, Италия, Канада, Мексика, Хитой, Россия, Саудия Арабистони, АҚШ, Туркия, Франция, ЖАР, Жанубий Корея, Япония, Европа Иттифоқи.

«Катта йигирмалик» гуруҳи фаолияти жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi рўй бериши муносабати билан янада фаоллашди. Хусусан, гуруҳ томонидан инқирозга қарши курашиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва бу борадаги муаммоларни биргаликда ҳал этиш мақсадида бир неча саммит ўтказилди:

– АҚШ (Вашингтон, 2008 йил ноябрь; Питтсбург, 2009 йил сентябрь);

– Буюк Британия (Лондон, 2009 йил апрель);

– Канада (Торонто, 2010 йил июнь);

– Жанубий Корея (Сеул, 2010 йил ноябрь);

– Франция (Кан, 2011 йил ноябрь);

– Мексика (2012 йил июнь).

«Катта йигирмалик» гуруҳининг навбатдаги саммитлари 2013 йили Россияда, 2014 йили Австралияда, 2015 йилда эса Туркияда ўтказилиши режалаштирилмоқда. Гуруҳлар томонидан ўтказилган чора-тадбирлар 2009–2010 йилларда дастлаб маълум натижа бергандек бўлди. Хусусан, жаҳон иқтисодиётида ўсиш суръатларининг пасайиши тўхтатилди, айрим мамлакатларда ишлаб чиқариш

ўсди, инвестицион фаоллик жонланди. Бирок, ушбу чора-тадбирлардаги ўзаро мутаносиблик даражасининг пастлиги, инқирозга қарши курашиш йўллари ва воситаларини қўллашда изчилликнинг йўқлиги уларнинг самарасини кескин пасайтириб юборди, аксарият ҳолларда кўзланган натижаларга эришиш имконини бермади. Бу борада Президентимиз жонкуярлик билан «Катта йигирмалик» гуруҳининг ўзаро биргаликда қабул қилган чора-тадбирларининг амалдаги самараси сезилмаётгани, кўп ҳолларда белгиланган қоидаларга амал қилмаслик, мажбуриятларни бажармаслик оқибатида кутилган натижаларга эришилмаётгани ҳақида қайта-қайта тўхталиб, жаҳон иқтисодиётида барқарор ўсиш суръатларига эришиш йўлида ҳозирча бирон-бир жиддий силжиш кўзга ташланмаётганини илгари ҳам таъкидлаган эди.

«2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади» номли маърузасида ҳам давлатимиз раҳбари Ислон Каримов «Саккизлик» ва «Йигирмалик» деб аталган мамлакатлар гуруҳлари доирасида қабул қилинаётган қарорларга қарамасдан, энг аввало, жаҳон молия-валюта тизимида инқироз келтириб чиқараётган муаммоларни ҳал этиш ва керакли назорат ўрнатиш бўйича ягона иқтисодий модел ҳанузгача ишлаб чиқилмаганини, бу эса жаҳон иқтисодиётида ҳал қилувчи ўрин тутадиган йирик давлатларни ўз манфаатларини ўйлаб, ўз билганича ҳаракат қилишга мажбур этаётганини қаттиқ танқид қилиб ўтди.

Ўтган давр мобайнида аҳволни яхшилаш мақсадида кўрилаётган барча чора-тадбирларга қарамасдан, аксарият давлатларда ўсиш суръатлари ва ишлаб чиқаришнинг амалда пасайиши кузатилаётгани ва бундай жараён давом этадиган бўлса, у глобал миқёсда рецессия ҳолатига, яъни иқтисодиётнинг ўсиш ўрнига давомли равишда пасайиб боришига олиб келиши мумкинлиги башорат қилинаётгани ушбу маърузада алоҳида қайд этилди.

Ҳақиқатан ҳам, 2011 йил инқирознинг иккинчи тўлқини бошланиши эҳтимоли билан боғлиқ бозор ваҳималарининг қайтадан кучайиш даври бўлди. Айниқса, евроҳудуддаги қарздорлик инқироzi чуқурлашиб, унинг банк тизими ва иқтисодиётнинг реал секторига тарқалиши кузатилди. Европа сиёсатчилари яқдил бир қарорга келишда сусткашлик ва лаёқатсизлик кўрсатдилар. Инвесторлар қарздорлик муаммоларини тартибга солиш мумкинлигига, банкларнинг барқарорлигига ва Европа иқтисодиётининг истиқболларига нисбатан ишончни йўқота бошлади. Ликвид маблағлар бозоридаги

танглик ўсиб борган сари янги мамлакатлар «муаммоли»лар қаторига кўшила бошлади. Ва ниҳоят, Европадаги умумий иқтисодий ўсишда пасайиш реал таҳдидга айлана бошлади.

Ўтган йил, шунингдек, юқори даражадаги қарздорлик юкининг мавжудлиги ва бюджет тақчиллиги аксарият ривожланган мамлакатлар иқтисодиётининг умумий белгиси эканини кўрсатди. Масалан, АҚШнинг қарздорлик ҳажми ЯИМга нисбатан 100 фоиз даражасига яқинлашиб, бу узоқ муддатли истиқболда жаҳон иқтисодиёти учун кескин хавф-хатарларни келтириб чиқариши мумкин. АҚШ ўзининг юқори кредит рейтингидан маҳрум бўлгани 2011 йилда жаҳон бозорларининг янги босқичга ўтганидан дарак беради.

АҚШ иқтисодиётининг бир текис бўлмаган ўсиш динамикаси, ишчи кучи бозоридаги жиддий муаммоларнинг сақланиб қолиши, мамлакат корхоналари сарфлаётган капитал ҳажмининг пасайиб бораётгани ҳам жаҳон иқтисодиёти ва молиявий бозорларининг истиқболига нисбатан ўта шубҳа билан қарашни кучайтирди.

Ташқи қарзнинг меъёридан ошиб кетиши миллий иқтисодиёт ривожига салбий таъсир кўрсатади. Агар ташқи қарз бўйича тўловлар мамлакатнинг товар ва хизматлар экспортидан келадиган тушумнинг сезиларли қисми, масалан, 20–25 фоизидан ошиб кетса, бу ҳолат давлатнинг кредит бўйича рейтингини пасайтириб юборади. Натижада четдан янги қарз маблағларини жалб этиш мушкуллашади. Шунга кўра, давлатлар мунтазам равишда ташқи қарзни тартибга солиш чора-тадбирларини амалга ошириб боради.

Бундай чора-тадбирлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин: мамлакатнинг олтин-валюта захираси ҳисобидан қарзларни тўлаб бориш, кредиторларнинг қарз тўлов муддатларини ўзгартиришлари, айрим ҳолларда уларнинг маълум қисмидан воз кечишларига эришиш, қарзларни мамлакатдаги кўчмас мулк, қимматли қоғозлар, капиталда иштирок этиш ва бошқа ҳуқуқларни сотиш ҳисобидан тўлаш, халқаро банклар ва бошқа молиявий ташкилотлардан ёрдам олиш ва ҳ.к.

Ҳозирги вақтда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида, аксарият мамлакатларнинг ташқи қарзи ҳаддан ташқари ошиб кетаётганлигини кузатиш мумкин (3-жадвал).

3-жадвал

**Ривожланган мамлакатларда ташқи қарз даражаси
(2011 йил 30 июндаги ҳолати)**

Мамлакат	Ташқи қарз, миллион АҚШ долл.	Аҳоли жон бошига ташқи қарз миқдори, АҚШ долл.	ЯИМга нисбатан ташқи қарз, фоиз
Европа Иттифоқи	16080000	32092	108
АҚШ	15033607	50000	100
Буюк Британия	9836000	147060	416
Германия	5624000	63493	159
Франция	5633000	74410	188
Япония	2719000	19300	57
Испания	2570000	52588	165
Италия	2684000	39234	101
Ирландия	2357000	482340	1307,6

Изоҳ: АҚШ бўйича маълумот 2011 йил 18 ноябрдаги ҳолатига кўра берилган.

Жадвалдан кўринадикки, ташқи қарз даражасининг Ирландияда 1307,6 фоиз, Буюк Британияда 416 фоиз, Францияда 188 фоиз ва бошқа кўплаб мамлакатларда йиллик ЯИМ ҳажмидан сезиларли даражада юқори бўлиши мазкур мамлакатларнинг молия соҳасида жиддий муаммолар мавжудлигини англатади.

Республикамизда чуқур таркибий ислоҳотлар, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва янгилаш, инновацион технологияларни кенг жорий этиш билан боғлиқ кенг кўламли ислоҳотлар, оқилона ташқи қарз сиёсати олиб борилиши натижасида 2012 йил бошига келиб Ўзбекистоннинг ташқи қарзлари ялпи ички маҳсулотга нисбатан ҳажми 17,5 фоиздан ортмайди.

Президентимиз маърузасида жаҳон захира валюталарининг беқарорлиги, молия-банк тизими кредит қобилиятининг кескин пасайиши ва инвестициявий фаолликнинг сусайиши билан боғлиқ мураккаб муаммолар кўплаб давлатлар иқтисодиётининг тикланиш ва ўсиш суръатларига салбий таъсир кўрсатаётгани таъкидлаб ўтилди. Сўнгги йилларда жаҳон иқтисодиётида юзага келаётган муаммоларни асосан кўшимча пул босиб чиқариш ва молия бозорини шундай пуллар билан тўлдириш ҳисобидан ҳал этилиши кўзга ташланаётгани, бу эса, ўз навбатида, келгусида жиловлаб бўлмайдиган инфляцияга, яъни қимматчиликка, захира ва миллий

валюталарнинг кадрсизланишига ва шу билан боғлиқ оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги қайд этилди.

4. Халқаро иқтисодий ташкилотлар

Мақсадлари ва вазифалари барча мамлакатлар халқларининг манфаатларига мос келадиган давлатлараро универсал ташкилотлар. Бундай ташкилотлар – Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизимининг асосий органлари (Бош Ассамблея, Хавфсизлик Кенгаши, Иқтисодий ва ижтимоий кенгаш, Васийлик бўйича кенгаш, Халқаро суд) ҳамда мустақил халқаро иқтисодий ташкилотлар ҳисобланувчи ихтисослашган муассасалар – Халқаро валюта фонди (ХВФ), Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки (ХТТБ), унинг шўъба ташкилоти бўлган Халқаро молиявий корпорация (ХМК), Халқаро тараққиёт уюшмаси (ХТУ), Халқаро савдо ташкилоти (ХСТ), БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) кабилардир.

Асосан молиявий-иқтисодий масалаларни ҳал этиш учун ташкил қилинган **минтақавий ва халқаро хусусиятга эга давлатлараро ташкилотлар** – Европа Тикланиш ва тараққиёт банки (ЕТТБ), жаҳондаги турли минтақаларнинг саноати ривожланган мамлакатларини бирлаштирувчи Иқтисодий тараққиёт ва ҳамкорлик ташкилоти (ИТХТ)дир.

Жаҳон бозорининг айрим сегментларида фаолият кўрсатувчи **халқаро иқтисодий ташкилотлар** – Нефть экспорт қилувчи мамлакатлар ташкилоти (ОПЕК), ҳар хил халқаро битимлар (кофе, тўқимачилик товарлари кабилар бўйича).

«Катта саккизлик» (Канада, ГФР, Франция, Япония, Буюк Британия, Италия, АҚШ, Россия каби) жаҳон иқтисодиётига таъсир кўрсатувчи **ярим расмий бирлашмалар орқали намоён бўладиган халқаро иқтисодий ташкилотлар.** Ушбу мамлакатлар глобал хусусиятга эга бўлган долзарб муаммоли масалаларни кўриб чиқадилар ва умумий ҳаракат йўналишини ишлаб чиқадилар. Уларнинг қарорлари кўпинча ХВФ, ХТТБ ва бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар сиёсатини белгилаб беради (масалан, Россия 1998 йилдан бошлаб саммитларда «Катта саккизлик» аъзоси сифатида иштирок этмоқда.

Ярим расмий ташкилотларга банклараро даражада фаолият кўрсатувчи кредитор мамлакатларнинг Париж ва Лондон клублари киради.

Турли хил савдо-иқтисодий, валюта-молия, кредит, тармоқ ва ихтисослашган ташкилотлар. Асосий давлатлараро универсал ташкилотни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти тизими ташкил қилади. У ўз асосий ва ёрдамчи органлари билан бирга, 18 та ихтисослашган муассасани, Халқаро атом энергияси бўйича агентликни (МАГАТЭ), бир қатор дастурлар, кенгаш ва комиссияларини қамраб олади.

Жаҳон савдо оқимларини шакллантиришда асосий ролни **Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ) ўйнайди.** ЖСТнинг ҳуқуқий асосларини Тарифлар ва савдо бўйича бош битим (1994 йилги таҳрирда), Хизматлар билан савдо қилиш ҳақидаги бош битим (ГАТС), Интеллектуал мулк ҳуқуқларининг савдо жиҳатлари тўғрисидаги битим (ТРИПС) ташкил этади.

ЖСТ 1947 йилги Тарифлар ва савдо бўйича бош битим вориси сифатида 1995 йилнинг январидан бошлаб фаолият кўрсатмоқда ва 140 тадан ортиқ давлатни ўз ичига олган. ЖСТнинг бош вазифалари: халқаро савдони эркинлаштириш, иқтисодий ўсишга кўмаклашиш ҳамда одамларнинг иқтисодий фаровонлигини оширишдан иборат.

БМТнинг Савдо ва тараққиёт бўйича конференцияси (ЮНКТАД) Бош Ассамблеянинг органи сифатида 200 га яқин давлатларни бирлаштиради. ЮНКТАДнинг асосий вазифалари – ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида савдони кенгайтириш, тавсиялар ишлаб чиқиш, жаҳон савдоси бўйича БМТ муассасаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш.

Халқаро божхона ташкилоти – ХБТ (Брюссель, 1953 й.) 140 дан ортиқ давлатларни бирлаштиради. Унинг асосий вазифаси – жаҳон товар айланмасини (оборотини) тезлаштириш учун ягона божхона қоидаларини ишлаб чиқиш ва ёйиш, божхона органларининг назорат ва фискал функцияларини таъминлаш. ХБТнинг олий раҳбарлик органи – Кенгаш, доимий фаолият кўрсатувчи органи эса, котибият.

ХБТ Товарларни тавсифлаш ва кодлаштириш бўйича уйғунлашган тизимни, яъни божхона тарифлари ва ташқи савдо статистикасини тузиш учун товарларнинг универсал классификаторини ишлаб чиққан ва жорий этган (1983 й.).

Халқаро савдо палатаси – ХСП (Париж, 1919 й.)нинг мақсади – савдо, инвестициялар ва очиқ бозорларни, капиталларнинг ҳаракатини эркин рағбатлантириш орқали жаҳонда тадбиркорликнинг ривожланишига кўмаклашиш, эркин халқаро савдони ривожлантириш мақсадида иқтисодиёт ва ҳуқуққа оид самарали чоралар кўради, хусусий тадбиркорлик тизимини ҳимоя қилади.

Халқаро валюта фонди (ХВФ) 1947 йилда ташкил қилинган. Унинг олий раҳбарлик органи – Кенгаш, ижроия органи эса (24 нафар ижро этувчи директордан иборат) Директоратдир. ХВФ шартланганлик принципига асосланади. Ушбу принципга кўра, мамлакатлар муайян иқтисодий сиёсатни юритган тақдирда, кредит олишлари мумкин. ХВФ кредитини олиш шартлари: бюджет тақчиллигининг камайтирилиши, пул массасининг ўсиш суръатларини пасайтириш, кредитлар бўйича олинадиган фоиз ставкаларини инфляция даражасига нисбатан кўтаришдан иборат.

ХВФ халқаро валюта тизимининг институционал асоси бўлиб хизмат қилади.

Жаҳон банки гуруҳи ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлган ва ривожланаётган мамлакатларга молиявий ёрдам кўрсатиш мақсадига эга бешта институтдан ташкил топган. Гуруҳга қуйидагилар киради:

1. *Халқаро Тикланиш ва тараққиёт банки ёки Жаҳон банки (ХТТБ)* (Вашингтон, 1945 й.). ХТТБнинг устав капитали – 142 млрд. доллар.

2. *Халқаро тараққиёт ассоциацияси – ХТА* (Вашингтон, 1960 й.). ХТТБ (Жаҳон банки)дан кредит олишга қурби етмайдиган энг камбағал давлатларга ўта имтиёзли кредитлар беради.

3. *Халқаро молия корпорацияси – ХМК* (Вашингтон, 1956 й.). Хусусий секторни қўллаб-қувватлаш (техник ёрдам кўрсатиш, маслаҳатлар бериш) орқали ривожланаётган мамлакатларнинг иқтисодий ўсишига кўмаклашади. Устав капитали – 1,4 млрд. доллар.

4. *Инвестицияларни кафолатлаш бўйича кўп томонлама агентлик – МАГИ* (Вашингтон, 1988 й.). Инвесторларга нотижорат таваккаллардан зарар кўрмасликни кафолатлаб, ривожланаётган давлатларга хорижий инвестицияларнинг киритилишини рағбатлантиради. Устав капитали – 1 млрд. доллардан ортиқ.

5. *Инвестиция низоларини тартибга солиш бўйича халқаро марказ – ИНТСБХМ* (Вашингтон, 1966 й.). Арбитражда кўриб чиқиш орқали ҳукуматлар ва хорижий инвесторлар ўртасида низоларнинг

тартибга солинишига кўмаклашади, инвесторларга юридик маслаҳат беради.

Жаҳон банки иштирокчиларининг барча лойиҳалари молиявий ёрдамдан энг самарали фойдаланиш мақсадида сиёсий-иқтисодий экспертизадан ўтказилади.

Халқаро ҳисоб-китоблар банки – ХХБ (Базель, 1930 й.). Миллий банклар, асосан Европа давлатлари миллий банкларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиради.

Европа Тикланиш ва тараққиёт банки – ЕТТБ (Лондон, 1991 й.). Марказий, Шарқий Европа ҳамда собиқ Иттифок мамлакатларига бозор ислохотларини ўтказиш босқичида ёрдам кўрсатади. Банкнинг акционерлик капитали – 15 млрд. евро. ЕТТБ ХТТБ ҳамда кредиторларнинг Париж ва Лондон клублари билан ҳамкорлик қилади.

Осиё Тараққиёт банки – Осиё ва Узоқ Шарқ минтақасига бевосита қарзлар бериш ҳамда техник жиҳатдан кўмаклашиш орқали мазкур мамлакатлар иқтисодиёти ўсишини рағбатлантириш мақсадида 1966 йилда ташкил этилган банк.

Ихтисослашган халқаро иқтисодий ташкилотлар:

Саноат ривожланиши бўйича бирлашган миллатлар ташкилоти – ЮНИДО (Вена, 1967 й.). Саноат ривожланиши ва ҳамкорлигига, ривожланаётган мамлакатларнинг индустрлашишига, ўтиш даври иқтисодиётидаги мамлакатлар саноатининг соғломлашишига кўмаклашади.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалик ташкилоти – ФАО (Рим, 1945 й.) қуйидаги мақсадларга хизмат қилади: очарчиликни тугатиш, овқатланиш ва турмуш сифатини яхшилаш, қишлоқ хўжалиги, ўрмончилик ва балиқчиликни такомиллаштириш, қишлоқ ҳудудларини ривожлантиришга кўмаклашиш.

Интеллектуал мулк халқаро ташкилоти – ВОИС (Женева, 1977 й.). Бошқа халқаро иқтисодий ташкилотлар билан ҳамкорлик қилиш ёрдамида интеллектуал мулкнинг қўриқланишига кўмаклашади.

Атом энергияси бўйича халқаро агентлик – МАГАТЭ (Вена, 1956 й.). Атом энергиясидан ҳарбий мақсадларда фойдаланмаслик қафолатларини ўрнатади ва таъминлайди.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти – ХМТ (Женева, 1919 й.). Қуйидаги мақсадлар учун фаолият кўрсатади: тўлиқ бандликни таъминлаш, инсон ҳуқуқларига риоя этиш, меҳнаткашларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш, тадбиркорлар ва меҳнаткашлар ўртасидаги ҳамкорликни рағбатлантириш. ХМТнинг доимий котибияти Халқаро Меҳнат бюросидир.

Профессионал ихтисослашган ташкилотлар – Халқаро бухгалтерлар жамияти (Чикаго), Стандартлаштириш бўйича халқаро кўмита, Маркетинг бўйича халқаро федерация (Париж) ва бошқалар.

Тармоқ ташкилотлари – Халқаро реклама уюшмаси (Нью-Йорк), Ишбилармонлик алоқалари бўйича халқаро уюшма (Акрон, АҚШ), Фуқаро авиацияси бўйича халқаро ташкилот (Монреаль) ва бошқалар.

Таянч тушунчалар:

Халқаро савдо, жаҳон бозори, валюта бозори, валюта операциялари, валюта айирбошлаш, валюта курси, валюта конвертацияси, халқаро кредит, протекционизм, репатриация, тўлов баланси, ташқи қарзи.

Савол ва топшириқлар:

1. Жаҳон бозори нима?
2. Валюта бозори нима?
3. Валюта қимматликларига нималар киради?
4. Жаҳон валюта бозорга хос хусусиятларни санаб беринг.
5. Валютани тартибга солиш деганда нимани тушунасиз?
6. Валюта операциялари тартибини қандай қонун белгилаб беришини тушунтиринг.
7. Халқаро кредит халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида қандай функцияларни бажаришини тушунтириб беринг.
8. Қайси халқаро валюта-кредит ва молия ташкилотлари ёрдам тариқасида қарзлар беради?
9. Ўзбекистон ташқи қарзининг ЯИМ ва экспортдаги улуши қанча?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарийси

Жаҳон бозори – бу халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашув асосида шаклланган ва иқтисодий муносабатлар орқали ўзаро боғланган, алоҳида мамлакатлар миллий бозорлари мажмуидан иборат.

Халқаро савдо – дунёдаги барча мамлакатлар ташқи савдосининг мажмуидан иборат халқаро товар-пул муносабатлари соҳаси бўлиб, ташқи савдо айланмаси, экспорт ва импорт каби кўрсаткичлар билан тавсифланади.

Ташқи савдо айланмаси – маълум бир даврда (одатда бир йилда) амалга оширилган экспорт ва импорт операциялари умумий суммаси.

Савдо сиёсати – бу давлатнинг ташқи савдо ҳажмини тартибга солишга қаратилган иқтисодий сиёсатининг алоҳида йўналиши.

Ташқи савдо сиёсати – ички бозорни ҳимоялашга, ташқи савдо ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга, унинг тузилишини ва товар оқимларининг йўналишларини мақбуллаштиришга қаратилган тадбирлар тизими.

Протекционизм сиёсати – эркин савдони чеклашга, яъни ташқи савдо ҳажмини таърифли ва таърифсиз тўсиқлар орқали тартибга солиш.

Валюта – бу алоҳида мамлакатлар пул бирлигидир.

Валюта курси – бир мамлакат ёки мамлакатлар гуруҳи пул бирлигининг бошқа мамлакатлар пул бирлигида ифодаланадиган нарх.

Валюта конвертацияси – ҳар бир миллий валютани бошқа валютага алмаша олиш хусусиятидир.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Халқаро савдо иқтисодий ресурсларининг ҳаракатчанлигига ҳар бир мамлакатнинг турли валюталардан фойдаланиши хос. Кейинги йилларда халқаро савдода кескин ўзгаришлар рўй берди. Жаҳон экспортида янги индустриал мамлакатлар (Сингапур, Хитой, Жанубий Корея ва ҳ.к.) ҳиссаси ортиб бормоқда. Жаҳон бозори савдо айланмаси таркибида енгил саноат маҳсулотларининг улуши ортмоқда. Шунингдек, жаҳон экспортида хизматлар улушининг ўсиши кузатилмоқда.

2. Халқаро савдо-сотик капитал ва иш кучи ҳаракати, мамлакатлараро пул оқимини ҳосил этмоқда. ХХІ асрда капиталнинг чиқарилиши ўсмоқда. Бу иқтисодий ўсишга хизмат қилади, чунки бу билан инвестиция учун пул топиш муаммоси ечилди, капитал кетидан илғор технология ва бошқарув тажрибаси кириб келади, капитал қабул қилган мамлакатда ишлаб чиқаришнинг таркиби янгиланади, яъни

модернизация юз беради. Бу мамлакатни жаҳон бозорига олиб чиқади, бандлик ошади, аҳолининг даромади кўпаяди.

3. Халқаро савдо-сотик валюта айирбошлашни тақозо этади. Бу шаклланган валюта курсига биноан бўлади. Валюта курси (нархи ўзаро алмашиладиган миллий валюталарнинг харид қобилиятига ва валюта бозоридаги талаб ва таклиф нисбатига боғлиқ бўлади. Валюталарнинг алмашилиши уларнинг конвертацияси бўлади.

4. Очик иқтисодиётга «таққосий афзаллик қонуни» хосдир. Таққосий афзалликни халқаро меҳнат тақсимооти юзага келтиради. Бу қонунга кўра нимани ишлаб чиқариш қулай бўлса, шу экспорт қилиниши ва аксинча, нимани ишлаб чиқариш қулай бўлмаса, у импорт қилиниши керак.

5. Очик иқтисодиёт халқаро меҳнат тақсимотини чуқурлаштиради. Бу миллий иқтисодиётнинг жаҳон иқтисодиётининг бир қисмига айланиб қолишини билдиради. Эркин савдо ҳудудларида иқтисодий ва валюта соҳасидаги бирлашув юз беради (масалан, Европа иттифоқи).

22-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ

1. Халқаро интеграциянинг моҳияти, шарт-шароитлари ва даражалари

Ўзбекистон давлат мустақиллигига эришгандан кейин давлат ва халқ манфаатларига мувофиқ келадиган мустақил ижтимоий-иқтисодий сиёсатни ўтказиш имконияти туғилди. Республиканинг ташқи дунёдан бир асрдан ортиқ вақт мобайнида ажралиб қолганлигига барҳам берилди. У халқаро ҳуқуқнинг тенг ҳуқуқли субъекти бўлди. Бу эса жаҳон меҳнат тақсимоотида муносиб ўринни эгаллашга шароит яратди¹.

¹ Қаранг: *Каримов И. А.* Ўзбекистон бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли // *Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура.* Т. 1. – Т., 1996. – Б. 157.

Мустақиллик йилларида юқоридаги интеграциялашув қонун-қоидаларига риоя этганлиги боис, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида тутган ўрни ва аҳамияти мунтазам равишда ортиб бормоқда. Бунинг асоси ҳақида тўхталиб, Президент Ислон Каримов: «Изчил юқори ўсиш суръатлари, юртимизда барпо этилган банк-молия тизимининг барқарор ва ишончли фаолият юритиши, иқтисодиётда амалга оширилаётган янгиланиш ва ўзгаришлар, умуман, мамлакатимизни модернизация қилиш йўлидаги дадил қадамларимиз дунё жамоатчилиги, шунингдек, Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари нуфузли халқаро молия ташкилотлари томонидан эътироф этилмоқда»¹, – деб алоҳида кўрсатиб ўтган.

Юқоридаги қоидаларга риоя қилишнинг аҳамияти яна шундаки, 2008 йилда бошланган ва ҳозиргача жаҳондаги аксарият мамлакатлар миллий хўжаликларига жиддий салбий таъсир кўрсатиб келаётган жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози Ўзбекистонда енгил кечди.

Ўзбекистон БМТ доирасида жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувни БМТнинг ихтисослашган муассасалари – ЮНЕСКО, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Халқаро меҳнат ташкилоти, ЮНКТАД, ЮНИСЕФ ва бошқалар билан кенг ҳамкорлик туфайли амалга оширмоқда.

Иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишга, Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашувини таъминлашга халқаро молиявий, иқтисодий ташкилотлар – Халқаро валюта фонди, Жаҳон банки, Халқаро молия корпорацияси, Европа Тикланиш ва Тараққиёт банки, Осиё Тараққиёт банки ва бошқалар ҳам катта ёрдам кўрсатмоқда. Мамлакатимизнинг ҳар йили Давос шаҳрида ўтадиган Жаҳон иқтисодий анжуманида қатнашиши катта аҳамиятга эга. Анжуманда қатнашиш Ўзбекистонни ва унинг имкониятларини таништириш, чет эл инвестицияларини жалб этиш учун муҳим аҳамиятга молик.

Жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувнинг таркибий қисми давлатларнинг турли минтақавий бирлашмалари билан алоқаларни ривожлантиришдан иборат. Ўзбекистон минтақавий халқаро

¹ Каримов И. А. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси. – Т.: «Ўзбекистон», 2010. – Б. 4.

ташкilotлар, чунончи, Европа Иттифоқи, ЕХҲТ, НАТО, ЭКО, ОИК, Қўшилмаслик ҳаракати ва бошқалар билан ҳам самарали ҳамкорлик қилмоқда. Бугунги кунда Ўзбекистон ташқи сиёсатининг Осиё йўналиши анча кенгайганлигини таъкидлаш жоиз. Ўзбекистон ўзининг ташқи алоқаларини кўп томонлама ва икки томонлама асосда ташкил этиб келмоқда.

Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви турли мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига боғлиқ қилиб қўяди. Айниқса, глобаллашув шароитида иқтисодий фаолият байналминал тус олади, муайян маҳсулотни ишлаб чиқаришда бир неча мамлакатлар фирмалари иштирок этади. Бир мамлакатда етишмай қолган ресурсларнинг ўрни бошқа ердан келган ресурслар билан тўлдирилади, йирик илмий техникавий лойиҳалар биргаликда амалга оширилади. Шу боис, турли мамлакатлар миллий иқтисодиётининг ўзаро қўшилиб ягона мамлакатлараро хўжалик тизимини ҳосил этиши иқтисодий интеграция деб юритилади.

1.1. Халқаро иқтисодий интеграция концепциялари

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) – мамлакатларнинг ишлаб чиқаришни байналминаллаштириши, яъни халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва халқаро меҳнат тақсимоти асосида иқтисодий ҳамкорлик қилишидан иборат жараён.

XX аср охирида халқаро иқтисодий интеграция айрим минтақалар иқтисодиётининг жадал ривожланиши ва интеграция бирлашмалари аъзолари бўлган мамлакатлар рақобатбардошлигининг ортиши учун муҳим омилга айланди.

Иқтисодий интеграция қуйидаги шарт-шароитлар (омиллар) билан белгиланади:

- 1) ишлаб чиқаришнинг байналминаллашуви ва трансмиллий корпорацияларнинг яратилиши;
- 2) турли мамлакатлар корхоналари ўртасидаги ҳамкорлик;
- 3) технологияларнинг халқаро миқёсда айирбошланиши ва янги технологик базиснинг шаклланиши;
- 4) айрим мамлакатлар иқтисодиётларининг очиқлиги, халқаро айирбошлашнинг либераллашуви.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг шарт-шароитларини қуйидагилар ташкил этади:

– мамлакатлар иқтисодий ривожланишининг тахминан тенг даражаси;

– жуғрофий кўшничилик, кўп ҳолларда умумий чегара ҳамда тарихан шаклланган иқтисодий алоқаларнинг мавжудлиги;

– ривожланиш, молиялаштириш, иқтисодиётни тартибга солиш ҳамда сиёсий ҳамкорликнинг иқтисодий ва бошқа муаммолари умумийлиги;

– ташаббус кўрсатувчи, бошқа мамлакатларни бирлаштирувчи марказнинг мавжудлиги ва давлатлар устида турувчи институтларнинг ташкил қилиниши.

Халқаро иқтисодий интеграция назариясининг асосида мамлакат учун халқаро меҳнат тақсимооти негизида ишлаб чиқариш тури бўйича ихтисослашув ҳамда товарлар айирбошлашнинг фойдалилиги принципи ётади.

Ташқи иқтисодий интеграция назариясида интеграция механизмининг турлича баҳоланиши билан боғлиқ ҳар хил концепциялар мавжуд.

Неолиберализм тарафдорлари (В. Репеек, М. Аллэн) ХИИни табиий бозор кучлари амал қиладиган бир қанча мамлакатлар миқёсидаги ягона (умумий) бозор макони деб ҳисоблайдилар.

Корпорационализм тарафдорлари (С. Рольф, У. Ростон) халқаро иқтисодиётнинг интеграциясини бозор механизми ва давлат бошқаруви эмас, балки жаҳон хўжалик алоқаларининг оқилона ва мувозанатлашган тарзда ривожланишига имкон яратувчи халқаро корпорациялар амалга оширади, деб таъкидлайдилар.

Россиялик иқтисодчи олимлар Н. П. Шмелёв, М. М. Максимова ва Ю. В. Шишковнинг таъкидлашларича, ХИИ ХМТнинг ривожланганидан, ишлаб чиқаришнинг байналминаллашганидан, бозор механизмларининг миллий хўжаликларнинг ўзаро бир-бирига мослашувига таъсир этаётганидан далолат беради.

Халқаро иқтисодий интеграциянинг мақсадлари қуйидагилардан иборат:

1) ишлаб чиқариш миқёсининг кенгайиши эвазига тежамкорликка эришиш (харажатларнинг камайиши, бевосита хорижий инвестицияларнинг кириб келиши);

2) қулай ташқи сиёсий муҳит яратиш (сиёсий, ҳарбий, маданий ва бошқа соҳаларда яқдиллик ва ҳамкорликнинг ўсиши);

3) савдо сиёсати вазифаларининг бажарилиши (минтақавий интеграцион бирлашмалар ўзаро савдо учун барқарор муҳит яратадилар);

4) иқтисодийнинг таркибий қайта қурилишига кўмаклашиш (бозор ислохотларининг тезлашуви ва катта ҳажмли бозорнинг яратилиши);

5) миллий саноатдаги янги тармоқларни, маҳаллий ишлаб чиқариш корхоналарини кенг минтақавий бозорда қўллаб-қувватлаш.

1.2. Халқаро иқтисодий интеграция даражалари

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ)нинг биринчи даражаси – мамлакатлар ўртасида интеграциянинг тайёргарлик босқичи сифатида баҳоланадиган преференциал савдо битимлари тузилиши билдиради.

ХИИнинг иккинчи даражасида мамлакатлар эркин савдо зонаси ташкил қиладилар. Бунда учинчи мамлакатлар билан савдо қилинганида сақланиб қоладиган бож тарифлари ўзаро савдода батамом бекор қилиниши назарда тутилади.

ХИИнинг учинчи даражаси Божхона иттифоқи ташкил этилиши билан боғлиқ. Божхона иттифоқи интеграция қилинган (бирлашган) мамлакатлар ичида товарлар, хизматлар билан божсиз савдо қилиниши ҳамда ушбу товарларнинг ички бозорда батамом эркин кўчиб юришини назарда тутди. Божхона иттифоқининг бошқарув органи – *вазирлар даражасидаги давлатлараро кенгаш* ҳамда *доимий фаолият кўрсатувчи давлатлараро котибият*.

ХИИнинг тўртинчи даражасида мамлакатлар нафақат товар ва хизматлар, балки ишлаб чиқариш омиллари бўлган меҳнат ва иш кучининг эркин ҳаракатланиши ҳақида келишиб оладилар, умумий бозор юзага келади.

Иқтисодий сиёсатнинг давлатлараро мувофиқлашуви давлатлар ва ҳукуматлар бошлиқларининг вақти-вақти билан бўладиган мажлисларида, сиёсий идоралар раҳбарларининг учрашувларида амалга оширилади ҳамда доимий фаолият кўрсатувчи котибият иши билан қўллаб-қувватланади.

ХИИнинг бешинчи даражаси иқтисодий иттифоққа хосдир. Унда умумий бож тарифлари, товарлар ва ишлаб чиқариш омилларининг эркин ҳаракати билан бир қаторда, макроиқтисодий сиёсатнинг

мувофиқлаштирилиши, валюта, бюджет ва пул билан боғлиқ соҳаларда қонунларнинг бирхиллаштирилиши назарда тутилган. Европа Иттифоқи бошқарувининг Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар ҳукуматлари билан келишувларсиз қарорлар қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган янги органлари юзага келади.

ХИИнинг олтинчи даражаси – миллий ҳукуматлардан ташқари бўлган умумдавлат органлари (Европарламент, Европа Министрлар совети) учинчи (ривожланаётган) мамлакатлар билан муносабатлардаги айрим вазифаларини давлатларнинг умуммамлакат органларига ўтказишларини назарда тутувчи сиёсий иттифоқ ҳам бўлиши мумкин.

Жаҳон иқтисодиётидаги интеграцион бирлашмалар. Жаҳон савдо ташкилоти (ЖСТ)нинг маълумотларига кўра, XX асрнинг 90-йиллари охирида дунёда ҳар хил турдаги 30 дан ортиқ интеграцион бирлашмалар мавжуд эди. Қиёслаш учун, дейлик, 70-йилларда 5–6 та ва 80-йилларда 18–20 та бўлган.

ХИИнинг ҳаракатлантирувчи кучини ўз фаолиятида энг мақбул миқёсларга эришишдан манфаатдор корхоналар ташкил этади. Улар интеграциянинг қуйидаги афзалликларидан фойдаланадилар:

- 1) бозорлар ҳажмининг кенгайиши;
- 2) товар ва хизматлар ишлаб чиқаришнинг қайта ташкил этилиши;
- 3) ҳамкорлик ва кооперация, божхона чекловларисиз товар ва хизматларни айирбошлаш;
- 4) ҳар бир мамлакатда савдо ваколатхоналарини сақлаб туриш заруратининг йўқлиги;
- 5) кенг миқёсга чиқиш эвазига тор ихтисослашган экспортнинг ўсиши;
- 6) учинчи мамлакатлар бозорларини ўзлаштиришга имкон берадиган даромадларнинг кўпайиши;
- 7) ишлаб чиқариш ҳамда товар ва хизматларни сотиш харажатларини камайтириш эвазига минтақа ичидаги савдонинг самарадорлиги;
- 8) интеграция бирлашмаларининг ҳуқуқий базаси иқтисодий жиҳатдан ожизроқ мамлакатларни ҳимоя қилишга қаратилганлиги.

Давлатлар интеграциялашуви чоғида улар суверенитетининг чекланиши илгари товарлар импортидан протекционистик усуллар билан ҳимояланган мамлакатларнинг ишлаб чиқариш тармоқларига зарар етказиши мумкин. Шу сабабли айрим мамлакатлар мустақил

миллий сиёсат юритиб, ҳамжамиятнинг ягона бирхиллаштирилган талабларини қабул қилишдан бош тортадилар (масалан, Буюк Британия, Греция, Дания, Швейцария евро пул бирлигига ўтишдан бош тортганлигини мисол сифатида келтириш мумкин).

Интеграцион бирлашмалар аъзолари бўлган давлатлар ЖСТнинг учинчи мамлакатларга энг кўп қулайлик режими бериш ҳақидаги талаблари (қоидалари)ни қабул қилмасликлари мумкин. ХИИ бўйича шерикларга бошқа мамлакатларга қараганда кўпроқ имтиёзлар берилади.

Аксарият мамлакатлар умумжаҳон (ЖСТ доирасидаги) иқтисодий интеграциясига эришиш йўлида яқин истиқболда тор минтақавийликни афзал кўрадилар.

Кўпчилик интеграцион бирлашмалар қўйилган мақсадлардан анча узокдадирлар (51 та Африка мамлакатини ўз ичига олган иқтисодий иттифоқни ташкил қилиш мақсадини эълон қилган Африка иқтисодий ҳамжамияти 1994 йилдан бошлаб 34 йил давом этган ўтиш даври мобайнида ташкил қилинди).

Эълон қилган мақсадлари ва номлари қандайлигидан қатъи назар, аксарият гуруҳлар ё савдо битимлари преференциал даражасида, ё амалга оширилиши энг осон бўлган эркин савдо зонаси даражасидадирлар. Энг ривожланган интеграцион бирлашма Европа Иттифоқи (ЕИ)дир.

1988 йилнинг бошида АҚШ билан Канада ўртасида эркин савдо зонаси яратиш ҳақида битим тузилган, 1992 йилда эса Шимолий Америка эркин савдо уюшмаси – НАФТА ташкил этилди (АҚШ, Канада, Мексика). НАФТА умумий минтақавий бозор ташкил этилишига, товар ва хизматлар, капитал ва меҳнатнинг эркин кўчиб юришига йўл очди.

НАФТА доирасида экспортнинг кенгайиши, иш ўринларининг кўпайиши кузатилмоқда. Канада ташқи савдо айланмасида АҚШнинг улуши 70 фоизни, АҚШ ташқи савдосида Канаданинг улуши эса 20 фоизни ташкил этади (қиёслаш учун: ЕИда Германиянинг Франция ташқи савдо айланмасидаги улуши тахминан 20 фоиз, Франциянинг Германия ташқи савдосидаги улуши эса – тахминан 10 фоиз). Мексикада хорижий инвестициялар ҳажми анча кўпайди. НАФТА мамлакатларида ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичлар ўртачалашиб, мамлакатлар ўртасидаги савдо ҳажми ортиб бормоқда.

Жаҳон ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизини ишлаб чиқарувчи Осиё ва Тинч океани минтақасида «Осиё тўртбурчаги» шаклланди: Япония – Хитой – янги индустриал мамлакатлар (Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг, Сингапур) – АСЭАН (Жануби-шарқий Осиё давлатлари уюшмаси: Индонезия, Малайзия, Таиланд, Филиппин, Сингапур, Бруней, Вьетнам).

Ушбу мамлакатларнинг интеграцияси АСЭАН негизида амалга ошмоқда ва уч йўналишни қамраб олади:

- 1) бозор йўналиши (эркин савдо зоналари);
- 2) бозор институционал йўналиш (бозорнинг мақсадга қаратилган бошқарув билан уйғунлашуви);
- 3) минтақа доирасида лойиҳаларнинг амалга оширилиши (ТМКнинг ривожланиши, саноат воситачилиги).

2007 йилда 1989 йилда таъсис этилган ва 21 та давлатни қамраб оладиган Осиё ва Тинч океани иқтисодий ҳамжамиятига ўхшаш эркин савдо зонасини ташкил қилиш мўлжалланган эди.

Жанубий Америкада халқаро иқтисодий интеграцияни фаоллаштиришда МЕРКОСУР, яъни 1991 йилда Аргентина, Бразилия, Парагвай ва Уругвай томонидан ташкил қилинган Жанубий Конус мамлакатларининг умумий бозори борган сари кўпроқ аҳамиятга эга бўлмоқда. Бу Лотин Америкасининг энг катта бозоридир (аҳолининг 45 фоизи 200 млн.дан ортиқ; жами ЯИМнинг 50 фоизи тахминан 1 трлн. доллар; бевосита хорижий инвестицияларнинг 40 фоизи жалб этилган).

Жанубий Америка халқаро иқтисодий интеграциясининг бошқа бирлашмалари орасида қуйидагилар ажралиб туради:

- Анд канти (Боливия, Венесуэла, Колумбия, Перу, Эквадор);
- Марказий Америка умумий бозори (Гватемала, Гондурас, Коста-Рика, Никарагуа, Эквадор);
- КАРИКОМ (Кариб ҳамжамияти) – инглиз тилида сўзлашувчи 14 та Кариб ҳавзаси мамлакатлари.

Мазкур бирлашмалар эркин савдо зонаси даражасидадирлар.

Африкада ХИИ 60-йиллар охирида бошланган. Африкадаги энг фаол интеграцион гуруҳлар қуйидагилар:

- 1975 йилда ташкил этилган ва 16 та давлатни ўз ичига олган Ғарбий Африка давлатларининг иқтисодий ҳамжамияти (ЭКОВАС);
- 1993 йилда ташкил қилинган ва 21 та мамлакатни қамраб олган Шарқий ва Жанубий Африка умумий бозори;

– 1992 йилда ташкил этилган Африка жанубини ривожлантириш ҳамжамияти;

– 1967 йилда ташкил қилинган ва 6 та мамлакатни ўз ичига олган Марказий Африка божхона ва иқтисодий иттифоқи.

Африкада ХИИни ривожлантириш борасидаги муаммоларга: мамлакатлар иқтисодий ривожланиши даражасининг ҳар хиллиги, иқтисодиётнинг бир хиллиги ва диверсификациялашмаганлиги, инфратузилманинг ривожланмаганлиги, сиёсий беқарорлик кабиларни киритиш лозим.

МДХ (Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги) – суверен давлатлар (Озарбайжон, Арманистон, Беларусь, Грузия, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Туркменистон, Ўзбекистон, Украина)нинг бирлашмаси бўлиб, 1991 йилда улар ўртасида имзоланган шартномага мувофиқ ташкил қилинган.

МДХнинг тузилиши учун асос сифатида янги хўжалик алоқаларини шакллантириш принципи (маъмуриятнинг ўзбошимчалигини иложи борича камайтириш, кўп томонлама ва икки томонлама мувофиқлаштириш) хизмат қилади. МДХ ҳудудида жойлашган корхоналарнинг хўжалик фаолияти учун иқтисодий жиҳатдан бир хил майдонни (эркин савдо зонасини, умумий ахборот маконини) яратиш долзарб вазифадир. 1994 йилда МДХнинг давлатлар устида турадиган бошқарув органи – Давлатлараро иқтисодий қўмита ташкил қилинган.

Кейинчалик ижтимоий-иқтисодий, технологик ва ташқи савдо манфаатларининг умумийлиги асосида 1995 йилда Божхона иттифоқи ташкил қилинди. Унинг негизида Беларусь Республикаси, Россия, Тожикистон, Қозоғистон, Қирғизистонни ўз ичига олган ЕврОсиё ҳамжамияти ривожланмоқда.

Умумий иқтисодий макон шаклланиши давомида биринчи босқичда эркин савдо зонаси, божхона иттифоқи, тўлов иттифоқи, умумий меҳнат бозори, умумий аграр бозор, умумий инвестиция ва илмий-техникавий макон яратиш ҳамда ривожлантириш вазифалари қўйилган.

МДХдаги интеграция натижалари зиддиятлидир: эришилган шартлашувларнинг аксарияти бажарилмаган, аммо Ҳамжамият тарқаб кетмади ва ўз мавжудлиги мақсадга мувофиқлигини исботлади.

Ҳозирда Европа Иттифоқи 27 та мамлакатни: Бельгия, Болгария, Италия, Люксембург, Нидерландия, Германия, Франция, Дания,

Ирландия, Буюк Британия, Греция, Испания, Португалия, Австрия, Финляндия, Швеция, Польша, Чехия, Венгрия, Словакия, Литва, Латвия, Руминия, Эстонияни ўз ичига олган. Европа Иттифоқи (ЕИ) 1991 йилда ташкил қилинган. 2012 йилда Европа Иттифоқига Хорватиянинг кириши режалаштирилган эди. Туркиянинг қўшилиши ҳақида музокаралар олиб борилмоқда.

ЕИ қуйидаги мақсадларни қонун тариқасида белгилаб қўйган:

- Европа фуқаролигининг жорий этилиши;
- эркинлик, хавфсизлик ва қонунийликнинг таъминланиши;
- иқтисодий ва ижтимоий тараққиётга кўмаклашиш;
- Европанинг жаҳондаги ролини кучайтириш.

ЕИ давлатларининг иқтисодий ва валюта иттифоқи ЕИ валютаси бўлмиш евро амал қиладиган умумий иқтисодий маконни шакллантиради. ЕИнинг молиявий воситалари турли фондлар (минтақавий ривожланиш, ижтимоий, жипслашув фонди ва бошқалар)дир. Европа инвестиция банки узоқ муддатли инвестиция лойиҳаларининг амалга оширилишига кўмаклашади.

ЕИнинг асосий бошқарув органлари – Европа Кенгаши, Еврокомиссия, Европарламент. Ёрдамчи ва маслаҳат органлари – Иқтисодий ва Ижтимоий қўмита, Минтақалар қўмитаси, Ҳисоб палатаси (Аудиторлар палатаси).

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 2012 йил 1 май куни Оқсаройда Европа Иттифоқининг мамлакатимиздаги Ваколатхонаси (Делегацияси) раҳбари – элчиси этиб тайинланган Норбер Жустендан ишонч ёрлиғини қабул қилди. Норбер Жустен Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги Ваколатхонасининг илк раҳбари сифатида ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солишини таъкидлаган.

1996 йилнинг июнида Флоренцияда давлат ва ҳукумат раҳбарлари даражасида Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги муносабатларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга асос бўлган Шериклик ва Ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланган эди.

2011 йилнинг январь ойида Брюсселда бўлиб ўтган олий даражадаги икки томонлама музокара ва унинг яқунлари юзасидан имзоланган ҳужжатлар Ўзбекистон билан Европа Иттифоқи ўртасидаги кенг кўламли мулоқотларга янги имкониятлар яратди. Икки томон ҳам савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор. Мамлакатимизда 2012 йил

маълумотларига кўра, Европа инвесторлари иштирокида тузилган 840 дан зиёд корхона ўзаро манфаатдорлик асосида фаолият кўрсатмоқда, ЕИга аъзо мамлакатларнинг қарийб 270 етакчи компанияси ваколатхоналари рўйхатдан ўтказилган.

2011 йилда Ўзбекистоннинг ЕИ мамлакатлари билан олиб борган умумий савдоси ҳажми 2010 йилдагига нисбатан қарийб 20 фоиз ўсди ва 2,3 миллиард АҚШ долларидан ошди. Ўзбекистон Европа Иттифоқининг Марказий Осиё бўйича стратегияси доирасидаги лойиҳа ва дастурларни амалга оширишни қўллаб-қувватлаб келмоқда.

Савдо-иқтисодий ва маданий-гуманитар йўналишларда, хавфсизлик, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва сув ресурсларини бошқариш соҳаларида, демократлаштириш, қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини шакллантириш ҳамда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида ўзаро ҳамкорликда тadbирлар ташкил этилмоқда.

1.4. Халқаро иқтисодий интеграциянинг мезонлари ва ривожланиш тамойиллари

У ёки бу интеграцион гуруҳнинг ташкил қилиниши умуман халқаро иқтисодиёт манфаатларига қанчалик мос келишини баҳолаш учун XX асрнинг 90-йилларида Бутун жаҳон банки қуйидаги принциплар (мезонлар)ни ифодалаб берди:

1) минтақавий савдо битимлари иқтисодиётнинг истисносиз барча тармоқларини қоплаб олиши керак;

2) ўтиш даври ўн йилдан ортмаслиги ҳамда савдони либераллаштиришнинг аниқ жадвалини ўз ичига олиши керак;

3) савдо интеграциявий бирлашма ташкил этилишидан аввал либераллаштирилиши керак;

4) умумий божхона тарифи энг қулай шароит яратиш режимининг энг пастки тарифидан ортиқ бўлмаслиги керак;

5) янги аъзоларни қабул қилиш қоидалари эркин (либерал) бўлиши лозим;

6) интеграциянинг энг ривожланган даражалари (шакллари)га тез ўтиш зарур;

7) интеграция бирлашмасида демпингга қарши қоидалар қўлланилмаслиги керак.

Аксарият ҳолларда интеграциянинг ижобий натижалари салбий оқибатларидан ортиқ бўлади. Бунинг умумий қонуниятлари қуйидагилардан иборат:

– интеграция бирлашмасида мамлакатлар қанчалик кўп ва катта бўлса, савдо ҳажми шунчалик кўламли бўлади;

– интеграция бирлашмаси мамлакатлари ўртасидаги савдо ҳажми ушбу бирлашма тузилишидан аввал қанчалик катта бўлган бўлса, савдо шунчалик самарадор бўлади;

– рақобатнинг ўсиши товарлар сифатининг ортишига олиб келади, янги технологиялар яратилишини рағбатлантиради;

– нарх кўтарилиши камаяди.

Охирги ўн йиллар мобайнида жаҳон иқтисодиётида Америка Қўшма Штатлари етакчи бўлиб келмоқда. Ҳозирги босқичда АҚШнинг етакчилиги асосан бозорининг миқёси ва бойлиги, бозор тузилмаларининг ривожланганлик даражаси, фан-техника салоҳияти, савдо, инвестициялар ва банк капитали йўналишида қудратли ва кенг тармоқланган жаҳон хўжалик алоқалари тизими туфайли бўлиб, бу унинг бошқа мамлакатлардан устунлик қилишини таъминламоқда.

АҚШнинг ҳозирги саноати жаҳонда қазиб олинаётган бутун хомашёнинг тахминан 1/3 қисмини қайта ишламоқда. Мамлакат машина ва ускуналарнинг энг катта бозорига эга. Ривожланган мамлакатларда сотиладиган машинасозлик маҳсулотининг 40 фоиздан ортиғи АҚШ ҳиссасига тўғри келади.

АҚШ корпорациялари фан-техника тараққиётининг самолётлар ва космик аппаратлар, ўта қудратли компьютерлар ва уларнинг дастурий таъминоти, ярим ўтказгичлар ва энг янги қудратли интеграл схемалар, лазер техникаси, алоқа воситалари каби йўналишларида жаҳон биринчилигини мустаҳкам сақлаб келмоқдалар. Ривожланган мамлакатларда яратилаётган асосий янгиликларнинг 50 фоизи АҚШда жорий этилади.

АҚШ тўпланган билим массивларига ишлов бериш, ахборот хизматлари кўрсатиш соҳаларида ҳам мустаҳкам мавқега эга. Ушбу омил жуда катта аҳамиятга эга, чунки ахборот билан тез ва сифатли таъминлаш бутун ишлаб чиқариш аппаратининг иш самарадорлигини борган сари кўпроқ белгилаб бермоқда.

Ҳозирги вақтда ривожланган мамлакатларда мавжуд бўлган маълумотлар банкларининг 75 фоизи АҚШда жамланган. Японияда худди Ғарбий Европадаги сингари, бунга тенг келадиган

маълумотлар банклари тизими мавжуд бўлмагани боис, ушбу мамлакатлар олимлари, муҳандислари ва тадбиркорлари ҳали узок вақт давомида асосан Америка манбаларидан билим олишни давом эттирадилар. Бу эса уларнинг АҚШга тобелигини кучайтиради, ахборот истеъмолчиларининг тижорат ва ишлаб чиқариш стратегиясига таъсир этади.

Ғарбий Европа жаҳон хўжалигида алоҳида ўрин тутди. Дунё ялпи ички маҳсулотининг 23 фоизи ва аҳолисининг 7 фоизи унга тўғри келади.

Минтақанинг асосий иқтисодий қудратини саноати юксак даражада ривожланган тўртта катта мамлакат – ГФР, Франция, Италия ва Буюк Британия ташкил қилади, уларда Ғарбий Европа аҳолисининг 50 фоизи ва ялпи ички маҳсулотининг 70 фоизи жамланган.

Жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг деярли 20 фоизи Ғарбий Европада ишлаб чиқарилади. Қишлоқ хўжалиги товарларининг етакчи ишлаб чиқарувчилари – Франция (14,5 фоиз), ГФР (13 фоиз), Италия (10 фоиз) ва Буюк Британия (8 фоиз) ҳисобланади.

Атом энергияси 10 та мамлакатда ишлаб чиқарилади ва истеъмол қилинади. Умуман Финляндия, Бельгия, Швейцарияга унинг 15–20 фоизи, Швеция ва Францияга – 75 фоиздан ортиғи тўғри келади.

Жаҳон иқтисодиётининг барча кичик тизимларида, бинобарин, ривожланаётган мамлакатларда юз бераётган дифференциация жараёнлари «*янги индустриал мамлакатлар*» номини олган мамлакат ва ҳудудларнинг алоҳида гуруҳи ажралиб чиқишига олиб келди.

Ушбу давлатлар ҳозирги вақтда саноати ривожланган мамлакатларга қараганда иқтисодий ўсишининг юқорилиги ҳамда ривожланаётган мамлакатларнинг асосий гуруҳларига нисбатан хўжалик ривожланишининг анча юқори даражаси билан ажралиб турадилар.

Янги индустриал мамлакатларга қуйидаги мамлакат ва ҳудудлар киради: Жанубий Корея, Тайвань, Гонконг (Сянган), Сингапур, Малайзия, Таиланд, Аргентина, Бразилия, Мексика.

Шарқий ва Жануби-шарқий Осиёдаги қуйидаги мамлакатлар энг жадал ривожланмоқда: Япония, Жанубий Корея, Сингапур, Тайвань,

Малайзия, Таиланд ва Филиппин, шунингдек Индонезия. Айнан шу субминтақада улкан Осиё «технологик макони» шаклланмоқда.

Осиё янги индустриал мамлакатлари иқтисодий ривожланишининг стратегиялари аввало экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга асосланган. Шу боис, бу мамлакатлар пойафзал, кийим-кечак, тўқимачилик маҳсулотлари, маиший электрон аппаратура, шахсий компьютерлар, енгил автомобиллар ҳамда юксак технологияларга асосланган бошқа турдаги маҳсулотларни жаҳон бозорига етказиб берувчиларга айландилар.

Лотин Америкасида (Чили ва Мексика бундан мустасно) ишлаб чиқаришни модернизация қилиш жараёнлари секин кечмоқда (Аргентина, Бразилияда) ёки умуман модернизация қилинмаяпти. Бу эса экспортга чиқарилаётган товарларнинг етарлича рақобатбардош бўлмаслигига олиб келмоқда. Иқтисодиётдаги ислохотлар кўпинча ижтимоий соҳадан ажралган ҳолда, ислохотларга тизимли ёндашмаган ҳолда амалга оширилмоқда.

Африка геосиёсий, иқтисодий ва цивилизациявий жиҳатдан ўзаро анча фарқ қилувчи икки субминтақадан иборат. Булар: Саҳрои Кабирдан жанубда жойлашган ҳудуд ҳамда типологик жиҳатдан Яқин Шарққа ўхшаш бўлган Шимолий Африка. Минтақада сайёрамизнинг аксарият энг камбағал давлатлари жойлашган (минтақанинг 52 та мамлакатидан 32 таси «дунёнинг энг кам ривожланган мамлакатлари» гуруҳига киради), уларнинг аҳволи ниҳоятда оғирлигича қолмоқда. Африка охириги ўн йиллар ичида бойимаётган, балки камбағаллашаётган қитъага айланди.

Африка мамлакатлари иқтисодий ўсишининг характери ва суръатлари бир қатор тийиб турувчи омиллар таъсирида қолмоқда. Улар орасида давлат секторидаги ортиқча харажатларнинг салбий таъсири ҳамда ривожланмаган иқтисодий инфратузилма билан бир қаторда, ички сиёсий беқарорлик, давлатлараро низолар, ташқаридан келадиган молиявий ресурслар оқимининг камайиши, савдо шароитларининг ёмонлашуви, халқаро бозорлардан фойдаланишнинг қийинлашуви кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Африка мамлакатлари ҳали иқтисодий ривожланишининг турли моделларини санаб кўриш босқичидадир. Ушбу моделлар мулкни давлат тасарруфидан чиқариш, хўжалик фаолиятини либераллаштириш ва молиявий соҳани барқарорлаштиришга асосланган. Бунда улар сезиларлироқ натижаларга фақат хусусийлаштиришнинг

микдор кўрсаткичларида эришдилар. Бу, аслида, фақат мулкчилик шакли ўзгарганлигини англатади ва иқтисодиётда сифат ўзгаришларига олиб келиши аниқ эмас.

Африка мамлакатлари Ғарб тажрибаси билан чекланиб қолмасдан, Осиёнинг янги индустриал мамлакатлари тажрибасига ҳам муурожаат этмоқдалар. Мазкур янги индустриал мамлакатларда ҳукумат тузилмалари ҳамда фан-техника тараққиётининг тўғри танланган мезонлари иқтисодий ривожлантиришни тезлаштиришда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Африка мамлакатлари хорижга олиб чиқаётган хомашё нархларининг кескин ўзгариб туриши ноаниқлик ва жаҳон хомашё истеъмолчиларига борган сари кўпроқ боғлиқлик вазиятини юзага келтирмоқда. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиётни беқарорлаштиради.

«Осиё йўлбарслари» деб номланувчи давлатлар хомашёни қайта ишловчи саноатнинг ривожланиши бугунги жадал суръатлар билан кечса, тез орада улар ўз табиий ресурсларини тугатиши мумкин деган фикрни билдирмоқдалар. Уларнинг Африка бойликларига қизиқишлари минтақага инвестицияларнинг кўплаб киритилишига ҳамда экспортнинг кескин кўпайтирилишига олиб келиши мумкин. Бунинг натижасида Осиё капиталлари Африка қитъасининг иқтисодий ривожланишида янги давр очишга даъво қилади.

2. Интеграциянинг барқарорлик ва хавфсизлик кафолати эканлиги

Ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий алоқаларни шакллантиришда Ўзбекистон ўз мустақиллигининг дастлабки йилларидаёқ ишлаб чиқилган қуйидаги асосий тамойилларга амал қилмоқда:

биринчидан, ўзаро манфаатларни ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда давлат миллий манфаатларининг устунлиги;

иккинчидан, тенг ҳуқуқлилик ва ўзаро манфаатдорлик, бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик;

учинчидан, мафкуравий қарашлардан қатъи назар, ҳамкорлик учун очиклик, умуминсоний қадриятларга, тинчлик ва хавфсизликни сақлашга содиқлик;

тўртинчидан, халқаро ҳуқуқ нормаларининг давлат ички нормаларидан устуворлиги;

бешинчидан, ташқи алоқаларни икки томонлама, ҳам кўп томонлама келишувлар асосида ривожлантириш.

Биз ташқи алоқаларни халқаро муносабатларнинг турли йўналишлари бўйича муваффақиятли ривожлантиришни хавфсизлик ва барқарорликнинг кафолати деб биламиз. Ўзбекистон дунё учун очик. Биз ҳам дунёнинг Ўзбекистонга жуда катта қизиқиш билан қараётганлигини ҳис этмоқдамиз. Бу эса Ўзбекистоннинг барқарор ривожланиши учун энг яхши кафолатдир. Буни биз Ўзбекистон капитал сарфлаш нуқтаи назаридан ҳам, дунё миқёсидаги кенг қамровли хавфсизликнинг таркибий қисми сифатида минтақада барқарорликни таъминлаш нуқтаи назаридан ҳам борган сари эътиборга сазовор бўлиб бораётганлигининг далили деб биламиз¹. Шунингдек, давлатимиз раҳбарининг интеграциянинг беқиёс аҳамияти тўғрисидаги қуйидаги фикрларини келтиришни ўринли деб билдик: «XXI аср, шубҳасиз, халқаро муносабатларда бутун дунё қамраб олинадиган аср бўлади. Бундай шароитда интеграция жараёнини, халқаро институтлар ва ташкилотларда суверен давлатларнинг иштирок этишини кенгайтириш жараёнини фақат тарих тақозоси деб эмас, балки айрим минтақалар кўламида ҳам, шунингдек, умуман – бутун сайёрамиз кўламида ҳам собитқадамлик, барқарорликнинг қудратли омили деб ҳисобламоқ зарур.

Интеграция ҳақида гапирар эканмиз, манфаатлар бирикувининг хилма-хил механизмлари ва шакллари ҳамда интеграция турлари мавжудлигига асосланамиз. Бунга шерикчилик ва ҳамкорлик қилишга интилаётган мамлакатларнинг бошланғич шарт-шароитлари турличалиги сабабдир. Ўзбекистон бир вақтнинг ўзида турли даражаларда – дунё миқёсида ва минтақа кўламида – интеграция жараёнларида қатнашса-да, аммо бир муҳим қоидага: бир давлат билан яқинлашиш ҳисобига бошқасидан узоқлашмасликка амал қилади. Биз бир субъект билан шерикчиликнинг мустақамланиши бошқалар билан шерикчилик муносабатларининг заифлашувига олиб келишига қаршимиз. Шу сабабли Ўзбекистон-

¹ Қаранг: *Каримов И. А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари.* – Т.: «Ўзбекистон», 1997. – Б. 296–297.

нинг жаҳон ҳамжамиятидаги интеграциялашуви серқирра жа-
раёндин¹».

3. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти – жаҳон хўжалигининг таркибий қисми эканлиги. Экспорт ва импорт

Маълумки, халқаро савдо-сотиқ экспорт ва импорт шаклда амалга оширилади.

Экспорт – товарнинг хорижга чиқарилишини назарда тутувчи сотиш.

Импорт – товарнинг хориждан олиб кирилишини назарда тутувчи харид.

Савдо айланмаси – экспорт ва импорт ҳажмининг қийматда ифодаланадиган ҳажмлар суммаси.

Экспорт ўлчами товарга бўлган ортиқча таклиф билан, импорт ҳажми эса товарларга бўлган ортиқча талаб миқдори билан белгиланади.

Экспорт ва импортнинг нисбати ташқи савдо баланси ҳисобланади, у актив ва пассив ҳолда бўлади.

Экспорт импортдан кўп бўлганда, ташқи савдо баланси актив, импорт экспортдан кўп бўлганда, у пассив бўлади. Актив баланс ташқарига товарлар кўп сотилишини, пассив баланс эса улар ташқаридан кўпроқ харид этилишини англатади.

Иқтисодиётнинг экспорт салоҳияти икки омилга боғлиқ бўлади:

- 1) ишлаб чиқаришнинг ривожланганлик даражаси;
- 2) ишлаб чиқаришнинг халқаро меҳнат тақсимоотидаги иштироки ва ихтисослашув даражаси.

Экспорт ва импорт нархининг нисбатига бир қатор омиллар таъсир этади:

- 1) муайян товарларга ташқи бозордаги талаб ва шу товарларнинг таклиф этилиши;
- 2) товарларга мамлакат ичкарисидаги ва ташқарисидаги нархларнинг паст ёки баландлиги;
- 3) товарларнинг ташқи бозорларга етказиш харажатлари;
- 4) миллий валюта курсидаги ўзгаришлари;
- 5) давлатнинг ташқи савдога оид сиёсатининг қандайлиги.

¹ Ўша манба. – Б. 298–299.

Очиқ иқтисодиёт ривожланиши билан халқаро савдо-сотиқдаги товарлар таркиби ўзгариб туради. Агар XIX асрнинг иккинчи ярмидаги халқаро савдо-сотиқда хомашё, озиқ-овқат ва енгил саноат маҳсулотлари айирбошланган бўлса, XXI асрнинг бошига келиб илмий техникавий янгиликлар, технологик мураккаб маҳсулотлар, шунингдек ахборот технологиялари ва ахборотнинг ўзи сотила бошланди.

Ўзбекистоннинг жаҳон бозорида ўзига хос нуфузини таъминлашда халқаро меҳнат тақсимоти ва ихтисослашуви имкониятларидан самарали фойдаланиши, экспортга йўналтирилган ишлаб чиқаришни барпо этиш ва чуқур қайта ишланган саноат маҳсулотлари экспортини мустаҳкамлаш муҳим аҳамият касб этади. Шу боис, Президент Ислам Каримов: «Мамлакатнинг жаҳон хўжалиги алоқаларида, халқаро меҳнат тақсимотида кенг миқёсда иштирок этиши очиқ турдаги иқтисодиётни барпо этишнинг асосидир. Биз иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантириш тадбирларини изчиллик билан амалга ошироқдамиз. Бунда бозор иқтисодиёти – эркин иқтисодиёт эканлиги, у очиқ тусда бўлиб, яққаланиш ва биқиклик унга ёт эканлигидан иборат ҳақиқатга асосланиб иш тутмоқдамиз. Шу боис иқтисодиётимизнинг келажаги унинг жаҳон хўжалигига қўшилишига боғлиқдир»¹, – деб ташқи бозорнинг аҳамиятини таъкидлаб ўтган.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсиш суръатларини таъминлашга унинг жаҳон хўжалиги билан алоқаларининг ривожланиб бораётганлиги, экспорт салоҳияти кенгаётганлиги ва шу мақсадлар кўзда тутилиб белгиланаётган аниқ чора-тадбирлар асос бўлмоқда.

Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва ташқи иқтисодий алоқаларни эркинлаштириш мамлакатнинг XXI асрда ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Чунки миллий иқтисодиёт очиқлик даражасининг кенгайиши ишлаб чиқариш самарадорлигининг ортишига ва эркин рақобатнинг кучайишига, ички имкониятлар ҳисобига экспорт салоҳиятини оширишга имконият яратади.

Экспорт салоҳиятини ошириш барқарор валюта тушумларини таъминлашга ва жаҳон бозорида муносиб ўрин эгаллашга олиб келади. Шунинг учун республика экспорт салоҳиятини оширишда

¹ Каримов И. А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: «Ўзбекистон», 1999. – Б. 267.

ички ижтимоий-иқтисодий имкониятлардан ва нисбий афзалликка эга бўлган соҳалар маҳсулотларидан унумли фойдаланилмоқда.

Айни пайтда аҳоли даромадларининг аҳамиятли даражада ортиб бориши миллий иқтисодиётнинг барқарор суръатларда ривожланиши билан бирга ташқи савдо ва экспорт фаолиятининг самарадорлигини ҳам талаб этади.

Мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва экспорт тузилишини диверсификация қилиш орқали ташқи бозорларга чиқарилаётган товарлар ва хизматлар номенклатурасини кенгайтириш самарадорликни оширишга олиб келади. Чунки хорижий мамлакатларга сотилаётган маҳсулотлар таркибида алоҳида товарлар ёки хизматлар турларининг, хусусан, табиий ресурс ва хомашёлар салмоғининг ортиб кетиши, агар жаҳон бозорида бу маҳсулотларнинг нархи пасайиб кетса ёки уларга ташқи талаб камаядиган бўлса, мазкур вазиятларда экспортчи мамлакатлар оғир ва танг ҳолатларга дуч келиши мумкин. Миллий экспорт ҳажмининг қисқариши ва савдо шартларининг ёмонлашуви валюта тушумларининг камайишига, ташқи савдо балансининг беқарорлашувига ва экспортчи корхоналар молиявий аҳволининг танглашишига олиб келади.

Шунингдек, мамлакатнинг умумий экспорти ёки импортида кам сонли давлатлар улушининг катталиги, у мамлакат ташқи савдосининг ана шу санокли мамлакатлар иқтисодиётидаги ўзгаришларга боғлиқ бўлиб қолади. Шу боис ташқи савдо таркибини диверсификация қилишдан ташқари, унинг мамлакатлар географиясини ҳам кенгайтириш ва хилма-хиллаштириш зарур. Бу эса кўзда тутилган натижаларни қўлга киритишга, миллий хўжаликнинг ташқи бозордаги салбий ўзгаришларига таъсирчанлигини пасайтиради.

Ўзбекистонда ташқи савдо таркибини диверсификация қилиш ва мамлакатлар географиясини такомиллаштириш мақсадида олиб борилган чора-тадбирлар ўзининг самарали натижасини бермоқда. Республикаимизнинг ташқи савдоси ва экспорти ҳажми барқарор суръатларда ўсиб, таркиби изчил такомиллашиб бормоқда.

Бундай ютуқларга эришишда асос бўлган омиллар ҳақида Президент Ислон Каримов: «Бизнинг кейинги йилларда экспорт соҳасида қўлга киритган ютуқларимиз, аввало, мамлакатимиз иқтисодиётини тубдан таркибий ўзгартириш ва диверсификация қилиш, қисқа муддатда биз учун мутлақо янги, локомотив ролини бажарадиган тармоқларни барпо этиш, ишлаб чиқаришни

модернизация қилиш, техник ва технологик янгилаш дастурларини амалга ошириш, замонавий бозор инфратузилмасини шакллантириш борасида ўз вақтида бошланган, чуқур ўйланган ва узоқ истиқболга мўлжалланган ишларимизнинг натижасидир»¹, – деб таъкидлаган.

Мамлакатларнинг технологик жиҳатдан чуқур қайта ишланган ва тайёр рақобатдош товарлар экспортини жадаллаштириш ва бу маҳсулотлар етказиб берилаётган мамлакатлар географиясини изчил равишда кенгайтириб бориш унинг ташқи савдо ва экспорт ҳажмини барқарор ривожлантиришга, жаҳон бозоридаги салбий ўзгаришлар таъсири ва хавф-хатарлардан ҳимоялашга шароит яратади. Қолаверса, ташқи бозорларга таклиф қилинаётган товарлар таркибини диверсификациялаш, уларни харид қилувчи давлатлар географиясини кенгайтириш, бу мамлакатлардан бири ёки бир нечтасининг иқтисодиётида содир бўлган муаммолар туфайли экспорт ҳажми кескин камайиб кетишининг олдини олиш имкониятини таъминлайди.

Мамлакатимизда узоқ йиллардан бери ташқи савдони, хусусан, экспортни ривожлантириш ва экспорт қилувчи корхоналарни изчил қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилган чора-тадбирлар миллий иқтисодиётимизнинг экспорт салоҳиятини юксалтиришга, ташқи савдо таркибини чуқурлаштиришга ва унинг ҳажмини барқарор суръатларда ўстиришга асос бўлмоқда.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, самарали ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш аҳоли фаровонлигини оширишнинг ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Президент Ислом Каримов Ўзбекистон иқтисодиётининг жаҳон иқтисодиётига интеграциялашуви борасида қуйидаги вазифаларни белгилади: «Жаҳон иқтисодиётида вужудга келаётган тенденциялардан, шунингдек, мамлакатимизни келажакда иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш стратегиясидан келиб чиққан ҳолда, 2012 йилда ва ундан кейинги йилларда қуйидаги устувор вазифаларнинг амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади.

Биринчи даражали эътибор мамлакатимиз иқтисодиётининг рақобатдошлигини ошириш бўйича дастур тайёрлаш ва уни амалга оширишга қаратилиши зарур.

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишининг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 54–55.

Бу мақсаднинг долзарблиги ва аҳамияти аввало шу билан белгиланадики, биз ўрта муддатли истиқболда иқтисодиётимизни ривожланган демократик давлатлар даражасига олиб чиқишни ҳозирги босқичдаги бош стратегик вазифа сифатида ўз олдимизга қўйганмиз.

Ўз-ўзидан аёнки, рақобатдош иқтисодиётни шакллантирмасдан, пировард натижада эса рақобатдош мамлакатни барпо этмасдан туриб, биз қабул қилган «Мамлакатимизда демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»да кўзда тутилган мақсадли вазифаларни амалга оширмасдан туриб, бу ҳақда жиддий сўз юритиш мумкин эмас.

Бу вазифанинг ўртага қўйилиши, шунингдек, инқироз жараёнларининг чуқурлашуви, дунё миқёсида харид талабининг пасайиши ва шунга мувофиқ тарзда жаҳон бозорида хомашё, материаллар, айниқса, тайёр маҳсулотлар бўйича рақобатнинг йилдан-йилга кучайиб бораётгани билан ҳам боғлиқ, албатта. Бугунги кунда кўплаб ривожланган ва жаҳон иқтисодиётида етакчи ўрин тутадиган мамлакатлар тажрибаси шуни сўзсиз исботлаб бермоқдаки, рақобатдошликка эришиш ва дунё бозорларига чиқиш, биринчи навбатда иқтисодиётни изчил ислоҳ этиш, таркибий жиҳатдан ўзгартириш ва диверсификация қилишни чуқурлаштириш, юқори технологияларга асосланган янги корхона ва ишлаб чиқариш тармоқларининг жадал ривожланишини таъминлаш, фаолият кўрсатаётган қувватларни модернизация қилиш ва техник янгилаш жараёнларини тезлаштириш ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.

Ишлаб чиқариш ҳажмини кенгайтириш ва рақобатдош маҳсулотларнинг янги турларини ўзлаштириш бўйича қабул қилинган биринчи навбатдаги чора-тадбирлар дастурига мувофиқ, 2012–2016 йилларда ҳисоб-китоблар бўйича қиймати 6 миллиард 200 миллион доллар бўлган 270 дан зиёд инвестиция лойиҳасини, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича тармоқ дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда»¹. Ўзбекистоннинг ташқи савдо айланмаси мустақиллик йилларида такомиллашди. Уни қуйидаги жадвалларда кўриш мумкин.

1-жадвал

¹ Каримов И. А. 2012 йил Ватанимиз тараққиётини янги босқичга кўтарадиган йил бўлади. – Т.: «Ўзбекистон», 2012. – Б. 19–21.

**Ўзбекистон ташқи савдо айланмасининг ривожланиш
динамикаси (млн. АҚШ долл.)***

Йиллар	Жами ташқи савдо айланмаси	Шу жумладан	
		Экспорт ҳажми	Импорт ҳажми
2000	6212,1	3264,7	2947,4
2003	6689,2	3725,0	2964,2
2004	8669,0	4853,0	3816,0
2005	9500,1	5408,8	4091,3
2006	10785,7	6389,8	4395,9
2007	15719,6	8991,5	6728,1
2008	21197,3	11493,3	9704,0
2009	21209,6	11771,3	9438,3
2010	21844,2	13044,5	8799,7
2011	25537,1	15027,2	10509,9

* Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган.

Миллий иқтисодиётнинг рақобатдошлик салоҳияти унинг табиий ресурс имкониятига, ишчи кучининг миқдори ва сифатига, ишлаб чиқаришнинг замонавий асосда технологик жиҳатдан модернизация қилинишига, иқтисодиёт таркибий тузилишининг такомиллашув даражасига, давлатнинг иқтисодий ривожланиш ва ислохотлар стратегиясига таянади.

Мамлакатимизда ишлаб чиқарувчиларни ички ва ташқи бозорларда рақобатдошлигини ошириш, экспортни диверсификация қилиш ва унинг таркибий тузилишини такомиллаштириш борасидаги XIX асрнинг биринчи ўн йиллигида амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли экспортимизнинг товар таркибида муттасил ижобий силжиш жараёни рўй бермоқда. Хусусан, экспорт ҳажмида қайта ишланган ва илмталаб товарларнинг салмоғи жадал суръатларда ортиб бораётган бир даврда, пахта толасининг экспортдаги улуши изчиллик билан қисқариш тенденциясига эга.

Жумладан, умумий экспортда пахта толасининг салмоғи 2000 йилда 27,5 фоизни ташкил этган бўлса, 2009 йилда эса атиги 8,6 фоизга тенглиги ёки 3,2 баробарга пасайганлиги кузатилмоқда.

2-жадвал

**Ўзбекистон экспорти таркибининг такомиллашув
тенденцияси (фоизда)**

Йиллар	Пахта толаси	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кимё маҳсулотла- ри ва пластмасса буюмлар	Энергетика ва ёқилги маҳсулотлари	Рангли ва қора металлар	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар
1995	48,4	4,7	2,5	11,7	4,7	2,0	7,7	18,3
2000	27,5	5,4	2,9	10,3	6,6	3,4	13,7	30,2
2001	22	3,9	2,7	10,2	7,0	3,9	14,9	35,7
2002	22,4	3,5	3,0	8Д	6,4	3,9	15,9	36,8
2003	19,8	2,7	3,1	9,8	6,4	5,4	14,4	37,9
2004	18,1	3,8	4,7	12,4	8,6	7,9	11,8	33,2
2005	19,1	3,8	5,3	11,5	9,2	8,4	12,2	30,5
2006	17,2	7,9	5,6	13,4	12,9	10,1	12,1	21,1
2007	12,5	8,5	6,8	20,2	11,5	10,4	10,7	19,4
2008	9,2	4,4	5,6	25,2	7,0	7,5	10,4	30,7
2009	8,6	6,0	5,0	34,2	5,0	2,9	8,8	29,5
2010	11,3	9,7	5,1	24,8	6,8	5,5	9,1	27,7
2011								

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитасининг тегишли йиллар бўйича статистик тўпламлари асосида тузилган.

Мамлакатимиз иқтисодиётини барқарор ва мутаносиб ривожлантириш, самарали ишлаб чиқариш таркибий тузилмасини шакллантириш ва изчил иқтисодий ўсиш суръатларига эришиш аҳоли фаровонлигини оширишнинг ва тараққиётни таъминлашнинг муҳим асоси ҳисобланади.

Бу мақсадга эришиш учун эса барқарор импортни таъминлаш ва уни миллий иқтисодиётимизнинг шарт-шароитларидан келиб чиқиб мувофиқлаштириш талаб этилади. Республикамизда олиб борилган иқтисодий ислохотлар натижасида импорт таркиби мустақиллик йилларида чуқур такомиллашиб борди.

Мамлакатни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта қуроллантириш чора-тадбирларининг кенг кўламда амалга оширилиши натижасида умумий импорт ҳажмида машина ва ускуналар салмоғининг жадал суръатлар билан ўсишига асос бўлди.

Бугунги кунда республикамизнинг ташқи савдоси ва минтақа бозорларига кириб бориши барқарор ривожланиш билан бирга географик жиҳатдан ҳам жадал кенгайиб бормоқда ва унда шиддат билан ривожланиб бораётган Осиё қитъаси мамлакатлари бозорларининг улуши сезиларли даражадаги салмоққа эга бўлаётир. Шунинг учун давлатимиз раҳбари: «Таъкидлаш керакки, ташқи савдо муносабатларимиз географияси, аввало, ривожланиб бораётган Осиё қитъаси бозорлари билан савдо айланмасининг ўсиши ҳисобига сифат жиҳатидан ўзгармоқда»¹, – деб таъкидлаган.

Бу мамлакатимиз ташқи савдо алоқаларининг жаҳон иқтисодиёти ва савдосидаги ривожланиши билан мутаносиб равишда фаоллашиб бораётганидан далолат беради. Ҳозирги кунда Осиё қитъасидаги давлатларнинг жаҳон ишлаб чиқариши ва ташқи савдосидаги ўрни сезиларли даражада ривожланиб бораётганлиги амалда кўриняпти. Республикамиз ташқи савдо алоқаларининг географик таркиби анъанавий таснифга асосан МДҲ ва узоқ хориж мамлакатларидан иборат.

Ўзбекистоннинг МДҲ давлатлари билан ташқи савдо айланмаси 2009 йилда 2000 йилга нисбатан 3,7 мартага, шу давр ичида экспорт ҳажми 3,4 бараварга ва импорт ҳажми 4,0 бараварга ортган. Ўзбекистоннинг МДҲ мамлакатлари билан ташқи савдо алоқалари барқарор ривожланиб бормоқда ва бу ерда экспортда ҳам, импортда

¹ Каримов И. А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: «Ўзбекистон», 2009. – Б. 17.

хам асосий улуш Россия, Украина ва Қозоғистон давлатлари хиссасига тўғри келмоқда. Келтирилган жадвалда Ўзбекистон экспортида МДХ ва узоқ хориж мамлакатларининг салмоғи акс этган.

3- жадвал

Ўзбекистон импорти таркибининг такомиллашув тенденцияси (фоизда)

Йиллар	Озиқ-овқат маҳсулотлари	Кимё маҳсулотлари ва пластмасса буюмлар	Энергетика ва ёқилғи маҳсулотлари	Рангли ва қора металллар	Машина ва ускуналар	Хизматлар	Бошқа товарлар
1995	18,2	9,3	1,9	5,7	47,9	5,0	12,0
2000	12,3	13,6	3,8	8,6	35,4	8,5	17,8
2001	10,8	12,7	1,9	10,9	41,2	10,3	12,2
2002	12,5	15,1	1,3	8	41,4	10,6	11,1
2003	9,9	12,8	2,7	7,9	44,4	10,2	12,1
2004	6,8	12,5	2,1	10,3	46,0	11,1	11,2
2005	7,0	13,6	2,5	10,3	43,3	10,4	12,9
2006	8,1	15,0	4,3	10,4	40,3	9,1	12,8
2007	7,2	13,1	3,5	7,5	49,6	5,8	13,3
2008	8,1	13	2,1	6,8	53,3	5,7	11
2009	9	11,1	3,5	6,3	56,5	4,4	9,2
2010	10,9	14,3	6,0	8,4	44,1	4,7	11,6

Мамлакатимиз экспортида узоқ хориж давлатларининг улуши ҳам барқарор суръатларда ўсиб, мамлакатлар географияси тобора кенгаймоқда. Экспортимизда узоқ хориж давлатларидан Хитой, Швейцария, Туркия, Эрон, Германия, АҚШ каби жаҳондаги етакчи мамлакатлар салмоқли улушга эга бўлиб, бу мамлакатлар билан экспортимизнинг диверсификациялашув даражаси ҳам юқори савияда шаклланиб борапти.

Республикаимизда экспорт ва импортнинг товар ҳамда географик таркибини такомиллаштириш асосида маҳсулотларимизнинг рақобатдошлигини ошириш ва кучайтириш мақсадида қатор вазифаларнинг амалга оширилиши кўзда тутилаётир.

Экспортда хомашёларнинг салмоғи қисқартирилиб, замонавий технология асосида қайта ишланиб кўшилган қиймат даражаси

юқори бўлган тайёр маҳсулотлар нисбатини ошириш, ташқи савдога хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар фаолиятини такомиллаштириш, миллий иқтисодиётнинг тармоқ тузилишини таркибий жиҳатдан такомиллаштириш, ташқи бозорларга таклиф қилинаётган маҳсулотлар таннархини пасайтириш орқали уларнинг рақобатдошлигини кучайтириш, ишлаб чиқаришни янги техника ва технологиялар асосида қайта қуроллантириш йўли билан меҳнат унумдорлигини ошириш ва тайёрланаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон талабларига мослаштириш, янги турдаги товар ва хизматларни халқаро бозорларга олиб чиқишни таъминлаш устувор ва муҳим йўналиш ҳисобланади.

4-жадвал

Ўзбекистон экспортининг минтақалараро тақсимланиши

Йиллар	Жами экспорт млн. АҚШ доллари	Минтақаларнинг салмоғи, фоизда	
		Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги	Узоқ хориж мамлакатлари
2000	3264,7	36,0	64,0
2001	3170,4	35,0	65,0
2002	2988,4	28,0	72,0
2003	3725,0	26,0	74,0
2004	4853,0	31,0	69,0
2005	5408,8	32,0	68,0
2006	6389,8	42,0	58,0
2007	8991,5	47,5	52,5
2008	11493,3	35,0	65,0
2009	11771,3	34,0	66,0
2010	13044,5	45,0	55,0
2011			

Мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга нисбатан жаҳон бозорларидаги талабларни аниқлаштириш, шундан сўнг бундай бозорларга кенгроқ кириб бориш ва рақобатлашиш стратегиясини ишлаб чиқиш экспортга чиқарилаётган товарлар турини ва ташқи бозорлар географиясини кенгайтиришга самарали

таъсир кўрсатади. Хорижий давлатлар бозорларида миллий компанияларимиз маҳсулотларининг рақобатдошлигига эришиш учун экспортга товар таклиф қилаётган корхоналарга маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва реализация қилиш харажатларини камайтиришга, уларга жаҳон бозори конъюнктурасидаги ўзгаришлар ва истиқболли бозорлар, шунингдек, рақобатчилар ҳақида қилинган тадқиқотлар асосида ахборотлар бериш, ташқи савдо жараёнида иштирок этаётган транспорт-коммуникация тизимларини такомиллаштириш ва янги транспорт йўлакларини очиш орқали транспорт сарф-харажатларини камайтиришга кўмаклашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Бу борада амалга оширилаётган чора-тадбирларда тайёр маҳсулотларни янги ташқи бозорларга чиқариш, экспорт ҳажмини кескин ошириш, экспортга чиқарилаётган юкларни ташиш тизимини ва инфратузилмасини такомиллаштириш, ташқи бозорларга товар таклиф қилаётган миллий компанияларнинг маркетинг тадқиқотлари, молиявий ва ташкилий-ҳуқуқий жиҳатдан изчил қўллаб-қувватлаш муҳим аҳамият касб этади. Қисқа қилиб айтганда, мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятини ошириш ва таркибий тузилишини такомиллаштириш, умуман миллий ташқи савдо айланмасининг диверсификация қилиниши иқтисодиётимиз таркибида сифат ўзгаришларининг қўлга киритилиши, ишлаб чиқарувчиларнинг жаҳон бозорида рақобатбардошлигининг мустаҳкамланиши асосида иқтисодий юксалиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини янада ошириш мақсадларига хизмат қилади.

Республикамизнинг ташқи савдо айланмаси ва унинг таркибий тузилиши бозор муносабатлари ривожланиши билан чуқурлашиб бораётир. Айниқса, сўнгги йилларда экспорт таркибида бир томондан рақобатбардош ва чуқур қайта ишланган тайёр маҳсулот салмоғи барқарор ўсиб бораётган бўлса, иккинчи томондан эса хомашё ҳисобланган маҳсулотларнинг улуши изчил равишда камайиш тенденциясига эгаллиги яққол кўзга ташланмоқда. Мустақилликнинг дастлабки йилларида экспортда пахта толасининг салмоғи қарийб 50 фоизни ташкил этган бўлса, ҳозирги кунда 6 бараварга камайиб, 8 фоизни ташкил этмоқда. Бундай натижаларга миллий ташқи савдомиз географик йўналишининг кенгайиши ва биринчи галда барқарор ривожланиб бораётган Осиё қитъаси мамлакатлари бозорлари билан савдо алоқаларимизнинг изчил ўсиши асос бўлмоқда.

Мазкур тенденция миллий экспорт таркибида юқори қўшимча қийматга эга бўлган ва чуқур қайта ишланган рақобатдош тайёр маҳсулот ҳажмининг барқарор ошаётганлигини, иқтисодиётимизнинг изчил ривожланиб бораётган салоҳияти ва имкониятларини исботлайди. Жаҳонда ўта мураккаб бўлган молиявий-иқтисодий инқироз шароитида бундай ютуқ ва ўзгаришлар алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимиз экспорт салоҳиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган тадбирлар маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш жараёнлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Экспортга маҳсулот чиқарадиган корхоналарга айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 70 фоизидан ортиқ бўлмаган ставкаларда 12 ойгача бўлган муддатга имтиёзли кредитлар бериб, тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган ва хорижий инвестиция иштирокида ташкил этилган корхоналарни қўшимча қиймат солиғидан ташқари барча турдаги солиқ ва тўловлардан озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтирган эди. Шунингдек, банклар кредитлари бўйича тўлов муддати ўтган ва жорий қарзлар миқдорини қайта кўриб чиқиш, бюджетга тўланадиган тўловларнинг пенясида кечичдек муҳим имтиёзлар ва преференциялар кабилар яратилган шарт-шароитлардан дарак беради.

Бундан ташқари, экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва барқарор фаолиятини таъминлаш мақсадида тижорат банклари томонидан айланма маблағларини тўлдириши учун катта миқдорда имтиёзли кредитлар ажратилди. Етказиб берилган электр энергияси, табиий газ ва коммунал хизматларнинг қарзларини бюджетга тўлашни муайян муддатга кечиктирилганини таъкидлаш ўринли. Бу қулайликлар ва имтиёзлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маҳсулотни экспорт қилиш борасида рўй берган муваққат қийинчиликларга қарамасдан, экспорт қилувчи корхоналарда ишлаб чиқариш пасайишининг олдини олишга ва экспортнинг барқарор ўсиб боришига имконият яратди.

Маҳсулот экспорт қиладиган корхоналарни қўллаб-қувватлаш ташқи савдо балансининг муттасил ижобий сальдо билан яқунланишига, тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини мустаҳкамлашга олиб келди.

Таъкидлаш жоизки, миллий иқтисодиётни модернизация қилиш билан бирга, ташқи савдо таркибини такомиллаштириш ва

диверсификация қилиш жараёни умуман икки йўналишда амалга оширилади, улардан биринчиси, экспортга чиқарилаётган товарлар ва хизматлар таркибини замонавий маҳсулотлар билан тўлдириш ва кенгайтириш ҳисобига, иккинчиси эса, ташқи савдо жараёнида иштирок этаётган мамлакатлар тизимини ва географик таркибий тузилишини кенгайтириш асосида таъминланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 2011 йилнинг асосий яқунлари ва 2012 йилда Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида: «Жаҳондаги молиявий-иқтисодий инқироз чуқурлашиб бормоқда. Такрор айтаман, Ўзбекистон бундай салбий воқеалардан узоқ бўла олмайди. Нега деганда, мамлакатимиз иқтисодиёти жаҳон иқтисодиётининг узвий бир қисмига айланиб бормоқда. Бугун биз халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида дунё бозорига чиқиб, турли давлатлар билан самарали ҳамкорлик қилаётган эканмиз, ўз-ўзидан аёнки, жаҳондаги иқтисодий-молиявий ўзгаришлардан четда қололмаймиз. Бу ҳақиқатни ҳеч қачон эсимиздан чиқармаслигимизни истардим», – деб таъкидлайди.

Таянч тушунчалар:

Интеграция, халқаро иқтисодий интеграция, иқтисодий интеграция даражалари, ташқи савдо айланмаси, экспорт, импорт, ташқи иқтисодий фаолиятни либераллаштириш, ташқи иқтисодий сиёсат тамойиллари.

Савол ва топшириқлар:

1. Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ)нинг иқтисодий асосини нима ташкил этишини тушунтириб беринг.
2. ХИИга қандай омиллар хос?
3. ХИИнинг шарт-шароитлари ва мақсадлари нималардан иборатлигини гапириб беринг.
4. ХИИ даражалари қандай фарқланади?
5. Евросиё Иқтисодий Ҳамжамияти (ЕврАзЭС) қайси жиҳатлари билан ажралиб туради, унинг ривожланишидан кўзланган асосий мақсадлари қандай?
6. Халқаро иқтисодий ташкилотларнинг интеграциялашувдаги ўрнини тушунтиринг.

7. Ўзбекистоннинг экспорт салоҳияти нималардан иборат?
8. Халқаро иқтисодий алоқаларнинг олий шакли нима?
9. Интеграция нега барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш кафолати ҳисобланишини изоҳланг.
10. Ўзбекистон ташқи иқтисодий алоқаларининг асосий тамойилларини санаб ўтинг ва изоҳланг.
11. Нима учун Ўзбекистоннинг халқаро ташкилотлар фаолиятидаги иштироки интеграциялашув шарти ҳисобланади?
12. Иқтисодий интеграция нима учун ташқи фаолиятни эркинлаштиришнинг омили ҳисобланади?
13. Мамлакатимизда маҳсулот экспорт қилувчи корхоналарни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш борасида қандай амалий чоралар белгиланганини биласиз?
14. Мамлакатимизнинг экспорт салоҳиятига баҳо беринг.
15. Мамлакатимиз тўлов балансининг ишончлилиги ва иқтисодиётимиз барқарорлигини янада мустаҳкамлашда экспортнинг роли қандай?
16. Республикаимизда солиқ юкини енгиллаштириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?

Мавзунини чуқур ўрганиш инструментарииси

Халқаро иқтисодий интеграция (ХИИ) – мамлакатларнинг ишлаб чиқаришни байналминаллаштириш, яъни халқаро ишлаб чиқариш кооперацияси ва халқаро меҳнат тақсимоти асосида иқтисодий ҳамкорлик қилишидан иборат жараён.

Ташқи савдо сиёсати – ички бозорни ҳимоялашга, ташқи савдо ҳажмининг ўсишини рағбатлантиришга, унинг тузилишини ва товар оқимларининг йўналишларини мақбуллаштиришга қаратилган тадбирлар тизими.

Ташқи савдо сиёсати эркин, божсиз савдо даражаси ҳамда протекционизм (таниш-билишлик), яъни ўз бозорини импортдан ҳимоя қилиш даражаси билан ажралиб туради.

Ҳозирги ташқи савдо сиёсати ташқи савдо алмашувининг чекловлари сусайтирилгани, унинг йўлидаги тўсиқларни бартараф этишга интилиш, яъни савдони либераллаштириш билан ажралиб туради (савдонинг эркинлаштирилиши Иккинчи жаҳон уруши тугаганидан сўнг барча мамлакатларда кузатилган ниҳоятда кескин иқтисодий ўсишнинг асосий сабабларидан биридир).

Мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлиги деганда, товар ишлаб чиқаришининг бозорнинг сотиладиган товар ва хизматлар яратиш талабига жавоб бериш имконияти тушунилади.

Товарнинг рақобатбардошлиги деганда, унинг истеъмол ва нарх кўрсаткичларининг хорижий аналоглар билан қиёсланиши ва истеъмол талабини қондириш қобилияти тушунилади.

Жаҳон савдо ташкилоти – халқаро савдо тизимининг қонунчилик ва институционал асоси, товар ва хизматлар билан савдо қилиш соҳасидаги кўп томонлама келишув ва бошқарув, савдо низоларини ҳал қилиш ҳамда ташқи савдонинг стандарт ҳужжатларини ишлаб чиқиш механизмидир.

Жаҳон иқтисодиёти асосий соҳасини, яъни товар ва хизматлар савдосини Жаҳон савдо ташкилоти бошқаради. У 1995 йилда Тарифлар ва савдо бўйича бош келишув асосида ташкил қилинган. Мазкур келишув эса 1947 йилда имзоланган эди.

Жаҳон иқтисодиётидаги бошқарув мамлакатларнинг у ёки бу муаммони ҳал қилиш бўйича муайян халқаро механизмни яратиш, шартномаларни бузувчиларга нисбатан қўлланиладиган жазолар ҳақидаги қарорларни ихтиёрий қабул қилишларига асосланган ЖСТ доирасида савдо принциплари белгиланган бўлиб, уларга 130 дан ортиқ мамлакат рози бўлган.

Жаҳон савдо тизимининг энг муҳим принциплари қуйидагилар:

- 1) камситишларсиз савдо;
- 2) халқаро савдони эркинлаштириш, яъни савдодаги тўсиқларни бартараф этиш (тарифларни пасайтириш ва ҳоказо);
- 3) импортни чеклаш чораларини фақат ЖСТ қоидалари асосида қўллаш;
- 4) савдо сиёсатини олдиндан айтиш мумкинлиги;
- 5) рақобатга кўмаклашиш;
- 6) савдо стандартлари, қоидаларини жорий этиш ва ҳужжатларни бирхиллаштириш.

Хизматлар билан савдо қилиш бўйича бош келишув 1994 йилдан бошлаб халқаро хизматлар савдосини тартибга солувчи асосий халқаро ҳужжат ҳисобланади. Келишувда белгиланишича, хизматлар кўрсатиш орқали амалга ошириладиган халқаро савдо, товарлар савдоси каби ЖСТ принципларига мос келувчи энг кўп қулайликлар яратиш тартиби принципларига асосланиши керак.

Савдо эркинлиги давлатнинг ташқи савдога энг кам даражада аралашини билдиради.

Протекционизм – бу савдо сиёсатининг тарифли ва тарифсиз воситаларидан фойдаланиш орқали ички бозорни хорижий рақобатдан ҳимоя қилишга қаратилган давлат сиёсати.

Ташқи савдони тартибга солишнинг *тарифли усуллари* – бу тариф квоталари ва божларнинг белгиланиши (асосан импорт тартибга солинади). Бошқа барча усуллар – *тарифсиз*.

Бож тарифи – товарларнинг рўйхати ва улардан бож олишга асос бўладиган ставкалар тизими.

Бож – божхона органлари товарни импорт қилиш ёки экспорт қилиш чоғида ундирадиган ҳамда импорт ёки экспортнинг шарти ҳисобланадиган мажбурий бадал.

Божлар учта асосий функцияни бажаради:

- 1) фискал;
- 2) протекционистик;
- 3) мувозанатлаш (кўнгилсиз товарлар экспортининг олдини олиш учун).

Божларнинг қуйидаги турлари фарқланади:

1. Олиш (ундириш) усули бўйича:

1) адвалор – бунда бож ундириладиган товарлар божхона қийматига нисбатан фоизларда ҳисобланади;

2) ўзига хос божлар – бож ундириладиган товар бирлиги учун белгиланган миқдорда ҳисобланади;

3) аралаш – божларнинг адвалор ва ўзига хос турларининг уйғунлашуви (масалан, бож қийматининг 20 фоиз, аммо тоннасига 10 доллардан ортиқ эмас).

Адвалор божларнинг қўлланиши товарнинг бож қийматини субъектив баҳолаш билан боғлиқ бўлиб, бу ҳол суиистеъмолликларга имкон қолдиради. Ўзига хос божлар стандартлаштирилган товарлардан олинади ва устунликка эга, чунки муаммоли бошқариш учун оддийдир. Божлар даражаси товарлар нархига жуда боғлиқдир.

2. Бож олиш объекти бўйича:

- 1) импорт божлар;
- 2) экспорт божлар;
- 3) транзит божлар («савдо уруши»нинг воситаси сифатида фойдаланилади).

3. Характерига кўра:

1) **мавсумий** – амал қилиш муддати бир ойдан бир йилгача (бунда ушбу товарга белгиланган оддий тарифларнинг амал қилиши муддати тўхтатилади);

2) **аксилдемнинг божлар** – товарлар уларни экспорт қилаётган мамлакатдаги меъёрдаги баҳодан анча паст нархда олиб кирилаётганида, агар у бундай товарлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий корхоналарга иқтисодий зарар етказса ёки бундай товарларни мамлакатда ишлаб чиқаришни кенгайтиришга тўсқинлик қилинганда қўлланилади;

3) компенсацион божлар – ишлаб чиқаришда бевосита ёки билвосита равишда субсидиялардан фойдаланилган товарларни импорт қилишда уларга йўл қўйилади.

Квота – товар экспорти ёки импортини муайян сифат ёки муайян вақт оралиғидаги сумма билан чеклашнинг миқдорий чораси.

Лицензиялаштириш – бу давлат органлари томонидан ташқи иқтисодий фаолиятни амалга ошириш мақсадида товарни муайян муддат ичида белгиланган миқдорда экспорт ёки импорт қилиш учун бериладиган рухсатнома.

Экспортни ихтиёрий чеклаш – импортёрнинг сиёсий босими остида экспорт ҳажмини оширмаслик ёки чеклаш мажбуриятига асосланган миқдорий чеклов.

Мавзу юзасидан асосий хулосалар:

1. Халқаро меҳнат тақсимотининг чуқурлашуви ХХІ асрда турли мамлакатлар иқтисодиётини бир-бирига боғлиқ қилиб қўймоқда. Бир мамлакатда етишмай қолган ресурсларнинг ўрни бошқа мамлакатлардан олиб келинган ресурслар билан тўлдирилмоқда. Йирик илмий техника ва лойиҳалар биргаликда амалга оширилмоқда.

2. Глобаллашув шароитида мамлакатларо мунтазам иқтисодий алоқалар интеграцион жараёнларни фаоллаштирмоқда. Бугун интеграция иқтисодий яқинлашувдан бошланиб, иқтисодий бирлашув билан яқунланмоқда. Бунинг натижасида дунёда турли иқтисодий иттифоқлар пайдо бўлмоқда.

3. Интеграция мамлакатлар иқтисодий чегараларининг бир-бири учун очилиб, ягона иқтисодий макон ҳосил бўлишига шарт-шароит яратмоқда. Ушбу маконда иқтисодий ресурсларнинг чекловларсиз эркин ҳаракати юз бермоқда. Ягона умумий бозор вужудга келмоқда. Божхона тўловлари бекор қилинмоқда ёки энг кам даражага туширилмоқда. Экспорт ва импорт чекланишларга ҳам олиб келмоқда. Турли давлатларнинг ички ва ташқи сиёсатини мувофиқлаштирмоқда. Турли миллий пуллар ўрнига ягона пул бирлиги киритилмоқда.

4. Эркин савдо ҳудудлари, эркин иқтисодий ҳудудлар, умумий бозор, иқтисодиёт ва валюта иттифоқидаги каби иқтисодий интеграциянинг қуйи шаклидан олий шакли томон ривожланиши юз бермоқда. Бу мамлакатлар миллий иқтисодиётини жаҳон иқтисодиётининг ажралмас қисмига айлантирмоқда.

5. Бугунги глобаллашув иш кучи, капитал, хомашё, энергия омиллари, янги технологиялар оқимини дунё узра ёймоқда. Инновациялар умумбашарий миқёсда юз бермоқда. Бу, *бир томондан,*

иқтисодий ўсишни жадаллаштиради, *иккинчи томондан*, ўсишнинг нотекис боришини билдиради. Айрим ҳолларда интеграция оқибатлари зиддий ҳисобланади. Унинг ижобийлиги тараққиётни тезлатса, салбийлиги унинг ғоят нотекис боришига таъсир қилади. Дунё миқёсида турмуш даражаси ўсиб боргани ҳолда, қолоқ мамлакатларда аҳолининг катта қисми камбағалликда яшамоқда. Иқтисоди заиф мамлакатларда ишсизлик даражаси кучли бўлиб, кишилар иш ахтариб, ўз она юрти ва оилаларини ташлаб ўзга юртларга кетадилар. Саёқ ишчиларнинг сони кўпаяди, улар амалда ҳуқуқсиз бўлиб, яширин меҳнат фаолиятини олиб борадилар. Шу боис глобализация муқаррар бўлганида, унинг талаблари билан ҳисоблашиб, уларга мослашиб яшаш талаб қилинади.

М У Н Д А Р И Ж А

СЎЗБОШИ.....3

1-БЎЛИМ. ЖАМИЯТ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ УМУМИЙ АСОСЛАРИ

**1-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ ФАНИНИНГ
ПРЕДМЕТИ ВА ВАЗИФАЛАРИ**

1. Иқтисодиёт назарияси фанининг предмети ва методи.....	9
2. Иқтисодиёт назарияси фанининг методологияси.....	11
3. Иқтисодиёт назариясидаги асосий оқимлар.....	19
4. Иқтисодий категориялар ва қонунлар.....	27
5. Иқтисодиёт назарияси ва давлатнинг иқтисодий сиёсати.....	28

2-МАВЗУ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ТИЗИМЛАР ВА УЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1. Ижтимоий-иқтисодий тизимнинг моҳияти ва белгилари.....	45
2. Иқтисодий тизимда инсоннинг ўрни.....	49
3. Ижтимоий-иқтисодий тизимда ишлаб чиқаришни инсонпарварлаштириш.....	54

3- МАВЗУ. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ МУНОСАБАТЛАРИ ВА УЛАРГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

1. Ишлаб чиқариш муносабатларининг асосий шарти.....	63
2. Меҳнат унумдорлиги ва унга таъсир этувчи омиллар.....	72
3. Такрор ишлаб чиқаришнинг мамлакат миллий ривожланишида ўрни ва аҳамияти.....	76

4-МАВЗУ. МУЛКЧИЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

1. Мулкчиликнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмуни.....	85
2. Мулкчилик турли шакллариининг вужудга келиши.....	89
3. Мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг мақсади ва усуллари.....	105
4. Ўзбекистонда мулкдорлар синфининг шаклланиши ва унинг аҳамияти.....	112
5. Мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти ва миллий бойлиги.....	116

5- МАВЗУ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА УНИНГ ҚОНУН-ҚОИДАЛАРИ

1. Бозор иқтисодиёти ва унинг туб белгилари.....	132
2. Бозорнинг функциялари ва таркибий тузилиши.....	142
3. Бозор инфратузилмаси.....	150

6- МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОНДА БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ НАЗАРИЯСИ

1. Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига боришдаги ўз тараққиёт йўли.....	158
2. Бозор иқтисодиётига ўтиш концепцияси ва ислохотлар стратегияси.....	165

2-БЎЛИМ. МИКРОИҚТИСОДИЁТ

7-МАВЗУ. ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ТАШКИЛИЙ-ҲУҚУҚИЙ ШАКЛЛАРИ

1. Тадбиркорликнинг моҳияти, белгилари ва принциплари.....186
2. Тадбиркорлик тизими.....194
3. Ошкора ва яширин тадбиркорлик.....200
4. Давлатнинг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва химоя қилишда ички ишлар идоралари ходимларининг роли.....204

8- МАВЗУ. КОРХОНА (ФИРМА) ФАОЛИЯТИ ВА УНИНГ ИҚТИСОДИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ

1. «Корхона (фирма)» тушунчаси, белгилари, вазифалари ва функциялари.....221
2. Корхона (фирма)ни ташкил қилиш тамойиллари.....225
3. Миллий иқтисодиёт ривожланишида корхона (фирма)нинг ўрни ва роли.....229
4. Корхона (фирма) хавфсизлигини таъминлашнинг мақсади, вазифалари ва тамойиллари.....235
5. Корхона (фирма)нинг хавфсизлик хизмати, унинг тузилиши ва вазифалари.....238
6. Корхона (фирма)нинг тижорат сирлари ва химоя қилиш тартиби.....241

9-МАВЗУ. ТАЛАБ ВА ТАКЛИФ НАЗАРИЯСИ

1. Талабнинг иқтисодий моҳияти. Талабнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар.....248
2. «Таклиф» тушунчаси. Таклифнинг ўзгариб туришига таъсир этувчи омиллар.....252
3. Талаб ва таклиф қонуни ҳамда бозор мувозанати.....254

10- МАВЗУ. БОЗОР ТИЗИМИДА РАҚОБАТ

1. Рақобат ва унинг иқтисодий мазмуни.....267
2. Рақобат турлари.....272
3. Рақобат муҳити ва стратегияси.....274

11- МАВЗУ. МЕНЕЖМЕНТ ВА МАРКЕТИНГ АСОСЛАРИ

1. Менежмент фаолиятининг иқтисодий мазмуни, вазифалари.....294
2. Ўрта Осиёда менежментнинг назарий асослари ва тамойиллари.....302
3. Маркетингнинг моҳияти ва вазифалари.....307

III БЎЛИМ. МАКРОИҚТИСОДИЁТ

12-МАВЗУ. МАКРОИҚТИСОДИЙ БАРҚАРОРЛИК, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ ВА ИНВЕСТИЦИЯ СИЁСАТИ

1. «Макроиқтисодиёт» тушунчаси, унинг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари.....319
2. Макроиқтисодий мувозанат. Макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда иқтисодий ўсиш, инвестициянинг аҳамияти.....335
3. Иқтисодий ўсишнинг мазмуни, турлари ва кўрсаткичлари. Иқтисодий ўсишни таъминлашда инвестициянинг аҳамияти.....351
4. Макроиқтисодий беқарорлик ва иқтисодиётнинг циклиги. Иқтисодий инқирозлар.....371

13-МАВЗУ. ТОВАР-ПУЛ МУНОСАБАТЛАРИ ВА НАРХ СИЁСАТИ

1. Пул ва унинг вазифалари.....388
2. Инфляция, унинг моҳияти ва турлари.....394
3. Пулнинг қадрини мустаҳкамлашга қаратилган чора-тадбирлар.....397
4. Нархнинг иқтисодий мазмуни, вазифалари, турлари. Ўзбекистонда нархларни эркинлаштириш.....400

14-МАВЗУ. МОЛИЯ-КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ

1. Молиянинг моҳияти ва вазифалари.....408
2. Молиявий инқироз, унинг келиб чиқиш сабаблари, оқибатлари ва ундан чиқиш йўллари.....413
3. Молиявий хавфсизлик ва унинг аҳамияти.....425
4. Кредитнинг моҳияти. Кредитнинг мамлакат тараққиётидаги ўрни.....428
5. Давлат бюджети, унинг шаклланиши ва сарфланиши.....441

15-МАВЗУ. ДАВЛАТНИНГ СОЛИҚ СИЁСАТИ

1. Солиқларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий мазмуни ҳамда уларнинг зарурлиги, вазифалари.....470
2. Солиқ тизими ва амал қилишининг ҳуқуқий асослари.....475
3. Солиқларнинг бюджет шаклланишида аҳамияти ва давлатнинг фискал сиёсати.....487
4. Солиқ қонунчилиги бузилишининг ижтимоий-иқтисодий оқибатлари.....497
5. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг давлатнинг солиқ сиёсатини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилишда роли.....500

16-МАВЗУ. АГРАР СОҲАДАГИ ИҚТИСОДИЙ МУНОСАБАТЛАР

1. Қишлоқ хўжалигининг республика иқтисодиётидаги ўрни ва аҳамияти.....	515
2. Қишлоқ хўжалигида такрор ишлаб чиқаришнинг хусусиятлари.....	525
3. Қишлоқ хўжалигининг мамлакат озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни.....	535
4. Ўзбекистон агросаноат комплексининг моҳияти. Унинг мамлакат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашдаги ўрни.....	542

17-МАВЗУ. АҲОЛИ ДАРОМАДЛАРИ ВА ДАВЛАТНИНГ ИЖТИМОЙ СИЁСАТИ

1. Даромадларнинг иқтисодий мазмуни.....	551
2. Даромадлар тизими.....	554
3. Бозор ва нобозор даромадлар.....	556
4. Аҳоли даромадларининг табақаланиши ва ижтимоий чегараси.....	559
5. Турмуш даражаси ва уни белгиловчи омиллар.....	581

18-МАВЗУ. ИҚТИСОДИЁТНИ ТАРТИБГА СОЛИШДА ДАВЛАТНИНГ РОЛИ

1. Давлатнинг бозор иқтисодиёти шароитидаги функциялари.....	604
2. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари.....	613
3. Давлат иқтисодий сиёсатининг асосий йўналишлари.....	615

19-МАВЗУ. ХУФИЁНА ИҚТИСОДИЁТ: МОҲИЯТИ ВА КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ ВА БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

1. «Хуфиёна» иқтисодиёт тушунчаси ва тузилиши.....	623
2. Хуфиёна иқтисодиётнинг турлари.....	626
3. Хуфиёна иқтисодиёт оқибатларининг статистикаси.....	634
4. Коррупция – хуфиёна иқтисодиётнинг асосий кўриниши.....	643
5. Хуфиёна иқтисодиётга қарши курашда давлатнинг чора-тадбирлари.....	660

4-БЎЛИМ. ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ

20-МАВЗУ. ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИ ВА ГЛОБАЛЛАШУВ МУАММОЛАРИ

1. Ҳозирги жаҳон хўжалиги ва иқтисодиётининг моҳияти. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва хусусиятлари.....	668
2. Глобаллашувнинг моҳияти ва оқибатлари.....	677
3. Глобаллашув ва очиқ иқтисодиёт.....	686
4. Ўзбекистоннинг глобал муаммоларни ҳал қилишдаги иштироки.....	689

5. Халқаро ва миллий иқтисодий хавфсизлик, унинг вазифалари ва функциялари.....690

**21- МАВЗУ. ХАЛҚАРО САВДО. ХАЛҚАРО
ВАЛЮТА ВА КРЕДИТ МУНОСАБАТЛАРИ**

1. Жаҳон бозори ва халқаро савдонинг аҳамияти.....697
2. Жаҳон валюта бозори ва унинг асосий хусусиятлари.....710
3. Халқаро кредитнинг моҳияти ва функциялари.
Ташқи қарз масалалари.....720
4. Халқаро иқтисодий ташкилотлар.....730

**22-МАВЗУ. ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЖАҲОН ХЎЖАЛИГИГА
ИНТЕГРАЦИЯЛАШУВИ**

1. Халқаро интеграциянинг моҳияти, шарт-шароитлари ва даражалари.....737
2. Интеграциянинг барқарорлик ва хавфсизлик кафолати эканлиги.....751
3. Ўзбекистон миллий иқтисодиёти – жаҳон хўжалигининг таркибий қисми эканлиги. Экспорт ва импорт.....752

ҚОБИЛОВ Шариф Раҳимович,
иқтисод фанлари номзоди, доцент

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Дарслик

Муҳаррир М. С. Раҳмонова
Техник муҳаррир *Д. Х. Хамидуллаев*

Босишга рухсат этилди 26.03.2013. Нашриёт-ҳисоб табағи 45,0
Адади 50 нусха. Буюртма № . Келишилган нархда

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси,
1000197, Тошкент ш., Интизор кўчаси, 68.